ШАРҲ ВА ҲУЖЖАТЛАР НАМУНАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ

АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2013

УДК: 343.535(575.1)
КБК 67.404(85Ў)
Ў–44

Муаллифлар жамоаси

Отахонов Ф.Х. – юридик фанлари номзоди, ЎзР Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Халқаро тижорат арбитраж суди раиси (1-бўлим);

Таджиев И.И. – Олий хўжалик суди бош маслаҳатчиси (1 ва 4-бўлимлар);

Пулатов Б.У. – «PSB INDUSTRIAL Investments» МЧЖ директори ва бошқ. (3-бўлим);

Эргашева З.А. – «PSB INDUSTRIAL Investments» МЧЖ юристи (3-бўлим).

Муаллифлар жамоаси қуйидаги шахсларга ушбу қўлланмани тайёрлашда кўрсатган ёрдамлари учун ўз миннатдорчилигини билдиради:

Мацусима К. – Япон ҳуқуқи бўйича адвокат, методологик ва юридик ёрдам

Ибрагимов Б.А. – Тошкент давлат юридик институти «Хўжалик ҳуқуқи ва хўжалик процессуал ҳуқуқи» кафедраси ўқитувчиси (ҳуқуқий ва техник таҳрир)

Ушбу китоб Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ҳамкорлигида 2005–2007 йилларда амалга оширилган Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга шарҳ тузиш» илгариги лойиҳаси бўйича навбатдаги ҳамкорлик дастури доирасида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЛСА)нинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси молиявий кўмагида тайёрланди ва чоп этилди.

Ушбу нашр бепул тарқатиш учун мўлжалланган.

Ў–44 **Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонуни** / Ф.Х. Отахонов, И.И. Таджиев, Б.У. Пулатов, З.А. Эргашева. – Т.: «Sharq», 2013. – 928 б.

I. Отахонов Ф.Х.
II. Таджиев И.И.
III. Пулатов Б.У.
IV. Эргашева З.А.

ISBN 978-9943-00-944-8

УДК: 343.535(575.1)
КБК 67.404(5Ў)

ISBN 978-9943-00-944-8

© «Sharq» НМАК Бош таҳририяти, 2013.

МАЗКУР АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМАНИНГ МУАЛЛИФЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Отахонов Фозилжон Ҳайдарович

«Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига шарҳ» амалий қўлланмасининг биринчи нашри ҳаммуаллифларидан бири ҳисобланади (III боб). Ф. Х. Отахонов банкротлик соҳасида амалий тажрибага эга, шунингдек, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлиги ташкилотларида раҳбар лавозимларида ишлаган, хўжалик ҳуқуқи бўйича таҳсил берган ҳамда ҳуқуқ соҳасида бир қатор илмий ишларга эга.

Таджиев Ибрагим Исакович

И. И. Таджиев «Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига шарҳ» амалий қўлланмасининг биринчи нашри VIII боби муаллифи ҳисобланади. Олий хўжалик судида бир неча йиллар судья бўлиб ишлаган, мазкур амалий қўлланмани ҳужжатлар намуналари билан бойитиб, тайёрлаш ташаббускори ҳисобланади.

Пўлатов Баҳодир Ўткурович

Б. Ў. Пўлатов «Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига шарҳ» амалий қўлланмасининг биринчи нашри VI–VII боблари муаллифларидан бири ҳисобланади. У Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг суд бошқарувчилари фаолияти устидан назорат ва банкрот корхоналарни тугатиш ишлари бошқармасини бошқарган. Ҳозирги кунда банкрот корхоналарни қайта тиклаш соҳасида фаолият олиб бормоқда.

Эргашева Зухра Аблямитдиновна

З. А. Эргашева юрист-маслаҳатчи, жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд иш юритишлари бўйича амалий тажрибага эга. Ҳозирги кунда банкрот корхоналарни қайта тиклаш соҳасида фаолият олиб бормоқда.

Мацусима Киэ

Мацусима Киэ япон ҳуқуқи бўйича адвокат, банкротлик соҳасида амалий тажрибага эга, «Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига шарҳ» амалий қўлланмасининг биринчи нашрини яратишда JICAнинг узоқ муддатли эксперти сифатида иштирок этди.

Ибрагимов Бунёдбек Абдушарипович

Б. А. Ибрагимов хўжалик ҳуқуқи ва хўжалик процессуал ҳуқуқи соҳасидаги ёш мутахассис, Нагоя (Япония) Университетининг ҳуқуқ йўналиши бўйича Магистрлик дипломига эга, инглиз ва япон тилларида эркин иш юрита олади, Тошкент давлат юридик институти «Хўжалик ҳуқуқи ва хўжалик процессуал ҳуқуқи» кафедраси ўқитувчиси лавозимида ишлаган. Ҳозирги кунда «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларида суд ҳужжатларини назорат тартибида кўриб чиқишнинг назарий ва амалий муаммолари» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.

ҚЎЛЛАНМАДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган санани аниқлашни осонлаштириш мақсадида ўзгартиш киритилган моддалар матн сўнггида қавс ичида ва курсивда Қонунга ўзгартиш ва қўшимча киритилган рақам ва сана кўрсатилган *(масалан, Қонуннинг 3-моддаси 1-қисми, еттинчи бандидаги намунага қаралсин)*.

Қонун моддалари шарҳи матнининг охирида банкротлик бўйича ишларда иштирок этувчи шахслар томонидан судга тақдим қилинадиган ҳужжатлар, суд бошқарувчиси томонидан тузилган ҳужжатлар, шунингдек, суд ҳужатларининг кетма-кетлиги баён қилиниб, қайд этилган мазкур ҳужжатлар намуналари келтирилган тегишли бетлар кўрсатиб қўйилади (*масалан, Қонуннинг 7-моддаси шарҳига қаранг*).

Агар Қонуннинг тегишли моддаси мазкур Қонуннинг аввалги моддалари шарҳида тузилган намуна ҳужжатлари билан бир хил бўлган ҳужжатларни тузишни назарда тутса, у ҳолда такрорлашни олдини олиш мақсадида мазкур ҳужжат бўйича намуналар тақдим қилинмайди, балки мазкур ҳужжат намунаси келтирилган аввалги шарҳига илова қилинади (*масалан, Қонуннинг 8-моддаси шарҳига қаранг*).

Қўлланмада келтирилган намуналардан фойдаланиб, ҳужжатлар тузишда қуйидагилар ўзгартирилади:

– «*Н. вилоят хўжалик суди*» сўзини ҳужжат тақдим қилаётган ёки қабул қилинаётган суд номи билан ўзгартириш;

– намуна ҳужжатларида келтирилган қарздор, кредитор ёки банкротлик ишларида иштирок этувчи бошқа шахслар номини ҳақиқатдан хўжалик судида кўриб чиқилаётган иш бўйича иштирок этадиган тегишли қарздор, кредитор ёки бошқа шахслар номи билан ўзгартириш;

– у ёки бу намуна ҳужжатларида келтирилган ҳолатлар (асослар), шунингдек, намуна ҳужжатларидаги рақамлар ва саналарни мазкур ҳужжатлар тақдим этиладиган ҳақиқий ҳолатлар (асослар), рақам ва саналар билан ўзгартириш;

– у ёки бу намуна ҳужжатларида келтирилган ҳолатлар (асослар), шунингдек, намуна ҳужжатларидаги рақамлар ва саналарни мазкур ҳужжатлар тақдим этиладиган ҳақиқий ҳолатлар (асослар), рақам ва саналар билан ўзгартириш.

ҚЎЛЛАНИЛГАН ҚИСҚАРТМАЛАР

АЖ	– Акциядорлик жамияти
Антимонопол қўмита, Банкротлик ишлари бўйича давлат органи	– Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси
АТБ	– Акциядорлик тижорат банки
ДСИ	– Давлат солиқ инспекцияси
ЁАЖ	– Ёпиқ акциядорлик жамияти
ЖК	– Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
Қонун	– Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни
МБ	– Марказий банк
МЖТК	– Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс
МЧЖ	– Масъулияти чекланган жамият
ОАЖ	– Очиқ акциядорлик жамияти
ОХС Пленумининг 2006. 01. 27 январдаги 142-сонли қарори	– Олий хўжалик судининг 2006 йил 27 январдаги 142 -сонли «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги Пленум қарори
ФК	– Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси
ФПК	– Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси
ХК	– Хусусий корхона
ХПК	– Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси
ЯТТ	– Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахс, фуқаро
ҚК	– Қўшма корхона

ҚИСҚАЧА МУНДАРИЖА

ҚИСҚАЧА МУНДАРИЖА 7
МУНДАРИЖА 9
КИРИШ 33

1-Б ў л и м . «Банкротлик тўғрисида»ги қонунга (моддама-модда) шарҳ 35

I боб. Умумий қоидалар 35
II боб. Судгача санация қилиш 77
III боб. Банкротлик тўғрисидаги ишларни хўжалик судида кўриш 83
IV боб. Кузатув 131
V боб. Суд санацияси 152
VI боб. Ташқи бошқарув 183
VII боб. Тугатишга доир иш юритиш 243
VIII боб. Келишув битими 273
IX боб. Қарздор юридик шахслар айрим тоифалари банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари 289
X боб. Якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги 312
XI боб. Банкротликнинг соддалаштирилган таомиллари 326
XII боб. Якунловчи қоидалар 332

2-Б ў л и м . Судда иштирок этувчи шахслар томонидан суд ва суд бошқарувчисига тақдим қилинадиган ҳужжатлар намуналари 335

I боб. Умумий қоидалар 335
III боб. Банкротлик тўғрисидаги ишларни хўжалик судида кўриш 358
IV боб. Кузатув 382
V боб. Суд санацияси 388
VI боб. Ташқи бошқарув 410
VII боб. Тугатишга доир иш юритиш 442
VIII боб. Келишув битими 449
IX боб. Қарздор юридик шахслар айрим тоифалари банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари 452
X боб. Якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги 461
XI боб. Банкротликнинг соддалаштирилган таомиллари 469

3-Б ў л и м . Суд бошқарувчиси томонидан банкротлик тўғрисидаги иш доирасида тузиладиган ҳужжатлар намуналари 475

I боб. Умумий қоидалар 475
III боб. Хўжалик судида банкротлик тўғрисидаги ишнинг кўриб чиқилиши 495

IV боб. Кузатув..... 497
V боб. Суд санацияси..... 517
VI боб. Ташқи бошқарув..... 525
VII боб. Тугатишга доир иш юритиш..... 570
VIII боб. Келишув битими..... 596
IX боб. Қарздор юридик шаҳслар айрим тоифалари банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари..... 598

4-Б ў л и м . Суд ҳужжатлари намуналари..... 601

I боб. Умумий қоидалар..... 601
III боб. Банкротлик тўғрисидаги ишларни хўжалик судида кўриш..... 614
IV боб. Кузатув..... 701
V боб. Суд санацияси..... 719
VI боб. Ташқи бошқарув..... 762
VII боб. Тугатишга доир иш юритиш..... 808
VIII боб. Келишув битими..... 823
IX боб. Қарздор юридик шахслар айрим тоифалари банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари..... 848
X боб. Якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги..... 867
XI боб. Банкротликнинг соддалаштирилган таомиллари..... 895

СХЕМАЛАР..... 908

БАНКРОТЛИККА ОИД НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ: 922

МУНДАРИЖА

ҚИСҚАЧА МУНДАРИЖА 7
МУНДАРИЖА 9
КИРИШ 33

1 БЎЛИМ. «БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНГА (МОДДАМА-МОДДА) ШАРҲ ... 35

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР 35

1-*модда*. Ушбу Қонуннинг мақсади 35
2-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари 35
3-*модда*. Асосий тушунчалар 37
4-*модда*. Банкротлик аломатлари 39
5-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш 39
6-*модда*. Хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи 41
7-*модда*. Қарздорнинг хўжалик судига мурожаат этиши асослари 42
8-*модда*. Қарздорнинг, тугатиш комиссиясининг ёки тугатувчининг хўжалик судига ариза бериш мажбурияти 43
9-*модда*. Қарздорнинг аризасини хўжалик судига бериш мажбуриятини бажармаганлик учун қарздор раҳбарининг, тугатиш комиссияси аъзоларининг ёки тугатувчининг жавобгарлиги 45
10-*модда*. Кредиторлар йиғилиши 46
11-*модда*. Кредиторлар йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабардор этиш 50
12-*модда*. Кредиторлар йиғилишини чақириш тартиби 52
13-*модда*. Кредиторлар йиғилишининг қарор қабул қилиш тартиби 54
14-*модда*. Кредиторларнинг талаблари реестри 56
15-*модда*. Кредиторлар қўмитаси 59
16-*модда*. Кредиторлар қўмитасини сайлаш 61
17-*модда*. Манфаатдор шахслар 61
18-*модда*. Суд бошқарувчилари 62
19-*модда*. Суд бошқарувчисининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари 63
20-*модда*. Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари 65
21-*модда*. Суд бошқарувчисининг жавобгарлиги 66
22-*модда*. Суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш 67
23-*модда*. Банкротлик соҳасини давлат томонидан тартибга солиш 68
24-*модда*. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг банкротлик соҳасидаги ваколатлари 69
25-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ваколатлари 70
26-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари ваколатлари 71
27-*модда*. Корхоналарнинг иқтисодий қодирлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш мажбурияти 73
28-*модда*. Банкротлик таомиллари 73
29-*модда*. Суддан ташқари бажариладиган таомиллар 76

II БОБ. СУДГАЧА САНАЦИЯ ҚИЛИШ..... 77

30-*модда*. Судгача санация қилиш асоси..... 77
31-*модда*. Судгача санация қилишнинг объекти ва субъектлари..... 78
32-*модда*. Судгача санация қилишнинг асосий чора-тадбирлари..... 79
33-*модда*. Судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш муддати..... 81
34-*модда*. Давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилишни бекор қилиш..... 82

III БОБ. БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ХЎЖАЛИК СУДИДА КЎРИШ..... 83

35-*модда*. Банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш асослари..... 83
36-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар..... 84
37-*модда*. Қарздорнинг аризаси..... 87
38-*модда*. Қарздорнинг аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар..... 89
39-*модда*. Кредиторнинг аризаси..... 90
40-*модда*. Кредиторлар талабларини бирлаштириш..... 91
41-*модда*. Кредиторнинг аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар..... 92
42-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси..... 93
43-*модда*. Давлат солиқ хизмати органининг ва бошқа ваколатли органнинг аризаси.. 94
44-*модда*. Прокурорнинг аризаси..... 96
45-*модда*. Банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш..... 97
46-*модда*. Кредиторларнинг талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар..... 102
47-*модда*. Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза юзасидан қарздорнинг ёзма фикри..... 104
48-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш..... 106
49-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш муддати..... 109
50-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд ҳужжатлари..... 110
51-*модда*. Қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор..... 112
52-*модда*. Хўжалик суди томонидан чиқарилган суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш..... 114
53-*модда*. Банкротлик таомиллари жараёни ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш..... 116
54-*модда*. Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарори..... 118
55-*модда*. Қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш оқибатлари..... 120
56-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш асослари..... 120
57-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш..... 123
58-*модда*. Суд харажатларини ва суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш харажатларини тақсимлаш..... 124
59-*модда*. Аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш..... 125
60-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги ишда келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди чиқарган ажримларни қайта кўриш юзасидан иш юритиш..... 128
61-*модда*. Устав фондида давлат улуши бўлган корхонанинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари..... 129

IV БОБ. КУЗАТУВ..... 131

62-*модда*. Кузатувни жорий этиш..... 131
63-*модда*. Кузатувни жорий этиш оқибатлари..... 132

64-*модда*. Кузатув жараёнида қарздор ваколатларининг чекланиши..... 133
65-*модда*. Муваққат бошқарувчини тайинлаш..... 135
66-*модда*. Муваққат бошқарувчининг ҳуқуқлари..... 137
67-*модда*. Муваққат бошқарувчининг мажбуриятлари..... 139
68-*модда*. Кузатувни жорий этиш ҳақида хабар қилиш..... 140
69-*модда*. Қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиш..... 141
70-*модда*. Кредиторлар талабларининг миқдорини белгилаш..... 143
71-*модда*. Кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақириш..... 145
72-*модда*. Кредиторларнинг биринчи йиғилишида кўриладиган масалалар..... 147
73-*модда*. Кредиторлар биринчи йиғилишининг суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарори..... 148
74-*модда*. Кредиторлар биринчи йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарори..... 149
75-*модда*. Кузатувни тугатиш..... 150

V БОБ. СУД САНАЦИЯСИ..... 152

76-*модда*. Суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимоснома..... 152
77-*модда*. Қарздорнинг мажбуриятларни қарзни узиш жадвалига мувофиқ бажаришини таъминлаш..... 154
78-*модда*. Суд санациясини жорий этиш тартиби..... 157
79-*модда*. Суд санациясини жорий этиш оқибатлари..... 159
80-*модда*. Санация қилувчи бошқарувчи..... 163
81-*модда*. Санация қилувчи бошқарувчининг ҳуқуқлари..... 166
82-*модда*. Санация қилувчи бошқарувчининг мажбуриятлари..... 167
83-*модда*. Суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвали..... 167
84-*модда*. Қарзни узиш жадвалига ўзгартишлар киритиш..... 169
85-*модда*. Суд санациясининг муддатидан илгари тамомланиши..... 170
86-*модда*. Суд санациясини муддатидан илгари тугатиш..... 173
87-*модда*. Суд санациясининг тамомланиши..... 175
88-*модда*. Мажбуриятларнинг таъминот берган шахслар томонидан бажарилиши..... 178
89-*модда*. Таъминотдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш якунлари тўғрисидаги ҳисобот..... 180
90-*модда*. Таъминот берган шахсларнинг мажбуриятларни бажармаслиги оқибатлари 182

VI БОБ. ТАШҚИ БОШҚАРУВ..... 183

91-*модда*. Ташқи бошқарувни жорий этиш тартиби..... 183
92-*модда*. Ташқи бошқарувни жорий этиш оқибатлари..... 185
93-*модда*. Кредиторларнинг талабларини қондиришга нисбатан мораторий..... 186
94-*модда*. Ташқи бошқарувчиликка номзод тақдим этиш тартиби..... 189
95-*модда*. Ташқи бошқарувчини тайинлаш..... 189
96-*модда*. Ташқи бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод этиш..... 190
97-*модда*. Ташқи бошқарувчининг ҳуқуқлари..... 192
98-*модда*. Ташқи бошқарувчининг мажбуриятлари..... 193
99-*модда*. Кредиторларнинг талаблари..... 194
100-*модда*. Кредиторларнинг эътирозларини кўриб чиқиш 195
101-*модда*. Қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этиш..... 197
102-*модда*. Қарздорнинг шартномаларини бажаришдан бош тортиш..... 199
103-*модда*. Қарздор тузган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги..... 200

104-*модда*. Қарздорнинг ташқи бошқарув жараёнида юзага келган пул мажбуриятлари..... 203
105-*модда*. Қарздор харажатларининг тартибга солиниши..... 204
106-*модда*. Ташқи бошқарув режаси..... 205
107-*модда*. Ташқи бошқарув режасини кўриб чиқиш..... 207
108-*модда*. Ташқи бошқарув муддатини узайтириш..... 210
109-*модда*. Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш чора-тадбирлари..... 211
110-*модда*. Қарздорнинг корхонасини (бизнесини) сотиш..... 212
111-*модда*. Қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш..... 219
112-*модда*. Қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш..... 222
113-*модда*. Қарздор мажбуриятларининг қарздор мол-мулкининг эгаси ёки учинчи шахс томонидан бажарилиши..... 223
114-*модда*. Қарздорнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш..... 224
115-*модда*. Қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш..... 227
116-*модда*. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботи..... 232
117-*модда*. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш..... 233
118-*модда*. Ташқи бошқарувчи ҳисоботининг хўжалик суди томонидан тасдиқланиши..... 234
119-*модда*. Кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш тўғрисида ажрим чиқариш оқибатлари..... 237
120-*модда*. Муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш тўғрисида ажрим чиқариш оқибатлари..... 238
121-*модда*. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар..... 240
122-*модда*. Кредиторлар талабларининг қаноатлантирилиши..... 240
123-*модда*. Ташқи бошқарувчининг ваколатларини тугатиш тартиби..... 241

VII БОБ. ТУГАТИШГА ДОИР ИШ ЮРИТИШ..... 243

124-*модда*. Тугатишга доир иш юритишни бошлаш..... 243
125-*модда*. Тугатишга доир иш юритишни бошлаш оқибатлари..... 244
126-*модда*. Тугатиш бошқарувчиси..... 246
127-*модда*. Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш..... 246
128-*модда*. Тугатиш бошқарувчисининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари..... 247
129-*модда*. Банкрот юридик шахсни тугатиш режаси..... 249
130-*модда*. Тугатиш массаси..... 250
131-*модда*. Қарздорнинг мол-мулкини баҳолаш..... 251
132-*модда*. Тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг ҳисобварақлари..... 252
133-*модда*. Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қондириш..... 253
134-*модда*. Кредиторларнинг талабларини қондириш навбати..... 254
135-*модда*. Қарздорнинг мол-мулкини сотиш..... 256
136-*модда*. Тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини сотиш..... 259
137-*модда*. Тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш..... 259
138-*модда*. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар..... 260
139-*модда*. Тугатиш бошқарувчисининг фаолиятини назорат қилиш..... 262
140-*модда*. Тугатиш бошқарувчисини вазифасини бажаришдан озод этиш..... 264
141-*модда*. Ташқи бошқарувга ўтиш имконияти..... 265
142-*модда*. Тугатиш бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари ҳақидаги ҳисоботи..... 267

142[1]-*модда*. Мажбурий тўловлар ва молиявий санкциялар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган қарздорнинг реализация қилинмаган мол-мулки..... 267
143-*модда*. Қарздорнинг кредиторлар талаблари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулки..... 269
144-*модда*. Тугатишга доир иш юритиш таомилини тамомлаш..... 271

VIII БОБ. КЕЛИШУВ БИТИМИ..... 273

145-*модда*. Келишув битими тузиш тартиби..... 273
146-*модда*. Банкротлик таомилларида келишув битимини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари..... 276
147-*модда*. Келишув битимининг шакли..... 277
148-*модда*. Келишув битимининг мазмуни..... 278
149-*модда*. Келишув битимини хўжалик суди томонидан тасдиқлаш шартлари..... 280
150-*модда*. Келишув битимини хўжалик суди томонидан тасдиқлаш оқибатлари..... 281
151-*модда*. Келишув битимини тасдиқлашнинг хўжалик суди томонидан рад этилиши..... 282
152-*модда*. Келишув битимини тасдиқлашнинг рад этилиши оқибатлари..... 283
153-*модда*. Келишув битимининг ҳақиқий эмаслиги..... 283
154-*модда*. Келишув битимини ҳақиқий эмас деб топишнинг оқибатлари..... 285
155-*модда*. Келишув битимини бажармаслик оқибатлари..... 288

IX БОБ. ҚАРЗДОР ЮРИДИК ШАХСЛАР АЙРИМ ТОИФАЛАРИ БАНКРОТЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ..... 289

1-§. Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона банкротлиги..... 289
156-*модда*. Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари..... 289
157-*модда*. Шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқаруви..... 291
158-*модда*. Ташқи бошқарув муддатини узайтириш..... 293
159-*модда*. Шаҳарни ташкил этувчи қарздор корхонани ҳамда унга тенглаштирилган қарздор корхонани сотиш шартлари..... 295
160-*модда*. Шаҳарни ташкил этувчи банкрот деб топилган қарздор корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган банкрот деб топилган қарздор корхонанинг мол-мулкини сотиш..... 298
2-§. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банкротлиги..... 300
161-*модда*. Қишлоқ хўжалиги корхоналари банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари 300
162-*модда*. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида кузатув..... 300
163-*модда*. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мол-мулкини ва мулкий ҳуқуқларини сотишнинг (улардан ўзганинг фойдасига воз кечишнинг) ўзига хос хусусиятлари..... 302
3-§. Банкларнинг банкротлиги..... 303
164-*модда*. Банкни банкрот деб топиш асоси..... 303
165-*модда*. Банкнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари..... 304
4-§. Суғурталовчининг банкротлиги..... 304
166-*модда*. Суғурталовчининг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш..... 304
167-*модда*. Суғурталовчининг мулкий мажмуасини сотиш..... 305

168-*модда*. Суғурталовчи банкрот бўлган тақдирда суғурта қилдирувчиларнинг (наф олувчиларнинг) талаб қилиш ҳуқуқи 306
169-*модда*. Суғурталовчининг кредиторлари талабларини қондириш..... 307
5-§. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг банкротлиги..... 307
170-*модда*. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари..... 307
171-*модда*. Суд бошқарувчиларига қўйиладиган талаблар..... 309
172-модда. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг битимлар тузишига доир чекловлар..... 309
173-*модда*. Кузатув, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари..... 310

X БОБ. ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРНИНГ БАНКРОТЛИГИ..... 312

174-*модда*. Якка тартибдаги тадбиркор банкротлигининг тартибга солиниши..... 312
175-*модда*. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза..... 313
176-*модда*. Қарзларни узиш режаси..... 314
177-*модда*. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг тугатиш массасига кирмайдиган мол-мулки..... 316
178-*модда*. Қарздор якка тартибдаги тадбиркор битимларининг ҳақиқий эмаслиги..... 317
179-*модда*. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни хўжалик судида кўриш..... 318
180-*модда*. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топишнинг оқибатлари..... 320
181-*модда*. Хўжалик судининг қарорини бажариш..... 322
182-*модда*. Кредиторларнинг талабларини кўриб чиқиш..... 323
183-*модда*. Кредиторларнинг талабларини қондириш тартиби..... 323
184-*модда*. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни мажбуриятлардан озод қилиш..... 324

XI БОБ. БАНКРОТЛИКНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАОМИЛЛАРИ..... 326

1-§. Тугатилаётган юридик шахс банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари..... 326
185-*модда*. Тугатилаётган юридик шахснинг банкротлиги..... 326
186-*модда*. Тугатилаётган юридик шахснинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари..... 327
187-*модда*. Юридик шахсни банкротлик тартибида тугатишни рад этиш оқибатлари... 327
2-§. Ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги..... 328
188-*модда*. Ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза беришнинг ўзига хос хусусиятлари..... 328
189-*модда*. Ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш 329

XII БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР..... 332

190-*модда*. Банкротликка олиб келган ғайриқонуний ҳаракатлар..... 332
191-*модда*. Низоларни ҳал қилиш..... 332
192-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик..... 333

2-БЎЛИМ. СУДДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН СУД ВА СУД БОШҚАРУВЧИСИГА ТАҚДИМ ҚИЛИНАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР НАМУНАЛАРИ.... 335

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР..... 335

Қонуннинг 7-моддаси шарҳига иловалар..... 335

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси..... 335

Қонуннинг 8-моддаси шарҳига иловалар..... 338

Бир ёки бир неча кредиторларнинг талабларини қондириш қарздорнинг бошқа кредиторлар олдидаги пул мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажаришини имконсиз ҳолга келтириши асоси бўйича қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси..... 338

Қарздор унитар корхона мол мулкининг эгаси ваколат берган орган томонидан қабул қилинган қарздорнинг аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарор асосида қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси..... 340

Ундирув қарздорнинг мол-мулкига қаратилганда, бундай ундирув қарздорнинг хўжалик фаолиятини имконсиз қилиб қўяди деб ҳисоблашга асослар бўлган ҳолатдаги қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси... 342

Юридик шахс тугатилаётганда кредиторларнинг талабларини тўлиқ ҳажмда қондириш имконсизлиги аниқланганлиги сабабли тугатиш комиссияси (тугатувчи) нинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси..... 344

Қонуннинг 12-моддаси шарҳига иловалар..... 346

Кредиторлар йиғилишини чақириш тўғрисидаги кредиторлар қўмитасининг талаби... 346

Кредиторлар йиғилишини чақириш тўғрисида кредиторнинг талаби..... 347

Қонуннинг 13-моддаси шарҳига иловалар..... 348

Кредиторлар йиғилишининг қарори устидан кредиторнинг шикояти..... 348

Қонуннинг 14-моддаси шарҳига иловалар..... 350

Кредиторнинг талабномаси..... 350

Ўзи тўғрисидаги маълумотлар ўзгарганлиги ҳақида кредитор ахбороти..... 351

Кредиторлар талаблари реестридан кўчирма бериш тўғрисидаги кредиторнинг талабномаси..... 352

Қонуннинг 19-моддаси шарҳига иловалар..... 353

Ўз вазифасини бажаришдан муддатидан олдин озод қилиш тўғрисидаги суд бошқарувчисининг аризаси..... 353

Қонуннинг 25-моддаси шарҳига иловалар..... 354

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг суд бошқарувчисини вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисида аризаси..... 354

Қонуннинг 26-моддаси шарҳига иловалар..... 355

Банкротлик ишлари бўйича ҳудудий давлат органининг суд бошқарувчисини вазифасини бажаришдан озод этиш зарурлиги тўғрисида банкротлик ишлари бўйича давлат органига илтимосномаси..... 355

Банкротлик ишлари бўйича ҳудудий давлат органининг хўжалик судига суд бошқарувчилигига номзод тақдимномаси..... 357

III БОБ. БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ХЎЖАЛИК СУДИДА КЎРИШ..... 358

Қонуннинг 37-моддаси шарҳига иловалар..... 358

Қонуннинг 39-моддаси шарҳига иловалар..... 358

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида кредиторнинг аризаси..... 358

Қонуннинг 40-моддаси шарҳига иловалар..... 360

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида кредиторларнинг аризаси..... 360
Қонуннинг 42-моддаси шарҳига иловалар 362
Банкротлик ишлари бўйича давлат органининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида аризаси..... 362
Қонуннинг 43-моддаси шарҳига иловалар 364
Давлат солиқ хизмати органининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси 364
Қонуннинг 44-моддаси шарҳига иловалар..... 366
Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида прокурорнинг аризаси..... 366
Қонуннинг 46-моддаси шарҳига иловалар 368
Кредиторлар талабларини таъминлашга доир чоралар кўриш тўғрисида суд бошқарувчисининг аризаси..... 368
Қонуннинг 47-моддаси шарҳига иловалар 369
Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза юзасидан қарздорнинг ёзма фикри 369
Қонуннинг 48-моддаси шарҳига иловалар..... 371
Кредиторларнинг талаблари юзасидан қарздорнинг эътирози..... 371
Қонуннинг 59-моддаси шарҳига иловалар 372
Суд бошқарувчисининг ўзи билан қарздор ўртасида келиб чиққан келишмовчиликлар тўғрисида аризаси..... 372
Кредиторнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлиги хусусидаги шикояти 374
Меҳнат шартномаси асосида ишловчи шахсларга меҳнат ҳақи тўлаш ва ишдан бўшатиш нафақаси тўлаш бўйича талабларнинг миқдори ва таркиби хусусида суд бошқарувчиси ва қарздор ходимларининг вакили ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар тўғрисида ариза..... 376
Қарздор муассислари ёки қарздор мол-мулки эгаси вакилларининг уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузаётган суд бошқарувчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берган шикояти..... 377
Қонуннинг 60-моддаси шарҳига иловалар..... 378
Суд бошқарувчисининг ўзи билан кредиторлар ўртасида келиб чиққан келишмовчиликлар тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган суд ажрими устидан кредиторнинг апелляция шикояти..... 378
Қонуннинг 61-моддаси шарҳига иловалар..... 380
Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг қарздорга нисбатан судгача санация қилиш ўтказилиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хўжалик судига хабар қилиши..... 380

IV БОБ. КУЗАТУВ..... 382

Қонуннинг 65-моддаси шарҳига иловалар..... 382
Муваққат бошқарувчининг ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги аризаси..... 382
Қонуннинг 70-моддаси шарҳига иловалар..... 383
Кредиторнинг қарздорга талаби..... 383
Кредитор талабига нисбатан қарздорнинг эътирози..... 384
Кредиторнинг қарздорга қўйган талабига нисбатан муваққат бошқарувчининг эътирози..... 385
Қонуннинг 75-моддаси шарҳига иловалар..... 386
Қарздор мол-мулки эгасининг қарздорга нисбатан суд санациясини жорий этиш ҳақида илтимосномаси..... 386

V БОБ. СУД САНАЦИЯСИ..... 388
Қонуннинг 76-моддаси шарҳига иловалар..... 388
Қарздор мол-мулки муассислари (иштирокчилари)нинг кредиторлар биринчи йиғилишига суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги илтимосномаси..... 388
Таклиф этилаётган суд санацияси муддати кўрсатилган қарздорнинг суд санацияси режаси..... 389
Қарзни узиш жадвали..... 391
Қарздор муассислари (иштирокчилари) умумий йиғилишининг баённомаси..... 392
Қарздор томонидан қарзни узиш жадвали бажарилишини муассислар (иштирокчилар) томонидан таъминланиши ҳақидаги ҳужжат..... 394
Қонуннинг 77-моддаси шарҳига иловалар..... 396
Қонуннинг 79-моддаси шарҳига иловалар..... 397
Санация қилувчи бошқарувчининг қарздор раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш ҳақидаги илтимосномаси..... 397
Қонуннинг 80-моддаси шарҳига иловалар..... 398
Кредиторлар вакилининг санация қилувчи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги кредиторлар йиғилиши илтимосномаси асосида мурожаат қилиши..... 398
Қонуннинг 84-моддаси шарҳига иловалар..... 399
Қарздорнинг қарзни узиш жадвалидаги ўзгартишларни маъқуллаш тўғрисида кредиторларга илтимосномаси..... 399
Қарзни узиш жадвалидаги ўзгартишларни тасдиқлаш ҳақидаги илтимоснома билан судга мурожаат этиш юзасидан кредиторлар йиғилишининг баённомаси..... 400
Қонуннинг 85-моддаси шарҳига иловалар..... 402
Қарздор раҳбарининг суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақидаги ҳисоботи..... 402
Қонуннинг 86-моддаси шарҳига иловалар..... 403
Қарздор раҳбарининг кредиторлар йиғилишига қарзни узиш жадвали ва суд санацияси режаси бажарилганлиги натижалари тўғрисидаги ҳисоботи..... 403
Ташқи бошқарув жорий этиш (ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни очиш) тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш ҳақида кредиторлар йиғилишининг баённомаси..... 405
Қонуннинг 87-моддаси шарҳига иловалар..... 407
Қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисида хўжалик судига ҳисоботи..... 407
Қонуннинг 88-моддаси шарҳига иловалар..... 409
Мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларга кредиторлар йиғилиши вакилининг талаби..... 409

VI БОБ. ТАШҚИ БОШҚАРУВ..... 410
Қонуннинг 91-моддаси шарҳига иловалар..... 410
Банкротлик ишлари бўйича давлат органининг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги аризаси..... 410
Ташқи бошқарув муддатини қисқартириш ҳақидаги кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси..... 411
Суд бошқарувчисининг ташқи бошқарув муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномаси..... 412

Қонуннинг 94-моддаси шарҳига иловалар 413
Ташқи бошқарувчи номзодини маъқуллаш ҳақида кредиторлар йиғилиши баённомаси 413
Банкротлик ишлари бўйича давлат органининг ташқи бошқарувчиликка номзод бўйича таклифи 415
Қонуннинг 96-моддаси шарҳига иловалар 416
Зиммасига юкланган вазифаларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги учун ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш ҳақида кредиторлар йиғилишининг қарори 416
Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш ҳақидаги қарори 418
Ташқи бошқарувчининг ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги аризаси 420
Қонуннинг 98-моддаси шарҳига иловалар 421
Кредиторнинг қарздорга қўйган талабига нисбатан ташқи бошқарувчининг эътирози ... 421
Қонуннинг 99-моддаси шарҳига иловалар 422
Ташқи бошқарувчининг кредиторлар талабларини кўриб чиқиши натижалари юзасидан кредитор эътирози 422
Қонуннинг 107-моддаси шарҳига иловалар 423
Ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси ... 423
Ташқи бошқарув режасини рад этиш ҳамда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси ... 426
Ташқи бошқарув режасини рад этиш ҳамда ташқи бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод қилиш айни бир пайтда ташқи бошқарувчиликка тавсия этилаётган янги номзодни тасдиқлаган ҳолда, бу ҳақдаги тегишли илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси 427
Қонуннинг 109-моддаси шарҳига иловалар 429
Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг хўжалик судига устав фондида давлат улуши бўлган корхонанинг фаолият кўрсатмаётган объектларини консервация қилиш тўғрисида тақдимномаси 429
Қонуннинг 110-моддаси шарҳига иловалар 431
Корхонани (бизнесни) сотишдан тушган сумма ҳисобидан кредиторларнинг талабларини қарздор тўла ҳажмда қондириш имкониятига эга бўлганлиги муносабати билан иш юритишни тугатиш ҳақида ташқи бошқарувчининг хўжалик судига аризаси 431
Корхонани (бизнесни) сотишдан тушган сумма ҳисобидан кредиторларнинг талабларини тўла ҳажмда қондириш имкони бўлмаганлиги сабабли қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувини бошлаш тўғрисида ташқи бошқарувчининг судга аризаси 432
Қонуннинг 117-моддаси шарҳига иловалар 434
Қарздор тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни якунлаш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга киришишни сўраб хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси 434
Ташқи бошқарувнинг белгиланган муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси 436

Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси..... 438
Келишув битими тузиш тўғрисидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси..... 440

VII БОБ. ТУГАТИШГА ДОИР ИШ ЮРИТИШ..... 442

Қонуннинг 124-моддаси шарҳига иловалар..... 442
Суд бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаси..... 442
Қонуннинг 135-моддаси шарҳига иловалар..... 443
Тугатиш бошқарувчисининг юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилиш тўғрисидаги хўжалик судига аризаси..... 443
Қонуннинг 140-моддаси шарҳига иловалар..... 444
Қонуннинг 141-моддаси шарҳига иловалар..... 445
Тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги кредиторлар йиғилишининг баённомаси..... 445
Қонуннинг 143-моддаси шарҳига иловалар..... 447
Маҳаллий давлат ҳокимияти органларини қарздор мол-мулкини қабул қилишга ундаш тўғрисидаги ташқи бошқарувчининг хўжалик судига аризаси..... 447

VIII БОБ. КЕЛИШУВ БИТИМИ..... 449

Қонуннинг 145-моддаси шарҳига иловалар..... 449
Қонуннинг 148-моддаси шарҳига иловалар..... 449
Келишув битими..... 449
Қонуннинг 149-моддаси шарҳига иловалар..... 451
Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ариза 451

IX БОБ. ҚАРЗДОР ЮРИДИК ШАХСЛАР АЙРИМ ТОИФАЛАРИ БАНКРОТЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ..... 452

Қонуннинг 156-моддаси шарҳига иловалар..... 452
Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхонани банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза..... 452
Қонуннинг 157-моддаси шарҳига иловалар..... 454
Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхонага нисбатан ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида маҳаллий давлат ҳокимияти органининг илтимосномаси..... 454
Хўжалик бошқарув органи (маҳаллий давлат ҳокимияти органи)нинг қарздорни суд санациясига ўтказиш тўғрисидаги илтимосномаси..... 455
Қонуннинг 158-моддаси шарҳига иловалар..... 457
Шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқарувини узайтириш ҳақида маҳаллий давлат ҳокимияти органининг илтимосномаси..... 457
Қонуннинг 164-моддаси шарҳига иловалар.....458
Банкни банкрот деб топиш тўғрисида ариза..... 458

X БОБ. ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРНИНГ БАНКРОТЛИГИ..... 461

Қонуннинг 175-моддаси шарҳига иловалар..... 461
Қарздор – якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги..... 461

Қонуннинг 176-моддаси шарҳига иловалар 463
Якка тартибдаги тадбиркор қарзларини узиш режаси 463
Қарзларни узиш режасини ўзгартириш тўғрисидаги кредиторнинг аризаси 464
Қонуннинг 177-моддаси шарҳига иловалар 465
Қарздор мол-мулкини тугатиш массасидан чиқариш тўғрисидаги илтимоснома 465
Қонуннинг 179-моддаси шарҳига иловалар 466
Қарздор – якка тадбиркорнинг унинг мол-мулкини (мол-мулкининг бир қисмини) хатловдан чиқариш тўғрисидаги илтимосномаси 466
Қарздор – якка тадбиркорнинг банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисидаги илтимосномаси 468
Қонуннинг 182-моддаси шарҳига иловалар 468

XI БОБ. БАНКРОТЛИКНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАОМИЛЛАРИ 469

Қонуннинг 185-моддаси шарҳига иловалар 469
Тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза 469
Қонуннинг 186-моддаси шарҳига иловалар 471
Банкрот деб топилган тугатилаётган юридик шахсга нисбатан кредиторнинг талаби 471
Қонуннинг 188-моддаси шарҳига иловалар 472
Ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза 472
Қонуннинг 189-моддаси шарҳига иловалар 474
Банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ҳамда банкротликнинг умумий таомилларига ўтиш тўғрисидаги тугатиш бошқарувчисининг илтимосномаси 474

3-Б Ў Л И М . СУД БОШҚАРУВЧИСИ ТОМОНИДАН БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШ ДОИРАСИДА ТУЗИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР НАМУНАЛАРИ 475

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР 475
Қонуннинг 10-моддаси шарҳига иловалар 475
Кредиторлар йиғилишининг келишув битими тузиш тўғрисидаги баённомаси 475
Кредиторлар йиғилишининг кредиторлар қўмитаси аъзоларини сайлаш тўғрисидаги баённомаси 478
Кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги баённомаси 480
Кредиторлар йиғилишининг суд санациясини тасдиқлаш ва қарзларни қоплаш жадвалини маъқуллаш ҳақидаги баённомаси 482
Кредиторлар йиғилиши ўтказилган санадаги кредиторлар талаблари реестри 484
Кредиторлар йиғилиши иштирокчисини қайд қилиш варағи 485
Овоз бериш бюллетени 486
Қонуннинг 11-моддаси шарҳига иловалар 487
Кредиторлар йиғилишининг ўтказилиши тўғрисидаги хабарнома 487
Суд бошқарувчисининг кредиторлар йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги расмий нашрга хати 488
Қонуннинг 14-моддаси шарҳига иловалар 488
Қонуннинг 15-моддаси шарҳига иловалар 489
Кредиторлар қўмитасининг суд бошқарувчиларига қарздорнинг молиявий аҳволи ҳамда банкротлик таомилининг жараёни ҳақида ахборот берилиши тўғрисидаги талаби 489
Кредиторлар қўмитасининг йирик битимлар амалга оширилишига розилик бериш тўғрисидаги қарори 490

Қонуннинг 16-моддаси шарҳига иловалар 491
Қонуннинг 19-моддаси шарҳига иловалар 492
Суд бошқарувчисининг кредиторлар қўмитасини чақириш тўғрисидаги талабномаси 492
Қонуннинг 22-моддаси шарҳига иловалар 493
Кредиторлар йиғилишининг суд бошқарувчисига қўшимча ҳақ тайинлаш тўғрисидаги баённомаси 493

III БОБ. ХЎЖАЛИК СУДИДА БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШНИНГ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ 495

Қонуннинг 48-моддаси шарҳига иловалар 495
Қарздорнинг молиявий аҳволини аниқлаш учун экспертиза тайинлаш тўғрисидаги илтимоснома 495
Қонуннинг 52-моддаси шарҳига иловалар 496
Суд бошқарувчисининг эълонни чоп этиш тўғрисидаги расмий нашрга йўлланган хати 496

IV БОБ. КУЗАТУВ 497

Қонуннинг 63-моддаси шарҳига иловалар 497
Муваққат бошқарувчининг эмиссия қимматли қоғозлари бўйича дивидендлар тўлашнинг тақиқланиши тўғрисидаги хати 497
Қонуннинг 64-моддаси шарҳига иловалар 498
Муваққат бошқарувчининг кўчмас мулкни ижарага бериш билан боғлиқ битимнинг амалга оширилишига ёзма розилик хати 498
Қонуннинг 65-моддаси шарҳига иловалар 498
Қонуннинг 66-моддаси шарҳига иловалар 499
Муваққат бошқарувчининг қарздор мол-мулки бут сақланишини таъминланишга қаратилган қўшимча чоралар кўрилиши тўғрисидаги илтимосномаси 499
Муваққат бошқарувчининг қарздор раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан четлаштирилиши тўғрисидаги илтимосномаси 500
Муваққат бошқарувчининг қарздор раҳбарини ўз вазифаларини бажаришга киришиши тўғрисидаги буйруғи 502
Муваққат бошқарувчининг қарздорни бошқарув органига йўлланган қарздорнинг фаолияти ҳақида ахборот тақдим қилиниши тўғрисидаги мурожаатномаси 503
Муваққат бошқарувчининг сўровномаси 505
Битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини қўллаш тўғрисидаги даъво аризаси 506
Қонуннинг 67-моддаси шарҳига иловалар 508
Муваққат бошқарувчининг ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи 508
Қонуннинг 68-моддаси шарҳига иловалар. 510
Хўжалик суди томонидан қарздорга нисбатан кузатув таомили жорий этилиши ҳақида ажрим чиқарилганлиги тўғрисида кредиторларга хабарнома 510
Қонуннинг 69-моддаси шарҳига иловалар 512
Муваққат бошқарувчининг қарздор молиявий аҳволини таҳлил қилиш натижасида тузилган, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги (ёки мумкин эмаслиги) тўғрисидаги таклифи 512
Қонуннинг 70-моддаси шарҳига иловалар 513
Муваққат бошқарувчининг кредиторлар талабларига эътирози 513
Қонуннинг 71-моддаси шарҳига иловалар 514
Кредиторларнинг биринчи йиғилиши баённомаси 514

V БОБ. СУД САНАЦИЯСИ..... 517
Қонуннинг 79-моддаси шарҳига иловалар..... 517
Қонуннинг 81-моддаси шарҳига иловалар..... 518
Қонуннинг 82-моддаси шарҳига иловалар..... 518
Санация қилувчи бошқарувчининг суд санацияси режасининг татбиқ этилишини жараёни ҳақида кредиторлар йиғилишига ахбороти..... 519
Қонуннинг 83-моддаси шарҳига иловалар..... 519
Қонуннинг 85-моддаси шарҳига иловалар..... 520
Қарздор раҳбарининг суд санацияси муддатидан аввал тамомлаш тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқиладиган суд мажлисининг ўтказилиш санаси, вақти ва жойи ҳақидаги кредиторларга йўналтирилган хабарнома..... 520
Қонуннинг 86-моддаси шарҳига иловалар..... 521
Санация қилувчи бошқарувчининг қарздор раҳбарини ҳисоботи юзасидан хулосаси ... 521
Қонуннинг 87-моддаси шарҳига иловалар..... 522
Қарздор раҳбарининг ҳисоботи кўриб чиқиладиган суд мажлисининг ўтказилиш санаси, вақти ва жойи ҳақидаги кредиторларга йўналтириладиган хабарнома қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 85-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, кўрсатиб ўтилган хабарнома намунаси ушбу моддада келтирилмайди..... 522
Қонуннинг 88-моддаси шарҳига иловалар..... 522
Санация қилувчи бошқарувчининг таъминотни тақдим этган шахсларга йўналтирилган мажбуриятларнинг ижро этилиши ҳақидаги талабномаси..... 522
Қонуннинг 89-моддаси шарҳига иловалар..... 524
Санация қилувчи бошқарувчининг таъминотни тақдим этган шахслар томонидан қарздор мажбуриятларининг бажарилишини якунлари тўғрисидаги ҳисоботи... 524

VI БОБ. ТАШҚИ БОШҚАРУВ..... 525
Қонуннинг 91-моддаси шарҳига иловалар..... 525
Кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарув муддатини қисқартириш ҳақидаги қарори..... 525
Кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарув муддатини узайтириш ҳақидаги қарори 527
Қонуннинг 96-моддаси шарҳига иловалар..... 529
Қонуннинг 98-моддаси шарҳига иловалар..... 529
Ташқи бошқарув режаси 529
Ташқи бошқарувчининг ташқи бошқарув режасининг амалга оширилиши ва якунлари тўғрисидаги ҳисоботи..... 533
Қонуннинг 99-моддаси шарҳига иловалар..... 535
Талабларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида кредиторнинг хабардор қилиниши.... 535
Қонуннинг 100-моддаси шарҳига иловалар..... 536
Кредиторлар эътирозларининг кўриб чиқилиши якунлари бўйича чиқарилган хўжалик суди ажримига ташқи бошқарувчининг апелляция шикояти..... 536
Қонуннинг 101-моддаси шарҳига иловалар..... 538
Ташқи бошқарувчининг йирик битим тузилишига рухсат олиш учун кредиторлар йиғилишига йўлланган хати..... 538
Ташқи бошқарувчининг йирик битим тузилишига рухсат олишга қаратилган хатига кредиторлар йиғилишининг рад жавобини бериш ҳақидаги қарори..... 539
Ташқи бошқарувчининг йирик битим тузилишига кредиторлар йиғилишининг рухсат бериш ҳақидаги қарори..... 541
Қонуннинг 102-моддаси шарҳига иловалар..... 543

Ташқи бошқарувчининг банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилишидан аввал тузилган шартномаларни бажаришдан бош тортиш тўғрисидаги хати..... 543
Қонуннинг 103-моддаси шарҳига иловалар..... 544
Қонуннинг 104-моддаси шарҳига иловалар..... 544
Қонуннинг 105-моддаси шарҳига иловалар..... 545
Ташқи бошқарувчининг қарздорнинг истеъмолга қаратилган, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашга қаратилган харажатларни ошириш зарурияти ҳақидаги кредиторлар йиғилишига йўлланган хати..... 545
Кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувчига қарздорнинг истеъмолга қаратилган, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашга қаратилган харажатларни оширишига рухсат бериш ҳақидаги қарори..... 546
Қонуннинг 106-моддаси шарҳига иловалар..... 547
Қонуннинг 107-моддаси шарҳига иловалар..... 547
Қонуннинг 108-моддаси шарҳига иловалар..... 548
Қонуннинг 110-моддаси шарҳига иловалар..... 548
Суд бошқарувчисининг корхонани (бизнесни) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишга розилик бериш ҳақида кредиторлар йиғилишига хати..... 548
Корхонани (бизнесни) бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишга розилик бериш ҳақидаги қарори..... 549
Кредиторлар йиғилишининг қарздор мол-мулкини сотиш учун кимошди савдосини ўтказиш шакли (очиқ, ёпиқ), бошланғич нархи ва шартлари ҳақидаги қарори.... 551
Суд бошқарувчисининг корхона (бизнес) очиқ кимошди савдосида сотилиши тўғрисидаги эълонни чоп этиш ҳақида расмий нашрга хати..... 553
Корхонани сотишнинг бошланғич нархини пасайтириш ҳақида кредиторлар йиғилишининг қарори..... 554
Ташқи бошқарувчининг кредиторлар йиғилишига корхонани оммавий оферта йўли билан кимошди савдосига қўйиш ҳақида хати..... 556
Суд бошқарувчисининг очиқ кимошди савдосини оммавий оферта йўли билан ўтказиш тўғрисидаги эълонни чоп этиш ҳақида расмий нашрга хати..... 557
Қонуннинг 111-моддаси шарҳига иловалар..... 559
Ташқи бошқарувчининг қарздорнинг арзонбаҳо ва тез ишдан чиқадиган мол-мулкини, шунингдек хом ашё ва тайёр маҳсулоти қолдиқларини кимошди савдоси ўтказмаган ҳолда олди-сотди шартномалари асосида сотиш ҳақида кредиторлар йиғилишига хати (аризаси)..... 559
Қонуннинг 112-моддаси шарҳига иловалар..... 561
Ташқи бошқарувчининг талаб қилиш ҳуқуқларини очиқ кимошди савдосида сотиш ҳақида кредиторлар йиғилишига хати (аризаси)..... 561
Талаб қилиш ҳуқуқини, унинг нархини аниқлаган ҳолда, очиқ кимошди савдосида сотишга розилик бериш ҳақида кредиторлар йиғилишининг қарори..... 562
Қонуннинг 115-моддаси шарҳига иловалар..... 563
Қарздорнинг мол-мулки асосида битта ёки бир нечта очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этиш орқали қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш ҳақида кредиторлар йиғилиши қарори..... 563
Қонуннинг 116-моддаси шарҳига иловалар..... 565
Ташқи бошқарувчининг ҳисоботи..... 565
Қонуннинг 117-моддаси шарҳига иловалар..... 567
Қонуннинг 118-моддаси шарҳига иловалар..... 568
Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш ҳақида хўжалик судига хат..... 568
Қонуннинг 123-моддаси шарҳига иловалар..... 569

Ташқи бошқарувчининг ишларини тугатиш бошқарувчисига олиш-топшириш далолатномаси ... 569

VII БОБ. ТУГАТИШГА ДОИР ИШ ЮРИТИШ ... 570

Қонуннинг 124-моддаси шарҳига иловалар ... 570

Қонуннинг 125-моддаси шарҳига иловалар ... 570

Тугатиш бошқарувчиси томонидан қарздорнинг бошқарув органларини, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги муносабати билан уларнинг ваколатлари тугатилиши, шунингдек қарздорнинг мол-мулкини бошқариш ва тасарруф этиш вазифаларини бажаришдан четлатилиши ҳақида хабардор этиш ... 570

Қонуннинг 127-моддаси шарҳига иловалар ... 571

Суд бошқарувчисининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш учун расмий нашрга хати ... 571

Қонуннинг 128-моддаси шарҳига иловалар ... 572

Тугатиш бошқарувчисининг қарздорнинг пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлган учинчи шахсларга нисбатан талаби ... 572

Тугатиш бошқарувчисининг ходимларга улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш ҳақидаги хабарномаси ... 573

Кредиторларни қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида хабардор этиш ... 574

Тугатиш бошқарувчисининг қарздорга хизмат қилувчи банкка қарздорнинг ягона ҳисобварағини очиш тўғрисидаги хабарномаси ... 575

Тугатиш бошқарувчисининг суд қарорларини ижро этиш департаменти ҳудудий органига қарздор банкрот деб эълон қилингани ва тугатишга доир иш юритиш бошлангани тўғрисида хабарномаси ... 576

Тугатиш бошқарувчисининг давлат архиви органига қарздорнинг ҳужжатларини сақлашга топшириш ҳақидаги хати ... 577

Тугатиш бошқарувчисининг қарздорнинг бошқарув органларига (ташқи бошқарувчига) қарздорнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликларини ўз вақтида топшириш ҳақидаги хати ... 578

Тугатиш бошқарувчисининг қарздорнинг бошқарув органларига нисбатан улар томонидан қарздорнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликлари ўз вақтида топширилмаганлиги туфайли тегишли чораларни кўриш ҳақидаги хўжалик судига аризаси ... 579

Қонуннинг 130-моддаси шарҳига иловалар ... 580

Тугатиш бошқарувчисининг кредиторлар йиғилишига тугатиш массасини шакллантириш ҳақидаги хати ... 580

Тугатиш бошқарувчисининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарздорнинг балансида турган ижтимоий ва коммунал инфратузилма объектларини уларнинг балансига ўтказиш тўғрисидаги хати ... 581

Қонуннинг 132-моддаси шарҳига иловалар ... 583

Тугатиш бошқарувчисининг ягона сўм ва валютадаги ҳисобварақларга келиб тушган пул маблағларидан фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботи ... 583

Қонуннинг 134-моддаси шарҳига иловалар ... 585

Тугатиш бошқарувчисининг кредиторлар талаблари бўйича охирги тўловни амалга оширилгани тўғрисидаги хабари ... 585

Қонуннинг 135-моддаси шарҳига иловалар ... 586

Тугатиш бошқарувчисининг кредиторлар йиғилишига қарздорнинг мол-мулкини сотиш (жадвали) муддатларини ўзгартириш юзасидан таклифларни кўриб чиқиш ҳақидаги хати ... 586
Қонуннинг 137-моддаси шарҳига иловалар ... 587
Қонуннинг 138-моддаси шарҳига иловалар ... 587
Воз кечиш ҳақи тўғрисида битим ... 587
Қонуннинг 139-моддаси шарҳига иловалар ... 590
Тугатиш бошқарувчисининг ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботи ... 590
Қонуннинг 140-моддаси шарҳига иловалар ... 594
Қонуннинг 141-моддаси шарҳига иловалар ... 594
Қонуннинг 142-моддаси шарҳига иловалар ... 594
Қонуннинг 143-моддаси шарҳига иловалар ... 594
Тугатиш бошқарувчисининг маҳаллий ҳокимият органига мол-мулкни балансга олиш тўғрсидаги хати ... 594
Қонуннинг 144-моддаси шарҳига иловалар ... 595
Тугатиш бошқарувчисининг юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритиш ҳақидаги аризаси ... 595

VIII БОБ. КЕЛИШУВ БИТИМИ ... 596

Қонуннинг 145-моддаси шарҳига иловалар ... 596
Қонуннинг 149-моддаси шарҳига иловалар ... 596
Қонуннинг 154-моддаси шарҳига иловалар ... 596
Суд бошқарувчисининг келишув битимининг шартларига мувофиқ талаблари қондирилган кредиторларга, улар томонидан олинган воситаларни келишув битимини бажариш тартибида қайтариш тўғрисидаги хати ... 596

IX БОБ. ҚАРЗДОР ЮРИДИК ШАХСЛАР АЙРИМ ТОИФАЛАРИ БАНКРОТЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ... 598

Қонуннинг 157-моддаси шарҳига иловалар ... 598
Қонуннинг 163-моддаси шарҳига иловалар ... 598
Суд бошқарувчисининг қарздорнинг мол-мулкини сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларга (қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан шуғулланаётган ва қарздорнинг ер участкасига бевосита туташ ер участкасига эгалик қилувчи шахслар) қарздор мол-мулкини олиш ҳақидаги таклифи ... 598
Қонуннинг 189-моддаси шарҳига иловалар ... 600
Тугатиш бошқарувчисининг кредиторларга ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги хабарномаси ... 600

4-БЎЛИМ. СУДҲУЖЖАТЛАРИНАМУНАЛАРИ ... 601

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР ... 601

Қонуннинг 13-моддаси шарҳига иловалар ... 601
Кредиторлар йиғилиши қарори устидан шикоят бериш тўғрисидаги кредитор аризасини қаноатлантириш тўғрисидаги суд ажрими ... 601
Кредиторлар йиғилиши қарори устидан шикоят қилиш тўғрисидаги кредитор аризасини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги суд ажрими ... 605
Қонуннинг 14-моддси шарҳига иловалар ... 608
Қонуннинг 18-моддаси шарҳига иловалар ... 608
Тавсия қилинган суд бошқарувчиси номзодини тайинлашни рад этиш тўғрисида суд ажрими ... 608

Суд бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисидаги суд ажрими..... 610
Қонуннинг 22-моддаси шарҳига иловалар..... 612
Суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш миқдорини тасдиқлаш тўғрисида суднинг ажрими..... 612

III БОБ. БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ХЎЖАЛИК СУДИДА КЎРИШ..... 614

Қонуннинг 45-моддаси шарҳига иловалар..... 614
Қарздорнинг аризасига кўра банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақида суд ажрими..... 614
Кредиторнинг аризасига кўра банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақида суд ажрими..... 616
Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризасига кўра банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатиш тўғрисидаги ажрим..... 618
Давлат солиқ хизмати органининг аризасига кўра банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатиш тўғрисидаги ажрим..... 620
Прокурорнинг аризасига кўра банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатиш тўғрисидаги ажрим..... 622
Кредиторнинг аризасига кўра банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатиш тўғрисидаги ажрим..... 624
«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисмида белгиланган шартларнинг бузилганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги суд ажрими..... 625
ЎзР ФКнинг 57-моддасида белгиланган шартларнинг бузилганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги суд ажрими..... 627
Қонуннинг 185-моддасида белгиланган шартларнинг бузилганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги суд ажрими..... 629
«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддаси олтинчи қисми ва 37–38-моддалари талабларига мувофиқ бўлмаганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги кредиторнинг аризасини қайтариш тўғрисида суд ажрими*..... 631
«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддаси олтинчи қисми ва 37–38-моддалари талабларига мувофиқ бўлмаганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги кредиторнинг аризасини қайтариш тўғрисида суд ажрими..... 633
«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддаси олтинчи қисми ва 39–41-моддалари талабларига мувофиқ бўлмаганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги кредиторнинг аризасини қайтариш тўғрисида суд ажрими..... 634
«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддаси олтинчи қисми ва 40-моддаси талабларига мувофиқ бўлмаганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги кредиторнинг аризасини қайтариш тўғрисида суд ажрими 636
Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси Қонуннинг 45-моддаси олтинчи қисми ва 42-моддаси талабларига мувофиқ бўлмаганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси қайтариш тўғрисида суд ажрими..... 638
«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддаси олтинчи қисми ва 43-моддаси талабларига мувофиқ бўлмаганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги кредиторнинг аризасини қайтариш тўғрисида суд ажрими..... 640

Қонуннинг 46-моддасига шарҳ иловалари 642
Кредитор талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисида суд ажрим 642
Қонуннинг 48-моддасига шарҳ иловалари 644
Банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида суд ажрими 644
Кредитор талаблари юзасидан қарздор эътирозлари асослилигини текшириш тўғрисида суд ажрими 646
Кредитор талаблари бўйича қарздор эътирозларининг асослантирилганлигини текшириш тўғрисида суднинг ажрими 649
Қонуннинг 50-моддаси шарҳига илова 651
Суднинг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори 651
Суднинг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори 655
Суд санациясини қўллаш тўғрисида суднинг ажрими 657
Суд санацияси муддатини узайтириш тўғрисида суднинг ажрими 661
Ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида суднинг ажрими 663
Қонуннинг 51-моддаси шарҳининг иловаси 667
Қонуннинг 54-моддаси шарҳининг иловаси 667
Банкротлик белгилари аниқланмаганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори 667
Сохта банкротлик аниқланганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори 670
Қарздорга кредиторлар талабларини сўндириш учун муддат берилганлиги муносабати билан ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисида ажрим 673
Қонуннинг 56-моддаси шарҳига илова 675
Барча кредиторлар аризада кўрсатилган талабларидан воз кечганликлари муносабати билан банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим 675
Кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган кредиторларнинг барча талаблари тугатишга доир иш юритиш жараёнида қондирилганлиги муносабати билан банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим 678
Қонуннинг 57-моддаси шарҳига илова 681
Қонуннинг 58-моддаси шарҳига илова 681
Қонуннинг 59-моддаси шарҳига илова 682
Аризани (шикоятни) кўриб чиқишда иштирок этувчи шахсларга жўнатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаганлиги сабабли аризани (шикоятни) қайтариш тўғрисида суднинг ажрими 682
Қонуннинг 59-моддасида назарда тутилмаган шахслар томонидан берилган ариза (шикоят)ни қайтариш тўғрисида суднинг ажрими 684
Аризани ёки шикоятни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинмаганлиги сабабли аризани (шикоятни) қайтариш тўғрисида суднинг ажрими 686
Ариза (шикоят)ни қаноатлантириш тўғрисида суднинг ажрими 687
Ариза (шикоят)ни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида суднинг ажрими 690
Қонуннинг 60-моддаси шарҳига илова 692
Апелляция шикоятини қаноатлантириш тўғрисида апелляция инстанцияси судининг ажрими 692
Апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида апелляция инстанцияси судининг ажрими 695
Қонуннинг 61-моддаси шарҳига илова 698

Суд санациясини амалга оширишга кредиторларнинг розилиги олинганлиги муносабати билан банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисида суднинг ажрими ... 698

IV БОБ. КУЗАТУВ ... 701

Қонуннинг 62-моддаси шарҳига илова ... 701
Қонуннинг 65-моддаси шарҳига илова ... 701
Муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисида суднинг ажрими ... 701
Суднинг муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақ миқдорини ўзгартириш ҳақидаги ажримии ... 703
Муваққат бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги суд ажрими ... 705
Қонуннинг 66-моддаси шарҳига илова ... 707
Қарздор мол-мулки бут сақланишини таъминланишга қаратилган қўшимча чоралар кўрилиши тўғрисидаги суднинг ажрими ... 707
Қарздор раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисидаги суд ажрими ... 709
Қонуннинг 70-моддаси шарҳига илова. ... 711
Қонуннинг 75-моддаси шарҳига илова ... 712
Кредиторларнинг биринчи йиғилишида банкротлик таомилларидан бирини қўллаш ҳақида қарор қабул қилинмаганлиги боис қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги суднинг қарори 712
Қарздор мол-мулки эгасининг илтимосномаси бўйича қарздорга нисбатан суд санациясини жорий этиш ҳақида суднинг қарори ... 715

V БОБ. СУД САНАЦИЯСИ ... 719

Қонуннинг 78-моддаси шарҳига иловалар ... 719
Қонуннинг 79-моддаси шарҳига иловалар ... 719
Қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисидаги ажрим ... 719
Қонуннинг 80-моддаси шарҳига иловалар ... 721
Санация қилувчи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисидаги ажрим ... 721
Қонуннинг 84-моддаси шарҳига иловалар ... 724
Қарзни узиш жадвалига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги ажрим ... 724
Қонуннинг 85-моддаси шарҳига иловалар ... 726
Суднинг қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрими ... 726
Суднинг қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги ажрими ... 729
Қонуннинг 86-моддаси шарҳига иловалар ... 732
Суднинг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрими ... 732
Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор ... 735
Қонуннинг 87-моддаси шарҳига иловалар ... 738
Суднинг қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрими ... 738
Қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш ва ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрим ... 741
Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор ... 744

Қонуннинг 88-моддаси шарҳига иловалар 748
Суд санациясини тамомлаш тўғрисидаги ажрим 748
Қонуннинг 89-моддаси шарҳига иловалар 752
Суднинг санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрими 752
Суднинг санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш ва ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрими 755
Қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор 758
Қонуннинг 90-моддаси шарҳига иловалар 761

VI БОБ. ТАШҚИ БОШҚАРУВ 762

Қонуннинг 91-моддаси шарҳига иловалар 762
Ташқи бошқарув муддатини қисқартириш тўғрисидаги ажрим 762
Ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор 764
Қонуннинг 95-моддаси шарҳига илова 767
Ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисида қарор 767
Қонуннинг 96-моддаси шарҳига илова 769
Ташқи бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисида ажрим 769
Қонуннинг 100-моддаси шарҳига илова 772
Қонуннинг 107-моддаси шарҳига илова 772
Ташқи бошқарув режаси тақдим қилинмаганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувини бошлаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори 772
Қонуннинг 108-моддаси шарҳига илова 775
Қонуннинг 109-моддаси шарҳига илова 775
Қарздорнинг фаолият кўрсатмаётган объектларини консервация қилиш тўғрисида ажрим 775
Қонуннинг 110-моддаси шарҳига илова 778
Корхонани (бизнесни) сотишдан тушган сумма ҳисобидан кредиторларнинг талабларини тўла ҳажмда қондирилиши муносабати билан иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим 778
Корхонани (бизнесни) сотишдан тушган сумма ҳисобидан кредиторларнинг талабларини тўла ҳажмда қондириш имкони бўлмаганлиги сабабли қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувини бошлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори 780
Қонуннинг 118-моддаси шарҳига илова 783
Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик иши юритувини тугатиш тўғрисидаги ажрим 783
Хўжалик суди томонидан келишув битимининг тасдиқланиши муносабати билан банкротлик бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим 785
Қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан кредиторлар йиғилишининг илтимосномасига кўра ташқи бошқарувни бекор қилиниши туфайли кредиторлар билан ҳисоб-китобни бошлаш тўғрисидаги суд ажрими ... 788
Ташқи бошқарувчининг муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобни бошлаш тўғрисидаги илтимосномасига кўра муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобни бошлаш ҳақида суд ажрими 791
Ташқи бошқарувни узайтириш тўғрисида илтимосномани қаноатлантириш билан ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрим 794

Ташқи бошқарувчи ҳисоботини тасдиқлаш рад этилиши муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарори..... 796
Қонуннинг 119-моддаси шарҳига илова..... 799
Кредиторлар билан олиб борилган ҳисоб-китоблар якунлари бўйича хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувчининг ҳисоботи кўриб чиқилганлиги муносабати билан банкротлик бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги суд ажрими..... 799
Хўжалик суди белгилаган муддат давомида кредиторлар билан ҳисоб-китоб ўтказилмаганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида..... 802
Қонуннинг 120-моддаси шарҳига илова..... 805
Кредитор талабларини қондириш навбатини ўзгартириш тўғрисида суд ажрими..... 805

VII БОБ. ТУГАТИШГА ДОИР ИШ ЮРИТИШ..... 808

Қонуннинг 124-моддаси шарҳига иловалар..... 808
Тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш тўғрисида ажрим..... 808
Қонуннинг 135-моддаси шарҳига иловалар..... 810
Қарздор мол-мулкини сотиш тартиби ва муддатлари бўйича юзага келган келишмовчиликларни ҳал этиш тўғрисида тугатувчи бошқарувчи аризасини кўриб чиқиш натижалари юзасидан чиқарилган суд ажрими..... 810
Қонуннинг 140-моддаси шарҳига иловалар..... 813
Тугатувчи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисида ажрим... 813
Қонуннинг 141-моддаси шарҳига иловалар..... 815
Тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувни жорий қилиш тўғрисида суд ажрими..... 815
Қонуннинг 143-моддаси шарҳига иловалар..... 818
Қарздор мол-мулкини балансга қабул қилишга маҳаллий давлат ҳокимиятларини ундаш тўғрисида суд ажрими..... 818
Қонуннинг 144-моддаси шарҳига иловалар..... 821
Тугатишга доир иш юритишни тугатиш тўғрисидаги суд ажрими..... 821

VIII БОБ. КЕЛИШУВ БИТИМИ..... 823

Қонуннинг 145-моддаси шарҳига иловалар..... 823
Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ва келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида суд ажрими..... 823
Тугатишга доир иш юритиш жараёнида тузилган келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида суд ажрими..... 827
Қонуннинг 151-моддаси шарҳига иловалар..... 830
Қонуннинг 149-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган харажатларни қоплаш ва талабларни қондиришга доир мажбуриятлар бажарилмаганлиги сабабли келишув битимини тасдиқлашни рад қилиш тўғрисида суд ажрими..... 830
«Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда белгиланган келишув битимини тузиш тартибини бузганлик учун келишув битимини тасдиқлашни рад қилиш тўғрисидаги суд ажрими..... 834
Келишув битимининг шаклига риоя этилмаганлиги сабабли келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги суд ажрими..... 837
Учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги сабабли келишув битимини тасдиқлашни рад қилиш тўғрисидаги суд ажрими..... 840
Келишув битимининг шартлари қонун ҳужжатларига зид бўлганлиги сабабли келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида суд ажрими..... 843

Қонуннинг 153-моддаси шарҳига иловалар 846
Қонуннинг 154-моддаси шарҳига иловалар 846
Келишув битимининг ҳақиқий эмас деб топилиши муносабати билан банкротлик тўғрисидаги иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида суд ажрими.... 846

IX БОБ. ҚАРЗДОР ЮРИДИК ШАХСЛАР АЙРИМ ТОИФАЛАРИ БАНКРОТЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ 848

Қонуннинг 156-моддаси шарҳига илова 848
Шаҳарни ташкил этувчи корхонага нисбатан банкротлик ишини қўзғатиш тўғрисидаги суд ажрими 848
Қонуннинг 157-моддаси шарҳига илова 850
Маҳаллий давлат ҳокимияти органи илтимосномасига кўра шаҳарни ташкил этувчи корхонага нисбатан ташқи бошқарув жорий қилиш тўғрисидаги суд ажрими.... 850
Қарздорнинг суд санациясига ўтиши тўғрисидаги суд ажрими 853
Қонуннинг 158-моддаси шарҳига илова 856
Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг илтимосномасига кўра шаҳарни ташкил этувчи корхонага нисбатан жорий қилинган ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги суд ажрими 856
Қонуннинг 162-моддаси шарҳига илова 858
Қишлоқ хўжалиги корхонасига жорий қилинган ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги суд ажрими 858
Қонуннинг 164-моддаси шарҳига илова 860
Банкнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги суд ажрими 860
Қонуннинг 166-моддаси шарҳига илова 862
Суғурталовчига нисбатан банкротлик ишини қўзғатиш тўғрисида суд ажрими 862
Қонуннинг 170-моддаси шарҳига илова 864
Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларига нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги суд ажрими 864

X БОБ. ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРНИНГ БАНКРОТЛИГИ 867

Қонуннинг 176-моддаси шарҳига илова 867
Қарзларни узиш режасини тасдиқлаш тўғрисидаги суд ажрими 867
Қарзларни узиш режасини ўзгартириш тўғрисидаги суд ажрими 869
Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ҳақидаги суд ажрими 871
Қонуннинг 177-моддаси шарҳига илова 873
Қарздорнинг мол-мулкини тугатиш массасидан чиқариш тўғрисидаги суд ажрими..... 873
Қонуннинг 178-моддаси шарҳига илова 875
Қонуннинг 179-моддаси шарҳига илова 876
Қарздор якка тартибдаги тадбиркор мол-мулкини хатлаш тўғрисидаги суд ажрими..... 876
Қарздор мол-мулкини (мол-мулкининг бир қисмини) хатловдан чиқариш тўғрисидаги суд ажрими 877
Иш кўришни кейинга қолдириш тўғрисидаги суд ажрими 880
Мерос тақдири тўғрисидаги масала қонунда белгиланган тартибда ҳал қилингунга қадар якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги суд ажрими 882
Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги суд ажрими 884
Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувчини тайинламасдан тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори 886

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувчини тайинлаш билан тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори..... 889
Қонуннинг 182-моддаси шарҳига илова..... 892
Кредиторларларнинг талабларини қондириш тартиби ва миқдори тўғрисидаги суд ажрими..... 892

XI БОБ. БАНКРОТЛИКНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАОМИЛЛАРИ..... 895

Қонуннинг 185-моддаси шарҳига илова..... 895
Тугатилаётган юридик шахсга нисбатан банкротлик ишини қўзғатиш тўғрисидаги суд ажрими..... 895
Қонуннинг 186-моддаси шарҳига илова..... 897
Тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарори..... 897
Қонуннинг 188-моддаси шарҳига илова..... 900
Ҳозир бўлмаган қарздорга нисбатан банкротлик ишини қўзғатиш..... 900
Қонуннинг 189-моддаси шарҳига илова..... 902
Ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги суд қарори..... 902
Банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ва умумий таомилга ўтиш тўғрисидаги суд ажрими..... 905

СХЕМАЛАР..... 908

МАВЗУЛИ КЎРСАТКИЧ..... 916

БАНКРОТЛИККА ОИД НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ:..... 922

КИРИШ

Банкротлик институти ўз тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш орқали ёки иқтисодий ночор, рентабелсиз ва истиқболсиз хўжалик юритувчи субъектлардан иқтисодиётни халос қилиш йўли билан иқтисодиётни мустаҳкамловчи амалдаги механизмлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини турли мулк шаклларига асосланган бозор иқтисодиётига ўтиши, хусусий мулк муносабатларини мустаҳкамлаши хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротлик масалаларини тартибга солувчи қонунни қабул қилиш заруратини келтириб чиқарди. Дастлаб 1994 йил «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Кейинчалик, 1998 ва 2003 йилларда ушбу Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Банкротлик тўғрисидаги қонунчилик мураккаблиги ва шу билан биргаликда бозор шароитида хўжалик оборотини ҳуқуқий тартибга солишда муҳим ўринлардан бирини эгаллаши билан ажралиб туради.

2005–2007 йилларда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга шарҳ тузиш» лойиҳаси амалга оширилган.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш натижасида, 2007 йил мутахассислар гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга шарҳ тайёрланди ва ушбу шарҳ нашр этилиб, бугунги кунда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунни қўллаш бўйича ягона қўлланма ҳисобланади.

Корхоналарнинг банкротлик муаммоси билан ҳуқуқшунослик ва тадбиркорлик вакиллари кундан-кунга кўпроқ тўқнашишга тўғри келяпти, аммо ушбу масалани батафсил ёритувчи адабиётлар ҳали кам.

Суд статистикаси маълумотлари шуни кўрсатяптики, банкротлик тўғрисидаги ишлар сони йилдан-йилга мунтазам ошиб бормоқда. Жумладан, хўжалик судлари томонидан 2003 йил 1026 та, 2005 йилда 3951 та, 2010 йилда эса 8207 та банкротлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилган.

Суд амалиёти ва банкротлик тўғрисидаги ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, хўжалик судлари ва суд бошқарувчиларига мурожаатларда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тузиладиган ҳужжатлар, шунингдек, банкрот деб топиш бўйича ишларда суд ҳужжатлари эркин тарзда тузилади ва турли шакл ва мазмунга эга бўлиб, ҳар доим ҳам «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун талабларига мос бўлмайди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга шарҳ» Япониянинг техник ҳамкорлик лойиҳасида амалга оширилган натижаларни янада чуқурлаштириш ва тарқатиш мақсадида, 2011 йил Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги JICA ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ўртасида «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунни қўллаш бўйича амалий қўлланма тузиш ва тайёрлаш мақсадида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзоланди.

Ушбу қўлланмада ночорлик (банкротлик) тўғрисидаги амалдаги қонунчиликни шарҳлашда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шаклланган суд амалиёти, банкротлик соҳасидаги етакчи мутахассисларнинг фикрлари ва бошқа ҳужжатларни шарҳлашга ҳаракат қилинди ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротлиги доирасида тузилган ҳужжатлар, шу жумладан процессуал ҳужжатлар намуналари йиғилди.

Қўлланма қуйидаги 4 та бўлимдан иборат:

1-*бўлим* – «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга (моддама-модда) шарҳ;

2-*бўлим* – судда иштирок этувчи шахслар томонидан суд ва суд бошқарувчисига тақдим қилинадиган ҳужжатлар намуналари;

3-*бўлим* – суд бошқарувчиси томонидан банкротлик тўғрисидаги иш доирасида тузиладиган ҳужжатлар намуналари;

4-*бўлим* – банкротлик тўғрисидаги иш доирасида чиқарилиши мумкин бўлган суд ҳужжатлари намуналари.

Ушбу лойиҳа натижаларини хусусан, қўлланманинг фойдаланувчилари аввало, хўжалик суди судьялари, кредиторлар, суд бошқарувчилари ва банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчилар бўлади. Шунингдек, ушбу қўлланма давлат солиқ хизмати органлари, адвокатлар, хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматлари, қарздорларнинг ўзлари ҳамда юридик таълим муассасалари ўқитувчилари ва талабалари, банкротлик тўғрисидаги қонунчилик муаммолари билан қизиқувчи шахслар ҳам фойдаланиши мумкин.

Н.АХМАНОВ,

Ўзбекистон Республикаси
Олий хўжалик суди
Раисининг биринчи ўринбосари.

1-бўлим. «БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНГА (МОДДАМА-МОДДА) ШАРҲ

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-*модда*. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкротлик соҳасидаги муносабатларини тартибга солишдан иборат.

Шарҳланаётган модда банкрот деб фақатгина юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорлар бўлиши мумкинлигини узил-кесил белгилайди.

ФК нинг 39-моддасига биноан ўз мулкида, хўжалик юритишда ёки оператив бошқарувда алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

Якка тартибдаги тадбиркор (бундай кейин ЯТТ) деб белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиб, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахс ҳисобланади. Якка тартибдаги тадбиркорлик ЯТТ томонидан ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга оширилади (*«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси 1-банди ва 6-моддаси* 1 ва 2-бандлари).

Жисмоний шахс агарда ЯТТ мақомига эга бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра банкрот деб топиб бўлмайди.

2-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Ушбу Қонун бюджетдан таъминланадиган ташкилотларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Банкротлик тўғрисидаги амалдаги қонунчилик нормалари нафақат ушбу Қонунда ифодаланган бир қатор ҳуқуқий нормаларни, балки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Бундан ташқари, шарҳланаётган модда, қонуннинг давлат бюджетидан таъминланадиган ташкилотларга татбиқ қилинмаслигини, шунингдек, халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлигини ҳам белгилаб беради.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат эканлигини» белгилаб беришини ҳисобга олган ҳолда, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун банкротлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш тизимида асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат саналашини назарда тутади.

ФК банкротлик муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниш тизимининг асосини ҳам белгилаб беради, жумладан: ЯТТлар учун – 26-модда, юридик шахслар учун – 57-модда. Қонун чиқарувчи ФКни қабул қилаётганда иқтисодий ночорлик муносабатларини махсус қонунчиликсиз ҳуқуқий тартибга солиш имконсизлигини инобатга олган. Айнан шунинг учун ФКда алоҳида қонунга ҳавола қилинган умумий норма мавжуд (*ФКнинг 26-модда ва 57-моддаси тўртинчи қисми*).

Юридик шахслар ва ЯТТларнинг банкротлигининг процессуал-ҳуқуқий муносабатлари Қонун билан бир қаторда ХПК билан ҳам тартибга солинади.

Ҳозирги кунда банкротлик ва санация масалалари Солиқ кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вазирлик ва давлат қўмиталарининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Қонун ҳужжатлари ўртасида зиддият вужудга келганда Қонун юқори мавқега эга бўлиб, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қўлланилмайди. Бунга мисол тариқасида, ЯТТ ўзини банкрот деб эълон қилиш тўғрисидаги нормани келтириш мумкин (*ФК 26-моддаси 4-қисми*). Қонун (2003 йилги таҳрири) бўйича ўзини ихтиёрий равишда банкрот деб эълон қилиш институти бекор қилинган ва шу сабабли ФК нинг тегишли қоидалари қўлланилмайди.

Ундан ташқари, агар амалиётда қонунчиликни қўллашда тушунмовчилик ва муаммолар вужудга келадиган бўлса, ОХС Пленуми қарор чиқариш билан масалага ойдинлик киритади. Масалан, Олий хўжалик судининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги Пленумнинг махсус қарорини қабул қилди.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида, ушбу Қонун бюджетдан таъминланадиган ташкилотларга татбиқ этилмаслиги белгиланган. Бундан кўриниб турибдики, ўз фаолиятини олиб боришда тўлиқ давлат бюджетига асосланадиган корхона, ташкилотлар банкрот деб топилиши мумкин эмас. Буларга оператив бошқарувга асосланган давлат унитар корхоналари ва бюджетдан таъминланадиган муассасалар киради. Мисол учун, давлат таълим ва мактабгача таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари шулар жумласидандир.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми трансчегаравий тўловга қодирсизлик ҳолати вужудга келганда миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган коллизиянинг олдини олади, яъни бу ҳолатларда халқаро ҳуқуқ нормалари қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги тан олинган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг банкротликка оид халқаро шартномалари йўқ.

БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқи Комиссияси (ЮНСИТРАЛ) томонидан трансчегаравий ночорлик ҳақида Намунавий қонун ишлаб чиқилган эди. Мазкур қонун давлатларга ўз миллий қонунчилиги тизимига инкорпорация қилиш учун тавсия қилинган (*1997 йил 15 декабрдаги БМТ Бош Ассамблеяси 52/158 резолюцияси*).

3-*модда*. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

банкротлик **(иқтисодий ночорлик) – хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги;**

келишув битими **– тарафларнинг суд низосини ўзаро ён бериш асосида тугатиш тўғрисидаги битими;**

кредиторлар **– қарздор пул мажбуриятлари бўйича ва (ёки) мажбурий тўловлар мажбуриятини бажариш бўйича қайси юридик ёки жисмоний шахс олдида жавобгар бўлса, айни шу юридик ёки жисмоний шахслар (қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун жавобгар бўлса, айни шу фуқаро, шунингдек ўз иштирокидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича қарздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) бундан мустасно);**

кредиторлар йиғилиши **(кредиторлар қўмитаси) вакили – банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этишига кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан ваколат берилган шахс;**

кузатув **– хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш, қарздорнинг молиявий аҳволи таҳлилини ўтказиш мақсадида қарздорни банкрот деб топиш**

тўғрисидаги ариза қабул қилинган пайтдан эътиборан кейинги таомилга қадар қўлланиладиган банкротлик таомили;

мажбурий тўловлар **– давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;**

(3-модданинг еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги ЎРҚ–197-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 513-модда)

мораторий **– қарздор юридик шахс томонидан пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар мажбурияти бажарилишини тўхтатиб туриш;**

пул мажбурияти **– қарздорнинг фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси бўйича ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра кредиторга муайян пул суммасини тўлаш мажбурияти;**

суд бошқарувчиси **(муваққат бошқарувчи, санация қилувчи бошқарувчи, ташқи бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси) – банкротлик таомилларини ўтказиш мақсадида хўжалик суди томонидан тайинланадиган шахс;**

судгача санация қилиш **– қарздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) ёки унинг мол-мулки эгалари, кредиторлар ва бошқа шахслар томонидан қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда банкротлигининг олдини олиш мақсадида кўриладиган чора-тадбирлар;**

суд санацияси **– хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда кредиторлар олдидаги қарзини узиш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили;**

ташқи бошқарув **– хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини ташқи бошқарувчига ўтказган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили;**

тугатишга доир иш юритиш **– хўжалик суди томонидан кредиторларнинг талабларини мутаносиб равишда қондириш ҳамда қарздорни қарзлардан қутулган деб эълон қилиш мақсадида банкрот деб топилган қарздорга нисбатан қўлланиладиган банкротлик таомили;**

шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона **– ходимлари уларнинг оила аъзоларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда тегишли аҳоли пункти аҳолисининг камида ярмини ташкил этувчи ёки ходимларининг сони камида уч минг киши бўлган ёхуд давлатнинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги сақлаб турилишини таъминловчи ёки табиий монополиялар субъекти бўлган юридик шахс;**

қарздор **– пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор;**

қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулк эгасининг вакили **– банкротлик таомили ўтказилаётганда қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси ваколат берган шахс;**

қарздор ходимларининг вакили **– банкротлик таомили ўтказилаётганда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун қарздорнинг ходимлари ваколат берган шахс;**

қишлоқ хўжалиги корхонаси **– қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), фермер хўжалиги ва юридик шахс ташкил этган ҳолдаги деҳқон хўжалиги, шунингдек, фаолиятининг асосий тури товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришдан иборат бўлган бошқа юридик шахслар.**

Шарҳланаётган модда юқорида келтирилган атамаларни бир хилда тушуниш мақсадида Қонунда қўлланиладиган асосий тушунчаларни белгилайди.

4-*модда*. Банкротлик аломатлари

Қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади.

Шарҳланаётган моддада ҳам юридик шахслар учун ҳамда ЯТТлар учун банкротлик аломатларини аниқлашнинг умумий қоидалари белгиланган. Банкротлик аломатлари сифатида: а) пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги; б) юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида улар томонидан бажарилмаган бўлса эътироф этилади.

Қонун алоҳида тоифадаги қарздорларга нисбатан махсус қоидаларни белгилаган ҳолларда улар устувор тарзда татбиқ этилиши керак. Бундай махсус қоидалар жумласига хусусан, шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхоналарни банкрот деб топиш асослари тўғрисидаги қоидалар киради (*Қонуннинг 156-моддаси шарҳига қаранг*).

5-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш

Банкротлик тўғрисидаги иш хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар энг кам иш ҳақи миқдорининг камида беш юз каррасини ташкил этадиган бўлса, қарздор якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан эса энг кам иш ҳақи миқдорининг камида ўттиз каррасини ташкил этадиган бўлса, хўжалик

суди томонидан қўзғатилиши мумкин, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Мазкур модда банкротлик тўғрисидаги ишнинг хўжалик судига тааллуқлилигини, шунингдек, банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш шартларини белгилайди.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар фақат хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилади. Бу норма ХПКнинг 23-моддаси биринчи қисмига мос келади, унга кўра бундай ишларни кўриб чиқиш хўжалик судларининг ваколатига тегишли, шундай экан, умумий юрисдикция судлари ўз иш юритувида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаларни ўз иш юритувига қабул қила олмайдилар.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар қарздор турган жойдаги хўжалик суди томонидан кўрилади ва ХПКнинг 31 ва 32-моддаларидаги алоҳида ва шартнома бўйича судловлилик тўғрисидаги нормалари, шунингдек, ХПКнинг 25-моддасидаги низоларни ҳакамлик судларига топшириш ҳақидаги нормалари банкротлик тўғрисидаги ишларга нисбатан қўлланилмайди.

Банкротлик тўғрисидаги ишни юритишни қўзғатишнинг шарти талаблар суммасига амал қилиш ҳисобланади, яъни қарздор юридик шахсга нисбатан – жами талаблар энг кам иш ҳақи миқдорининг камида беш юз каррасини, қарздор ЯТТларга нисбатан – камида ўттиз каррасини ташкил этадиган бўлса, ҳамда уни Қонунда белгиланган уч ой ичида тўлашга қобилияти бўлмаса, амал қилиш ҳисобланади. Демак, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни қўзғатишнинг шарти юзага келган кундан эътиборан уч ойдан ортиқ муддатда юқорида айтилган миқдорлардаги пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслигидир.

Судлар энг кам иш ҳақи миқдорининг беш юз ва ўттиз карра миқдорини аниқлашда энг кам иш ҳақи миқдорининг сўнгги белгиланган миқдоридан келиб чиқишлари керак.

ОХС Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 42-сонли қарорининг 7-бандига асосан, Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишда судья қарздор юридик шахснинг энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан, қарздор ЯТТнинг эса энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан кам бўлмаган миқдорда жами қарзи мавжудлигини ва бу мажбуриятлар юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида бажарилмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлигини текшириши зарур.

Қонун банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш учун шартни аниқлашда белгиланган умумий қоидадан истисно ҳолатларни назарда тутади. Бундай истисно ҳолатларга қуйидагилар киради:

– ишнинг қарздор ташаббуси билан қўзғатилиши ҳисобланиб, бу ҳолда қарзнинг миқдори ҳам, қарзнинг қоплаш муддати ҳам аҳамиятга эга эмас (*Қонуннинг 8, 7-моддалари*);

– шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона банкротлигини (*156-модда, IX боб*) келтириш мумкин, бу ҳолда қарз миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш минг бараваридан кам бўлмаслиги, қарзни тўлай олмаслик муддати эса олти ой бўлиши керак;

– тугатилаётган ва ҳозир бўлмаган қарздорни банкротлигини келтириш мумкин, бунда тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган қарздор юридик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қондириши учун етарли бўлмаса, талаб суммаси миқдори ва қарзни узиш муддатидан қатъи назар банкротлик тартибида тугатилади (*Қонуннинг 185-моддаси*).

6-*модда*. Хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи

Пул мажбуриятларини бажармаганлиги натижасида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига қарздор, кредитор ва прокурор эга.

Мажбурий тўловлар мажбуриятини бажармаганлиги натижасида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига қарздор, прокурор, давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар эга.

Шарҳланаётган модда хўжалик судига қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини белгилайди.

Ижро этилмаган пул мажбуриятлари мавжуд бўлса, хўжалик судига ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқига қарздорнинг ўзи, кредитор, шунингдек прокурор эга бўлади. Ушбу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, бу ҳолатда фақатгина юридик шахс ёки ЯТТ мақомига эга жисмоний шахсгина қарздор ва кредитор бўлиши мумкин (*ХПКнинг 23-моддаси*).

Қарздор ўзини банкротлик тўғрисидаги ариза билан қуйидаги ҳолатларда:

– қарздор ўз қарзларини мажбуриятлар юзага келган кундан эътиборан уч ойлик муддат ичида қоплай олмаслигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда (*Қонуннинг 7-моддаси*);

– агарда қарздорнинг ўз кредиторлик қарзларини ижро муддати келганидан сўнг уч ой муддат ичида қопланилмаган қарзи бўлса (Қонуннинг 4-моддаси) ва бундай қарздорлик миқдори қонунда кўрсатилганидан кам бўлмаса (Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисми) мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, қонун билан қарздорнинг нафақат уни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи, балки муайян ҳолатларда мажбурияти ҳам белгиланган (*Қонуннинг 8-моддаси*).

Кредитор қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан кредиторнинг қарздорга бўлган талаблари муддати келганидан сўнг уч ойлик муддатда қаноатлантирилмаса (*Қонуннинг 4-моддаси*) ва бу талабларнинг миқдори қонунда назарда тутилган суммадан кам бўлмаса (*Қонуннинг*

5-моддаси иккинчи қисми) қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиниши мумкин.

Прокурор қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига:

– банкротлик аломатларин яшириш ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

– кредитор манфаатларида мурожаат қилиши мумкин.

Мажбурий тўловлар мажбуриятини бажармаганлиги натижасида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан ушбу модданинг иккинчи қисмига асосан қарздор, прокурор, солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар деганда Ўзбекистон Республикаси бюджети ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига солиқ, йиғим ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш юзасидан назоратни амалга оширадиган органлар тушунилади.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи қарздорнинг давлат олдида қарзлари, шу жумладан, мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятлари бўлса қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин (*Қонуннинг 25-модда биринчи қисми учинчи хатбошиси*).

7-*модда*. Қарздорнинг хўжалик судига мурожаат этиш асослари

Қарздор, агар унинг ушбу Қонуннинг 4-моддасида белгиланган муддатда пул мажбуриятларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли.

Қарздор юридик шахс қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулк эгасининг қарори ёхуд қарздор мол-мулки эгаси томонидан вакил қилинган органнинг қарори асосида ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан, агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, хўжалик судига мурожаат этади.

Шарҳланаётган модда қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқининг асосларини кўрсатиб беради.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида судга мурожаат қилиш асоси сифатида тўловга қобилиятсизлигининг маълум бўлиши, яъни келажакда пул мажбуриятларини ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги кўрсатилган.

Бу моддада банкротлик иши бўйича иш юритишни қўзғатиш асоси сифатида қонун билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг қарздор юридик шахсга 500 бараваридан кам бўлмаган, қарздор ЯТТга 30 бараваридан кам бўлмаган миқдордаги талаб суммасига ва қарзни узиш муддатига риоя этмаганлик эмас, балки қарздор томонидан кредиторлар олдидаги қарзини тўлай олмаслигининг тахмин этилиши назарда тутилмоқда. Шунинг учун мазкур

модда банкротлик тўғрисидаги аризаларни тақдим этиш ҳамда иш қўзғатиш шартлари ҳақидаги умумий қоидалардан истисно ҳисобланади. Айнан шу масала ОХС Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарорининг 3-бандида ҳам таъкидланган. Бу ҳолатда тўловни амалга ошириш қобилиятсизлиги фақат тахмин қилинаётганлиги учун фикримизча Қонун билан белгиланган талаб суммаси ва тўловни амалга оширмаслик муддатига риоя этиш талаб этилмайди.

Қонуннинг шарҳланаётган моддаси иккинчи қисмида юридик шахс қарздорнинг хўжалик судига мурожаат қилишида риоя этилиши мажбурий бўлган шартларни тартибга солувчи махсус қоида назарда тутилган. Бундай мажбурий шарт бўлиб, тегишли орган қарори мавжудлиги ҳисобланади. Демак, юридик шахс қарздорнинг хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиши учун юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига кўра уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган тегишли органнинг қарори бирламчи асос бўлиб хизмат қилади.

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза намунаси ушбу қўлланманинг 2-бўлимида мазкур модда шарҳига илова қилинган (қ а р а н г : 335-б.).

8-*модда*. Қарздорнинг, тугатиш комиссиясининг ёки тугатувчининг хўжалик судига ариза бериш мажбурияти

Қарздорнинг аризаси билан қуйидаги ҳолларда қарздорнинг раҳбари, қарздор якка тартибдаги тадбиркор хўжалик судига мурожаат этиши шарт:

бир ёки бир нечта кредиторларнинг талабларини қондириш қарздорнинг бошқа кредиторлар олдидаги пул мажбуриятларини ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажаришини имконсиз қилиб қўйишга олиб келадиган бўлса;

қарздорнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ қарздорни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бўлган қарздор юридик шахс органи томонидан қарздорнинг аризаси билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақида қарор қабул қилинган бўлса;

қарздор унитар корхона мол-мулкининг эгаси ваколат берган орган томонидан қарздорнинг аризаси билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса;

ундирув қарздорнинг мол-мулкига қаратилганда бундай ундирув қарздорнинг хўжалик фаолиятини имконсиз қилиб қўяди деб ҳисоблашга асослар бўлса.

Тугатиш комиссияси (тугатувчи), агар юридик шахс тугатилаётганда кредиторларнинг талабларини тўлиқ ҳажмда қондириш имконсизлиги аниқланган бўлса, қарздорнинг аризаси билан хўжалик судига мурожаат этиши шарт.

Қарздорнинг, тугатиш комиссиясининг ёки тугатувчининг аризаси ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳолатлар юзага келган пайтдан эътиборан бир ойдан кечиктирмай хўжалик судига юборилиши керак.

Шарҳланаётган модда ариза қарздор юридик шахс раҳбари, қарздор ЯТТ ҳамда қарздор юридик шахснинг тугатиш комиссияси томонидан ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мажбурий тартибда мурожаат қилиш асосларини назарда тутади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми қарздор юридик шахс раҳбарининг ҳамда қарздор – ЯТТнинг ўз аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилиш мажбуриятини келтириб чиқарадиган асослари кўрсатилган (бу ерда белгиланган миқдордаги қарз суммасининг мавжудлиги ва уч ой ичида қарзни тўлай олишга қобилиятсизлиги каби банкротлик аломатларига амал қилиш мажбурий шарт эмас деб англашилади).

Қонун мазкур моддасининг иккинчи қисмида тугатиш комиссияси (тугатувчи) қарздорнинг аризаси билан хўжалик судига мурожаат этиши шарт бўлган ягона асос келтирилган.

Маълумки, тугатиш жараёнида тугатиш комиссияси (тугатувчи) оралиқ тугатиш балансини тузади, бу баланс тугатилаётган юридик шахс мол-мулкининг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар рўйхати, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Тугатиш комиссияси (тугатувчи) оралиқ тугатиш балансининг таҳлилидан кредиторлар талабларини тўлиқ ҳажмда қондириш имкониятининг бор ёки йўқлиги тўғрисида хулоса чиқариши мумкин. Агарда тугатиш комиссияси (тугатувчи) кредиторлар талабларини тўлиқ ҳажмда қондириш имконсиз деган хулосага келса, унда у судга қарздор аризаси билан мурожаат қилишга мажбурдир. Бунда Қонуннинг 185–187моддалари назарда тутилган соддалаштирилган тартибдаги банкротлик таомили қўлланилади.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида санаб ўтилган шахслар мурожаат қилиши мажбур бўлган муддатни белгилайди.

Қайд этиш керакки, таъсис ҳужжатларига биноан тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилишга ваколатли орган ёки хусусий корхона раҳбари ёхуд ваколатли давлат органи томонидан юридик шахсларни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинганда, ариза беришнинг бир ойлик муддати бундай қарор қабул қилинган кундан ҳисобланиши лозим.

Қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ариза билан судга мажбурий мурожаат қилишнинг асослари бўлиб ҳисобланган бошқа ҳолатлар маълум бўлганда фақатгина кўрсатилган ҳолатларнинг амалдаги маълум бўлган санаси эмас, балки тегишли қарздор раҳбари ёки тугатиш комиссияси (тугатувчи) оқилона ва виждонан ҳаракат қилганларида қарздорнинг тўловга

қобилиятсизлигидан далолат берувчи ҳолатларни аниқлашлари лозим бўлган вақт ҳам эътиборга олиниши лозим.

Ушбу қўлланманинг 2-бўлимида мазкур модда шарҳига қуйидаги ариза намуналари илова қилинган:

а) қарздорнинг:

– Бир ёки бир неча кредиторларнинг талабларини қондириш қарздорнинг бошқа кредиторлар олдидаги пул мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажаришини имконсиз ҳолга келтириши асоси билан қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси 338-бет);

– қарздор унитар корхона мол мулкининг эгаси ваколат берган орган томонидан қабул қилинган қарздорнинг аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарор асосидаги қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси 340-бет);

– ундирув қарздорнинг мол-мулкига қаратилганда, бундай ундирув қарздорнинг хўжалик фаолиятини имконсиз қилиб қўяди деб ҳисоблашга асослар бўлган ҳолатдаги қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси 342-бет);

б) тугатиш комиссиясининг:

– юридик шахс тугатилаётганда кредиторларнинг талабларини тўлиқ ҳажмда қондириш имконсизлиги аниқланганлиги сабабли тугатиш комиссияси (тугатувчи) нинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси (қ а р а н г : 344-бет).

9-*модда*. Қарздорнинг аризасини хўжалик судига бериш мажбуриятини бажармаганлик учун қарздор раҳбарининг, тугатиш комиссияси аъзоларининг ёки тугатувчининг жавобгарлиги

Қарздор раҳбари, тугатиш комиссияси аъзолари ёки тугатувчи томонидан хўжалик судига қарздорнинг аризаси тақдим этилмаганлиги ушбу Қонуннинг 8-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган муддат тугаганидан кейин юзага келган қарздорнинг кредиторлар олдидаги пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича қарздор раҳбарининг, тугатиш комиссияси аъзоларининг ёки тугатувчининг субсидиар жавобгарлигига сабаб бўлади.

Шарҳланаётган моддада қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш мажбуриятини бажармаганлик учун қарздор сифатида корхонанинг раҳбари, ЯТТ, шунингдек, тугатиш комиссиясининг (раис ва унинг аъзоларининг) ёки тугатувчининг жавобгарлиги назарда тутилади.

Қарздорнинг раҳбари ёки тугатиш комиссияси аъзоларига (тугатувчига) талаб, Қонуннинг 8-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган муддат тугагандан кейин юзага келган қарздорнинг кредиторлар олдидаги пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредиторларнинг ҳар бири

томонидан алоҳида фақат тугатишга доир иш юритиш доирасидан ташқарида тақдим этилиши мумкин. Кредиторларнинг талаблари миқдори қарздорнинг тегишли кредитор олдидаги мажбурияти умумий ҳажми ва банкротлик тўғрисидаги иш таомилида унинг тўланган қисмининг (миқдори) ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқланмоғи лозим.

10-*модда*. Кредиторлар йиғилиши

Банкротлик таомили қўлланилаётганда барча кредиторларнинг манфаатларини ушбу Қонунга мувофиқ ташкил этиладиган кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси ҳимоя қилади. Хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритиш учун қабул қилиб олган пайтдан эътиборан кредиторлар қарздорга ўз талабларини қондириш мақсадида якка тартибда мурожаат этишга ҳақли эмас.

Қарздорга нисбатан содир этиладиган ҳаракатларнинг ҳаммасини барча кредиторлар номидан кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси амалга оширади.

Кредиторлар, мажбурий тўловларга доир талаблар қисми бўйича эса давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар кредиторлар йиғилишининг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчиларидир. Кредиторлар йиғилишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан қарздор ходимларининг вакили, суд бошқарувчиси, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулк эгасининг вакили иштирок этади.

Банкротлик тўғрисидаги ишда ягона кредитор иштирок этаётган бўлса, кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколатига тааллуқли қарорларни қабул қилишни шу кредиторнинг ўзи амалга оширади.

Кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколатига қуйидаги қарорларни қабул қилиш киради:

– келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор;

– кредиторлар қўмитаси аъзоларини сайлаш, унинг миқдорий таркибини белгилаш ва бундай қўмита аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги қарор;

– суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ва уларнинг муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги қарор;

– қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор;

– суд санацияси режасини тасдиқлаш ҳамда қарзларни узиш жадвалини маъқуллаш тўғрисидаги қарор;

– ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор.

Кредиторлар йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш суд бошқарувчиси томонидан амалга оширилади.

Кредиторлар йиғилиши, агар унда қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари умумий суммасининг камида учдан икки қисми миқдорида талаблар билдираётган, овоз бериш ҳуқуқи бор кредиторлар ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Кредиторлар йиғилишда ўз вакиллари орқали иштирок этишлари ҳам мумкин. Кредиторлар йиғилишида кворум бўлмаса, ўн кунлик муддат ичида кредиторларнинг такрорий йиғилиши чақирилади, йиғилиш, унинг ўтказиладиган санаси, вақти ва жойи тўғрисида кредиторлар лозим даражада хабардор этилган бўлса, ҳозир бўлган кредиторлар сонидан қатъи назар, ваколатли ҳисобланади.

Агар кредитор қарздорга нисбатан эътироф этилган талабларга эга бўлса, бундай кредитор кредиторлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга.

Кредиторлар йиғилишида баённома юритилади.

Кредиторлар йиғилиши баённомасига қуйидагилар илова қилиниши керак:

– кредиторлар йиғилиши ўтказилаётган санадаги ҳолатга кўра кредиторларнинг талаблари реестри;

– кредиторларнинг вакиллари ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар;

– кредиторлар йиғилиши иштирокчиларининг қайд варақалари;

– кредиторлар йиғилиши иштирокчиларига танишиб чиқиш ва (ёки) тасдиқлаш учун тақдим этилган материаллар;

– кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақида кредиторлар ва ваколатли органлар тегишли равишда хабардор этилганлиги тўғрисидаги далиллари;

– овоз бериш бюллетенлари;

– суд бошқарувчисининг ихтиёрига кўра ёки кредиторлар йиғилиши қарорига биноан бошқа ҳужжатлар.

Кредиторлар йиғилиши баённомаси ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар кредиторлар йиғилиши ўтказилган санадан эътиборан икки кундан кечиктирмай хўжалик судига топширилиши керак.

(10-модданинг ўн биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–300-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 40-сон, 411-модда)

Шарҳланаётган модда кредиторлар йиғилиши эга бўлган ваколатлар, кредиторлар йиғилишида кредиторлар манфаатларини ифода этиш, кредиторлар йиғилишининг ваколатлилиги, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларнинг йиғилишда иштирок этиш тартиби, йиғилиш баённомасини юритиш ва уни хўжалик судига тақдим этиш мажбуриятларини ҳамда баённомага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхатини қайд этиш масалаларини белгилайди.

Кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси барча кредиторларнинг манфаатларини ёқлаб чиқади ва хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритиш учун қабул қилиб олган пайтдан эътиборан кредиторлар қарздорга ўз талабларини қондириш мақсадида якка тартибда мурожаат этишга ҳақли эмас (Қонунда қарздорга талабларни алоҳида билдириш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Агар кредитор қарздорни банкрот деб топиши ҳақидаги ариза топширилгунга қадар юзага келган қарзни қарздордан ундириш ҳақидаги даъвони якка тартибда тақдим этса, суд ХПКнинг 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан бундай даъвони қабул қилишни рад этиши лозим. Агар суднинг иш юритувида қарздорнинг қарз суммасини ундириш ҳақидаги иш мавжуд бўлиб, айни вақтда ушбу қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишнинг мавжудлиги аниқланса, суд айни шу асосларга кўра ХПКнинг 86-моддаси биринчи банди ҳавола қилган ҳолда қарзни ундириш тўғрисидаги иш юритувдан тугатиш ҳақида ажрим чиқаради (*ОХС Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 6-банди*). Қарздорга нисбатан мавжуд бўлган барча ижро ишлари тўхтатилмоғи лозим.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми қарздорга нисбатан ҳар бир кредитор ўз муносабатини мустақил билдира олмаслигини, кредиторлар эркин эса фақат кредиторлар йиғилиши ёки қўмитаси орқали ифода этилиши лозимлигини мустаҳкамлайди.

Қонуннинг 10-моддаси учинчи қисмига кўра, кредиторлар йиғилишида иштирок этиб, талаблар реестрига киритилган барча кредиторлар овоз бериш ҳуқуқига эга, шу жумладан мажбурий тўловларга доир талаблар бўйича ҳам. Бундай овоз ҳуқуқига давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар (масалан, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ёки Республика йўл жамғармаси вакиллари) вакиллари эга.

Қарздор ходимларининг вакили, суд бошқарувчиси, муассислар (иштирокчилар) ёки қарздор мол-мулки мулкдорнинг вакили кредитор эмаслигига қарамай кредиторлар йиғилишида маслаҳат овоз бериш ҳуқуқи билангина қатнаша оладилар, бу эса уларда кредиторлар йиғилишида қарор қабул қилинишида қатнашиш ваколати йўқлигини англатади. Қонун юқоридаги шахслар учун кредиторлар йиғилишида қатнашиш имкониятини назарда тутади, чунки йиғилишда қарздорга тааллуқли муҳим масалалар кўриб чиқилиши мумкин.

Бундан ташқари, шуни назарда тутиш лозимки, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи вакиллари агар қарздор устав фондида давлат мулкининг ҳиссаси мавжуд бўлса ва (ёки) қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза ўзлари томонидан берилган бўлса, кредиторлар йиғилишида қатнашиши мумкин.

Кредиторлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига фақат кредиторлар талаблари реестрига киритилган кредиторлар эга бўлганлиги сабабли, тугатиш жараёнида реестрга иш ҳақини тўлаш, муаллифлик шартномалари бўйича

ҳақ тўлаш, алимент ва бошқа талаблар ҳам киритилсада, бу талаблар бўйича кредиторлар кредиторлар йиғилишида иштирок этишмайди ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайдилар. Лекин уларнинг кредиторлар йиғилишида шахсан иштирок этишлари ман этилмайди.

Қарздорнинг фақат биргина кредитори бўлган вазиятлар ҳам учраши мумкин. Бу ҳолатда якка кредитор кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколатига кирувчи қарорни мустақил қабул қилади.

Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми кредиторлар йиғилиши мутлақ ваколатига кирувчи масалаларни тартибга солади.

Кредиторлар йиғилишини ўтказиш ҳақда оммавий ахборот воситаларида эълонлар чоп эттиришдан бошлаб то мазкур кредиторлар йиғилишининг ўзини ўтказишгача бўлган ташкиллаштириш ишлари билан боғлиқ барча тадбирлар суд бошқарувчиси томонидан амалга оширилади. Бунда ушбу йиғилишни қачон ва қаерда ўтказишни у мустақил ҳал қилади.

Шарҳланаётган модданинг еттинчи қисми кредиторлар йиғилишининг қарорини қонуний деб топиш учун лозим бўлган кворумга нисбатан қўйиладиган талабларни ўз ичига олади. Йиғилиш қарздорни пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловларининг кредиторлар талаб реестрига киритилган умумий суммасининг 2/3 қисмидан кам бўлмаган миқдордаги талабни қўяётган овоз бериш ҳуқуқига эга кредиторлар унда иштирок этган ҳолда ваколатли бўлади (яъни, унинг қарори юридик кучга эга бўлади).

Кворум бўлмаган вазиятда 10 кунлик муддат ичида кредиторлар йиғилиши қайта чақирилади ва кўрсатилган кредиторларнинг сонидан қатъи назар, агар улар кредиторлар йиғилиши ўтказилиши жойи, санаси ва вақти ҳақида тегишли тартибда огоҳлантирилган бўлсалар, бу йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

Шарҳланаётган модданинг саккизинчи қисмига асосан кредиторлар, агар унинг қарздорга нисбатан талаблари тан олинган ва кредиторлар талаб реестрига киритилган бўлса, кредиторлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади (*овозлар сонини аниқлаш масаласи бўйича Қонуннинг 13-моддаси иккинчи қисмига қаранг*).

Шарҳланаётган модданинг тўққизинчи қисми кредиторлар йиғилишида баённома юритилишини назарда тутади. Лекин қонун баённоманинг мазмунига нисбатан талабларни белгиламаган, фақат баённома матнида йиғилиш ўтказиш санаси ва жойи ҳақида, йиғилишда иштирок этган шахслар ҳақида, кун тартиби ҳақида, муҳокама учун йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар ва мазкур масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар ҳақида маълумот бўлиши лозим.

Шарҳланаётган модданинг ўнинчи қисми кредиторлар йиғилиши баённомасига илова қилиниши керак бўлган ҳужжатларнинг рўйхатини назарда тутади. Бу рўйхат тугал бўлмай, суд бошқарувчисининг ихтиёрига кўра ёки кредиторлар йиғилиши қарорига биноан баённомага бошқа ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин.

Йиғилиш баённомаси ва юқорида кўрсатилган унга илова қилинган ҳужжатлар кредиторлар йиғилиши ўтказилган кундан эътиборан икки кун ичида хўжалик судига юборилиши шарт – бу суд бошқарувчисининг мажбурияти ҳисобланади.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган.

– кредиторлар йиғилишининг келишув битими 475-бет);

– кредиторлар йиғилишининг кредиторлар қўмитаси аъзоларини сайлаш тўғрисидаги баённомаси (қ а р а н г : 478-бет);

– кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги баённомаси (қ а р а н г : 480-бет);

– кредиторлар йиғилишининг суд санациясини тасдиқлаш ва қарзларни қоплаш жадвалини маъқуллаш ҳақидаги баённомаси (қ а р а н г : 482-бет);

– кредиторлар йиғилиши ўтказилган санадаги кредиторлар талаблари реестри (қ а р а н г : 484-бет);

– кредиторлар йиғилиши иштирокчисини қайд қилиш варағи (қ а р а н г : 485-бет);

– овоз бериш бюллетени (қ а р а н г : 486-бет).

11-*модда*. Кредиторлар йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабардор этиш

Лозим даражада хабардор этиш деганда кредиторга, ваколатли органга, шунингдек, ушбу Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ кредиторлар йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бошқа шахсга кредиторлар йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги хабарни кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин почта алоқаси орқали ёки бундай хабар кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида беш кун олдин олинишини таъминловчи бошқа усул билан юбориш тушунилади.

Кредиторни ёки кредиторлар йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бошқа шахсни шахсан хабардор қилиш учун зарур маълумотларни аниқлаш имкони бўлмаганда ёхуд мазкур шахсларни шахсан хабардор этиш имконини бермайдиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда кредиторлар йиғилиши ҳақидаги хабарнинг расмий нашрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда эълон қилиниши ана шундай шахсларни тегишли равишда хабардор этиш деб эътироф этилади.

Кредиторлар йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

– қарздор юридик шахснинг номи ва жойлашган ери;

– кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

– кредиторлар йиғилишининг кун тартиби;

– кредиторлар йиғилиши кўриб чиқадиган материаллар билан танишиш тартиби;

– кредиторлар йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олиш тартиби;

– қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи.

Шарҳланаётган модда кредиторлар йиғилиши ўтказилиши ҳақида иштирокчиларни хабардор этишнинг тартибини ва хабарнома мазмунига қўйилган талабларни белгилайди.

Қайд этиш лозимки, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ёки эга бўлмасада фақат ушбу Қонуннинг 10-моддасига (учинчи қисмига) кўра кредиторлар йиғилишида қатнашишга ҳақли бўлган ҳар бир иштирокчи хабардор этилиши лозим.

Шарҳланаётган модда билан юқорида кўрсатилган шахсларни хабардор этишнинг учта усули назарда тутилади:

Биринчидан, кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта муддат олдин почта орқали хабар жўнатилиши лозим ва хабар берилганлигини тасдиқловчи далил мавжуд бўлиши лозим. Бундай хабарнинг тасдиғи сифатида почта паттаси ёки топширганлик тўғрисидаги маълумотнома ҳисобланади.

Иккинчидан, кредиторлар йиғилиши ўтадиган кундан беш кундан кам бўлмаган муддат олдин хабарнинг қабул қилинишини таъминловчи усул билан хабар жўнатиш. Бу ҳолатда хабарни телефон, факс, электрон почта, курьер ва ҳ.к. лар орқали юбориш назарда тутилади, лекин бунда энг асосий шарт ушбу хабарнинг қабул қилинишини таъминлашдир.

Шундай қилиб, тегишли тартибда хабардор қилиш деганда, икки ҳафта олдин почта орқали жўнатиш ва шахсан қабул қилишни таъминловчи беш кун олдин юбориладиган бошқа усул назарда тутилади. Амалиётда битта аҳоли пунктида жойлашган кредиторларга суд бошқарувчиси шахсан ўзи хабарномаларни етказади.

Хабар етказишнинг учинчи усули мазкур модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган бўлиб, унга кўра, кредиторлар йиғилиши ҳақидаги хабар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда расмий нашрда эълон килинади. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотларни эълон қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 11 июндаги 160-сон қарори билан «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган маълумотларни матбуотда чоп этилиши лозим бўлган расмий нашр сифатида «Биржа» ёки «Солиқ инфо» газеталари белгиланди (кейинги ўринларда расмий нашрлар деб аталади).

Шу билан бирга, мазкур усулдан кредиторни ёки кредиторлар йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бошқа шахсни шахсан хабардор қилиш учун

зарур маълумотларни аниқлаш имкони бўлмаганда ёхуд мазкур шахсларни шахсан хабардор этиш имконини бермайдиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирдагина фойдаланилади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида кредиторлар йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги хабарда акс этмоғи лозим бўлган маълумотлар назарда тутилган.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– кредиторлар йиғилишининг ўтказилиши тўғрисидаги хабарнома (қ а р а н г : 487-бет);

– суд бошқарувчисининг кредиторлар йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги расмий нашрга хати (қ а р а н г : 488-бет).

12-*модда*. Кредиторлар йиғилишини чақириш тартиби

Кредиторлар йиғилиши суд бошқарувчисининг ташаббуси билан, кредиторлар қўмитасининг, пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблари кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблар умумий суммасининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи кредиторларнинг талабига биноан ёхуд кредиторлар умумий сонининг учдан бир қисми ташаббуси билан чақирилади.

Кредиторлар йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда кредиторлар йиғилиши кун тартибига киритилиши лозим кўрилаётган масалалар таърифланган бўлиши керак.

Суд бошқарувчиси кредиторлар қўмитасининг ёки ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган кредиторларнинг талабига биноан чақирилаётган кредиторлар йиғилиши кун тартибининг масалалари таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

Кредиторлар йиғилиши кредиторлар қўмитасининг ёки ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган кредиторларнинг талабига биноан тегишли ариза билан суд бошқарувчисига мурожаат этилган пайтдан эътиборан кечи билан ўттиз кунлик муддат ичида суд бошқарувчиси томонидан чақирилади.

Кредиторлар йиғилиши, агар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан бошқача қоида белгиланган бўлмаса, қарздорнинг жойлашган ерида (яшаш жойида) ўтказилади. Кредиторларнинг биринчи йиғилишини қарздорнинг жойлашган ерида (яшаш жойида) ўтказишнинг иложи бўлмаса, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказиладиган жой суд бошқарувчиси томонидан белгиланади.

Шарҳланаётган модда кредиторлар йиғилишини чақириш тартибини белгилайди.

Кредиторлар йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни мазкур модданинг биринчи қисмида қайд этилган субъектлар, айнан

а) суд бошқарувчиси;

б) кредиторлар қўмитаси;

в) пул мажбуриятлари ва (ёки)мажбурий тўловлар бўйича талаблари кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблар умумий суммасининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи кредиторлар

г) реестрга киритилган кредиторлар умумий сонининг учдан бир қисмини ташкил этувчи кредиторлар бўлиши мумкин.

Шундай қилиб 10-моддага асосан, кредиторлар йиғилишида иштирок этишга ҳақли бўлган барча шахслар ҳам уни чақиртиришни талаб қила олмайди.

Юқорида кўрсатилган барча шахслар (суд бошқарувчисидан ташқари) кредиторлар йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги ўзининг ташаббуси ҳуқуқини суд бошқарувчисига мурожаат қилиш орқали амалга оширадилар. Процессуал жиҳатдан «ташаббускорлик» ва «талаб қилиш» бир-биридан фарқланмайди ва ҳеч қандай оқибатларга олиб келмайди.

Суд бошқарувчисига кредиторлар қўмитаси ёки йиғилиш чақиртиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга кредиторлар томонидан кредиторлар йиғилиши ўтказиш тўғрисида талабнома беришда кредиторлар йиғилишида муҳокама этилиши лозим бўлган масалаларни кўрсатиши керак. Агарда, талабномада кредиторлар йиғилиши кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар шакллантирилмаган бўлса, суд бошқарувчиси кредиторлар йиғилишини ўтказишни рад қилади. Бунда суд бошқарувчи кредиторлар йиғилиш чақиришни рад қилиш тўғрисидаги хатда рад қилиш сабаби Қонуннинг 12-моддаси 2-қисми талабларини бузилиши эканлиги кўрсатиши лозим.

Кредиторлар йиғилиши кредиторлар қўмитаси ёки мазкур модданинг биринчи қисмида кўрсатилган кредиторлар талабига биноан чақиртирилган бўлса, суд бошқарувчиси кредиторлар йиғилишининг кун тартибига киритилган масалаларга ўзгартириш киритишга ҳақли эмас. Фақат, қонун кредиторлар йиғилиши кун тартибига кредиторлар йиғилиши билан келишиш ёки муҳокама этиш керак бўлган масалаларга қўшимча киритишни тақиқламайди.

Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ, йиғилиш чақиртирилиши тўғрисида суд бошқарувчисига талабнома билан мурожаат қилингандан сўнг, мурожаат (ариза) тушган кундан эътиборан ўттиз кун ичида суд бошқарувчиси йиғилишни чақиртириши шарт.

Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмига кўра, кредиторлар йиғилиши, агар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан бошқача қоида белгиланган бўлмаса, қарздорнинг жойлашган ерида (ЯТТларга нисбатан – яшаш жойида) ўтказилади.

Умумий қоида бўйича, кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарздорнинг жойлашган ерида (яшаш жойида) ўтказилади. Кредиторларнинг биринчи йиғилишини қарздорнинг жойлашган ерида (яшаш жойида) ўтказишнинг

иложи бўлмаса, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказиладиган жой суд бошқарувчиси томонидан белгиланади.

Ушбу қўлланманинг 2-бўлимида мазкур модда шарҳига қуйидаги талаб намуналари илова қилинган:

– кредиторлар йиғилишини чақириш тўғрисидаги кредиторлар қўмитасининг талаби (қ а р а н г : 346-бет);

– кредиторлар йиғилишини чақириш тўғрисидаги кредиторнинг талаби (қ а р а н г : 347-бет).

13-*модда*. Кредиторлар йиғилишининг қарор қабул қилиш тартиби

Овозга қўйилган масалалар юзасидан кредиторлар йиғилиши қарори йиғилишда ҳозир бўлган кредиторларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Ҳар бир кредитор кредиторлар йиғилиши ўтказилаётган санадаги ҳолатга кўра умумий кредиторлик қарзидаги ўз улушига мутаносиб овозлар сонига эга бўлади.

Кредиторлар йиғилиши қуйидаги қарорларни барча кредиторларнинг кўпчилик овози билан қабул қилади:

– келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор;

– суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ва уларнинг муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор;

– қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор;

– суд бошқарувчисининг тайинланиши, алмаштирилиши ёки вазифасидан озод қилиниши тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор.

Агар кредиторларнинг йиғилишида ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган қарорларни қабул қилиш учун кредиторларнинг овозлари зарур миқдорга етмайдиган бўлса, кредиторларнинг такрорий йиғилиши чақирилади, йиғилиш, унинг ўтказиладиган санаси, вақти ва жойи тўғрисида кредиторлар лозим даражада хабардор этилган бўлса, бундай қарорларни йиғилишда ҳозир бўлган кредиторлар сонининг кўпчилик овози билан қабул қилишга ваколатли ҳисобланади.

Банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахслар кредиторлар йиғилишининг қарори устидан хўжалик судига шикоят беришга ҳақли.

Шарҳланаётган модда кредиторлар йиғилиши ўз қарорларининг қабул қилишнинг тартибини ва ҳар бир кредиторнинг овози миқдорини санаш тартибини белгилайди, шу билан бирга кредиторлар йиғилишида кре-

диторларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинадиган турли қарорлар рўйхатини, кредиторларнинг такрорий йиғилиши чақирилиши ҳамда норози бўлганларида қарор устидан шикоят бериш имкониятларини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми кредиторлар йиғилишида овоз беришнинг умумий тартибини ўрнатади ва қарор йиғилишда иштирок этадиган кредиторларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинишини тушунтиради.

Кредиторлар йиғилишининг кворуми, юқорида баён этилганидек, мазкур Қонуннинг 10-моддаси еттинчи қисмида назарда тутилган. Умумий тартибда овоз бериш орқали, Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган айрим муҳим аҳамиятга эга бўлганларидан ташқари барча қарорлар қабул қилинади. Умумий овоз бериш тартибидан истисно (малакали) тартиб мазкур модданинг учинчи қисмида белгиланган.

Айрим масалаларни ҳал қилишда Қонунда муайян овоз бериш тартиби ўрнатилган. Масалан, қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш учун (*Қонуннинг 115-моддаси иккинчи қисми ва 137-моддаси биринчи қисми*) кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган барча кредиторлар овоз бериши талаб қилинади. Банкрот корхонани тугатиш режасини тасдиқлаш учун талаблар жами суммасининг камида учдан икки қисмини ифода этувчи кредиторлар розилиги талаб қилинади (*Қонуннинг 129-моддаси иккинчи қисми*).

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ, йиғилиш иштирокчилари эга бўлган овозлар миқдори – кредиторлар йиғилиши ўтказилаётган санадаги ҳолатга кўра умумий кредиторлик қарзидаги ўз улушига мутаносиб белгиланади.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми кредиторлар йиғилиши томонидан кредиторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қарор қабул қилинадиган масалалар рўйхатини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми агар кредиторларнинг йиғилишида Қонуннинг 13-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган қарорларни қабул қилиш учун кредиторларнинг овозлари зарур миқдорга етмайдиган бўлса, кредиторларнинг такрорий йиғилиши чақирилади, йиғилиш, унинг ўтказиладиган санаси, вақти ва жойи тўғрисида кредиторлар лозим даражада хабардор этилган бўлса, бундай қарорларни йиғилишда ҳозир бўлган кредиторлар сонининг кўпчилик овози билан қабул қилишга ваколатли ҳисобланади.

Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмига мувофиқ, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган (*Қонуннинг 36-моддасида назарда тутилган*) шахслар, шу жумладан, талабларининг миқдоридан қатъи назар бошқа кредиторлар ҳам кредиторлар йиғилишининг қарори устидан хўжалик судига шикоят беришга ҳақли. Шуни айтиш жоизки, бу ерда Қонун банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахслар кредиторлар йиғилишининг қарори устидан хўжалик судига шикоят беришга ҳақли эканлигининг муддатини кўрсатмаган. Лекин, бундай муддат таомилга кўра чекланган бўлиши

керак. ОХС Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори (*21 банди*) тушунтиришига кўра, кредиторлар йиғилишининг қарори устидан шикоятни кўриб чиқиш тўғрисидаги суд ажрими устидан Қонуннинг 60-моддасига асосан, қисқартирилган муддатларда шикоят бериш мумкин.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган.

– кредиторлар йиғилишининг қарори устидан кредиторнинг шикояти (қ а р а н г : 348-бет);

– кредиторлар йиғилиши қарори устидан шикоят бериш тўғрисидаги кредитор аризасини қаноатлантириш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 601-бет);

– кредиторлар йиғилиши қарори устидан шикоят қилиш тўғрисидаги кредитор аризасини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 605-бет).

14-*модда*. Кредиторларнинг талаблари реестри

Кредиторларнинг талаблари реестрини суд бошқарувчиси юритади.

Кредиторларнинг талаблари ҳисоби реестрда Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида юритилади. Кредиторларнинг чет эл валютасида ифодаланган талаблари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредиторларнинг талаблари реестрида ҳисобга олинади. Кредиторларнинг талаблари реестрида ҳар бир кредитор ҳақидаги, пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредитор талабларининг аниқланган миқдори, ҳар бир талабнинг қондирилиш навбати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Кредитор талаблар баён этилган аризада ўзи ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан фирманинг тўлиқ номини, жойлашган ерини (почта манзилини), паспортга оид маълумотларини (жисмоний шахслар учун), шунингдек банк реквизитларини (агар улар бўлса) кўрсатиши шарт.

Талаблари кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган шахс ўзи хусусидаги маълумотлар ўзгарганлиги ҳақида, шунингдек, қарздорга нисбатан ўз талабларининг миқдори ва таркиби ўзгарганлиги, шу жумладан талабларидан учинчи шахслар фойдасига воз кечганлиги ҳақида суд бошқарувчисига бир ҳафталик муддат ичида хабар бериши шарт. Бундай маълумотлар тақдим этилмаган ёки ўз вақтида тақдим этилмаган тақдирда шу муносабат билан етказилган зараралар учун суд бошқарувчиси ва қарздор жавобгар бўлмайди.

Кредиторларга талаблар реестри билан танишиш имконияти таъминланиши лозим. Суд бошқарувчиси кредитор ёки унинг вакили талаби билан мазкур кредиторга ёки унинг вакилига талаблари қондирилишининг миқдори, таркиби ва навбати тўғрисида бундай талаб олинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида кредиторларнинг талаблари реестридан кўчирма юбориши шарт. Бундай кўчирмани тайёрлаш ва юбориш харажатлари кредитор зиммасига юкланади.

Кредиторларнинг талаблари реестрини тузишда юзага келадиган келишмовчиликлар хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Шарҳланаётган ушбу модда кредиторларнинг талаблари реестрини тузиш ва юритиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солади.

Реестр – банкротлик жараёнига хос муҳим ҳужжатлардан биридир. Реестрга киритилган кредиторлар ишда иштирок этувчи шахслар мақомига эга бўлади (*Қонуннинг 36-моддаси биринчи қисми*) ва реестрда кўрсатилган навбат тартибида ўз талабларини қондириши мумкин.

Кредиторларнинг талаблари реестри фақат суд бошқарувчиси томонидан юритилади. Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир кейинги суд бошқарувчиси ундан олдинги банкротлик таомилида тузилган реестрни қабул қилади ва келиб чиқадиган ҳолатларга кўра тегишли ўзгартиришлар киритади. Кейинчалик суд бошқарувчиси реестрдаги хато ёки ноаниқликларни топганда, тегишли ўзгартиришларни киритади, бу ҳақда талаблари юзасидан ўзгартиришлар киритилган кредиторга хабар қилинади (*Қонуннинг 14-моддаси биринчи қисми*). Бундай ҳолларда мазкур кредитор Қонуннинг 59-моддасига асосан, у билан суд бошқарувчиси ўртасида келиб чиққан келишмовчиликларни ҳал этиш мақсадида хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми реестр юритиш тартиби ва унинг мазмунини белгилайди.

Энг аввалло шуни айтиб ўтиш жоизки, реестр Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида, яъни сўмда юритилади. Агар қарздорнинг чет эл валютасидаги қарзлари бўлса, кредиторларнинг талаблари реестрига киритиладиган кредиторлар талабларининг ҳажми биринчи йиғилиш ўтказилиши учун қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинган кундаги расмий курс бўйича белгиланади, кейинги таомилларда эса, башарти кредитор ва қарздор ўртасидаги шартномада бошқача тартиб кўрсатилмаган бўлса, тегишли банкротлик таомили ўтказиладиган санадаги расмий курс бўйича белгиланади.

Реестрда ҳар бир кредитор ҳақида маълумотлар, қарздор олдига қўйилган талабларининг аниқланган ҳажми, уларни Қонуннинг 133-моддаси, 134-моддаси иккинчи-еттинчи қисмлари бўйича қондирилиш навбати кўрсатилади.

ОХС Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори (19-банди)да кўрсатилганидек, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик суди томонидан қабул қилингунга ва банкротликнинг тегишли таомилини жорий этишга қадар ижро муддати келган қарздорнинг кредиторлар олдидаги мажбуриятлари кредиторларнинг талаблари реестрига киритилади. Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилганидан кейинги қарздорнинг кредитор олдидаги келиб чиққан мажбуриятлари ҳамда тегишли банкротлик таомили бошлангандан кейин ижро муддати келган мажбуриятлар жорий деб топилади ва кредиторларнинг талаблари реестрига киритилмайди. Шуни айтиш жоизки, тугатишга доир иш юритишда қоидага кўра барча кредиторлар унинг талаблари қайси навбат-

да қондирилишидан қатъи назар реестрга киритилади(навбатдан ташқари тугатишга доир иш юритиш бошлангунга қадар вужудга келган навбатдан ташқарилар ҳам назарда тутилмоқда). Бунинг зарурати суд бошқарувчиси ва кредиторлар қарздор мажбуриятларининг умумий ҳажмини билишларига имконият бериши билан белгиланади. Қонуннинг 134-модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган талаблардан тугатишга доир иш юритиш билан боғлиқ харажатлар, коммунал ва эксплуатациявий тўловлар ҳажми реестр тузиш чоғида маълум эмаслиги туфайли тўлалигича реестрга киритиш имкони бўлмайди.

Кредитор ҳақида маълумотларни реестрга киритиш имкони бўлиши учун, кредитор ўз талабларини баён этганда аризада ўзи ҳақидаги маълумотларни (юридик шахслар учун фирманинг номини, жойлашган ерини; жисмоний шахслар учун исми, фамилияси, отасининг исми, паспортга оид маълумотларини), шунингдек, банк реквизитларини (агар улар бўлса) кўрсатиши шарт.

Кредитор шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида санаб ўтилган маълумотлар ўзгарганлиги ҳақида, шунингдек, қарздорга нисбатан ўз талабларининг миқдори ва таркиби ўзгарганлиги, шу жумладан кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган талабларидан учинчи шахслар фойдасига воз кечганлиги ҳақида суд бошқарувчисига хабар бериши шарт.

Агар кредитор ва унинг банк реквизитлари ҳақидаги маълумот (албатта, мазкур маълумотларни ўзгариши ҳам тааллуқли) ўз вақтида тақдим этилмаган бўлса, шу сабабли етказилган зарарлар хавфи кредиторнинг ўз зиммасига тушади, суд бошқарувчи ва қарздор бу билан боғлиқ ҳолда етказилган зарар учун ҳеч қанақа жавобгарлик олмайди.

Реестрга киритилган маълумотлар ўз моҳиятига кўра конфиденциал деб ҳисобланмайди, шунинг учун унинг ошкоралиги ва барча учун танишиш имконияти борлиги айни пайтда кредиторлар учун фақат ижобий аҳамиятни касб этади.

Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмига кўра, реестрдаги маълумотлар билан исталган вақтда танишиш имконияти фақат кредиторга (ёки унинг вакилига) реестрда акс эттирилган кредиторлик қарзнинг умумий суммасидаги унинг талабларининг ҳажмидан қатъи назар берилган, бундай субъектга суд бошқарувчиси талаб қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида кредиторларнинг талаблари реестридан кўчирмани юбориши шарт, бунда реестрдан кўчирмани тайёрлаш ва юбориш харажатлари кредитор зиммасига юкланади (рад этилган тақдирда, кредитор суд бошқарувчиси ҳаракатлари устидан Қонуннинг 59-модда иккинчи қисмига биноан шикоят қилиши мумкин).

Кредиторларнинг талаблари реестрини тузишда пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловларнинг навбати, таркиби ва миқдори билан боғлиқ ҳолда кредитор, қарздор ва суд бошқарувчиси ўртасида юзага келадиган келишмовчиликлар (*масалан, Қонуннинг 70, 100-моддаларида назарда тутилган келишмовчиликлар*) Қонуннинг 59-моддасига мувофиқ, хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Ушбу қўлланманинг 2-бўлимида мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– кредиторнинг талабномаси (қ а р а н г : 350-бет);

– ўзи тўғрисидаги маълумотлар ўзгарганлиги ҳақида кредитор ахбороти (қ а р а н г : 351-бет);

– кредиторлар талаблари реестридан кўчирма бериш тўғрисидаги кредиторнинг талабномаси (қ а р а н г : 352-бет).

15-*модда*. Кредиторлар қўмитаси

Кредиторлар қўмитаси кредиторларнинг манфаатларини ифода этади ҳамда суд бошқарувчиларининг ҳаракатлари устидан назорат олиб боради.

Кредиторлар қўмитаси таркибига кредиторлар йиғилиши томонидан белгиланадиган миқдорда кредиторлар вакиллари киритилади.

Агар қарздорнинг кредиторлари сони йигирматадан кам бўлса, кредиторлар қўмитасининг вазифаларини кредиторлар йиғилишининг қарори билан кредиторлар йиғилиши зиммасига юклаш назарда тутилиши мумкин.

Ўз зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда кредиторлар қўмитаси қуйидагиларга ҳақли:

– суд бошқарувчисидан қарздорнинг молиявий аҳволи ва банкротлик таомилининг бориши тўғрисида ахборот тақдим этишни талаб қилиш;

– суд бошқарувчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан хўжалик судига шикоят бериш;

– банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этиш учун ўз вакилини сайлаш;

– ушбу Қонунда ва суд санацияси ёки ташқи бошқарув режасида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

Кредиторлар қўмитаси қуйидаги қарорларни қабул қилишга ҳақли:

– кредиторлар йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарор;

– суд бошқарувчисининг тайинланиши, алмаштирилиши ёки вазифасидан озод қилиниши тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этишни кредиторлар йиғилишига тавсия қилиш ҳақидаги қарор;

– қарздорнинг йирик битимларини ҳамда амалга оширилишидан қарздор манфаатдор бўлган битимларини тасдиқлаш ёки уларни тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги қарор.

Кредиторлар қўмитасининг йиғилишида масалаларни ҳал этишда кредиторлар қўмитасининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади. Кредиторлар қўмитасининг аъзоси овоз бериш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишига йўл қўйилмайди.

Кредиторлар қўмитасининг қарори кредиторлар қўмитаси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Кредиторлар қўмитаси йиғилишларида қарздор ходимларининг вакили, суд бошқарувчиси, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

Шарҳланаётган модда кредиторлар қўмитасининг мақоми ва ваколатларини белгилайди.

Кредиторлар қўмитаси – бу кредиторларнинг махсус органи бўлиб, банкротлик тўғрисида ҳуқуқ субъекти деб аталиши мумкин (ваҳоланки, у фуқаролик ҳуқуқи субъекти ҳисобланмайди). Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми кредиторлар қўмитасининг иккита муҳим функциясини белгилайди: биринчидан, у кредиторларнинг манфаатини ёқлаб чиқади, иккинчидан эса, суд бошқарувчиларининг хатти-ҳаракатлари устидан назоратни амалга оширади.

Қўмитани ташкил этиш ҳақидаги қарор кредиторлар йиғилиши томонидан қабул қилинади ва таркибига кредиторлар йиғилиши томонидан белгиланадиган миқдорда кредиторлар вакиллари киради.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига биноан, агар кредиторлар сони йигирмата ва ундан ортиқ бўлса, кредиторлар умумий йиғилиши томонидан кредиторлар қўмитаси ташкил этилади. Аммо бу кредиторлар сони шунча бўлганда кредиторлар қўмитасини ташкил этиш мажбурийлигини билдирмайди. Ҳар бир алоҳида ҳолатда кредиторлар йиғилиши кредиторлар қўмитасини ташкил этиш ёки этмаслик масаласини ҳал қилади. Агар қарздорнинг кредиторлари сони йигирматадан кам бўлса, кредиторлар қўмитасининг вазифаларини кредиторлар йиғилишининг қарори билан кредиторлар йиғилиши зиммасига юклатилади.

Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ, кредиторлар қўмитаси суд бошқарувчилари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш мақсадида:

– суд бошқарувчисидан қарздор, корхона молиявий аҳволи ва банкротлик таомилининг бориши тўғрисида ахборот тақдим этишни вақти-вақти билан талаб қилишга;

– суд бошқарувчисининг ғайриқонуний ҳаракатлари (агар шундайлар мавжуд бўлса) устидан хўжалик судига шикоят беришга ҳақли.

Қўмита банкротлик тўғрисидаги ишда кредиторларнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида ўз аъзолари ичидан суд жараёнларида иштирок этиш учун ўз вакилини сайлаши мумкин (*Қонуннинг 36-модда иккинчи қисми*). Кредиторлар қўмитаси шунингдек бошқа ҳаракатларни қилиши мумкин, масалан, суд санацияси ёки ташқи бошқарув режасида назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширишга ҳам ҳақли.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– *кредиторлар қўмитасининг суд бошқарувчисига қарздорнинг молиявий*

аҳволи ҳамда банкротлик таомилининг жараёни ҳақида ахборот берилиши тўғрисидаги талаби (қ а р а н г : 489-бет);

– кредиторлар қўмитасининг йирик битимлар амалга оширилишига рухсат бериш тўғрисидаги қарори (қ а р а н г : 490-бет).

16-*модда*. Кредиторлар қўмитасини сайлаш

Кредиторлар қўмитасининг аъзолари кредиторлар йиғилиши томонидан суд санацияси, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш амалга ошириладиган даврга сайланади. Кредиторлар йиғилишининг қарорига биноан кредиторлар қўмитаси барча аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Бундай қарор бир пайтнинг ўзида фақат кредиторлар қўмитасининг барча аъзоларига нисбатан қабул қилиниши мумкин.

Энг кўп овоз олган номзодлар кредиторлар қўмитаси таркибига сайланган ҳисобланади.

Кредиторлар қўмитасининг аъзолари ўз таркибидан кредиторлар қўмитасининг раисини сайлаши мумкин.

Агар кредиторлар қўмитасида аъзолар беш кишидан ортиқ бўлса, кредиторлар қўмитаси раиси сайланиши шарт.

Ушбу модда кредиторлар қўмитаси аъзоларини ва қўмита раисини сайлаш, қўмита ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тартибини белгилайди.

17-*модда*. Манфаатдор шахслар

Қарздор юридик шахсга нисбатан қуйидагилар манфаатдор шахслар деб эътироф этилади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ қарздорга нисбатан бош ёки тобе ҳисобланувчи юридик шахс;

қарздорнинг раҳбари, шунингдек, кузатув кенгаши, коллегиал ижроия органи таркибига кирувчи шахслар, бош бухгалтер (бухгалтер), шу жумладан улар билан тузилган меҳнат шартномаси банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилмасидан олдинги бир йил давомида бекор қилинган ҳолларда ҳам;

юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари).

Ушбу Қонунда қарздор якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан манфаатдор шахс дейилганда унинг хотини (эри), ота-онаси, бува-бувилари, ака-укалари, опа-сингиллари ҳамда болалари, неваралари, чеваралари, эваралари, ака-ука ва опа-сингилларининг болалари, неваралари, чеваралари, эваралари, хотинининг (эрининг) ота-онаси, ака-укалари ва опа-сингиллари тушунилади.

Суд бошқарувчиларига, кредиторларга нисбатан манфаатдор шахслар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ белгиланади.

Шарҳланаётган модда қарздор ва суд бошқарувчиларига нисбатан манфаатдор шахс ҳисобланадиган субъектларни белгилайди. Банкротлик тўғрисидаги қонунчиликда манфаатдор шахслар доираси улар билан битимлар тузишда махсус талабларга риоя этилиши учун белгиланади (*масалан, Қонуннинг 15-моддаси бешинчи қисми, 79-моддаси бешинчи қисми, 101-моддаси иккинчи, тўртинчи қисмлари, 103-моддаси иккинчи қисми, 146-моддаси учинчи қисмлари*) ва улар суд бошқарувчиси қилиб тайинланиши мумкин эмас (*Қонуннинг 18-моддаси иккинчи қисми*) ҳамда қарздор ва суд бошқарувчисига нисбатан манфаатдор шахслар савдо ташкилотчиси бўлишлари мумкин эмас (*Қонуннинг 101-моддаси ўнинчи қисми, 135-моддаси олтинчи қисми*).

18-*модда*. Суд бошқарувчилари

Олий маълумотга ҳамда камида икки йиллик иш стажига эга бўлган, шунингдек банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органида аттестациядан ўтган шахслар суд бошқарувчилари этиб тайинланиши мумкин.

Суд бошқарувчилари этиб қуйидагилар тайинланиши мумкин эмас:

– қарздор ёки кредиторларга нисбатан манфаатдор шахслар;

– судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар;

– якка тартибдаги тадбиркорлар, агар уларга нисбатан банкротлик таомили жорий этилган бўлса;

– илгари суд бошқарувчиси вазифасини бажараётган пайтда қарздорга, кредиторларга зарар етказган ва бу зарарнинг ўрнини қопламаган шахслар;

– бошқа шахсларнинг ишларини ва (ёки) мол-мулкини бошқариш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишига чеклов белгиланган шахслар (бундай фаолият билан шуғулланишдан маҳрум этилган ёки бундай фаолиятга нолойиқ деб топилган шахслар).

Хўжалик суди ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган асосларга биноан, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахслар тақдим этган далиллар бўлган тақдирда, суд бошқарувчилигига тавсия этилган номзодни бу вазифага тайинлашни рад этишга ёки суд бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод этишга ҳақли.

Суд бошқарувчиси хўжалик суди томонидан вазифага тайинланган санадан эътиборан ўн кун ичида банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларга зарар етказилиши ҳодисаси учун ўз жавобгарлигини қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда суғурталамоғи керак.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган талаблар банкротликнинг соддалаштирилган таомилини амалга ошираётган суд бошқарувчиларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Кредиторлар йиғилиши суд бошқарувчисидан қарздорнинг мол-мулкини суғурта қилиш шартномасини тузишни талаб қилишга ҳақли.

Шарҳланаётган модда суд бошқарувчиси бўлиб тайинланиши мумкин бўлган шахслар доирасини, уларни тайинлашни рад этиш асосларини, ўз жавобгарлигини ва қарздорнинг мол-мулкини суғурталаш мажбуриятини белгилайди.

Суд бошқарувчилари барча банкротлик таомилларида, муваққат, санация қилувчи, ташқи ва тугатиш бошқарувчиси сифатида қатнашади. Ҳар қандай суд бошқарувчиси қилиб тайинланадиган номзод шартли равишда иккига, яъни ижобий (мавжуд бўлиш керак) ва салбий (мавжуд бўлмаслиги керак)га таснифланадиган муайян талабларга жавоб бериши керак.

Ижобий талаблар шарҳланаётган модданинг биринчи қисми, шунингдек, ОХС Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарорининг 11-банди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.03.2004 йилдаги 138-сонли қарори билан тасдиқланган «Суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида Низомнинг» 7-бандида белгиланган.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида шахсни суд бошқарувчиси сифатида тайинлашни истисно қиладиган салбий (суд бошқарувчиси номзодида мавжуд бўлмаслиги керак бўлган) белгилар санаб ўтилган.

Ушбу қўлланманинг 4-бўлимида мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– тавсия қилинган суд бошқарувчиси номзодини тайинлашни рад этиш тўғрисида суд ажрими (қ а р а н г : 608-бет);

– суд бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 610-бет).

19-*модда*. Суд бошқарувчисининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Суд бошқарувчиси қуйидагиларни амалга оширишга ҳақли:

– кредиторлар йиғилишини чақириш;

– ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда кредиторлар қўмитаси чақирилишини талаб қилиш;

– олдиндан давлат божи тўламай туриб, даъво аризалари ва бошқа аризалар билан хўжалик судига мурожаат этиш;

– ушбу Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ ҳақ олиш;

– ўз ваколатларини амалга оширишни таъминлаш учун бошқа шахсларни шартнома асосида улар фаолиятига қарздорнинг маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлаган ҳолда, агар кредиторлар билан тузилган битимда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, жалб этиш;

– ўз вазифасини бажаришни муддатидан илгари тугатиш тўғрисида хўжалик судига ариза бериш.

Суд бошқарувчиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суд бошқарувчиси:

– қарздорнинг мол-мулки бут сақланиши юзасидан чоралар кўриши;

– кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши;

– қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиши;

– хўжалик суди томонидан белгиланган вазифаларни бажариши;

– зиммасига юклатилган вазифаларни бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда қарздорга, кредиторларга ва учинчи шахсларга зарар етказилган бўлса, уларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

Суд бошқарувчисининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Суд бошқарувчиси банкротлик таомилларини ўтказаётганда қарздор ва кредиторларнинг манфаатларини кўзлаб, инсоф билан оқилона иш олиб бориши шарт.

Шарҳланаётган моддада суд бошқарувчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу билан бирга унинг инсоф билан оқилона иш олиб боришида акс этадиган одоб-аҳлоқ қоидалари ҳам мустаҳкамланган.

Суд бошқарувчиси раҳбар билан бир қаторда ўз номидан ҳам, қарздор номидан ҳам мустақил ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга. Шу ўринда суд бошқарувчиси ўз номидан ҳаракат қилсада, ҳуқуқ ва мажбуриятлар барибир қарздорда юзага келади. Суд бошқарувчиси қарздор ва кредиторларнинг манфаатларини кўзлаб иш олиб боради (шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми).

Шундан келиб чиқиб, суд бошқарувчиси банкротлик таомилларида белгиланган тадбирларни ўтказиш зарурати билан белгиланган махсус мақомга эга ҳуқуқ субъекти ҳисобланади. Бу билан суд бошқарувчисининг комплекс ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида суд бошқарувчисининг банкротлик таомилларини ўтказишдаги ҳуқуқлари санаб ўтилган.

Юқорида кўрсатилганидан ташқари, суд бошқарувчиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Хусусан, ҳар бир банкротлик таомилида суд бошқарувчиси фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқлар ҳажми мавжуд (*Қонуннинг 66, 81, 97, 128-моддаларида суд бошқарувчисининг кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш таомиллардаги қўшимча ҳуқуқлари ҳажми кўрсатилган*).

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида суд бошқарувчисининг банкротлик таомилларини ўтказишда амалга ошириши лозим бўлган мажбуриятлари санаб ўтилган.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида белгиланган мажбуриятлардан ташқари, суд бошқарувчисининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, Қонуннинг 52-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган тартибда у банкротлик бўйича эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни махсус белгиланган расмий нашр

органига юбориши керак, кредиторлар йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш, баённомалар юритилишини таъминлаши (*Қонуннинг 10-модда олтинчи қисми*), Қонуннинг 67, 82, 128-моддаларида кўрсатилган суд бошқарувчилари мажбуриятларини бажариш шарт.

Ўз мажбуриятларини бажаришда суд бошқарувчилари мазкур қонун, шунингдек, «Суд бошқарувчилари тўғрисида»ги Низомда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.03.2004 йилдаги138-сонли қарорига 1-илова) белгиланган қоидаларга амал қиладилар.

Суд бошқарувчиси банкротлик таомилларини ўтказаётганда қарздор ва кредиторларнинг манфаатларини кўзлаб, инсоф билан оқилона иш олиб бориши шарт, чунки хўжалик суди томонидан суд бошқарувчилари кредиторлар ва қарздорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тайинланади.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– ўз вазифасини бажаришдан муддатидан олдин озод қилиш тўғрисидаги суд бошқарувчисининг аризаси (қ а р а н г : 353-бет).

– суд бошқарувчисининг кредиторлар қўмитасини чақириш тўғрисидаги талабномаси (қ а р а н г : 492-бет).

20-*модда*. Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари

Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари суд бошқарувчиларини ихтиёрий асосда бирлаштириб турувчи нодавлат нотижорат ташкилотларидан иборат.

Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари суд бошқарувчиларининг касб-кор даражаси юксалтирилиши ҳамда сақлаб турилишига, уларнинг манфаатлари ҳимоя этилишига кўмаклашмоғи лозим.

Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари:

– суд бошқарувчиларини тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқади ва бу дастурларни банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига тасдиқлаш учун киритади;

– ўз аъзоларининг таълимини ва касб-кор даражаси оширилишини ташкил этади;

– профессионал бирлашмага аъзо суд бошқарувчиларининг фаолиятини таҳлил қилиб боради.

Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Шарҳланаётган модда суд бошқарувчилари профессионал бирлашмалари тушунчасини изоҳлайди ва мазкур бирлашмаларни ташкил этишнинг мақсад ва вазифаларини тартибга солади.

Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари нодавлат нотижорат ташкилотлари бўлиб, мазкур бирлашмалар ўз фаолиятида даромад (фойда) олишни кўзламайди ва олинган даромад (фойда)ни ўз аъзолари ўртасида тақсимламайди. Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлаш-

малари Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунлар асосида ташкил этилади ва фаолият юритади.

Суд бошқарувчиларининг фаолиятидаги муваффақиятлар аввалам бор уларнинг профессионал даражасига боғлиқдир. Шу билан бирга суд бошқарувчилари ҳам ўз манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилинишига муҳтождирлар. Шу каби муаммоларни ҳал қилиш учун Қонунда суд бошқарувчиларининг касбга оид даражасини юксалтириш ва қўллаб-қувватлаш, манфаатлари ҳимоя этилишига кўмаклашиш мақсадида шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмаларини тузиш белгиланган.

21-*модда*. Суд бошқарувчисининг жавобгарлиги

Суд бошқарувчиси зиммасига ушбу Қонунга мувофиқ юкланган вазифаларнинг қарздорга ёки кредиторларга зарар етказилишига олиб келган тарзда бажарилмаганлиги ёхуд лозим даражада бажарилмаганлиги суд бошқарувчисининг ўз вазифасини бажаришдан озод этилиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қарздор, кредиторлар суд бошқарувчисидан унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарарнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Шарҳланаётган моддада суд бошқарувчиларнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни қарздорга ёки кредиторларга зарар етказилишига олиб келган тарзда бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликлари учун икки хил тоифадаги оқибат келиб чиқиши:

– суд бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод этилиши;

– етказилган зарарнинг ўрнини қопланиши назарда тутилган.

Қонун нормаларига мувофиқ суд бошқарувчиси бошқа асослар бўйича ҳам озод этилиши мумкин, масалан унинг ўз аризасига биноан, банкротлик ишлари бўйича давлат органининг қарорига асосан (*Қонуннинг 96-моддаси*). Шарҳланаётган модда суд бошқарувчисини озод қилишни Қонуннинг 19-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида ва бошқа мажбуриятларни қарздорга ёки кредиторларга зарар етказилишига олиб келган тарзда бажарилмаганлиги ёхуд лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгарлик сифатида белгиланади.

Кредиторлар йиғилиши ва (ёки) банкротлик тўғрисидаги иш бўйича давлат органи судга суд бошқарувчисини озод этиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат этиши мумкин.

Хўжалик суди аризани кўриб чиқиш натижасида ажрим чиқаради ва ушбу ажрим устидан Қонуннинг 60-моддасида назарда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

22-*модда*. Суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш

Суд бошқарувчисига вазифасини бажарганлиги учун ҳақ тўлашнинг миқдори ва тартиби кредиторлар йиғилиши томонидан белгиланади, хўжалик суди томонидан тасдиқланади ҳамда, агар кредиторлар билан тузилган битимда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан амалга оширилади.

Кредиторлар йиғилишининг қарори билан суд бошқарувчисига унинг фаолияти натижаларига қараб тўланадиган қўшимча ҳақ белгиланиши мумкин.

Шарҳланаётган моддада суд бошқарувчисига ўз вазифаларини бажарганлик учун унга ҳақ тўлашнинг миқдори ва тартиби назарда тутилган. Суд бошқарувчисининг ўз вазифаларини бажарганлик учун ҳақ олиш ҳуқуқи Қонуннинг 19-моддаси биринчи қисми (умумий қоидалар), 65-модда (муваққат бошқарувчи бўйича), 97-модданинг иккинчи қисми (ташқи бошқарувчи бўйича)га мувофиқ белгиланган.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми умумий қоидаларига мувофиқ суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан амалга оширилади. Шу ўринда, суд бошқарувчисига ўз вазифасини бажарганлик учун ҳақ тўлашнинг миқдори ва тартибини белгилаш кредиторлар йиғилиши ваколатига, уни тасдиқлаш эса хўжалик суди ваколатига берилган.

Ҳақ ва унинг миқдори суд бошқарувчисининг фаолиятидаги муваффақияти ҳамда қарздор мол-мулкининг миқдорига боғлиқдир. ОХС Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарорида (15-банди) суд бошқарувчиси ҳақининг миқдорини белгилашда қарздор мол-мулкининг қиймати, суд бошқарувчиси амалга оширадиган ишлар ҳажми ҳисобга олиниши лозим. Шу билан бирга, суд бошқарувчиси ҳақининг миқдори қарздор собиқ раҳбарининг иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

Бу қоидага истисно тариқасида, агар кредиторлар йиғилиши билан келишув асосида бошқа молиявий манба назарда тутилган бўлса, ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган қоида қўлланилмайди. Қарздорнинг мол-мулки мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам, суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш тартиби кредиторлар йиғилиши томонидан худди шундай тартибда ҳал қилинади. Агар кредиторлар йиғилиши томонидан ушбу масала тўғрисида аниқ бир келишувга эришилмаса, суд бошқарувчисига ҳақ тўланиш ҳаражатлари аналогия асосида Қонуннинг 52-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, судга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган кредиторга юкланади.

Банкротликнинг соддалаштирилган таомилида, қоида тариқасида суд бошқарувчиси этиб, суд бошқарувчисининг 4-даражали аттестатига эга бўлган давлат солиқ органларининг хизматчиларидан бири тайинланади, шунга кўра, уларга ҳақ тўланиши белгиланмаган.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида кредиторлар йиғилишининг қарори билан суд бошқарувчисига унинг фаолият натижаларига қараб тўланадиган қўшимча ҳақ белгиланиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган (*ОХС Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарори 15-банди*).

Шу билан бирга, суд бошқарувчисига қарздорнинг мол-мулкидан қўшимча ҳақ тўланиши Қонунда инкор этилмайди ва асосий ҳақ тўланишидан фарқли равишда хўжалик суди томонидан тасдиқланмайди (мазкур модданинг биринчи қисми).

Қўшимча ҳақ ҳам кредиторлар билан бошқача келишув белгиланмаган бўлса, қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур моддага қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– кредиторлар йиғилишининг суд бошқарувчисига қўшимча ҳақ тайинлаш тўғрисидаги баённомаси (қ а р а н г : 493-бет);

– суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш миқдорини тасдиқлаш тўғрисида суднинг ажрими (қ а р а н г : 612-бет).

23-*модда*. Банкротлик соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

Банкротлик соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи амалга оширади.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат бошқаруви бошқа органлари, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Шарҳланаётган моддада банкротлик соҳасини давлат томонидан тартибга солиниши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан амалга оширилиши, шунингдек банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича орган чиқарган қарорлар ижроси мажбурийлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида тартибга солишни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари Қонуннинг 24-моддасида санаб ўтилган.

Банкротлик соҳасини давлат томонидан тартибга солиниши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан бир қаторда банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ҳам амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги 105-сонли қарорининг 1-илова*) Антимонопол қўмитанинг асосий вазифаларидан бири иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволини ва рақобатбардошлилигини чуқур таҳлил

қилиш, хўжалик юритувчи субъектларни таркибий ўзгартириш ва уларнинг банкротлиги бўйича функцияларни амалга ошириш, таркибий ўзгартириш, санация ва банкротлик масалаларини кўриб чиқишда давлат манфаатларини ифодалаш ҳисобланади.

24-*модда*. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг банкротлик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

– пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича банкротлик таомилларида Ўзбекистон Республикасининг кредитор тариқасидаги талабларини тақдим этишнинг ягона тартибини тасдиқлайди;

– суд бошқарувчилари сифатида фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг аттестациядан ўтиш тартибини, уларга нисбатан малака ва касбга оид талабларни ҳамда суд бошқарувчиларининг ягона реестрини юритиш тартибини тасдиқлайди;

– суд бошқарувчилари фаолияти тартибини тасдиқлайди;

– санация фондини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилайди;

– устав фондида давлат улуши бўлган банкрот корхоналарнинг мол-мулкини реализация қилиш тартибини белгилайди;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Шарҳланаётган моддада Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг банкротлик соҳасидаги ваколатлари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида 2004 йил 23-мартда «Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 138-сонли қарорини қабул қилган. Мазкур қарор билан суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаб берувчи Суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги Низоми ва суд бошқарувчилари фаолияти тартибини белгилаб берувчи Суд бошқарувчилари тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шунингдек, ўз ваколати дорирасида 2003 йил 18 апрелдаги 188-сонли қарори билан Таркибий ўзгартириладиган корхоналарнинг, шунингдек, уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилган корхоналарнинг мол-мулкини баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Шарҳланаётган моддада келтирилган ваколатлар тугал ҳисобланмайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширишга ҳақли.

25-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ваколатлари

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи:

– тўлов қобилиятига эга бўлмай қолган, зарар келтириб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаш мақсадида устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг молиявий аҳволи мониторингини юритади;

– устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бор корхоналарнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза билан хўжалик судига мурожаат этади;

– суд бошқарувчилари аттестациясини ўтказади ҳамда суд бошқарувчиларининг ягона реестрини юритади;

– устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарни судгача санация қилиш, уларнинг суд санацияси ва ташқи бошқаруви режаларини келишиб олади;

– устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш қандай бораётганлиги, шунингдек, бундай корхоналарнинг банкротлиги таомиллари жараёни устидан назоратни амалга оширади;

– суд бошқарувчилари фаолияти устидан қонун ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширади, суд бошқарувчисининг фаолиятида қонун ҳужжатлари мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузилганлиги аниқланган тақдирда уни вазифасини бажаришдан озод қилиш ҳақида хўжалик судига ариза билан мурожаат этади;

– молиявий аҳволи мониторинги юритилаётган корхоналарнинг раҳбарлари ёки бошқа мансабдор шахсларига мазкур корхоналар молия-хўжалик фаолияти ҳақидаги материаллар тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жарима солади;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ҳақидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Шарҳланаётган моддада банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ваколатлари санаб ўтилган.

Юқорида кўрсатилган ҳуқуқлардан ташқари, Қонуннинг 36-моддасида қуйидаги ҳуқуқларни, яъни банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этиш (ариза берган тақдирда ҳамда устав фондида давлат мулки бўлган ҳолларда,); маслаҳат овози билан кредиторлар йиғилишида иштирок этиш (*Қонуннинг 10-моддаси учинчи қисми*); муваққат, санация қилувчи, ташқи ва тугатиш бошқарувчилигига номзод тақдим этиш (*Қонуннинг 65-модда биринчи қисми, 73-модда иккинчи қисми, 94-модда иккинчи қисм ва 126-моддаси*) қарздор

устав фондида давлат улуши бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар; устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарга нисбатан суд санациясини (*Қонуннинг 75-моддаси учинчи қисми*) ва ташқи бошқарув (*Қонуннинг 91-моддаси биринчи қисми*) тўғрисида ариза бериш кабиларни назарда тутади. Ундан ташқари қонун ҳужжатларини мунтазам ёки бир марта қўпол равишда бузиш ҳолатидан ташқари ҳолларда «Суд бошқарувчиларининг аттестация комиссияси тўғрисида»ги Низомнинг 35-бандига мувофиқ суд бошқарувчиларини вазифасидан озод этиш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқи назарда тутилган. Бунга мисол қилиб, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги қарорлари (кўрсатмалари)ни белгиланган муддатларда бажармаслик ҳамда банкротлик қонун ҳужжатлари асосида суд бошкарувчисига юклатилган вазифаларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслиги қарздор ва кредиторларга зарар етказилишига сабаб бўлиш ҳолатини кўрсатишимиз мумкин.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ўз ваколатларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги 105-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомга асосланади.

Ушбу қўлланманинг 2-бўлимида мазкур модда шарҳига банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг суд бошқарувчисини вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисидаги аризаси намунаси илова қилинган. (қ а р а н г : 354-бет).

26-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари ваколатлари

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари:

– тўлов қобилиятига эга бўлмай қолган, зарар келтириб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаш мақсадида устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг молиявий аҳволига оид маълумотлар электрон базасини шакллантиришни амалга оширади;

– устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бор корхоналарнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг кўрсатмасига биноан хўжалик судига мурожаат этади;

– тегишли ҳудудда жойлашган, устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация

қилиш қандай бораётганлиги, шунингдек, бундай корхоналарнинг банкротлиги таомиллари жараёни устидан назоратни амалга оширади;

– тегишли ҳудуддаги корхоналарнинг банкротлиги жараёнлари мониторингини юритади;

– суд бошқарувчилари фаолияти устидан қонун ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширади, суд бошқарувчисини белгиланган тартибда вазифасини бажаришдан озод қилиш зарурлиги ҳақида банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига илтимоснома билан мурожаат этади;

– банкротликнинг соддалаштирилган таомиллари амалга оширилаётганда, шунингдек устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарни тугатишга доир иш юритиш амалга оширилаётганда хўжалик суди муҳокамасига суд бошқарувчилигига номзодлар тақдим этиш ҳуқуқига эга;

– устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг раҳбарлари ёки бошқа мансабдор шахсларига мазкур корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти ҳақидаги материаллар тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жарима солади;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Шарҳланаётган моддада банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ҳудудий бошқармалари ваколатлари белгиланган.

Шарҳланаётган модда банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ва унинг ҳудудий органларининг ваколатлари деярли бир хил аммо айрим қуйидаги фарқли жиҳатлари мавжуд.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бор корхоналарнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига эга, унинг ҳудудий бошқармалари эса бундай ариза билан хўжалик судига мустақил мурожаат эта олмайди. Ҳудудий бошқармалар бундай ариза билан фақат банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи кўрсатмасига асосан мурожаат этишга ҳақли.

Шунингдек, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи суд бошқарувчисини вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, айни пайтда уларнинг ҳудудий бошқармалари фақат банкротлик тўғрисидаги иш бўйича давлат органига суд бошқарувчисини вазифасини бажаришдан озод этиш зарурати тўғрисида мурожаат қилишлари мумкин.

Айни пайтда банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органларининг ҳудудий органлари хўжалик судига банкротликнинг соддалаштирилган таомилини амалга оширишда, шуниндек, устав фондида давлат улуши бўлган корхонани тугатишга доир иш юритишни амалга оширишда суд муҳокамасига суд бошқарувчилари номзодлари кўриб чиқиши учун тақдим қилиш ҳуқуқига эга, ушбу масала Қонуннинг 25-моддасида санаб ўтилган банкротлик

тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ваколатлари рўйхатида мавжуд эмас. Фақат банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органларининг хўжалик суди муҳокамасига банкротлик соддалаштирилган таомилини амалга оширишда, шуниндек, устав фондида давлат улуши бўлган корхонани тугатишга доир иш юритишни амалга оширишда суд муҳокамасига суд бошқарувчилари номзодлари кўриб чиқиш учун тақдим қилганда суд ушбу номзодларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга эмас деган маънони билдирмайди.

Шарҳланаётган моддада санаб ўтилган ваколатлар тугал ҳисобланмайди. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

Ушбу қўлланманинг 2-бўлимида мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– банкротлик ишлари бўйича ҳудудий давлат органининг суд бошқарувчисини вазифасини бажаришдан озод этиш зарурлиги тўғрисидаги банкротлик ишлари бўйича давлат органига илтимоснома намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 355-бет);

– банкротлик ишлари бўйича ҳудудий давлат органининг хўжалик судига суд бошқарувчилигига номзод тақдимномаси (қ а р а н г : 357-бет).

27-*модда*. Корхоналарнинг иқтисодий қодирлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш мажбурияти

Банкротлик аломатлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари, давлат статистика органлари банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ва унинг ҳудудий бошқармаларига устав фондида давлат улуши бўлган корхоналар ҳақида маълумотлар тақдим этишлари, шунингдек, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг сўровига биноан корхоналарнинг иқтисодий қодирлиги тўғрисидаги бошқа маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Шарҳланаётган моддада банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ва уларнинг ҳудудий бошқармаларига ахборот бериш мажбуриятига эга давлат органлари доираси белгилаб берилган.

28-*модда*. Банкротлик таомиллари

Қарздор юридик шахснинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўрилаётганда қуйидаги таомиллар қўлланилади:

– кузатув;

– суд санацияси;

– келишув битими;

– ташқи бошқарув;

– тугатишга доир иш юритиш.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўрилаётганда қуйидаги таомиллар қўлланилади:

– келишув битими;

– тугатишга доир иш юритиш .

Шарҳланаётган модда банкротлик таомиллари ва мазкур таомиллар қўлланиладиган субъектларни белгилаб беради.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида қарздор-юридик шахсга нисбатан қўлланиладиган таомиллар: кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув, тугатишга доир иш юритиш, келишув битими санаб ўтилган. Ушбу таомилларнинг ҳар бири ўз мақсадида қўлланилиб, ҳар бирига алоҳида боб бағишланган (*Қонуннинг IV–VIII боблари*).

Кузатув – суд томонидан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган кундан бошлаб қўлланиладиган биринчи суд таомилидир. Кузатув мол-мулкни сақланишини таъминлаш, қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш мақсадида қўлланилади. Кузатув биринчи суд мажлиси ўтказилгунга ва банкрот корхонанинг кейинги тақдири ҳал қилингунга қадар амалда бўлади. Кейинги таомилни танлаш кредиторлар йиғилиши фикрига боғлиқ бўлади. Умумий қоида бўйича кузатув уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин (*Қонуннинг 49-моддаси*), лекин алоҳида ҳолларда икки ойдан ошмаган муддатгача узайтирилиши мумкин. Бироқ ишни ўз вақтида ҳал қилиш мақсадида муваққат бошқарувчи томонидан барча тартиб-қоидаларга амал қилган ҳолда кузатув қисқа муддатларда олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Кузатув таомили юридик шахсларни соддалаштирилган банкротлик таомилларида қўлланилмайди (Қонуннинг 186-моддаси иккинчи қисми, 189-моддаси иккинчи қисми), чунки кузатиш таомилини ўтказиш учун қонунда белгиланган тадбирларни амалга ошириш зарурияти мавжуд бўлмайди ва тугатишга доир иш юритишдан ўзга таомилни танлаш имконияти бўлмайди. Кузатув шунингдек, ЯТТнинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўрилаётганда ҳам қўлланилмайди (*Қонуннинг 28-моддаси иккинчи қисми*).

Суд санацияси – тиклаш тусидаги таомил ҳисобланиб, қарздор, қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси, шунингдек, учинчи шахсларнинг қарздор корхонани тўловга қобилиятлилигини тиклаш ва қарздор фаолиятини бошқаришни қарздор раҳбарининг ўзида қолдириш йўли билан кредиторлар талабларини қаноатлантириш мақсадида мурожаат қилиш натижасида кредиторлар йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор асосида хўжалик суди томонидан жорий этилади. Суд санацияси хўжалик суди кузатуви ва санация қилувчи бошқарувчи ҳаракатлари устидан назорат остида амалга оширилади.

Келишув битим – миқдор, ижро этиш тартиби ва бошқалар бўйича ўзаро муросалар асосида кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш бўйича кредиторлар ва қарздорлар ўртасида келишувга эришилганда хўжалик суди томонидан қўлланиладиган таомилдир. Келишув битими банкротлик тўғрисидаги ишларнинг ҳар қандай босқичида кредиторлар йиғилишининг барча кредиторлар умумий овозининг кўпчилик овоз бериши орқали қабул қилинган қарори асосида тузилиши мумкин.

Ташқи бошқарув – кредиторлар йиғилишининг қарорига ёки банкротлик тўғрисидаги иш бўйича давлат органининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан жорий қилинадиган тиклаш тусидаги таомил. Ташқи бошқарув йигирма тўрт ойгача муддатга жорий этилади (*91-модда учинчи қисм*). Ташқи бошқарувнинг мақсади ҳам қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш, кредиторлар талабларини қаноатлантиришдир. Бунда юридик шахсни бошқариш ва унинг мулкини тасарруф этиш бўйича қарздор раҳбари ваколатларини мажбурий равишда ташқи бошқарувчига берилади.

Тугатишга доир иш юритиш – хўжалик суди томонидан кредиторларнинг талабларини мутаносиб равишда қондириш ҳамда қарздорни қарздор мол-мулкини реализация қилиш орқали қарздорни мажбуриятлардан, қарзлардан қутулган деб эълон қилиш ва корхонани тугатиш мақсадида банкрот деб топилган қарздорга нисбатан қўлланиладиган банкротлик таомили. Тугатишга доир иш юритиш келишув битими тузилган ҳолатда ёки кредиторлар талабларининг тўлиқ қондирилиши, хўжалик фаолиятини давом эттириш имконияти мавжуд бўлган ҳолатда банкротлик тўғрисидаги иш тугатилиши билан тамомланиши мумкин, шунингдек, қарздор тўлов қобилиятини тиклаш имконияти бўлганда ташқи бошқарувга ўтиши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида якка тартибдаги қарздорга нисбатан қўлланиладиган таомиллар санаб ўтилади: бу фақат келишув битими ёки тугатишга доир иш юритишдир.

Келишув битими ЯТТга нисбатан банкротлик тўғрисидаги ишни мазкур тадбиркор ҳамда кредитор ўртасида ўзаро муросага келиш асосида тугатиш мақсадида тузилади.

ЯТТга нисбатан тугатишга доир иш юритиш таомилини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Кредиторларнинг эътирозлари бўлмаган тақдирда суд томонидан тадбиркорнинг ўзи томонидан ишлаб чиқилган қарзни узиш режаси тасдиқланиши мумкин (*Қонуннинг 176-моддаси иккинчи қисм*). Бу ҳолда кредиторлар талабини қаноатлантириш мақсадида иш юритиш икки ойгача бўлган муддатга тўхтатилиши мумкин. Агар мазкур режани бажариш асосида кредиторларнинг барча талаблари қондирилса, банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилади (*Қонуннинг 176-моддаси бешинчи қисми*). Шу йўл орқали қарздор ўзини банкрот деб топиш ҳолатидан қутилиши ва тадбиркорлик фаолиятини давом эттириши мумкин. Қарздорнинг тўлов қобилиятини тикланиши фақатгина ҳақиқий амалга ошириш имконияти бўлган қарзларни узиш режаси мавжудлигига боғлиқ бўлганлиги учун ЯТТ қарздор мазкур режани амалга ошириш мумкин ёки мумкин эмаслигини эътиборга олиши керак. Қарзларни тўлай олмаслик ҳолатида у банкрот деб топилади ва қолган мажбуриятларни бажаришдан озод этилади, кредиторнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва шу каби алоҳида тоифадаги мажбуриятлар бундан мустасно (*184-модда биринчи қисм*).

29-*модда*. Суддан ташқари бажариладиган таомиллар

Суддан ташқари бажариладиган таомиллар судгача санация қилиш ёки қарздорни ихтиёрий равишда тугатиш (фаолиятини тугатиш) бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган модда қарздорга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган суддан ташқари бажариладиган таомиллар турини белгилайди. Мазкур моддада белгиланишича, судгача санация қилиш ҳамда ихтиёрий тугатиш ҳоллари банкротлик таомиллари қаторига кирмайди, шундай бўлсада, улар банкротлик тўғрисидаги иш билан узвий боғлиқ бўлиб, тўлдирувчи аҳамиятга эга бўлади.

Судгача санация қилиш қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгунга қадар қўлланилади ва унинг тўлов қобилиятини тиклашни мақсад қилиб қўяди, яъни тиклаш тусидаги таомиллар сингари мақсадга эга. Лекин судгача санация қилишда суд санацияси ва ташқи бошқарув таомилларидан фарқли ўлароқ ушбу таомилда суд иштирок этмайди.

Ихтиёрий равишда тугатиш қоидаларини ФКнинг 53–56-моддалари, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ва турли хил юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи бошқа қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар белгилаб беради.

II БОБ. СУДГАЧА САНАЦИЯ ҚИЛИШ

30-*модда*. Судгача санация қилиш асоси

Судгача санация қилиш банкротлик тўғрисида иш қўзғатилгунга қадар амалга оширилади.

Ушбу Қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган банкротлик аломатлари юзага келган тақдирда, қарздорнинг раҳбари бу ҳақда қарздорнинг муассисларига (иштирокчиларига), бошқарув органларига ёки қарздорнинг мол-мулки эгасига ёзма шаклда хабар қилиши шарт.

Банкротликнинг олдини олиш мақсадида қарздорнинг муассислари (иштирокчилари), бошқарув органи ёки қарздорнинг мол-мулки эгаси қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига тақдим этилгунга қадар қарздорни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни кўради. Қарздорни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар қарздор билан тузилган битимга асосан кредиторлар ёки бошқа шахслар томонидан ҳам кўрилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда қарздорга нисбатан судгача санация қилиш асосларини аниқлаштириб беради.

Судгача санация қилиш хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилмасидан олдин амалга оширилади. Банкротлик тўғрисидаги иш хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризани қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилгандан сўнг қўзғатилган деб ҳисобланади.

Қонуннинг 61-моддасида истисно қилувчи норма мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра, устав фондида давлат улуши бўлган корхонага нисбатан хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилгандан кейин судгача санация қилишни қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш мумкин. Ушбу ҳолатда судгача санация қилиш ўтказилиши муносабати билан банкротлик тўғрисидаги иш тугатилади.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми қарздор раҳбарининг Қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган банкротлик аломатлари пайдо бўлса, бу ҳақда қарздор муассисларига (иштирокчиларига), бошқарув органларига ёки қарздорнинг мол-мулки эгасига, улар банкротликни олдини олиш чора-тадбирларини қўллашлари учун, уларга ёзма шаклда хабар қилиши шартлигини белгилайди.

Банкротлик аломатларининг пайдо бўлганлиги тўғрисидаги қарздор раҳбарининг хабари албатта ёзма равишда (хат юбориш орқали, хабарнома ва бошқа хил равишда ёзма хабар бериш) бўлиши лозим.

Судгача санация қилиш таомили банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилмасдан олдин қарздорнинг банкротлигини олдини олиш мақсадида киритилади. Шу туфайли, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида судга ариза беришдан олдин қарздорнинг муассисларини (иштирокчиларини), бошқарув органлари ёки қарздорнинг мол-мулки эгаси қарздорнинг молиявий аҳволини соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар кўришлари мумкин.

Қонун қарздор билан келишувга асосан кредитор ва бошқа шахсларга қарздорни молиявий соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўришларига рухсат беради.

Қоида бўйича, қарздорни молиявий соғломлаштириш мақсадида режалаштирилаётган ишлар ва кутилаётган натижалар акс эттирилган махсус бизнес режа ишлаб чиқилади. Мазкур бизнес-режа устав фондида давлат улуши бўлган корхоналар учун банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи билан келишиб олиниши керак (*Қонуннинг 25-моддаси биринчи қисми бешинчи хатбошиси*).

31-*модда.* Судгача санация қилишнинг объекти ва субъектлари

Судгача санация қилишнинг объекти қарздор шахсдир.

Судгача санация қилишнинг субъектлари қарздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари), қарздорнинг мол-мулки эгаси, давлат органлари ва бошқа шахслар бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган модда судгача санация қилишнинг объектлари ва субъектларини аниқлайди.

Судгача санация қилишнинг объекти қарздор ҳисобланади. Ушбу Қонуннинг 3-моддасига биноан қарздор– пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган юридик шахс ёки ЯТТ.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига келадиган бўлсак, уларга нисбатан судгача санация қилишни ўтказишда «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳам қўлланилади.

Қонун судгача санация қилишда субъект сифатида иштирок этадиган шахслар сонини чегараламайди. Субъект сифатида қарздор – юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари), қарздорнинг мол-мулки эгаси, давлат органлари, шунингдек, бошқа шахслар ҳам бўлиши мумкин.

32-*модда*. Судгача санация қилишнинг асосий чора-тадбирлари

Судгача санация қилишнинг асосий чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

– тўлов муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўла ёки қисман сотиб олиш;

– ишлаб чиқаришни рақобатбардош маҳсулот чиқаришга мослаб қайта ихтисослаштириш;

– четдан юқори малакали мутахассисларни жалб этиш;

– ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

– қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши ҳамда фаолиятини давом эттиришидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиши;

– қарздорнинг фаолиятни давом эттириши учун қарздор билан кредиторлар ўртасида кредиторларга тўланадиган тўловлар муддатини кечиктириш ва (ёки) уни бўлиб-бўлиб тўлаш ёхуд қарзлардан сийлов бериш тўғрисида аҳдлашувга эришишга қаратилган битим;

– мажбурий тўлов мажбуриятини бажаришни ва кредитларни қайтаришни судгача санация қилиш муддатига кечиктириш;

– қарздор юридик шахсни қайта ташкил этиш.

Судгача санация қилиш таомилида бошқа чора-тадбирлар ҳам бўлиши мумкин.

Судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган органнинг қарори асосида амалга оширилади.

Судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Судгача санация қилиш қарздорга давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказилаётганда қарздорга унинг хизмат кўрсатиб келаётган банкдаги ишлаб турган ҳисобварақлари тўхтатиб қўйилиб, сўмларда ва (ёки) валютада иш юритадиган санация ҳисобварағи очилади. Санация ҳисобварағини ишлатиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Шарҳланаётган модда мазкур моддага, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатларига кўра, қарздорнинг судгача санация қилиш бўйича асосий чора-тадбирларни белгилаб беради.

Судгача санация қилиш чораларини шартли равишда қуйидагича бўлиш мумкин,

иқтисодий – муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўла ёки қисман сотиб олиш, рақобатбардош маҳсулот чиқаришга мослаб ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш, қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши ҳамда фаолиятини давом эттиришидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиши;

ҳуқуқий – қарздорнинг фаолиятни давом эттириши учун қарздор билан кредиторлар ўртасида кредиторларга тўланадиган тўловлар муддатини кечиктириш ва (ёки) уни бўлиб-бўлиб тўлаш ёхуд қарзлардан сийлов бериш тўғрисида келишувга эришишга қаратилган битим, мажбурий тўлов мажбуриятини бажаришни ва кредитларни қайтаришни судгача санация қилиш муддатига кечиктириш;

ташкилий – четдан юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, қарздор юридик шахсни қайта ташкил этиш.

Судгача санация қилиш таомили ўзида бошқа чора-тадбирларни ҳам мужассамлаштирган бўлиши мумкин, хусусан давлат томонидан қарздорнинг тўлов қобилиятини ошириш ҳамда уни ресурслар билан таъминлаш учун кўрсатиладиган ёрдам ҳам шулар жумласидандир. Булар орқали қарздорни банкрот деб эълон қилинишини олди олиниши мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 июлда қабул қилган 362-сонли қарори билан тасдиқланган «Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 9-бандига биноан, санация қилиш давлат органларининг иштироки билан ёки аксинча унинг иштирокисиз, қайтариш ёки қайтармаслик асосида, шу жумладан танлов асосида амалга оширилиши мумкин.

Давлат ёрдамида судгача санация қилиш тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган орган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳисобланади.

Юқорида қайд қилинган Низомнинг 12-бандига кўра, устав фондида давлат улуши бўлган объектларни санациялаш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳайъати қабул қилади.

Давлат маблағларини жалб этган ҳолда (давлат кўмагида) санациялаш қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин (*Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 10-банди*): муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси қарорига биноан судгача бўлган санациялаш муддатида мажбурий тўловларни тўлаш, илгари ажратилган давлат кредитларини қайтаришни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш, шунингдек, ҳисобланган пеня ва жарималарни ҳисобдан чиқариш шаклида давлат маблағларини жалб этиш.

Давлат воситаларини жалб қилиш билан санация қилиш ҳукумат қарори билан бошқа чораларни ҳам ўз ичига киритиши мумкин. Масалан, давлат томонидан кредит ажратилиши, беғараз ёрдам кўрсатилиши, мажбурий тўловлар бўйича қарзни ёки давлат кредити бўйича асосий қарзни олиб ташлаш ва ҳ.к.

Давлат томонидан ёрдам кўрсатилган ҳолда судгача санация қилиш тартиби юқорида кўрсатилган «Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомда мустаҳкамланган.

Давлат томонидан ёрдам кўрсатилган ҳолда судгача санация қилиш таомили ўтказилаётганида, қарздорга хизмат кўрсатаётган банкда олдинги ҳисоб рақамлари тўхтатилиб, сўм ва (ёки) валюта санация ҳисоб рақами очилади. Санация ҳисоб рақами иш тартиби «Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 10-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси МБ томонидан белгиланади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси МБ бошқарувининг қўшма қарори билан «Санация қилинаётган корхона махсус санация ҳисобварағининг ишлаш тартиби тўғрисида»ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 3 ноябрда № 1636 сон билан рўйхатга олинган) тасдиқланган. Мазкур Низом санация қилинаётган корхонанинг махсус санация ҳисобварағининг ишлаш механизмини аниқлаб беради.

33-*модда*. Судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш муддати

Қарздорни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга жорий этилади.

Шарҳланаётган модда судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш муддатини белгилайди.

Қарздорни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳайъати қарорига асосан устав фондида давлат улуши бор бўлган юридик шахс қарздорга нисбатан ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга жорий этилади.

Шу ўринда, Қонун давлат томонидан ёрдам кўрсатилган ҳолда судгача санация қилишни минимал ёки максимал муддатини белгиламайди. Қишлоқ хўжалиги ташкилотлари бундан мустасно, чунки, «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги Қонунида бу муддат 13-модда билан чегараланган. Шунингдек, Қонуннинг 161-моддасида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг судгача санация қилиш муддатини узайтириш имкони назарда тутилган.

34-модда. Давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилишни бекор қилиш

Давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш уни ўтказишнинг белгиланган муддати тугаганлиги ёки унинг самарасизлиги аниқланганлиги муносабати билан бекор қилиниши мумкин.

Шарҳланаётган модда давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилишни бекор қилишнинг қуйидаги асосларини белгилаб беради:

– судгача санация муддатининг тугаши;

– судгача санация самарасизлигини аниқланиши.

Агарда судгача санация давлат ёрдамисиз амалга оширилса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 июлидаги 362-сонли қарор билан тасдиқланган «Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларини бажарилмаганлиги учун, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган бошқа сабаблар билан тугатилиши мумкин.

Давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда санация қилишни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни «Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 16-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳайъати қабул қилади.

III БОБ. БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ХЎЖАЛИК СУДИДА КЎРИШ

35-*модда*. Банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш асослари

Банкротлик тўғрисидаги иш ушбу Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг (органнинг) аризаси асосида қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) хўжалик суди томонидан қўзғатилади.

Қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган қоидалар бўйича, ушбу Қонунда белгиланган ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Шарҳланаётган модда куйидагиларни аниқлайди:

– банкротлик тўғрисидаги иш қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида судга Қонуннинг 6-моддасида санаб ўтилган мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг аризасига биноан қўзғатилади;

– банкротлик тўғрисидаги иш қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) хўжалик судининг судловига тегишли;

– банкротлик тўғрисидаги иш мазкур Қонунда белгиланган хусусиятларни эътиборга олган ҳолда, ХПКда кўрсатилган қоидалар асосида кўрилади.

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан ким (қарздорнинг ўзи, кредитор, ваколатли давлат органи ёки прокурор) мурожаат қилишидан қатьи назар, иш қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) хўжалик суди томонидан кўрилиши шарт. ХПКнинг 31 ва 32-моддаларидаги алоҳида судловга тегишлилик ва шартнома бўйича судловга тегишлиликка доир қоидалар банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича қўлланилмайди. Банкротлик тўғрисидаги иш даъво тартибида ишларни кўришга тааллуқли бўлмаслиги боис мазкур ишларга нисбатан ХПКнинг 25-моддасида назарда тутилган низоларни ҳал этишни ҳакамлар судига топшириш нормаси қўлланилмайди

Банкротлик тўғрисидаги иш доирасида процессуал қонунчиликни қўллаш жараёнида Қонуннинг процессуал нормалари устувор деб топилади. Банкротлик тўғрисида иш бўйича Қонуннинг ХПК олдидаги устуворлиги шу билан тушунтириладики, Қонуннинг процессуал нормалари банкротлик тўғрисидаги ишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш мобайнида вужудга келадиган процессуал ҳуқуқий муносабатлар Қонун нормалари билан тартибга солинмаса, ушбу ҳолатда ХПК нормалари билан белгиланади.

36-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар

Банкротлик тўғрисидаги ишда қуйидагилар иштирок этувчи шахслар деб ҳисобланади:

– қарздор;

– суд бошқарувчиси;

– кредиторлар, улар томонидан қарздорга ушбу Қонунда белгиланган тартибда талаблар тақдим этилган пайтдан эътиборан;

– банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи;

– банкротлик тўғрисидаги иш прокурорнинг аризаси асосида кўрилаётган ҳолларда, прокурор.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда банкротлик тўғрисидаги ишда қарздорнинг ходимлари вакили, қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) вакили ёки қарздорнинг мол-мулки эгаси, қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг вакили, кредиторлар йиғилиши (кредиторлар қўмитаси) вакили ҳамда бошқа шахслар иштирок этишлари мумкин.

Мазкур моддада банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар санаб ўтилади:

Банкротликда юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар субъектининг банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар тоифасига киритилиши, кўрсатилган субъектларда, ХПКнинг 35-моддасида назарда тутилган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқаради. Мазкур шахслар, суд томонидан банкротлик тўғрисидаги ишнинг кўриб чиқилиши ва қонунда назарда тутилган, банкротлик таомилларининг амалга оширилиши доирасида процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектлари бўладилар. Банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари Қонуннинг 13-моддаси бешинчи қисми, 18-моддаси учинчи қисми, 36-моддаси иккинчи қисми, 37-моддаси бешинчи қисми, 46-моддаси биринчи ва бешинчи қисмлари, 47-моддаси биринчи қисми, 57-моддаси тўртинчи қисми, 124-моддаси учинчи қисми, 176-моддаси учинчи қисми ва 177-моддаси иккинчи қисми билан аниқлаштирилган.

Ишда иштирок этувчи шахс сифатидаги қарздор, ўзини банкрот деб топиши тўғрисида ариза берганда, шунингдек, кредитор (кредиторлар), ваколатли органларнинг талаблари уни банкрот деб топиш мақсадида унга қарши қаратилган ҳолда ҳам арз қилувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

Суд бошқарувчиси (муваққат бошқарувчи, санация қилувчи бошқарувчи, ташқи бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси) хўжалик суди томонидан тайинланган вақтдан эътиборан банкротлик тўғрисидаги ишнинг иштирокчиси бўлиб ҳисобланади.

Кредитор қонунда белгиланган тартибда қарздорга нисбатан ўз талабларини тақдим этган вақтдан эътиборан ишда иштирок этувчи шахс бўлиб ҳисобланади. Кредитор қарздорга ўз талабларини икки кўринишда тақдим этиши мумкин. Биринчи ҳолатда, кредитор судга қарздорни банкрот деб

топиш тўғрисида мурожаат этади ва шу билан қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни қўзғатишда ташаббус кўрсатади. Бошқа ҳолатда, қўзғатиб бўлинган ишда кредитор кредиторлар йиғилишида иштирок этиш мақсадида, у кредиторлар талаблари рўйхатига киритиш ва талабларини қондириш бўйича қарздорга талаблар қўяди. Бу тусдаги талабларни тақдим этиш тартибини белгиловчи қоидалар, Қонуннинг 70-моддаси биринчи қисми, 99-моддаси биринчи қисми билан белгиланади.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, хўжалик субъектларининг банкрот (иқтисодий ночор) бўлганида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги ихтисослашган органи бўлиб ҳисобланади. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ваколатлари Қонуннинг 25-моддасида кўрсатилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ўз ташаббуси билан банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатган ҳолларда, шунингдек, қарздорга нисбатан устав фондида давлат улуши бўлган ҳолларда, бу иш унинг ташаббуси билан қўзғатилган-қўзғатилмаганлигидан қатъи назар, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахс сифатида тан олинади.

Прокурор қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза берган ҳолларда ишда иштирок этувчи шахс бўлади. ХПКнинг 43-моддасига биноан, прокурор ҳамма ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этишга ҳақли, бироқ ушбу ўринда шуни айтиб ўтиш керак, мазкур модда нормасига кўра, прокурор банкротлик тўғрисидаги иш бўйича фақат унинг аризаси бўйича қўзғатилганидагина иштирокчи бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида, биринчи қисмда кўрсатилганлардан ташқари, қонунда белгиланган тартибда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этиши мумкин бўлган бошқа шахслар назарда тутилган.

Қарздор ходимларининг вакили ходимларнинг тегишли мажлисида сайланган ҳолдагина, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ходимлар вакили ходимлар манфаатлари юзасидан ҳаракат қилади ва уларни банкротлик бўйича иш юритишда ҳимоя қилади. Қарздор ходимларининг вакили қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасининг нусхасини, фақат у қарздор бундай аризани беришдан олдин сайланган бўлсагина, талаб этиш ҳуқуқига эга (*37-модданинг бешинчи қисми*). У шунингдек, меҳнат шартномаси асосида ишловчи шахсларга меҳнат ҳақи тўлаш ва ишдан бўшатиш нафақаси тўлаш бўйича талабларнинг миқдори ва таркиби хусусида суд бошқарувчиси билан низолар келиб чиққанда хўжалик судига шикоят қилиши мумкин (*59-модда иккинчи қисм, иккинчи хатбошиси*). Бунда ходимларнинг ўзлари бундай эътирозларни бериш ҳуқуқига эга эмасликларини ҳисобга олиш керак.

Қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулки эгаси банкротлик тўғрисидаги ишнинг иштирокчилари бўлмайдилар, чунки улар банкротлик тўғрисидаги Қонунга биноан, кредиторлар каби улушни ажра-

тиб бериш тўғрисида қарздорга талаб қўйиш ҳуқуқига эга эмас (*гарчи тугатишга доир иш юритишда улар учун Қонуннинг 125-моддаси тўртинчи қисмига биноан, ишда иштирок этувчи шахс ҳуқуқи назарда тутилган*). Шундай бўлсада, мазкур қисм қарздор муассислари (иштирокчилари) вакили ёки қарздор мол-мулки эгаси вакилига, қонунда белгиланган ҳолларда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахс сифатида қатнашиш имконини беради. Қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили қарздорнинг банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси нусхасини, фақат у қарздор бундай аризани беришдан олдин сайланган бўлсагина, олиш ҳуқуқига эга бўлади (*37-модданинг бешинчи қисми*). Қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили шунингдек, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузаётган суд бошқарувчиси ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан хўжалик судига шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўладилар (*59-модда иккинчи қисм, учинчи хатбошиси*). Шунингдек, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили хўжалик судига, суд санациясининг режаси, қарзни узиш жадвали, суд санациясини жорий этиш тўғрисида илтимоснома билан кредиторлар йиғилишига мурожаат этиш учун овоз берган муассислар рўйхати келтирилган, қарздор муассисларининг умумий йиғилиши баённомаси ва қарздор қарзни узиш жадвалини бажаришини таъминловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда суд санациясини жорий этиш тўғрисида мурожаат этган вақтдан эътиборан (*75-модда учинчи қисм, 76-модда биринчи қисм*) ишда иштирок этувчи шахс бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Кредиторлар йиғилишининг вакили бўлиб, қарздор билан келишув битимини имзолаш ваколати бериладиган шахс сифатида кредиторлар йиғилиши томонидан сайланган ҳолларда ишда иштирок этувчи шахс ҳисобланиши мумкин (*Қонуннинг 147-моддаси иккинчи қисми*).

Бошқа шахслар сифатида суд томонидан қўлланган банкротлик таомиллари жараёнида қарздорнинг кредиторлар олдидаги қарзини тўлашни ўз зиммасига олган учинчи шахслар (*Қонуннинг 75-моддаси учинчи қисми, 76-моддаси биринчи қисми, 113-моддаси иккинчи қисми), шунингдек, қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) иштирок этиши мумкин (Қонуннинг 125-моддаси тўртинчи қисми*). Шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда ишда иштирок этувчи шахс сифатида тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи ва (ёки) тегишли вазирлик, давлат қўмитаси, идора, хўжалик бошқаруви органи иштирок этиши мумкин (*156-модданинг иккинчи қисми*). Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қишлоқ хўжалик корхонасининг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда ҳам иштирок этувчи шахс сифатида қатнашиши мумкин (*161-модда учинчи қисм*). Бундан ташқари, банк, суғурталовчи, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирок-

чисининг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда иштирок этувчилар тўғрисида алоҳида хусусиятлар назарда тутилган (*165, 166-моддаларнинг учинчи қисмлари, 170-модданинг биринчи қисми*).

Юқорида санаб ўтилган процессуал ҳуқуқлардан ташқари, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича ишда иштирок этувчи шахслар сифатида банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, прокурор, қарздор ходимларининг вакили, муассисларнинг (иштирокчиларнинг) ёки қарздор мол-мулкининг эгасининг вакили, қарздор ЯТТнинг вакили, кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) вакили ва бошқалар (масалан, учинчи шахслар) кредиторлар йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар (*Қонуннинг 10-моддаси учинчи қисми шарҳига қаранг*).

37-*модда*. Қарздорнинг аризаси

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси хўжалик судига ёзма шаклда берилади ва қарздор юридик шахснинг раҳбари ёки қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёхуд уларнинг вакиллари томонидан имзоланади.

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

– ариза берилаётган хўжалик судининг номи;

– пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларининг қарздор томонидан эътироз билдирилмаётган миқдордаги суммаси;

– қарздорнинг ходимлар ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, уларга меҳнат ҳақини ва тўланиши керак бўлган ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш борасидаги қарз суммаси;

– муаллифлик шартномалари бўйича тўланиши керак бўлган ҳақ суммаси;

– мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси;

– кредиторларнинг талабларини тўла ҳажмда қондиришга қодир эмасликнинг асоси;

– қарздорга тааллуқли, судларнинг иш юритишига қабул қилинган даъво аризалари тўғрисидаги, шунингдек, сўзсиз (акцептсиз) ҳисобдан чиқариш учун тақдим этилган ижро ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

– қарздордаги бор мол-мулк, шу жумладан пул маблағлари, дебиторлик қарзи тўғрисидаги маълумотлар;

– қарздорнинг банкдаги ҳисобварақлари рақамлари, банкнинг почта манзили;

– илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш ҳақидаги аризасида банкротлик тўғрисидаги ишни тўғри ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар, шунингдек, қарздорда илтимосномалар бўлса, улар ҳам кўрсатилади.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ўзини банкрот деб топиш ҳақидаги аризасида унинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам кўрсатилади.

Кредиторларга ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга қарздор ўз аризасидан нусха юбориши шарт. Агар қарздор ариза бергунга қадар қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили, қарздорнинг ходимлари вакили сайланган (тайинланган) бўлса, мазкур шахсларга ҳам қарздор аризасининг нусхаси юборилади.

Шарҳланаётган модда қарздор томонидан тақдим этиладиган аризанинг шакли ва мазмунига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган тартибларга кўра, қарздор томонидан хўжалик судига ариза ёзма шаклда тақдим этилади. Ариза қарздор – юридик шахснинг раҳбари томонидан (юридик шахс тугатилаётган ҳолда – тугатиш комиссиясининг раиси ёки тугатувчи томонидан) ёки қарздор ЯТТ томонидан имзоланади. Қонун чиқарувчи шунингдек, аризанинг қарздор вакили томонидан ишончнома асосида имзоланиш имконини ҳам назарда тутади. Вакилнинг аризанинг имзолаш ҳуқуқи ишончномада айтиб ўтилган бўлиши керак. Яна шунга эътиборни қаратиш лозимки, қарздорнинг аризаси ишончнома (ёки тегишли тартибда тасдиқланган унинг нусхаси) асосида вакил томонидан имзоланаётганда, ишончнома аризага илова қилинган бўлиши керак.

Қонун қарздор аризасининг мазмун қисмига талабларни белгилайди. Кредитор аризасидан фарқли равишда қарздорнинг аризасига қўйиладиган талаблар батафсил тартибга солинади. Қонуннинг 37-моддаси иккинчи қисми нормаси қарздор аризасида бўлиши шарт бўлган бир қатор мажбурий маълумотлар рўйхатини белгилайди.

Қарздорнинг аризасида банкротлик тўғрисидаги ишни тўғри ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин. Бундай маълумотлар сифатида «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 40-моддасига мувофиқ ижро этилмаган ва қайтарилган, ундириш қарздор фойдасига амалга оширилиши керак бўлган ижро ҳужжатлари тўғрисида маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Юқорида баён қилинганлар билан бир қаторда қарздор – ЯТТнинг уни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган қарздорнинг мажбуриятлари ҳам кўрсатилиши керак. Масалан, оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари борлиги, алиментлар тўлаш бўйича мажбуриятлар ва ҳ.к.

Ариза нусхалари қарздор томонидан кредиторлар ва банкротлик тўғрисидаги ишнинг бошқа иштирокчиларига, шарҳланаётган моддада кўрсатилган ҳолларда эса муассисларнинг (иштирокчиларнинг) сайланган (тайинланган) вакилига ёки қарздор мол-мулки эгасига, қарздор ходимларининг вакилига юборилади.

38-*модда*. Қарздорнинг аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари қарз борлигини, шунингдек, кредиторларнинг талабини қарздор тўла ҳажмда қондиришга қодир эмаслигини, қарздорнинг аризасига асос бўлган бошқа ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига қуйидагилар ҳам илова қилинади:

– қарздор юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек, юридик шахснинг ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар;

– қарздорнинг кредиторлари ва дебиторлари рўйхати, унинг кредиторлик ва дебиторлик қарзини изоҳлаган ҳамда кредиторлари ва қарздорларининг почта манзилларини кўрсатган ҳолда;

– сўнгги ҳисобот кунидаги ҳолатга кўра бухгалтерия баланси ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатлар;

– қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулки таркиби ва қиймати тўғрисидаги ҳужжатлар;

– қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг қарздор ўзини банкрот деб топиш тўғрисида ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиши ҳақидаги қарори;

– агар қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги ариза берилгунга қадар қарздор ходимлари йиғилиши ўтказилиб, унда банкротлик тўғрисидаги ишни кўришда иштирок этиш учун қарздорнинг ходимлари вакили сайланган бўлса, ана шу йиғилиш баённомаси.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳужжатларнинг асл нусхаси ёки талаб даражасида тасдиқланган нусхалари илова қилинади.

Шарҳланаётган модда қарздор аризасига илова қиланадиган ҳужжатлар рўйхатини белгилайди.

ХПКда назарда тутилган ҳужжатлар деганда ХПКнинг 114-моддасида назарда тутилган ҳужжатларни тушуниш керак. Улар қаторига:

белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини;

ариза нусхасини кредиторларга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар киради.

Агар ариза қарздор вакили томонидан имзоланган бўлса, унга аризани имзолаган шахснинг ариза бериш ваколатини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Қарздорнинг қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар деганда, кредиторлар талабларининг тан олинишини тасдиқловчи далиллар, қарздор томонидан акцептланган тўлов талаблари, солиқ органларининг инкасса

топшириқлари, қарздордан қарз суммасини ундириш тўғрисидаги қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини тушуниш керак.

Қарздорнинг кредиторлар талабларини тўлиқ ҳажмда қондира олмаслигини асословчи ҳужжат сифатида қарздор мол-мулкининг инвентаризацияси, аудитор хулосаси ва ҳк.лар хизмат қилиши мумкин ва уларда қарздорда активлар, мулк, пул маблағларининг йўқлиги кўрсатилади.

Қарздорнинг аризасига асос бўлган бошқа ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатларга мисол тариқасида қарздорни шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхоналар қаторига киришини тасдиқловчи ҳужжатни (*ОХС Пленуми 2006 йил 27 январдаги 142-сон қарорининг 34-банди*) келтириш мумкин.

Қонуннинг 45-моддаси олтинчи хатбошисининг биринчи жумласига биноан, агар шарҳланаётган моддада келтирилган ҳужжатлар аризага илова қилинмаган бўлса, Қонуннинг 45-моддаси олтинчи хатбошисининг иккинчи жумласида назарда тутилган ҳолдан ташқари ҳолатларда, ариза қайтарилади.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида қарздорни банкрот деб топиш аризасига мажбурий тартибда илова қилиниши керак бўлган ҳужжатлар саналган.

Қарздорнинг аризасига илова қилиниши керак бўлган барча ҳужжатлар, асл нусхада ёки белгиланган тартибда тасдиқланган нусхалар шаклида бўлиши шарт. Шу боис, ҳужжатлар юридик шахс ёки ЯТТ муҳри билан ёки нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

39-*модда.* Кредиторнинг аризаси

Кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси хўжалик судига ёзма шаклда берилади. Кредитор юридик шахснинг аризаси унинг раҳбари ёки вакили томонидан, кредитор якка тартибдаги тадбиркорнинг аризаси эса шу жисмоний шахснинг ўзи ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

– ариза берилаётган хўжалик судининг номи;

– аризачининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва унинг почта манзили;

– қарздорнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва унинг почта манзили;

– қарздорнинг кредитор олдидаги талаб келиб чиқишига сабаб бўлган пул мажбурияти миқдори, шунингдек уни бажариш муддати;

– кредитор талабларининг асослилигини тасдиқловчи далиллар, шу жумладан суднинг қонуний кучга кирган қарори, мазкур талаблар қарздор томонидан тан олинганлигини тасдиқловчи далиллар, нотариуснинг ижро хати;

– илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризасида банкротлик тўғрисидаги ишни тўғри ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар, шунингдек, кредиторда илтимосномалар бўлса, улар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Кредитор қарздорга ўз аризасидан нусха юбориши шарт.

Шарҳланаётган модда кредитор аризасининг шакли ва мазмунига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Кредитор аризаси судга ёзма шаклда берилади**.** Ариза кредитор юридик шахс томонидан берилган ҳолда у мазкур юридик шахс раҳбари ёки унинг ваколатли вакили томонидан имзоланади, кредитор ЯТТ бўлган ҳолда у ушбу ЯТТ ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Юқорида кўрсатилганлардан келиб чиқиб, айтиш керакки, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга юридик шахс ёки ЯТТ мақомига эга бўлган жисмоний шахс агар унинг қарздорга бўлган талаблари бундай кредитор-жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиқса ҳақли бўлади (*ХПК 23-модда*).

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги кредиторнинг аризасида шарҳланаётган ушбу модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилган маълумотлар кўрсатилиши керак.

Кредитор аризасидаги бошқа маълумотлар сифатида кредитор ва қарздор ўртасида тузилган ва пул мажбуриятини келтириб чиқарган шартномалар ва ҳ.к.лар тўғрисидаги маълумотлар келтирилиши мумкин.

Аризанинг умумий матнида кредиторнинг экспертиза тайинлаш, кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича чоралар кўриш ва ҳ.к.лар тўғрисидаги илтимосномалари кўрсатилиши мумкин.

Қарздор банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза юзасидан судга ўзининг ёзма фикрини тақдим этиш имконига эга (*Қонуннинг 47-моддаси*). Кредиторнинг аризаси иш юритувга қабул қилинган ҳолда эса, 46-модданинг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ қарздорнинг ҳуқуқларига маълум чекловлар қўйилади. Агар ушбу қоида инобатга олинадиган бўлса, у ҳолда қарздор зудлик билан уни банкрот деб топиш тўғрисида ариза берилганлигидан хабардор қилиниши керак, шу муносабат билан қонун чиқарувчи ариза нусхасини қарздорга юборишни кўзда тутади.

Ушбу қўлланманинг 2-бўлимида мазкур модда шарҳига қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги кредиторнинг аризаси намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 358-бет).

40-*модда*. Кредиторлар талабларини бирлаштириш

Кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси турли мажбуриятлар бўйича бирлаштирилган қарздорликка асосланган бўлиши мумкин.

Кредиторлар қарздорга бўлган ўз талабларини бирлаштиришга ҳамда хўжалик судига битта ариза билан мурожаат этишга ҳақли. Бундай ариза ўз талабларини бирлаштирган кредиторлар томонидан имзоланади.

Шарҳланаётган модда қарздорликни кредиторлардан биттасига бирлаштириш имкониятини, шунингдек, кредиторлар қарздорга ўз талабларини бирлаштириш имкониятини белгилайди.

Кредитор қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза бериш жараёнида талаблар суммасига қарздорга бўлган турли талаблар йиғиндисини киритиши мумкин Бунда шу нарсага эътибор қаратиш лозимки, қарздорнинг тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиқадиган, аммо ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарни қоплаш, шунингдек алиментлар ва ҳ.к.лар каби шахсий тусдаги талаблар билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари бўйича талаблар бирлаштирилиши мумкин. Шунингдек, муассислар (иштирокчилар) улушини ажратиш тўғрисидаги талаблар ҳам бирлаштирилиши мумкин эмас, чунки улар кредитор бўлиб ҳисобланмайдилар ва қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми ариза бир нечта кредиторлар томонидан бериладиган, кредиторларнинг процессуал иштирокчилигига йўл қўяди. Бунда, Қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар энг кам иш ҳақи миқдорининг камида беш юз каррасини ташкил этадиган бўлса, қарздор ЯТТга нисбатан эса энг кам иш ҳақи миқдорининг камида ўттиз каррасини ташкил этса (*Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисм*), кредиторлар томонидан бирлаштирилган талаблар билан ариза бериш имкони назарда тутилган. Мазкур ариза ўз талабларини бирлаштирган юридик шахсларнинг раҳбарлари ёки ЯТТлар томонидан имзоланади.

Ушбу қўлланманинг 2-бўлимида мазкур модда шарҳига қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги кредиторларнинг аризаси намунаси илова қилинган. (қ а р а н г : 360-бет).

41-*модда*. Кредиторнинг аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар

Кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари қарздорнинг кредитор олдидаги пул мажбуриятларини, шунингдек, бу мажбуриятлар бўйича қарзи борлигини ва унинг миқдорини, кредиторнинг аризасига асос бўлган бошқа ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Кредиторнинг унинг вакили томонидан имзоланган аризасига аризани имзолаган шахснинг ариза беришга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ишончнома ҳам илова қилинади.

Кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига, агар бор бўлса, қуйидагилар ҳам илова қилинади:

– кредиторнинг қарздорга бўлган талабларини кўриб чиққан суд қарори;

– ижро ҳужжати (ижро варақаси, қарздор томонидан акцептланган тўлов талаблари, нотариуснинг ижро хати ва бошқалар) ёки кредитор талаблари қарздор томонидан тан олинганлигини тасдиқловчи далиллар.

Шарҳланаётган модда кредитор аризасига илова килинадиган ҳужжатларни белгилайди.

ХПК да назарда тутилган ҳужжатлар деганда, ХПКнинг 114-моддасида назарада тутилган ҳужжатларни тушуниш керак. Улар қаторига:

– белгиланган тартибда ва микдорда давлат божининг тўланганлиги;

– ариза нусхасининг қарздорга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар киради.

Юқорида қайд этилган ҳужжатлардан ташқари, мазкур қисм нормаси кредитор аризасига яна қарздорнинг кредитор олдидаги пул мажбуриятларининг мавжудлигини, бу мажбуриятлар суммасини ва кредитор аризаси асосланган бошқа холатларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг илова қилинишини талаб этади. Қарздорнинг кредитор олдидаги пул мажбуриятларини, шунингдек бу мажбуриятлар бўйича қарзларнинг мавжудлиги ва уларнинг миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб ҳисобварақ фактуралар, товар-транспорт юк хатлари ва бошқа ҳужжатлар ҳисобланади.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, ОХС Пленуми 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарорининг 7-бандига кўра, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишда судья, қарздор юридик шахс қарзининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан, қарздор – ЯТТ қарзининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан кам эмаслигини ҳамда уларни узиш бўйича мажбуриятларни улар кучга кирган кундан эътиборан уч ой ичида бажарилмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлигини текшириши керак.

Ариза кредитор вакили томонидан имзоланган ҳолда, аризага имзолаган шахснинг тегишли ваколатларини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади. Кредитор вакилининг ваколатлари ФК нинг 138-моддасида назарда тутилган тартибда, вакилга ваколат берилган ҳаракатлар кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилган ишончнома билан тасдиқланади.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида агарда мавжуд бўлган тақдирда аризага илова қилиниши мумкин бўлган ҳужжатлар санаб ўтилган.

42-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бор корхонани банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси хўжалик судига ёзма шаклда, қарздорнинг

иқтисодий ночорлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатлар илова этилган ҳолда берилади.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси хўжалик судига ушбу Қонуннинг 39 ва 41-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда берилади.

Шарҳланаётган модда банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи аризасига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Қонун банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органини, устав фондида давлат улуши бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бўлган корхоналарни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар қаторига қўшади (*Қонуннинг 6-моддаси ва 25-модданинг биринчи қисми учинчи хатбошиси*).

Хўжалик судига банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси ёзма равишда берилиб, унга қарздорнинг иқтисодий ночорлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатлар илова қилинади. Мазкур қисмда «Қарздорнинг иқтисодий ночорлигини тасдиқловчи ҳужжатлар» деганда Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисми ва 4-моддасида назарда тутилган талабларга риоя қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тушуниш керак.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси Қонуннинг 39 ва 41-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя қилган ҳолда, хўжалик судига берилишини белгилайди.

Устав фондида Ўзбекистон Республикаси улуши бўлган корхонанинг банкротлиги тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилинганда, аризада корхона устав фондидаги давлат улуши тўғрисидаги маълумот кўрсатилиши керак. Бундан ташқари, аризага корхонанинг устав фондида давлат улуши борлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши лозим.

Ушбу қўлланманинг 2-бўлимида мазкур модда шарҳига банкротлик ишлари бўйича давлат органининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаоги аризаси намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 362-бет).

43-*модда.* Давлат солиқ хизмати органининг ва бошқа ваколатли органнинг аризаси

Давлат солиқ хизмати органининг ва бошқа ваколатли органнинг қарздорни мажбурий тўловлар бўйича банкрот деб топиш тўғрисида хўжалик судига берадиган аризаси ушбу Қонуннинг 39 ва 41-моддаларида назарда тутилган талабларга жавоб бериши керак.

Давлат солиқ хизмати органининг ва бошқа ваколатли органнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий тўловлар бўйича қарзни қайтариб олишга доир чора-тадбирлар кўрилганлиги далиллари илова қилиниши керак.

Шарҳланаётган модда давлат солиқ хизмати органи ва бошқа ваколатли орган аризасига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Қонун давлат солиқ хизмати органи ва бошқа ваколатли органларни қарздорнинг мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги натижасида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар қаторига киритади (*Қонуннинг 6-моддаси иккинчи қисм*). Бунда шуни таъкидлаш керакки, давлат солиқ хизмати органи ва бошқа ваколатли органлар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига фақат мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги муносабати билан мурожаат қилиши мумкин ва қарздорнинг кредитор олдидаги пул мажбуриятларини бажармаганлиги натижасида банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга эмас.

ХПКнинг 114-моддаси ҳамда Қонуннинг 41-моддасидаги умумий қоидалардан келиб чиққан ҳолда, аризага қуйидаги тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак:

– қарздорга аризанинг нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг юборилганлиги;

– солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органларнинг аризалари асосланадиган қарздорнинг кредитор олдидаги мажбурий тўловларнинг мавжудлигини, уларнинг қиймати ва бошқа ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар;

– агар ариза вакил томонидан имзоланган бўлса, солиқ ва бошқа орган вакилининг ишончномаси.

Аризага шунингдек, мавжуд бўлса, қуйидагилар илова қилинади:

– кредиторнинг қарздорга нисбатан билдирган талабларини кўриб чиққан суднинг ҳал қилув қарори;

– қарздор кредитор талабларини тан олганлигини тасдиқловчи ижро ҳужжатлари (ижро варақаси, қарздор томонидан акцептланган тўлов талаблари ва ҳ.к.) ёки далиллар – улар ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномалари, молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоботлари бўлиб, уларда қарздорнинг ўзи томонидан солиқ ва тўланиши шарт бўлган бошқа мажбурий тўловлар ва ҳ.к.лар суммалари кўрсатилади.

Бошқа субъектлардан фарқли равишда, солиқ органлари ва бошқа ваколатли органлар томонидан ариза берилаётганда Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига мувофиқ мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган қарзларни ундириб олиш учун чоралар кўрилганлиги бўйича далиллар аризага илова қилиниши зарур.

Бундай ҳужжат сифатида аризага, ҳисобида маблағ йўқлиги туфайли бажарилмаганлик ҳақида белги билан банк идорасига тақдим этилган, юридик шахсдан боқиманда қарзларни сўзсиз равишда ҳисобдан чиқарувчи тўлов талабномаси (инкасса топшириғи) илова килинади. Қарздорнинг мулки бўлган ҳолда, аризага боқимандани ундириш учун, ундиришни қарздор мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарори илова қилинади.

Ундириш қарздорнинг мулкига қаратилиб, аммо боқимандани ундириш имконияти бўлмаган ҳолда, аризага мулкнинг йўқлиги туфайли бажарилмаганлиги тўғрисида суд ижрочисининг белгиси қўйилган ижро варақаси илова қилинади.

Ушбу қўлланманинг 2-бўлимида мазкур модда шарҳига давлат солиқ хизмати органининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси намунаси илова қилинган. (қ а р а н г : 364-бет).

44-*модда*. Прокурорнинг аризаси

Прокурор қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига қуйидаги ҳолларда мурожаат этишга ҳақли:

банкротликнинг яширилган аломатларини аниқлаганида;

кредитор манфаатларини кўзлаб.

Прокурорнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси хўжалик судига ушбу Қонуннинг 39 ва 41-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда берилади.

Шарҳланаётган модда прокурорнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқини белгилайди.

Шарҳланаётган модда бундай ариза беришнинг икки шартини белгилайди:

а) умумий назорат тартибида ёки жиноий ишларни тергов жараёнида ёхуд бошқа дастлабки тергов органларидаги текширувларни назорат қилишда ёки судда прокурор ваколатини амалга оширишда прокурор томонидан банкротликни яшириш аломатлари аниқланганда (*Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисм ва 4-моддаси талаблари мавжуд бўлганда*).

«Банкротликни яшириш» тушунчасига таъриф амалдаги ЖКнинг 181-моддасида келтирилган бўлиб, унга биноан, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерлик ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодирлигининг йўқотганлигини ёки иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда қасддан яшириши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради;

б) кредиторлар манфаатини кўзлаб.

«Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41-моддасига мувофиқ, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун прокурор судга ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилувчи бундай ариза билан прокурорнинг мурожаат қилиши учун асос бўлиб, ўз навбатида, ушбу шахсларнинг прокуратура органларига бирламчи мурожаатлари ҳисобланади. Шундай қилиб, прокурорнинг судга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишидаги бундан олдинги асосдан фарқли равишда,

прокурор томонидан ариза бериш орқали жараённи қўзғатишнинг бирламчи ташаббуси кредиторнинг ўзига тегишли бўлади.

Мазкур модда, олдинги модда каби уларда ариза беришнинг умумий қоидалари ифодаланган Қонуннинг 39, 41-моддаларига ҳавола қилиб унга кўра, олтита мажбурий белгидан иборат бўлган ариза ёзма шаклда тақдим этилади ва унинг нусхаси қарздорга юборилиши керак.

Қолган барча ҳолларда, прокурор аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати олдинги моддадаги каби ва ХПКнинг 114-моддаси умумий қоидалари ва Қонуннинг 41-моддасидаги махсус қоидалардан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади

Ушбу қўлланманинг 2-бўлимида мазкур модда шарҳига қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги прокурорнинг аризаси намунаси илова қилинган. (қ а р а н г : 366-бет).

45-*модда*. Банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ёки аризани қабул қилишни рад этиш ёхуд қайтариш тўғрисидаги масалани судья ариза тушган пайтдан эътиборан беш кундан кечиктирмай ҳал этади.

Судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси ва ушбу Қонун талабларига риоя этилган ҳолда берилган аризани ўз иш юритишига қабул қилади.

Судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилар экан, кузатувни жорий этиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги ажрими хўжалик суди томонидан давлат солиқ хизмати органларига ва бошқа ваколатли органларга, қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) суд ижрочисига юборилади. Қарздор юридик шахснинг ўзига нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ажримнинг нусхасини ўзининг ваколатхоналари ва филиаллари жойлашган ердаги шундай шахсларга (органларга) юбориш мажбурияти унинг ўзига юклатилади.

Агар ушбу Қонун 5-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган шарт бузилган бўлса, судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этади.

Агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза ушбу Қонуннинг 37–44-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, судья аризани қайтаради. Ариза билан мурожаат этиш қарздорнинг раҳбари учун мажбурий бўлган ва аризага ушбу Қонуннинг 38-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинмаган ҳолларда бундай ариза хўжалик суди томонидан қабул қилинади, етишмаётган

ҳужжатлар эса банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартибида талаб қилиб олинади.

Шарҳланаётган модда банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ва аризани қабул қилиш, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани рад этиш ёхуд қайтариш тартибини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилганидек, судья ариза тушган пайтдан эътиборан беш кундан кечиктирмай, аризани қабул қилиш, рад этиш ёки қайтариш масаласини якка тартибда ҳал этиши керак, яъни бу муддат ичида судья судга тақдим этилаётган ариза ва унга илова қилинган далилларга ўзига хос ҳуқуқий «баҳо» бериши лозим.

Бу ҳолда суд томонидан ХПКнинг 116-моддаси учинчи қисмида белгиланган даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида у келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ажрим чиқаради, деб кўрсатилган қоида қўлланмаслиги керак.

Агар ариза ХПКнинг 112, 113, 114-моддалари ва Қонуннинг 37–44 моддалари, 5-модданинг иккинчи қисми талабларига риоя қилинган ҳолда берилган бўлса, судья аризани иш юритишига қабул қилади ва бу ҳақда ажрим чиқаради. Мазкур ажрим, ХПКнинг 153-моддаси биринчи қисмига биноан, чиқарилган кунидан эътиборан беш кун ичида банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади. Банкротлик тўғрисидаги иш, албатта, қарздорнинг банкрот деб топиш тўғрисидаги аризанинг қабул қилиниши билан бир вақтда қўзғатилади. Судья аризани иш юритиш учун қабул қилинганлиги ва банкротлик тўғрисидаги ишнинг қўзғатилганлиги тўғрисидаги ажримни бир вақтда чиқаради.

Шарҳланаётган қисм ХПКнинг 116-моддасида назарда тутилган аризани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги махсус қоидани акс эттиради, бунда аризани қабул қилиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш тартиби на Қонун, на ХПК томонидан назарда тутилмаган. Бинобарин, мазкур ажрим устидан шикоят қилиб бўлмайди (*60-модданинг шарҳига қаранг*). Бунда, мазкур ажримга рози бўлмаган қарздор Қонуннинг 47-моддасига биноан ариза юзасидан ёзма фикр бериши мумкин.

Аризани иш юритувига қабул қилиш тўғрисидаги ажримда хўжалик суди қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганлигини ҳамда биринчи суд мажлисининг кунини кўрсатади (*Қонуннинг 71-моддаси биринчи қисм*).

Шарҳланаётган қисмнинг қоидасига биноан, судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишда кузатувни жорий қилиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажримни аризани иш юритувига қабул қилиш тўғрисидаги ажрим билан бир вақтда қабул қилиш ҳуқуқига эга. Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш тўғрисидаги ажримда кузатув таомилини жорий қилиш ва муваққат бошқарувчининг тайинланиши кўрсатилиши мумкин. Бунда Қонуннинг 62-моддасининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда кузатув таомилини жо-

рий қилиш тўғрисида алоҳида ажрим чиқарилиши талаб этилмайди. Аммо бирор бир сабабларга кўра ёки вазият туфайли аризани иш юритувига қабул қилиш тўғрисидаги ажрим кузатув таомилини жорий қилиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажримни бир вақтда чиқаришнинг имкони бўлмаса, масалан, аризани кўриб чиқишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримни чиқариш вақтида муваққат бошқарувчиликка номзод бўлмаган тақдирда, суд қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай кузатувни жорий этиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги алоҳида ажрим чиқариши мумкин (*48-модданинг иккинчи қисми*).

Шарҳланаётган қисм хўжалик суди томонидан аризанинг иш юритувга қабул қилиш ва қарздорни банкротлиги тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги ажрим юбориладиган шахсларнинг мажбурий рўйхатини белгилайди. Улар қаторига қонун чиқарувчи солиқ хизмати органларини, суд ижрочисини ва қарздорнинг жойлашган жойи(яшаш жойи)даги бошқа ваколатли органларни киритади. Ўз навбатида, қарздор юридик шахс мазкур ажримнинг нусхасини солиқ хизмати органларига ва ўз ваколатхоналари жойлашган ердаги бошқа ваколатли органларга юборади.

Ажримнинг суд ижрочисига юборилиши, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 34-моддаси биринчи қисми 2-бандига ва Қонуннинг 63-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошисига биноан, қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган тақдирда, суд ижрочисидаги ижро ҳужжатлари бўйича қарздордан ундирув амалга оширилаётган ишлар бўйича ижро ҳаракатлари мажбурий тўхтатилади. Шу орқали суд қарздор мол-мулкининг сотилишини олдини олади, бу банкротлик иш юритуви таомилида муҳим ҳолат бўлиб ҳисобланади. Қарздорнинг мулкини сотиш банкротлик таомили доирасида амалга оширилади (суд санацияси, ташқи бошқарув, тугатишга доир иш юритиш).

Шуни таъкидлаш лозимки, агар қарздорнинг устав фондида давлат улуши бўлса, хўжалик суди банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ҳақида банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органини (*61-модда биринчи қисм*) ХПКнинг 153-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, ажрим чиқарилгандан кейин беш кун ичида хабардор қилиши керак.

Агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза, Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисмида белгиланган талабларга жавоб бермаса, шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмига биноан, судья уни қабул қилишни рад этади. Бироқ бу суд томонидан аризани қабул қилишни рад этишнинг ягона асоси эмас. Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми нормаси ХПКнинг 117-моддаси қоидаларига нисбатан алоҳида тартибларни акс эттиради, яъни у банкротлик тўғрисидаги ишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш учун алоҳида асосни белгилайди. Шунингдек, судья фақат мазкур

модданинг бешинчи қисмига асосан эмас, балки ХПКнинг 117-моддасида кўрсатилган асосларга мувофиқ ҳам аризани қабул қилишни рад этади. Аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида суд ажрим чиқаради, ХПКнинг 117-моддаси учинчи қисмига биноан, ишда иштирок этувчи шахслар мазкур ажрим устидан шикоят қилишлари мумкин.

Банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қайтариш учун умумий асослар ХПКнинг 118-моддаси билан тартибга солинади. Чунончи, ХПКнинг 118-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, даъво аризаси имзоланмаган ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмган шахс томонидан имзоланган бўлса, қайтарилиши керак.

Шарҳланаётган моддада белгиланган аризани қайтариш учун қўшимча асослар сифатида, аризанинг мазмуни ва шакли Қонуннинг 37–44 моддаларида назарда тутилган талабларга жавоб бермаслиги келтирилади. Бундай ҳолларда суд аризани қайтаради.

Ягона истисно аризага илова қилинадиган зарур ҳужжатлар тўғрисидаги Қонуннинг 38-моддасидаги талаблар учун белгиланади. Мазкур қисмда белгиланишича, қарздорнинг раҳбари учун ариза бериш мажбурий бўлган ҳолда, Қонуннинг 38-моддасида кўрсатилган ҳужжатлар илова этилмаган тақдирда ҳам, мазкур ариза хўжалик суди томонидан қабул қилинади.Етишмаётган ҳужжатлар суд томонидан ишни судда кўришга тайёрлаш доирасида талаб қилиб олиниши керак. Шунга эътиборни қаратиш керакки, мазкур қисм фақат қарздорнинг раҳбари судга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши шарт бўлган ҳолдагина қўлланади (*8-модда, биринчи қисм*) ва бундай мажбурият тугатиш комиссияси (тугатувчи) зиммасига юклатилган ҳолларда қўлланилмайди (*185-модда иккинчи қисм ва 8-модда иккинчи қисм*).

Бу ҳол, юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган вақтдан эътиборан бундай қарорни қабул қилиш вақтида тузилган тугатиш комиссияси (тугатувчи) кредиторлар талабларини тўлиқ қондириш мумкин эмаслиги аниқлангунига қадар маълум ишларни амалга оширади (кредиторларни ва уларнинг талабларини аниқлаш, мулкни инвентаризация қилиш ва баҳолаш, кредиторларга, ходимларга тўланиши лозим бўлган суммани аниқлаш ва ҳ.к.) ва шунга мувофиқ, судга ариза билан мурожаат қилиш жараёнида тугатиш комиссияси(тугатувчи) қарздорнинг аризасига Қонуннинг 38-моддасида кўрсатилган барча ҳужжатларни илова қилиш имконига эга бўлади.

Судья аризани қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради ва уни келиб тушган кундан эътиборан беш кун ичида ишда иштирок этаётган шахсларга юборади**.** Бунда аризачига илова қилинган ҳужжатлар қайтарилади. Мазкур ажрим устидан, ХПКнинг 118-моддаси учинчи қисмида белгиланган умумий тартибда шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин. Мазкур шикоятни кўриб чиқиш жараёнида аризани қайтариш тўғрисидаги ажрим бекор қилинган ҳолда, ариза хўжалик судига биринчи бор берилган санадан топши-

рилган деб ҳисобланади. Аризани қабул қилишда рад этиш ва қайтаришнинг процессуал оқибатлардаги асосий фарқ шундан иборатки, аризанинг қайтарилиши аниқланган камчиликлар бартараф этилганидан кейин хўжалик судига қайта ариза билан мурожаат этишга монеълик қилмайди.

Ушбу қўлланманинг 4-бўлимида мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– қарздорнинг аризасига кўра банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақида суд ажрими (қ а р а н г : 614-бет);

– кредиторнинг аризасига кўра банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақида суд ажрими (қ а р а н г : 616-бет);

– банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризасига кўра банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатиш тўғрисидаги ажрим (қ а р а н г : 618-бет);

– давлат солиқ хизмати органининг аризасига кўра банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатиш тўғрисидаги ажрим (қ а р а н г : 620-бет);

– прокурорнинг аризасига кўра банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатиш тўғрисидаги ажрим (қ а р а н г : 622-бет);

– кредиторнинг аризасига кўра банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатиш тўғрисидаги ажрим (қ а р а н г : 624-бет);

– «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисмида белгиланган шартларнинг бузилганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 625-бет);

– ФКнинг 57-моддасида белгиланган шартларнинг бузилганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 627-бет);

– Қонуннинг 185-моддасида белгиланган шартларнинг бузилганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 629-бет);

– «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддаси олтинчи қисми ва 37–38-моддалари талабларига мувофиқ бўлмаганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги кредиторнинг аризасини қайтариш тўғрисида суд ажрими (қ а р а н г : 631-бет);

– «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддаси олтинчи қисми ва 37–38-моддалари талабларига мувофиқ бўлмаганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги кредиторнинг аризасини қайтариш тўғрисида суд ажрими (қ а р а н г : 633-бет);

– «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддаси олтинчи қисми ва 39–41-моддалари талабларига мувофиқ бўлмаганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги кредиторнинг аризасини қайтариш тўғрисида суд ажрими (қ а р а н г : 634-бет);

– «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддаси олтинчи қисми ва 40-моддаси талабларига мувофиқ бўлмаганлиги туфайли қарздорни банкрот

деб топиш тўғрисидаги кредиторнинг аризасини қайтариш тўғрисида суд ажрими (қ а р а н г : 636-бет);

– Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси (638-бет);

– «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддаси олтинчи қисми ва 43-моддаси талабларига мувофиқ бўлмаганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги кредиторнинг аризасини қайтариш тўғрисида суд ажрими (қ а р а н г : 640-бет).

46-*модда*. Кредиторларнинг талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар

Хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахснинг аризасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига мувофиқ кредиторлар талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар кўришга ҳақли.

Кредиторларнинг талабларини таъминлашга доир, Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган чора-тадбирлардан ташқари хўжалик суди битимларни суд бошқарувчиси розилигисиз тузишни тақиқлаб қўйишга, қарздорга қимматли қоғозларни, валюта қимматликларини ва бошқа мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсларга топширишни юклашга ҳамда қарздорнинг мол-мулки сақланишини таъминлашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар кўришга ҳақли.

Кредиторларнинг талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар тегишинча хўжалик суди томонидан банкротлик таомилларидан бирини жорий этиш тўғрисида ёки хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилингунга қадар ёхуд хўжалик суди томонидан келишув битими тасдиқлангунга қадар амал қилади.

Хўжалик суди ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар юзага келгунга қадар кредиторларнинг талабларини таъминлашга доир чора-тадбирларни бекор қилишга ҳақли.

Хўжалик судининг кредиторларнинг талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги ажрими устидан банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахслар томонидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Шарҳланаётган модда қарздорга нисбатан талабларни таъминлаш чораларини қўллаш тартибини белгилайди.

Кредиторлар талабларини таъминлаш чоралари – бу қарздорнинг кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилишдаги муҳим бошланғич босқичдир. Бу чоралар қарздорнинг барча мулкини ёки бир қисмининг бутлигини ва сақланишини таъминлайди.

Қонун банкротлик таомилида кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича хўжалик судлари томонидан чоралар кўрилиши имконини назарда тутади. Банкротлик таомилида кредиторлар талабларини таъминлаш чоралари учун ХПКнинг 7-моддаси қоидалари қўлланади, шарҳланаётган модда эса банкротлик тўғрисидаги иш бўйича кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича чораларнинг айрим хусусиятларини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми ХПКнинг 76-моддаси биринчи қисмига биноан, хўжалик суди томонидан ишда иштирок этаётган шахснинг аризасига кўра кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича чоралар кўрилиши мумкинлигини белгилайди**.**

Талабларни таъминлаш бўйича чоралар рўйхати ХПКнинг 77-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган. Шарҳланаётган модданинг иккичи қисми ХПКнинг 77-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича чоралар билан бир қаторда, хўжалик суди ўз ташаббуси билан қарздорнинг фуқаролик муомала лаёқати билан боғлиқ бўлган чекловларни белгилаши, суд бошқарувчисининг рухсатисиз қарздорнинг битимлар тузишини тақиқлаши, қарздорни қимматли қоғозлар, валюта қимматликлари ва бошқа мулкни сақлаш учун учинчи шахсларга топшириш мажбуриятини юклаши ва қарздорнинг мулкини сақлашга қаратилган бошқа чораларни қўллашга ҳақли эканлигини белгилайди. Кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича мазкур чоралар борасида яна шуни таъкидлаш керакки, муваққат бошқарувчи Қонуннинг 66-моддаси биринчи қисми бешинчи хатбошисига мувофиқ, хўжалик судига мазкур қисмда назарда тутилган қўшимча чораларни кўриш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин.

Хўжалик суди томонидан кредиторларнинг талабларини таъминлаш бўйича кўрилган чора кейинги банкротлик таомили киритилгунига қадар (*79-модда иккинчи қисм иккинчи хатбошиси – суд санацияси бўйича, 92-модда биринчи қисм тўртинчи хатбошиси ташқи бошқарув бўйича, 125-модда, биринчи қисм олтинчи хатбошиси тугатишга доир иш юритиш бўйича*) ёки суд томонидан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунига қадар ёки хўжалик суди томонидан келишув битими тасдиқлангунига қадар ёки иш юритиш тугатилгунга қадар амал қилади. Кўрсатилган ҳолатларда кредиторлар талабларини таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги ажримнинг чиқарилиши талаб этилмайди.

Шу билан бирга, суд ишда иштирок этаётган шахснинг илтимосномасига кўра, Қонуннинг 46-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар юзага келгунига қадар ҳам таъминлашни бекор қилиши мумкин. Бундай илтимоснома, қарздорнинг мулки кредиторлар зарарига фойдаланиши мумкин деган асос бўлмаганда, ва аксинча, мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи қарздорнинг тўловга қодирлигини тиклашга қаратилган ҳолда қондирилиши мумкин.

Кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича чораларни бекор қилиш тўғрисидаги илтимоснома ишда иштирок этувчиларни хабардор қилган ҳолда, суд мажлисида кўриб чиқилади. Бироқ уларнинг тегишли тартибда

хабардор этилганда келмаслиги, таъминлаш бўйича чораларни бекор қилиш тўғрисидаги масаланинг кўриб чиқилиши учун тўсқинлик қилмайди.

Кредиторлар талабларини таъминлаш чоралари ва қарздор мол-мулкининг сақланишини таъминлаш бўйича чораларни кўриб чиқиш натижалари бўйича судья ажрим чиқаради, у чиққан (эълон қилинган) вақтдан эътиборан ижро этилиши керак ва банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар ХПКда белгиланган умумий тартибда, унинг устидан шикоят қилишлари ёки протест келтирилиши мумкин**.**

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– кредиторлар талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги суд бошқарувчисининг аризаси (қ а р а н г : 368-бет);

– кредитор талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 642-бет).

47-*модда*. Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза юзасидан қарздорнинг ёзма фикри

Хўжалик судининг кредитор, прокурор, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли органдан қарздорни банкрот деб топиш ҳақида ариза қабул қилинганлиги тўғрисидаги ажримини олган кундан эътиборан қарздор беш кунлик муддат ичида хўжалик судига, аризачига ва банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга мазкур ариза юзасидан ёзма фикрини юборишга, шунингдек, аризада кўрсатилмаган барча кредиторларни ўзига нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлигидан хабардор қилишга ҳақли. Қарздорнинг хўжалик судига юбораётган ёзма фикрига мазкур ёзма фикрнинг нусхаси аризачига ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилиниши керак.

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза юзасидан ёзма фикрда Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган маълумотлар кўрсатилади. Қарздорнинг ёзма фикри йўқлиги банкротлик тўғрисидаги иш кўрилишига монелик қилмайди.

Шарҳланаётган модда қарздорни хўжалик судига, аризачига ва банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза юзасидан ёзма фикрини юбориш, шунингдек, барча кредиторларни ўзига нисбатан банкротлик тўғрисида иш кўзғатилганлиги ҳақида хабардор қилиш ҳуқуқини белгилайди.

Банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза юзасидан қарздорнинг ёзма фикри банкротлик тўғрисидаги ишда унга арз қилинган талабларга нисбатан процессуал ҳимоя воситаси ҳисобланади. Ушбу ёзма фикр даъво тартибида иш юритишдаги ХПКнинг 119-моддасида назарда тутилган ёзма фикр билан бир хил функцияларга эга.

Ёзма фикр тақдим этиш қарздорнинг мажбурияти эмас, аксинча, унинг ҳуқуқи ҳисобланади. Шуни таъкидлаш жоизки, банкрот деб топиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган талабларга нисбатан қарздорнинг эътирозлари Қонуннинг 70-моддасига кўра эмас, балки шарҳланаётган моддада белгиланган ёзма фикрни юбориш тартибига асосан юборилади.

Кўриб чиқилаётган қисмда суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризанинг иш юритишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги ажримни олган кундан эътиборан қарздор беш кунлик муддат ичида хўжалик судига ёзма фикр юбориш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилган. Беш кунлик муддат ўтганидан сўнг судга ёзма аризани тақдим этиш қарздорнинг важларини суд томонидан кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди. Қарздор судга ёзма фикрни қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги иш кўриладиган кунга қадар бериши мумкин. Ёзма фикрни кўриб чиқиш натижаларига кўра, хўжалик суди алоҳида суд ҳужжатини чиқармайди, балки ёзма фикрда баён этилган қарздорнинг важларига ишни мазмунан кўриб чиқиш жараёнида баҳо беради.

Шунингдек, қарздор аризада кўрсатилмаган кредиторларни ҳам унга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганлиги тўғрисида хабардор қилиш ҳуқуқига эга. Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризада кўрсатилмаган кредиторларни хабардор қилиш ёзма фикрни тақдим қилиш каби қарздорнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади.

Қарздор судга ёзма фикрни тақдим этган ҳолда, унга аризачига ҳамда ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга ёзма ариза нусхасини юборилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилиниши шарт.

ХПКнинг 119-моддасига асосан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза юзасидан ёзма фикрда қуйидагилар кўрсатилади: ёзма фикр юбориладиган хўжалик судининг номи; қарздорнинг номи ва ишнинг рақами; даъвогарнинг талабларини тўлиқ ёки қисман рад этишнинг қонун ҳужжатларига асосланган сабаблари, шунингдек, эътирозларни асословчи далиллар; ёзма фикрга илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати; жавобгарда мавжуд бўлган илтимосномалари ва бошқа маълумотлар. Мажбурий маълумотлардан ташқари ёзма аризада қуйидагилар кўрсатилиши мумкин: ҳамма кредиторлар олдидаги қарзнинг умумий суммаси, шунингдек, иш ҳақи ва мажбурий тўловлар юзасидан бўлган қарзлар; қарздорнинг банк ва кредит ташкилотлардаги ҳисобларининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар; агар мавжуд бўлса, аризачининг талаблари асоссиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар. Қарздор томонидан бошқа зарур маълумотлар тақдим этилиши мумкин, хусусан, унда дебитор қарзни қоплайдиган мол-мулкнинг мавжудлиги, қарздорнинг хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, пул мажбуриятларини бажаришни ва мажбурий тўловларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисидаги илтимосномалар, қарздорнинг тўловга қобилиятлилигини тиклашга қаратилган чоралар рўйхати ва ҳ.к.

Ёзма фикрнинг мавжуд эмаслиги банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Ушбу қўлланманинг 2-бўлимида мазкур моддага қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза юзасидан қарздорнинг ёзма фикри намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 369-бет).

48-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш

Банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш судья томонидан, Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган тартибда, ушбу Қонунда белгиланган ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза тушган кундан эътиборан судья ўн кундан кечиктирмай кузатувни жорий этиш ҳақидаги масалани ҳал қилади.

Кредиторларнинг талаблари юзасидан қарздорда эътирозлар бўлса, судья қарздорнинг эътирозлари асослилигини текширади.

Судьянинг қарздор эътирозлари (муваққат бошқарувчи илтимосномалари) асослилигини текшириши банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг белгиланган муддатига камида бир ой муҳлат қолганда ўтказилади.

Хўжалик суди қарздорнинг эътирозлари асослилигини кўриб чиқиш натижалари асосида мазкур талабларни кредиторларнинг талаблари реестрига киритиш ёки мазкур реестрга киритишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Ажримда кредиторларнинг, агар уларга нисбатан қарздорнинг эътирозлари асоссиз деб топилган бўлса, талаблари миқдори ва уларни қондириш навбати кўрсатилади.

Кредиторларнинг талаблари юзасидан қарздорнинг эътирозларини кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди чиқарган ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин. Мазкур ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) унинг амал қилишини тўхтатиб қўймайди.

Банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш пайтида, шунингдек, банкротлик тўғрисидаги иш кўрилаётганда хўжалик суди қарздорнинг молиявий аҳволини аниқлаш учун экспертиза тайинлашга ҳақли.

Шарҳланаётган модда банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартибини белгилайди.

Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш хўжалик судининг судьяси томонидан ХПКнинг 16-бобида назарда тутилган тартибда, Қонунда белгиланган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. ХПКнинг 123-моддасига асосан, аризани қайтариш ва уни рад этиш учун асослар мавжуд

бўлмаса, судья қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризани қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

Амалиётда судья, қоида бўйича, битта ажрим чиқаради, Қонунда кўрсатилган ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда, унда ишни тайёрлашга доир ҳаракатлар, бу ҳаракатларни бажариш муддатлари, ишни судда кўришга тайинлаш, уни ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади.

Хусусан, банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида судья қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади (*ОХС Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 9-банди*):

ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига биноан кредиторлар талабларини таъминлаш чораларини кўради (*Қонуннинг 46-моддаси*);

экспертиза тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳал этади (*Қонуннинг 48-моддаси*);

банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқади (*Қонуннинг 59-моддаси*);

қарздорнинг эътирозлари (муваққат бошқарувчининг илтимосномаси) мавжуд бўлган ҳолда, кредиторларнинг қарздорга бўлган талабларини асослилигини текшириш бўйича суд мажлиси ўтказилади (*Қонуннинг 70-моддаси*).

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми бўйича, судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза келиб тушгандан эътиборан ўн кундан кечиктирмасдан кузатувни жорий этиш тўғрисидаги масалани ҳал этади.

Бошқа тарафдан, Қонуннинг 45-моддасининг биринчи қисми ва 62-моддасидан бошқача шарҳ келиб чиқади, яъни судья томонидан кузатув ариза келиб тушгандан эътиборан беш кундан кечиктирилмасдан жорий этилиши лозим. Умумий қоида бўйича, Қонуннинг 45-моддаси биринчи қисмига асосан суднинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш учун тайёрлаш тўғрисидаги ажрими ариза келиб тушгандан эътиборан беш кундан кечиктирмасдан чиқарилиши лозим. Қонуннинг 62-моддаси бўйича эса банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганда, кузатув қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иш юритувига қабул қилинган кундан жорий этилади.

Хўжалик судига қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза тақдим қилинганида аризада муваққат бошқарувчининг номзоди кўрсатилиши лозим. Бу ҳолда судья аризани иш юритувига қабул қила туриб, кузатувни жорий этиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажрим (*45-модда учинчи қисм*) чиқаради ва кузатув хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иш юритувига қабул қилинган вақтдан эътиборан жорий этилади (*62-модда*).

Агар аризада муваққат бошқарувчининг номзоди кўрсатилмаган бўлса, хўжалик суди арз қилувчи ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органидан тегишли номзодни кўрсатишни талаб қилади (*ОХС Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 8-банди*). Шундай қилиб, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризада муваққат бошқарувчининг номзоди

кўрсатилмаса, суд ушбу масалани шарҳланаётган моддага асосан ариза келиб тушган кундан эътиборан, ўн кунлик муддат ичида ҳал этиш имкониятига эга. Бу ҳолда кузатув таомилини жорий этиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажрим қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилиш ва ишни кўриб чиқишга тайёрлаш тўғрисидаги ажримдан сўнг алоҳида чиқарилади.

Таъкидлаш жоизки, шарҳланаётган модданинг нормалари ва Қонуннинг 62-моддаси қоидалари ўртасида ариза иш юритишга қабул қилинганидан эътиборан кузатувни жорий қилиш масаласида баъзи номутаносибликлар мавжуд. Шунинг учун, ОХС Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 8-бандида кўрсатилганидек, судья банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрлаш билан бир вақтда кузатувни жорий қилиш масаласини ҳам ҳал этса тўғри бўларди.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида белгиланишича, кредиторлар талаблари бўйича қарздорни эътирозлари бўлса, судья эътирозларнинг асосланганлигини текширади. Гап қарздор ёки муваққат бошқарувчининг Қонуннинг 70-моддаси биринчи қисмида белгиланган тартибда судга берилган талабларга нисбатан билдириладиган эътирозлари ҳақида кетмокда (*70-модданинг биринчи, учинчи қисмлари*). Таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу моддада судья қарздор эътирозларининг асосланганлигини текширади деган маъно келиб чиққани билан, судья муваққат бошқарувчининг ҳам эътирозларининг асосланганлигини текширади деб тушуниш керак. 70-модданинг тўртинчи қисмига кўра, қарздор ёки муваққат бошқарувчи кредиторлар талабларини қабул қилган вақтдан эътиборан бир ҳафта ичида хўжалик судига, тегишли талабларга бўлган ўз эътирозларини билдириш ҳуқуқига эга.

Ишни суд муҳокамасига тайёрлашнинг муҳим босқичи кредиторлар талабларини аниқлаш ҳисобланади. Қарздордан (ёки муваққат бошқарувчидан) кредитор талабларига нисбатан келиб тушган эътирозларнинг асосланганлиги судья томонидан текширилади ва бу ҳаракатлар ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичига киради. Судьянинг қарздор (ёки муваққат бошқарувчи) эътирозлари асослилигини текшириши банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг белгиланган муддатига камида бир ой муҳлат қолганда ўтказилади. Ушбу ҳолатда қарздорнинг (муваққат бошқарувчининг) Қонуннинг 70-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларига асосан тақдим этган эътирозларини тушуниш лозим.

Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмида белгиланишича, қарздор эътирозларининг асосланганлигини кўриб чиқиш натижалари асосида хўжалик суди мазкур талабларни кредиторларнинг реестрига киритиш ёки киритишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Мазкур моддага асосан чиқарилган хўжалик судининг ажрими бу 70-модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ажрим ҳисобланади**.**

Қонуннинг 70-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилган хўжалик суди ажрими фақат қарздорнинг эътирозлари бўйича эмас (*70-модданинг иккинчи*

қисми), балки муваққат бошқарувчининг эътирозлари бўйича (70-модданинг учинчи қисми) ҳам чиқарилади. Шундай экан, судья томонидан қарздор эътирозларини кўриб чиқиш натижасига кўра, талабларни кредиторлар талаблари реестрига киритиш ёки киритишни рад этиш тўғрисида чиқариладиган ажрим тўғрисидаги шарҳланаётган қисм қоидалари қарздор ёки муваққат бошқарувчи эътирозларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Талабларни кредиторлар талабларининг реестрига киритиш тўғрисидаги ажримда қарздор эътирозлари асоссиз деб топилган кредиторлар талабларини қондиришнинг миқдори ва навбати кўрсатилади.

Шундай қилиб, банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида арз қилинган талабларнинг ҳажмини аниқлаш бўйича кичик жараёнлар ўтказилиши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмида кўрсатилган ажрим устидан кредитор, қарздор ёки муваққат бошқарувчи Қонуннинг 60-моддасида назарда тутилган тартибда шикоят бериши мумкин.

Бундан ташқари, банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида ҳамда ишни кейинчалик кўриб чиқиш чоғида, қарздорнинг молиявий аҳволини аниқлаш мақсадида ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномалари бор ёки йўқлигидан қатъи назар, суд томонидан экспертиза тайинланиши мумкин. Бу ХПКнинг 9-моддаси «Тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлиги» нормасига зид келмайди, чунки ушбу ҳолат Қонуннинг 48-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Мазкур моддага қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– кредиторларнинг талаблари юзасидан қарздорнинг эътирози (қ а р а н г : 371-бет);

– қарздорнинг молиявий аҳволини аниқлаш учун экспертиза тайинлаш тўғрисидаги илтимосномаси (қ а р а н г : 495-бет);

– банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 644-бет);

– кредитор талаблари юзасидан қарздор эътирозлари асослилигини текшириш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 646-бет);

– кредитор талаблари бўйича қарздор эътирозларининг асослантирилганлигини текшириш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 649-бет).

49-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш муддати

Банкротлик тўғрисидаги иш хўжалик судининг мажлисида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иш юритишга қабул қилинганлиги ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши лозим. Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш алоҳида ҳолларда икки ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

(49-модданинг қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–300-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 40-сон, 411-модда).

Ушбу модда банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддатларини белгилайди.

Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш бўйича суднинг биринчи муҳокамаси вақти банкрот деб топиш ҳақидаги аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда белгиланади (71-модданинг биринчи қисми). Муваққат бошқарувчи кузатув жорий этилганлиги тўғрисида хабар эълон қилинган вақтдан эътиборан ўн кун ичида аниқланган барча кредиторларга хўжалик суди томонидан қарздорга нисбатан кузатув жорий этилганлиги тўғрисидаги ажрим чиқарилганлиги ҳақида хабар бериши лозим, бундай хабарда банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш бўйича ўтказиладиган суд мажлисининг вақти, санаси ва жойи кўрсатилади (68-модданинг иккинчи қисми, еттинчи қисмининг бешинчи хатбошида).

Истисно ҳолатларда ишни кўриб чиқишнинг икки ойлик муддати яна икки ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Муайян ҳолат ажрим учун истисно ҳолат эканлиги ёки йўқлигини аниқлаш учун Қонунда ҳуқуқий мезон ўрнатилмаган. Шунингдек, муддатни узайтиришни ким амалга ошириши ҳам белгиланмаган. Бу ҳолда ХПКнинг 125-моддаси қўлланилади, унга кўра ишни кўриб чиқиш муддатларини узайтириш хўжалик суди раисининг рухсатига асосан амалга оширилади.

Ушбу ҳолат истисно эканлиги ёки эмаслиги ҳақидаги масала хўжалик судининг раиси томонидан ишга алоқадор бўлган барча ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилади.

Ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди Қонуннинг 50-моддасида санаб ўтилган банкротлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатларидан бирини чиқаради.

50-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд ҳужжатлари

Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди қуйидаги суд ҳужжатларидан бирини қабул қилади:

– қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги қарор;

– қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарор;

– суд санациясини жорий этиш ва унинг муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрим;

– ташқи бошқарувни жорий этиш ва унинг муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрим;

– банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим;

– қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани кўрмасдан қолдириш ҳақидаги ажрим;

– келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим.

Банкротлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатлари, агар ушбу Қонунда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, дарҳол ижро этилиши лозим. Банкротлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатининг кўчирма

нусхаси суд томонидан дарҳол қарздорнинг турган жойидаги (яшаш жойидаги) суд ижрочисига юборилади.

(50-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январдаги ЎРҚ–199-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2009 й., 3-сон, 9-модда)

Шарҳланаётган модда суд санацияси ва ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги ажримлардан ташқари, банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича суд томонидан чиқариладиган суд ҳужжатлари рўйхатини ўз ичига олади.

Бунда шуни таъкидлаш керакки, ХПК 86-моддаси ва Қонуннинг 56-моддасида назарда тутилган асослар бўйича суд банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Қонунда қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани кўрмасдан қолдиришнинг алоҳида асослари мавжуд эмас, шу муносабат билан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани кўрмасдан қолдириш ҳақидаги ажрим ХПКнинг 88-моддасида назарда тутилган асослар аниқланганда қабул қиланади.Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида мазкур бандда кўрсатилган ажримни чиқариш учун асос бўладиган ҳолатлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– хўжалик судининг иш юритувида айнан шу қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги иш мавжуд бўлса (*ХПКнинг 88-моддаси биринчи қисмининг биринчи банди*);

– ариза имзоланмаган ёки имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан имзоланган, ёхуд мансаб даражаси кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса (*ХПКнинг 88-моддаси биринчи қисмининг учинчи банди*);

– ариза берувчи прокурор ўз аризасидан воз кечган ҳолда (кредиторлар аризаси (эътирозлари) мавжуд бўлмаган ҳолда) (*ХПКнинг 88-моддаси биринчи қисмининг тўққизинчи банди*);

Шуни таъкидлаш лозимки, банкротлик тўғрисидаги ишга нисбатан мазкур моддада назарда тутилган барча асослар ҳам қўлланилмайди, яъни баъзи асослар банкротлик тўғрисидаги ишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги муносабати билан қўлланилмайди. Масалан, ХПКнинг 88-моддаси 6-банди (даъвогарнинг суд мажлисига келмаслиги) банкротлик тўғрисидаги ишга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас, чунки банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгандан сўнг кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи кредиторлар йиғилишига ўтади ва қарздорнинг келажакдаги тақдири кредиторлар йиғилишининг иродасига боғлиқ бўлади, яъни, хусусий тусга эга бўлган ариза бошқа шахсларнинг манфаатларига таъсир қиладиган оммавий муносабатларга айланади.

Юқорида санаб ўтилган суд ҳужжатлари ичида қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш (шарҳланаётган модданинг биринчи қисми иккинчи хатбошиси) ва қарздорни банкрот деб топишни рад

этиш тўғрисидаги қарор (шарҳланаётган модданинг биринчи қисми учинчи хатбошиси) ХПКнинг 18-боби қоидаларига мувофиқ қабул қилинадиган суд ҳужжатлари (қарори) ҳисобланади. Қолган ажримлар ишнинг мазмуни бўйича эмас, ХПКнинг 19-боби қоидаларига мувофиқ чиқариладиган ажримлардир.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига кўра, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган суд ҳужжатлари агар қонунда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, дарҳол ижро этилади. Мазкур норма хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин ижро этилиши тўғрисидаги умумий қоидадан истисно ҳисобланади (*ХПКнинг 146-моддасининг тўртинчи қисми*).

Лекин бу ҳол суд ҳужжатлари улар қабул қилинганидан сўнг қонуний кучга киришини билдирмайди. Уларнинг устидан ХПКда назарда тутилган тартибда шикоятлар берилиши (протест келтирилиши) мумкин (ОХС Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарори 22-банди). Лекин суд ҳужжатига нисбатан шикоят берилиши (протест келтирилиши) унинг ижросини тўхтатмайди.

Иштирок этувчи шахсларга қарорлар нусхаларни жўнатиш назарда тутувчи ХПКнинг нормаларидан фарқли равишда, банкротлик тўғрисидаги қонунчилик банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш натижалари бўйича чиқарилган суд ҳужжатлари шуниндек, қарздорнинг жойлашган жойи(яшаш жойи) бўйича суд ижрочисига ҳам дарҳол жўнатилиши кераклигини назарда тутади.

Мазкур моддага қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– суднинг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори (қ а р а н г : 651-бет);

– суднинг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори (қ а р а н г : 655-бет);

– суд санациясини жорий тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 657-бет);

– суд санацияси (қ а р а н г : 661-бет);

– ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 663-бет).

51-*модда*. Қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор

Суд санациясини, ташқи бошқарувни жорий этиш, келишув битимини тасдиқлаш ёки банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш учун асослар бўлмаганда, хўжалик судининг қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ушбу Қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган банкротлик аломатлари аниқланган ҳолларда қабул қилинади.

Хўжалик судининг қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорида қарздорни

банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш, тугатиш бошқарувчисини тайинлаш ва унга ҳақ тўлаш ҳақидаги кўрсатма акс эттирилиши лозим.

Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Хўжалик судининг қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорида қарздорнинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ўз кучини йўқотгани кўрсатилади.

Шарҳланаётган модда суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш шартлари, қарорнинг мазмунига қўйилган талабларни ҳамда унинг устидан шикоят қилиш имкониятини белгилайди.

Бундай қарор хўжалик суди томонидан Қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган банкротлик аломатлари аниқланган ҳолларда, суд санацияси ёки ташқи бошқарувни жорий этиш, келишув битимини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш учун асослар мавжуд бўлмаганда қабул қилинади.

Хўжалик суди қарорида қарздорни банкрот деб топилиши тўғрисидаги ҳамда унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги кўрсатилиши керак. Бундан ташқари, ушбу қарорда тугатиш бошқарувчиси деб тайинланган шахс кўрсатилади (агар ушбу вақтда қонунчилик талабларига жавоб берадиган номзод тақдим этилганбўлса) ва унга тўланадиган ҳақ миқдори белгиланади.

Модданинг учинчи қисми қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги хўжалик суди қарори юзасидан ХПКда назарда тутилган тартибда шикоят (протест) келтириш мумкинлигини белгилайди. Агар тугатиш бошқарувчисини тайинлаш қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиниши билан бир пайтда амалга оширилган бўлса, тайинланган суд бошқарувчисининг номзоди билан келишмаган тақдирда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар Қонуннинг 60-моддасида кўрсатилган тартибда суд ҳужжатининг суд бошқарувчисини тайинлашга доир қисми устидан шикоят беришлари, прокурор эса протест келтириши мумкин (*ОХС Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарори 21-банди*).

Қонуннинг 180-моддасининг учинчи қисмига кўра ЯТТнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги суд томонидан уни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан ўз кучини йўқотади.

Шу боис, кўриб чиқилаётган модданинг тўртинчи қисми хўжалик судининг қарздор – ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорида қарздорнинг ЯТТ сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ўз кучини йўқотганлиги кўрсатилиши лозимлигини белгилайди.

Хўжалик суди қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорининг нусхасини уни ЯТТ сифатида рўйхатдан ўтказган органга ва лицензия берган органга юбориши лозим (*180-модданинг тўртинчи қисми*).

52-*модда*. Хўжалик суди томонидан чиқарилган суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш

Хўжалик суди томонидан кузатувни, суд санациясини, ташқи бошқарувни жорий этиш, банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш, суд бошқарувчисини тайинлаш, алмаштириш ёки вазифасидан озод қилиш ҳақида чиқарилган ажримлар ҳақидаги, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарорлар, мазкур ҳужжатларни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар расмий нашрда эълон қилинади. Расмий нашрнинг тиражи, даврийлиги ва шундай маълумотларни эълон қилиш муддати, кўрсатиладиган хизматларни молиялаштириш тартиби ҳамда бундай хизматларнинг нархлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва исталган манфаатдор шахснинг мазкур маълумотлардан эркин фойдалана олиши учун монелик қилмаслиги лозим.

Ушбу Қонунга мувофиқ эълон қилиниши лозим бўлган суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда электрон оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилиниши мумкин.

Суд бошқарувчиси эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни тегишли суд ҳужжати олинган санадан эътиборан уч кун ичида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган расмий нашр манзилига юборади.

Эълон қилиш учун юборилган суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш бу маълумотлар олинган пайтдан эътиборан етти кун ичида амалга оширилади.

(52-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–300-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 40-сон, 411-модда)

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотларни эълон қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, агар ушбу Қонунда ёки кредиторлар йиғилишининг ёхуд кредиторлар қўмитасининг қарорида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Қарздорда пул маблағлари бўлмаса, бундай маълумотларни эълон қилиш ҳақини тўлашни суд бошқарувчиси амалга оширади, бу маблағлар кейинчалик қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан қопланади.

Қарздорда эълон қилиш харажатларини қоплашга етарли мол-мулк бўлмаса, харажатларни қоплаш қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган кредитор ҳисобидан амалга оширилади.

Хўжалик суди томонидан чиқарилган суд ҳужжатлари ҳақидаги маълумотлар бошқа оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилиниши мумкин.

Шарҳланаётган модда хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш тартибини белгилайди.

Қонуннинг 52-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, банкротлик тўғрисидаги иш доирасида чиқарилган қуйидаги суд ҳужжатлари мажбурий эълон қилиниши лозим: Хўжалик суди томонидан кузатувни, суд санациясини, ташқи бошқарувни жорий этиш, банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш, суд бошқарувчисини тайинлаш, алмаштириш ёки вазифасидан озод қилиш, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарорлар қабул қилингани ҳақидаги маълумотлар. Мазкур ҳужжатларни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги аппеляция, кассация ва назорат инстанция судларининг қарорлари қабул қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам расмий нашрда эълон қилиниши лозим.

Ушбу Қонун императив нормадан иборат бўлиб, унга кўра эълон қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган расмий нашрда амалга оширилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотларни эълон қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 11 июндаги 160-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган маълумотларни матбуотда чоп этилиши лозим бўлган расмий нашр сифатида «Биржа» ва «Солиқ инфо» газеталари белгиланди.

Ушбу Қонунга мувофиқ, эълон қилиниши лозим бўлган суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда электрон оммавий ахборот воситаларида (Интернетда) ҳам эълон килиниши мумкин. Лекин ушбу ҳолатда суд бошқарувчиси шарҳланаётган модданинг биринчи қисмидаги талабларни амалга оширмайди дегани эмас, чунки Қонун расмий нашрлардан ташқари суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни электрон ОАВда чоп этилиши имкониятини назарда тутган.

Хабарларни эълон қилиш учун жўнатиш мажбурияти суд бошқарувчиси (муваққат бошқарувчи, санация қилувчи бошқарувчи, ташқи бошқарувчи)га юкланади, у эса тайинланганидан эътиборан уч кун ичида Қонуннинг ушбу талабини бажариши шарт. Ушбу қоидадан истисно сифатида қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш бўйича маълумотни 127-модданинг учинчи қисмига мувофиқ, тугатиш бошқарувчиси тайин-

ланган кунидан эътиборан ўн кун ичида расмий нашрга эълон қилиш учун жўнатиши лозим. Нашриётнинг ўзи етти кун ичида маълумотларни нашрдан чиқаришни амалга ошириши лозим. Модданинг шарҳланаётган қисмида тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлсада, ЯТТ банкротлик ҳолатида унга суд бошқарувчиси тайинланмаслиги туфайли, ЯТТнинг ўзи уни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор ҳақидаги хабарларни эълон қилиши лозим бўлади.

Банкротлик тўғрисидаги иш бўйича хўжалик суди томонидан чиқарилган суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш бу маълумотлар олинган пайтдан эътиборан етти кун ичида амалга оширилади, бундан ташқари улар бошқа ОАВ оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилиниши мумкин.

Умумий қоида бўйича эълон қилиш қарздорнинг пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Кредиторлар йиғилишининг (қўмитанинг) қарори билан суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларнинг нашри амалга ошириладиган манбалар кўрсатилиши мумкин. Масалан, кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) нашр этишни кредиторлардан бири ҳисобидан амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Агар қарздорда пул маблағлари бўлмаса, бундай маълумотларни эълон қилиш ҳақини тўлашни суд бошқарувчиси амалга оширади, бу маблағлар кейинчалик қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан қопланади.

Агар суд бошқарувчиси ўз ҳисобидан Қонунда кўрсатилган маълумотларни эълон қилиш учун харажат қилган бўлса, у қарздордан бу харажатларни қоплашни талаб қилиши мумкин. Қарздорда эълон қилиш харажатларини қоплашга мол-мулки бўлмаса ёки етарли бўлмаса, суд бошқарувчиси харажатларни қоплашни қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган кредитор ҳисобидан амалга оширилишини талаб қилиши мумкин.

Хўжалик суди томонидан чиқарилган суд ҳужжатлари ҳақидаги маълумотлар шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида кўрсатилган нашрлар билан бирга бошқа оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилиниши мумкин.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига суд бошқарувчисининг эълонни чоп этиш тўғрисидаги расмий нашриёт манзилига юборадиган хат намунаси келтирилган (қ а р а н г : 496-бет).

53-*модда*. Банкротлик таомиллари жараёни ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш

Банкротлик таомиллари жараёни ҳақидаги маълумотлар расмий нашрда эълон қилиниши шарт.

Мазкур модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотларни эълон қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг мол-мулки

ҳисобидан ёки кредиторлар йиғилиши ёхуд кредиторлар қўмитаси томонидан амалга оширилади. Қарздорда эълон қилиш харажатларини қоплашга етарли мол-мулк бўлмаса, харажатларни қоплаш кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Агар қарздорнинг кредиторлари сони эллик кишидан ортиқ бўлса ёки уларнинг сонини аниқлаш мумкин бўлмаса, қарздорга нисбатан қўлланиладиган ҳар бир банкротлик таомили бошланиши ҳақидаги маълумотлар ҳам расмий нашрда эълон қилиниши шарт.

Кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарори асосида эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар бошқа оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилиниши мумкин.

Банкротлик таомиллари жараёни ҳақидаги эълон қилинган маълумотларда қуйидагилар бўлиши лозим:

– қарздорнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва унинг почта манзили;

– суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик судининг номи, шу суд ҳужжати қабул қилинган сана ва жорий қилинган банкротлик таомили номи, шунингдек, банкротлик тўғрисидаги ишнинг тартиб рақами;

– тайинланган суд бошқарувчисининг фамилияси, исми, отасининг исми ва унинг почта манзили;

– банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш бўйича кейинги суд мажлисининг хўжалик суди томонидан белгиланган санаси;

– ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа ахборот.

Шарҳланаётган модда банкротлик таомили жараёни тўғрисидаги маълумотларни нашр этиш тартибини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига биноан банкротлик таомили жараёни ҳақидаги маълумотлар нашр этилиши лозим. Бу тартиб шуни англатадики, суд бошқарувчиси суд томонидан қўлланадиган банкротлик таомили доирасидаги у томонидан амалга оширилаётган юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларни эълон қилиши керак. Бундай хабарлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: қарздор мол-мулкини сотиш тўғрисидаги хабарлар, қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш, муайян банкрот таомилини қўллаш юзасидан қарор қабул қилиш кредиторлар йиғилишини ўтказиш, суд бошқарувчиси тайинланиши ва бошқалар. Мазкур нашрлар муайян банкротлик таомилни ўтказилиши бўйича режаларнинг амалга оширилиши жараёнини ўзида акс эттириши керак (*суд санацияси режаси, ташқи бошқарув режаси, тугатиш режаси*) ва бошқалар.

Нашр этиш бўйича харажатлар қарздорнинг мулки ҳисобидан қопланади. Қарздорнинг мулки ёки бошқа пул маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда, нашр билан боғлиқ харажатлар кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) қарорига асосан амалга оширилади.

Агар кредиторлар сони эллик ёки ундан кўп бўлса, шунингдек, кредиторларнинг сонини аниқлашга имкон бўлмаса, қарздорга нисбатан қўлланилаётган ҳар бир банкротлик таомили жараёни бошланиши тўғрисидаги маълумотлар нашр этилиши шарт. Мазкур модданинг учинчи қисмида эслатиб ўтилган ҳар бир таомилнинг бошланиши тўғрисидаги маълумотлар, Қонуннинг 52-моддасида белгиланган эълон қилиниши лозим деб белгиланган суд ҳужжати ҳақидаги маълумотлардан алоҳида ҳисобланмайди. Яъни, Қонуннинг 52-моддаси биринчи қисмига биноан, ҳар бир банкротлик таомили жараёнининг бошланиши ҳақидаги маълумотлар кредиторлар сонидан қатъи назар нашр этилиши лозим.

Маълумотларнинг расмий нашрларда чоп этилиши уларни бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш имконини чекламайди. Масалан, маълумот интернетда анча тезроқ ва минимал харажатлар билан жойлаштирилиши мумкин, лекин манфаатдор шахсларнинг ҳаммасида ҳам халқаро интернет тармоқларидан фойдаланишга имконият йўқ. Баъзи ҳолларда маълумотларни эълон қилишнинг энг самарали усули уларни радио ёки телевизион кўрсатув ва эшиттиришларида эълон қилиш ҳисобланади.

Банкротлик таомили жараёнининг ошкоралигини шунингдек, манфаатдор шахсларнинг тўлиқ хабардорлигини таъминлаш мақсадида Қонунда маълумотларнинг қатъи мазмунини эълон қилиш мажбурлиги белгиланган.

54-*модда*. Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарори

Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарори қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

– банкротлик аломатлари аниқланмаганда;

– хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги иш бўйича қарор қабул қилгунга қадар кредиторларнинг билдирилган талаблари қондирилганда;

– сохта банкротлик аниқланганда.

Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарори ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қабул қилиниши мумкин.

Қарздорда етарли миқдорда ликвид мол-мулк борлигидан шоҳидлик берувчи далиллар бўлган тақдирда хўжалик суди қарздорнинг илтимосномасига биноан банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни кейинга қолдиришга, қарздорга кредиторларнинг талабларини хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда қондиришни таклиф этишга ҳақли, бу муддат ўттиз кундан ошмаслиги керак.

Шарҳланаётган модда хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш асосларини белгилайди.

Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарори қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

– банкротлик аломатлари аниқланмаганда, яъни агар қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажаришни кечиктирилиши Қонуннинг 4-моддасида белгиланган муддатдан кам бўлса ва қарздорга нисбатан жами талаблар Қонунда белгиланган миқдордан кам миқдорни ташкил этган ҳолларда (*ОХС Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарори 23-банди*);

–хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш бўйича қарор қабул қилингунига қадар кредиторлар талаблари қаноатлантирилган бўлса. Кузатув давомида, яъни банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиққунга қадар иш бошланган ва кузатув жорий этилгандан вақтида ҳамма кредиторлар талабларини бир вақтда қондириш шарти билан рухсат этилади. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, барча кредиторлар талабларини қондирилиши ниҳоясига етганида хўжалик суди, мазкур моддага биноан, қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор чиқаради. Бундан ташқари, қарздор ЯТТ барча талабларни банкротлик тўғрисидаги ишни қарздор аризасига мувофиқ кечиктирилган муддатгача қаноатлантирган тақдирда ҳам, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топишни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилади;

– сохта банкротлик аниқланса, сохта банкротлик аломатлари мавжуд бўлган ҳолларда қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш қарздорнинг банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси судга унинг кредиторлар талабларини тўлиқ қондириш имконияти мавжуд бўлган ҳолда берилгани ёки қарздор аризачининг асоссиз талаблари бўйича тортишиш чораларини кўрмаганлигининг натижаси бўлади.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига кўра, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам чиқарилиши мумкин. Қонуннинг 156-моддасида мажбуриятлар қарздор шаҳарни ташкил этувчи корхона томонидан олти ой ичида бажарилмаганлиги бунга мисол бўла олади. Бу ҳолда, агар суд томонидан шаҳарни ташкил этувчи корхонани банкрот деб топиш тўғрисида нотўғри иш қўзғатилган бўлса ва ишни кўриб чиқиш жараёнида мажбуриятлар олти ойдан камроқ муддатда бажарилмаганлиги аниқланса, суд қарздорни банкрот деб топишни рад этади.

Қарздорда тугатишга доир етарли миқдорда мол-мулк борлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлган тақдирда хўжалик суди қарздорнинг илтимосномасига биноан банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни кейинга қолдиришга, қарздорга кредиторларнинг талабларини хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда қондиришни таклиф этишга ҳақли, мазкур муддат ўттиз кундан ошмаслиги керак. Бу ҳолда суд Қонуннинг 49-моддасида белгиланган муддат доирасида ишни кўриб чиқишни кечиктириш ҳақида ажрим чиқаради.

Қарздор кредиторнинг талабларини мазкур қисмга биноан банкротлик тўғрисидаги ишни кейинга қолдириш муддати давомида бир вақтда барча кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш шарти билан барча кредиторлар талабларини қаноатлантириш ниҳоясига етганида хўжалик суди қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор чиқаради.

Ушбу қўлланманинг 4-бўлимида мазкур моддага қуйидаги ҳужжат намуналари илова қилинган:

– банкротлик аломатлари аниқланмаганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарори (қ а р а н г : 667-бет);

– сохта банкротлик аломатлари аниқланганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарори (қ а р а н г : 670-бет);

– қарздорга кредитор талабларини қондириш учун муддат тақдим этилиши муносабати билан иш кўришни кейинга қолдириш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 673-бет).

55-*модда*. Қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш оқибатлари

Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинганлиги ва (ёки) кузатув жорий этилганлиги оқибати бўлган барча чекловларнинг амал қилиши тугатилиши учун асос бўлади.

Шарҳланаётган модда хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш оқибатларини белгилайди.

Қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинганлиги ва (ёки) кузатув жорий этилганлиги оқибати бўлган барча чекловларнинг амал қилиши тугатилиши учун асос бўлади. Мазкур модданинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда, бу ерда гап Қонуннинг 63, 64-моддаларида назарда тутилган кузатувни жорий этиш оқибатлари, шунингдек, суд томонидан қарздорга нисбатан қўлланилган кредиторлар талабларини қондириш бўйича ХПКнинг 77-моддаси, Қонуннинг 46-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган чоралар ҳақида кетмоқда. Шу билан бирга банкротлик тўғрисидаги ишда суд томонидан қарздорга нисбатан қўлланилган кредиторлар талабларини таъминлаш чоралари, қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилганидан эътиборан ўз кучини йўқотади, ХПК нормалари эса аксинча даъвони таъминлаш бўйича чоралар қарор қонуний кучга киргунига қадар ўз кучини сақлаб қолишини белгилайди.

56-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш асослари

Хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги иш юритишни қуйидаги ҳолларда тугатади:

– суд санацияси жараёнида қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганда;

– ташқи бошқарув жараёнида қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганда;

– келишув битими тузилганда;

– банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи барча кредиторлар билдирилган талабларидан воз кечганда;

– кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган кредиторларнинг барча талаблари ҳар қандай банкротлик таомили жараёнида қондирилганда.

Хўжалик суди қонунга мувофиқ бошқа ҳолларда ҳам банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиши мумкин.

Шарҳланаётган модда банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш асосларини белгилайди.

Қонун банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатишнинг махсус асосларини белгилаб беради. ХПКнинг 86-моддаси банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш бўйича бошқа асосларни назарда тутади, процессуал нормаларни қўллашда эса устуворлик Қонунга берилади.

Суд санацияси жараёнида *қарздорнинг тўлов қобилияти тиканилиши* ҳамда *ташқи бошқарув жараёнида қарздорнинг тўлов кобилияти тикланилиши* бир хил тушунча ҳисобланади. Яъни, 106-модданинг учинчи қисмидан келиб чиқиб, тўлов қобилияти тикланиши деганда ижроси муддатидан эътиборан уч ойдан кўп вақтга кечиктирилган барча талабларнинг қаноатлантирилиши тушунилади.

Шунинг учун суд санацияси ёки ташқи бошқарув пайтида қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши бу кредиторлар талаблари реестри (қарз тўлаш жадвали)га киритилган барча талаблар қаноатлантирилиши билан айнан бир нарса ҳисобланади.

Шарҳланаётган қисмда белгиланганидек, кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш жараёнида хўжалик суди томонидан келишув битимининг тасдиқланиши билан банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилади (*150-модданинг биринчи қисми*). Келишув битими тасдиқланганлиги ҳақида ажрим чиқарилади, унда банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилиши кўрсатилади (*145-модданинг бешинчи қисми*).

Банкротлик тўғрисидаги ишда *иштирок этувчи кредиторларнинг барча қўйилган талаблардан воз кечиши* банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш асоси сифатида белгиланиши қарздорга талаб қўйиш кредиторнинг бурчи эмас, балки ҳуқуқи бўлгани билан ифодаланади ҳамда у тегишлича истаган пайтда (ҳар қандай банкротлик таомилида) мазкур ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечиши мумкин. Ушбу вазиятда гап қарздан кечиш (ёки қарздор мажбуриятларини бошқача йўл билан бекор қилиниши) ҳақида эмас, балки айнан кредиторнинг қўйилган талаблардан воз кечиши тўғрисида бормокда. Ушбу ўринда, шуни таъкидлаш керакки, кредиторларнинг бир қисми (шу жумладан, аризачи-кредитор) томонидан қўйилган талабларнинг воз кечилиши банкротлик тўғрисидаги иш юритишга таъсир

қилмайди, Қонун кредиторлар талаблари реестрига киритилган талабларидан барча кредиторлар воз кечишгандагина иш юритишни тугатиш имкониятини назарда тутади.

Банкротликни ҳар қандай таомилида кредиторлар талаблари реестрига киритилган *кредиторларнинг барча талабларини қаноатлантирилиши* ҳам Қонунда кўрсатилган банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш асосларидан бири сифатида белгиланган. Шуни таъкидлаш жоизки, гарчи ушбу хатбошида банкротлик таомили пайтида кредиторлар талаблари реестрига киритилган кредиторларнинг барча талаблари қондирилганда банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилиши белгиланган бўлсада, мазкур қоида тугатишга доир иш юритиш пайтидагина амал қилади, чунки суд санацияси натижасида кредиторлар талаблари реестрига киритилган кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилганда банкротлик тўғрисидаги иш юритиш шарҳланаётган модданинг биринчи қисми иккинчи хатбошисига мувофиқ, ташқи бошқарув ҳолатида эса модданинг биринчи қисми учинчи хатбошисига мувофиқ тугатилади. Кузатув мобайнида барча кредиторларнинг талаблари бир вақтда қаноатлантириш шарти билан қарздорга кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга йўл қўйилади ва бундай қаноатлантиришнинг тугаши билан хўжалик суди иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримга эмас, балки 54-модданинг биринчи қисми бўйича қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилишга эътибор бериши керак.

Тугатишга доир иш юритиш пайтида кредиторлар талаблари реестрига киритилган барча талаблар қаноатлантирилганда хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим фақат қарздор хўжалик фаолиятини давом эттириш имконияти бўлгандагина қабул қилинади.

Хўжалик суди томонидан Қонунга мувофиқ бошқа ҳолатларда банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилиши мумкин.

Хусусан, кредиторлар судгача санация қилишга рози бўлган тақдирда, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тугатилади (*Қонуннинг 61-моддаси учинчи қисми*).

Шуни таъкидлаш жоизки, қарздор ЯТТ банкротлигида қарзларни узиш режасини бажарганлиги натижасида кредиторларнинг талаблари тўла ҳажмда қаноатлантирилган бўлса, банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилади (*176-модданинг бешинчи қисми*), қарздор барча қарзларни ўзининг аризасига кўра иш кўриб чиқилиши кечиктирилган муддатда тўласа (179-модда), хўжалик суди 54-модданинг биринчи қисмига мувофиқ, қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ушбу қўлланманинг 4-бўлимида мазкур моддага қуйидаги ҳужжат намуналари илова қилинган:

– барча кредиторлар аризада кўрсатилган талабларидан воз кечганликлари муносабати билан банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 675-бет);

– кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган кредиторларнинг барча талаблари тугатишга доир иш юритиш жараёнида қондирилганлиги муносабати билан банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 678-бет).

57-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш

Банкротлик тўғрисидаги иш юритиш Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган асослар бўйича тўхтатиб турилиши мумкин.

Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш хўжалик суди томонидан суд бошқарувчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган ариза ва шикоятларни, шунингдек, кредиторларнинг талаблари миқдори, таркиби ва уларни қондириш навбатига доир келишмовчиликларни кўриб чиқишга монелик қилмайди.

Банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тўхтатиб турилган тақдирда хўжалик суди ушбу Қонуннинг 50-моддасида назарда тутилган суд ҳужжатларини қабул қилишга ҳақли эмас.

Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш хўжалик суди томонидан ушбу Қонунда назарда тутилган ажримларни чиқариш учун, шунингдек, суд бошқарувчиси ва банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ушбу Қонунда назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириши учун монелик қилмайди.

Шарҳланаётган модда банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш тартибини белгилайди.

Қонун банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туришга нисбатан иш юритишни тугатиш асосларидан фарқли бўлган, алоҳида, махсус, фақат банкротлик институти учун хос бўлган асосларни белгиламайди. Суд банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги ажримни қабул қилишда ХПКнинг 82–83 моддаларини қўллайди.

Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш хўжалик суди томонидан суд бошқарувчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) билан боғлиқ ариза ва шикоятлар, шунингдек, Қонуннинг 59-моддасида кўрсатилган кредиторлар талабини қаноатлантириш миқдори, таркиби ва навбати билан боғлиқ келишмовчиликларни кўриб чиқишига тўсқинлик қилмайди.

Қонун чиқарувчи кўрсатиб ўтганидек, банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тўхтатиб турилганда суд Қонуннинг 50-моддасида қайд этилган рўйхатдаги суд ҳужжатларини қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тўхтатиб турилганда хўжалик суди томонидан мазкур Қонунда назарда тутилган ажримларни чиқариш учун монелик қилмайди. Қонуннинг 50-моддасида санаб ўтилган ажримлар бундан мустасно. Шунингдек, банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш суд бошқарувчиси томонидан ўз бурчларини ижро этишни тугатиш дегани эмас, чунки

шарҳланаётган нормага асосан, бу (банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатилиши) суд бошқарувчиси ва банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг қонунда кўрсатилган ҳаракатларни бажаришга тўсқинлик бўлмаслиги лозим.

58-*модда*. Суд харажатларини ва суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш харажатларини тақсимлаш

Суд харажатлари, шу жумладан тўлов кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб тўланадиган давлат божи бўйича харажатлар, маълумотларни ушбу Қонуннинг 52 ва 53-моддаларида назарда тутилган тартибда расмий нашрда эълон қилиш харажатлари, шунингдек суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш харажатлари қарздорнинг мол-мулкига тегишли бўлиб, ана шу мол-мулк ҳисобидан навбатдан ташқари қопланади.

Келишув битимида ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган харажатларни тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилиши мумкин.

Хўжалик суди қарздорнинг банкротлиги аломатлари йўқлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган харажатлар хўжалик судига кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси билан мурожаат этган кредиторларга тегишли бўлади ва кредиторлар ўртасида уларнинг талабларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Суд харажатларини ва суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш харажатларини тақсимлаш тартиби хўжалик судининг банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган қарорида ёки ажримида белгиланади.

Шарҳланаётган модда суд харажатларини ва суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш харажатларини тақсимлаш тартибини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида қайд этилганидек, тўлов кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб тўланадиган давлат божи бўйича харажатлар (*ХПКнинг 91-моддасининг тўртинчи қисми*), қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги маълумотларни ва бошқа чоп этилиши шарт бўлган маълумотларни нашриётларда чоп этиш билан боғлиқ харажатлар, суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш харажатлари қарздор мол-мулки ҳисобидан навбатдан ташқари қопланади. Улар навбатдан ташқари қопланиши мумкин, чунки бу харажатлар бўйича талаблар хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилингандан кейин вужудга келади ёки уларни ижро этиш муддати тегишли банкротлик таомилининг жорий этилиши билан бошланади. Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани хўжалик судига тақдим этиш жараёнида тўланадиган давлат божига келганда, таъкидлаш жоизки, у одатда хўжалик суди аризани қабул қилишидан олдин вужудга келади ва ижро этиш муддати ҳам суд аризани қабул қилгунига қадар бошланади.

Шундай бўлса ҳам, айрим ҳолларда аризачи аризасига кўра унинг мулкий аҳволидан келиб чиқиб, хўжалик суди давлат божини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун рухсат беришга ҳақли бўлади (*ХПКнинг 91-моддаси тўртинчи қисми*). Бундай ҳолда давлат божи жорий тўловларга киритилиши ва кредитор у бўйича қаноатлантиришни навбатдан ташқари олиши мумкин. Бундан ташқари, гарчи ушбу қисмда тўғридан-тўғри кўрсатма бўлмасада, бошқарувчи томонидан унинг фаолиятини амалга ошириш учун жалб этилган шахслар хизмати учун тўлов билан боғлиқ харажатлар мазкур қисмда назарда тутилган суд харажатларига киритилиши ҳамда навбатдан ташқари қаноатлантирилиши мумкин деб тушуниш лозим.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган суд харажатларини тақсимлаш тартибидан фарқли ўлароқ, келишув битимида суд харажатларини тақсимлашнинг бошқача тартиби белгиланиши мумкин.

Суд қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилган ҳолда, суд харажатлари қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилган кредитор зиммасига юкланади. Ариза прокурор, солиқ органи, бошқа ваколатли орган, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан берилган ҳоллар бундан мустасно.

Суд Қонуннинг 50-моддасида назарда тутилган суд ҳужжатларини қабул қилганида суд харажатлари ва суд бошқарувчисига тўланадиган ҳақни тақсимлаш тартибини кўрсатиб бериши шарт, яъни суд ҳужжатида ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатлар (давлат божи, маълумотларни расмий нашрларда чоп этиш харажатлари), шунингдек, суд бошқарувчисига тўланадиган ҳақ кимга ва қандай миқдорда юклатилиши кўрсатилади.

59-*модда*. Аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш

Кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув ёки тугатишга доир иш юритиш жараёнида суд бошқарувчиси ушбу Қонунга мувофиқ берган аризалар, шу жумладан ўзи билан кредиторлар ўртасида, ўзи билан қарздор ўртасида келиб чиққан келишмовчиликлар тўғрисида берган аризалар, шунингдек, кредиторларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлиги хусусидаги шикоятлари бу ариза ва шикоятлар олинган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддатдан кечиктирмай хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади. Суд бошқарувчисининг аризасига, кредиторнинг шикоятига мазкур аризани ёки шикоятни кўриб чиқишда иштирок этаётган бошқа шахсларга уларнинг нусхалари юборилганлигига оид далиллар илова қилинмоғи лозим. Мазкур аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан хўжалик суди ажрим чиқаради. Бу ажрим устидан қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

(59-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–300-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 40-сон, 411-модда)

Қуйидагилар:

– меҳнат шартномаси асосида ишловчи шахсларга меҳнат ҳақи тўлаш ва ишдан бўшатиш нафақаси тўлаш бўйича талабларнинг миқдори ва таркиби хусусида суд бошқарувчиси ва қарздор ходимларининг вакили ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар;

– кредиторлар, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакиллари томонидан уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузаётган суд бошқарувчиси ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган шикоятлар ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Хўжалик судининг ажрими устидан шикоят бериш (протест келтириш) ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан берилган, шунингдек, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган тартибни бузган ҳолда ёки тегишли ариза ёхуд шикоятни тасдиқловчи далиллар илова қилинмасдан берилган ариза ва шикоятлар қайтарилиши керак.

Шарҳланаётган моддада суд ҳал қиладиган мазкур модда доирасида банкротлик таомили жараёнида юз берган масалалар рўйхати ва бу масалани ҳал қилиш бўйича судга ариза ва шикоят билан мурожаат қилиш мумкин бўлган шахслар доирасини белгилайди.

Қонун назарда тутганидек, хўжалик суди Қонуннинг 59-моддаси доирасида қуйидагиларни кўриб чиқади:

– суд бошқарувчиси аризаси, шунингдек, улар билан кредитор ўртасида, улар билан қарздор ўртасидаги келишмовчиликларни;

– кредиторлар томонидан уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузаётган кузатув, суд санцияси, ташқи бошқарув ёки тугатишга доир иш юритиш жараёнида берилган шикоятлар;

– меҳнат шартномаси асосида ишловчи шахсларга меҳнат ҳақи тўлаш ва ишдан бўшатиш нафақаси тўлаш бўйича талабларнинг миқдори, таркиби ва навбати хусусида суд бошқарувчиси ва қарздор ходимларининг вакили ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликларни;

– кредиторлар, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакиллари томонидан уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузаётган суд бошқарувчиси ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган шикоятларни.

Мазкур масалалар рўйхати тугал бўлиб, Қонуннинг бошқа моддаларида кўриш тартиби белгиланган банкротлик тўғрисидаги иш доирасида юз берган бошқа масалалар шарҳланаётган моддада белгиланган тартибда кўрилиши мумкин эмас. Масалан, суд бошқарувчисининг уни ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги аризаси, суд санацияси муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза(ташқи бошқарув, тугатишга доир иш юритиш),суд бошқарувчиси қарздор битимини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза, мулкдорнинг қарздорга бошқа шахснинг ноқонуний эгалигидан мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси ва б.

Қонун судга Қонуннинг 59-моддаси доирасида мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасига қуйидагиларни киритади:

– суд бошқарувчиси;

– қарздор;

– кредиторлар;

– ходимлар вакили;

– муассислар вакили (иштирокчилар);

– қарздор мол-мулки эгаси.

Юқоридагидан келиб чиқиб, қарздор ходимлари меҳнат ҳақи тўлаш ва ишдан бўшатиш нафақаси тўлаш бўйича талабларнинг миқдори ва таркиби хусусида суд бошқарувчиси ва қарздор ходимларининг ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар бўйича судга ўзлари алоҳида, муассислар эса (агар муассислар сони 2 ва ундан ортиқ бўлган) қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини бузувчи суд бошқарувчиларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) га нисбатан шикоятлар билан алоҳида мурожаат этиш ҳуқуқига эга эмас

Кредиторлар, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакиллари томонидан уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузаётган суд бошқарувчиси ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган шикоят қилганда, суд бошқарувчиси судга эътироз билдириши мумкин.

Тегишлича мазкур шахслар суд бошқарувчисининг мазкур модда доирасида берилган аризасига эътироз тақдим қилишга ҳақли.

Суд бошқаручиси аризаси ва қарздор ходимлари вакиллари, қарздор муассислари(иштирокчилари), қарздор мол-мулки мулкдори вакиллари шикоятига ушбу аризани ёки шикоятини кўриб чиқишда уларнинг нусхалари иштирок этувчи бошқа шахсларга жўнатилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилиниши лозим. Ушбу талабга амал қилмаслик аризани(шикоят) қайтаришга асос бўлади, бу ҳақда хўжалик суди ажрим чиқаради.

Шунингдек, қуйидаги ариза ва шикоятлар ҳам қайтарилади:

– ушбу моддада келтирилмаган шахслар томонидан берилганда;

– тегишли ариза ёки шикоятни тасдиқловчи далилларни тақдим қилмасдан берилганда.

Аризани(шикоятни) қайтариш тўғрисидаги ажрим шикоят қилинмайди.

Мазкур моддага мувофиқ берилган ариза ва шикоятлар хўжалик суди мажлисида келиб тушган кундан ўн беш кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади ва уларнинг натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Аризани(шикоят) кўриб чиқиш натижасида чиқарилган ажримни Қонуннинг 60-моддасида назарда тутилган тартибда ўн кунлик муддатда шикоят қилиниши мумкин.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– суд бошқарувчисининг ўзи билан қарздор ўртасида келиб чиққан келишмовчиликлар тўғрисидаги аризаси (қ а р а н г : 372-бет);

– кредиторнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги шикояти (қ а р а н г : 374-бет);

– меҳнат шартномаси асосида ишловчи шахсларга меҳнат ҳақи тўлаш ва ишдан бўшатиш нафақаси тўлаш бўйича талабларнинг миқдори ва таркиби хусусида суд бошқарувчиси ва қарздор ходимларининг вакили... (қ а р а н г : 376-бет).

– қарздор муассислари ёки қарздор мол-мулки эгаси вакилларининг уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузаётган суд бошқарувчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берган шикояти (қ а р а н г : 377-бет).

– аризани (шикоятни) кўриб чиқишда иштирок этувчи шахсларга жўнатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаганлиги сабабли аризани (шикоятни) қайтариш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 682-бет);

– қонуннинг 59-моддасида назарда тутилмаган шахслар томонидан берилган ариза (шикоят)ни қайтариш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 684-бет);

– аризани ёки шикоятни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинмаганлиги сабабли аризани (шикоятни) қайтариш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 686-бет);

– ариза (шикоят)ни қаноатлантириш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 687-бет);

– ариза (шикоят)ни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 690-бет).

60-*модда*. Банкротлик тўғрисидаги ишда келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди чиқарган ажримларни қайта кўриш юзасидан иш юритиш

Банкротлик тўғрисидаги ишда аризалар, шикоятлар (илтимосномалар) ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди чиқарган ажрим Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида белгиланган тартибда ушбу моддада назарда тутилган ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда қайта кўрилиши лозим.

Банкротлик тўғрисидаги ишда келишмовчиликларни кўриб чиқиш юзасидан хўжалик судининг ажримлари чиқарилган пайтдан эътиборан ўн кун ўтгандан кейин қонуний кучга киради.

Банкротлик тўғрисидаги ишда келишмовчиликларни кўриб чиқишда иштирок этган шахслар апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга.

Хўжалик судининг ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ажримига апелляция шикояти келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан хўжалик суди ажрим чиқарган пайтдан эътиборан ўн кун ичида берилади ва у хўжалик судига келиб тушган пайтдан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқилиши лозим.

Банкротлик тўғрисидаги ишда келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан хўжалик судининг апелляция инстанцияси чиқарган ажримлар кассация ва назорат тартибида қайта кўриб чиқилмайди.

Шарҳланаётган модда келишмовчиликлар(аризалар ва шикоят)ларни кў-

риб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди томонидан қабул қилинган ажримларни қайта кўришнинг хусусиятларини белгилаб беради.

Шарҳланаётган моддага кўра, банкротлик тўғрисидаги ишдаги аризалар, шикоятлар (илтимосномалар) ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган суд ажримлари ХПК томонидан белгиланган тартибда, мазкур моддада назарда тутилган хусусиятларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Бундай алоҳида хусусиятлар бўлиб:

– банкротлик тўғрисидаги ишдаги келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган ажримлар уларнинг чиқарилганидан сўнг ўн кун ичида кучга киради;

– банкротлик тўғрисидаги ишдаги келишмовчиликларни кўриб чиқиш иштирок этувчи шахслар аппеляция шикояти бериш ҳуқуқига эга;

– банкротлик тўғрисидаги ишдаги келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилиган ажримлар уларнинг чиқарилганидан сўнг ўн кун ичида кучга киради;

– банкротлик тўғрисидаги ишдаги келишмовчиликларни кўриш натижалари бўйича хўжалик судининг ажрими қабул қилингандан сўнг ўн кун ичида аппеляция шикояти берилади;

– аппеляция шикояти хўжалик судига тушган кундан эътиборан ўн кун давомида кўриб чиқилади;

– банкротлик тўғрисидаги ишдаги келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича аппеляция инстанцияси қарор эмас ажрим чиқаради;

– банкротлик тўғрисидаги ишдаги келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди апелляция инстанцияси томондан қабул қилинган ажримлар кассация ва назорат тартибида қайта кўрилмайди;

Ушбу қўлланмада мазкур моддага қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– суд бошқарувчисининг ўзи билан кредиторлар ўртасида келиб чиққан келишмовчиликлар тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган суд ажрими устидан кредиторнинг апелляция шикояти (қ а р а н г : 378-бет)

– апелляция шикоятини қаноатлантириш тўғрисидаги апелляция инстанцияси судининг ажрими (қ а р а н г : 692-бет);

– апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги апелляция инстанцияси судининг ажрими (қ а р а н г : 695-бет).

61-*модда*. Устав фондида давлат улуши бўлган корхонанинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари

Агар корхонанинг устав фондида давлат улуши бўлса, хўжалик суди банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ҳақида банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органини хабардор қилади.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ҳақидаги хабарни олган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида хўжалик судига судгача санация қилиш мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги хусусидаги ўз қарорини маълум қилади.

Кредиторлар судгача санация қилишга рози бўлган тақдирда банкротлик тўғрисидаги иш тугатилади.

Кредиторлар судгача санация қилишга рози бўлмаган тақдирда банкротлик тўғрисидаги иш муҳокамаси ушбу Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Шарҳланаётган модда устав фондида давлат улуши бор бўлган қарздорни банкротлиги тўғрисидаги иш юритишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Корхона устав фондида давлат улуши бўлса, хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органини банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганлиги тўғрисида хабардор қилиши шарт. ХПК 153-моддасига кўра, иш қўзғатилиши ҳақидаги суд ажрими беш кун мобайнида томонларга ва давлат органига бир пайтда юборилиши керак.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганлиги ҳақидаги хабарни олган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида хўжалик судига судгача санация қилиш мақсадга мувофиқлиги ёки эмаслиги хусусидаги ўз қарорини маълум қилади. Шу билан бирга банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг судгача санация қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарори банкротлик тўғрисидаги иш юритишни ўз-ўзидан тугатилишини англатмайди.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг судгача санация қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарори муваққат бошқарувчи томонидан чақириладиган кредиторлар йиғилишида кўрилиши лозим. Биринчи кредиторлар йиғилиши судгача санация қилишга розилик берса, банкротлик тўғрисидаги иш хўжалик суди томонидан тугатилади.

Кредиторлар йиғилиши судгача санация қилишга розилик бермаган ҳолларда, банкротлик тўғрисидаги иш суд томонидан Қонунда белгиланган умумий тартибда муҳокама этилади.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг қарздорга нисбатан судгача санация қилиш (қ а р а н г : 380-бет).

– суд санациясини амалга оширишга кредиторларнинг розилиги олинганлиги муносабати билан банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 698-бет).

IV БОБ. КУЗАТУВ

62-*модда*. Кузатувни жорий этиш

Кузатув банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганда хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилган санадан эътиборан жорий этилади, ушбу Қонунга мувофиқ банкротликнинг бошқа таомили қўлланилиши лозим бўлган ҳоллар бундан мустасно. Банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган тақдирда хўжалик судининг аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримида кузатув жорий этилганлиги кўрсатилади.

Мазкур моддада қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани суд томонидан иш юритишга қабул қилиниши билан бир вақтда кузатув банкротлик таомилини мажбурий жорий этиш тушунчаси берилади.

Шарҳланаётган модда, кузатув хўжалик суди банкротлик таомилини бошлаш тўғрисидаги аризани қабул қилиши билан жорий этилишини белгилаб беради.

Кузатувни жорий этиш масаласи алоҳида процессуал ҳужжат – ажрим ёки қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш тўғрисида ва ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда кўрсатилиши мумкин.

Муваққат бошқарувчини тайинлаш ҳақидаги ажрим у ёки бу ҳолат сабабли масалан, муваққат бошқарувчи ўрнига номзод йўқлиги сабабли аризани иш юритишга қабул қилганлиги тўғрисидаги ажрим билан бир вақтда қабул қилинишининг иложи бўлмаган ҳолда, судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай муваққат бошқарувчини тайинлаш ҳақида алоҳида ажрим чиқариши мумкин (*Қонуннинг 48-моддаси иккинчи қисми*).

Кузатув қарздор – ЯТТга нисбатан Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ ва юридик шахсларга нисбатан соддалаштирилган банкротлик таомиллари қўлланилганда (*Қонуннинг 186-моддаси иккинчи қисми, 189-моддаси иккинчи қисми*) амалга оширилмайди.

Кузатув муддати Қонуннинг 49-моддасида назарда тутилган банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддатлари билан аниқланади, яъни ушбу таомилнинг муддати икки ойдан кўп бўлмаган муддатни ташкил этади. Агарда ишни кўриб чиқиш муддати Қонуннинг 49-моддасига кўра узайтирилган бўлса, тегишлича кузатув муддати ҳам узайтирилади

Ушбу қўлланманинг 4-бўлимида мазкур модда шарҳига муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги суд ажрими намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 701-бет).

63-*модда*. Кузатувни жорий этиш оқибатлари

Кузатув жорий этилган пайтдан эътиборан:

мулкий ундирувлар бўйича ижро ҳужжатларини ижро этиш тўхтатиб турилади, иш ҳақи бўйича, муаллифлик шартномалари бўйича ҳақларни, алиментларни тўлаш бўйича қарздорликни ундириш ҳақидаги, шунингдек, ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш ҳақидаги, хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги ариза иш юритишга қабул қилинган пайтга қадар қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари асосида берилган ижро ҳужжатларини ижро этиш бундан мустасно. Хўжалик судининг аризани иш юритишга қабул қилиш ва банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ажрими ижро ҳужжатларини ижро этишни тўхтатиб туриш учун асос бўлади;

– қарздор юридик шахс муассисларининг (иштирокчиларининг) унинг таркибидан муассислари (иштирокчилари) чиқиб кетиши муносабати билан қарздорнинг мол-мулкидан улушни (пайни) ажратиш ҳақидаги талабларини қондириш тақиқланади;

– эмиссия қимматли қоғозлари бўйича дивидендлар ва бошқа тўловларни тўлаш тақиқланади;

– муқобил бир хилдаги талабни ҳисобга олиш йўли билан қарздорнинг пул мажбуриятларини тугатишга, башарти бунда ушбу Қонуннинг 134 ва 169-моддаларида назарда тутилган кредиторларнинг талабларини қондириш навбати бузилса, йўл қўйилмайди.

Қарздордан пул маблағларини олиш тўғрисидаги талаблар қарздорга талаблар қўйишнинг фақат ушбу Қонунда белгиланган тартибига риоя этилган ҳолда қўйилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда қарздорга нисбатан кузатув таомилини жорий этишнинг ҳуқуқий оқибатларини белгилайди. Бу оқибатлар хўжалик суди томонидан кузатувни жорий этиш тўғрисидаги ажрим чиқарилиши билан вужудга келади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида қарздорга нисбатан кузатув таомили жорий этилиши муносабати билан юз берадиган оқибатлар рўйхати келтирилган.

Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш тўғрисидаги ажрим қабул қилинган муддатдан бошлаб мулкий талаблар бўйича ижро ҳужжатларининг бажарилиши тўхтатилади, шарҳланаётган модданинг биринчи қисми иккинчи бандида санаб ўтилган ижро ҳужжатлари бундан мустасно.

Хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиши натижасида қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинса, тўхтатилган ижро ҳужжатларининг бажарилиши қайта бошланади.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми қарздордан пул маблағларини олиш бўйича талаблар фақат қарздорга нисбатан талаблар қўйиш бўйича Қонунда кўрсатилган тартибга асосан амалга оширилиши мумкинлигини белгилайди. Қонуннинг мазкур қоидаси қарздорнинг пул мажбуриятларига ҳам, шунингдек, мажбурий тўловларга ҳам тегишли ҳисобланади. Агарда талабни ижро этиш муддати кузатув таомилини жорий этиш санасидан олдин бошланган бўлса, у фақат Қонуннинг 70-моддасида белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда қўйилиши мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур қоида Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ фақат пул талаблари ва мажбурий тўловларга тегишли бўлади.

Ушбу ўринда шуни назарда тутиш керакки, талаблари гаров билан таъминланган кредиторлар ҳам, ижро варақаларига эга барча қолган кредиторлар ҳам (мазкур модданинг биринчи қисмида белгиланган шахслар бундан истисно) ўз талабларини Қонуннинг 70-моддасида назарда тутилган тартибда билдиришлари шарт.

Кузатув жорий этилганда кредиторлар қарздорга ўз талабларини қондириш мақсадида якка тартибда мурожаат этишга ҳақли бўлмайдилар. Кредиторлардан хўжалик судига даъво аризаси келиб тушган бўлса, ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ даъво аризасини қабул қилиш рад этилади, даъво тартибида кўрилаётганда жавобгарга нисбатан банкротлик иши кўзғатилганда, ХПК 86-моддасининг биринчи бандига асосан хўжалик низоси бўйича иш юритиш тугатилади. Бу ҳақда ОХС Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 6-бандида қайд этилган.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига муваққат бошқарувчининг эмиссия қимматли қоғозлари бўйича дивидендлар тўлашнинг тақиқланиши тўғрисидаги хати намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 497-бет).

64-*модда.* Кузатув жараёнида қарздор ваколатларининг чекланиши

Кузатувнинг жорий этилиши қарздорнинг раҳбарини ҳамда қарздорнинг ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида белгиланган чекловлар билан ўз ваколатларини амалга оширишни давом эттираётган бошқа бошқарув органларини четлаштириш учун асос ҳисобланмайди.

Қарздорнинг бошқарув органлари:

– кўчмас мол-мулкни ижарага, гаровга бериш билан ёки шу мол-мулкни бошқа усулда тасарруф этиш билан боғлиқ битимларни;

– қарздорнинг баланс қиймати қарздор активлари баланс қийматининг ўн фоизидан кўпроғини ташкил этадиган мол-мулкини тасарруф этиш билан боғлиқ битимларни;

– заёмлар (кредитлар) олиш ва бериш, кафолат хатлари ва кафолатлар бериш, талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзга шахс фойдасига воз кечиш,

қарзни бошқа шахсга ўтказиш, шунингдек, қарздорнинг мол-мулкини ишончли бошқариш шартномасини тузиш билан боғлиқ битимларни фақат муваққат бошқарувчининг ёзма розилигига биноан тузишлари мумкин.

Қарздорнинг бошқарув органлари қуйидаги қарорларни қабул қилишга ҳақли эмас:

Қарздорни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ва тугатиш тўғрисидаги қарор;

– юридик шахсларни тузиш ҳақидаги ёки бошқа юридик шахсларнинг иштироки тўғрисидаги қарор;

– ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш тўғрисидаги қарор;

– дивидендлар тўлаш ёки қарздорнинг даромадини (фойдасини) унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги қарор;

– қарздор томонидан облигациялар ва бошқа эмиссия қоғозларини жойлаштириш тўғрисидаги қарор, акциялар чиқариш ҳақидаги қарор бундан мустасно;

– илгари чиқарилган акцияларни акциядорлардан сотиб олиш тўғрисидаги қарор.

Шарҳланаётган модда кузатув доирасида қарздор учун чекловлар ва улар билан боғлиқ мажбуриятларни белгилайди.

Ушбу модда бошқарув органи ва қарздорнинг раҳбари учун чекловнинг икки тоифасини ажратади:

– фақат муваққат бошқарувчининг розилиги билан бошқарув органи ёки қарздорнинг раҳбари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳаракатлар (шарҳланаётган модда иккинчи қисм);

– қонун билан белгиланган тақиқлар туфайли бошқарув органи ёки қарздорнинг раҳбари амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳаракатлар (шарҳланаётган модда учинчи қисм).

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида муваққат бошқарувчининг розилиги олиниши лозим бўлган битимлар санаб ўтилади. Шу ўринда мазкур модда императив талабни, яъни мазкур розилик ёзма шаклда берилиши кераклигини белгилайди. Муваққат бошқарувчи қарздор томонидан қарорлар қабул қилишга ёзма равишда розилик ёки рад жавоби беради (*Суд бошқарувчилари тўғрисида Низомнинг 6-банди Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 мартдаги 138-сонли қарорига №1 илова*). Бундай розиликнинг мавжуд бўлмаслиги битимнинг суд томонидан битим тузиш учун ваколатининг чекланганлиги асосида ҳақиқий эмас деб топилишига асос бўлади (ФКнинг 126-моддаси). Шундай қилиб, ҳуқуқ лаёқати чекланган юридик шахснинг ҳуқуқлари муваққат бошқарувчининг ҳаракатлари билан тўлдирилади деб хулоса қилиш мумкин. Кўрсатилган битимлар юзасидан низолашиш ҳуқуқига муваққат бошқарувчи (*66-модданинг биринчи қисми иккинчи хатбошиси*) ва шунингдек, қарздорнинг ўзи ҳам эга бўлади.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида кузатув таомили вақтида қарздорнинг бошқарув органлари қабул қилишга ҳақли бўлмаган қарорлар санаб ўтилади.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига муваққат бошқарувчининг кўчмас мулкни ижарага бериш билан боғлиқ битимнинг амалга оширилишига ёзма розилик хати намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 498-бет).

65-*модда*. Муваққат бошқарувчини тайинлаш

Муваққат бошқарувчи кредиторлар ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи таклиф этган номзодлар орасидан хўжалик суди томонидан тайинланади.

Хўжалик судининг муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажримида унга тўланадиган ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби кўрсатилган бўлиши керак.

Муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақ миқдори кредиторлар йиғилишининг қарори асосида хўжалик суди томонидан ўзгартирилиши мумкин.

Муваққат бошқарувчи ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли.

Муваққат бошқарувчининг ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилган тақдирда, хўжалик суди кредиторлар таклиф этган номзодлар орасидан янги муваққат бошқарувчини тайинлайди. Муваққат бошқарувчининг номзоди кўрсатилмаган бўлса, хўжалик суди муваққат бошқарувчини банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи таклиф этган номзодлар орасидан тайинлайди. Муваққат бошқарувчи янги номзод тайинлангунга қадар ўз вазифасини бажаришни давом эттиради.

Шарҳланаётган модда кузатув таомили жараёнида қарздорнинг раҳбари ва бошқарув органининг фаолияти устидан назоратни ҳамда қонунчилик талабларига мувофиқ бошқа вазифаларни амалга оширадиган муваққат бошқарувчисини тайинлаш ва вазифасидан озод этиш тартиби, унга тўланадиган ҳақ миқдори ва тартибини белгилайди.

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилинганда, аризачи (кредитор) унда муваққат бошқарувчининг номзодини кўрсатади. Аризада муваққат бошқарувчининг номзоди кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда хўжалик суди аризачидан ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органидан тегишли номзодни тақдим этишни талаб қилади (*ОХС Пленумининг 27.01.2006 йилги 142-сонли қарори 8-банди*).

Муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради ва ажримда унга тўланадиган ҳақ миқдори ва уни тўлаш тарти-

би кўрсатилади. Мазкур норма Қонуннинг 22-моддаси биринчи қисмидаги қоидалардан истисно бўлган ягона норма ҳисобланиб, суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш ва унинг тартиби кредиторлар йиғилиши қарори билан белгиланади ва хўжалик суди томонидан тасдиқланади. Бу эса ўз навбатида, кузатув таомилининг бошланишида Қонун билан бу хилдаги қарорлар қабул қилишга ваколатли бўлган кредиторларнинг жамоа органи мавжуд бўлмаслиги билан изоҳланади.

Ушбу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, мазкур қисмга мувофиқ, хўжалик суди томонидан белгиланган муваққат бошқарувчига тўланадиган дастлабки ҳақнинг миқдори шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига кўра кредиторлар йиғилишининг қарорига асосан хўжалик суди томонидан ўзгариши мумкин.

Муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақ миқдори кредиторлар йиғилишнинг қарори асосида хўжалик суди томонидан ўзгартирилиши мумкин. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ, кузатув жараёнида хўжалик суди муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақнинг вақтинчалик ҳисобланган миқдорини белгилайди. Шарҳланаётган қисмнинг нормаси хўжалик суди томонидан белгиланган муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақнинг дастлабки миқдори кредиторлар йиғилишининг қарори асосида қарздорнинг молиявий ҳолати ва муваққат бошқарувчи бажарадиган иш кўламига номутаносиб ўрнатилган деб топган ҳолда тўланадиган ҳақ қайта кўриб чиқилиши мумкинлигини белгилайди. Бу шунингдек, суд бошқарувчилари тўғрисидаги Низомнинг 59-бандида ҳам назарда тутилади (*ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 23.03.2004 йилдаги 138-сонли қарорига №1 илова*).

Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми муваққат бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқини белгилайди. Лекин шуни ҳам назарда тутиш керакки, кредиторлар йиғилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи Қонунда назарда тутилган ҳолатларда муваққат бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқини белгилайди (*Қонуннинг 18 ва 21-моддалари шарҳига қаранг*).

Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми муваққат бошқарувчи вазифасидан озод этилган тақдирда янги муваққат бошқарувчини тайинлаш тартибини белгилайди. Унга кўра кредиторлар янги муваққат бошқарувчи номзодини тавсия этадилар, агар тавсия этмасалар, бундай ҳуқуқ банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига берилади.

Муваққат бошқарувчини тайинлаш, ўз вазифасини бажаришдан озод этиш ва алмаштириш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят бериш (протест келтириш) мумкин эмас, зеро Қонунда ҳам ва ХПКда ҳам бу назарда тутилмаган. Шунингдек, ОХС Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 21-банди бешинчи қисмига эътибор берадиган бўлсак, санация қилувчи,

ташқи ва тугатиш бошқарувчисини тайинлаш (озод қилиш, алмаштириш) тўғрисидаги ажримлар устидан шикоят қилинади (протест келтирилади). Лекин унда муваққат бошқарувчини тайинлаш (озод қилиш, алмаштириш) тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш кўрсатилмаган. Хўжалик суди томонидан озод қилинган муваққат бошқарувчи ўз мажбуриятларини то янги муваққат бошқарувчи тайинлангунга қадар давом эттиради.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– муваққат бошқарувчининг ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги аризаси (қ а р а н г : 382-бет);

– муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 701-бет).

– суднинг муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақ миқдорини ўзгартириш ҳақидаги ажрими (қ а р а н г : 703-бет);

– муваққат бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 705-бет).

66-*модда*. Муваққат бошқарувчининг ҳуқуқлари

Муваққат бошқарувчи қуйидагиларга ҳақли:

– битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида, шунингдек, қарздор томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар бузилган ҳолда тузилган ёки ижро этилган ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларининг қўлланилиши ҳақида хўжалик судига ўз номидан талаблар қўйиш;

– ушбу Қонуннинг 63-моддасида назарда тутилган ҳолларда кузатув даврида кредиторларнинг талабларини бажаришга эътироз билдириш;

– кредиторларнинг талаблари бўйича қарздорнинг тақдим этилган эътирозлари асослилиги судья томонидан текширилишида иштирок этиш;

– қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш ҳақидаги, шу жумладан муваққат бошқарувчининг розилигисиз ушбу Қонуннинг 64-моддасида назарда тутилмаган битимлар тузишни тақиқлаш ҳақидаги, мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсларга бериш ҳақидаги, шунингдек, бундай чораларни бекор қилиш ҳақидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш;

– қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш;

– қарздорнинг фаолиятига тааллуқли ҳар қандай ахборот ва ҳужжатларни олиш.

Муваққат бошқарувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Қарздорнинг бошқарув органлари муваққат бошқарувчининг талабига биноан унга қарздорнинг фаолиятига тааллуқли ҳар қандай ахборотни тақдим этиши шарт.

Шарҳланаётган модда муваққат бошқарувчининг ҳуқуқларини белгилаб беради. Мазкур моддада назарда тутилган нормалар Қонуннинг 19-моддаси биринчи қисми қоидаларига мос тушади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида муваққат бошқарувчининг кузатув таомилини ўтказишдаги амалга ошириши мумкин бўлган ҳуқуқлари санаб ўтилган.

Муваққат бошқарувчининг шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган ҳуқуқларидан ташқари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлари ҳам бўлиши мумкин.

Муваққат бошқарувчининг нисбатан кенг доирадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йил 23 мартдаги 138-сонли қарори билан тасдиқланган Суд бошқарувчилари тўғрисидаги Низомда назарда тутилган.

Қарздорнинг бошқарув органлари муваққат бошқарувчининг талабларига биноан унга қарздорнинг фаолиятига тааллуқли ҳар қандай ахборотни тақдим этиши шарт. Қарздорнинг бошқарув органларининг қарздорнинг фаолиятига тааллуқли ҳар қандай ахборот тақдим этиш мажбурияти муваққат бошқарувчининг мазкур ахборотларни олиш ва ўз фаолияти давомида фойдаланиш ҳуқуқи билан бевосита боғлиқдир.

Қарздорнинг бошқарув органи томонидан муваққат бошқарувчининг талабларини бажариш рад этилган тақдирда муваққат бошқарувчи судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлади. Қарздорнинг раҳбари талабни бажаришдан бош тортган ҳолатда, муваққат бошқарувчи қарздорнинг раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан четлатиш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Агар муваққат бошқарувчининг ўз ваколатларини бажариш учун бошқа давлат органларидан ахборотларни олиш талаб этилса, зарур ахборотга эга бўлиш мумкин бўлган бошқа ваколатли органларга сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади (*юқорида кўрсатилган суд бошқарувчилари тўғрисидаги Низомнинг 9-банди*).

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– муваққат бошқарувчининг қарздор мол-мулки бут сақланишини таъминланишига қаратилган қўшимча чоралар кўрилиши тўғрисидаги илтимосномаси (қ а р а н г : 435-бет);

– муваққат бошқарувчининг қарздор раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан четлаштирилиши тўғрисидаги илтимосномаси (қ а р а н г : 437-бет);

– муваққат бошқарувчининг қарздор раҳбарини ўз вазифаларини бажаришга киришиши тўғрисидаги буйруғи (қ а р а н г : 439-бет);

– муваққат бошқарувчининг қарздорни бошқарув органига йўлланган қарздорнинг фаолияти ҳақида ахборот тақдим қилиниши тўғрисидаги мурожаатномаси (қ а р а н г : 440-бет);

– муваққат бошқарувчининг сўровномаси (қ а р а н г : 441-бет);

– битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини қўллаш тўғрисидаги даъво аризаси (қ а р а н г : 442-бет);

– қарздор мол-мулки бут сақланишини таъминланишга қаратилган қўшимча чоралар кўрилиши тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 707-бет);

– қарздор раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 709-бет).

67-*модда*. Муваққат бошқарувчининг мажбуриятлари

Муваққат бошқарувчи:

– қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш чораларини кўриши;

– қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиши;

– қарздорнинг кредиторларини аниқлаши, кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши, қарздорга нисбатан кузатув жорий этилгани ҳақида кредиторларни хабардор қилиши;

– кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақириши ва ўтказиши шарт.

Муваққат бошқарувчининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Муваққат бошқарувчи кузатув тугагандан кейин, лекин хўжалик суди мажлисининг белгиланган санасига камида беш кун қолганда хўжалик судига ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботни, қарздорнинг молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотларни ҳамда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги ҳақидаги таклифларни, кредиторларнинг биринчи йиғилиши баённомасини ушбу Қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этиши шарт.

Шарҳланаётган модда муваққат бошқарувчининг мажбуриятларини белгилаб беради. Мазкур моддада назарда тутилган нормалар Қонуннинг 19-моддаси учинчи қисмидаги қоидаларга мувофиқлаштирилган.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида кузатув жараёнида амалга ошириши лозим бўлган муваққат бошқарувчи мажбуриятлари келтирилган.

Муваққат бошқарувчининг шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган мажбуриятларидан ташқари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

Муваққат бошқарувчининг нисбатан кенг доирадаги мажбуриятлари Қонуннинг 19-моддаси учинчи қисмида ва ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йил 23 мартдаги 138-сонли қарори билан тасдиқланган суд бошқарувчилари тўғрисидаги Низомда назарда тутилган.

Муваққат бошқарувчи кузатув тугагандан кейин, лекин хўжалик суди мажлисининг белгиланган санасига камида беш кун қолганда хўжалик судига ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботни, қарздорнинг молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотларни ҳамда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги ҳақидаги таклифларни, кредиторларнинг биринчи

йиғилиши баённомасини ушбу Қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этиши шарт.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига муваққат бошқарувчининг ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи намунаси илова қилинган. (қ а р а н г : 508-бет).

68-*модда*. Кузатувни жорий этиш ҳақида хабар қилиш

Қарздорга нисбатан кузатув жорий этилганлиги ҳақидаги хабарни муваққат бошқарувчи ўзи тайинланган пайтдан эътиборан уч кун ичида расмий нашрда ушбу Қонуннинг 52-моддасида назарда тутилган тартибда эълон қилиш учун юбориши шарт.

Муваққат бошқарувчи иш ҳақи бўйича қарзни тўлаш талабини қўядиган кредиторлардан ташқари қарздорнинг аниқланган барча кредиторларини қарздорга нисбатан кузатув жорий этилганлиги тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқарганлиги ҳақида кузатув жорий этилганлигига оид хабар эълон қилинган санадан эътиборан ўн кундан кечиктирмай хабардор қилиши шарт.

Қарздорнинг раҳбари қарздорнинг ходимларини, муассисларини (иштирокчиларини) ёки қарздор мол-мулкининг эгасини қарздорга нисбатан кузатувни жорий этиш ҳақида хўжалик суди томонидан ажрим чиқарилганлиги тўғрисида хабардор қилиши шарт.

Иш ҳақи бўйича қарзни тўлаш талабини қўядиган кредиторлардан ташқари кредиторларга кузатув жорий этилганлигини хабар қилиш кредитор томонидан шундай хабар олинган санани белгилаш имкониятини берадиган усулда кредиторга хабар юбориш орқали амалга оширилади.

Иш ҳақи бўйича қарзни тўлаш талабномалари юзасидан кредиторларни хабардор қилиш қарздор ходимларининг умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш орқали амалга оширилади.

Қарздорнинг муассисларини (иштирокчиларини) хабардор қилиш муассислар (иштирокчилар) умумий йиғилишини чақириш ёки юридик шахснинг қонун ҳужжатларига ёхуд таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассисларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга бўлган органига қарздорга нисбатан кузатувни жорий этиш ҳақида хабар юбориш орқали амалга оширилади.

Қарздорга нисбатан кузатувни жорий этиш ҳақидаги хабарда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

– қарздорнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва унинг почта манзили;

– қарздорга нисбатан кузатув жорий этиш тўғрисида ажрим чиқарган хўжалик судининг номи, бундай ажрим чиқарилган сана ва банкротлик тўғрисидаги ишнинг тартиб рақами;

– тайинланган муваққат бошқарувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва унинг почта манзили;

– хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш юзасидан белгиланган суд мажлисининг санаси, вақти ва жойи;

– хабарни жўнатувчининг (муваққат бошқарувчининг ёки қарздор раҳбарининг) хоҳишига кўра бошқа ахборот.

Шарҳланаётган модда муваққат бошқарувчи томонидан кредиторлар, қарздорлар ходимлари, қарздор мулкининг мулкдори ёки муассиси (иштирокчи)ларни қарздорга нисбатан кузатув таомили жорий этилиши ҳақида огоҳлантириш тартибини белгилаб беради.

Шарҳланаётган модда қарздорга нисбатан кузатув таомилини жорий этилишининг 4 шаклини назарда тутади:

– расмий нашрда маълумотни («Биржа» ва «Солиқ инфо» газеталари) чоп этиш;

– муваққат бошқарувчи томонидан кредиторлар манзилига хабар жўнатиш;

– қарздор раҳбарларини чақириш ва ходимлари умумий йиғилишини ўтказиш;

– қарздорнинг раҳбари томонидан муассислар (иштирокчилар) умумий йиғилишини чақириш ёки юридик шахснинг қонун ҳужжатларига ёхуд таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассисларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга бўлган органига қарздорга нисбатан кузатувни жорий этиш ҳақида хабар юбориш;

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига хўжалик суди томонидан қарздорга нисбатан кузатув таомили жорий этилиши ҳақида ажрим (қ а р а н г : 510-бет).

69-*модда*. Қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиш

Қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиш қарздорга тегишли мол-мулк суд харажатларини, суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш харажатларини қоплаш учун етарлилигини, шунингдек, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Муваққат бошқарувчи қарздорнинг молиявий аҳволини, шу жумладан, қарздорнинг мол-мулки бўлса, шу мол-мулкни инвентаризация қилиш натижаларини молиявий таҳлил қилиш, мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги таклифларни, банкротликнинг кейинги таомилларини жорий этиш мақсадга мувофиқлиги асосларини тайёрлайди.

Агар қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш натижасида қарздорга тегишли мол-мулк суд харажатларини қоплаш учун етарли эмаслиги аниқланса, кредиторлар фақат суд харажатларини қоплаш манбалари аниқланган тақдирда ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида

хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Шарҳланаётган модда қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлили билан боғлиқ масалаларни тартибга солади.

Қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш кузатув даврида муваққат бошқарувчи томонидан қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

– қарздорга қарашли мол-мулк суд харажатларини қоплаш, суд бошқарувчиларини рағбатлантиришга етарли эканлигини аниқлаш;

– қарздорнинг тўлов қобилиятини қайта тиклай олиш ёки олмаслигини аниқлаш.

Бундан ташқари, Қонуннинг 54-моддаси учинчи қисмига мувофиқ қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этишнинг мақсадларидан яна бири хўжалик суди томонидан белгиланиши мумкин бўлган, ўттиз кундан ошмайдиган муддатда кредиторлар талабларини қондириш учун қарздорга тегишли бўлган ликвид мол-мулк етарли ёки етарли эмаслиги ҳақида шоҳидлик берувчи далиллар топиш ҳисобланади.

Қарздорга тегишли мол-мулкнинг суд харажатлари ва суд бошқарувчиларига тўланадиган харажатларни қоплаш учун етарли (ёки етарли эмаслигини)лигини аниқлаш мақсадида, муваққат бошқарувчи қарздорга тегишли мол-мулкни уни ликвидлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Дастлаб, пул воситалари аниқланади (яъни, қарздорнинг ликвидлиги энг юқори бўлган активлари) шунингдек, қарздорга тегишли бўлган мол-мулк аниқланиб, унинг баланс қиймати ва сотиш мумкин бўлган тахминий қиймати кўрсатилади. Мазкур мулкнинг сотилишидан тушган маблағлар суд харажатлари ва суд бошқарувчиларини рағбатлантириши учун тўланадиган харажатларни қоплаш учун фойдаланиши мумкин.

Суд санацияси, ташқи бошқарув доирасида қарздорнинг тўлов қобилиятини қайта тиклаш имконияти мавжудлигини асослаш қарздорнинг пул оқимларини (кирим ва чиқим) вариантли прогноз асосида баҳолашни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлиб, ушбу прогноз муваққат бошқарувчи томонидан олдинги даврдаги хўжалик фаолиятини баҳолаш орқали амалга оширилади.

Муваққат бошқарувчи қарздорнинг тўловга қобилиятсизлик сабабларининг таҳлилига асосланган ҳолда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва уни таклиф қилиши мумкин (*Суд бошқарувчилари тўғрисида Низом, 13-банди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.03.2004 йилдаги 138-сонли қарорига № 1 илова*).

Агарда қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш натижасида унинг суд харажатларини қоплашга мулки етмаслиги аниқланса, бундай ҳолатда ташқи бошқарув каби таомилларнинг киритилиши фақатгина суд харажатларини қоплаш манбалари аниқланган ҳолда белгиланади, буни кредиторлар ўзларининг йиғилишларида аниқлашлари лозим.

Мазкур қўлланманинг 3-бўлимида ушбу модда шарҳига муваққат бошқарувчининг қарздор молиявий аҳволини таҳлил қилиш натижасида тузилган, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги (ёки мумкин эмаслиги) тўғрисидаги таклифи намунаси келтирилган (қ а р а н г : 512-бет).

70-*модда*. Кредиторлар талабларининг миқдорини белгилаш

Кредиторларнинг биринчи йиғилишида иштирок этиш учун қарздорга нисбатан кузатув жорий этилганлиги тўғрисидаги маълумот расмий нашрда эълон қилинган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида кредиторлар ўз талабларини қарздорга тақдим этишга ҳақли. Кредиторларнинг талаблари кредиторлар томонидан суд ҳужжатини ёки шу талабларнинг асослилигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни илова қилган ҳолда хўжалик судига, қарздорга ва муваққат бошқарувчига юборилади.

Кредиторларнинг аниқланган деб топиш учун асосга эга бўлган талабларига қарздор ўз эътирозларини хўжалик судига қуйидаги ҳолларда юборишга ҳақли:

– кредиторлар томонидан талабни аниқланган деб топиш учун асос тариқасида тақдим этилган суд ҳужжатини бекор қилувчи ёки ўзгартирувчи, шунингдек, унинг амал қилишини тўхтатиб турувчи ёхуд ижроси усулини ва тартибини ўзгартирувчи қонуний кучга кирган суд ҳужжати бўлса;

– кредитор томонидан талабларни аниқланган деб топиш учун асос тариқасида тақдим этилган ҳужжатни бекор қилувчи ёки ўзгартирувчи (қарзни тан олиш, нотариуснинг ижро хати ва бошқалар), шунингдек, унинг амал қилишини тўхтатиб турувчи ҳужжат бўлса;

– кредитор томонидан талабни аниқланган талаблар жумласига киритиш далили тариқасида тақдим этилган ҳужжат бўйича қарзни узиш муддатларини, тартибини ва шартларини ўзгартириш тўғрисида қарздор ва кредитор ўртасида битим тузилган бўлса;

– қарздор қарзни тўлиқ ёки қисман узган бўлса;

– талаб билдирилган мажбуриятдаги шахснинг ўзгарганлигига далиллар бўлса.

Муваққат бошқарувчи кредиторларнинг ушбу Қонунга мувофиқ аниқланган деб топиладиган талабларига ўз эътирозларини, агар кредиторнинг талабларини аниқланганлар жумласига киритиш далили тариқасида ўз қарзининг қарздор томонидан тан олинганлигидан далолат берувчи ҳужжат тақдим этилган бўлса ва муваққат бошқарувчида қарздорнинг қарзни тан олиш бўйича ҳаракатлари бошқа кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузади ва (ёки) асоссиздир деб ҳисоблаш учун етарли асослар бўлса, хўжалик судига юборишга ҳақли.

Қарздорнинг, муваққат бошқарувчининг кредиторлар талабларига эътирозлари тегишли талаблар олинган пайтдан эътиборан бир

ҳафталик муддат ичида хўжалик судига тақдим этилиши мумкин. Кредиторларнинг талаблари, агар улар устидан эътирозлар тушган бўлса, хўжалик суди мажлисида кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш натижалари асосида мазкур талабларни кредиторларнинг талаблари реестрига киритиш ёки бундай реестрга киритишни рад этиш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради. Кредиторнинг қарздор ёки муваққат бошқарувчи томонидан кўрсатилган муддатда эътирозлар тақдим этилмаган талаби кредиторларнинг талаблари реестрига кредитор томонидан билдирилган миқдорда киритилади.

Кредиторларнинг талаблари асоссиз ёки лозим даражадаги далиллар билан тасдиқланмаган деб топилса, кредиторларнинг тегишли аризалари қайтарилиши керак. Мазкур талаблар банкротликнинг кейинги таомилларини амалга ошириш жараёнида тақдим этилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда кузатув босқичида кредиторларнинг талаблари тартибини белгилайди.

Талабларини белгилаш – банкротлик таомилида кредиторлар иштирокини, хусусан, кредиторларнинг жамоа органи – йиғилишда иштирокини таъминлаш учун ҳамда Қонунда белгиланган тартибда ўз талабларини қондириши мумкин бўлган кредиторларни аниқлашни таъминлаш учун амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар мажмуидир.

Қонунда кредиторларнинг ўз талабларини билдиришнинг қатъи муддати – кузатувни жорий этиш ҳақидаги маълумотни расмий нашрда эълон қилингандан эътиборан ўттиз кун белгиланган бўлиб, суд бошқарувчиси ушбу моддада белгиланган муддатдан камини белгилашга ҳақли эмас.

Кредиторларнинг талаблари хўжалик судига, қарздорга ҳамда муваққат бошқарувчига юборилиши керак

Кредитор ўз талабларини тақдим қилганида унга суд ҳужжатлари ва ўзининг талабларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар илова қилиниши лозим.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига биноан тақдим қилинган кредиторлар талабларига эътироз билдириш учун хўжалик судига мурожаат қилишнинг асосларини белгилайди.

Муваққат бошқарувчи кредиторларнинг ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ аниқланган деб топиладиган талабларига ўз эътирозларини, агар кредиторнинг талабларини аниқланганлар жумласига киритиш далили тариқасида ўз қарзининг қарздор томонидан тан олинганлигидан далолат берувчи ҳужжат тақдим этилган бўлса ва муваққат бошқарувчида қарздорнинг қарзни тан олиш бўйича ҳаракатлари бошқа кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузади ва (ёки) асоссиздир деб ҳисоблаш учун етарли асослар бўлса, хўжалик судига юборишга ҳақли.

Шундай қилиб, шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига биноан талабларга билдирилган эътирозларни юбориш билан боғлиқ асосий ҳуқуқлар қарздорнинг зиммасига юклатилган, муваққат бошқарувчи эса ўз эътирозларини хўжалик судига юбориш учун ушбу қисмга биноан муайян ҳолатдагина,

яъни – қарздорнинг қарзни тан олиш бўйича ҳаракатлари бошқа кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузадиган бўлса ёки қонуний асосга эга бўлмаса, ҳақли бўлади.

Қарздор ёки муваққат бошқарувчи шарҳланаётган модданинг иккинчи ёки учинчи қисмларига мувофиқ тегишли талаблар олинган пайтдан эътиборан бир ҳафталик муддат ичида хўжалик судига эътирозларини тақдим этилиши мумкин.

Кредиторларнинг талабларига берилган эътирозларни хўжалик судида кўриб чиқиш Қонуннинг 59-моддасида белгиланган тартиб ва муддатда амалга оширилади.

Хўжалик суди эътирозларни кўриб чиқиш натижасига кўра, кредиторлар реестрига уларнинг талабларини киритиш ёки киритмаслик ҳақида ажрим чиқаради.

Ушбу ажрим қарздорга, муваққат бошқарувчига ва кредиторга юборилади. Ушбу масала кредитор учун ўзининг ижобий якунини топганда суд ажримида талаблар миқдори ва уларни қондириш навбати кўрсатилиши керак.

Ушбу масалалар бўйича ажрим устидан Қонуннинг 60-моддасига биноан шикоят қилиниши мумкин.

Агар хўжалик суди кредиторлар талабларини асоссиз ёки тегишли далиллар билан тасдиқланмаган деб топса, кредиторларнинг бундай аризалари қайтарилади. Шунга қарамасдан, қонун кредиторларга ушбу талабларини кейинги банкротлик таомилларида тақдим қилиш ҳуқуқини беради.

Шуни ҳам айтиш лозимки, шарҳланаётган модданинг биринчи қисми билан белгиланган муддатнинг тугаши билан юборилган кредиторларнинг талаблари муваққат бошқарувчи ва қарздор томонидан кўриб чиқилмайди, шу боис улар кредиторларнинг биринчи йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Ушбу тоифадаги кредиторлар талаблари суд бошқарувчиси томонидан кейинги банкротлик таомилларида кўриб чиқилади.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– кредиторнинг қарздорга талаби (қ а р а н г : 383-бет).

– кредитор талабига нисбатан қарздорнинг эътирози (қ а р а н г : 384-бет).

– кредиторнинг қарздорга қўйган талабига нисбатан муваққат бошқарувчининг эътирози (қ а р а н г : 385-бет).

– муваққат бошқарувчининг кредиторлар талабларига эътирози (қ а р а н г : 513-бет).

71-*модда*. Кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақириш

Муваққат бошқарувчи кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказиладиган санани белгилайди ва бу ҳақда барча аниқланган кредиторларни, қарздор ходимларининг вакилини, шунингдек, кредиторларнинг биринчи йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахсларни (органларни) хабардор қилади. Кредиторларнинг биринчи йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш муваққат бошқарувчи

томонидан ушбу Қонуннинг 11-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги ариза иш юритишга қабул қилинганлиги тўғрисида хўжалик суди чиқарган ажримда хўжалик суди мажлисини ўтказишнинг белгиланган санасига камида беш кун муддат қолганида ўтказилиши лозим.

(71-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–300-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 40-сон, 411-модда)

Кредиторлар биринчи йиғилишининг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчилари талаблари ушбу Қонун 70-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда тақдим этилган ва кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган кредиторлардир.

Кредиторларнинг биринчи йиғилишида қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили ва қарздорнинг ходимлари вакили маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин. Кредиторлар йиғилишида мазкур шахсларнинг йўқлиги йиғилишни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлмайди.

Шарҳланаётган модда кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақириш тартиби ва кредиторларнинг биринчи йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга шахслар доирасини белгилайди.

Кредиторларнинг биринчи йиғилишини ўтказиш вақти кейинги йиғилишлардан фарқли ўлароқ муваққат бошқарувчи томонидан мустақил белгиланади, лекин шунга қарамасдан, Қонун уни ўтказиш чегараси (муддати)ни ўрнатган. Яъни, биринчи йиғилиш иш хўжалик суди томонидан кўриб чиқиш санасидан (яъни кузатув тугаган санадан) беш кун олдин ўтказилиши керак, лекин кредиторлар талабларини тақдим этиш муддати ўтганидан сўнг, яъни кузатув жорий этиш ҳақида эълон чоп этилганидан ўттиз кун ўтгач.

Муваққат бошқарувчининг мажбурияти – шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга кредиторларнинг биринчи йиғилишини ўтказиш жойи ва вақти ҳақида хабар жўнатиш ҳисобланади.

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги хабарни кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин почта алоқаси орқали жўнатилади ёки бундай хабар кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида беш кун олдин олинишини таъминловчи бошқа усул билан юборилади.

Кредиторни ёки кредиторлар йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бошқа шахсни шахсан хабардор қилиш учун зарур маълумотларни аниқлаш имкони бўлмаганда ёхуд мазкур шахсларни шахсан хабардор этиш имконини бермайдиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлганда кредиторлар йиғилиши ҳақидаги хабарни «Биржа» ва «Солиқ инфо» газеталарида нашр этиш керак бўлади.

Кредиторларнинг биринчи йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи ёки йиғилиш томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир ўтказиш имконига эга бўлган кредиторлар қаторига талаблари аниқланган ва кредиторлар талаблари реестрига киритилган кредиторлар (шу жумладан ваколатли давлат органлари ҳам) киради. Мажбурий тўловларга доир талаблар қисми бўйича эса давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар кредиторлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади (Қонуннинг 10-моддаси учинчи қисм).

Кредиторларнинг биринчи йиғилишида овоз бериш ҳуқуқисиз қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили, қарздор ходимларининг вакили иштирок этади. Мазкур шахслар кейинги йиғилишларда ҳам овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этишлари мумкин. Бундан ташқари кўрсатилган шахсларнинг иштирок этмаслиги кредиторлар йиғилишини ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлмайди

Бундан ташқари овоз бериш ҳуқуқисиз биринчи йиғилишда иш ким томонидан қўзғатилишидан қатъий назар, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича давлат органлари вакиллари иштирок этиши мумкин. Шу билан бирга кредиторларнинг биринчи йиғилишида овоз бериш ҳуқуқисиз прокурор ҳам иштирок этиши мумкин, башарти иш унинг аризаси бўйича қўзғатилган бўлса.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига кредиторларнинг биринчи йиғилиши баённомаси намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 514-бет).

72-*модда*. Кредиторларнинг биринчи йиғилишида кўриладиган масалалар

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши ваколатига қуйидаги қарорларни қабул қилиш киради:

– суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарор;

– қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги қарор;

– кредиторлар қўмитасининг миқдорий таркиби, унинг аъзоларини сайлаш тўғрисидаги қарор;

– санация қилувчи бошқарувчининг, ташқи бошқарувчининг ёки тугатувчи бошқарувчининг номзодларини маъқуллаш тўғрисидаги қарор;

– ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа масалаларга доир қарор.

Шарҳланаётган модда кредиторларнинг биринчи йиғилиши компетенциясини белгилайди.

Кредиторлар биринчи йиғилишининг қарори қарздорнинг кейинги тақдирини ҳал қилувчи ҳодисалардан биттаси ҳисобланади.

Кредиторлар биринчи йиғилишнинг қарори – қарздорнинг кейинги тақдирини белгиловчи қарорлардан биридир. Мазкур модда қарздорнинг кейинги тақдирини белгиловчи йиғилишнинг ваколатларини белгилайди.

Бунда шуни инобатга олиш керак, кредиторларнинг биринчи йиғилиш Қонун билан мутлақ кредиторлар йиғилиши ваколатига киритилган бошқа, жумладан келишув битимини тузиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиши мумкин.

73-*модда*. Кредиторлар биринчи йиғилишининг суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарори

Кредиторлар биринчи йиғилишининг суд санациясини жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорида суд санациясининг таклиф қилинаётган муддати ва қарзни узишнинг маъқулланган жадвали бўлиши керак.

Суд санациясини жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилган кредиторларнинг биринчи йиғилиши муваққат бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод қилиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли. Кредиторлар йиғилишининг хўжалик судига бериладиган мазкур илтимосномасида санация қилувчи бошқарувчиликка тайинлаш учун номзод таклиф қилиниши мумкин.

Шарҳланётган модда кредиторларнинг қарздорни молиявий соғломлаштириш таомили – суд санациясини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилишининг хусусиятларини белгилайди.

Шарҳланётган модда кредиторлар биринчи йиғилишининг суд санациясини жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарори қўйилган талаблар, шунингдек, санация қилувчи бошқарувчи номзодини тақдим қилиш бўйича кредиторлар йиғилишининг ҳуқуқини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми кредиторлар биринчи йиғилишининг суд санациясини жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорида суд санациясининг таклиф қилинаётган муддати ва қарзни узишнинг жадвали маъқулланган бўлиши шартлигини белгилайди.

Шундай қилиб, агар кредиторлар йиғилиши қарорида қарзни узишнинг жадвали ва муддати мавжуд бўлмаса, хўжалик суди суд санациясини амалга ошириш муддати ва қарзни узишнинг жадвалини маъқуллаш ёки қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш масаласини муҳокама қилиш учун кредиторлар йиғилишини қайта ўтказиш учун вақт беришга ҳақли.

Кредиторлар биринчи йиғилишининг суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорида муваққат бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод қилиш ҳақида илтимоснома ҳам акс эттирилиши мумкин. Кредиторлар йиғилиши хўжалик судига

тақдим этилган илтимосномасида санация қилувчи бошқарувчиликка тайинлаш учун номзод таклиф қилиниши мумкин, бунда кредиторлар номзод сифатида муваққат бошқарувчи номзодини таклиф этишга ҳақлидирлар (*Суд бошқарувчилари тўғрисидаги Низомнинг 3-банди. Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 23 мартдаги 138-сонли қарорига 1-сонли илова*).

Қонунда санация қилувчи бошқарувчиликка тайинлаш учун номзодни кредиторлар йиғилишига тақдим қилиш тартиби белгиланмаганлиги учун, Қонуннинг 94-моддасига ўхшаш, кредиторлар йиғилишига санация қилувчи бошқарувчининг номзодини ҳар қандай кредитор ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи тақдим этиши мумкин. Кредиторлар йиғилишининг хўжалик судига қарздорга нисбатан суд санацияси таомилини жорий этиш ҳақида қарорисиз суд санацияси таомилини жорий этганида суд ўз ажримида кредиторлар йиғилиши ёки қарздорнинг мажбуриятларини бажариши учун таъминот берган шахсларга санация қилувчи бошқарувчининг номзодини таклиф этилиши учун муддат белгилаши мумкин. Башарти, кредиторлар йиғилиши ёхуд қарздорнинг мажбуриятларини бажарилишини таъминлашни тақдим этган шахслар томонидан санация қилувчи бошқарувчининг номзоди кўрсатилмаса, хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан тақдим этилган номзодлар ичидан санация қилувчи бошқарувчини тайинлашга ҳақли.

74-*модда*. Кредиторлар биринчи йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарори

Кредиторлар биринчи йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорида ташқи бошқарувнинг таклиф қилинаётган муддати ва ташқи бошқарувчиликка номзод, шунингдек, у ҳақдаги маълумотлар бўлиши керак.

Кредиторлар биринчи йиғилишининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорида тугатишга доир иш юритишнинг таклиф қилинаётган муддати ва тугатувчи бошқарувчиликка номзод, шунингдек, у ҳақдаги маълумотлар бўлиши керак.

Шарҳланаётган модда кредиторлар биринчи йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарори ҳамда кредиторлар биринчи йиғилишининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорига қўйилган талабларни белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига биноан кредиторлар биринчи йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорида ташқи бошқарувнинг таклиф килинаётган муддати ва ташқи бошқарувчиликка номзод, шунингдек, у ҳақдаги маълумотлар бўлиши керак.

Мазкур норма императив бўлиб, агарда кредиторлар биринчи йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорида ташқи бошқарувнинг таклиф килинаётган муддати ва ташқи бошқарувчиликка номзод ҳақида маълумот бўлмаса, хўжалик суди ташқи бошқарувнинг таклиф килинаётган муддати ва ташқи бошқарувчиликка номзод ҳақидаги ёхуд банкротлик аломатлари мавжуд бўлганда қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш масаласини муҳокама қилиш учун кредиторлар йиғилишини қайта ўтказиш учун вақт бериши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига биноан кредиторлар биринчи йиғилишининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорида тугатишга доир иш юритишнинг таклиф қилинаётган муддати ва тугатиш бошқарувчиликка номзод, шунингдек, у ҳакдаги маълумотлар бўлиши керак.

Ушбу норма императив бўлиб ва Қонуннинг бундай талабларга амал қилмаслик хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни тугатишга доир иш юритишнинг таклиф қилинаётган муддати ва тугатиш бошқарувчиликка номзод бўйича қарор қабул қилиш учун кредиторлар йиғилишини қайта ўтказгунга қадар кейинги қолдириши учун асос бўлиши мумкин.

75-*модда*. Кузатувни тугатиш

Хўжалик суди кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарори асосида, агар ушбу моддада бошқача қоида белгиланган бўлмаса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади ёки суд санациясини ёхуд ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида ажрим чиқаради ёки келишув битимини тасдиқлайди ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатади.

Агар кредиторларнинг биринчи йиғилишида банкротлик таомилларидан бирини қўллаш ҳақида қарор қабул қилинмаган бўлса ёки хўжалик судига унинг қарорларидан ҳеч бири ушбу Қонуннинг 10-моддасида белгиланган муддатда тақдим этилмаган бўлса, хўжалик суди банкротлик аломатлари бўлган тақдирда, агар ушбу моддада бошқача қоида белгиланган бўлмаса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Агар кредиторларнинг биринчи йиғилиши томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисида қарор

қабул қилинган бўлса ёхуд хўжалик судига унинг қарорларидан ҳеч бири тақдим этилмаган бўлса, хўжалик суди қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг, шунингдек учинчи шахснинг (шахсларнинг) илтимосномасига биноан, аризачилар томонидан қарздорнинг мажбуриятлари ижросининг қарзни узиш жадвалига мувофиқ таъминоти тақдим этилган тақдирда суд санациясини жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли.

Санация қилувчи бошқарувчи ёки ташқи бошқарувчи ёхуд тугатувчи бошқарувчи тайинлангунга қадар унинг вазифасини бажариш илгари муваққат бошқарувчи вазифасини бажариб турган шахс зиммасига тўла ҳажмда юклатилади.

Хўжалик суди томонидан қарздор банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган ёки суд санацияси ёхуд ташқи бошқарув жорий этилган ёки келишув битими тасдиқланган пайтдан эътиборан кузатув тугатилади.

Ушбу модда кузатувни тугатишни тартибга солади ҳамда қарздор банкротлигининг кейинги таомилига ўтиш тартибини белгилайди, яъни хўжалик суди томонидан тегишли қарорларни қабул қилиш тартибини белгилайди.

Шарҳланаётган модда кузатувни тугатиш муносабати билан қарздорга нисбатан юз берадиган оқибатларни белгилайди.

Шарҳланаётган моддага мувофиқ кузатув таомили қуйидаги ҳолатларда тугатилади:

– қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиниши билан;

– суд санациясини ёхуд ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида ажрим чиқарилиши билан;

– келишув битимини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш билан.

Шуни таъкидлаш керакки, Қонуннинг 54-моддасида назарда тутилган асослар бўйича қарздорни банкрот деб топишни рад қилиш тўғрисидаги хўжалик судининг қарори қабул қилиниши билан ҳам кузатув тугатилади.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– қарздор мол-мулки эгасининг қарздорга нисбатан суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимосномаси (қ а р а н г : 386-бет);

– кредиторларнинг биринчи йиғилишида банкротлик таомилларидан бирини қўллаш ҳақида қарор қабул қилинмаганлиги боис қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори (қ а р а н г : 712-бет);

– қарздор мол-мулки эгасининг илтимосномаси бўйича қарздорга нисбатан суд санациясини жорий этиш ҳақидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 715-бет).

V БОБ. СУД САНАЦИЯСИ

76-*модда*. Суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимоснома

Кузатув жараёнида қарздор, қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси, шунингдек учинчи шахс (шахслар) суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторларнинг биринчи йиғилишига ёхуд суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимоснома билан бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

Қарздорнинг суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимосномасига суд санациясининг таклиф қилинаётган муддати ва қарзни узиш жадвали кўрсатилган ҳолда қарздорнинг суд санацияси режаси илова қилинмоғи лозим.

Суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторлар йиғилишига мурожаат қилган шахслар мазкур илтимосномани ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни кредиторларга бу ҳужжатлар билан танишиш имкониятини бериш мақсадида кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санага камида икки ҳафта қолганида муваққат бошқарувчига тақдим этишлари шарт.

Қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулки эгасининг суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимосномасига суд санациясининг режаси, қарзни узиш жадвали, қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) умумий йиғилишининг баённомаси унинг суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимоснома билан кредиторлар йиғилишига мурожаат этиш учун овоз берган муассислари (иштирокчилари) ҳамда бу шахслар томонидан қарзни узиш жадвали қарздор томонидан ижро этилишини таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатлар кўрсатилган ҳолда илова қилинмоғи лозим.

Учинчи шахснинг (шахсларнинг) суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимосномасига қарзни узиш жадвали ва қарздорнинг қарзни узиш жадвалини бажариши учинчи шахс (шахслар) томонидан таъминланишига оид далиллар илова қилинмоғи лозим.

Суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисида кредиторларнинг йиғилишига бир неча шахс илтимоснома билан мурожаат этган тақдирда қарздорнинг қарзни узиш жадвалини бажариши бу шахсларнинг ҳар бири томонидан таъминланиши улар ўртасидаги битимга биноан белгиланади.

Шарҳланаётган модда суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга шахслар доирасини ва суд санациясини жорий этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхатини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига мувофиқ қарздор, қарздорнинг муассислар (иштирокчилар) ёки мол-мулкининг мулкдори, шунингдек, учинчи шахслар суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шарҳланаётган модданинг ушбу қисми юқоридаги шахслар томонидан суд санациясини жорий этилишининг икки усулини белгилайди:

– суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторларнинг биринчи йиғилишига мурожаат қилиш;

– суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома билан бевосита ўзлари хўжалик судига мурожаат қилиш.

Қарздорнинг суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимосномасига суд санациясининг таклиф қилинаётган муддати ва қарзни узиш жадвали кўрсатилган ҳолда қарздорнинг суд санацияси рсжаси илова қилинмоғи лозим.

Қарздор суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилганида, ушбу илтимосномага суд санациясининг таклиф қилинаётган муддати ва қарзни узиш жадвали кўрсатилган ҳолда қарздорнинг суд санациясирежаси илова қилинмоғи лозим. Қонуннинг 73-модданинг биринчи қисмига биноан, кредиторлар биринчи йиғилишининг суд санациясини жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорида суд санациясининг таклиф қилинаётган муддати ва қарзни узишнинг маъқулланган жадвали бўлиши керак. Қарздор томонидан тузилган қарзни узиш жадвали, қарздор раҳбари томонидан имзоланади.

Кредиторларнинг йиғилишига суд санациясини жорий этиш юзасидан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилган ҳолда, илтимоснома ҳамда унга илова қилинадиган ҳужжатлар муваққат бошқарувчига кредиторларнинг йиғилиши ўтказилишидан камида икки ҳафта олдин тақдим этилиши керак, бу орқали кредиторларга илтимоснома ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан танишиб чиқишга имконият берилади. Шунга қарамасдан илтимоснома ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўрсатилган икки ҳафталик муддатдан кечиктирилиши кредиторларни ушбу илтимосномани кредиторлар йиғилишида муҳокама қилишдан маҳрум қилмайди. Илтимоснома ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш учун қўшимча вақт зарур бўлса, кредиторлар йиғилишини ўтказиш кейинга қолдирилади.

Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулки эгасининг суд санациясини жорий

этиш ҳақидаги илтимосномасига илова қиланадиган ҳужжатлар рўйхатини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмига мувофиқ учинчи шахснинг суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимосномасига қарзни узиш жадвали ва қарздорнинг қарзни узиш жадвалини бажариши учинчи шахс (шахслар) томонидан таъминланишига оид далиллар илова қилинмоғи лозим.

Суд санациясини жорий этиш ҳақида учинчи шахс мурожаат қилганида Қонун суд санацияси режасини тақдим этишни назарда тутмайди, чунки учинчи шахс илтимосномасига қарздорнинг қарзни узиш жадвалини бажарилишига оид далиллар тақдим этади. Қарздор қарзни узиш жадвалини бажармаганида, кредиторларнинг талаблари учинчи шахс томонидан тақдим этилган таъминлов орқали қондирилади.

Суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисида кредиторларнинг йиғилишига бир неча шахс илтимоснома билан мурожаат этган тақдирда қарздорнинг қарзни узиш жадвалини бажариши бу шахсларнинг ҳар бири томонидан таъминланиши улар ўртасидаги битимга биноан белгиланади.

ФКнинг 293-моддаси учинчи қисмига кўра «Агар кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, биргалашиб кафил бўлган шахслар кредитор олдида солидар жавоб берадилар». Демак, биргаликда кафилликни берган шахслар, қоида бўйича, қарздор ўз мажбуриятларини бажармаганда биргаликда жавоб беришади. Лекин шунга қарамасдан, қарздорнинг қарзни узиш жадвалини бажаришини таъминловчи шахслар ўртасида тузилган битимда, уларнинг ҳар бирига юклатилган мажбуриятларнинг аниқ миқдори (ҳажми) белгиланган бўлиши мумкин.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– қарздор мол-мулки муассислари (иштирокчилари)нинг кредиторлар биринчи йиғилишига суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги илтимосномаси (қ а р а н г : 388-бет);

– қарздорнинг таклиф этилаётган суд санацияси (қ а р а н г : 389-бет);

– қарзни узиш жадвали (қ а р а н г : 391-бет);

– қарздор муассис (иштирокчи)лари умумий йиғилишининг баённомаси (қ а р а н г : 392-бет).

– қарздор томонидан қарзни узиш жадвали (қ а р а н г : 394-бет).

77-*модда*. Қарздорнинг мажбуриятларни қарзни узиш жадвалига мувофиқ бажаришини таъминлаш

Қарздорнинг мажбуриятларни қарзни узиш жадвалига мувофиқ бажариши қонун ҳужжатларида назарда тутилган усулларда таъминланиши мумкин.

Қарздорнинг қарзни узиш жадвалини бажариш юзасидан мажбуриятлари суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик суди ажрим чиқарган пайтдан эътиборан таъминланган деб ҳисобланади.

Мажбуриятларни бажариш таъминоти берилганлиги тўғрисидаги битим, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ёзма шаклда тузилади. Кредиторлар тарафидан мазкур битимни кредиторлар йиғилишининг (кредиторлар қўмитасининг) вакили, хўжалик судининг ташаббуси билан суд санацияси жорий этилганда эса муваққат бошқарувчи, бошқа тарафдан қарздорнинг мажбуриятларни қарзни узиш жадвалига мувофиқ бажариши таъминотини берган шахслар (бундан буён матнда мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар деб юритилади) имзолайди.

Мажбуриятларни бажаришнинг берилган таъминоти миқдори қарздор мажбуриятларининг суд санациясини жорий этиш ҳақидаги масала юзасидан кредиторлар йиғилиши ўтказилиши олдидан охирги ҳисобот санасидаги ҳолатга кўра балансда акс эттирилган миқдоридан камида йигирма фоиз ортиқ бўлиши керак.

Қарздорга мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган мол-мулк, шу жумладан мулкий ҳуқуқлар қарздорнинг қарзни узиш жадвалини бажариши таъминотининг предмети бўлиши мумкин эмас.

Қарзни узиш жадвалига ўзгартишлар киритилганлиги, шунингдек, қарздорга нисбатан банкротликнинг янги таомили жорий этилганлиги мажбуриятларни бажаришнинг берилган таъминотини тугатиш учун асос бўлмайди.

Шарҳланаётган модда қарздорнинг мажбуриятларни бажариш таъминоти берилганлиги тўғрисидаги битим шаклига қўйилган талаблар, таъминот предмети ва миқдорини белгилайди.

Қарздорнинг мажбуриятларини бажариш учун қарзни узиш жадвали қонун ҳужжатларида белгиланган усуллар билан таъминланиши мумкин.

ФКнинг 259-моддаси биринчи қисмида мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздор мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат ва қонун ҳужжатлари ҳамда шартномада назарда тутилган бошқа усулларда таъминланиши белгиланган.

Шунга қарамай неустойка ва закалатни таъминлаш, шунингдек, ушлаб қолишга йўл қўйилмайди, модомики бу усуллар шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми қоидасини бузади, чунки неустойка, закалат ва қарздор томонидан мажбурият бажарилмаган ҳолда қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан бажариш назарда тутилади, ушлаб қолиш бўлса қарздорнинг мол-мулкидан ушлаб қолиш йўли билан мажбуриятни бажарилишини таъминлашини қамраб олади.

Шунингдек, гаров, кафиллик, кафолат ва қонун ҳужжатлари ва шартномада кўрсатилган бошқа усуллар қарзларни узиш жадвалига мувофиқ мажбуриятни бажарилишини таъминлаш усули сифатида йўл қўйилади. Аммо бу усуллар қонун талабларига ва қонун билан тартибга солинадиган муносабатлар табиатига зид бўлмаслиги лозим.

Хўжалик суди суд санацияси жорий этиш тўғрисидаги ажрим қабул қилишда таклиф қилинаётган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш бўйича битимнинг қонуний эканлигини кўриб чиқади. Агар таклиф қилинаётган таъминлаш учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса ёки қонун ҳужжатларига мос келмаса, суд суд санациясини жорий этишга ҳақли эмас.

Шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятини таъминлаш, келишув тузилгандан кейин эмас, балки хўжалик суди томонидан суд санацияси жорий этиш тўғрисидаги ажрим қабул қилинган санадан эътиборан, вужудга келади. Агарда суд томонидан суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома рад этиладиган бўлса, қарздорнинг мажбуриятларни бажариш таъминоти берилганлиги тўғрисидаги битимни тузилмаган ҳисобланади. Бу асосли бўлиб, чунки таъминлаш суд санациясини жорий этиш мақсадида берилади.

Кредиторлар ва таъминот берувчи шахс ўртасида келишув ёзма тузилади, агар қонунда бошқача белгиланмаган бўлса.

Бундай келишув кредиторлар томонидан кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) вакили томонидан имзоланади (қачонки, суд санацияси хўжалик суди ташаббуси билан жорий этилган бўлса, муваққат бошқарувчи томонидан имзоланади), бошқа томондан келишув таъминот берилган томондан имзоланади.

Таъминотнинг миқдори қарздорнинг мажбурият миқдоридан суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги масала кредиторлар йиғилиши томонидан кўрилгунга қадар охирги ҳисобот соҳаси ҳолатига кўра балансидан камида 20 фоизга юқори бўлиши керак, шунингдек, таъминот миқдори қарздорнинг мажбурияти миқдоридан 120 фоизга кам бўлмаслиги керак.

Таъминот берган шахс суд санацияси натижасида қарздор тўлов қобилияти тикланиши ва кредиторларнинг барча талаблари қарзни узиш жадвали бўйича қаноатлантирилишини кафолатлайди. Бундай натижага эришилмаса тегишли келишувда ўрнатилганидек кўрсатилган шахс Қонуннинг 90-моддаси асосида жавобгарликка тортилади.

Қарздорга мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган мол-мулк, шу жумладан мулкий ҳуқуқлар кредиторларнинг талаблари бўйича мажбуриятлар юклатилган, шу муносабат билан бу мол-мулкни қарзларни узиш жадвалини бажарилишини таъминлашнинг предмети сифатида ишлатиш мумкин эмас.

Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисми қарзни узиш жадвалига тузатиш киритиш мажбуриятларни бажариш таъминотини тўхтатиш учун асос бўлмаслиги назарда тутилган.

ФКнинг 298-моддаси кафиллик у томондан таъминланган мажбурият тугаши билан, шунингдек мажбуриятга унинг розилигисиз жавобгарликни оширувчи ёки ноқулай оқибатлар келтириб чиқарганда бекор бўлиши назарда тутилган. Шарҳланаётган қисмнинг қоидаси бундан истисно бўлиб, мажбуриятни бажарилишини таъминлаш қарзни узиш жадвалига таъминотни бажарувчи шахснинг розилигисиз ўзгартирилиш киритилганда бекор бўлмайди.

78-*модда*. Суд санациясини жорий этиш тартиби

Суд санацияси хўжалик суди томонидан кредиторлар йиғилишининг қарори асосида жорий этилади, ушбу Қонун 75-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хўжалик судининг суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги ажримида суд санациясининг муддати кўрсатилиши, унда хўжалик суди томонидан тасдиқланган қарзни узиш жадвали, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар ҳақидаги, бундай таъминотнинг миқдори ва шакллари, санация қилувчи бошқарувчини тайинлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдори ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак.

Хўжалик судининг суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин. Мазкур ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) унинг ижросини тўхтатиб қўймайди.

Суд санацияси кўпи билан йигирма тўрт ойлик муддатга жорий этилади, бу муддат мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар кредиторларнинг талабларини қондириши учун хўжалик суди томонидан кўпи билан олти ойга узайтирилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда суд санациясини жорий этиш тартиби, суд санацияси жорий этиш тўғрисидаги суд ажримига қўйилган талаблар, шунингдек, бу суд ажрими устидан шикоят қилиш тартиби ва бундай таомилни киритиш муддатини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми истисно ҳолларда 75-модда учинчи қисмида кўрсатилган тартибда суд санацияси кредиторлар йиғилиши қарори асосида жорий этилиши назарда тутилган.

Суд санацияси хўжалик суди томонидан кредиторлар йиғилиши қарорига асосан жорий этилади, Қонуннинг 75-моддасида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Кредиторлар йиғилишининг суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги қарори хўжалик судлари учун мажбурий эмас. Хўжалик судлари бу таомилни жорий этиш бўйича шартларни, булар қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг мавжуд имкониятларини (қарздорнинг учинчи шахслардаги мулки ҳақида, дебиторлик қарзларини қайсисини кредиторлар фойдасига кўрсатилган тартиб бўйича ўтиши ёки ундирилиши мумкинлигини), мажбуриятларни бажаришга берилган таъминот миқдори 77-модда тўртинчи қисмида белгиланган миқдорга мувофиқлигини текширади.

Хўжалик суди суд санациясини жорий этиш тўғрисида ажрим қабул қилади.

Хўжалик суди суд санацияси муддатини белгилашда суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвалидаги муддатларни ҳисобга олиши зарур.

Суд санация қилувчи бошқарувчига ҳақ миқдорини аниқлашда кредиторлар йиғилишининг қарорида кўрсатилган ҳақ миқдори ва тартибидан келиб

чиқади. Шу билан биргаликда суд суд бошқарувчиси малакаси ва иш натижасига таъсир қиладиган бошқа сифатларини ва унинг олдидаги иш ҳажмини инобатга олиши лозим.

Хўжалик суди 75-модда учинчи қисми бўйича суд санациясини жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаришда санация қилувчи бошқарувчи номзоди таклиф этилмаслиги мумкин. Бу ҳолатда хўжалик суди ўзининг суд санацияси жорий этиш тўғрисидаги ажримида санация қилувчи бошқарувчини тайинлаш ва унинг ҳақ миқдорини кўрсатмаслиги мумкин. Хўжалик суди томонидан санация қилувчи бошқарувчи тайинлангунча, унинг мажбуриятларини муваққат бошқарувчи бажаради (*75-модда тўртинчи қисм*).

Суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги ажрим Қонуннинг 50-модданинг биринчи қисмида кўрсатилган суд ҳужжатлари қаторига киради, шунинг учун ушбу ажрим устидан ХПКда кўрсатилган тартибда шикоят қилиниши мумкин (*ОХСнинг 27.01.2006 йил 142-сонли Пленум қарори 21 ва 22-банди*). Шикоят бериш ажримларнинг ижросига таъсир қилмайди.

Суд бошқарувчисини суд санациясини жорий этиш ёки ташқи бошқарув билан бир вақтда тайинланган ҳолларда ва тегишли таомилни амалга ошириш тўғрисидаги ажримда суд бошқарувчисини тайинланиши тўғрисида кўрсатиб ўтилади. Агар банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар ва прокурор тайинланган суд бошқарувчиси номзодидан норози бўлсалар, Қонунда кўрсатилган тартибда суд бошқарувчисини тайинлаш қисмидан шикоят(протест) қилишлари мумкин (*ОХС Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарори 21-банд*).

Шуни эътиборга олиш керакки, суд санациясининг муддати кўрсатилган суд ажримининг қисми устидан ХПКда кўрсатилган тартибда шикоят қилиш мумкин, аммо ҳақ миқдори кўрсатилган қисми устидан шикоят қилиб бўлмайди.

Суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги ажримда суд санациясининг муддати кўрсатилиши керак. Суд санацияси суд санацияси режасидаги ва қарзни узиш жадвалига эътибор берган ҳолда йигирма тўрт ойдан кўп бўлмаган муддатга жорий этилади.

Шунингдек, хўжалик суди мажбуриятни бажарилишини таъминлашга рухсат берувчи кредиторларнинг талабини қондириш учун суд санация муддатини олти ойга узайтириши мумкин.

Суд санацияси муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига чиқиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколатига киради (*10-модда бешинчи қисмнинг тўртинчи хатбошиси*). Бундай қарор қабул қилиш учун қатъи талаблар қўйилган, масалан барча кредиторларнинг кўпчилик овози билан қарор қабул қилинади (*13-модда учинчи қисмнинг учинчи хатбошиси*).

Шундай қарор қабул қилган кредиторлар йиғилиши судга суд санацияси муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилади. Хўжалик суди суд санацияси муддатини узайтириш тўғрисида ажрим қабул

қилади. Бу ажрим устидан ХПКда кўрсатилган тартибда шикоят қилиш мумкин, чунки у 50-модда биринчи қисмида кўрсатилган суд ҳужжатларига киради (*ОХС Пленумининг27.01.2006 йил 142-сонли қарори 21, 22-бандлари*). Ажрим устидан шикоят қилиш унинг ижросига таъсир қилмайди.

79-*модда*. Суд санациясини жорий этиш оқибатлари

Суд санацияси ўтказилаётганда қарздорнинг бошқарув органлари ўз ваколатларини ушбу бобда белгиланган чекловлар билан амалга оширадилар.

Суд санацияси жорий этилган пайтда:

– кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари қабул қилинган чоралар бекор қилинади;

– қарздорнинг мол-мулкини хатлаш ва қарздорга нисбатан унинг ўзига тегишли мол-мулкни тасарруф этиш борасидаги ваколатларини бошқача тарзда чекловлар фақат банкротлик таомили доирасида жорий этилиши мумкин;

– суд санацияси пайтида юзага келган пул мажбуриятларини ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка (жарима, пеня) ва бошқа иқтисодий (молиявий) санкциялар, тўланиши лозим бўладиган фоизлар қўлланилмайди.

Қарзни узиш жадвалига мувофиқ қондирилиши лозим бўлган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредиторнинг талаблари суммасига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 327-моддасида назарда тутилган тартибда ва миқдорда фоизлар ҳисобланади. Бу фоизлар суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик суди ажрим чиқарган пайтдан эътиборан ва кредиторнинг талабини қаноатлантириш пайтигача, агар бундай қаноатлантириш рўй бермаса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиш пайтигача кредиторнинг талаблари суммасига қўшиб ёзилиши лозим.

Кредиторлар йиғилишининг, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларнинг ёки санация қилувчи бошқарувчининг қарздорнинг раҳбари суд санацияси режасини бажармаганлиги ёхуд лозим даражада бажармаганлиги ҳақидаги ёки қарздорнинг раҳбари қарздорнинг, кредиторларнинг, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган илтимосномасига биноан хўжалик суди қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштиришга ҳақли. Бундай ҳолларда хўжалик суди қарздорнинг раҳбари вазифасини ижро этишни санация қилувчи бошқарувчининг зиммасига юклашга ҳақли. Хўжалик суди қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш

тўғрисида ажрим чиқаради, бу ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси кредиторлар йиғилишининг ёхуд кредиторлар қўмитасининг розилигисиз қарздорни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ва тугатиш ҳақида қарор қабул қилишга, қарздор эса қуйидаги битимларни тузишга ҳақли эмас:

– кўчмас мол-мулкни ижарага, гаровга бериш, мазкур мол-мулкни хўжалик ширкатлари ҳамда масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятларнинг устав фондига (устав капиталига) улуш сифатида қўшиш ёки бундай мол-мулкни бошқача тарзда тасарруф этиш билан боғлиқ битимлар;

– қарздорнинг баланс қиймати қарздор активлари баланс қийматининг ўн фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулкини тасарруф этиш билан боғлиқ битимлар;

– заёмлар (кредитлар) олиш ва бериш, кафиллик ва кафолатлар бериш, талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш, қарзни бошқа шахсга ўтказиш, шунингдек қарздорнинг мол-мулкини ишончли бошқариш шартномасини тузиш билан боғлиқ битимлар;

– агар муайян битимларни тузишдан санация қилувчи бошқарувчи ёки кредиторлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор бўладиган бўлса, айни ана шундай битимлар.

Санация қилувчи бошқарувчи ва кредиторлар қарздорнинг битимларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Шарҳланаётган моддада суд санацияси жорий этиш оқибатларини, бошқарув органлари ва қарздорнинг муассиси(мулкдори)нинг айрим ваколатларини чеклаш белгиланган.

Суд санацияси ўтказиш вақтида қарздорнинг бошқарув органлари ушбу бобда назарда тутилган чекловлар билан ўзларининг ваколатларини амалга оширадилар.

Суд санацияси қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ва қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда кредиторлар олдидаги қарзини узиш мақсадида жорий этилади. Шарҳланаётган модданинг бу қисми қоидаси Қонуннинг 3-моддасида суд санацияси тушунчасининг ифодаси бўлиб ҳисобланади.

«Ушбу бобда белгиланган чекловлар» деганда шундай ҳолатлар назарда тутилганки, масалан Қонуннинг 79-моддаси бешинчи қисми ва 81-моддаси биринчи қисми олтинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолларда у ёки бу битимларни амалга ошириш учун кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) ёки санация қилувчи бошқарувчининг розилиги керак.

Иккинчи қисм санация жорий этиш оқибатларини белгилайди, айнан:

– кредиторлар талабларини қондириш бўйича илгари қабул қилинган чораларни бекор қилади. «Кредиторлар талабларини қондириш бўйича илгари қабул қилинган чоралар» деганда Қонуннинг 46-моддаси биринчи қисмида эслатиб ўтилган кредиторлар талабларини қондириш бўйича чоралар тушинилади. Кузатув вақтида қабул қилинган кредитор талабларни қондириш бўйича чоралар қонуннинг 46-моддаси учинчи қисми бўйича хўжалик суди банкротликнинг муайян бир таомилини жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаргунгача кучда қолади. Бу нарса шу билан изоҳланадики, банкротлик тўғрисидаги ишга суд санацияси жорий этилиши билан бошқа босқичга ўтади, қарздорнинг бошқарувчиси ва унинг муассиси (иштирокчиси) ёки мулк эгасини муайян чеклов учун чиқарилган ажрим, шунингдек, кредиторлар билан жадвалга мувофиқ тезкор ҳисоб-китоблар олиб бориш ва кредиторлар талабларини қондириш учун қабул қилинган чоралар иш учун тўсқинлик бўлиб хизмат қилиши керак эмас.

– қарздорнинг мулкини хатлаш ва қарздорнинг унга тегишли бўлган мулкни тасарруф этишни бошқача чеклашлар банкротлик доирасида истисно тариқасида ва суд ҳужжатига мувофиқ қўлланиши мумкин. Кредиторларнинг талаблари қарздорнинг мажбуриятларини узиш жадвалига мувофиқ узилади, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддаси 2-бандига мувофиқ бўйича қарздорнинг мулкини хатлаш бўйича ижро жараёни мажбурий тўхтатилиши лозим ва суд санацияси давомида ижро этиб бўлмайди.

– неустойка (жарима, пеня) ва мажбурий тўловлар бўйича пул мажбурияти ва мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги учун бошқа иқтисодий (молиявий) санкциялар, шунингдек, фоиз тўловлари ҳам суд санацияси даврида ҳисобланмайди.

Модомики суд санацияси адолатли ва кредиторлар талабларини мутаносиб қондиришга қаратилган таомил экан, кўрсатиб ўтилган ҳолатларни бузувчи битимларга чекловлар ўрнатиш зарурати бор. Бундан кўриниб турибдики, Қонуннинг 63-моддасида кўрсатилган натижаси сифатида ўрнатилган чекловлар суд санацияси жорий этилгандан кейин ҳам давом этади.

Қарзни узиш жадвалига мувофиқ қаноатлантирилиши лозим бўлган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар суммасига ФКнинг 327-моддасида кўрсатилган тартибда ва миқдорда фоизлар ҳисобланади. Бу қарзни узиш жадвалига мувофиқ талабни қондиришнинг кечиктирилиши натижасида етказилган зарарни қоплаш зарурати билан боғлиқдир.

Фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади (*ФК 327-моддаси иккинчи қисми*).

Бу фоизлар суд санацияси жорий этилган санадан кредиторлар талаблари қондирилгунга қадар ушбу таомил жараёнида, агарда бундай қарзни узиш амалга оширилмаса кредиторнинг банкротликни тан олиш ва тугатишга доир

иш юритиш тўғрисидаги қарор қабул қилунгунгача ҳисобланади. Қўшилган фоизлар талаблар реестрига киритилади ва кредиторлар йиғилишида овозларни аниқлаш учун ҳисобга олинади.

Хўжалик суди қарздорнинг раҳбарини кредиторлар йиғилиши, таъминот берган шахс ва санация қилувчи бошқарувчининг қуйида кўрсатилган ҳар қандай маълумоти бўйича илтимоснома билан мажбуриятини бажаришдан четлатиш мумкин. Қонуннинг 81-модда биринчи қисм саккизинчи хатбошиси санация қилувчи бошқарувчининг хўжалик судига ушбу моддада кўрсатилган ҳолатларда қарздорнинг бошқарувчисини четлатиш бўйича илтимоснома билан мурожаат қилишдаги мажбуриятларига тегишлидир. Бу қуйидагилар:

– қарздор раҳбарининг имкониятлари мавжуд бўлиб, суд санация режаси ёки қарзни узиш жадвалини лозим даражада ёки бажармаганлиги тўғрисида маълумот.

– қарздор, кредиторлар, мажбурият бажарилишини таъминловчи шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) тўғрисидаги маълумот.

Бундай ҳолларда хўжалик суди қарздор раҳбарининг бажараётган ваколатини санация қилувчи бошқарувчига юклашга ҳақли.

Хўжалик судининг қарздор раҳбарини четлатиш тўғрисидаги ажрим устидан Қонуннинг 60-моддаси бўйича шикоят қилиниши мумкин (*ОХС Пленумининг 142-сонли қарори 21-банди*).

Қонун қарздорнинг муассис(иштирокчи)лари, қарздор мол-мулкининг эгаси, қарздор томонидан битимларга суд санацияси даврида чекловлар белгилайди.

Суд санацияси таомилининг ўзига хос хусусияти, санация қилувчи бошқарувчисининг қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини олиб бериш рўй бермайди. Бошқа томондан таомил қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ва кредиторлар олдида қарзини узиш мақсадини қўяди, бу нуқтаи назардан эса қонун алоҳида ҳолларда битимлар тузишда кредиторлар йиғилиши ёки қўмитасининг розилиги талаб қилади.

Бундан ташқари, қонуннинг 81-моддаси биринчи қисми олтинчи хатбошиси суд бошқарувчисининг тегишли битим ва қарорлар бўйича ахборотларни кредиторларга тақдим этиш ва розилик беришни белгилайди. Яъни бунда эътибор қаратиш керакки, бундай ҳолларда нафақат кредиторлар йиғилиши(қўмитаси)нинг, шунингдек, санация қилувчи бошқарувчининг розилиги керак.

Қарздорнинг муассис (иштирокчи)лари ёки мулкнинг эгалари кредиторлари йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг розилигисиз қайта қилиш (қўшилиш, қўшиб олиш, бўлиниш, ажратиш, қайта ташкил этиш) ва қарздорни тугатишга ҳақли эмас, қарздор ушбу модданинг бешинчи қисмида кўрсатилган битимларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Санация қилувчи бошқарувчи ва кредиторлар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда қарздорнинг битимларини ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмини бузиб тузилган битимлар низоли ҳисобланади ва улар хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин (ФК 113-модда биринчи қисми). Шарҳланаётган қисмга асосан санация қилувчи бошқарувчи ва кредиторлар битимини ҳақиқий эмас деб топишни қарздордан талаб қилишга ҳақли. Мазкур қисмда фақат санация қилувчи бошқарувчининг хўжалик судига битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқи кўзда тутилган бўлса ҳам, агар битим низосиз, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган, бунда санация қилувчи бошқарувчи судга ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимнинг оқибатларини қўллаш ҳақида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бундай талаблар хўжалик судида ХПКда кўрсатилган тартибда банкротлик тўғрисидаги ишдан ташқари доирада, умумий тартибда кўрилади (*ОХС Пленумининг 142-сонли қарори 26-банди*).

Ушбу қўлланмада мазкур моддага қуйдаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– санация қилувчи бошқарувчининг қарздор раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш ҳақидаги илтимосномаси (қ а р а н г : 397-бет).

– қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисидаги ажрим намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 719-бет).

80-*модда*. Санация қилувчи бошқарувчи

Санация қилувчи бошқарувчиликка номзод кредиторлар йиғилиши ёки мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар томонидан хўжалик судига тақдим этилади.

Санация қилувчи бошқарувчи суд санацияси жорий этилган пайтдан эътиборан ва суд санацияси тугагунга қадар ёки муддатидан илгари тугатилгунга қадар фаолият юритади.

Санация қилувчи бошқарувчи ўз вазифасини бажаришдан аризасига биноан ёки кредиторлар йиғилишининг ёхуд мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларнинг илтимосномасига биноан, шунингдек, ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда хўжалик суди томонидан озод қилиниши мумкин. Хўжалик судининг санация қилувчи бошқарувчини ўз вазифасидан айни бир пайтда янги санация қилувчи бошқарувчини тайинлаган ҳолда озод қилиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин. Мазкур ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) унинг ижросини тўхтатиб қўймайди.

Суд санацияси пайтида қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши муносабати билан банкротлик тўғрисидаги иш юритишнинг тугатилиши санация қилувчи бошқарувчининг ваколатлари тугашига олиб келади.

Агар хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқарилган ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса ҳамда ташқи бошқарувчи ёки тугатиш бошқарувчиси этиб бошқа

шахс тайинланган бўлса, санация қилувчи бошқарувчи ишлар ташқи бошқарувчига ёки тугатиш бошқарувчисига ўтказиладиган пайтга қадар ўз вазифасини бажаришни давом эттириб туради.

Шарҳланаётган модда санация қилувчи бошқарувчиликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси, санация қилувчи бошқарувчининг мажбуриятларини бажаришдан озод қилиш тартиби ва унинг ваколати тугаши вақтини белгилайди.

Шарҳланаётган қисм Қонуннинг 72-модда биринчи қисм бешинчи хатбошиси ва 73-модда иккинчи қисм қоидалари билан ўзаро алоқадордир. Қонуннинг 72-моддаси биринчи қисм бешинчи хатбошиси кредиторларнинг биринчи йиғилиши мутлоқ ваколатига санация қилувчи бошқарувчиликка номзодни маъқуллашни киритади. Қонуннинг 73-моддаси иккинчи қисм эса кредиторларнинг биринчи йиғилиши хўжалик судига суд санациясини жорий этиш тўғрисида илтимос билан бирга, хўжалик судига муваққат бошқарувчини унинг мажбуриятларини бажаришдан озод қилиш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилишга ҳақлилигини белгилайди. Кредиторлар йиғилишининг кўрсатилган илтимосномасида хўжалик суди тайинлаши учун санация қилувчи бошқарувчининг номзоди таклиф этилиши мумкин.

Хўжалик судига кредиторлар йиғилишининг қарорисиз суд санациясини жорий этиш тўғрисида тўғридан-тўғри мурожаат қилинган ҳолларда 75-модда учинчи қисмга мувофиқ санация қилувчи бошқарувчиликка номзодни таъминот берувчи шахс, шунингдек, муассиси (иштирокчиси) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ёки учинчи шахс таклиф қилади.

Санация қилувчи бошқарувчи суд санацияси жорий этилганидан эътиборан ва суд санацияси тамомланишигача ёки уни муддатидан илгари тугатилгунга қадар бўлган фаолият юритади.

Қонуннинг 85, 87 ва 89-моддаларига мувофиқ суд санацияси тамомланиши ёки унинг муддатидан илгари тугатиш деганда, суд санацияси тўғрисида ажрим чиқариш, ташқи бошқарув жорий этиш тўғрисида ажрим ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш тўғрисида қарор қабул қилиш тушунилади.

Фақат агар ташқи бошқарув жорий этиш ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор чиқаришда хўжалик суди ташқи бошқарувчи ёки тугатиш бошқарувчиси сифатида бошқа шахсни тайинлаганда, санация қилувчи бошқарувчи ўзининг мажбуриятларини ташқи ёки тугатиш бошқарувчисига топширгунча давом эттиради.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми санация қилувчи бошқарувчи унинг мажбуриятларидан озод қилиш асосларини белгилайди. Келтирилган асослар тугал ҳисобланмай, хўжалик суди шунингдек, Қонуннинг 18-моддаси учинчи қисми, 21-модда биринчи қисми, шунингдек, 25-модда биринчи қисми еттинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар бўйича ҳам хўжалик суди санация қилувчи бошқарувчини озод қилишга ҳақли. Бу ҳолатда озод

қилишнинг аниқ асослари тўғрисида 18-модда учинчи қисм, 21-модда биринчи қисм ва 25-модда биринчи қисм шарҳларида баён этилган.

Хўжалик судининг санация қилувчи бошқарувчини озод қилиш ва янги санация қилувчи бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажримлари устидан Қонуннинг 60-моддасига мувофиқ шикоят қилиш мумкин. (*ОХС Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 21-банди*). Бу ажримлар устидан шикоят уларнинг ижросини тўхтатмайди.

Қонуннинг 92-модда биринчи қисм учинчи хатбошиси ва 128-модда олтинчи қисм анологиялари бўйича озод қилинган санация қилувчи бошқарувчи янги санация қилувчи бошқарувчи ўз мажбуриятларини бажара олишлиги учун уч иш куни ичида бухгалтерия ва бошқа қарздорнинг ҳужжатларини, муҳр ва штамп, моддий ва бошқа қимматликларини ўтказишни таъминлаши керак.

Суд санацияси даврида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш билан боғлиқ ҳолда банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тугатилиши санация қилувчи бошқарувчининг ваколатлари тугатилишга олиб келади.

Суд санацияси жараёнида қарздор тўлов қобилиятининг тикланиши билан банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилади (56-модда биринчи қисм иккинчи хатбошиси), шу муносабат билан санация қилувчи бошқарувчининг ҳам ваколати тугайди. Бу қисмда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари санация қилувчи бошқарувчининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда тугатилади: ташқи бошқарувчи жорий этиш тўғрисидаги ажрим ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш; модданинг учинчи қисми бўйича санация қилувчи бошқарувчининг озод қилиниши, 56-модда бўйича банкротлик тўғрисидаги иш юритишнинг тугатилиши бундан ташқари, 56-модда биринчи қисм иккинчи хатбошисида кўрсатилган, масалан, келишув битими тузилиши ҳолатларида.

Хўжалик суди ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрим чиқариш ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва бошқа шахсни ташқи бошқарувчи ёки тугатиш бошқарувчиси деб тайинлангунга қадар санация қилувчи бошқарувчи ўзининг мажбуриятларини ташқи ёки тугатиш бошқарувчисига топширгунча давом эттиради.

Қонуннинг 123-моддаси тўртинчи қисм қоидалари аналогияси бўйича санация қилувчи бошқарувчи ташқи бошқарувчи ёки тугатиш бошқарувчига суд бошқарувчиси тайинлангандан сўнг уч иш кунида ишларини топшириши шарт.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– кредиторлар вакилининг санация қилувчи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги кредиторлар йиғилиши илтимосномаси асосидаги мурожаати (қ а р а н г : 398-бет);

– санация қилувчи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 721-бет).

81-*модда.* Санация қилувчи бошқарувчининг ҳуқуқлари

Санация қилувчи бошқарувчи қуйидагиларга ҳақли:

қарздорнинг раҳбаридан қарздорнинг жорий фаолияти тўғрисида ва суд санацияси режасида назарда тутилган тадбирлар амалга оширилиши ҳамда қарзни узиш жадвали бажарилиши жараёни ҳақида ахборотни талаб қилиш;

– қарздорнинг раҳбаридан кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун пул маблағлари ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилишини талаб қилиш;

– қарздор томонидан мол-мулкнинг инвентаризацияси ўтказилган тақдирда унда иштирок этиш;

– кредиторлар жорий талабларини қарздор ўз вақтида бажариши устидан назоратни амалга ошириш;

– ушбу Қонун 79-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда қарздорнинг битимлари ва қарорларини келишиб олиш ҳамда мазкур битимлар ва қарорлар ҳақида кредиторларга ахборот тақдим этиш;

– ушбу Қонуннинг 59 ва 70-моддаларида белгиланган ҳолларда ва тартибда қарздорнинг кредиторлар талабларини тан олиш ёки бундай талабларни аниқланган деб топиш учун асосларни тасдиқлаш бўйича ҳаракатлари ёхуд қарздорнинг кредиторлар талабларини кўриб чиқиш борасидаги ҳаракатсизлиги устидан хўжалик судига шикоят бериш;

– ушбу Қонун 79-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш;

– қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш ҳақидаги, шу жумладан мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсларга ўтказиш, шунингдек бундай чораларни бекор қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш.

Санация қилувчи бошқарувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган модда суд санацияси таомилини ўтказиш жараёнида санация қилувчи бошқарувчининг ҳуқуқларини белгилайди. Ушбу моддада назарда тутилган нормалар Қонуннинг 19-моддаси биринчи қисми қоидаларига мос келади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида санация қилувчи бошқарувчининг суд санациясини ўтказиш жараёнидаги амалга ошириши мумкин бўлган ҳуқуқлари санаб ўтилган.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган санация қилувчи бошқарувчининг ҳуқуқларидан ташқари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

82-*модда*. Санация қилувчи бошқарувчининг мажбуриятлари

Санация қилувчи бошқарувчи:

– кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши;

– ушбу Қонуннинг 12-моддасида назарда тутилган ҳолларда кредиторларнинг йиғилишини чақириши;

– қарздор томонидан тақдим этилаётган суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвали бажарилиши жараёни ҳақидаги ҳисоботларни кўриб чиқиши ҳамда кредиторларнинг йиғилишига тегишли хулосаларни тақдим этиши;

– суд санацияси режаси амалга оширилишининг бориши ҳақида кредиторлар йиғилишига ва кредиторлар қўмитасига, шунингдек, агар корхона устав фондида давлат улуши бўлса, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига ахборот тақдим этиши шарт.

Санация қилувчи бошқарувчининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган модда суд санацияси таомилини ўтказиш жараёнида санация қилувчи бошқарувчининг мажбуриятларини белгилайди. Ушбу моддада назарда тутилган нормалар Қонуннинг 19-моддаси биринчи қисми қоидаларига мос келади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида суд санациясини ўтказиш жараёнидаги амалга ошириши мумкин бўлган мажбуриялари санаб ўтилган.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган санация қилувчи бошқарувчининг мажбуриятларидан ташқари қонун ҳужжатларида назарда бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига санация қилувчи бошқарувчининг суд санацияси (қ а р а н г : 519-бет).

83-*модда*. Суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвали

Қарздорнинг раҳбари, қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси томонидан тайёрланган суд санацияси режасида қарзни узиш жадвалига мувофиқ кредиторларнинг талабларини қондириш учун зарур бўлган маблағларни суд санацияси жараёнида қарздор томонидан олиш усуллари назарда тутилиши лозим. Суд санацияси режаси кредиторлар йиғилиши томонидан тасдиқланиши керак.

Суд санацияси режаси қарздорнинг корхонаси (бизнеси) ёки қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилишини назарда тутиши мумкин. Қарздорнинг корхонаси (бизнеси) ёки қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш ушбу Қонуннинг 110 ва 111-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Қарзни узиш жадвали барча кредиторлар олдидаги қарзнинг узилишини назарда тутиши керак. Қарзни узиш жадвали хўжалик суди томонидан тасдиқланиши лозим.

Қарздорнинг суд санацияси жараёнида юзага келган мажбуриятлари юзасидан кредиторларнинг талабларини қондириш ушбу Қонуннинг 133, 134 ва 169-моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қарздор қарзни узиш жадвалини муддатидан илгари бажаришга ҳақли.

Шарҳланаётган модда суд санацияси режасига ва қарзни узиш жадвали қўйилган талаблар, уларнинг тасдиқлаш тартиби, суд санацияси жараёнида кредиторлар талабларини қондириш тартиби, шунингдек, қарздорнинг қарзни узиш жадвалидаги муддатидан илгари бажариш ҳуқуқи белгиланган.

Суд санацияси режасини қарздорнинг раҳбари, қарздорнинг муассиси (иштирокчи)лари ёки мол-мулкининг эгаси суд санациясини жорий этиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат этиб тузади. Учинчи шахс томонидан суд санациясини жорий этиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат этганда суд санацияси режаси тақдим этиш талаб этилмайди (*76-модда, бешинчи қисм*).

Модомики, суд санациясининг асосий вазифаси қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ва барча кредиторлар талабларини қондириш экан, қарзни узиш жадвалига мувофиқ суд санациясига маблағларни тўплаш чоралари (шу жумладан товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш, иш ва хизматларни бажариш, заёмлар олиш, устав фондини ошириш ва бошқалар) киритилган бўлиши керак. Суд санацияси режасида улар қарзни қондиришга қаратилган бўлмаса ҳам тўлов қобилиятини тиклаш бўйича чоралар ҳам кўрсатилиши мумкин (ишлаб чиқаришни қайта соҳалаштириш, норентабел ишлаб чиқаришни ёпиш ва бошқалар).

Тузилган суд санацияси режаси кредиторлар йиғилишида тасдиқланиши керак.

Суд санацияси режаси корхона (бизнес)нинг сотилиши ёки қарздор мол-мулкининг қисми сотилиши кўрсатилиши мумкинлигини белгилайди. Корхона (бизнес) ёки қарздорнинг мулки қисмининг сотилиш тартибии 110 ва 111-моддалар билан белгиланган бўлиб, бу моддалар ташқи бошқарув жараёнида мазкур тартибнии белгиловчи қоидалар ҳисобланади.

Корхона (бизнес) ёки қарздор мол-мулкининг қисмини сотишдан олинган маблағ тугатиш массасига қўшилади ва 133, 134 ва 169-моддаларда белгиланган қаноатлантириш навбати бўйича тақсимланади.

Қарзни узиш жадвали барча кредиторлар олдида қарзни узишни кўзда тутиши керак. «Барча кредиторлар» деганда кредиторлар талаблари реестрига киритилган барча кредиторлар тушунилади. Кредиторлар талаблари реестрига ҳар бир кредитор ҳақида маълумот, пул мажбуриятлари ва (ёки мажбурий тўловлар бўйича улар талабларининг белгиланган миқдори, уларнинг ҳар бир талаблари қоноатлантириш навбати кўрсатилади (*14-модда, иккинчи қисм*).

Бу маълумотлар шунингдек, қарзни узиш жадвалига киритилади (қарзни узиш жадвалида талабни қаноатлантириш муддати кўрсатилади), яъни қарзни

узиш жадвалидаги маълумотлар кредиторлар талаблари реестридагилар билан айнан бир хил бўлади. Бундан кўриниб турибдики, суд санациясини жорий этиш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилаётган шахсларга кредиторлар талаблари реестри билан танишиш имкони берилади, ҳатто улар кредитор бўлмаса ҳам (*14-модда, бешинчи қисм*), чунки бу шахслар қарзни узиш жадвалини тайёрлаши керак (*76-модда шарҳига қаранг*).

Қарзни узиш жадвали хўжалик суди томонидан тасдиқланиши лозим.

Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми суд санацияси жараёнида вужудга келган қарздорлар мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондириш тартибини белгилайди, яъни суд санациясини жорий этишдан кейин вужудга келган ва қарзни узиш жадвалида назарда тутилмаган.

84-*модда*. Қарзни узиш жадвалига ўзгартиришлар киритиш

Қарздор қарзни узиш жадвалини бажармаган ҳолларда (қарзнинг белгиланган муддатларда ва (ёки) белгиланган ҳажмларда узилмаганлиги), қарздор талабларни бажариш санаси бошланган пайтдан эътиборан икки ҳафта муддат ичида қарзни узиш жадвалига киритиш мўлжалланаётган ўзгартиришларни маъқуллаш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторларга мурожаат қилишга ҳақли. Илтимосноманинг нусхаси санация қилувчи бошқарувчига юборилади. Санация қилувчи бошқарувчи илтимоснома олинган пайтдан эътиборан икки ҳафтадан кечиктирмай шу илтимоснома асосида кредиторлар йиғилишини чақиради. Қарзни узиш жадвалига ўзгартиришлар киритиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда кредиторлар йиғилиши қарзни узиш жадвалига оид ўзгартиришларни тасдиқлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

Банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ҳақида ўз вақтида хабар қилинмаган ва қарзни узиш жадвали хўжалик суди томонидан тасдиқланганидан кейин ишга қўшилган кредиторнинг талаблари ёки мажбуриятларни бажариш муддати кузатув жараёнида бошланган талаблар хўжалик судининг ажрими асосида қарзни узиш жадвалига киритилади.

Хўжалик суди фақат кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган талаблар хусусида қарзни узиш жадвалига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли.

Шарҳланаётган модда қарзни узиш жадвалига ўзгартириш ва қўшимча киритиш асоси ва тартибини белгилайди.

Шарҳланаётган моддага асосан қарзни узиш жадвалига ўзгартириш ва қўшимча киритиш асослари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– қарздор қарзни узиш жадвалини бажармаганда;

– банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ҳақида ўз вақтида хабар қилинмаган ва қарзни узиш жадвали хўжалик суди томонидан тасдиқ-

ланганидан кейин ишга қўшилган кредиторнинг талаблари ёки мажбуриятларни бажариш муддати кузатув жараёнида бошланган талаблар тушганда.

Агар биринчи ҳолатда қарзни узиш жадвалига ўзгартириш киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади кейин ўзгартириш суд томонидан тасдиқланса, иккинчи ҳолатда эса кредитор талаби суд ажрими билан жадвалга кириталади.

Бу ерда шуни инобатга олиш керакки, хўжалик суди фақат кредиторлар талаблари реестрига киритилган талабларга нисбатан қарзни узиш жадвалига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги ажрим чиқаришга ҳақли.

Хўжалик судининг қарзни узиш жадвалига ўзгартиришларни тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими шикоят қилиниши (протест қилиниши) мумкин эмас (*ОХС Пленумининг 142-сонли қарорининг 21-банди*).

Қарзни узиш жадвалига ўзгартириш киритиш мажбуриятларни бажаришнинг берилган таъминоти миқдорига таъсир қилмайди ва Қонуннинг 77-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ мажбуриятларни бажаришнинг берилган таъминотини тугатиш учун асос бўлмайди.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– қарзни узиш жадвалидаги ўзгартиришларни тасдиқлаш ҳақидаги илтимоснома билан судга мурожаат этиш юзасидан кредиторлар йиғилишининг баённомаси (қ а р а н г : 400 -бет).

– қарздорнинг қарзни узиш жадвалига ўзгартиришларни маъқуллаш тўғрисидаги кредиторларга илтимосномаси (қ а р а н г : 399-бет);

– қарзни узиш жадвалига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 724-бет).

85-*модда*. Суд санациясининг муддатидан илгари тамомланиши

Кредиторларнинг қарзни узиш жадвалида назарда тутилган барча талаблари суд санациясининг хўжалик суди томонидан белгиланган муддати ўтишидан олдин қарздор томонидан қаноатлантирилган тақдирда қарздорнинг раҳбари суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақида ушбу Қонуннинг 87-моддасида назарда тутилган тартибда хўжалик судига ҳисобот тақдим этади. Қарздор раҳбарининг суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақидаги ҳисоботи ва кредиторларнинг шикоятлари хўжалик суди томонидан мажлисда кўриб чиқилади.

Санация қилувчи бошқарувчи талаблари қарзни узиш жадвалига киритилган барча кредиторларни қарздор раҳбарининг суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқувчи суд мажлисининг санаси, вақти ва жойи тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилиши шарт.

Қарздор раҳбарининг суд санациясини муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақидаги ҳисоботини, шунингдек, кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш якунлари асосида хўжалик суди:

– агар узилмаган қарз қолмаганлиги аниқланган, кредиторларнинг шикоятлари эса асоссиз деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлайди ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатади;

– агар узилмаган қарз борлиги аниқланган ва кредиторларнинг шикоятлари асосли деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этади.

Қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ёки мазкур ҳисоботни тасдиқлашни рад этиш ҳақида хўжалик суди ажрим чиқаради, бу ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Шарҳланаётган модда қарздор раҳбарининг суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги тўғрисидаги ҳисоботни хўжалик судига тақдим қилиш асослари ва тартибини ҳамда уни хўжалик судида кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

Хўжалик суди томонидан суд санацияси муддати тугагунга қадар қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторларнинг барча талаблари қарздор томонидан қаноатлантирилгандагина суд санацияси муддатидан илгари тамомланади.

Бу ҳолатда қарздор раҳбари хўжалик судига суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги тўғрисидаги ҳисоботни Қонуннинг 97-моддасида белгиланган тартибда тақдим қилади. Гарчи Қонунда қарздор раҳбарининг ҳисоботни тақдим қилиш муддати аниқ белгиланмаган бўлса-да, ташқи бошқарувчи билан анология асосида (*117-модда биринчи қисм*) шуни тахмин қилиш мумкинки, агар қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторлар талаблари қарздор томонидан муддатидан илгари тўланса, қарздорнинг раҳбари судга ҳисоботни асос вужудга келгандан кейин ўн беш кун ичида тақдим қилади.

Қонуннинг 87-моддаси биринчи қисмида белгиланган тартибга мувофиқ суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги тўғрисидаги ҳисоботга қарздорнинг охирги бухгалтерия баланси, қарздорнинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи, кредиторлар талаблари реестри билан узилган талаблар ҳажми ва узишни тасдиқловчи ҳужжатлар, қарздор раҳбарининг ҳисоботи бўйича санация қилувчи бошқарувчи хулосаси, талаби қаноатлантирилмаган кредиторлар арзлари илова қилиниши зарур.

Суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги тўғрисидаги ҳисоботга санация қилувчи бошқарувчининг ушбу ҳисобот бўйича хулосаси илова қилиниши зарурлигини эътиборга олиб, қарздорнинг раҳбари санация қилувчи бошқарувчига юқоридаги ҳужжатларни хўжалик судига берилгунга қадар тақдим қилиши керак.

Қарздор раҳбарининг суд санацияси муддатидан илгари тамоманганлиги тўғрисидаги ҳисоботи ва кредиторлар шикояти хўжалик судининг мажлиси-

да кўриб чиқилади ва Қонун санация қилувчи бошқарувчи талаблари қарзни узиш жадвалига киритилган барча кредиторларни қарздор раҳбарининг суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқувчи суд мажлисининг санаси, вақти ва жойи тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилиши шартлигини белгилайди.

Қонунда санация қилувчи бошқарувчи томонидан кредиторларни қарздор раҳбарининг суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги тўғрисидаги ҳисобот суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида хабордор қилиш тартибни белгиловчи норма мавжуд эмас, шу муносабат билан санация қилувчи бошқарувчи ишда иштирок этувчиларни суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш тартибини ўрнатувчи ХПКнинг 124-моддаси белгилаган нормаларига асосланиши зарур. Ушбу модданинг биринчи қисми бўйича, ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида маълум қилинадиган буюртма хат билан юбориладиган суднинг ажрими орқали хабардор қилинади.

Хўжалик судига қарздор раҳбарининг суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги тўғрисидаги ҳисобот ва унга илова қилинган ҳужжатлар келиб тушганидан кейин суд мажлиси санасини белгилайди ҳисобот ва кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш натижаси бўйича шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида назарда тутилган қарорлардан бирини қабул қилади.

Қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш 50-модданинг биринчи қисми олтинчи хатбошида келтирилган «Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим»га тааллуқли ва унга ХПКнинг нормаларидан келиб чиқиб шикоят аризаси берилиши мумкин, қарздор раҳбари ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан Қонуннинг 60-моддасига мувофиқ шикоят килиниши мумкин (*ОХС Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарорининг 21 ва 22-бандлари*).

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– қарздор раҳбарининг суд санацияси;

– қарздор раҳбарининг суд санацияси;

– суднинг қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрими (қ а р а н г : 726-бет);

– суднинг қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги ажрими (қ а р а н г : 729-бет);

86-*модда*. Суд санациясини муддатидан илгари тугатиш

Суд санациясини муддатидан илгари тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

– кредиторлар талабларини қаноатлантиришнинг қарзни узиш жадвалида белгиланган муддатлари суд санацияси

(қ а р а н г: тузиш тўғрисидаги баённомаси (қ а р а н г: Қонуннинг 45-моддаси олтинчи қисми ва 42-моддаси талабларига мувофиқ бўлмаганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини қайтариш тўғрисида суд ажрими(қаранг: муддатини узайтириш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г: ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар тўғрисидаги аризаси(қаранг: ўтказилиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хўжалик судига хабари (қ а р а н г: суднинг ажрими (қ а р а н г: таомили жорий этилиши ҳақида ажрим чиқарилганлиги тўғрисида кредиторларга хабарнома намунаси илова қилинган. (қ а р а н г: муддати кўрсатилган суд санацияси режаси (қ а р а н г: бажарилишини муассислар (иштирокчилар) томонидан таъминланиши ҳақидаги ҳужжат (қ а р а н г: режасининг татбиқ этилишини кечиши ҳақида кредиторлар йиғилишига ахбороти намунаси илова қилинган. (қ а р а н г: муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақидаги ҳисоботи (қ а р а н г: 345**) жараёнида қарздор томонидан бир неча марта ёки бир марта жиддий равишда (бир ойдан ортиқ муддатга) бузилганлиги; – қарздор қарзни узиш жадвалини бажаришга қодир эмаслигидан аниқ-равшан далолат берувчи ҳолатларнинг мавжудлиги.**

Санация қилувчи бошқарувчи ўз ташаббусига кўра ёки кредиторлар қўмитасининг қарори асосида ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асослар юзага келган пайтдан эътиборан икки ҳафта ичида суд санациясини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун кредиторлар йиғилишини чақириши шарт.

Қарздорнинг раҳбари кредиторлар йиғилишига қарзни узиш жадвали ва суд санацияси режаси бажарилишининг якунлари тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт. Ҳисоботга қарздорнинг сўнгги ҳисобот санасидаги ҳолатга кўра бухгалтерия баланси, қарздорнинг даромадлари (фойдаси) ва зарарлари ҳақидаги ҳисобот, қаноатлантирилган талаблар миқдори кўрсатилган ҳолда кредиторларнинг талаблари реестри ва кредиторлар талаблари қаноатлантирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак. Қарздор раҳбарининг ҳисоботи билан бир вақтда санация қилувчи бошқарувчи кредиторларнинг йиғилишига қарздор раҳбарининг ҳисоботи юзасидан ўз хулосасини тақдим этади.

Кредиторлар йиғилиши қарздор раҳбарининг ҳисоботини, шунингдек, санация қилувчи бошқарувчининг мазкур ҳисобот бўйича хулосасини кўриб чиқиш якунларига кўра ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш-

ни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Кредиторлар йиғилишининг илтимосномасига кредиторлар йиғилиши баённомасининг нусхаси, шунингдек, кредиторлар йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорга қарши овоз берган ёки ушбу масала юзасидан овоз беришда иштирок этмаган кредиторларнинг шикоятлари илова қилинади.

Хўжалик суди кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси асосида ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаради ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шарҳланаётган модда суд санациясини муддатидан илгари тугатиши асосларини, қарздорнинг раҳбари кредиторлар йиғилишига қарзни узиш жадвали ва суд санацияси режаси бажарилишининг якунлари тўғрисида ҳисоботини кўриб чиқиш тартибини, шунингдек кредиторлар йиғилиши илтимосномасини кўриб чиқиш натижаси бўйича қабул қилиниши мумкин бўлган суд ҳужжатларини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида суд санациясини муддатидан илгари тугатиши учун асослари рўйхати келтирилган пайтдан эътиборан икки ҳафта ичида санация қилувчи бошқарувчи ўз ташаббусига кўра ёки кредиторлар қўмитасининг қарори асосида суд санациясини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун кредиторлар йиғилишини чақириши шарт.

Бу ҳолатда қарздорнинг раҳбари санация қилувчи бошқарувчига ва суд санациясини муддатидан илгари тугатиш масаласини кўриб чиқиш мақсадида чақираладиган кредиторлар йиғилишига шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар илова қиланадиган қарзни узиш жадвали ва суд санацияси режаси бажарилишининг якунлари тўғрисида ҳисоботни тақдим этишга мажбур.

Санация қилувчи бошқарувчи қарздор раҳбарининг ҳисоботини тақдим қилиш билан бирга ушбу ҳисобот асосида ўз хулосасини кредиторлар йиғилишига тақдим қилади.

Кредиторлар йиғилиши қарздор раҳбарининг ҳисоботини кўриб чиқиш натижаларидан келиб чиқиб, ушбу ҳисобот бўйича санация қилувчи бошқарувчининг хулосаси асосида ташқи бошқарувни жорий қилиш тўғрисида ёки қарздорни банкрот деб топиши ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

Кредиторлар йиғилиши, шарҳланаётган моддада назарда тутилмаган бўлса ҳам, келишув битимини тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш (*145-модданинг иккинчи қисми*) ёки кредиторлар билдирган талабларидан воз кечган ҳолда иш юритишни тугатиш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Кредиторлар йиғилиши илтимосномасига кредиторлар йиғилиши баённомасидан нусха, шунингдек, кредиторлар йиғилишининг қабул қилган қарорига қарши овоз берган ёки ушбу масала юзасидан овоз беришда қатнашмаган кредиторларнинг шикоятлари илова қилинади. Илтимосномага яна Қонуннинг 10-моддаси ўнинчи қисмида кўзда тутилган ҳужжатлар илова қилинади. Кредиторлар йиғилиши баённомаси ва илова қилинган ҳужжатлар кредиторлар йиғилиши олиб борилган кундан беш кун муддат ичида хўжалик судига тақдим қилинади (*Қонуннинг10-моддаси ўн биринчи қисми*).

Қонуннинг 85-моддасидан фарқ қилиб, суд санациясини муддатидан илгари тугатишда Қонун кредиторлари суд муҳокамаси вақти ва жойи тўғрисида кредиторларни хабардор қилиш тўғрисида санация қилувчи бошқарувчининг мажбуриятини назарда тутмайди, чунки суд санациясини муддатидан илгари тугатишда уларнинг суд муҳокамасида иштироки мажбурий эмас.

Хўжалик суди кредиторлар йиғилишининг илтимосномасини кўриб чиқиш натижалари бўйича ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Кредиторлар йиғилиши томонидан келишув битимини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолатда хўжалик суди келишув битимни тасдиқлаш ва банкротлик бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим (*145-модданинг бешинчи қисми*), агар кредиторлар йиғилишида барча кредиторлар томонидан билдирилган талабларини рад этиш муносабати билан суд санациясининг тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган ҳолда, иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради (*Қонуннинг 56-моддаси бешинчи қисми*).

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– қарздор раҳбарининг кредиторлар йиғилишига қарзни узиш жадвали (қ а р а н г : 403-бет);

– ташқи бошқарув (қ а р а н г : 405-бет);

– санация қилувчи бошқарувчининг қарздор раҳбарини ҳисоботи юзасидан хулосаси (қ а р а н г : 521-бет);

– суднинг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрими (қ а р а н г : 732-бет);

– қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори (қ а р а н г : 735-бет);

87-*модда*. Суд санациясининг тамомланиши

Суд санациясининг белгиланган муддати тугашига камида ўн беш кун қолганида қарздорнинг раҳбари ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисида хўжалик судига ҳисобот тақдим этиши шарт. Мазкур ҳисоботга қарздорнинг сўнгги санадаги ҳолатга кўра бухгалтерия баланси, қарздорнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот, қаноатлантирилган талаблар миқдори ва мазкур қаноатлантиришни

тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилган ҳолда кредиторларнинг талаблари реестри, санация қилувчи бошқарувчининг қарздор раҳбари ҳисоботи бўйича хулосаси, талаблари қаноатлантирилмаган кредиторларнинг шикоятлари илова қилиниши лозим. Қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисидаги ҳисоботи ва кредиторларнинг шикоятлари хўжалик суди томонидан мажлисда кўриб чиқилади.

Санация қилувчи бошқарувчи талаблари қарзни узиш жадвалига киритилган барча кредиторларни қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқувчи суд мажлисининг санаси, вақти ва жойи тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилиши шарт.

Қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини, шунингдек, кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш якунлари асосида хўжалик суди:

– агар узилмаган қарз қолмаганлиги аниқланган, кредиторларнинг шикоятлари эса асоссиз деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлайди ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради;

– агар узилмаган қарз борлиги аниқланган ва кредиторларнинг шикоятлари асосли деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этади.

Хўжалик суди қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этган тақдирда ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор чиқаради.

Шарҳланаётган модда хўжалик судига суд санациясининг муддати тугаши билан қарздорнинг раҳбари ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисида хўжалик судига ҳисобот тақдим этиш тартибини ҳамда хўжалик суди томонидан ҳисоботни кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми суд санациясининг белгиланган муддати тугашига камида ўн беш кун қолганида қарздорнинг раҳбари ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисида хўжалик судига шарҳланаётган моддада санаб ўтилган ҳужжатлар илова қиланадиган мазкур ҳисоботни тақдим этиши шартлигини белгилайди.

Гарчи Қонун қарздорнинг раҳбари томонидан санация қилувчи бошқарувчига ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим қилиш муддатининг (ўн беш кундан кеч бўлган муддатда) бузилиши оқибатларини назарда тутмасада, ҳисоботни тақдим қилиш учун белгиланган муддат бузилган бўлса ҳам ҳисобот кўриб чиқилиши керак.

Агар қарздорнинг раҳбари суд санацияси муддати тугагандан кейин ҳам санация қилувчи бошқарувчига суд санациясини ўтказиш натижалари тўғрисида ҳисобот тақдим қилмаган бўлса, санация қилувчи бошқарувчи

ташқи бошқарувни жорий этиш ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш ваколатига эга бўлган кредиторлар йиғилишини чакиришга ҳақли бўлади.

Модомики, суд санациясини ўтказиш натижалари борасидаги ҳисоботга мазкур ҳисобот юзасидан санация қилувчи бошқарувчининг хулосаси илова қилиниши зарур экан, у ҳолда қарздорнинг раҳбари санация қилувчи бошқарувчига юқоридаги кўрсатилган ҳужжатларни хўжалик судига тақдим қилингунига қадар топширади. Санация қилувчи бошқарувчи қарздорнинг раҳбари томонидан топширилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва қарздорнинг раҳбарига ушбу ҳисобот юзасидан ўз хулосасини тақдим қилади.

Талаблари қаноатлантирилмаган кредитор шикояти мавжуд бўлганда, ушбу шикоятни ҳисоботга қўшиш ва судга тақдим қилиш учун қарздорнинг раҳбарига ёки санация қилувчи бошқарувчига берилади.

Қарздор раҳбарининг суд санациясини ўтказиш якунлари тўғрисидаги ҳисоботи ва кредиторлар шикояти хўжалик судининг мажлисида кўриб чиқилади ва Қонун санация қилувчи бошқарувчи талаблари қарзни узиш жадвалига киритилган барча кредиторларни қарздор раҳбарининг суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқувчи суд мажлисининг санаси, вақти ва жойи тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилиши шартлигини белгилайди.

Қонунда санация қилувчи бошқарувчи томонидан кредиторларни қарздор раҳбарининг суд санацияси тамомланиши тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқиладиган суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида хабордор қилишни тартибга солувчи норма мавжуд эмас, шу муносабат билан санация қилувчи бошқарувчи ишда иштирок этувчиларни суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш тартибини ўрнатувчи ХПКнинг 124-моддаси белгилаган нормаларига асосланиши зарур. Ушбу модданинг биринчи қисми бўйича, ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан юбориладиган суднинг ажрими орқали хабардор қилинади.

Хўжалик судига қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини ва унга илова қилинган ҳужжатлар келиб тушгандан кейин суд муҳокома кунини белгилайди ва уни кўриб чиқиш якунлари асосида шарҳланаётган моддада кўрсатилган қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин.

Қонунда қарздор раҳбари тақдим қилган ҳисоботни кўриб чиқиш бўйича суд муҳокамасини ўтказишнинг алоҳида муддати белгиланмаган. Аммо суд мажлиси суд санацияси тамомланишининг охирги муддатидан олдин ўтказилиши керак деб ҳисобланади.

Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш рад этилса, хўжалик суди қуйидаги суд ҳужатларидан бирини қабул қилишини белгилайди:

– қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш имконияти мавжуд бўлганда, ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида ажрим;

– ташқи бошқарувни жорий этиш учун асослар йўқлигида ва Қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган банкротлик аломатлари мавжудлигида, қарздорнинг банкротлигини тан олиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги қарор.

Ҳисоботни ва шикоятларни кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим, ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрим ва қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарори устидан ХПК нормларига мувофиқ шикоят қилиниши мумкин.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси (қ а р а н г : 407-бет);

– суднинг қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрими (қ а р а н г : 738-бет);

– қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш ва ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрим (қ а р а н г : 741-бет);

– қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори (қ а р а н г : 744-бет).

88-*модда*. Мажбуриятларнинг таъминот берган шахслар томонидан бажарилиши

Кредиторларнинг таъминот берган шахслардан мажбуриятлар бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқи хўжалик суди суд санациясини тугатиш ёки тамомлаш тўғрисида ажрим чиқарган пайтдан эътиборан юзага келади. Мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларга нисбатан талаблар кредиторлар йиғилишининг (кредиторлар қўмитасининг) вакили ёки санация қилувчи бошқарувчи томонидан тақдим этилади.

Мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларнинг мажбуриятларни бажариши натижасида олинган пул маблағлари кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш мақсадида қарздорнинг ҳисобварағига ўтказилади. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қарздор томонидан ушбу Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Санация қилувчи бошқарувчи кредиторлар талабларининг қаноатлантирилганлиги далиллари тақдим этилган пайтдан эътиборан кредиторларнинг талаблари реестрига тегишли ёзувни киритади.

Шарҳланаётган модда қарздорнинг мажбуриятларини бажариши бўйича таъминот берган шахсларда мажбуриятнинг вужудга келиш пайтини белгилайди, шунингдек, мазкур шахслар томонидан мажбуриятларнинг бажарилиши натижасида олинган маблағлар ҳисобига кредиторлар билан ҳисоб-китоб ўтказиш тартибини қайд қилади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми кредиторларнинг таъминот берган шахслардан мажбуриятларни бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқи

хўжалик суди суд санациясини тугатиш ёки тамомлаш тўғрисида ажрим чиқарган пайтдан эътиборан юзага келишини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида келтирилган суд санациясининг тугатиш ёки тамомлаш тўғрисидаги ажримнинг хўжалик суди томонидан чиқарилган пайтидан эътиборан кредиторлар йиғилиши (кредиторлар қўмитаси) вакили ёки санация қилувчи бошқарувчи таъминот берган шахслардан мажбуриятларни бажаришни талаб қилиши мумкин.

Суд санацияси шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига мувофиқ суд санациясини тугатиш ёки тамомлаш тўғрисидаги ажримнинг хўжалик суди томонидан чиқарилиши билан тугамайди ҳамда таъминотни берган шахслар суд санацияси муддати доирасида мажбуриятларни бажарадилар.

Агар таъминотни берган шахслар мажбуриятларнинг бажарилишини суд санациясининг дастлабки муддатида улгурмаса, у ҳолда суд санацияси суд ажрими билан олти ойдан ошмаган вақтга узайтирилиши мумкин (*78-модда тўртинчи қисм*).

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб учун узайтирилган муддат суд санацияси муддатига киради.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ таъминотни берган шахслар кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришда улар билан тўғридан-тўғри тўловни амалга оширмайди, балки қарздорнинг банк ҳисобига тегишли маблағларни ўтказадилар, қарздор эса кредиторлар билан ҳисоб-китобни амалга оширади. Таъминот мулк билан амалга оширилган пайтда, гаров нарсасининг сотилишидан олинган маблағлар банк ҳисобига ўтказилади ва қарздор кредиторлар билан ушбу маблағлар ҳисобидан ҳисоб-китобни амалга оширади.

Таъминотни берган шахслардан олинган маблағлар шунингдек, қарздорнинг маблағлари ҳисобидан ҳисоб-китоб олиб борилганда Қонуннинг 133 ва 134-моддаларида ўрнатилган қаноатлантириш навбатига мувофиқ тақсимланади.

Кредиторлар талабларини қаноатлантириш бўйича далиллар тақдим қилинган вақтдан санация қилувчи бошқарувчи кредиторлар талаблари реестрига тегишли қайдни киритади.

Қарздор раҳбари таъминот берган шахслардан олинган маблағлар ҳисобига кредиторлар талабларини қаноатлантирилгандан кейин санация қилувчи бошқарувчига тегишли далилларни тақдим қилиши керак.

Таъминотни берган шахслар ушбу моддага биноан ўз мажбуриятларини бажариб, ушбу мажбурият юзасидан кредиторлар ҳуқуқига ва гаровга олувчи сифатида кредиторга тегишли бўлган кредитор талабини қаноатлантирган ҳажмда ҳуқуқларига эга бўладилар (*ФКнинг 295-моддаси биринчи қисми*).

Таъминотни берган шахслар томонидан мажбуриятларни хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда бажарилганида, ҳамда кредиторлар талаблари реестрига киритилган барча кредиторлар талабларининг қаноатлантирилишида банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилади (*Қонуннинг 89-моддаси иккинчи қисм иккинчи хатбошиси*).

Таъминот берган шахснинг талаблари банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилгандан кейин умумий тартибда банкротлик тўғрисидаги иш доирасидан ташқарида қарздорга тақдим қилиниши мумкин.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларга кредиторлар йиғилиши вакилининг талаби (қ а р а н г : 409-бет);

– санация қилувчи бошқарувчининг таъминотни тақдим этган шахсларга йўналтирилган мажбуриятларнинг ижро этилиши ҳақидаги талабномаси (қ а р а н г : 522-бет);

– суд санациясини тамомлаш тўғрисидаги ажрим (қ а р а н г : 748-бет).

89-*модда*. Таъминотдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш якунлари тўғрисидаги ҳисобот

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тамомлангач ёки хўжалик суди томонидан кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун белгиланган муддат ўтгач, санация қилувчи бошқарувчи қарздорнинг мажбуриятларни шахслар томонидан таъминот берилган ҳолда бажариши якунлари тўғрисида хўжалик судига ҳисобот тақдим этиши шарт. Санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботи ва кредиторларнинг шикоятлари хўжалик суди томонидан мажлисда кўриб чиқилади. Ҳисоботга доир талаблар, шунингдек, уни тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартиби ушбу Қонуннинг 116 ва 117-моддаларида белгиланади.

Санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини, кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш якунлари асосида хўжалик суди:

– агар узилмаган қарз қолмаганлиги аниқланган, кредиторларнинг шикоятлари эса асоссиз деб топилган бўлса, санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлайди ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради;

– агар узилмаган қарз борлиги аниқланган ва кредиторларнинг шикоятлари асосли деб топилган бўлса, санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этади ҳамда ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаради ёхуд қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шарҳланаётган модда санация қилувчи бошқарувчининг хўжалик судига таъминотни берувчи шахслар томонидан мажбуриятларнинг бажарилиши натижалари ҳақида ҳисоботни тақдим этиш тартибини, шунингдек, хўжалик суди томонидан ҳисоботни кўриш тартибини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми санация қилувчи бошқарувчи томонидан қарздорнинг мажбуриятларни бажарилиши натижалари тўғрисида ҳисобот тақдим қилишнинг иккита асосини белгилайди:

– олинган маблағлар кредиторлар талабларини қондириш учун етарли бўлганда ва суд томонидан белгиланган муддат тугагунча кредиторлар билан ҳисоб-китоб амалга оширилган;

– талаблар қондирилмаган, аммо хўжалик суди томонидан белгиланган талабларни қондириш муддати тугаган.

Шунга эътибор қаратиш лозимки, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатда суд санацияси режасини ва қарзни узиш жадвалини амалга ошириш натижалари борасида қарздорнинг раҳбари ҳисобот тузмайди, шунингдек, таъминотни берган шахслар мажбуриятларни бажариши натижалари тўғрисида санация қилувчи бошқарувчи ҳисоботи ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар кредиторлар йиғилишига эмас, балки бевосита хўжалик судига тақдим қилинади.

Қонун санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботи мазмунига аниқ талаблар қўяди ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхатини беради, чунки шарҳланаётган қисмда ҳисоботга талаблар ва уни тақдим қилиш ва кўриб чиқиш тартиби Қонуннинг 116 ва 117-моддаларида белгиланган, яъни худди ташқи бошқарув таомилидагидек (ушбу моддалар шарҳига қаранг). Бироқ бу ҳолда, ташқи бошқарувчи томонидан ҳисоботни тақдим қилиш тартибидан фарқли равишда санация қилувчи бошқарувчи ҳисоботни кредиторлар йиғилишига эмас, балки судга тақдим қилади.Ҳисоботнинг мазмунига келсак, унда санация қилувчи бошқарувчи ҳисоботда таъминотни берган шахслар томонидан ўз мажбуриятларини бажаришлари тўғрисида маълумот, пул маблағларининг кирими миқдори ва уларнинг кредиторлар орасида ўзаро тақсимланиши тўғрисида, шунингдек, реестрга киритилган кредиторлар талабларини қаноатлантириш тўғрисида бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботи ва кредиторларнинг шикояти хўжалик суди мажлисида кўриб чиқилади. Агарда санация қилувчи бошқарувчига кредиторлардан қандайдир шикоят келиб тушган бўлса, ҳисобот билан биргаликда судга тақдим этилади.

Қонунда санация қилувчи бошқарувчи томонидан кредиторларни суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида хабордор қилиш тартибини белгиловчи норма мавжуд эмас. Аммо санация қилувчи бошқарувчи кредиторлардан шикоят тушганда ушбу кредиторларни суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида ХПКнинг 124-моддаси белгилаган тартибда хабардор қилинади.

Хўжалик судига санация қилувчининг ҳисоботи ва унга илова қилинган ҳужжатлар келиб тушгандан кейин суд суд мажлиси санасини белгилайди ва ҳисоботни ва кредиторлар шикоятини кўриб чиқиш натижаси бўйича шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган қарорлардан биттасини қабул қилади.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– санация қилувчи бошқарувчининг таъминотни тақдим этган шахслар томонидан қарздор мажбуриятлари бажарилишининг якунлари тўғрисидаги ҳисоботи (қ а р а н г : 524-бет);

– суднинг санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори (қ а р а н г : 752-бет);

– суднинг санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш ва ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги қарори (қ а р а н г : 755-бет);

– қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори (қ а р а н г : 758-бет).

90-*модда*. Таъминот берган шахсларнинг мажбуриятларни бажармаслиги оқибатлари

Мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар томонидан шу таъминотдан келиб чиқадиган мажбуриятлар кредиторларнинг талабларини қондириш учун хўжалик суди белгилаган муддатда бажарилмаган ҳамда ташқи бошқарувни жорий этиш учун асослар бўлмаган тақдирда, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар томонидан шу таъминотдан келиб чиқадиган мажбуриятлар кредиторларнинг талабларини қондириш учун хўжалик суди белгилаган муддатда бажарилмаганлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу шахсларнинг қарздорнинг кредиторлар олдидаги мажбуриятлари юзасидан солидар ёки субсидиар жавобгарлигига сабаб бўлади.

Шарҳланаётган модда кредиторларнинг талабларини қондириш учун хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда таъминотини берган шахслар томонидан мажбуриятларни бажармаслик ҳолатларида юзага келадиган оқибатларни белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми мазмунидан келиб чиқиб, кредиторларнинг талабларини қондириш учун хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда таъминотни берган шахслар томонидан мажбуриятларни бажармаслик ҳолатларида суд:

– қарздорнинг тўлов қобилиятини қайта тиклаш имконияти мавжуд бўлганда ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаради;

– ташқи бошқарувни жорий этиш учун асослар бўлмаганда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Таъминот берган шахслар томонидан мазкур таъминотдан келиб чиқадиган мажбуриятлар кредиторларнинг талабларини қондириш учун хўжалик суди белгилаган муддатда бажарилмаганлигида қонун ҳужжатларига мувофиқ мазкур шахсларнинг қарздорнинг мажбуриятлари юзасидан солидар ва субсидиар жавобгарликка тортилишини белгилайди.

Кўрсатилган шахсларни қарздорнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарликка тортишни талаб қилиш ҳуқуқига тугатиш бошқарувчи ва кредиторлар эга. Бундай ҳуқуқ фақат қарздор мол-мулки етарли бўлмаслиги оқибатида кредитор талаблари қондирилмай қолганда юзага келади.

VI БОБ. ТАШҚИ БОШҚАРУВ

91-*модда*. Ташқи бошқарувни жорий этиш тартиби

Агар қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг ҳақиқий имконияти аниқланган бўлса, ташқи бошқарув кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси, мол-мулкида давлат улуши бўлган корхоналар бўйича эса банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси асосида хўжалик суди томонидан жорий этилади.

Хўжалик судининг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрими дарҳол ижро этилиши керак ва бу ажрим устидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Ташқи бошқарув, агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга жорий этилади. Суд санацияси ва ташқи бошқарувнинг жами муддати ўттиз олти ойдан ошмаслиги лозим.

Ташқи бошқарув учун белгиланган муддат кредиторлар йиғилишининг илтимосномасига, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг қарорига ёки ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган муддатлар доирасида қисқартирилиши ёки узайтирилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарувни жорий этиш асослари, жорий этиш муддати, шунингдек ташқи бошқарувнинг муддатини қисқартириш ва узайтиришга тааллуқли бўлган қоидаларни белгилайди.

Хўжалик суди томонидан ташқи бошқарув таомилини жорий этиш учун асос бўлиб, кредиторлар йиғилишининг судга тегишлича илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳақидаги қарори (умумий қоида) (*Қонуннинг 10-моддаси бешинчи қисми*), шунингдек, устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси асос бўлиб хизмат қилади.

Кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарув таомилини жорий этиш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақида кузатув таомили жараёнида (*Қонуннинг 72-моддаси, 74-моддаси биринчи қисми*), суд санациясида (*Қонуннинг 86-моддаси бешинчи қисми, 87-моддаси тўртинчи қисми, 89-моддаси иккинчи қисми учинчи хатбошиси*), шунингдек, агар қарздорга нисбатан судгача санация қилиш ёки ташқи бошқарув (*Қонуннинг 141-моддаси биринчи қисми*) жорий этилмаган бўлса, тугатишга доир иш юритишда қарор қабул қилиши мумкин.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи мустақил равишда кредиторлар йиғилиши томонидан қандайдир таомилни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ёки қилинмаганлигидан қатъи назар, устав фондида давлат улуши бор бўлган қарздорга нисбатан, ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқаруви хўжалик суди томонидан (кредиторлар йиғилишининг тегишли қарори бўлмаган холда), маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ёки вазирлик, давлат қўмитаси, идоранинг ва хўжалик бошқаруви органининг илтимосномасига биноан, улар қарздорнинг мажбуриятлари юзасидан таъминот берган тақдирда, жорий этилиши мумкин (*Қонуннинг 157-моддаси биринчи қисми*).

Ташқи бошқарувни жорий этишнинг асосий шартларидан бири қарздорни тўлов қобилиятларини тиклашнинг ҳақиқий имконияти борлиги ҳисобланади, яъни қарздорда рентабел хўжалик фаолияти учун тегишли шарт-шароитларнинг мавжудлиги, қулай бозор шароитлари, кадрлар потенциали ва ҳ.к. мавжудлигидир. Бундай имкониятлар ҳақида кредиторлар йиғилиши ёки банкротлик тўғрисидаги иш бўйича давлат органлари томонидан хўжалик судига бериладиган илтимосномада кўрсатилиши керак.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми хўжалик судининг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрими дарҳол ижро қилинишини ва тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда шикоят қилиниши мумкинлигини белгилайди. Бу ҳақида ОХС Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 21-бандида ушбу ажрим устидан ХПКнинг умумий қоидаларига мувофиқ шикоят қилиниши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ташқи бошқарув ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга жорий этилади. Судгача санация қилиш ва ташқи бошқарув умумий қўшилган муддати ўттиз олти ойдан ошмаслиги керак. Шундай қилиб, агар судгача санация қилиш муддати йигирма тўрт ойни ташкил қилса, ташқи бошқарув фақат ўн икки ойга (ундан кўпга эмас) жорий қилиниши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ОХС Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 28-бандига мувофиқ кредиторлар билан ҳисоб-китоб учун белгиланган муддат, Қонуннинг 119-моддаси иккинчи қисмига асосан, ташқи бошқарув муддатига кирмаслигига эътибор қаратиш керак.

Ушбу қоидадан истисно бўлиб, шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхоналарда ташқи бошқарув таомилларини жорий этиш ҳисобланади, уларга нисбатан ташқи бошқарув муддати йигирма тўрт ойгача белгиланиши мумкин ва кейин эса Қонуннинг 158-моддаси биринчи қисмига мувофиқ беш йилгача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин.

Кредиторлар йиғилишининг ёки ташқи бошқарувчиси ёхуд банкротлик ишлар бўйича давлат органининг (устав фондида давлат улуши бўлган кор-

хоналар бўйича) илтимосномасига кўра суд қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш билан боғлиқ бўлган ёки қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш имконияти йўқлиги факти аниқланиши билан ташқи бошқарув муддатини қисқартириши мумкин, ёки зарурат бўлганда шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида белгиланган муддат доирасида ташқи бошқарувнинг муддатини узайтириши мумкин.

ОХС Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 28-бандига асосан ташқи бошқарувнинг муддатини қисқартириш ёки узайтириш тўғрисидаги масала хўжалик суди томонидан ишда иштирок этаётган шахсларга суд мажлисининг жойи, вақти ҳақида хабар қилинган ҳолда кўриб чиқилади.

Ташқи бошқарувни жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ёки қисқартириш хўжалик судининг ажрими билан расмийлаштирилади. ОХС Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 21-бандида ХПКда белгиланган тартибга асосан ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш имконияти назарда тутилган, чунки ушбу ажрим Қонуннинг 50-моддасида белгиланган суд ҳужжатларига киради, бироқ Қонунда муддатни қисқартириш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш назарда тутилмаган.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– банкротлик ишлари бўйича давлат органининг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги аризаси (қ а р а н г : 410-бет);

– ташқи бошқарув муддатини қисқартириш ҳақидаги кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси (қ а р а н г : 411-бет);

– суд бошқарувчисининг ташқи бошқарув муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномаси (қ а р а н г : 412-бет);

– кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарув муддатини қисқартириш ҳақидаги қарори (қ а р а н г : 525-бет);

– кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарув муддатини узайтириш ҳақидаги қарори (қ а р а н г : 527-бет);

– ташқи бошқарув муддатини қисқартириш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 762-бет);

– ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 764-бет).

92-*модда*. Ташқи бошқарувни жорий этиш оқибатлари

Ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан:

қарздорнинг раҳбари ўз вазифасини бажаришдан четлаштирилади, қарздорнинг ишларини бошқариш ташқи бошқарувчи зиммасига юклатилади. Ташқи бошқарувчи қарздорнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши ёки мазкур раҳбарни бошқа ишга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқариши шарт;

– қарздорнинг бошқарув органлари ваколатлари тугатилади. Қарз-

дорнинг раҳбари ва қарздорнинг бошқа бошқарув органлари ваколатлари ташқи бошқарувчига ўтади, ушбу Қонунга мувофиқ бошқа шахсларга (органларга) ўтадиган ваколатлар бундан мустасно. Қарздорнинг бошқарув органлари ташқи бошқарувчи тайинланган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида қарздорнинг бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлари, муҳрлари ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликлари ташқи бошқарувчига топширилишини таъминлаши шарт;

– кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари кўрилган чора-тадбирлар бекор қилинади;

– қарздорнинг мол-мулкини хатлаш ва қарздорга нисбатан унинг ўзига тегишли мол-мулкни тасарруф этиш борасидаги ваколатларини бошқача тарзда чекловлар фақат банкротлик таомили доирасида қўлланилиши мумкин;

– қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан кредиторлар талабларининг қондирилишига нисбатан мораторий жорий этилади, ушбу Қонуннинг 93-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ташқи бошқарув тугаганидан кейин пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредиторларга қарздор тўлаши шарт бўлган неустойка (жарима, пеня), шунингдек, етказилган зарар суммалари ташқи бошқарувни жорий этиш пайтидаги мавжуд миқдорларда тўлаш учун тақдим этилиши мумкин.

Ушбу модда ташқи бошқарувни жорий этиш мунобати билан юз берадиган оқибатларни, шунингдек, пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредиторларга қарздор тўлаши шарт бўлган неустойка (жарима, пеня)ни, шунингдек, ташқи бошқарувни жорий этиш пайтидаги мавжуд миқдорларда қарздор тўлаши мажбур бўлган етказилган зарар суммаларини талаб қилиш бўйича кредитор ҳуқуқларини белгилайди.

93-*модда*. Кредиторларнинг талабларини қондиришга нисбатан мораторий

Кредиторларнинг талабларини қондиришга нисбатан мораторий ташқи бошқарув жорий этилгунга қадар бажарилиш муддати келган пул мажбуриятларига ва (ёки) мажбурий тўловларга татбиқ этилади, қарздорга нисбатан кузатув ва (ёки) суд санацияси жорий этилганидан кейин юзага келган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бундан мустасно.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар юзасидан мораторийнинг амал қилиш муддати мобайнида:

– ундирув сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар бўйича ундирувга йўл қўйилмайди;

– пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун неустойка (жарима, пеня) ва бошқа иқтисодий (молиявий) санкциялар қўлланилмайди, қарздорга нисбатан кузатув ва (ёки) суд санацияси жорий этилганидан кейин юзага келган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар, шунингдек, тўланиши лозим бўлган фоизлар бундан мустасно.

Ташқи бошқарув жорий этилган пайтдаги пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредиторлар талабларининг суммасига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 327-моддасида назарда тутилган тартибда ва миқдорда фоизлар ҳисобланади. Бу фоизлар қарздорга нисбатан ташқи бошқарув жорий этилган санадан эътиборан навбатдаги талабларга ва хўжалик суди томонидан шу навбат талаблари бўйича кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш ҳақида ажрим чиқариладиган санага қадар ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинадиган пайтга қадар ҳисобланади. Ҳисоблаб чиқарилган фоизлар суммаси кредиторга асосий қарз суммасини тўлаш билан бир вақтда тўланиши лозим.

Мораторий ташқи бошқарувчи шартномани бажаришдан ушбу Қонуннинг 102-моддасига мувофиқ бош тортганлиги оқибатида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги кредиторлар талабларига ҳам татбиқ этилади.

Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар бажарилиш муддати ташқи бошқарув жорий этилганидан кейин бошланган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловларга нисбатан қўлланилмайди.

Мораторийнинг амал қилиши фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларига, алиментлар ундиришга ҳамда муаллифлик шартномалари асосида ҳақ тўлашга доир талабларига, шунингдек, қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлса, ана шу фуқаронинг талабларига татбиқ этилмайди.

Шарҳланаётган модда кредиторларнинг талабларини қондиришда мораторий қўллаш доирасини белгилайди.

Мораторий – кредиторларнинг муайян талабларини бажармай туриб, қарздор фаолиятини давом эттиришга имкон берадиган муҳим чорадир. Мораторий амалда бўлган пайтида ижрони муддатидан кечиктиргандаги санкциялар қўлланилмайди, мораторий билан боғлиқ зарарлар қарздордан ундирилмайди, даъвонинг ўтиш муддати тўхтатиб турилади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми мораторий қўлланадиган кредиторларнинг талаблари доирасини белгилайди.

Мораторий қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

– қарздорга нисбатан кузатиш ва (ёки) суд санацияси жорий этилгандан сўнг юзага келган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар (шарҳланаётган модданинг биринчи қисми), шунингдек, ташқи бошқарув жорий этилгандан кейин ижро муддати келган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар (шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми) яъни жорий тўловлар;

– шарҳланаётган модданинг олтинчи қисмида кўрсатилган талабларга.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми ташқи бошқарувни жорий этиш билан боғлиқ вужудга келадиган ва мораторий амал қилиш муддати давомида амал қиладиган чекловлар рўйхатини белгилайди.

Пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун неустойка (жарима, пеня) ва бошқа иқтисодий (молиявий) санкциялар қўлланишини таъқиқлаш билан бирга Қонун қоидага ўрнатиб, унга биноан мораторий амал қилиш остига тушган кредиторларнинг талабларига ФКнинг 327-моддасида назарда тутилган тартиб ва миқдорда фоизлар ҳисобланишини белгилайди. ФК ушбу моддасининг талабларига мувофиқ фоизлар миқдори кредиторнинг яшаш жойида амалда бўлган, агар кредитор юридик шахс бўлса, даъво тақдим этилган ёки суд қарор қабул қилган кундан (суд ихтиёрига кўра) у жойлашган ерда амалда бўлган банк фоизларининг ҳисоб ставкаси миқдорида аниқланади. Ушбу норма кредиторларнинг манфаатини ҳимоя қилишни таъминлаш имконини беради. Кўриб чиқилаётган қисмда фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари белгиланган.

Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ, мораторий ташқи бошқарувчи шартномани бажаришдан ушбу Қонуннинг 102-моддасига мувофиқ бош тортганлиги оқибатида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги кредиторлар талабларига ҳам татбиқ этилади. Мораторийнинг бундай турдаги талабларга қўлланилиши ташқи бошқарувчига қарздорнинг молиявий ҳолатини ёмонлаштирмасдан қайси шартномавий мажбуриятларини ижро қилиш, қайси шартномавий мажбуриятларини ижро этишдан воз кечиш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш имкониятини беради.

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани хўжалик суди қабул қилгунга қадар юзага келган, аммо ташқи бошқарувни жорий этгандан кейин ижро қилиш муддати белгиланган (жорий тўловлар) пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловларга мораторий қўлланилмайди. Кредиторлар бундай талаблар бўйича банкротлик тўғрисидаги иш доирасидан ташқари ўз талабларини мустақил тақдим этишга ҳақли.

Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисмида мораторий амал қилиш тадбиқ этилмайдиган фуқаролари олдидаги қарздорларнинг пул мажбуриятлари санаб ўтилган.

94-*модда*. Ташқи бошқарувчиликка номзод тақдим этиш тартиби

Ташқи бошқарувни жорий қилиш ҳақида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилган кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувчиликка номзодни маъқуллайди.

Ташқи бошқарувчиликка номзод кредиторлар йиғилишига ҳар қандай кредитор томонидан ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан таклиф этилиши мумкин.

Кредиторлар йиғилиши томонидан қарор қабул қилишнинг ушбу Қонуннинг назарда тутилган тартибига мувофиқ кредиторларнинг энг кўп овозини олган шахснинг номзоди хўжалик судига таклиф этилади.

Хўжалик суди ташқи бошқарувни кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарори бўлмаган ҳолда жорий этаётган бўлса, кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувчиликка номзодни хўжалик суди ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқарган пайтдан эътиборан уч ҳафталик муддат ичида кўриб чиқиш, маъқуллаш ва хўжалик судига тақдим этишга ҳақли.

Ташқи бошқарувчиликка номзод кредиторлар йиғилиши томонидан тақдим этилмаган тақдирда, хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан таклиф этилган номзодлар орасидан ташқи бошқарувчини тайинлайди.

Мазкур модда ташқи бошқарув таомилини ўтказиш учун ташқи бошқарувчи номзодни тақдим этиш ҳуқуқига эга шахслар доирасини ва ташқи бошқарувчи номзодини тақдим этиш тартибини белгилайди.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– ташқи бошқарувчи номзодини маъқуллаш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси (қ а р а н г : 413-бет);

– банкротлик ишлари бўйича давлат органининг ташқи бошқарувчиликка номзод бўйича таклифи (қ а р а н г : 415-бет).

95-*модда*. Ташқи бошқарувчини тайинлаш

Ташқи бошқарувчи хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувни жорий этиш билан бир пайтда тайинланади.

Ташқи бошқарувчини ташқи бошқарувни жорий этиш билан бир пайтда тайинлашнинг имкони бўлмаса, хўжалик суди ташқи бошқарувчини ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида тайинлайди.

Ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради.

Ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажрим дарҳол ижро этилиши керак ва унинг устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Шарҳланаётган модда хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувчини тайинлаш тартибини белгилайди.

Ташқи бошқарувчи қоидага кўра, хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувни жорий этиш билан бир пайтида, яъни хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажримни чиқариш пайтидан бошлаб тайинланади.

Қарздорга нисбатан ташқи бошқарувни жорий этиш билан бир пайтида ташқи бошқарувчини тайинлаш имконияти бўлмаса, ташқи бошқарувни жорий этишдан бошлаб бир ой ичида хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувчи тайинланиши мумкин. Бундай ҳолатда, Қонуннинг 75-моддаси тўртинчи қисми ва 80-модданинг бешинчи қисмига мувофиқ ташқи бошқарувчининг вазифаларини агар ташқи бошқарув кузатиш таомилидан кейин жорий этилса муваққат бошқарувчи вазифасини бажараётган шахс ёки ташқи бошқарув суд санация таомилидан кейин ташқи бошқарув жорий этилган бўлса, санация қилувчи бошқарувчиси ижро этади, ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиш бундан мустасно.

Ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради. Ушбу ажрим қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро этилади ва мазкур ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин. Бунда биринчи инстанция судининг ажрими ОХС Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 21-бандига ва Қонуннинг 60-моддасига кўра қисқартирилган муддатда шикоят қилинади. Ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши уни ижро этишни тўхтатмайди.

Ушбу қўлланманинг 4-бўлимида мазкур модда шарҳига ташқи бошқарувчини танйинлаш тўғрисидаги ажрими намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 767-бет).

96-*модда*. Ташқи бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод этиш

Ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан хўжалик суди қуйидаги ҳолларда озод этиши мумкин:

– зиммасига юкланган вазифаларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторлар йиғилишининг қарори асосида. Бундай ҳолларда кредиторлар йиғилишининг қарорида ташқи бошқарувчиликка тавсия этилаётган янги номзод тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак;

– банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг қарори асосида;

– унинг ўз аризасига биноан;

– ушбу Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ ташқи бошқарувчи этиб тайинланишига монелик қиладиган ҳолатлар аниқланган тақдирда;

– қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги ажрим дарҳол ижро этилиши керак ва унинг устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин. Мазкур ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) бундай ажримнинг ижро этилишини тўхтатиб қўймайди.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш асосларини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми ташқи бошқарувчини ўз вазифаларини бажаришдан озод этиш асосларини ҳамда ташқи бошқарувчини ўз вазифаларини бажаришдан озод этиш тўғрисида ариза (илтимоснома) билан судга мурожаат этиши мумкин бўлган шахслар доирасини белгилайди.

Кредиторлар йиғилиши тегишли илтимоснома билан хўжалик судига ташқи бошқарувчи мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда мурожаат қилиши мумкин, шу жумладан, унинг мажбуриятига юклатилган қонунчиликни мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузганда ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш ташаббусини амалга оширишини белгилайди. Бундай ҳолда Қонуннинг 21-моддасидан фарқли равишда зарарнинг бўлиши факти мажбурий эмас. Кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувчини вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиш тўғрисидаги қарори қуйидагилар бўлиши керак:

– қонунга мувофиқ ташқи бошқарувчига юклатилган мажбуриятни бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги фактларини кўрсатган ҳолда ташқи бошқарувчини эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги асослантирилган илтимосномаси;

– ташқи бошқарувчининг янги номзоди.

Ташқи бошқарувчи унга юклатилган вазифани бажаришдан кўра Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси қарори билан тасдиқланган, ЎзР Адлия Вазирлигида 2006 йил 12 майда 1581-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Суд бошқарувчиларининг аттестация комиссияси тўғрисида»ги Низомнинг 35-бандида белгиланган асослар бўйича банкротлик тўғрисидаги иш бўйича давлат органининг қарорига асосан хўжалик суди томонидан озод қилиниши мумкин.

Қонун ташқи бошқарувчининг ўз аризасига кўра озод қилинишини ҳам назарда тутади. Қонун ташқи бошқарувчидан ўз фаолиятини давом эттириш имконияти йўқлиги сабабларини асослашини талаб қилмайди, бироқ хўжалик суди ташқи бошқарувчини алмаштириш ташқи бошқарув режасини бажаришга ва қарздорни молиявий соғломлаштиришга салбий таъсир кўрсатишини назарда тутиб, тушунтиришни талаб қилиши мумкин. Чунки ташқи бошқарувчининг вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги аризаси ташқи бошқарувчини озод қилиш учун шаксиз асос бўла олмайди, узрли сабабларнинг йўқлиги аризани қаноатлантиришни рад қилиш учун асос бўлиб хизмат

қилиши мумкин. Узрли сабаблар бўлиб нафақат хўжалик бошқаруви билан шуғулланиши имкониятига тўсқинлик қиладиган касаллик ва шахсий тусдаги ҳолатлар, балки бошқа сабаблар ҳам тан олиниши мумкин.

Ташқи бошқарувчи банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахслар тақдим қилган далиллар бўлган тақдирда Қонуннинг 18-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ ташқи бошқарувчи шахсни тайинлашга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар аниқлангани билан боғлиқ ҳолда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш учун келтирилган асослар тугал ҳисобланмай, чунки ташқи бошқарувчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам ўз вазифасини бажаришда озод қилиниши мумкин, мисол учун, ташқи бошқарувчи давлат ёки сайланадиган лавозимга тайинланган ёки сайланган ҳолатда.

Хўжалик суди ташқи бошқарувчини вазифасидан озод қилиш ёки ушбу аризани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Бунда шунга эътибор бериш керакки, Қонун фақат ташқи бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш имкониятини назарда тутади.

Ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги ажрими устидан ОХС Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 21-бандига мувофиқ Қонуннинг 60-моддасида назарда тутилган тартибда шикоят қилинади.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– зиммасига юкланган вазифаларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги учун ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш ҳақида кредиторлар йиғилишининг қарори (қ а р а н г : 416-бет);

– банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш ҳақидаги қарори (қ а р а н г : 418-бет);

– ташқи бошқарувчининг уни ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги аризаси (қ а р а н г : 418-бет);

– ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги ажрими (қ а р а н г : 769-бет).

97-*модда*. Ташқи бошқарувчининг ҳуқуқлари

Ташқи бошқарувчи раҳбарлик ваколатларини амалга оширади.

Ташқи бошқарувчи қуйидагиларга ҳақли:

– кредиторлар йиғилишини ҳамда кредиторлар қўмитасини чақириш;

– ушбу Қонуннинг 101-моддасида назарда тутилган чекловларни ҳисобга олган ҳолда қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этиш;

– қарздор номидан келишув битими тузиш;

– ушбу Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ ҳақ олиш;

– агар ушбу Қонунда ёки кредиторлар билан келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ўзининг вазифаларини амалга ошириш учун бошқа шахсларни уларнинг фаолиятига қарздор маблағларидан ҳақ тўлаган ҳолда шартнома асосида ишга жалб этиш;

– ўз вазифаларини бажаришни муддатидан илгари тугатиш тўғрисида хўжалик судига ариза бериш;

– ушбу Қонуннинг 102-моддасида белгиланган тартибда қарздорнинг шартномаларини бажариш рад этилишини маълум қилиш.

Қарздор банкротликка олиб борилганлиги муносабати билан қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўладиган учинчи шахсларга нисбатан ташқи бошқарувчи ўз ваколатларини амалга ошириш чоғида талаблар қўйишга ҳақли.

Ташқи бошқарувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарув жараёнида ташқи бошқарувчининг ҳуқуқларини белгилайди. Ушбу моддада назарда тутилган нормалар Қонуннинг 19-моддаси 1-қисми қоидаларига мос келади.

Шарҳланаётган моддада ташқи бошқарувни амалга оширишдаги санаб ўтилган ташқи бошқарувчининг ҳуқуқлари тугал ҳисобланмайди, қонунчиликда ташқи бошқарувчига тақдим этилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин (*Қонуннинг 103-моддаси ва бет*).

98-*модда*. Ташқи бошқарувчининг мажбуриятлари

Ташқи бошқарувчи:

– қарздорнинг мол-мулкини ўз тасарруфига қабул қилиши ва уни инвентаризациядан ўтказиши;

– қарздорнинг учинчи шахсларда турган мол-мулкини қидириш, аниқлаш ва қайтаришга қаратилган чора-тадбирлар кўриши;

– ташқи бошқарувни ўтказиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилиш учун махсус ҳисобварақ очиши;

– ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиши ва кредиторлар йиғилиши тасдиқлаши учун тақдим этиши;

– бухгалтерия, статистика ҳисоби ва ҳисобдорлигини юритиши;

– кредиторларнинг қарздорга нисбатан талаблари юзасидан белгиланган тартибда эътирозлар билдириши;

– қарздор олдидаги қарзни ундириш чораларини кўриши;

– кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши;

– кредиторлар йиғилишига ташқи бошқарув режаси бажарилишининг бориши ва якунлари ҳақида ҳисоботлар тақдим этиши шарт.

Ташқи бошқарувчининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарувчининг мажбуриятларини белгилайди. Ушбу модда назарда тутилган нормалар Қонуннинг 19-моддаси 3-қисми қоидаларига мос келади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида ташқи бошқарув таомилини амалга ошириш жараёнида мажбур бўлган ташқи бошқарувчининг мажбуриятлари санаб ўтилган.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида санаб ўтилгандан ташқари қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– кредиторнинг қарздорга қўйган талабига нисбатан ташқи бошқарувчининг эътирози (қ а р а н г : 421-бет);

– ташқи бошқарув режаси (қ а р а н г : 529-бет);

– ташқи бошқарувчининг ташқи бошқарув режасининг амалга оширилиши ва якунлари тўғрисидаги ҳисоботи (қ а р а н г : 533-бет).

99-*модда*. Кредиторларнинг талаблари

Кредиторлар қарздорга нисбатан ўз талабларини ташқи бошқарув амал қилаётган муддатнинг исталган вақтида тақдим этишга ҳақли. Мазкур талаблар ташқи бошқарувчига қарздорнинг почта манзили бўйича юборилади. Кредиторларнинг ушбу модда тўртинчи қисмига мувофиқ аниқланган деб эътироф этиладиган талаблари бу талабларни аниқланган деб белгилаш имконини берувчи ҳужжатлар илова этилган ҳолда ташқи бошқарувчига юборилади.

Ташқи бошқарувчи кредиторларнинг тақдим этилган талабларини кўриб чиқади ва уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича кредиторларнинг талаблари реестрига тегишли талаб олинганидан кейин узоғи билан икки ҳафта ичида тегишли ёзув киритади. Ташқи бошқарувчи кўриб чиқиш натижалари ҳақида тегишли кредиторни кредиторнинг талаблари олинган пайтдан эътиборан узоғи билан бир ойлик муддат ичида хабардор қилади.

Ташқи бошқарувчининг кредиторлар талабларини кўриб чиқиши натижалари юзасидан эътирозларни банкротлик тўғрисидаги ишни кўраётган хўжалик судига кредитор бу натижалардан хабардор бўлган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида билдириши мумкин.

Кредиторларнинг ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган муддатда эътирозлар билдирилмаган талаблари ташқи бошқарувчи томонидан аниқланадиган миқдорда, таркибда ва уларни қондириш навбатида аниқланган талаблар деб ҳисобланади.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарув даврида кредиторларнинг талабларини (жорий тўловлар бўйича кредиторлар талаблари бундан мустасно) қарздорга тақдим қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми кредиторлар талаблари реестрига кириш ҳуқуқига эга кредиторларнинг муайян сабабларга кўра банкротликнинг олдинги процедураларида реестрга киритилмаган бўлсалар, ташқи бошқарув амал қилаётган муддатнинг исталган пайтида ташқи бошқарув тугатилгунга қадар қарздорга нисбатан ўз талабларини тақдим этишга ҳақли эканлигини назарда тутади. Суд бошқарувчиси томонидан ташқи бошқарув жорий этилгунга қадар кредиторларнинг тан олинган талаблари билан ташқи бошқарувчига қайта мурожаат қилиши шарт эмас.

Ташқи бошқарувчи кредиторларнинг тақдим этилган талабларини тегишли талаб олинганидан кейин узоғи билан икки ҳафта ичида кўриб чиқади ва уларни кўриб чиқиш натижаларини тегишли талаб олинганидан кейин бир ойдан ошмайдиган муддатда кредиторларга хабар қилади.

Агар кредиторлар уларнинг талабларини кўриб чиқиш натижаларидан хабардор қилинмаганда ёки ташқи бошқарувчининг кўриб чиқиш натижаларидан норози бўлганда, кредиторлар яна ташқи бошқарувчига мурожаат қилиши ёки Қонуннинг 59-моддаси тартибида ёки шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида белгиланган тартибда хўжалик судига шикоятини юбориши мумкин.

Ташқи бошқарувчининг кредиторларнинг талабларини кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги хабарини олган пайтидан бошлаб бир ойлик муддатда хўжалик судига эътироз билдирилмаган кредиторларнинг талаблари ташқи бошқарувчи томонидан аниқланган миқдорда, таркибда ва қондириш навбатида ўрнатилган ҳисобланади.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– ташқи бошқарувчининг кредиторлар талабларини кўриб чиқиши натижалари юзасидан кредитор эътирози (қ а р а н г : 422-бет);

– талабларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида кредиторнинг хабардор қилиниши (қ а р а н г : 535-бет).

100-*модда*. Кредиторларнинг эътирозларини кўриб чиқиш

Кредиторларнинг ташқи бошқарувчи томонидан аниқланган талаблари миқдори, таркиби ва уларни қондириш навбати хусусидаги ушбу Қонуннинг 99-моддасида белгиланган муддатларда берилган эътирозлари хўжалик суди томонидан мазкур эътирозлар олинган санадан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Кредиторларнинг эътирозларини кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди ажрим чиқаради, ажримда кредиторларнинг қайси талабларига нисбатан эътирозлар асосли деб топилган бўлса, кредиторларнинг шу талаблари миқдори, таркиби ва уларни қондириш навбати кўрсатилади.

Кредиторлар эътирозларини кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди чиқарган ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтири-

лиши) мумкин. Банкротлик тўғрисидаги иш доирасида кредиторларнинг эътирозларини кўриб чиқиш чоғида чиқарилган ажримлар ва бошқа суд ҳужжатлари алоҳида иш юритишда кредиторларнинг қарздорга нисбатан талабларини кўриб чиқишда преюдициал кучга эга бўлади.

Қарздор ходимлари вакилининг меҳнат ҳақи тўлаш ва меҳнат шартномаси бўйича ишловчи шахсларга ишдан бўшатиш нафақаси тўлаш бўйича қарзнинг миқдори ва таркиби тўғрисидаги эътирозлари ҳам ушбу моддада белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Шарҳланаётган модда кредиторларнинг ташқи бошқарувчи томонидан аниқланган талаблари миқдори, таркиби ва уларни қондириш навбати хусусидаги эътирозларини хўжалик судида кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

Кредиторларнинг ташқи бошқарувчи томонидан уларнинг талабларини кўриб чиқиш натижаси билан рози бўлмай билдирган эътирозлари Қонуннинг 99-моддаси ва ХПКдаги тартиб ва муддатларда хўжалик судига билдирган ариза банкротлик тўғрисидаги иш доирасида хўжалик судида кўриб чиқилади. Ушбу эътирозлар хўжалик суди томонидан мазкур эътирозлар олинган санадан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқилади. Судга мурожаат қилишдан аввал мажбурий тартибда кредитор томонидан қарздор манзилига судга қадар низони ҳал этиш тартиби ҳисобланган, уни талаблар реестрига киритиш ҳақидаги мурожаати бўлиши керак. Агар кредитор ташқи бошқарувчига мурожаат қилмасдан судга мурожаат қилса, хўжалик суди аризани ХПКнинг 118-модда биринчи қисм 6-бандига кўра қайтаради. Шундай қилиб, кредитор ташқи бошқарув устидан судга шикоят қилаётганда аризага судга қадар ташқи бошқарувчига низони ҳал этиш ҳақида мурожаат қилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши керак.

Кредиторларнинг арз қилинган эътирозлари хўжалик суди мажлисида ХПК қоидалари бўйича кўриб чиқилади ва эътирозни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди ажрим чиқаради. Агар суд эътирозларни асосли деб топса, унда ажримда кредиторларнинг қайси талабларига нисбатан эътирозлар асосли деб топилган бўлса, кредиторларнинг шу талаблари миқдори, таркиби ва уларни қондириш навбати кўрсатилади.

Кредиторлар, ташқи бошқарувчи ва банкротлик ишида қатнашувчи бошқа шахслар Қонуннинг 60-моддасига мувофиқ хўжалик судининг ушбу модда иккинчи қисмига биноан кредиторларнинг эътирозларини кўриб чиқарган ажрими устидан шикоят қилишлари мумкин. Ушбу қисмда назарда тутилган ажрим устидан шикоят қилиниши ижрони тўхтатишга асос бўлмайди

Қонун шунингдек, банкротлик тўғрисидаги иш доирасида кредиторларнинг эътирозларини кўриб чиқиш чоғида чиқарилган ажримлар ва бошқа суд ҳужжатлари алоҳида иш юритишда кредиторларнинг қарздорга нисбатан талабларини кўриб чиқишда преюдициал кучга эга эканлиги белгиланган. Бу кредиторларнинг эътирозларини кўриб чиқиш чоғида чиқарилган ажримлар ва бошқа суд ҳужжатлари кейинги суд ишлари учун мажбурий кучга эга

бўлиб, уни қўшимча исботлашни талаб қилмаслигини белгилайди. Ушбу қоида суднинг банкротлик тўғрисидаги иш бўйича бошқа таомилларида билдирилган талабларига эътирозлар юзасидан чиқарган ҳужжатларига аналогия бўйича ҳам қўлланилади.

Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми қарздор ходимлари вакилининг меҳнат ҳақи тўлаш ва меҳнат шартномаси бўйича ишловчи шахсларга ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш бўйича қарзнинг миқдори ва таркиби тўғрисидаги эътирозлари ҳам шарҳланаётган модданинг биринчи, иккинчи, учинчи қисмларида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши белгиланган.

Шу қисмнинг қоидаси Қонуннинг 59-моддаси иккинчи қисм иккинчи хатбошиси билан мувофиқлаштирилган. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу қоида қарздор ходимлари вакилининг судга эътироз билдириши мумкинлигини билдиради, лекин ушбу ҳуқуқ алоҳида ходимлар учун назарда тутилмаган.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига кредиторлар талабларининг кўриб чиқилиши якунлари бўйича чиқарилган хўжалик суди ажрими устидан ташқи бошқарувчининг апелляция шикояти намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 536-бет).

101-*модда*. Қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этиш

Қарздорнинг мол-мулки эгаси ёки таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилган органлар қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этиш бўйича қарор қабул қилишга ёхуд ташқи бошқарувчининг ваколатларини бошқача тарзда чеклашга ҳақли эмас, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар ушбу Қонунда ёки ташқи бошқарув режасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, йирик битимлар ва манфаатдорлик назарда тутилган битимлар ташқи бошқарувчи томонидан фақат кредиторлар йиғилишининг ёки кредиторлар қўмитасининг розилиги билан тузилади.

Йирик битимларга баланс қиймати қарздорнинг кўчмас мол-мулкини ёки битим тузиш пайтидаги активлари баланс қийматининг ўн фоизидан кўпроғини ташкил этувчи бошқа мол-мулкини тасарруф этишга олиб келувчи битимлар киради.

Битимни тузган тарафлардан бири ташқи бошқарувчига ёки кредиторга нисбатан манфаатдор шахс бўлса, бундай битимлар манфаатдорлик назарда тутилган битимлар деб эътироф этилади.

Шарҳланаётган модда қарздор мол-мулкини тасарруф этишдаги баъзи чекловларни белгилайди.

Ташқи бошқарувчи ташқи бошқарув даврида кредиторлар манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади ва улар билан қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этиш бўйича келишиб олади. Шу ўринда шарҳланаётган модданинг биринчи қисми қарздор мол-мулкининг эгаси ёки таъсис ҳужжатлари билан ва-

колат берилган орган қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этиш бўйича қарор қабул қилишга ёки ташқи бошқарувчининг ваколатларини бошқача тарзда чеклашга ҳақли эмас. Ушбу қисмнинг қоидалари қарздорнинг қарздор мол-мулкини бошқариш ва тасарруф этиш соҳасидаги ваколатларини чеклайди ва ташқи бошқарувчига ўзининг мажбуриятларини самарали ва тўлақонли бажаришга имкониятлар туғдиради.

Мазкур қисмига истисно сифатида қуйидаги ҳолатни кўрсатиш мумкин, қарздорнинг мол-мулки асосида битта ёки бир нечта очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этиш орқали қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш учун қарздор мол-мулкининг эгаси қарори ёки таъсис ҳужжатига кўра ваколатли бўлган органнинг қарори талаб этилади (*115-модда учинчи қисми*).

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида ташқи бошқарувчининг йирик битим ва манфаатдорликни назарда тутивчи битимларни кредиторлар йиғилиши ёки қўмитаси розилигисиз, Қонун ёки ташқи бошқарув режасида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно, амалга ошириш ваколатини чекловчи нормани ифодалайди.

Манфаатдор шахсларнинг даъвосига кўра ташқи бошқарувчи томонидан кредиторлар йиғилиши ёки қўмитаси розилигисиз тузилган бундай битимлар суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин (*ФК 126-модда биринчи қисм*).

Қонун йирик битимларга баланс қиймати қарздорнинг битим тузиш пайтидаги активлари баланс қийматининг ўн фоизидан кўпроғини ташкил этувчи кўчмас мол-мулкини ёки бошқа мол-мулкини тасарруф этишга олиб келувчи битимлар киритади.

Қонун йирик битимларга нафақат қарздорнинг мол-мулкни бошқа шахсга бериш бўйича ташқи бошқарувчининг ваколатини чеклашни назарда тутишига қарамасдан, балки тегишли қийматдаги объектларни сотиб олиш бўйича йирик битимларни тузишда кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси розилигини олиниши керак деб ҳисоблайди, чунки мулкни сотиб олиш унинг ҳаққини тўлашни талаб этади, яъни ташқи бошқарув режаси ижросига таъсир қилиши мумкин бўлган қарздорда мавжуд бўлган пул воситалари жалб қилинади, бу ташқи бошқарув режасининг ижросига таъсир қилиши мумкин.

Тўртинчи қисмга асосан, манфаатдорлик назарда тутилган битимлар деб, битимни тузган тарафлардан бири ташқи бошқарувчига ёки кредиторга нисбатан манфаатдор шахс бўлган тақдирдаги битимлар эътироф этилади.

У ёки бу шахс кредитор ёки ташқи бошқарувчига нисбатан манфаатдор шахслар эканлигини Қонуннинг 17-моддаси нормаларидан келиб чиқиб белгиланади.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– ташқи бошқарувчининг йирик битим тузилишига рухсат олиш учун кредиторлар йиғилишига йўлланган хати (қ а р а н г : 538-бет);

– ташқи бошқарувчининг йирик битим тузилишига рухсат олишга қаратилган хатига кредиторлар йиғилишининг рад жавобини бериш ҳақидаги қарори (қ а р а н г : 539-бет);

– ташқи бошқарувчининг йирик битим тузилишига кредиторлар йиғилишининг рухсат бериш ҳақидаги қарори (қ а р а н г : 541-бет).

102-*модда*. Қарздорнинг шартномаларини бажаришдан бош тортиш

Ташқи бошқарувчи қарздорнинг банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгунга қадар тузилган шартномаларини ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан уч ойлик муддат ичида бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Қарздорнинг шартномаларини бажаришдан бош тортиш фақат барча тарафлар томонидан тўлиқ ёки қисман бажарилмаган шартномаларга нисбатан, қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда билдирилиши мумкин:

– қарздорнинг шартномасини бажариш муқояса қилса бўладиган ҳолатларда тузиладиган айни шундай шартномаларга қиёсланганда қарздор учун зарар келтирадиган бўлса;

– шартнома узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ муддатга тузилган) ёки фақат узоқ истиқболда қарздор учун ижобий натижалар олишга мўлжалланган бўлса.

Қарздорнинг шартномаларини бажаришдан бош тортиш фақат барча тарафлар томонидан тўлиқ ёки қисман бажарилмаган шартномаларга нисбатан, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашга монелик қилувчи бошқа ҳолатлар бўлган тақдирда ҳам билдирилиши мумкин.

Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда шартнома барча тарафлар томонидан шундай шартнома юзасидан ташқи бошқарувчининг шартномани бажаришдан бош тортиши тўғрисидаги аризаси олинган пайтдан эътиборан бекор қилинган деб ҳисобланади.

Шартномани тузган тарафлардан бири, агар унга нисбатан қарздор рад қилишни билдирган бўлса, қарздордан шартномани бажаришдан бош тортганлик оқибатида келиб чиққан ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарувчи муайян турдаги шартномаларни бажаришдан бош тортиш ҳуқуқини, бош тортишнинг ҳолатлари мавжуд бўлганда бош тортиш асослари ва муддатларини, шунингдек, бош тортишнинг оқибатларини назарда тутади.

Қонун ташқи бошқарувчи ташқи бошқарув жорий қилинган кундан эътиборан уч ой муддат ичида банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгунга қадар тузилган қарздорнинг шартномаларини ижро этишдан бош тортиши мумкин-

лигини назарда тутади, агарда шарҳланаётган модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида кўзда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда

Кўрсатилган шартномлаларни бажаришдан бош тортишда кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан олдиндан розилик олиш талаб этилмайди.

Шартномларни бажаришдан бош тортиш контрагент манзилига қарздорнинг банкротлик иши кўзғатилгунга қадар тузилган шартномаларни бекор қилиш ҳақидаги хабарни жўнатиши орқали амалга оширилади ва шартнома барча тарафлар мазкур хабарномаларни(ариза) олган пайтда эътиборан бекор қилинган ҳисобланади.

Қонунда шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатни ўтказиб юбориш оқибатларини кўрсатилмаган. Бироқ бундай ҳолларда ташқи бошқарувчи ФКнинг 383-моддасига мувофиқ шартномани суд тартибида бекор қилишни талаб қилишга ҳақли ҳисобланади.

Агар ташқи бошқарувчининг шартномани бажаришдан бош тортиши бошқа тарафга зарар келтирса, мазкур тараф қарздордан келиб чиққан ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли. Қонунда зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби ва муддатлари белгиланмаган. Бундай ҳолларда хабарнома юборилган шартнома тарафи зарар миқдорини кўрсатган ва Қонуннинг 99-моддасида назарда тутилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда кредиторлар талаблари реестрига киритиб қўйиш ҳақидагиталабномани ташқи бошқарувчига тақдим қилиши лозим ҳисобланади. Агар у билан ташқи бошқарувчи ўртасида зарар миқдори ва қарзни узиш навбати борасида келишмовчиликлар пайдо бўлса, бундай келишмовчиликлар Қонуннинг 59-моддасида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига ташқи бошқарувчининг банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилишидан аввал тузилган шартномалар ижро этилишини инкор қилиш тўғрисидаги хати намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 543-бет).

103-*модда*. Қарздор тузган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги

Қарздор тузган битим, шу жумладан унинг ташқи бошқарув жорий этилгунга қадар тузган битими қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Қарздор билан манфаатдор шахс ўртасида тузилган битим, агар мазкур битимнинг бажарилиши натижасида кредиторларга зарар етказилган бўлса ёки зарар етказилиши мумкин бўлса, ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинганидан кейин қарздор билан муайян кредитор ёки ўзга шахс ўртасида тузил-

ган битим, агар мазкур битим қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича айрим кредиторларнинг талаблари бошқа кредиторларнинг талабларига нисбатан афзалроқ қондирилишига олиб келса, ташқи бошқарувчининг ёки кредиторнинг аризасига биноан хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин ёки қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза берилишидан олдинги олти ой ичида қарздор юридик шахс томонидан тузилган, қарздорнинг иштирокчиси қарздорнинг иштирокчилари таркибидан чиққанлиги муносабати билан унга мол-мулкдаги улушини тўлаш (ажратиб бериш) билан боғлиқ бўлган битим ташқи бошқарувчининг ёки кредиторнинг аризасига биноан хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин, шундай битим бўйича олинган барча нарсалар қарздорга қайтарилади. Бундай ҳолларда ушбу Қонуннинг 134-моддасига мувофиқ иштирокчи олтинчи навбатдаги кредитор деб эътироф этилади.

Шарҳланаётган модда хўжалик суди томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш имкониятини белгилайди. Бу имконият кўпроқ қарздор мол-мулкини сақланишини таъминлаш учун зарур (яъни кредиторлар манфаатида). Шу муносабат билан қонун чиқарувчи ташқи бошқарувчига битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида ариза бериш ҳуқуқини беради, ҳамда битимни ҳақиқий эмас деб топиш асосларини ФК 113-моддасидагига нисбатан кенгайтиради.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми ташқи бошқарувчи хўжалик судидан битимни, шу жумладан, қарздор томонидан ташқи бошқарув жорий қилинган пайтга қадар тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб тан олишни талаб қилиш ҳуқуқини белгилайди. Қарздор томонидан кузатув ёки суд санацияси даврида муваққат ёки суд санация қилувчи бошқарувчининг тегишли розилигисиз тузилган битимлар (64-модда иккинчи қисм, 81-модда биринчи қисм) ҳам ташқи бошқарувчи талабига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Гарчи, бу қисмда ташқи бошқарувчининг хўжалик судига битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳақида сўз юритилса ҳам, бироқ битим низоли эмас, балки ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаса, бунда ташқи бошқарувчи ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Шарҳланаётган модда битимни ҳақиқий эмас деб тан олиш ҳақидаги талабни ва ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини белгилайдиган ФКнинг 113-моддаси мазмунига мос. Ушбу ҳолатда шуниси муҳимки, битимни ҳақиқий эмас деб тан олиш ёки ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги даъвони, Қонуннинг 103-моддасига асосан, қарздор эмас, балки қарздор номидан ташқи бошқарувчи беради. Шунинг учун бу талаб бўйича даъво муддатининг ўтиши ташқи бошқарувчи

қарздорнинг шундай битимни тузганини билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан ўта бошлайди.

Суд бошқарувчисининг қарздор билан тузилган битимларини ҳақиқий эмас деб тан олиш шунингдек, унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талаблари ХПК ва ФПКда белгиланган умумий тартибда банкротлик тўғрисида иш доирасидан ташқарида кўриб чиқилади (*ОХС № 142 27.01.2006 й. Пленум қарорининг 26-банди*).

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида қарздорнинг манфаатдор шахс билан имзолаган битими ташқи бошқарувчининг аризасига асосан, агар бу битим ижро қилиниши натижасида кредиторларга зарар етказган ёки бундай зарар етказиши мумкин бўлса, хўжалик суди томонидан ҳакиқий эмас деб топилиши мумкинлигини белгилайди (манфаатдор шахс ҳақида Қонуннинг 17-моддаси биринчи қисмига қаранг). Шундай қилиб, қарздор ва манфаатдор шахс ўртасидаги битим ижроси натижасида кредиторларга зарар етиши ёки бундай зарар етказиш имкони бўлганлиги битимни ҳақиқий эмас деб топилиши шарти ҳисобланади. Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш керакки, агар битим эндигина тузилган бўлиб, ҳали ижро этилмаган бўлса, ташқи бошқарувчи манфаатдор шахслар билан тузилган бу низоли битим ҳақида даъво қилганда, мазкур битим ижроси кредиторга(кредиторларга) зарар етказилиши далилларини тақдим қилиши керак.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига кўрақарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинганидан кейин қарздор билан муайян кредитор ёки ўзга шахс ўртасида тузилган битим, агар мазкур битим қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича айрим кредиторларнинг талаблари бошқа кредиторларнинг талабларига нисбатан афзалроқ қондирилишига олиб келса, ташқи бошқарувчининг ёки кредиторнинг аризасига биноан хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай бир кредиторнинг талабларини бошқа кредиторларга нисбатан имтиёзли қаноатлантирадиган битимлар жумласига гаров билан таъминланган битимлар кириши мумкин, булар оқибатида банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгунга қадар вужудга келган қарздор мажбуриятлари ижросини таъминлаш мақсадида кредиторлардан бирига қарздор мол-мулки гаров сифатида берилиши мумкин.

Қарздор томонидан алоҳида кредиторларнинг талабларини (навбатдан ташқари талаблар бундан мустасно) суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини қабул қилингандан сўнг қондириш масалаларига келсак, бундай битимлар Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмини бузган ҳолда тузилган ва ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Бундай ҳолатда шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига мувофиқ ташқи бошқарувчи ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талаб билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

Мазкур модданинг тўртинчи қисмида банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгандан кейин ёки қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризанинг

берилишидан олдинги олти ой муддат ичида қарздор –юридик шахс томонидан тузилган ва қарздор иштирокчисининг қарздор иштирокчилари қаторидан чиқиши муносабати билан улушни тўлаш (ажратиб бериш) билан боғлиқ битимни ташқи бошқарувчи ёки кредитор аризасига асосан хўжалик суди ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлигини белгилайди.

Аммо қарздор – юридик шахс томонидан қарздор иштирокчисининг қарздор иштирокчилари қаторидан чиқиши муносабати билан улушни тўлаш (ажратиб бериш) билан боғлиқ битимни кузатув жорий қилингандан кейин тузилиши тақиқланади (63-модда биринчи қисми учинчи хатбоши) ва бу битим банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгач тузилса ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилади. Шарҳланаётган модданинг мазкур қисмида бундай битим ҳақиқий эмас деб топилиши кўзда тутилган экан, ташқи бошқарувчи хўжалик судига битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилиши керак.

Худди шу тартибда қарздор – юридик шахс иштирокчисининг ўз улушини ажратиб олиши билан боғлиқ битим қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза берилишидан олдинги олти ой ичида тузилса, низоли битим сифатида ҳақикий эмас деб топилади. Мазкур битимнинг низоли деб ҳисобланишининг сабаби унинг тузилиши ва ижроси кредитор манфаатлари ва ҳуқуқларини бузишидадир. Бошқача сўз билан айтганда, бундай «Яқинда тузилган битим»нинг ижроси натижасида қарздор мол-мулкининг бир қисмидан кредитор талабларини қаноатлантириш ўрнига четга кетади.

Агар бундай битим ижро килингач ҳақиқий эмас деб топилса, битим тарафлари дастлабки ҳолатга қайтарилади (икки томонлама реституция). Қарздор муассислари (иштирокчилари) таркибидан чиққан муассис (иштирокчи), агар у ўз улуши микдорида устав фондида кўрсатилгандек, компенсация олмаган бўлса, қарздор банкрот деб топилганда ва корхонани тугатишга доир иш юритиш бошланганда олтинчи навбат кредитори деб тан олинади ва қоида бўйича унинг манфаатлари юзага келган шароитда таъминланади.

104-*модда*. Қарздорнинг ташқи бошқарув жараёнида юзага келган пул мажбуриятлари

Қарздорнинг ташқи бошқарув жорий этилиши жараёнида юзага келган пул мажбуриятлари миқдори кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ кредиторлар талаблари суммасининг йигирма фоизидан ортиқроғини ташкил этган ҳолларда қарздорнинг янги пул мажбуриятларини келтириб чиқарувчи битимлар, ташқи бошқарув режасида назарда тутилган битимларни истисно этганда, ташқи бошқарувчи томонидан фақат кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси розилиги билан тузилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисми нормалари бузилган ҳолда тузилган битимлар, агар улар илгари қарздорнинг ташқи бошқарувчиси вазифасини бажарган шахс томонидан тузилган бўлса, кредиторнинг,

шунингдек янги тайинланган ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарув жараёнида ташқи бошқарувчи томонидан битим тузишни чекланиши шунингдек, ўрнатилган чекловларни бузишнинг оқибатларини белгилайди.

Қонун ташқи бошқарув даврида қарздорнинг қарзларини кўпайиши мумкин бўлган ва йўл қўйилган назорат меъёрини белгилайди. Бу меъёр реестрда қайд этилган кредиторлар талаби суммаси ҳажмининг 20%га тенг. Ташқи бошқарув жорий этилгач, қарздорнинг пул мажбуриятлари назорат меъёридан ортиб кетса, ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилиши (қўмитаси)нинг розилигисиз қарздорга янги пул мажбуриятлари келтириб чиқариши мумкин бўлган битимларни тузиш ҳуқуқини йўқотади.

Лекин шу билан бирга кўрсатилган чеклов ташқи бошқарув режасида назарда тутилган битимларга татбиқ этилмайди, чунки умумий коидага кўра ташқи бошқарув режасини, Қонуннинг 106-моддасига мувофиқ кредиторлар йиғилиши тасдиқлайди, яъни ташқи бошқарув режасида назарда тутилган битимлар амалда кредиторлар йиғилиши томонидан маъқулланган бўлади. Бу чекловнинг мақсади барча кредиторлар манфаатларини таъминлашдир, чунки ташқи бошқарув жараёнида вужудга келадиган талаблар жорий тўловлар ҳисобланиб, улар бўйича кредиторлар навбатсиз қондириш ҳуқуқига эга бўлади лекин, жорий тўловлар бўйича навбатсиз қондириладиган қарзлар миқдори катта бўлса реестрга киритилган кредиторлар ўз талабини тўла қаноатлантира олмаслиги мумкин. Қонуннинг 97-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ ташқи бошқарувчи шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган битимларни тузиш учун розилик олиш мақсадида кредиторлар йиғилиши (қўмитаси)ни чақириши ва тегишли битим тузиш ҳақидаги масалаларини муҳокамага киритиши мумкин.

Иккинчи қисмда шарҳланаётган модданинг биринчи қисми талабларини бузиш оқибатлари кўрсатилган, унга кўра кредиторлар йиғилиши(қўмитаси) розилигисиз ташқи бошқарувчи томонидан амалга оширилган битимлар хўжалик суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

105-*модда*. Қарздор харажатларининг тартибга солиниши

Қарздорнинг истеъмолга, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашга сарфланадиган харажатларининг кўпайишига олиб келувчи қарорлар ташқи бошқарувчи томонидан фақат кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси розилиги билан қабул қилиниши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарувчининг қарздорнинг истеъмолга сарфланадиган ҳаражатларининг кўпайишига олиб келадиган қарорларни мустақил қабул қилиш ваколатига чекловларни белгилайди.

Қарздорнинг харажатлари деганда, қарздорнинг тўлов қобилиятини қайта

тиклашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича қарздорнинг фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар тушунилади. Қарздорнинг истеъмолга, шу жумладан, меҳнат ҳақи тўлашга бўлган сарфланадиган харажатларни кўпайтириш зарурати туғилган ҳолларда, мазкур харажатларнинг кўпайиши тўғрисидаги қарорни ташқи бошқарувчи қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, фақатгина кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар кўмитаси розилиги билан қабул қилишга ҳақли. Ушбу модда мазмунидан келиб чиқиб тегишли қонун ҳужжатида аниқ назарда тутилган ҳоллардагина ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилиши(кўмитаси) розилигисиз мустақил қарздор харажатларини кўпайтириши мумкин. Бундай ҳужжатларга энг кам ойлик иш ҳақини ошириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, коммунал хизматларнинг қиймати ошишини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни киритиш мумкин. Бундай харажатлар жамланиб, «истеъмол жамғармалари» деган шартли тушунча билан қамраб олинади.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– ташқи бошқарувчининг қарздорнинг истеъмолга қаратилган, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашга қаратилган харажатларни ошириш зарурияти ҳақидаги кредиторлар йиғилишига йўллаган хати (қ а р а н г : 544-бет);

– кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувчига қарздорнинг истеъмолга қаратилган, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашга қаратилган харажатларни оширишига рухсат бериш ҳақидаги қарори (қ а р а н г : 546-бет).

106-*модда*. Ташқи бошқарув режаси

Ташқи бошқарувчи бу ишга тайинланганидан кейин бир ойлик муддат ичида ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун кредиторлар йиғилишига тақдим этиши керак.

Ташқи бошқарув режасида қуйидагилар назарда тутилиши керак:

– қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш чора-тадбирлари, мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш шартлари ва тартиби, уларни амалга ошириш харажатлари ҳамда қарздорнинг бошқа харажатлари;

– қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш муддати.

Қарздорнинг тўлов қобилияти ушбу Қонуннинг 4-моддасида белгиланган банкротлик аломатлари бўлмаган тақдирда тикланган деб эътироф этилади.

Ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилишининг ёки кредиторлар қўмитасининг талабига биноан ташқи бошқарув жараёни ҳақида кредиторлар олдида ҳисобот беради.

Ташқи бошқарув режасини амалга ошириш қарздорнинг хўжалик фаолияти тугатилишига олиб келмаслиги лозим, банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин юзага келган пул мажбуриятларини

қондириш ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятни бажариш вазифаси қарздорнинг мол-мулкини сотиб олувчига ўтадиган ҳоллар бундан мустасно.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарув режасини тузиш, унинг мазмуни ва бажарилишига нисбатан қўйиладиган асосий талабларни назарда тутади.

Ташқи бошқарувчининг ташқи бошқарувни олиб боришида асосий ҳужжат бўлиб ташқи бошқарув режаси ҳисобланади.

Ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиш ташқи бошқарувчининг мажбурияти ҳисобланади, чунки мазкур шахс режада назарда тутилган тадбирларни амалга оширишда асосий рол ўйнайди. Хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувчининг тайинланиши тўғрисида ажрим чиқарилганидан сўнг, у бир ой муддатда ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқади ва кредиторлар йиғилишига уни тасдиқлаш учун тақдим этади.

Ташқи бошқарув таомилининг мақсади қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш эканлигини ҳисобга олган ҳолда ташқи бошқарув режасида мажбурий равишда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш чора-тадбирлари (*Қонуннинг 109-моддаси*), ушбу чораларни амалга ошириш шарти ва тартиби, уларни амалга ошириш харажатлари, қарздорнинг бошқа харажатлари, шунингдек, тўлов қобилиятини тиклаш муддати кўрсатилиши керак.

Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш борасидаги тадбирлар шундай ишлаб чиқилиши лозимки, уларни бажариш натижасида қарздор кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиши ва ўз фаолиятини давом эттира олиши лозим.

Мисол учун, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш чора-тадбирларига мавжуд дебиторлик қарзларини ундириш, ишлаб чиқаришни рақобатбардош маҳсулотларни тайёрлашга қайта ихтисослаштириш, мол-мулкнинг бир қисмини реализация қилиш, мол-мулкни ижарага бериш, юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш, шунингдек, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар киради.

Қонуннинг 4-моддасида белгиланган банкротлик аломатлари мавжуд бўлмаганда, яъни қарздорнинг уч ойдан ортиққа кечиктирилган мажбуриятлари бўлмаса, қарздорнинг тўлов қобилияти тикланган ҳисобланади.

Ташқи бошқарув жараёнида қарздор тўлов қобилиятининг тикланиши банкротлик тўғрисидаги ишни юритишнинг тугатилиши учун асос бўлади (*Қонуннинг 56-моддаси 1-қисмининг учинчи хатбошиси*).

Кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарув режасини тасдиқлагандан кейин ташқи бошқарувчи уни амалга оширишга киришади. Қонун ташқи бошқарувчининг кредиторлар олдида даврий ҳисоботлар беришини талаб қилмайди. Бироқ кредиторлар йиғилиши (кўмитаси)нинг талаби билан ташқи бошқарувчи ташқи бошқарув режасида назарда тутилган чора-тадбирларнинг қандай олиб борилаётганлиги ҳақида ҳисобот тақдим этиши ва уларга бу ҳақда ҳисоб бериши шарт.

Ташқи бошқарув режаси амалга оширилишида қарздорнинг хўжалик фаолияти тугатилишига олиб келадиган чора-тадбирлар белгиланмаслиги ло-

зим, чунки қарздорнинг фаолияти тугатилса, тўлов қобилиятини тиклашнинг реал имконияти бўлмай қолади. Қарздорнинг корхонаси (бизнеси)ни мулкий комплекс сифатида сотиш (*Қонуннинг 110-моддаси*) ва жорий тўловларни амалга ошириш мажбуриятини сотиб олувчига ёки активлар ўрнини алмаштириш асосида ташкил этилган акциядорлик жамиятига ўтказган ҳолда қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш (*Қонуннинг 115-моддаси*) бу қоидадан мустасно. Банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилишидан олдин вужудга келган ҳамда ижро этиш муддати ташқи бошқарув жорий этилганидан кейин юзага келган мажбуриятлар жорий ҳисоблангани боис, ташқи бошқарув жараёнида кредиторлар талаблари реестрига киритилмайди, корхона (бизнес) сотилганида эса мажбуриятлар қарздор мол-мулкини сотиб олувчига ўтади. Реестрга киритилмайдиган ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар ўрнини қоплаш бўйича талаблар ҳам худди шундай тартибда қарздор мол-мулкини сотиб олувчига ўтади. Шуни айтиш лозимки, суд харажатлари ва суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар корхона (бизнес)ни сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан қопланиши лозим.

107-*модда*. Ташқи бошқарув режасини кўриб чиқиш

Ташқи бошқарув режаси кредиторларнинг йиғилиши томонидан кўриб чиқилади, йиғилиш ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан икки ойдан кечиктирмай ташқи бошқарувчи томонидан чақирилади. Ташқи бошқарувчи барча кредиторларга кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақида ёзма шаклда хабар қилади ҳамда мазкур йиғилиш ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин уларга ташқи бошқарув режаси билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлайди.

Кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарувчи, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили ҳамда қарздорнинг ходимлари вакили маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ташқи бошқарув режаси, агар йиғилишда иштирок этаётган кредиторларнинг ярмидан кўпроғи уни ёқлаб овоз берган бўлса, тасдиқланган деб ҳисобланади.

Кредиторлар йиғилиши қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

– ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор;

– ташқи бошқарув режасини рад этиш ҳамда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор;

– ташқи бошқарув режасини рад этиш ҳамда ташқи бошқарувчини вазифасини бажаришдан айни бир пайтда ташқи бошқарувчиликка тавсия этилаётган янги номзодни тасдиқлаган ҳолда озод қилиш ҳақидаги тегишли илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш

тўғрисидаги қарор. Ушбу қарорда ташқи бошқарувнинг янги режасини кўриб чиқиш учун кредиторларнинг кейинги йиғилиши чақириладиган сана назарда тутилган бўлиши ва бу муддат кредиторлар йиғилиши мазкур қарорни чиқарган кундан эътиборан бир ойдан ошмаслиги керак.

Кредиторлар йиғилишида тасдиқланган ташқи бошқарув режаси ва кредиторлар йиғилишининг баённомаси кредиторлар йиғилиши ўтказилган санадан эътиборан беш кундан кечиктирмай ташқи бошқарувчи томонидан хўжалик судига тақдим этилади.

Агар ушбу модданинг биринчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган муддатларда хўжалик судига ташқи бошқарув режаси тақдим этилмаган бўлса, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарув режасининг кредиторлар йиғилиши томонидан кўриб чиқилиши тартибини белгилайди.

Ташқи бошқарувчи ташқи бошқарув жорий этилиши билан бир вақтда ёки ундан кейин тайинланганидан қатъи назар, ташқи бошқарув режаси ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан икки ойдан кечиктирмасдан чақириладиган кредиторлар йиғилиши томонидан кўриб чиқилади. Ташқи бошқарувчи мазкур кредиторлар йиғилиши ўтказилишидан камида икки ҳафта олдин кредиторлар учун ташқи бошқарув режаси билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши керак. Қоида тариқасида кредиторлар йиғилиши Қонуннинг 11, 12-моддаларида белгиланган тартибда чақирилади. Бунда кредиторлар йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги хабарни кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин почта алоқаси орқали юбориш йўли билан кредиторларни лозим даражада хабардор этишни белгиловчи умумий қоидадан (*Қонуннинг 11-моддасининг биринчи қисми*) истисно ҳолат шуки, ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш масаласини кўриб чиқиш учун кредиторлар йиғилиши чақирилганда ташқи бошқарувчи йиғилиш ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин барча (реестрга киритилган) кредиторларни хабардор этади. Бу ҳолатда хабар кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида беш кун олдин олинишини таъминловчи 11-модданинг биринчи қисмида кўрсатилган бошқа усул билан юборилишига йўл қўйилмайди, чунки шарҳланаётган модда нормалари кредиторларни кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган кундан камида икки ҳафта олдин хабардор қилиб, ташқи бошқарув режаси билан танишиб чиқиш имкониятини беришни талаб қилади.

Кредиторлар йиғилиши Қонуннинг 10, 13-моддаларида белгиланган тартибда ўтказилади. Умумий қоида бўйича, 10-модданинг учинчи қисмига мувофиқ, кредиторлар, мажбурий тўловларга доир талаблар қисми бўйича эса давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар кредиторлар йиғилишининг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчиларидир. Шунингдек, кредиторлар йиғилишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан қарздор

ходимларининг вакили, суд бошқарувчиси, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Қарздор ходимларининг вакили, суд бошқарувчиси, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгаси вакилининг кредиторлар йиғилишида маслаҳат овози билан иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида, ташқи бошқарувчи, Қонуннинг 11-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган тартибда, уларга ҳам кредиторлар йиғилишини ўтказиш ҳақидаги хабарномани юбориши лозим.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига мувофиқ, ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш ҳақидаги қарор кредиторлар йиғилиши томонидан умумий қоида бўйича (*Қонуннинг 13-моддаси биринчи қисми*), яъни кредиторлар йиғилишида қатнашган кредиторларнинг кўпчилик овози билан (ярмидан кўпи) қабул қилинади.

Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми ташқи бошқарув режасининг кредиторлар йиғилиши томонидан кўриб чиқилиши натижаларини назарда тутади. Кредиторлар йиғилишиташқи бошқарув режасини маъқуллаган ҳолатда, кўпчилик овоз билан тасдиқлайди.

Кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарув режасини рад этиш ҳақидаги қарорни қабул қилишга ҳақли. Қарздорга нисбатан ташқи бошқарувни жорий этиш кредиторлар йиғилиши томонидан мақсадга номувофиқ деб топилиши ёки ташқи бошқарув режасининг кредиторлар йиғилиши талабларига мос келмаслиги бундай қарорни қабул қилишга сабаб бўлиб хизмат қилади. Қайси сабаб оқибатида рад қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинганлигига қараб, кредиторлар йиғилиши қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга оид иш юритишни бошлаш (ташқи бошқарувни жорий этиш кредиторлар йиғилиши томонидан мақсадга номувофиқ деб топилганда) ёки ташқи бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод қилиш (ташқи бошқарув режаси талабларга мос келмаганда) тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиши мумкин. Шу билан бирга, ташқи бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарувчиликка янги номзодни тасдиқлаш масаласи ҳам кўрилиши керак. Шунингдек, бундай ҳолда кредиторлар йиғилиши янги ташқи бошқарув режасини кўриб чиқиш учун кейинги кредиторлар йиғилиши (қарор қабул қилинган кундан бир ой ичида ўтказилиши лозим) чақириладиган кунни белгилайди.

Ташқи бошқарув режаси кредиторлар йиғилиши томонидан маъқулланса, ташқи бошқарувчи уни кредиторлар йиғилиши ўтказилган кундан беш кун ичида хўжалик судига тақдим қилиши керак. Ташқи бошқарув режасига кредиторлар йиғилиши баённомаси ва Қонуннинг 10-моддасининг ўнинчи қисмида кўрсатилган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши шарт.

Ташқи бошқарув режасининг аҳамияти катта бўлиб, усиз ташқи бошқарувни самарали амалга оширишнинг имкони йўқ. Шу боис, агар ташқи бошқарув режаси шарҳланаётган модданинг биринчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган муддатларда хўжалик судига тақдим этилмаса, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси (қ а р а н г : 423-бет);

– ташқи бошқарув режасини рад этиш ҳамда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси (қ а р а н г : 426-бет);

– ташқи бошқарув режасини рад этиш ҳамда ташқи бошқарувчини вазифасини бажаришдан айни бир пайтда ташқи бошқарувчиликка тавсия этилаётган янги номзодни тасдиқлаган ҳолда озод қилиш ҳақидаги тегишли илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси (қ а р а н г : 427-бет);

– ташқи бошқарув режаси тақдим қилинмаганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувини бошлаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори (қ а р а н г : 772-бет).

108-*модда*. Ташқи бошқарув муддатини узайтириш

Кредиторларнинг йиғилиши ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса ва унда назарда тутилган ташқи бошқарув муддати белгиланган дастлабки муҳлатдан ортиқ бўлса, агар ташқи бошқарув муддатини узайтириш ёки ташқи бошқарувнинг тасдиқланган режасини амалга ошириш қарздорнинг тўлов қобилияти тикланишига олиб келади деб ҳисоблаш учун етарли асослар бўлса, хўжалик суди ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисида ажрим чиқаради. Бундай ҳолларда умумий муҳлат ушбу Қонуннинг 91-моддасида белгиланган муддатлардан ошиб кетмаслиги лозим.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарув муддатини узайтириш мумкинлигини белгилайди.

Қонунда хўжалик суди томонидан белгиланган ташқи бошқарув муддатидан узайтирилган муддатни ташқи бошқарув режасига киритиш ҳақида бевосита тақиқловчи қоида йўқ. Кредиторлар йиғилиши хўжалик суди томонидан белгиланган ташқи бошқарувнинг дастлабки муддатидан узайтирилган муддат назарда тутган ташқи бошқарув режасини тасдиқлаши мумкин. Агар ташқи бошқарув муддатини узайтириш ёки ташқи бошқарув режасида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширилиши қарздорни тўловга

қобилиятини тиклайди деган хулосага етарли асос бўлса, бундай ҳолатда кредиторлар йиғилиши (банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, ташқи бошқарувчи) илтимосномаси асосида хўжалик суди томонидан ташқи бошқарув муддати узайтирилиши мумкин.

Бироқ бу қоида ташқи бошқарув муддатини хўжалик суди томонидан белгиланган дастлабки муддат тугаганидан кейин яна узайтириш мумкинлигини истисно қилмайди. Мисол учун, ташқи бошқарув даврида қарздор-корхона рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, бироқ муддат етишмаганлиги учун объектив сабабларга кўра тўлов қобилияти тикланмаган (ҳаттоки, қарзлар кўпайганда) бўлса, унга муайян вақт керак бўлади. Бундай ҳолларда, ташқи бошқарувчи томонидан тақдим этилган ўзгартирилган ташқи бошқарувчи режаси асосида, ташқи бошқарув муддатини узайтириш лозимлиги тегишлича асосланганда, тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида кредиторлар йиғилиши янги режани тасдиқлаш ва дастлабки белгиланган муддатни узайтириш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақида қарор чиқариши мумкин.

Шу билан бирга, ташқи бошқарувнинг умумий муддати йигирма тўрт ойдан ошмаслиги керак, агар ташқи бошқарув жорий қилингунга қадар қарздорга нисбатан суд санацияси жорий этилган бўлса, суд санацияси ва ташқи бошқарувнинг жами муддати ўттиз олти ойдан ошмаслиги лозим.

109-*модда*. Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш чора-тадбирлари

Ташқи бошқарув режасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш юзасидан қуйидаги чора-тадбирлар назарда тутилиши мумкин:

– ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш;

– норентабел ишлаб чиқаришларни ёпиш;

– дебиторлик қарзларини ундириш;

– қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш;

– қарздорнинг талабидан ўзганинг фойдасига воз кечиш;

– учинчи шахсларнинг қарздорнинг мажбуриятларини бажариши;

– қарздорнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш;

– қарздорнинг корхонасини (бизнесини) мулкий мажмуа сифатида сотиш;

– қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш.

Ташқи бошқарув режасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг бошқа чора-тадбирлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чора-тадбирлардан ташқари банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг тақдимномасига биноан устав фондида давлат улуши бўлган корхонанинг фаолият кўрсатмаётган объектларини консервация қилиш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқариши мумкин.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарув режасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш юзасидан назарда тутилиши мумкин бўлган асосий чора-тадбирлар берилган.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган ташқи бошқарув режасида назарда тутилиши мумкин бўлган чора-тадбирлар рўйхати тугал эмас. Ташқи бошқарув режасида қарздор тўлов қобилиятини тиклаш бўйича ташқаридан юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш, ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши ва фаолиятининг давом этишидан, қарздорни қайта ташкил этишдан манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ёрдам кўрсатиши каби чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда қарздор тўлов қобилиятини тиклаш бўйича чора-тадбир сифатида банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг тақдимномасига биноан устав фондида давлат улуши бўлган корхонанинг фаолият кўрсатмаётган объектларини консервация қилишни ҳам назарда тутади. Консервация бу – асосий воситалар ёки қурилиши тугалланмаган объектларнинг тегишли қарор билан белгиланадиган даврда сақланишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар бўлиб, бу давр тамом бўлгач, улардан фойдаланиш ёки қурилиш давом эттирилиши керак.

Қарздорнинг фаолият кўрсатмаётган объектларини консервация қилиш муносабатлари ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16-сентябрдаги 401-сонли қарори билан тасдиқланган «Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом билан ҳам тартибга солинади.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг хўжалик судига устав фондида давлат улуши бўлган корхонанинг фаолият кўрсатмаётган объектларини консервация қилиш тўғрисидаги тақдимномаси (қ а р а н г : 429-бет);

– қарздорнинг фаолият кўрсатмаётган объектларини консервация қилиш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 775-бет).

110-*модда*. Қарздорнинг корхонасини (бизнесини) сотиш

Кредиторларнинг талабларини қондириш мақсадида ташқи бошқарув режасида қарздорнинг корхонасини (бизнесини) мулкий мажмуа сифатида сотиш назарда тутилиши мумкин.

Корхона (бизнес) сотилаётганида қарздорнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга мўлжалланган барча турдаги мол-мулки, шу жумладан ер участкалари, бинолари, иншоотлари, ускуналари, инвентари, хом ашёси, маҳсулоти, талаб қилиш ҳуқуқлари, шунингдек, қарздорнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалари (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари), унинг товар-

лари, ишлари ва хизматлари, қарздорга тегишли бўлган бошқа мутлақ ҳуқуқлар ўзга шахсларга ўтказилади, бошқа шахсларга топширилиши мумкин бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно.

Корхона (бизнес) сотилаётганида қарздорнинг мол-мулкини баҳолаш баҳоловчи ташкилот томонидан ўтказилади, унинг хизматига қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ҳақ тўланади. Баҳоловчи ташкилот кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан тасдиқланади.

(110-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ–257-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 315-модда)

Ташқи бошқарувчи корхонани (бизнесни) кредиторлар йиғилишининг розилиги билан, харидор ўзига хизмат кўрсатувчи банкнинг тегишли кафолатини тақдим этган тақдирда, бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишга ҳақли.

Корхона (бизнес) сотилаётганида корхона (бизнес) сотилаётган пайтда амал қилиб турган барча меҳнат шартномалари ўз кучини сақлаб қолади, иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эса корхонани (бизнесни) сотиб олувчи ихтиёрига ўтади.

Корхонани (бизнесни) сотиш, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, очиқ кимошди савдоси ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Кимошди савдосини ўтказиш шакли ва шартлари кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан белгиланади.

(110-модданинг олтинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 20 декабрдаги ЎРҚ–15-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 51-сон, 375-модда)

Агар корхона (бизнес) таркибида муомала қобилияти чекланган мол-мулк бўлса, корхонани (бизнесни) сотиш қонунга мувофиқ мазкур мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эга бўла оладиган шахслар иштирокида ёпиқ кимошди савдоси ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Кимошди савдосига қўйиладиган корхонани (бизнесни) сотишда бошланғич нарх, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, корхонанинг мол-мулкини баҳоловчи ташкилот ўтказган баҳолаш ҳисобга олинган ҳолда, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси қарори билан белгиланади.

(110-модданинг саккизинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ–257-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 315-модда)

Кимошди савдосини ўтказиш шартларида корхонани (бизнесни) сотишдан тушган пул маблағларини қарздор ташқи бошқарув муддати тугашидан камида ўттиз кун олдин олишини назарда тутиш керак.

Ташқи бошқарувчи кимошди савдосининг ташкилотчиси сифатида иш кўради ёки ушбу мақсад учун ихтисослаштирилган ташкилотни жалб этиб, унинг хизматига қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ҳақ тўлайди. Кимошди савдосини ўтказувчи ихтисослаштирилган ташкилот қарздорга ва ташқи бошқарувчига нисбатан манфаатдор шахс бўлиши мумкин эмас.

Ташқи бошқарувчи корхона (бизнес) очиқ кимошди савдосида сотилиши тўғрисидаги эълонни расмий нашрда кимошди савдоси ўтказиладиган санадан камида ўттиз кун олдин эълон қилиши шарт. Эълонда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

– корхона (бизнес) тўғрисидаги маълумотлар ва у билан танишиш тартиби;

– кимошди савдосида иштирок этиш учун талабномалар бериш муддатлари, вақти ва жойи;

– корхонани (бизнесни) сотишнинг бошланғич нархи;

– кимошди савдосини ўтказиш ва унинг якунларини чиқариш вақти ҳамда жойи;

– олди-сотди шартномасини тузиш ва тўловлар шартлари ҳамда муддатлари;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар.

Агар эълонда кўрсатилган муддатларда битта ҳам талабнома олинмаган бўлса ёки битта иштирокчидан талабнома олинган бўлса, корхонани (бизнесни) сотиш бўйича кимошди савдоси амалга ошмаган деб топилади ва ушбу модданинг саккизинчи – ўн биринчи қисмларида назарда тутилган шартларда такрорий кимошди савдоси ўтказилади. Агар корхона (бизнес) биринчи кимошди савдосида сотилмаган бўлса ҳам такрорий кимошди савдоси ўтказилади.

Такрорий ким ошди савдосини ўтказиш мақсадида ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарорига мувофиқ корхонани (бизнесни) сотиш тўғрисидаги янги хабарни амалга ошмаган деб топилган ёки корхона (бизнес) сотилмаган ким ошди савдосининг санасидан эътиборан ўн беш кун ичида, ушбу Қонуннинг мазкур моддасида ва 53-моддасида назарда тутилган тартибда эълон қилади. Бунда ким ошди савдоси хабар эълон қилинган санадан эътиборан камида ўн беш кунлик муддат ўтгач, ўтказилади. Корхонани (бизнесни) сотиш нархи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарорига кўра пасайтирилиши мумкин, бироқ бунда пасайтириш аввалги ким ошди савдосидаги нархнинг 10 фоизидан кўп бўлмаслиги керак.

(110-модданинг ўн учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–300-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 40-сон, 411-модда)

Корхонанинг (бизнеснинг) олди-сотди шартномаси кимошди савдоси ғолиби билан ташқи бошқарувчи ўртасида кимошди савдоси якунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тузилади. Кимошди савдосида ғолиб чиққан шахс ва кимошди савдосининг ташкилотчиси кимошди савдоси ўтказилган куни ана шу савдонинг натижалари тўғрисида баённома имзолайди, бу баённома шартнома кучига эга бўлади. Кимошди савдосида ғолиб чиққан шахс кимошди савдоси баённомасини ёки олди-сотди шартномасини имзолашдан бош тортган тақдирда ўзи тўлаган закалатдан маҳрум бўлади. Закалат суммаси кимошди савдоси ташкилотчиларининг ушбу тадбирни ўтказишга кетган чиқимлари чегириб ташланган ҳолда қарздор мол-мулкининг таркибига киритилади.

Агар корхона (бизнес) ушбу модданинг ўн тўртинчи қисмида назарда тутилган шартларда сотилмаган бўлса, ташқи бошқарувчи, ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарорига биноан корхонани (бизнесни) оммавий оферта воситасида кимошди савдосига қўйиши ва расмий нашрда оммавий оферта тўғрисидаги таклиф эълон қилингач, камида ўн беш кундан кейин унинг учун энг юқори нархни таклиф қилган шахс билан корхонанинг (бизнеснинг) олди-сотди шартномасини тузиши мумкин.

(110-модданинг ўн бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–300-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 40-сон, 411-модда)

Корхонани (бизнесни) сотишдан тушган сумма ҳисобидан кредиторларнинг талабларини қарздор тўла ҳажмда қондириш имкониятига эга бўлган ҳолларда ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилиши лозим.

Агар корхонани (бизнесни) сотишдан тушган сумма кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондириш учун етарли бўлмаса, ташқи бошқарувчи кредиторларга келишув битими тузишни таклиф этади. Келишув битимига эришилмаган тақдирда, хўжалик суди ташқи бошқарувчининг аризасига биноан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Корхонани (бизнесни) сотишдан тушган сумма тугатиш массасини ташкил этади ҳамда ушбу Қонуннинг 133, 134 ва 169-моддаларида назарда тутилган навбат тартибида тақсимланиши керак.

Шарҳланаётган модда корхона (бизнес)ни мулкий мажмуа сифатида сотиш тартибини белгилайди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, хўжалик суди қарори билан банкротлик таомиллари қўлланилаётган корхонани баҳолашни амалга ошириш, кимошди савдосидаги бошланғич нархни белгилаш, корхона мулкини реализация қилиш тартиби «Таркибий ўзгартириладиган корхоналарнинг,

шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилган корхоналарнинг мол-мулкини баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисида»ги Низомда ҳам белгиланади (*ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 18.04.2003 йилдаги 188-сон Қарорига 1-илова*).

Корхона (бизнес)ни мулкий мажмуа сифатида реализация қилиш қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ва кредиторлар билан тегишли ҳисобкитобларни қилиш чораси сифатида ташқи бошқарув режасига киритилиши мумкин. Шарҳланаётган модда мазмунидан келиб чиқиб, корхона деганда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкил қилинган мулкий мажмуани тушуниш мумкин.

Корхона (бизнес) сотилаётганда у билан бирга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга қаратилган барча турдаги мол-мулклари, қарздор филиаллар ва ваколатлари ҳам сотилади. Корхона олди-сотди шартномасида таркибига ўзга шахсларга ўтказиладиган ер участкалари, бинолари, иншоотлари, ускуналари, инвентари, хомашёси, маҳсулоти, талаб қилиш ҳуқуқлари, шунингдек, қарздорнинг якка тартибдаги аломатларини акс эттирувчи воситалари (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси), унинг товарлари, ишлари ва хизматлари, қарздорга тегишли бўлган бошқа мутлақ ҳуқуқлар кўрсатилиши керак. Қарздорнинг бошқа шахсларга топширилиши мумкин бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлари сотилиши мумкин эмас (*ФКнинг 489-моддага қаранг*).

Корхона (бизнес) мулкий мажмуа сифатида сотувга қўйилаётганда қарздорнинг сотилаётган мулкини баҳолаш лозим. Баҳолаш харажатлари қарздорнинг мулки ҳисобидан қопланади. Баҳолаш кредиторлар йиғилиши ёки қўмитаси томонидан тасдиқланган баҳоловчи ташкилот томонидан амалга оширилади.

Қонун ташқи бошқарувчи томонидан кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) розилиги билан, корхона (бизнес)ни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилиш имкониятини белгилайди. Бунда корхона (бизнес)ни олди-сотди шартномасидаги тўлов муддати бир йилдан ошиб кетмаслиги, охирги ҳисобкитоб ташқи бошқарув муддати тугашидан камида ўттиз кун олдин тўланиши керак (шарҳланаётган модданинг тўққизинчи қисми). Корхона (бизнес)ни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишнинг шартларидан бири, харидор ўзига хизмат кўрсатувчи банкнинг тегишли кафолатини тақдим этиши кераклигидир.

Корхона (бизнес)ни сотиш қоида бўйича очиқ кимошди савдоларини ўтказиш орқали амалга оширилади.Кимошди савдоси ФК 380-моддасида назарда тутилганидек,танлов ёки аукцион усулида ўтказилади, шу билан бирга кимошди савдосини ўтказиш шакли ва шартлари кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан белгиланади.

Корхоналарнинг давлатга қисман ёки тўлиқ тегишли бўлган мол-мулки савдоларини ўтказиш шакли Давлат мулки қўмитаси ваАнтимонопол қўмита

билан келишилади (*ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг18.04.2003 йил 188-сон қарорига 1-илованинг 14-банди*).

Корхона мулки таркибида муомала қобилияти чекланган мулклар бўлиши мумкин. Бундай мулкларни реализация қилишда ёпиқ ким ошди савдоси уюштирилиб, унда мазкур мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эга бўла оладиган шахслар иштирок этади.

Корхона (бизнес) кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси қарори билан белгиланган бошланғич нарх билан ким ошди савдосига қўйилади. Бошланғич нарх корхонанинг (бизнесни) мол-мулкини баҳолаш ташкилот томонидан ўтказилган баҳолаш нархидан келиб чиқиши мумкин, шунингдек баҳоланиш нархидан юқори ёки паст нархда ҳам белгиланиши мумкин.

Реализация қилинаётган корхона (бизнес) нинг нархи ташқи бошқарув муддати тугашидан камида ўттиз кун олдин тўланиши керак. Ушбу талабга, шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан корхона (бизнес) реализация қилинаётганда ҳам амал қилинади.

Ташқи бошқарувчи кимошди савдосининг ташкилотчиси сифатида иш кўриши мумкин ёки ушбу мақсад учун ихтисослаштирилган ташкилотни жалб этиши мумкин. Кимошди савдосининг ташкилотчисига қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ҳақ тўланади.

Қонуннинг 17-моддасида кўрсатилган қарздорга ва ташқи бошқарувчига нисбатан манфаатдор шахслар кимошди савдосининг ташкилотчиси бўлиши мумкин эмас.

Банкротлик таомили (тугатишга доир иш юритишни истисно этганда) қўлланилган корхона (бизнес)ни реализация қилишда савдонинг ташкилотчиси (ихтисослаштирилган ташкилот)га қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак (*ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 18.04.2003 йилдаги 188-сон Қарорига 1-илова, 15-банд*):

– муассислар (қатнашчилар)нинг ваколатли органи ёки мулкдорнинг белгиланган тартибдаги қарори баённомаси; кредиторлар йиғилиши баённомаси; сотувга қўйиладиган мол-мулк рўйхати;

– баҳоловчи томонидан баҳоланган мол-мулкни реализация қилишнинг дастлабки нархини белгилаш тўғрисидаги ҳужжат.

Корхона (бизнес)ни очиқ кимошди савдосида сотилиши тўғрисидаги эълонни расмий нашрда ким ошди савдоси ўтказиладиган санадан камида ўттиз кун олдин эълон қилиниши сотувнинг зарурий шартларидан бўлиб бири ҳисобланади.

Агар эълонда кўрсатилган муддатларда битта ҳам талабнома олинмаган бўлса ёки битта иштирокчидан талабнома олинган бўлса, корхонани (бизнесни) реализация қилиш бўйича ким ошди савдоси амалга ошмаган деб топилади. Бундай ҳолатларда мажбурий тартибда такрорий кимошди савдоси амалга оширилади.

Агар кимошди савдоси амалга ошмаган деб топилган ёки корхона (бизнес) сотилмаган кундан бошлаб ўн беш кун ичида ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси қарорига мувофиқ такрорий кимошди савдосини ўтказиш мақсадида ташқи бошқарувчи корхонани (бизнесни) реализация қилиш тўғрисидаги янги хабарни Қонуннинг 53-моддасида ва шарҳланаётган моддада назарда тутилган тартибда эълон қилади. Бунда кимошди савдоси хабар эълон қилинган кундан кейин ўн беш кун ичида амалга оширилади. Корхонани (бизнесни) сотиш нархи кредиторлар қўмитаси ёки йиғилиши қарорига кўра реализация қилишнинг олдинги нархидан 10 фоиз миқдорида пасайтирилиши мумкин.

Корхонанинг (бизнеснинг) олди-сотди шартномаси кимошди савдоси ғолиби билан ташқи бошқарувчи ўртасида ким ошди савдоси якунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тузилиши назарда тутилган. Кимошди савдосининг натижалари савдода ғолиб чиққан шахс ва кимошди савдосининг ташкилотчиси томонидан имзоланадиган баённома билан расмийлаштирилади. Баённома савдо кунининг ўзида имзоланади ва шартнома кучига эга бўлади. Ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс кимошди савдоси баённомасини имзолашдан бош тортган тақдирда закалатидан маҳрум бўлади. Мазкур закалат савдо тадбирини ўтказишга кетган харажатлари чегириб ташланган ҳолда қарздорга берилади, савдо ташкилотчиларига ўзи тўлаган.

Шарҳланаётган модданинг ўн бешинчи қисмида корхона (бизнес) ушбу модданинг ўн тўртинчи қисмида назарда тутилган шартларда сотилмаган бўлса, ташқи бошқарувчи, ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарорига биноан корхонани (бизнесни) оммавий оферта воситасида реализация қилиши имкониятлари назарда тутилган. Корхонани (бизнесни) биринчи савдода ва такрорий савдода сотилмагани оммавий оферта воситасида реализация қилиниши шарти ҳисобланади. Шартнома энг юқори нархни таклиф қилган шахс билан тузилади.

Қарздор корхонани (бизнесни) реализация қилишдан тушган сумма ҳисобидан қарздор кредиторларнинг талабларини тўла ҳажмда қондириш имкониятига эга бўлган ҳолларда ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилиши мумкин.

Шу билан бирга хўжалик судига ташқи бошқарувни тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилингунча суд бошқарувчиси барча кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиши лозим ва шундагина ташқи бошқарувчи томонидан кредиторлар йиғилишига ҳисобот тақдим қилиш талаб қилинмайди.

Агар корхонани (бизнесни) реализация қилишдан тушган сумма кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондириш учун етарли бўлмаса, қарздор билан кредиторлар ўртасида келишув битими тузилиши мумкин. Келишув битимини тузиш тартиби Қонуннинг VIII бобида кўрсатилган. Келишув бити-

мига эришилмаган тақдирда, хўжалик суди ташқи бошқарувчининг аризасига биноан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Қарздор корхона(бизнес)си реализация қилингандан кейин ҳисоб-китоблар суғурталовчининг банкротлиги тўғрисидаги иш бўйича ҳисоб-китоб тартиби хусусиятларини инобатга олиб (*Қонуннинг 169-моддаси*), Қонуннинг 133, 134-моддаларида назарда тутилган навбат тартибида амалга оширилади.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– суд бошқарувчисининг корхонани (бизнесни) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишга розилик бериш ҳақида кредиторлар йиғилишига хати (қ а р а н г : 548-бет);

– корхонани (бизнесни) бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишга розилик бериш ҳақидаги қарори (қ а р а н г : 549-бет);

– кредиторлар йиғилишининг қарздор мол-мулкини сотиш учун кимошди савдосини ўтказиш шакли (очиқ, ёпиқ), бошланғич нархи ва шартлари ҳақидаги қарори (қ а р а н г : 551-бет);

– корхонани сотишнинг бошланғич нархини пасайтириш ҳақидаги кредиторлар йиғилишининг қарори (қ а р а н г : 554-бет);

– ташқи бошқарувчининг кредиторлар йиғилишига корхонани оммавий оферта йўли билан кимошди савдосига қўйиш ҳақидаги хати (қ а р а н г : 556-бет);

– суд бошқарувчисининг очиқ кимошди савдосини оммавий оферта йўли билан ўтказиш тўғрисидаги эълонни чоп этиш ҳақидаги расмий нашрга хати (қ а р а н г : 557-бет).

– корхонани (бизнесни) сотишдан тушган сумма ҳисобидан кредиторларнинг талабларини тўла ҳажмда қондирилиши муносабати билан иш юритишни тугатиш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 778-бет);

– корхонани (бизнесни) сотишдан тушган сумма ҳисобидан кредиторларнинг талабларини тўла ҳажмда қондириш имкони бўлмаганлиги сабабли қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувини бошлаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори (қ а р а н г : 780-бет);

111-*модда*. Қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш

Қарздорнинг мол-мулки инвентаризация қилинганидан ва баҳоланганидан кейин ташқи бошқарувчи, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, мол-мулкнинг бир қисмини очиқ кимошди савдосида сотишни бошлашга ҳақли.

(111-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 20 декабрдаги ЎРҚ–15-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 51-сон, 375-модда)

Қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилиши қарздорнинг ўз хўжалик фаолиятини амалга оширишини имконсиз қилиб қўймаслиги керак.

Қарздорнинг муомала қобилияти чекланган мол-мулки қонунга мувофиқ мазкур мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эга бўла оладиган шахслар иштирокида ёпиқ кимошди савдоси ўтказиш орқали реализация қилинади.

Кимошди савдосига қўйиладиган мол-мулкнинг бир қисмини сотишда бошланғич нарх, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг мол-мулкини баҳоловчи ташкилот ўтказган баҳолаш ҳисобга олинган ҳолда, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси қарори билан белгиланади.

(111-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ–257-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 315-модда)

Қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш бўйича кимошди савдоси ушбу Қонуннинг 110-моддасида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

Ташқи бошқарувчи қарздор мол-мулкининг бир қисмини кредиторлар йиғилишининг розилиги билан, харидор ўзига хизмат кўрсатувчи банкнинг тегишли кафолатини тақдим этган тақдирда, бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишга ҳақли.

Ташқи бошқарув жараёнида ташқи бошқарувчи қарздорнинг арзонбаҳо ва тез ишдан чиқадиган мол-мулкини, шунингдек хом ашё ва тайёр маҳсулоти қолдиқларини кредиторлар йиғилишининг розилиги билан, кимошди савдоси ўтказмаган ҳолда олди-сотди шартномалари асосида сотишга ҳақли.

Қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотишдан тушган сумма тугатиш массасини ташкил этади ҳамда ушбу Қонуннинг 133, 134 ва 169-моддаларида назарда тутилган навбат тартибида тақсимланиши керак.

Қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш, қоидага биноан, ташқи бошқарув режасида қарздор тўлов қобилиятини тиклаш чора-тадбири сифатида назарда тутилади(Қонуннинг 109-моддаси биринчи қисми бешинчи хатбоши) ва кредиторлар йиғилиши розилиги билан ташқи бошқарув режасига мувофиқ амалга оширилади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, хўжалик суди қарори билан банкротлик таомиллари қўлланилаётган корхонани баҳолашни амалга ошириш, кимошди савдодаги бошланғич нархни белгилаш, корхона мулкини реализация қилиш тартиби «Таркибий ўзгартириладиган корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилган корхоналарнинг мол-мулкини баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисида»ги Низомда ҳам белгиланади (*ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 18.04.2003 йилдаги 188-сон Қарорига 1-илова*).

Ташқи бошқарув жараёнида кредиторлар талабларини қондириш мақсадида қарздор мол-мулкининг бир қисми муомала қобилияти чекланган молмулк (улар шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида белгилангандек, ёпиқ кимошди савдосида сотилади)ни, арзон нархли мол-мулк (улар шарҳланаётган модданинг еттинчи қисмида белгилангандек, кредиторлар йиғилишининг розилиги билан, кимошди савдоси ўтказмаган ҳолда олди-сотди шартномалари асосида реализация қилинади)ларини истисно этганда, мажбурий тартибда очиқ кимошди савдосида сотилади. Кимошди савдоси аукцион ёки танлов кўринишида ўтказилиши мумкин. Кимошди савдоси ўтказилган деб топиш учун савдода бир неча (икки ёки ундан ортиқ) иштирокчи қатнашиши керак.

Қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилиши қарздорнинг ўз хўжалик фаолиятини амалга оширишини имконсиз қилиб қўймаслиги керак. Масалан, ташқи бошқарув давомида ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилмаётган мулклар (кўчмас мулкнинг алоҳида объектлари, воситалар, ускуналар, тайёр маҳсулот қолдиқлари, ишлаб чиқариш захиралари, хом-ашё, материаллар ва ҳоказо) сотилиши мумкин.

Қарздорда муомала қобилияти чекланган мол-мулк мавжуд бўлса, бундай мол-мулк ёпиқ кимошди савдоси ўтказиш орқали реализация қилиниши мумкин. Ёпиқ кимошди савдосида фақат қонунга мувофиқ мазкур мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эга бўла оладиган шахсларгина иштирок этишлари мумкин.

Кимошди савдосига қўйилган қарздор мол-мулкининг бир қисми бошланғич нархи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан белгиланади. Кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси мол-мулкнинг бошланғич нархини белгилашда қарздорнинг мол-мулкини баҳолаш ташкилоти ўтказган баҳолашга асосланишлари мумкин. Шу билан бирга Қонун кредиторлар йиғилиши(қўмитаси)га баҳолашдаги нархдан паст ёки юқори нарх белгилашлари мумкинлигини тақиқламайди.

Қарздор мол-мулкининг бир қисмини реализация қилиш бўйича кимошди савдоси ушбу Қонуннинг 110-моддасида назарда тутилган тартибда ўтказилиши лозим.

Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисмида, ташқи бошқарувчи қарздор мол-мулкининг бир қисмини кредиторлар йиғилиши (қўмитаси)нинг розилиги билан бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишга ҳақли эканлиги белгиланган. Бунда олди-сотди шартномаси бўйича ҳисоб-китоб қилиш муддати бир йилдан ошмаслиги керак. Қарздор мол-мулкининг бир қисмини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишнинг шартларидан бири бўлиб, бу харидор ўзига хизмат кўрсатувчи банкнинг тегишли кафолатини тақдим этиши кераклигидир.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида белгиланган қарздор молмулкининг бир қисмини кимошди савдосида реализация қилишнинг умумий қоидаларини истисно сифатида, арзон баҳо ва тез ишдан чиқадиган молмулклар, шунингдек, хомашё ва тайёр маҳсулот қолдиқлари кредиторлар

йиғилишининг розилиги билан, кимошди савдоси ўтказмаган ҳолда олди-сотди шартномалари асосида сотилиши мумкинлигидир. Бироқ бундай мол-мулк кредиторлар йиғилиши ёки ташқи бошқарувчи ихтиёри билан аукцион ёки танловда ҳам сотилиши мумкин. Мол-мулкни арзон баҳо ва ва тез ишдан чиқадиган мол-мулклар қаторига киритишнинг тартиби бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) билан белгиланади.

Қарздор мол-мулкининг реализация қилишдан тушган сумма тугатиш массасига киритилади ҳамда ушбу Қонуннинг 133, 134 ва 169-моддаларида назарда тутилган навбат тартибида кредиторларнинг талабларини қондиришга йўналтирилади.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига ташқи бошқарувчининг қарздорнинг арзон баҳо ва тез ишдан чиқадиган мол-мулкини, шунингдек, хом ашё ва тайёр маҳсулоти қолдиқларини кимошди савдоси ўтказмаган ҳолда олди-сотди шартномалари асосида сотиш ҳақидаги кредиторлар йиғилишига хати (аризаси) намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 559-бет).

112-*модда.* Қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш

Қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш ташқи бошқарувчи томонидан, агар ташқи бошқарув режасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг розилиги билан талаб қилиш ҳуқуқларини очиқ кимошди савдосида сотиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Агар ташқи бошқарув режасида қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини кимошди савдоси ўтказмасдан муайян харидорга сотиш имконияти назарда тутилган бўлса ёки талаб қилиш ҳуқуқлари кимошди савдосида сотилмаган бўлса, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси талаб қилиш ҳуқуқларининг сотиш нархини ва бундай сотувнинг бошқа шартларини белгилайди.

Шарҳланаётган модда қарздорнинг ташқи бошқарув жараёнида талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиши хусусиятларини белгилайди.

Ташқи бошқарувчида икки усулдан бирини танлаш имконияти мавжуд: қарздорнинг дебиторлари (қарздорлари)га нисбатан ўзи талаб билдириб, дебиторлик қарзларини ундириш ёки мажбуриятда шахсларнинг алмашинуви тартибида қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларидан учинчи шахснинг фойдасига воз кечиш, яъни цессия.

Иккинчи усул оддийлиги ва тезроқ амалга ошиши туфайли ташқи бошқарувчига афзал ҳисобланади. Мазкур усулнинг ягона салбий жиҳати шундаки, қарздор дебиторлик қарзлари бўйича талабни баланс миқдорига тенг нархда ўзганинг фойдасига воз кеча олмайди, чунки талаб қилиш

ҳуқуқининг миқдорига тенг нархда сотиб олувчини топиб бўлмайди. Ўз нархидан арзонлаштириб бериш – дисконт бозор иқтисодиёти моҳиятидан келиб чиқадиган – талаблардан воз кечишнинг қонуний шартларидир. Воз кечишнинг бундай камчилиги унинг ижобий хусусиятлари талаб қилиш ҳуқуқи ўз нархидан кам миқдорда бўлса ҳам, нақд пул воситаларига айланиши билан қопланади.

Ташқи бошқарув жараёнида ўзганинг фойдасига талаблардан воз кечиш, агар ташқи бошқарув режасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, кредиторлар йиғилиши ёки қўмитаси розилиги билан кимошди савдолари ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш муносабатлари шартнома билан расмийлаштирилади.

Қонуннинг 109-моддаси биринчи қисми олтинчи хатбошига кўра, қарздорнинг айланма маблағларини тиклаш ёки ҳажмини тўлдиришга қаратилган талаблардан воз кечиш тадбири ташқи бошқарув режасида белгиланиши мумкин. Шарҳланаётган қисм ташқи бошқарув режасида қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини очиқ кимошди савдоси ўтказмасдан муайян харидорга реализация қилиш имкониятини назарда тутади.

Шарҳланаётган қисмга кўра, талаб қилиш ҳуқуқлари кимошди савдосида сотилмаган тақдирда, талаб қилиш ҳуқуқларининг реализация қилиш нархини ва бундай реализация қилишнинг бошқа шартларини белгилайдиган кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси розилиги билан талабларни бевосита шартномалар тарзида реализация қилиш мумкинлиги белгиланган. Шу билан бирга, шарҳланаётган моддада талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечишни бир неча маротаба сотувга қўйиш масалаларига аниқлик киритилмаган.

Ушбу вазиятда, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси талаб қилиш ҳуқуқларининг реализация қилиш нархини ва бундай сотувнинг бошқа шартларини белгилайди.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– ташқи бошқарувчининг талаб қилиш ҳуқуқларини очиқ кимошди савдосида сотиш ҳақидаги кредиторлар йиғилишига хати (аризаси) (қ а р а н г : 561-бет);

– талаб қилиш ҳуқуқини, унинг нархини аниқлаган ҳолда, очиқ кимошди савдосида сотишга розилик бериш ҳақидаги кредиторлар йиғилишининг қарори (қ а р а н г : 562-бет).

113-*модда.* Қарздор мажбуриятларининг қарздор мол-мулкининг эгаси ёки учинчи шахс томонидан бажарилиши

Қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси ташқи бошқарув тугагунга қадар истаган вақтда кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторларнинг талабларини бир йўла қондиришга ҳақли.

Қарздорнинг пул мажбуриятлари учинчи шахс (учинчи шахслар) томонидан бажарилишига, бундай бажариш кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторларнинг талабларини бир йўла қаноатлантирган тақдирда, йўл қўйилади.

Кредиторнинг ўзи ҳақидаги, у билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун зарур маълумотларни тақдим этиш мажбуриятларини бузганлиги, худди шунингдек ижрони таъминлашдан бошқача тарзда бош тортганлиги оқибатида ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш мумкин бўлмаганда, пул маблағлари қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) нотариуснинг ёки суднинг депозитига киритилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда қарздор мажбуриятларининг қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси ёки учинчи шахс томонидан бажарилиши хусусиятларини белгилайди.

Қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси ёхуд учинчи шахслар томонидан талабларнинг бажарилиши, кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ, барча кредиторларнинг талабларини бир йўла қондириш шарти балан қарздор ҳисоб варағига пул маблағларини ўтказиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бир вақтда деганда ҳисоб рақамига пул ўтказишда ҳамма кредиторларнинг талабларини бир вақтда қондиришга етарли пул маблағларини ўтказиш тушунилади. Талаблар бу усулда қондирилганда, кредиторлар қарздорнинг ўз қарзларини тўлаш учун ўтказган воситаларини қабул қилишдан воз кечишлари мумкин бўлмайди.

Муассислар (иштирокчилар) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси ёхуд учинчи шахслар қарздор кредиторларининг талабларини қондиришнинг бундай усулидан ташқари кредиторлар билан бевосита ҳисоб-китоб қилишлари ҳам мумкин.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми кредиторнинг у билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун банк ҳисоб рақамлари ҳақида аниқ маълумотларни тақдим этмаган тақдирда, қарздор мажбуриятининг ижросини қабул қилишдан бош тортишга тенглаштирилиб, пул маблағлари махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши мумкинлигини назарда тутади. Бундай вазиятда пул маблағлари қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) нотариуснинг ёки суднинг депозитига киритилиши мумкин. Пул маблағлари қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) нотариуснинг ёки суднинг депозити рақамига киритилиши кредитор талабларини тегишинча қондириш сифатида баҳоланади (*ФК 249-модда иккинчи қисми*).

114-*модда*. Қарздорнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш

Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида ташқи бошқарув режасида қарздор очиқ акциядорлик жамиятининг қўшимча акцияларини жойлаштириш имконияти назарда тутилиши мумкин. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан устав фондини кўпайтириш имко-

нияти ташқи бошқарув режасига фақат зарурий қарорни қабул қилган қарздорнинг акциядорлари умумий йиғилишининг илтимосномасига биноан, агар бу илтимоснома ташқи бошқарувчига ташқи бошқарув тугайдиган санага камида олти ой қолганида юборилган бўлса, киритилиши мумкин.

Қарздор очиқ акциядорлик жамиятининг устав фондини унинг қўшимча акцияларини чиқариш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарор кредиторлар йиғилиши томонидан қабул қилинади. Агар қарздорнинг устав фондини унинг қўшимча акцияларини жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда эълон қилинган акцияларнинг қарздор уставида белгиланган миқдорини кўпайтириш қисмига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарур бўлса, унда қарздорнинг уставига фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилганидан кейин устав фондини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин бўлади.

Қарздорнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш асосан очиқ обуна бўйича уларнинг ҳақини фақат пул маблағлари билан тўлаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Қарздорнинг акциядорлари қарздорнинг жойлаштириладиган акцияларини акциядорлик жамиятининг ўзларига тегишли акциялари миқдорига мутаносиб миқдорда ва ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ белгиланадиган нархда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Қўшимча акциялар акциядорлар ўртасида жойлаштирилаётган акцияларнинг номинал қийматидан паст бўлмаган нархда жойлаштирилади, бунда жойлаштирилаётган акцияларнинг ҳаммасини мазкур нархда сотиш барча кредиторларнинг талабларини тўла қаноатлантириш учун етарли пул маблағлари тўпланишига олиб келиши шарт. Акцияларни акциядорлар ўртасида жойлаштириш нархи қарздорнинг ташқи бошқарувчиси томонидан белгиланади ва кредиторларнинг умумий йиғилишида тасдиқланади. Қарздорнинг қўшимча акцияларини сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш учун қарздорнинг акциядорларига бериладиган муддат кредиторлар йиғилиши томонидан белгиланади, лекин бу муддат акцияларни жойлаштириш бошланадиган санадан эътиборан ўттиз кундан кам бўлиши мумкин эмас.

Қарздорнинг акциядорлари ўртасида жойлаштирилмаган қўшимча акциялар ташқи бошқарувчи томонидан очиқ кимошди савдосида реализация қилинади. Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, илгари қарздорнинг акциядорлари бўлмаган, қарздорнинг янги эмиссиядаги акцияларини сотиб олган шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қарздорга сотиб олинган акциялар суммасида ўз талабларини билдиришга ҳақли.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарув таомилида қарздорнинг устав фондини кенгайтириш орқали қўшимча акцияларни жойлаштириш тартибини акс эттиради.

Ташқи бошқарув режасида қарздорнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиши учун маблағларига эга бўлиш мақсадида очиқ кўринишдаги акциядорлик жамиятларига қўшимча акцияларни жойлаштириш чораси кўрилиши мумкин (*109-модда биринчи қисм саккизинчи хатбоши*). Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қарздорнинг устав фондини кенгайтириш чораси акциядорларининг умумий йиғилишининг қарздорнинг кредиторлари йиғилишига юборган илтимосномасига кўра ташқи бошқарув режасига киритилиши мумкин.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарори ташқи бошқарувчига ташқи бошқарув тугашидан камида олти ой олдин жўнатилиши керак.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарори асосида ушбу масалани кредиторлар йиғилиши кўриб чиқиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолда, Қонун акциядорлар йиғилишининг қўшимча акцияларни жалб қилиш тўғрисидаги илтимосномасини кредиторлар йиғилиши томонидан маъқулланишини мажбур қилиб қўймайди. Кредиторлар йиғилиши молиявий соғломлаштиришнинг ушбу чорасини мақсадга номувофиқ деб топган тақдирда, илтимосномани рад этиш ҳуқуқига эга. Қўшимча акциялар чиқариш орқали устав фондини кенгайтириш чоғида эълон қилинган акциялар миқдорини кўпайтириш қисмига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарур бўлган тақдирда, устав фондини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга, қонунда белгиланган тартибда, қарздор уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилгандан кейингина йўл қўйилади.

Қўшимча чиқарилган акциялар учун ҳақ тўлаш фақат пул маблағлари билан, қўшимча акцияларни жойлаштириш эса фақат очиқ рўйхатга олиш асосида амалга оширилади. Қонун чиқарувчи томонидан ушбу норма кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун ташқаридан қўшимча ликвид воситаларни жалб этиш мақсадида киритилган. Қўшимча жойлаштирилган акцияларни реализация қилишда қарздор акциядорлари акцияларни сотиб олиш бўйича имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади. Бундай акцияларни сотиб олиш истагига эга бўлган бир қанча сотиб олувчилар ичида акциядорлар ҳам бўлса, акциялар акциядорларга сотилиши лозим. Акцияларни реализация қилиш нархлари шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ белгиланади.

Қўшимча акциялар акциядорлар орасида жойлаштирилган акцияларнинг номинал қиймати баҳосидан паст бўлмаган миқдорда жойлаштирилади. Қонунчиликка қўшимча акцияларни ўз номинал қийматидан паст бўлмаган баҳода реализация қилиш шартлари амалиётда кўпинча корхоналар акцияларининг бозор нархи ташқи бошқарув таомилида номинал қийматдан паст жойлашганлиги сабабли киритилди. Шу муносабат билан акцияларни бу нарх (бозор нархи)да жойлаштириш қарздорга кредиторлар билан ҳисоб-китоб

қилиш учун зарур бўлган пул воситаларига эга бўлиш имкониятини бермайди. Қўшимча акцияларни акциядорлар ўртасида жойлаштириш баҳосини аниқлашда шундай шартга асосланиши керакки, сотувда акцияларни белгиланган нархда реализация қилишдан келиб тушадиган пул воситалари барча кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун етарли бўлиши керак. Бу шу билан боғлиқки, қўшимча акцияларни жойлаштириш, ташқи бошқарув режасига кўра, қарздорнинг тўловга қобилиятлилигини тиклаш чораси ҳисобланади. Жойлаштирилаётган акцияларнинг баҳоси ташқи бошқарувчи томонидан белгиланади ва кредиторлар йиғилиши ёки қўмитаси томонидан тасдиқланади. Кредиторлар йиғилиши акциядорларга қўшимча акцияларни сотиб олишда бошқа субъектларга нисбатан имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш мумкин бўлган муддатни белгилашга ҳақли. Бу муддат ўттиз кундан кам бўлмаслиги керак.

Агар кредиторлар йиғилиши имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш учун аниқ муддатни белгиламаса, акциядорлар ўз имтиёзли ҳуқуқларини қўшимча акцияларни жойлаштириш бошланган муддатдан эътиборан бир ой давомида амалга оширишга ҳақли бўлади.

Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмда назарда тутилган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш муддати тугаганидан кейин ташқи бошқарувчи қўшимча акцияларни очиқ кимошди савдосида танлов ёки аукцион ўтказиш йўли билан реализация қилади.

Қарздор банкрот деб эълон қилинганда ва тугатишга доир иш юритиш очиқ деб эълон қилинганда, янги эмиссиядаги акцияларни сотиб олган, олдин қарздор акциядорлари бўлмаган шахслар қонунда белгиланган тартибда акциялар суммаларини талаб қилишга ҳақли. Бунда, қонун чиқарувчи, тугатишга доир иш юритиш давомида янги эмиссия акцияларини сотиб олган акциядорлар қарздорга нисбатан қанақа талабларни қандай навбатда киритиши мумкинлигини кўрсатмаган. Янги эмиссия акцияларини сотиш учун шароитларни яратиш кераклигини ҳисобга олган ҳолда, шарҳланаётган моддадан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, янги эмиссия акцияларини сотиб олган акциядорлар қарздорга нисбатан бундай акцияларга тўланган пул маблағарини қайтариш талабини тўртинчи навбатда қўйишга ҳақлидир.

115-*модда*. Қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш

Қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш қарздорнинг мол-мулки асосида битта очиқ акциядорлик жамиятини ёки бир нечта очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш имконияти, агар шундай қарор қабул қилиниши учун барча кредиторлар овоз берган бўлсалар, кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ ташқи бошқарув режасига киритилиши мумкин.

Қарздорнинг мол-мулки асосида битта очиқ акциядорлик жамиятини ёки бир нечта очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этиш орқали

қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш қарздор мол-мулки эгасининг ёки қарздорнинг тегишли битимларни тузиш ҳақида қарор қабул қилишга таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилган бошқарув органининг қарори асосида ташқи бошқарув режасига киритилиши мумкин.

Агар ташқи бошқарув режасида битта очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этиш назарда тутилган бўлса, унинг устав фондига қарздорнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган барча мол-мулки, шу жумладан мулкий ҳуқуқлари киритилади.

Агар ташқи бошқарув режасида бир нечта очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этиш назарда тутилган бўлса, уларнинг устав фондларига қарздорнинг айрим фаолият турларини амалга ошириш учун мўлжалланган мол-мулки киритилади. Ташкил этилаётган очиқ акциядорлик жамиятларининг устав фондларига қарздорнинг ҳақ тариқасида киритилаётган мол-мулки таркиби ташқи бошқарув режаси билан белгиланади.

Ташкил этилаётган жамиятлар устав фондларининг миқдори киритилаётган мол-мулкнинг баҳоловчи ташкилот томонидан қарздор мол-мулки эгаси ёки қарздорнинг тегишли битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилишга таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилган бошқарув органи таклифларини ҳисобга олган ҳолда аниқланган баҳолаш қиймати асосида белгиланади.

(115-модданинг олтинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ–257-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 315-модда)

Қарздорнинг активлари ўрни алмаштирилаётганда қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар амалда бўлган барча меҳнат шартномалари, иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янги ташкил этилаётган очиқ акциядорлик жамиятига ёки очиқ акциядорлик жамиятларига ўтказилган ҳолда, ўз кучини сақлаб қолади. Қарздорнинг айрим фаолият турларини амалга оширишга доир лицензиялари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта расмийлаштирилиши керак.

Мол-мулкнинг баҳолаш қиймати кредиторлар талабларининг суммасидан ортиқ бўлса, қарздорнинг мол-мулки асосида ташкил этилган очиқ акциядорлик жамияти ёки очиқ акциядорлик жамиятларининг акциялари қарздорнинг мол-мулки таркибига киритилади ва бундай акциялар, агар ушбу моддада бошқача қоида белгиланган бўлмаса, очиқ кимошди савдосида сотилиши мумкин.

Қарздорнинг мол-мулки асосида ташкил этилган очиқ акциядорлик жамияти ёки очиқ акциядорлик жамиятлари акцияларини сотиш барча кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун пул маблағлари тўпланишини таъминлаши керак.

Қарздорнинг мол-мулки асосида ташкил этилган очиқ акциядорлик жамияти ёки очиқ акциядорлик жамиятлари акцияларини очиқ кимошди савдосида сотиш ушбу Қонуннинг 110-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ташқи бошқарув режасида қарздорнинг мол-мулки асосида ташкил этилган очиқ акциядорлик жамияти ёки очиқ акциядорлик жамиятлари акцияларини қимматли қоғозлар бозорида сотиш назарда тутилиши мумкин.

Кредиторларнинг талабларини қондириш ушбу Қонуннинг 133 ва 134-моддаларида белгиланган навбат тартибида амалга оширилиши лозим.

Қарздор мол-мулкининг баҳолаш қиймати кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ талаблар суммасидан ошмаса, қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилишни ёқлаб барча кредиторлар овоз берган тақдирда, кредиторлар йиғилиши мазкур қарорни қарздорнинг барча мол-мулкини очиқ акциядорлик жамиятининг устав фондига ёки бир нечта очиқ акциядорлик жамиятининг устав фондларига қарздор мол-мулки эгасининг ёки қарздорнинг тегишли битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилишга таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилган бошқарув органининг розилигисиз киритиш йўли билан қабул қилиши мумкин. Бунда мазкур жамиятлар устав фондларининг миқдори киритилаётган мол-мулкнинг баҳоловчи ташкилот аниқлаган баҳолаш қиймати асосида белгиланади. Бундай ҳолларда қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш ўтказилгунга қадар ташқи бошқарувчи томонидан иш ҳақи бўйича, алиментларни ундириш тўғрисидаги талабларни қондириш учун ҳисобварақдан пул маблағларини ўтказишни ёки беришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари, муаллифлик шартномалари юзасидан ҳақ тўлаш бўйича, қарздорнинг меҳнатга оид муносабатлар ва уларга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи мажбурий тўловлар ва талаблар бўйича мажбуриятлари бир хил – тенг даражада бажарилишини таъминлайдиган, шунингдек жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида фуқароларнинг мол-мулкларига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга доир талаблари бўйича қарзлар узилиши шарт.

(115-модданинг ўн учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ–257-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 315-модда)

Очиқ акциядорлик жамияти устав фондидаги ёки очиқ акциядорлик жамиятлари устав фондларидаги акцияларни тақсимлаш кредиторлар ўртасида кредиторларнинг талаблари реестридаги уларнинг улушига мутаносиб равишда, кредиторларга очиқ акциядорлик жамияти ёки очиқ акциядорлик жамиятлари муассислари (иштирокчилари) бўлиш ҳуқуқини берган ҳолда амалга оширилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тамомланганидан кейин ташқи бошқарувчи ушбу Қонуннинг 142-моддаси талабларига мувофиқ ҳисобот тайёрлайди ва ушбу Қонуннинг 144-моддасида белгиланган тартибда қарздор корхонанинг банкротлиги таомилини тугаллайди.

Қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш банкротлик таомили қайси банк, суғурталовчи, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчисига нисбатан амалга оширилаётган бўлса, шу банк, суғурталовчи, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчисига нисбатан қўлланмайди.

Шарҳланаётган модда қарздорнинг активлари ўрнини алмаштиришни ўтказишни тартибга солади. Қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш банкротлик тўғрисидаги қонунчиликда янги институт ҳисобланиб, бу таомилни қарздорни қайта тузиш ҳам деб аташ мумкин.

Активларўрниниалмаштиришнингмазмуниқарздорнингмол-мулкиасосида бир ёки бир нечта очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этишдир.

Қарздор активлар ўрнини алмаштириш қарздор тўлов қобилиятини тиклаш бўйича ташқи бошқарув режасига қуйидаги шартлар асосида киритилади:

– қарздор мол-мулки эгасининг ёки қарздорнинг тегишли битимларни тузиш ҳақида қарор қабул қилишга таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилган бошқарув органининг қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилиши;

– кредиторлар талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторларнинг овоз берган бўлса.

Ушбу қоидага истисно ҳолат бўлиб, қарздор мол-мулкининг баҳо қиймати, кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ, талаблар суммасидан ошмаган ҳолат ҳисобланади. Бунда қарздор мол-мулкининг мулкдори ёки таъсис ҳужжатларига асосан тегишли битимни тузиш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколат берилган қарздорнинг бошқарув органининг розилиги талаб этилмайди(шарҳланаётган модданинг ўн учинчи қисми).

Ташқи бошқарув режаси бир ёки бир нечта очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этишни назарда тутиши мумкин.

Қарздор мол-мулки асосида бир нечта очиқ акциядорлик жамияти ташкил этилган ҳолларда, юридик шахсни бўлиб юбориш тарзида қайта ташкил этиш учун белгиланган тартибда (*ФКнинг 50-моддаси учинчи қисми, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 98-моддаси*), қарздор активлари бўлинади ва тақсимлаш баланси тузилади. Янги ташкил этилаётган юридик шахслар ўртасида мол-мулкни тақсимлашнинг шарти шуки, уларнинг ҳар бири учун қарздор шуғулланган айрим хўжалик фаолият турларини амалга ошириш имконияти таъминланиши лозим.

Ташкил этилаётган жамиятлар устав фондларининг миқдори киритилаётган мол-мулкнинг баҳоловчи ташкилот томонидан қарздор мол-мулки эгаси ёки қарздорнинг тегишли битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилишга

таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилган бошқарув органи фикрини ҳисобга олган ҳолда аниқланган баҳолаш қиймати асосида белгиланади.

Амалдаги меҳнат шартномалари бўйича қарздорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янги ташкил этилаётган юридик шахсга ўтказилади ва улар қарздор ходимларига нисбатан иш берувчи бўлиб қоладилар. Агар қарздорнинг мол-мулки асосида активлар ўрнини алмаштириш тартибида бир эмас, икки ёки ундан ортиқ юридик шахс ташкил этилса, қарздорнинг ишчилари шўъба жамият фаолиятининг ихтисослиги ва тақсимлаш баланси бўйича, қарздор мол-мулкини бўлишни ҳисобга олган ҳолда, қайта ташкил этилаётган шўъба жамиятлар ўртасида тақсимланади.

Мол-мулкнинг баҳолаш қиймати кредиторлар талабларининг суммасидан ортиқ бўлса, қарздорнинг мол-мулки асосида ташкил этилган очиқ акциядорлик жамияти ёки очиқ акциядорлик жамиятларининг акциялари қарздорнинг мол-мулки таркибига киритилади ва бухгалтерия балансида акс эттирилади ҳамда очиқ кимошди савдосида ёки фонд биржада сотилиши мумкин (*Қонуннинг 115-моддасининг ўн биринчи қисми*).

Қарздорнинг мол-мулки асосида ташкил этилган очиқ акциядорлик жамияти ёки очиқ акциядорлик жамиятлари акцияларини очиқ кимошди савдосида сотиш ушбу Қонуннинг 110-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади ва барча кредиторлар талабларини қондириш учун етадиган пул маблағларини жамғарилиши таъминлаши шарт.

Ташқи бошқарув режасида акцияларни қимматли қоғозлар бозорида, яъни фонд биржаларида сотиш назарда тутилиши мумкин.

Акцияларни реализация қилишдан тушган маблағлар кредиторларнинг талабларини қондириш учун ушбу Қонуннинг 133 ва 134-моддаларида белгиланган навбат тартибида йўналтирилади.

Қарздор мол-мулкининг баҳолаш қиймати кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ талаблар суммасидан ошмаса ва қарздорнинг активлари ўрнини алмаштиришни ёқлаб барча кредиторлар овоз берган тақдирда, қарздорнинг барча мол-мулки очиқ акциядорлик жамиятининг устав фондига ёки бир нечта очиқ акциядорлик жамиятининг устав фондларига қарздор мол-мулки эгасининг ёки қарздорнинг тегишли битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилишга таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилган бошқарув органининг розилигисиз киритилиши мумкин.

Бундай ҳолларда очиқ акциядорлик жамияти устав фондидаги акцияларни тақсимлаш кредиторлар ўртасида кредиторларнинг талаблари реестридаги уларнинг улушига мутаносиб равишда, кредиторларга очиқ акциядорлик жамияти муассислари (иштирокчилари) бўлиш ҳуқуқини берган ҳолда амалга оширилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тамомланганидан кейин ташқи бошқарувчи ушбу Қонуннинг 142-моддаситалабларига мувофиқ ҳисобот тайёрлайди ва ушбу Қонуннинг 144-моддасида белгиланган тартибда қарздор корхонанинг банкротлиги таомилини тугаллайди.

Қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш – тўлов қобилиятини тиклаш чораси сифатида ҳар қандай қарздорга нисбатан ҳам қўлланилмайди. Хусусан, Қонунга мувофиқ, қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш чораси банкротлик таомиллари қўлланилаётган банк, суғурталовчи, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчисига нисбатан қўлланмайди.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига қарздорнинг мол-мулки асосида битта ёки бир нечта очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этиш орқали қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши қарори намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 563-бет).

116-*модда.* Ташқи бошқарувчининг ҳисоботи

Ташқи бошқарувчи ташқи бошқарув муддатлари тугаши муносабати билан ёки уни муддатидан илгари тугатиш учун асослар бўлса, кредиторлар йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг (органларнинг) талабига биноан, шунингдек, кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторлар талабларини қондириш учун етарли пул маблағлари тўпланган тақдирда кредиторлар йиғилиши кўриб чиқиши учун ҳисобот тақдим этиши шарт.

Ташқи бошқарувчи, агар кредиторлар йиғилиши томонидан ҳисоботни кўриб чиқиш натижалари юзасидан муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бошлаш ҳақида қарор қабул қилинган бўлса, хўжалик судига ҳисобот тақдим этиши шарт.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботида қуйидагилар бўлиши керак:

– қарздорнинг сўнгги ҳисобот санасидаги ҳолатга кўра бухгалтерия баланси;

– пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

– қарздорнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот;

– қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга қаратилиши мумкин бўлган бўш пул маблағлари бор-йўқлиги тўғрисидаги маълумотлар;

– қарздорнинг дебиторлик қарзи тафсилоти ҳамда қарздорнинг амалга оширилмай қолган талаб қилиш ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотлар;

– қарздорнинг кредиторлик қарзини узиш имконияти тўғрисидаги бошқа маълумотлар.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботига кредиторларнинг талаблари реестри илова қилинган бўлиши керак.

Ташқи бошқарувчи ҳисоботни тақдим этиш билан бир вақтда кредиторлар йиғилишига қуйидаги таклифлардан бирини киритади:

– қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни тугатиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга ўтиш тўғрисидаги таклиф;

– келишув битими тузиш тўғрисидаги таклиф;

– ташқи бошқарувнинг муддатини узайтириш тўғрисидаги таклиф;

– ташқи бошқарувни тугатиш ҳамда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги таклиф.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарувчининг ҳисобот тақдим этиш асослари, шунингдек, тақдим этадиган ҳисоботига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Қонун ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилишига қуйидаги ҳолатларда ҳисобот тақдим этишини белгилайди:

– ташқи бошқарув муддати тугаши муносабати билан;

– кредиторлар йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга бўлган органлар (шахслар) нинг ташқи бошқарувни муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги талаблари асосида;

– ташқи бошқарув режасининг ижроси натижасида кредиторлар талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли пул воситалари тўпланган ҳолларда.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботида ташқи бошқарувни амалга ошириш натижалари ҳақида маълумотлар бўлиши керак, уларга асосан кредиторлар йиғилиши қарздорнинг тўлов қобилияти тикланган ёки йўқлигига қарор бера олиши, шунингдек ташқи бошқарувчининг қарздорнинг кейинги тақдири ҳақида таклифи бўлиши керак.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботига кредиторларнинг талаблари реестри илова қилиниши лозим.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига ташқи бошқарувчининг ҳисоботи намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 565-бет).

117-*модда.* Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботи ташқи бошқарувнинг белгиланган муддати тугагандан кейин ўн кундан кечиктирмай ёки ташқи бошқарувни муддатидан илгари тугатиш учун асослар юзага келганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай ёхуд кредиторлар йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг (органларнинг) талабига биноан кредиторлар йиғилиши чақирилган тақдирда бир ойдан кечиктирмай чақириладиган кредиторлар йиғилиши томонидан кўриб чиқилади.

Ташқи бошқарувчи барча кредиторларни ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш бўйича кредиторлар йиғилиши ўтказилиши тўғрисида ушбу Қонуннинг 11-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилади.

Ташқи бошқарувчи кредиторларга ташқи бошқарувнинг белгиланган муддати тугашига камида ўн беш кун қолганида ёки кредиторлар йиғилишини чақиришнинг белгиланган санасига камида ўн кун қолганида ташқи бошқарувчининг ҳисоботи билан олдиндан танишиш имкониятини бериши шарт.

Кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

– қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга киришганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни тугатиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор;

– ташқи бошқарувнинг белгиланган муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор;

– қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор;

– келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор.

Мазкур модда ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кредиторлар йиғилишида кўриб чиқиш учун кредиторлар йиғилиши чақириш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– қарздор тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни якунлаш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга киришишни сўраб хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси (қ а р а н г 434-бет);

– ташқи бошқарувнинг белгиланган муддатини узайтиришни сўраб хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси (қ а р а н г : 436-бет);

– қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўраб хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси (қ а р а н г : 438-бет);

– келишув битимини тузиш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси (қ а р а н г : 440-бет).

118-*модда*. Ташқи бошқарувчи ҳисоботининг хўжалик суди томонидан тасдиқланиши

Ташқи бошқарувчининг кредиторлар йиғилиши томонидан кўриб чиқилган ҳисоботи ва кредиторлар йиғилишининг баённомаси кредиторлар йиғилиши ўтказилган санадан кейин беш кундан кечиктирмай хўжалик судига юборилади.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботига кредиторларнинг талаблари реестри ва кредиторлар йиғилиши қабул қилган қарорга қарши овоз берган ёки овоз беришда иштирок этмаган кредиторларнинг шикоятлари илова қилиниши лозим.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботи ва кредиторларнинг шикоятлари хўжалик суди томонидан мажлисда кўриб чиқилади. Хўжалик судининг мажлиси ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида ташқи бошқарувчи, шунингдек шикоят берган кредиторлар хабардор қилинади. Хабардор қилинган шахсларнинг ҳозир бўлмаслиги банкротлик тўғрисидаги ишни кўришга монелик қилмайди.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботи, агар кредиторларнинг барча талаблари кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ қаноатлантирилган бўлса ёки қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтилиши муносабати билан кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса ёки кредиторлар йиғилиши томонидан муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бошланиши ҳақида қарор қабул қилинган бўлса ёхуд ташқи бошқарувчи муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш ҳақида илтимоснома берган бўлса ёки кредиторлар билан қарздор ўртасида келишув битими тузилган бўлса ёхуд кредиторлар йиғилиши томонидан ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақида қарор қабул қилинган бўлса, хўжалик суди томонидан тасдиқланиши лозим.

Хўжалик суди, агар қуйидагилар аниқлангудек бўлса, ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этади:

– кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилмаганлиги;

– қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши аломатлари йўқлиги;

– муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш учун асослар йўқлиги;

– келишув битимини тасдиқлаш учун монелик борлиги.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш натижалари юзасидан хўжалик суди, агар:

– кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторлар талаблари қаноатлантирилган бўлса ёки келишув битими хўжалик суди томонидан тасдиқланган бўлса, банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ҳақида;

– қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши муносабати билан кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувни тугатиш тўғрисидаги илтимосномаси қондирилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ҳақида;

– кредиторлар йиғилишининг ёки ташқи бошқарувчининг муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилишни бошлаш тўғрисидаги илтимосномаси қондирилган тақдирда, муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш ҳақида;

– ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома қондирилган тақдирда, ташқи бошқарув муддатини узайтириш ҳақида;

– ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш ҳақида ажрим чиқаради.

Кредиторлар йиғилишининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимосномаси бўлса, шунингдек, ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни хўжалик суди рад этган ёки ташқи бошқарувчининг ҳисоботи ташқи бошқарувнинг белгиланган муддати тугаган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида тақдим этилмаган ёхуд унинг ушбу Қонун 117-моддаси тўртинчи қисмининг иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган қарорларидан ҳеч бири қабул қилинмаган бўлса, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Мазкур модда ташқи бошқарувчи ҳисоботини хўжалик судига тақдим этиш ва суд томонидан кўриб чиқиш тартибини, суд ҳисоботни тасдиқлаш ёки рад этиши мумкин бўлган ҳолатларни, шунингдек ташқи бошқарувчи ҳисоботини кўриб чиқиш натижасида суд қабул қилиши мумкин суд ҳужжатлари турларини белгилайди.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш ҳақидаги хўжалик судига хат (қ а р а н г : 568-бет).

– ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик иши юритувини тугатиш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 783-бет);

– хўжалик суди томонидан келишув битимини тасдиқланиши муносабати билан банкротлик бўйича иш юритувни тугатиш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 785-бет);

– қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан кредитолар йиғилишининг илтимосномасига кўра ташқи бошқарувни бекор қилиниши туфайли кредиторлар билан ҳисоб-китобни бошлаш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 788-бет);

– ташқи бошқарувчининг муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобни бошлаш тўғрисидаги илтимосномасига кўра муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб китобни бошлаш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 790-бет);

– ташқи бошқарувни узайтириш тўғрисида илтимосномани қаноатлантириш билан ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : 793-бет);

– ташқи бошқарувчи ҳисоботини тасдиқлаш рад этилиши муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувини бошлаш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарори (қ а р а н г : 796-бет);

119-*модда*. Кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш тўғрисида ажрим чиқариш оқибатлари

Хўжалик суди томонидан кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш тўғрисида ажрим чиқарилиши кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш учун асос бўлади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш тўғрисида хўжалик суди чиқарган ажримда кредиторлар билан ҳисоб-китобларни тугатиш муддати белгиланади, бу муддат мазкур ажрим чиқарилган санадан эътиборан олти ойдан ошмаслиги лозим.

Банкротлик тўғрисидаги иш юритиш кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугалланганидан ва ташқи бошқарувчининг ҳисоботи кредиторлар билан ҳисоб-китоблар якунларига кўра хўжалик суди томонидан кўриб чиқилганидан кейин тугатилади.

Агар хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилинмаган бўлса, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шарҳланаётган модда суд томонидан кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ҳақида ажрим чиқарилишининг ҳуқуқий оқибатларини назарда тутади.

Қарздор томонидан барча кредиторлар талабларини қондириш учун етарли пул маблағлари тўпланган муносабати билан, кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувни тугатиш тўғрисидаги илтимоси қондирилган тақдирда, хўжалик суди кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш тўғрисида ажрим чиқаради (*Қонуннинг 118-модда, олтинчи қисм, учинчи хатбошиси*).

Кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш ҳақида ажрим чиқарилиши билан ташқи бошқарув тугатилади, банкротлик тўғрисидаги иш юритиш эса тугатилмайди.

Бундай ажрим асосида ташқи бошқарувчи, кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ, Қонуннинг 133, 134 ва 169-моддалари билан белгиланган навбатга кўра, кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтади. Кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ҳақидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан кучга киради ва шикоятга йўл қўйилмайди.

Кредиторлар билан ҳисоб-китобларнинг давомийлиги хўжалик суди томонидан кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ҳақида ажрим чиқарилган санадан эътиборан олти ойдан ошмаслиги керак. Қонунда кредиторлар билан ҳисоб-китоблар босқичи банкротликнинг қайси таомилига тааллуқли эканлиги кўрсатилмаган. Хўжалик суди кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ҳақидаги ажримни чиқариш вақтида йиғилишнинг ташқи бошқарувни тугатиш тўғрисидаги илтимосини қондиришни ҳисобга олиб (*Қонуннинг 118-моддаси, олтинчи қисми, учинчи хатбоши*), кредиторлар билан ҳисоб-китоблар босқичи ташқи бошқарув таомилига киритилмайди, лекин бир

вақтнинг ўзида банкротлик тўғрисидаги иш доирасида, яъни банкротлик бўйича иш юритиш бекор килингунга қадар амалга оширилади. Мазкур масала бўйича Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарорида (*28-банди учинчи қисми*) тушунтириш берилиб, унда кредиторлар билан ҳисоб-китоб учун белгиланган муддат Қонуннинг 119-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, ташқи бошқарув муддатига кирмаслиги кўрсатилган. Қонунда ташқи бошқарув муддатини олти ойдан ортиқ муддатга узайтириш имконияти назарда тутилмаган. Бироқ агарда хўжалик суди томонидан кредиторлар билан ҳисоб-китоблар учун дастлаб тақдим этилган муддат олти ойдан кам бўлса (масалан, уч ой), бу ҳолда мазкур муддат шундай узайтирилиши мумкинки, ҳисоб-китоблар учун жами муддат олти ойдан ошмаслиги шарт.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин ташқи бошқарувчи хўжалик судига кредиторлар билан ўтказилган ҳисоб-китоблар ҳақида ҳисобот тақдим этади ва бунинг натижаси бўйича хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ҳақида ажрим чиқаради.

Агарда хўжалик суди томонидан белгиланган муддатларда кредиторлар билан ҳисоб-китоб амалга оширилмаган бўлса, суд қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида қарор қабул қилади.

Ушбу қўлланманинг 4-бўлимида мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– кредиторлар билан олиб борилган ҳисоб-китоблар якунлари бўйича хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувчнинг ҳисоботи кўриб чиқилганлиги муносабати билан банкротлик бўйича иш юритувини тугатиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 799-бет);

– хўжалик суди белгилаган муддат давомида кредиторлар билан ҳисоб-китоб ўтказилмаганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувини бошлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори (қ а р а н г : 802-бет).

120-*модда*. Муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш тўғрисида ажрим чиқариш оқибатлари

Хўжалик суди томонидан муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш тўғрисида ажрим чиқарилиши кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш учун асос бўлади.

Хўжалик судининг муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш тўғрисидаги ажримида қуйидагилар белгилаб қўйилади:

– талаблари қондирилиши бошланадиган кредиторлар талабларини қондириш навбати;

– навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни тугаллаш навбатининг мазкур ажрим чиқарилган санадан эътиборан икки ойдан ошмаслиги шарт бўлган муддати;

– бундай навбатдаги кредиторлар талабларини қондириш нисбатлари.

Кредиторларнинг улар билан ҳисоб-китобларни бошлаш ҳақида ажрим чиқарилган кредиторларга нисбатан навбат тартибида қондирилиши лозим бўлган талаблари хўжалик суди томонидан аниқланган тақдирда, хўжалик суди кредиторларнинг талабларини қондириш тартибини ўзгартириш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли.

Агар муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда амалга оширилмаган ёки ҳисоб-китоблар белгиланган нисбатда амалга оширилмаган бўлса, кредитор муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган санадан унинг талаблари тегишлича тўла ёхуд белгиланган нисбатда қаноатлантирилган санага қадар тўланмаган суммага Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 327-моддасида белгиланган миқдорда фоизлар ҳисобланишини талаб қилишга ҳақли.

Шарҳланаётган модда хўжалик суди томонидан муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ҳақида ажрим чиқаришнинг ҳуқуқий оқибатларини назарда тутади.

Ташқи бошқарув таомили жараёнида муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилиш учун етарли пул маблағлари мавжуд бўлганда, кредиторлар йиғилиши ёки ташқи бошқарувчи муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилишлари мумкин. Хўжалик суди бундай илтимосномани кўриб чиққач, уни асосли деб топса, муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин (*118-моддаси олтинчи қисми тўртинчи хатбоши*), ушбу ажрим асосида ташқи бошқарувчи ажримда кўрсатилган навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилишга киришиши мумкин бўлади.

Муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш ҳақидаги ажримда хўжалик суди қуйидагиларни белгилайди: талаблари қондирилиши бошланадиган кредиторлар талабларини қондириш навбати; мазкур навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугашининг муддати, бу муддат ажрим чиқарилган санадан икки ойдан ошмаслиги керак; мазкур навбатдаги кредиторларнинг талабларини қондириш нисбатлари.

Қонун кредиторлар талабларини қондириш тартибига ўзгартишлар киритиш имконини назарда тутади.

Агарда хўжалик суди томонидан белгиланган муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳақидаги ажримга мувофиқ уларнинг талаблари қондирилмаган тақдирда, Қонун қарздорнинг кредиторлар олдида жавобгарлигини белгилайди, унга кўра кредиторлар тўланмаган суммага кредиторнинг талаби бажарилган кунидаги банк фоизи миқдорида фоизлар ҳисобланишини талаб этишга ҳақли (*ФК 327-модда*). Фоизлар муайян навбатдаги кредитор-

лар билан ҳисоб-китоблар бошланиши ҳақида ажрим чиқарилган санадан эътиборан, то унинг талаби тўлиқ ёки тегишли нисбатда қопланган вақтгача ҳисобланади.

Ушбу қўлланманинг 4-бўлимида мазкур модда шарҳига кредитор талабларини қондириш навбатини ўзгартириш тўғрисида суд ажрими намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 805-бет).

121-*модда*. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар хўжалик суди томонидан кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш тўғрисидаги ажрим ёки муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан ташқи бошқарувчи томонидан кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ амалга оширилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбурияти бажарилган пайтдан бошлаб ташқи бошқарувчи кредиторларнинг талаблари реестрига тегишли ёзувни киритади.

Мазкур модда хўжалик судининг кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ёки муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бошланиши ҳақидаги ажрими асосида ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

122-*модда*. Кредиторлар талабларининг қаноатлантирилиши

Кредиторларнинг қондирилган талаблари, шунингдек воз кечиш ҳақи ёки мажбуриятларнинг янгиланиши ёхуд пул мажбуриятлари ўзгача тарзда тугатилганлиги тўғрисида келишувга эришилган талаблар ҳамда ушбу Қонуннинг 134 ва 138-моддаларига мувофиқ қондирилган деб эътироф этиладиган бошқа талаблар қаноатлантирилган деб ҳисобланади.

Шарҳланаётган модда кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилган деб ҳисоблаш учун асосларни белгилайди.

Кредиторлар талабларининг қаноатлантирилиши кредиторлар талабларининг тўлиқ қондирилиши, мажбуриятдан воз кечиш ёки мажбуриятни янгилаш ҳақида битим имзоланиши, шунингдек, мажбуриятни ҳисобга олиш йўли билан тугатиш ҳамда қарздор ва кредитор айнан битта шахсга айланган ҳолда амалга оширилади.

ФКнинг 342-моддасига мувофиқ, қарздор ва кредитор ўртасида воз кечиш ҳақидаги келишувга кўра мажбурият уни бажариш ўрнига воз кечиш ҳақини бериш (пул тўлаш, мол-мулк бериш ва шу кабилар) билан бекор қилиниши мумкин. Кредиторлар талабларидан воз кечиш ҳақида келишувга эришиш орқали талабларни қондиришга куйидаги шартлар бажарилган ҳолда йўл

қўйилади: талабларни қондиришнинг белгиланган навбатига ва мутаносиблик принципига риоя этиш, ҳамда кредиторлар йиғилиши ёки қўмитасининг бундай битимни имзолашга розилиги шарти билан йўл қўйилади (*138-модданинг тўртинчи қисми*).

Мажбуриятни янгилаш ҳақида битим имзоланиши ФКнинг 347-моддаси билан тартибга солинади. Мажбурият янгилаш ҳақида битимга кўра тарафлар ўз ўрталаридаги дастлабки мажбуриятни бошқа нарсани ёки бошқача ижро этиш усулини назарда тутувчи янги мажбурият билан алмаштириш ҳақида келишиб олсалар, мажбурият бекор бўлади. Ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш ва алиментларга нисбатан мажбуриятлар хусусида янгилашни амалга оширишга йўл қўйилмайди.Агар тарафларнинг келишувига мувофиқ бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбуриятни янгилаш дастлабки мажбурият билан боғлиқ бўлган қўшимча мажбуриятларни ҳам бекор қилади.

ФКнинг 343, 352-моддаларига мувофиқ, мажбуриятлар қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

– бир хилдаги қарши талабни ҳисобга олиш йўли билан. Талабларни ҳисобга ўтказиш йўли билан қоплашга арз қилинган талабларни қондириш навбатлилиги ҳамда мутаносиблиги тамойилига риоя этиш шарти билан рухсат этилади. (*138-модда тўртинчи қисм*);

– қарздор ва кредитор айнан битта шахс бўлса;

– қарздан воз кечиш йўли билан;

– мажбуриятни бажаришнинг имкони бўлмагани сабабли, агарда имкони бўлмаслиги қарздорга ҳам кредиторга ҳам боғлиқ бўлмаган шарт-шароитга боғлиқ бўлса;

– кредитор-фуқаронинг ўлими муносабати билан;

– кредиторни тугатилиши натижасида.

Ташқи бошқарувда кредиторларнинг барча талаблари тўлиқ ҳажмда қондирилиши ва қарздорнинг қондирилган қарз мажбуриятлари қолмагани муносабати билан Қонуннинг 134-модда ўн иккинчи қисми ва 138-модда бешинчи қисми қоидалари қўлланилмайди.

123-*модда*. Ташқи бошқарувчининг ваколатларини тугатиш тартиби

Банкротлик тўғрисидаги иш юритишнинг тугатилиши ёки хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва қарздорга нисбатан тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиниши ташқи бошқарувчининг ваколатлари тугашига олиб келади.

Агар ташқи бошқарув келишув битими тузилиши ёки кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилиши билан тамомланса, ташқи бошқарувчи янги раҳбар сайлангунга (тайинлангунга) қадар қарздорнинг раҳбари вазифасини бажаришни давом эттириб туради.

Ташқи бошқарувчи қарздорнинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун қарздорнинг бошқарув органи-

ни ўз ташаббуси билан чақиришга ҳақли. Қарздорнинг ва қарздор мол-мулки эгасининг бошқа бошқарув органлари ваколатлари тикланади.

Агар хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳамда тугатиш бошқарувчиси этиб бошқа шахс тайинланган бўлса, ташқи бошқарувчи тугатиш бошқарувчисига ишларни топширгунга қадар ўз вазифасини бажаришни давом эттириб туради. Ташқи бошқарувчи тугатиш бошқарувчиси тайинланган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ишларни унга топшириши шарт.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарувчи ваколатларини тугатиш тартиби ва асосларини белгилайди.

Қонун ташқи бошқарувчи ваколатларини тугатишнинг икки асосини назарда тутади:

– банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилган;

– хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топилганда ҳамда қарздорга нисбатан тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида қарор қабул қилинган ҳолда тугатилади.

Банкротлик ҳақида иш бўйича иш юритиш хўжалик суди томонидан Қонуннинг 56-моддасида назарда тутилган ҳолларда тугатилиши мумкин.

Қарздорни банкрот деб эълон килиниши ва тугатишга доир иш юритиш бошланган ҳолда, Қонуннинг 126-моддасига мувофиқ, хўжалик суди томонидан тугатиш бошқарувчиси тайинланади. Шу муносабат билан тугатишга доир иш юритишни амалга ошириш бўйича ваколатлар тайинланган тугатиш бошқарувчисига ўтади.

Келишув битими имзоланиши (*Қонуннинг 150-модда биринчи қисми*) ёки кредиторлар талаблари қаноатлантирилгани муносабати билан иш юритиш тугатилганда ташқи бошқарувчи янги раҳбар сайланган (тайинланган) пайтга қадар қарздорнинг раҳбари мажбуриятларини бажаришни давом эттиради.

Қарздорнинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ҳақидаги масалани ҳал қилиш мақсадида ташқи бошқарувчи қарздорнинг бошқарув органини (акциядорлар ёки муассислар йиғилиши)чақиртиришга ҳақли.

Қарздор банкрот деб эътироф қилинган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган ҳамда тугатиш бошқарувчиси этиб, аввал ташқи бошқарувчи мажбуриятларини бажармаган шахс тайинланган ҳолда, тугатиш бошқарувчиси тайинланган санадан эътиборан уч иш куни мобайнида ишларни тугатиш бошқарувчисига бериш мажбуриятини юклайди. Агарда қарздор банкрот деб эътироф этилган вақтда хўжалик суди тугатиш бошқарувчисини тайинламаган бўлса, ташқи бошқарувчи тугатиш бошқарувчиси вазифаларини бажаришни давом эттиради.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига ташқи бошқарувчининг ишларини тугатиш бошқарувчисига олиш-топшириш далолатномаси намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 569-бет).

VII БОБ. ТУГАТИШГА ДОИР ИШ ЮРИТИШ

124-*модда*. Тугатишга доир иш юритишни бошлаш

Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилиниши тугатишга доир иш юритишнинг бошланишига сабаб бўлади.

Тугатишга доир иш юритиш муддати бир йилдан ошиши мумкин эмас. Зарурат бўлганда бу муддат хўжалик судининг ажрими билан узайтирилиши мумкин.

Тугатишга доир иш юритиш муддати банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига биноан ёки хўжалик судининг ташаббуси билан узайтирилиши мумкин.

Хўжалик судининг тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Хўжалик суди қарздорнинг фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорида кредиторлар йиғилишининг ва (ёки) тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг илтимосномасига кўра қарздорнинг фаолиятини тўхтатмасдан тугатишга доир иш юритиш ўтказилишини кўрсатиши мумкин.

(124-модда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–300-сонли Қонунига асосан бешинчи қисм билан тўлдирилган – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 40-сон, 411-модда)

Шарҳланаётган модда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тартибини, муддатини ва уни узайтириш имконини белгилайди.

Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарори тугатишга доир иш юритишни бошлаш учун асос бўлиб ҳисобланиши белгиланади.

ОХС Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарорининг 30-бандига мувофиқ, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги қарорида тугатиш бошқарувчиси томонидан тугатишга доир иш юритиш натижалари ҳақидаги ҳисоботни тақдим этишнинг аниқ муддати кўрсатилиши зарур. Бундан ташқари, қарорда тугатиш бошқарувчиси ҳақида маълумотлар, унинг фамилияси, исми-шарифи ва унга тўланадиган ҳақнинг миқдори (агарда кредиторлар йиғилишининг қарори мавжуд бўлса) акс этади. Агарда кредиторлар йиғилишининг тугатиш

бошқарувчисига ҳақ тўлашнинг миқдори ҳақида қарори мавжуд бўлмаса, суд ажримни кечроқ (банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг) чиқариши мумкин ва унда мазкур суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш миқдори ҳамда тартиби кўрсатилади.

Шуни назарда тутиш керакки, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор устидан ХПКда белгиланган хўжалик суди қарорлари устидан шикоят қилишнинг умумий тартибида шикоят қилиниши мумкин. Бу шунингдек, ОХС Пленумининг 2006 йил 27 январидаги 142-сонли қарорининг 21-бандида ҳам ифодасини топган.

Тугатишга доир иш юритиш муддати бир йилдан ортиқ бўлмайди, истисно ҳолларда, банкротлик тўғрисидаги ишда қатнашаётган шахсларнинг илтимосномасига кўра (мазкур шахсларнинг рўйхати Қонуннинг 36-моддасида кўрсатилган) ёки хўжалик судининг ташаббуси билан тугатишга доир иш юритиш муддати узайтирилиши мумкин.

Тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш ҳақида ажрим чиқарилади ва унинг устидан шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин. Тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириши бўйича шикоятлар (илтимоснома) ва протестлар ОХС Пленумининг 2006 йил 26 январдаги 142-сонли қарорининг 21-бандига мувофиқ, ХПК моддаларида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши лозим.

Тугатишга доир иш юритишни бошлаш қарздорнинг молия-хўжалик фаолиятини тугатишга таъсир қилса ҳам, Қонун хўжалик суди истисно ҳолатда қарздор фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб, кредиторлар йиғилиши (ёки) тегишли давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари илтимосномаси бўйича қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорида тугатишга доир иш юритишни унинг фаолиятни тўхтатмасдан ўтказишни назарда тутиши мумкин.

Қонунда бундай норма кредиторлар манфаатлари учун назарда тутилган, чунки фаолият юритаётган корхонанинг реализацияси фаолият юритмаётган ишлаб чиқариш цикли тўлиқ тўхтатилган корхонага нисбатан фойдали ва осон ҳисобланади.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– суд бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритиш (қ а р а н г : 442-бет);

– тугатишга доир иш юритиш (қ а р а н г : 443-бет).

125-*модда*. Тугатишга доир иш юритишни бошлаш оқибатлари

Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан:

– қарздорнинг мол-мулкини бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ ёки унинг мол-мулкини учинчи шахслар фойдаланиши учун топширишга

сабаб бўлувчи битимлар тузишга фақат ушбу бобда белгиланган тартибда йўл қўйилади;

– қарздорнинг барча пул мажбуриятларини бажариш муддати, шунингдек, кечиктирилган мажбурий тўловларни тўлаш муддати бошланган деб ҳисобланади;

– қарздорнинг барча турдаги қарзлари бўйича неустойка (жарима, пеня) ва фоизларни ҳисоблаш тугатилади;

– қарздорнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар махфий тоифага (шу жумладан тижорат сирига) мансублигини йўқотади;

– ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратишга доир барча чекловлар олиб ташланади;

– ижро ҳужжатларини ижро этиш тугатилади. Пул мажбуриятлари, мажбурий тўловлар бўйича барча талаблар, бошқа мулкий талаблар фақат тугатишга доир иш юритиш доирасида қарздорга тақдим этилиши мумкин, мулк ҳуқуқини эътироф этиш, маънавий зиённи компенсация қилиш, мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, асоссиз орттирилган бойликни қайтариш, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талаблар, шунингдек, жорий тўловлар бўйича талаблар бундан мустасно.

Ушбу модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошисига мувофиқ ижро этилиши тугатилган ижро ҳужжатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд ижрочилари томонидан тугатиш бошқарувчисига ўтказилиши лозим. Қарздорнинг барча мажбуриятлари бажарилишига фақат тугатишга доир иш юритиш доирасида йўл қўйилади.

Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан қарздорнинг бошқарув органлари қарздорнинг мол-мулкини бошқариш ва тасарруф этиш вазифаларини бажаришдан, агар илгари четлаштирилмаган бўлса, четлаштирилади, қарздор раҳбарининг ваколатлари тугатилади (қарздорнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади), қарздорнинг ишларини бошқариш тугатиш бошқарувчисига юклатилади, шунингдек, қарздорнинг мол-мулкини бошқариш ва тасарруф этиш бўйича мулкдорнинг ваколатлари тугатилади. Тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки мазкур раҳбарни бошқа ишга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Ушбу бобда белгиланган ҳолларда тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг иштирокчилари (муассислари) банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларига эга бўладилар.

Мазкур модда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш оқибатларини тартибга солади.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига тугатиш бошқарувчиси томонидан қарздорнинг бошқарув органларини, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги муносабати билан уларнинг ваколатлари тугатилиши, шунингдек, қарздорнинг мол-мулкини бошқариш ва тасарруф этиш вазифаларини бажаришдан четлатилиши ҳақида хабардорнома намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 570-бет).

126-*модда.* Тугатиш бошқарувчиси

Хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилаётганда тугатиш бошқарувчисини ташқи бошқарувчини тайинлаш учун назарда тутилган тартибда тайинлайди. Устав фондида давлат улуши бўлган корхона банкрот деб топилган тақдирда, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ҳам тугатиш бошқарувчилигига номзод тақдим этиши мумкин.

Шарҳланаётган модда тугатиш бошқарувчисини тайинлаш тартибини белгилайди.

Тугатиш бошқарувчиси – суд бошқарувчиси бўлиб, банкрот-қарздорни тугатишга доир иш юритишни амалга оширади. Суд бошқарувчисига асосий талаблар, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳаракатлари учун жавобгарлик, шунингдек, ҳақ тўлаш шартлари Қонуннинг 18, 19, 21, 22-моддаларида баён этилган. Қонуннинг 74, 94-моддалари билан ташқи бошқарувчини кўрсатиш ва тайинлаш учун белгиланган қоидаларга мувофиқ тугатиш бошқарувчисининг номзоди ҳўжалик судига тақдим этилади ва тайинланилади.Агарда қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор чиқарилган вақтда тугатиш бошқарувчисининг номзоди тақдим этилмаган бўлса, кредиторлар йиғилиши хўжалик судига тугатиш бошқарувчиси номзодини суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг тақдим этишга ҳақлидир. Устав фондида давлат улушига эга бўлган корхонани банкрот деб топишда, тугатиш бошқарувчиси номзодини банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ҳам тақдим этиши мумкин. Бироқ агарда кредиторлар йиғилиши томонидан тугатиш бошқарувчиси номзоди тақдим этилмаган бўлса, бу ҳолда суд бошқарувчилигига номзодни қарздорнинг устав фондида давлатнинг улуши мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ҳам таклиф этиши мумкин.

127-*модда.* Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш

Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш тугатиш бошқарувчиси томонидан ушбу Қонуннинг 52 ва 53-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида эълон қилинаётган маълумотларда қуйидагилар бўлиши керак:

– банкрот деб топилган қарздорнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва бошқа реквизитлари;

– банкротлик тўғрисидаги иш юритаётган хўжалик судининг номи ва ишнинг тартиб рақами;

– қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида хўжалик суди қарор қабул қилган сана;

– кредиторлар талабларини қўйишнинг белгиланган муддати, бу муддат мазкур эълон чиққан санадан эътиборан камида бир ой бўлиши шарт;

(127-модданинг иккинчи қисми бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–300-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 40-сон, 411-модда)

– қарздорга ўз талабларини билдиришлари учун кредиторларнинг почта манзили;

– тугатиш бошқарувчиси тўғрисидаги маълумотлар.

Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги маълумотларни тугатиш бошқарувчиси бошқарувчиликка тайинланган пайтдан эътиборан ўн кундан кечиктирмай расмий нашрда эълон қилиш учун юбориши лозим.

Мазкур модда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш тартибини белгилайди.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига суд бошқарувчисининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш учун расмий нашрга хати намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 571-бет).

128-*модда*. Тугатиш бошқарувчисининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Тугатиш бошқарувчиси тайинланган пайтдан эътиборан қарздорнинг ишларини бошқариш ҳамда қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этиш бўйича барча ваколатлар унинг зиммасига ўтади.

Тугатиш бошқарувчиси қуйидагиларга ҳақли:

– қарздорнинг мол-мулкини ушбу Қонуннинг 101-моддасига мувофиқ тасарруф этиш;

– ходимлар билан, шу жумладан қарздорнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш;

– қарздорнинг шартномаларини бажаришдан ушбу Қонуннинг 102-моддасида белгиланган тартибда бош тортиш;

– қарздор томонидан тузилган битимларни, агар қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўлса, ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъволар тақдим этиш;

– қарздорни банкротликка олиб келганлиги муносабати билан унинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўладиган учинчи шахсларга нисбатан талаблар қўйиш. Мазкур талабларнинг миқдори кредиторлар талабларининг суммаси билан тугатиш массаси ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқланади. Ундирилган суммалар тугатиш массасига қўшилади ва улардан фақат кредиторларнинг талабларини қондириш учун ушбу Қонуннинг 133, 124 ва 169-моддаларида белгиланган навбат тартибида фойдаланилиши мумкин.

Тугатиш бошқарувчиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Тугатиш бошқарувчиси:

– қарздорнинг мол-мулкини ўз тасарруфига қабул қилиши, уни инвентаризация қилиши ва баҳолашдан ўтказишни ташкил этиши, унинг бут сақланиши чораларини кўриши;

(128-модда тўртинчи қисмининг иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ–257-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 315-модда)

– қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиши;

– кредиторлар йиғилишини ва кредиторлар қўмитасини чақириши;

– қарздор олдидаги қарзларни ундириш чораларини кўриши;

– қарздор тугатилганда унинг ходимлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши ҳамда улар билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинажаги тўғрисида уларни хабардор этиши;

– кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши ва уларнинг талабларини кўриб чиқиши;

– қарздорнинг учинчи шахсларда турган мол-мулкини қидириш, аниқлаш ва қайтаришга қаратилган чораларни кўриши;

– қарздорнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланиши лозим бўлган ҳужжатларини сақлашга топшириши шарт.

Тугатиш бошқарувчисининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Қарздорнинг бошқарув органлари (ташқи бошқарувчи) тугатиш бошқарувчиси тайинланган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида қарздорнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, мухр ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликлари тугатиш бошқарувчисига топширилишини таъминлайди. Мазкур мажбуриятни бажаришдан бош тортилса, қарздорнинг бошқарув органлари (ташқи бошқарувчи), шу жумладан қарздор юридик шахснинг раҳбари, қарздор якка тартибдаги тадбиркор қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Мазкур модда тугатишга доир иш юритиш жараёнида тугатиш бошқарувчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.Ушбу моддада назарда тутилган нормалар Қонуннинг 19-моддаси қоидаларига мувофиқдир.

Ушбу моддада келтирилган тугатиш бошқарувчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тугал ҳисобланмайди, тугатиш бошқарувчиси қонунда ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– тугатиш бошқарувчисининг қарздорнинг пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлган учинчи шахсларга нисбатан талаби (қ а р а н г : 572-бет);

– тугатиш бошқарувчисининг ходимларга улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш хақидаги хабарномаси (қ а р а н г : 573-бет);

– қарздорни банкрот деб эълон қилиш ва тугатишга доир иш юритишни бошланганлиги тўғрисидагикредиторларга хабарнома (қ а р а н г : 574-бет);

– тугатиш бошқарувчисининг қарздорга хизмат қилувчи банкка қарздорнинг ягона ҳисобварағини очиш тўғрсидаги хабарномаси (қ а р а н г : 575-бет);

– тугатиш бошқарувчисининг суд қарорларини ижро этиш департаменти ҳудудий органига қарздор банкрот деб эълон қилингани ва тугатишга доир иш юритиш (қ а р а н г : 576-бет);

– тугатиш бошқарувчисининг давлат архиви органига қарздорнинг ҳужжатларини сақлашга топшириш ҳақидаги хати (қ а р а н г : 577-бет);

– тугатиш бошқарувчисининг қарздорнинг бошқарув органларига (ташқи бошқарувчига) қарздорнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликларини ўз вақтида топшириш ҳақидаги хати (қ а р а н г : 578-бет);

– тугатиш бошқарувчисининг қарздорнинг бошқарув органларига нисбатан улар томонидан қарздорнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликлари ўз вақтида топширилмаганлиги туфайли тегишли чораларни кўриш ҳақидаги хўжалик судига аризаси (қ а р а н г : 579-бет);

129-*модда*. Банкрот юридик шахсни тугатиш режаси

Банкрот юридик шахсни тугатиш режасида қуйидагилар бўлиши лозим:

– банкротнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар;

– кредиторларнинг талабларини қондириш шартлари, тартиби, навбати ва нисбати;

– банкрот мол-мулки эгасининг, меҳнат жамоасининг манфаатлари ҳисобга олинганлиги;

– сотилиши лозим бўлган мол-мулк рўйхати;

– мол-мулкни сотиш санаси, вақти, жойи ва усули;

– суд харажатларини тўлаш, тугатиш бошқарувчисига, экспертлар ва бошқа шахсларнинг фаолиятига ҳақ тўлаш шартлари.

Банкрот юридик шахсни тугатиш режаси кредиторлар йиғилиши билан келишиб олиниши керак ва режа, агар талаблар жами суммасининг камида учдан икки қисмини ифода этувчи кредиторлар томонидан қўллаб-қувватланса, маъқулланган деб ҳисобланади. Агар тугатиш режаси маъқулланмаган бўлса, кредиторлар эса банкрот юридик шахсни тугатишга доир режасини белгиланган муддатда тақдим этмаган бўлса, тугатиш бошқарувчиси ўз режасини тасдиқлайди.

Агар қарздорнинг ўзи банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ташаббускори бўлса, у ўз тугатиш режасини тақдим этишга ҳақли.

Банкрот юридик шахсни тугатишнинг тасдиқланган режаси асосида мол-мулк сотилади ҳамда кредиторларнинг қарздорга қўядиган талаблари ушбу Қонуннинг 133, 134, 135 ва 169-моддаларида белгиланган тартибда қондирилади.

Мазкур модда тугатиш режа мазмунига қўйилган талаблар, уни кредиторлар йиғилиши билан келишиб олишнинг ва тасдиқлашнинг тартибини белгилайди.

130-*модда*. Тугатиш массаси

Банкрот юридик шахснинг барча активлари, балансларда кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, тугатиш массасини шакллантирувчи асосни ташкил этади.

Тугатиш массасига қуйидагилар кирмайди:

– қарздор ходимларининг хусусий мулкидаги мол-мулк;

– ишончли бошқарувдаги, қарздор ижара ҳуқуқи асосида фойдаланаётган мол-мулк;

– гаров нарсаси, ушбу Қонуннинг 133-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

– қарздорга жавобгарлик асосида сақлаш учун берилган товарлар;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ қарздорнинг мулки бўлмаган бошқа мол-мулк.

Қарздорнинг балансида белгиланганидан бошқа мақсадда, шу жумладан тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлмаган ижтимоий ва коммунал инфратузилма объектлари бўлса, қарздор банкрот деб эълон қилинган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида улар қолдиқ қиймати бўйича тугатиш бошқарувчиси томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига топширилади.

Шарҳланаётган модда тугатиш массасини шакллантириш учун асос бўлган мулк, тугатиш массасига кирмайдиган мулк, шунингдек, бошқа мақсадларда, хусусан тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлмаган ижтимоий ва коммунал инфратузилма объектлари тақдирини белгилайди.

Ижтимоий ва коммунал инфратузилма объектлари рўйхатини ва ушбу объектлари балансига тақдим этиладиган субъектларни аниқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўзининг 2003 йил 18 апрелдаги 188-сонли қарорида Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тақдимига асосан банкротлик таомили қўлланилган корхоналар белгиланган тартибда ўзларининг жорий ҳолатда балансида бўлган қуйидагиларни топширади:

– турар жойлар, ётоқхоналар, болалар боғчаси ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа объектлари – жойлашган жойи бўйича шаҳар ва туман ҳокимиятларининг балансларига;

– умумий фойдаланишдаги ишлаб чиқариш инфратузилма объектлари (электртармоқ хўжалик объектлари, сув таъминоти, транспорт коммуникациялари ва ҳ.к.) – вазифаларига кўра тегишли хўжалик уюшмалари корхоналари балансига.

Ушбу хукумат қарори билан балансдан балансга берилаётган умумий фойдаланиладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари берувчи томон учун қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда ва қабул қилувчи томон учун даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш чоғида солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган.

– тугатиш бошқарувчисининг кредиторлар йиғилишига тугатиш массасини шакллантириш ҳақидаги хати (қ а р а н г : 580-бет);

– тугатиш бошқарувчисининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарздорнинг балансида турган ижтимоий ва коммунал инфратузилма объектларини уларнинг балансига ўтказиш тўғрисидаги хати (қ а р а н г : 581-бет).

131-*модда.* Қарздорнинг мол-мулкини баҳолаш

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг мол-мулкини инвентаризация қилади ва қийматини белгилайди. Тугатиш бошқарувчиси мазкур фаолиятни амалга ошириш учун баҳоловчи ташкилотни ва бошқа мутахассисларни, уларнинг хизматлари учун ҳақни, агар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан ҳақ тўлашнинг бошқа манбаи белгиланган бўлмаса, қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан тўлаган ҳолда, жалб этишга ҳақли. Устав фондида давлат улуши бўлган корхонанинг мол-мулки баҳоланаётганда баҳоловчи ташкилот жалб этилиши шарт. Қарздорнинг кредиторлари йиғилиши ёки кредиторлари қўмитаси мазкур хизматлар ҳақини тўлаш мажбурияти юкланадиган, қилган харажатлари кейинчалик қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан навбатдан ташқари қопланадиган шахсни, агар унинг ўзи рози бўлса, тайинлашга ҳақли.

Агар тугатишга доир иш юритиш жараёнида ҳақ тўлаш кўчмас мол-мулк билан амалга оширилаётган бўлса, мазкур мол-мулк, агар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан бошқача қоида белгиланган бўлмаса, уни сотишдан олдин баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланади.

Қарздорнинг гаров нарсаси бўлган мол-мулкини баҳолаш баҳоловчи ташкилот томонидан мажбурий тартибда ўтказилади.

(131-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ–257-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 315-модда)

Шарҳланаётган модда қарздор-банкротнинг мол-мулкини баҳолаш билан боғлиқ бўлган масалаларни тартибга солади. Тугатиш бошқарувчисининг қарздорнинг мулкини инвентаризация ва баҳолаш бўйича мажбуриятларининг бажарилиши билан боғлиқ масалаларга аниқлик киритади (*Қонуннинг 128-моддаси*) ҳамда баҳоловчи ташкилотни мажбурий жалб қилишнинг ҳолатларини белгилайди. Бунда баҳолаш ишлари белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан берилган малака сертификатига эга бўлган баҳоловчи амалга оширади. Баҳоловчи баҳолаш ишларини ўтказишга, агар у баҳоловчи ташкилотнинг штатида турган бўлса ёки баҳоловчи ташкилот у билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган бўлса, баҳоловчи ташкилот томонидан жалб этилиши мумкин. Мазкур ҳолларда баҳоловчи баҳолашни амалга оширувчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида жалб этилади, чунки қарздор-корхонада турли хил харажатларни тўлаш учун маблағлар бўлмай, корхона мулки билан ҳисоб-китоб қилишга тўғри келади.

132-*модда*. Тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг ҳисобварақлари

Тугатиш бошқарувчиси тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг сўмда иш юритадиган ягона ва валютада иш юритадиган ягона ҳисобварақларидан (бундан буён матнда қарздорнинг ягона ҳисобварақлари деб юритилади) фойдаланиши шарт. Қарздорнинг банкдаги тугатишга доир иш юритиш бошланаётган пайтда маълум бўлган, шунингдек тугатишга доир иш юритиш жараёнида аниқланган бошқа ҳисобварақлари аниқланиши биланоқ тугатиш бошқарувчиси томонидан ёпилиши лозим. Қарздорнинг ана шу ҳисобварақлардаги пул маблағлари қолдиғи қарздорнинг ягона ҳисобварақларига ўтказилиши лозим.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида келиб тушган пул маблағлари ҳам қарздорнинг ягона ҳисобварақларига ўтказилади.

Қарздорнинг ягона ҳисобварақларидан кредиторларга тўловлар ушбу Қонуннинг 133, 134 ва 169-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади ҳамда қуйидагилар тўланади:

– тугатиш бошқарувчисига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар;

– қарздорнинг коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатларига оид жорий тўловлари;

– банкротлик таомиллари жараёнида юзага келган маълумотларни эълон қилиш, шунингдек, қарздорнинг кредиторларини хабардор қилиш билан боғлиқ харажатлар;

– тугатишга доир иш юритишни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатлар.

Тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг пул маблағларидан фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботни кредиторлар йиғилишига ёки кредиторлар қўмитасига уларнинг талабига биноан тақдим этади.

Мазкур моддада ўрнатилган тартибга мувофиқ тугатиш бошқарувчи барча пул маблағларини бир жойга тўплаш мақсадида қарздорнинг ягона сўм ва валютада иш юритадиган ҳисоб-варақларидан фойдаланиши лозим (қарздорнинг ягона ҳисоб-варақлари), ягона ҳисобварақдан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар, шунингдек тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг пул маблағларидан фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботни кредиторлар йиғилишига ёки кредиторлар қўмитасига уларнинг талабига биноан тақдим этиш мажбуриятини назарда тутади.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига тугатиш бошқарувчисининг ягона сўм ва валютадаги ҳисобварақларга келиб тушган пул маблағларидан фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботи намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 583-бет).

133-*модда*. Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қондириш

Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қондириш қарздорнинг гаровга қўйилган мол-мулки (гаров нарсаси) сотилганидан кейин тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Бу маблағлар қолдиғи кредиторларнинг талабларини ушбу Қонуннинг 134-моддасида белгиланган навбат тартибида қондиришга мўлжалланади.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни (гаров нарсасини) сотишдан тушган сумма кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини тўла қондириш учун етарли бўлмаса, унда талабларнинг қолган қисми ушбу Қонуннинг 134-моддасида белгиланган навбат тартибида қондирилиши керак.

Агар қарздорнинг бутун мол-мулки гаров нарсаси бўлса ва гаровга қўйилган мол-мулкни (гаров нарсасини) сотишдан тушган сумма кредиторларнинг гаров билан таъминланган талаблари суммасидан кам ёки унга тенг бўлиб қолса, кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш ушбу Қонун 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган харажатлар қопланганидан ва талаблар

қондирилганидан кейин ҳамда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича талаблар қондирилганидан кейин амалга оширилади.

(133-модда Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 20 декабрдаги ЎРҚ–15-сон Қонунига мувофиқ учинчи қисм билан тўлдирилган – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 51-сон, 375-модда)

Шарҳланаётган модда гаров билан таъминланган кредиторларнинг талабини қондириш тартибини белгилайди.

Гаров нарсасини сотишдан олинган маблағ тугатиш массасига киритилмайди ва биринчи навбатда гаров орқали таъминланган талабларни қондиришга қаратилади. Гаровга қўйилган мулк гаровнинг нархидан қимматроқ сотилса, сотиш баҳоси ва гаров баҳоси ўртасидаги фарқ тугатиш массасига қўшилади ва Қонуннинг 134-моддасида белгиланган тартибга мувофиқ кредиторлар ўртасида тақсимланади.

Агарда талаблари гаров билан таъминланган кредиторлар билан сотиш баҳоси гаров суммасидан кам бўлган ҳолларда, тугатиш бошқарувчиси талабнинг қолган қисмини Қонуннинг 134-моддаси тўртинчи қисми нормасига мувофиқ тугатиш массаси ҳисобидан қоплайди, гаров эса бекор қилинган деб ҳисобланади (*«Гаров тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддаси*).

Қарздор ходимларининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида шарҳланаётган модда гаров нарсаси қарздорнинг барча мол-мулки бўлган ҳолда ва гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан келиб тушган сумма кам ёки кредиторлар талаби суммасига тенг бўлса, унда гаров орқали таъминланган талабларни қондиришдан олдин олинган маблағ 134-модда биринчи қисмида назарда тутилган талаблар ва иш ҳақини тўлаш бўйича талабларни қондиришга қаратилади.

Қонун қарздорнинг ходимларининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида гаров нарсаси қарздорнинг барча мол-мулки бўлган ҳолда ва гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан келиб тушган сумма кам ёки кредиторлар талаби суммасига тенг бўлса, унда гаров орқали таъминланган талабларни қондиришдан олдин олинган маблағ 134-модда биринчи қисмида назарда тутилган талаблар ва иш ҳақини тўлаш бўйича талабларни қондиришга қаратилади, қолган маблағлар гаров билан таъминланган кредиторлар талабларини қондиришга қаратилади.

134-*модда*. Кредиторларнинг талабларини қондириш навбати

Суд харажатларини, суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни, коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатларига оид жорий тўловларни, қарздорнинг мол-мулкини суғурта қилиш харажатларини қоплаш, шунингдек, қарздорнинг банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин юзага келган мажбуриятларига доир талабларни ҳамда қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етка-

зилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлса, ана шу фуқаронинг талабларини қондириш навбатдан ташқари тарзда амалга оширилади.

Мажбурий тўловларни ҳамда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича, алиментларни ундириш тўғрисидаги талабларни қондириш учун ҳисобварақдан пул маблағларини ўтказишни ёки беришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича, муаллифлик шартномалари юзасидан ҳақ тўлаш бўйича, қарздорнинг меҳнатга оид муносабатлар ва уларга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи мажбурий тўловлар ҳамда талаблар бўйича мажбуриятлари бир хил – тенг даражада бажарилишини таъминлайдиган, шунингдек, жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида фуқароларнинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга доир талаблари биринчи навбатда қондирилади.

Мажбурий суғурта бўйича талаблар, шунингдек, банкларнинг кредитлари ва банк кредитлари суғуртаси бўйича талаблар иккинчи навбатда қондирилади.

Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талаблари учинчи навбатда қондирилади.

Кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талаблари тўртинчи навбатда қондирилади.

Акциялар эгаларининг талаблари бешинчи навбатда қондирилади.

Қолган барча талаблар олтинчи навбатда қондирилади.

Ҳар қайси навбат бўйича талаблар олдинги навбат талаблари тўла қаноатлантирилганидан кейин қондирилади.

Ундириб олинаётган сумма бир навбатнинг барча талабларини тўла қондиришга етарли бўлмаса, бу талаблар ҳар бир ундирувчи олиши лозим бўлган суммага мутаносиб равишда қондирилади.

Охирги тўлов тўланганлиги тўғрисида расмий нашрда махсус хабар эълон қилинади.

Мол-мулк қийматининг кредиторлар талаблари қондирилганидан ва банкротлик тўғрисидаги иш юритиш харажатлари тўланганидан кейин қолган қолдиғини, шунингдек, тугатиш жараёнида сотилмай қолган мол-мулкни тугатилаётган қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки тугатилаётган қарздор мол-мулкининг эгаси олади мазкур Қонуннинг 142[1] ва 143-моддаларида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

(134-модданинг ўн биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–300-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 40-сон, 411-модда)

Мол-мулк етмаганлиги учун қондирилмаган қарз мажбуриятлари қаноатлантирилган мажбуриятлар деб ҳисобланади.

Мазкур модда кредиторларнинг талабларини қондиришни, шунингдек, тугатишга доир иш юритиш харажатларини қоплаш тартибини тартибга солади, шунингдек, кредиторлар талабларини қонидирилгандан ва банкротлик тўғрисидаги иш юритиш ҳаражатлар тўлангандан сўнг ва тугатиш жараёнида тақсимланмаган мол-мулк тақдирини белгилайди.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига тугатиш бошқарувчисининг кредиторлар талаблари бўйича охирги тўловни амалга оширилгани тўғрисидаги хабари намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 585-бет).

135-*модда*. Қарздорнинг мол-мулкини сотиш

Қарздорнинг мол-мулки инвентаризация қилинганидан ва баҳоланганидан кейин тугатиш бошқарувчиси, ушбу мол-мулкни очиқ кимошди савдосида сотишга киришади.

(135-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 20 декабрдаги ЎРҚ–15-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 51-сон, 375-модда)

Қарздорнинг мол-мулкини сотиш тартиби ва муддатлари (жадвали) кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан маъқулланган бўлиши керак.

Агар тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг мол-мулкини сотиш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ўз таклифларини кредиторларга тақдим этган пайтдан эътиборан бир ой ичида қарздорнинг мол-мулкини сотиш тартиби ва муддатлари (жадвали) кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан маъқулланмаган бўлса, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси ёхуд тугатиш бошқарувчиси юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли. Мазкур келишмовчиликларни кўриб чиқиш якунларига қараб хўжалик суди ё мол-мулкни сотиш тартиби ва муддатларини (жадвалини) тасдиқлайди, ёки тугатиш бошқарувчисини вазифасини бажаришдан озод қилади.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида мол-мулкни сотиш муддатларига (жадвалига) ўзгартишлар киритишни талаб этувчи ҳолатлар юзага келса, тугатиш бошқарувчиси мазкур ҳолатлар юзага келган пайтдан эътиборан бир ойлик муҳлат ичида муддатларни (жадвални) ўзгартириш юзасидан тегишли таклифларни ишлаб чиқиши ва кредиторлар йиғилишига ёки кредиторлар қўмитасига тақдим этиши шарт.

Қарздорнинг муомала қобилияти чекланган мол-мулки фақат ёпиқ кимошди савдосида сотилиши мумкин. Ёпиқ кимошди савдосида қонунга мувофиқ мазкур мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эга бўла оладиган шахслар иштирок этадилар.

Тугатиш бошқарувчиси кимошди савдосининг ташкилотчиси сифатида иш кўриши ёки кимошди савдосини ўтказишни ихтисослаштирил-

ган ташкилотга шартнома асосида топшириши мумкин. Кимошди савдосини ўтказувчи ихтисослаштирилган ташкилот қарздорга ва тугатиш бошқарувчисига нисбатан манфаатдор шахс бўлиши мумкин эмас.

Қарздорнинг корхонасини (бизнесини) ёки мол-мулкининг бир қисмини сотиш ушбу Қонуннинг 110 ва 111-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида айрим қарздор корхонанинг (бизнесни) ёки унинг мол-мулкининг бир қисмини банкларга сотишнинг ёки ўтказишнинг бошқача тартиби назарда тутилиши мумкин.

(135-модданинг саккизинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–300-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 40-сон, 411-модда)

Шарҳланаётган модда тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг мулки сотилишини тартибга солади. Модда мол-мулкни сотишни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича тугатиш бошқарувчисининг муайян ҳаракатлари тартибини кўзда тутади.

Қарздорнинг мол-мулки инвентаризация қилинганидан ва баҳоланганидан кейин тугатиш бошқарувчиси ушбу мол-мулкни сотишга киришиши мумкин (*131-модданинг шарҳига қаранг*).

Қарздор мол-мулки қоидага биноан очиқ кимошди савдосида сотилади.

Агарда банкрот-юридик шахсни тугатиш режасида қарздор мол-мулкини сотиш тартиби ва муддати(жадвали) назарда тутилмаган бўлса, унда қарздор мол-мулкини сотиш тартиби ва муддати(жадвали) кредиторлар (қўмитаси) йиғилиши томонида маъкулланиши керак. Қарздор мол-мулкини сотиш тартиби ва муддати бўйича кредиторлар йиғилиши(қўмитаси) билан тугатиш бошқарувчиси ўртасида келишмовчилик вужудга келса, бу келишмовчилик Қонуннинг 59-моддасида назарда тутилган тартибда хўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

Хўжалик суди кўрсатилган келишмовчиликларни кўриб чиқиш якунига кўра мол-мулкни сотиш тартиби ва муддатини(жадвалини) тасдиқлайди ёки тугатиш бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод қилади.

Қарздорнинг мол-мулкини сотиш бўйича тугатишга доир иш юритиш тадбирларининг олиб борилишида кредиторлар йиғилиши ва қўмитаси томонидан тасдиқланган муддат ва тартибда сотилишига тўсиқ бўлувчи ҳолатлар пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ, тугатиш бошқарувчисида мол-мулкни сотиш муддати ва тартибига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва кредиторлар йиғилишига (қўмитасига) унинг вужудга келган пайтидан бошлаб бир ой муддатда тақдим этиш мажбурияти юзага келади.

Умумий қоидадан фарқли равишда, қарздорнинг мол-мулки очиқ кимошди савдосида сотилган ҳолларда, муомалада бўлиши чекланган мол-мулк ёпиқ кимошди савдосида сотилиши лозим. Мазкур кимошди савдосида қонунга

мувофиқ кўрсатилган мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларни олиши мумкин бўлган шахслар иштирок этадилар.

Қарздорнинг мол-мулкини сотиш ташкилотчиси бўлиб, тугатиш бошқарувчисининг ўзи ёки у сотиш учун жалб қилган махсус ихтисослаштирилган ташкилот бўлиши мумкин. Бунда ихтисослаштирилган ташкилотни қарздор ёки тугатиш бошқарувчисига нисбатан манфаатдор бўлмаслиги лозим (*Қонуннинг 17-моддаси*). Ихтисослаштирилган ташкилотни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар қарздорнинг мулки ҳисобидан навбатдан ташқари қопланади.

Тугатишга доир иш юритуви жараёнида корхона-бизнеснинг сотилиши 110-моддада ўрнатилган тартибда, мол-мулкнинг бир қисмини сотиш эса Қонуннинг 111-моддаси талабларига мувофиқ амалга оширилишини белгилайди.

Қонун ҳужжатларида айрим қарздор корхонани (бизнесни) ёки унинг мол-мулки бир қисмини банкларга сотишнинг ёки ўтказишнинг бошқача тартиби назарда тутилиши мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил 18 апрелдаги 188-сонли қарорининг тўртинчи бандига мувофиқ, қарздор корхона банкрот деб эълон қилинганда ва тугатиш ишлари бошланганда, агар қарздор кредитори кредиторлар талабномалари реестрига киритилган, кредитор қарзи бўйича қарздор кредитор қарзининг умумий суммасидан 70 ва ундан кўп фоизи талабига эга тижорат банки ҳисобланган тақдирда, ушбу кредитор гаров предмети ҳисобланган мол-мулкдан ташқари Қонуннинг 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган сарф-харажатларни тўлашни ва талабларни қондиришни ва иш ҳақи бўйича қарзларни тўлашни, тижорат банклари томонидан банкрот корхона сотилгандан кейин банкрот корхонанинг бошқа кредиторлик қарзини тўлашни назарда тутадиган мажбуриятлар қабул қилинганда қарздор корхонаси (мол-мулки)ни тугатиш қиймати бўйича ўз мулкига ўтказиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010-сонли Фармойиши билан тасдиқланган Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш Тартибига мувофиқ банкрот-корхона тижорат банкига кимошди ва танлов савдоларида сотилиши мумкин. Мазкур тартиб билан шунингдек, тижорат банклари банкрот-корхонани кимошди ва танловда олиш билан бир қаторда, хўжалик судлари қарорига кўра кредиторлик қарзи таркибида банк кредитлари бўйича 70 ва ундан кўп фоиз қарздорликка эга бўлган банкрот корхонанинг мол-мулкини кредитор банкнинг мулкига тугатиш қиймати бўйича қуйидаги шартларга риоя этган ҳолда олиши мумкин:

– Қонуннинг 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган сарф-харажатларни тўлашни ва талабларни қондиришни ва иш ҳақи бўйича қарзларни тўлаш мажбуриятини банк қабул қилганда;

– банкрот-корхонанинг қолган кредиторлари билан ҳисоб-китоб юқоридаги қарор билан бепул реализация қилинган банкрот-корхоналар кредиторлари билан ҳисоб-китоб учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– тугатиш бошқарувчисининг юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилиш тўғрисидаги хўжалик судига аризаси (қ а р а н г : 443-бет);

– тугатиш бошқарувчисининг кредиторлар йиғилишига қарздорнинг мол-мулкини сотиш (жадвали) муддатларини ўзгартириш юзасидан таклифларни кўриб чиқиш ҳақидаги хати (қ а р а н г : 586-бет).

– қарздор мол-мулкини сотиш тартиби ва муддатлари бўйича юзага келган келишмовчиликларни ҳал этиш тўғрисида тугатиш бошқарувчиси аризасини кўриб чиқиш натижалари юзасидан чиқарилган суд ажрими (қ а р а н г : 810-бет);

136-*модда*. Тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини сотиш

Тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини, агар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини сотишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлмаса, очиқ кимошди савдосига қўйишга ҳақли.

Қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини очиқ кимошди савдосида сотиш ушбу Қонуннинг 112-моддасида назарда тутилган нормаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Шарҳланаётган модда тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини сотиш тартибини белгилайди, унга кўра тугатиш бошқарувчисига агар кредиторлар йиғилиши(кредиторлар қўмитаси)бошқача тартибни белгиламаган бўлса, қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини унинг мол-мулки сингари очиқ кимошди савдосига қўйиш ҳуқуқини беради.

Қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини очиқ кимошди савдосида сотувга қўйилганда бундай ҳуқуқларни сотиш ташқи бошқарувдаги қоидаларга риоя этилган ҳолда, яъни Қонуннинг 112-моддаси талабларига биноан амалга оширилади.

137-*модда*. Тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида кредиторлар йиғилишининг қарори асосида, башарти шундай қарор қабул қилинишини ёқлаб барча кредиторлар овоз берган бўлса, кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ қарздорнинг активлари ўрни алмаштирилиши мумкин.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг активларини жойлаштириш учун қарздор мол-мулки эгасининг ёки қарздорнинг

тегишли битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишга таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилган бошқарув органининг розилиги талаб қилинмайди.

Қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш ушбу Қонуннинг 115-моддасида белгиланган тартибда ва шартларда ўтказилади.

Шарҳланаётган модда худди ташқи бошқарувда бўлгани каби (*Қонуннинг 115-моддаси шарҳига қаранг*) тугатишга доир иш юритишда қарздорнинг активлари ўрнини алмаштиришни амалга ошириш мумкинлигини белгилайди.

Аммо активларнинг ўрнини алмаштириш тугатишга доир иш юритишда ташқи бошқарувдагидан фарқи бўлиб, қарздор мол-мулки эгаси ёки таъсис ҳужжатларига биноан тегишли битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилишга қарздорнинг ваколатли бошқарув органи розилиги талаб қилинмай, кредиторлар йиғилишида қарздор активлари ўрнини алмаштириш тўғрисидаги масалани кўришда активлар ўрнини алмаштириш тўғрисидаги қарор қабул қилишга барча кредиторлар овоз беришнинг ўзи етарли ҳисобланади. Бунда шуни инобатга олиш керакки кредиторлар йиғилишида кредиторлар талаблари реестрига киритилган барча кредиторлар иштирок этиши керак ва қарздор активларини алмаштириш тўғрисидаги қарор бир овоздан қабул қилиниши керак.

Агар кредиторлар йиғилиши томонидан активлар ўрнини алмаштиришга қарор қабул қилинса, активларнинг ўрнини алмаштириш Қонуннинг 115-моддасида назарда тутилган тартибда ва шартларда ўтказилади.

138-*модда*. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар

Тугатиш бошқарувчиси кредиторлар билан кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ ҳисоб-китоб қилади.

Пул маблағларини кредиторнинг ҳисобварағига ўтказиш имконияти бўлмаса, унга тегишли сумма қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) нотариус ёки суд депозитига тугатиш бошқарувчиси томонидан ўтказилиб, бу ҳақда кредиторга хабар қилинади. Мазкур сумма нотариус ёки суд депозитига ўтказилган пайтдан эътиборан уч йил ичида кредитор томонидан олинмаса, бу сумма тегишинча нотариус ёки суд томонидан давлат бюджетига ўтказилади.

Тугатишга доир иш юритишни бошлашнинг эълон қилинган маълумотда белгиланган кредиторлар талабларини тақдим этиш муддати тугаганидан кейин кредиторлар томонидан билдирилган талаблар, шунингдек, тугатишга доир иш юритиш бошланганидан кейин юзага келган мажбурий тўловлар бўйича талаблар, улар қайси муддатда тақдим этилганидан қатъи назар, қарздорнинг белгиланган муддатда билдирилган кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулкларидан қондирилади. Бундай талабларни қарздорнинг кредиторларнинг белгиланган муддатда билдирилган талаблари қондирилганидан

кейин қолган мол-мулкидан қондириш навбати ушбу Қонуннинг 134-моддасига мувофиқ белгиланади.

Қондирилган талаблар, шунингдек, воз кечиш ҳақи тўғрисида битимга эришилган талаблар ёки тугатиш бошқарувчиси томонидан ҳисобга олиниши билдирилган ёхуд мажбуриятларни тугатишнинг бошқа асослари бўлган талаблар кредиторларнинг қаноатлантирилган талаблари деб ҳисобланади. Талабни ҳисобга олиш, шунингдек воз кечиш ҳақи орқали талабни қаноатлантиришга фақат билдирилган талабларни қондиришнинг навбати ва нисбати принципига риоя этилган тақдирда йўл қўйилади. Воз кечиш ҳақи тўғрисида битим имзолаш йўли билан кредиторлар талабларини қаноатлантиришга мазкур битим кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси билан келишилган тақдирда йўл қўйилади. Тугатишга доир иш юритишда қарздорнинг мажбуриятларини янгилаш тўғрисида битим тузиш йўли билан кредиторлар талабларини қаноатлантиришга йўл қўйилмайди.

Кредиторларнинг қарздор мол-мулки етарли бўлмаганлиги сабабли қондирилмаган талаблари ҳам қаноатлантирилган талаблар деб ҳисобланади. Тугатиш бошқарувчиси томонидан кредиторларнинг тан олинмаган талаблари ҳам, агар кредитор хўжалик судига мурожаат этмаган бўлса ёки бундай талаблар хўжалик суди томонидан асоссиз деб топилган бўлса, қаноатлантирилган талаблар деб ҳисобланади.

Тугатиш бошқарувчиси кредиторларнинг талаблари реестрига кредиторлар талаблари қаноатлантирилганлиги тўғрисидаги маълумотларни киритади.

Шарҳланаётган модда тугатиш бошқарувчисининг кредиторлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб кредиторлар реестрига қатъий амал қилган ҳолда ва Қонуннинг 133, 134, 169-моддаларида белгиланган навбатда амалга оширилиши зарур.

Тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги нашрда белгиланган кредиторлар талабларини билдириш муддати ўтгандан кейин мурожаат этган кредиторлар талабларини шунингдек, тугатишга доир иш юритиш бошлангандан сўнг юзага келган мажбурий тўловлар бўйича талабларни қаноатлантириш билан улар тақдим этиш муддатидан қатъи назар белгиланган муддатда мурожаат этган кредиторлар талаблари қаноатлантирилгандан сўнг қолган қарздор мол-мулки ҳисобидан қондирилади. Шу боис, Қонун 134-моддага ҳавола этиб, ушбу талабларнинг олтинчи навбатда қаноатлантирилишини белгилайди.

Кредиторларнинг тўлиқ қаноатлантирилган талаблари қондирилган талаблар ҳисобланади. Бунда Қонун кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишда воз кечиш тўғрисида келишув тузилишига фақат кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) розилиги билан йўл қўяди.

Қонун шунингдек, талабни ҳисобга олиш, мажбуриятларни тугатиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолда, мажбуриятларини янгилаш тўғрисида битим тузиш йўлини истисно қилганда, бошқа усуллари билан кредиторлар талабларини қондириш имкониятини назарда тутади.

Талабни ҳисобга олишни ўтказиш чоғида, шунингдек, талабни воз кечиш йўли билан кредиторларнинг билдирилган талабларни қондириш чоғида Қонуннинг навбат тамойили (*134-модданинг саккизинчи қисми*) ва мутаносиблик тамойиллари (*134-модданинг тўққизинчи қисми*) тўғрисидаги нормаларига амал қилиш муҳим.

Қонун қарздор мол-мулки етарли бўлмаганлиги сабабли қондирилмаган талаблар, агар кредиторлар талаблари тугатиш бошқарувчиси томонидан тан олинмаган бўлса ва кредитор хўжалик судига мурожаат қилмаган бўлса ёки ушбу талаблар хўжалик суди томонидан асоссиз деб топилган бўлса ҳам қаноатлантирилган талаблар деб ҳисобланишини назарда тутади.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига воз кечиш ҳақи тўғрисида битим намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 587-бет).

139-*модда*. Тугатиш бошқарувчисининг фаолиятини назорат қилиш

Тугатиш бошқарувчиси ҳар ойда камида бир марта кредиторлар йиғилишига ёки кредиторлар қўмитасига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот, қарздорнинг молиявий аҳволи ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошланган пайтдаги ва иш юритиш жараёнидаги мол-мулки тўғрисида ахборот, шунингдек, бошқа ахборот тақдим этади.

Тугатиш бошқарувчиси ҳисоботида қуйидагилар бўлиши керак:

– шакллантирилган тугатиш массаси тўғрисидаги, шу жумладан қарздорнинг мол-мулкини инвентаризация қилиш жараёни ва якунлари тўғрисидаги, қарздорнинг мол-мулкини баҳолаш жараёни ва натижалари тўғрисидаги маълумотлар;

– қарздорнинг ягона ҳисобварағига тушган пул маблағларининг суммаси, мазкур тушумларнинг манбаи тўғрисидаги маълумотлар;

– қарздорнинг мол-мулкини реализация қилиш жараёни ҳақидаги маълумотлар, мол-мулкни реализация қилишдан тушган суммалар кўрсатилган ҳолда;

– учинчи шахсларга нисбатан қарзни ундириш ҳақида тугатиш бошқарувчиси томонидан қўйилган талаблар, шу жумладан суд тартибида қўйилган талаблар миқдори ва суммаси тўғрисидаги маълумотлар;

– қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш, шунингдек, қарздорнинг учинчи шахслар эгалигида турган мол-мулкини аниқлаш ва талаб қилиб олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар;

– қарздорнинг битимларини ҳақиқий эмас деб топиш, шунингдек, қарздорнинг шартномаларини бажаришдан бош тортилишини билдиришга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар;

– қарздорнинг кредиторларнинг талаблари реестрини юритишга оид иши тўғрисидаги маълумотлар, кредиторларнинг реестрга киритилган талабларининг умумий миқдорини ва ҳар бир навбат бўйича талаблари миқдорини алоҳида-алоҳида кўрсатган ҳолда;

– қарздорнинг тугатишга доир иш юритиш даврида ўз фаолиятини давом эттираётган ходимлари ҳамда қарздор билан тузилган меҳнат шартномалари тугатишга доир иш юритиш даврида бекор қилинган ходимларининг сони тўғрисидаги маълумотлар;

– қарздорнинг ҳисобварақларини ёпиш бўйича тугатиш бошқарувчиси амалга оширган ишлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар;

– тугатишга доир иш юритишни ўтказиш харажатларининг суммаси тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг мақсадини кўрсатган ҳолда.

Тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботида қарздорга нисбатан тугатишга доир иш юритиш жараёни ҳақидаги бошқа маълумотлар ҳам бўлиши керак, уларнинг таркиби тугатиш бошқарувчисининг ўзи томонидан, шунингдек, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси ёхуд хўжалик суди талаблари билан белгиланади.

Тугатиш бошқарувчиси хўжалик судининг талабига биноан тугатишга доир иш юритиш таомилини ўтказишга тааллуқли барча маълумотларни мазкур судга тақдим этиши шарт.

Шарҳланаётган модда кредиторлар йиғилиши(қўмитаси) ва хўжалик суди томонидан тугатиш бошқарувчисининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш тартибини белгилайди.

Тугатиш бошқарувчиси фаолияти устидан назорат тугатиш бошқарувчиси томонидан ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим эттириш йўли билан амалга оширилади. Ҳисобот тугатиш бошқарувчиси томонидан шарҳланаётган моддада назарда тутилган талабларига риоя қилган ҳолда тузилади ва кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) олдида ҳар ойда камида бир марта ахборот тақдим этилади.

Тугатиш бошқарувчиси фаолияти устидан назорат хўжалик суди томонидан тугатиш бошқарувчиси тугатишга доир иш юритиш жараёнига тааллуқли ҳар қандай маълумотларни тақдим этишни талаб қилиш йўли билан амалга оширилади. Бунда Қонун тугатиш бошқарувчисидан юқоридаги маълумотларни судга тақдим этишнинг даврийлигини назарда тутмайди, суд қонунда берилган ваколатига мувофиқ ҳар қандай вақтда тугатиш бошқарувчисидан юқоридаги маълумотларни тақдим этишни талаб қилишга ҳақли.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига тугатиш бошқарувчисининг ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботи намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 590-бет).

140-*модда.* Тугатиш бошқарувчисини вазифасини бажаришдан озод этиш

Тугатиш бошқарувчиси ўз вазифасини бажаришдан хўжалик суди томонидан қуйидагиларга кўра озод этилиши мумкин:

– ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган бўлса, кредиторлар йиғилишининг ёки кредиторлар қўмитасининг илтимосномасига биноан ёхуд банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси асосида;

– ўз аризасига биноан;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳолларда.

Хўжалик суди тугатиш бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш билан бир вақтда янги тугатиш бошқарувчисини ушбу Қонуннинг 126-моддасида назарда тутилган тартибда тайинлайди.

Тугатиш бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисидаги хўжалик судининг ажрими дарҳол ижро этилиши лозим ва ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Шарҳланаётган модда хўжалик суди томонидан тугатиш бошқрувчисини вазифаларини бажаришдан озод этиш асосларини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида тугатиш бошқарувчисини ўз вазифаларини бажаришдан озод этиш учун асослар рўйхати келтирилган, шунингдек, судга тугатиш бошқарувчисини ўз вазифасидан озод этиш тўғрисидаги ариза (илтимоснома) билан мурожаат этиш мумкин бўлган шахслар доирасини белгилайди.

Кредиторлар йиғилиши тугатиш бошқарувчисини ўз вазифаларини бажаришдан озод қилиш процедурасини, агарда ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, шунингдек, тугатиш бошқарувчиси томонидан унинг мажбуриятига юклатилган амалдаги қонун ҳужжатларини муттасил ёки бир марта қўпол равишда бузган тақдирда хўжалик судига тегишли илтимоснома билан мурожаат қилиш йўли билан бошлаб бериши мумкин. Бундай ҳолда Қонуннинг 21-моддасидан фарқ қилган ҳолда зарар келиб чиқиш факти мажбурий эмас. Кредиторлар йиғилишининг тугатиш бошқарувчисини озод этиш тўғрисидаги қарорида қуйидагилар мавжуд бўлиши керак:

– тугатиш бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги асосли илтимоснома, Қонунга мувофиқ унга юклатилган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик фактини кўрсатган ҳолда;

– янги тугатиш бошқарувчиси номзоди.

Тугатиш бошқарувчисини хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг қарори асосида шарҳлаанаётган моддада белгиланган асослар бўйича шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожланитириш давлат қўмитаси қарори билан тасдиқланган «Суд бошқарувчилари аттестация комиссияси тўғрисида»ги Низомнинг (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги то-*

монидан 12.06.2006 йил №1581 рўйхатга олинган) 35-бандида кўрсатилган асослар бўйича унга юклатилган вазифасини бажаришдан озод этилиши мумкин.

Тугатиш бошқарувчисини ўзининг аризаси бўйича озод этишни ҳам назарда тутади. Қонун тугатиш бошқарувчисидан ўз фаолиятини давом қилдира олмаслик сабабларини талаб қилмайди, аммо хўжалик суди тугатиш бошқарувчисини ўзгартириш тугатиш режаси ижроси ва тугатишга доир иш юритиш муддатларига салбий таъсир қилиши мумкинлигини ҳисобга олиб, ундан тушунтириш талаб қилиши мумкин. Тугатиш бошқарувчисининг ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги аризаси тугатиш бошқарувчисини озод этиш учун муқаррар асос ҳисобланмай, қандайдир узрли сабаблар бўлмаса, аризани қаноатлантиришни рад қилишга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бошқарувга оид мажбуриятларнинг ижроси билан шуғулланиш имкониятига тўсқинлик қиладиган узрли сабаблар бўлиб, нафақат касаллик ва шахсий характерга эга бўлган ҳолатлар, балки бошқа сабаблар ҳам бўлиши мумкин.

Тугатиш бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш учун санаб ўтилган асослар тугал ҳисобланмай, тугатиш бошқарувчиси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам, мисол учун Қонуннинг 18-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ ҳолатлар келиб чиқиши муносабати билан, тугатиш бошқарувчиси давлат ёки сайланадиган лавозимга тайиланиши ёки сайланган ҳолатда ўз вазифасини бажаришдан озод этилиши мумкин.

Хўжалик суди тугатиш бошқарувчисини ўз вазифаларини бажаришдан озод қилиш ёки озод қилишни рад қилиш тўғрисида ажрим чиқаради. Бунда Қонун фақат тугатиш бошқарувчисини ўз вазифаларини бажаришдан озод қилиш тўғрисидаги ажрим устида шикоят қилиш имкониятини назарда тутади.

ОХС Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 21-бандига мувофиқ тугатиш бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисида ажрим устидан Қонуннинг 60-моддасида назарда тутилган тартибда шикоят қилиш мумкин.

Ушбу қўлланманинг 4-бўлимида мазкур модда шарҳига тугатиш бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисидаги суд ажрими намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 813-бет).

141-*модда*. Ташқи бошқарувга ўтиш имконияти

Агар қарздорга нисбатан суд санацияси ва (ёки) ташқи бошқарув таомили жорий этилган бўлмаса, тугатишга доир иш юритиш мобайнида эса қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши мумкин деб ҳисоблаш учун етарли асослар, шу жумладан молиявий таҳлил маълумотлари билан тасдиқланган асослар пайдо бўлса, тугатиш бошқарувчиси мазкур ҳолатлар аниқланган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш ҳақида

илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мақсадида қарздорнинг кредиторлари йиғилишини чақириши шарт.

Тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш ҳақидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги қарор шундай қарорни қабул қилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқаётган кредиторлар йиғилиши ўтказилаётган пайтдаги ҳолатга кўра қаноатлантирилмаган кредиторлар талаблари умумий миқдорининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги кредиторлар йиғилишининг қарорида ташқи бошқарувнинг таклиф қилинаётган муддати ва ташқи бошқарувчиликка номзод, шунингдек, бу номзод ҳақидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Шарҳланаётган модда тугатишга доир иш юритишни ташқи бошқарувга ўтиш имконияти ва тартибини белгилайди.

Қонун тугатишга доир иш юритишдан ташқи бошқарувга ўтиши мумкин бўлган иккита шарт кўрсатилган:

– агар қарздорга нисбатан суд санацияси ёки ташқи бошқарув таомили жорий этилган бўлмаса;

– қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкин деб ҳисоблаш учун етарли асослар келиб чиқса.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, тугатиш бошқарувчисининг бир ой муддат ичида тугатиш бошқарувчиси тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун кредиторлар йиғилишини чақириши лозим.

Агарда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш имконияти ҳақиқатда аниқланса, унда кредиторлар йиғилиши хўжалик судига тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш тўғрисида илтимоснома киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиши мумкин ва ушбу қарорда ташқи бошқарувнинг муддати ва ташқи бошқарувчиликка номзоди бўлиши керак. Бунда эътибор қаратиш керакки, Қонун ташқи бошқарувга ўтиш ҳақидаги қарор қабул қилиши тўғрисидаги масала кредиторлар реестрига киритилган кредиторларнинг кўпчилик овози билан эмас, балки айни вақтда талаблари қаноатлантирилмаган кредиторларнинг кўпчилик овози билан ҳал қилинишини белгилайди.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги кредиторлар йиғилишининг баённомаси (қ а р а н г : 445-бет);

– тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувни жорий қилиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 815-бет).

142-*модда*. Тугатиш бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари ҳақидаги ҳисоботи

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тамомланганидан кейин тугатиш бошқарувчиси хўжалик судига тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари ҳақида ҳисобот тақдим этиши шарт.

Тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари ҳақидаги ҳисоботга қуйидагилар илова қилинади:

– қарздорнинг мол-мулки сотилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

– кредиторларнинг талаблари реестри, кредиторлар талабларининг қаноатлантирилган миқдорини кўрсатган ҳолда;

– кредиторлар талаблари қаноатлантирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

– қарздорнинг ушбу Қонуннинг 142[1] ва 143-моддаларида назарда тутилган мол-мулки тўғрисидаги маълумотлар.

(142-модданинг иккинчи қисми бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–300-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 40-сон, 411-модда)

Мазкур модда тугатиш бошқарувчисининг кредиторлар билан ҳисоб-китобларни тамомлаганидан кейин тугатишга доир иш юритиш натижалари ҳақида ҳисобот бериш мажбуриятини ҳамда ҳисоботга илова қиланадиган ҳужжатлар рўйхатини белгилайди.

142[1]-*модда*. Мажбурий тўловлар ва молиявий санкциялар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган қарздорнинг реализация қилинмаган мол-мулки

Мажбурий тўловлар ва молиявий санкциялар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган қарздорнинг сотишга таклиф қилинган, лекин тугатишга доир иш юритиш мобайнида реализация қилинмаган мол-мулки тугатиш бошқарувчиси томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари балансига қуйидаги ҳолларда ўтказилади, агар мажбурий тўловлар ва молиявий санкциялар бўйича қарздорлик миқдори:

– қарздорнинг мол-мулки қийматига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, – биринчи навбатдаги бошқа кредиторлар ушбу мол-мулкни ўз талабларини қаноатлантириш ҳисобига қабул қилишни рад этганда;

– қарздорнинг мол-мулки қийматидан кам бўлса, – барча навбатдаги кредиторлар ушбу мол-мулкни ўз талабларини қаноатлантириш ҳисобига қабул қилишни рад этганда.

Қарздорнинг ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мол-мулки тўғрисида тугатиш бошқарувчиси маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ёзма шаклда хабардор қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёзма хабар олинган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида мол-мулкни балансга олади ва уни сақлаб

туришга доир барча харажатларни ўз зиммасига олади. Мол-мулкни қабул қилишдан бош тортилган ёки бўйин товланган тақдирда, тугатиш бошқарувчиси тегишли органни мазкур мол-мулкни қабул қилишга мажбурлаш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли. Хўжалик суди мол-мулк маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг балансига ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар асосида тугатишга доир иш юритишни тамомлаш ҳақида ажрим чиқаради.

Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ балансига мол-мулк ўтказилган маҳаллий давлат ҳокимияти органи бу мол-мулкни белгиланган тартибда очиқ ким ошди савдосида реализация қилиш ташаббуси билан чиқиши мумкин. Бунда кўчмас мол-мулк, шунингдек акциялар, хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги улушлар давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли орган томонидан очиқ ким ошди савдосига қўйилади, тушган маблағлар эса қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тақсимланади. Бошқа мол-мулк ихтисослаштирилган савдо ташкилотлари орқали очиқ ким ошди савдосига қўйилади, тушган маблағлар эса маҳаллий бюджет даромадига йўналтирилади, қарздорнинг қабул қилиб олинган мол-мулкни сақлаш бўйича қилинган харажатларини қоплаш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар бундан мустасно.

Қарздорнинг мол-мулки очиқ ким ошди савдосига қўйилган пайтдан эътиборан бир йил ичида реализация қилинмаган тақдирда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ушбу мол-мулкка нисбатан давлат мулкини тасарруф этишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бошқа усулларини ҳам қўллайди.

(142[1]-модда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–300-сонли Қонунига асосан киритилган – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 40-сон, 411-модда)

Шарҳланаётган модда мажбурий тўловлар ва молиявий санкциялар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган қарздорнинг сотишга таклиф қилинган, лекин тугатишга доир иш юритиш мобайнида реализация қилинмаган мол-мулки тақдирини белгилайди.

Қонун мажбурий тўловлар ва молиявий санкциялар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган қарздор мол-мулкини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари балансига ўтказишнинг шартларини белгилайди. Демак, қарздорлик қарздорнинг мол-мулки қийматига тенг ёки ундан ортиқ бўлса реализация қилинмаган қарздор мол-мулки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари балансига агар биринчи навбатдаги бошқа кредиторлар ушбу мол-мулкни ўз талабларини қаноатлантириш ҳисобига қабул қилишни рад этганда ўтказилади. Агар қарздорлик қарздорнинг мол-мулки қийматидан кам бўлган ҳолатда реализация қилинмаган қарздор мол-мулки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари балансига агар барча навбатдаги кредиторлар ушбу мол-мулкни ўз талабларини қаноатлантириш ҳисобига қабул қилишни рад этганда ўтказилади.

Реализация қилинмаган қарздор мол-мулки тўғрисида тугатиш бошқарувчиси маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ёзма тартибда хабардор қилади ва ёзма хабар олинган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида мол-мулкни балансга олиши керак. Мол-мулкни қабул қилишдан бош тортилган ёки бўйин товланган тақдирда, тугатиш бошқарувчисининг аризасига асосан хўжалик суди тегишли органни мазкур мол-мулкни қабул қилишга мажбурлаш тўғрисидаги ажрим чиқаради.

Тугатиш бошқарувчиси мол-мулкни қабул қилишга мажбурлаш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун Қонун суд мажлисини ўтказишни назарда тутмайди. Аммо агар кўрсатилган аризани суд мажлисида кўриб чиқилса ҳам процессуал ҳуқуқ нормалари бузилиши ҳисобланмайди.

Тугатиш бошқарувчисини тақдим қилинган мазкур аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича чиқарилган ажрим устидан шикоят(протест) қилиб бўлмайди.

Давлат ҳокимияти органлари балансига мол-мулк топширилгандан сўнг суд бошқарувчиси судга топшириш ҳақидаги ҳужжатларни тақдим қилади, суд ушбу ҳужжатлар асосида хўжалик суди тугатишга доир иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари балансига берилган мол-мулк реализацияси давлат мулкини тасарруф этишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шарҳланаётган моддада назарда тутилган хусусиятлари асосида амалга оширилади.

143-*модда*. Қарздорнинг кредиторлар талаблари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулки

Қарздорнинг сотишга таклиф қилинган, лекин тугатишга доир иш юритиш мобайнида реализация қилинмаган мол-мулки тугатиш бошқарувчиси томонидан кредиторларга кредиторлик қарзларини узиш ҳисобига таклиф этилади. Кредитор ушбу мол-мулкни қабул қилишга розилик бериш ёки уни рад этиш ёхуд ушбу масалани қонунда белгиланган ҳолларда кредиторнинг кузатув кенгашига ёки муассислари (иштирокчилари) умумий йиғилишига кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисида тугатиш бошқарувчисини реализация қилинмаган мол-мулк ҳақида таклиф олинган кундан эътиборан ўн кун ичида ёзма шаклда хабардор этади. Кредитор томонидан ёзма хабарнинг белгиланган муддатда тақдим этилмаганлиги мол-мулкни қабул қилиш рад этилишига тенглаштирилади.

(143-модда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–300-сонли Қонунига асосан биринчи қисм билан тўлдирилган – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 40-сон, 411-модда)

Тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг кредиторлар талаблари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулки, шунингдек, мажбу-

рий тўловлар ва молиявий санкциялар бўйича қарздорлиги бўлмаган қарздорнинг сотишга таклиф қилинган, лекин тугатишга доир иш юритиш мобайнида реализация қилинмаган мол-мулки тўғрисида кредиторлар мазкур мол-мулкни ўз талабларини қаноатлантириш учун қабул қилишни рад этган тақдирда ва агар қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздорнинг мол-мулки эгаси кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ариза тақдим этган бўлмаса, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини хабардор қилади.

(143-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–300-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 40-сон, 411-модда)

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хабарнома олинган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида мол-мулкни балансга олади ва уни сақлаб туришга доир барча харажатларни қоплайди. Мол-мулкни қабул қилишдан бош тортилган ёки қабул қилишдан бўйин товланган тақдирда тугатиш бошқарувчиси тегишли органни мазкур мол-мулкни қабул қилишга ундаш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли. Хўжалик суди мол-мулк топширилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар асосида тугатишга доир иш юритишни тамомлаш ҳақида ажрим чиқаради.

(143-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–300-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 40-сон, 411-модда)

Устав фондида давлат улуши бўлган корхонанинг сотишга таклиф қилинган, лекин тугатишга доир иш юритиш мобайнида реализация қилинмаган мол-мулки, агар кредиторлар мазкур мол-мулкни ўз талабларини қаноатлантириш учун банкрот юридик шахсни тугатишга доир иш юритишнинг белгиланган муддатида қабул қилишни рад этган бўлса, давлат мулкига ўтади ҳамда тугатиш бошқарувчиси уни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари балансига топширади. Хўжалик суди мол-мулк топширилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар асосида тугатишга доир иш юритишни тамомлаш ҳақида ажрим чиқаради.

Шарҳланаётган модда кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилгач ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тамомлангач, реализация қилинмай қолган қарздорнинг мол-мулки масаласини ҳал қилади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми қарздор мол-мулки сотувга қўйилган, аммо тугатишга доир иш юритиш жараёнида реализация қилинмагандаги тугатиш бошқарувчиси ва кредиторларнинг қиладиган ҳаракатларини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми қарздор мол-мулкни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақдим этиш тартибини белгилайди. Бунда Қонун мол-мулкни икки турга ажратади:

– кредиторлар талаблари қондирилгандан кейин қолган қарздор мол-мулкига;

– мажбурий тўловлар ва молиявий санкциялар бўйича қарздорлиги бўлмаган сотувга қўйилган лекин тугатишга доир иш юритиш жараёнида реализация қилинмаган қарздор мол-мулкига;

Биринчи ҳолатда, мол-мулк қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздорнинг мол-мулки эгасига таклиф этилади ва агар улар мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ариза тақдим этган бўлмаса, унда мол-мулк маҳаллий давлат ҳокимияти органлари балансига берилади..

Иккинчи ҳолатда, мол-мулк кредиторларга кредиторлик қарзларини узиш ҳисобига таклиф этилади ва агар кредиторлар рад этса ёки шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида ўрнатилган муддатда улардан мол-мулкни кредиторлик қарзларини узиш ҳисобига қабул қилиш тўғрисидаги ёзма шаклда розилик келиб тушмаса, у(мол-мулк) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари балансига ўтказилади.

Мол-мулкни топшириш тартиби, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мол-мулкни қабул қилишдан бош тортиш ёки қабул қилишдан бўйин товлаш оқибатлари ва хўжалик судининг тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тўғрисида ажрим қабул қилиш шартлари мажбурий тўловлар ва молиявий санкциялари бўйича қарздорлиги мавжуд қарздорнинг реализация қилинмаган мол-мулкини топширишдаги кабидир.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми устав фондида давлат улуши бўлган қарздорнинг реализация қилишга таклиф қилинган, лекин тугатишга доир иш юритишда сотилмаган мол-мулки тақдирини белгилайди.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– маҳаллий давлат ҳокимияти органларини қарздор мол-мулкини қабул қилишга ундаш тўғрисидаги тугатиш бошқарувчисининг хўжалик судига аризаси (қ а р а н г : 447-бет);

– тугатиш бошқарувчисининг маҳаллий ҳокимият органига мол-мулкни балансга олиш тўғрсидаги хати (қ а р а н г : 594-бет);

– қарздор мол-мулкини балансга қабул қилишга маҳаллий давлат ҳокимиятларини ундаш тўғрисидаги суд ажрими. (қ а р а н г : 818-бет).

144-*модда*. Тугатишга доир иш юритиш таомилини тамомлаш

Тугатишга доир иш юритиш таомилини ўтказиш натижалари тўғрисида тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган ҳисобот кўриб чиқилганидан кейин хўжалик суди тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги ҳақида ажрим чиқаради ва тугатиш бошқарувчиси зиммасига мазкур ажримни юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга ўн кун ичида тақдим этиш мажбуриятини юклайди.

Хўжалик судининг ажрими юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисида ёзув киритилиши учун асос

бўлади. Реестрга тегишли ёзув хўжалик судининг мазкур ажрими тақдим этилган пайтдан эътиборан уч кундан кечиктирмай киритилиши лозим.

Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилган пайтдан бошлаб, тугатиш бошқарувчисининг ваколатлари тугатилган, тугатишга доир иш юритиш тамомланган, қарздор эса тугатилган деб ҳисобланади.

Шарҳланаётган модда тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тартибини белгилайди

Тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган тугатишга доир иш юритиш натижалари тўғрисида ҳисобот хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади ва кўриб чиқиш натижасида тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тўғрисида ажрим чиқаради, унда юридик шахсларни рўйхатга олувчи орган (туман (шаҳар) ҳокимиятлари ёки вилоят адлия бошқармаларига) тақдим этиш мажбуриятини тугатиш бошқарувчисининг зиммасига юклайди.

Тугатиш бошқарувчиси ҳисоботини кўриб чиқиш учун суд мажлисини ўтказишни Қонун назарда тутмайди. Агарда ҳисобот суд мажлисида кўриб чиқилган бўлса, бу процессуал ҳуқуқ нормалари бузилиши ҳисобланмайди.

Ҳисоботни кўришда суд ҳисобот Қонуннинг 142-моддасида назарда тутилган талабларга номувофиқ эканлигини аниқласа, ҳисоботни суд бошқарувчисига камчиликларни тузатиш учун қайтаради ёки қўшимча ҳужжат ёки маълумотларни талаб қилади.

Хўжалик судининг тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тўғрисидаги ажрим юридик шахсларни рўйхатдан ўтказувчи орган ушбу органга ажримни тақдим этилган пайтдан эътиборан уч кун ичида юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздорнинг тугатилганлиги тўғрисида ёзув киритиш учун асос ҳисобланади.

Юридик шахслар ягона давлат реестрига ёзув киритилган пайтидан эътиборан қарздор тугатилган, тугатишга доир иш юритиш тамомланган ва тугатиш бошқарувчиси ваколатлари ҳам тугатилган ҳисобланади.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– тугатиш бошқарувчисининг юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритиш ҳақидаги аризаси (қ а р а н г : 595-бет).

– тугатишга доир иш юритишни тугатиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 821-бет);

VIII БОБ. КЕЛИШУВ БИТИМИ

145-*модда*. Келишув битими тузиш тартиби

Қарздор ва кредиторлар хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида келишув битими тузишга ҳақли.

Келишув битими тузиш тўғрисидаги қарорни кредиторлар номидан кредиторлар йиғилиши қабул қилади. Кредиторлар йиғилишининг келишув битими тузиш тўғрисидаги қарори кредиторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва қарор, башарти қарздорнинг гаров билан таъминланган мол-мулки мажбуриятлари бўйича барча кредиторлар уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади. Кредитор вакилининг келишув битимини тузиш масаласи ҳақида овоз бериш борасидаги ваколатлари унинг ишончномасида алоҳида назарда тутилган бўлиши керак.

Келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор қарздор номидан тегишинча қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки қарздорнинг раҳбари, ташқи бошқарувчи ёки тугатиш бошқарувчиси томонидан қабул қилинади.

Келишув битимида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз зиммасига оладиган учинчи шахсларнинг келишув битимида иштирок этишига йўл қўйилади.

Келишув битими хўжалик суди томонидан тасдиқланиши керак, бу ҳақда ажрим чиқарилиб, унда банкротлик тўғрисида иш юритишни тугатиш кўрсатилади. Агар келишув битими тугатишга доир иш юритиш жараёнида тузилган бўлса, хўжалик суди келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ажрим чиқаради, унда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор ижро этилмаслиги кўрсатилади.

Келишув битими қарздор, кредиторлар, шунингдек, келишув битимида иштирок этаётган учинчи шахслар учун хўжалик суди томонидан тасдиқланган кундан эътиборан кучга киради ва улар учун мажбурий ҳисобланади. Кучга кирган келишув битимини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди.

Келишув битими тузишни ёқлаб овоз берган кредитор, қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси келишув битимини тузишга қарши овоз берган ёхуд овоз беришда қатнашмаган кредиторлар олдида қарздорнинг пул мажбуриятларини ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятини бажаришга ҳақли. Бун-

дай ҳолларда кредитор қарздор учун таклиф қилинган ижрони қабул қилиши шарт, қарздорнинг мажбуриятларини бажарган шахсга кредиторнинг мажбурият бўйича ҳуқуқлари ўтади.

Учинчи шахслар келишув битими бўйича қарздор томонидан пул мажбуриятлари қондирилиши ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбурияти бажарилиши кафиллигини ёки кафолатини беришга, худди шунингдек унинг лозим даражада бажарилишини бошқача тарзда таъминлашга ҳақли. Агар келишув битимининг шарти қарздорнинг мол-мулкини учинчи шахс фойдасига ўтказишдан иборат бўлса, битим мазкур мол-мулк кредиторларининг талаблари фақат учинчи шахс томонидан қаноатлантирилишини таъминловчи гаровга берилган тақдирда тузилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда келишув битимини тузишдаги зарурий шартларни белгилайди.

Келишув битими – тарафларнинг суд низосини ўзаро ён бериш асосида тугатиш тўғрисидаги битимидир. Исталган инстанцияда ишни келишув битими тузиш билан тугатишни назарда тутувчи ХПК нормаси каби (ХПК 40-моддаси учинчи қисми), Қонуннинг шарҳланаётган моддаси келишув битимини банкротлик тўғрисидаги ишнинг ҳар қандай босқичида тузишга йўл қўяди. «Хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг исталган босқичида» деганда, банкротликнинг кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш таомилларини тушунишимиз мумкин. Бинобарин, судга банкротлик тўғрисида ишни қўзғатиш тўғрисида ариза келиб тушган пайтдан кузатув жараёнида кредиторлар реестрини тузишга қадар келишув битими тузилиши мумкин эмас, чунки ишнинг бу босқичида кредиторлар реестри ва тегишлича келишув битими матнини кўриб чиқиши ва уни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим бўлган кредиторларнинг йиғилиши бўлмайди.

Қонун чиқарувчи келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилиши кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколати эканлиги ҳамда келишув битими тузиш учун икки мажбурий шарт мавжудлигини белгилайди:

– қарор кредиторларнинг умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши керак;

– бундай қарор учун қарздорнинг гаров билан таъминланган мол-мулки мажбуриятлари бўйича барча кредиторлар овоз бериши лозим.

Келишув битими тузиш учун даъвогар жавобгар ва учинчи шахс розилиги талаб қилинадиган оддий ишлар хўжалик судида кўрилганда тузиладиган келишув битимидан фарқли ўлароқ, банкротлик тўғрисидаги ишда келишув битимини тузиш учун барча кредиторлар розилиги талаб қилинмайди. Бу ерда ҳамма кредиторларнинг кўпчилик овозини ифода этадиган кредиторлар ҳамда талаблари қарздорнинг гаров мол-мулки билан таъминланган мажбуриятлари бўиича кредиторлар розилиги шунингдек, Қонуннинг 149-моддасида биринчи қисмида белгиланган айрим мажбуриятларига риоя этиш кифоя. Ке-

лишув битимини қарздор ва кредитор ўртасида якка тартибда кредиторлар йиғилишининг қарорисиз тузиш мумкин эмас, яъни банкротлик тўғрисидаги ишларда ХПКнинг 132-моддаси қоидалари (тарафларнинг келишув битими) қўлланилмайди.

Куйидаги ҳолларда қарздор номидан келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилинади:

– ЯТТ томонидан, агар банкротлик тўғрисидаги иш унга нисбатан қўзғатилган бўлса;

– кузатув ва суд санацияси таомилида қарздор юридик шахс раҳбари томонидан. Агар қарздор раҳбари вазифасидан озод этилган бўлса, келишув битимини тузиш тўғрисида қарор қарздор номидан муваққат бошқарувчи ёки санация бошқарувчиси томонидан қабул қилинади;

– ташқи ёки тугатиш бошқарувчиси томонидан (*келишув битими ишнинг қайси босқичида тузилаётганига қараб*).

Келишув битимида иштирок этишга рухсат бериладиган учинчи шахслар сифатида шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ талаблари кредиторлар реестрига киритилган кредитор ва қарздордан ташқари исталган шахс бўлиши мумкин.

Келишув битими, у суд томонидан тасдиқланган пайтдан эътиборан муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирувчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Келишув битимини тасдиқлаш билан бир пайтда, суд ажримда иш бўйича иш юритишни тугатилишини кўрсатади. Бу қоидадан истисно сифатида, келишув битимини тугатишга доир иш юритиш босқичида тузиш ва тасдиқлаш ҳисобланиб, унда суд қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор ижро этилмаслиги кўрсатилади. Келишув битимини тасдиқлаган ҳолда суд ажримининг хулоса қисмида келишув битими тузилган шартларни кўрсатади.

Тасдиқланган пайтдан эътиборан келишув битими қонуний кучга киради ва унда иштирок этувчи шахслар учун мажбурий бўлади. Келишув битимида иштирок этувчи шахслар деганда, қарздор, кредитор ва келишув битими бўйича муайян мажбуриятларни ўзига оладиган учинчи шахсларни тушуниш лозим.

Қонун келишув битими шартларини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўймайди. Акс ҳолда, мазкур Қонунда белгиланган оқибатлар вужудга келади (*Қонуннинг 155-моддаси шарҳига қаранг*).

Қонун чиқарувчи келишув битими тузилиши учун овоз берган кредитор, муассислар (иштирокчилар) ёки қарздорнинг мол-мулки эгаси овоз беришда иштирок этмаган ёки келишув битимига қарши овоз берган кредиторлар олдидаги қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларини бажаришга ҳақли эканлигини белгилайди.

Келишув битимида учинчи шахслар иштирок этса, Қонун келишув битими бўйича қарздор томонидан пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бажарилишининг таъминланишига йўл қўйилади. Истисно тариқасида

қонун чиқарувчи шуни кўзда тутганки, келишув битими бўйича қарздорнинг мол-мулкини учинчи шахс фойдасига ўтказиш фақат мулк учинчи шахсга кредиторларнинг талабларини қондиришни таъминловчи гаров сифатида берилганда йўл қўйилишини назарда тутади.

Ушбу қўлланманинг 4-бўлимида мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган.

– банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ва келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 823-бет);

– тугатишга доир иш юритиш (қ а р а н г : 827-бет).

146-*модда*. Банкротлик таомилларида келишув битимини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари

Кузатув ва суд санацияси чоғида қарздорнинг келишув битимини тузиш тўғрисидаги қарорни унинг раҳбари, мазкур раҳбар вазифасини бажаришдан четлаштирилган тақдирда эса суд бошқарувчиси қабул қилади.

Агар келишув битими қарздор учун қонун ҳужжатларига ёки таъсис ҳужжатларига мувофиқ қарздорнинг бошқарув органлари қарори (маъқуллаши) асосида тузиладиган битим ҳисобланса, қарздор номидан келишув битимини тузиш тўғрисидаги қарор тегишли қарордан (маъқуллашдан) кейин қабул қилиниши мумкин. Ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш таомилларида келишув битимини тузишда бундай қарор (маъқуллаш) талаб қилинмайди.

Қарздорга, суд бошқарувчисига ёки кредиторга нисбатан манфаатдор учинчи шахслар иштирокида келишув битими тузилаётганда келишув битимида унинг манфаатдорлик назарда тутилган битим эканлиги ҳақидаги, бундай манфаатдорлик хусусияти кўрсатилган ахборот бўлиши керак. Келишув битими кредиторларнинг бажарилиш муддати банкротликнинг тегишли таомили жорий этилган санада бошланган талабларига нисбатан татбиқ этилади, банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганидан кейин юзага келган мажбуриятлар бундан мустасно.

Шарҳланаётган модда келишув битимини тузишда риоя этилиши лозим бўлган шартларни белгилайди ва бу шартлар келишув битими тузилаётган банкротлик таомилига боғлиқ.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми кузатув ва суд санацияси босқичларида қарздор номидан келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли субъектларни санаб ўтади. Булар қаторига қарздор раҳбари агар у вазифасини бажаришдан четлаштирилган бўлса қайси банкротлик таомилида келишув битими тузилаётганлигига қараб муваққат ёки суд санацияси бошқарувчиси киради.

Қонун чиқарувчи кузатув ва суд санацияси босқичларида тузиладиган келишув битимларига нисбатан муайян талаблар қўйган. Агар келишув битими

қарздор учун бошқарув органи розилиги билан тузиладиган битимлар сирасига кирса, қарздор раҳбари фақат шундай розиликни олгандан кейингина келишув битимини тузиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Булар қаторига, масалан, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ (89, 91, 93-моддалари) тузилиши учун акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг қарори зарур бўлган йирик битимлар ва битим тузишдан манфаатдор шахслар томонидан тузиладиган битимлар киради.

Қарздорнинг таъсис ҳужжатларида тузиш учун фақат қарздорнинг бошқарув органлари розилиги зарур бўлган бошқа битимлар ҳам кўрсатилган бўлиши мумкин. Бу ерда шунга эътибор бериш керакки, келишув битими ким томонидан тузилаётганлигидан (қарздорнинг раҳбарими ёки у вазифасини бажаришдан четлаштирилган тақдирда эса суд бошқарувчисими) қатъи назар, битимни тузиш учун бошқарув органининг розилигини олиши шарт ҳисобланади.

Қарздорга, суд бошқарувчисига ёки кредиторга нисбатан манфаатдор шахс билан келишув битими тузишга нисбатан Қонунда қўйилган шарт шуки, келишув битимида унинг манфаатдорлик назарда тутилган битим эканлиги ҳақидаги, бундай манфаатдорлик хусусияти кўрсатилган ахборот бўлиши керак. Қонун бу талабга риоя қилмаслик оқибатларини белгиламайди. Қонунда бу талабни бажармаслик оқибатлари кўрсатилмаган. Бироқ банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик, уни 153-моддадада белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

Агар Қонуннинг 145-моддаси олтинчи қисми келишув битимининг унда иштирок этувчи қарздор, кредиторлар ва учинчи шахслар учун мажбурийлигини белгилаган бўлса, шарҳланаётган ушбу модданинг учинчи қисмида ойдинлаштирилганки, келишув битими банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин юзага келган мажбуриятларни истисно этганда, кредиторларнинг бажарилиш муддати банкротликнинг тегишли таомили жорий этилган санада бошланган талабларига татбиқ этилади. Шунга қарамай, ОХС Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарорининг 31-бандига кўра, «Қонунга мувофиқ тузилган келишув битими шартлари фақат келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилган кредиторларнинг йиғилиши ўтказилган санада кредиторларнинг талаблар реестрига киритилган талабларга тааллуқлидир ва ушбу қоида билан келишув битими шартлари тадбиқ этиладиган талаблар доирасини кенгайтиради..

147-*модда*. Келишув битимининг шакли

Келишув битими ёзма шаклда тузилади.

Қарздор номидан келишув битимини тегишинча қарздор якка тартибдаги тадбиркор, қарздорнинг раҳбари ёки суд бошқарувчиси имзолайди. Кредиторлар номидан келишув битимини кредиторлар йиғилиши томонидан ваколат берилган шахснинг ўзи имзолайди.

Агар келишув битимида учинчи шахслар иштирок этаётган бўлса,

улар номидан келишув битимини шу шахсларнинг ўзи ёки уларнинг вакиллари имзолайди.

Мазкур модда келишув битимининг битим сифатидаги шаклига бўлган талабларни ҳамда келишув битимини имзолайдиган шахслар доирасини белгилайди.

148-*модда*. Келишув битимининг мазмуни

Келишув битимида қарздор пул мажбуриятларининг миқдори, уларни бажариш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ва (ёки) воз кечиш ҳақини бериш, мажбуриятларни янгилаш, қарзни кечиш йўли билан ёхуд қарздорнинг пул мажбуриятларини қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга усуллар билан тугатиш тўғрисидаги қоидалар бўлиши керак.

Келишув битимида қуйидаги шартлар кўрсатилиши мумкин:

пул мажбуриятларининг тўлови кечиктирилганлиги ёки бўлиб-бўлиб тўланиши тўғрисидаги шартлар;

қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартлар;

қарздорнинг пул мажбуриятларини учинчи шахслар томонидан бажариш тўғрисидаги шартлар;

қарзлардан сийлов бериш тўғрисидаги шартлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий тўловларни тўлаш муддатлари ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги шартлар;

кредиторларнинг талабларини қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа усуллар билан қондириш тўғрисидаги шартлар.

Келишув битими тузиш тўғрисидаги масала бўйича овоз беришда иштирок этмаган, шунингдек уни тузишга қарши овоз берган кредиторлар учун келишув битимининг шартлари уни тузишни ёқлаб овоз берган, шу навбатнинг ўзидаги кредиторлар учун белгиланган шартлардан ёмон бўлиши мумкин эмас.

Агар келишув битимида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, қарздорнинг ўз зиммасига олган мажбуриятлари бажарилишини таъминловчи мол-мулк гарови сақланиб қолади.

Шарҳланаётган модда келишув битимининг мазмунига бўлган талабларни очиб беради, уларга риоя қилмаслик келишув битимнинг суд томонидан рад этилишига олиб келиши мумкин.

Келишув битими кредиторлар томонидан келишилган ижро этиш тартиби, муддатлари, усулларини ўз ичига олиши керак. Келишув битимида ноаниқ бўлган шартлар мавжуд бўлмаслиги керак. Қонунда белгиланишича, келишув битимида қарздорнинг кредиторлари олдидаги пул мажбуриятларини воз кечиш ҳақини бериш, мажбуриятларни янгиланиш, қарздан воз кечиш ёки қонунчиликда назарда тутилган бошқа усуллар ёрдамида тугатилиши бел-

гиланиши мумкин. Шу билан бирга мажбурий тўловлар юзасидан мажбуриятларни юқорида кўрсатиб ўтилган усуллар ёрдамида тугатилиши мумкин эмаслигини назарда тутиш лозим.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми келишув битимида акс этиши мумкин бўлган шартларни санаб ўтади. Лекин бу рўйхат қатъи бўлмай, келишув битимига кредиторлар талабларини қондиришнинг қонунчиликка зид бўлмаган бошқа усуллари ҳам киритилиши мумкин. Бунда мажбурий тўловлар бўйича сийлов бериш мумкин эмаслигини назарда тутиш лозим.

Қонуннинг 148-моддаси иккинчи қисми бешинчи хатбошисига бинoан келишув битимида мажбурий тўловларни тўлашнинг муддатлари ва тартибини ўзгартириш шартлари кўрсатилиши мумкин. Ушбу ўринда қонун чиқарувчи «Қонунчиликка мувофиқ» деб изоҳ беради. «Қонунчиликка мувофиқ» деганда мажбурий тўловларни тўлаш муддатлари ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги қарор бунга ваколатли бўлган давлат органи томонидан қабул қилиниши тушунилади. Амалдаги қонунчиликка асосан бу орган кечиктирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси ҳисобланади (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 февралдаги «Кечиктирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги» № 61-сонли қарори*). Бундан келиб чиқадики, келишув битими мажбурий тўловлар бўйича кредитор ҳисобланган давлат органи, яъни солиқ органлари томонидан ҳам тузилиши мумкин, лекин бу ҳолатда юқорида кўрсатилган Ҳукумат комиссиясининг тегишли қарори бўлиши лозим. Бунда мажбурий тўловлар бўйича қарздан сийлов бериш ҳамда ҳисобланган жарима санкцияларидан воз кечиш мумкин эмаслигини назарда тутиш лозим, чунки Қонуннинг 148-моддаси иккинчи қисми бешинчи хатбошисида фақатгина мажбурий тўловлар тўлаш муддатлари ва тартибини ўзгартириш мумкинлиги назарда тутилган.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми келишув битимини тузишга овоз беришда иштирок этмаган ёки уни тузишга қарши овоз берган кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи қоидаларни ўз ичига олади. Қонун чиқарувчи келишув битимининг шартлари келишув битимини тузиш учун овоз берган ўша навбатдаги кредиторларга нисбатан ёмонроқ бўлиши мумкин эмаслигини белгилайди. Бу қоидани қўллашда шуни назарда тутиш керакки, бу қоидаларга амал қилмаслик келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

Қонуннинг 145-моддасида белгиланишича, кредиторлар йиғилишининг келишув битимини тузиш тўғрисидаги қарори кредиторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва қарор, башарти қарздорнинг гаров билан таъминланган мол-мулки мажбуриятлари бўйича барча кредиторлар уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади. Қонун чиқарувчи қарздорнинг ўз зиммасига олган мажбуриятларининг бажарили-

шини таъминловчи қарздор мол-мулкини гаровда сақланишини назарда тутиб, келишув битими тузилган ҳолларда гаров олувчиларга кафолатни таъминлайди.

Ушбу қўлланманинг 2-бўлимида мазкур модда шарҳига келишув битими (қ а р а н г : 449-бет).

149-*модда*. Келишув битимини хўжалик суди томонидан тасдиқлаш шартлари

Келишув битими фақат харажатлар қопланганидан ва ушбу Қонун 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган талаблар ҳамда иш ҳақини тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича талаблар қондирилганидан кейин хўжалик суди томонидан тасдиқланиши мумкин.

Қарздор, ташқи бошқарувчи ёки тугатиш бошқарувчиси келишув битими имзоланган пайтдан эътиборан беш кун ичида хўжалик судига келишув битими тузилганлигини тасдиқловчи ариза тақдим этиши керак.

Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилиниши лозим:

– келишув битимининг матни;

– келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилган кредиторлар йиғилишининг баённомаси;

– қарздор кредиторларининг талаблари реестри;

– ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган харажатлар қопланганлигини ва талаблар қондирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

– келишув битими тузиш тўғрисидаги масала бўйича овоз беришда иштирок этмаган ёки келишув битимини тузишга қарши овоз берган кредиторларнинг ёзма эътирозлари;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатлар.

Хўжалик суди келишув битими кўриб чиқиладиган сана ҳақида манфаатдор тарафларни хабардор қилади. Хабардор қилинган шахсларнинг ҳозир бўлмаслиги банкротлик тўғрисидаги ишни кўришга монелик қилмайди.

Мазкур моддада келишув битимини тасдиқлаш учун судга мурожаат қилиш тартибига оид талабларни, келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги аризани суд томонидан қаноатлантиришда амал қилиш керак бўладиган шартларни, келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш муддати ва аризага илова қиланадиган ҳужжатлар рўйхати ҳамда суд манфаатдор шахсларни суд томонидан келишув битимини кўриб чиқиш жойи ва санаси, келмаслик оқибатлари ҳақида хабардор қилиши лозимлиги кўрсатилган.

Ушбу қўлланманинг 2-бўлимида мазкур модда шарҳига келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ариза намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 451-бет).

150-*модда*. Келишув битимини хўжалик суди томонидан тасдиқлаш оқибатлари

Кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш жараёнида хўжалик суди томонидан келишув битимининг тасдиқланиши банкротлик тўғрисидаги иш юритишнинг тугатилишига асос бўлади.

Келишув битими хўжалик суди томонидан тасдиқланган пайтдан эътиборан суд бошқарувчиларининг ваколатлари тугатилади. Қарздор юридик шахснинг ташқи бошқарувчиси ва тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг раҳбари тайинлангунга (сайлангунга) қадар ўз ваколатларини бажаришни давом эттириб туради.

Келишув битими тасдиқланган пайтдан эътиборан тегишинча қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки қарздорнинг раҳбари, ташқи бошқарувчи ёхуд тугатиш бошқарувчиси ёки учинчи шахс кредиторлар олдидаги қарзни узишга киришади.

Шарҳланаётган модда келишув битими тасдиқлангандан сўнг юзага келадиган оқибатларни очиб беради.

Суд томонидан келишув битимини кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув каби банкротлик таомилларида тасдиқланиши банкротлик тўғрисидаги ишни тугатиш учун асос бўлади. Агар келишув битими тугатишга доир иш юритиш жараёнида тузилган бўлса, келишув битими тузилган вақтдан эътиборан суднинг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш тўғрисидаги қарорини ижро қилишга йўл қўйилмайди, бу ҳақда суд келишув битими тўғрисидаги ажримнинг хулоса қисмида кўрсатади. Шу вақтдан эътиборан банкротлик тўғрисидаги ишда келишув битимини тасдиқлаган хўжалик судининг ажрими устидан шикоят беришдан бошқа одатдаги процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши мумкин эмас. ОХС Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарорининг 21 ва 22-бандларига асосан суднинг келишув битими тўғрисидаги ажримлар устидан ХПКда белгиланган қоидаларга мувофиқ шикоят қилинади.

Хўжалик судлари томонидан келишув битими тасдиқланган вақтдан эътиборан муваққат бошқарувчи, санация қилувчи бошқарувчи, ташқи бошқарувчи ва тугатиш бошқарувчиларининг ваколатлари тугатилади. Агар келишув битими тарафлар томонидан ташқи бошқарув ёки тугатишга доир иш юритиш босқичларида тузилган бўлса, қарздор юридик шахснинг ташқи бошқарувчиси ёки тугатиш бошқарувчиси вазифасини бажарган шахс қарздорнинг раҳбари тайинлангунга (сайлангунга) қадар қарздорнинг раҳбари вазифаларини бажаради. Бу қарздор ташкилот фаолиятида бошбошдоқлик ҳолатини олдини олиш мақсадида амалга оширилади. Келишув битими кузатув ёки суд санацияси босқичида тузилган, қарздорнинг раҳбари эса четлаштирилиб, унинг вазифаларини муваққат бошқарувчи ёки санация қилувчи

бошқарувчи бажараётган ҳолатда ҳам мазкур масалага ўхшаш тарзда ҳал этилиши лозим.

Келишув битими тасдиқлангандан сўнг қарздор ЯТТ ёки қарздорнинг раҳбари, ташқи бошқарувчи ёки тугатиш бошқарувчиси ёхуд учинчи шахс кредиторлар олдидаги қарзларни қаноатлантиришга киришадилар.

151-*модда*. Келишув битимини тасдиқлашнинг хўжалик суди томонидан рад этилиши

Ушбу Қонуннинг 149-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган харажатларни қоплаш ва талабларни қондиришга доир мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда хўжалик суди келишув битимини тасдиқлашни рад этади.

Хўжалик суди қуйидаги ҳолларда ҳам келишув битимини тасдиқлашни рад этади:

– келишув битимини тузишнинг ушбу Қонунда белгиланган тартиби бузилганда;

– келишув битимининг шаклига риоя этилмаганда;

– учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бузилганда;

– келишув битимининг шартлари қонун ҳужжатларига зид бўлганда.

Хўжалик суди келишув битимини тасдиқлаш рад этилганлиги тўғрисида ажрим чиқаради, ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Мазкур моддада келишув битимини тасдиқлашни суд томонидан рад этишнинг асослари берилган.

Хўжалик суди келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради ва ушбу ажрим устидан Қонунниг 60-моддасида назарда тутилган тартибда ва муддатларда шикоят қилиниши мумкин. Унга кўра ажрим чиқарилган кундан бошлаб, ўн кунлик муддат ичида аппеляция тартибида шикоят берилиши мумкин, шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича аппеляция инстанцияси суди ўн кунлик муддат ичида якуний қарор чиқаради.

Ушбу қўлланманинг 4-бўлимида мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– қонуннинг 149-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган харажатларни қоплаш ва талабларни қондиришга доир мажбуриятлар бажарилмаганлиги сабабли келишув битимини тасдиқлашни рад қилиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 830-бет);

– «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда белгиланган келишув битимини тузиш тартибини бузганлик учун келишув битимини тасдиқлашни рад қилиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 834-бет);

– келишув битимининг шаклига риоя этилмаганлиги сабабли келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 837-бет);

– учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги сабабли келишув битимини тасдиқлашни рад қилиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 840-бет);

– келишув битимининг шартлари қонун ҳужжатларига зид бўлганлиги сабабли келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 843-бет).

152-*модда*. Келишув битимини тасдиқлашнинг рад этилиши оқибатлари

Хўжалик суди томонидан келишув битимини тасдиқлашнинг рад этилиши тўғрисида ажрим чиқарилган тақдирда битим тузилмаган деб ҳисобланади.

Хўжалик суди томонидан келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилиши янги келишув битими тузишга монелик қилмайди.

Шарҳланаётган моддада қонун чиқарувчи суд томонидан келишув битимини тасдиқлаш рад этилган ҳолатда юзага келадиган оқибатларни белгилайди.

Суд томонидан келишув битимини тасдиқлашни рад этилишининг моддий-ҳуқуқий оқибатлари шундан иборат бўладики, келишув битимини тузиш натижасида тарафлар кўзлаган оқибатлар рўй бермайди. Бу ҳолатда қарздор билан кредитор ўртасида келишув битимини тузишгача бўлган муносабатлари сақланади.

Суд томонидан келишув битимини тасдиқлашни рад этилишининг процессуал оқибатлари шундан иборатки, банкротлик тўғрисидаги иш давом этади. Бу ҳолда тарафларнинг келишув битимини тузишга қилган ҳаракатлари процессуал нуқтаи назардан банкротлик тўғрисидаги ишнинг боришига ҳеч қандай таъсир қилмайди – иш тарафлар (манфаатдор шахслар) томонидан келишув битимини тузишга қилинган ҳаракат пайтида қайси босқичда бўлса, шу босқичдан давом этади.

Қонунда кўзда тутилишича, хўжалик суди томонидан келишув битими тасдиқлашнинг рад этилиши тарафларни суд томонидан келишув битимини тасдиқлашда рад этилган камчиликларни инобатга олган ҳолда кейинчалик яна келишув битимини тузишга бўлган ҳуқуқларини чекламайди.

153-*модда*. Келишув битимининг ҳақиқий эмаслиги

Қарздор, кредитор, прокурор, шунингдек, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган шахсларнинг аризасига биноан келишув битими қуйидаги ҳолларда хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин:

– келишув битими айрим кредиторлар учун афзаллик берилишини ёки айрим кредиторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишини назарда тутувчи шартларга эга бўлса;

– битимларни ҳақиқий эмас деб топиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўлса.

Шарҳланаётган модда келишув битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида мурожаат қилиш ҳуқуқига эга шахслар доирасини, шунингдек, келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш учун асосларни санаб ўтади.

Шарҳланаётган модданинг мазкур нормасини қўллашда, келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаблар билан судга келишув битими унинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузяпти деб ҳисоблаган ҳар қандай шахс мурожаат қилиши мумкинлигидан келиб чиқиш керак, чунки ХПКга асосан судга ҳар қандай шахс ўзининг бузилган ва низолашилаётган ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб ХПКда белгиланган тартибда мурожаат қилиши мумкин. ФПКда ҳам шунга ўхшаш норма мустаҳкамлаб қўйилган.

Хўжалик суди қайси ҳолатларда келишув битимини тасдиқлашни рад этишини ва қайси ҳолатлар келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисдаги талаб билан мурожаат қилиш мумкин эканлигини фарқлаш лозим.

Қонуннинг 151-моддасига асосан келишув битимини тасдиқлашни суд томонидан рад этилиши учун асос сифатида келишув битимини расмийлаштиришда ва тузишда банкротлик тўғрисидаги қонун талабларига риоя қилмаслик, шунингдек, унинг шартлари қонунчиликка зид келиши, яъни, келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўладиган ҳолат бўлиши ҳисобланади (*Қонуннинг 151-моддаси шарҳига қаранг*). Келишув битимини тасдиқлашни рад этиш учун кредитор ёки учинчи шахсларнинг эътирозлари шарт эмас: суд суд мажлисида илтимоснома билан берилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, келишув битимини тасдиқлаш ёки уни тасдиқлашни рад этиш тўғрисида қарор қилади.

Шарҳланаётган модда келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш учун мажбурий асос сифатида манфаатдор тарафнинг ёзма мурожаатини, шунингдек, Қонуннинг 153-моддаси иккинчи ва учинчи хатбошиларида санаб ўтилган асосларни ҳисоблайди. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмини амалиётда қўллашда низолар йўқ. Лекин модданинг учинчи қисмини қўллашда низолар келиб чиқиши мумкин, чунки мазкур норма ҳаволаки тусда. Қонун чиқарувчи, «битимни ҳақиқий эмас деб топиш асосларида» фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган асосларни назарда тутган, қайсики суд битимни, яъни низолашаётган битимни ҳақиқий эмас деб топади. Савол туғилиши мумкин: келишув битимида уни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос мавжуд бўлса-ю, суд уни тасдиқлаган бўлса, нима бўлади? Бу ҳолда манфаатдор шахс келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги суд ажрими устидан банкротлик тўғрисидаги иш доирасида шикоят бериши мумкин. Келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш ХПК ва (ёки) ФПКда кўрсатилган даъво тартибида иш юритиш қоидалари асосида банкротлик иш

доирасидан ташқарисида амалга оширилади. Буни шарҳланаётган модда мазмунидан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкин. Шунингдек, келишув битими суднинг ажрими билан эмас, балки суднинг қарори билангина ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Қонунда келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабларни тақдим этиш муддатларини белгилайдиган нормалари мавжуд эмас. Шундай экан, келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб хоҳлаган вақтда берилиши мумкин. Лекин, агар келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб фуқаролик қонунчилиги томонидан ўрнатилган даъво муддати ўтганидан сўнг берилган бўлса ва даъво аризасини кўриб чиқиш пайтида даъво муддатининг ўтиб кетганлиги оқибатларини татбиқ этиш ҳақида талабнома берилган бўлса, бу ҳолат аризани рад этиш учун асос бўлади.

154-*модда*. Келишув битимини ҳақиқий эмас деб топишнинг оқибатлари

Келишув битимининг ҳақиқий эмас деб топилиши банкротлик тўғрисидаги иш юритишни қайта тиклаш учун асос бўлади. Хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида ажрим чиқаради, ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Келишув битими ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда кредиторларнинг уларга тўланиши лозим бўлган, лекин кечиктирилиши ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўланишига йўл қўйилган талаблари ёки қарзлардан сийлов берилган талаблари бу талабларнинг қондирилмаган қисми бўйича тикланади.

Келишув битимининг ҳақиқий эмас деб топилиши ушбу Қонун 149-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда қопланган харажатлар ва қондирилган талабларни қарздорга қайтариш мажбуриятини келтириб чиқармайди.

Битимларни ҳақиқий эмас деб топишнинг ушбу модда билан тартибга солинмаган қисмида битимларни ҳақиқий эмас деб топишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган оқибатлари келиб чиқади.

Келишув битими ҳақиқий эмас деб топилганда қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритишни қайта тиклаш ҳақидаги хабар хўжалик суди томонидан расмий нашрда қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ушбу Қонуннинг 52 ва 53-моддаларида назарда тутилган тартибда эълон қилинади.

Кредиторларнинг келишув битими шартлари асосида ҳисоб-китоб қилиб бўлинган талаблари, агар ушбу Қонунга зид келмаса, қаноатлантирилган деб ҳисобланади. Агар кредиторларнинг талаблари кели-

шув битимининг муайян кредиторлар устунлигини ёки бошқа кредиторлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишини назарда тутувчи шартларига мувофиқ қондирилган бўлса, бундай кредиторлар келишув битимини бажариш тартибида олган барча нарсаларини қайтаришлари шарт. Бунда мазкур талаблар кредиторларнинг талаблари реестрида тиклаб қўйилади.

Шарҳланаётган модда келишув битими ҳақиқий эмас деб топилган ҳолатда юзага келадиган оқибатларни белгилайди.

Келишув битими ҳақиқий эмас деб топилган ҳолатда шарҳланаётган моддада белгиланган оқибатлар юзага келади, хусусан, хўжалик суди ажрими бўйича банкротлик тўғрисида иш қайта тикланади. Қонун чиқарувчи келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим «тақдирини» тартибга солмайди, бизнингча, суд ишни тиклаш ҳақидаги ажримда янги очилган ҳолатлар бўйича қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқишни тартибга солувчи процессуал ҳуқуқ нормаси билан ўхшашлик бўйича уни бекор қилишни кўрсатиши керак (*ХПКнинг 204–208-моддалари*).

Қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги ишнинг тикланишида келишув битими тузилган пайтдаги таомил жорий килинади. Суд томонидан аввалги тайинланган суд бошқарувчиси ўз вазифаларини бажаришга киришади. Агар мазкур суд бошқарувчиси ўз функцияларини амалга оширолмаса, суд томонидан кредиторлар йиғилиши ёки банкротлик тўғрисидаги иш бўйича давлат органи томонидан тақдим этилган номзодлар орасидан бошқа суд бошқарувчиси тайинланади. Агар келишув битими кузатув ёки суд санацияси даврида тузилган бўлса, қарздорнинг раҳбари ўз лавозимига тикланади.

Келишув битимини суд томонидан ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ажрим дарҳол ижро этилади ва Қонуннинг 60-моддасига асосан шикоят келтирилиши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида келишув битими ҳақиқий эмас деб топилганда, келишув битими шартларига мувофиқ тўланиши лозим бўлган, кечиктирилиши ёки бўлиб-бўлиб тўланишига йўл қўйилган талаблар ёки қарзлардан сийлов берилган талаблар бўйича кредиторлар учун юзага келадиган оқибатлар ёритиб берилган. Қонун чиқарувчининг белгилашича, бу кредиторлар талабларининг қаноатлантирилмаган қисми тикланади, лекин мазкур қисмда кредиторлар томонидан қарзлардан сийлов бериш сифатида воз кечилган талаблар борасида аниқ тушунтиришлар мавжуд эмас. Бу ҳолатда, фуқаролик қонунчилигида назарда тутилганидек, битимни ҳақиқий эмас деб топишнинг умумий қоидаларига амал қилиш тўғри бўлади (*ФК 114-моддаси*). Бу қоидадан мустасно ҳолатлар шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида келтирилган.

Келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш, ҳар қандай битим каби тарафларни олдинги ҳолатига қайтишларига олиб келади. Лекин шарҳланаётган

модданинг учинчи қисмига кўра, бу қоида Қонуннинг 149-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳаражатлар қопланганда ва талаблар қаноатлантирилганда қўлланилмайди.

Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида белгиланишича, ушбу модда билан тартибга солинмаган қисмида фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари тадбиқ этилади. ФКнинг 114-моддасига асосан битим ҳақиқий эмас деб топилганда тарафлардан ҳар бири бошқа тарафга битим бўйича олган барча нарсаларни қайтариши шарт. Лекин шарҳланаётган модданинг иккинчи, учинчи ва олтинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда асосан бошланғич ҳолатга қайтиш мумкин эмас.

Келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш ва банкротлик иши бўйича иш юритиш тикланганлиги тўғрисида, харажатларни қарздорга юкланган ҳолда, хўжалик судининг расмий нашрида хабар берилади. Эълон қилинадиган хабарнинг мазмунига ва маълумотга қўйилган талаблар Қонуннинг 52, 53-моддаларида келтирилган.

Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисмида белгиланишича, келишув битимини ҳақиқий эмас деб топишгача келишув битими шартлари бўйича амалга оширилган ҳисоб-китоблар кредиторлар томонидан қайтариладиган ва қайтарилмайдиган ҳолатларни назарда тутади. Шарҳланаётган модданинг мазкур қисмидан англашимизча, кредиторларнинг келишув битими шартлари бўйича қаноатлантирилган талаблари келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлмаган бўлса, ишни аввалги ҳолатга келтириш қоидаси қўлланилмайди. Агар Қонуннинг 153-моддасига асосан ушбу ҳолатлар келишув битимини ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлган бўлса, иш юритиш дастлабки ҳолатга қайтарилади.

Қонун чиқарувчи келишув битими бўйича қабул қилинган нарсаларни қайтариш мажбуриятини бажармасликнинг оқибатларини назарда тутмаган. Шундай экан, бундай ҳолатларда суд бошқарувчиси фуқаролик қонунчилиги томонидан ўрнатилган тартибда судга даъво қилиш йўли билан кредитордан келишув битими бўйича унга берилган нарсаларни қайтариш чораларини кўради.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– суд бошқарувчисининг келишув битимининг шартларига мувофиқ талаблари қондирилган кредиторларга, улар томонидан олинган воситаларни келишув битимини бажариш тартибида қайтариш тўғрисидаги хати (қ а р а н г : 596-бет).

– келишув битимининг ҳақиқий эмас деб топилиши муносабати билан банкротлик тўғрисидаги иш юритишни қайта тиклаш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 846-бет);

155-*модда*. Келишув битимини бажармаслик оқибатлари

Келишув битими қарздор томонидан бажарилмаган тақдирда кредиторлар келишув битимида назарда тутилган ҳажмда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талаблар тақдим этишга ҳақли.

Банкротлик тўғрисида янги иш қўзғатилган тақдирда келишув битими қайси кредиторларга нисбатан тузилган бўлса, шу кредиторлар талабларининг ҳажми келишув битимида назарда тутилган шартлар асосида аниқланади.

Мазкур модда келишув битимининг шартлари қарздор томонидан бажарилмаган ҳолатда қарздор, кредиторлар ва учинчи шахслар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий муносабатларини тартибга солади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми кредиторлар қарздор томонидан келишув битимининг шартлари бажарилмаганда унга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини назарда тутади ва бунда уларнинг талаблари келишув битими билан белгиланган ҳажмда чекланади.

Бу ҳақда ОХС Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарорининг 32-бандида ўз аксини топган бўлиб, унга кўра «Қарздор томонидан келишув битимининг шартлари бажарилмаган ҳолда кредиторлар даъво аризаси билан умумий юрисдикция ёки хўжалик судларига мурожаат қилишлари мумкин».

Бу ҳолда даъво талабининг миқдори келишув битимининг шартларидан келиб чиқади ва низо бу талабнинг судга мурожаат қилинган пайтдаги аниқ миқдори борасида бўлиши мумкин. Агар келишув битими шартлари бўйича уни лозим даражада бажармаганлик учун санкция белгиланган бўлса, кредиторлар қарздордан санкцияларни тўлашни ҳам талаб қилишлари мумкин. Келишув битимида санкциялар белгиланмаганлиги кредиторлар қонунчиликка асосан судга санкцияларни ундиришни сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмаслар дегани эмас, чунки банкротлик даврида тузилган келишув битими битим сифатида баҳоланади. (*Хусусан, ФПК 327-моддасига бўйича фоизлар, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидги» Қонунда белгиланган санкциялар*).

Дастлабки банкротлик тўғрисидаги иш юзасидан келишув битими тузган кредиторлар талаблари янги банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатилганда келишув битими шартларида белгиланган шартлар асосида кўриб чиқилади.

IX БОБ. ҚАРЗДОР ЮРИДИК ШАХСЛАР АЙРИМ ТОИФАЛАРИ БАНКРОТЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона банкротлиги

156-*модда*. Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари

Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона банкротлиги тўғрисидаги иш, агар қарздор кредиторларнинг пул мажбуриятлари бўйича талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаса, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича тегишли мажбурият мазкур мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар бўйича мазкур мажбурият бошланган кундан эътиборан олти ой ичида бажарилмаган бўлса, башарти қарздорга нисбатан билдирилаётган талаблар энг кам иш ҳақининг камида беш минг карраси миқдорини ташкил этса, хўжалик суди томонидан қўзғатилиши мумкин.

Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона банкротлиги тўғрисидаги иш кўрилаётганда тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи ва (ёки) тегишли вазирлик, давлат қўмитаси, идора, хўжалик бошқаруви органи ишда иштирок этувчи шахс сифатида эътироф этилади.

Корхоналарни шаҳарни ташкил этувчи корхоналар ҳамда уларга тенглаштирилган корхоналар жумласига киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Шарҳланаётган модда шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхона – қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишини кўришнинг ўзига хос процессуал хусусиятларини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхонанинг хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилишига асос бўлиши мумкин бўлган банкротлик аломотлари кўрсатилган. Бу аломатлар сифатида шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхонанинг олти ойлик муддатда энг кам ойлик иш ҳақининг беш минг бараваридан кўп бўлган миқдорда пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича қарзлари мавжуд бўлишини кўрсатиш мум-

кин. Мазкур норма Қонуннинг 4 ва 5-моддаларида назарда тутилган умумий қоидага истисно ҳисобланади.

Қонуннинг 3-моддасига асосан шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхона ходимлари уларнинг оила аъзоларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда тегишли аҳоли пункти аҳолисининг камида ярмини ташкил этувчи ёки ходимларининг сони камида уч минг киши бўлган, ёхуд давлатнинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги сақлаб турилишини таъминловчи, ёхуд табиий монополиялар субъекти бўлган юридик шахс киради.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонунининг 3 ва 4-моддаларига асосан табиий монополиялар субъектларига қуйидагиларни амалга оширувчи юридик шахслар киритилади:

– нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувур орқали транспортировка қилувчи;

– электр ва иссиқлиқ энергиясини ишлаб чиқарувчи ва транспортировка қилувчи;

– темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланувчи;

– умумий эркин фойдаланиладиган почта алоқаси хизматидан фойдаланувчи;

– сув қувурлари ва канализация хизматидан фойдаланувчи;

– аэронавигациялар, портлар ва аэропортлар хизматидан фойдаланувчи

– транспорт терминаллари хизматлари.

Қуйидагилар табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солувчи давлат органлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазарлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ваколатли орган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 февралдаги ПФ–4191-сон Фармонига мувофиқ табиий монополия субъектларининг фаолияти устидан назоратни Монополиядан чиқарш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси амалга оширади.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига асосан шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхонанинг банкротлиги тўғрисидаги иш хўжалик судлари томонидан жойларда тегишли давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек, тегишли юқори турувчи орган (вазирлик, давлат қўмитаси, хўжалик бошқаруви органи)нинг иштирокида кўрилади.

Шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхонани банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилаётганида, хўжалик суди ишда иштирок этишга юқоридаги органларни жалб қилади.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида белгиланишича, корхоналарни шаҳарни ташкил этувчи ёки унга тенглаштирилган корхоналар ҳисобига

киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

ОХС Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарорининг 34-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан корхонани шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхоналар ҳисобига киритиш тартиби аниқлангунга қадар, қарздор шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхона эканлигини тасдиқлаш учун қуйидаги ҳужжатлардан бири мавжуд бўлиши асос ҳисобланади:

– Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ёки унинг ҳудудий органи томонидан берилган корхона ходимларининг йиллик ўртача сони уч минг кишидан кам бўлмаганлигини тасдиқловчи маълумотномалари;

– Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ёки унинг ҳудудий органи томонидан берилган корхона ходимларининг оила аъзолари билан биргаликдаги сони тегишли аҳоли пунктининг ярмидан кам бўлмаган қисмини ташкил этишини тасдиқловчи маълумотномаси;

– Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг корхона давлатнинг мудофаа ва хавфсизлик қобилиятини мустаҳкамлашни таъминлаётганини тасдиқловчи хулосаси;

– Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органининг юридик шахс унинг асосий фаолияти тури бўйича табиий монополия субъектлари давлат реестрида эканлигини тасдиқловчи хулосаси.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхонани банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза (қ а р а н г : 452-бет);

– шаҳарни ташкил этувчи корхонага нисбатан банкротлик ишини қўзғатиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 848-бет).

157-*модда*. Шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқаруви

Шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқаруви хўжалик суди томонидан кредиторлар йиғилишининг қарори асосида, бундай қарор бўлмаса, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ёки вазирлик, давлат қўмитаси, идоранинг ва хўжалик бошқаруви органининг илтимосномасига биноан, улар қарздорнинг мажбуриятлари юзасидан таъминот берган тақдирда, жорий этилиши мумкин.

Ташқи бошқарув режаси шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона томонидан мазкур режани кредиторлар йиғилишига тақдим этишдан олдин маҳаллий давлат ҳокимияти органи билан, давлат мудофаа буюртмасини амалга оширувчи корхоналар бўйича эса вазирлик, давлат қўмитаси, идора ва хўжалик бошқаруви органи билан келишиб олинган бўлиши керак.

Тегишинча маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ҳамда вазирлик, давлат қўмитаси, идоранинг, хўжалик бошқаруви органининг илтимосномасига биноан улар томонидан қарздорнинг мажбуриятларни бажариши таъминоти таъминланган тақдирда, шу жумладан давлат кафолатларини бериш йўли билан таъминланганда, хўжалик суди қарздорнинг суд санациясига ўтиши тўғрисида, агар илгари бундай таомил қарздорга нисбатан қўлланилган бўлмаса, қарор қабул қилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган корхонага нисбатан ташқи бошқарувни жорий этишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Умумий қоида бўйича ташқи бошқарув Қонуннинг 91-моддасига асосан кредиторлар йиғилиши қарорига асосан 12 ойдан 24 ойгача жорий этилади.

Шаҳарни ташкил этувчи ёки унга тенглаштирилган корхонага нисбатан ташқи бошқарув жорий этилишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, кредиторлар йиғилишининг хўжалик судига ташқи бошқарувни жорий қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлмаса ҳам хўжалик суди ташқи бошқарувни маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ёки вазирлик, давлат қўмитаси, идора ва хўжалик бошқаруви органининг илтимосномасига биноан, улар қарздорнинг мажбуриятлари юзасидан таъминот берган тақдирда, жорий этиши мумкин.

Шаҳарни ташкил қилувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар мажбуриятлари кафиллик, кафолат ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа чоралар орқали таъминланади.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми ташқи бошқарув режасини маҳаллий давлат ҳокимияти органи билан, давлат мудофаа буюртмасини амалга оширувчи корхоналар бўйича эса вазирлик, давлат қўмитаси, идора ва хўжалик бошқаруви органи билан келишиб олиш шартлигини белгилайди. Ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиш ва юқоридаги органлар билан келишиш мажбурияти ташқи бошқарувчига юклатилади. Бунда мазкур органлар ташқи бошқарув режасига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишга ҳақли.

Шаҳар ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқаруви жараёни суд санациясига ўтиши мумкин. Суд санациясига ўтишнинг шартларидан бири бу маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ҳамда вазирлик, давлат қўмитаси, идоранинг, хўжалик бошқаруви органининг қарздор мажбуриятларини бажарилишини таъминлаши ҳисобланади.

Суд санацияси жорий этилаётган пайтда тегишинча, Қонуннинг V боби нормаларига амал қилиш лозим.

Агарда қарздорга нисбатан аввал суд санацияси қўлланилган бўлса, хўжалик суди шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхонани суд санациясига ўтказиш тўғрисидаги аризани рад этади.

Умумий қоида бўйича, Қонуннинг 78-моддасига асосан шаҳарни ташкил

этувчи ёки унга тенглаштирилган корхонанинг суд санацияси кўпи билан йигирма тўрт ойлик муддатга жорий этилади, бу муддат мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар кредиторларнинг талабларини қондириши учун хўжалик суди томонидан кўпи билан олти ойга узайтирилиши мумкин. Бу ҳолда суд санацияси ва ташқи бошқарувни умумий муддатига тегишли бўлган Қонуннинг 91-моддаси нормалари тадбиқ этилмайди.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхонага нисбатан ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органининг илтимосномаси (қ а р а н г : 454-бет);

– хўжалик бошқарув органи (маҳаллий давлат ҳокимияти органи)нинг қарздорни суд санациясига ўтказиш тўғрисидаги илтимосномаси (қ а р а н г : 455-бет);

– маҳаллий давлат ҳокимияти органи илтимосномасига кўра шаҳарни ташкил этувчи корхонага нисбатан ташқи бошқарув жорий қилиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 850-бет);

– қарздорнинг суд санациясига ўтиши тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 853-бет).

158-*модда*. Ташқи бошқарув муддатини узайтириш

Шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқаруви маҳаллий давлат ҳокимияти органининг илтимосномаси бўлган тақдирда хўжалик суди томонидан узоғи билан бир йил муҳлатга узайтирилиши мумкин.

Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона фаолиятига инвестиция киритиш, ходимларни ишга жойлаштириш, янги иш жойларини яратиш йўли билан ҳамда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг бошқа усуллари билан корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш режаси ташқи бошқарувни ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатдан кўпроқ муҳлатга узайтириш учун асос бўлади.

Тегишинча маҳаллий давлат ҳокимияти органининг, вазирлик, давлат қўмитаси, идоранинг ҳамда хўжалик бошқаруви органининг илтимосномасига биноан қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан кафиллик бериш шарти билан шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқарув муддати беш йилгача узайтирилиши мумкин. Бундай ҳолларда қарздор ва унинг кафили кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга ушбу моддада назарда тутилган муддатлардан кечикмай киришиши шарт.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган талабларга риоя қилинмаслиги қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш учун асос бўлади.

Шарҳланаётган модда шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқаруви муддатини узайтиришнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Дастлаб тақдим этилган ташқи бошқарув муддати тугаганидан сўнг маҳаллий давлат ҳокимияти органи шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхонани келажакда молиявий соғломлаштириш мақсадида хўжалик судига ташқи бошқарув муддатини бир йилдан кўп бўлмаган муддатга узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунга кўра, шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхона ташқи бошқарувининг умумий муддати ўттиз олти ойдан ошмаслиги керак, бу Қонуннинг 91-моддасида ўрнатилган умумий қоидадан истисно ҳисобланади.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқаруви муддатини узайтиришнинг ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган умумий қоидасидан мустасно ҳолатларни белгилайди. Жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг, вазирлик, давлат қўмитаси, идоранинг ҳамда хўжалик бошқаруви органининг илтимосномасига биноан қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан кафиллик бериш шарти билан шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқарув муддати беш йилгача узайтирилиши мумкин. Шу муносабат билан, шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхона ташқи бошқарувининг умумий муддати узайтирилган муддат билан бирга қўшиб ҳисоблаганида беш йилдан ошмаслиги керак.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қарздор ва унинг кафолат берувчиси томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органининг, вазирлик, давлат қўмитаси, идоранинг ҳамда хўжалик бошқаруви органининг илтимосномасига асосан хўжалик суди томонидан узайтирилган муддатда бошланиши керак.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисм талабларига риоя қилмаслик, яъни, агар қарздор ва унинг кафолат берувчиси хўжалик суди томонидан жорий этилган ташқи бошқарувни узайтириш вақтида кредитор билан ҳисоб-китобларни амалга оширишга киришмаган бўлса, маҳаллий давлат ҳокимияти органи, вазирлик, давлат қўмитаси, идора ва хўжалик бошқарув органининг илтимосномасига асосан хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилишга ҳақли бўлади.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқарувини узайтириш ҳақидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органининг илтимосномаси (қ а р а н г : 457-бет);

– маҳаллий давлат ҳокимияти органининг илтимосномасига кўра шаҳарни ташкил этувчи корхонага нисбатан жорий қилинган ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 856-бет).

159-*модда*. Шаҳарни ташкил этувчи қарздор корхонани ҳамда унга тенглаштирилган қарздор корхонани сотиш шартлари

Шаҳарни ташкил этувчи қарздор корхона ҳамда унга тенглаштирилган қарздор корхона ташқи бошқарув чоғида кредиторларнинг талабларини қондириш мақсадида мулкий мажмуа сифатида сотилиши мумкин. Шаҳарни ташкил этувчи корхонани ҳамда унга тенглаштирилган корхонани сотиш танлов ёки аукцион ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Шаҳарни ташкил этувчи корхонани танловда сотишнинг мажбурий шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

– шаҳарни ташкил этувчи корхона сотилаётган пайтда унда ишлаб турган ходимларнинг камида етмиш фоизи учун иш жойларини сақлаб қолиш;

– шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг фаолият соҳаси ўзгартирилган тақдирда мазкур ходимларни қайта ўқитиш ёки ишга жойлаштириш борасида харидорнинг мажбуриятлари.

Давлатнинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги сақлаб турилишини таъминловчи корхонани танловда сотишнинг мажбурий шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

– давлатнинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги сақлаб турилишини таъминловчи корхона мулкий мажмуасининг ҳамда сафарбарлик мақсадидаги мол-мулкнинг белгиланган мақсади сақлаб қолинишини таъминлаш;

– қарздорнинг давлат мудофаасига оид буюртмалар, давлатнинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги соҳасидаги эҳтиёжларини таъминлашга доир ишларни амалга ошириш билан боғлиқ шартномаларни бажариш.

Табиий монополияларнинг субъекти бўлган корхонани танловда сотишнинг мажбурий шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

– табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тартибга солиш предмети бўлган товарлар етказиб бериш шартномалари бўйича қарздорнинг мажбуриятларини сотиб олувчи ўз зиммасига олишга розилиги, ишлаб чиқарилаётган ва (ёки) реализация қилинаётган товарлардан (ишлардан, хизматлардан) истеъмолчиларнинг эркин фойдалана олиши таъминланганлиги;

– агар қарздорнинг фаолияти лицензияланиши лозим бўлса, тегишли фаолият турини амалга ошириш учун харидорда лицензия бўлиши.

Танловнинг мазкур модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилмаган шартлари фақат кредиторлар йиғилишининг розилиги билан ушбу Қонуннинг 13-моддасида назарда тутилган тартибда белгиланиши мумкин.

Агар шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона

Агар давлат мудофаасига оид буюртмани бажарувчи корхонанинг мол-мулки таркибида муомала қобилияти чекланган мол-мулк бўлса, бундай корхонани сотиш ёпиқ кимошди савдосида танлов шаклида амалга оширилади, бундай савдода қонунга мувофиқ фақат мазкур мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эга бўла оладиган шахслар иштирокчи бўлиши мумкин.

Давлат мудофаасига оид буюртмани бажарувчи сотилаётган корхонанинг муомаладан чиқарилган мол-мулки мол-мулкнинг эгасига у шундай мол-мулк мавжудлиги ҳақида ташқи бошқарувчи томонидан хабардор қилинган пайтдан эътиборан уч ойдан кечиктирмай топширилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари кимошди савдоси натижалари тўғрисидаги баённома имзоланганидан кейин бир ой ичида давлат мудофаасига оид буюртмани бажарувчи корхонани кимошди савдосини ўтказиш натижасида белгиланган нарх бўйича сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органи кимошди савдоси натижалари тўғрисидаги баённома имзоланганидан кейин бир ой ичида табиий монополия субъекти бўлган корхонани кимошди савдосини ўтказиш натижасида белгиланган нарх бўйича сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга.

Шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхонани сотиш ушбу Қонуннинг 110, 111-моддаларида кўрсатилган умумий қоидалар ва шарҳланаётган моддадаги алоҳида ҳолатлар асосида амалга оширилади.

Қонун шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар мулкий мажмуа сифатида танлов ёки аукцион ўтказиш йўли билан сотилиши мумкинлигини белгилайди.

Шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар мулкий мажмуа сифатида танловда сотиб олишда сотиб олувчи шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхоналарда сотиб олиш пайтида ишлаб турган ходимларнинг камида 70 фоизи учун иш жойини сақлаб қолиш мажбуриятини ўзига олиши ва шаҳарни ташкил этувчи корхоналар фаолият соҳаси ўзгартирилган тақдирда эса мазкур ходимларни қайта ўқитиш ёки ишга жойлаштиришга мажбур.

Кўрсатилган мажбуриятлар шаҳарни ташкил этувчи корхоналар ва унга тенглаштирилган корхоналарнинг олди-сотди шартномасининг муҳим шарти ҳисобланади. Ушбу мажбуриятларни бажармаслик олди-сотди шартномаси бекор бўлишига олиб келади.

Шарҳланаётган модда фаолиятидан келиб чиқиб давлат мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги сақлаб турилишини таъминловчи корхона, шунингдек, табиий монополия субъектлари ҳисобланадиган корхоналарни танловда сотиш учун мажбурий шартларни назарда тутади.

Олди-сотди шартномасида шарҳланаётган моддада кўрсатилганидан бошқа шартлар ҳам бўлиши мумкин. Бунинг учун кредиторлар ирода-

си лозим, ушбу Қонуннинг 13-моддасида кўрсатилганидек улар томонидан йиғилишда овоз бериш орқали ифода бўлиши лозим.

Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисми корхонани кимошди савдосида сотишнинг шартларини кўрсатиб беради. Ушбу қоидага мувофиқ, аввало, шаҳарни ташкил этувчи корхоналар ва унга тенглаштирилган корхоналар танловда сотувга қўйилиши лозим. Агар шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона танлов шартларида сотилмаган бўлса, корхона аукционда сотилади**.**

Шарҳланаётган модданинг еттинчи қисмида давлат мудофаасига оид буюртмани бажарувчи корхонанинг мол-мулки таркибида муомала қобилияти чекланган мол-мулк бўлган корхонани сотишнинг махсус тартибини белгилайди, бундай корхонани сотиш ёпиқ кимошди савдосида танлов шаклида амалга оширилади, бундай савдода қонунга мувофиқ фақат мазкур мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эга бўла оладиган шахслар иштирокчи бўлиши мумкин.

ФКнинг 380-моддасига мувофиқ ёпиқ конкурсда фақат шу мақсадда таклиф этилган шахсларгина иштирок эта олади.

Шарҳланаётган модданинг саккизинчи қисмида давлат мудофаасига оид буюртмани бажарувчи корхонанинг муомаладан чиқарилган мол-мулки реализация килинмаслиги, лекин уч ойдан кечиктирмасдан мол-мулкнинг эгасига топширилиши лозимлиги кўрсатилган. Шундан келиб чиққан ҳолда суд бошқарувчиси шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхоналарнинг бундай мулкини тугатиш массасидан чиқариб ташлаши лозим.

Ким ошди савдоси натижалари тўғрисидаги баённома имзоланганидан кейин вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари бир ой муддат ичида шаҳарни ташкил этувчи корхонани олди-сотди шартномасини, савдо ўтказиш натижасида белгиланган нарх асосида, тузиш учун суд бошқарувчисига мурожаат қилиши мумкин. Мазкур субъектларнинг ҳуқуқлари шаҳарни ташкил этувчи корхоналар мол-мулкини савдода ютиб чиққан бошқа сотиб олувчилар олдида имтиёзга эга ҳисобланади. Суд бошқарувчиси қонунда белгиланган тартибга мувофиқ кўрсатилган субъект билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим, агар бошқа сотиб олувчилар билан шартнома имзоланса, шарҳланаётган моддага мувофиқ шартномани бекор қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органи ҳам ким ошди савдоси натижалари тўғрисидаги баённома имзоланганидан кейин бир ой ичида табиий монополия субъекти бўлган корхонани ким ошди савдосини ўтказиш натижасида белгиланган нарх бўйича сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқа эга бўлади.

160-*модда*. Шаҳарни ташкил этувчи банкрот деб топилган қарздор корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган банкрот деб топилган қарздор корхонанинг мол-мулкини сотиш.

Шаҳарни ташкил этувчи банкрот деб топилган қарздор корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган банкрот деб топилган қарздор корхонанинг мол-мулки сотилаётганида тугатиш бошқарувчиси корхонани дастлабки кимошди савдосида сотишга мулкий мажмуа сифатида таклиф этиши лозим.

Агар шаҳарни ташкил этувчи қарздор корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган қарздор корхонанинг мол-мулки мулкий мажмуа сифатида сотилмаган бўлса, қарздорнинг мол-мулкини сотиш ушбу Қонуннинг 111-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Табиий монополия субъекти бўлган қарздор корхонанинг товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш жараёнида фойдаланадиган мол-мулки кимошди савдосига фақат мулкий мажмуа сифатида қўйилади.

Тугатувчи бошқарувчи, агар табиий монополия субъекти бўлган қарздор корхона товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш шартномалари бажарилишининг тўхтатилиши аҳолининг ҳаётий фаолияти ёки ишлаб чиқаришнинг узлуксиз туркумига асосланган корхоналар фаолияти шароитини бузадиган бўлса, бундай шартномалар бажарилишини таъминлаши шарт.

Табиий монополия субъекти бўлган қарздор корхонани тугатишга доир иш юритиш.

Шарҳланаётган модда шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган банкрот деб топилган қарздор корхонанинг мол-мулкини сотиш тартибини белгилайди.

Шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган банкрот деб топилган қарздор корхонанинг мол-мулки сотилаётганда тугатиш бошқарувчиси Қонуннинг 159-моддасида кўрсатилган шартларга мувофиқ мулкий мажмуа сифатида корхонани дастлабки кимошди савдосида сотишга таклиф этиши шартлигини белгилаб беради.

Агар шаҳарни ташкил этувчи қарздор корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган қарздор корхонанинг мол-мулки мулкий мажмуа сифатида сотилмаган бўлса, тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг мол-мулкини сотишни ушбу Қонуннинг 111-моддасига мувофиқ амалга оширади. Бунда табиий монополия субъекти бўлган қарздор корхонанинг товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш жараёнида фойдаланадиган мол-мулки кимошди савдосига фақат мулкий мажмуа сифатида қўйилади.

Табиий монополиялар шароитида ишлаб чиқаришнинг юқори харажатлари сабабли муайян турдаги товарларга (ишлар, хизматлар) бўлган эҳтиёжни

қондиришнинг рақобат муҳитини яратиш мумкин бўлмаган ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолатларни инобатга олиб, Қонун табиий монополия субъекти бўлган қарздор корхона товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш шартномалари бажарилишининг тўхтатилиши аҳолининг ҳаётий фаолияти ёки ишлаб чиқаришнинг узлуксиз туркумига асосланган корхоналар фаолияти шароитини бузадиган бўлса, бундай шартномалар бажарилишини таъминлаши шартлигини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми табиий монополия субъекти бўлган қарздор корхонани тугатишнинг махсус муддатлари ва тугатишнинг ўзига хосликларини белгилаб беради. Умумий қоидаларга ва ушбу Қонуннинг 124-моддасига мувофиқ тугатишга доир иш юритиш *муддатидан аввал тамомлаш тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқиладиган суд мажлисининг ўтказилиш санаси, вақти ва жойи ҳақидаги кредиторларга йўналтирилган хабарнома (*қ а р а н г *:* ва суд санацияси режаси бажарилганлиги натижалари тўғрисидаги ҳисоботи (қ а р а н г : жорий этиш (ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни очиш) тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш ҳақидаги кредиторлар йиғилишининг баённомаси (қ а р а н г : натижалари тўғрисида хўжалик судига ҳисоботи (қ а р а н г : муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаси (қ а р а н г : муддатини узайтириш тўғрисидаги суднинг ажрими (қ а р а н г : бошланғани тўғрисидаги хабарномаси (қ а р а н г : жараёнида тузилган келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги суд ажрими. (қ а р а н г : намунаси илова қилинган. (қ а р а н г : **танлов шартларида сотилмаган бўлса, корхона аукционда сотилади. хўжалик судининг қарори қабул қилинган ва тугатиш бошқарувчиси тайинланган санадан эътиборан кечи билан олти ой ичида тамомланиши керак. Агар мазкур муддат тугаганидан кейин корхонанинг мол-мулки сотилмай қолса, тугатиш бошқарувчиси кредиторлар йиғилишининг қарорига биноан, йиғилиш рад этган тақдирда эса маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарорига биноан ушбу Қонуннинг 115-моддасида** бир йилдан ошиши мумкин эмас. Мазкур қоидадан истисно тариқасида табиий монополия субъекти бўлган қарздор корхонани тугатишга доир иш олти ойдан ошиши мумкин эмас. Агарда олти ой муддат тугаганидан кейин ҳам табиий монополия субъектининг мол-мулки сотилмай қолса, тугатиш бошқарувчиси кредиторлар йиғилишининг қарорига биноан ушбу Қонуннинг 115-моддасига мувофиқ активлар ўрнини алмаштириш йўли билан тугатишга доир иш юритишни тамомлайди, шунингдек табиий монополия субъектлари таркибида бир ёки бир нечта очиқ акциядорлик жамиятлари ташкил этиш йўли билан тамомлаши мумкин. Бунда агар активлар ўрнини алмаштириш кредиторлар йиғилиши қарори билан рад этилса, активлар ўрнини алмаштириш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорига биноан амалга оширилади.

2-§. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банкротлиги

161-*модда*. Қишлоқ хўжалиги корхоналари банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банкротлиги:

Судгача санация қилиш муддати мобайнида табиий офатлар ва бошқа форс-мажор ҳолатлар туфайли қишлоқ хўжалиги корхонасининг ишлаб чиқаришида пасайиш ва молиявий аҳволида ёмонлашиш содир бўлган бўлса, судгача санация қилиш.

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг банкротлиги тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам ишда иштирок этувчи шахслар бўлиши мумкин.

Мазкур модда қишлоқ хўжалиги корхоналарини судгача санация қилиш йўли билан молиявий соғломлаштиришнинг ўзига хосликларини, судгача санация муддатини узайтириш шартлари, шунингдек бундай корхоналарни банкротлик тўғрисидаги ишида иштирок этадиган шахсларни белгилаб беради.

162-*модда*. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида кузатув

Қишлоқ хўжалиги корхонасида кузатув

Суд санацияси ёки ташқи бошқарув муддати мобайнида табиий офатлар ва бошқа форс-мажор ҳолатлар туфайли қишлоқ хўжалиги корхонасининг ишлаб чиқаришида пасайиш ва молиявий аҳволида ёмонлашиш содир бўлган бўлса, суд санацияси;

Суд санациясини муддатидан илгари тугатиш, ушбу Қонуннинг 86-моддаси талабларига мувофиқ, фақат қишлоқ хўжалиги ишларининг тегишли даври тугаши муддатини ҳамда етиштирилган товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилиш учун зарур бўлган вақтни инобатга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Фермер хўжаликларига ва юридик шахсни ташкил этган ҳолдаги деҳқон хўжаликларига нисбатан ташқи бошқарув таомили жорий этилмайди.

Шарҳланаётган модда қишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан кузатув **назарда тутилган тартибга мувофиқ активлар ўрнини алмаштириш йўли билан тугатишга доир иш юритишни тамомлайди. Иш қўзғатилгунга қадар уларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судгача санация қилиш қўлланилиши мумкин, муддати ўн икки ойга узайтирилиши мумкин, суд санацияси ва ташқи бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари, суд санацияси ва ташқи бошқарув етиштирилган товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилиш учун зарур вақтни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишларининг тегишли даври тугагунга қадар бўлган муддатга жорий этилади. Бунда кузатув таомили**

муддати уч ойдан, суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари муддати эса ушбу Қонун 91-моддасининг учинчи қисмида, суд санацияси ва ташқи бошқарув таомилларини амалга оширилишининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради. Умумий қоидалардан фарқ қилган ҳолда, қишлоқ хўжалиги корхонасида кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув етиштирилган товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилиш учун зарур вақтни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишларининг тегишли даври тугагунга қадар бўлган муддатга жорий этилади. Модданинг шарҳланаётган қисмидан келиб чиққан ҳолда, ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги корхоналарини (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш) банкрот деб топиш ишларини қўзғатишда уларга нисбатан у ёки бу банкротлик таомилларини инобатга олган ҳолда ёндашув бўлмоғи лозим.

Қонуннинг 49-моддасидаги умумий қоидага мувофиқ, кузатув муддати тўрт ойгача чўзилиши мумкин. Мазкур қоидадан истисно сифатида қишлоқ хўжалиги корхонасига қўлланиладиган кузатув таомили муддати уч ойдан ошиши мумкин эмас, яъни хўжалик суди қишлоқ хўжалиги корхонасининг банкротлиги тўғрисидаги ишни қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иш юритувга қабул қилган кундан бошлаб уч ой ичида кўриб чиқиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги корхонасига нисбатан суд санацияси ва ташқи бошқарувнинг жами муддати қонуннинг 91-моддасининг учинчи қисмидаги умумий қоидага мувофиқ ўттиз олти ойдан ошмаслиги лозим.

Суд санацияси ёки ташқи бошқарув муддати мобайнида табиий офатлар ва бошқа форс-мажор ҳолатлар туфайли қишлоқ хўжалиги корхонасининг ишлаб чиқаришида пасайиш ва молиявий аҳволида ёмонлашиш содир бўлган бўлса, суд санацияси ёки ташқи бошқарув муддати ўн икки ойга узайтирилиши мумкин. Бундай офатлар техноген, табиий ва экологик тусга эга бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан қарзларни қаноатлантириш режасига мувофиқ белгиланган кредиторларнинг талабларини қондириш муддати бир неча бор ёки мазмунан бузилганида, шунингдек қишлоқ хўжалиги корхоналари қарзларни қаноатлантириш режасини бажаришга қобилиятсиз ҳолатда эканлигини аниқ бўлиб қолса, қишлоқ хўжалиги ишларининг тегишли даври тугаши муддатини ҳамда етиштирилган товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилиш учун зарур бўлган вақтни инобатга олган ҳолда суд санацияси тугатилиши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида истисно ҳолат мавжуд бўлиб, унга кўра ташқи бошқарув таомили фермер хўжаликлар ва деҳқон хўжаликларига нисбатан қўлланилмайди.

Ушбу қўлланманинг 4-бўлимида мазкур модда шарҳига қишлоқ хўжалиги корхонасига жорий қилинган ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги суд ажрими намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 753-бет).

163-*модда*. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мол-мулкини ва мулкий ҳуқуқларини сотишнинг (улардан ўзганинг фойдасига воз кечишнинг) ўзига хос хусусиятлари

Қарздорнинг мол-мулкини сотишда (ундан ўзганинг фойдасига воз кечишда) суд бошқарувчиси ёки қарздорнинг раҳбари қишлоқ хўжалиги корхонасини дастлабки кимошди савдосида сотишга мулкий мажмуа сифатида қўймоғи лозим.

Қарздорнинг мол-мулкини сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа, шунингдек, ерга эгалик қилиш ҳуқуқига қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан шуғулланаётган ва қарздорнинг ер участкасига бевосита туташ ер участкасига эгалик қилувчи шахслар эга бўладилар. Суд бошқарувчиси ёки қарздорнинг раҳбари мазкур мол-мулкни, шунингдек, мулкий ҳуқуқларни сотишда (улардан ўзганинг фойдасига воз кечишда) мазкур мол-мулк ва мулкий ҳуқуқлар қийматини баҳолашни ташкил этиши ҳамда шахсларга мол-мулкни баҳоланган қийматида таклиф этиши шарт.

(163-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ–257-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 315-модда)

Агар ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар бир ой ичида қишлоқ хўжалиги корхонасининг мол-мулкини ва мулкий ҳуқуқларини сотиб олиш истагини билдирмасалар, суд бошқарувчиси ёки қарздорнинг раҳбари мол-мулк қонун ҳужжатларига мувофиқ реализация қилинишини амалга оширади.

Қишлоқ хўжалиги корхонаси банкротлик оқибатида тугатилган тақдирда мазкур корхонага берилган ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа шахсга берилиши ёки ўзга шахсга ўтиши мумкин.

Шарҳланаётган модда банкротликнинг ҳар қандай таомилида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мол-мулкини ва мулкий ҳуқуқларини сотишнинг (улардан ўзганинг фойдасига воз кечишнинг) ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини реализация қилиш ушбу Қонуннинг 110, 111-моддаларида белгиланган умумий қоидалар асосида амалга оширилади. Шарҳланаётган модда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мулкий мажмуасини сақлаб қолиш мақсадида қишлоқ хўжалиги корхонасини дастлабки кимошди савдосида сотишга мулкий мажмуа сифатида қўйилиши лозимлигини белгилайди.

Агар қишлоқ хўжалиги корхоналари биринчи савдода мулкий мажмуа сифатида реализация қилинмаса, кейинги савдоларда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мол-мулки мулкий мажмуа сифатида ёки қисмларга бўлинган ҳолда қўйилиши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулкини, ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахслар доирасини белгилайди ва бунда суд бошқарувчиси мулкни баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаган нархида олишни таклиф этиши керак.

Агар имтиёзли ҳуқуқларга эга шахслар бир ой ичида қишлоқ хўжалиги корхонасининг мол-мулкини ва мулкий ҳуқуқларини сотиб олиш истагини билдирмасалар, суд бошқарувчиси ёки қарздорнинг раҳбари мол-мулкни Қонунда назарда тутилган тартибда реализация қилинишини амалга оширади.

Қишлоқ хўжалиги корхонасини банкрот деб топиш ёки унга нисбатан тугатишга доир иш қўзғатилган бўлса, мазкур корхонага берилган ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа шахсга берилиши ёки ўзга шахсга ўтиши мумкинлигини белгилаб беради.

Ушбу қўлланманинг 3-бўлимида мазкур модда шарҳига суд бошқарувчисининг қарздорнинг мол-мулкини сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларга (қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан шуғулланаётган ва қарздорнинг ер участкасига бевосита туташ ер участкасига эгалик қилувчи шахслар) қарздор мол-мулкини олиш ҳақидаги таклифи намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 526-бет).

3-§. Банкларнинг банкротлиги

164-*модда*. Банкни банкрот деб топиш асоси

Банкни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун хўжалик суди банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қайтариб олинганидан кейин қабул қилади.

Мазкур модда банкни банкрот деб топишнинг мажбурий шарти – Ўзбекистон Республика МБ томонидан банк операцияларини ўтказиш учун берилган лицензия чақириб олиниши эканлигини белгилайди, ушбу шарт бўлсагина хўжалик суди банкни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилади.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– банкни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза (қ а р а н г : 395-бет).

– банкнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги суд ажрими (қ а р а н г : 755-бет).

165-*модда*. Банкнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари

Қарздор банк кредиторларнинг талабларини қондиришга қодир бўлмаган тақдирда юзага келадиган муносабатлар ҳамда банкларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тарзда тартибга солинади.

Банкка ташқи бошқарув жорий этилмайди.

Банкнинг банкротлиги тўғрисидаги ишда, ушбу Қонуннинг 36-моддасида назарда тутилган шахслардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ҳам иштирок этувчи шахслар деб ҳисобланади.

Шарҳланаётган модда банкни банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Қонун қарздор банк кредиторларнинг талабларини қондиришга қодир бўлмаган тақдирда юзага келадиган муносабатлар ҳамда банкларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари қонун ҳужжатларида кўрсатилган тарзда тартибга солинишини белгилаб беради. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон қонунчилигида банкларнинг тўловга қобилиятсизлигини тартибга солувчи махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмас. Шу муносабат билан, банкларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишларни кўришда Қонуннинг 164 ва 165-моддаларида назарда тутилган хусусиятларни инобатга олган ҳолда Қонун нормаларига асосланилади.

4-§. Суғурталовчининг банкротлиги

166-*модда*. Суғурталовчининг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш

Шарҳланаётган модда суғурталовчининг банкротлиги тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларни белгилаб беради.

Ушбу Қонунда суғурталовчининг банкротлигини тартибга солувчи бошқа Қонунга ҳавола қилинмаган, шу сабабли ҳам суғурталовчининг банкротлиги Қонуннинг III–IX боблари билан тартибга солинади.

Банкротлик тўғрисидаги ишда қуйидаги шахслар иштирок этиши мумкин: қарздор, суд бошқарувчиси, кредиторлар – улар томонидан қарздорга ушбу Қонунда белгиланган тартибда талаблар тақдим этилган пайтдан эътиборан, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, прокурор – банкротлик тўғрисидаги иш прокурорнинг аризаси асосида кўрилаётган ҳолларда, шунингдек, суғурта фаолияти соҳасини назорат қилувчи махсус ваколатли орган.

Суғурта фаолияти соҳасида назоратни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги 286-сонли қарори билан тасдиқ-

ланган Низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорат давлат инспекцияси амалга оширади.

Ушбу Қўлланманинг 4-бўлимида мазкур модда шарҳига суғурталовчига нисбатан банкротлик ишини қўзғатиш тўғрисидаги суд ажрими намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 757-бет).

167-*модда*. Суғурталовчининг мулкий мажмуасини сотиш

Суғурталовчининг мулкий мажмуасини сотиш ташқи бошқарув жараёнида ушбу Қонуннинг 110-моддасига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Фақат суғурталовчининг ўзи суғурталовчининг мулкий мажмуасини сотиб олувчи бўлиши мумкин.

Суғурталовчининг мулкий мажмуаси ташқи бошқарув жараёнида сотилган тақдирда суғурталовчининг мулкий мажмуаси сотилаётган санадаги суғурта ҳодисаси юзага келмаган суғурта шартномалари бўйича барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуани сотиб олган шахсга ўтади.

Тугатишга доир иш юритиш ўтказилаётганида суғурталовчининг мулкий мажмуасини сотиб олувчи фақат суғурталовчи банкрот деб топилган санага қадар суғурта ҳодисаси юзага келмаган суғурта шартномаларини ўз зиммасига олишга рози бўлганда сотилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда қарздор суғурталовчининг мулкий мажмуасининг ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш белгиланган муҳлатдан ошиб кетмаслиги лозим ёки ташқи бошқарув муддати ўн икки ойга узайтирилиши мумкин. Ишни кўриб чиқиш тўғрисидаги ишда, ушбу Қонуннинг 36-моддаси сотишнинг муҳим шартларини белгилаб беради. Қарздор суғурталовчининг мулкий мажмуасини сотиш ушбу Қонуннинг 110-моддасида кўрсатилган қарздор корхонани сотишнинг умумий қоидалари асосида амалга оширилади.

Суғурталовчи мулкий мажмуасини сотиб олувчи шахслар бўлиб ваколатли давлат органи томонидан берилган суғурта фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга ва активларга эга бўлган, суғурта шартномасидаги мажбуриятларни лозим даражада бажара оладиган суғурталовчи бўлиши мумкин.

Суғурталовчининг мулкий мажмуаси ташқи бошқарув жараёнида сотилган тақдирда сотилаётган санадаги суғурта ҳодисаси юзага келмаган суғурта шартномалари бўйича ҳуқуқий ворислик мажмуани сотиб олган шахсга ўтиши кўрсатилган.

Қонуннинг 169-моддасига мувофиқ суғурта ҳодисаси юз берганида шартнома бўйича суғурталовчи кредитор бўлиб ҳисобланади.

Тугатишга доир иш юритишда суғурталовчининг мулкий мажмуасини сотиш фақат суғурталовчи банкрот деб топилган санага қадар суғурта ҳодисаси

юзага келмаган тақдирда сотиб олувчининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин. Бунда суғурталовчининг шартномалардаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтказишга розилиги талаб қилинмайди.

168-*модда*. Суғурталовчи банкрот бўлган тақдирда суғурта қилдирувчиларнинг (наф олувчиларнинг) талаб қилиш ҳуқуқи

Хўжалик суди суғурталовчини банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор қабул қилинган санага қадар суғурта ҳодисаси юзага келмаган барча суғурта шартномалари бекор қилинади, ушбу Қонун 167-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Суғурта қилдирувчилар (наф олувчилар) ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асосларга биноан бекор қилинган шартномалар бўйича суғурталовчига тўланган суғурта мукофотининг суғурта шартномасининг амал қиладиган муддати билан бу шартнома амал қилган муддат ўртасидаги фарққа мутаносиб тарздаги қисми, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

Суғурта қилдирувчилар (наф олувчилар) хўжалик суди суғурталовчини банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилгунга қадар суғурта ҳодисаси юзага келган суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тўланишини тугатиш бошқарувчисидан талаб қилишга ҳақли.

Шарҳланаётган модда суғурталовчи банкрот бўлган тақдирда суғурта қилдирувчиларнинг (наф олувчиларнинг) суғурта шартномаси бўйича талаб қилиш ҳуқуқини белгилаб беради.

Қонун хўжалик суди суғурталовчини банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш асосида қарздорнинг мулкий мажмуаси суғурта шартномасига асосан ҳуқуқий ворислик бўйича ўтишидан бошқа ҳолларда, суғурта шартномалари бекор қилинишини белгилаб беради.

Бундай ҳолатда, суғурта қилдирувчилар (наф олувчилар)нинг, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, бекор қилинган шартномалар бўйича суғурталовчига тўланган суғурта мукофотини суғурта шартномасининг амал қиладиган муддати билан бу шартнома амал қилган муддат ўртасидаги фарққа мутаносиб тарздаги қисми қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

Суғурта қилдирувчилар хўжалик суди суғурталовчини банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилгунга қадар суғурта ҳодисалари бўйича мулкий ҳуқуқларини тугатиш бошқарувчисидан талаб қилишга ҳақли. Бундай талаблар тугатишга доир иш олиб борилаётган вақтда қаноатлантирилади.

169-*модда*. Суғурталовчининг кредиторлари талабларини қондириш

Хўжалик суди суғурталовчини банкрот деб топган тақдирда кредиторларнинг талаблари қуйидаги тартибда қондирилади:

– биринчи навбатда – суғурта қилдирувчиларнинг ҳаётни суғурта қилиш соҳасидаги мажбурий суғурта шартномалари бўйича талаблари;

– иккинчи навбатда – суғурта қилдирувчиларнинг бошқа мажбурий суғурта шартномалари бўйича талаблари;

– учинчи навбатда – бошқа суғурта қилдирувчиларнинг (наф олувчиларнинг) талаблари;

– тўртинчи навбатда – мажбурий тўловларни назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича талаблар. Мазкур талаблар тўла қондирилганидан кейин ижтимоий суғурта бўйича талаблар ва жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида фуқароларнинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича талаблари қондирилади;

– бешинчи навбатда – суғурталовчининг бошқа кредиторлари талаблари.

Мазкур модда кредиторлар талабларини қондириш тўғрисидаги умумий қоидалардан (*Қонуннинг 134-моддаси*) фарқ қилган ҳолда кредиторлар талабларини қондириш навбатини ўз ичига олади.

Бунда ушбу Қонун 134-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган кредиторлар талабини қондириш навбати сақланиб қолади: суд харажатларини, суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни, коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатларига оид жорий тўловларни, қарздорнинг мол-мулкини суғурта қилиш харажатларини қоплаш, шунингдек қарздорнинг банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин юзага келган мажбуриятларига доир талабларни ҳамда қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлса, ана шу фуқаронинг талабларини қондириш навбатдан ташқари тарзда амалга оширилади.

5-§. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг банкротлиги

170-*модда*. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг банкротлиги тўғрисидаги ишда, ушбу Қонуннинг 36-моддасида назарда тутилган шахслардан ташқари, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ҳам иштирок этувчи шахс деб ҳисобланади.

(170-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 сентябрдаги ЎРҚ–216-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2009 й., 37-сон, 403-модда)

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг банкротлиги Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари банкротлигининг олдини олиш ва уларнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг судгача таомилларини ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Шарҳланаётган модда қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари банкротлигининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Қонун қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларининг банкротлик тўғрисидаги ишни кўришда ишда иштирок этувчи шахслар бўлиб, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи орган ҳам ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 26 мартдаги ПФ-1414-сонли Фармонига асосан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи орган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳисобланади. Ушбу Марказ фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Низом асосида тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг банкротлигини тартибга солувчи алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Банкротлик таомили (кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув, келишув битими ва тугатишга доир иш юритиш) ушбу Қонуннинг IV–VIII бобларида белгиланган умумий қоидалар ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган алоҳида қоидалар асосида тартибга солинади.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига мувофиқ қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари банкротлигининг олдини олиш ва уларнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг судгача таомилларини ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланишини кўрсатиб берган. Ҳозирги вақтда қонунчиликда бундай тартибни белгиловчи махсус ҳужжат мавжуд эмас. Банкротликнинг олдини олиш ушбу Қонуннинг II бобида белгиланган умумий қоидаларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 июлдаги 362-сонли қарори билан тасдиқланган «Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом бўйича амалга оширилади.

Ушбу қўлланманинг 4-бўлимида мазкур модда шарҳига қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларига нисбатан банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги суд ажрими намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 759-бет).

171-*модда*. Суд бошқарувчиларига қўйиладиган талаблар

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг банкротлиги тўғрисидаги иш бўйича суд бошқарувчиси мазкур фаолиятни амалга ошириш учун суд бошқарувчиси сифатида аттестациядан ўтиши, шунингдек, унда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан бериладиган қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг малака гувоҳномаси бўлиши керак.

(171-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 сентябрдаги ЎРҚ–216-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2009 й., 37-сон, 403-модда)

Шарҳланаётган модда қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг банкротлиги тўғрисидаги иш бўйича суд бошқарувчилигига тақдим этилган номзодларга қўйиладиган қўшимча талабларни белгилаб беради.

Қонунга кўра қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларининг банкротлиги тўғрисидаги иш бўйича суд бошқарувчиси ушбу Қонуннинг 18-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 мартдаги 138-сонли қарори билан тасдиқланган «Суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги Низом»да кўрсатилган талаблардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан бериладиган лицензияга ҳам эга бўлиши керак.

172-*модда*. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг битимлар тузишига доир чекловлар

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг битимлар тузишига доир чекловлар мазкур иштирокчига нисбатан банкротлик таомиллари қўлланилаётганида унинг мижозлари қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг топшириқлари бўйича тузадиган банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин инвесторлар томонидан тасдиқланган битимларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Шарҳланаётган модда банкротлик таомилларини қўллашда қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисига нисбатан битимлар тузишга доир чекловларни белгилайди.

Қонуннинг 64, 79, 101-моддаларида назарда тутилган, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг битимлар тузишига доир чекловлар мазкур иштирокчига нисбатан банкротлик таомиллари қўлланилаётганида унинг мижозлари қимматли қоғозлар бозорида тузадиган, банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин инвесторлар томонидан тасдиқланган битимларга нисбатан татбиқ этилмайди. Яъни қарздор – қимматли қоғозлар

бозорининг профессионал иштирокчиси ҳисобланиб, банкротлик тўғрисидаги иш кўзғатилгандан сўнг тузиладиган битимлар акцептида брокерлик фаолиятини олиб боришга ҳақли.

173-*модда*. Кузатув, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари

Кузатув жорий этилган пайтдан эътиборан муваққат бошқарувчи ўзи тайинланган пайтдан бошлаб ўн кунлик муддат ичида ўзларига қарашли қимматли қоғозларни қимматли қоғозлар бозорининг қарздор профессионал иштирокчисига бошқарувга топширган қимматли қоғозлар бозорининг инвесторларига банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ва муваққат бошқарувчи ўз ҳуқуқини амалга ошира бошлаганлиги ҳақида хабарнома юбориши шарт. Мижозларнинг қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг тасарруфида бўлган қимматли қоғозлари ва бошқа мол-мулки тугатиш массасига киритилмайди.

Ташқи бошқарув ёки тугатишга доир иш юритиш агар мижозларнинг ўзларига қарашли бир турдаги (бир эмитент чиқарган, бир тоифадаги, бир типдаги, бир сериядаги) қимматли қоғозларни қайтариш хусусидаги талаблари қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ихтиёридаги мазкур қимматли қоғозлар миқдоридан ортиқ бўлса, мазкур қимматли қоғозларни мижозларга қайтариш мижозларнинг талабларига мутаносиб равишда амалга оширилади. Мижозлар талабларининг қондирилмаган қисми пул мажбуриятлари деб эътироф этилади ва ушбу Қонуннинг VII бобида назарда тутилган тартибда қондирилади (қаноатлантирилади).

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ташқи бошқаруви чоғида ташқи бошқарувчи ўзига мижозлар томонидан бошқарувга топширилган қимматли қоғозларни мижозларнинг розилиги билан ва уларнинг номидан қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчисига топшириши мумкин.

Шарҳланаётган модда қарздор – қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларига нисбатан амалга ошириладиган кузатув, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш хусусиятларини белгилаб беради.

Қонуннинг 68-моддасида назарда тутилган муваққат бошқарувчи мажбуриятларига кўшимча равишда, қарздор-қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг кузатув жорий этиш муваққат бошқарувчи ўзи тайинланган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддат ичида ўзларига қарашли қимматли қоғозларни қимматли қоғозлар бозорининг қарздор-профессионал иштирокчиси бошқарувига топширилган қимматли қоғозлар бозорининг инвесторларига банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ва муваққат бошқарувчи ўз ҳуқуқини амалга ошира бошлаганлиги ҳақида хабарнома юбориши шартлигини назарда тутади. Қонун кўрсатилган хабарнома мазмунига аниқ талабларни қўймайди.

Қонун мижозларнинг қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиси тасарруфида бўлган қимматли қоғозлари ва бошқа мол-мулки тугатиш массасига киритилмайди, чунки улар унинг мол-мулки ҳисобланмайди.

Қарздор-қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларига нисбатан ташқи бошқарув ёки тугатишга доир иш юритиш жорий этилган пайтдан эътиборан мижозларнинг қолган қимматли қоғозлари мижозларга қайтарилиши лозим. Шу билан бирга, Қонун, агар қарздор мижозлар билан тегишли келишувни тузган бўлса, қимматли қоғозлар қарздорда қолишига ҳам йўл қўяди.

Қарздор қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари тўловга қобилиятсиз бўлганида мижозларнинг барча талаблари бўйича қимматли қоғозларни (бир эмитент чиқарган, бир тоифадаги, бир тусдаги, бир серия-даги) мижозларнинг талабларига мутаносиб равишда қайтаради. Мижозлар талабларининг қондирилмаган қисми пул мажбуриятлари деб эътироф этилади ва қондирилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу пул мажбуриятлари банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин пайдо бўлганлигини эътиборга олиб, улар Қонуннинг 134-моддасига мувофиқ навбатдан ташқари қондирилади.

Қонун ташқи бошқарувчига ташқи бошқаруви жараёнида ўзига мижозлар томонидан бошқарувга топширилган қимматли қоғозларни, уларнинг номидан қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчисига топшириши мумкинлигини назарда тутади.

X БОБ. ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРНИНГ БАНКРОТЛИГИ

174-*модда*. Якка тартибдаги тадбиркор банкротлигининг тартибга солиниши

Якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, агар мазкур бобда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Қонуннинг I–III боблари қоидалари қўлланилади.

Қонуннинг ушбу моддаси ахборот тусига эга ва ЯТТнинг банкротлигида қўлланиладиган нормаларга ҳавола этади.

Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддаси биринчи қисми ва 6-модда биринчи қисмига кўра, ЯТТ бўлиб:

– юридик шахсни ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи;

– белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахс ҳисобланади.

ФК 26-моддаси биринчи қисмига кўра, ЯТТ кредиторларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлган кредиторлар талабларини қаноатлантиришга қодир бўлмаса, бундай тадбиркор белгиланган тартибда ночор (банкрот) деб топилиши мумкин. Бундай тартиб мазкур қонун билан белгиланган бўлиб, шарҳланаётган модда эса, ЯТТнинг банкротлик ҳолатида Қонуннинг I–III боблари нормаларини, яъни умумий қоидалар, судгача санация ва банкротлик тўғрисидаги ишнинг хўжалик судида кўрилиши каби нормалар қўлланилишини белгилайди. Қонуннинг 31-моддасида судгача санациянинг объекти бўлиб қарздор ҳисобланиши белгиланган, қарздор атамаси эса ЯТТга ҳам тегишли, демак, судгача санация ЯТТга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкинлиги келиб чикади.

Қонун ЯТТларга нисбатан ҳам ушбу Қонуннинг 4 ва 5-моддаларида назарда тутилган юридик шахсларни банкрот деб топиш асослари қўлланилишини белгилайди, яъни: қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса. Аммо бунда мажбурият ҳажми юридик шахсларга белгиланганлигидан фарқ қилади (*Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисми*).

ЯТТнинг банкротлик тўғрисидаги ишни кўришда қонуннинг 28-моддаси иккинчи қисмига кўра Қонунининг VII ва VIII бобларида назарда тутилган тугатишга доир иш юритиш ва келишув битими каби таомиллар қўлланилади.

ЯТТга нисбатан кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув каби банкротлик таомиллари қўлланилмайди (*Қонуннинг 28-моддаси иккинчи қисми*).

175-*модда*. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига қарздор якка тартибдаги тадбиркор, кредитор, прокурор, шунингдек давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилиши мумкин.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқига кредиторлар ҳам эга, ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги, алиментларни ундириш тўғрисидаги талаблар, шунингдек шахсий хусусиятдаги бошқа талаблар қўядиган кредиторлар бундан мустасно.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш таомили амалга оширилаётганда ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги, алиментларни ундириш тўғрисидаги талабларни, шунингдек шахсий хусусиятдаги бошқа талабларни қўядиган кредиторлар ўз талабларини тақдим этишга ҳақли. Мазкур кредиторларнинг талаблари, агар улар банкротлик таомили қўлланилаётганда билдирилмаган бўлса, қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги таомили тугаганидан кейин ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

Шарҳланаётган модда судга қарздор – ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини белгилайди ҳамда қарздор – ЯТТга нисбатан шахсий тусдаги талабларга эга шахсларнинг ҳуқуқларини белгилайди.

ЯТТнинг банкротлиги билан боғлиқ бўлган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани хўжалик судига бериш ҳуқуқига эга бўлган кредиторлар доирасининг чекланганлигидир. Фақатгина тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар бўйича талаблари мавжуд кредиторларгина судга ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шахсий хусусиятдаги талабларга эга бўлган кредиторлар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмаслигига қарамасдан, ЯТТни банкрот деб топиш таомили амалга оширилаётганда улар ўз талабларини тақдим этишга ҳақлидирлар, ҳаттоки банкротлик таомили амалга оширилаётганда мурожаат қилмаганлар банкротлик таомили тугаганидан кейин ҳам талаблар бўйича мурожаат қилиши мумкин.

Ушбу қўлланманинг 2-бўлимида мазкур модда шарҳига қарздор – якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 398-бет).

176-*модда*. Қарзларни узиш режаси

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига қарзларни узиш режаси илова қилиниши мумкин, режанинг нусхалари кредиторларга ва банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга юборилади.

Кредиторларнинг эътирози бўлмаса, хўжалик суди қарзларни узиш режасини тасдиқлаши мумкин, бу эса банкротлик тўғрисидаги иш юритилишини узоғи билан икки ойгача муддатга тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Қарзларни узиш режасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

– режани амалга ошириш муддати;

– қарздор ёки унинг оила аъзолари истеъмоли учун ҳар ойда қолдириладиган сумма миқдори;

– кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун ҳар ойда юбориш мўлжалланаётган сумма миқдори.

Хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларнинг асослантирилган илтимосномасига биноан қарзларни узиш режасини ўзгартиришга, шу жумладан уни амалга ошириш муддатини узайтиришга ёки қисқартиришга, қарздор ёки унинг оила аъзолари истеъмоли учун ҳар ойда қолдириладиган сумма миқдорини кўпайтиришга ёки камайтиришга ҳақли.

Агар қарздор якка тартибдаги тадбиркор қарзларни узиш режасини бажарганлиги натижасида кредиторларнинг талаблари тўла ҳажмда қаноатлантирилган бўлса, банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилиши керак.

Шарҳланаётган модда қарздорнинг аризасига қарзларни узиш режаси илова қилиниши мумкинлигини, унинг мазмунига нисбатан қўйиладиган талабларни, аризага режа илова қилинган ҳолларда суднинг уни тасдиқлаш ва (ёки) ўзгартириш тартиби, шунингдек қарздор томонидан қарзни узиш режасини бажариш оқибатларини белгилайди.

Суд томонидан қарздор – ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинган тақдирда ариза иш юритувига қабул қилинганлиги ва суд мажлисини ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилган ҳолда ишни судда кўришга тайинлаш тўғрисида ажрим чиқарилади. Мазкур ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Аризага қарзларни узиш режаси илова қилинган тақдирда ва кредиторларнинг эътирози бўлмаганда суд режани тасдиқлайди ва у ҳақда ажрим чиқаради, ушбу ажримда мавжуд қарзларни қоплаш учун ЯТТ банкротлиги тўғрисидаги иш юритишни узоғи билан икки ойгача муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида ажрим чиқаради. Қарзни узиш режасини ижро қилиш муддати банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш муддатига кирмайди, Қонуннинг 49-

моддасига кўра, бу муддат икки ойдан (ишни кўриш қолдирилган тақдирда тўрт ойгача) ошмаслиги лозим.

Хўжалик судининг қарзларни узиш режасини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими устидан ХПКнинг 85-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ шикоят берилиши мумкин, чунки мазкур ажримнинг чиқарилиши билан банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тўхтатилиб турилади. Суд қарздор томонидан тақдим этилган қарзни узиш режаси тасдиқланишини рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилган ҳолларда бу ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин эмас, чунки Қонун бундай ажрим устидан шикоят бериш имкониятини назарда тутмайди.

Хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларнинг асослантирилган илтимосномасига биноан қарзларни узиш режасини ўзгартиришга, шу жумладан уни амалга ошириш муддатини узайтиришга ёки қисқартиришга, қарздор ёки унинг оила аъзолари истеъмоли учун ҳар ойда қолдириладиган сумма миқдорини кўпайтиришга ёки камайтиришга ҳақли. Бунда суд қарзларни узиш муддатини шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми белгиланган муддатдан, яъни икки ойдан ортиқ муддатга узайтиришга ҳақли эмас.

Агар қарздор томонидан қарзларни узиш режасининг бажарилиши натижасида кредиторларнинг талаблари тўла ҳажмда қаноатлантирилган бўлса ва судга бу хусусда тегишли далиллар тақдим этилса, Қонуннинг 56-моддаси биринчи қисми олтинчи хатбошисига мувофиқ банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилади. Мазкур ҳолатда ЯТТ режани бажара олган ва барча қарзларни қоплаган бўлса, у кейинчалик ҳам ўз тадбиркорлик фаолиятини давом эттириши мумкинлиги ва тўловга қобилиятлилиги тикланганлиги назарда тутилади.

Кредиторларнинг қарзларни узиш режасида назарда тутилган барча талаблари қаноатлантирилмаган ҳолларда, хўжалик суди Қонуннинг 179-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– якка тартибдаги тадбиркор қарзларини узиш режаси (қ а р а н г : 400-бет);

– қарзларни узиш режасини ўзгартириш тўғрисидаги кредиторнинг илтимосномаси (қ а р а н г : 401-бет);

– қарзларни узиш режасини тасдиқлаш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 761-бет);

– қарзларни узиш режасини ўзгартириш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 762-бет);

– банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ҳақидаги суд ажрими (қ а р а н г : 765-бет).

177-*модда*. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг тугатиш массасига кирмайдиган мол-мулки

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулки тугатиш массасига кирмайди.

Хўжалик суди қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг асослантирилган илтимосномасига биноан қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлган ноликвид мол-мулкини ёки реализация қилинишидан келган даромад кредиторларнинг талабларини қондиришга моҳиятан таъсир этмайдиган мол-мулкини тугатиш массасидан чиқаришга ҳақли.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ушбу модда иккинчи қисмининг қоидаларига мувофиқ тугатиш массасидан чиқариладиган мол-мулкининг умумий қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик каррасидан ортиқ бўлмаслиги керак. Бундай мол-мулк рўйхати хўжалик суди томонидан тасдиқланиб, бу ҳақда ажрим чиқарилади, ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Шарҳланаётган модда тугатиш массасига киритилмайдиган қарздор – ЯТТнинг мол-мулки, мол-мулкни тугатиш массасидан чиқариш тартиби ва чиқариладиган мулкнинг қийматини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми қарздорнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулкининг тугатиш массасига киритилмаслигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 52-моддасига мувофиқ ундирув қарздор жисмоний шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки унинг умумий мулкдаги улуши бўлган ягона уйга (квартирага), агар қарздор ва (ёки) унинг оила аъзолари унда доимий равишда яшаётган бўлса (ижро ҳужжатида ундирувни мазкур уйга (квартирага) қаратиш назарда тутилган ёхуд ушбу мол-мулк мажбурият бўйича гаров нарсаси бўлган ҳоллар бундан мустасно), рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган, қарздор ва унинг оила аъзрлари нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмларга қаратиб бўлмайди.

Қонун хўжалик суди қарздор – ЯТТнинг ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг асослантирилган илтимосномасига биноан қарздор – ЯТТнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлган ноликвид мол-мулкини ёки реализация қилинишидан келган даромад кредиторларнинг талабларини қондиришга сезиларли таъсир этмайдиган мол-мулкини тугатиш массасидан чиқаришга ҳақли эканлигини назарда тутади. Бунда тугатиш массасидан чиқариладиган ЯТТ мол-

мулкининг умумий қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик каррасидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Суд мол-мулкни тугатиш массасидан чиқариш ҳақида ажрим чиқаради ва унда чиқаралаётган мол-мулк рўйхати тасдиқланади. Мазкур ажрим устидан Қонуннинг 60-моддасига мувофиқ шикоят берилиши мумкин.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– қарздор мол-мулкини тугатиш массасидан чиқариш тўғрисидаги илтимоснома (қ а р а н г : 402-бет);

– қарздорнинг мол-мулкини тугатиш массасидан чиқариш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 766-бет).

178-*модда*. Қарздор якка тартибдаги тадбиркор битимларининг ҳақиқий эмаслиги

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига берилганидан кейин қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ўз мол-мулкини бошқа шахсга ўтказиш ёки манфаатдор шахсларга бошқа усулларда бериш билан боғлиқ битимлари ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлардир.

Кредиторнинг талабига биноан хўжалик суди ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатини қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг битим предмети бўлган мол-мулкини қарздор якка тартибдаги тадбиркор мол-мулки таркибига қайтариш тариқасида ёки ундирувни манфаатдор шахсларда турган тегишли мол-мулкка қаратиш тариқасида қўллайди.

Шарҳланаётган модда қарздор – ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига берилганидан кейин тузилган ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайдиган битимлар турлари, шунингдек, битимни ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги натижасида суд томонидан қўлланиладиган оқибатларни белгилайди.

Битимни ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топиш асослари ФКда назарда тутилган. Бироқ фуқаролик қонунчилиги томонидан белгиланган асосларга қўшимча равишда банкротлик тўғрисидаги қонунчилик битимни ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топиш асоси сифатида қарздор – ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига берилганидан кейин қарздор – ЯТТнинг ўз мол-мулкини бошқа шахсга ўтказиши ёки манфаатдор шахсларга бошқа усулларда беришини ҳам назарда тутади.

Агарда қарздор томонидан юқоридаги битимлар тузилганда, қарздор кредиторлари хўжалик судига ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатини қўллаш тўғрисида мурожаат қилишга ҳақли, уни кўриб чиқиш натижасида суд битим предмети бўлган мол-мулкини қарздор – ЯТТ мол-мулки таркибига қайтариш ҳақида, агарда реализация қилинган мол-мулк бўлмаса, манфаатдор шахсларда турган тегишли мол-мулкка ундирувни қаратиш ҳақида ажрим чиқариши мумкин.

ОХС Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарорининг 26-бандига мувофиқ, қарздорнинг битимларини ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талаблар хўжалик суди томонидан ХПКда назарда тутилган умумий тартибда кўрилади.

179-*модда*. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни хўжалик судида кўриш

Хўжалик суди қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш билан бир пайтда унинг мол-мулкини хатлайди, қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг пул мажбуриятлари бажарилиши хусусида учинчи шахслар томонидан асосли кафиллик берилган ёки кафолатланган бошқа таъминот тақдим этилган тақдирда хўжалик суди мазкур тадбиркорнинг илтимосномасига биноан унинг мол-мулкини (мол-мулкининг бир қисмини) хатловдан чиқариши мумкин.

Хўжалик суди қарздор якка тартибдаги тадбиркор кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиши ёки келишув битимига эришилиши учун банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни мазкур тадбиркорнинг аризасига биноан узоғи билан бир ой муддатга кечиктириши мумкин.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркор фуқарога нисбатан мерос очилганлиги тўғрисида маълумот бўлган тақдирда, хўжалик суди мазкур тадбиркорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритишни мерос тақдири тўғрисидаги масала қонунда белгиланган тартибда ҳал қилингунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

Агар қарздор якка тартибдаги тадбиркор ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган муддатда кредиторларнинг талаблари қондирилганлигини кўрсатувчи далил-исботларни тақдим этмаган ва белгиланган муддатда келишув битимини тузмаган бўлса, хўжалик суди мазкур тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Мазкур модда қарздор – ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш билан, шунингдек банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш билан боғлиқ бўлган суднинг ҳаракатларини белгилаб беради.

Хўжалик суди қарздор – ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш билан бир пайтда унинг мол-мулкини хатлайди, қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно (*Қонуннинг 177-моддасига берилган шарҳга қаранг*). Хўжалик суди бу ҳакда ажрим чиқаради ва Қонуннинг 181-моддаси биринчи қисмига мувофиқ суд ижрочисига юбориладиган ижро варақасини беради.

Қонун ЯТТнинг илтимосномаси бўйича қарздорнинг мол-мулки (бир қисмини)ни хатловдан чиқариши имкониятини агарда ЯТТнинг мажбуриятла-

ри бажарилиши хусусида учинчи шахслар томонидан кафиллик берилган ёки мажбуриятлари бажарилишининг кафолатланган бошқа таъминотини тақдим этилган тақдирдагина йўл қўйилишини назарда тутади. Мажбуриятлари бажарилишининг кафолатланган бошқа таъминоти деганда гаров ва кафолат тушунилади.

ЯТТнинг аризасига асосан, агар у асосли ва ЯТТнинг важларини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлган ҳолларда хўжалик суди ЯТТни кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш ёки келишув битимига эришиши учун банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни узоғи билан бир ой муддатга кечиктириши мумкин. Берилган илтимосномани асослаш мақсадида судга тақдим этиладиган ҳужжатлар бўлиб ЯТТ ҳисоб рақамида қарздорликни тўлиқ қоплаш учун етарли бўлган пул маблағларининг мавжудлигини тасдиқловчи қарздорнинг банкдаги ҳисоб рақамидан кўчирма, келишув битими лойиҳаси ва бошқалар ҳисобланади.

Агар қарздор – ЯТТ белгиланган муддатда кредиторларнинг талаблари қондирилганлигини кўрсатувчи далил-исботларни тақдим этмаган ва белгиланган муддатда келишув битимини тузмаган бўлса, хўжалик суди мазкур тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Келишув битими тузилган ҳолларда суд банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради, кредиторларнинг талаблари қондирилганлигини кўрсатувчи далил-исботлар тақдим этилган ҳолларда суд ЯТТ банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор чиқаради.

Қарздор – ЯТТ фуқарога нисбатан мерос очилганлиги тўғрисида маълумот бўлган тақдирда, хўжалик суди мазкур тадбиркорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритишни мерос тақдири тўғрисидаги масала қонунда белгиланган тартибда ҳал қилингунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли (*ФКнинг 1146-моддаси–мерос очилгандан сўнг олти ой*).

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– қарздор – якка тадбиркорнинг унинг мол-мулкини (мол-мулкининг бир қисмини) хатловдан чиқариш тўғрисидаги илтимосномаси (қ а р а н г : 404-бет);

– қарздор – якка тадбиркорнинг банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисидаги илтимосномаси (қ а р а н г : 405-бет);

– қарздор якка тартибдаги тадбиркор мол-мулкини хатлаш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 769-бет);

– қарзодр мол-мулкини (мол-мулкининг бир қисмини) хатловдан чиқариш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 770-бет);

– иш кўришни кейинга қолдириш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 772-бет);

– мерос тақдири тўғрисидаги масала қонунда белгиланган тартибда ҳал қилингунга қадар якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги суд ажрими (қ а р а н г : 773-бет);

– келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 775-бет);

– қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувчини тайинламасдан тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори (қ а р а н г : 777-бет);

– қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувчини тайинлаш билан тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори (қ а р а н г : 780-бет).

180-*модда*. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топишнинг оқибатлари

Хўжалик суди қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилган пайтдан эътиборан:

– қарздорнинг пул мажбуриятларини бажариш муддати бошланган деб ҳисобланади;

– қарздорнинг барча мажбуриятлари бўйича неустойка (жарима, пеня), фоизлар ҳисоблаш ва бошқа иқтисодий (молиявий) санкциялар бекор қилинади;

– қарздордан барча ижро ҳужжатлари бўйича ундирувлар бекор қилинади, алиментлар ундириш тўғрисидаги талаблар бўйича, шунингдек ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаблар бўйича ижро ҳужжатлари бундан мустасно.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорни хўжалик суди барча маълум кредиторларга улар ўз талабларини тақдим этадиган муддатни кўрсатган ҳолда юборади, бу муддат икки ойдан ошмаслиги керак. Хўжалик судининг ана шундай қарорини юбориш қарздор якка тартибдаги тадбиркор ҳисобидан амалга оширилади.

Хўжалик суди қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилган пайтдан эътиборан мазкур тадбиркорнинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ўз кучини йўқотади, шунингдек, фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун мазкур тадбиркорга берилган лицензияларнинг амал қилиши тугатилади.

Хўжалик суди қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор нусхасини айни шу шахсни якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олган органга ва лицензияловчи органга юборади.

Қонуннинг ушбу моддаси қарздор – ЯТТни банкрот деб топилиши натижасида юзага келадиган оқибатларни очиб беради.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида ЯТТни банкрот деб топилиши натижасида юзага келадиган оқибатларнинг рўйхати келтирилган.

Қарздор – ЯТТни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорни хўжалик суди барча маълум кредиторларга улар ўз талабларини тақдим этадиган муддатни кўрсатган ҳолда юборади, бу муддат икки ойдан ошмаслиги керак.

Хўжалик суди қарздор – ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор нусхасини қарздорни ЯТТ сифатида рўйхатга олган органга, қарздор яшаш жойи бўйича суд ижрочисига ва лицензияловчи органга (агар қарздор айрим тадбиркорлик фаолияти турларини амалга оширишга оид лицензияга эга бўлса) юборади.

Қонуннинг 127-моддаси биринчи қисми қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш тугатиш бошқарувчиси томонидан ушбу Қонуннинг 52 ва 53-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилишини белгилайди. Мазкур ҳолат ЯТТни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашга нисбатан ҳам қўлланилади. Бунда шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, ЯТТ банкротлиги тўғрисидаги иш бўйича одатда тугатиш бошқарувчиси тайинланмаслиги боис, Қонуннинг 127-моддаси учинчи қисми қоидалари бўйича қарздор – ЯТТнинг ўзи банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги маълумотларни суднинг тегишли қарор қабул қилган санасидан ўн кундан кечиктирмай расмий нашрда эълон қилиш учун юбориши лозим.

Хўжалик суди қарздор – ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилган пайтдан эътиборан фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун мазкур тадбиркорга берилган лицензияларнинг амал қилиши тугатилади. ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор, худди юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро этилиши шарт. Мазкур қарор устидан ХПКга мувофиқ олти ой муддат ичида шикоят (протест) берилиши мумкин (*ОХС Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарорининг 21–22-бандлари*).

Тугатишга доир иш юритув якунланганлиги тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилганидан сўнг давлат реестридан чиқарилиши назарда тутилган юридик шахслардан фарқли равишда, Қонуннинг 180-моддаси учинчи қисмига мувофиқ хўжалик суди қарздор ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилган пайтдан эътиборан мазкур тадбиркорнинг ЯТТ сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ўз кучини йўқотади. Шу туфайли тадбиркорлик фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун мазкур тадбиркорга берилган лицензиялар ва ЯТТ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги барча кредиторларнинг талабларини навбат билан қондирган ҳолда ҳам қайта тикланмайди. Шу билан бирга, ЯТТ банкрот деб топилганидан сўнг келишув битими тузилганида ЯТТ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ва лицензиялари тикланиши мумкинлигини тахмин қилиш мумкин, чунки келишув бити-

мини тасдиқлаш тўғрисидаги суд ажримида ЯТТни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувни бошлаш тўғрисидаги қарор ижро этилмаслиги кўрсатилади (Қонуннинг 145-моддаси бешинчи қисми). Худди шундай оқибатлар суднинг ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарори бекор бўлган ҳолларда ҳам юзага келади.

181-*модда*. Хўжалик судининг қарорини бажариш

Хўжалик судининг қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ҳамда ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ижро варақаси қарздорнинг мол-мулки сотилишини амалга ошириш учун суд ижрочисига юборилади. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг барча мол-мулки сотилиши керак, ушбу Қонунга мувофиқ тугатиш массасига кирмайдиган мол-мулк бундан мустасно.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг кўчмас мол-мулкини ёки қимматли кўчар мол-мулкини доимий бошқарув зарур бўлганда хўжалик суди мазкур мақсадлар учун тугатиш бошқарувчисини тайинлайди ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилайди. Бундай ҳолларда қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулки тугатиш бошқарувчиси томонидан сотилади.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулкини сотишдан тушган, шунингдек мавжуд нақд пул маблағлари қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилган хўжалик судининг депозитига киритилади.

Шарҳланаётган модда суд қарорини бажариш тартибини, шунингдек ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги суд қарорининг бажарилиши юклатилганлар доирасини белгилайди.

Хўжалик судининг қарздор – ЯТТни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ҳамда шу қарор асосида ундирувни қарздор ЯТТнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида берилган ижро варақалари суд ижрочисига юборилади.

Тугатиш массасига кирадиган қарздор – ЯТТнинг мол-мулкининг сотуви суд ижрочиси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Қарздор – ЯТТнинг кўчмас мол-мулкини ёки қимматли кўчар мол-мулкини доимий бошқарув зарур бўлганда хўжалик суди мазкур мақсадлар учун тугатиш бошқарувчисини тайинлайди (суд томонидан тугатишга доир иш юритишнинг белгиланган бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатига) ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилайди. Бундай ҳолларда қарздор ЯТТнинг мол-мулки тугатиш бошқарувчиси томонидан сотилади.

Қарздор – ЯТТнинг мавжуд нақд пул маблағлари ва унинг мол-мулкини

сотишдан тушган пул маблағлари, қарздор – ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилган хўжалик судининг депозитига киритилади.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ тугатиш бошқарувчиси томонидан амалга оширилган қарздор – ЯТТнинг мол-мулкини сотишдан тушган пул маблағлари ҳам қарздор – ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилган хўжалик судининг депозитига киритилади.

182-*модда*. Кредиторларнинг талабларини кўриб чиқиш

Хўжалик суди ушбу Қонун 180-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган муддатда кредиторлар томонидан билдирилган талабларни кўриб чиқади. Кўриб чиқиш натижалари асосида хўжалик суди кредиторларнинг талабларини қондириш тартиби ва миқдори тўғрисида ажрим чиқаради.

Шарҳланаётган модда суд томонидан кредиторларнинг талабларини кўриб чиқиш тартиби ва муддатини белгилайди.

Юридик шахс банкротлигида хўжалик суди кредиторларнинг фақатгина Қонуннинг 70 ёки 100-моддаларига мувофиқ эътирозлар билдирилган талабларини кўради. ЯТТларни банкротлигида эса, юридик шахсларни банкротлигидан фарқли равишда махсус тартиб белгиланган бўлиб, унга кўра кредиторлар томонидан билдирилган талабларни бевосита хўжалик суди кўриб чиқади. Хўжалик суди Қонуннинг 180-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилганидек икки ой муддат ичида кредиторларнинг тақдим этилган талабларини кўриб чиқади.

Агар Қонуннинг 181-моддаси иккинчи қисмига кўра суд томонидан тугатиш бошқарувчиси тайинланганда ҳам кредиторларнинг талабларини кўриш Қонуннинг 128-моддасида белгиланган тартибда суд томонидан амалга оширилади, чунки тугатиш бошқарувчиси кўчмас мол-мулкини ёки қимматли кўчар мол-мулкини тасарруф этиш ва бошқариш ҳуқуқига эга.

Кредиторларнинг талабларини кўриш натижалари бўйича хўжалик суди кредиторлар талабларини қаноатлантириш навбати ва миқдори кўрсатилган ажрим чиқаради. Мазкур ажрим устидан шикоят берилиши мумкин эмас, чунки Қонунда назарда тутилмаган.

Ушбу қўлланманинг 4-бўлимида мазкур модда шарҳига кредиторларнинг талабларини қондириш тартиби ва миқдори тўғрисидаги суд ажрими намунаси илова қилинган (қ а р а н г : 783-бет).

183-*модда*. Кредиторларнинг талабларини қондириш тартиби

Хўжалик суди депозитига киритилган пул маблағлари ҳисобидан кредиторларнинг талабларини қондиришдан олдин банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш ва хўжалик судининг қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорини бажариш билан боғлиқ харажатлар қопланади, шунингдек, қарздор якка тартибдаги тадбир-

кор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлса, шу фуқаронинг талаблари қондирилади.

Кредиторларнинг талаблари қуйидаги навбат бўйича қондирилади:

– биринчи навбатда – мажбурий тўловлар иккинчи навбатда – кредиторларнинг пул мажбуриятлари бўйича қарздорнинг мол-мулки гарови билан таъминланган талаблари;

– учинчи навбатда – бошқа кредиторлар билан ҳисоб-китоблар.

Ҳар қайси навбат бўйича талаблар олдинги навбат талаблари тўла қондирилганидан кейин қондирилади.

Хўжалик судининг депозитида пул маблағлари етарли бўлмаса, бу маблағлар тегишли навбатдаги кредиторлар ўртасида улар талабларининг суммасига мутаносиб равишда тақсимланади.

Қонуннинг мазкур моддаси кредиторлар талабларини қондириш тартиби ва навбатини белгилайди.

184-*модда*. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни мажбуриятлардан озод қилиш

Банкрот деб топилган қарздор якка тартибдаги тадбиркор кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаганидан кейин мазкур тадбиркорни банкрот деб топиш таомили амалга оширилаётганда кредитор томонидан билдирилган талабларни келгусида бажаришдан озод этилади, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган талаблар бундан мустасно.

Кредиторларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаблари, алиментларни ундириш тўғрисидаги талаблар, шунингдек шахсий хусусиятдаги, хўжалик судининг қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорини ижро этиш тартибида қаноатлантирилмаган ёки қисман қаноатлантирилган ёхуд қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш таомили амалга оширилаётганида билдирилмаган бошқа талаблар ўз кучида қолади ва қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги таомили тамомланганидан кейин тегишинча тўла ҳажмда ёки қаноатлантирилмаган қисми ҳажмида тақдим этилиши мумкин.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркор томонидан мол-мулкнинг яширилганлиги ёки унинг ўз мол-мулкини учинчи шахсларга ғайриқонуний тарзда берганлиги фактлари аниқланган тақдирда банкротлик жараёнида талаблари қондирилмаган кредитор ундирувни ана шу мол-мулкка қаратиш талабини тақдим этишга ҳақли.

Шарҳланаётган модда ЯТТга нисбатан кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаганидан кейин келиб чиқадиган оқибатларни, ҳамда шахсий хусусиятдаги талабларни (тўлиқ ёки қисман) қондирилмаслиги оқибатлари ва қарздорнинг мулкини яшириш оқибатларини тартибга солади.

Қонун банкрот деб тан олинган ЯТТ кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаганидан кейин кредитор томонидан банкротлик таомили жараёнида билдирилган талабларни келгусида бажаришдан озод этилишини назарда тутади, кредиторларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаблари, алиментларни ундириш тўғрисидаги (қарздор – ЯТТ оила аъзоси сифатида тўлаши лозим бўлган), шунингдек, кредиторнинг шахсияти билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа талаблар, хўжалик судининг қарздор – ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорини ижро этиш тартибида қаноатлантирилмаган бўлса ёки қисман қаноатлантирилган ёхуд банкротлик таомили амалга оширилаётганида билдирилмаган талаблар бундан мустасно.

Қонун, банкрот деб топилган қарздор кредиторлар билан ҳисоб-китобни якунлаганда, хўжалик суди томонидан қандай суд ҳужжати қабул қилишини белгиламаган. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси ОХС Пленумининг 27 январь 2006 йилдаги № 142-сонли қарори 37-бандида шундай тушунтирилади:

– қарздор – ЯТТнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблари ва кредиторларнинг барча талаблари тўлиқ қондирилгандан сўнг, хўжалик суди тугатишга доир иш юритишни якунлаш тўғрисида ажрим чиқаради;

– қарздор – ЯТТнинг мол-мулки кредиторларнинг барча талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, суд ижрочиси ундирувни қарздор мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ижро варақасини Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 37 ва 39-моддаларида белгиланган қоидаларга биноан қайтаради. Ижро варақасини қайтариш тўғрисидаги ҳужжатлар кўриб чиқилгандан сўнг хўжалик суди тугатиш ишларини якунлаш тўғрисида ажрим чиқаради;

– Қонуннинг 181-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ хўжалик суди томонидан тугатиш бошқарувчиси тайинланган бўлса, унда тугатиш ишлари Қонуннинг 142 ва 144-моддаларида белгиланган қоидалар бўйича юритилади.

ЯТТ мол-мулкининг яширилганлиги ёки ғайриқонуний тарзда учинчи шахсларга берилганлиги фактлари аниқланган тақдирда банкротлик таомили жараёнида талаблари қондирилмаган кредитор умумий даъво муддати мобайнида ундирувни ана шу мол-мулкка қаратиш талабини тақдим этишга ҳақли.

XI БОБ. БАНКРОТЛИКНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАОМИЛЛАРИ

1-§. Тугатилаётган юридик шахс банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари

185-*модда*. Тугатилаётган юридик шахснинг банкротлиги

Агар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги ва (ёки) ўз устав фондини шакллантирмаганлиги муносабати билан тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилинган юридик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, бундай юридик шахс ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда тугатилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, тугатиш комиссияси (тугатувчи) тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли чораларни кўриши учун давлат солиқ хизмати органларига мурожаат этиши шарт.

Шарҳланаётган модданинг мақсади бўлиб, корхонани қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги ва (ёки) ўз устав фондини шакллантирмаганлиги муносабати билан тугатиш ишлари қачон банкротлик тўғрисидаги қоидалари бўйича ва қачон бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича амалга оширилишини фарқлаш ҳисобланади.

Юридик шахсларни Қонуннинг 185–187 моддаларида назарда тутилган тартибда тугатиш, агарда:

– юридик шахсга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги ва (ёки) ўз устав фондини шакллантирмаганлиги муносабати билан юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор мавжуд бўлса;

– тугатилаётган юридик шахс мол-мулкининг қиймати кредитор талабларини қондириш учун етарли бўлмаганда;

Қонун тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки қиймати етарли эмаслик факти аниқланганда, тугатиш комиссияси(тугатувчи) хўжалик судига тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан ёхуд давлат солиқ хизмати органларига қонунчиликда назарда тутилган тегишли чораларни қўллаш учун назарда тутилган тегишли мурожаат қилишга мажбурлигини белгилайди.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза (қ а р а н г : 407-бет);

– тугатилаётган юридик шахсга нисбатан банкротлик ишини қўзғатиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 785-бет).

186-*модда*. Тугатилаётган юридик шахснинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари

Хўжалик суди тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиб, тугатиш бошқарувчисини тайинлайди.

Тугатилаётган юридик шахснинг банкротлигида кузатув, Кредиторлар тугатилаётган юридик шахсга бўлган ўз талабларини тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги эълон чиқарилган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида унга тақдим этишга ҳақли.

Шарҳланаётган модданинг тугатилаётган юридик шахснинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўришнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Тугатилаётган қарздорларнинг банкротлиги тўғрисидаги иш Қонуннинг III, VII бобларида назарда тутилган тартибда, шарҳланаётган моддада белгиланган қуйидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда кўриб чиқилади:

– тугатилаётган юридик шахснинг банкротлигида кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари қўлланилмайди;

– кредиторлар тугатилаётган юридик шахсга бўлган ўз талабларини тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги эълон чиқарилган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида унга тақдим этишга ҳақли.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– банкрот деб топилган тугатилаётган юридик шахсга нисбатан кредиторнинг талаби (қ а р а н г : 409-бет);

– тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарори (қ а р а н г : 786-бет).

187-*модда*. Юридик шахсни банкротлик тартибида тугатишни рад этиш оқибатлари

Ушбу Қонун 185-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган талабларнинг бузилганлиги юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига юридик шахс тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритишни рад этиш учун асос бўлади.

Ушбу Қонун 185-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган талаблар бузилишига йўл қўйган тугатиш комиссиясининг раиси ёки ту-

гатувчи тугатилаётган юридик шахснинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан қондирилмаган талаблар бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

Шарҳланаётган модда Қонуннинг 185-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган талаблар бузилиш оқибатларини белгилайди.

Қонун агарда тугатиш жараёнида тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторлар талабларини қондириш учун етарли бўлмаганида, лекин тугатиш комиссияси (тугатувчи) хўжалик судига тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш ёки давлат солиқ хизмати органларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли чораларни қўллаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этмаганлик учун:

– қарздорни юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказган орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига мазкур юридик шахснинг тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритишни рад этишга мажбур;

– тугатиш комиссиясининг раиси(тугатувчи) тугатилаётган юридик шахснинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан қондирилмаган талаблар бўйича субсидиар жавобгар бўлишини назарда тутади.

2-§. Ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги

188-*модда*. Ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза беришнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўз фаолиятини тугатган қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки тугатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг турган жойини (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан қатъи назар, кредитор, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли орган, шунингдек, прокурор томонидан берилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини белгилайди.

Қонун ҳозир бўлмаган қарздорга:

– ҳозир бўлмаган ва унинг жойлашган манзилини (яшаш жойи) белгилаш имконсиз деб қараладиган ўз фаолиятини тўхтатган ЯТТ;

– раҳбари ҳозир бўлмаган ва унинг жойлашган манзилини (яшаш жойи) белгилаш имконсиз деб қараладиган тугатилаётган юридик шахсларни киритади.

ОХС Пленумининг 2006 йил 27 январдаги № 142 Қарори (35-банди) билан ҳозир бўлмаган қарздор деганда, фақатгина бошқарувчининг ҳозир бўлмаслик фактини эмас, балки хўжалик юритувчи субъектнинг мол-мулкининг йўқлигини ҳам тушуниш лозим.

Қарздорнинг ҳозир эмаслигига далилларга, яъни ЯТТ ёхуд қарздор юридик шахсни ҳозир эмаслигини тасдиқловчи ва унинг жойлашган манзилини аниқлашнинг имкони йўқлигини тасдиқловчи ҳужжатларга: манзил маълумот бюроси томонидан шахснинг рўйхатдан чиқиб, бошқа ҳудудга кетганлиги ҳақида берилган маълумотнома; рўйхатга олинган манзилда яшамаслиги тўғрисида тузилган далолатномалар киритилиши мумкин.

Қарздорнинг ҳозир эмаслигига далил сифатида яна вафот этганлик ҳолатини ёки шахсни озодликдан маҳрум этиш жойларида эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам киради (*ОХС Пленумининг № 142 Қарори 35-банди учинчи қисми*).

Қарздор мол-мулкининг ҳозир эмаслиги факти қарздорнинг жойлашган жойи (почта манзили) бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати, тураржой ёки нотураржой бинолари эгалари, ва (ёки) суд бошқарувчиси иштирокида тузилган ҳужжатга ёхуд суд ижрочисининг ижро ҳужжатини қарздорда мол-мулк бўлмаганлиги боис ижросиз қайтариш тўғрисидаги қарорига мувофиқ тасдиқланиши мумкин.

Агар аризачи томонидан қарздорнинг ёки унинг мол-мулкининг ҳозир эмаслигига далиллар келтирилмаган бўлса, агар аризачи томонидан аризани умумий тартибда иш юритиш учун қабул қилиш шартларига риоя қилинган бўлса, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги қоидаларни қўлламай туриб, умумий асосларга кўра қабул қилиши мумкин. Агар қарздорнинг раҳбари ёки ЯТТ ҳозир бўлса-ю, лекин мол-мулки ҳозир бўлмаса ҳам банкротлик тўғрисидаги иш соддалаштирилган тартибда кўриш учун тегишли бўлади (*ОХС Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 35-банди*).

Ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик суди томонидан кредиторлик қарзларининг ҳажмидан қатъи назар қабул қилинади (*ОХС Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 35-банди*).

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза (қ а р а н г : 410-бет);

– ҳозир бўлмаган қарздорга нисбатан банкротлик ишини қўзғатиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 789-бет).

189-*модда*. Ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги

Хўжалик суди ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризани ўз иш юритувига қабул қилиб олган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлигида кузатув, Хўжалик судининг қарори банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига юборилади, бу орган мазкур қарорни олган кундан эътиборан бир

ҳафталик муддат ичида хўжалик судига тугатиш бошқарувчилигига номзод тақдим этади. Хўжалик суди тугатиш бошқарувчисини банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ходимлари орасидан тайинлаши мумкин.

Тугатиш бошқарувчиси ўзи аниқлаган барча кредиторларни ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади, улар бу хабарни олган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида тугатиш бошқарувчисига ўз талабларини тақдим этишлари мумкин.

Тугатиш бошқарувчиси ҳозир бўлмаган қарздорнинг мол-мулкини аниқлаган тақдирда хўжалик суди мазкур бошқарувчининг илтимосномасига биноан банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ҳамда банкротликнинг ушбу Қонунда назарда тутилган умумий таомилларига ўтиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Шарҳланаётган модда ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўришнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Қоида тариқасида, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул килинган пайтдан икки ойлик муддат ичида ишни кўриши ва иш бўйича қарор чиқариши керак (Қонуннинг 49-моддаси). Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми ҳозир бўлмаган қарздорга нисбатан ишни кўришнинг қисқартирилган икки ҳафталик муддатини назарда тутади, чунки ҳакиқатда на қарздор ва на унинг мол-мулки мавжуд эмас.

Ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўришнинг кейинги ўзига хос хусусияти ҳозир бўлмаган қарздорга нисбатан кузатув таомили жорий этилмайди, суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари қўлланилмайди, чунки қарздорнинг ўзи йўқлиги боис бунга зарурият йўқ.

Хўжалик суди томонидан ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг, қарор суд томонидан суд ҳужжати олинган кундан бир ҳафталик муддат ичида тугатиш бошқарувчилигига номзод кўрсатиши керак бўлган банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига юборилади. Шу ўринда, қарздорнинг устав фондида давлатнинг улуши бор ёки йўқлиги аҳамиятга эга эмас. Ҳозир бўлмаган қарздорнинг тугатиш бошқарувчисини тайинлаш банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан кўрсатилган номзодлар орасидан амалга оширилади. Бироқ аризачи суд бошқарувчиси номзодини ўзи ҳам кўрсатиши мумкин.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилмаган бўлса ҳам тугатиш бошқарувчиси қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги маълумотларни Қонуннинг 127-моддасига мувофиқ эълон қилади. Эълон қилиш чоғида тугатиш бошқарувчиси ҳозир бўлмаган қарздорнинг ўзи аниқлаган барча кредиторларини ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади. Кўрсатилган кредиторлар бу хабарни олган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида ўз талабларини тақдим этишлари мумкин.

Ҳозир бўлмаган қарздор кредиторлари талабларини қаноатлантириш навбати, ҳажми ва тартиби Қонуннинг 134–138-моддалари билан (юридик шахсга нисбатан) ҳамда 183-моддасида (ЯТТга нисбатан) белгиланган. Ҳозир бўлмаган қарздор кредиторлари талабларининг ҳажмини белгилаш Қонуннинг 99-моддасида назарда тутилган умумий тартибларда амалга оширилади.

Тугатиш бошқарувчиси тугатишга доир иш юритиш натижалари тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш учун кредиторлар йиғилишини чақиришга ҳақли. Тугатишга доир иш юритиш таомилини якунлаш Қонуннинг 144-моддасида назарда тутилган умумий талабларга риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги кўрсатилади.

Агар тугатиш бошқарувчиси тугатишга доир ишни юритаётганда ҳозир бўлмаган қарздорнинг мол-мулкини аниқласа, унда у судга банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ва банкротликнинг умумий таомилларига ўтиш тўғрисида илтимос қилишга ҳақли бўлади. Шарҳланаётган қисмда қарздор раҳбарининг эмас, балки айнан қарздорнинг мол-мулкини аниқланиши кўрсатилади.

Илтимосномани кўриш натижаларига кўра хўжалик суди судга шикоят келтириш мумкин бўлмаган банкротликнинг умумий таомилларига ўтиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Мазкур модда шарҳига қуйидаги ҳужжатлар намуналари илова қилинган:

– банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ҳамда банкротликнинг умумий таомилларига ўтиш тўғрисидаги тугатиш бошқарувчисининг илтимосномаси (қ а р а н г : 412-бет);

– тугатиш бошқарувчисининг кредиторларга ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги хабарномаси (қ а р а н г : 527-бет).

– ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ва тугаишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарори (қаранг: 790 -бет);

– банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ва умумий таомилга ўтиш тўғрисидаги суд ажрими (қ а р а н г : 793-бет);

XII БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

190-*модда*. Банкротликка олиб келган ғайриқонуний ҳаракатлар

Банкротликка олиб келган ғайриқонуний ҳаракатларга қуйидагилар ҳам киради:

– қарздор мол-мулкининг ёки мажбуриятларининг ҳаммасини ёхуд бир қисмини яшириш;

– қарздорнинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳисобга олишга оид ҳар қандай ҳужжатини яшириш, йўқ қилиш, бузиб кўрсатиш, сохталаштириш;

– мол-мулкни (шу жумладан, пул маблағларини) яшириш мақсадида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга бериб юбориш;

– бухгалтерия ҳужжатларига зарур ёзувларни киритмаслик;

– қарздорнинг кредитга олинган ва ҳақи тўланмаган мол-мулкининг ҳаммасини ёки бир қисмини сотиш, йўқ қилиш, гаров сифатида қўйиш;

– мансабдор шахсларнинг ёки қарздор мол-мулки эгасининг шахсий манфаатларини ёхуд учинчи шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қарздорнинг тўловга қобилиятсизлигини ошириш;

– айланма маблағларни қайтармай бошқа мақсадларга ишлатиш;

– кредиторларга зарар етказиш мақсадини кўзлаган ҳолда қасддан банкротликка олиб келиш;

– кредиторнинг талабларини бошқа кредиторларнинг зарар кўриши ҳисобига афзалроқ қондириш, шундай қондиришга розилик бериш;

– қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар.

Мазкур модда «банкротликка олиб келган ғайриқонуний ҳаракатлар»– тушунчасини аниқлайди ва Қонун ғайриқонуний ҳаракатларга киритган ҳаракатлар рўйхатини келтиради.

191-*модда*. Низоларни ҳал қилиш

Банкротлик жараёнида юзага келган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Мазкур модда банкротлик таомилида юзага келган низоларни ҳал этиш тўғрисидаги ҳаволаки нормадан иборат. Банкротлик таомилида юзага келган низолар қоидага кўра хўжалик судлари томонидан ХПК ва Қонунда назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

192-модда. Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Шарҳланаётган модда банкротлик тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги ҳаволаки нормадан иборат. Шуни айтиб ўтиш керакки, нафақат Қонуннинг нормаларини, балки барча банкротлик тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар комплексини (массивини) бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик, жумладан, жиноий, маъмурий, фуқаролик, интизомий кўринишдаги жавобгарлик вужудга келишини назарда тутади.

Хўжалик суди Қонуннинг 79-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар ёки санация қилувчи бошқарувчининг, суд санацияси режасини қарздор раҳбар томонидан бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ҳақидаги ёки қарздорнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган илтимосномаси асосида қарздор раҳбарини ўз вазифаларини бажаришдан четлаштириш кўринишидаги интизомий жавобгарлик чорасини қўллашга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 215[1]- моддасига ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси биринчи қисмига мувофиқ хўжалик суди маъмурий чора сифатида жарима қўллаши мумкин. Ушбу моддага асосан корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни мансабдор шахслар томонидан банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органларига тақдим этмаслик ёки вақтида тақдим этмаслик учун энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу ишларни кўриб чиқиш Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларига тааллуқлидир. Ушбу органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўллашга қуйидагилар ҳақлидир: Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари – энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари – энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда жарима солишга;

фуқаролик жавобгарлиги масаласига келсак, Қонуннинг 9-моддаси қарздор раҳбари ва тугатиш комиссияси (тугатувчи) жавобгарлигини белгилайди. Умумий қоидага кўра, суд бошқарувчиси ҳам ўз ҳаракатлари билан

кредитор ва қарздорга етказилган зарарни қоплаш бўйича жавобгарликка тортилади (*Қонуннинг 21-моддаси*).

Жиноят қонунчилиги соҳасида банкротлик тўғрисидаги нормани бузганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 180–181-моддаларида назарда тутилган.

ЖКнинг 180-моддаси сохта банкротлик, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади, деб белгилайди. Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. Аммо амалиётда ЖКнинг ушбу нормаси қўлланилмайди, чунки 2003 йил 24 апрелдаги янги таҳрирдаги Қонунга кўра Қонундаги қарздор ихтиёрий банкрот деб эълон қилишни назарда тутувчи боби чиқариб ташланди.

Шунга боғлиқ ҳолда қарздор раҳбари – юридик шахс, қарздор – жисмоний шахс қарздорнинг банкротлиги ва ихтиёрий тугатиш тўғрисида эълонни нашрда чоп эттириш ҳуқуқига эга эмас.

ЖКнинг 181-моддасида банкротлик аломатларини яшириш учун жавобгарлик белгиланган, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерлик ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодирлигини йўқотганлиги ёки иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда қасддан яшириши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ундириш ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари белгиланган. Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги 1938-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига асосан хўжалик судлар пул маблағлари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланмаслик, тўлов интизомини бузганлик, шартнома мажбуриятларини бажармаслик ва корхоналарни банкротлик даражасигача олиб келганлик учун хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини ва бошқа ходимларини эгаллаб турган лавозимидан озод этишга қадар бўлган интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли органларга тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эга.

2-бўлим. СУДДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН СУД ВА СУД БОШҚАРУВЧИСИГА ТАҚДИМ ҚИЛИНАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР НАМУНАЛАРИ

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Қонуннинг 7-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси

Н. вилояти хўжалик суди

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Ариза берувчи: «Х» Хусусий корхонаси
Манзил: Н. вилояти, Н. тумани,
Баҳор қишлоғи, А.Қодирий кўчаси, 2-уй

АРИЗА

(Банкрот деб топиш тўғрисида)

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Усмонов Бобур Содирович томонидан 2006 йилда «Х» номидаги хусусий корхона (бундан буён – ХК) ташкил этилган ва Н. тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекциясида рўйхатдан ўтказилган.

ХКнинг асосий фаолият тури савдо-воситачилик фаолияти ҳисобланади ва ХК ташкил этилган вақтдан бошлаб фақат ушбу фаолият турини амалга ошириб келган.

2008 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра ХК тан олган кредиторлар томонидан талаб қилинадиган жами қарз миқдори 52 млн сўмни, мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик эса 16 млн сўмни ташкил қилади. Бундан ташқари, ХКнинг 2,8 млн сўм миқдоридаги иш ҳақи бўйича ҳам қарзи мавжуд.

ХКнинг ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарни қоплаш бўйича ҳамда муаллифлик ҳуқуқи шартномасига биноан тўланиши лозим бўлган мукофотлар бўйича қарздорлиги мавжуд эмас.

2008 йил 5 январда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича, 2008 йил 15 январда мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларни бажариш муддати келади, кредитор-

лар талаблари бўйича мажбуриятларни бажариш муддати эса 2007 йилнинг ноябрь–декабрь ойларида бошланган.

ХКнинг активлари миқдори 23 млн сўм бўлиб, улар қуйидагилардан ташкил топган:

– асосий воситалар (оргтехника, офис мебели), қолдиқ қиймати 16 млн сўм;

– кам қийматли мол-мулк (инвентарлар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар) қиймати 1,7 млн сўм;

– 5,3 млн сўм миқдоридаги дебиторлик қарзлари.

Тақдим қилинаётган банк маълумотномаси ХКнинг банкдаги ҳисобрақамида пул воситалари мавжуд эмаслигини тасдиқлайди.

Айланма маблағларнинг йўқлиги натижасида, ХК 2007 йилнинг ноябридан бошлаб низомда белгиланган фаолият тури (савдо) билан шуғулланмаган. ХКнинг 2007 йилги молиявий фаолияти зарарли бўлиб, ушбу молиявий йил 31 млн сўм миқдоридаги зарар билан якунланган.

ХК молиявий-хўжалик фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатдики, корхона «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида белгиланган муддатда, яъни юқоридаги ҳолатда ушбу муддат 2008 йил февраль бўлиб, тўлов қобилиятига эга эмас. ХК мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларни бажаришга ҳамда пул мажбуриятларини қондиришга қодир эмас.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан буён – Қонун) 7-моддаси 1-қисмига асосан, қарздор, агар ушбу Қонуннинг 4-моддасида белгиланган муддатда унинг пул мажбуриятларини қондиришга ва мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

Ушбу Қонуннинг 2-қисмида агар Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарздор-юридик шахс қарздор мол-мулкининг эгаси ёки муассисларнинг қарори ёхуд қарздор мол-мулкининг эгаси томонидан вакил қилинган органнинг қарори асосида ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиши назарда тутилган.

Қарздор мол-мулкининг эгаси томонидан юқоридаги ҳолатлар инобатга олиниб, 2008 йил 15 январда ХКни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда ЎзР ХПКнинг 1-моддаси ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4, 5, 6, 7, 124-моддаларига асосан сиздан:

– ушбу аризани иш юритишга қабул қилиш ва «Х» ХКни банкрот деб топиш тўғрисида иш қўзғатишни;

– ХКни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўрайман.

ХКнинг «Х банки» АТБ Н филиалида № 01022034560798987601 ҳисоб рақами мавжуд.

Банкнинг манзили: Н. вилояти, Н. тумани, Баҳор қишлоғи, Навбаҳор кўчаси, 10-уй.

Илова:

1. ХКнинг Низоми (нусха).
2. ХК давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (нусха).
3. Кредитор ва дебиторларнинг уларнинг почта адреси ва кредиторлик ва дебиторлик қарзлари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати.
4. 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра бухгалтерия баланси.
5. ХКни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги қарздор мол-мулки эгасининг қарори.
6. ХК мол-мулки эгаси ва кредиторга ариза нусхаси юборилганлиги тўғрисидаги ҳужжат.
7. Суд харажатлари тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат (давлат божи ва почта харажатлари).

ХК директори _____

Қонуннинг 8-моддаси шарҳига иловалар*

Илова № 1

Бир ёки бир неча кредиторларнинг талабларини қондириш қарздорнинг бошқа кредиторлар олдидаги пул мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажаришини имконсиз ҳолга келтириши асоси бўйича қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти хўжалик суди

Ариза берувчи: «Х» Хусусий корхонаси
Манзил: Н. вилояти, Н. тумани,
Баҳор қишлоғи, А.Қодирий кўчаси, 2-уй

АРИЗА

(Банкрот деб топиш тўғрисида)

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Усмонов Бобур Содирович томонидан 2006 йилда «Х» номидаги хусусий корхона (бундан буён – ХК) ташкил этилган ва Н. тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекциясида рўйхатдан ўтказилган.

ХКнинг асосий фаолият тури савдо-воситачилик фаолияти ҳисобланади ва ХК ташкил этилган вақтдан бошлаб фақат ушбу фаолият турини амалга ошириб келган.

2008 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ХКнинг пул мажбуриятлари умумий қиймати 94 млн сўм бўлиб, шундан 60 млн сўм миқдоридаги қисми 1 февралда тўланиши лозим. Қолган пул мажбуриятлари суммаси 15 мартда тўланиши лозим.

ХКнинг мажбурий тўловлар бўйича, ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарни қоплаш бўйича ҳамда муаллифлик ҳуқуқи шартномасига биноан тўланиши лозим бўлган мукофотлар бўйича қарздорлиги мавжуд эмас.

ХКнинг активлари миқдори 66,7 млн сўм бўлиб, улар қуйидагилардан ташкил топган:

– асосий воситалар (ташкилий техника, офис мебели), қолдиқ қиймати 1,6 млн сўм;

– кам қийматли мол-мулк (инвентарлар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар), қиймати 0,6 млн сўм;

---

* Қарздорнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ қарздорни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бўлган қарздор юридик шахс органи томонидан қарздорнинг аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарори асосидаги қарздорнинг аризаси Қонуннинг 7-моддасига илова сифатида келтирилган.

– банк ҳисоб рақамидаги пул воситалари 61,5 млн сўм;

– 3,0 млн сўм миқдоридаги дебиторлик қарзлари.

ХК томонидан муддати 2008 йилнинг 1 февралида келадиган 60 млн сўм миқдоридаги пул мажбуриятининг бажарилиши қарздорнинг бошқа кредиторлари олдидаги пул мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда амалга ошира олмаслик ҳолатини келтириб чиқаради.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси биринчи қисмига асосан, бир ёки бир нечта кредиторлар талабларининг қондирилиши, қарздорнинг бошқа кредиторлари олдидаги пул мажбуриятларини ва мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажаришини имконсиз қилиб қўйишга олиб келадиган бўлса, қарздорнинг вакили, якка тартибдаги тадбиркор бўлган қарздор ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиши шарт.

Юқоридагиларга кўра ҳамда ЎзР ХПКнинг 1-моддаси ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4, 5, 6, 8, 124-моддаларига асосан:

– ушбу аризани иш юритишга қабул қилиш ва «Х» ХКни банкрот деб топиш тўғрисида иш қўзғатишни;

– ХКни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўрайман.

ХКнинг «Х банки» АТБ Н филиалида № 01022034560798987601 ҳисоб рақами мавжуд.

Банкнинг манзили: Н. вилояти, Н. тумани, Баҳор қишлоғи, Навбаҳор кўчаси, 10-уй.

Илова:

1. ХКнинг Низоми (нусха).
2. ХК давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (нусха).
3. Кредитор ва дебиторларнинг уларнинг почта адреси ва кредиторлик ва дебиторлик қарзлари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати.
4. 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра бухгалтерия баланси;
5. ХК мол-мулки эгаси ва кредиторга ариза нусхаси юборилганлиги тўғрисидаги ҳужжат.
6. Суд харажатлари тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат (давлат божи ва почта харажатлари).

ХК директори _____

Илова № 2

Қарздор унитар корхона мол-мулкининг эгаси ваколат берган орган томонидан қабул қилинган қарздорнинг аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарор асосида қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси.

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти хўжалик суди

Ариза берувчи: «Х» унитар корхонаси
Манзил: Н. вилояти, Н. тумани,
Баҳор қишлоғи, А. Қодирий кўчаси, 2-уй

АРИЗА

(Банкрот деб топиш тўғрисида)

«М–Инвест» ОАЖ кузатув кенгашининг 2006 йил 1 февралдаги қарори билан «Х» Унитар корхонаси (бундан буён – УК) ташкил этилган ва УК Н. тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтказилган.

УКнинг асосий фаолият тури савдо-воситачилик фаолияти ҳисобланади ва УК ташкил этилган вақтдан бошлаб фақат ушбу фаолият турини амалга ошириб келган.

2008 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра УК тан олган кредиторлар томонидан талаб қилинадиган жами пул миқдори 52 млн сўмни, мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик эса 16 млн сўмни ташкил қилади. Бундан ташқари, УКнинг 2,8 млн сўм миқдоридаги иш ҳақи бўйича қарздорлиги мавжуд.

УКнинг ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарни қоплаш бўйича ҳамда муаллифлик ҳуқуқи шартномасига биноан тўланиши лозим бўлган мукофотлар бўйича қарздорлиги мавжуд эмас.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича мажбуриятни бажариш муддати 2008 йил 5 январда, мажбурий тўловлар бўйича 2008 йил 15 январда бошланса, қолган кредиторлар талаблари бўйича мажбуриятларни бажариш муддати 2007 йилнинг ноябрь–декабрь ойларида бошланган.

УКнинг активлари миқдори 23 млн сўм бўлиб, улар қуйидагилардан ташкил топган:

– асосий воситалар (ташкилий техника, офис мебели), қолдиқ қиймати 16 млн сўм;

– кам қийматли мол-мулк (инвентарлар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар), қиймати 1,7 млн сўм;

– 5,3 млн сўм миқдоридаги дебиторлик қарзлари.

Тақдим қилинаётган банк маълумотномаси УКнинг банкдаги ҳисоб-рақамида пул воситалари мавжуд эмаслигини тасдиқлайди.

Айланма маблағларнинг йўқлиги натижасида, УК 2007 йилнинг ноябридан бошлаб низомда белгиланган фаолият тури (савдо) билан шуғулланмаган. УКнинг 2007 йилги молиявий фаолияти зарарли кўрсаткичларни ифодалаган ва ушбу молиявий йил 31 млн сўм миқдоридаги зарар билан якунланган.

УК молиявий-хўжалик фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатдики, корхона «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида белгиланган муддатда, яъни юқоридаги ҳолатда ушбу муддат 2008 йил февраль ойи бўлиб, тўлов қобилиятига эга эмас. УК пул мажбуриятларини қондиришга ва мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларни бажаришга ҳам қодир эмас.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 8-модда биринчи қисмига асосан, қарздор раҳбари, қарздор – якка тартибдаги тадбиркор қарздор – унитар корхона мол-мулкининг мулкдори томонидан ваколат берилган органи томонидан қарздор ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолатларда қарздор ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиши шарт.

«М–Инвест» ОАЖ кузатув кенгашининг 2008 йил 15 январдаги йиғилишида УКнинг ҳозирги молиявий ҳолати эътиборга олиниб, УКни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда ЎзР ХПКнинг 1-моддаси ва «Банкротлик тўғрисида»ги

Қонуннинг 4, 5, 6, 7, 124-моддаларига асосан Сиздан:

– ушбу аризани иш юритишга қабул қилиш ва «Х» УКни банкрот деб топиш тўғрисида иш қўзғатишни;

– УКни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўрайман.

УКнинг «Халқ банки» АТБ Н филиалида № 01022034560798987601 ҳисоб рақами мавжуд.

Банкнинг манзили: Н. вилояти, Н. тумани, Баҳор қишлоғи, Навбаҳор кўчаси, 10-уй.

Илова:

1. УКнинг Низоми (нусха);
2. УК давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (нусха);
3. Кредитор ва дебиторларнинг почта манзили ва кредиторлик ва дебиторлик қарзлари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;
4. 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра бухгалтерия баланси;
5. «М Инвест» ОАЖ кузатув кенгашининг УКни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақида қарори;
6. УК мол-мулки эгаси ва кредиторга ариза нусхаси юборилганлиги тўғрисидаги ҳужжат;
7. Суд харажатлари тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат (давлат божи ва почта харажатлари).

УК директори _____

Илова № 3

Ундирув қарздорнинг мол-мулкига қаратилганда, бундай ундирув қарздорнинг хўжалик фаолиятини имконсиз қилиб қўяди, деб ҳисоблашга асослар бўлган ҳолатдаги қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти хўжалик суди

Ариза берувчи: «Х» хусусий корхонаси
Манзил: Н. вилояти, Н. тумани,
Баҳор қишлоғи, А. Қодирий кўчаси, 2-уй.

АРИЗА

(Банкрот деб топиш тўғрисида)

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Усмонов Бобур Содирович томонидан 2006 йилда «Х» номидаги Хусусий корхона (бундан буён – ХК) ташкил этилган ва Н. тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекциясида рўйхатдан ўтказилган.

ХКнинг асосий фаолият тури бир марта қўлланиладиган пластмасса идишларни ишлаб чиқариш ҳисобланади ва ХК ташкил этилган вақтдан бошлаб фақат ушбу фаолият турини амалга ошириб келган.

2008 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра ХК тан олган кредиторлар томонидан талаб қилинадиган жами пул миқдори 52 млн сўмни, мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик эса 36 млн сўмни ташкил қилади. Бундан ташқари, ХКнинг 2,8 млн сўм миқдоридаги иш ҳақи бўйича қарздорлиги мавжуд.

ХКнинг ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарни қоплаш бўйича ҳамда муаллифлик ҳуқуқи шартномасига биноан тўланиши лозим бўлган мукофотлар бўйича қарздорлиги мавжуд эмас.

ХКнинг активлари миқдори 17,7 млн сўм бўлиб, улар қуйидагилардан ташкил топган:

– асосий воситалар (оргтехника, пластмасса идишларни ишлаб чиқариш бўйича

техника, қолдиқ қиймати 16 млн сўм;

– кичик қийматли мол-мулк (инвентарлар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар), қиймати 0,6 млн сўм;

– 1,1 млн сўм миқдоридаги дебиторлик қарзлари.

Н. вилояти хўжалик судининг 2007 йил 26 декабрдаги Қарорига асосан, Н. тумани давлат солиқ инспекциясининг даъво талаби қаноатлантирилди ва 36 млн сўм миқдоридаги мажбурий тўловлар бўйича қарзларни ХКнинг мол-мулкидан ундириш белгиланди. Ушбу суд қарори 2008 йил 27 январда кучга киради ва хўжалик суди томонидан берилган ижро қоғози асосида суд ижро-

чилари ундирувни ХКнинг мол-мулкига, шунингдек, пластмасса идишларни ишлаб чиқариш бўйича техникага қаратади.

Ундирувни юқорида кўрсатилган техникага қаратиш ХКнинг келгусида ўз хўжалик фаолиятини амалга ошира олмаслик ҳолатини келтириб чиқаради.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси 1-қисмига асосан, ундирув қарздорнинг мол-мулкига қаратилганда бундай ундирув қарздорнинг хўжалик фаолиятини имконсиз қилиб қўяди деб ҳисоблашга асослар бўлса, қарздорнинг раҳбари, якка тартибдаги тадбиркор бўлган қарздор ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиши шарт.

Юқоридагиларга кўра ҳамда ЎзР ХПКнинг 1-моддаси ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4, 5, 6, 8, 124-моддаларига асосан:

– ушбу аризани иш юритишга қабул қилиш ва «Х» ХКни банкрот деб топиш тўғрисида иш қўзғатишни;

– ХКни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўрайман.

ХКнинг «Х банки» Н филиалида № 01022034560798987601 рақамли ҳисоб рақами мавжуд.

Банкнинг манзили: Н. вилояти, Н. тумани, Баҳор қишлоғи, Навбаҳор кўчаси, 10-уй.

Илова:

1. ХКнинг Низоми (нусха);
2. ХК давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (нусха);
3. Кредитор ва дебиторларнинг уларнинг почта адреси ва кредиторлик ва дебиторлик қарзлари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;
4. 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра бухгалтерия баланси;
5. Хўжалик судининг 2007 йил 26 декабрдаги Қарори нусхаси.
6. ХК мол-мулки эгаси ва кредиторга ариза нусхаси юборилганлиги тўғрисидаги ҳужжат.
7. Суд харажатлари тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат (давлат божи ва почта харажатлари).

ХК директори _____

Илова № 4

Юридик шахс тугатилаётганда кредиторларнинг талабларини тўлиқ ҳажмда қондириш имконсизлиги аниқланганлиги сабабли тугатиш комиссияси (тугатувчи) нинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти хўжалик суди

Ариза берувчи: «Х» хусусий корхонаси
Манзил: Н. вилояти, Н. тумани,
Баҳор қишлоғи, А. Қодирий кўчаси, 2-уй.

АРИЗА

(Банкрот деб топиш тўғрисида)

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Усмонов Бобур Содирович томонидан 2006 йилда«Х» номидаги Хусусий корхона (бундан буён – ХК) ташкил этилган ва Н. тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекциясида рўйхатдан ўтказилган.

ХКнинг асосий фаолият тури бир марта қўлланиладиган пластмасса идишларни ишлаб чиқариш ҳисобланади ва ХК ташкил этилган вақтдан бошлаб фақат ушбу фаолият турини амалга ошириб келган.

Қарздор мол-мулкининг эгаси томонидан 2008 йил 15 январда ХКни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган ва тугатиш комиссияси тузилган.

Тугатиш жараёнининг бориши тўғрисида ОАВда эълон берилган, кредиторлар ва дебиторлар реестри тузилган, мол-мулк инвентаризацияси ўтказилган. Қонунчилик талабларига мувофиқ, тугатиш комиссияси оралиқ даврдаги тугатиш балансини тузган. Ушбу баланс қарздор мол-мулкининг эгаси томонидан қуйидагиларга асосан тасдиқланган:

– кредиторлик қарзларининг умумий миқдори 52 млн сўмни ташкил қилади, шунингдек, мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик – 16 млн сўм, иш ҳақи бўйича қарздорлик 2,8 млн сўм;

– дебиторлик қарзларининг умумий миқдори 5,3 млн сўмни ташкил қилади;

– ХКнинг мол-мулки асосий воситалар (оргтехника, офис мебели), қолдиқ қиймати 16 млн сўм ва кам қийматли мол-мулклардан (инвентарлар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар), қиймати 1,7 млн сўмдан иборат;

– банкдаги тугатиш ҳисоб-рақамидаги пул воситаларининг умумий миқдори 3,7 млн сўмни ташкил этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулосага келиндики, мол-

мулкнинг олди-сотдисидан йиғилган пул барча кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли эмас.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси иккинчи қисмига асосан, тугатиш комиссияси (тугатувчи), агар юридик шахс тугатилаётганда кредиторларнинг талабларини тўлиқ ҳажмда қондириш имконсизлиги аниқланган бўлса, қарздорнинг аризаси билан хўжалик судига мурожаат этиши шарт.

Юқоридагиларга ҳамда ЎзР ХПКнинг 1-моддаси ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4, 5, 6, 8, 124-моддаларига асосан:

– ушбу аризани иш юритишга қабул қилиш ва «Х» ХКни банкрот деб топиш тўғрисида иш қўзғатишни;

– ХКни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўрайман.

ХКнинг «Х банки» АТБ Н филиалида №01022034560798987601 рақамли тугатиш ҳисоб-рақами мавжуд.

Банкнинг манзили: Н. вилояти, Н. тумани, Баҳор қишлоғи, Навбаҳор кўчаси, 10-уй.

Илова:

1. ХКнинг Низоми (нусха);
2. ХК давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (нусха);
3. Кредитор ва дебиторларнинг почта адреси, кредиторлик ва дебиторлик қарзлари кўрсатилган рўйхат.
4. 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра бухгалтерия баланси.
5. Оралиқ даврдаги тугатиш баланси.
6. Қарздор мол-мулки эгасининг ХКни тугатиш тўғрисидаги қарори.
7. ХК мол-мулки эгаси ва кредиторга ариза нусхаси юборилганлиги тўғрисидаги ҳужжат.
8. Суд харажатлари тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат (давлат божи ва почта харажатлари).

Тугатиш комиссияси
раиси _____

Қонуннинг 12-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Кредиторлар йиғилишини чақириш тўғрисидаги кредиторлар қўмитасининг талаби

бурчак штампи *чиқ.№___/ сана*

«ХХХ» МЧЖ ҚКнинг
суд бошқарувчиси
С.А. Қаршибоевга

_____-сонли иш бўйича

Н. вилояти хўжалик судининг 2005 йил 12 декабрдаги қарорига асосан «ХХХ» МЧЖ ҚК банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган.

«ХХХ» МЧЖ ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганлигига олти ойдан кўпроқ вақт бўлди ва шу даврга қадар суд бошқарувчиси томонидан кредиторларга тугатиш жараёни тўғрисида ахборот берилмаган. Шунинг учун кредиторлар қарздор мол-мулки, қарздорнинг учинчи шахслар олдидаги мулкий ҳуқуқи (талаб) ва мажбуриятлари ҳақида маълумотга эга эмас.

2006 йил 1 июлда ўтказилган кредиторлар қўмитасининг мажлиси қарздорликни тугатиш режасининг бажарилиши тўғрисида ва тугатишга доир иш юритиш давридаги бажарилган ишлар тўғрисида суд бошқарувчисининг ҳисоботини кўриб чиқиш мақсадида кредиторлар йиғилишини чақириш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилган.

Юқоридагиларга ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига асосан, «ХХХ» МЧЖ ҚКнинг кредиторлар қўмитаси сиздан кун тартибидаги масала: «Тугатишга доир иш юритишнинг бориши тўғрисида «ХХХ МЧЖ ҚК суд бошқарувчисининг ҳисоботи» бўлган кредиторлар йиғилишини чақиришни ва ушбу талабнома олинган кундан бошлаб 30 кун ичида ушбу йиғилишни ўтказишни сўрайди.

Илова:

2006 йил 1 июлдаги кредиторлар қўмитаси мажлисининг № 2 баённомаси.

Кредиторлар қўмитаси
раиси _____

Илова № 2

Кредиторлар йиғилишини чақириш тўғрисида кредиторнинг талаби

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

«ХХХ» МЧЖ ҚКнинг
тугатиш бошқарувчиси
С.А. Қаршибоевга

Ариза берувчи: «Х» Хусусий корхонаси
Манзил: Н. вилояти, Н. тумани,
Баҳор қишлоғи, А. Қодирий кўчаси, 2-уй.

_____-сонли иш бўйича

Н. вилояти хўжалик судининг 2005 йил 12 декабрдаги қарорига асосан «ХХХ» МЧЖ ҚК банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш очилган.

«Х» Хусусий корхонаси кредитор бўлиб, у барча кредиторлар овозлари умумий сонининг 34,8%га эгалик қилади. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига асосан у кредиторлар йиғилишини чақиришни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

«ХХХ» МЧЖ ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганлигига олти ойдан кўпроқ вақт бўлди ва шу даврга қадар суд бошқарувчиси томонидан кредиторларга тугатиш жараёни тўғрисида ахборот берилмаган. Шунинг учун кредиторларда қарздор мол-мулки, қарздорнинг учинчи шахслар олдидаги мулкий ҳуқуқ(талаб)лари ва мажбуриятлари ҳақида маълумот мавжуд эмас.

Юқоридагиларга асосан, «Х» ХК сиздан кун тартибидаги масала: «Тугатиш ишининг бориши тўғрисида «ХХХ» МЧЖ ҚК суд бошқарувчисининг ҳисоботи» бўлган кредиторлар йиғилишини чақиришни ва талабнома олинган кундан бошлаб 30 кун ичида ушбу йиғилишни ўтказишни сўрайди.

ХК директори _____

Қонуннинг 13-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Кредиторлар йиғилишининг қарори устидан кредиторнинг шикояти

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти хўжалик суди

Ариза берувчи: «Х» Хусусий корхонаси
Манзил: Н. вилояти, Н. тумани,
Баҳор қишлоғи, А.Қодирий кўчаси, 2-уй.

_____-сонли иш бўйича

ШИКОЯТ

(«ХХХ» МЧЖ ҚК кредиторлар йиғилишининг қарори устидан)

Н. вилояти хўжалик судининг 2005 йил 12 декабрдаги қарорига асосан «ХХХ» МЧЖ ҚК банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш очилган.

«Х» Хусусий корхонаси кредитор бўлиб, у барча кредиторлар овозлари умумий сонининг 7,8 %га эгалик қилади.

Тугатишга доир ишларни амалга ошириш жараёнида мол-мулк инвентаризацияси ва баҳолаш амалга оширилган. Мол-мулкнинг бозор қиймати 2928826607 сўмни, тугатиш қиймати – 2196621455 сўмни ташкил этган. 2006 йил 21 июлда ўтказилган кредиторларнинг умумий йиғилишида қарздор мол-мулкининг савдодаги бошланғич нархи 2928828607 сўм миқдорида белгиланган ва ушбу нархда савдога қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Кредиторлар йиғилишининг қарори асосида 2006 йилнинг 5, 12, 19, 26 сентябрь кунларида аукцион савдолари ўтказилиши тўғрисида «Халқ сўзи» газетаси (03.08.2006 йил 149-сон) да эълон берилган. Аммо 2006 йилнинг 5 ва 12 сентябрь кунлари ўтказилган аукцион савдоларида қарздор мол-мулки сотилмади ва тугатиш бошқарувчиси томонидан савдо ташкилотига қарздорнинг мол-мулкини савдодан олиш тўғрисидаги хат берилган. Суд бошқарувчисининг ташаббуси билан 2006 йил 18 сентябрда кредиторларнинг йиғилиши чақирилган ва ушбу йиғилишда кўпчилик овоз билан қарздорнинг мол-мулкини тугатиш қиймати бўйича, яъни 2196621455 сўм билан кимошди савдосига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Кредиторларнинг ушбу йиғилишида қатнашган «Х» Хусусий корхонасининг вакили қарздорнинг мол-мулкини тугатиш қиймати бўйича савдога қўйиш тўғрисидаги қарорга қарши овоз берган. Шунингдек, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 110-моддасига мувофиқ, корхона (бизнес)нинг олди-

сотди нархи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарори билан, лекин аввалги савдо нархининг 10% дан кўп бўлмаган миқдорда камайтирилиши мумкин. Юқоридаги ҳолатда бошланғич нархни камайтириш 25% миқдорида амалга оширилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасига кўра, банкротлик тўғрисидаги ишда қатнашувчи шахслар кредиторлар йиғилишининг қарори устидан хўжалик судига шикоят қилишга ҳақли.

Юқоридагиларга ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасига биноан, «Х» Хусусий корхонаси Сиздан «ХХХ» МЧЖ ҚК кредиторлар йиғилишининг 2006 йил 18 сентябрдаги қарорини бекор қилишингизни сўрайди.

Илова:

Суд бошқарувчисига шикоят нусхаси юборилганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

ХК директори _____

Қонуннинг 14-моддаси шарҳига иловалар*

Илова № 1

Кредиторнинг талабномаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

«ХХХ» МЧЖ ҚКнинг
тугатиш бошқарувчиси
С.А. Қаршибоевга

_____-сонли иш бўйича

Н. вилояти хўжалик судининг 2005 йил 12 декабрдаги қарорига асосан «ХХХ» МЧЖ ҚК банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш очилган.

«ХХХ» МЧЖ ҚКнинг хусусий корхона олдида 5,4 млн сўм миқдоридаги пул мажбурияти мавжуд. Ушбу пул мажбурияти 2005 йил 27 сентябрдаги 24/1-сонли олди-сотди шартномаси бўйича олинган товар қийматининг қарздор томонидан тўлиқ ҳажмда тўламаганлиги сабабидан юзага келган.

Юқоридагиларга асосан, «Х» ХК Сиздан хусусий корхонани «ХХХ» МЧЖ ҚКнинг кредиторлар талаблари реестрига талаб қилиш суммаси 5,4 млн сўм бўлган миқдорда ва талабни тўртинчи ўринда қондириш шарти билан кредитор сифатида киритишингизни сўрайди.

Кредитор тўғрисидаги маълумотлар:

Номи: «Х» Хусусий корхонаси.

Жойлашган жойи (почта манзили): Н. вилояти, Н. тумани, Баҳор қишлоғи, А. Қодирий кўчаси, 2-уй

Банкдаги ҳисоб-рақами: 01022034560798987601 «Х–банк» АТБнинг Н. филиали.

Банкнинг манзили: Н. вилояти, Н. тумани, Баҳор қишлоғи, Навбаҳор кўчаси, 10-уй.

Илова:

1. 27.09.2005 йилдаги 24/1-сонли олди-сотди шартномаси нусхаси.
2. 30.09.2005 йилдаги 1/06-сонли счёт-фактура нусхаси.
3. «ХХХ» МЧЖ ҚКнинг вакилига товар олиш учун берилган ишончнома нусхаси.

ХК Директори _____

* Кредиторлар талаблари реестрини тузиш жараёнида юзага келадиган зиддиятлар билан боғлиқ ҳужжатлар намуналари Қонуннинг 59-моддаси шарҳига иловаларда келтирилган.

Илова № 2

Ўзи тўғрисидаги маълумотлар ўзгарганлиги ҳақида кредитор ахбороти

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

«ХХХ» МЧЖ ҚКнинг
тугатиш бошқарувчиси
С.А. Қаршибоевга

_____-сонли иш бўйича

Н. вилояти хўжалик судининг 2005 йил 12 декабрдаги қарорига асосан «ХХХ» МЧЖ ҚК банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш очилган.

Хусусий корхона томонидан Сизга 2006 йил 18 январда хусусий корхонани «ХХХ» МЧЖ ҚКнинг кредиторлар талаблари реестрига талаб қилиш суммаси 5,4 млн сўм бўлган миқдорда ва талабни тўртинчи ўринда қондириш шарти билан кредитор сифатида киритиш тўғрисидаги талабнома юборилган.

Ушбу талабномада кредитор тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, банкда мавжуд ҳисоб рақами ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган.

Ҳозирда «Х» ХК ўзига хизмат кўрсатувчи банкни ўзгартирди ва ўз навбатида ХКнинг банкдаги ҳисоб рақами ҳам ўзгарди. Шунга биноан сизга янги банк реквизитларини маълум қиламиз.

Банк ҳисоб рақами: № 01020105569998787401 «Х–Инвестбанк» АТБнинг Н филиали.

Банк манзили: Н. вилояти, Н. шаҳри, Баҳор кўчаси, 19-уй.

ХК директори _____

Илова № 3

Кредиторлар талаблари реестридан кўчирма бериш тўғрисидаги кредиторнинг талабномаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

«ХХХ» МЧЖ ҚКнинг
тугатиш бошқарувчиси
С.А. Қаршибоевга

_____-сонли иш бўйича

Н. вилояти хўжалик судининг 2005 йил 12 декабрдаги қарорига асосан «ХХХ» МЧЖ ҚК банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Хусусий корхона томонидан сизга 2006 йил 18 январда хусусий корхонани «ХХХ» МЧЖ ҚКнинг кредиторлар талаблари реестрига талаб қилиш суммаси 5,4 млн сўм бўлган миқдорда ва талабни тўртинчи навбатда қондириш шарти билан кредитор сифатида киритиш тўғрисидаги талабнома юборилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига асосан, Суд бошқарувчиси кредитор ёки унинг вакили талаби билан мазкур кредиторга ёки унинг вакилига талаблари қондирилишининг миқдори, таркиби ва навбати тўғрисида бундай талаб олинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида кредиторларнинг талаблари реестридан кўчирма юбориши шарт.

Юқоридаларга биноан, «Х» ХК Сиздан кредиторларнинг талаблари реестридан «Х» ХКнинг талаблари тўғрисида кўчирма беришингизни сўрайди.

ХК директори _____

Қонуннинг 19-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Ўз вазифасини бажаришдан муддатидан олдин озод қилиш тўғрисидаги суд бошқарувчисининг аризаси

АРИЗА

(Ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисида)

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти хўжалик суди

_____-сонли иш бўйича

Н. вилояти хўжалик судининг 2009 йил 5 сентябрдаги ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан 18 ой муддатга ташқи бошқарув таомили жорий этилган ва ҳамда кредиторлар биринчи йиғилишининг қарорига асосан, мен, С.А.Қаршибоев, «ХХХ» МЧЖнинг суд бошқарувчиси этиб тайинландим.

Суд бошқарувчиси сифатида менинг номзодлигим тақдим этилган пайтда, қарздор мен истиқомат қиладиган шаҳарда жойлашганлиги сабабли мен бу таклифга ўз розилигимни билдирганман.

Ҳозирда мен яшаш жойимни ўзгартирдим ва қарздор жойлашган шаҳардан анча узоқда жойлашган шаҳарда истиқомат қилмоқдаман. Қарздор жойлашган шаҳаргача бориш ва у ердан қайтиш муайян вақт талаб қилади. Шунингдек, бу нарса менинг ташқи бошқарувчи сифатидаги фаолиятимга ўз таъсирини ўтказади. Шу билан бирга, қўшимча харажатларни ҳам талаб қилади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 19 ва 96-моддаларига биноан, мени «ХХХ» МЧЖнинг ташқи бошқарувчиси вазифасини бажаришдан озод қилишингизни сўрайман.

Ташқи бошқарувчи **Қаршибоев С.А.**

Қонуннинг 25-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг суд бошқарувчисини вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисида аризаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти хўжалик суди

_____-сонли иш бўйича

АРИЗА

(Суд бошқарувчисини вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисида)

Н. вилояти хўжалик судининг 2005 йил 12 декабрдаги қарорига асосан «ХХХ» МЧЖ ҚК банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган, С.А.Қаршибоев тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

«ХХХ» МЧЖ ҚКнинг устав фондида давлат улуши мавжуд бўлиб, суд бошқарувчилигига номзод банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг Н. вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим қилинган.

Суд бошқарувчисининг мажбуриятлари «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 128-моддасида белгиланган бўлиб, қарздорнинг мол-мулкини баҳолашдан ўтказишни ташкил этиш ҳамда дебиторлик қарзларини ундириш бўйича чораларни кўриш шулар жумласига киради.

Банкротлик ишлари бўйича давлат органининг Н. вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан «ХХХ» МЧЖ ҚКнинг тугатиш ишлари устидан назорат олиб бориш жараёнида, суд бошқарувчисининг тайинланганлигига тўрт ойдан ошганлигига қарамасдан, у томонидан қонунга зид равишда, қарздор мол-мулкини баҳолашни ташкиллаштирилмаганлиги ва мол-мулкини баҳолаш ўтказилмасдан очиқ кимошди савдосига қўйилганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, қарздордан қарзлари мавжуд бўлган дебиторлар сони 5 та бўлиб, уларнинг «ХХХ» МЧЖ ҚК олдидаги жами қарздорлиги 50 млн сўмни ташкил этади. Аммо суд бошқарувчиси дебиторлик қарзларини ундириш бўйича чоралар кўрмаган, яъни дебиторларга қарзларни тўлаш тўғрисидаги талабномани юбормаган ҳамда уларни ундириш бўйича судга даъво аризаларини тақдим қилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Н. вилояти ҳудудий бошқармаси белгиланган тартибда суд бошқарувчисини вазифасини бажаришдан озод

қилиш зарурлиги тўғрисида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига илтимоснома билан мурожаат қилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига асосан, банкротлик ишлари бўйича давлат органи суд бошқарувчисининг фаолиятида қонун ҳужжатлари мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузилганлиги аниқланган тақдирда уни вазифасини бажаришдан озод қилиш ҳақида хўжалик судига ариза билан мурожаат этишга ҳақли.

Юқоридагиларга биноан, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Сиздан С.А. Қаршибоевни, банкротлик тўғрисидаги қонунчиликни қўпол равишда бузганлиги муносабати билан «ХХХ» МЧЖ ҚКнинг тугатувчи бошқарувчиси вазифасини бажаришдан озод қилишингизни сўрайди.

Илова:

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасининг 02.04.2006 йилдаги 01/432-сонли илтимосномаси.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раис ўринбосари _____

Қонуннинг 26-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Банкротлик ишлари бўйича ҳудудий давлат органининг суд бошқарувчисини вазифасини бажаришдан озод этиш зарурлиги тўғрисида банкротлик ишлари бўйича давлат органига илтимосномаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси

_____-сонли иш бўйича

Н. вилояти хўжалик судининг 2005 йил 12 декабрдаги қарорига асосан «ХХХ» МЧЖ ҚК банкрот деб топилган ва тугатиш доир иш юритиш бошланган, С.А.Қаршибоев тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

«ХХХ» МЧЖ ҚКнинг устав фондида давлат улуши мавжуд ва кредиторлар йиғилишига суд бошқарувчилигига номзодни банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг Н. вилояти ҳудудий бошқармаси тақдим қилган.

Ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида суд бошқарувчиси банкротлик тўғрисидаги қонунчилик талабларига, хусусан, суд бошқарувчисининг қарздор мол-мулкини баҳолашни ўтказишни ташкил этиш ва дебиторлик қарзларини ундириш бўйича тегишли чораларни кўриши шартлиги назарда тутилган «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 128-моддасига риоя этиши шарт.

«ХХХ» МЧЖ ҚКнинг тугатиш ишлари устидан назорат олиб бориш жараёнида, суд бошқарувчиси томонидан қонунга зид равишда, қарздор мол-мулкини баҳолашни ўтказиш ташкиллаштирилмаганлиги ва мол-мулкини баҳолаш ўтказилмасдан очиқ кимошди савдосига қўйилганлиги аниқланган.

Шунингдек, суд бошқарувчиси 50 млн сўм миқдоридаги дебиторлик қарзларини ундириш бўйича чоралар кўрмаган, яъни дебиторларга қарзларни тўлаш тўғрисидаги талабномани юбормаган ҳамда уларни ундириш бўйича судга даъво аризаларини тақдим қилмаган.

Юқоридагиларга биноан, Н. вилояти ҳудудий бошқармаси сиздан С.А. Қаршибоевни, банкротлик тўғрисидаги қонунчиликни қўпол равишда бузганлиги муносабати билан «ХХХ» МЧЖ ҚКнинг тугатувчи бошқарувчиси вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилишингизни сўрайди.

Илова:

2006 йил 29 мартдаги «ХХХ» МЧЖ ҚКнинг тугатиш ишлари мониторинги далолатномаси.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни
ривожлантириш давлат қўмитасининг
Н. вилоят бошқармаси бошлиғи _____

Илова № 2.

Банкротлик ишлари бўйича ҳудудий давлат органининг хўжалик судига суд бошқарувчилигига номзод тақдимномаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти хўжалик суди

_____-сонли иш бўйича

Н. вилояти хўжалик судининг 2005 йил 12 декабрдаги қарорига асосан «ХХХ» МЧЖ ҚК банкрот деб топилган ва тугатишни доир иш юритиш бошланган.

Қарздор кредиторлар йиғилишининг қарорисиз банкрот деб топилганлиги сабабли, суд қарори билан муваққат бошқарувчига уч ҳафталик муддат ичида кредиторлар йиғилишини чақириш ва ўтказишни ташкил этиш мажбурияти юклатилди. Ушбу йиғилишда судга суд бошқарувчилигига номзодни тақдим этиш масаласи кўрилади.

Аммо суд томонидан белгиланган муддат ўтганлигига қарамасдан, шу пайтга қадар муваққат бошқарувчи томонидан кредиторлар йиғилишини чақириш ташкил этилмаган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасига асосан, банкротлик ишлари бўйича давлат органининг ҳудудий бошқармалари банкротликнинг соддалаштирилган таомиллари амалга оширилаётганда, шунингдек, устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарни тугатиш ишлари амалга оширилаётганда хўжалик суди муҳокамасига суд бошқарувчилигига номзодлар тақдим этиш ҳуқуқига эга.

«ХХХ» МЧЖ ҚКнинг устав фондида давлат улуши борлиги муносабати билан, Банкротлик ишлари бўйича давлат органи Н. вилояти ҳудудий бошқармаси Сизга «ХХХ» МЧЖнинг тугатиш бошқарувчилигига иккинчи тоифали суд бошқарувчиси аттестатига эга бўлган С.А.Қаршибоев номзодлигини тақдим этади.

Илова:

1. С.А. Қаршибоевга берилган суд бошқарувчиси аттестати нусхаси.
2. С.А.Қаршибоевнинг объективкаси.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилоят бошқармаси бошлиғи _____

III БОБ. БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ХЎЖАЛИК СУДИДА КЎРИШ

Қонуннинг 37-моддаси шарҳига иловалар

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасининг намуналари Қонуннинг 7 ва 8-моддаларига шарҳларга иловаларда берилганлиги сабабли, ушбу моддага илова берилмайди *(қаранг: Қонуннинг 7 ва 8-моддалари иловаларидаги ариза намуналари*)

Қонуннинг 39-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида кредиторнинг аризаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти хўжалик суди

Кредитор: «Z» Унитар корхонаси
Манзил: Н. вилояти, Н. тумани,
Баҳор пос, Навбаҳор кўчаси, 32

Қарздор: «X» Хусусий корхонаси
Манзил: Н. вилояти, Н. тумани,
Баҳор пос, Навбаҳор кўчаси, 32

АРИЗА

(Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида)

2005 йилнинг 23 майида «Z» унитар корхонаси ва «X» хусусий корхонаси (бундан буён – Қарздор) ўртасида 3-сонли қурилиш-пудрат шартномаси тузилган ва ушбу шартномага мувофиқ, «Z» унитар корхонаси 2005 йилнинг сентябрь–декабрь ойларида қарздорнинг объектида умумий миқдори 132 млн сўм бўлган қурилиш-монтаж ишларини амалга оширган. Бажарилган ишлар қарздор томонидан қабул қилиш далолатномасига асосан, ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилинган. Ушбу далолатнома асосида қарздорга бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳақини тўлаш учун счёт-фактура ёзиб берилган.

Қарздор томонидан олдиндан аванс сифатида 25 млн сўм ўтказилган ва кейинчалик иш бажариш жараёнида қурилиш материаллари учун 18 млн сўм берилган. Юқоридагиларни чиқариб ташлаган ҳолда, бажарилган иш учун тўлов бўйича қарздорлик 89 млн сўмни ташкил этади.

Ушбу қарздорлик қарздор томонидан 2006 йил 3 январда тузилган ўзаро ҳисоб-китоб далолатномаси билан тан олинган. Натижада 2006 йил 4 январда қарздорнинг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов учун 89 млн сўм миқдоридаги 43-сонли тўлов талабномаси тақдим қилинган. Ушбу тўлов талабномаси қарздорнинг ҳисоб рақамида пул воситалари йўқлиги сабабли, банк томонидан картотека (К-2) га жойлаштирилган ҳамда 3 ойдан кўп вақт давомида ушбу талабнома бўйича тўлов бўлмаган.

Қарздорнинг 3 ойдан ортиқ вақт давомида пул мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаганлиги ва қарздордан талаб қилинадиган қарз миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан ошганлиги муносабати билан, «Z» унитар корхонаси қарздорни иқтисодий жиҳатдан тўловга қодир эмас ҳамда қарздорда «Банкротлик тўғрисида» ги Қонуннинг 4 ва 5-моддаларида назарда тутилган банкротликнинг барча аломатлари мавжуд деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда ЎзР ХПКнинг 1-моддаси ва «Банкротлик тўғрисида»ги

Қонуннинг 4, 5, 6, 39, 124-моддаларига асосан Сиздан:

– ушбу аризани иш юритишга қабул қилиш ва «Х» ХКни банкрот деб топиш тўғрисида иш қўзғатишни;

– ХКни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўраймиз.

Илова:

1. 2005 йил 23 майдаги 3-сонли шартнома нусхаси.
2. 2005 йилнинг сентябрь–декабрь ойларида бажарилган ишларни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномалар (нусхаси).
3. Счет-фактура нусхаси.
4. 2006 йил 3 январдаги ўзаро ҳисоб-китоб далолатномаси.
5. 2006 йил 4 январдаги 43-сонли тўлов талабномаси нусхаси.
6. Қарздорга ариза нусхаси юборилганлиги тўғрисида ҳужжат.
7. Суд харажатлари тўланганлиги тўғрисида ҳужжат (давлат божи ва почта харажатлари).

«Z» УК директори _____

Қонуннинг 40-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида кредиторларнинг аризаси[*]

Н. вилояти хўжалик суди

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Кредиторлар: 1. «Z»Унитар корхонаси
Манзил: Н. вилояти, Н. тумани,
Баҳор қишлоғи, Навбаҳор кўчаси, 32-уй.

2. «ХХХ» МЧЖ
Манзил: Н. вилояти,Н шаҳри,
А.Темур кўчаси, 6-уй.

Қазрдор: «Х» Хусусий корхонаси
Манзил: Н. вилояти, Н. тумани,
Баҳор қишлоғи, А.Қодирий кўчаси, 2-уй.

АРИЗА

(Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида)

2005 йилнинг 23 майида «Z» унитар корхонаси ва «Х» хусусий корхонаси (бундан буён – қарздор) ўртасида 3-сонли қурилиш-пудрат шартномаси тузилган ва ушбу шартномага мувофиқ, «Z» унитар корхонаси 2005 йилнинг сентябрь–декабрь ойларида қарздорнинг объектида умумий миқдори 122 млн сўм бўлган қурилиш-монтаж ишларини амалга оширган. Бажарилган ишлар қарздор томонидан қабул қилиш далолатномасига асосан, ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилинган. Ушбу далолатнома асосида қарздорга бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳақини тўлаш учун 2008 йил 28 декабрда 12/2005-сонли счет-фактура ёзиб берилган.

Бажарилган ишларга тўлов бўйича қарздорлик аванс сифатида берилган 50 млн сўм ва қурилиш материаллари учун берилган 58 млн сўмни чиқариб ташлаган ҳолда, 14 млн сўмни ташкил этади ва ушбу қарздорлик 2006 йил 3 январда тузилган ўзаро ҳисоб-китоб далолатномасида ўз тасдиғини топган.

Шунингдек, 2005 йил 15 сентябрда «ХХХ» МЧЖ ва қарздор ўртасида 4/21-сонли товар етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилган бўлиб, ушбу шартномага мувофиқ қарздорга умумий миқдори 27 млн сўм бўлган 19 тонна цемент етказиб берилган. Етказиб берилган товар 2005 йил 1 октябрдаги 84-сонли ишончномага асосан ҳаракат қилувчи қарздорнинг вакили С.К. Хи-

---

* Кредиторларнинг бирлашган аризаси кредиторлардан бирининг номи ва махсус белгиси туширилган вараққа (фирменном бланке) ёки кредиторлардан бирининг бурчак штампи туширилган оддий вараққа ёзилади. Аммо ариза барча кредиторларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиши шарт.

диров томонидан 2005 йил 2 октябрдаги 4/21-сонли қўшимча счет-фактурага асосан қабул қилинган.

Цемент учун тўлов сифатида қарздор томонидан олдиндан 10 млн сўм ўтказилган ва қолган тўлов суммаси ўтказиб берилмаган. Натижада 2005 йил 1 ноябрь ҳолатига қарздорлик 17 млн сўмни ташкил этган. Ушбу қарздорлик қарздор томонидан 2005 йил 4 ноябрда тузилган ўзаро ҳисоб-китоб далолатномаси билан тан олинган. Натижада 2005 йил 5 январда қарздорнинг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов учун 17 млн сўм миқдоридаги 102-сонли тўлов талабномаси тақдим қилинган. Ушбу тўлов талабномаси қарздорнинг ҳисоб рақамида пул воситалари йўқлиги сабабли, банк томонидан картотека (К-2) га жойлаштирилган ҳамда 3 ойдан кўп вақт давомида ушбу талабнома бўйича тўлов бўлмаган.

«Z» унитар корхонаси ва «ХХХ» МЧЖлар қарздордан талаб қиладиган жами қарз миқдори 31 млн сўм бўлиб, ушбу сумма энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баравар миқдоридан ошади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддаси биринчи қисмига асосан, кредиторлар қарздорга бўлган ўз талабларини бирлаштиришга ҳамда хўжалик судига битта ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Қарздорнинг 3 ойдан ортиқ вақт давомида пул мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаганлиги ва қарздордан талаб қилинадиган қарз миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан ошганлиги муносабати билан, «Z» унитар корхонаси ва «ХХХ» МЧЖ қарздорни иқтисодий жиҳатдан тўловга қодир эмас ҳамда қарздорда «Банкротлик тўғрисида» ги Қонуннинг 4 ва 5-моддаларида назарда тутилган банкротликнинг барча аломатлари мавжуд деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда ЎзР ХПКнинг 1-моддаси ва «Банкротлик тўғрисида»ги

Қонуннинг 4, 5, 6, 39, 124-моддаларига асосан Сиздан:

– ушбу аризани иш юритишга қабул қилиш ва «Х» ХКни банкрот деб топиш тўғрисида иш қўзғатишни;

– ХКни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўраймиз.

Илова:

1. 23.05.2005 йилдаги 3-сонли шартнома ва 15.09.2005 йилдаги 4/21-сонли шартнома нусхалари.
2. 2005 йилнинг сентябрь–декабрь ойларида бажарилган ишларни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномалар (нусхаси).
3. 28.12.2005 йилдаги 12/2005-сонли счет-фактура нусхаси.
4. 02.10.2005 йилдаги 4/21-сонли қўшимча счет-фактура нусхаси.
5. 01.10.2005 йилдаги 84-сонли ишончнома нусхаси.
6. 04.11.2005 йил ва 03.01.2006 йилдаги ўзаро ҳисоб-китоб далолатномалари.
7. 05.11.2005 йилдаги 102-сонли тўлов талабномаси нусхаси.

8. Қарздорга ариза нусхаси юборилганлиги тўғрисида ҳужжат.
9. Суд харажатлари тўланганлиги тўғрисида ҳужжат (давлат божи ва почта харажатлари).

«Z» УК директори _____

«ХХХ» МЧЖ директори _____

Қонуннинг 42-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Банкротлик ишлари бўйича давлат органининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида аризаси

Н. вилояти **Хўжалик суди**

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Ариза берувчи: Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилоят бошқармаси
Манзил: Н. вилояти, Н шаҳри, Навбаҳор кўчаси, 32-уй.

Қарздор: «ХХХ» ОАЖ
Манзил: Н. вилояти, Н. тумани, Баҳор қишлоғи, А.Қодирий кўчаси, 2-уй.

АРИЗА

(Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида)

«ХХХ» ОАЖ 2003 йил «Горячий хлеб» нон ишлаб чиқариш комбинатининг базасида ташкил этилган. «ХХХ» ОАЖнинг устав фондида давлат улуши мавжуд бўлиб, у устав фондининг 25% ни ташкил этади. Корхонанинг асосий фаолият тури нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳисобланади.

«ХХХ» ОАЖнинг молиявий ҳолати мониторинги ўтказилиш натижасида 2010 йил 20 октябрь ҳолатига кўра, қарздорнинг солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича жами 154.743.000 сўм миқдоридаги бюджет олдида қарздорлиги мавжуд. Ҳамда корхонанинг 2008 йилнинг 9 ойи давомидаги ишлаб чиқариш ҳажми 2007 йилнинг худди шу даврига нисбатан солиштирганда икки бараварга қисқарган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари устав фондида дав-

лат улуши бўлган ва Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бор корхоналар банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг кўрсатмасига биноан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли.

Қарздорнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларни бажаришга қодир эмаслигини инобатга олиб, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилоят Бошқармаси мониторинг натижаларини банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ҳисобланган ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига тақдим этган.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи «ХХХ» ОАЖнинг молиявий ҳолати мониторинги материалларини ўрганиб чиқиб, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисида кўрсатма берган.

Қарздорнинг 3 ойдан ортиқ вақт давомида пул мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаганлиги ва қарздордан талаб қилинадиган қарз миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан ошганлиги муносабати билан, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилоят Бошқармаси қарздорни иқтисодий жиҳатдан тўловга қодир эмас ҳамда қарздорда «Банкротлик тўғрисида» ги Қонуннинг 4 ва 5-моддаларида назарда тутилган банкротликнинг барча аломатлари мавжуд деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда ЎзР ХПКнинг 1-моддаси ва «Банкротлик тўғрисида»ги

Қонуннинг 4,5,6,42,124-моддаларига асосан Сиздан:

– ушбу аризани иш юритишга қабул қилиш ва «ХХХ» ОАЖни банкрот деб топиш тўғрисида иш қўзғатишни;

– ОАЖни банкрот деб топиш ва тугатиш доир иш юритишни бошлашни сўраймиз.

Илова:

1. «ХХХ» ОАЖнинг молиявий ҳолати мониторинги акти.
2. ОАЖнинг Устави (нусха).
3. Кредиторлик ва дебиторлик қарзлари кўрсатилган ҳолдаги кредиторлар ва дебиторларнинг рўйхати.
4. 01.10.2007 йил ва 01.10.2008 йиллар ҳолатига бухгалтерия баланси нусхалари.
5. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан 2008 йилнинг 1 декабрида юборилган хат(кўрсатма).
6. Қарздорга ариза нусхаси юборилганлиги тўғрисида ҳужжат.
7. Суд харажатлари (почта харажатлари) тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилоят Бошқармаси бошлиғи _____

Қонуннинг 43-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Давлат солиқ хизмати органининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

Ариза берувчи: Н. тумани
Давлат солиқ инспекцияси
Манзил: Н. вилояти,Н шаҳри,
Навбаҳор кўчаси, 32-уй.

Қарздор: «ХХХ» МЧЖ
Манзил: Н. вилояти, Н. тумани,
Баҳор қишлоғи, А. Қодирий кўчаси, 2-уй.

АРИЗА

(Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида)

«ХХХ» МЧЖ 2006 йил ташкил этилган бўлиб, «Х–савдо» хусусий корхонаси ва Ўзбекистон республикаси фуқароси А.К. Очилов унинг таъсисчилари ҳисобланади. «ХХХ» МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари 2006 йил 25 январда Н. тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Давлат инспекциясида рўйхатдан ўтказилган.

Корхонанинг асосий фаолият тури кийимларни тикиш ва таъмирлаш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳисобланади.

2007 йилнинг молиявий-хўжалик фаолият якунлари бўйича корхона томонидан Н. туман давлат солиқ инспекциясига ҳисобот тақдим қилинган.Ушбу ҳисобот асосида солиқ органи умумий миқдори 87,2 млн сўм бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун инкасса топшириғини берган. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар қисман ундирилган, қолган 78,5 млн сўм миқдоридаги қисми бўйича инкасса топшириғи қарздорнинг ҳисоб-рақамида пул воситаларининг йўқлиги сабабли банк томонидан картотекага (К-2) жойлаштирилган.

Қарздорнинг пул воситалари йўқлиги сабабли ҳамда Солиқ Кодексининг талабларига асосан Н. туман давлат солиқ инспекцияси боқиманда қарзни ундиришни мол-мулкка қаратиш тўғрисида хўжалик судига мурожаат қилган. Хўжалик судининг 27.02.2008 йилдаги қарори билан 78,5 млн сўм бўлган боқиманда қарзни ундириш қарздорнинг мол-мулкига қаратилган.

Қарор қонуний кучга кириши билан суд томонидан ижро варағи берилган ва ушбу ижро варағи Н. туман суд ижрочилари бўлимига ижро учун тақдим қилинган. Ҳозирда суд ижрочилари қарздор мол-мулкини баҳолаш ва реализация қилиш бўйича чоралар кўрмоқда.

Қарздор томонидан солиқ органига тақдим қилинган ҳисоботдан шундай хулоса келиб чиқадики, корхонанинг қиймати 30,8 млн сўм бўлган мол-мулки мавжуд ва айни дамда корхонанинг кредиторлик қарзлари 101,8 млн сўмни ташкил этади, шунингдек, мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги эса 87,2 млн сўмни ташкил этади.

Қарздорнинг 3 ойдан ортиқ вақт давомида пул мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаганлиги ва қарздордан талаб қилинадиган қарз миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан ошганлиги ҳамда қарздорнинг мавжуд активлари кредиторлик қарзларини тўлаш учун етарли эмаслиги муносабати билан, Н. туман давлат солиқ инспекцияси қарздорни иқтисодий жиҳатдан тўловга қодир эмас ҳамда қарздорда «Банкротлик тўғрисида» ги Қонуннинг 4 ва 5-моддаларида назарда тутилган банкротликнинг барча аломатлари мавжуд деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда ЎзР ХПКнинг 1-моддаси ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4,5,6,43,124-моддаларига асосан Сиздан:

– ушбу аризани иш юритишга қабул қилиш ва «ХХХ» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисида иш қўзғатишни;

– МЧЖни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўраймиз.

Илова:

1. Инкасса топшириғи нусхаси.
2. Қарздор мол-мулкига ундирувни қаратиш тўғрисида хўжалик суди қарорининг нусхаси.
3. Солиқ тўловчи (Қарздор) шахсий ҳисоб варағидан кўчирма.
4. Кредиторлик ва дебиторлик қарзлари расшифровкаси.
5. 01.01.2008 йил ҳолатига бухгалтерия баланси нусхаси.
6. Қарздорга ариза нусхаси юборилганлиги тўғрисида ҳужжат.
7. Суд харажатлари (почта харажатлари) тўланганлиги тўғрисида ҳужжат.

Н. туман ДСИ
бошлиғи _____

Қонуннинг 44-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида прокурорнинг аризаси

Н. вилояти хўжалик суди

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Ариза берувчи: Н. вилояти прокуратураси
(«Х–Инвест» ОАЖ манфаатлари)
Манзил: Н. вилояти, Н шаҳри,
Навбаҳор кўчаси, 32-уй
Кредиторнинг манзили: Н. вилояти, Н. тумани,
Баҳор қишлоғи, А. Навои кўчаси, 21-уй.

қарздор: «ХХХ» МЧЖ
манзил: Н. вилояти, Н. тумани,
Баҳор қишлоғи, А. Қодирий кўчаси, 2-уй.

АРИЗА

(Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида)

Устав фондида давлат улуши бўлган «Х–Инвест» ОАЖ 89 млн сўм бўлган дебиторлик қарзларини «ХХХ» МЧЖдан ундириш бўйича ёрдам кўрсатишни сўраб Н. вилоят прокуратурасига мурожаат қилган. «Х–Инвест» ОАЖнинг мурожаатини ўрганиш жараёнида қуйидагилар аниқланди:

2005 йилнинг 23 майида «Х–Инвест» ОАЖ ва «ХХХ» МЧЖ (бундан буён – Қарздор) ўртасида 3-сонли қурилиш-пудрат шартномаси тузилган ва ушбу шартномага мувофиқ, «Х–Инвест» ОАЖ 2005 йилнинг сентябрь–декабрь ойларида қарздорнинг объектида умумий миқдори 132 млн сўм бўлган қурилиш-монтаж ишларини амалга оширган. Бажарилган ишлар қарздор томонидан қабул қилиш далолатномасига асосан, ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилинган. Ушбу акт асосида қарздорга бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳақини тўлаш учун счет-фактура ёзиб берилган.

Қарздор томонидан олдиндан аванс сифатида 25 млн сўм ўтказилган ва кейинчалик иш бажариш жараёнида қурилиш материаллари учун 18 млн сўм берилган. Юқоридагиларни чиқариб ташлаган ҳолда, бажарилган иш учун тўлов бўйича қарздорлик 89 млн сўмни ташкил этади.

Ушбу қарздорлик қарздор томонидан 2006 йил 3 январда тузилган ўзаро ҳисоб-китоб акти билан тан олинган. Натижада 2006 йил 4 январда қарздорнинг банкдаги ҳисоб-рақамига тўлов учун 89 млн сўм миқдоридаги 43-сонли тўлов талабномаси тақдим қилинган. Ушбу тўлов талабномаси қарздорнинг ҳисоб-рақамида пул воситалари йўқлиги сабабли, банк томонидан картотека (К-2) га жойлаштирилган ҳамда 3 ойдан кўп вақт давомида ушбу талабнома бўйича тўлов бўлмаган.

Юқоридаги ҳолатларда қарздор 3 ойдан ортиқ вақт давомида пул мажбуриятларини бажаришга имкони йўқлиги ва қарздордан талаб қилинадиган қарз миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан ошиб кетганлиги сабабли, Н. вилоят прокуратураси қарздорни иқтисодий жиҳатдан тўловга қодир эмас ҳамда қарздорда «Банкротлик тўғрисида» ги Қонуннинг 4 ва 5-моддаларида назарда тутилган банкротликнинг барча аломатлари мавжуд деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда ЎзР ХПКнинг 1-моддаси ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4,5,6,44,124-моддаларига асосан Сиздан:

– ушбу аризани иш юритишга қабул қилиш ва «ХХХ» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисида иш қўзғатишни;

– қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўраймиз.

Илова:

1. «Х–Инвест» ОАЖ хати нусхаси.
2. 23.05.2005 йилдаги 3-сонли шартнома нусхаси.
3. 2005 йилнинг сентябр-декабр ойларида бажарилган ишларни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномалар (нусхаси).
4. Счет-фактура нусхаси.
6. 03.01.2006 йилдаги ўзаро ҳисоб-китоб далолатномалари.
7. 04.01.2006 йилдаги 43-сонли тўлов талабномаси нусхаси.
8. Қарздорга ариза нусхаси юборилганлиги тўғрисида ҳужжат.
9. Суд харажатлари тўланганлиги тўғрисида ҳужжат (почта харажатлари).

Н. вилояти прокурори _____

Қонуннинг 46-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Кредиторлар талабларини таъминлашга доир чоралар кўриш тўғрисида суд бошқарувчисининг аризаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АРИЗА

(Кредиторлар талабларини таъминлашга доир чоралар кўриш тўғрисида)

Н. вилоят хўжалик судининг 2009 йил 10 ноябрдаги ажрими билан «ХХ» ОАЖнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатилган ҳамда кузатув жараёни жорий этилган. С.Булгаков суд бошқарувчиси этиб тайинланган.

Кузатув жараёнида қарздор томонидан таркибига асосий воситалар ва қарздор активлари баланс қийматининг 10%дан кўпроғини ташкил этувчи баланс қиймати кирувчи мол-мулк банкротлик тўғрисидаги қонуннчиликка зид равишда суд бошқарувчисининг розилигисиз тасарруф қилинганлиги факти аниқланилган. Хусусан, банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ва кузатув жараёни жорий этилгандан сўнг қарздор «Х» МЧЖ билан олди-сотди шартномасини тузган. Ушбу шартномага асосан, қарздор томонидан қиймати 50 млн сўмдан ортиқ бўлган алкоголсиз ичимликларни тайёрлаш бўйича технологик жиҳозлар ўзлаштирилган. Ушбу шартномани тузиш жараёнида қарздорнинг бошқарув органи муваққат бошқарувчининг розилигини олмаган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 46-моддасига асосан хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахснинг аризасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига мувофиқ кредиторлар талабларини таъминлашга доир чоралар кўришга ҳақли. Кредиторларнинг талабларини таъминлашга доир, Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган чора-тадбирлардан ташқари хўжалик суди битимларни суд бошқарувчисининг розилигисиз тузишни таъқиқлаб қўйишга, қарздорга қимматли қоғозларни, валюта қимматликларини ва бошқа мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсларга топширишни юклашга ҳамда қарздорнинг мол-мулки сақланишини таъминлашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар кўришга ҳақли.

Юқоридаларни эътиборга олган ҳолда ва кредиторлар талабларини таъминлаш мақсадида Сиздан «ХХ» ОАЖнинг бошқарув органига суд бош-

қарувчисининг розилигисиз битимлар тузишни таъқиқлаб қўйиш йўли билан кредиторлар талабларини таъминлашга доир чоралар кўришингизни сўраймиз.

Илова:

1. «Х» МЧЖ билан тузилган олди-сотди шартномаси нусхаси.
2. Қарздорга ариза нусхаси юборилганлиги тўғрисида ҳужжат.

«ХХ» ОАЖ муваққат бошқарувчиси **С. Булгаков**

Қонуннинг 47-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза юзасидан қарздорнинг ёзма фикри

Н. вилояти хўжалик суди

нусха: 1. «Z» унитар корхонаси
Манзил: Н. вилояти,Н шаҳри,
Навбаҳор кўчаси, 32-уй.

2. Н. туман давлат
солиқ инспекцияси
Манзил: Н. вилояти, Н шаҳри,
Навои кўчаси, 1-уй.

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

ЁЗМА ФИКР

(Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза юзасидан)

«Х» хусусий корхонаси «Z» унитар корхонасининг «Х» ХКни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритувга қабул қилиш, банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ва кузатув таомилини жорий этиш тўғрисидаги аризасини қабул қилиш тўғрисида Н. вилоят хўжалик судининг ажримини олган.

2005 йилнинг 23 майида «Z» УК ва «Х» ХК ўртасида 3-сонли қурилиш-пудрат шартномаси тузилган. Ушбу шартномага биноан «Z» унитар корхонаси қарздорнинг объектида 2005 йилнинг сентябрь–декабрь ойларида жами қиймати 132 млн сўм бўлган қурилиш-монтаж ишларини бажарган. Юқоридаги шартнома бўйича «Z» унитар корхонасининг олдида 89 млн сўм миқдорида қарздорлик мавжудлиги фактини инкор қилмайди.

Ушбу қарздорликдан ташқари, «Х» УКнинг 7,2 млн сўм миқдоридаги мажбурий тўловлар бўйича қарзлари ҳам мавжуд. Ушбу қарзни ундирувни мол-мулкка қаратиш йўли билан ундириш учун хўжалик суди томонидан суд буйруғи берилган.

Корхонанинг бошқа қарздорлиги мавжуд эмас.

Ушбу қарздорликнинг пайдо бўлишига буюртмачи томонидан қиймати 121 млн сўм бўлган бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун тўлов бўйича «Х» ХК олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаслиги сабаб бўлган. Бу ўз навбатида «Х» ХК учун «Z» унитар корхонаси олдидаги бажарилган иш бўйича қарзларни ва мажбурий тўловлар бўйича қарзларни тўлашни имконсиз қилиб қўйди.

Корхонанинг асосий фаолият йўналиши қурилиш ҳисобланада ва ҳозирда қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун йирик буюртма олинган ҳамда қурилиш-пудрат шартномаси тузилган. Ушбу шартнома бўйича аванс сифатида олинган ва 121 млн сўм миқдоридаги дебиторлик қарзларини ундиришдан олинган маблағ кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қаноатлантириш имконини беради.

Илова:

1. 23.05.2008 йилдаги 3-сонли қурилиш-пудрат шартномаси нусхаси.
2. Кредиторлик ва дебиторлик қарзлари расшифровкаси.
3. Ариза берувчи ва Н. туман давлат солиқ инспекциясига ёзма фикр нусхаси юборилганлиги тўғрисида ҳужжат.

«Х» Хусусий корхонаси
директори _____

Қонуннинг 48-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Кредиторларнинг талаблари юзасидан қарздорнинг эътирози

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

Нусхаси: 1. «Х» фирмаси
Манзил: Н. вилояти,
Н шаҳри,
Навбаҳор кўчаси, 32-уй.

2. «ХХХ» МЧЖ муваққат
бошқарувчиси С. Булгаковга

ЭЪТИРОЗ

(Кредиторлар талаблари юзасидан)

Н. вилояти хўжалик суди Н. туман давлат солиқ инспекциясининг аризаси юзасидан 2009 йил 1 мартда ажрим чиқарган бўлиб, ушбу ажримга асосан «ХХХ» МЧЖнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатилган ва кузатув таомли жорий этилган.

Кузатув жараёнида «Х» фирмаси томонидан 3 млн сўм миқдоридаги талабни тўртинчи навбатда қондириш белгиланган ҳолда «Х» фирмасини кредиторлар талаблари реестрига киритиш тўғрисида талабнома берилган.

2008 йил 2 февралда «ХХХ» МЧЖ ва «Х» фирмаси ўртасида олди-сотди шартномаси тузилган ва ушбу шартномага биноан «Х» фирмаси томонидан жами баҳоси 10,4 млн сўм бўлган 52 минг дона пишган ғишт «ХХХ» МЧЖнинг манзилига жўнатилган. Аммо етказиб берилган юкни қабул қилишда пишган ғиштнинг миқдори 5,5 минг донага камлиги ва 9,5 минг дона ғишт синганлиги аниқланган ва унинг қиймати 3 млн сўм бўлиб, ушбу тўғрисида далолатнома тузилган.

МЧЖ 9,5 минг дона шикастланган ғиштларнинг ҳамда кам чиққан 5,5 минг дона ғиштларнинг қийматини, яъни 3 млн сўмни чиқариб ташлаган ҳолда, жами 7,4 млн сўм миқдоридаги тўловни амалга оширган.

Белгиланган муддатда товар етказиб берувчига етказиб берилган товарнинг миқдори камлиги ва сифати талабга жавоб бермаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва далолатнома нусхаси юборилган. Аммо етказиб берувчи томонидан ушбу тақдим қилинган ҳужжатлар асоссиз равишда инобатга олинмаган.

Юқоридагиларга асосан «ХХХ» МЧЖ миқдори 3 млн сўм бўлган талабни тўртинчи навбатда қондириш белгиланган ҳолда кредиторлар талаблари реестрига киритиш тўғрисидаги «Х» фирмасининг талабига эътироз билдиради.

Илова:

1. 05.04.2008 йилдаги маҳсулотни қабул қилиш ҳақидаги далолатнома нусхаси.
2. Кредитор ва суд бошқарувчисига эътироз нусхаси юборилганлиги тўғрисида ҳужжат.

«ХХХ» МЧЖ директори _____

Қонуннинг 59-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Суд бошқарувчисининг ўзи билан қарздор ўртасида келиб чиққан келишмовчиликлар тўғрисида аризаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

Нусха: 1. «ХХХ» МЧЖ
Манзил: Н. вилояти,Н шаҳри,
Навбаҳор кўчаси, 32-уй

2. «Х» фирмаси
Манзил: Н. вилояти, Н шаҳри,
Навои кўчаси, 4-уй

АРИЗА

Н. туман давлат солиқ инспекциясининг аризаси асосида Н. вилояти хўжалик судининг 2009 йил 1 мартдаги ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан банкротлиги тўғрисида иш қўзғатилган ва кузатув таомили жорий этилган.

Кузатув жараёнида «Х» фирмаси томонидан 13 млн сўм миқдоридаги талабни тўртинчи навбатда қондириш белгиланган ҳолда «Х» фирмасини кредиторлар талаблари реестрига киритиш тўғрисида талабнома берилган. Ушбу 13 млн сўм миқдоридаги талаб суммаси 8 млн сўм бўлган асосий қарз, 4 млн сўмлик неустойка суммаси, 1 млн сўмлик бошқаларнинг пул воситаларидан фойдаланганлик учун фоиз суммасидан иборат. Талабномада кредитор асос сифатида 2008 йилнинг 2 февралида «ХХХ» МЧЖ ва «Х» фирмаси ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини келтирган. Ушбу шартномага мувофиқ, «Х» фирмаси томонидан «ХХХ» МЧЖга умумий қиймати 10,4 млн сўм бўлган 5 млн тонна миқдоридаги цемент етказиб берилган. Қарздор томонидан 2,4 млн сўм миқдорида тўлов амалга оширилган бўлиб, ҳозирда 8 млн миқдоридаги қарздорлик мавжуд. Шунингдек, тўловни кечиктириш тўғрисидаги шартнома шартларига мувофиқ, ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4% миқдорида, бироқ жами миқдори 4 млн сўм бўлган неустойка

ҳисобланган ҳамда бошқаларнинг пул воситаларини асоссиз равишда фойдаланганлик учун 1 млн сўм миқдоридаги фоиз суммаси ҳисобланган. Ушбу қарзлар, шунингдек, ҳисобланган неустойка ва фоиз суммалари қарздор томонидан 05.03.2009 йилдаги ўзаро ҳисоб-китоб далолатномаси билан тан олинган.

Асосий қарз суммасининг тан олиниши асосланган бўлиб, бундан ташқари ушбу қарздорлик ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топган. Аммо қарздор томонидан неустойка ва банк фоизи суммаларининг тан олиниши асоссиз бўлиб, бу бошқа кредиторлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилишига олиб келади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 70-моддаси учунчи қисмига биноан, муваққат бошқарувчи кредиторларнинг ушбу Қонунга мувофиқ аниқланган деб топиладиган талабларига ўз эътирозларини, кредиторларнинг талабларини аниқланганлар жумласига киритиш далили тариқасида ўз қарзининг қарздор томонидан тан олинганлигидан далолат берувчи ҳужжат тақдим этилган бўлса ва муваққат бошқарувчида қарздорнинг қарзни тан олиш бўйича ҳаракатлари бошқа кредиторларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузади ва асоссиздир деб ҳисоблаш учун етарли асослар бўлса, хўжалик судига юборишга ҳақли.

Юқоридагиларга асосан мен, «ХХХ» МЧЖнинг муваққат бошқарувчиси сифатида фоиз ва неустойка суммалари ҳисобланган ҳолдаги миқдори 13 млн сўм бўлган талабни тўртинчи навбатда қондириш белгиланган ҳолда кредиторлар талаблари реестрига киритиш тўғрисидаги «Х» фирмасининг талабига эътироз билдираман.

Илова:

1. 05.03.2009 йилдаги солиштириш далолатномаси нусхаси.
2. Қарздор ва кредиторга ариза нусхаси юборилганлиги тўғрисида ҳужжат.

«ХХХ» МЧЖ муваққат
бошқарувчиси _____

Илова № 2

Кредиторнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлиги хусусидаги шикояти

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти хўжалик суди

Нусхаси: «ХХХ» МЧЖ
тугатиш бошқарувчиси
С. Булгаковга

ШИКОЯТ

(Суд бошқарувчиси томонидан ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар бузилганлиги хусусида)

Н. вилоят хўжалик суди «ХХХ» МЧЖ ҳақидаги Н. туман давлат солиқ инспекциясининг аризаси бўйича 2009 йил 1 мартидаги ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан банкротлиги тўғрисида иш қўзғатилган ва қарздорга нисбатан кузатув жорий этилган.

Кузатув жараёнида муваққат бошқарувчи томонидан «Х» фирмаси 10 млн сўм миқдоридаги талабни тўртинчи навбатда қондириш белгиланган ҳолда кредиторлар талаблари реестрига киритилган.

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши чақирилганда муваққат бошқарувчи томонидан «Х» фирмасига кредиторлар йиғилишининг ўтказилиш жойи ва вақти, кун тартиби ҳақида маълум қилинган.

«Х» фирмасининг вакили 2007 йил 20 апрелда ташкил этилган кредиторларнинг биринчи йиғилишида қатнашган ҳамда кун тартибидаги масалалар бўйича ўз овозини берган.

Хўжалик судининг 2009 йил 1 майдаги қарори билан «ХХХ» МЧЖ банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган, шунингдек, тугатиш бошқарувчиси тайинланган.

Тугатиш бошқарувчиси «Х» фирмасига кредиторлар йиғилишининг чақирилиши ва ўтказилиши тўғрисида хабар бермаганлиги сабабли «Х» фирмаси 2009 йил 1 августда тугатишга доир иш юритиш жараёни ҳақида сўраб 5-сонли хат билан суд бошқарувчисига мурожаат қилган.

Тугатиш бошқарувчиси бизнинг мурожаатимизга жавоб сифатидаги 2009 йил 10 августдаги хатида «ХХХ» МЧЖ банкрот деб топилганлиги тўғрисида эълон оммавий ахборот воситаларида берилган кундан бошлаб белгиланган икки ойлик муддатда «Х» фирмаси суд бошқарувчисига ўз талабларини билдирмаган ва натижада фирма кредиторлар талаблари реестрига киритилмаган.

Тугатиш бошқарувчисининг ҳаракатлари «Х» фирмасининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чекламоқда деб ҳисоблаймиз, ҳамда «Х» фирмасининг талаблари аввал муваққат бошқарувчи томонидан белгиланган ва кредиторлар талаблари реестрига киритилганлиги учун суд бошқарувчисига қайтадан талабларни билдириш мажбурий эмас.

Юқоридагиларга ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 59-моддасига асосан Сиздан «Х» фирмасини 10 млн сўм миқдоридаги талабини тўртинчи навбатда қондириш белгиланган ҳолда «ХХХ» МЧЖнинг кредиторлар талаблари реестрига киритишни тугатиш бошқарувчисининг зиммасига юклашингизни сўраймиз.

Илова:

1. Кредиторлар биринчи йиғилишининг ўтказилиш жойи ва вақти тўғрисида муваққат бошқарувчининг хабарномаси нусхаси.
2. 01.08.2009 йилдаги 5-сонли хат нусхаси.
3. Суд бошқарувчисининг 10.08.2009 йилдаги 10-сонли хати нусхаси.
4. Тугатиш бошқарувчисига шикоят нусхаси юборилганлиги тўғрисида ҳужжат.

«Х» фирмаси директори _____

Илова № 3

Меҳнат шартномаси асосида ишловчи шахсларга меҳнат ҳақи тўлаш ва ишдан бўшатиш нафақаси тўлаш бўйича талабларнинг миқдори ва таркиби хусусида суд бошқарувчиси ва қарздор ходимларининг вакили ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар тўғрисида ариза

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

Нусҳаси: «ХХХ» МЧЖ
тугатиш бошқарувчиси
С.Булгаковга

ШИКОЯТ

(Суд бошқарувчиси томонидан ҳуқуқ ва қонуний манфаатларнинг бузилиши тўғрисида)

Н. вилоят хўжалик суди «ХХХ» МЧЖ ҳақидаги Н. туман давлат солиқ инспекциясининг аризаси бўйича 2009 йил 1 мартидаги ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан банкротлиги тўғрисида иш қўзғатилган ва қарздорга нисбатан кузатув жорий этилган.

10.03.2009 йилда ўтказилган меҳнат жамоасининг йиғилишида қарздор ишчиларининг вакили сифатида мен – А.В. Юлчиев тайинланганман.

Хўжалик судининг 2009 йил 4 майдаги қарори билан «ХХХ» МЧЖ банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган, шунингдек, С.Булгаков тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

Тугатиш иши жараёнида тугатиш бошқарувчиси томонидан 2009 йилнинг 5 майида қарздор билан ходимлар ўртасида тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилган.

Суд бошқарувчиси томонидан тузилган кредиторлар талаблари реестри кўриб чиқилганда шу нарса аниқландики, суд бошқарувчиси томонидан меҳнат ҳақи сифатида тўланиши керак бўлган пул воситаларини ҳисоблашда ва тўловлар қайдномасини тузишда ишдан бўшатиш нафақаси ҳисобланмаган.

Меҳнат кодексининг 109-моддасига биноан иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

Юқоридагиларга кўра ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 59-моддасига асосан Сиздан ушбу шикоятни кўриб чиқишни ҳамда суд бошқарувчисининг зиммасига меҳнат ҳақи сифатида тўланадиган пул воситаларига ишдан бўшатиш нафақасини ҳам киритишни юклашни сўраймиз.

Илова:

Суд бошқарувчисига шикоят нусхаси юборилганлиги тўғрисида ҳужжат.

«ХХХ» МЧЖ ходимлар вакили _____

Илова № 4

Қарздор муассислари ёки қарздор мол-мулки эгаси вакилларининг уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузаётган суд бошқарувчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берган шикояти

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти Хўжалик суди

нусхаси: «ХХХ» МЧЖ тугатиш бошқарувчиси С.Булгаковга

ШИКОЯТ

(Суд бошқарувчиси томонидан ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар бузилганлиги тўғрисида)

Хўжалик судининг 2009 йил 4 майдаги қарори билан «ХХХ» МЧЖ банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган, шунингдек, С.Булгаков тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

Тугатиш иши жараёнида тугатиш бошқарувчиси томонидан қарздор мол-мулкини баҳолаш ва инвентаризациялаш ўтказилган. Суд бошқарувчиси томонидан ташкиллаштирилган оммавий савдоларда мол-мулкнинг бир қисми реализация қилинган ҳамда ушбу савдодан тушган маблағ кредиторлар талабларини қондириш ва тугатиш ишлари билан боғлиқ ҳаражатларни қоплашга йўналтирилган. Кредиторлар талаблари реестрига киритилган барча кредиторлар талаблари қондирилганлиги натижасида қиймати 26 млн сўм бўлган технологик жиҳозлардан ташкил топган мол-мулкнинг қолган қисми реализация қилинмаган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 134-моддаси ўн биринчи қисмига асосан мол-мулк қийматининг кредиторлар талаблари қондирилганидан ва банкротлик тўғрисидаги иш юритиш харажатлари тўланганидан кейин қолган қолдиғини, шунингдек, тугатиш жараёнида сотилмай қолган мол-мулкни тугатилаётган қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки тугатилаётган қарздор мол-мулкининг эгаси олади.

Аммо суд бошқарувчиси томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органига қарздор мол-мулкининг реализация қилинмаган қисмини қабул қилиш ҳақидаги таклиф билан хат юборилган.

Ушбу масала бўйича мен-ягона муассис ва тегишлича қарздор мол-мулкининг эгаси сифатида тугатиш жараёнида реализация қилинмаган мол-мулкни далолатнома асосида менга беришни сўраб суд бошқарувчисига хат юборганман. Бироқ суд бошқарувчиси ўз жавобида «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 143-моддасига асосан ушбу мол-мулкни менга беришни рад этган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 143-моддаси биринчи қисмида агар қарздорнинг муассислари ёки қарздорнинг мол-мулки эгаси кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ариза тақдим этмаган бўлса, тугатиш бошқарувчиси маҳаллий давлат ҳокимияти органларини хабардор қилиши назарда тутилган.

Юқоридагиларга ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 59-моддасига асосан Сиздан ушбу шикоятни кўриб чиқишни ва суд бошқарувчисига «ХХХ» МЧЖнинг тугатиш жараёнида реализация қилинмаган мол-мулкни далолатнома билан менга бериш мажбуриятини юклашни сўрайман.

Илова:

1. Суд бошқарувчисига юборилган 23.11.2009 йилдаги 6-сонли хат.
2. Суд бошқарувчисининг 27.11.2009 йилдаги 64-сонли хати (жавоб).
3. Суд бошқарувчисига шикоят нусхаси юборилганлиги ҳақидаги ҳужжат.

«ХХХ» МЧЖ муассиси _____

Қонуннинг 60-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Суд бошқарувчисининг ўзи билан кредиторлар ўртасида келиб чиққан келишмовчиликлар тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган суд ажрими устидан кредиторнинг апелляция шикояти

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти хўжалик суди

Нусхаси: «ХХХ» МЧЖ
тугатиш бошқарувчиси
С.Булгаковга

АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ

(«ХХХ» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги 03.09.2009 йилдаги _____-сонли иш бўйича суд ажрими устидан)

Н. вилоят Хўжалик судининг 2009 йил 3 сентябрдаги ажрими билан «ХХХ» МЧЖнинг суд бошқарувчиси ва«Х» фирмасининг улар ўртасида келиб чиққан келишмовчиликлар тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Ушбу суд ажрими асоссиз ҳисобланади ва қуйидагиларга асосан банкротлик тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ келмайди:

Н. вилоят хўжалик судининг Н. туман давлат солиқ инспекциясининг аризаси юзасидан чиқарган 01.03.2009 йилдаги ажримига асосан, «ХХХ» МЧЖнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатилган ва кузатув жараёни жорий этилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, кредиторлар талаблари ушбу талабларни асословчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда суд бошқарувчисига юборилади.

Муваққат бошқарувчига «Х» фирмасини кредиторлар талаблари реестрига киритиш тўғрисида талабнома юборилган бўлиб, ушбу талабномага қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда «ХХХ» МЧЖ ва «Х» фирмаси ўртасида имзоланган 01.01.2009 йил ҳолатига кўра ўзаро ҳисоб-китоб солиштирма далолатномаси ҳам илова қилинган. «Х» фирмаси билан тузилган шартнома бўйича 10 млн сўм миқдорида «ХХХ» МЧЖнинг қарздорлиги қарздор томонидан тан олинган.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 12 ва 71-моддаларига мувофиқ, муваққат бошқарувчи томонидан кредиторлар талаблари реестри очилган ва тузилган.Ушбу кредиторлар реестрига «Х» фирмаси 10 млн сўм миқдоридаги талабини тўртинчи навбатда қондириш белгиланган ҳолда киритилган.

Кредиторларнинг биринчи йиғилишида қатнашиш мақсадида муваққат бошқарувчи томонидан «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида белгиланган тартибда кредиторнинг манзилига кредиторлар йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабарнома юборилади. 20.04.2009 йилда ташкил этилган кредиторларнинг биринчи йиғилишида «ХХХ» МЧЖ кредиторининг вакили қатнашган.

Суднинг 01.05.2009 йилдаги қарори билан қарздор банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш очилган ҳамда С.Булгаков тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

2009 йил 1 августда «Х» фирмаси тугатишга доир иш юритишнинг бориши хусусида ахборотни кредиторга тақдим этишни сўраб хат билан тугатиш бошқарувчисига мурожаат этган.

Тугатиш бошқарувчиси 10.08.2009 йилдаги 10-сонли хати билан «Х» фирмаси «ХХХ» МЧЖнинг кредитори ҳисобланмаслигини ҳамда «Х» фирмаси томонидан кредиторлар талаблари реестрига киритиш тўғрисидаги расмий мурожаат келмаганлигини маълум қилган.

«Х» фирмаси кузатув жараёни даврида белгиланган тартибда кредиторлар талаблари реестрига киритилган.Тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг банкротлиги ҳақида эълон берилганидан сўнг «Х» фирмаси томонидан унинг талабини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда кредиторлар талаблари реестрига киритиш тўғрисида қайтадан талабнома бериши шартлиги асоси билан «Х» фирмасини кредиторлар талаблари реестридан чиқаришга ҳақли эмас.

Аммо биринчи инстанция суди банкротлик тўғрисидаги қонунчилик нормаларини нотўғри қўллаб, «Х» фирмасининг аризасини қаноатлантиришни рад этган.

Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 169-моддаси тўртинчи бандига асосан моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаш ёхуд уларни бузиш суд қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос ҳисобланади.

Юқоридагиларга кўра ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 60-моддаси, ЎзР ХПКнинг 156,157,168-169-моддаларига асосан «Х» фирмаси Сиздан:

– 03.09.2009 йилдаги суд ажримини бекор қилишни;

– «Х» фирмасининг аризасини қаноатлантириш ва «ХХХ» МЧЖ суд бошқарувчисининг зиммасига «Х» фирмасини 10 млн сўм миқдоридаги талабини тўртинчи навбатда қондириш белгиланган ҳолда «ХХХ» МЧЖнинг кредиторлар талаблари реестрига киритишни юклашингизни сўрайди.

Илова:

1. Суд (почта) харажатлари тўланганлиги тўғрисида ҳужжат.
2. Суд бошқарувчисига апелляция шикояти нусхаси юборилганлиги ҳақида ҳужжат.

«Х» фирмаси директори _____

Қонуннинг 61-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг қарздорга нисбатан судгача санация қилиш ўтказилиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хўжалик судига хабар қилиши

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти хўжалик суди

Нусхаси: «ХХХ» МЧЖ
муваққат бошқарувчиси
С.Булгаковга

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан «ХХХ» МЧЖга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганлиги ва кузатув таомили жорий этилганлиги ҳақида 2009 йил 2 январдаги суд ажрими олинган.

Суд ажрими олинганидан сўнг, қарздорнинг устав фондида давлат улуши 25% ни ташкил этганлиги сабабли банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича

давлат органи томонидан қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлил қилинган. Ушбу таҳлил давомида 20.10.2008 йил ҳолатига кўра қарздорнинг солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича умумий миқдори 154.743.000 сўм бўлган бюджет олдидаги қарзи мавжудлиги ва 2008 йилнинг 9 ойи давомидаги корхонанинг ишлаб чиқариши 2007 йилнинг ушбу даврига нисбатан икки бараварга камайганлиги аниқланган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 61-моддасига асосан агар корхонанинг устав фондида давлат улуши бўлса, хўжалик суди банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ҳақида банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органини хабардор қилади. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ҳақидаги хабарни олган кундан бошлаб икки ҳафталик муддат ичида хўжалик судига судгача санация қилиш ўтказилиши мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги хусусидаги ўз қарорини маълум қилади.

Қарздорнинг фақат мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжудлиги сабабли қарзларни тўлаш муддати узайтирилса, қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти ҳудудий бошқармаси мажбурий тўловларни тўлашни 12 ойга узайтириш йўли билан «ХХХ» МЧЖда судгача санация қилиш ўтказиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Илова:

1. Суд бошқарувчисига хат нусхаси юборилганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни
ривожлантириш давлат қўмитасининг
Н. вилоят бошқармаси бошлиғи _____

IV БОБ. КУЗАТУВ

Қонуннинг 65-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Муваққат бошқарувчининг ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги аризаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

«ХХХ» МЧЖ муваққат бошқарувчиси
С.М. Тошниёзовдан

АРИЗА

(Муваққат бошқарувчи вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисида)

Хўжалик судининг 2009 йил 20 майдаги ажрими билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти ҳудудий бошқармаси аризаси иш юритувга қабул қилинган ва «ХХХ» МЧЖга нисбатан кузатув таомили жорий этилган, муваққат бошқарувчи этиб эса мен, Тошниёзов Сарвар Мансурович тайинланганман.

Соғлигим ёмонлашганлиги сабабли ва шифокорлар тавсиясига кўра, даволанишим керак бўлганлиги учун, мен «ХХХ» МЧЖ муваққат бошқарувчиси вазифасини бажаришни давом эттира олмайман.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 65-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, муваққат бошқарувчи уни ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли.

Шунга асосланиб, мен томонимдан 2009 йил 10 июнда кредиторлар йиғилиши чақирилган бўлиб, унда мени «ХХХ» МЧЖ муваққат бошқарувчиси вазифасидан озод этиш тўғрисида илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ва Назарқулов С.А.ни янги муваққат бошқарувчи этиб тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 65-моддасига асосланиб, суддан мени «ХХХ» МЧЖ муваққат бошқарувчиси вазифасини бажаришдан озод этиш ва «ХХХ» МЧЖ муваққат бошқарувчиси этиб С.А.Назаркуловни тайинлашини сўрайман.

Илова:

1. 10.06.2009 йилдаги кредиторлар йиғилиши баённомаси.
2. С.А.Назарқуловга берилган суд бошқарувчиси шаҳодатномаси нусхаси.

С.М.Тошниёзов _____

Қонуннинг 70-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Кредиторнинг қарздорга талаби

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

«ХХХ» МЧЖ

Нусхаси: 1. Н. вилояти хўжалик суди

2. «ХХХ» МЧЖ муваққат бошқарувчиси С. Булгаковга

Хўжалик судининг 2009 йил 20 майдаги ажрими билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти ҳудудий бошқармаси аризаси иш юритувга қабул қилинган ва «ХХХ» МЧЖга нисбатан кузатув таомили жорий этилган.

2009 йил 2 февралда қарздор ва «Х» фирмаси ўртасида олди-сотди шартномаси тузилган бўлиб, унга мувофиқ «Х» фирмаси қарздорга умумий 10,4 млн сўмлик 52 минг дона қурилиш товарлари (пишган ғишт) юклаб жўнатган.

Етказиб берилган товарнинг қиймати шартнома тузилган пайтдан бошлаб 10 кун ичида 50% кам бўлмаган қисмини дастлабки тўлов шаклида, якуний ҳисоб-китоб эса товар етказиб берилган пайтдан бошлаб 60 кун ичида, яъни 2009 йил 10 апрелгача амалга оширилиши лозим эди.

Қарздор томонидан 7,4 млн сўм миқдордаги дастлабки тўлов амалга оширилган бўлиб, кейинги тўлов амалга оширилмаган ва қарздорлик суммаси 3 млн сўмни ташкил қилади.

Юқоридагилар асосланиб, «Х» фирмаси тўртинчи навбатдаги кредитор сифатида 3 млн сўмлик талабни кредиторлар талаблари реестрига киритиб қўйишни сўрайди.

Илова:

1. 02.02.2009 йилдаги шартнома нусхаси.
2. Юклаб жўнатиш ҳужжатларининг нусхалари (счета-фактура, накладной, ишончнома).
3. Етказиб берилган ғишт қиймати қисман тўланганлигининг тасдиғи.

Директор _____

Илова № 2

Кредитор талабига нисбатан қарздорнинг эътирози

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

Нусхаси: 1. «Х» фирмаси

2. «ХХХ» МЧЖ муваққат бошқарувчиси С. Булгаковга

ЭЪТИРОЗ

(Кредитор талабига)

Хўжалик судининг 2009 йил 20 майдаги ажрими билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти ҳудудий бошқармаси аризаси иш юритувга қабул қилинган ва «ХХХ» МЧЖга нисбатан кузатув жорий этилган.

«Х» фирмаси 3 млн сўмлик талабни кредиторлар талаблари реестрига киритиб қўйишни сўраган.

«Х» фирмасининг талабини қуйидаги асосларга кўра асоссиз деб ҳисоблаймиз:

Ҳақиқатан, 2009 йил 2 февралда «ХХХ» МЧЖ ва «Х» фирмаси ўртасида олди-сотди шартномаси тузилган бўлиб, унга мувофиқ «Х» фирмаси умумий миқдорда 10,4 млн сўмлик 52 минг дона пишган ғишт етказиб берган.

Бироқ етказилган товарни тушириш ва қабул қилиб олишда 5,5 минг дона ғишт етишмаётганлиги ва умумий миқдорда 3 млн сўмлик 9,5 минг дона ғишт синганлиги аниқланиб, бу тўғрида далолатнома тузилган. Етказиб берилган товарда аниқланган етишмовчилик ва сифатига номувофиқликни эътиборга олган ҳолда «Х» фирмасига рекламация қилинган ва етказиб берилган товарнинг қиймати етишмаётган ва сифатсиз товарнинг нархи чегириб ташланган ҳолда тўланган.

Юқоридагилар асосланиб, «ХХХ» МЧЖ «Х» фирмаси талабларини тан олмайди ва уни кредиторлар талаблари реестрига киритишга эътироз билдиради.

Илова:

1. 02.02.2009 йилдаги шартнома нусхаси.
2. Етказиб берилган товарнинг етишмаслиги ва сифатига номувофиқлиги тўғрисидаги далолатномалар нусхалари
3. Етказиб берилган ғишт қиймати тўланганлигининг тасдиғи.

Директор _____

Илова № 2

Кредиторнинг қарздорга қўйган талабига нисбатан муваққат бошқарувчининг эътирози

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

Нусхаси: 1. «Х» фирмаси

2. «ХХХ» МЧЖ

ЭЪТИРОЗ

(Кредитор талабига)

Хўжалик судининг 2009 йил 20 майдаги ажрими билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти ҳудудий бошқармаси аризаси иш юритувга қабул қилинган ва «ХХХ» МЧЖга нисбатан кузатув жорий этилган, муваққат бошқарувчи этиб эса мен, С.М.Тошниёзов тайинланганман.

«Х» фирмаси 3 млн сўмлик талабни кредиторлар талаблари реестрига киритиб қўйишни сўраган.

«Х» фирмасининг талабини қуйидаги асосларга кўра асоссиз деб ҳисоблайман:

Ҳақиқатан, 2009 йил 2 февралда «ХХХ» МЧЖ ва «Х» фирмаси ўртасида олди-сотди шартномаси тузилган бўлиб, унга мувофиқ «Х» фирмаси умумий миқдорда 10,4 млн сўмлик 52 минг дона пишган ғишт етказиб берган.

Қарздор томонидан 7,4 млн сўм миқдордаги тўлов амалга оширилган бўлиб, қарздорлик суммаси 3 млн сўмни ташкил қилади.

2009 йил 20 мартда «Х» фирмаси, қарздор ва «Х–сервис» хусусий корхонаси ўртасида талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш шартномаси тузилган бўлиб, унга мувофиқ, «Х» фирмаси 3 млн сўмни талаб қилиш ҳуқуқини «Х–сервис» хусусий корхонасига берган. Талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш шартномасига асосланиб, «Х–сервис» хусусий корхонаси талабни кредиторлар талаблари реестрига киритиб қўйишни сўраган. Бунга мувофиқ, «Х–сервис» ХКнинг тўртинчи навбатдаги кредитор сифатида 3 млн сўмлик талаби кредиторлар талаблари реестрига киритиб қўйилган.

Мазкур ҳолда «Х» фирмасининг талабини асоссиз деб ҳисоблайман, чунки «Х» фирмаси кредиторлар талаблари реестрига киритилиши мумкин эмас.

Илова:

1. 20.03.2009 йилдаги талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш шартномаси нусхаси.
2. Кредиторлар талаблари реестридан кўчирма.

Муваққат бошқарувчи _____

Қонуннинг 75-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарздор мол-мулки эгасининг қарздорга нисбатан суд санациясини жорий этиш ҳақида илтимосномаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

«ХХХ» МЧЖ мол-мулки эгаси
Р.С. Мусахожаевдан

ИЛТИМОСНОМА

(Суд санациясини жорий этиш ҳақида)

Хўжалик судининг 2009 йил 20 майдаги ажрими билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти ҳудудий бошқармаси аризаси иш юритувга қабул қилинган ва «ХХХ» МЧЖга нисбатан кузатув таомили жорий этилган.

Мен «ХХХ» МЧЖнинг ягона муассиси ва мол-мулкининг эгаси ҳисобланаман.

«ХХХ» МЧЖнинг асосий фаолият тури мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Корхонанинг кредиторлик қарзи 61.604.432 сўмни ташкил қилади, шу жумладан:

– 29995500 сўм – «Z» фирмасидан;
– 3498594 сўм – солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдида;
– 1298620 сўм – «Inter–X» ҚКдан;
– 25537447сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖдан;
– 1274271 сўм – Иш ҳақи бўйича ишчилардан.

Корхонада ишлаб чиқариш фаолияти барқарор ва қарздор 12 ой давомида тўлов қобилиятини қайта тиклаш имкониятига эга бўлиб, шундан сўнг у кредиторлар олдидаги қарзларини узишни бошлайди. Шу муносабат билан, 12 ойлик муддатга суд санациясини жорий этишни сўрайман.

Корхонанинг тўлов қобилиятини қайта тиклаш мақсадида мен томонимдан суд санацияси режаси ишлаб чиқилган, шунингдек, қарзни узиш жадвали тузилган бўлиб, улар илова қилинган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 75-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, агар кредиторларнинг биринчи йиғилиши томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса

ёхуд хўжалик судига унинг қарорларидан ҳеч бири тақдим этилмаган бўлса, хўжалик суди қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг, шунингдек учинчи шахснинг (шахсларнинг) илтимосномасига биноан, аризачилар томонидан қарздорнинг мажбуриятлари ижросининг қарзни узиш жадвалига мувофиқ таъминоти тақдим этилган тақдирда суд санациясини жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли.

Қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш сифатида мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан 154 млн сўмга баҳоланган хусусий турар-жойимни гаров (ипотека)га қўяман.

Илова:

1. Суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвали.
2. Турар-жой кадастр ҳужжати нусхаси.
3. Мустақил баҳоловчи ташкилотнинг далолатномаси.

«ХХХ» МЧЖ
мол-мулки эгаси _____

V БОБ. СУД САНАЦИЯСИ

Қонуннинг 76-моддаси шарҳига иловалар*

Илова № 1

Қарздор мол-мулки муассислари (иштирокчилари)нинг кредиторлар биринчи йиғилишига суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги илтимосномаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

«ХХХ» МЧЖ кредиторлар йиғилишига

Нусхаси:«ХХХ» МЧЖнинг
муваққат бошқарувчиси
С.А. Тошниязовга

«ХХХ» МЧЖ мол-мулки эгаси
Р.С.Мусахожаевдан

ИЛТИМОСНОМА

(Суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисида)

2009й. 20 майдаги суднинг ажрими билан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасининг аризаси иш юритувига қабул қилинган ва «ХХХ» МЧЖга нисбатан кузатув жорий қилинган.

Мен қарздор – «ХХХ» МЧЖнинг ягона муассиси ва унинг мол-мулки эгаси бўламан.

«ХХХ» МЧЖнинг асосий фаолият тури мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Корхона кредиторлик қарзларининг миқдори 61604432 сўмни ташкил этади, шу жумладан:

– 29995500 сўм – «Z» фирмасига;

– 3498594 сўм – солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга;

– 1298620 сўм – «Inter–X» ҚК га;

---

* Қонун 75-моддаси шарҳига №1 Иловада қарздор мол-мулки эгасининг суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги хўжалик судига илтимосномаси намунаси келтирилганлиги муносабати билан мазкур илтимоснома намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖга;
– 1274271 сўм – иш ҳақи бўйича ходимларга.

Корхонада ишлаб чиқариш фаолияти барқарор бўлиб, корхона 12 ой ичида тўлов қобилиятли ҳолатини тиклай олади ва шундан кейин кредиторлар олдидаги қарзларини тўлай бошлайди. Шунинг учун 12 ойлик муддатга суд санациясини жорий этишни сўрайман.

Корхонанинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида мен томондан суд санацияси режаси ишлаб чиқилган, шунингдек, қарзни узиш жадвали тузилган. Улар илова қилинади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонун 76-моддаси биринчи қисмига мувофиқ муассислар (иштирокчилар) ёки қарздор мол-мулки эгаси, шунингдек, учинчи шахс (шахслар) суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторларнинг биринчи йиғилишига мурожаат қилишга ҳақли.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, «ХХХ» МЧЖга нисбатан суд санациясини жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилишингизни сўрайман.

Қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш кафолоти сифатида мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан 154 млн сўмга баҳоланган шахсий турар жойимни (ипотекани) гаровга қўяман.

Илова:

1. Суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвали.
2. Турар жойнинг кадастр ҳужжатлари нусхаси.
3. Мустақил баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш далолатномаси.

«ХХХ» МЧЖнинг
мол-мулки эгаси _____

Илова № 2

Таклиф этилаётган суд санацияси муддати кўрсатилган қарздорнинг суд санацияси режаси

«ХХХ» МЧЖнинг суд санацияси

РЕЖАСИ

Масъулияти чекланган жамият 2005 йил ташкил этилган ва барча таъсис ҳужжатлари Н. тумани ҳокимияти ҳузуридаги Тадбирколик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган. Қарздор «ХХХ» МЧЖнинг ягона муассиси ва мол-мулки эгаси мен ҳисобланаман.

«ХХХ» МЧЖнинг асосий фаолият тури офис мебели ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Корхона кредиторлик қарзларининг миқдори 61.604.432 сўмни ташкил этади, шу жумладан :

– 29995500 сўм – «Z» фирмасига;
– 3498594 сўм – солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга;
– 1298620 сўм – «Inter–X» ҚК га;
– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖга;
– 1274271 сўм – иш ҳақи бўйича ходимларга.

Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

– ишлаб чиқаришда қисман ихтисослаштиришни амалга ошириш ва ошхона мебели ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

– ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилмайдиган кўчмас мулкнинг бир қисмини реализация қилиш;

Биринчи чора-тадбирларни, яъни фаолиятни қайта ихтисослаштиришни амалга ошириш қўшимча молиявий маблағларни жалб этишни талаб қилмайди, чунки ошхона мебелини тайёрлашда мавжуд дастгоҳлардан фойдаланилади.

Бозорни ўрганиш шундан далолат беради, бозорда ошхона мебелига талаб катта ва бу маҳсулотга кўп буюртмалар тушиши ва ўз навбатида пул маблағларининг ҳам тушуми кутилмоқда.

Қарздорнинг ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилмайдиган биносининг қисмини реализация қилиш қуйидагиларга имкон беради:

– биринчидан, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хомашёни олиш учун керак бўладиган айланма маблағлар сифатида ишлатиладиган пул маблағларининг тушумига;

– иккинчидан, корхонанинг мол-мулк солиғини тўлаш бўйича харажатларининг камайишига.

Мазкур режани амалга ошириш натижасида корхонанинг тўлов қобилияти 12 ой ичида тикланади.

«ХХХ» МЧЖнинг
мол-мулки эгаси _____

Илова № 3

Қарзни узиш жадвали

Қарзни узиш

ЖАДВАЛИ

Корхона кредиторлик қарзларининг миқдори 61.604.432 сўмни ташкил этади, шу жумладан :

– 29995500 сўм – «Z» фирмасига;
– 3498594 сўм – солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга;
– 1298620 сўм – «Inter–X» ҚКга;
– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖга;
– 1274271 сўм – иш ҳақи бўйича ходимларга.

Суд санацияси режасини амалга ошириш натижасида 6 ой ичида етарлича воситалар жамғариш кутилмоқда. Бу воситаларнинг бир қисми ишлаб чиқариш мақсадларида айланма маблағлар сифатида фойдаланилади, ҳар ойда янги тушумлар ҳисобига тўлиб борадиган яна бир қисми эса кредиторларнинг талабларини бажаришга йўналтирилади. У қуйидаги муддатларда ва тартибда амалга оширилади:

№	Кредитор-нинг номи	Қарз миқдори	2009 й., сентябрь	2009 й., октябрь	2009 й., ноябрь	2009 й., декабрь	2010 й., январь	2010 й., февраль
1.	бюджет	3.498.594	1749297	1749297				
2.	иш ҳақи	1.274.272	637136	637136				
3.	«Z» фирмаси	29.995.500			7498875	7498875	7498875	7498875
4.	«Inter–X» ҚК	1.298.620			324655	324655	324655	324655
5.	«Бизнес Мадад»МЧЖ	25.537.448			6384362	6384362	6384362	6384362
	жами:	61.604.432	2386433	2386433	14207892	14207892	14207892	14207892

«XXX» МЧЖнинг
мол-мулки эгаси _____

Илова № 4

Қарздор муассислари (иштирокчилари) умумий йиғилишининг баённомаси

«ХХХ» МЧЖ муассислари (иштирокчилари) умумий йиғилишининг

БАЁННОМАСИ №___

Н. шаҳар 2009 й. 10 июнь.

Иштирок этди:
муассислар (иштирокчилар):
– А.С. Акбаров (25%);
– М.Н. Акбарова (25%);
– Ф.Я. Сабиров (50%).
«ХХХ» МЧЖ директори В.С. Тўлқинов

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. «ХХХ»МЧЖнинг банкротлиги тўғрисида.

Муассислар йиғилиши Ф.Я. Сабировни йиғилиш раиси этиб, М.Н. Акбаровани эса йиғилиш котиби этиб сайлади.

Эшитилди: Жамият директори В.С. Тўлқинов
2009 й. 20 майдаги суднинг ажрими билан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасининг аризаси иш юритувига қабул қилинган ва «ХХХ» МЧЖга нисбатан кузатув жорий қилинган.

Корхона кредиторлик қарзларининг миқдори 61.604.432 сўмни ташкил этади, шу жумладан :

– 29995500 сўм – «Z» фирмасига;
– 3498594 сўм – солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга;
– 1298620 сўм – «Inter–X»ҚК га;
– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖга;
– 1274271 сўм – иш ҳақи бўйича ходимларга.

Ишни кўриб чиқиш 2009 й. 5 июлга тайинланган, 25 июнда эса кредиторларнинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтади. Банкротлик аломатлари мавжуд бўлганлиги сабабли кредиторлар биринчи йиғилиши томонидан судга «ХХХ» МЧЖни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома киритиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

Сўзга чиқдилар:

1. Жамият муассиси А.С. Акбаров:

– Кредиторлар йиғилишига 12 ойлик муддатга суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат этишни таклиф қиламан.

Қарздор мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш кафолоти сифатида кафилликни таклиф қиламан.

2. Муассис Ф.Я. Сабиров:

– Мен Акбаровнинг таклифини қўллаб-қувватлайман.

«ХХХ» МЧЖ муассислари (иштирокчилари) йиғилиши кун тартибини муҳокама қилиб

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Кредиторлар йиғилишига 12 ойлик муддатга суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилинсин.

2. «ХХХ» МЧЖ мажбуриятлари бажарилиши таъминоти сифатида жамият муассислари (иштирокчилари) нинг 75 млн сўм миқдорга кафиллиги таклиф қилинсин.

Овоз берилди:

«тарафдорлар» – бир овоздан.

«қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Илова № 5

Қарздор томонидан қарзни узиш жадвали бажарилишини муассислар (иштирокчилар) томонидан таъминланиши ҳақидаги ҳужжат

КАФИЛЛИК ШАРТНОМАСИ

Н. шаҳри «____» июнь 2009 й.

Сабиров Файзулла Яқубович, бундан буён «Кафил–1», паспорт рақами № ..., 2006 й. 4 апрелда Н. тумани ИИБ томонидан берилган, ___ манзилда, Навои кўчаси, 5 уйда туради; Акбаров Анвар Сализович, бундан буён «Кафил–2», паспорт рақами__ №___, Н. тумани ИИБ томонидан 24 апрел 2002 й. берилган, Н. шаҳри, Навбаҳор кўчаси, 15 уйда яшайди; Акбарова Мохира Наврузовна, бундан буён «Кафил–3», паспорт рақами __ №___, Н. тумани ИИБ томонидан 14 март 2003 й. берилган, Н. шаҳри, Навбаҳор кўчаси, 15 уйда яшайди, биргаликда бундан буён «Кафиллар» деб аталадилар, бир тарафдан ва «ХХХ» масъулияти чекланган жамияти кредиторлари номидан, кредиторлар йиғилишининг (№ 1-сонли Баённома 02.06.2009 й.) қарори асосида фаолият кўрсатувчи муваққат бошқарувчи С.А.Тошниёзов, бундан буён «Кредиторлар» деб аталадилар, бир тарафдан, биргаликда «Тарафлар», қуйидагилар хусусида мазкур Шартномани туздилар:

I. Шартнома предмети

1.1. Ушбу Шартнома бўйича Кафиллар қарздор томонидан қарзни узиш жадвали бажарилиши бўйича мажбуриятларнинг таъминланиши кафолоти сифатида «ХХХ» масъулияти чекланган жамияти Кредиторлари олдида 61604432 сўм миқдордаги, шу жумладан:

– 29995500 сўм – «Z» фирмаси олдида;

– 3498594 сўм – солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдида;

– 1298620 сўм – «Inter–X»ҚК олдида;

– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖ олдида;

– 1274271 сўм – иш ҳақи бўйича ходимлар олдида жамият ўз мажбуриятларини бажариши учун жавоб беришни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Кафиллар мажбурияти 75000000 (етмиш беш миллион) сўм билан чекланади.

1.3. Кафиллик Кредиторларнинг талабларини қарзни узиш жадвалига мувофиқ таъминлайди.

II. Шартнома муддати

2.1. Ушбу Шартнома қарзни узиш жадвалида кўрсатилган қарзни узиш муддати тугайдиган муддатга тузилди.

III. Тарафлар ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Кафиллар:

1) Кредиторлар розилиги билан кафилликни мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг бошқа турига алмаштириш;

2) Кредиторлар розилиги билан мажбуриятлар бажарилишини таъминлашни бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқига эга.

3.2. Кафиллар:

1) Қарздор томонидан қарзларни узиш жадвали бажарилмаган, шунингдек, суд санацияси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда Кредиторлар талабларини қондиришга мажбурлар.

3.3. Кредиторлар:

1) Қарздор томонидан қарзни узиш жадвалига риоя қилинмаган тақдирда суд санацияси муддатидан олдин бекор қилинишини талаб қилиш;

2) Кафиллар томонидан қарздор мажбуриятларини қарзни узиш жадвалида назарда тутилган миқдорда бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

IV. Бошқа шартлар

4.1. Кафиллар мажбуриятлари қарздорнинг қарзни узиш жадвалида кўрсатилган мажбуриятлари миқдори билан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 327-моддасига мувофиқ қўшимча ёзилган фоизларни ҳисобга олган ҳолда, чекланади.

4.2. Кредиторларнинг талаб қилиш ҳуқуқи бошқа кредиторга ўтган тақдирда Кафилларнинг мажбуриятлари ушбу шартномага мувофиқ ўз кучида қолади.

V. Кафилликнинг бекор бўлиши

5.1. Кафиллик:

1) Кафиллик билан таъминланган мажбуриятларнинг бекор бўлиши билан;

2) Кафиллик билан таъминланган мажбурият бўйича қарзнинг учинчи шахсга ўтиши билан;

3) Даъво муддати тугаши туфайли кафиллик билан таъминланган мажбуриятлар бўйича Кредиторлар талабларини қондириш мумкин бўлмай қолган тақдирда;

4) Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бекор бўлади.

VI. Якунловчи қоидалар

6.1. Ушбу Шартнома билан тартибга солинмаган масалалар амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳал этилади.

6.2. Тарафлар ушбу Шартномани бажаришда юзага келган барча низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этадилар. Келишувга эришилмаган ҳолларда низолар қонунга мувофиқ хўжалик судида ҳал этилади.

6.3. Шартнома тарафлардан ҳар бирига биттадан бир хил юридик кучга эга бўлган тўртта нусхада тузилди.

VII. Тарафлар манзиллари ва имзолари

Кафил–1:	Кредиторлар:
_____	_____
_____	_____
Кафил–2	_____
_____	_____
_____	_____
Кафил–3	_____
_____	_____
_____	_____

Қонуннинг 77-моддаси шарҳига иловалар

Қонуннинг 76-моддаси шарҳларига иловаларда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш ҳақидаги келишув (шартнома) намунаси келтирилганлиги сабабли Қонуннинг 77-моддаси шарҳига иловалар келтирилмайди. (*қаранг:қонуннинг 76-моддаси шарҳларига иловалардаги ҳужжатлар намуналарига*).

Қонуннинг 79-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Санация қилувчи бошқарувчининг қарздор раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш ҳақидаги илтимосномаси

Н. вилояти хўжалик судига

«ХХХ» МЧЖ муваққат бошқарувчиси
С.А. Тошниёзовдан

ИЛТИМОСНОМА

(Қарздор раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш ҳақида)

2009 йил 20 майдаги суд ажрими билан қарздорга нисбатан 12 ойлик муддатга суд санацияси жорий этилган, санация қилувчи бошқарувчи сифатида эса С.А.Тошниёзов тайинланган.

Қарздор раҳбари Избосканов Б.К. суд санацияси режасини лозим даражада бажармаяпти ва бу кредиторлар талабларини узиш жадвалида кўзда тутилган муддатларга риоя этилишига салбий таъсир этаяпти, ўз навбатида кредиторлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузаяпти.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонун (кейинги матнларда Қонун) 79-моддасига биноан кредиторлар йиғилишининг, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларнинг ёки санация қилувчи бошқарувчининг қарздорнинг раҳбари суд санацияси режасини бажармаганлиги ёхуд лозим даражада бажармаганлиги ҳақидаги ёки қарздорнинг раҳбари қарздорнинг, кредиторларнинг, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган илтимосномасига биноан хўжалик суди қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштиришга ҳақли. Бундай ҳолларда хўжалик суди қарздорнинг раҳбари вазифасини ижро этишни санация қилувчи бошқарувчининг зиммасига юклашга ҳақли.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва қарздор раҳбари қарздор тўлов қобилиятининг тикланиш муддатларида ифодасини топган суд санацияси режасини лозим даражада бажармаганлигини ва бу ўз навбатида қарзни узиш жадвали бузилишига олиб келишини эътиборга ҳолда ҳамда кредиторлар талабларини таъминлаш мақсадида суддан қарздор раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан четлатишни сўрайман.

Санация қилувчи
бошқарувчи **С.А. Тошниёзов**

Қонуннинг 80-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Кредиторлар вакилининг санация қилувчи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги кредиторлар йиғилиши илтимосномаси асосида мурожаат қилиши

Н. вилояти хўжалик судига

ИЛТИМОСНОМА

(Санация қилувчи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш ҳақида)

2009 й. 20 майдаги суд ажрими билан қарздорга нисбатан 12 ойлик муддатга суд санацияси жорий этилган, санация қилувчи бошқарувчи сифатида эса С.А.Тошниёзов тайинланган.

Санация қилувчи бошқарувчи С.А. Тошниёзов ўз вазифасини лозим даражада бажармаяпти, бу қарздор раҳбаридан суд санацияси режасида назарда тутилган чораларнинг амалга ошириш жараёни ҳақидаги ахборотни талаб қилмаётганида, талаблари пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талаблари реестрига киритилган пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талаблари умумий миқдорининг учдан бир қисмидан кам бўлмаган улушини ташкил этган кредиторлар талабига кўра кредиторларнинг йиғилишини чақирмаганлигида кўринади.

2009 йил 20 октябрда бўлиб ўтган кредиторлар йиғилишида санация қилувчи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш ҳақида илтимоснома билан судга мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Юқоридаги ҳолат юзасидан ва санация қилувчи бошқарувчи томонидан ўз вазифаси лозим даражада бажарилмаётганлиги туфайли ҳамда кредиторлар талабини қондириш мақсадида кредиторлар йиғилиши илтимосномасини қондириш ва санация қилувчи бошқарувчи С.А. Тошниёзовни ўз вазифасини бажаришдан озод этишингизни сўрайман.

Илова:

20.10.2009 йилдаги кредиторлар йиғилиши Баённомаси.

Кредиторлар вакили **Валиев К.И.**

Қонуннинг 84-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарздорнинг қарзни узиш жадвалидаги ўзгартишларни маъқуллаш тўғрисида кредиторларга илтимосномаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

«ХХХ»МЧЖ
кредиторлар йиғилишига

нусхаси: «ХХХ»МЧЖнинг санация қилувчи бошқарувчиси С.Булгаковга

ИЛТИМОСНОМА

(Қарзни узиш жадвалига ўзгартишларни маъқуллаш ҳақида)

2009 йил 28 февралдаги суд ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ойлик муддатга суд санацияси жорий этилган, шунингдек, қарзни узиш жадвали тасдиқланган. Ушбу жадвалга мувофиқ кредиторлар реестрига киритилган 61604432 сўмни ташкил этувчи умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой ўтгандан кейин узилади ҳамда ҳар ойда маҳсулотни реализация қилишдан тушадиган 10 млн сўм миқдордаги пул маблағлари ҳам қарзни узишга йўналтирилади ва суд санацияси муддати тугагунча кредиторларнинг барча талаблари қондирилади. Бироқ кутилмаган айрим ҳолатларга кўра хом ашё етказиб бериш шартномада назарда тутилган муддатларда етказиб берувчи томонидан амалга оширилмади ва бу қарзни узиш жадвалида назарда тутилган муддатларнинг бузилишида намоён бўлди.

Юқоридаги ҳолатни эътиборга олиб шуни қайд этиш керакки, қарзни узиш жадвалига кредиторлар талабларини қондириш суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой ўтгандан кейин бошланишини ва ҳар ойда маҳсулотни реализация қилишдан тушган 15 млн сўм миқдордаги пул маблағлари қарзни узишга йўналтирилиши ва суд санацияси муддати тугагунга қадар кредиторларнинг барча талаблари узилишини назарда тутувчи ўзгартиш киритишга зарурат туғилган.

Юқорида баён қилинган ҳолатлардан келиб чиқиб, қарзни узиш жадвалига ўзгартиш киритишни ва хўжалик судига ўзгартишни тасдиқлаш ҳақида илтимоснома билан мурожаат этишни сўрайман.

Илова:

Қарзни узиш жадвали (ўзгартишларни ҳисобга олган ҳолда).

«ХХХ» МЧЖ директори _____

Илова № 2

Қарзни узиш жадвалидаги ўзгартишларни тасдиқлаш ҳақидаги илтимоснома билан судга мурожаат этиш юзасидан кредиторлар йиғилишининг баённомаси

«ХХХ» масъулияти чекланган жамияти кредиторлар йиғилишининг

№ 5 БАЁННОМАСИ

Н/ шаҳри 30 октябрь 2009 й.

Қатнашди:
Кредиторлар вакиллари:
– Н. туман давлат солиқ инспециясидан – А.С. Камбаров;
– «Z» фирмасидан – М.Н. Акбарова;
– «Inter–X» ҚКдан – Ф.Я. Сабиров;
– «Бизнес Мадад» МЧЖдан – Н.И. Кретов;
– «ХХХ» МЧЖнинг директори В.С. Тўлкинов;
– Санация қилувчи бошқарувчи С.К. Булгаков

73% овозга эга бўлган кредиторлар вакиллари қатнашмоқда.
Йиғилишни ўтказиш учун кворум мавжуд.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Қарзни узиш жадвалига ўзгартиш киритиш ҳақида.

Кредиторлар йиғилиши Ф.Я. Сабировни йиғилиш раиси этиб, М.Н. Акбаровани эса йиғилиш котиби этиб сайлади.

Эшитилди: санация қилувчи бошқарувчи С.К.Булгаков
– 2009 йил 28 февралдаги суд ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ойлик муддатга суд санацияси жорий этилган, шунингдек, қарзни узиш жадвали тасдиқланган. Ушбу жадвалга мувофиқ кредиторлар реестрига киритилган 61604432 сўмни ташкил этувчи умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой ўтгандан кейин узилади ҳамда ҳар ойда маҳсулотни реализация қилишдан тушадиган 10 млн сўм миқдордаги пул маблағлари ҳам қарзни узишга йўналтирилади ва суд санацияси муддати тугагунча кредиторларнинг барча талаблари қондирилади.

Хусусан, графикка мувофиқ 2009 йил октябрда қарздор томонидан 10 млн сўм ўтказилиши шарт эди. Бироқ маблағларни ўтказиш амалга оширилмади ва қарздор кредиторлар йиғилишига қарзни узиш жадвалига киритилиши мўлжалланаётган ўзгартишларни маъқуллаш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат этди. Ушбу ўзгартишга кўра кредиторлар талабларини қондириш суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой ўтгандан кейин бошланади ва ҳар ойда маҳсулотни реализация қилишдан тушадиган

15 млн сўм миқдордаги пул маблағлари қарзни узишга йўналтирилади ва суд санацияси муддати тугагунга қадар кредиторларнинг барча талаблари узилади.

Сўзга чиқди:

1. «ХХХ» МЧЖнинг директори В.С. Тўлкинов:

– Кутилмаган айрим ҳолатларга кўра хом ашё етказиб бериш шартномада назарда тутилган муддатларда етказиб берувчи томонидан амалга оширилмади ва бу қарзни узиш жадвалида назарда тутилган муддатларнинг бузилишида намоён бўлди.

Юқоридаги ҳолатни эътиборга олиб шуни қайд этиш керакки, қарзни узиш жадвалига ўзгартиш киритишга зарурат туғилган. Шу туфайли қарзни узиш жадвалига ўзгартиш киритишни ва хўжалик судига ўзгартишни тасдиқлаш ҳақида илтимоснома билан мурожаат этишни сўрайман.

2. «Бизнес Мадад» МЧЖ вакили Н.И. Кретов:

– Мен қарзни узиш жадвалига киритилиши мўлжалланаётган ўзгаришларни маъқуллаш ва қарзни узиш жадвалига ўзгартишни тасдиқлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этишни таклиф қиламан.

Бошқа таклифлар бўлмади.

«ХХХ» МЧЖ кредиторлар йиғилиши кун тартибини муҳокама қилиб

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Қарзни узиш жадвалига ўзгартишлар киритилсин.
2. Н. вилоят хўжалик судига қарзни узиш жадвалига ўзгартишларни тасдиқлаш юзасидан илтимоснома киритилсин.

Овоз бердилар:

«Тарафдорлар» – бир овоздан.

«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Қонуннинг 85-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарздор раҳбарининг суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақидаги ҳисоботи

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

Нусхаси: «ХХХ» МЧЖнинг санация қилувчи бошқарувчиси С. Булгаковга

ҲИСОБОТ

(Суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақида)

2009 йил 28 февральдаги суд ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ойлик муддатга суд санацияси жорий этилган, шунингдек қарзни узиш жадвали тасдиқланган. Ушбу жадвалга мувофиқ кредиторлар реестрига киритилган 61604432 сўмни ташкил этувчи умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой ўтгандан кейин узилади ҳамда ҳар ойда маҳсулотни реализация қилишдан тушадиган 10 млн сўм миқдордаги пул маблағлари ҳам қарзни узишга йўналтирилади ва суд санацияси муддати тугагунча кредиторларнинг барча талаблари қондирилади.

Кредиторларнинг қарзни узиш жадвалида назарда тутилган барча талаблари суд санациясининг хўжалик суди томонидан белгиланган муддати ўтишидан олдин қарздор томонидан қаноатлантирилди.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 85-моддаси биринчи қисмига мувофиқ кредиторларнинг қарзни узиш жадвалида назарда тутилган барча талаблари суд санациясининг хўжалик суди томонидан белгиланган муддати ўтишидан олдин қарздор томонидан қаноатлантирилган тақдирда қарздорнинг раҳбари суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақида хўжалик судига ҳисобот тақдим этади.Ушбу ҳисобот ва кредиторларнинг шикоятлари хўжалик суди томонидан мажлисда кўриб чиқилади.

Қонун 85-моддаси учинчи қисмида қарздор раҳбарининг суд санациясини муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақидаги ҳисоботини, шунингдек, кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш якунлари асосида хўжалик суди, агар узилмаган қарз қолмаганлиги аниқланган, кредиторларнинг шикоятлари эса асоссиз деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлайди ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатади деган қоида назарда тутилган.

Юқорида баён этилган ҳолатни эътиборга олиб ва қарзни узиш жадвалига киритилган кредиторларнинг барча талаблари муддатидан олдин узилганлиги туфайли суддан суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлашни ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатишни сўрайман.

Илова:

1. Кредиторларга пул маблағлари ўтказилганлиги ҳақидаги талабнома нусхаси.
2. Иш ҳақи бўйича қарзлар тўланганлиги ҳақидаги қайдномалар нусхалари.

«ХХХ» МЧЖнинг директори _____

Қонуннинг 86-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарздор раҳбарининг кредиторлар йиғилишига қарзни узиш жадвали ва суд санацияси режаси бажарилганлиги натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

«ХХХ» МЧЖнинг
кредиторлари йиғилишига

Нусхаси: «ХХХ» МЧЖнинг санация қилувчи бошқарувчиси С. Булгаковга

ҲИСОБОТ

(Суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвали бажарилганлиги натижалари ҳақида)

2009 йил 28 февралдаги суд ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ойлик муддатга суд санацияси жорий этилган, шунингдек қарзни узиш жадвали тасдиқланган. Ушбу жадвалга мувофиқ кредиторлар реестрига киритилган 61604432 сўмни ташкил этувчи умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой ўтгандан кейин узилади ҳамда ҳар ойда маҳсулотни реализация қилишдан тушадиган 10 млн сўм миқдордаги пул маблағлари ҳам қарзни узишга йўналтирилади ва суд санацияси муддати тугагунча кредиторларнинг барча талаблари қондирилади.

Кредиторлар талаблари реестрига кўра корхона кредиторлик қарзлари миқдори 61604432 сўмни ташкил этган, шу жумладан:

– 29995500 сўм – «Z» фирмасига;
– 3498594 сўм – солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бюджетга;
– 1298620 сўм – «Inter–X» ҚКга;
– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖга;
– 1274271 сўм – иш ҳақи бўйича ходимларга.

Қарзни узиш жадвалига биноан солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бюджет, иш ҳақи бўйича ходимлар, «Inter–X» ҚК олдидаги қарздорлик тўла ҳамда «Z» фирмаси ва»Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги қарздорлик қисман узилди.

Бугунги кунга нисбатан узилмаган қарзлар миқдори 43.500.500 сўмни, шу жумладан:

– «Z» фирмасига – 22230500 сўм;
– «Бизнес Мадад» МЧЖга – 21270000 сўмни ташкил этади.

Ҳамкорлар томонидан хомашё етказиб бериш муддатларининг бузилиши қарзни узиш жадвалини бажариш муддатларининг бузилишига олиб келди.

Юқоридаги ҳолатни эътиборга олиб судга суд санацияси муддатини 12 ойга узайтириш ҳақида ёки 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этиш ҳақида илтимоснома киритишни сўрайман.

Илова:

1. «ХХХ» МЧЖнинг сўнгги санадаги ҳолатга кўра бухгалтерия баланси.
2. «ХХХ» МЧЖнинг даромадлари (фойдаси) ва зарарлари ҳақида ҳисоботи.
3. Қаноатлантирилган талаблар миқдори кўрсатилган кредиторларнинг талаблари реестри.
4. Кредиторларга пул маблағлари ўтказилганлиги ҳақидаги тўлов талабномаларининг нусхалари.
5. Иш ҳақи бўйича қарзлар тўланганлиги ҳақидаги қайдномаларнинг нусхалари.

«ХХХ» МЧЖнинг директори _____

Илова № 2

*Ташқи бошқарув жорий этиш (ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни очиш) тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш ҳақида кредиторлар йиғилишининг баённомаси**

«XXX» масъуляти чекланган жамияти кредиторлар йиғилишининг

№ 5 БАЁННОМАСИ

Н. шаҳри 30 октябрь 2009 й.

Қатнашди:
Кредиторлар вакиллари:
– Н. туман давлат солиқ инспециясидан – А.С. Акбаров;
– «Z» фирмасидан – М.Н. Акбарова;
– «Inter–X» ҚКдан – Ф.Я. Сабиров;
– «Бизнес Мадад» МЧЖдан – Н.И. Кретов;
– «XXX» МЧЖнинг директори В.С. Тўлкинов;
– Санация қилувчи бошқарувчи С.К. Булгаков.

73% овозга эга бўлган кредиторлар вакиллари қатнашмоқда.
Йиғилишни ўтказиш учун кворум мавжуд.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Хўжалик судига суд санациясини муддатидан илгари тамомлаш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат этиш ҳақида.

Кредиторлар йиғилиши Ф.Я. Сабировни йиғилиш раиси этиб, М.Н. Акбарови эса йиғилиш котиби этиб сайлади.

Эшитилди: санация қилувчи бошқарувчи С.К. Булгаков

– 2009 йил 28 февралдаги суд ажрими билан «XXX» МЧЖга нисбатан 12 ойлик муддатга суд санацияси жорий этилган, шунингдек қарзни узиш жадвали тасдиқланган. Ушбу жадвалга мувофиқ кредиторлар реестрига киритилган 61604432 сўмни ташкил этувчи умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой ўтгандан кейин узилади ҳамда ҳар ойда маҳсулотни реализация қилишдан тушадиган 10 млн сўм миқдордаги пул маблағлари ҳам қарзни узишга йўналтирилади ва суд санацияси муддати тугагунча кредиторларнинг барча талаблари қондирилади.

Қарздор томонидан суд санацияси даврида қарзни узиш жадвалида белгиланган кредиторлар талабларини узиш муддатлари бир ойдан ортиқ бўлган муддатга бузилганлиги туфайли мен томонимдан мазкур йиғилиш чақирилди.

* Баённома матнида қавс ичида курсив ёзув билан ташқи бошқарувчига кредиторлар йиғилишининг муқобил қарори келтирилган.

Қарздор раҳбари томонидан ҳисобот тақдим этилган ва ундан маълум бўладики, қарзни узиш жадвалига биноан солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бюджет, иш ҳақи бўйича ходимлар, «Inter–X» ҚК. олдидаги қарздорлик тўла ҳамда «Z» фирмаси ва «Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги қарздорлик қисман узилган.

Бугунги кунга нисбатан узилмаган қарзлар миқдори 43500500 сўмни, шу жумладан:

– «Z» фирмасига – 22230500 сўм;

– «Бизнес Мадад» МЧЖга – 21270000 сўмни ташкил этади.

Корхона тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга бўлганлиги (*бўлмаганлиги*) сабабли корхонада 12 ойлик муддатга ташқи бошқарувни жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман (*қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни очиш ҳақида судга илтимоснома киритиш*).

Сўзга чиқди:

1. «ХХХ» МЧЖнинг директори В.С. Тулкунов:

– Кутилмаган айрим ҳолатларга кўра хом ашё етказиб бериш шартномада назарда тутилган муддатларда етказиб берувчи томонидан амалга оширилмади ва бу қарзни узиш жадвалида назарда тутилган муддатларнинг бузилишида намоён бўлди.

Юқоридаги ҳолатни эътиборга олиб судга суд санацияси муддатини 12 ойга узайтириш ҳақида ёки 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этиш ҳақида илтимоснома киритишни сўрайман.

2. «Бизнес Мадад» МЧЖнинг вакили Н.И. Кретов:

– Мен хўжалик судига 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий этиш ҳақида (*ёки қарздорни банкрот деб топиб тугатишга доир иш юритишни очиш ҳақида*) илтимоснома билан мурожаат этишни, ташқи бошқарувчи (*тугатувчи бошқарувчи*) сифатида эса С.К. Булгаковни тайинлашни ҳамда унга ҳар ойда 400000 сўм миқдорда ҳақ белгилашни таклиф қиламан.

Бошқа таклифлар бўлмади.

«ХХХ» МЧЖ кредиторлар йиғилиши кун тартибини муҳокама қилиб,

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Н. вилоят хўжалик судига «ХХХ»МЧЖга нисбатан 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий этиш ҳақида (*ёки қарздорни банкрот деб топиб тугатишга доир иш юритишни очиш ҳақида*) илтимоснома киритилсин, ташқи бошқарувчи (*тугатувчи бошқарувчи*) сифатида С.К. Булгаков тайинлансин ва унга ҳар ойда 400000 сўм миқдорда ҳақ белгилансин.

Овоз берди:

«Тарафдорлар» – бир овоздан.
«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Қонуннинг 87-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисида хўжалик судига ҳисоботи

Н. вилоят хўжалик суди

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Нусхаси: «ХХХ» МЧЖнинг санация қилувчи бошқарувчиси С. Булгаковга

ҲИСОБОТ

(Ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисида)

2009 й. 28 февралдаги суд ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ойлик муддатга суд санацияси жорий этилган, шунингдек, қарзни узиш жадвали тасдиқланган. Ушбу жадвалга мувофиқ кредиторлар реестрига киритилган 61604432 сўмни ташкил этувчи умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой ўтгандан кейин узилади ҳамда ҳар ойда маҳсулотни реализация қилишдан тушадиган 10 млн сўм миқдордаги пул маблағлари ҳам қарзни узишга йўналтирилади ва суд санацияси муддати тугагунча кредиторларнинг барча талаблари қондирилади.

Кредиторлар талаблари реестрига кўра корхона кредиторлик қарзлари миқдори 61604432 сўмни ташкил этган, шу жумладан:

– 29995500 сўм – «Z» фирмасига;

– 3498594 сўм – солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бюджетга;

– 1298620 сўм – «Inter–X» ҚКга;

– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖга;

– 1274271 сўм – иш ҳақи бўйича ходимларга.

Суд санация режасида қуйидаги чора-тадбирларни бажариш назарда тутилган эди:

– қисман қайта ихтисослаштириш ўтказиш ва ошхона мебели ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

– ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилмайдиган кўчмас мулкнинг бир қисмини реализация қилиш.

Суд санацияси даврида суд санацияси режаси бажарилди, суд санацияси режаси амалга оширилиши туфайли эришилган молиявий натижалар қарзни узиш жадвалига киритилган барча кредиторларнинг талабларини узиш имконини берди.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонун 87-моддасига кўра суд санациясининг белгиланган муддати тугашига камида ўн беш кун қолганида қарздорнинг раҳбари ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисида хўжалик судига ҳисобот тақдим этиши шарт. Ушбу ҳисоботни, шунингдек, кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш якунлари асосида хўжалик суди, агар узилмаган қарз қолмаганлиги аниқланган, кредиторларнинг шикоятлари эса асоссиз деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлайди ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Юқоридаги ҳолатни эътиборга олиб ва қарзни узиш жадвалига киритилган кредиторларнинг барча талаблари узилганлиги сабабли суддан ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлашни ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатишни сўрайман.

Илова:

1. «ХХХ» МЧЖнинг сўнгги санадаги ҳолатга кўра бухгалтерия баланси.
2. «ХХХ» МЧЖнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот.
3. Қаноатлантирилган талаблар миқдори кўрсатилган кредиторларнинг талаблари реестри.
4. Кредиторларга пул маблағлари ўтказилганлиги ҳақидаги тўлов талабномаларининг нусхалари.
5. Иш ҳақи бўйича қарзлар тўланганлиги ҳақидаги қайдномаларининг нусхалари.
6. Ҳисобот бўйича санация қилувчи бошқарувчининг хулосаси.

«ХХХ» МЧЖнинг директори _____

Қонуннинг 88-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларга кредиторлар йиғилиши вакилининг талаби

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

«ХХХ» МЧЖнинг муассисларига:
А.С. Акбаров,
М.Н. Акбарова,
Ф.Я. Сабиров

2009 йил 28 февралдаги суд ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ойлик муддатга суд санацияси жорий этилган, шунингдек қарзни узиш жадвали тасдиқланган. Ушбу жадвалга мувофиқ кредиторлар реестрига киритилган 61604432 сўмни ташкил этувчи умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой ўтгандан кейин узилади ҳамда ҳар ойда маҳсулотни реализация қилишдан тушадиган 10 млн сўм миқдордаги пул маблағлари ҳам қарзни узишга йўналтирилади ва суд санацияси муддати тугагунча кредиторларнинг барча талаблари қондирилади.

«ХХХ» МЧЖнинг муассислари илтимосномаси асосида суд санацияси жорий этилганлиги туфайли қарздорнинг муассислари ва кредиторлари ўртасида кафиллик шартномаси тузилган эди. Унга мувофиқ сиз ўз зиммангизга қарздорнинг кредиторлар олдидаги мажбуриятини бажариш мажбуриятини олгансиз ва кафиллик 75 млн сўм билан чекланган.

Суд санацияси муддати тугаши билан, кредиторлар – «Z» фирмаси олдидаги 22230500 сўм ва «Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги 21270000 сўм миқдордаги қарз узилмаганлиги туфайли 2010 йил 1 мартдаги суд ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан жорий этилган суд санацияси тугатилди ва унинг муассисларига «Бизнес Мадад» МЧЖнинг талабларини қондиришга икки ҳафталик муддат берилди.

Юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб 2010 йил 15 мартгача бўлган муддатда кафиллик шартномаси бўйича олинган мажбуриятларни бажаришни ва кредиторлар билан ҳисоблашиш учун «ХХХ» МЧЖнинг кассасига ёки «ХХХ» МЧЖнинг «Х–банк»АТБ Н. филиалидаги ҳисобварағига (МФО _____ СТИР _____) 43500500 сўм тўлашни сўрайман.

Илова:

01.03.2010 й. суд ажрими нусхаси.

Кредиторлар вакили **Валиев К.И.**

VI БОБ. ТАШҚИ БОШҚАРУВ

Қонуннинг 91-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Банкротлик ишлари бўйича давлат органининг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги аризаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

Нусхаси: «ХХХ» МЧЖ муваққат бошқарувчиси С. Булгаковга

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан суднинг 2009 йил 20 майдаги «ХХХ» МЧЖга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ва кузатув жорий этиш тўғрисидаги ажрими қабул қилиб олинган.

Суд ажримини олгандан кейин, қарздор устав фондидаги давлат улуши 25% ни ташкил қилганлиги сабабли, банкротлик ишлари бўйича давлат органи томонидан қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлил этилган. Молиявий таҳлил жараёнида, 20.10.2008 йил ҳолатига кўра қарздорнинг мажбурий тўловлар бўйича қарзлари умумий 54.743.000 сўмни ташкил қилиши ва 2008 йилнинг 9 ойи ичида корхонанинг иш унумдорлиги 2007 йилнинг шу даврига нисбатан икки баробар пасайгани аниқланди.

Бундан ташқари қарздор фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатдики, бошқарувни тўғри ташкил этиш орқали, қарздор тўлов қобилиятини тиклай олади, чунки қарздорнинг ишлаб чиқариши замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва у томонидан ишлаб чиқиладиган маҳсулотга талаб кучли.

«Банкротлик тўғрисида» қонуннинг 91-моддаси биринчи қисмига кўра, агар қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг ҳақиқий имконияти аниқланган бўлса, ташқи бошқарув кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси, мол-мулкида давлат улуши бўлган корхоналар бўйича эса банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси асосида хўжалик суди томонидан жорий этилади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти ҳудудий бошқармаси суддан «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув тайинлашни сўрайди.

Илова:

1. Қарздор молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили ҳақида маълумотнома

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти бошқармаси бошлиғи _____

Илова № 2

Ташқи бошқарув муддатини қисқартириш ҳақидаги кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси

Н. вилоят хўжалик суди

ИЛТИМОСНОМА

(Ташқи бошқарув муддатини қисқартириш ҳақида)

Суднинг 2009 йил 2 январдаги қарорига кўра, «D–LTD» ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги «Х–банк»АТБ нинг аризаси иш юритувга қабул қилиниб, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув таомили жорий этилган.

Белгиланган кузатув натижаси ҳамда кредиторлар йиғилишининг илтимосига кўра, суднинг 2009 йил 3 мартдаги ажрими билан қарздорга нисбатан 18 ой муддатга ташқи бошқарув белгиланиб, А.Собиров ташқи бошқарувчи этиб тайинланган. Ташқи бошқарувчига ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиш ва кредиторлар йиғилиши тасдиғига тақдим қилиш мажбурияти юкланган.

Суд қарори ва қонунга мувофиқ ўзига юклатилган мажбуриятлар ижроси юзасидан ташқи бошқарувчи томонидан ташқи бошқарув режаси ишлаб чиқилиб, мазкур режани амалга ошириш натижасида қарздор 12 ой муддат давомида тўлов қобилиятини тиклаши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

2009 йил 1 апрелда ташкил этилган кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарув режаси кўриб чиқилиб, тасдиқланган. Шунингдек, ташқи бошқарув муддатини 12 ой қилиб қисартириш масаласида судга илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб ва «Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 91-моддаси тўртинчи қисмига асосланиб кредиторлар йиғилиши

суддан «ХХХ» МЧЖга нисбатан жорий этилган ташқи бошқарувни 12 ой қилиб қисқартиришни сўрайди.

Илова:

01.04.2009 й. кредиторлар йиғилиши баённомаси

Кредиторлар вакили **Валиев К.И.**

Илова № 3

Суд бошқарувчисининг ташқи бошқарув муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномаси

Н. вилоят хўжалик суди

ИЛТИМОСНОМА

(Ташқи бошқарув муддатини қисқартириш ҳақида)

Суднинг 2009 йил 2 январдаги қарорига кўра, «D–LTD» ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги «Х–банк»АТБ нинг аризаси иш юритувга қабул қилиниб, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув таомили жорий этилган.

Белгиланган кузатув натижаси ҳамда кредиторлар йиғилишининг илтимосига кўра, суднинг 2009 йил 3 мартдаги ажрими билан қарздорга нисбатан 18 ой муддатга ташқи бошқарув белгиланиб, мен – А.Собиров ташқи бошқарувчи этиб тайинланганман. Шунингдек, мазкур суд ажрими билан менга ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиш ва кредиторлар йиғилиши тасдиғига тақдим қилиш мажбурияти юкланган.

Суд қарори ва қонунга мувофиқ ташқи бошқарувчига юклатилган мажбуриятлар ижроси юзасидан мен томонимдан ташқи бошқарув режаси ишлаб чиқилиб, мазкур режани амалга ошириш натижасида қарздор 24 ой ичида тўлов қобилиятини тиклайди.

2009 йил 1 апрелда бўлиб ўтган кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарув режаси кўриб чиқилиб, тасдиқланган. Шунингдек, ташқи бошқарув муддатини 24 ойга узайтириш масаласида судга илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб ва «Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 91-моддаси тўртинчи қисмига асосланиб, кредиторлар йиғилиши суддан «ХХХ» МЧЖга нисбатан жорий этилган ташқи бошқарув муддатини 12 ойга узайтиришни сўрайман.

Илова:

01.04.2009 й. кредиторлар йиғилиши баённомаси.

«D–LTD» ҚК ташқи бошқарувчиси **А. Сабиров**

Қонуннинг 94-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Ташқи бошқарувчиликка номзодни маъқуллаш ҳақида кредиторлар йиғилиши баённомаси

«ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилишининг № 2 БАЁННОМАСИ

Н. шаҳар 2009 й. 15 март

Қатнашдилар:
Кредиторлар вакиллири:
– Н. тумани ДСИ – А.С. Акбаров;
– «Z» фирмаси – М.Н. Акбарова
– «Inter–X» ҚК – Ф.Я. Сабиров
«Бизнес Мадад» МЧЖ – Н.И. Кретов;
«ХХХ» МЧЖ директори В.С. Тулкунов;
Муваққат бошқарувчи С.К. Булгаков.

73% овозга эга бўлган кредиторлар вакиллари ҳозир бўлган.
Йиғилиш ўтказиш учун кворум мавжуд.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ташқи бошқарувчиликка номзодни маъқуллаш ҳақида.

Кредиторлар йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиби этиб М.Н. Акбаровани сайлади.

Эшитилди: муваққат бошқарувчи С.К. Булгаковни

– Банкротлик ишлари бўйича давлат органининг илтимосномаси асосида суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажримига кўра, «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилган.

Хўжалик суди ташқи бошқарувни кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарори бўлмаган ҳолда жорий этганлиги сабабли, суднинг ажрими билан муваққат бошқарувчига уч ҳафталик муддат ичида ташқи бошқарувчиликка номзодни кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун кредиторлар йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш вазифаси юкланган.

Суд ажримининг ижроси юзасидан мен бугунги кредиторлар йиғилишини чақирдим.

Сўзга чиқдилар:

1. «Z» фирмаси вакили Ф. Я. Сабиров

– Мен кредиторлар йиғилиши кўриб чиқиши учун ташқи бошқарувчиликка С. А. Тошниёзов номзодини тавсия этаман.

С. А. Тошниёзов 1-даражали суд бошқарувчиси шаҳодатномасига эга, унинг суд бошқарувчиси сифатида кўп йиллик стажи бор ва ташқи бошқарувчи сифатида у бир қатор катта ишлаб чиқариш корхоналарда ташқи бошқарув таомилини ташкил этиб, муваффақиятли якунлаган.

С.А. Тошниёзовнинг суд бошқарувчиси сифатидаги фаолияти тўғрисида маълумотнома ва унинг шаҳодатномаси нусхасини тақдим этаман.

2. «Бизнес Мадад» МЧЖ вакили Н.И. Кретов;

– Мен С.А. Тошниёзов номзодини маъқуллаш ва уни ташқи бошқарувчи этиб тайинлиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилишни тавсия этаман. Шунингдек, унга 400.000 миқдорда ойлик иш ҳақи белгилашни тавсия этаман.

Бошқа таклифлар бўлмади.

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб, «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилиши:

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «ХХХ» МЧЖнинг ташқи бошқарувчилигига С.А. Тошниёзов номзодини маъқуллаш.

2. С.А. Тошниёзовни «ХХХ» МЧЖга ташқи бошқарувчи этиб тайинлаш ва унга 400000 миқдорда ойлик иш ҳақи белгилаш ҳақидаги илтимоснома билан Н. вилоят хўжалик судига мурожаат қилиш.

Овоз бердилар:

«Тарафдорлар» – бир овоз билан.
«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Илова № 2

Банкротлик ишлари бўйича давлат органининг ташқи бошқарувчиликка номзод бўйича таклифи

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

«ХХХ» МЧЖ кредиторлар йиғилишига

Банкротлик ишлари бўйича давлат органининг илтимосномаси асосида Н. вилояти хўжалик судининг 2009 йил 28 февралдаги ажримига кўра, «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилган.

Хўжалик суди ташқи бошқарувни кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарори бўлмаган ҳолда жорий этилган ва суднинг ажрими билан муваққат бошқарувчига уч ҳафталик муддат ичида ташқи бошқарувчиликка номзодни кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун кредиторлар йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш вазифаси юкланган.

«Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 94-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, ташқи бошқарувчиликка номзод кредиторлар йиғилишига ҳар қандай кредитор томонидан ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан таклиф этилиши мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти ҳудудий бошқармаси «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчилигига С.А. Тошниёзов номзодини кредиторлар йиғилишида кўриб чиқиш учун таклиф этади.

С.А. Тошниёзов 1-даражали суд бошқарувчиси шаҳодатномасига эга, унинг суд бошқарувчиси сифатида кўп йиллик стажи бор ва ташқи бошқарувчи сифатида у бир қатор катта ишлаб чиқариш корхоналарда ташқи бошқарув таомилини ташкил этиб, муваффақиятли якунлаган.

Илова:

1. С.А.Тошниёзовнинг суд бошқарувчиси сифатидаги фаолияти тўғрисида маълумотнома.
2. Суд бошқарувчиси шаҳодатномаси нусхаси.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти бошқармаси бошлиғи _____

Қонуннинг 96-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Зиммасига юкланган вазифаларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги учун ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш ҳақида кредиторлар йиғилишининг қарори

«ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилишининг

№ 4 БАЁННОМАСИ

Н. шаҳар 2009 й. 20 октябрь

Қатнашдилар:
Кредиторлар вакиллири:
– Н. тумани ДСИ – А.С. Акбаров;
– «Z» фирмаси – М.Н. Акбарова
– «Inter–X» ҚК – Ф.Я. Сабиров
– «Бизнес Мадад» МЧЖ – Н.И. Кретов;
«ХХХ» МЧЖ директори В.С. Тулкунов;
Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов.

73% овозга эга бўлган кредиторлар вакиллари ҳозир бўлган.
Йиғилиш ўтказиш учун кворум мавжуд.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Ташқи бошқарувчининг фаолитяи ҳақида

Кредиторлар йиғилиши мажлис раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиби этиб М.Н. Акбаровни сайлади.

Эшитилди: «Бизнес Мадад» МЧЖ вакили – Н.И. Кретов;

– Суднинг 2009 йил 20 майдаги ажримига кўра, «ХХХ» МЧЖга нисбатан 18 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилган, ташқи бошқарувчи этиб С.А. Тошниёзов тайинланган.

Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов ўз вазифасини лозим даражада бажармаяпти. Бу унинг ташқи бошқарув режасида назарда тутилган тадбирларни лозим даражада амалга оширмаётганлигида аксини топган.

Пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблари кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблар умумий суммасининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи кредитор «Бизнес Мадад» МЧЖ 2009 йил 1 сентябрда ташқи бошқарувчига мурожаат этиб, ундан кредиторлар йиғилишини чақиришни ва кун тартибига ташқи бошқарувчи томонидан ташқи бошқарув режасининг амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотни кредиторлар йиғилишига тақдим этиш масаласини киритишни талаб қилган.

Бироқ кўрсатилган муддат ичида ташқи бошқарувчи томонидан кредиторлар йиғилиши чақирилмаган, шунга кўра кредиторлар йиғилиши «Бизнес Мадад» МЧЖ томонидан ташкил қилинган.

Хўжалик судига С.А. Тошниёзовни ташқи бошқарувчи вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисида илтимоснома тақдим қилишни таклиф этаман.

Сўзга чиқдилар:

1. «Inter–X» ҚК вакили Ф.Я. Сабиров

– Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тинглашни таклиф этаман. Яхшиси, у кредиторлар йиғилишига ташқи бошқарув режасига мувофиқ амалга оширган ишлари ҳақида гапириб берсин.

2. Ташқи бошқарувчи С.А Тошниёзов:

– Ташқи бошқарув режасига мувофиқ дебиторларга талабномалар тақдим этилган, талаб кучли бўлган маҳсулотларни аниқлаш ва уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун бозор мониторинг қилинган. Шунингдек, ташқи бошқарув режасида реализация қилиниши назарда тутилган кўчмас мулкнинг бир қисмини баҳолаш учун баҳоловчи комиссиянинг саралаш ишлари олиб борилмоқда.

3. Н. тумани ДСИ вакили А.С. Акбаров:

– ташқи бошқарув жорий этилганига 4 ой бўлди, лекин ташқи бошқарув режасида назарда тутилган тадбирлар, айтиш мумкинки, ҳали бошланмаган ҳам.

Мен «Бизнес Мадад» МЧЖ вакилининг таклифини қўллайман, чунки ташқи бошқарув муддати ўтаяпти. Суд бошқарувчиси ўз вазифаларига бундай муносабатда бўлса, қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши амримаҳол.

Янги ташқи бошқарувчи сифатида тайинлаш учун Н.А. Булгаков номзодини кредиторлар йиғилишида кўриб чиқишни таклиф этаман. Н.А. Булгаков 1-даражали суд бошқарувчиси шаҳодатномасига эга, унинг суд бошқарувчиси сифатида кўп йиллик стажи бор ва ташқи бошқарувчи сифатида у бир қатор катта ишлаб чиқариш корхоналарида ташқи бошқарув таомилини ташкил этиб, муваффақиятли якунлаган.

С.А. Тошниёзовнинг суд бошқарувчиси сифатидаги фаолияти тўғрисида маълумотнома ва унинг шаҳодатномаси нусхасини тақдим этаман.

4. «Бизнес Мадад» МЧЖ вакили Н.И.Кретов;

– Мен ДСИ вакилининг таклифини қўллайман ва Н.А.Булгаковни ташқи бошқарувчи этиб тайинлиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилишни тавсия этаман. Шунингдек, унга 400.000 миқдорда ойлик иш ҳақи белгилашни тавсия этаман.

Бошқа таклифлар бўлмади.

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб, «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилиши:

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. С.А. Тошниёзовни «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси вазифасини бажаришдан озод этиш ҳақидаги илтимоснома билан Н. вилоят хўжалик судига мурожаат қилиш.

2. Н.А. Булгаковни ташқи бошқарувчи этиб тайинлаш ва унга 400000 миқдорда ойлик иш ҳақи белгилаш ҳақидаги илтимоснома билан Н. вилоят хўжалик судига мурожаат қилиш.

Овоз бердилар:

«Тарафдорлар» – бир овоз билан.
«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Илова № 2

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш ҳақидаги қарори

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

«ХХХ» МЧЖ кредиторлар йиғилишига

АРИЗА

(Ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш ҳақида)

Банкротлик ишлари бўйича давлат органининг илтимосномаси асосида Н. вилояти хўжалик судининг 2009 йил 28 февралдаги ажримига кўра, «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилган, ташқи бошқарувчи этиб С.К. Каршибоев тайинланган.

С.К. Каршибоевнинг ташқи бошқарувчи сифатидаги фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатдики, суднинг 10.01.2006 й.даги ажримига мувофиқ, «ХХХ» фирмаси банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган, тугатиш бошқарувчиси этиб С. Каршибоев тайинланган. Тугатишга доир иш юритиш жараёнида суд бошқарувчиси зиммасига юкланган вазифаларни лозим даражада бажармаганлиги ва қарздорнинг барча мол-мулкини аниқлашга қаратилган чора-тадбирлар кўрмаганлиги, аниқланган мол-мулкни сақлашга

қаратилган чораларни кўрмаганлиги ва талабларни қондиришга мулк етишмаслиги натижасида кредиторларга зарар етган. Шунингдек, С.К. Каршибоев суд бошқарувчиси сифатида банкротлик бўйича ишда иштирок этувчиларга зарар етказиш хавфи бўйича жавобгарлигини суғурталамаган, натижада кредиторларга етказилган зарар қопланмасдан қолган.

Мазкур ҳолат суд бошқарувчилари аттестация комиссияси мажлисида муҳокама қилиниб, суд бошқарувчиси С.К. Каршибоевнинг шаҳодатномасини тўхтатиб қўйиш таклифи билдирилган.

Аттестация комиссиясининг таклифи асосида, қўмита С.К. Каршибоевга берилган шаҳодатномани тўхтатиб қўйиш ҳақида қарор чиқарган.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти ҳудудий бошқармаси суддан С. Каршибоевни «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси вазифасини бажаришдан озод этишни сўрайди.

Илова:

1. Аттестация комиссияси мажлиси баённомаси.
2. С.К.Каршибоевнинг шаҳодатномасини тўхтатиш тўғрисидаги қўмита қарори нусхаси.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти бошқармаси бошлиғи _____

Илова № 3

Ташқи бошқарувчининг ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги аризаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

«ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси
С.А. Тошниёзовдан

АРИЗА

(Ташқи бошқарувчи вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисида)

Банкротлик ишлари бўйича давлат органининг илтимосномаси асосида Н. вилояти хўжалик судининг 2009 йил 28 февралдаги ажримига кўра, «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилган, ташқи бошқарувчи этиб мен – С.А. Тошниёзов тайинланган.

Соғлигим ёмонлашганлиги сабабли ва шифокорлар тавсиясига кўра, даволанишим керак бўлганлиги учун, мен «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси вазифасини бажаришни давом эттира олмайман.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 96-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, ташқи бошқарувчи хўжалик суди томонидан унинг аризаси бўйича ўз вазифасини бажаришдан озод этишилиши мумкин.

Шунга асосланиб, мен томонимдан 2009 йил 10 июнда кредиторлар йиғилиши чақирилган бўлиб, унда мени «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси вазифасидан озод этиш тўғрисида илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ва С.А.Назарқуловни янги ташқи бошқарувчи этиб тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 96-моддасига асосланиб, суддан мени «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси вазифасини бажаришдан озод этиш ва «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси этиб С.А.Назарқуловни тайинлашини сўрайман.

Илова:

1. 10.06.2009 йилдаги кредиторлар йиғилиши баённомаси.
2. С.А.Назарқуловга берилган суд бошқарувчиси шаҳодатномаси нусхаси.

С.А. Тошниёзов _____

Қонуннинг 98-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Кредиторнинг қарздорга қўйган талабига нисбатан ташқи бошқарувчининг эътирози

«Inter–X» ҚК директори
Камбаров Ш.Ш.га

ЭЪТИРОЗ

(Кредитор талабига)

Банкротлик ишлари бўйича давлат органининг илтимосномаси асосида Н. вилояти хўжалик судининг 2009 йил 28 февралдаги ажримига кўра «XXX» МЧЖга нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилган, ташқи бошқарувчи этиб мен – Тошниёзов Сарвар Мансурович тайинланган.

Сиз «Inter–X» ҚКни тўртинчи навбатдаги кредитор сифатида 6250000 сўм, жумладан асосий қарз – 4000000 сўм, етказилган товар қийматини вақтида тўламаганлик учун пеня – 2000000 сўм, пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоиз – 250000 сўм миқдордаги талаб билан кредиторлар талаблари реестрига киритиб қўйишни сўрагансиз.

Илова қилинган ҳужжатлардан маълум бўладики, 2008 йил 2 ноябрда «XXX» МЧЖ ва «Inter–X» ҚК ўртасида олди-сотди шартномаси тузилган ва ушбу шартномага биноан «Inter–X» ҚК томонидан жами баҳоси 10,4 млн сўм бўлган 52 минг дона пишган ғишт «XXX» МЧЖнинг манзилига жўнатилган.

Қарздор томонидан 6,4 млн сўм миқдордаги тўлов амалга оширилган бўлиб, қарздорлик суммаси 4 млн сўмни ташкил қилади.

2009 йил 20 февралда «Inter–X» ҚК, қарздор ва «X–сервис» хусусий корхонаси ўртасида талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш шартномаси тузилган бўлиб, унга мувофиқ, «Inter–X» ҚК 4 млн сўмни талаб қилиш ҳуқуқини «X–сервис» хусусий корхонасига берган. Талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш шартномасига асосланиб, «X–сервис» хусусий корхонаси талабни кредиторлар талаблари реестрига киритиб қўйишни сўраган. Бунга мувофиқ, «X–сервис» ХКнинг тўртинчи навбатдаги кредитор сифатида 4 млн сўмлик талаби кредиторлар талаблари реестрига киритиб қўйилган.

Мазкур ҳолда «Inter–X» ҚКнинг талабини асоссиз деб ҳисоблайман, чунки «Inter–X» ҚК кредиторлар талаблари реестрига киритилиши мумкин эмас.

Илова:

1. 20.02.2009 йилдаги талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш шартномаси нусхаси.
2. Кредиторлар талаблари реестридан кўчирма.

«XXX» МЧЖнинг ташқи бошқарувчи **С.М. Тошниёзов**

Қонуннинг 99-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Ташқи бошқарувчининг кредиторлар талабларини кўриб чиқиши натижалари юзасидан кредитор эътирози

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

Нусхаси: «ХХХ» МЧЖ
ташқи бошқарувчиси
С.М.Тошниёзовга

ЭЪТИРОЗ

(Ташқи бошқарувчининг кредиторлар талабларини кўриб чиқиши натижалари юзасидан)

Банкротлик ишлари бўйича давлат органининг илтимосномаси асосида Н. вилояти хўжалик судининг 2009 йил 28 февралдаги ажримига кўра, «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилган, ташқи бошқарувчи этиб Тошниёзов Сарвар Мансурович тайинланган.

«Inter–X» қўшма корхонаси ташқи бошқарувчига корхонани тўртинчи навбтдаги кредитор сифатида 6250000 сўм, жумладан асосий қарз – 4000000 сўм, етказилган товар қийматини вақтида тўламаганлик учун пеня – 2000000 сўм, пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоиз – 250000 сўм миқдордаги талаб билан кредиторлар талаблари реестрига киритиб қўйишни талаб қилган.

ҚКнинг талаби ташқи бошқарувчи томонидан кўриб чиқилган ва корхона 4000000 сўм миқдордаги талаб билан кредиторлар талаблари реестрига киритиб қўйилгани ҳақида хабар олинган, талабнинг неустойка ва фоизларга оид қисми суд бошқарувчиси томонидан қабул қилинмаган.

Неустойка ва фоизларни ҚК талаблари миқдорига киритишнинг рад қилиниши асоссиз ҳисобланади, чунки 2008 йил 2 ноябрда «ХХХ» МЧЖ ва «Inter–X» ҚК ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси шартларига кўра етказиб берилган товарнинг ҳақини тўлаш кечиктирилганда, ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,5% миқдорда, бироқ кечиктирилган сумманинг 50% ошмаган ҳолда, пеня тўлаш лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 327-моддасида кредиторнинг пул маблағларидан асоссиз фойдаланганлик учун фоизлар тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи назарда тутилган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, ташқи бошқарувчининг неустойка ва фоизларни ҚК талаблари миқдорига киритишни рад қилиши асоссиз ҳисоблаймиз ва суддан ташқи бошқарувчининг зиммасига 6250000 сўм миқдордаги талабни тўртинчи навбатдаги кредитор сифатида кредиторлар талаблари реестрига киритиб қўйиш мажбуриятини юклашни сўраймиз.

Илова:

1. 20.02.2009 йилдаги олди-сотди шартномаси нусхаси.
2. Талаблар суммасини ҳисоб-китоби.
3. Ташқи бошқарувчининг эътирози нусхаси.

«Inter–X» ҚК директори **Камбаров Ш.Ш.**

Қонуннинг 107-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси

«XXX» МЧЖ кредиторлари йиғилишининг № 4 БАЁННОМАСИ

Н. шаҳар 2009 й.10 июль

Қатнашдилар:
Кредиторлар вакиллири:
– Н. тумани ДСИ – А.С.Акбаров;
– «Z» фирмаси – М.Н. Акбарова
– «Inter–X» ҚК – Ф.Я. Сабиров
– «Бизнес Мадад» МЧЖ – Н.И. Кретов;
«XXX» МЧЖ директори В.С. Тулкунов;
Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов.

73% овозга эга бўлган кредиторлар вакиллари ҳозир бўлган.
Йиғилиш ўтказиш учун кворум мавжуд.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Ташқи бошқарув режасини кўриб чиқиш.

Кредиторлар йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиби этиб М.Н. Акбаровани сайлади.

Эшитилди: Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов:

– Суднинг 2009 йил 20 майдаги ажримига кўра «ХХХ» МЧЖга нисбатан 18 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилган, ташқи бошқарувчи этиб С.А.Тошниёзов тайинланган.

Суднинг ажрими билан менга ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиш ва кредиторлар йиғилишига кўриб чиқиш учун тақдим этиш вазифаси юклатилган.

Суд ажрими ижроси юзасидан ташқи бошқарув режаси ишлаб чиқилиб, у ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотишни назарда тутади. Бунинг натижасида, қарздор 12 ой ичида тўлов қобилиятини тиклайди.

Ташқи бошқарув режаси ҳаммангизга юборилган бўлиб, у билан танишсиз. Ташқи бошқарув режасини тасдиқлашингизни сўрайман.

Сўзга чиқдилар:

1. «Inter–X» ҚК вакили Ф.Я. Сабиров:

– Ташқи бошқарув режаси аниқ чора-тадбирларни бажаришни назарда тутиб, уларни амалга ошириш қарздор тўлов қобилиятини тиклаш ва кредиторлар талабларини қондириш имкониятини беради.

Ташқи бошқарув режасини тасдиқлашни таклиф этаман.

Бошқа таклифлар бўлмади.

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб, «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилиши:

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ташқи бошқарувчи томонидан ишлаб чиқилган ташқи бошқарув режаси тасдиқлансин.

Овоз бердилар:

«Тарафдорлар» – бир овоз билан.
«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Илова № 2

Ташқи бошқарув режасини рад этиш ҳамда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси

«ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилишининг

№ 4 БАЁННОМАСИ

Н. шаҳар 2009 й.10 июль

Қатнашдилар:
Кредиторлар вакиллири:
– Н. тумани ДСИ – А.С. Акбаров;
– «Z» фирмаси – М.Н. Акбарова
– «Inter–X»ҚК – Ф.Я. Сабиров
– «Бизнес Мадад» МЧЖ – Н.И. Кретов;
«ХХХ» МЧЖ директори В.С. Тулкунов;
Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов.

73% овозга эга бўлган кредиторлар вакиллари ҳозир бўлган.
Йиғилиш ўтказиш учун кворум мавжуд.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Ташқи бошқарув режасини кўриб чиқиш.

Кредиторлар йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиби этиб М.Н. Акбаровани сайлади.

Эшитилди: Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов:

– Суднинг 2009 йил 20 майдаги ажримига кўра «ХХХ» МЧЖга нисбатан 18 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилган, ташқи бошқарувчи этиб С.А. Тошниёзов тайинланган.

Суднинг ажрими билан менга ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиш ва кредиторлар йиғилишига кўриб чиқиш учун тақдим этиш вазифаси юклатилган.

Суд ажрими ижроси юзасидан ташқи бошқарув режаси ишлаб чиқилиб, у ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотишни назарда тутади. Бунинг натижасида, қарздор 12 ой ичида тўлов қобилиятини тиклаш мумкин бўлади.

Ташқи бошқарув режаси ҳаммангизга юборилган бўлиб, хамма у билан танишиб чиққан. Ташқи бошқарув режасини тасдиқлашингизни сўрайман.

Сўзга чиқдилар:

1. «Inter–X» ҚК вакили Ф.Я. Сабиров:

– Ташқи бошқарув режаси ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотишни назарда тутади.

Қайта ихтисослаштириш пластикдан ойна ромлари ва эшик блоклари тайёрлашни йўлга қўйишни назарда тутади. Бироқ бунинг учун асбоб-ускуна сотиб олиш лозим. Бу молиявий маблағ сарфлашни талаб қилиб, қарздорда бундай маблағ мавжуд эмас. Бундан ташқари, режада кўрсатилган товарларни кўп вақтдан буён ишлаб чиқариб келаётган ва бозорда таклиф этаётган кўплаб корхоналар мавжуд бўлиб, улар билан рақобатлашиш қийиндир.

Қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотишдан келадиган тушум қарздорни қайта ихтисослаштиришга етарли эмас. Бундан ташқари бу кўп вақтни олади, ташқи бошқарув муддати тугашига эса 10 ойдан ортиқроқ вақт қолди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ташқи бошқарув режасини нореал деб ҳисоблайман.

2. «Z» фирмаси вакили М.Н.Акбарова:

– Мен «Inter–X» ҚК вакилининг фикрига қўшиламан ва ташқи бошқарув режасини рад этиш ҳамда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этишни таклиф этаман.

Бошқа таклифлар бўлмади.

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб, «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилиши:

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ташқи бошқарув режасини рад этилсин ҳамда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этилсин.

Овоз бердилар:
«Тарафдорлар» – бир овоз билан.
«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Илова № 3

Ташқи бошқарув режасини рад этиш ҳамда ташқи бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод қилиш айни бир пайтда ташқи бошқарувчиликка тавсия этилаётган янги номзодни тасдиқлаган ҳолда, бу ҳақдаги тегишли илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси

«ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилишининг

№ 4 БАЁННОМАСИ

Н. шаҳар 2009 й. 10 июль

Қатнашдилар:
Кредиторлар вакиллири:
– Н. тумани ДСИ – А.С. Акбаров;
– «Z» фирмаси – М.Н. Акбарова
– «Inter–X» ҚК – Ф.Я. Сабиров
– «Бизнес Мадад» МЧЖ – Н.И. Кретов;
«ХХХ» МЧЖ директори В.С. Тулкунов;
Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов.

73% овозга эга бўлган кредиторлар вакиллари ҳозир бўлган.
Йиғилиш ўтказиш учун кворум мавжуд.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Ташқи бошқарув режасини кўриб чиқиш.

Кредиторлар йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиби этиб М.Н. Акбаровани сайлади.

Эшитилди: Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов:

– Суднинг 2009 йил 20 майдаги ажримига кўра «ХХХ» МЧЖга нисбатан 18 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилган, ташқи бошқарувчи этиб С.А. Тошниёзов тайинланган.

Суднинг ажрими билан менга ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиш ва кредиторлар йиғилишига кўриб чиқиш учун тақдим этиш вазифаси юклатилган.

Суд ажрими ижроси юзасидан ташқи бошқарув режаси ишлаб чиқилиб, у ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотишни назарда тутади. Бунинг натижасида, қарздор 12 ой ичида тўлов қобилиятини тиклаши мумкин бўлади.

Ташқи бошқарув режаси юборилган бўлиб, ҳамма у билан танишиб чиққан. Ташқи бошқарув режасини тасдиқлашингизни сўрайман.

Сўзга чиқдилар:

1. «Inter–X» ҚК вакили Ф.Я. Сабиров:

– Ташқи бошқарув режаси ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотишни назарда тутади.

Қайта ихтисослаштириш пластикдан ойна ромлари ва эшик блоклари тайёрлашни йўлга қўйишни назарда тутади. Бироқ бунинг учун асбоб-ускуна сотиб олиш лозим. Бу молиявий маблағ сарфлашни талаб қилиб, қарздорда бундай маблағ мавжуд эмас. Бундан ташқари, режада кўрсатилган товарларни кўп вақтдан буён ишлаб чиқариб келаётган ва бозорда таклиф этаётган кўплаб корхоналар мавжуд бўлиб, улар билан рақобатлашиш қийиндир.

Қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотишдан келадиган тушум қарздорни қайта ихтисослаштиришга етарли эмас. Бундан ташқари бу кўп вақтни олади, ташқи бошқарув муддати тугашига эса 10 ойдан сал ортиқ вақт қолди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ташқи бошқарув режасини нореал деб ҳисоблайман.

2. «Z» фирмаси вакили М.Н. Акбарова:

– Мен «Inter–X» ҚК вакилининг фикрига қўшиламан ва ташқи бошқарув режасини рад этиш ҳамда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклай оладиган тадбирларни кўзда тутувчи янги ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқишни таклиф этаман.

3. Н. тумани ДСИ вакили А.С. Акбаров:

– Мен «Z» фирмаси вакилининг таклифини қўллаб-қувватлайман. Шунингдек, С.А. Тошниёзовни ташқи бошқарувчи вазифасини бажаришдан озод қилиш ва қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклай оладиган янги ташқи бошқарувчи тайинлашни таклиф этаман.

Мен кредиторлар йиғилиши кўриб чиқиши учун ташқи бошқарувчиликка Н.А. Булгаков номзодини тавсия этаман. Н.А. Булгаков 1-даражали суд бошқарувчиси шаҳодатномасига эга, унинг суд бошқарувчиси сифатида кўп йиллик стажи бор ва ташқи бошқарувчи сифатида у бир қатор катта ишлаб чиқариш корхоналарида ташқи бошқарув таомилини ташкил этиб, муваффақиятли якунлаган.

Н.А.Булгаковнинг суд бошқарувчиси сифатидаги фаолияти тўғрисида маълумотнома ва унинг шаҳодатномаси нусхасини тақдим этаман.

4. «Бизнес Мадад» МЧЖ вакили Н.И. Кретов:

– Мен Н. тумани ДСИ вакилининг таклифини қўллаб-қувватлайман ва Н.А. Булгаковни ташқи бошқарувчи этиб тайинлиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилишни тавсия этаман.

Бошқа таклифлар бўлмади.

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб, «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилиши:

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ташқи бошқарув режаси рад этилсин.
2. С.А. Тошниёзовни «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси вазифасини бажаришдан озод этиш ҳақидаги илтимоснома билан Н. вилоят хўжалик судига мурожаат қилиш.
3. Н.А. Булгаковни ташқи бошқарувчи этиб тайинлаш ҳақидаги илтимоснома билан Н. вилоят хўжалик судига мурожаат қилиш.

Овоз бердилар:

«Тарафдорлар» – бир овоз билан.
«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Қонуннинг 109-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг хўжалик судига устав фондида давлат улуши бўлган корхонанинг фаолият кўрсатмаётган объектларини консервация қилиш тўғрисида тақдимномаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

ТАҚДИМНОМА

(Қарздорнинг фаолият кўрсатмаётган объектларини консервация қилиш тўғрисида)

Н. вилояти хўжалик судининг 2009 йил 2 февралдаги қарорига кўра «D–LTD» ҚКга нисбатан 18 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилган, ташқи бошқарувчи этиб А.Сабиров тайинланган.

Қарздорнинг таъсисчиларидан бири «Х–инвест» давлат унитар корхонаси ҳисобланади.

2009 йилнинг 1 апрелида кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтиб, унда ташқи бошқарувчи томонидан ишлаб чиқилган ташқи бошқарув режаси кўриб чиқилган. Мазкур режага кўра қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг чора-тадбирлари сифатида ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш йўли билан 18 ой ичида тўлов қобилиятини тиклаш кўзда тутилган.

Қарздорнинг Н. вилояти Олмазор тумани Гулбаҳор шаҳарчасида жойлашган филиали мавжуд. Филиал ишлаб чиқариш объекти бўлган ва ҳозирги вақтда хомашёнинг ҳамда филиал ишлаб чиқараётган маҳсулотларга буюртмаларнинг мавжуд бўлмаганлиги сабабли ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширмаяпти. Шунга кўра филиалнинг консервация қилиниши хомашёларнинг тежалишига ва бундай хомашёларни бошқа ишлаб чиқариш объектларини қайта ихтисослаштириш харажатларига сарфланишига олиб келади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 109-моддаси иккинчи қисмига кўра банкротлик ишлари бўйича давлат органининг тақдимномасига биноан суд устав фондида давлат улуши бўлган корхонанинг фаолият кўрсатмаётган объектларини консервация қилиш тўғрисида ажрим қабул қилиши мумкин.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти бошқармаси қарздорнинг Н. вилояти Олмазор тумани Гулбаҳор шаҳарчасида жойлашган филиалини консервация қилиш тўғрисида ажрим чиқаришни сўрайди.

Илова:

1. «D–LTD» ҚК таъсис ҳужжатларининг нусхаси.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти бошқармаси бошлиғи _____

Қонуннинг 110-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Корхонани (бизнесни) сотишдан тушган сумма ҳисобидан кредиторларнинг талабларини қарздор тўла ҳажмда қондириш имкониятига эга бўлганлиги муносабати билан иш юритишни тугатиш ҳақида ташқи бошқарувчининг хўжалик судига аризаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

АРИЗА

(Банкротлик бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида)

Н. вилояти хўжалик судининг 2009 йил 28 февралдаги ажримига кўра «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув таомили жорий этилган.

2009 йил 1 апрелда ўтказилган кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарув режаси тасдиқланиб, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг чора-тадбирлари сифатида корхонани (бизнесни) мулкий комплекс тарзида сотиш, бунинг натижасида қарздорга кредиторлар олдидаги 147,8 млн сўм миқдордаги қарзини тўлаш, шу йўл билан, тўлов қобилиятини тиклаб олиш имкониятини бериш назарда тутилган.

Ташқи бошқарув жараёнида ташқи бошқарувчи талаби билан мол-мулкни баҳолаш ташкилоти томонидан корхонани (бизнесни) баҳолаш амалга оширилиб, унга кўра қарздор мол-мулки 180 млн сўм деб баҳоланган.

Ташкил қилинган кимошди савдосида «Х–Инвест» ОАЖ ғолиб деб топилган ва ташқи бошқарувчи билан корхонани (бизнесни) олди-сотди шартномаси имзоланиб, унга кўра мол-мулк 200 млн сўмга сотилган.

«Банкротлик тўғрисида» ги Қонуннинг 110-моддаси ўн олтинчи қисмига кўра, агар корхонани (бизнесни) олди-сотдисидан тушган маблағ ҳисобидан қарздор кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондира олса, унда ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги иш юритувини тугатишга ҳақли.

Ваҳоланки, корхонани (бизнесни) олди-сотдисидан тушган маблағ кредитор талабларини тўла ҳажмда қондира оларкан, суддан банкротлик ишини тугатишни сўрайман.

Илова:

1. Кредиторлар талаблари реестрининг нусхаси.
2. Қарздор ва «Х–Инвест» ОАЖ ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси нусхаси.

«ХХХ» МЧЖ Ташқи бошқарувчиси **С.А.Тошниёзов**

Илова № 2

Корхонани (бизнесни) сотишдан тушган сумма ҳисобидан кредиторларнинг талабларини тўла ҳажмда қондириш имкони бўлмаганлиги сабабли қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувини бошлаш тўғрисида ташқи бошқарувчининг судга аризаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

АРИЗА

(Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувни бошлаш тўғрисида)

Н. вилояти хўжалик судининг 2009 йил 28 февралдаги ажримига кўра «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилган.

2009 йил 1 апрелда ўтказилган кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарув режаси тасдиқланиб, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг чора-тадбирлари сифатида корхонани (бизнеснинг) мулкий комплекс тарзида сотиш, бунинг натижасида қарздорга кредиторлар олдидаги 147,8 млн сўм миқдордаги қарзини тўлаш, шу йўл билан, тўлов қобилиятини тиклаб олиш имкониятини бериш назарда тутилган.

Ташқи бошқарув жараёнида ташқи бошқарувчи талаби билан мол-мулкни баҳолаш ташкилоти томонидан корхонани (бизнесни) баҳолаш амалга оширилиб, унга кўра қарздор мол-мулки 140 млн сўм деб баҳоланган.

Ташкил қилинган кимошди савдосида «Х–Инвест» ОАЖ ғолиб деб топилган ва ташқи бошқарувчи билан корхонанинг (бизнеснинг) олди-сотди шартномаси имзоланиб, унга кўра мол-мулк 126 млн сўмга сотилган.

«Банкротлик тўғрисида» ги Қонуннинг 110-моддаси ўн еттинчи қисмига кўра, агар корхонани (бизнесни) сотишдан тушган сумма кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондириш учун етарли бўлмаса, ташқи бошқарувчи кредиторларга келишув битими тузишни таклиф этади. Келишув битимига эришилмаган тақдирда, хўжалик суди ташқи бошқарувчининг аризасига биноан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Корхонанинг (бизнеснинг) олди-сотдисидан тушган маблағ ҳисобидан қарздор кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондира олмаган ва кредиторлар билан келишув битими тузиш таклиф қилинган. Бироқ кредиторлар билан келишув битимига эришилмаган.

Бундай ҳолларда, ваҳоланки, корхонанинг (бизнеснинг) олди-сотдисидан тушган маблағ ҳисобидан қарздор кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондириш учун етарли эмас ва Қонуннинг 4,5-моддасида белгиланган банкротликнинг барча аломатлари мавжуд экан, суддан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувни бошлашни сўрайман.

Илова:

1. Кредиторлар талаблари реестрининг нусхаси.
2. Қарздор ва «Х–Инвест» ОАЖ ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси нусхаси.

«ХХХ» МЧЖ
Ташқи бошқарувчиси **С.А. Тошниёзов**

Қонуннинг 117-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарздор тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни якунлаш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга киришишни сўраб хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси

«ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилишининг
№ 4 БАЁННОМАСИ

Н. шаҳар 2010 йил 25 май

Қатнашдилар:
Кредиторлар вакиллири:
– Н. тумани ДСИ – А.С. Акбаров;
– «Z» фирмаси – М.Н. Акбарова
– «Inter–X» ҚК – Ф.Я. Сабиров
– «Бизнес Мадад» МЧЖ – Н.И. Кретов;
«ХХХ» МЧЖ директори В.С. Тулкунов;
Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов.

73% овозга эга бўлган кредиторлар вакиллари ҳозир бўлган.
Йиғилиш ўтказиш учун кворум мавжуд.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш.

Кредиторлар йиғилиши йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиби этиб М.Н. Акбаровани сайлади.

Эшитилди: Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов:

– Суднинг 2009 йил 20 майдаги ажримига кўра «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилган, ташқи бошқарувчи этиб мен – С.А. Тошниёзов тайинланганман.

Ташқи бошқарув режаси кредиторлар йиғилиши томонидан тасдиқланган бўлиб, у ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотишни назарда тутади. Бунинг натижасида, қарздор 12 ой ичида тўлов қобилиятини тиклайди.

Ташқи бошқарув режасининг ижроси юзасидан ишлаб чиқариш бозорда талаб кучли бўлган маҳсулот тайёрлашга қайта ихтисослаштирилди, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилди. Ҳозирги вақтда барча кредиторлар талабларини қондиришга етарли бўлган маблағлар тўпланган.

Ташқи бошқарув режасининг бажарилиши бўйича ҳисобот ҳаммангизга юборилган бўлиб, у билан танишсиз.

Ташқи бошқарувни тугатиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга киришиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақида қарор чиқаришни сўрайман.

Сўзга чиқдилар:

1. «Inter–X» ҚК вакили Ф.Я. Сабиров:

– Ваҳоланки, ташқи бошқарув режасининг бажарилиши қарздорнинг тўлов қобилиятининг тикланиши ва кредиторлар талабларини қондиришга етарли бўлган маблағлар тўпланишига олиб келган экан, ташқи бошқарувчининг таклифини қабул қилиш ва ташқи бошқарувни тугатиш ҳамда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга киришиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш зарур деб ҳисоблайман.

Бошқа таклифлар бўлмади.

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб, «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни тугатиш ҳамда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга киришиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш.

Овоз бердилар:

«Тарафдорлар» – бир овоз билан.
«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Илова № 2

Ташқи бошқарувнинг белгиланган муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси

«ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилишининг

№ 4 БАЁННОМАСИ

Н. шаҳар 2010 й. 25 май

Қатнашдилар:
Кредиторлар вакиллири:
– Н. тумани ДСИ – А.С. Акбаров;
– «Z» фирмаси – М.Н. Акбарова
– «Inter–X» ҚК – Ф.Я. Сабиров
– «Бизнес Мадад» МЧЖ – Н.И. Кретов;
«ХХХ» МЧЖ директори В.С. Тулкунов;
Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов.

73% овозга эга бўлган кредиторлар вакиллари ҳозир бўлган.
Йиғилиш ўтказиш учун кворум мавжуд.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш.

Кредиторлар йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиби этиб М.Н. Акбаровани сайлади.

Эшитилди: Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов:

– Суднинг 2009 йил 20 майдаги ажримига кўра «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилган, ташқи бошқарувчи этиб мен – С.А. Тошниёзов тайинланганман.

Ташқи бошқарув режаси кредиторлар йиғилиши томонидан тасдиқланган бўлиб, у ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотишни назарда тутади. Бунинг натижасида, қарздор 12 ой ичида тўлов қобилиятини тиклайди.

Ташқи бошқарув режасининг ижроси юзасидан ишлаб чиқариш бозорда талаб кучли бўлган маҳсулот тайёрлашга қайта ихтисослаштирилди, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилди.

Тўпланган маблағлар кредиторлар талаблари реестрига киритилган кредиторлар талабларини қондиришга етарли эмас ва қондирилмасдан қолаётган 36 млн сўм миқдордаги талабни қарздор 6 ой ичида узиши мумкин.

Ташқи бошқарув режасининг бажарилиши бўйича ҳисобот ҳаммангизга юборилган бўлиб, у билан танишсиз.

Ташқи бошқарувнинг белгиланган муддатини 6 ойга узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақида қарор чиқаришни сўрайман.

Сўзга чиқдилар:

1. «Inter–X» ҚК вакили Ф.Я. Сабиров:

– Ваҳоланки, ташқи бошқарув режасининг бажарилиши кредиторлар талабларини қондиришга етарли бўлган маблағлар тўпланишига олиб келмаган экан, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш имконияти борлигини ҳисобга олиб, ташқи бошқарувчининг таклифини қабул қилиш ва ташқи бошқарувнинг белгиланган муддатини 6 ойга узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш зарур деб ҳисоблайман.

Бошқа таклифлар бўлмади.

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб, «XXX» МЧЖ кредиторлари йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ташқи бошқарувнинг белгиланган муддатини 6 ойга узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан Н. вилояти хўжалик судига мурожаат этиш.

Овоз бердилар:

«Тарафдорлар» – бир овоз билан.

«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Илова № 3

Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси

«ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилишининг

№ 4 БАЁННОМАСИ

Н. шаҳар 2010 йил 25 май

Қатнашдилар:
Кредиторлар вакиллири:
– Н. тумани ДСИ – А.С. Акбаров;
– «Z» фирмаси – М.Н. Акбарова
– «Inter–X»ҚК – Ф.Я. Сабиров
– «Бизнес Мадад» МЧЖ – Н.И. Кретов;
«ХХХ» МЧЖ директори В.С. Тулкунов;
Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов.

73% овозга эга бўлган кредиторлар вакиллари ҳозир бўлган.
Йиғилиш ўтказиш учун кворум мавжуд.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш.

Кредиторлар йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиби этиб М.Н. Акбаровани сайлади.

Эшитилди: Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов:

– Суднинг 2009 йил 20 майдаги ажримига кўра «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилган, ташқи бошқарувчи этиб мен – С.А.Тошниёзов тайинланганман.

Ташқи бошқарув режаси кредиторлар йиғилиши томонидан тасдиқланган бўлиб, у ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотишни назарда тутади. Бунинг натижасида, қарздор 12 ой ичида тўлов қобилиятини тиклайди.

Ташқи бошқарув режасининг ижроси юзасидан ишлаб чиқариш бозорида талаб кучли бўлган маҳсулот тайёрлашга қайта ихтисослаштирилди, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилди.

Тўпланган маблағлар кредиторлар талаблари реестрига киритилган кредиторлар талабларини қондиришга етарли эмас ва қондирилмасдан қолаётган 36 млн сўм миқдордаги талабни қарздор 6 ой ичида узиши мумкин.

Ташқи бошқарув режасининг бажарилиши бўйича ҳисобот ҳаммангизга юборилган бўлиб, у билан танишсиз.

Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақида қарор чиқаришни сўрайман.

Сўзга чиқдилар:

1. «Inter–X» ҚК вакили Ф.Я. Сабиров:

– Ваҳоланки, ташқи бошқарув режасининг бажарилиши кредиторлар талабларини қондиришга етарли бўлган маблағлар тўпланишига олиб келмаган экан, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш имконияти борлигини ҳисобга олиб, ташқи бошқарувчининг таклифини қабул қилиш ва қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш зарур деб ҳисоблайман.

2. Н. тумани ДСИ вакили А.С. Акбаров;

– Мен «Inter–X» ҚК вакилининг таклифини қўллаб-қувватлайман.

Кредиторлар йиғилиши кўриб чиқиши учун тугатиш бошқарувчиси вазифасига Н.А. Булгаков номзодини тавсия этаман. Н.А. Булгаков 1-даражали суд бошқарувчиси шаҳодатномасига эга, унинг суд бошқарувчиси сифатида кўп йиллик стажи бор ва суд бошқарувчиси сифатида у бир қатор катта ишлаб чиқариш корхоналарида банкротлик таомилларини ташкил этиб, муваффақиятли якунлаган.

Шунингдек, тугатиш бошқарувчисига 400000 миқдорда ойлик иш ҳақи белгилашни тавсия этаман.

Н.А. Булгаковнинг суд бошқарувчиси сифатидаги фаолияти тўғрисида маълумотнома ва унинг шаҳодатномаси нусхасини тақдим этаман.

Бошқа таклифлар бўлмади.

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб, «XXX» МЧЖ кредиторлари йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «XXX» МЧЖни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш.

2. Н.А. Булгаковни тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлаш ва унга 400000 миқдорда ойлик иш ҳақи белгилаш ҳақидаги илтимоснома билан Н. вилоят хўжалик судига мурожаат қилиш.

Овоз бердилар:

«Тарафдорлар» – бир овоз билан.
«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Илова № 4

Келишув битими тузиш тўғрисидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси

«ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилишининг
№ 4 БАЁННОМАСИ

Н. шаҳар 2010 йил 25 май

Қатнашдилар:
Кредиторлар вакиллири:
– Н. тумани ДСИ – А.С. Акбаров;
– «Z» фирмаси – М.Н. Акбарова
– «Inter–X» ҚК – Ф.Я.Сабиров
– «Бизнес Мадад» МЧЖ – Н.И. Кретов;
«ХХХ» МЧЖ директори В.С. Тулкунов;
Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов.

73% овозга эга бўлган кредиторлар вакиллари ҳозир бўлган.
Йиғилиш ўтказиш учун кворум мавжуд.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш.

Кредиторлар йиғилиши йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиби этиб М.Н. Акбаровани сайлади.

Эшитилди: Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов:

– Суднинг 2009 йил 20 майдаги ажримига кўра, «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилган, ташқи бошқарувчи этиб мен – С.А. Тошниёзов тайинланганман.

Ташқи бошқарув режаси кредиторлар йиғилиши томонидан тасдиқланган бўлиб, у ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотишни назарда тутади. Бунинг натижасида, қарздор 12 ой ичида тўлов қобилиятини тиклайди.

Ташқи бошқарув режасининг ижроси юзасидан ишлаб чиқариш бозорда талаб кучли бўлган маҳсулот тайёрлашга қайта ихтисослаштирилди, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилди.

Тўпланган маблағлар кредиторлар талаблари реестрига киритилган кредиторлар талабларини қондиришга етарли эмас ва қондирилмасдан қолаётган 36 млн сўм миқдордаги талабни қарздор 6 ой ичида узиши мумкин.

Ташқи бошқарув режасининг бажарилиши бўйича ҳисобот ҳаммангизга юборилган бўлиб, у билан танишсиз.

Кредитор талабларининг қондирилмаган қисми кўп миқдорни ташкил қилмаслиги ва қарздорнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича қарзлари йўқлиги сабабли, келишув битими тузишни таклиф қиламан. Унга кўра,

кредиторлар қарздорнинг пул мажбуриятларни бажариши учун 6 ой, яъни 25.12.2010 й. гача муҳлат берадилар, қарздор эса берилган муҳлатда кредиторлар олдидаги 36 млн сўм миқдордаги қарзини 2010 йил 25 июндан бошлаб ҳар ойнинг 25 кунигача 6 млн сўмдан пул ўтказиш йўли билан узади.

Таклиф этилган шартларда келишув битими тузиш тўғрисида қарор чиқаришни сўрайман.

Сўзга чиқдилар:

1. «Inter–X» ҚК вакили Ф.Я. Сабиров:

– Ваҳоланки, ташқи бошқарув режасининг бажарилиши кредиторлар талабларини қондиришга етарли бўлган маблағлар тўпланишига олиб келмаган экан, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш имконияти борлигини ҳисобга олиб, ташқи бошқарувчининг таклифини қабул қилиш ва таклиф этилган шартларда келишув битими тузиш зарур деб ҳисоблайман.

2. Н. тумани ДСИ вакили М.Н. Акбарова:

– Мен «Inter–X» ҚК вакилининг таклифини қўллаб-қувватлайман.

Кредиторлар йиғилиши кўриб чиқиши учун тугатиш бошқарувчиси вазифасига Н.А. Булгаков номзодини тавсия этаман. Н.А. Булгаков 1-даражали суд бошқарувчиси шаҳодатномасига эга, унинг суд бошқарувчиси сифатида кўп йиллик стажи бор ва суд бошқарувчиси сифатида у бир қатор катта ишлаб чиқариш корхоналарида банкротлик таомилларини ташкил этиб, муваффақиятли якунлаган.

2. «Z» фирмаси вакили М.Н. Акбарова:

– Мен ташқи бошқарувчи ва «Inter–X» ҚК вакили таклифини қўллаб-қувватлайман. «Бизнес Мадад» МЧЖ вакили Н.И. Кретовга кредиторлар номидан келишув битими тузиш ваколатини беришни таклиф этаман.

Бошқа таклифлар бўлмади.

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб, «XXX» МЧЖ кредиторлари йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кредиторлар қарздорнинг пул мажбуриятларни бажариши учун 6 ой, яъни 25.12.2010 й. гача муҳлат бериш, қарздор эса берилган муҳлатда кредиторлар олдидаги 36 млн сўм миқдордаги қарзини 2010 йил 25 июндан бошлаб ҳар ойнинг 25 кунигача 6 млн сўмдан пул ўтказиш йўли билан узиши шартлари асосида келишув битими тузилсин.

2. Келишув битими тасдиқлаш ва иш юритишни тугатиш ҳақида Н. вилояти хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этилсин.

Овоз бердилар:

«Тарафдорлар» – бир овоз билан;
«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

VII БОБ. ТУГАТИШГА ДОИР ИШ ЮРИТИШ

Қонуннинг 124-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Суд бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

ИЛТИМОСНОМА

(Тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш тўғрисида)

Суднинг 2009 йил 28 февралдаги қарорига кўра «ХХХ» МЧЖ банкрот деб топилган ва муддати 10 ой қилиб белгиланган тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида мол-мулк инвентаризация қилинган ва қиймати белгиланган бўлиб, унинг бир қисми реализация қилинган. Қарздор мол-мулкининг қолган қисми биринчи очиқ кимошди савдосида реализация қилинмаганлиги боис, 2010 йил 20 январда такрорий кимошди савдоси ўтказилиши эълон қилинди.

2009 йил 30 декабрдаги кредиторлар йиғилишида суд бошқарувчисининг ҳисоботи кўриб чиқилди ва қарздор мол-мулкининг бир қисми реализация қилинмаганлиги боис, кредиторлар йиғилиши томонидан тугатишга доир иш юритиш муддатини 2 ойга узайтириб беришни суддан илтимос қилиш тўғрисида қарор чиқарилган.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 118-моддасига асосланиб, тугатишга доир иш юритиш муддатини 2 ойга узайтиришни сўрайман.

Илова:

1. 30.12.2009 йилдаги кредиторлар йиғилиши баённомаси нусхаси.

«ХХХ» МЧЖнинг
тугатиш бошқарувчиси **С.А. Тошниёзов**

Қонуннинг 135-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Тугатиш бошқарувчисининг юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилиш тўғрисидаги хўжалик судига аризаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

АРИЗА

(Юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилиш тўғрисида)

Суднинг 2009 йил 28 февралдаги қарори кўра «ХХХ» МЧЖ банкрот деб топилган ва муддати 8 ой қилиб белгиланган тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида баҳоловчи ташкилот жалб қилиниб, қарздорнинг мол-мулк инвентаризация қилинган ва қиймати белгиланган, шунингдек, тугатиш режасига асосан мен томонимдан мол-мулкни сотиш жадвали ва тартиби ишлаб чиқилган бўлиб, унда қарздорнинг мол-мулкини «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 110 ва 111-моддаларида белгиланган тартибда, 5 ой давомида очиқ кимошди савдосида қисман ёки бир бутун сотилиши лозимлиги назарда тутилган.

2009 йил 30 декабрдаги кредиторлар йиғилишида кўриб чиқиш учун тақдим этилган қарздор мол-мулкини сотиш жадвали ва тартиби, банкротлик тўғрисидаги қонунчиликда белгиланганидек, такрорий кимошди савдоси ўтказилаётганда бошланғич нархни пасайтириш имконияти назарда тутилмаганлиги сабабли маъқулланмади.

Кредиторлар йиғилиши томонидан қарздор мол-мулкини сотиш жадвали ва тартибини маъқуллаш рад этилишини асоссиз деб ҳисоблайман. Чунки, қарздор мол-мулкини сотиш жадвали ва тартибини тузишда савдоларни ўтказилмаган деб топиш ҳолатлари ва кейинги савдоларни ўтказиш имкониятлари назарда тутилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 110-моддаси ўн учинчи қисмига мувофиқ такрорий кимошди савдосини ўтказиш мақсадида ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарорига мувофиқ корхона (бизнес)ни сотиш тўғрисидаги янги хабарни амалга ошмаган деб топилган ёки корхона (бизнес) сотилмаган кимошди савдосининг санасидан эътиборан ўн беш кун ичида ушбу Қонуннинг мазкур моддасида

ва 53-моддасида назарда тутилган тартибда эълон қилади. Бунда кимошди савдоси хабар эълон қилинган санадан эътиборан камида ўн беш кун ўтгач ўтказилади. Корхонани (бизнесни) сотиш нархи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарорига кўра пасайтирилиши мумкин, бироқ бунда пасайтириш аввалги кимошди савдосидаги нархнинг 10 фоизидан кўп бўлмаслиги керак.

Юқоридагидан келиб чиқадики, Қонуннинг 110-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда, сотиш нархини пасайтириш масаласи ва бу масала бўйича қарор кредиторлар йиғилиши томонидан чиқарилиши мумкин. Шу сабабли бу масала суд бошқарувчиси томонидан ишлаб чиқиладиган қарздор мол-мулкини сотиш жадвали ва тартибида назарда тутилиши шарт эмас.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, қарздор мол-мулкини сотиш муддатлари ва тартиби бўйича юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилишни ва мен томонимдан ишлаб чиқилган «ХХХ» МЧЖ мол-мулкини сотиш жадвали ва тартибини тасдиқлашни сўрайман.

Илова:

1. «ХХХ» МЧЖ мол-мулкини сотиш жадвали ва тартиби.
2. 30.12.2009 йилдаги кредиторлар йиғилиши баённомаси нусхаси.

«ХХХ» МЧЖнинг
тугатиш бошқарувчиси **С.А. Тошниёзов**

Қонуннинг 140-моддаси шарҳига иловалар

Ташқи бошқарувчи вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги кредиторлар йиғилиши ва банкротлик ишлари бўйича давлат органи қарори ҳамда ташқи бошқарувчининг аризаси намуналари Қонуннинг 96-моддасига шарҳга иловаларда берилганлиги сабабли, ушбу моддага илова берилмайди *(қаранг: Қонуннинг 96-моддаси иловаларидаги ариза намуналари*).

Қонуннинг 141-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги кредиторлар йиғилишининг баённомаси

№__ БАЁННОМА

«ХХХ» масъулияти чекланган жамияти кредиторлари йиғилиши

Н-ган ш. 2009 йил 30 октябрь

Иштирок этдилар:
Кредиторларнинг вакиллари:
– Н. тумани ДСИ – А.С. Акбаров;
– «Z» фирмаси – М.Н. Акбарова;
– «Inter–X» ҚК – Ф.Я. Сабиров;
– «Бизнес Мадад» МЧЖ – Н.И. Кретов;
– «ХХХ» МЧЖ директори – В.С. Тулкунов;
– Санация бошқарувчиси – С.К. Булгаков.

73% овозга эга бўлган кредиторлар вакиллари ҳозир бўлган.
Йиғилиш ўтказиш учун кворум мавжуд.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш.

Кредиторлар йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиби этиб М.Н. Акбаровани сайлади.

Эшитилди: Тугатиш бошқарувчиси С.К. Булгаковни
– Суднинг 2009 йил 20 августдаги қарорига кўра «ХХХ» МЧЖ банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган, тугатиш бошқарувчиси этиб эса мен, С.К.Булгаков тайинланганман.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида, кредитор ва дебиторлар аниқланган, кредиторлар талаблари ва дебиторлар реестри тузилган, қарздорнинг мол-мулки инвентаризация қилинган ва қиймати белгиланган. Кредиторлик қарзларининг умумий суммаси 61604432 сўмни, дебиторлик қарзлари эса 29456500 сўмни ташкил қилади.

Баҳолаш компанияси томонидан тузилган баҳолаш далолатномасига асосан, қарздор мол-мулкининг бозор баҳоси 107700000 сўмни, тугатиш баҳоси эса 84786950 сўмни ташкил қилди.

Қарздор фаолиятини молиявий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, қарз-

дорнинг тўлов қобилияти тикланиши мумкин, чунки қарздорнинг асосий фаолияти тури халқ истеъмоли учун пластик маҳсулотларни, шу жумладан, пластик идиш ишлаб чиқариш ҳисобланиб, истеъмолчилар орасида кучли талабга эга. Қарздор омборларида маҳсулот ишлаб чиқариш учун хомашё, шунингдек, қарздор билан узоқ вақтдан буён ҳамкорлик алоқаларида бўлган буюртмачилари бор.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, шунингдек, қарздорга нисбатан илгари суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари қўлланилмаганлигини, тугатишга оид иш юритиш жараёнида эса қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши мумкин деб ҳисоблаш учун етарли асос пайдо бўлганлигини ҳисобга олиб, тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш масаласини кўриб чиқишни сўрайман.

Сўзга чиқдилар:

1. «ХХХ» МЧЖнинг директор В.С. Тулкунов:

– Мен корхона 12 ой ичида тўлов қобилиятини тиклайди деб ўйлайман ва 12 ойлик муддатга ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилишни сўрайман.

2. «Бизнес Мадад» МЧЖнинг вакили Н.И. Кретов:

– Мадомики, корхона тўлов қобилиятини тиклаш имконияти эга экан, корхонага нисбатан 12 ойлик муддатга ташқи бошқарувни жорий этишни мақсадга мувофиқ деб ўйлайман ва 12 ойлик муддатга ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилишни, 400000 сўм миқдордаги ойлик иш ҳақи белгилаган ҳолда, С.К. Булгаковни ташқи бошқарувчи этиб тайинлашни таклиф этаман.

Бошқа таклифлар бўлмади.

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб, «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш, «ООО» МЧЖга нисбатан 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий этиш, С.К.Булгаковни ташқи бошқарувчи этиб тайинлаб, унга 400000 сўм миқдорда ойлик иш ҳақи белгилаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этишга.

Овоз бердилар:

«Тарафдорлар» – бир овоз билан.

«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Қонуннинг 143-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларини қарздор мол-мулкини қабул қилишга ундаш тўғрисидаги ташқи бошқарувчининг хўжалик судига аризаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

АРИЗА

(Маҳаллий давлат ҳокимияти органларини қарздор мол-мулкини қабул қилишга ундаш тўғрисида)

Н. вилояти хўжалик судининг 2007 йил 22 майдаги қарори билан «X» МЧЖнинг аризаси қаноатлантирилиб, «Z» фирмаси банкрот деб топилган ва 2008 йил 1 майгача тамомланиши керак бўлган тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Суд бошқарувчисининг аризаси бўйича суднинг 2008 йил 3 майдаги ажримига асосан тугатишга доир иш юритиш муддати 2008 йил 1 августгача узайтирилган. Суднинг кейинги 2008 йил 3 августдаги ажрими билан тугатишга доир иш юритиш муддати 2008 йил 20 октабригача узайтирилган.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида мол-мулк инвентаризация қилинган ва қиймати белгиланган бўлиб, кимошди савдосига қўйилган. Ўтказилган кимошди савдосида мол-мулкнинг бир қисми реализация қилиниб, қолган қисми такроран кимошди савдосига қўйилган ва кредиторлар йиғилиши мол-мулкни оммавий оферта йўли билан кимошди савдосига қўйиш ҳақида қарор чиқаргани боис реализация қилинмай қолган. Бироқ бу кимошди савдосида ҳам қарздор мол-мулки реализация қилинмаган.

Мол-мулкнинг бир қисми реализация қилинмай қолганлиги сабабли, мен, суд бошқарувчиси сифатида мол-мулкни кредиторларга кредиторлик қарзларини узиш ҳисобига таклиф этдим. Бироқ таклиф кредиторлар томонидан қабул қилинмаганлиги сабабли қарздорнинг сотишга таклиф қилинган, лекин тугатишга доир иш юритиш мобайнида реализация қилинмаган мол-мулки тўғрисида қарздорнинг мол-мулки эгасига хабар бердим. Қарздорнинг мол-мулки эгаси суд бошқарувчисининг хабарномасида белгиланган муддатда мулкка бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ариза тақдим этмаганлиги сабабли, Н. туман ҳокимиятига хабарнома йўллаб, мол-мулкни балансига қабул қилишни сўрадим. Бироқ маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан мол-мулкни қабул қилиб олиш чоралари кўрилмаган ва Н. тумани ҳокимиятининг

10.09.2008 й. №1/1-302 хати билан ҳозирги вақтда қарздорнинг мол-мулкини қабул қилиб олиш имконияти йўқлиги хабар қилинди.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 143-моддасига мувофиқ, қарздорнинг сотишга таклиф қилинган, лекин тугатишга доир иш юритиш мобайнида реализация қилинмаган мол-мулкини кредиторлар кредиторлик қарзларини узиш ҳисобига қабул қилишни рад этса, тугатиш бошқарувчиси маҳаллий давлат ҳокимияти органларини хабардор қилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хабарнома олинган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида мол-мулкни балансга олади ва уни сақлаб туришга доир барча харажатларни қоплайди. Мол-мулкни қабул қилишдан бош тортилган ёки қабул қилишдан бўйин товланган тақдирда тугатиш бошқарувчиси тегишли органни мазкур мол-мулк қабул қилишга ундаш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли.

Юқоридагиларга асосланиб ва тугатишга доир иш юритишнинг қонунда белгиланган бир йиллик муддати ўтганлигини эътиборга олиб, шунингдек, Н. тумани ҳокимиятининг қарздорнинг мол-мулкини балансига қабул қилишдан бош тортаётганлигини ҳисобга олиб, Н. тумани ҳокимиятини юқоридаги мол-мулкни қабул қилишга ундашни сўрайман.

Илова:

1. Н. тумани ҳокимиятига йўлланган мол-мулкни балансга қабул қилиб олиш ҳақидаги хабарнома нусхаси.
2. Н. тумани ҳокимиятининг 10.09.2008 йил №1/1-302 хати нусхаси.

«ХХХ» МЧЖнинг
тугатиш бошқарувчиси **С.А. Тошниёзов**

VIII БОБ. КЕЛИШУВ БИТИМИ

Қонуннинг 145-моддаси шарҳига иловалар

Келишув битимини тузиш тўғрисидаги кредиторлар йиғилиши баённомаси намунаси Қонуннинг 117-моддасига шарҳ № 4 иловада берилганлиги сабабли, ушбу моддага илова берилмайди *(қаранг: Қонуннинг 117-моддаси № 4 иловаси)*.

Қонуннинг 148-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

КЕЛИШУВ БИТИМИ

Н. ш. 2009 й. 04 июнь

«XXX» масъулияти чекланган жамияти номидан директор Якубов К.А., Низом асосида фаолият юритувчи, бундан буён «Қарздор» деб аталувчи, бир томондан ва «XXX» масъулияти чекланган жамиятининг кредиторлари йиғилиши номидан муваққат бошқарувчи С.А. Тошниёзов, кредиторлар йиғилишининг қарори (04.06.2009 йилдаги № 1 сон баённома) асосида фаолият юритувчи, бундан буён «Кредиторлар» деб аталувчи иккинчи томондан қуйидагилар ҳақида келишув битими тузилар:

1. Тарафлар тасдиқлайдики, Н. вилояти хўжалик судининг 2009 йил 7 апрелдаги ажримига асосан қарздорга нисбатан жорий этилган кузатув жараёнида муваққат бошқарувчи томонидан тузилган кредиторлар талаблари реестрига мувофиқ, қарздорнинг кредиторлик қарзларининг умумий суммаси 60330162 сўмни ташкил қилади, шу жумладан:

– 29995500 сўм – «Z» фирмаси олдида;

– 3498594 сўм – солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдида;

– 1298620 сўм – «Inter–X» ҚК олдида;

– 25537448 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖ олдида.

2. Кредиторлар қарздорнинг пул мажбуриятларини бажаришни 6 ойга, яъни 04.12.2009 й.гача узайтирадилар (бўлиб-бўлиб тўлаш).

3. Қарздор:

– бюджет олдида 3498594 сўм миқдорда келишув битими суд томонидан тасдиқланганидан кейин 1 ой давомида;

– бошқа кредиторлар олдида 56831567 сўм миқдорда ҳар ойнинг 4 санасигача 14207892 сўмдан пул ўтказиш йўли билан 2009 йил август–декабрь ойлари давомида қарздорликни узиш мажбуриятини олади.

4. Қарздор кредиторлар олдидаги қарзларини узиш мажбуриятини муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга.

5. Қарздор томонидан келишув битими шартлари бажарилмаган тақдирда кредиторлар қонунда белгиланган тартибда мазкур келишув битимида назарда тутилган ҳажмда талабнома тақдим қилиш ҳуқуқига эга.

6. Мазкур келишув битими у хўжалик суди томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

7. Келишув битими бир хил юридик кучга эга бўлган учта нусхада тузилган бўлиб, уларнинг бир нусхаси судга ва бир нусхадан тарафларнинг ҳар бирига тақдим этилади.

VII. Тарафларнинг манзиллари ва имзолари

Қарздор:	**Кредиторлар:**
_____	_____
_____	_____
_____	_____

Қонуннинг 149-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ариза

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

АРИЗА

(Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида)

Суднинг 2009 йил 2 январдаги ажрими билан «Х-банк» АТБнинг «ХХХ» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси иш юритувга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган ва кузатув жорий этилган.

Жорий этилган кузатув таомили натижасида кредиторлар ва қарздор ўртасида келишув битими тузиш тўғрисида келишувга эришилган ва 2009 йил 4 июнда кредиторлар йиғилишнинг келишув битимини тузиш тўғрисида қарори қабул қилинган ва муваққат бошқарувчининг зиммасига келишув битимини тасдиқлаш вазифаси юклатилган.

Кредиторлар йиғилишининг 2009 йил 4 июндаги қарорининг ижроси юзасидан келишув битими тузилган бўлиб, мазкур келишув битимини тасдиқлашни ва «ХХХ» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги ишни тугатишни сўрайман.

Илова:

1. 04.06.2009 й.даги кредиторлар йиғилишининг баённомаси.
2. 04.06.2009 й.даги келишув битими.
3. «ХХХ» МЧЖнинг кредиторлари талаблари реестри.
4. Харажатлар қопланганлиги, Қонуннинг 134-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган талаблар ҳамда иш ҳақини тўлаш бўйича талаблар қондирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

«ХХХ» МЧЖнинг
директори **А.Сабиров**

IX БОБ. ҚАРЗДОР ЮРИДИК ШАХСЛАР АЙРИМ ТОИФАЛАРИ БАНКРОТЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Қонуннинг 156-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхонани банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

Аризачи: Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилояти бошқармаси
Манзил: Н. вилояти, Н. ш., Навбаҳор кўчаси, 32-уй.

Қарздор: «ХХХ» ОАЖ
Манзил: Н. вилояти, Н. т., Баҳор қишлоғи, А.Қодирий кўчаси, 2-уй.

АРИЗА

(Банкрот деб топиш тўғрисида)

«ХХХ» ОАЖ 2003 йилда темир бетон конструкциялар тайёрловчи уйсозлик комбинати асосида ташкил этилган. «ХХХ» ОАЖнинг устав фондида давлат улуши бўлиб, устав фонднинг 25% ни ташкил қилади. Корхонанинг асосий фаолият тури қурилиш материаллари, шу жумладан, темир-бетон конструкциялар тайёрлаш ҳисобланади. «ХХХ» ОАЖнинг ишчилар сони 3.050 кишини ташкил қилиб, қаздор шаҳарни ташкил этувчи корхоналар тоифасига киради.

«ХХХ» ОАЖ молиявий аҳволи мониторинг натижалари шуни кўрсатдики, 20.10.2008 йил ҳолатига кўра қарздорнинг мажбурий тўловлар бўйича ва бошқа кредиторлар олдидаги умумий қарзлари 1.054.743.000 сўмни ташкил қилиб, қарздор уларни 6 ой ичида уза олмайди. 2008 йилнинг 9 ойи ичида корхонанинг иш унумдорлиги 2007 йилнинг шу даврига нисбатан икки баробар пасайган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг Қорақалпоғистон Республика-

си, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бор корхоналарнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг кўрсатмасига биноан хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Қарздорнинг мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларини бажара олмаслигини эътиборга олиб, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти бошқармаси мониторинг натижаларини банкротлик ишлари бўйича давлат органи (Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси)га тақдим этган.

«ХХХ» ОАЖ молиявий аҳволини мониторинг қилиш материалларини ўрганиб чиқиб, банкротлик ишлари бўйича давлат органи қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга оид иш юритишни бошлаш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилиш ҳақида кўрсатма берган.

Қарздор мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини 6 ой ичида бажаришга қодир эмаслиги ва кредиторларнинг пул мажбуриятлари бўйича талаблари миқдори энг кам иш ҳақининг беш минг каррасидан ортиқлигини ҳисобга олиб, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти бошқармаси қарздорни иқтисодий ночор деб топади ва унда «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 156-моддасида назарда тутилган барча банкротлик аломатлари мавжудлигини аниқлади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб ва «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 6, 42, 156, 160-моддалари ҳамда ЎзР ХПКнинг 1-моддасига асосланиб, сўрайман:

– мазкур аризани иш юритувга қабул қилиш ва «ХХХ» ОАЖга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш;

– қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш.

Илова:

1. «ХХХ» ОАЖ молиявий аҳволи мониторинг далолатномаси.
2. «ХХХ» ОАЖ устави (нусхаси).
3. Қарздорнинг кредиторлари ва дебиторлари рўйхати, унинг кредиторлик ва дебиторлик қарзини изоҳлаган ҳолда.
4. 01.10.2007 йил ва 01.08.2008 й. ҳолатга кўра бухгалтерия баланси нусхаси;
5. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 01.12.2008 й. хати (кўрсатмаси).
6. Аризанинг нусхаси қарздорга юборилганлиги тасдиғи.
7. Суд (почта) харажатларининг тўланганлиги тасдиғи.

Монополиядан чиқариш ва
рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитасининг
Н. вилояти бошқармаси бошлиғи _____

Қонуннинг 157-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхонага нисбатан ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида маҳаллий давлат ҳокимияти органининг илтимосномаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

ИЛТИМОСНОМА

(Ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида)

Н. вилояти хўжалик судининг 2009 йил 2 январдаги ажрими билан «ХХХ» ОАЖга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган ва кузатув жорий этилган.

2009 йил 28 февралдаги кредиторларнинг биринчи йиғилишида қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга оид иш юритишни бошлаш ҳақида хўжалик судига илтимоснома киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

«ХХХ» ОАЖнинг устав фондида давлат улуши бўлиб, устав фондининг 25% ни ташкил қилади. Корхонанинг асосий фаолият тури қурилиш материаллари, шу жумладан, темир-бетон конструкциялар тайёрлаш ҳисобланади. «ХХХ» ОАЖнинг ишчилар сони 3.050 кишини ташкил қилиб, қарздор шаҳарни ташкил этувчи корхоналар тоифасига киради ва уни банкрот деб топиш номақбул ҳисобланади, чунки 3.000 дан ортиқ кишининг ишсиз қолишига сабаб бўлади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти барқарор бўлиб, кузатув кенгаши томонидан навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор чиқарилган ва унда корхонанинг тўлов қобилиятини тиклаш масаласи бўйича қарор қабул қилинади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 157-моддасига мувофиқ, шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқаруви хўжалик суди томонидан кредиторлар йиғилишининг қарори асосида, бундай қарор бўлмаса, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ёки вазирлик, давлат қўмитаси, идоранинг ва хўжалик бошқаруви органининг илтимосномасига биноан улар қарздорнинг мажбуриятлари юзасидан таъминот берган тақдирда жорий этилиши мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ва қарздор тўлов қобилияти тиклашнинг реал имконияти мавжудлигини эътиборга олиб, Н. тумани ҳокимияти суддан «ХХХ» ОАЖга нисбатан 24 ойлик муддатга ташқи бошқарувни жорий этишини сўрайди.

Н. тумани ҳокими _____

Илова № 2

Хўжалик бошқарув органи (маҳаллий давлат ҳокимияти органи)нинг қарздорни суд санациясига ўтказиш тўғрисидаги илтимосномаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти хўжалик суди

ИЛТИМОСНОМА

(Суд санациясига ўтиш ҳақида)

Н. тумани ҳокимиятининг илтимосномасига бўйича Н. вилояти хўжалик судининг 2009 йил 2 январдаги ажрими билан «ХХХ» ОАЖга нисбатан 24 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий этилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 157-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, тегишинча маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ҳамда вазирлик, давлат қўмитаси, идоранинг, хўжалик бошқаруви органининг илтимосномасига биноан улар томонидан қарздорнинг мажбуриятларни бажариши таъминоти таъминланган тақдирда, шу жумладан, давлат кафолатларини бериш йўли билан таъминланганда, хўжалик суди қарздорнинг суд санациясига ўтиши тўғрисида, агар илгари бундай таомил қарздорга нисбатан қўлланилган бўлмаса, қарор қабул қилиши мумкин.

«Ўзбекмебелсаноат» ДАК республика мебель саноатида хўжалик бошқарув органи ҳисобланади ва қарздор компания унинг таркибига киради.

Компания томонидан қарздорнинг молиявий аҳволи ўрганилган ҳамда қарздор суд санацияси жараёнида тўлов қобилиятини тиклай олиши мумкинлигини ҳисобга олиб, компания Кузатув кенгаши томонидан 18 ойлик муддатга суд санациясига ўтиш хусусида судга илтимоснома киритиш ва қарздорнинг кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажаришни таъминлаш учун тегишли шартномани тузиш орқали улар бўйича кафиллигини бериш тўғрисида қарор қабул қилган.

Кузатув кенгашининг қарори асосида суд санацияси режаси ва қарзларни узиш жадвали тузилган. Суд санацияси режаси қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш ва ундан тушган маблағлар оборотдаги маблағларни тўлдириш учун йўналтиришни назарда тутиб, бунинг натижасида, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми кўпаяди ва уни реализация қилиш орқали қарзларни узиш жадвалига мувофиқ кредиторлар талаблари қондирилади. Қарзларни узиш жадвалига мувофиқ кредиторлар талабларини қондириш суд санацияси жорий қилинган пайтдан эътиборан 6 ой муддат ўтгандан кейин бошланади ва маҳсулот реализациясидан тушган ҳар ойлик тушумлар оборотдаги маблағларни чегириб олган ҳолда, қарзларни узишга йўналтирилади ҳамда суд санацияси муддати тугаши билан кредиторларнинг барча талаблари қондирилади.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, шунингдек, илгари қарздорга нисбатан суд санацияси қўлланилмаганини ҳисобга олиб, «Ўзбекмебелсаноат» ДАК қарздорни 18 ойлик муддатга суд санациясига ўтказиш тўғрисида ажрим чиқаришни сўрайди.

Илова:

Суд санацияси режаси ва қарзларни узиш жадвали.

«Ўзбекмебелсаноат» ДАК
бошқаруви раиси _____

Қонуннинг 158-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқарувини узайтириш ҳақида маҳаллий давлат ҳокимияти органининг илтимосномаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти хўжалик суди

ИЛТИМОСНОМА

(Ташқи бошқарувини узайтириш ҳақида)

Н. вилояти хўжалик судининг 2007 йил 17 ноябрдаги ажрими билан «ХХХ» ОАЖга нисбатан 24 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий этилган.

Судининг 2009 йил 17 ноябрдаги ажрими билан ташқи бошқарув муддати 12 ойга узайтирилган.

Ташқи бошқарув муддати тугаши билан 16.11.2010 йилда навбатдаги кредиторлар йиғилиши бўлиб, унда ташқи бошқарувчининг ҳисоботи тингланди.

Йиғилишда Н. тумани ҳокимиятининг вакили томонидан ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома ўқиб эшиттирилди ва қарздорнинг мажбурий тўловлар бўйича талаблар ва пул мажбуриятларини бажаришини таъминлаш сифатида қарздор ва «Х–инвест» ДУК ўртасида 02.11.2010 йилда тузилган №19–3185-сонли шартнома тақдим этилди.

Кредиторлар йиғилиши томонидан ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш ва ташқи бошқарув муддатини 24 ойга узайтириш тўғрисида судга илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 158-моддасига мувофиқ, тегишинча маҳаллий давлат ҳокимияти органининг, вазирлик, давлат қўмитаси, идоранинг ҳамда хўжалик бошқаруви органининг илтимосномасига биноан қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан кафиллик бериш шарти билан шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқарув муддати беш йилгача узайтирилиши мумкин.

Юқоридагиларга ва қарздор тўлов қобилияти тиклашнинг реал имконияти мавжудлигини эътиборга олиб, Н. тумани ҳокимияти суддан «ХХХ» ОАЖга нисбатан жорий этилган ташқи бошқарув муддатини 24 ойга узайтиришни сўрайди.

Илова:

1. 16.11.2009 й.даги кредиторлар йиғилишининг баённомаси.
2. 02.11.2010 йилда тузилган №19–3185 кафиллик шартномаси нусхаси.

Н. тумани ҳокими _____

Қонуннинг 164-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Банкни банкрот деб топиш тўғрисида ариза

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти хўжалик суди

Аризачи: Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилояти бошқармаси
Манзил: Н. вилояти, Н. ш., Навбаҳор кўчаси, 32-уй.

Қарздор: «Х-банк» ХОАТБ
Манзил: Н. вилояти, Н. ш., Навбаҳор кўчаси, 32-уй.

А Р И З А

(Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида)

«Х–банк» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки 2001 йилда ташкил этилган ва унинг таъсис ҳужжатлари Марказий банк томонидан 2001 йил 20 февралда рўйхатдан ўтказилган, шунингдек, 2001 йил 1 мартда банк фаолияти билан шуғулланиш лицензияси берилган.

Марказий банк бошқарувининг 2009 йил 15 февралдаги қарори билан «Х–банк» ХОАТБга берилган банк фаолияти билан шуғулланиш лицензияси чақириб олинган.

Лицензия чақириб олиниши муносабати билан «Х–банк» ХОАТБни тугатиш жараёни бошланган ва Марказий банк билан келишган ҳолда банк акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тугатиш комиссияси тайинланган.

Тугатиш комиссиясига юклатилган вазифалар ижроси юзасидан, газетага эълон берилган, банкнинг актив ва пассивлари таҳлил қилинган, кредиторлар, омонатчилар ва дебиторлар аниқланган, шунингдек, қарздорнинг мол-мулки инвентаризация қилинган ва қиймати белгиланган ҳамда оралиқ баланс тузилган.

Тугатиш комиссияси томонидан тузилган оралиқ балансига мувофиқ банкнинг умумий кредиторлик қарзи 3543678000 сўмни, дебиторлик қарзи

2124650000 сўмни, қарздор мол-мулкининг баҳоси эса 653700000 сўмни ташкил қилди.

Юқоридагилардан келиб чиқадики, қарздорнинг пассивлари активларидан ошади ва бу бир ёки бир неча кредиторларнинг талабларини қондириш қарздорнинг бошқа кредиторлари олдидаги пул мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажара олмаслигига олиб келади.

«Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасига мувофиқ, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бор корхоналарнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг кўрсатмасига биноан хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Қарздорнинг мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларини бажара олмаслигини эътиборга олиб, шунингдек, қарздорнинг устав фондининг 25% ини давлат улуши ташкил қилишини ҳисобга олиб, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти бошқармаси мониторинг натижаларини банкротлик ишлари бўйича давлат органи (Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси)га тақдим этган.

Қарздорнинг молиявий аҳволини мониторинг қилиш материалларини ўрганиб чиқиб, банкротлик ишлари бўйича давлат органи қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга оид иш юритишни бошлаш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилиш ҳақида кўрсатма берган.

Қарздор мажбурий тўловлар ва пул мажбуриятлари бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслигини ҳисобга олиб, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти бошқармаси қарздорни иқтисодий ночор деб топади ва унда «Банкротлик тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган барча банкротлик аломатлари мавжуд.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб ва «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 6, 42, 164-моддалари ҳамда ЎзР ХПКнинг 1-моддасига асосланиб, сўрайман:

– мазкур аризани иш юритувга қабул қилиш ва «Х–банк» ХОАТБга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш;

– қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш.

Илова:

1. «Х–банк» ХОАТБ молиявий аҳволи мониторинг далолатномаси.
2. «Х–банк» ХОАТБ устави (нусхаси).
3. Қарздорнинг кредиторлари ва дебиторлари рўйхати, унинг кредиторлик ва дебиторлик қарзини изоҳлаган ҳолда.
4. Оралиқ баланси нусхаси.

5. ЎзР Марказий банкининг лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарори.
6. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 01.05.2009 й. хати (кўрсатмаси).
7. Аризанинг нусхаси қарздорга, ЎзР Марказий банкига ва фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармасига юборилганлиги тасдиғи.
8. Суд (почта) харажатларининг тўланганлиги тасдиғи.

Монополиядан чиқариш ва
рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитасининг Н.
вилояти бошқармаси бошлиғи _____

X БОБ. ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРНИНГ БАНКРОТЛИГИ

Қонуннинг 175-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарздор – якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги

Н. вилояти хўжалик суди

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Аризачи: Якка тартибдаги тадбиркор
Хамидов Закир Усманович
Манзил: Н. вилояти, Н. ш.,
Навбаҳор кўчаси, 32-уй.

АРИЗА

(Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида)

Мен, Хамидов Закир Усманович, 2007 йил 5 апрелда Н. тумани ҳокимияти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилганман. Якка тадбиркор сифатида мен компьютер дастурларини тайёрлаш ва компьютер технологиялари сервис (ремонт)и хизматларини кўрсатаман.

2009 йил 1 январь ҳолатига кўра, кредиторлар талабларининг умумий миқдори 8,2 млн сўмни, шу жумладан, мажбурий тўловлар бўйича қарзлар 675.000 сўмни ташкил этди.

Менга нисбатан ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги, алиментларни ундириш тўғрисидаги талаблар, шунингдек, шахсий хусусиятдаги бошқа талаблар қўйилмаган.

Мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларни бажариш муддати 2009 йил 15 январда келиб чиқади, қолган кредиторлар талабларини бажариш муддати эса 2008 йил сентябрь–октябрь ойларида келиб чиққан.

Мавжуд банк ҳисобварағида пул маблағлари бўлмай, илова қилинган банк маълумотномаси буни тасдиқлайди.

Етарлича пул маблағларим бўлмаганлиги сабабли мен пул мажбуриятларини қондиришга ва мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятларимни бажаришга қодир эмасман.

«Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, қарздор, агар унинг ушбу Қонуннинг 4-моддасида белгиланган муддатда пул мажбуриятларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб ва «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 4, 5, 6, 7, 175-моддалари ҳамда ЎзР ХПКнинг 1-моддасига асосланиб, сўрайман:

– мазкур аризани иш юритувга қабул қилиш ва менга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш;

– мени банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш.

Мен «Х–банк» АТБнинг Н. филиалида № 01022034560798987601 банк ҳисобига эгаман.

Банк манзили: Н. вилояти, Н. ш., Навбаҳор кўчаси, 10-уй.

Илова:

1. Якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома (нусхаси).
2. Қарздорнинг кредиторлари ва дебиторлари рўйхати, унинг кредиторлик ва дебиторлик қарзини изоҳлаган ҳамда кредиторлари ва қарздорларининг почта манзилларини кўрсатган ҳолда.
3. Қарзларни узиш режаси.
4. Аризанинг нусхаси кредиторларга юборилганлиги тасдиғи.
5. Суд харажатлари (давлат божи ва почта харажатлари)нинг тўланганлиги тасдиғи.

Якка тартибдаги тадбиркор **З. Хамидов**

Қонуннинг 176-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Якка тартибдаги тадбиркор қарзларини узиш режаси

Қарзларни узиш

РЕЖАСИ

Якка тадбиркор сифатида мен компьютер дастурларини тайёрлаш ва компьютер технологиялари сервис (ремонт)и хизматларини кўрсатаман.

Ҳозирги вақтда мен билан «XXX» ОАЖ ўртасида компьютер дастурларини тайёрлаб бериш тўғрисида шартнома тузилган бўлиб, шартноманинг баҳоси 20 млн сўмни ташкил қилади. Уч ой муддатга тузилган мазкур шартнома шартлари бажарилгандан кейин буюртмачи кўрсатилган хизматлар ҳақини ҳисобга ўтказади ва ушбу маблағлар кредиторлар олдидаги қарзларни узишга йўналтирилади.

Кредиторлар талабларининг умумий миқдори 8,2 млн сўмни ташкил қилади.

Қарзларни узиш режаси суд томонидан тасдиқлангандан кейин 2 ой ичида амалга оширилади.

Қарзларини узиш режасини амалга ошириш жараёнида олинган маблағдан 1,1 млн сўми ҳар ой мен ва оила аъзоларимнинг эҳтиёжлари учун қолдирилади, 4,1 млн сўми эса ҳар ой кредиторларнинг талабларини қондиришга йўналтирилади.

Мазкур режани амалга ошириш 2 ой ичида кредиторлар олдидаги қарзларни узиш имкониятини беради.

Якка тартибдаги тадбиркор **З. Хамидов**

Илова № 2

Қарзларни узиш режасини ўзгартириш тўғрисидаги кредиторнинг аризаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти хўжалик суди

ИЛТИМОСНОМА

(Қарзларни узиш режасини ўзгартириш тўғрисида)

Суднинг 2009 йил 12 октябрдаги ажримига мувофиқ, якка тартибдаги тадбиркор З.Хамидовнинг уни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси иш юритувга қабул қилинган ва банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган.

Аризага қарзларни узиш режаси илова қилинган бўлиб, унга кўра кредиторлар талабларининг умумий миқдори 8,2 млн сўмни ташкил қилиб, режа суд томонидан тасдиқлангандан кейин 2 ой ичида кредиторларга ҳар ой 4,1 млн сўм ўтказиш орқали қарзлар узилади.

Тақдим этилган режа суднинг 2009 йил 20 ноябрдаги ажрими билан тасдиқланган.

Бироқ қарздор қарзларни узиш режасида «ХХХ» МЧЖ олдида 800000 сўм миқдорда қарзи борлигини кўрсатмаган ва тегишли равишда суд томонидан тасдиқланаётганда бу сумма қарзларни узиш режасига киритилмаган.

«Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 176-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларнинг асослантирилган илтимосномасига биноан қарзларни узиш режасини ўзгартиришга, шу жумладан, уни амалга ошириш муддатини узайтиришга ёки қисқартиришга, қарздор ёки унинг оила аъзолари истеъмоли учун ҳар ойда қолдириладиган сумма миқдорини кўпайтиришга ёки камайтиришга ҳақли.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб ва «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 176-моддаларига асосланиб, «ХХХ» МЧЖ суддан суднинг 2009 йил 20 ноябрдаги ажрими билан тасдиқланган қарзларни узиш режасига унда «ХХХ» МЧЖнинг талабларини қондиришни назарда тутган ҳолда ўзгартириш киритишни сўрайди.

Илова:

1. 01.10.2008 йилдаги олди-сотди шартномаси нусхаси.
2. 05.10.2008 йилдаги ҳисоб-фактура нусхаси.
3. Тўловнинг бир қисми амалга оширилганлигининг тасдиғи.
4. Қарз суммасининг ҳисоб-китоби.

«ХХХ» МЧЖнинг директори _____

Қонуннинг 177-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарздор мол-мулкини тугатиш массасидан чиқариш тўғрисидаги илтимоснома

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти хўжалик суди

ИЛТИМОСНОМА

(Қарздор мол-мулкини тугатиш массасидан чиқариш тўғрисида)

Суднинг 2009 йил 12 ноябрдаги ажримига мувофиқ, «Z» фирмасининг якка тартибдаги тадбиркор З.Хамидовни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси иш юритувга қабул қилинган ва банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган.

Банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш билан бир вақтда, суд қарздорнинг, қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулкидан ташқари, барча мулкини хатлаш тўғрисида ажрим чиқарган.

Мулкни хатлаш тўғрисидаги ажримнинг ижроси юзасидан, суд ижрочиси қарздор мол-мулкини рўйхатга олган ва хатланган, шунингдек, мол-мулк аризачи «Z» фирмасига сақлаш учун берилган. Тугатиш массасини ташкил қиладиган хатланган мол-мулк таркибида блок система, монитор, клавиатура, дискетадаги компьютер дастурларидан ташкил топадиган компьютерларни диагностика қилиш ускуналари мавжуд.

Қарздор якка тадбиркор сифатида компьютер дастурларини тайёрлаш ва компьютер технологиялари сервис (ремонт)и хизматларини кўрсатиб, компьютерларни диагностика қилиш ускуналарини хатлаш ва олиб қўйиш қарздорни шартнома мажбуриятларини бажариш ва тегишинча кредиторлар олдидаги қарзларини узиш имкониятидан маҳрум қилади. Шу билан бирга, тугатиш массасидан чиқариладиган мол-мулк унчалик кўп қийматга эга бўлмай, энг кам иш ҳақининг эллик каррасидан ортиқ эмас ва мазкур мулкни реализация қилишдан келадиган даромад кредиторлар талабларини қондиришга жиддий таъсир кўрсатмайди.

«Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 177-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, хўжалик суди қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг асослан-

тирилган илтимосномасига биноан қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлган ноликвид мол-мулкини ёки реализация қилинишидан келган даромад кредиторларнинг талабларини қондиришга моҳиятан таъсир этмайдиган мол-мулкини тугатиш массасидан чиқаришга ҳақли.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, қарздорнинг кредиторларидан бири бўлмиш «ХХХ» МЧЖ суддан компьютерларни диагностика қилиш ускуналари: блок система, монитор, клавиатура ва дискетадаги компьютер дастурини тугатиш массасидан чиқаришни сўрайди.

«ХХХ» МЧЖнинг директори _____

Қонуннинг 179-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарздор – якка тадбиркорнинг унинг мол-мулкини (мол-мулкининг бир қисмини) хатловдан чиқариш тўғрисидаги илтимосномаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти хўжалик суди

ИЛТИМОСНОМА

(Қарздор мол-мулкини хатловдан чиқариш тўғрисида)

Суднинг 2009 йил 12 ноябрдаги ажримига мувофиқ, «Z» фирмасининг якка тартибдаги тадбиркор З.Хамидовни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси иш юритувга қабул қилинган ва банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган.

Банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш билан бир вақтда, суд қарздорнинг, қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулкидан ташқари, барча мулкини хатлаш тўғрисида ажрим чиқарган.

Мулкни хатлаш тўғрисидаги ажримнинг ижроси юзасидан, суд ижрочиси қарздор мол-мулкини рўйхатга олган ва хатлаган, шунингдек, мол-мулк аризачи «Z» фирмасига сақлаш учун берилган. Тугатиш массасини ташкил

қиладиган хатланган мол-мулк таркибида компьютерларни диагностика қилиш ускуналари: блок система, монитор, клавиатура, дискетадаги компьютер дастури мавжуд.

Мен якка тадбиркор сифатида компьютер дастурларини тайёрлаш ва компьютер технологиялари сервис (ремонт)и хизматларини кўрсатиб, компьютерларни диагностика қилиш ускуналарини хатлаш ва олиб қўйиш қарздорни шартнома мажбуриятларини бажариш ва тегишинча кредиторлар олдидаги қарзларини узиш имкониятидан маҳрум қилади. Шу билан бирга, тугатиш массасидан чиқариладиган мол-мулк унчалик кўп қийматга эга бўлмай, 5,5 млн сўмни ташкил қилади ва «ХХХ» МЧЖ томонидан шу суммада кафиллик берилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 179-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг пул мажбуриятлари бажарилиши хусусида учинчи шахслар томонидан асосли кафиллик берилган ёки кафолатланган бошқа таъминот тақдим этилган тақдирда хўжалик суди мазкур тадбиркорнинг илтимосномасига биноан унинг мол-мулкини (мол-мулкининг бир қисмини) хатловдан чиқариши мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, суддан компьютерларни диагностика қилиш ускуналари: блок система, монитор, клавиатура ва дискетадаги компьютер дастурини тугатиш массасидан чиқаришни сўрайман.

Илова:

Кафиллик шартномасининг нусхаси.

Якка тартибдаги тадбиркор **З. Хамидов**

Илова № 2

Қарздор – якка тадбиркорнинг банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисидаги илтимосномаси

бурчак штампи *чиқ.№___/ сана*

Н. вилояти хўжалик суди

ИЛТИМОСНОМА

(Ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисида)

Суднинг 2009 йил 12 ноябрдаги ажримига мувофиқ, «Z» фирмасининг якка тартибдаги тадбиркор З. Хамидовни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси иш юритувга қабул қилинган ва банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган.

29995500 сўм миқдорда қарзим борлиги фактини рад қилмайман ва фақат «Z» фирмаси олдида қарздорлигимни билдираман.

Мен якка тадбиркор сифатида компьютер дастурларини тайёрлаш ва компьютер технологиялари сервис (ремонт)и хизматларини кўрсатаман. Ҳозирги вақтда мен компьютер технологиялари соҳасида хизматлар кўрсатувчи йирик компаниялардан бири бўлган «Х–инвест» ОАЖ билан тузилган 30 млн сўмлик шартнома шартларини деярли бажариб тугатдим. Мазкур шартнома бўйича буюртмачи томонидан ҳисобга ўтказилган маблағлар кредиторлар олдидаги қарзларни узишга йўналтирилади.

«Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 179-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, хўжалик суди қарздор якка тартибдаги тадбиркор кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиши ёки келишув битимига эришилиши учун банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни мазкур тадбиркорнинг аризасига биноан узоғи билан бир ой муддатга кечиктириши мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, суддан, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун, иш кўришни 1 ойга кечиктиришни сўрайман.

Илова:

«Х-инвест» ОАЖ билан тузилган шартноманинг нусхаси.

Якка тартибдаги тадбиркор **З. Хамидов**

Қонуннинг 182-моддаси шарҳига иловалар

Кредиторнинг қарздорга қўйган талабнома намунаси Қонуннинг 70-моддасига шарҳга № 1 иловада берилганлиги сабабли, ушбу моддага илова берилмайди *(қаранг: Қонуннинг 70-моддаси* № 1 *иловаси*).

XI БОБ. БАНКРОТЛИКНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАОМИЛЛАРИ

Қонуннинг 185-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

Аризачи (қарздор): **«XXX–PLYUS» МЧЖ**

Манзил: Н. вилояти,
Н. т., Баҳор қишлоғи
А. Қодирий кўчаси, 2-уй.

А Р И З А

Банкрот деб топиш тўғрисида

«XXX–PLYUS» МЧЖ 2004 йил ташкил этилган ва унинг таъсис ҳужжатлари Н. тумани хокимининг 19.05.2004 йил № 2408-сон қарори билан рўйхатдан ўтказилган. «XXX–PLYUS» МЧЖнинг таъсисчиси ва директори Н.Э. Машрапов ҳисобланади. Корхонанинг асосий фаолият тури таъмирлаш-қурилиш ишлари ҳисобланади.

Н. тумани ҳокимиятининг аризаси бўйича Н. вилояти хўжалик суди 10.09.2009 й. да 6 ой давомида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги муносабати билан «XXX–PLYUS» МЧЖни тугатиш тўғрисида қарор чиқарган, тугатишга оид иш юритишни Н. тумани ҳокимияти ҳузуридаги доимий комиссияга юклаган.

Тугатиш жараёнида тугатиш комиссияси оммавий ахборот воситаларида («Н. оқшоми» газетасининг 20.09.2009 й. №___-сонида) қарздорни тугатиш ва кредиторлар талабларини келтириш муддатлари тўғрисида эълон қилган, қарздор мол-мулки баҳоланган ва инвентаризация қилинган, шунингдек, оралиқ тугатиш баланси тузилган.

Баҳоловчи ташкилотнинг ҳисоботига кўра, қарздор мол-мулкининг тугатиш қиймати 27550000 сўмни, тугатиш комиссияси томонидан тузилган кредиторлар реестрига мувофиқ эса, қарздорнинг кредиторлар олдидаги умумий қарзлари миқдори 41850000 сўмни ташкил қилади.

«Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 185-моддасига мувофиқ, агар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги ва (ёки) ўз устав фондини шакллантирмаганлиги муносабати билан тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилинган юридик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси (тугатувчи) тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли чораларни кўриши учун давлат солиқ хизмати органларига мурожаат этиши шарт.

«Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси иккинчи қисмини тугатиш комиссияси (тугатувчи), агар юридик шахс тугатилаётганда кредиторларнинг талабларини тўлиқ ҳажмда қондириш имконсизлиги аниқланган бўлса, қарздорнинг аризаси билан хўжалик судига мурожаат этиши шартлигини назарда тутади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, шунингдек, қарздорнинг мол-мулки кредиторларнинг талабларини қондириш учун етмаслигини эътиборга олиб, тугатиш комиссияси сўрайди:

– қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш;

– 3-даражали суд бошқарувчиси шаҳодатномасига эга бўлган А.Собировни тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлаш.

Қарздор «Х–банк» АТБнинг Н филиалида № 01022034560798987601 банк ҳисобига эга.

Банк манзили: Н. вилояти, Н. ш., Навбаҳор кўчаси, 10-уй.

Илова:

1. МЧЖнинг устави (нусхаси).
2. МЧЖнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (нусхаси).
3. Хўжалик судининг МЧЖни тугатиш тўғрисидаги қарори нусхаси.
4. Қарздорнинг кредиторлари ва дебиторлари рўйхати, унинг кредиторлик ва дебиторлик қарзини изоҳлаган ҳамда кредиторлари ва қарздорларининг почта манзилларини кўрсатган ҳолда.
5. Оралиқ тугатиш баланси.
6. Қарздор мол-мулкини баҳолаш далолатномаси.
7. Аризанинг нусхаси кредиторларга ва МЧЖ мол-мулки эгасига юборилганлиги тасдиғи.
8. Суд харажатлари (давлат божи ва почта харажатлари)нинг тўланганлиги тасдиғи.

«XXX–PLYUS» МЧЖнинг тугатиш
комиссиясининг раиси,
Н. тумани ҳузуридаги
доимий комиссия раиси _____

Қонуннинг 186-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Банкрот деб топилган тугатилаётган юридик шахсга нисбатан кредиторнинг талаби

бурчак штампи *чиқ.№___/ сана*

«ХХХ» МЧЖнинг
суд бошқарувчиси

Нусхаси: 1. Н. вилояти
хўжалик суди

Н. вилояти хўжалик судининг 2009 йил 20 майдаги қарори билан тугатилаётган «ХХХ» МЧЖ банкрот деб топилган ва тугатишга оид иш юритиш бошланган ва бу ҳақда 2009 йил 1 июнда расмий нашрда эълон чоп этилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 186-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, кредиторлар тугатилаётган юридик шахсга бўлган ўз талабларини тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги эълон чиқарилган пайтдан эътиборан бир ой ичида унга тақдим этишга ҳақли.

2009 йил 2 февралда қарздор ва «Х» фирмаси ўртасида олди-сотди шартномаси тузилган бўлиб, унга мувофиқ «Х» фирмаси қарздорга умумий 10,4 млн сўмлик 52 минг дона қурилиш товарлари (пишган ғишт) юклаб жўнатган.

Қарздор томонидан 7,4 млн сўм миқдордаги тўлов амалга оширилган бўлиб, қарздорлик суммаси 3 млн сўмни ташкил қилади.

Юқоридагилар асосланиб, «Х» фирмаси тўртинчи навбатдаги кредитор сифатида 3 млн сўмлик талабни кредиторлар талаблари реестрига киритиб қўйишни сўрайди.

Илова:

1. 02.02.2009 йилдаги шартнома нусхаси.
2. Юклаб жўнатиш ҳужжатларининг нусхалари (счёт-фактура, накладной, ишончнома).
3. Етказиб берилган ғишт қиймати қисман тўланганлигининг тасдиғи.

«Х» фирмаси директори _____

Қонуннинг 188-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилоят хўжалик суди

Аризачи: Н. тумани давлат солиқ инспекцияси
Манзил: Н. вилояти, Н. т., Навбаҳор кўчаси, 32-уй.

Қарздор: «ХХХ» МЧЖ
Манзил: Н. вилояти, Н. т., Баҳор қишлоғи А.Қодирий кўчаси, 2-уй.

А Р И З А

(Банкрот деб топиш тўғрисида)

«ХХХ» МЧЖ 2006 йил ташкил этилган ва унинг таъсисчиси ва директори Ўзбекистон Республикаси фуқароси Н.Э. Машрапов ҳисобланади. «ХХХ» МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари Н. тумани Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2004 йил 25 январда рўйхатдан ўтказилган.

Корхонанинг асосий фаолият тури кийимлар тикиш ва таъмирлаш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳисобланади.

Н. тумани ДСИга корхонанинг 2007 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисобот топширилган бўлиб, унинг асосида давлат солиқ хизмати органи 87,5 млн сўм миқдорда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномасини тақдим этган. Солиқ ва мажбурий тўловларнинг бир қисми ундирилган бўлиб, қарздор ҳисобида пул маблағлари мавжуд эмаслиги сабабли, 78,5 млн сўм миқдордаги қолган қисмини ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаси банк томонидан картотекага (К–2) жойлаштирилган.

Қарздорнинг пул маблағлари йўқлиги сабабли ва Солиқ кодекси талабларига мувофиқ, боқимандани ундиришни мол-мулкка қаратиш учун Н. тумани давлат солиқ инспекцияси хўжалик судига мурожаат қилган ва суднинг 2008 йил 27 февралдаги қарори билан 78,5 млн сўм миқдордаги боқимандани ундириш қарздорнинг мол-мулкига қаратилган.

Қарор кучга кириши билан суд ижро варақаси чиқариб, Н. тумани суд ижрочилари бўлимига ижро қилиш учун тақдим этилган.

Ижро ишини юритиш жараёнида суд ижрочиси қарздор юридик манзилида йўқлиги ҳамда мулкка эга эмаслигини аниқлаган ва шу сабабли ижро варақаси ижро этилмасдан қайтарилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 188-моддасига мувофиқ, ўз фаолиятини тугатган қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки тугатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг турган жойини (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан қатъи назар, кредитор, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли орган, шунингдек, прокурор томонидан берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 142-сонли қарорининг 35-бандига кўра, қарздорнинг ҳозир бўлмаганлиги сифатида нафақат унинг раҳбари йўқлиги, балки хўжалик юритувчи субъект мол-мулкининг йўқлигини ҳам тушуниш лозим. Бу ҳол қарздор – юридик шахс турган жойи (почта манзили) бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, уй-жой мулкдорларининг ширкати, тураржой ёки одам яшамайдиган жойнинг мулкдори вакиллари ва (ёки) суд бошқарувчиси иштирокида тузилган далолатнома ёхуд қарздорнинг мол-мулки мавжуд эмаслиги сабабли ижро ҳужжатини ижросиз қайтариш тўғрисидаги суд ижрочисининг қарори билан тасдиқланиши мумкин.

Маҳалла фуқаролари йиғинининг 24.04.2008 й. №1156-сонли маълумотномасига кўра, МЧЖнинг таъсисчиси ва директори Машрапова Н.Э 2008 йил февралдан Ўзбекистон чегарасидан чиқиб кетганлиги сабабли доимий рўйхатда турган жойида яшамайди.

ДСИ ходимлари томонидан қарздорнинг юридик манзили жойлашган бинони балансида ушлаб турувчи билан биргаликда қарздор юридик манзилида йўқлиги ҳамда мулкка эга эмаслигини ҳақида далолатнома тузилган.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб ва «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 4, 5, 6, 43, 188-моддалари ҳамда ЎзР ХПКнинг 1-моддасига асосланиб, сўрайман:

– мазкур аризани иш юритувга қабул қилиш ва ҳозир бўлмаган қарздор – «ХХХ» МЧЖга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш;

– қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш.

Илова:

1. Инкассо топшириқномалари нусхалари.
2. Ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги суд қарорининг нусхаси.
3. Солиқ тўловчи (қарздор)нинг шахсий карточкасидан кўчирма.
4. Кредиторлик ва дебиторлик қарзларининг изоҳи.
5. 01.01.2008 й. бухгалтерия ҳисоби нусхаси.
6. Ижро варақасини қайтариш тўғрисидаги суд ижрочисининг қарори.
7. Маҳалла фуқаролари йиғинининг 24.04.2008 й. №1156-сонли маълумотномаси.

8. Қарздорнинг юридик манзилида йўқлиги ҳақида далолатнома.
9. Аризанинг нусхаси қарздорга юборилганлигининг тасдиғи.
8. Суд (почта) харажатларининг тўланганлиги тасдиғи.

Н. тумани ДСИ бошлиғи _____

Қонуннинг 189-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ҳамда банкротликнинг умумий таомилларига ўтиш тўғрисидаги тугатиш бошқарувчисининг илтимосномаси

Н. вилоят хўжалик суди

ИЛТИМОСНОМА

(Банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ҳамда банкротликнинг умумий таомилларига ўтиш тўғрисида)

Н. вилояти хўжалик судининг Н. тумани ДСИнинг аризаси бўйича 2010 йил 3 январдаги қарорига асосан, «XXX–PLYUS» МЧЖ банкрот деб топилди ва тугатишга доир иш юритиш бошланди.

Банкротлик ишлари бўйича давлат органининг тақдимига биноан, суднинг 10.01.2010й. ажрими билан тугатиш бошқарувчиси қилиб мен – С.А. Тошниёзов тайинланганман.

Тугатишга оид иш юритиш жараёнида мен бухгалтерия ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қарздорнинг «Х–консалтинг» МЧЖ устав фондига улуш сифатида 12 млн сўм ўтказганлигини аниқладим. «Х–консалтинг» МЧЖ бошқарув органига мурожаат қилинганда, қарздор МЧЖ таъсисчилардан бири ҳисобланиши ва унинг МЧЖ устав фондидаги улуши 51% ташкил қилиши аниқланди.

«Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 189-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, тугатиш бошқарувчиси ҳозир бўлмаган қарздорнинг мол-мулкини аниқлаган тақдирда хўжалик суди мазкур бошқарувчининг илтимосномасига биноан банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ҳамда банкротликнинг ушбу Қонунда назарда тутилган умумий таомилларига ўтиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Юқоридагиларга асосланиб, суддан банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ҳамда банкротликнинг умумий таомилларига ўтиш тўғрисида ажрим чиқаришни сўрайман.

Илова: «Х–консалтинг» МЧЖнинг 07.03.2010 й. хати.

«XXX–PLYUS» МЧЖнинг
тугатиш бошқарувчиси **С.А. Тошниёзов**

3-бўлим. СУД БОШҚАРУВЧИСИ ТОМОНИДАН БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШ ДОИРАСИДА ТУЗИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР НАМУНАЛАРИ

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Қонуннинг 10-моддаси шарҳига иловалар*

Илова № 1

Кредиторлар йиғилишининг келишув битими тузиш тўғрисидаги баённомаси

«XXX» масъулияти чекланган жамияти кредиторлари йиғилишининг ___№ БАЁННОМАСИ

Н. шаҳри _____20___г.

Қатнашдилар:
Кредиторлар вакиллари:
– Н. тумани давлат солиқ инспекцияси – А.С. Акбаров;
– «Z» фирмаси – М.Н. Акбарова;
– «Inter–X» ҚК – Ф.Я. Сабиров;
– «Бизнес Мадад» МЧЖ – Н.И. Кретов;
«XXX»МЧЖ муассисларининг вакили В.С. Тулкунов;
Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов.

__% овозга эга бўлган кредиторларнинг вакиллари қатнашмоқда.
Йиғилишни ўтказиш учун кворум мавжуд.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Ташқи бошқарувчи ҳисоботини кўриб чиқиш.

Кредиторлар ушбу йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиб сифатида эса – М.Н. Акбаровани сайлади.

Тингланди: «XXX» МЧЖ ташқи бошқарувчиси С.А. Тошниёзов:

---

* Кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш ҳақидаги баённомаси келтириб ўтилмайди (Қўлланманинг иккинчи бўлимидаги Қонуннинг 107-моддаси шарҳига иловага қаранг.)

– 2009 йил 20 майдаги суд ажримига мувофиқ, «ХХХ» МЧЖ га нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилиб, ташқи бошқарувчи сифатида мен – С.А. Тошниёзов тайинландим.

Кредиторлар йиғилиши томонидан ташқи бошқарув режаси тасдиқланган бўлиб, унга биноан ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш, шунингдек, қарздор мол-мулки бир қисмининг сотилиши назарда тутилган бўлиб, бу қарздорга 12 ой мобайнида тўлов қобилияти тиклаб олиш имкониятини беради.

Ташқи бошқарув режаси ижро этилиши натижасида ишлаб чиқариш талаб мавжуд бўлган маҳсулотни чиқаришга қайта ихтисослаштирилди, шунингдек, мол-мулкнинг бир қисми сотилди.

Тўпланган маблағлар кредиторлар талаблари реестрига киритилган кредиторлар талабларини қондириш учун етарли бўлмаганлиги муносабати билан ҳамон 36 млн сўм миқдоридаги талаблар қондирилмасдан қолмоқда ҳамда қарздор уни 6 ой давомида қоплаши мумкин.

Ташқи бошқарув режаси ижросининг натижалари тўғрисидаги ҳисобот сизларга юборилган ва барчангиз у билан танишиб чиққансизлар.

Кредиторлар талабларининг қопланмаган қисми катта бўлмаган маблағни ташкил этиши ҳамда қарздор жорий тўловлар ва иш ҳақи бўйича қарзларга эга бўлмаганлиги муносабати билан қуйидаги шартлар билан келишув битими тузилишини таклиф қиламан, яъни бунда кредиторлар қарздорнинг пул мажбуриятларини ижро этиши учун 6 ой муддат, яъни 25.12.2010 й.гача муҳлат берадилар, қарздор эса кредиторлар олдидаги 36 млн сўм миқдоридаги қарзини тақдим этилган муддат мобайнида 2010 йил 25 июндан бошлаб ҳар ойнинг 25-кунига қадар 6 млн сўмдан иборат бўлган тенг қисмлар билан пул ўтказиш йўли орқали тўлаб беради.

Таклиф қилинган шартлар билан келишув битимини тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинишини сўрайман.

Сўзга чиқишди:

1. «Inter–X» ҚК вакили Ф.Я. Сабиров:

– Ташқи бошқарув режасининг ижро қилиниши кредиторлар талаблари қондирилиши учун етарли миқдордаги маблағларнинг тўпланишига олиб келмаганлиги боис ҳамда қарздорга тўлов қобилияти қайта тикланиши мумкинлигини эътиборга олиб, ташқи бошқарувчининг таклифини қабул қилиш ва келишув битими таклиф қилинган шартлар билан тузиш зарур деб ҳисоблайман.

2. «Z» фирмаси вакили М.Н. Акбарова:

– Мен ташқи бошқарувчининг ва «Inter–X» ҚК вакилининг таклифини қўллаб-қувватлайман. «Бизнес Мадад» МЧЖ вакили Н.И. Кретовга кредиторлар номидан келишув битимини тузиш ваколати берилишини таклиф қиламан.

Бошқа таклифлар билдирилмади.

Кун тартибини муҳокама қилган ҳолда, «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кредиторлар қарздорнинг пул мажбуриятларини бажариши учун 6 ой муддат, яъни 05.12.2010 й.гача муҳлат беришлари, қарздор эса кредиторлар олдидаги 36 млн сўм миқдоридаги қарзини тақдим этилган муддат мобайнида 2010 йил 25 июндан бошлаб ҳар ойнинг 25чи кунига қадар 6 млн сўмдан иборат бўлган тенг қисмлар билан пул ўтказиш йўли орқали тўлаб бериши шартлари ҳақида келишув битими тузилсин.

2. «Бизнес Мадад» МЧЖ вакили Н.И. Кретовга кредиторлар номидан келишув битимини тузиш ваколати тақдим этилсин.

3. Н. вилоят хўжалик судига келишув битимини тасдиқлаш ва иш юритишни тугатиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилинсин.

Овоз беришди:

«Тарафдорлар» – бир овоздан.
«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Илова № 2

Кредиторлар йиғилишининг кредиторлар қўмитаси аъзоларини сайлаш тўғрисидаги баённомаси

«ХХХ» масъулияти чекланган жамияти кредиторлари йиғилишининг __ № БАЁННОМАСИ

_____ ш. _____20___г.

Қатнашдилар:

Кредиторлар вакиллари:
– Н. тумани давлат солиқ инспекцияси – А.С. Акбаров (43%);
– «Р» фирмаси – М.Н. Акбарова(18%);
– «Inter–Х» ҚК – Ф.Я. Сабиров(21%);
– «Бизнес Мадад» МЧЖ – Н.И. Кретов (15%);
– «Барс» МЧЖ – А. Якубов (10%);
– «Азат» ХК – Миробидов Х. (8%);
«ХХХ» МЧЖ муассисларининг вакили В.С. Тулкунов;
Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов

__% овозга эга бўлган кредиторларнинг вакиллари қатнашмоқда.
Йиғилишни ўтказиш учун кворум мавжуд.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. «ХХХ»МЧЖ кредиторлар қўмитасининг аъзоларини сайлаш.

Кредиторлар йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиб сифатида эса М.Н. Акбаровани сайлади.

Тингланди: «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси С.А. Тошниёзов:

– 2009 йил 20 майдаги суд ажримига мувофиқ, «ХХХ» МЧЖ га нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилиб, ташқи бошқарувчи сифатида мен – С.А.Тошниёзов тайинландим.

Кредиторлар йиғилиши томонидан ташқи бошқарув режаси тасдиқланган бўлиб, унга биноан ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш, шунингдек, қарздор мол-мулки бир қисмининг сотилиши назарда тутилган бўлиб, бу қарздорга 12 ой мобайнида тўлов қобилияти тиклаб олиш имкониятини беради.

«ХХХ» МЧЖ кредиторлари сони 20 дан ортиқлигини ҳисобга олган ҳолда, 5 кишидан иборат кредиторлар қўмитаси сайланишини таклиф қиламан. Кредиторлар қўмитаси таркибига қуйидаги номзодалар киритилишини таклиф қиламан:

1. Аллабергенов С. – «____» МЧЖ директори (27%);

2. Махмудов С. – «___» ХК директори (35%);
3. Баев В. – «____» МЧЖ директори (15%);
4. Саитов К. – «___» ОАЖ директори (24%);
5. Акбарова А. – «Р» – «____» фирмаси директори (18%).

Сўзга чиқишди:

1. «Z» фирмаси вакили М.Н.Акбарова:

– Мен ташқи бошқарувчи С.А.Тошниёзовнинг «ХХХ» МЧЖ кредиторлар қўмитасини сайлаш ҳақидаги таклифи, шунингдек, унинг томонидан таклиф этилган қўмита аъзолигига номзодларни қўллаб-қувватлайман.

Кредиторлар қўмитасининг раиси этиб «___» ХК директори Махмудов С. сайланишини таклиф қиламан (35%).

Бошқа таклифлар билдирилмади.

Кун тартибини муҳокама қилган ҳолда, «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

5 кишидан иборат таркибдаги кредиторлар қўмитаси сайлансин.

2. Кредиторлар қўмитасининг аъзолари сифатида Аллабергенов С. («____» МЧЖ 27%), Махмудов С. («___» ХК (35%), Баев В. («____» МЧЖ (15%), Саитов К. («___» ОАЖ (24%) сайлансин.

3. «ХХХ» МЧЖ кредиторлар қўмитасининг раиси этиб Махмудов С. («___» ХК (35%) сайлансин.

Овоз беришди:

«Тарафдорлар» – бир овоздан.
«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Илова № 3

Кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги баённомаси

«ХХХ» масъулияти чекланган жамияти кредиторлари йиғилишининг

__ № БАЁННОМАСИ

Н шаҳри _____20___г.

Қатнашдилар:
Кредиторлар вакиллари:
– Н. тумани давлат солиқ инспекцияси – А.С. Акбаров;
– «Z» фирмаси – М.Н. Акбарова;
– «Inter–X» ҚК – Ф.Я. Сабиров;
– «Бизнес Мадад» МЧЖ – Н.И. Кретов;
«ХХХ» МЧЖ директори В.С. Тулкунов;
Санация қилувчи бошқарувчи С.К. Булгаков.

__% овозга эга бўлган кредиторларнинг вакиллари қатнашмоқда.
Йиғилишни ўтказиш учун кворум мавжуд.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Суд санациясини муддатидан аввал тугатиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақида.

Кредиторлар йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиб сифатида эса М.Н. Акбаровани сайлади.

Тингланди: санация қилувчи бошқарувчи С.К. Булгаков
– 2009 йил 28 февралдаги суд ажримига мувофиқ, «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси жорий этилган, шунингдек, қарздорликни қоплаш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарздорликни қоплашга йўналтирилади ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қопланади.

Суд санацияси мобайнида қарздор томонидан қарздорликни қоплаш жадвалида назарда тутилган кредиторлар талабларини қоплаш муддатлари бир ойдан ортиқ муддат давомида бузилганлиги туфайли мен томонимдан ушбу йиғилиш чақирилди. Қарздорнинг раҳбари томонидан тақдим қилинган ҳисоботга мувофиқ, қарздорликни қоплаш жадвалига биноан бюджет олдидаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича, ишчи-ходимлар олдидаги мажбурий тўловлар бўйича ва «Inter–X» ҚК олдидаги қарзлари тўлиқ ра-

вишда, «Z» фирмаси ва «Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги қарзлари эса қисман қопланган.

Бугунги кунда қарзнинг қопланмаган қисми 43500500 сўмни ташкил қилиб, шу жумладан:

– 22230500 сўм – «Z» фирмаси олдидаги;

– 21270000 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги қарзидир.

Корхона тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга эканлиги (эга эмаслиги) боис, корхонада 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилиши (*қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш бошлаш тўғрисида судга илтимоснома киритилиши*) ни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Сўзга чиқишди:

1. «ХХХ» МЧЖ директори В.С. Тулкунов:

– Кутилмаган ҳолатлар муносабати билан хом-ашё етказиб берувчилар томонидан хом-ашё шартномаларда назарда тутилган муддатларда етказиб берилмаган, бу эса қарздорликни қоплаш жадвалида назарда тутилган муддатларнинг бузилишига таъсир ўтказган.

Баён этилган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, суд санацияси муддатини 12 ойга узайтириш ёхуд 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилиши тўғрисидаги илтимосноманинг судга киритилишини сўрайман.

2. «Бизнес Мадад» МЧЖ вакили Н.И. Кретов:

– Мен хўжалик судига 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этиш тўғрисида (*ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида*) илтимоснома киритилиши, ташқи бошқарувчи (*тугатувчи бошқарувчи*) этиб эса С.К. Булгаков тайинланиб, унга 400000 сўм миқдоридаги ойлик ҳақ тасдиқланишини таклиф қиламан.

Бошқа таклифлар билдирилмади.

Кун тартибини муҳокама қилган ҳолда, «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Н. вилоят хўжалик судига «ХХХ» МЧЖда 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этиш тўғрисида (*қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш бошлаш тўғрисида*) илтимоснома киритилсин, ташқи бошқарувчи (*тугатувчи бошқарувчи*) этиб С.К. Булгаков тайинлансин ҳамда унга 400000 сўм миқдоридаги ойлик ҳақ тасдиқлансин.

Овоз беришди:

«Тарафдорлар» – бир овоздан.

«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Илова № 4

Кредиторлар йиғилишининг суд санациясини тасдиқлаш ва қарзларни қоплаш жадвалини маъқуллаш ҳақидаги баённомаси

«ХХХ» масъулияти чекланган жамияти кредиторлари йиғилишининг

__ № БАЁННОМАСИ

«____»_____20__й. _____ ш.

Қатнашдилар:
Кредиторлар вакиллари:
– Н. тумани давлат солиқ инспекцияси – А.С.Акбаров;
– «Z» фирмаси – М.Н. Акбарова;
– «Inter–X» ҚК – Ф.Я. Сабиров;
– «Бизнес Мадад» МЧЖ – Н.И. Кретов;
– «Барс» МЧЖ – А.Якубов;
«ХХХ» МЧЖ директори В.С. Тулкунов;
Санация қилувчи бошқарувчи С.А. Тошниёзов

73% овозга эга бўлган кредиторларнинг вакиллари қатнашмоқда.
Йиғилишни ўтказиш учун кворум мавжуд.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Суд санацияси режаси ва қарзларни қоплаш жадвалини кўриб чиқиш.

Кредиторлар йиғилиш раис этиб Ф.Я. Сабировни, котиб сифатида эса – М.Н. Акбаровани сайлади.

Тингланди: санация қилувчи бошқарувчи С.А. Тошниёзов:

– Суднинг 2009 йил 2 январдаги ажрими билан «Х–банк» АТБнинг «ХХХ» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси иш юритувга қабул қилиниб, қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ҳамда кузатув таомили жорий этилган.

Кузатув жорий этилишининг натижалари ва кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси асосида 2009 йил 3 мартдаги суд ажрими билан қарздорга нисбатан суд санацияси жорий этилган бўлиб, санация қилувчи бошқарувчи этиб мен – С.Тошниёзов тайинландим. Шунингдек, суд ажрими билан санация қилувчи бошқарувчи зиммасига суд санацияси режаси ва қарзларни қоплаш жадвалини ишлаб чиқиш ҳамда кредиторлар йиғилишига тасдиқлаш учун киритиш мажбурияти юкланган.

Суд ажрими ижроси учун мен томонимдан суд санацияси режаси ва қарзларни қоплаш жадвали ишлаб чиқилган бўлиб, булар кўриб чиқишингиз учун тақдим қилинган. Суд санацияси режасида назарда тутилган чора-

тадбирлар амалга оширилган тақдирда, қарздор 18 ой давомида ўз тўлов қобилиятини тиклаб олади.

Суд санацияси режаси тасдиқланиши, шунингдек, хўжалик судига қарзларни қоплаш жадвалини тасдиқлаш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилинишини сўрайман.

Сўзга чиқишди:

1. «Z» фирмаси вакили М.Н. Акбарова:

– Мен суд санацияси режаси тасдиқланишини таклиф қиламан, шунингдек, санация қилувчи бошқарувчининг таклифини қўллаб-қувватлайман ҳамда хўжалик судига қарзларни қоплаш жадвалини тасдиқлаш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилинишини таклиф қиламан.

Бошқа таклифлар билдирилмади.

Кун тартибини муҳокама қилган ҳолда, «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Суд санацияси режаси тасдиқлансин.
2. Н. вилоят хўжалик суди судига қарзларни қоплаш жадвалини тасдиқлаш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилинсин.

Овоз беришди:

«Тарафдорлар» – бир овоздан.
«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Илова № 5

Кредиторлар йиғилиши ўтказилган санадаги кредиторлар талаблари реестри

КРЕДИТОРЛАР ТАЛАБЛАРИ РЕЕСТРИ

«ЖАНУБ» ОАЖнинг _____ 20__ йил ҳолатига кўра

т\р	Кредитор ҳақидаги маълумотлар (номи, манзил, тел.)	Илгари сурилган талаблар		Аниқланган талаблар		Талабларни аниқлашнинг асослари	Изоҳлар (қопланганлик ҳақидаги қайдлар)
		Асосий қарз	Неустойка (жарималар, пенялар)	Асосий қарз	Неустойка (жарималар, пенялар)		
1 навбат							
1.1							
…							
2 навбат							
2.1							
…							
3 навбат							
3.1							
…							
4 навбат							
4.1							
…							
5 навбат							
5.1							
…							
	ЖАМИ						

«Жануб» ОАЖ нинг муваққат бошқарувчиси **Назаров Н.Н.**

Илова № 6

Кредиторлар йиғилиши иштирокчисини қайд қилиш варағи

Кредиторлар йиғилиши иштирокчисини қайд қилиш варағи

«_____»_____20_____й. _____ ш.

(Ўтказиладиган жой номи) да соат 00.00 да қуйидаги кун тартиби билан «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилишини ўтказиш мўлжалланган:

1. _____
2. _____
3. _____

Кредиторлар йиғилишида иштирок этиш учун келдилар:

т\р	Келиш вақти	Кредиторнинг номи	Кредитор вакилининг исми, шарифи ва отасининг исми, ишончнома	Имзо
1.				
2.				
3.				

Йиғилиш котиби
(Кредиторлар йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олиш ваколати берилган шахс) имзо (Ф.И.Ш.)

Илова № 8

Овоз бериш бюллетени

Овоз бериш бюллетени

Кредиторлар йиғилиши баённомасига илова
«ХХХ» МЧЖ № ___ _____ й.

«__»_____20___ йил _____ ш.

*Кун тартиби: 1.*_____

2. _____

3. _____

т\р	Кредиторнинг номи	1-масала бўйича овоз бериш натижалари	2-масала бўйича овоз бериш натижалари	3-масала бўйича овоз бериш натижалари
1.				
2.				
3.				
4.				

Жами: «тарафдорлар» – _____овоз
«қарши» – _____ овоз
«бетарафлар» – _____ овоз

Йиғилиш котиби
(Кредиторлар йиғилиши иштирокчиларини
рўйхатга олиш ваколати берилган шахс) имзо (Ф.И.Ш.)

Суд бошқарувчиси имзо (Ф.И.Ш.)

Қонуннинг 11-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Кредиторлар йиғилишининг ўтказилиши тўғрисидаги хабарнома

Давлат солиқ хизмати органига
Кредиторга: «ХХХ» МЧЖ

Чиқ. №____
«____»_____20__й.

Кредиторлар йиғилишининг ўтказилиши тўғрисидаги

ХАБАРНОМА

Н. вилояти хўжалик судининг 20___й. _____ даги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Н. ҳудудий бошқармасининг аризаси иш юритувга қабул қилинган ва «ХХХ» МЧЖ (_____ манзилида жойлашган қарздор – юридик шахснинг тўлиқ фирма номи, якка тартибдаги тадбиркорнинг исми, шарифи, отасининг исми) га нисбатан кузатув таомили жорий этилган.

Кузатув мобайнида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ва кредиторлар олдидаги қарзларни қоплашга қаратилган чора-тадбирлар аниқланганлиги муносабати билан, 20__й., 14 декабр соат 13.00. да, _____ манзилида жойлашган _____ биносида, «ХХХ» МЧЖ кредиторларининг (_____ манзилида жойлашган қарздор – юридик шахснинг тўлиқ фирма номи, якка тартибдаги тадбиркорнинг исми, шарифи, отасининг исми), қуйидаги кун тартибидаги йиғилиши ўтказилади:

1. Кредиторлар йиғилишининг 12 ой муддатга суд санациясини жорий қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаати.

Кредиторлар йиғилишида кўриб чиқиладиган материаллар билан сиз кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санага қадар қуйидаги манзилда танишиб чиқишингиз мумкин:_____, мурожаат учун тел. _____.

Иштирокчиларни рўйхатга олиш 200__й. 14 декабр соат 12-00 да бошланади.

Кредиторлар йиғилишига ўз вақтида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек йиғилиш иштирокчиси ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар билан келиш сўралади.

Суд бошқарувчиси «ХХХ» МЧЖ имзо Ф.И.Ш.

Илова № 2

Суд бошқарувчисининг кредиторлар йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги расмий нашрга хати

«Солиқ Инфо» газетаси таҳририяти

Чиқ. №____
«____»_____ 20__й.

Кредиторлар йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган кредиторлар ва шахсларни кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида шахсан огоҳлантириш имкониятининг мавжуд эмаслиги туфайли, Сиздан қуйидаги мазмундаги хабарни чоп этишингизни сўрайман:

«20__й., _____ соат _____да, _____ манзилида жойлашган _____ биносида, «ХХХ» МЧЖ кредиторларининг (_____ манзилида жойлашган қарздор – юридик шахснинг тўлиқ фирма номи, якка тартибдаги тадбиркорнинг исми, шарифи, отасининг исми), қуйидаги кун тартибидаги йиғилиши ўтказилади:

Кредиторлар қўмитаси аъзоларини сайлаш ва унинг таркиби сонини аниқлаш тўғрисида.

Кредиторлар йиғилишида кўриб чиқиладиган материаллар билан Сиз кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санага қадар қуйидаги манзилда танишиб чиқишингиз мумкин:_____, мурожаат учун тел. _____.

Кредиторлар йиғилишига соат 12.30да вақтлироқ, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек йиғилиш иштирокчиси ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар билан келиш сўралади».

Тўловни кафолатлаймиз.

Суд бошқарувчиси
«ХХХ» МЧЖ имзо Ф.И.Ш.

Қонуннинг 14-моддаси шарҳига иловалар

Кредиторлар талаблари реестри ушбу қўлланмада Қонуннинг 10-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, ушбу моддада реестр намунаси келтирилмайди.

Қонуннинг 15-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Кредиторлар қўмитасининг суд бошқарувчиларига қарздорнинг молиявий аҳволи ҳамда банкротлик таомилининг жараёни ҳақида ахборот берилиши тўғрисидаги талаби

«ХХХ» МЧЖ
Суд бошқарувчисига

Чиқ. №____
«____» _____20__й.

Суднинг 200__й._____ даги ажримига кўра, «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси жорий этилган, шунингдек, қарзларни қоплаш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга асосан кредиторлар талаблари реестрига киритилган умумий кредиторлик қарзи _____ сўмни ташкил қилади.

Суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ойдан ортиқ муддат ўтганлиги муносабати билан, «ХХХ» МЧЖнинг кредиторлар қўмитаси ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги қонуни 15-моддасига асосан,

С Ў Р А Й Д И :

Ушбу талаб келиб тушган кундан бошлаб _____ кун ичида, қарздорнинг молиявий аҳволи, қарзларни қоплаш жадвалининг бажарилиши суръати ҳамда «ХХХ» МЧЖда суд санациясини амалга оширилиши давомида кўрилган чоралар тўғрисида ахборот беришингизни.

«ХХХ» МЧЖ кредиторлар
қўмитаси раиси _____

Илова № 2

Кредиторлар қўмитасининг йирик битимлар амалга оширилишига розилик бериш тўғрисидаги қарори

«ХХХ» масъулияти чекланган жамияти кредиторлари қўмитасининг __ № БАЁННОМАСИ

_____ ш.
_____200__й.

Қатнашдилар:
кредиторлар қўмитаси аъзолари:
– А.С. Акбаров
– М.Н. Акбарова
– Ф.Я. Сабиров
– ташқи бошқарувчи – Сабиров Н.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. «ХХХ» МЧЖга тегишли нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг технологик асбоб-ускуналарини реализация қилиш билан боғлиқ йирик битимни амалга оширилишига розилик бериш масаласининг кўриб чиқилиши.

Тингланди: «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси Сабиров Н.:

– Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 20__й. «___»_____даги ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан ташқи бошқарув жорий этилиб, «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси этиб мен – Сабиров Нигмат Нишанович тайинландим. «ХХХ» МЧЖнинг асосий фаолият тури нон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан иборат.

Жамиятнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш давомида жамиятнинг кредиторлик қарзи 61604432 сўмни ташкил қилиши аниқланди, шу жумладан:

– 29995500 сўм – «Z» фирмаси олдида;
– 3498594 сўм – солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдида;
– 1298620 сўм – «Inter–X» ҚК олдида;
– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖ олдида;
– 1274271 сўм – иш ҳақи юзасидан ишчи-ходимлар олдида.

«ХХХ» МЧЖ сўнгги 2 йил давомида нон маҳсулотларини ишлаб чиқармасдан, макарон маҳсулотларини ишлаб чиқараётганлиги туфайли «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 101-моддасига мувофиқ Сиздан _____ сўм миқдоридаги нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилган жиҳозларни реализация қилиш бўйича йирик битим амалга оширилишига розилик беришингизни сўрайман.

Сўзга чиқишди:

1. Ф.Я.Сабиров:

– Сўнгги вақтда бозордаги юқори талаб туфайли, «ХХХ» МЧЖда консерваланган маҳсулотлар (кетчуплар, маринадлар) ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Шу муносабат билан юқорида қайд этилган технологик жиҳозлардан консервалаш маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланилмайди. Тақдим қилинган ҳужжатлар, шу жумладан реализация қилиш таклиф этилган жиҳозни баҳолаш актини ўрганиб чиққан ҳолда, ташқи бошқарувчига технологик жиҳозларни реализация қилиш бўйича битим амалга оширилишига розилик берилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Бошқа таклифлар билдирилмади.

Кун тартибини муҳокама қилган ҳолда, «ХХХ» МЧЖ кредиторлар қўмитаси,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ташқи бошқарувчига «ХХХ» МЧЖга тегишли нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг технологик асбоб-ускуналарини реализация қилиш билан боғлиқ йирик битимни амалга оширилишига розилик берилсин.

Овоз беришди:

«Тарафдорлар» – бир овоздан.

«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Қўмита раиси **Ф.Я. Сабиров**

Қўмита аъзолари **М.Н. Акбарова**
А.С. Акбаров

Қонуннинг 16-моддаси шарҳига иловалар

Кредиторлар йиғилишининг кредиторлар қўмитаси аъзоларини сайлаш тўғрисидаги баённомаси ушбу қўлланмада Қонуннинг 10-моддасига шарҳида келтириб ўтилганлиги туфайли, кўрсатиб ўтилган баённома намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

Қонуннинг 19-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Суд бошқарувчисининг кредиторлар қўмитасини чақириш тўғрисидаги талабномаси

«ХХХ» МЧЖ
кредиторлар қўмитаси
раисига

Чиқ. №____
«____»_____20__й.

Қарздор молиявий аҳволини яхшилаш ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида, қарздор мол-мулкини қуйидаги кўринишда реализация қилиш билан боғлиқ битимни амалга ошириш зарур деб ҳисоблайман:

1. Баланс қиймати _____сўмни ташкил қилувчи бинолар (тўлиқ тавсифи – ____кв.м. ер участкасида жойлашган қаватлар сони, қурилган йили, хоналар сони,);

2. Баланс қиймати _____сўмни ташкил қилувчи транспорт воситалари – маркасидаги автомашиналар (тўлиқ тавсифи).

Битимнинг умумий суммаси _____ сўм атрофидаги маблағни ташкил қилади.

Кўрсатиб ўтилган мол-мулкнинг баланс қиймати қарздор активлари баланс қийматининг ўн фоизидан кўпроғини ташкил этиши сабабли ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 101-моддасига мувофиқ ушбу битим йирик битимлар қаторига кириши туфайли, ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддасига асосланган ҳолда,

С Ў Р А Й М А Н :

Қарздор мол-мулкини реализация қилиш билан боғлиқ битимни тасдиқлаши учун «ХХХ» МЧЖ кредиторлари қўмитаси йиғилиши чақирилишини.

«ХХХ» МЧЖ
Суд бошқарувчиси _____
Ф.И.Ш.

Илова № 2

Суд бошқарувчисининг ўз мажбуриятларини муддатидан аввал тўхталиши тўғрисидаги аризаси қўлланманинг 2 бўлимида Қонуннинг 19-моддаси шарҳида келтириб ўтилганлиги боис, ушбу моддада қайд этилган аризанинг намунаси келтирилмайди.

Қонуннинг 22-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Кредиторлар йиғилишининг суд бошқарувчисига қўшимча ҳақ тайинлаш тўғрисидаги баённомаси

«ХХХ» масъулияти чекланган жамияти кредиторлари йиғилишининг __ № БАЁННОМАСИ

«____»_____20__й. _____ ш.

Қатнашдилар:
Кредиторлар вакиллари:
– Н. тумани давлат солиқ инспекцияси – А.С. Акбаров;
– «Z»фирмаси – М.Н. Акбарова;
– «Inter–X» Қўшма Корхонаси – Ф.Я. Сабиров;
– «Бизнес Мадад» МЧЖ – Н.И. Кретов;
– «Барс» МЧЖ – А. Якубов;
«ХХХ» МЧЖ муассислари вакили В.С. Тулкунов;
Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов

73% овозга эга бўлган кредиторларнинг вакиллари қатнашмоқда.
Йиғилишни ўтказиш учун кворум мавжуд.

КУН ТАРТИБИ:

1. Суд бошқарувчисига унинг фаолияти натижалари асосида тўланадиган қўшимча ҳақ белгиланиши ҳақидаги масаланинг кўриб чиқилиши.

Кредиторлар йиғилиши йиғилиш раиси этиб – Ф.Я. Сабировни, котиб сифатида эса М.Н.Акбаровани сайлади.

Тингланди: «Барс» МЧЖ директори А. Якубов:
– Суднинг 2009 й. 20 майдаги ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув таомили жорий этилиб, ташқи бошқарувчи этиб С.А.Тошниёзов тайинланган.
Кредиторлар йиғилиши томонидан ишлаб чиқаришнинг қайта ихтисослаштириши, шунингдек, реализация қилиниши қарздорга 12 ой давомида

тўлов қобилиятини тиклаш имконини берувчи қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотилишини назарда тутган ташқи бошқарув режаси тасдиқланди.

Ташқи бошқарув режасининг ижро этилиши учун ишлаб чиқариш талаб мавжуд бўлган маҳсулотнинг ишлаб чиқарилишига қайта ихтисослаштирилди, шунингдек, мол-мулкнинг бир қисми реализация қилинди. Ҳозирги вақтда барча кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлган маблағ тўпланган.

Ташқи бошқарув режасининг ижро этилиши натижалари тўғрисидаги ҳисобот барчангизга юборилган ва ҳаммангиз у билан танишиб чиққансиз. Ташқи бошқарувчи томонидан қўлланган хатти-ҳаракатлар ва чора-тадбирлар қарздорга тўлов қобилиятининг тикланишига олиб келгани боис, унинг томонидан зиммасидаги вазифаларнинг тегишли тартибда ва масъулият билан бажарилганлиги туфайли, ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзовга _____сўм миқдоридаги қўшимча мукофот пули тайинлашни таклиф қиламан, ҳамда ушбу мукофот пули қарздор мол-мулки ҳисобидан қуйидаги тартибда тўланади: _____.

Сўзга чиқишди:

1. «Z» фирмаси вакили М.Н. Акбарова:

– Мен А. Якубов томонидан баён қилинган таклифни қўллаб-қувватлайман ва хўжалик судига ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзовга қўшимча мукофот пулининг миқдори ва тўловни амалга ошириш тартибини белгилаш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилишни таклиф қиламан.

Бошқа таклифлар билдирилмади.

Кун тартибини муҳокама қилган ҳолда, «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ташқи бошқарувчи С.А.Тошниёзовга _____сўм миқдоридаги қўшимча мукофот пули тайинлансин, ҳамда ушбу мукофот пули қарздор мол-мулки ҳисобидан тўлансин.

2. Н. вилояти хўжалик судига ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзовга қўшимча мукофот пулининг миқдори ва тўловни амалга ошириш тартибини белгилаш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилинсин.

Овоз беришди:

«Тарафдорлар» – бир овоздан.

«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

III БОБ. ХЎЖАЛИК СУДИДА БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШНИНГ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ

Қонуннинг 48-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарздорнинг молиявий аҳволини аниқлаш учун экспертиза тайинлаш тўғрисидаги илтимоснома

Тошкент ш. хўжалик суди

(№_____-сонли иш)

Чиқ. № ____
«___»_____ 20__ йил

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги

ИЛТИМОСНОМА

Тошкент ш. хўжалик судининг 20__ йил «___»_____даги ажрими билан _____-сонли иш юзасидан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ҳамда «Жануб» ОАЖига нисбатан кузатув таомили жорий қилинган.

Тошкент ш. хўжалик судининг 20__ йил «___»_____даги ажрими билан _____-сонли иш юзасидан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ҳамда «Жануб» ОАЖнинг муваққат бошқарувчиси этиб Назаров Нариман Ноибович тайинланган.

Қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш мобайнида аниқланишича, «Жануб» ОАЖнинг молия-хўжалик ва бухгалтерия ҳужжатлари тўлиқ эмас, қисман сақланмаган, «Жануб» ОАЖ фаолиятининг ўзига хос соҳаси унинг молиявий аҳволини объектив равишда белгилаш учун махсус билимларни талаб қилади, «Жануб» ОАЖнинг молиявий аҳволи таҳлилини амалга ошираётган мутахассисларда эса «Жануб» ОАЖнинг молиявий аҳволига баҳо бериш масаласида зиддиятлар вужудга келди.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 48-моддасига мувофиқ, банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш мобайнида қарздорнинг молиявий аҳволини аниқлаш учун, шунингдек, банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш давомида хўжалик суди экспертиза тайинлашга ҳақли.

Кўрсатиб ўтилганлар асосида ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 48-моддаси ҳамда ЎзР ХПКнинг 67-моддасига мувофиқ, суддан «Жануб» ОАЖнинг молиявий аҳволини аниқлаш учун экспертиза тайинланишини сўрайман.

«Жануб» ОАЖ муваққат бошқарувчиси **Назаров Н.Н.**

Қонуннинг 52-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Суд бошқарувчисининг эълонни чоп этиш тўғрисидаги расмий нашрга йўлланган хати

«Солиқ Инфо» газетаси таҳририяти

Чиқ. №____
«____»_____ 20__й.

Тошкент ш. хўжалик судининг қарори билан «ХХХ» МЧЖнинг банкрот деб топилиши муносабати билан тугатувчи бошқарувчининг қарздорни банкрот деб топилиши ва тугатишга доир иш юритишнинг бошланиши тўғрисидаги хабарни чоп этишингизни сўрайман:

«_____ манзилида жойлашган қарздор – «ХХХ» МЧЖ, Тошкент ш. хўжалик судининг 20__й. «___» _____ даги қарори билан № _____-сонли иш юзасидан банкрот деб топилди ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланиб, тугатувчи бошқарувчи этиб (*исми, шарифи, отасининг исми*) тайинланди.

«ХХХ» МЧЖга нисбатан кредиторлар талабларини билдириш учун ушбу хабар чоп этилган кундан бошлаб __ муддат ўрнатилган.

Кредитор талаблари қуйидаги манзилда қабул қилинади: _____
_____

Алоқа тел.:_____».

Тўловни кафолатлаймиз.

Иловалар:

1. Тошкент ш. хўжалик суди қарорининг нусхаси 1 варақда.
2. Нашр учун тўлов амалга оширилганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи ҳужжат 1 варақда.

«ХХХ» МЧЖ
тугатувчи бошқарувчиси _____
(Ф.И.Ш.)

IV БОБ. КУЗАТУВ

Қонуннинг 63-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Муваққат бошқарувчининг эмиссия қимматли қоғозлари бўйича дивидендлар тўлашнинг тақиқланиши тўғрисидаги хати

«ХХХ» ОАЖ директорига
Исми, шарифи, отасининг исми

Чиқ. № ____
«___»_____ 20__ йил

Хўжалик судининг 20___й. _____даги ажрими билан «ХХХ» ОАЖга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ва кузатув жорий қилинган.

«ХХХ» ОАЖ муваққат бошқарувчисида мавжуд маълумотларга кўра, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 20___й. давомидаги фаолият якунлари бўйича дивидендларнинг тўланиши ҳақидаги қарор қабул қилинган бўлиб, унинг асосида сиз томонингиздан тегишли буйруқ чиқарилган.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 63-моддасига мувофиқ, кузатув жорий этилган пайтдан эътиборан эмиссия қимматли қоғозлари бўйича дивидендлар ва бошқа тўловларни тўлаш тақиқланади.

Келтириб ўтилганлар муносабати билан Сизга 20___й. давомидаги ОАЖ фаолияти якунлари бўйича дивидендларнинг тўланишига йўл қўйилмаслигини эслатиб ўтаман.

Дивидендлар тўлашнинг тақиқланишига доир банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда, «ХХХ» ОАЖнинг муваққат бошқарувчиси сифатида мен Сизни «ХХХ» ОАЖ директори вазифасидан четлаштириш ҳақидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилишга мажбур бўламан.

«ХХХ» ОАЖ
муваққат бошқарувчиси _____
(Ф.И.Ш.)

Қонуннинг 64-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Муваққат бошқарувчининг кўчмас мулкни ижарага бериш билан боғлиқ битимнинг амалга оширилишига ёзма розилик хати

«ХХХ» МЧЖ директорига

Чиқ.№ ___
«____» _____20___й.

Сизнинг 20___й. _____даги №___-сонли «КК» МЧЖга _____кв м ер участкасида жойлашган иссиқхонани (объектнинг тўлиқ тавсифи) 6 ой муддатга ижарага берилишига розилик берилиши ҳақидаги хатингиз ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар билан танишиб чиққан ҳолда, ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 64-моддаси асосида кўрсатилган мол-мулкни Сизнинг хатингизда назарда тутилган шартлар асосида ижарага берилишига розилик билдираман.

«ХХХ» МЧЖ
муваққат бошқарувчиси _____
(Ф.И.Ш.)

Қонуннинг 65-моддаси шарҳига иловалар

Муваққат бошқарувчининг ўз мажбуриятлари ижросини муддатидан аввал тўхталиши тўғрисидаги аризаси қўлланманинг 2-бўлимида Қонуннинг 65-моддаси шарҳида келтириб ўтилганлиги боис, ушбу моддада қайд этилган аризанинг намунаси келтирилмайди.

Қонуннинг 66-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Муваққат бошқарувчининг қарздор мол-мулки бут сақланишини таъминланишга қаратилган қўшимча чоралар кўрилиши тўғрисидаги илтимосномаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти хўжалик суди

Қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлашга қаратилган қўшимча чоралар кўрилиши тўғрисидаги

ИЛТИМОСНОМА

Н. вилоят хўжалик суди судининг 2009 й. 10 ноябрдаги ажрими билан «ХХ» ОАЖга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ҳамда кузатув таомили жорий қилинган бўлиб, муваққат бошқарувчиси этиб мен – С.Булгаков тайинландим.

Кузатув давомида қарздор томонидан асосий воситалар таркибига кирувчи ва баланс қиймати қарздор активлари баланс қийматининг ўн фоизидан кўпроғини ташкил этадиган, мол-мулкнинг бегоналаштирилиши ҳолатлари аниқланган бўлиб, банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан муваққат бошқарувчининг ёзма розилигисиз бунга йўл қўйилмайди. Хусусан, банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ҳамда қарздорга нисбатан кузатув таомили жорий қилинганидан кейин «Х» МЧЖ билан олди-сотди битими тузилган бўлиб, унга кўра қарздор томонидан қиймати 50 млн сўмдан юқори бўлган алкоголсиз ичимликларни қуйиб чиқиш технологик жиҳозлари реализация қилинган. Ушбу шартномани тузишда қарздорнинг раҳбар органи битимнинг тузилишида муваққат бошқарувчи билан ўзаро келишмаган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 46-моддасига асосан, хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахснинг аризасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига мувофиқ кредиторлар талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар кўришга ҳақли. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган кредиторлар талабларининг таъминланишига қаратилган чоралардан ташқари, хўжалик суди «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 66-моддаси талабларига мувофиқ равишда суд бошқарувчисининг розилигисиз битимлар тузишни тақиқлашга, қарздорни қимматли қоғозлар, валюта қимматликлари

ва бошқа мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсларга беришга мажбур қилишга ҳамда қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлашга қаратилган бошқа чораларни кўришга ҳақли.

Баён қилинганларни эътиборга олган ҳолда ва кредиторлар талабларининг таъминланиши мақсадида ушбу илтимосноманинг кўриб чиқилиши ҳамда «ХХ» ОАЖ раҳбар органига суд бошқарувчисининг розилигисиз битим тузиш ва бошқа ҳаракатларни амалга оширилишини тақиқлаш йўли билан қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлашга қаратилган қўшимча чоралар кўрилишини суддан сўрайман.

Илова:

1. «Х» МЧЖ билан тузилган олди-сотди шартномаси нусхаси.
2. Аризанинг нусхаси қарздорга юборилганлигининг исботи.

«ХХ» ОАЖ муваққат бошқарувчиси **С. Булгаков**

Илова № 2

Муваққат бошқарувчининг қарздор раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан четлаштирилиши тўғрисидаги илтимосномаси

Н. вилоят хўжалик суди

«ХХХ» МЧЖ муваққат бошқарувчиси
С.А. Тошниёзовдан

Қарздор раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан четлаштирилиши тўғрисидаги

ИЛТИМОСНОМА

Суднинг 20___й. _____даги ажрими билан қарздорга нисбатан кузатув таомили жорий қилинган, муваққат бошқарувчи этиб эса С.А. Тошниёзов тайинланган.

Қарздорнинг раҳбари Матякубов З. ҳисобланиб, унинг ўз вазифаларини лозим даражада амалга оширмаётганлиги ўз навбатида кредиторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмоқда.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 68-моддасига мувофиқ, қарздорнинг раҳбари қарздорнинг ходимларини, муассисларини (иштирокчиларини) ёки қарздор мол-мулкининг эгасини қарздорга нисбатан кузатувни жорий этиш ҳақида хўжалик суди томонидан ажрим чиқарилганлиги тўғрисида хабардор қилиши шарт. Аммо ушбу талаб унинг томонидан бажарилмаган.

Шунингдек, «ХХХ» МЧЖга нисбатан кузатув таомили жорий этилган пайтдан бошлаб Матякубов З. томонидан «ХХХ» МЧЖга тегишли мол-мулк таркибига кирувчи иссиқхона биноси 5 йил муддатга «КК» МЧЖга ижарага берилган, шунингдек, умумий қиймати _____сўмни ташкил қиладиган қуриб битирилмаган иссиқхонанинг 2-биноси, умумий қиймати _____сўмни ташкил қиладиган технологик жиҳозлар (тўлиқ тавсифи, ишлаб чиқарилган йили ва бет), умумий қиймати _____сўмни ташкил қиладиган тракторлар (тўлиқ тавсифи, ишлаб чиқарилган йили ва бет) реализация қилинган.

Қарздор раҳбарининг хатти-ҳаракатлари ғайриҳуқуқий саналади, чунки у ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 64-моддаси талабини бузган, яъни ҳар бири қарздор активлари баланс қийматининг ўн фоизидан кўпроғини ташкил этадиган «ХХХ» МЧЖ мол-мулкини муваққат бошқарувчининг ёзма розилигисиз ижарага берган ҳамда «ХХХ» МЧЖ мол-мулкининг бир қисмини сотиб юборган.

Баён қилинганлар асосида ва қарздорнинг раҳбари томонидан вазифаларининг лозим даражада бажарилмаганлигини эътиборга олиб, кредиторлар талабларининг таъминланиши мақсадида қарздор раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштиришни суддан сўрайман.

Илова 5-варақда.

Муваққат бошқарувчи **С.А. Тошниёзов**

Илова № 3

Муваққат бошқарувчининг қарздор раҳбарини ўз вазифаларини бажаришга киришиши тўғрисидаги буйруғи

БУЙРУҚ № ___

_____ ш.
«___»_____ 20 __ й.

Тошкент ш. хўжалик судининг 20 __ йил «_____»_____да №_____-сонли иш юзасидан қабул қилинган ажрими билан «Жануб» ОАЖ директори З.Матякубов ўз вазифасидан четлаштирилиб, унинг вазифалари «Жануб» ОАЖнинг муваққат бошқарувчиси Н.Н. Назаров зиммасига юкланган.

Юқорида келтирилганлар асосида ва ЎзР Меҳнат кодексининг ___моддасига мувофиқ

Б У Ю Р А М А Н :

1. 20__й. _____дан бошлаб «Жануб» ОАЖ раҳбари вазифаларини бажаришга киришаяпман.
2. «Жануб» ОАЖнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларини, муҳр ва штамп, моддий ва бошқа қимматликларни топшириш ва қабул қилиб олиш учун қуйидаги таркибдаги комиссия тузилсин:

– _____, раис;

– _____, комиссия аъзоси;

– _____, комиссия аъзоси, котиб.

3. Бухгалтерияни топшириш ва қабул қилиб олишнинг якунланиши билан «Жануб» ОАЖнинг собиқ директори З.Матякубов билан ҳисоб-китоб амалга оширилсин.
4. Ушбу буйруқнинг ижро қилиниши устидан назоратни ўзим зиммада қолдираман.

Асос: хўжалик судининг _____20__й. ажрими

«Жануб» ОАЖ
муваққат бошқарувчиси **Назаров Н.Н.**

Илова № 4

Муваққат бошқарувчининг бошқарув органига йўлланган қарздорнинг фаолияти ҳақида ахборот тақдим қилиниши тўғрисидаги мурожаатномаси

«Жануб» ОАЖ директорига

_____

Чиқ. № ____
«___»_____ 20__ йил

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 66-моддасига мувофиқ Сиздан 20___йил «___»_____гача «Жануб» ОАЖ муваққат бошқарувчиси ваколатларини амалга ошириш учун зарур бўлган қуйидаги ахборот ва ҳужжатларни менга тақдим қилишингизни сўрайман:

1. Корхонанинг таъсис ҳужжатлари (устав, таъсис шартномаси, рўйхатга олингалик ҳақидаги гувоҳнома) ўзгартиришлари билан;

2. Корхонанинг кўчмас мулк, ер участкасига бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар, техникавий паспорт;

3. Бошқарув органларининг ваколатларини тасдиқловчи корхонанинг ички ҳужжатлари;

4. Корхона бошқарув органларининг тегишли давр мобайнидаги йиғилишлари баённомалари;

5. Директорнинг тегишли давр мобайнидаги буйруқ ва фармойишлари;

6. Ревизия комиссияларининг фаолият натижалари тўғрисидаги ҳар йиллик ҳисоботлари, аудиторлик фирмаларининг сўнгги уч йилдаги хулосалари;

7. Фаолиятнинг бутун муддати давомида корхона томонидан барча юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномалари, келишувлари, битимлари;

8. Корхонанинг ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб-варақлари рақамлари, хизмат кўрсатувчи банк муассасаларининг номи ва реквизитлари;

9. Корхона томонидан контрагентлар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдидаги пул мажбуриятларининг бажарилганли ёки бажарилмаганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи ҳужжатлар (бажарилмаган тўлов талабномалари, тўлов топшириқномалари ва ҳ.к.)

10. Солиқ инспекцияси, бюджетдан ташқари фондлар ва статистика органларига тақдим этиладиган бирламчи бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоботлари (кварталлик ва йиллик) қабул қилинганлиги ҳақидаги тегишли ёзувлари билан (сўнгги уч йил учун), мол-мулк ва молиявий мажбуриятларни инвентаризация қилишнинг сўнгги далолатномалари, охирги инвентаризация қилиш ахборотномалари;

11. Кредиторлик ва дебиторлик қарзларининг расшифровкаси;

12. Ташкилотнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдидаги қарзлари ҳақидаги маълумотнома;

13. Лицензиялар;

14. Сертификатлар;

15. Фаолиятнинг асосий йўналишлари ҳақидаги маълумотлар (асосий маҳсулотлар, ишлар, хизматлар турлари);

16. Маҳсулотнинг асосий етказиб берувчилари ва истеъмолчилари ҳақидаги маълумотлар (баҳолаш асосида: реализация, етказиб беришнинг умумий ҳажмидаги ҳиссаси);

17. Мол-мулкнинг мавжудлиги, шу жумладан акциялар, облигациялар, қимматли қоғозлар сони ҳақидаги маълумотлар;

18. Мол-мулкнинг учинчи шахслар олдида чекланганлиги ҳақидаги маълумотлар (ижара, гаров ва ҳ.к.);

19. Учинчи шахсларнинг корхона мол-мулки (активлари)га нисбатан даъволари мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар (суд низолари, суд қарорлари, суд ижрочиларининг, солиқ хизматининг ҳаракатлари ва ҳ.к.);

20. Корхонанинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар, унинг бўлинмалари, филиаллари ва ваколатхоналари рўйхати;

22. Корхона ходимларининг ҳақиқий сони, тасдиқланган штат жадвали ва ходимларнинг штатга доир тақсимоти;

23. Тақдим қилинган ишончномалар ҳақидаги маълумотлар;

24. Корхона муассислик (иштирокчилик) қилган ташкилотлар номи ва манзиллари, иштирокчилик улуши ҳақидаги маълумотлар;

25. Ижро ҳокимияти органларининг корхонага, унинг функциялари ва фаолият турларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;

26. Корхонанинг хавфсизлик (қўриқлаш) хизматининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши, моддий жавобгар шахслар ҳамда хавфсизлик техникаси, ёнғин хавфсизлиги учун жавобгар шахслар ҳақидаги маълумотлар, тегишли буйруқларни тақдим этиш билан бирга.

«Жануб» ОАЖ
муваққат бошқарувчиси _____

(Ф.И.Ш.)

Илова № 5

Муваққат бошқарувчининг сўровномаси[*]

Тошкент ш. Ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастри бош бошқармаси

Чиқ. № ____
«____»_____ 20__ й.

Тошкент ш. Хўжалик судининг 20 __ йил «___»_____даги ажрими билан № _____-сонли иш юзасидан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ҳамда «Жануб» Очиқ акциядорлик жамияти (юридик манзили _____, почта манзили _____, ИНН _____) га нисбатан кузатув таомили жорий қилинган бўлиб, «Жануб» ОАЖнинг муваққат бошқарувчиси этиб мен – Назаров Нариман Ноибович тайинландим.

«Жануб» ОАЖнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш мақсадида ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 66-моддасига мувофиқ Сиздан «Жануб» ОАЖнинг ер участкалари ва кўчмас мулкларга нисбатан ҳуқуқларининг рўйхатга олинганлиги, шунингдек хатлаш, гаров ва бошқа чекловлар тўғрисида маълумотлар тақдим қилишингизни сўрайман.

Сўралаётган ахборотни муваққат бошқарувчининг номига _____ _____ манзилига юборишингизни сўрайман, тел. _____.

Иловалар:

Тошкент ш. хўжалик суди ажримининг 1 варақ нусхаси.

«Жануб» ОАЖ
муваққат бошқарувчиси **Назаров Н.Н.**

* Шунга ўхшаш характердаги сўровномалар муваққат бошқарувчи томонидан рўйхатга олувчи бошқа органлар манзилигига ҳам, шунингдек, давлат солиқ хизмати органи ва қарздорга хизмат кўрсатувчи банкка ҳам жўнатилади.

Илова № 6

Битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини қўллаш тўғрисидаги даъво аризаси[*]

Тошкент ш. хўжалик суди

_____

(суд манзили)

Чиқ. № ____

«____»_____ 20 __ й.

Даъвогар: «Жануб» ОАЖ

_____

(даъвогар манзили)

Жавобгар: «ХХХ» ХК

_____

(жавобгар манзили)

Битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини қўллаш тўғрисидаги

ДАЪВО АРИЗАСИ

Тошкент ш. хўжалик судининг 20 __ йил «___»_____даги ажрими билан № _____-сонли иш юзасидан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ҳамда «Жануб» Очиқ акциядорлик жамиятига нисбатан кузатув таомили жорий қилинган бўлиб, «Жануб» ОАЖнинг муваққат бошқарувчиси этиб Назаров Нариман Ноибович тайинланган.

Қарздорнинг молиявий аҳволи ва молиявий-хўжалик ҳужжатлари таҳлилини амалга ошириш давомида аниқланишича, кузатув мобайнида «Жануб» ОАЖнинг бошқарув органи томонидан ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни 63–64-моддаларида белгиланган чекловларга доир бўлган шартнома муваққат бошқарувчининг розилигиз тузилган.

Хусусан, 20 __ йил _____да «ХХХ» ХК билан олди-сотди шартномаси тузилган бўлиб, унга асосан қарздорнинг мол-мулки таркибига кирувчи иссиқхона биноси реализация қилинган, шунингдек, умумий қиймати _____сўмни ташкил қиладиган қуриб битирилмаган иссиқхонанинг 2-чи биноси, умумий қиймати _____сўмни ташкил қиладиган технологик жиҳозлар (тўлиқ тавсифи, ишлаб чиқарилган йили ва бет), умумий қиймати _____сўмни ташкил қиладиган тракторлар (тўлиқ тавсифи, ишлаб чиқарилган йили ва бет) реализация қилинган.

_____

* Суд бошқарувчисининг битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаби банкротлик тўғрисидаги иш доирасидан ташқарида даъво тартибида кўриб чиқилади.

Бегоналаштирилган мол-мулкнинг баланс қиймати қарздор активлари баланс қийматининг ўн фоизидан кўпроғини ташкил этади ҳамда қарздорнинг бошқарув органлари муваққат бошқарувчининг ёзма розилигисиз ушбу мол-мулкни бегоналаштириш ҳуқуқига эга бўлмаган.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни 64-моддасига мувофиқ, қарздорнинг бошқарув органлари қарздорнинг баланс қиймати қарздор активлари баланс қийматининг ўн фоизидан кўпроғини ташкил этадиган мол-мулкини тасарруф этиш билан боғлиқ битимларни фақат муваққат бошқарувчининг ёзма розилигига биноан тузишлари мумкин.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 66-моддаси, муваққат бошқарувчининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида, шунингдек, қарздор томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар бузилган ҳолда тузилган ёки ижро этилган ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларининг қўлланилиши ҳақида хўжалик судига ўз номидан талаблар қўйишга ҳақли эканлигини назарда тутади.

Юқорида кўрсатилганлар асосида ва ЎзР ХПКнинг 1-моддаси, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 64 ва 66-моддаларига асосан суддан сўрайман:

– «Жануб» ОАЖ ва «ХХХ» ХК ўртасида 20__й. _____да тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топилишини;

– битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари қўллансин ва жавобгар зиммасига кўрсатиб ўтилган олди-сотди шартномаси бўйича барча олинганларни қайтариш мажбурияти юкланишини;

– суд харажатлари жавобгардан ундирилишини.

Иловалар:

1. «Жануб» ОАЖда кузатув таомилини жорий этиш ҳақидаги суд ажрими нусхаси.
2. 20___й. олди-сотди шартномаси нусхаси.
3. Даъво аризаси нусхасини жавобгарга жўнатилганлигининг исботи.
4. Суд (почта) харажатлари тўланганлигининг исботи.

«Жануб» ОАЖ муваққат бошқарувчиси **Назаров Н.Н.**

Қонуннинг 67-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Муваққат бошқарувчининг ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи

Тошкент ш. хўжалик суди

Чиқ. № ____
«___»_____20__ йил

«Жануб» ОАЖ муваққат бошқарувчисининг фаолияти тўғрисидаги

Ҳ И С О Б О Т

1. Қарздор ҳақидаги умумий маълумотлар:
Қарздорнинг номи: «Жануб» очиқ акциядорлик жамияти
СТИР коди _____
Юридик манзил _____
Рўйхатга олиш ҳақидаги гувоҳнома № _____
Рўйхатга олиш вақти _____
Давлат рўйхатга олиш жойи: _____
Почта манзили _____
ХХТУТ коди _____
ОКДП коди _____
Устав капитали миқдори _____
Устав капиталидаги давлат ҳиссаси _____
Фаолиятнинг асосий кўринишлари _____
Ходимлар сони _____

«Жануб» очиқ акциядорлик жамияти (бундан буён «Жануб» ОАЖ) _____ _____ ташкил этилган.
(қаерда, қачон, ким томонидан)

«Жануб» ОАЖнинг _____ даври мобайнидаги молиявий-хўжалик фаолияти учун директор _____ ва бош бухгалтер _____ жавобгар саналган.

2. Муваққат бошқарувчи мажбуриятларининг бажарилиши:

Тошкент ш. хўжалик судининг 20 __ йил «___»_____даги ажрими билан № _____-сонли иш юзасидан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ҳамда «Жануб» ОАЖига нисбатан кузатув таомили жорий қилинган.

Тошкент ш. хўжалик судининг 20 __ йил «___»_____даги ажрими билан № _____-сонли иш юзасидан «Жануб» ОАЖнинг муваққат бошқарувчиси этиб (*Исми, шарифи, отасининг исми*) тайинланди.

2.1 Кредиторлар талаблари:

Ҳисоботни тузиш кунига қадар умумий талаблари миқдори _____ сўмдан иборат бўлган _____ нафар кредиторлар аниқланган. (Кредиторлар талаблари реестри – Илова 1).

2.2 Қарздор молиявий аҳволининг таҳлили натижалари:

Қарздор активларининг умумий қиймати қуйидагиларни ташкил қилади: баланс қиймати _____, бозор қиймати _____. (Қарздорнинг активлари ҳақидаги маълумотлар, уларнинг структураси, қиймати, ликвидлиги – Илова 2)

Қарздор молиявий аҳволининг прогнози _____

_____

_____

_____

2.3 Муваққат бошқарувчининг кузатув таомили давомидаги ҳаракатлари:

Муваққат бошқарувчининг кузатув давомидаги ҳаракатларини санаб ўтиш, масалан:

- кредиторларнинг банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганлиги ҳақида хабардор қилиниши;
- қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлашга қаратилган чоралар;
- қарздор ҳақидаги маълумотларнинг тўпланишига қаратилган ҳаракатлар (қарздор кредиторларининг аниқланиши);
- қарздор раҳбарининг четлаштирилиши тўғрисидаги илтимоснома;
- қарздорнинг бошқарув органлари томонидан тузиладиган битимларни келишиш;
- қарздорнинг бошқарув органлари қарорларини келишиш;
- битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги, шунингдек, қарздор томонидан «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда белгилаб қўйилган талабларни бузган ҳолда тузилган ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларнинг оқибатларини қўлланилиши тўғрисидаги талабларнинг хўжалик судига тақдим қилиниши;
- кредиторлар талабларининг миқдори ва навбатининг аниқланиши;
- кредиторлар талаблари реестрининг тузилиши;
- қарздор молиявий аҳволининг таҳлил қилиниши;
- бошқа хатти-ҳаракатлар.

2.4 Муваққат бошқарувчининг хулоса ва таклифлари:

Қарздорга тегишли бўлган мол-мулк суд харажатлари, суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш учун етарли*(етарли эмас)*.

Қарздорнинг тўлов қобилияти ташқи бошқарув (суд санацияси) жорий этилган ҳолда қайта тикланиши мумкин *(ёки қарздорнинг тўлов қобилияти қайта тикланиши мумкин эмас, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни тавсия қиламан)*.

Иловалар:

1. ___ варақда кредиторлар талаблари реестри.
2. Қарздорнинг активлари ҳақидаги маълумотлар ___ варақда.
3. _____

«Жануб» ОАЖ
муваққат бошқарувчиси _____

(Ф.И.Ш.)

Қонуннинг 68-моддаси шарҳига иловалар*

Илова № 2

Хўжалик суди томонидан қарздорга нисбатан кузатув таомили жорий этилиши ҳақида ажрим чиқарилганлиги тўғрисида кредиторларга хабарнома

«КК» МЧЖ директорига

_____

Исми, шарифи, отасининг исми

Чиқ. № ____
«___»_____20__ йил

Ушбу хабарнома билан Сизни Тошкент ш. хўжалик судининг 20__ йил «___»_____даги ажрими билан банкротлик тўғрисидаги № ____-сонли иш қўзғатилганлиги ва _____ манзилида жойлашган «ХХХ» МЧЖга нисбатан кузатув таомили жорий этилганлиги тўғрисида хабардор қиламан.

Тошкент ш. хўжалик судининг 20__ йил «___»_____даги ажрими билан № ____-сонли иш бўйича _____ манзилида истиқомат қилувчи Исми, шарифи, отасининг исми «ХХХ» МЧЖнинг муваққат бошқарувчиси этиб тайинланди.

Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш юзасидан суд мажлиси 20___ йил _____ кунига соат 10.00 га _____ манзилида жойлашган хўжалик судининг биносида ўтказилади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 68-моддасига мувофиқ, кредиторларнинг биринчи йиғилишида иштирок этиш учун Сиз қуйида келтирилган таомилга риоя қилган ҳолда, ушбу хабарнома олинган кундан бошлаб **бир**

* Суд бошқарувчисининг эълонни чоп этиш ҳақидаги расмий нашрга йўналтирилган хати қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 32-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, кўрсатиб ўтилган хат намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

ой муддат ичида «ХХХ» МЧЖга нисбатан ўз талабларингизни билдиришга ҳақлисиз:

1. Агар Сизнинг «ХХХ» МЧЖга нисбатан талабларингиз бўйича пул мажбуриятларининг миқдори суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки «ХХХ» МЧЖ томонидан ушбу талабларнинг тан олиниши ҳақида гувоҳлик берувчи ҳужжатлар билан тасдиқланса, Сиз буюртма хат билан тегишли талабни «ХХХ» МЧЖнинг муваққат бошқарувчиси номига (манзил: _____), юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ёхуд уларнинг тасдиқланган нусхаларини илова қилган ҳолда юборишингиз керак.

2. Агарда «ХХХ» МЧЖни Сизнинг олдингиздаги пул мажбуриятларининг миқдори ушбу хабарноманинг 1-бандида назарда тутилган ҳужжатлар воситасида тасдиқланган бўлмаса, Сиз ўз талабларингизни қуйидагиларга юборишингиз зарур:

- қарздор – «ХХХ» МЧЖга;
- Тошкент ш. хўжалик судига;
- «ХХХ» МЧЖнинг муваққат бошқарувчисига, Сизнинг талабларингиз асосланган барча ҳужжатларни илова қилган ҳолда.

Илова:

Тошкент ш. хўжалик суди ажримининг нусхаси 1 варақда.

«ХХХ» МЧЖ
муваққат бошқарувчиси _____
(Ф.И.Ш.)

Хабарнома олинди «___»_____20 __ й.
«КК» МЧЖ директори _____ /_____/

Қонуннинг 69-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 2

Муваққат бошқарувчининг қарздор молиявий аҳволини таҳлил қилиш натижасида тузилган, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги (ёки мумкин эмаслиги) тўғрисидаги таклифи

«ХХХ» МЧЖ
кредиторлари йиғилишига

Чиқ. №____
«____»____ 20__й.

Қарздор – «ХХХ» МЧЖнинг молиявий аҳволини аниқлаш юзасидан ўтказилган экспертиза натижалари бўйича тузилган _____20__ й. №____-сонли эксперт хулосаси асосида қуйидагилар аниқланди:

20__ й. 1 январь ҳолатига кўра «ХХХ» МЧЖ умумий миқдори 72 млн сўмни ташкил қилувчи пул мажбуриятларига эга бўлиб, улардан 60 млн сўмни қоплаш муддати _____февралда келади, қолган мажбуриятлар бўйича эса жорий йилнинг _____мартида келади.

«ХХХ» МЧЖнинг мажбурий тўловлар, меҳнатга ҳақ тўлаш, ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш бўйича, шунингдек муаллифлик шартномалари бўйича тўланиши лозим бўлган мукофотлар бўйича қарзлари йўқ.

«ХХХ» МЧЖ активлари миқдори 66,7 млн сўмни ташкил қилади, улар қуйидагилардан иборат:

– қолдиқ нархи ____ млн сўмни ташкил қилувчи асосий воситалар (офис биноси, дўкон биноси, автотранспорт, оргтехника, офис мебели);

– 0,6 млн сўм турадиган кам қимматли мол-мулк (инвентарь);

– банкдаги ҳисобварақда 61,5 млн сўм миқдоридаги пул маблағлари;

– 3,0 млн сўм миқдоридаги дебиторлик қарзи.

Мавжуд дебиторлик қарзларининг расшифровкасига мувофиқ, қарздорнинг 5 та дебитори мавжуд бўлиб, уларнинг «ХХХ» МЧЖ олдидаги қарзи 50 млн сўмдан ортиқ маблағни ташкил қилади. Бугунги кунгача дебиторларга қарзларни қоплаш талаблари юборилган, дебиторлик қарзининг ундирилиши юзасидан хўжалик судига 2 та даъво аризаси берилган.

Пул мажбуриятларини қоплаш учун маблағлар етарли бўлмаган ҳолда «ХХХ» МЧЖ ўзига тегишли кўчмас мулкнинг бир қисмини реализация қилиб, ўз мажбуриятлари бўйича тўловларни амалга оширади.

Қайд этилганлар асосида, кўрилган чоралар давомида қарздор «ХХХ» МЧЖнинг тўлов қобилиятини тиклаши мумкин деб ҳисоблайман.

«ХХХ» МЧЖ
муваққат бошқарувчиси _____
(Ф.И.Ш.)

Қонуннинг 70-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Муваққат бошқарувчининг кредиторлар талабларига эътирози

Тошкент ш. хўжалик суди

нусха: 1. «Х» фирмаси
2. «ХХХ» МЧЖ

Кредиторлар талабларига
ЭЪТИРОЗНОМА

2009 йил 20 майдаги суд ажрими билан Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти ҳудудий бошқармасининг аризаси иш юритувга қабул қилинган ва «ХХХ» МЧЖга нисбатан кузатув таомили жорий этилган бўлиб, муваққат бошқарувчи этиб мен – С.А.Тошниёзов тайинландим.

«Х» фирмаси томонидан тан олинган 3 млн сўм миқдоридаги талаблар билан кредиторлар талаблари реестрига киритиш ҳақидаги талабнома тақдим этилган.

«Х» фирмаси талабини қуйидаги асосларга кўра асоссиз деб ҳисоблайман:

Ҳақиқатдан ҳам, 2009 йил 2 февралда «ХХХ» МЧЖ ва «Х» фирмаси ўртасида олди-сотди шартномаси тузилган бўлиб, унга мувофиқ «Х» фирмаси томонидан умумий 10,4 млн сўм миқдоридаги 52 минг дона пишган ғишт етказиб берилган.

Қарздор томонидан эса, 7,4 млн сўм миқдоридаги тўлов амалга оширилган ҳамда қарздорлик миқдори 3 млн сўмни ташкил этган.

2009 йил 20 мартда «Х» фирмаси, қарздор ҳамда «Х–сервис» хусусий корхонаси ўртасида талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш шартномаси тузилган бўлиб, унга биноан «Х» фирмаси 3 млн сўмни талаб қилиб олиш ҳуқуқини «Х–сервис» хусусий корхонасига ўтказган. Талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномасига асосланган ҳолда, «Х–сервис» хусусий корхонаси кредиторлар талаблари реестрига киритиш ҳақидаги талабнома билан мурожаат қилган бўлиб, бунга асосан «Х–сервис» ХК 3 млн сўм миқдоридаги талаби билан тўртинчи навбатдаги кредитор сифатида кредиторлар талаблари реестрига киритилган.

Бундай ҳолатларда «Х» фирмаси талабини асоссиз деб ҳисоблайман, шу сабабдан «Х» фирмаси кредиторлар талаблари реестрига киритилиши мумкин эмас.

Илова:

1. 20.03.2009 й. ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномаси нусхаси.
2. Кредиторлар талаблари реестридан кўчирма.

Муваққат бошқарувчи _____

Қонуннинг 71-моддаси шарҳига иловалар

Кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган сана тўғрисидаги хабарнома қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 11-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги туфайли, қайд этилган хабарнома нусхаси ушбу моддада келтирилмайди.

Илова № 1

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши баённомаси

«Жануб» ОАЖ кредиторларининг биринчи йиғилиши

БАЁННОМАСИ

_____ ш. «_____» _____20__ йил

«Жануб» ОАЖ кредиторларининг биринчи йиғилиши «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 71-моддасига мувофиқ чақирилган. «Жануб» ОАЖ нинг аниқланган кредиторлари кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган вақт ҳамда жой ҳақида «Жануб» ОАЖнинг муваққат бошқарувчиси томонидан тегишли тартибда хабардор қилинган.

«Жануб» ОАЖ кредиторлар йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олиш.

Рўйхатга олиш натижаларига кўра қатнашмоқдалар:

1. Овоз бериш ҳуқуқига эга кредиторлар (иштирокчиларни рўйхатга олиш ахборотномасига қаранг)
2. «Жануб» ОАЖ муваққат бошқарувчиси – Назаров Н.Н.
3. Қарздор ходимларининг вакили – _____

_____ сўм миқдоридаги талаблардан иборат бўлган кредиторлар йиғилишининг иштирокчилари рўйхатга олинди.

Кредиторлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган, кредиторларнинг аниқланган талаблари миқдори _____ сўм.

(Кредиторлар йиғилишининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ қарорлар қабул қилиш ваколатини белгилаш).

«Жануб» ОАЖ кредиторларини рўйхатга олиш якунларини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди.

Овоз беришди: ТАРАФДОРЛАР _____
ҚАРШИ _____
БЕТАРАФЛАР _____

Рўйхатга олиш якунлари тасдиқланади (тасдиқланмайди).

2. Йиғилиш раиси этиб муваққат бошқарувчи – Назарова Н.Н.ни, котиб сифатида – _____ни сайлаш таклифи киритилди.

Қабул қилинди: бир овоздан.

3. Йиғилишнинг қуйидаги кун тартибини тасдиқлаш таклифи овозга қўйилади:

1. Муваққат бошқарувчининг ҳисоботи.
2. Навбатдаги банкротлик таомили ҳақидаги қарор қабул қилиш.
3. Навбатдаги банкротлик таомилининг муддати ҳақидаги қарор қабул қилиш.
4. Суд бошқарувчисининг номзоди тўғрисида.
5. Суд бошқарувчисига тўланадиган ҳақ миқдори тўғрисида.
6. Кредиторлар қўмитасини сайлаш.
7. Бошқа.

Қабул қилинди: бир овоздан.

4. Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси.

Кун тартибининг 1 масаласи юзасидан сўзга чиқишди:

1. Муваққат бошқарувчи амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисобот билан.
2. Муваққат бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш таклифи киритилди.

Муваққат бошқарувчининг ҳисоботи тасдиқланди.

Кун тартибининг 2 масаласи юзасидан сўзга чиқишди:

1. Қарздорга нисбатан банкротлик таомилларидан бири қўлланилиши тўғрисидаги илтимоснома билан Хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақида қарор қабул қилиш таклифи билан муваққат бошқарувчи.
2. Кредиторнинг вакили _____ Хўжалик судига қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатиш жараёнини бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилишни таклиф қилди.
3. Қарздорни банкрот деб топиш масаласини овозга қўйиш таклифи киритилди.

Овоз беришди: ТАРАФДОРЛАР _____
ҚАРШИ _____
БЕТАРАФЛАР _____

Кун тартибининг 3 масаласи юзасидан сўзга чиқишди:

1. _____ ойга тенг бўлган тугатиш жараёнининг муддатини белгилаш таклифи билан муваққат бошқарувчи.
2. Кредиторнинг вакили бўлмиш _____ Хўжалик судига ____

ойга тенг бўлган тугатишга доир иш юритиш муддатининг белгиланиши ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилишни таклиф қилди.

Овоз беришди: ТАРАФДОРЛАР _____
ҚАРШИ _____
БЕТАРАФЛАР _____

Кун тартибининг 4 масаласи юзасидан сўзга чиқишди:

1. Тугатувчи бошқарувчи номзодини тасдиқлаш таклифи билан муваққат бошқарувчи.

2. Тугатувчи кредиторнинг вакили _____Назарова Н.Н. номзодини тугатувчи бошқарувчи этиб тасдиқлашни таклиф қилди.

Овоз беришди: ТАРАФДОРЛАР _____
ҚАРШИ _____
БЕТАРАФЛАР _____

Кун тартибининг 5 масаласи юзасидан сўзга чиқишди:

1. Тугатувчи бошқарувчига тўланадиган ҳақ миқдорини тасдиқлаш таклифи билан муваққат бошқарувчи.

Овоз беришди: ТАРАФДОРЛАР _____
ҚАРШИ _____
БЕТАРАФЛАР _____

Кўпчилик овоз билан қарор қилинди: тугатувчи бошқарувчига ҳар ойлик 100 000 сўм миқдоридаги ҳақ белгилансин.

Кун тартибининг 6 масаласи юзасидан сўзга чиқишди:

1. Кредиторлар қўмитасини сайлаш таклифи билан муваққат бошқарувчи.

Овоз беришди: ТАРАФДОРЛАР _____
ҚАРШИ _____
БЕТАРАФЛАР _____

Кўпчилик овоз билан қуйидаги таркибдаги кредиторлар қўмитасини сайлашга қарор қилинди:

_____
_____

Кун тартиби тамомлангани муносабати билан йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинади.

Иловалар:

1. Кредиторлар талаблари реестри __ варақда.
2. Кредиторлар йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олиш ахборотномаси ___ варақда.
3. Овоз бериш бюллетенлари ___ варақда.

Раис **Назаров Н.Н.**

Котиб /_____ /

V БОБ. СУД САНАЦИЯСИ

Қонуннинг 79-моддаси шарҳига иловалар

Суд бошқарувчисининг қарздор раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан четлаштирилиши тўғрисидаги илтимосномаси қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 66-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, илтимоснома намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

Қонуннинг 81-моддаси шарҳига иловалар

Суд бошқарувчисининг қарздор раҳбарига йўналтирилган қарздорнинг жорий фаолияти тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги талабномаси қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 66-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, кўрсатиб ўтилган талабнома намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

Суд бошқарувчисининг битим тузилишига розилик хати қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 64-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, розилик хати намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

Суд бошқарувчисининг қарздор раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан четлаштирилиши тўғрисидаги илтимосномаси қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 66-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, илтимоснома намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

Суд бошқарувчисининг қарздор мол-мулкини бут сақланишини таъминланишига қаратилган қўшимча чоралар кўрилишига қаратилган илтимосномаси қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 66-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, илтимоснома намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

Қонуннинг 82-моддаси шарҳига иловалар*

Илова № 1

Санация қилувчи бошқарувчининг суд санацияси режасининг татбиқ этилиши жараёни ҳақида кредиторлар йиғилишига ахбороти

«ХХХ» МЧЖ
кредиторлар йиғилиши раисига

Чиқ.№ ____
«_____»_____20__й.

Суд санацияси режасининг амалга ошириш жараёни ҳақидаги

АХБОРОТ

Суднинг 2009 й. 28 февралдаги ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек қарзларни қоплаш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга биноан кредиторлар талаблари реестрига киритилган кредиторлик қарзларининг умумий миқдори 61604432 сўмни ташкил қилиб, суд санацияси киритилган пайтдан бошлаб 6 ой давомида қоплаб борилади.

«ХХХ» МЧЖ фаолиятининг асосий тури офис мебель жиҳозларини ишлаб чиқаришдан иборат.

Корхонанинг кредиторлик қарзлари 61604432 сўмни ташкил қилган, шу жумладан:

– 29995500 сўм – «Z» фирмаси олдида;
– 3498594 сўм – бюджет олдида солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича;
– 1298620 сўм – СП «Inter–X» ҚК олдида;
– 25537447сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖ олдида;
– 1274271 сўм – иш ҳақи бўйича ходимлар олдида.

Суд санацияси режасида қуйидаги чораларнинг бажарилиши назарда тутилган:

Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида қуйидаги чораларнинг амалга ошириш режалаштирилмоқда:

– ишлаб чиқаришнинг қисман қайта ихтисослаштирилиши ва ошхона мебеллари ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши;

– ишлаб чиқариш мақсадларида қўлланилмаётган кўчмас мулкнинг бир қисмини реализация қилиниши.

---

* Суд бошқарувчисининг кредиторлар йиғилиши чақирилиши тўғрисидаги хабарномаси қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 113-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, кўрсатиб ўтилган хабарнома намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

Ҳозирги пайтда «ХХХ» МЧЖ фаолияти ошхона мебеллари ишлаб чиқаришга йўналтирилган ҳолда қайта ихтисослаштирилган. Ошхона мебеллари ишлаб чиқариш учун «ХХХ» МЧЖда мавжуд ускуналардан фойдаланилаётганлиги боис, ушбу хатти-ҳаракатлар қўшимча молиявий сарф-харажатларни талаб қилмади.

Шунингдек, ишлаб чиқариш фаолиятида қўлланиладиган хомашёни харид қилиш учун фойдаланиладиган пул маблағларининг тушумини таъминлаш мақсадида, «ХХХ» МЧЖга тегишли бўлган қуйидаги кўчмас мулклар реализация қилинди:

1. Дастгоҳ (тўлиқ тавсифи) _____сўмга;
2. Дастгоҳ (тўлиқ тавсифи) _____сўмга;
3. Асбоб-ускуналар (тўлиқ тавсифи) _____сўмга.

Ушбу режанинг амалга оширилиши натижасида корхонанинг тўлов қобилияти 12 ой мобайнида тикланади.

«ХХХ» МЧЖсанация
қилувчи бошқарувчиси _____

(Ф.И.Ш.)

Қонуннинг 83-моддаси шарҳига иловалар

Суд санацияси режаси қўлланманинг 2-бўлимида Қонуннинг 76-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, режа намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

Қарзларни қоплаш жадвали қўлланманинг 2-бўлимида Қонуннинг 76-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, жадвал намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

Қонуннинг 85-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарздор раҳбарининг суд санацияси муддатидан аввал тамомлаш тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқиладиган суд мажлисининг ўтказилиш санаси, вақти ва жойи ҳақидаги кредиторларга йўналтирилган хабарнома

Кредиторларга
(рўйхат бўйича)

Чиқ. № _____
«___»_____20__ йил

Суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажрими билан қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек қарзларни қоплаш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга биноан кредиторлар талаблари реестрига киритилган кредиторлик қарзларининг умумий миқдори 61604432 сўмни ташкил қилиб, суд санацияси киритилган пайтдан бошлаб 6 ой давомида қоплаб борилади ҳамда маҳсулотларнинг реализациясидан келиб тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарзнинг қопланишига қаратилади ва суд санацияси муддатининг тамомланишига қадар кредиторларнинг барча талаблари қондирилади.

Суд санацияси муддатининг тамомланишидан аввал қарзларни қоплаш жадвалида назарда тутилган кредиторларнинг барча талаблари қондирилганлиги муносабати билан қарздорнинг раҳбари томонидан суд санациясининг муддатидан аввал тамомланиши ҳақидаги ҳисобот судга тақдим қилинган.

Ушбу хабарнома билан қарздор раҳбарининг ҳисоботини кўриб чиқиш юзасидан суд мажлиси 20__й. _____га соат 10.00 га, _____ _____ манзилида жойлашган хўжалик суди биносида ўтказилиши тўғрисида хабардор қиламан.

«ХХХ» МЧЖ санация
қилувчи бошқарувчиси _____
(Ф.И.Ш.)

Хабарномани олди «___»_____20 __ й.
«КК» МЧЖ директори _____ /_____/

Қонуннинг 86-моддаси шарҳига иловалар*

Илова № 1

Санация қилувчи бошқарувчининг қарздор раҳбарини ҳисоботи юзасидан хулосаси

«ХХХ» МЧЖ
кредиторлар йиғилиши раисига

Чиқ.№____
«_____»_____20__й.

Қарздор раҳбарининг қарзларни қоплаш жадвали ва суд санацияси режасини ижро этиш якунлари тўғрисидаги ҳисоботи юзасидан

ХУЛОСА

Қарздор – «ХХХ» МЧЖнинг раҳбари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва ҳисоботни ўрганиб чиқиб, қуйидагилар аниқланди:

Суднинг 2009 й. 28 февралдаги ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек, қарзларни қоплаш жадвали тасдиқланди. Кредиторлар талаблари реестрига мувофиқ корхонанинг кредиторлик қарзлари 61604432 сўмни ташкил қилган, шу жумладан:

– 29995500 сўм – «Z» фирмаси олдида;
– 3498594 сўм – бюджет олдида солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича;
– 1298620 сўм – «Inter–X» ҚК олдида;
– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖ олдида;
– 1274271 сўм – иш ҳақи бўйича ходимлар олдида.

Суд санацияси таомилининг амалга оширилиши давомида суд санацияси режаси тўлиқ ҳажмда бажарилган, суд санацияси режасининг татбиқ этилиши давомида эришилган молиявий натижалар қарзларни қоплаш жадвалига киритилган барча кредиторлар талабларини қондириш имконини берди.

Баён қилинганлар асосида, қарзларни қоплаш жадвалига киритилган кредиторларнинг барча талаблари қониқтирилганини ҳисобга олган ҳолда, Сиздан ушбу хулосани кўриб чиқишингизни, қарзларни қоплаш жадвали ҳамда суд санацияси режаси ижросининг якунлари тўғрисидаги қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашингизни сўрайман ва «ХХХ» МЧЖга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш юритувини тўхтатиш лозим деб ҳисоблайман.

---

* Суд бошқарувчисининг кредиторлар йиғилиши чақирилиши тўғрисидаги хабарномаси қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 11-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, хабарнома намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

Илова:

1. Қарздор раҳбарининг қарзларни қоплаш жадвали ва суд санацияси режасини ижро этиш якунлари тўғрисидаги ҳисоботи

«ХХХ» МЧЖ санация
қилувчи бошқарувчиси _____

(Ф.И.Ш.)

Қонуннинг 87-моддаси шарҳига иловалар

Қарздор раҳбарининг ҳисоботи кўриб чиқиладиган суд мажлисининг ўтказилиш санаси, вақти ва жойи ҳақидаги кредиторларга йўналтириладиган хабарнома қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 85-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, кўрсатиб ўтилган хабарнома намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

Қонуннинг 88-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Санация қилувчи бошқарувчининг таъминотни тақдим этган шахсларга йўналтирилган мажбуриятларнинг ижро этилиши ҳақидаги талабномаси

«ХХХ» МЧЖ муассислари:
А.С.Акбаровга,
М.Н.Акбаровага,
Ф.Я.Сабировга

Чиқ.№ _____
«_____»_____20__й.

Суднинг 2009 й. 28 февралдаги ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек қарзларни қоплаш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга биноан кредиторлар талаблари реестрига киритилган кредиторлик қарзларининг умумий миқдори 61604432 сўмни ташкил қилиб, суд санацияси киритилган пайтдан бошлаб 6 ой давомида қоплаб борилади ҳамда маҳсулотларнинг реализациясидан келиб тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарзнинг қопланишига қаратилади ва суд санацияси муддатининг тамомланишига қадар кредиторларнинг барча талаблари қондирилади.

Суд санацияси «ХХХ» МЧЖ муассисларининг илтимосномаси асосида жорий этилганлиги муносабати билан қарздорнинг кредиторлари ва муас-

сислари ўртасида кафиллик шартномаси тузилган бўлиб, унга мувофиқ Сиз қарздорнинг мажбуриятини бажариш вазифасини зиммангизга олгансиз ҳамда кафиллик 75 млн сўм билан чегараланган.

Суд санацияси муддатининг тугаганлиги муносабати билан қарздор томонидан «Z» фирмаси кредиторларининг 22230500 сўм миқдоридаги ҳамда «Бизнес Мадад» МЧЖ кредиторларининг 21270000 сўм миқдоридаги талаблари қондирилмади, 2010 йил 1 мартдаги суд ажрими билан «Z» фирмасига нисбатан жорий қилинган суд санацияси таомили муддати тамомланган ҳамда «ХХХ» МЧЖ муассисларига «Бизнес Мадад» МЧЖ талабларини қондириш учун икки хафтадан иборат муддат белгиланган.

Баён қилинганлар асосида, 2010 йил 15 мартга қадар кафиллик шартномаси бўйича олинган мажбуриятларни бажаришингизни ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун 43500500 сўмни «ХХХ» МЧЖ кассасига тўлашингизни ёки «ХХХ» МЧЖнинг АТБ«Х–банк»нинг Н. филиали _____ ҳисобварағига (МФО _____ СТИР_____) пул ўтказишингизни сўрайман.

Илова:

01.03.2010й. суд ажримининг нусхаси.

«ХХХ» МЧЖ санация
қилувчи бошқарувчиси _____

(Ф.И.Ш.)

Қонуннинг 89-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Санация қилувчи бошқарувчининг таъминотни тақдим этган шахслар томонидан қарздор мажбуриятларининг бажарилиши якунлари тўғрисидаги ҳисоботи

Тошкент ш. хўжалик суди

Чиқ. № ____
«___»_____20__ йил

Санация қилувчи бошқарувчининг таъминотни тақдим этган шахслар томонидан қарздор мажбуриятларининг бажарилиши якунлари тўғрисидаги

ҲИСОБОТ

Суднинг 2009 й. 28 февралдаги ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек, қарзларни қоплаш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга биноан кредиторлар талаблари реестрига киритилган кредиторлик қарзларининг умумий миқдори 61604432 сўмни ташкил қилиб, суд санацияси киритилган пайтдан бошлаб 6 ой давомида қоплаб борилади ҳамда маҳсулотларнинг реализациясидан келиб тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарзнинг қопланишига қаратилади ва суд санацияси муддатининг тамомланишига қадар кредиторларнинг барча талаблари қондирилади.

Суд санацияси муддатининг тугаши билан қарздор томонидан «Бизнес Мадад» МЧЖ кредиторининг 25537447 сўм миқдоридаги талаблари қондирилмаганлиги муносабати билан 2010 йил 1 мартдаги суд ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан жорий қилинган суд санацияси таомили тамомланган ҳамда «ХХХ» корхонасига «Бизнес Мадад» МЧЖ талабларини қондириш учун икки хафтадан иборат муддат белгиланган.

Таъминотни тақдим этган «ХХХ» корхонаси томонидан, қарздорнинг ҳисобварағига кафил томонидан 25537447 сўм ўтказилган бўлиб, у тўла ҳажмда «Бизнес Мадад» МЧЖ талабларини қондиришга йўналтирилган.

Баён қилинганлар асосида ҳамда ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 89-моддасига мувофиқ

С Ў Р А Й М А Н :

– «ХХХ» МЧЖнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритишни тўхтатишингизни.

Илова __ варақда.

«ХХХ» МЧЖ санация қилувчи бошқарувчиси _____

(Ф.И.Ш.)

VI БОБ. ТАШҚИ БОШҚАРУВ

Қонуннинг 91-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарув муддатини қисқартириш ҳақидаги қарори

«ХХХ» масъулияти чекланган жамияти кредиторлари йиғилишининг __ № БАЁННОМАСИ

«____»_____20__й. _____ ш.

Қатнашдилар:
Кредиторлар вакиллари:
– Н. тумани давлат солиқ инспекцияси – А.С. Акбаров;
– «Z»фирмаси – М.Н.Акбарова;
– «Inter–X»ҚК – Ф.Я.Сабиров;
– «Бизнес Мадад» МЧЖ – Н.И.Кретов;
– «Барс» МЧЖ – А.Якубов;
«ХХХ» МЧЖ муассислари вакили В.С. Тулкунов;
Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов

73% овозга эга бўлган кредиторларнинг вакиллари қатнашмоқда.
Йиғилишни ўтказиш учун кворум мавжуд.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Ташқи бошқарув режасининг кўриб чиқилиши.

Кредиторлар йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиб сифатида эса М.Н. Акбаровани сайлади.

Тингланди: Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов:

– Суднинг 2009 й. 2 январдаги ажрими билан АТБ «Х–банк»нинг «ХХХ» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси иш юритишга қабул қилинган бўлиб, қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ва кузатув таомили жорий этилган.

Жорий қилинган кузатув таомили натижаларига кўра ва кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси асосида суднинг 2009 й. 3 мартдаги ажри-

ми билан қарздорга нисбатан 18 ой муддатга ташқи бошқарув таомили жорий этилган ҳамда ташқи бошқарувчи этиб мен – С.Тошниёзов тайинланганман. Шунингдек, суд ажрими билан ташқи бошқарувчи зиммасига ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиш ва кредиторлар йиғилишининг тасдиғига киритиш вазифаси юкланган.

Суд ажримини ижро қилиш сиз кўриб чиқишингиз учун мен томонимдан тақдим қилинган ташқи бошқарув режаси ишлаб чиқилган. Ташқи бошқарув режасида назарда тутилган чоралар амалга оширилган тақдирда, қарздор 12 ой мобайнида тўлов қобилиятини тиклаб олади.

Ташқи бошқарув режасини тасдиқлашингизни, шунингдек, судга ташқи бошқарув муддатини 12 ойгача қисқартириш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилишингизни сўрайман.

Сўзга чиқишди:

1. «Z» фирмаси вакили М.Н.Акбарова:

– Мен ташқи бошқарув режасини тасдиқлашни таклиф қиламан, шунингдек ташқи бошқарувчининг таклифини қўллаб-қувватлайман ва судга ташқи бошқарувнинг муддатини 12 ойгача қисқартириш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилишни таклиф қиламан.

Бошқа таклифлар билдирилмади.

Кун тартибини муҳокама қилган ҳолда, «ХХХ»МЧЖ кредиторлари йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ташқи бошқарув режаси тасдиқлансин.
2. Н. вилояти хўжалик судига ташқи бошқарувнинг муддатини 12 ойгача қисқартириш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилинсин.

Овоз беришди:

«Тарафдор» – бир овоз билан.
«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Илова № 2

Кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарув муддатини узайтириш ҳақидаги қарори

«ХХХ» масъулияти чекланган жамияти кредиторлари йиғилишининг

__ № БАЁННОМАСИ

«____»_____20__й. _____ ш.

Қатнашдилар:

Кредиторлар вакиллари:
– Н. тумани давлат солиқ инспекцияси – А.С. Акбаров;
– «Z» фирмаси – М.Н. Акбарова;
– «Inter–X» ҚК – Ф.Я. Сабиров;
– «Бизнес Мадад» МЧЖ – Н.И. Кретов;
– «Барс» МЧЖ – А.Якубов;
«ХХХ» МЧЖ муассислари вакили В.С. Тулкунов;
Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов.

73% овозга эга бўлган кредиторларнинг вакиллари қатнашмоқда.
Йиғилишни ўтказиш учун кворум мавжуд.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Ташқи бошқарув режасининг кўриб чиқилиши.

Кредиторлар йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиб сифатида эса М.Н. Акбаровани сайлади.

Тингланди: Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов:

– Суднинг 2009 й. 2 январдаги ажрими билан АТБ «Х–банк»нинг «ХХХ» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси иш юритишга қабул қилинган бўлиб, қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ва кузатув таомили жорий этилган.

Жорий қилинган кузатув таомили натижаларига кўра ва кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси асосида суднинг 2009 й. 3 мартдаги ажрими билан қарздорга нисбатан 18 ой муддатга ташқи бошқарув таомили жорий этилган ҳамда ташқи бошқарувчи этиб мен – С.Тошниёзов тайинланганман. Шунингдек, суд ажрими билан ташқи бошқарувчи зиммасига ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиш ва кредиторлар йиғилишининг тасдиғига киритиш вазифаси юкланган.

Суд ажримини ижро қилиш сиз кўриб чиқишингиз учун мен томонимдан тақдим қилинган ташқи бошқарув режаси ишлаб чиқилган. Ташқи бошқарув

режасида назарда тутилган чоралар амалга оширилган тақдирда, қарздор 24 ой мобайнида тўлов қобилиятини тиклаб олади.

Ташқи бошқарув режасини тасдиқлашингизни, шунингдек, судга ташқи бошқарув муддатини 24 ойгача узайтириш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилишингизни сўрайман.

Сўзга чиқишди:

1. «Z» фирмаси вакили М.Н.Акбарова:

– Мен ташқи бошқарув режасини тасдиқлашни таклиф қиламан, шунингдек ташқи бошқарувчининг таклифини қўллаб-қувватлайман ва судга ташқи бошқарувнинг муддатини 24 ойгача узайтириш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилишни таклиф қиламан.

Бошқа таклифлар билдирилмади.

Кун тартибини муҳокама қилган ҳолда, «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ташқи бошқарув режаси тасдиқлансин.
2. Н. вилояти хўжалик судига ташқи бошқарувнинг муддатини 24 ойгача узайтириш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилинсин.

Овоз беришди:

«Тарафдор» – бир овоз билан.
«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Қонуннинг 96-моддаси шарҳига иловалар

Ташқи бошқарувчининг ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисидаги аризаси қўлланманинг 2 бўлимида Қонуннинг 96-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, кўрсатиб ўтилган ариза намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

Қонуннинг 98-моддаси шарҳига иловалар*

Илова № 1

Ташқи бошқарув режаси

«ПОЛЮС» ОАЖ ТАШҚИ БОШҚАРУВ РЕЖАСИ

(тахминий вариант)

1. «Полюс» ОАЖнинг умумий тавсифи:

1.1 Корхонанинг номланиши: «Полюс» очиқ акциядорлик жамияти

1.2 СТИР коди _____

1.3 Юридик манзил _____

1.4 Почта манзили _____

1.5 Рўйхатга олиш ҳақидаги гувоҳнома № _____, рўйхатга олиш вақти _____

давлат рўйхатга олиш жойи _____

1.6 ХХТУТ коди _____, ОКДП коди _____, МШТ коди _____, МҲОБТ коди _____, ТХШТ коди _____, ДБИБТ коди _____, СКФС коди_____

1.7 Банк реквизитлари Ҳисобварақ _____да, _____, МФО_____

1.8 Назорат қилувчи ДСИ манзили_____

«Полюс» ОАЖнинг асосий фаолият тури _____ _____дан иборат.

2. Ташқи бошқарув режаси юзасидан қисқача маълумот.

2.1. Режани амалга ошириш муддати – 12 ой (_____ дан _____гача).

2.2. Режа тўлиқ ишлаб чиқариш қуввати билан ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши, ортиқча кўчмас мулк ва асбоб-ускуналарнинг реализация қилиниши, дебиторлик қарзларининг ундирилиши ва кредиторлик қарзларини қоплашнинг бошқа манбалари изланишига асосланади.

---

* Суд бошқарувчисини кредиторларнинг талабларига эътирозномаси қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 70-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, кўрсатиб ўтилган эътирознома намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

2.3. Ташқи бошқарув даври учун «Полюс» ОАЖни бозордаги фаолиятини кенгайтиришга доир қуйидаги стратегия қабул қилинган.

Тайёр маҳсулотни сотиш йўлларининг ўрнатилиши (улгуржи сотиб олувчилар билан ишлаш) дан ташқари, янги йўналиш – бутловчи қисмларни доимий етказиб берувчи ҳуқуқлари асосида молиявий жиҳатдан барқарор бўлган корхоналар билан доимий ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилиши белгиланди. Қуйидаги корхоналар билан шартномалар тузилди:

_____,

_____.

2.4. «Полюс» ОАЖ тўлов қобилиятининг тикланиш муддати – _____.

2.5. Ташқи бошқарув режаси ташқи бошқарув муддати тугаганидан сўнг корхонани мустақил бирлик сифатида сақлаб қолиш, асосий ишлаб чиқаришни, меҳнат жамоасини сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни барқарорлаштиришга доир қарорлари доирасида ташқи бошқарув муддати давомида йирик акциядорлар билан ишлашга қаратилган ташкилий чораларни назарда тутади.

3. Акциядорлар ҳақидаги маълумотлар.

«Полюс» ОАЖнинг устав капитали – _____ сўм.

Жамиятнинг устав капитали _____ та эгаси ёзилган акцияларга бўлинган. Битта акциянинг номинал қиймати _____ сўм.

Жами акциядорлар ____ нафар, улардан:

юридик шахслар ___ нафар, жисмоний шахслар ____ нафар, йирик акция пакетлари эгалари (йирик акциядорлар):

т\р	Эгаси	Акциялар миқдори	УКдаги улуши (ҳиссаси)
1			
2			
3			

4. «Полюс» ОАЖ кўчмас мол-мулки ҳақидаги маълумотлар:

Асосий ишлаб чиқариш _____ манзилидаги майдончада жойлашган. _____ кв. м. майдонда қуйидагилар жойлашган:

– _____ кв м ишлаб чиқариш майдонлари;

– _____ кв м омборхона иншоотлари;

– _____ кв м ёрдамчи иншоотлар;

– _____ кв м маъмурий иншоотлар.

5. Асосий маҳсулот истеъмолчилари ва хом-ашё етказиб берувчилар:
Асосий истеъмолчилар:

_____

_____

Асосий етказиб берувчилар:

_____

_____

6. «Полюс» ОАЖ молиявий аҳволининг таҳлили:

«Полюс» ОАЖ молиявий аҳволининг дастлабки таҳлилига асос сифатида «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ корхонага тегишли бўлган мол-мулкнинг суд харажатлари қопланиши, хўжалик бошқарувчисига ҳақ тўланиши ва биринчи навбатдаги бошқа харажатларнинг қопланиши учун етарли эканлигини, шунингдек корхона тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини аниқлаш мақсади қўйилган.

Бухгалтерия ҳисоботи маълумотларига кўра _____ кунига «Полюс» ОАЖ қуйидаги молиявий кўрсаткичларга эга:

Асосий воситаларнинг қиймати (баҳоси)	
Захиралар	
Дебиторлик қарзлари	
Ўтган йилларнинг қопланган қарзлари зарарлари	

Кредиторларнинг умумий сони ___ (шу жумладан, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар).

Аниқланган кредиторлик қарзларининг умумий миқдори _____, шу жумладан:

Асосий қарз _____, жарима, пенялар _____.

Аниқланган кредиторлик қарзлари қуйидаги кўринишда тақсимланган.

Бюджет олдидаги

Қарзлар	**Жами**
Жами	
Тўланмай қолган қарз	
Жарималар	
Пенялар	

Бюджетдан ташқари фондлар олдида:

Нафақа жамғармаси олдида _____ сўм.

Йўл жамғармаси олдида _____ сўм.

Ижтимоий суғурта жамғармаси олдида _____ сўм.

Аҳолининг бандлигига кўмаклашиш жамғармаси олдида _____ сўм.
Корхоналар олдида:
_____ _____ сўм.
_____ _____ сўм.
_____ _____ сўм.

«Полюс» ОАЖнинг ички қарзлари:
Иш ҳақи бўйича қарзлар _____ сўм.
Алиментлар _____ сўм.

(Бу ерда корхона молиявий кўрсаткичларининг жамланган жадвали ва таҳлилини келтириб ўтиш лозим)

Ташқи бошқарув механизмидан фойдаланган ҳолда, тўлов қобилиятининг қуйидаги схемаси мақсадга мувофиқ кўринади:

1. Кредиторлик қарзларини қоплаш учун асосий маблағ манбалари:
1.1. Ортиқча кўчмас мулкни сотишдан _____ сўм.
1.2. Фойдаланилмаётган автотранспорт ва ускуналарни реализация қилишдан ____ сўм.
1.3. Дебиторлик қарзларининг қопланишидан маблағлар _____ сўм.
1.3. Иморатлар ижарасидан олинадиган маблағлар _____ сўм.
1.4. Омбордаги тайёр маҳсулотни реализация қилишдан олинадиган маблағлар _____ сўм.
1.5. Асосий фаолиятдан жамғармалар _____ сўм.

ЖАМИ: _____ сўм.

7. Асосий фаолиятдан жамғармаларнинг ҳисоб-китоби

Корхона молиявий аҳволи таҳлилининг муҳим элементларидан бири бўлиб унинг асосий фаолияти юзасидан прогноз ишланмаларининг олиб борилиши саналади.

Бунда асосий якуний кўрсаткич сифатида бир ҳисобот йили давомидаги асосий фаолиятдан жамғармаларнинг кўрсаткичи олинган («Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга биноан, ташқи бошқарув муддати).

Кутилаётган жамғармалар ҳажмининг таҳлили асосига қуйидаги ҳолатлар қўйилган:

Ишлаб чиқаришни максимал қувват билан йўлга қўйиш ички захиралар ҳисобига, қарзга доир маблағлар ва ташқи инвестицияларнинг жалб қилмасдан, мавжуд технологик жиҳозларларни ҳисобга олган ҳолда режалаштирилмоқда.

_____.

Шундай қилиб, молиявий таҳлил _____ дан _____ га қадар бўлган муддат давомида корхона тўлов қобилиятини ҳақиқатдан ҳам тиклаш мумкин эканлигини кўрсатмоқда.

«Полюс» ОАЖ ташқи бошқарувчиси **Сабиров Н.Н.**

Илова № 2

Ташқи бошқарувчининг ташқи бошқарув режасининг амалга оширилиши ва якунлари тўғрисидаги ҳисоботи

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Тошкент ш. хўжалик суди

Ташқи бошқарувчининг«Полюс» ОАЖ ташқи бошқарувининг якунлари тўғрисидаги

ҲИСОБОТИ

Тошкент ш. хўжалик судининг 20__ йил «___»_____даги ажрими билан № _____-сонли иш юзасидан «Полюс» Очиқ акциядорлик жамиятига нисбатан ___ ой муддатга ташқи бошқарув таомили жорий қилинган.

Тошкент ш. хўжалик судининг 20__ йил «___»_____даги ажрими билан № _____-сонли иш юзасидан «Полюс» ОАЖ ташқи бошқарувчиси этиб Сабиров Нигмат Нишанович тайинланган.

«Полюс» ОАЖ ташқи бошқарувчиси «Полюс» ОАЖнинг собиқ раҳбарида муҳр ва штамплар, бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар қабул қилиб олинган (20__ йил «___»_____даги қабул қилиб олиш ва топшириш далолатномаси).

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ташқи бошқарув режаси (бундан кейин матнда ТБР) ишлаб чиқилган ҳамда 20__ йил «___»_____ да кредиторлар йиғилишида бир овоздан тасдиқланган.

1. Ташқи бошқарув режасини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар:

ТБРга мувофиқ қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. Кредиторлар талабларини таъминланишига доир аввалги кўрилган чоралар олиб ташланган (банкдаги ҳисобварақлар картотекада бўлган).

2. Ташқи бошқарувни амалга ошириш учун _____ ТБда махсус ҳисобварақ очилган бўлиб, х/р _____, МФО _____.

3. Ташқи бошқарув мобайнида «Полюс» ОАЖ мол-мулки инвентаризация қилинган (20__ йил «___»_____даги инвентаризация далолатномаси) ва «Полюс» ОАЖга тегишли кўчмас мулк баҳоланган (мустақил баҳо берувчи – _____, 20__ йил «___»_____даги баҳолаш далолатномаси).

4. Ташқи бошқарув жараёнида норентабел ҳисобланган ишлаб чиқаришлар қайта ташкил қилинган ва ёпилган.

**** (бундан кейин ТБРни реализация қилишга қаратилган чора-тадбирлар рўйхати келтирилади).*

2. Қарздорнинг кредиторлик қарзларини қоплаш имконияти ҳақидаги маълумотлар.

«Полюс» ОАЖнинг кредиторлик қарзлари 20__ йил «___»_____даги ҳолатга кўра _____ сўмни ташкил қилган. (Қаранг: Илова 5 – Кредиторлар талаблари реестри).

Мораторий эълон қилинган кредиторлик қарзларини ҳамда жорий кредиторлик қарзларини тўлаш учун қуйидагилар амалга оширилган:

1. Бўш турган иморатларни ижарага беришдан келиб тушган _____сўм миқдоридаги маблағлар «Полюс» ОАЖнинг махсус ҳисобида тўпланган.

2. **** (Бошқа чора-тадбирлар рўйхати).*

Юқорида қайд этилган чора-тадбирлар натижасида қуйидагилар қопланади:

_____сўм миқдоридаги 100% мораторий эълон қилинган кредиторлик қарзлари;

_____ сўм миқдоридаги жорий кредиторлик қарзларини.

3. Хулоса ва таклифлар:

«Полюс» ОАЖнинг махсус ҳисобида _____ сўм миқдоридаги маблағлар тўпланган маблағлар «Полюс» ОАЖнинг _____ сўм миқдоридаги кредиторлик қарзларини тўлиқ қоплаш учун етади.

Шундай қилиб, ташқи бошқарувни амалга оширишдан кўзланган мақсадга – тўлов қобилиятининг тикланишига эришилди, деган хулосага келиш мумкин.

Сўрайман: «Полюс» ОАЖ тўлов қобилиятининг тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувнинг тўхтатилиши ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш муддатлари ўрнатилишини.

Иловалар:

1. «Полюс» ОАЖнинг 20__ йил «___» _____ даги баланси.

2. «Полюс» ОАЖнинг 20__ йил «___» _____ даги фойда ва зарарларининг ҳисоби.

3. «Полюс» ОАЖнинг бўш ётган пул маблағларининг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар (бўш пул маблағларининг мавжудлиги ҳақидаги банклардан кўчирмалар).

4. «Полюс» ОАЖнинг 20__ йил «___» _____ даги қолган дебиторлик қарзининг расшифровкаси.

5. «Полюс» ОАЖнинг 20__ йил «___» _____ даги кредиторлар талаблари реестри.

«Полюс» ОАЖ ташқи бошқарувчиси **Сабиров Н.Н.**

Қонуннинг 99-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Талабларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида кредиторнинг хабардор қилиниши

Кредитор «_____»га

Чиқ. № ____
«____»_____ 20 __ йил

«Полюс» ОАЖга нисбатан талабларнинг кўриб чиқилганлиги тўғрисидаги

ХАБАРНОМА

Сизнинг «Полюс» ОАЖ кредиторлари талаблари реестрига _____ сўм (шу жумладан асосий қарз – _____ сўм ва неустойка _____ сўм) миқдоридаги кредиторлик қарзи билан киритиш ҳақидаги талабларингиз кўриб чиқилди.

Кўриб чиқиш натижаларига кўра Сизнинг асосий қарз қисмидаги _____ сўм миқдоридаги талабларингиз тан олинди.

Сиз кредиторлар талаблари реестрига _____ навбатдаги кредитор сифатида № _____сон билан киритилдингиз.

«Полюс» ОАЖ
ташқи бошқарувчиси _____
(Ф.И.Ш.)

Қонуннинг 100-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Кредиторлар эътирозларининг кўриб чиқилиши якунлари бўйича чиқарилган хўжалик суди ажримига ташқи бошқарувчининг апелляция шикояти

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

Н. вилояти хўжалик суди

нусхаси: «Х» фирмаси
манзил: Н. вилояти, Н. ш.,
«Навбаҳор» кўчаси, 32 уй.

Кредиторлар эътирозларининг кўриб чиқилиши якунлари бўйича 20__й. _____да чиқарилган хўжалик суди ажримига

АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ

Кредитор – «Х» фирмасининг эътирозларини кўриб чиқиш натижасида хўжалик суди томонидан 20__ йил «___» _____ да №_____-сонли иш юзасидан чиқарилган ажрим билан кредиторнинг талаблари тўла ҳажмда қониқтирилган.

Суднинг ушбу ажримини асоссиз ҳамда қуйидаги сабабларга кўра бекор қилиниши лозим деб ҳисоблайман:

Н. вилояти хўжалик судининг 20__ йил «___»_____даги ажрими билан Н. тумани давлат солиқ инспекциясининг аризаси асосида «ХХХ» МЧЖга нисбатан ташқи бошқарув таомили жорий қилинган.

Кузатув давомида биринчи мажлисда иштирок этиш учун «Х» фирмаси томонидан 3 млн сўм миқдоридаги талаби билан кредиторлари талаблари реестрига 4-и навбат билан киритиш тўғрисидаги талаб илгари сурилган. Ушбу талаб асоссиздир, чунки ҳақиқатдан ҳам 20__й. 2 февраль куни «ХХХ» МЧЖ ва «Х» фирмаси ўртасида олди-сотди шартномаси тузилган бўлиб, унга мувофиқ «Х» фирмаси томонидан «ХХХ» МЧЖ манзилига умумий қиймати 10,4 млн сўмни ташкил қилувчи 52 минг дона пишиқ ғишт тушириб берилган. Аммо етказиб берилган маҳсулотни қабул қилиш ва юк туширишда 5,5 минг дона ғишт етишмаётганлиги ҳамда 9,5 минг дона ғиштнинг талабга жавоб бермаслигидан иборат умумий қиймати 3 млн сўм миқдоридаги камомад аниқланиб, бу ҳақда далолатнома тузилган.

МЧЖ етишмаётган 5,5 минг дона ғишт ва 9,5 минг дона талабга жавоб бермайдиган ғиштлар қийматини ташкил қилувчи 3 млн сўмни ҳисобга олмаганда, 7,4 млн сўм миқдоридаги тўловни амалга оширган.

Етказиб берилган маҳсулотнинг камомадини ва сифатининг мос эмаслигини тасдиқловчи далолатнома ва бошқа далиллар белгиланган муддатларда

етказиб берувчига юборилган бўлса-да, маҳсулот етказиб берувчи томонидан ушбу далиллар эътиборга олинмаган.

Мен томонимдан келтирилган далилларга қарамасдан биринчи инстанция суди суд мажлисида ажрим чиқариб, унга кўра «Х» фирмасини 3 млн сўм миқдоридаги талаби билан кредиторлар талаблари реестрига 4-навбат билан киритиш мажбурияти юкланди.

Келтириб ўтилганлар асосида, ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 60 ҳамда 100-моддаларига, ЎзР ХПКнинг 156, 157, 168–169-моддаларига асосланган ҳолда суддан сўрайман:

– Н. вилояти хўжалик судининг 20__ йил «___»_____даги ажрими бекор қилинишини;

– «Х» фирмасининг 3 млн сўм миқдоридаги талаби билан 4-навбатда «ХХХ»МЧЖ кредиторлари талаблари реестрига киритиш тўғрисидаги талабини қаноатлантириш рад этилишини.

Илова:

1. Н. вилояти хўжалик судининг 20__й._____даги ажрими нусхаси.
2. Шикоят нусхасини кредиторга жўнатилганлигининг исботи.

«ХХХ» МЧЖ
ташқи бошқарувчиси _____

(Ф.И.Ш.)

Қонуннинг 101-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Ташқи бошқарувчининг йирик битим тузилишига рухсат олиш учун кредиторлар йиғилишига йўлланган хати

«ХХХ» МЧЖ
кредиторлар йиғилиши раисига

Чиқ. №_____
«_____»____20___й.

Тошкент ш. хўжалик судининг 20__ йил «___»_____даги ажрими билан № _____-сонли иш юзасидан «ХХХ» МЧЖга нисбатан ___ ой муддатга ташқи бошқарув таомили жорий қилинган.

«ХХХ» МЧЖнинг асосий фаолият тури офис мебель жиҳозларини ишлаб чиқаришдан иборат.

Мавжуд ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қарздор молиявий аҳволи таҳлилини ўтказган ҳолда, ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 101-моддасига амал қилиб, ишлаб чиқариш фаолиятида қўлланиладиган хомашё харид қилиш учун пул маблағларининг тушумини таъминлаш мақсадида, кредиторлар йиғилишидан _____кв м ер участкасида жойлашган иссиқхона биносини (тўлиқ тавсифи) _____сўмга реализация қилинишига розилик беришингизни сўрайман.

Илова:

1. Иссиқхона биносининг кадастр ҳужжатлари ___варақда;
2. Иссиқхона биноси қийматини баҳолаш далолатномаси ___варақда;
3. «ХХХ» МЧЖга тегишли иссиқхона биносининг олди-сотди шартномаси лойиҳаси

«ХХХ» МЧЖ
муваққат бошқарувчиси _____
(Ф.И.Ш.)

Илова № 2

Ташқи бошқарувчининг йирик битим тузилишига рухсат олишга қаратилган хатига кредиторлар йиғилишининг рад жавобини бериш ҳақидаги қарори

«ХХХ» масъулияти чекланган жамияти кредиторлари йиғилишининг __№ БАЁННОМАСИ

_____ ш. _____20__й.

Қатнашдилар:
Кредиторлар:
– А.С. Акбаров (25%);
– М.Н. Акбарова (25%);
– Ф.Я. Сабиров (50%);
– Ташқи бошқарувчи – Сабиров Н.
«ХХХ»МЧЖнинг муассислари А.С. Амонов ва Ф.Я. Сабиров

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. «ХХХ» МЧЖга тегишли нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг технологик асбоб-ускуналарини реализация қилиш билан боғлиқ йирик битимни амалга оширилишига розилик бериш масаласининг кўриб чиқилиши.

Кредиторлар ушбу йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни котиб сифатида эса – М.Н. Акбаровани сайлади.

Тингланди: «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси Сабиров Н.:

– Тошкент шаҳар хўжалик судининг 20__й. «___»_____даги ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан ташқи бошқарув жорий этилиб, «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси этиб мен – Сабиров Нигмат Нишанович тайинландим. «ХХХ» МЧЖнинг асосий фаолият тури нон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан иборат.

Жамиятнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш давомида жамиятнинг кредиторлик қарзи 61604432 сўмни ташкил қилиши аниқланди, шу жумладан:

– 29995500 сўм – «Z» фирмаси олдида;
– 3498594 сўм – солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдида;
– 1298620 сўм – «Inter–X» ҚК олдида;
– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖ олдида;
– 1274271 сўм – иш ҳақи юзасидан ишчи-ходимлар олдида.

«ХХХ» МЧЖ сўнгги 2 йил давомида нон маҳсулотларини ишлаб чиқармасдан, макарон маҳсулотларини ишлаб чиқараётганлиги туфайли «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 101-моддасига мувофиқ Сиздан _____ сўм миқдоридаги нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилган жи-

ҳозларни реализация қилиш бўйича йирик битим амалга оширилишига розилик беришингизни сўрайман.

Сўзга чиқишди:

1. Жамият муассиси Амонов А.С.:

Сўнгги вақтда бозордаги юқори талаб туфайли, «ХХХ» МЧЖ да макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Аммо жамият фаолиятининг асосий тури нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан иборат эканлиги, шунингдек, юқорида қайд этилган технологик ускуналар баъзан макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилишида қўлланилиши, жуда бўлмаса ушбу ускуна қисмларини ишлаётган ускуналарнинг ремонт қилинишида эҳтиёт қисм сифатида қўлланилиши мумкинлигини эътиборга олиш лозим. Шу муносабат билан технологик жиҳозларни реализация қилиш бўйича битим амалга оширилишига рад жавоби берилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

2. Муассис Ф.Я. Сабиров:

Баҳолаш актига асосан, реализациянинг тахмин қилинаётган нархи _____сўмни ташкил қилиб, ушбу объектни реализация қилишдан тушадиган пул қарздорнинг молиявий аҳволига сезиларли равишда таъсир ўтказмаслиги боис, мен А.Акбаровнинг таклифини қўллаб-қувватлайман ва ташқи бошқарувчига технологик жиҳозларни реализация қилиш бўйича битим амалга оширилишига рад жавоби берилиши лозим деб ҳисоблайман.

Бошқа таклифлар билдирилмади.

Кун тартибини муҳокама қилган ҳолда, «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ташқи бошқарувчига «ХХХ» МЧЖга тегишли бўлган технологик жиҳозларни реализация қилиш бўйича битим амалга оширилишига рад жавоби берилсин.

Овоз беришди:

«Тарафдорлар» – бир овоздан.

«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Илова № 3

Ташқи бошқарувчининг йирик битим тузилишига кредиторлар йиғилишининг рухсат бериш ҳақидаги қарори

«ХХХ» масъулияти чекланган жамияти кредиторлари йиғилишининг __№ БАЁННОМАСИ

Н. шаҳри_____20___й.

Қатнашдилар:
Кредиторлар:
– А.С. Акбаров (25%);
– М.Н. Акбарова (25%);
– Ф.Я. Сабиров (50%);
– ташқи бошқарувчи – Сабиров Н.
«ХХХ» МЧЖнинг муассислари А.С. Амонов ва Ф.Я. Сабиров

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. «ХХХ» МЧЖга тегишли нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг технологик асбоб-ускуналарини реализация қилиш билан боғлиқ йирик битимни амалга оширилишига розилик бериш масаласининг кўриб чиқилиши.

Кредиторлар ушбу йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиб сифатида эса М.Н. Акбаровани сайлади.

Тингланди: «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси Сабиров Н.:

– Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 20__й. «___»_____даги ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан ташқи бошқарув жорий этилиб, «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси этиб мен – Сабиров Нигмат Нишанович тайинландим. «ХХХ» МЧЖнинг асосий фаолият тури нон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан иборат.

Жамиятнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш давомида жамиятнинг кредиторлик қарзи 61604432 сўмни ташкил қилиши аниқланди, шу жумладан:

– 29995500 сўм – «Z» фирмаси олдида;
– 3498594 сўм – солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдида;
– 1298620 сўм – «Inter–X» ҚК олдида;
– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖ олдида;
– 1274271 сўм – иш ҳақи юзасидан ишчи-ходимлар олдида.

«ХХХ» МЧЖ сўнгги 2 йил давомида нон маҳсулотларини ишлаб чиқармасдан, макарон маҳсулотларини ишлаб чиқараётганлиги туфайли «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 101-моддасига мувофиқ Сиздан _____ сўм миқдоридаги нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилган жиҳозларни

реализация қилиш бўйича йирик битим амалга оширилишига розилик беришингизни сўрайман.

Сўзга чиқишди:

1. Жамият муассиси Амонов А.С.:

– Сўнги вақтда бозордаги юқори талаб туфайли, «ХХХ» МЧЖ да консерва маҳсулотлари (кетчуплар, маринадлар) ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Шу муносабат билан юқорида қайд этилган технологик жиҳозлардан консерва маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланилмайди. Тақдим қилинган ҳужжатлар, шу жумладан реализация қилиш таклиф этилган жиҳозни баҳолаш актини ўрганиб чиққан ҳолда, ташқи бошқарувчига технологик жиҳозларни реализация қилиш бўйича битим амалга оширилишига розилик берилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

2. Муассис Ф.Я. Сабиров:

– А.Акбаровнинг таклифини қўллаб-қувватлайман ва ускуналарнинг реализация қилинишидан тушадиган пул жамиятнинг муомаладаги (оборотдаги) маблағларини тўлдириши мумкин деб ҳисоблайман, шу муносабат билан «ХХХ» МЧЖга тегишли технологик жиҳозларни реализация қилиш бўйича битим амалга оширилишига розилик берилиши лозим деб ҳисоблайман.

Бошқа таклифлар билдирилмади.

Кун тартибини муҳокама қилган ҳолда, «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ташқи бошқарувчига «ХХХ» МЧЖга тегишли бўлган нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологик жиҳозларини реализация қилиш бўйича битим амалга оширилишига розилик берилсин.

Овоз беришди:

«Тарафдорлар» – бир овоздан.

«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Қонуннинг 102-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Ташқи бошқарувчининг банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилишидан аввал тузилган шартномаларни бажаришдан бош тортиш тўғрисидаги хати

«_____» МЧЖ раҳбарига

Чиқ. №___
«___»____20__й.

Шартномани бажаришдан бош тортиш тўғрисидаги

АРИЗА

– Тошкент шаҳар хўжалик судининг 20__й. «___»_____даги ажрими билан № _____-сонли иш юзасидан «ХХХ» МЧЖга нисбатан ташқи бошқарув жорий этилган.

– Тошкент шаҳар хўжалик судининг 20__й. «___»_____даги ажрими билан № _____-сонли иш юзасидан «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси этиб мен – исми, шарифи, отасининг исми тайинланганман.

20__й. «___»_____да «ХХХ» МЧЖ ва «ККК» МЧЖ ўртасида 3 йил муддатга, ҳар 3 ойда хомашёни етказиб туриш даврийлиги билан (мебель ишлаб чиқариш учун) хомашё етказиб бериш шартномаси тузилган. «ХХХ» МЧЖ томонидан шартнома умумий қийматининг 15%и миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилган ҳамда 3 кун давомида биринчи марта хомашё етказиб берилган.

Тузилган шартнома узоқ муддатли бўлганлиги (1 йилдан ортиқ муддатга тузилган) ва «ХХХ» МЧЖ учун фақатгина узоқ муддатдаги истиқболда ижобий натижаларга эришилишига мўлжалланганлиги, шунингдек, ушбу шартноманинг ижро қилиниши «ХХХ» МЧЖ тўлов қобилиятининг тикланишига тўсқинлик қилиши муносабати билан ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 102-моддасига асосланиб, 20__й. «___»_____даги №__-сонли (мебель ишлаб чиқариш учун) хомашё етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан «ХХХ» МЧЖнинг бир томонлама бажаришдан бош тортишини билдираман.

Илова:

1. Тошкент ш. хўжалик суди ажримининг нусхаси ___варақда.
2. 20__й. _____даги __-сонли маҳсулот етказиб бериш шартномасининг нусхаси.

«ХХХ» МЧЖ
ташқи бошқарувчиси _____
(Ф.И.Ш.)

Қонуннинг 103-моддаси шарҳига иловалар

Суд бошқарувчисининг битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 66-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, кўрсатиб ўтилган даъво аризаси намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

Қонуннинг 104-моддаси шарҳига иловалар

Кредиторлар йиғилишининг йирик битим тузилишига рухсат берилишининг рад қилиниши ҳақидаги қарори қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 101-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, қарор намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

Кредиторлар йиғилишининг йирик битим тузилишига рухсат бериш ҳақидаги қарори қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 101-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, қарор намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

Суд бошқарувчисининг битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 66-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, даъво аризаси намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

Қонуннинг 105-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Ташқи бошқарувчининг қарздорнинг истеъмолга қаратилган, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашга қаратилган харажатларни ошириш зарурияти ҳақидаги кредиторлар йиғилишига йўлланган хати

«ХХХ» МЧЖ
кредиторлар йиғилиши раисига

Чиқ. №____
«_____»_____20___й.

Суднинг 20__ йил «___»_____даги ажрими билан «Х–банк» АТБ нинг «D-LTD» ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси иш юритувга қабул қилиниб, қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ҳамда кузатув таомили жорий этилган.

Жорий қилинган кузатув таомили натижаларига кўра, кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси асосида суднинг 20__ йил «___»_____ даги ажрими билан қарздорга нисбатан 18 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилган бўлиб, ташқи бошқарувчи этиб мен – исми, шарифи, отасининг исми тайинланганман.

Қарздор «D–LTD» ҚК фаолиятининг асосий тури маҳаллий офис мебель жиҳозларини ишлаб чиқаришдан иборат. Ташқи бошқарув режасида ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш ҳамда консерва маҳсулотлари (томат пастаси, кетчуплар, соуслар) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш назарда тутилган эди. Ташқи бошқарув режасида истеъмол учун, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш учун 152 млн сўм миқдоридаги маблағнинг ажратилиши назарда тутилган эди.

Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида, зарур технологик ускуналар харид қилинди, консерва маҳсулотлари (томат пастаси, кетчуплар, соуслар) ни ишлаб чиқариш соҳасида иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар жалб қилинди.

Янги ишлаб чиқариш давомида аввалгига нисбатан кўпроқ электр энергияси, газ, совуқ ва иссиқ сув, иситиш сарф қилинаётгани, шунингдек янги иш жойларининг кўпайганлаги муносабати билан иш ҳақига доир харажатларнинг қўшилганлиги сабабли, Сиздан қарздорнинг истеъмол ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашга доир харажатларини, ушбу мақсадлар учун илгари белгиланган харажатларнинг 10% идан кўп бўлмаган миқдорга оширишга розилик беришингизни сўрайман.

«ХХХ» МЧЖ
ташқи бошқарувчиси _____
(Ф.И.Ш.)

Илова № 2

Кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувчига қарздорнинг истеъмолга қаратилган, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашга қаратилган харажатларни оширишига рухсат бериш ҳақидаги қарори

«ХХХ» масъулияти чекланган жамияти кредиторлари йиғилишининг __ № БАЁННОМАСИ

Н. шаҳри_____20___й.

Қатнашдилар:
Кредиторлар:
– А.С. Акбаров (25%);
– М.Н. Акбарова (25%);
– Ф.Я. Сабиров (50%);
Ташқи бошқарувчи С.Б. Тошниёзов.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Ташқи бошқарувчининг қарздорнинг истеъмол ва меҳнатга ҳақ тўлашга доир харажатларини оширилишига розилик берилиши ҳақидаги мурожаатининг кўриб чиқилиши.

Кредиторлар ушбу йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиб сифатида эса М.Н. Акбаровани сайлади.

Эшитилди: Йиғилиш раиси Ф.Я. Сабиров:

– 20__й. _____да «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси исми, шарифи, отасининг исмидан «ХХХ» МЧЖда ишлаб чиқаришнинг қайта ташкил этилганлиги ҳамда консерва маҳсулотлари (томат пастаси, кетчуплар, соуслар) ишлаб чиқаришни йўлга қўйилганлиги туфайли қарздорнинг истеъмол ва меҳнатга ҳақ тўлашга доир харажатларини ошириш зарурлиги тўғрисидаги хат келган.

Ҳақиқатдан ҳам, қарздор – «ХХХ» МЧЖнинг банкрот деб топилишидан аввал, «D–LTD» ҚК қарздорининг асосий фаолият тури маҳаллий офис мебель жиҳозларини ишлаб чиқаришдан иборат бўлган. Ташқи бошқарув режасида ишлаб чиқаришнинг қайта ташкил этилиши ҳамда консерва маҳсулотлари (томат пастаси, кетчуплар, соуслар) ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши белгилаб қўйилган эди.

«ХХХ» МЧЖ да ишлаб чиқаришни тезлаштириш учун зарур технологик ускуналар харид қилинган, консерва маҳсулотлари (томат пастаси, кетчуплар, соуслар) ни ишлаб чиқариш соҳасида иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар жалб қилинган.

Ташқи бошқарувчига қарздорнинг истеъмол, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашга доир харажатларини, ушбу мақсадлар учун илгари белгиланган харажатларнинг 10% идан кўп бўлмаган миқдорга оширилишига розилик берилишини таклиф қиламан.

Бошқа таклифлар билдирилмади.

Кун тартибини муҳокама қилган ҳолда, «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ташқи бошқарувчига қарздорнинг истеъмол, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашга доир харажатларини, ушбу мақсадлар учун илгари белгиланган харажатларнинг 10% идан кўп бўлмаган миқдорга оширилишига розилик берилсин.

Овоз беришди:
«Тарафдорлар» – бир овоздан.
«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Қонуннинг 106-моддаси шарҳига иловалар

Ташқи бошқарув режаси қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 98-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, кўрсатиб ўтилган ҳужжат намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

Ташқи бошқарувнинг бориши ва натижалари ҳақидаги ташқи бошқарувчининг ҳисоботи қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 66-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, кўрсатиб ўтилган ҳужжат намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

Қонуннинг 107-моддаси шарҳига иловалар

Кредиторлар йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарнома қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 11-моддасига, кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори 10-моддасига, ташқи бошқарув режаси эса 98-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, ҳужжатлар намуналари ушбу моддада келтирилмайди.

Ташқи бошқарув режаси кўриб чиқиш натижаси бўйича кредиторлар йиғилиши томонидан чиқариладиган қарорлар қўлланманинг 2 бўлимида Қонуннинг 107-моддасига шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, кўрсатиб ўтилган қарорлар намуналари ушбу моддада келтирилмайди.

Қонуннинг 108-моддаси шарҳига иловалар

Ташқи бошқарувчисининг ташқи бошқарув муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномаси қўлланманинг 2-бўлимида Қонуннинг 91-моддасига шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, кўрсатиб ўтилган илтимоснома намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

Қонуннинг 110-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Суд бошқарувчисининг корхонани (бизнесни) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишга розилик бериш ҳақида кредиторлар йиғилишига хати

«ХХХ» МЧЖ
Кредиторлар йиғилишига

Чиқ. №_____
«____»_____201_й.

«ХХХ» МЧЖ кредиторлари талабларини қондириш ва қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида ташқи бошқарув режасида корхонани (бизнесни) мулкий мажмуа тарзида сотиш назарда тутилди.

«Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 110-моддасига мувофиқ, ташқи бошқарувчи корхонани (бизнесни) кредиторлар йиғилишининг розилиги билан, харидор ўзига хизмат кўрсатувчи банкнинг тегишли кафолатини тақдим этган тақдирда, бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишга ҳақли.

Юқоридагиларга асосланиб, кредиторлар йиғилишидан қарздор – «ХХХ» МЧЖ корхонасини (бизнесини) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишга розилик беришини сўрайман.

«ХХХ» МЧЖ
ташқи бошқрувчиси _____

(Ф.И.Ш.)

Илова № 2

Корхонани (бизнесни) бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишга розилик бериш ҳақидаги қарори

«ХХХ» масъулияти чекланган жамияти кредиторлари йиғилишининг __ № БАЁННОМАСИ

«____»_____20__й. _____ ш.

Қатнашдилар:
Кредиторлар вакиллари:
– Н. тумани давлат солиқ инспекцияси – А.С. Акбаров;
– «Z»фирмаси – М.Н. Акбарова;
– «Inter–X» ҚК – Ф.Я.Сабиров;
– «Бизнес Мадад» МЧЖ – Н.И. Кретов;
– «Барс» МЧЖ – А. Якубов;
«ХХХ»МЧЖ муассислари вакили В.С. Тулкунов;
Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов.

73% овозга эга бўлган кредиторларнинг вакиллари қатнашмоқда.
Йиғилишни ўтказиш учун кворум мавжуд.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Корхонани (бизнесни) бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишга розилик бериш ҳақида.

Кредиторлар йиғилиши йиғилиш раиси этиб Ф.Я.Сабировни, котиб сифатида эса М.Н. Акбаровани сайлади.

Тингланди: Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов:

– Суднинг 2009 йил 20 майдаги ажрими билан «ХХХ» МЧЖ нисбатан 18 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий этилган, ташқи бошқарувчи этиб мен – С.А.Тошниёзов тайинланганман.

«ХХХ» МЧЖ кредиторлари талабларини қондириш ва қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида ташқи бошқарув режасида корхонани (бизнесни) мулкий мажмуа тарзида сотиш назарда тутилди.

Кредиторлар йиғилишидан қарздор – «ХХХ» МЧЖ корхонасини (бизнесини) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишга розилик беришини сўрайман.

Сўзга чиқишди: «Бизнес Мадад» МЧЖ вакили Н.И. Кретов:

– Қарздор корхонасини (бизнесини) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан очиқ кимошди савдосида реализация қилиш белгиланган муддатда барча кредитор-

лар билан ҳисоблашишга имкон беради деб ҳисоблайман. Корхонани (бизнесни) реализация қилишда сотиб олувчи хизмат кўрсатувчи банкнинг тегишли кафолатларини тақдим этганлигига эътибор қаратиш лозим.

Қарздор корхонасини (бизнесини) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишга розилик беришни таклиф этаман.

Бошқа таклифлар билдирилмади.

Кун тартибини муҳокама қилган ҳолда, «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси С.А. Тошниёзовга қарздор – «ХХХ» МЧЖнинг корхонасини (бизнесини) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан очиқ кимошди савдосида реализация қилишга розилик берилсин.

Овоз беришди:
«Тарафдорлар» – бир овоздан.
«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Илова № 3

Кредиторлар йиғилишининг қарздор мол-мулкини сотиш учун кимошди савдосини ўтказиш шакли (очиқ, ёпиқ), бошланғич нархи ва шартлари ҳақидаги қарори

«ХХХ» масъулияти чекланган жамияти кредиторлари йиғилишининг
__ № БАЁННОМАСИ

«____»_____20__й. _____ ш.

Қатнашдилар:
Кредиторлар вакиллари:
– Н. тумани давлат солиқ инспекцияси – А.С. Акбаров;
– «Z»фирмаси – М.Н. Акбарова;
– «Inter–X» ҚК – Ф.Я. Сабиров;
– «Бизнес Мадад» МЧЖ – Н.И. Кретов;
– «Барс» МЧЖ – А. Якубов;
«ХХХ»МЧЖ муассислари вакили В.С. Тулкунов;
Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов.

73% овозга эга бўлган кредиторларнинг вакиллари қатнашмоқда.
Йиғилишни ўтказиш учун кворум мавжуд.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Қарздор корхонасини мулкий комплекс сифатида сотиш учун кимошди савдосини ўтказиш шакли (очиқ, ёпиқ), бошланғич нархи ва шартлари ҳақидаги масалаларни кўриб чиқиш.

Кредиторлар йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиб сифатида эса М.Н. Акбаровани сайлади.

Тингланди: Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов:

– Суднинг 2009 йил 20 майдаги ажрими билан «ХХХ» МЧЖ нисбатан 18 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий этилган, ташқи бошқарувчи этиб мен – С.А. Тошниёзов тайинланганман.

«ХХХ» МЧЖ кредиторлари талабларини қондириш ва қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида ташқи бошқарув режасида корхонани (бизнесни) мулкий мажмуа тарзида сотиш назарда тутилди.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 110-моддасига мувофиқ, корхонани (бизнесни) сотиш, қарздор ундан тушадиган маблағларни ташқи бошқарув муддати тугашидан камида ўттиз кун олдин олиши шарти ва очиқ кимошди савдоси ўтказиш йўли билан амалга оширилади. «ХХХ» МЧЖга нисба-

тан ташқи бошқарув жорий этилганда қарздор мол-мулки инвентаризация қилинган ва баҳоланган бўлиб, унга кўра қарздор корхонасининг мулкий мажмуа сифатидаги бозор баҳоси 2928826607 сўм, тугатиш қиймати эса 2196621455 сўмни ташкил этган.

Кредиторлар йиғилишидан кимошди савдосини ўтказиш шакли (очиқ, ёпиқ), бошланғич нархи ва шартларини аниқлаб беришини сўрайман.

Сўзга чиқишди:

1. «Z»фирмаси вакили М.Н. Акбарова:

– Қарздор корхонасининг кимошди савдосидаги бошланғич нархини бозор баҳосидан келиб чиқиб, 2928828607 сўм қилиб белгилаш лозим деб ҳисоблайман. Корхонани (мулкий мажмуа сифатида) очиқ кимошди савдосига қўйишни таклиф қиламан.

2. «Inter–X» ҚК вакили Ф.Я. Сабиров:

– М.Н. Акбарованинг таклифини қувватлайман ва кимошди савдосини ўтказиш учун унинг хизматига қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ҳақ тўлаган ҳолда ихтисослашган ташкилотни жалб қилишни таклиф этаман.

Бошқа таклифлар билдирилмади.

Кун тартибини муҳокама қилган ҳолда, «ХХХ»МЧЖ кредиторлари йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қарздор корхонаси мулкий мажмуа сифатида очиқ кимошди савдосига қўйилсин ва бошланғич нархи _____ сўм қилиб белгилансин.

2. Кимошди савдосини ўтказиш учун ихтисослашган ташкилот жалб қилинсин.

Овоз беришди:

«Тарафдорлар» – бир овоздан.

«Қарши» ва «бетарафлар» йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Илова № 4

Суд бошқарувчисининг корхона (бизнес) очиқ кимошди савдосида сотилиши тўғрисидаги эълонни чоп этиш ҳақида расмий нашрга хати

«Солиқ Инфо» газетаси тахририяти

Чиқ.№.____
«____»_____200__й.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 110-моддасига мувофиқ, қуйидаги мазмундаги эълонни чоп этишингизни сўрайман:

«Корхона – «Полюс» очиқ акциядорлик жамияти, _____ манзилда жойлашган, очиқ кимошди савдосида аукцион шаклида сотилади.
Объекнинг бошланғич нархи _____ сўм.

Объектнинг муҳим хусусиятлари:
Фаолиятининг асосий турлари: _____
Корхонанинг асосий таркиби: _____

Ўз вақтида ариза ва бошқа зарур ҳужжатларни тақдим этган, аукционда иштирок этиш учун закалат берган, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан, сотиб олувчи бўла оладиган юридик ва жисмоний шахслар аукционда иштирок этиши мумкин.
Объект учун юқорироқ баҳо таклиф этган иштирокчи кимошди савдосида ғолиб деб топилади.
Аукционда иштирок этиш учун аризалар, таклифлар ва бошқа ҳужжатлар 20__ йил «__» _____ соат ___ гача қабул қилинади.
Аукцион иштирокчиларини аукцион шартлари ва объектнинг хусусиятлари билан таништириш, шунингдек, аризаларни қабул қилиш қуйидаги манзилда амалга оширилади: _____.

Аукционда иштирок этиш учун иштирокчи 20__ йил «___» _____ гача «Полюс» ОАЖнинг _____ даги № _____ ҳисобварағига _____ сўм миқдорда закалат пулини ўтказиши шарт.
Кимошди савдоси ўтказиладиган куннинг ўзида ғолиб билан кимошди савдоси ташкилотчиси шартнома кучига эга бўлган баённомани имзолайдилар.

Кимошди савдоси 20__ йил «_____» _____ куни соат _____ да _____ манзили бўйича ўтказилади.
Кимошди савдоси ташкилотчиси – «Полюс» ОАЖнинг ташқи бошқарувчиси.
Тўловга кафолат берамиз.

ОАЖ «Полюс»нинг
ташқи бошқарувчиси **Сабиров Н.Н.**

Илова № 5

Корхонани сотишнинг бошланғич нархини пасайтириш ҳақида кредиторлар йиғилишининг қарори

«ХХХ» масъулияти чекланган жамияти кредиторлари йиғилишининг __№ БАЁННОМАСИ

«____»_____20__й. _____ ш.

Қатнашдилар:
Кредиторлар вакиллари:
– Н. тумани давлат солиқ инспекцияси – А.С. Акбаров;
– «Z»фирмаси – М.Н. Акбарова;
– «Inter–X» ҚК – Ф.Я. Сабиров;
– «Бизнес Мадад» МЧЖ – Н.И. Кретов;
– «Барс» МЧЖ – А. Якубов;
«ХХХ» МЧЖ муассислари вакили В.С. Тулкунов;
Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. *Корхона* (бизнес)*ни сотишнинг бошланғич нархини пасайтириш ҳақида*

Кредиторлар йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиб сифатида эса М.Н. Акбаровани сайлади.

Тингланди: Ташқи бошқарувчи С.А. Тошниёзов:

– Суднинг 2009 йил 20 майдаги ажрими билан «ХХХ» МЧЖ нисбатан 18 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий этилган, ташқи бошқарувчи этиб мен – С.А.Тошниёзов тайинланганман.

«ХХХ» МЧЖ кредиторлари талабларини қондириш ва қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида ташқи бошқарув режасида корхонани (бизнесни) мулкий мажмуа тарзида сотиш назарда тутилди.«ХХХ» МЧЖнинг мол-мулкини инвентаризация қилиш ва баҳолаш далолатномасига мувофиқ, мулкий мажмуа сифатида корхонанинг бозор баҳоси 2928826607 сўмни, тугатиш қиймати эса – 2196621455 сўмни ташкил қилди. «ХХХ» МЧЖ кредиторлар йиғилишининг 200__й. _____ даги қарори асосида қарздорнинг корхонасини 20__ йил 5, 12, 19 ва 26-сентабрь кунлари _____ сўм бошланғич нархда очиқ кимошди савдосига қўйиш тўғрисидаги эълон чоп этилган. Бироқ кимошди савдосида қатнашиш учун фақат битта иштирокчи ариза берганлиги сабабли, корхона биринчи кимошди савдосида реализация қилинмаган.

Шу муносабат билан, «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 110-моддаси талабларига таяниб, корхонанинг бошланғич нархини олдинги кимошди савдоси нархларидан 10% миқдорида пасайтиришни ва корхонани мулкий комплекс сифатида такрорий кимошди савдосига қўйишни таклиф этаман.

Сўзга чиқдилар:

1. «Z» фирмаси вакили М.Н. Акбарова:

– Суд бошқарувчисининг таклифини қўллашни ва корхонани бошланғич нархни олдинги кимошди савдоси нархларидан 10% миқдорида пасайтирган ҳолда такрорий кимошди савдосига қўйишни тавсия қиламан.

Бошқа таклифлар билдирилмади.

Кун тартибини муҳокама қилган ҳолда, «ХХХ»МЧЖ кредиторлари йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қарздорнинг корхонаси мулкий комплекс сифатида бошланғич нархни _____ сўм қилиб белгилаган ҳолда такрорий кимошди савдосига қўйилсин.

Овоз беришди:

«Тарафдорлар» – бир овоздан.

«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Илова № 6

Ташқи бошқарувчининг кредиторлар йиғилишига корхонани оммавий оферта йўли билан кимошди савдосига қўйиш ҳақида хати

«ХХХ» МЧЖ
Кредиторлар йиғилишига

Чиқ.№._____
«____»_____200_й.

«ХХХ» МЧЖ кредиторлари талабларини қондириш ва қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида ташқи бошқарув режасида корхонани (бизнесни) мулкий мажмуа тарзида сотиш назарда тутилди.

«ХХХ» МЧЖнинг мол-мулкини инвентаризация қилиш ва баҳолаш далолатномасига мувофиқ, мулкий мажмуа сифатида корхонанинг бозор баҳоси 2928826607 сўмни, тугатиш қиймати эса 2196621455 сўмни ташкил қилди. «ХХХ» МЧЖ кредиторлар йиғилишининг 200__й. _____ даги қарори асосида қарздорнинг корхонасини 20__ йил 5, 12, 19 ва 26 сентабрь кунлари _____ сўм бошланғич нархда очиқ кимошди савдосига қўйиш тўғрисидаги эълон чоп этилган. Бироқ кимошди савдосида қатнашиш учун фақат битта иштирокчи ариза берганлиги сабабли, корхона биринчи кимошди савдосида реализация қилинмаган. Ташқи бошқарувчининг ташаббуси билан 20__й. _____да кредиторлар йиғилиши чақирилиб, унда қарздорнинг корхонасини олдинги кимошди савдоси нархларидан 10% миқдорида пасайтирган ҳолда такрорий кимошди савдосига қўйиш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилинган. Аммо қарздорнинг корхонаси такрорий кимошди савдосида ҳам сотилмай қолди.

Шу муносабат билан, «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 110-моддаси талабларига таяниб, кредиторлар йиғилишидан корхонани оммавий оферта йўли билан кимошди савдосига қўйиш ва оммавий оферта ҳақида эълон чоп қилинган кундан бошлаб камида бир ой ўтгандан кейин корхона учун энг юқори нархни таклиф қилган шахс билан корхонани олди-сотди шартномасини тузишни таклиф этаман.

Илова:

1. Корхонани кимошди савдосига қўйиш ҳақидаги оммавий оферта матни.

«ХХХ» МЧЖ
ташқи бошқарувчиси _____
(Ф.И.Ш.)

Илова № 7

Суд бошқарувчисининг очиқ кимошди савдосини оммавий оферта йўли билан ўтказиш тўғрисидаги эълонни чоп этиш ҳақида расмий нашрга хати

«Солиқ Инфо» газетаси тахририяти

Чиқ.№.____
«____»_____200__й.

«Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 110-моддасига мувофиқ, қуйидаги мазмундаги эълонни чоп этишингизни сўрайман.

«ОММАВИЙ ОФЕРТА»

1. «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси, бундан буён сотувчи, мазкур таклиф билан қарздор «ХХХ» МЧЖнинг корхонасини мулкий мажмуа сифатида кимошди савдосига қўйишга ва Тошкент шаҳрида ёки Республиканинг бошқа туманида жойлашган (яшайдиган), таклиф этилган шартларни тўла қабул қилган ва юқорироқ баҳо таклиф этган шахс (бундан буён сотиб олувчи) билан мазкур оферта (бундан буён – шартнома) шартларига мувофиқ олди-сотди шартномаси тузишга тайёрлигини билдиради. Сотувчи ва сотиб олувчи кейинги ўринларда биргаликда Тарафлар деб юритилади.

2. Агар сотиб олувчи мазкур шартноманинг шартларини қабул қилса, бу ҳақда сотувчини хабардор қилиб, оммавий оферта шартлари асосида «ХХХ» МЧЖнинг корхонаси (бизнеси) олди-сотдиси шартномасини тузишга розилигини билдиради ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловадаги шаклда тўлдирилган ариза-акцептни юборади. Акцептнинг барча графалари тўлиқ, қисқартиришларсиз, аниқ ва ёзма ҳарфлар билан ёзилиши керак. Акцепт қуйидаги факс бўйича: _____ ёки қуйидаги манзилга:Ташкент ш., _____ юборилади. Сотиб олувчиларнинг ариза-акцептларни кўриб чиқишда, сотувчи кимошди савдосига қўйилган объект учун энг юқори нархни таклиф этган сотиб олувчини танлайди.

Факсимилье орқали ёзишмалар юридик кучга эга.

3. Сотувчи объектни, яъни қарздор «ХХХ» МЧЖнинг _____ _____да жойлашган корхонасини, мулкий мажмуа сифатида сотиб олувчи таклиф қилган нархда сотиш ва далолатнома асосида объектни ва унга ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатларни бериш мажбуриятини олади, сотиб олувчи эса белгиланган муддатларда ва тартибда объектнинг пулини тўлаш ва сотиб олинган кўчмас объектни ЎзРнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ қабул қилиш мажбуриятини олади.

4. Мазкур шартнома, оммавий оферта тўғрисидаги таклиф расмий нашрда эълон қилинган пайтдан бошлаб бир ой муддат ичида, энг юқори

нархни таклиф қилган шахс билан тузилган ҳисобланади ва тарафлар унинг шартларини бажаргунгача бўлган вақтда амалда бўлади

5. Сотиб олувчи объект учун тўловни, мазкур шартнома шартларига мувофиқ, сотувчига акцепт йўлланган пайтдан бошлаб _____ банк кунидан кечикмай амалга ошириши лозим.

6. Объект (мулкий мажмуа сифатида қарздор «ХХХ» МЧЖнинг корхона (бизнес)и) учун тўловни амалга ошириш шартлари: сотиб олувчи юз фоизлик (100%) тўловни сотувчи («ХХХ» МЧЖ)нинг ҳисобварағига олдиндан ўтказади.

7. Сотувчининг ҳисобварағига сотиб олувчининг пул маблағлари келиб тушгандан кейин сотувчи мазкур шартнома шартлари бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.

8. Акцептлаш учун муддат 20__ йил _____гача қилиб белгиланади. Агар акцепт ва пул маблағлари сотиб олувчи томонидан мазкур муддатдан кечроқ олинган бўлса, Шартнома тузилган деб ҳисобланиб, тарафларнинг у бўйича мажбуриятлари вужудга келмайди. Бундай ҳолатда пул маблағлари сотиб олувчига қайтарилади..

9. Тарафлар Шартнома шартларини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун Фуқаролик кодекси, 1998 йил 29 августдаги N 670-I-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

10. Тарафлар шартнома тузилгандан кейин вужудга келган фавқулодда характерга эга бўлган куч билан енгиб бўлмайдиган (форс-мажор) ҳолатлар туфайли Шартнома шартларини бажармаганлиги ва лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайдилар, башарти улар буни олдиндан кўра олмаган ва олдини олмаган бўлсалар.

11. Форс-мажор ҳолатларнинг вужудга келганлиги ҳақида тарафлар 5 (беш) кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари лозим.

12. Шартнома шартларини бажариш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган барча низолар ва келишмовчиликлар, тарафлар томонидан музокаралар ва келишув йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган ҳолларда, низо (тарафларнинг келишувига кўра) хўжалик ёки ҳакамлик судларига кўриб чиқиш учун берилади.

13. Шартноманинг мазкур оммавий офертада белгиланмаган шартлари ЎзРнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ аниқланади.

14. Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш муддати – 20_йил ____ гача.

15. Сотувчининг реквизитлари: _____»

Тўловга кафолат берамиз.

Ташқи бошқарувчи _____

(Ф.И.Ш.)

Ташқи бошқарувчининг корхона (бизнес)ни сотишдан тушган пул маблағлари ҳисобидан кредиторлар талабларини тўлиқ қондириш имконияти мавжудлиги сабабли иш юритишни тугатиш тўғрисидаги судга аризаси намунаси қўлланманинг 2-бўлимида Қонуннинг 110-моддасига шарҳига 1-иловада келтириб ўтилган (*қўлланманинг 2-бўлимидаги Қонуннинг 110-моддасига шарҳига 1-иловага қаранг*).

Ташқи бошкрувчининг корхона (бизнес)ни сотишдан тушган пул маблағлари ҳисобидан кредиторлар талабларини тўлиқ қондириш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга оид иш юритишни бошлаш тўғрисидаги судга аризаси намунаси қўлланманинг 2-бўлимида Қонуннинг 110-моддаси шарҳига 2-иловада келтириб ўтилган (*Қонуннинг 110-моддасидаги шарҳига 2-иловага қаранг*).

Қонуннинг 111-моддаси шарҳига иловалар*

Илова № 1

Ташқи бошқарувчининг қарздорнинг арзонбаҳо ва тез ишдан чиқадиган мол-мулкини, шунингдек, хомашё ва тайёр маҳсулоти қолдиқларини кимошди савдоси ўтказмаган ҳолда олди-сотди шартномалари асосида сотиш ҳақида кредиторлар йиғилишига хати (аризаси)

«ХХХ» МЧЖ
Кредиторлар йиғилиши

Чиқ. №_____
«____»_____200_й.

«ХХХ» МЧЖ кредиторлари талабларини қондириш ва қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида ташқи бошқарув режасида корхонани (бизнесни) мулкий мажмуа тарзида сотиш назарда тутилди.

20__й. _____даги __-сонли инвентаризация қилиш далолатномаси ва __-сонли баҳолаш далолатномасига мувофиқ, «ХХХ» МЧЖ балансида қуйидаги турдаги арзонбаҳо ва тез ишдан чиқадиган мол-мулки мавжуд:

1. Умумий қиймати _____сўм бўлган _____ (миқдори – 1 дона);

---

* Корхонани (бизнесни) бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишга розилик бериш ва унинг бошланғич нархини белгилаш ҳақидаги қарори намунаси қўлланманинг мазкур бўлимида Қонуннинг 110-моддаси шарҳига иловаларда келтириб ўтилганлиги боис, ҳужжат намунаси ушбу моддада келтирилмайди.

2. Умумий қиймати _____сўм бўлган _____ (миқдори – 3 дона);

3. Умумий қиймати _____сўм бўлган _____ (миқдори – 1 дона);

4. Умумий қиймати _____сўм бўлган _____ (миқдори – 1 дона);

5. Қуйидаги турдаги консерваланган маҳсулотлар:

– умумий қиймати _____сўм бўлган олма компоти (3 литрлик банкаларда, 200 та);

– умумий қиймати _____сўм бўлган олхўри компоти (3 литрлик банкаларда, 430 та);

– умумий қиймати _____сўм бўлган беҳи мураббоси (1 литрлик банкаларда, 380 та);

– умумий қиймати _____сўм бўлган олча мураббоси (800 грамлик банкаларда, 150 та);

– умумий қиймати _____сўм бўлган кабачки икраси (500 грамлик банкаларда, 250 та);

6. Қуйидаги хомашё қолдиқлари:

– умумий қиймати _____сўм бўлган 270 кг шакар;

– умумий қиймати _____сўм бўлган 20 кг ванилин;

– умумий қиймати _____сўм бўлган 35 л уксус;

– умумий қиймати _____сўм бўлган 42 кг туз.

Юқоридагиларга асосан ва «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 111-моддаси талабларига таяниб, кредиторлар йиғилишидан қарздорнинг юқорида кўрсатилган маҳсулотларини кимошди савдоси ўтказмаган ҳолда олди-сотди шартномалари асосида сотишга розилик беришни ва сотиш нархини кўрсатишни сўрайман.

Илова:

1. 20__й. _____даги мол-мулкни инвентаризация қилиш далолатномаси.
2. 20__й. _____даги «ХХХ» МЧЖ мол-мулкини баҳолаш далолатномаси.

«ХХХ»МЧЖ
ташқи бошқарувчиси _____

(Ф.И.Ш.)

Қонуннинг 112-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Ташқи бошқарувчининг талаб қилиш ҳуқуқларини очиқ кимошди савдосида сотиш ҳақида кредиторлар йиғилишига хати (аризаси)

«ХХХ» МЧЖ
кредиторлар йиғилиши

Чиқ.№ _____
«____»_____200_й.

Суднинг 20__ йил _____даги ажрими билан «ХХХ» МЧЖ нисбатан __ ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий этилган.

Қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш мобайнида аниқланишича, 20__ йил _____да «ХХХ» МЧЖ ва «КК» МЧЖ ўртасида __-сонли тузилган ва ушбу шартномага мувофиқ, «ХХХ» МЧЖ «КК» МЧЖга _____сўмлик товарни етказиб бериши, «КК» МЧЖ эса 20__ йил «___» _____гача етказиб берилган товар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олган.

Шартномага мувофиқ, 20__й. «___» _____да «ХХХ» МЧЖ «КК» МЧЖга __-сонли накладной бўйича _____ сўм миқдордаги товарни етказиб берган, бироқ «КК» МЧЖ шартномада кўрсатилган тўловни амалга оширмаган.

Шу тарзда, «КК» МЧЖ «ХХХ» МЧЖ олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган. «КК» МЧЖнинг «ХХХ» МЧЖ олдидаги қарзи _____ сўмни ташкил қилади.

20__й. «___» _____да жавобгарга қарзини тўлаш ҳақида __-сонли талабнома йўлланган, бироқ жавобгар чора кўрмаган.

Юқоридагиларга асосан ва «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 112-моддаси талабларига таяниб, кредиторлар йиғилишидан 20__ йил _____даги __-сонли маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича умумий қиймати _____ сўм бўлган талаб қилиш ҳуқуқини сотишга розилик беришни, шу билан биргаликда ҳуқуқларининг сотиш нархини ва бундай сотувнинг бошқа шартларини белгилашни сўрайман.

«ХХХ» МЧЖ
ташқи бошқарувчиси _____
(Ф.И.Ш.)

Илова № 2

Талаб қилиш ҳуқуқини, унинг нархини аниқлаган ҳолда, очиқ кимошди савдосида сотишга розилик бериш ҳақида кредиторлар йиғилишининг қарори

«ХХХ» масъулияти чекланган жамияти кредиторлари йиғилишининг

__ № БАЁННОМАСИ

Н. шаҳри _____20___й.

Қатнашдилар:
Кредиторлар:
– А.С. Акбаров (12%);
– Якубов Ш. (13%);
– Шомирзаев К.Л. (34%);
– М.Н. Акбарова (25%);
– Ф.Я. Сабиров (16%);
Ташқи бошқарувчи Тошниёзов С.Б.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Талаб қилиш ҳуқуқини, унинг нархини аниқлаган ҳолда, очиқ кимошди савдосида сотишга розилик бериш масаласини кўриб чиқиш.

Кредиторлар ушбу йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиб сифатида эса М.Н. Акбаровани сайлади.

Эшитилди: Йиғилиш раиси Ф.Я. Сабиров:
– 200__й. _____да «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчисидан 20__ йил _____даги __-сонли маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича умумий қиймати _____ сўм бўлган талаб қилиш ҳуқуқини сотишга розилик беришни, шу билан биргаликда ҳуқуқларининг сотиш нархини белгилашни сўраб мурожаат қилган.
Қандай таклифлар бор.

Сўзга чиқишди: 1. «Бизнес-Мадад» МЧЖ вакили Ш. Якубов:
– Ташқи бошқарувчига «Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 112-моддасига мувофиқ талаб қилиш ҳуқуқини очиқ кимошди савдосида сотишга розилик беришни таклиф этаман. Талаб қилиш ҳуқуқининг бошланғич баҳосини _____сўм миқдорда белгилашни сўрайман.

Бошқа таклифлар билдирилмади.

Кун тартибини муҳокама қилган ҳолда, «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ташқи бошқарувчига 20__ йил _____даги __-сонли маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича талаб қилиш ҳуқуқини _____ сўм бошланғич баҳосида сотишга розилик берилсин.

Овоз беришди:
«Тарафдорлар» – бир овоздан.
«Қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Қонуннинг 115-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарздорнинг мол-мулки асосида битта ёки бир нечта очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этиш орқали қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш ҳақида кредиторлар йиғилиши қарори

«XXX» масъулияти чекланган жамияти кредиторлари йиғилишининг

__ № БАЁННОМАСИ

Н. шаҳри _____20___й.

Қатнашдилар:
Кредиторлар:
– А.С. Акбаров (12%);
– Ш. Якубов (13%);
– К.Л. Шомирзаев (34%);
– М.Н. Акбарова (25%);
– Ф.Я. Сабиров (16%);
Ташқи бошқарувчи С.Б. Тошниёзов

КУН ТАРТИБИ:

1. Қарздорнинг мол-мулки асосида битта очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этиш орқали қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш ҳақида

Кредиторлар ушбу йиғилиш раиси этиб Ф.Я. Сабировни, котиб сифатида эса М.Н. Акбаровани сайлади.

Эшитилди: Йиғилиш раиси Ф.Я. Сабиров:

– Суднинг 20__ йил _____даги ажрими билан «ХХХ» МЧЖ нисбатан __ ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий этилган, ташқи бошқарувчи этиб эса Ф.И.О. тайинланган.

200__ й. _____даги кредиторлар йиғилиши томонидан ташқи бошқарув режаси тасдиқланган бўлиб, у қарздорнинг активлари ўрнини алмаштиришни назарда тутади.

Қарздор мол-мулкининг баҳоланган қиймати кредиторлар умумий талаблари миқдоридан ошмайди, шунинг учун активлари ўрнини алмаштириш ҳақида қарор чиқариш учун барча кредиторларнинг розилиги керак бўлади.

– 200__ й. _____да «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчисидан хат келган бўлиб, унда иш ҳақи бўйича, алиментларни ундириш тўғрисидаги талабларни қондириш учун ҳисобварақдан пул маблағларини ўтказишни ёки беришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари, муаллифлик шартномалари юзасидан ҳақ тўлаш бўйича, қарздорнинг меҳнатга оид муносабатлар ва уларга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи мажбурий тўловлар ва талаблар бўйича мажбуриятлари бир хил – тенг даражада бажарилишини таъминлайдиган, шунингдек, жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида фуқароларнинг мол-мулкларига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга доир талаблари бўйича қарзлар узилганлиги тўғрисида хабар берди.

Қарздорнинг мол-мулки асосида битта очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этиш орқали қарздорнинг активлари ўрнини алмаштиришни таклиф этаман.

Сўзга чиқишди: 1. «Семурғ» ХК вакили А.С. Акбаров:

– Ф.Я. Сабировнинг таклифини қўллаб-қувватлайман ва бугунги кунда активларни ўрнини алмаштириш кредиторлар талабларини тўлиқ қондиришга қаратилган энг тўғри қарор деб ҳисоблайман. ОАЖни ташкил этиш жараёнида, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 115-моддаси талабларига кўра, ташкил этилаётган жамият устав фондига қарздор – «ХХХ» МЧЖнинг мол-мулкини, яъни унинг 200_ йил _____даги инвентаризация далолатномасида кўрсатилган ҳамма активларини (бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа моддий бойликлари) киритиш ва янги ташкил этилаётган ОАЖнинг устав фонди миқдорини 200_ йил _____даги баҳолаш далолатномаси билан аниқланган қарздорнинг фондга киритилаётган мол-мулкини баҳолаш қиймати асосида белгилаш лозим.

Бошқа таклифлар билдирилмади.

Кун тартибини муҳокама қилган ҳолда, «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қарздор – «ХХХ» МЧЖнинг мол-мулки асосида, устав фонди _____ сўм бўлган битта очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этиш орқали қарздорнинг активлари ўрни алмаштирилсин.

2. Янги ташкил этилган ОАЖнинг акциялари кредиторлар ўртасида кредиторлар талаблари реестридаги улушларига пропорционал равишда тақсимлансин ва кредиторларга ОАЖнинг таъсисчилари бўлиш ҳуқуқи тақдим этилсин.

3. Жамиятни ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш «ХХХ» МЧЖнинг ташқи бошқарувчиси С.А. Тошниёзова зиммасига юклансин.

Овоз беришди:
«тарафдорлар» – бир овоздан;
«қарши» ва «бетараф»лар йўқ.

Йиғилиш раиси **Ф.Я. Сабиров**

Йиғилиш котиби **М.Н. Акбарова**

Қонуннинг 116-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботи

Н. вилояти хўжалик судига

_____

Чиқ. №_____
20__й. «____»_____

«Полюс» ОАЖнинг ташқи бошқарувчисининг ташқи бошқарув натижалари бўйича

ҲИСОБОТИ

1. Ташқи бошқарувни жорий этиш

Тошкент шаҳар хўжалик судининг № ____-сонли иш бўйича 20__ йил _____даги ажрими билан «Полюс» ОАЖга нисбатан __ ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий этилган.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг № ____-сонли иш бўйича 20__ йил _____даги ажрими билан «Полюс» ОАЖнинг ташқи бошқарувчиси этиб Сабиров Нигмат Нишанович тайинланган.

«Полюс» ОАЖнинг ташқи бошқарувчиси «Полюс» ОАЖнинг собиқ раҳбаридан печат ва штампларни, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиб олинган (20__ йил «___» _____даги олиш топшириш далолатномаси).

«Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонунига мувофиқ, ташқи бошқарув режаси (кейинги ўринларда ТБР) ишлаб чиқилган ва 20__ йил «___» _____ да кредиторлар йиғилиши томонидан бир овоздан маъқулланган.

2. Ташқи бошқарув режасини амалга ошириш чора-тадбирлари

ТБРга мувофиқ қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. Кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича илгари кўрилган чоралар бекор қилинган (банк ҳисоблари картотекада эди).

2. Ташқи бошқарувни амалга ошириш учун _____ ТБда х/р _____, МФО _____ махсус ҳисобварақ очилган.

3. Ташқи бошқарув жараёнида «Полюс» ОАЖнинг мол-мулки инвентаризация қилинган (20__ йил «___» _____ даги инвентаризация далолатномаси) ва кўчмас мулклари баҳоланган (мустақил баҳоловчи – _____ _____, 20__ йил «___» _____ даги № ___ баҳолаш далолатномаси).

4. Ташқи бошқарув жараёнида рентабелсиз ишлаб чиқариш соҳалари қайта ташкил этилди ва тугатилди.

5. * * * *(ТБРни амалга оширишнинг бошқа чора-тадбирлари)*

3. Қарздорнинг кредиторлик қарзларини узиш имкониятлари ҳақида маълумот

20__ йил «___» _____ ҳолатига кўра «Полюс» ОАЖнинг кредиторлик қарзлари _____ сўмни ташкил қилган (қаранг: 5 илова – кредиторлар талаблари реестри).

Мораторий эълон қилинган ва жорий кредиторлик қарзларини қондириш учун қуйидагилар қилинди:

1. Бўш иморатларни арендага беришдан келиб тушган _____ сўм миқдордаги маблағлар «Полюс» ОАЖнинг махсус ташқи бошқарув ҳисобварағида тўпланди.

2. * * * *(Бошқа чора-тадбирлар рўйхати)*

Юқорида санаб ўтилган чора-тадбирлар натижасида қуйидаги қарзлар узилади:

_____ сўм миқдордаги мораторий эълон қилинган кредиторлик қарзлари тўлиқ;

_____ сўм миқдордаги жорий кредиторлик қарзлари.

4. Хулоса ва таклифлар

«Полюс» ОАЖнинг махсус ташқи бошқарув ҳисобварағида _____ сўм миқдордаги кредиторлик қарзларни тўлиқ узишга етарли бўлган _____ сўм миқдордаги маблағлар тўпланган.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, ташқи бошқарувдан кўзланган мақсад – қарздор тўлов қобилиятини тиклаш амалга ошган.

Илтимос қиламан: «Полюс» ОАЖнинг тўлов қобилияти тикланганлиги боис, ташқи бошқарувни бекор қилиш ва кредиторлар билан ҳисоблашиш учун муддат белгилаш.

Илова:

1. «Полюс» ОАЖнинг 20__ йил «___» _____ баланси.
2. «Полюс» ОАЖнинг 20__ йил «___» _____ фойда ва зарарлари ҳисоби.
3. «Полюс» ОАЖнинг бўш турган пул маблағларининг мавжудлиги ҳақида маълумотнома (бўш турган пул маблағларининг мавжудлиги ҳақида банк маълумотномаси).
4. «Полюс» ОАЖнинг 20__ йил «___» _____ қолган кредиторлик қарзларининг расшифровкаси.
5. «Полюс» ОАЖнинг 20__ йил «___» _____ кредиторлари талаблари реестри.

«Полюс» ОАЖ ташқи бошқарувчиси **Сабиров Н.Н.**

Қонуннинг 117-моддаси шарҳига иловалар

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш натижалари бўйича кредиторлар йиғилиши томонидан қабул қилинадиган қарорлар намуналари Қўлланманинг 2 бўлимида Қонуннинг 117-моддаси шарҳига иловада келтириб ўтилганлиги боис, кўрсатиб ўтилган қарорлар намуналари ушбу моддада келтирилмайди.

Қонуннинг 118-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш ҳақида хўжалик судига хат

Хўжалик судига

_____

Чиқ. №_____
20__й.«____»_____

Суднинг 20__ йил _____даги ажрими билан «ХХХ» МЧЖ нисбатан __ ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий этилган, ташқи бошқарувчи этиб эса мен – Ф.И.О. тайинланган.

Кредиторлар йиғилиши томонидан ташқи бошқарув режаси тасдиқланган бўлиб, мазкур режага кўра, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг чора-тадбири сифатида ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш белгиланиб, натижада __ ой муддат ичида қарздорнинг тўлов қобилиятининг тикланиши кўзда тутилган.

Ташқи бошқарувнинг якунланиши муносабати билан мен томонимдан кредиторлар йиғилишига ҳисобот тақдим қилинган бўлиб, унда қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги боис, ташқи бошқарувни бекор қилиш ва кредиторлар билан ҳисоблашиш учун муддат белгилаш сўралган.

Ҳисоботни кўриб чиқиб, қарздор тўлов қобилияти тикланганлиги сабабли, кредиторлар йиғилиши судга ташқи бошқарувни тугатиш ва кредиторлар билан ҳисоблашишга ўтиш тўғрисида илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилинган.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида» ги Қонуннинг 118-моддасига асосланиб, «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчисининг _____ йилги ҳисоботини кўриб чиқиш ва тасдиқлашни сўрайман.

Илова:

1. Ташқи бошқарувчининг _____ йилги ҳисоботи.
2. «ХХХ»МЧЖ кредиторлар йиғилишининг _____ даги баённомаси;
3. «ХХХ» МЧЖ _____ даги кредиторлари талаблар реестри;
4. Кредиторлар йиғилишида қарши овоз берган кредиторларнинг шикоятлари.

«ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси _____

(Ф.И.Ш.)

Қонуннинг 123-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Ташқи бошқарувчининг ишларини тугатиш бошқарувчисига олиш-топшириш далолатномаси

«Полюс» ОАЖнинг ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа бойликларни олиш-топшириш

ДАЛОЛАТНОМАСИ

20 __ йил «___» _____ _____ ш.

Мазкур далолатнома тузилди шу ҳақдаким, «Банкротлик» тўғрисидаги қонуннинг 118-моддасига кўра «Полюс» ОАЖнинг ташқи бошқарувчиси Н.Н. Сабиров қуйидагиларни топширди, «Полюс» ОАЖнинг тугатиш бошқарувчиси _____ эса уларни қабул қилди:

«Полюс» ОАЖнинг мазкур далолатномага 1-иловада келтирилган оттисклардаги муҳр ва штамплари;

«Полюс» ОАЖнинг мазкур далолатномага 2-иловада келтирилган рўйхат бўйича бухгалтерия ҳужжатлари;

«Полюс» ОАЖнинг мазкур далолатномага 3-иловада келтирилган рўйхат бўйича таъсис ва рўйхатдан ўтиш ҳужжатларининг асл нусхалари;

«Полюс» ОАЖнинг мазкур далолатномага 4-иловада келтирилган рўйхат бўйича кўчмас мулк объектларига ҳуқуқ белгиловчи ва бошқа ҳужжатларнинг асл нусхалари;

«Полюс» ОАЖнинг мазкур далолатномага 5-иловада келтирилган рўйхат бўйича моддий ва бошқа бойликлари.

Илова:

1. «Полюс» ОАЖнинг муҳр ва штамплари оттисклари.
2. «Полюс» ОАЖнинг бухгалтерия ҳужжатларининг рўйхати.
3. «Полюс» ОАЖнинг таъсис ва рўйхатдан ўтиш ҳужжатларининг рўйхати.
4. «Полюс» ОАЖнинг кўчмас мулк объектларига ҳуқуқ белгиловчи ва бошқа ҳужжатларнинг рўйхати.
5. «Полюс» ОАЖнинг моддий ва бошқа бойликлар рўйхати.

ТОПШИРДИ:

«Полюс» ОАЖнинг ташқи бошқарувчиси _____ /Сабиров Н.Н./

ҚАБУЛ ҚИЛДИ:

«Полюс» ОАЖнинг тугатиш бошқарувчиси _____ _____

VII БОБ. ТУГАТИШГА ДОИР ИШ ЮРИТИШ

Қонуннинг 124-моддаси шарҳига иловалар

Қўлланманинг 2-бўлимида берилган Қонуннинг 124-моддаси иловаларида суд бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаси намунаси келтирилганлиги туфайли мазкур моддага илтимосноманинг намунаси келтирилмайди.

Қонуннинг 125-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Тугатиш бошқарувчиси томонидан қарздорнинг бошқарув органларини, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги муносабати билан уларнинг ваколатлари тугатилиши, шунингдек, қарздорнинг мол-мулкини бошқариш ва тасарруф этиш вазифаларини бажаришдан четлатилиши ҳақида хабардор этиш

«ХХХ» МЧЖнинг директорига

Чиқ. №___
«____»_____20__й.

ХАБАРНОМА

Тошкент шаҳар хўжалик судининг «___»_____ 20__й.даги №_____-сонли иши бўйича қабул қилган қарорига асосан «ХХХ» МЧЖ банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган, тугатиш бошқарувчиси этиб Ф.И.Ш. тайинланган.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 125-моддаси талабларига мувофиқ хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан қарздорнинг бошқарув органлари қарздорнинг мол-мулкини бошқариш ва тасарруф этиш вазифаларини бажаришдан четлаштирилади, қарздор раҳбарининг ваколатлари тугатилади, шунингдек, қарздорнинг мол-мулкини бошқариш ва тасарруф этиш бўйича мулкдорнинг ваколатлари тугатилади, қарздорнинг ишларини бошқариш тугатиш бошқарувчисига юклатилади.

Юқорида баён этилган ҳолатга асосланиб, Сизга «ХХХ» МЧЖ банкрот деб топилгани ва тугатишга доир иш юритиш бошлангани туфайли «ХХХ»

МЧЖнинг бошқарув органлари қарздорнинг мол-мулкини бошқариш ва тасарруф этиш вазифаларини бажаришдан четлаштирилганлигини маълум қиламан.

Илова:

1. Тошкент шаҳар хўжалик судининг «_____» _____ 20__й.даги №_____-сонли «ХХХ» МЧЖни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори.

«ХХХ» МЧЖнинг
тугатиш бошқарувчиси _____
(Ф.И.Ш.)

Хабарнома билан танишдим
«ХХХ» МЧЖнинг директори _____
(Ф.И.Ш.)

Қонуннинг 127-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Суд бошқарувчисининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш учун расмий нашрга хати

«Солиқ Инфо» газетаси таҳририяти

Чиқиш №____
«____»_____20___й.

Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан *«Ибрат»* ОАЖ банкрот деб топилгани муносабати билан қуйидаги маълумотни эълон қилишни сўрайман:

«Қарздор _____ жойлашган «Ибрат» очиқ акциядорлик жамияти Тошкент шаҳар хўжалик судининг 20 __ й, «___» _____даги №__-сонли иш бўйича қабул қилган қарори билан ночор (банкрот) деб топилди ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланди.

«Ибрат» ОАЖга нисбатан кредиторларнинг талабларини билдириш учун мазкур маълумот эълон қилинган кундан эътиборан 2 ҳафта белгиланди.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 20 __ й, «___» _____даги №__-сонли иш бўйича қабул қилган қарори (ажрими) билан Маҳкамов Нурмат Насимович тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланди.

Кредиторларнинг талаблари қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:____ _____».

Тўловга кафолот берамиз.

«Ибрат» ОАЖнинг
тугатиш бошқарувчиси **Маҳкамов Н.Н.**

Қонуннинг 128-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Тугатиш бошқарувчисининг қарздорнинг пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлган учинчи шахсларга нисбатан талаби

«Кристалл» ХК муассисига
(Ф.И.Ш.)

Чиқиш № ____
«___» ___ 200_й.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 20 __ й, «___» _____ даги №__-сонли иш бўйича қабул қилган қарори билан «Кристалл» ХК.,СТИР_____, юридик манзили: _____, банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган, тугатиш бошқарувчиси этиб _____ Ф.И.Ш тайинланган.

Қарздорнинг мол-мулкини қидириш ва уни қайтариш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш вақтида тугатиш бошқарувчиси томонидан қарздор «Кристалл» ХК муассисининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун талабларига кўра Фуқаролик кодексининг 48-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келувчи, яъни қарздорнинг мол-мулкига жиддий зарар етказган ва уни банкротлик ҳолатига тушишига сабаб бўлган ҳаракатларини тасдиқловчи ҳужжатлар топилди.

Хусусан, қарздор «Кристалл» ХКнинг Уставига мувофиқ қарздор учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган қарздорнинг муассиси _____ (Ф.И.Ш. муассиснинг манзили) томонидан _____ тўғрисида қарор қабул қилинган (ҳужжатнинг № рақами ва санаси, қарздор муассисининг қарздорни айнан банкротликка олиб келган ҳаракатлари баён этилади).

Юқорида баён этилган ҳолатга асосланиб ва қарздорнинг мол-мулки етишмаслиги туфайли Сиз кредиторлар талаблари ва тугатиш массаси ўртасидаги _____сўм миқдордаги фарқни «Кристалл» ХКнинг тугатиш ҳисобварағига киритишингиз (ўтказишингиз) лозим.

Илова:

(Суд бошқарувчисининг талабларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар рўйхати).

«ХХХ» МЖЧнинг
тугатиш бошқарувчиси _____

(Ф.И.Ш.)

Илова № 2

Тугатиш бошқарувчисининг ходимларга улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш хақидаги хабарномаси

Қарздор ходимига
(Ф.И.Ш.)

Чиқиш №____
«_____»_____20___й.

ХАБАРНОМА

Ҳурматли _____!

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 20 __ й, «___» _____даги №__-сонли иш бўйича қабул қилган қарори билан «Ибрат» очиқ акциядорлик жамияти банкрот деб топилди ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланди.

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 20 __ й, «___» _____даги №__-сонли иш бўйича қабул қилган ажрими билан Маҳкамов Нурмат Насимович «Ибрат» ОАЖнинг тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланди.

Шу сабабдан ҳамда ЎзР Меҳнат кодекси 102-моддасига асосан Сизга «___» _____20__ й.дан эътиборан корхонанинг тугатилиши туфайли тез орада меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида маълум қиламан.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ушбу хабарнома топширилган кундан эътиборан икки ҳафта мобайнида Сиз меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилишингиз шарт, кўрсатилган муддат тугагач эса Сиз билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади.

«Ибрат» ОАЖнинг
тугатиш бошқарувчиси Н.Н. Маҳкамов

Хабарнома билан танишдим, ишдан бўшатиш, имтиёз ва компенсацияларнинг берилиш тартиби менга тушунтирилди.

«___» _____ 20__ йил _____ /_____/

Илова № 3

Кредиторларни қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида хабардор этиш.

Раҳбарга

_____
(кредитор-ташкилотнинг номи)
манзили:

Чиқ. № ____

«___» ___ 20__й.

ХАБАРНОМА

Ушбу билан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 20 __ й, «___» _____ даги №__-сонли иш бўйича қабул қилган қарори билан «Кристалл» ХК., СТИР _____ юридик манзили _____ банкрот деб топилган ва корхонага нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган, тугатиш бошқарувчиси этиб Шокиров Собир Владимирович тайинланган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ қарздор банкрот деб топилган пайтдан эътиборан қарздорнинг барча пул мажбуриятларини бажариш муддати бошланган деб ҳисобланади Мазкур Қонунда белгиланган тартибда Сиз томондан қарздор «Кристалл» ХКга нисбатан талаблар билдирилиши мумкин.

Талабларни мазкур хабарномани олган кундан эътиборан бир ой ичида тугатиш бошқарувчисига юбориш лозим.

Талаблар тугатиш бошқарувчисига кўрсатилган талаблар мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни (шартномалар, юк хатлари, қабул қилиш-топшириш актлари ва ш.к.) илова қилган ҳолда юборилади. Пул талаблари миқдори суднинг қонуний кучга кирган қарори билан ёки қарздор томонидан мазкур талаблар тан олингани ҳақида гувоҳлик берувчи ҳужжатлар (қарздор томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномари) билан тасдиқланиши лозим.

Талаблар ушбу манзилга юроборилиши лозим _____.

Қарздор «Кристалл» ХК банкрот деб топилгани ҳақидаги маълумотлар «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тартибда эълон қилинади.

Илова:

1. Тошкент шаҳар хўжалик судининг «___»_____ 20__й.даги. №_____-сонли қарори (нусхаси)

«Кристалл» ХКнинг
тугатиш бошқарувчиси _____ **С.Шокиров**

Илова № 4

Тугатиш бошқарувчисининг қарздорга хизмат қилувчи банкка қарздорнинг ягона ҳисобварағини очиш тўғрисидаги хабарномаси

Банк _____

Чиқ. №____
«____»_____20__й.

ХАБАРНОМА

Тошкент шаҳар хўжалик судининг «___»_____ 20__й.даги №_____-сонли иши бўйича қабул қилган қарорига асосан «ХХХ» МЧЖ банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш башланган.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 20 __ й, «___» _____даги №__-сонли иш бўйича қабул қилган ажрими билан «ХХХ» МЧЖнинг тугатиш бошқарувчиси этиб Ф.И.Ш. тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 132-моддаси талабларига кўра тугатиш бошқарувчиси тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг фақат битта (ягона) ҳисобварағидан фойдаланиши шарт. Қарздорнинг банкдаги тугатишга доир иш юритиш бошланаётган пайтда маълум бўлган, шунингдек, тугатишга доир иш юритиш жараёнида аниқланган бошқа ҳисобварақлари аниқланиши биланоқ ёпилиши лозим. Қарздорнинг ана шу ҳисобварақлардаги пул маблағлари қолдиғи қарздорнинг ягона ҳисобварақларига ўтказилиши лозим.

Юқорида баён этилган ҳолатдан келиб чиқиб Сиздан «ХХХ» МЧЖнинг янги ягона (сўмдаги ва валютадаги) ҳисобварақ очишингизни ва тегишли равишда «ХХХ» МЧЖга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланаётган пайтда «ХХХ» МЧЖнинг Сизнинг банкда маълум бўлган ҳисобварақларини, ушбу ҳисобварақлардаги пул маблағлари қолдиғини юқорида кўрсатилган ягона ҳисобваракқа ўтказган ҳолда ёпишингизни сўрайман.

«ХХХ» МЧЖнинг ҳисобварақлари ёпилгани ҳақида расмий ёзма равишда хабар беришингизни сўрайман.

Илова:

Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида «___»_____ 20__й.даги №_____-сонли қарори.

«ХХХ» МЧЖнинг
тугатиш бошқарувчиси _____
(Ф.И.Ш.)

Илова № 5

Тугатиш бошқарувчисининг суд қарорларини ижро этиш департаменти ҳудудий органига қарздор банкрот деб эълон қилингани ва тугатишга доир иш юритиш бошлангани тўғрисида хабарномаси

Суд қарорларини ижро
этиш департаментига

Чиқиш №____
«____»_____20__й.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 20 __ й, «___» _____даги №__-сонли иш бўйича қабул қилган қарори билан «Ибрат» очиқ акциядорлик жамияти банкрот деб топилди ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланди.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 20 __ й, «___» _____даги №__-сонли иш бўйича қабул қилган ажрими билан Маҳкамов Нурмат Насимович «Ибрат» ОАЖнинг тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланди.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 125-моддасига мувофиқ қарздор банкрот деб топилган пайтдан эътиборан:

– қарздорнинг илгари хатланган мол-мулклари хатловдан чиқарилади ва қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этишга доир барча чекловлар ҳам олиб ташланади. Қарздорнинг мол-мулкини хатлашга ва қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этишга доир бошқа чекловларга йўл қўйилмайди;

– қарздорга нисбатан барча талаблар фақатгина тугатишга доир иш юритиш доирасида билдирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ қарздор банкрот деб топилган тақдирда қарздорнинг мол-мулкини сақлаб қолиш мақсадида суд ижрочисида турган барча ижро ҳужжатлари тугатиш бошқарувчисига берилади ва бу ҳақда ундирувчиларга хабар қилинади.

Юқоридагиларга асосланиб Сиздан:

– қарздор «Ибрат» ОАЖнинг мол-мулкини хатловдан чиқариш;

– «Ибрат» ОАЖнинг тугатиш бошқарувчисига ижро ҳужжатларини беришингизни сўрайман.

«Ибрат» ОАЖнинг тугатиш бошқарувчиси манзили: _____.

Илова:

Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарори нусхаси

«Ибрат» ОАЖнинг
тугатиш бошқарувчиси **Маҳкамов Н.Н.**

Илова № 6

Тугатиш бошқарувчисининг давлат архиви органига қарздорнинг ҳужжатларини сақлашга топшириш ҳақидаги хати

Давлат архиви

_____

Чиқ. №_____
«____»_____20__й.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг «___»_____ 20__й. даги №__-сонли иши бўйича қабул қилган қарорига асосан «ХХХ» МЧЖ юридик манзили _____банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш башланган ҳамда тугатиш бошқарувчиси этиб Ф.И.Ш. тайинланган.

Тугатиш бошқарувчиси тайинланган пайтдан эътиборан қарздорнинг ишларини бошқариш ҳамда қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этиш бўйича барча ваколатлар унинг зиммасига ўтади.

ЎзРнинг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 128-моддасига биноан тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг сақланиши лозим бўлган ҳужжатларини сақлашга топшириши шарт.

Юқоридагиларга асосланиб Сиздан иловага мувофиқ қарздор – «ХХХ» МЧЖнинг ҳужжатларини сақлашга қабул қилишингизни сўрайман.

Илова:

1. Қарздор «ХХХ»МЧЖга нисбатан чиқарилган суд қарорлари;
2. «ХХХ»МЧЖнинг бухгалтерия ҳужжатлари;
3. Инвентаризация, баҳолаш далолатномалари ва бошқалар.

«ХХХ»МЧЖнинг
тугатиш бошқарувчиси _____

(Ф.И.Ш.)

Илова № 7

Тугатиш бошқарувчисининг қарздорнинг бошқарув органларига (ташқи бошқарувчига) қарздорнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликларини ўз вақтида топшириш ҳақидаги хати

Қарздорнинг бошқарув органи
(*Ташқи бошқарувчига*)

Чиқ. № ____
«___» _____ 20__й.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг «___»_____ 20__й. даги №__-сонли иши бўйича қабул қилган қарорига асосан «ХХХ» МЧЖ юридик манзили _____банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш башланган ҳамда тугатиш бошқарувчиси этиб Ф.И.Ш. тайинланган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга асосан тугатиш бошқарувчиси тайинланган пайтдан эътиборан қарздорнинг ишларини бошқариш ҳамда қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этиш бўйича барча ваколатлар унинг зиммасига ўтади. Қарздор бошқарув органлари (ташқи бошқарувчи) ваколатлари тугатилади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонун талабларига кўра қарздорнинг бошқарув органлари (ташқи бошқарувчи) тугатиш бошқарувчиси тайинланган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида қарздорнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликлари тугатиш бошқарувчисига топширилишини таъминлайди.

Мазкур мажбуриятни бажаришдан бош тортилган тақдирда, қарздорнинг бошқарув органлари (ташқи бошқарувчи), шу жумладан, қарздорнинг раҳбари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонун талабларига кўра қарздорнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликлари кўрсатилган муддатларда топширилишини таъминлашни сўрайман.

Қарздор «ХХХ» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги маълумотлар Қонунда белгиланган тартибда эълон қилинади.

Илова:

Тошкент шаҳар хўжалик судининг «___»_____ 20__й.
№_____-сонли иш бўйича қарори.

«ХХХ» МЧЖнинг
тугатиш бошқарувчиси _____
(Ф.И.Ш.)

Илова № 8

Тугатиш бошқарувчисининг қарздорнинг бошқарув органларига нисбатан улар томонидан қарздорнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликлари ўз вақтида топширилмаганлиги туфайли тегишли чораларни кўриш ҳақидаги хўжалик судига аризаси

бурчак штампи

чиқ.№___/ сана

_____ шаҳар хўжалик суди

АРИЗА

Тошкент шаҳар хўжалик судининг «___»_____ 20__й.даги №__-сонли иши бўйича қабул қилган қарорига асосан «ХХХ» МЧЖ юридик манзили _____банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш башланган ҳамда тугатиш бошқарувчиси этиб Ф.И.Ш. тайинланган.

Тугатиш бошқарувчиси тайинланган пайтдан эътиборан қарздорнинг ишларини бошқариш ҳамда қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этиш бўйича барча ваколатлар унинг зиммасига ўтади. Қарздор бошқарув органлари (ташқи бошқарувчиси)нинг барча ваколатлари тугатилади.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 128-моддаси талабларига мувофиқ қарздорнинг бошқарув органлари (ташқи бошқарувчи) тугатиш бошқарувчиси тайинланган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида қарздорнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликлари тугатиш бошқарувчисига топширилишини таъминлашлари шарт.

Қарздор «ХХХ» МЧЖнинг бошқарув органига улар томонидан қарздорнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликларини ўз вақтида топшириш ҳақидаги _____20__й. №__-сонли хат юборилган эди. Бироқ бугунги кунга қадар қарздор бошқарув органи томонидан қарздорнинг моддий бойликларини топшириш юзасидан ҳеч қандай амалий ҳаракатлар амалга оширилмади.

Келтирилган ҳолатга асосланиб Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига биноан қарздорнинг бошқарув органларига нисбатан улар томонидан қарздорнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликлари ўз вақтида топширилмаганлиги туфайли тегишли чораларни кўришни сўрайман.

Илова:

Суд бошқарувчисининг қарздорнинг бошқарув органига қарздорнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликларини топшириш лозимлиги ҳақидаги хати нусхаси.

«ХХХ» МЧЖнинг
ташқи бошқарувчиси _____
(Ф.И.Ш.)

Қонуннинг 130-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Тугатиш бошқарувчисининг кредиторлар йиғилишига тугатиш массасини шакллантириш ҳақидаги хати

«ХХХ» МЧЖнинг
кредиторлар йиғилишига

Чиқиш. № ____
«___» _____ 20__й

Тошкент шаҳар хўжалик судининг «___»_____ 20__й.даги №__-сонли иши бўйича қабул қилган қарорига асосан «ХХХ» МЧЖ юридик манзили _____банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш башланган ҳамда тугатиш бошқарувчиси этиб Ф.И.Ш. тайинланган.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 128-моддаси талабларига мувофиқ тугатиш бошқарувчиси тайинланган пайтдан эътиборан қарздорнинг ишларини бошқариш ҳамда қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этиш бўйича барча ваколатлар унинг зиммасига ўтади.

Корхонада инвентаризация ўтказиш вақтида «ХХХ» МЧЖнинг мол-мулки таркибида _____манзилида жойлашган болалар соғломлаштириш мажмуаси борлиги аниқланди. Мазкур мажмуа қолдиқ қиймати бўйича маҳаллий ҳокимият органига топширилган.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 128-моддаси талабларига мувофиқ қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиш жараёнида шунингдек, қарздорнинг учинчи шахсларда турган мол-мулкини қидириш, аниқлаш ва қайтаришга қаратилган чораларнинг кўрилиши натижасида, мол-мулкни инвентаризация қилиш ва баҳолаш ҳужжатлари асосида қарздор «ХХХ» МЧЖнинг тугатиш массаси шакллантирилган эди. У қуйидагилардан ташкил топади:

1. Бино (номи, тўлиқ тавсифи, қиймати);

2. Бино (номи, тўлиқ тавсифи, қиймати);

3. Транспорт воситаси (номи, тўлиқ тавсифи, қиймати) ва бошқалар.

Баён этилган ҳолатга асосланиб Сизни «ХХХ» МЧЖнинг тугатиш массасини тўлиқ шакллантириш ҳақида хабардор қиламан.

Илова:

Қарздор мол-мулкини инвентаризация қилиш ва баҳолаш далолатномаси.

«ХХХ» МЧЖнинг
тугатиш бошқарувчиси _____

(Ф.И.Ш.)

Илова № 2

Тугатиш бошқарувчисининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарздорнинг балансида турган ижтимоий ва коммунал инфратузилма объектларини уларнинг балансига ўтказиш тўғрисидаги хати

_____ ш. ҳокимияти

Чиқ. №___
«__»____20__й.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 20 __ й, «___» _____даги №__-сонли иш бўйича қабул қилган қарори билан «ХХХ» очиқ акциядорлик жамияти банкрот деб топилди ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланди.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 20 __ й, «___» _____даги №__-сонли иш бўйича қабул қилган ажрими билан Маҳкамов Николай Николаевич «ХХХ» ОАЖнинг тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланди.

Мол-мулкни инвентаризация қилиш жараёнида «ХХХ» ОАЖнинг мол-мулки таркибида қуйидагилар борлиги аниқланди:

1. _____да жойлашган болалар пансионати;

2. _____да жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳи;

3. _____да жойлашган болалар шифохонаси.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 128-моддаси талабларига мувофиқ қарздорнинг балансида белгиланганидан бошқа мақсадда, шу жумладан,

тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлмаган ижтимоий ва коммунал инфратузилма объектлари бўлса, қарздор банкрот деб эълон қилинган пайтдан эътиборан бир ой ичида улар қолдиқ қиймати бўйича тугатиш бошқарувчиси томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига топширилади.

Юқоридаги ҳолатга асосланиб ўз балансингизга юқорида кўрсатилган объектларни қабул қилишни сўрайман.

Илова:

1. Хўжалик судининг _____20__й. № _-сонли қарори нусхаси;
2. 20__й.__даги «ХХХ» ОАЖнинг мол-мулкини инвентаризация қилиш ҳужжати;
3. _____20__й. «ХХХ» ОАЖнинг мол-мулкини баҳолаш ҳужжати.

«ХХХ» ОАЖнинг
тугатиш бошқарувчиси **_____** **Маҳкамов Н.Н.**

Қонуннинг 132-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Тугатиш бошқарувчисининг ягона сўм ва валютадаги ҳисобварақларга келиб тушган пул маблағларидан фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботи

«ХХХ» МЧЖнинг кредиторлар йиғилиши раисига

Чиқ. № ____
«____»_____ 20 __ йил

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида «ХХХ» МЧЖнинг пул маблағларидан фойдаланганлик тўғрисидаги

ҲИСОБОТ

	Миқдор, сўм
Кирим	
1. Мол-мулк, иш, хизмат ва ҳ.к.ни реализация қилишдан тушган маблағлар (сатрма-сатр баён этган ҳолда)	
…	
…	
2. Дебиторлик қарзини ундириш (дебитор кўрсатилган ҳолда)	
…	
…	
ЖАМИ	
Харажат	
1. Тугатишга доир иш юритиш билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан	
Суд билан боғлиқ харажатлар	
Суд бошқарувчисининг иш ҳақи	
Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга жорий тўловлар	
Иш юритувни олиб боришга сарфланадиган жорий харажатлар	
Коммунал хизматлар	

	Миқдор, сўм
Бошқа харажатлар, шу жумладан	
… кузатув жараёнида	
…ташқи бошқарув жараёнида	
… тугатишга доир иш юритув жараёнида қилинадиган харажатлар	
2. Кредиторлик қарзини 134-моддада назарда тутилган навбатга мувофиқ узиш	
1-навбат	
2-навбат	
3-навбат	
4-навбат	
5-навбат	
6-навбат	
ЖАМИ	

«XXX» МЧЖнинг
тугатиш бошқарувчиси _____

(Ф.И.Ш.)

Қонуннинг 134-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Тугатиш бошқарувчисининг кредиторлар талаблари бўйича охирги тўловни амалга оширилгани тўғрисидаги хабари

«Солиқ Инфо» газетаси таҳририяти

Чиқ. №____
«____»____ 20__й.

Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан «ХХХ» МЧЖ банкрот деб топилгани туфайли жамият томонидан охирги тўлов амалга оширилгани тўғрисида қуйидаги мазмундаги хабарни эълон қилишни сўрайман:

«_____да жойлашган «ХХХ» МЧЖ., Тошкент шаҳар хўжалик судининг 20 __ й, «___» _____даги №__-сонли иш бўйича қабул қилган қарори билан банкрот деб топилди ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 20 __ й., «___» _____даги №__-сонли иш бўйича қабул қилган қарори (ажрими) билан Ф.И.Ш. тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

Тугатиш жараёнида суд бошқарувчиси томонидан «ХХХ» МЧЖнинг кредиторлар реестрида кўрсатилган кредиторлар талабларини, ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 134-моддаси талабларига мувофиқ, ўз вақтида узиш учун зарур бўлган чоралар кўрилган.

Кредиторлар талабларини узиш бўйича охирги тўлов _____20__й. амалга оширилган.

Кредиторлар талабларини қондириш юзасидан амалга оширилган тўловлар тўғрисида батафсил маълумотни олиш учун мазкур хабар эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида _____ манзилига мурожаат этиш лозим».

Тўлов кафолатланади.

«ХХХ» МЧЖнинг
тугатиш бошқарувчиси _____
(Ф.И.Ш.)

Қонуннинг 135-моддаси шарҳига иловалар*

Илова № 1

Тугатиш бошқарувчисининг кредиторлар йиғилишига қарздорнинг мол-мулкини сотиш (жадвали) муддатларини ўзгартириш юзасидан таклифларни кўриб чиқиш ҳақидаги хати

«ХХХ» МЧЖнинг
кредиторлар йиғилиши

Чиқ. № ____
«___» _____ 200_й.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг «___»_____ 20__й.даги №__-сонли иши бўйича қабул қилган қарорига асосан «ХХХ» МЧЖ юридик манзили: _____банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш башланган ҳамда тугатиш бошқарувчиси этиб Ф.И.Ш. тайинланган.

____20__й. бўлиб ўтган «ХХХ» МЧЖнинг кредиторлар йиғилишида қарздорнинг мол-мулкини сотиш (жадвал) тартиби ва муддатлари маъқулланган эди. Бироқ айни вақтда қарздорнинг мол-мулкини сотиш жадвалини белгиланган муддатларда бажаришга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар (_____ _____) юз берди. Шу туфайли мен томондан мол-мулкни сотиш (жадвали) муддатларини ўзгартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Ушбу ҳолатга кўра ҳамда ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 135-моддасига, асосан «ХХХ» МЧЖнинг мол-мулкини сотиш (жадвали) муддатларини ўзгартириш бўйича билдирилган таклифларни кўриб чиқиш ва маъқуллашни сўрайман.

Илова:

«ХХХ» МЧЖнинг мол-мулкини сотиш (жадвали) муддатларини ўзгартириш бўйича таклифлар.

«ХХХ» МЧЖнинг
тугатиш бошқарувчиси _____

(Ф.И.Ш.)

* Қўлланманинг 2-бўлимида Қонуннинг 135-моддаси иловаларида тугатиш бошқарувчисининг қарздорнинг мол-мулкини сотиш (жадвали) тартиби ва муддатлари юзасидан келиб чиққан келишмовчиликларни ҳал қилиш ҳақидаги хўжалик судига аризасининг намунаси келтирилганлиги боис мазкур моддада ушбу ҳужжатнинг намунаси келтирилмайди.

Қонуннинг 137-моддаси шарҳига иловалар

Қўлланманинг мазкур бўлими Қонуннинг 115-моддаси иловаларида кредиторлар йиғилишининг қарздорнинг мол-мулки асосида битта ёки бир нечта очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этиш орқали қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш масаласи юзасидан қарорининг намунаси келтирилганлиги боис мазкур моддада намуна келтирилмади.

Қонуннинг 138-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Воз кечиш ҳақи тўғрисида битим

ВОЗ КЕЧИШ ҲАҚИ ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ _____ N

_____ шаҳар «____» _____200 _ й.

_____(бундан буён – Кредитор) _____ номидан _____ асосида ҳаракат қилувчи, бир тарафдан, ва _____ (бундан буён – Қарздор), _____ номидан _____ асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи тарафдан, биргаликда «Тарафлар», алоҳида эса – «Тараф», қуйидагилар тўғрисидаги мазкур битимни туздилар:

1. «___» _____200__йил тузилган ___-сонли Битим (бундан буён – Битим)га биноан Кредитор ва Қарздор ўртасида _____ мажбурияти вужудга келди.

2. Битим шартларига кўра Қарздор қуйидаги ҳаракатларни бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олди:_____ _____, Кредитор эса: _____ _____.

3. Ушбу Битим шартларига кўра Қарздор _____ бўйича мажбуриятини бажариш ўрнига Битимнинг __ бандига асосан қуйидаги шаклда _____ воз кечиш ҳақи бериш мажбуриятини олади.

4. Ушбу Битим шартларига кўра воз кечиш ҳақи миқдори _____ _____ни ташкил этади.

5. Кредитор Қарздор томонидан мазкур Битимнинг 3-бандига асосан тақдим этиладиган воз кечиш ҳақини Битимнинг ___ бандида кўрсатилган мажбуриятни бажариш ўрнига қабул қилиш мажбуриятини олади.

6. Қарздор воз кечиш ҳақини ушбу Битим кучга кирган пайтдан эътиборан ____ ичида беради.

7. Ушбу Битимнинг 3-бандида кўрсатилган воз кечиш ҳақини бериш учун Қарздор қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

_____

_____

_____

8. Кредитор томонидан ушбу Битимнинг 3,5,6-бандлари шартларига мувофиқ воз кечиш ҳақининг қабул қилиниши билан Шартнома бўйича келиб чиққан мажбурият, Тарафларнинг Шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари тугаган ҳолда, бекор бўлади.

9. Қарздор ушбу битимнинг 3-бандига кўра воз кечиш ҳақини беришдан воз кечган, шунингдек, ушбу битимнинг 6, 7-бандлари шартларини бузган тақдирда Кредитор мазкур битимнинг шартларини бажаришдан бир томонлама воз кечишга ҳақли.

10. Қарздор учун ушбу битимниг 3-бандига кўра воз кечиш ҳақини бериш имкони бўлмай қолган тақдирда, Қарздор ушбу битимни бажаришдан бир томонлама воз кечишга ҳақли.

11. Ушбу битимнинг 9, 10-бандларида кўрсатилган ҳолларда Тарафлардан бири томонидан бошқасига йўлланган воз кечишнинг сабаблари кўрсатилган ёзма хабарнома олинган кундан бошлаб _____ кечикмасдан Битим бекор бўлган ҳисобланади.

12. Ушбу битим 9, 10-бандларда кўрсатилган асослар бўйича бекор қилинган тақдирда Қарздор Кредиторга _____сўм миқдорда _____ тўлашга ва етказилган зарарни тўлиқ қоплашга мажбур.

13. Ушбу битим 12-бандига биноан Қарздор томонидан неустойка тўланса, шунингдек, зарар қопланса, Қарздор воз кечиш ҳақини беришдан озод бўлади, лекин унинг зиммасида Кредиторнинг талабига кўра Шартноманинг _____ бандига мувофиқ қуйидагини амалга ошириш мажбурияти қолади: _____ _____.

14. Тарафлар ушбу битим шартлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгар бўладилар, башарти улар, бу ушбу битим тузилгандан сўнг фавқулодда ҳодисалар натижасида, енгиб бўлмас кучлар (форс-мажор) таъсирида юз берган ҳолатлар туфайли содир бўлганини ҳамда бу ҳолатлар Тарафлар олдиндан кўра билмайдиган ва оқилона чоралар билан олдини ололмайдиган ҳолатлар эканлигини ҳамда Тарафлар ўз мажбуриятларини бажариш учун ўзларига боғлиқ бўлган барча чораларни кўрганлигини исботлаб бера олмасалар.

15. Форс-мажор ҳолатлар юз берганлиги ҳақида Тарафлар улар юз берган пайтдан эътиборан _____кун ичида бир-бирини хабардор этишлари шарт.

16. Форс-мажор ҳолатлар юз берган тақдирда ушбу битим шартларини бажариш муддати шундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари ҳаракатда бўладиган даврга чўзилади.

17. Форс-мажор ҳолатлар ҳаракатда бўладиган муддат ўтиши мобайнида, Қарздор ушбу шартнома 3 бандига биноан ўрнига воз кечиш ҳақи берилади-ган Шартнома бўйича бошланғич ҳаракатларни _____ _____ тарзда амалга оширишга ҳақли. Бу ҳолатда ушбу шартноманинг амал қилиши Шартномадан келиб чиққан _____ _____ мажбуриятнинг тугаган пайтидан бошлаб бекор бўлади.

18. Тарафлар ушбу битимни ўзаро келишувга асосан ҳар қандай вақтда бекор қилишлари, шунингдек, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишлари мумкин.

19. Ушбу битимдан келиб чиқувчи низолар Тарафлар ўртасида музокаралар йўли билан, шартларни ўзаро келишиш ёки низоларни судгача ҳал қилишнинг бошқа усуллари, шу жумладан талабнома тартиби билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда низо хўжалик судига ёки (Тарафлар келишувига кўра) ҳакамлик судига кўриб чиқиб ҳал этишга топширилади.

20. Ушбу битим Тарафлар томонидан имзолангандан (муҳрлар қўйилгандан) кейин тузилган ҳисобланади ва кучга киради.

21. Ушбу битимнинг амал қилиши Қарздор томонидан Кредиторга ушбу битимнинг 3 бандига кўра воз кечиш ҳақи берилган, шунингдек, у Тарафларнинг ўзаро келишувига кўра бекор қилинган ҳамда ушбу битимнинг 8–10-бандларига мувофиқ бир томонлама бекор қилингандан кейин тугайди.

22. Ушбу битим Тарафларнинг ҳар бири учун __ нусхада ва ўзбек тилида тузилди.

23. Тарафлар реквизитлари:

Кредитор:	**Қарздор:**
_____	_____
_____	_____

Қонуннинг 139-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Тугатиш бошқарувчисининг ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботи

Тошкент шаҳар
хўжалик суди

ҲИСОБОТ

«ХХХ» МЧЖнинг ўтказилган тугатишга доир иш юритуви нажиталари ҳақида

1. Қарздор ҳақида умумий маълумотлар
Қарздор «ХХХ» МЧЖнинг номи
СТИР коди _____
Юридик манзили: _____
Рўйхатдан ўтганлик гувоҳномаси №_____
Рўйхатдан ўтиш санаси _____
Давлат рўйхатидан ўтиш жойи _____
Почта манзили _____
ХХТУТ коди _____
ОКДП коди _____
МҲОБТ коди _____
ТХШТ коди _____
ДБИБТ коди _____
Устав капитали миқдори _____
Устав капиталидаги давлат улуши _____
Фаолитиниг асосий турлари _____
Ходимлар сони _____

«ХХХ» МЧЖ _____ томонидан
(қайерда, қачон, ким томондан)
ташкил этилган.

«ХХХ» МЧЖнинг _____ давр мобайнидаги молиявий-хўжалик фаолияти учун раҳбар _____ ва бош ҳисобчи _____лар жавобгар бўлганлар.

2. Тугатиш бошқарувчиси вазифаларининг бажарилиши

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 20__ й, «___» _____даги №__-сонли иш бўйича қабул қилган қарори билан «ХХХ» масъулияти чекланган жамияти банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 20 __ й, «___» _____даги №__-сонли иш бўйича қабул қилган ажрими билан Маҳкамов Нурмат Насимович «ХХХ» МЧЖнинг тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

Тугатишга доир иш юритиш муддати ____ ой.

2.1. Тугатишга доир иш ютритишнинг очилиши тўғрисидаги маълумотлар: _____ «__» _____ 20 __ й. (№ ___)да;

_____ «__» _____ 20 __ й. (№ ___) да эълон қилинган.

2.2. Қарздорнинг ходимлари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш «___» _____ 20 __ йилда тугаган.

Қарздорнинг ҳисобварақлари: «___» _____ 20__й. қарздорнинг ягона ҳисобварағи очилган:

_____

(ҳисобварақ реквизитлари)

«ХХХ» МЧЖнинг бошқа ҳисобварақлари:

_____ ёпилган санаси: «___» _____ 20__ й.

(ҳисобварақ реквизитлари)

_____ ёпилган санаси: «___» _____ 20__ й.

(ҳисобварақ реквизитлари)

2.4. Қарздорнинг мол-мулкини қабул қилиб олиш

«__» _____ 20 __ й.ги қабул қилиш-топшириш далолатномасига асосан тугатиш бошқарувчиси жамият раҳбаридан «ХХХ» МЧЖнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликларини қабул қилиб олди.

2.5. Кредиторлар талабларини кўриб чиқиш, кредиторлар талаблари реестрини юритиш.

Кредиторлар талабларини билдиришга ажратилган муддат __ ой.

20__ й. «___» _____га нисбатан кредиторлар талаблари миқдори:

(реестрнинг ёпилиш санаси)

Кредиторлар талаблари	**Билдирилган**		**Реестрга қайд этилган**	
	Сони	**Миқдори**	**Сони**	**Миқдори**
Гаров билан таъминланган кредиторлар талаблари				
Биринчи навбат				
Иккинчи навбат				
Учинчи навбат				
Тўртинчи навбат				
Бешинчи навбат				
Олтинчи навбат				
Кредиторлар талабларининг жами				

2.6. Қарздорнинг мол-мулкини инвентаризация қилиш ва баҳолаш

«__» _____ 20 __ йил ««ХХХ» МЧЖнинг мол-мулкини инвентаризация қилишни ўтказиш ва инвентаризация комиссиясини тузиш тўғрисида» №__-сонли буйруқ чиқарилди.

«__» _____ 20 __ й.дан «__» _____ 20 __ й.гача бўлган даврда «ХХХ» МЧЖнинг мол-мулкини инвентаризация қилиш ўтказилди.

«__» _____ 20 __ й.дан «__» _____ 20 __ й.гача бўлган даврда «ХХХ» МЧЖнинг мол-мулкини баҳолаш ўтказилди.

Ўтказилган инвентаризация ва баҳолаш натижалари бўйича қарздорнинг мол-мулки тузилмаси:

Мол-мулк	**Баланс қиймати**	**Бозор қийматидаги баҳоси**
Айланма бўлмаган активлар, жами		
Асосий воситалар		
Номоддий активлар		
Тамом бўлмаган қурилиш		
Узоқ муддатли молиявий маблағлар		
Айланма активлар, жами		
Захиралар		
Тамом бўлмаган ишлаб чиқариш		
Пул маблағлари		
Дебиторлик қарзи		
Қисқа муддатли молиявий маблағлар		
Бошқа айланма активлар		
Мол-мулкнинг жами		

Тугатиш бошқарувчисининг бошқа ҳаракатлари

Тугатишга доир иш юритиш мобайнида тугатиш бошқарувчисининг ҳаракатлари:

– қарздорнинг учинчи шахслардаги қарзини ундириш;

– қарздорнинг шартномаларини бажаришдан воз кечиш;

– қарздорнинг битимларини ҳақиқий эмас деб топиш бўйича ҳаракатлари;

– қарздорнинг учинчи шахслардаги мол-мулкини қидириш, аниқлаш ва қайтариш;

– қарздорни банкротликка олиб келган, унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлган учинчи шахсларга талаблар билдириш;

– сақланиши мажбурий бўлган қарздорнинг ҳужжатларини сақлашга топшириш;

– ижтимоий уй-жой объектларини маҳаллий ҳокимиятнинг балансига топшириш;

– бошқа ҳаракатлар.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш

«ХХХ» МЧЖнинг конкурс массасини реализация қилиш натижасида (олди-сотди шартномасининг) _____ миқдордаги пул маблағлари олинди.

«ХХХ» МЧЖнинг кредиторлар талаблари реестрига мувофиқ кредиторлар билан ҳисоб-китоб амалга оширилди, унинг натижаси:

Кредиторлар талаблари	**Тан олинган талаблар миқдори**	**Қопланган талаблар миқдори**	**Қондириш фоизи**
Таъминланган кредиторлар талаблари			
Биринчи навбат			
Иккинчи навбат			
Учинчи навбат			
Тўртинчи навбат			
Бешинчи навбат			
Олтинчи навбат			
Реестр ёпилгандан кейин билдирилган талаблар			

3. Тугатиш бошқарувчисининг хулосалари ва таклифлари.

«ХХХ» МЧЖнинг мол-мулки тўлиқ реализация қилинди ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугади.

«ХХХ»МЧЖнинг тугатишга доир иш юритувини тамомлашни таклиф қиламан.

Иловалар:

1. Кредиторлар талаблари реестри ___ бетда.
2. Мол-мулк сотилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ___ бетда.
3. Кредиторлар талаблари узилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ___ бетда.
4. Бошқа ҳужжатлар (қоида тариқасида, ҳисоботда ҳавола қилинган ҳужжатлар).

«ХХХ» МЧЖнинг
тугатиш бошқарувчиси _____

(Ф.И.Ш.)

Қонуннинг 140-моддаси шарҳига иловалар

Қўлланманинг 2-бўлимида Қонуннинг 96-моддаси шарҳига иловаларида кредиторлар йиғилишининг, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органларининг ва суд бошқарувчисининг ўз вазифаларини бажаришдан озод этиш ҳақидаги аризалари намуналари келтирилганлиги сабабли мазкур моддага иловалар келтирилмайди.

Қонуннинг 141-моддаси шарҳига иловалар

Қўлланманинг 2-бўлимида Қонуннинг 141-моддаси шарҳига иловаларида кредиторлар йиғилишининг тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш ҳақидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги қарор намунаси келтирилганлиги сабабли мазкур моддага иловалар келтирилмайди.

Қонуннинг 142-моддаси шарҳига иловалар

Қўлланманинг мазкур бўлимида Қонуннинг 139-моддаси шарҳига иловаларида тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботи намунаси келтирилганлиги сабабли мазкур моддага иловалар келтирилмайди.

Қонуннинг 143-моддаси шарҳига иловалар*

Илова № 1

Тугатиш бошқарувчисининг маҳаллий ҳокимият органига мол-мулкни балансга олиш тўғрсидаги хати

_____ ш. ҳокимияти

Чиқ. № ____
«_____»_____20__й.

Н. вилоят хўжалик судининг 2009 йил 20 августдаги қарори билан «ХХХ» МЧЖ банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган, Ф.И.О. тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида кредиторларнинг талабларини тўлиқ қондиришга қаратилган қонунда белгиланган барча чоралар кўрилди.

---

* Суд бошқарувчисининг маҳаллий ҳокимият органини кўрсатилган мол-мулкни ўз балансга олишга мажбурлаш ҳақидаги аризаси намунаси қўлланманинг 2-бўлимида Қонуннинг 143-моддаси шарҳига иловаларида келтирилганлиги сабабли мазкур моддага иловалар келтирилмайди.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугагандан кейин «ХХХ» МЧЖнинг тасарруфида тугатишга доир иш юритиш жараёнида ҳеч ким томондан талаб қилинмаган қуйидаги мол-мулклар қолди:

1._____;
2._____;
3._____,

Келтирилган ҳолатга асосланиб ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 143-моддасига тайаниб, юқорида кўрсатилган мол-мулкни Н. шаҳар ҳокимияти балансига олишни сўрайман.

«ХХХ» МЧЖнинг тугатиш бошқарувчиси _____

(Ф.И.Ш.)

Қонуннинг 144-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Тугатиш бошқарувчисининг юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритиш ҳақидаги аризаси

_____ шаҳар ҳокимияти
ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини
рўйхатдан ўтказиш Инспекцияси

Чиқ.№ ____
«____»_____ 20 __ йил

АРИЗА

Тошкент шаҳар хўжалик судининг «__» _____ 20 __ йил № __-сонли иш бўйича қабул қилган «Ибрат» ОАЖга нисбатан тугатишга доир иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажримига асосан, юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига «Ибрат» ОАЖнинг, «__» _____20 йил рўйхатдан ўтган, «___»_____ 20__ йил № ___-сонли рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома, тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритишни сўрайман.

Юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан «Ибрат» ОАЖнинг тугатилганлиги тўғрисидаги ёзув кўрсатилган кўчирмани «Ибрат» ОАЖнинг тугатиш бошқарувчисининг қуйидаги манзилига юборишни сўрайман: _____.

Илова:

Хўжалик судининг ажрими 1-бетда.

«Ибрат» ОАЖнинг тугатиш бошқарувчиси **Маҳкамов Н.Н.**

VIII БОБ. КЕЛИШУВ БИТИМИ

Қонуннинг 145-моддаси шарҳига иловалар

Кредиторлар йиғилишининг келишув битими тузиш ҳақидаги баённомасининг намунаси қўлланманинг 2-бўлимида Қонуннинг 117-моддаси шарҳига иловаларда берилганлиги сабабли мазкур моддага илова келтирилмайди.

Қонуннинг 149-моддаси шарҳига иловалар

Суд бошқарувчисининг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги аризасининг намунаси қўлланманинг 2-бўлимида Қонуннинг 149-моддаси шарҳига иловаларда берилганлиги сабабли мазкур моддага илова келтирилмайди.

Қонуннинг 154-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Суд бошқарувчисининг келишув битимининг шартларига мувофиқ талаблари қондирилган кредиторларга, улар томонидан олинган воситаларни келишув битимини бажариш тартибида қайтариш тўғрисидаги хати

«Барс Сервис» МЧЖнинг
раҳбарига

Чиқ. №_____
«____»_____20__й.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг «___»_____ 20__й.даги №_____-сонли иши бўйича қабул қилган қарорига асосан «ХХХ» МЧЖ банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган ҳамда «ХХХ» МЧЖнинг тугатиш бошқарувчиси этиб Ф.И.Ш. тайинланган.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида «___»_____20__й. кредиторлар ва «ХХХ» МЧЖнинг тугатиш бошқарувчиси ўртасида келишув битими тузилган эди.

Ушбу келишув битими_____20__й. хўжалик суди томонидан тасдиқланган. ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 150-моддасига асо-

сан кредиторлар реестрига мувофиқ «ХХХ» МЧЖнинг кредиторлари олдидаги қарзларини узиш бўйича тўловларни амалга ошириш бошланган.

_____20__й. ушбу келишув битими прокурорнинг аризасига кўра унда айрим кредиторларга, хусусан _____ _____га кўпроқ имтиёз беришни назарда тутувчи шартлар белгиланганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилди.

Шунга асосланиб, _____20__й. Хўжалик суди томонидан «ХХХ» МЧЖга нисбатан банкротлик бўйича иш юришни тиклаш ҳақида ажрим чиқарилди.

Сизнинг талабларингиз келишув битимининг кўп имтиёзларни назарда тутувчи шартларига кўра қондирилган деб топилганлиги туфайли Сизга ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 154-моддасига мувофиқ келишув битимини бажариш натижасида олинган барча воситаларни қайтаришга мажбур эканлигингизни маълум қиламан.

Сизнинг талабларингиз «ХХХ» МЧЖнинг кредиторлар талаблари реестрида қайта акс эттирилади.

Илова:

1. Хўжалик судининг «ХХХ» МЧЖга нисбатан банкротлик бўйича иш юришни тиклаш ҳақида _____ 20__й. №__-сонли иш бўйича чиқарган ажрими.

«ХХХ» МЧЖнинг
тугатиш бошқарувчиси **Маҳкамов Н.Н.**

IX БОБ. ҚАРЗДОР ЮРИДИК ШАХСЛАР АЙРИМ ТОИФАЛАРИ БАНКРОТЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Қонуннинг 157-моддаси шарҳига иловалар

Кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақидаги баённомасининг намунаси қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 10-моддаси шарҳига иловаларда берилганлиги сабабли мазкур моддага илова келтирилмайди.

Ташқи бошқарув режасининг намунаси қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 98-моддаси шарҳига иловаларда берилганлиги сабабли мазкур моддага илова келтирилмайди.

Кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш режасини тасдиқлаш тўғрисидаги баённомасининг намунаси қўлланманинг ушбу бўлимида Қонуннинг 91-моддаси шарҳига иловаларда берилганлиги сабабли мазкур моддага илова келтирилмайди.

Қонуннинг 163-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Суд бошқарувчисининг қарздорнинг мол-мулкини сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларга (қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан шуғулланаётган ва қарздорнинг ер участкасига бевосита туташ ер участкасига эгалик қилувчи шахслар) қарздор мол-мулкини олиш ҳақидаги таклифи

«_____» фермер хўжалигининг
раҳбари Ф.И.Ш.
Фуқаро Ф.И.Ш.

Чиқ. №____
«_____»_____20___й.

ТАКЛИФ

қарздорнинг мол-мулкини олиш ҳақида

Н. вилоят хўжалик судининг ___ декабрь 20___йилдаги қарори билан «XXX» фермер хўжалиги банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган.

«ХХХ» ФХнинг _____20___ йилда ўтказилган кредиторлар йиғилишида қарздорнинг мол-мулкини мулкий мажмуа сифатида сотувга қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Кредиторлар талабларини қондириш мақсадида қарздор мол-мулки қийматини қуйидаги тарзда баҳолаш амалга оширилди:

1. Иссиқҳона биноси (қурилган йили, умумий майдони, объектнинг тавсифи, у жойлашган ер участкаси майдони) _____ сўм миқдорда;

2. Сабзавот сақлаш биноси (қурилган йили, умумий майдони, объектнинг тавсифи, у жойлашган ер участкаси майдони) _____ сўм миқдорда;

3. Гараж биноси (қурилган йили, умумий майдони, объектнинг тавсифи, у жойлашган ер участкаси майдони) _____ сўм миқдорда.

Сиз қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан шуғулланишингиз ва қарздорнинг ер участкасига бевосита туташ ер участкасига эгалик қилишингиз сабабли ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 163-моддасига кўра қарздорнинг юқорида кўрсатилган мол-мулкини сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эгасиз.

Баён этилган ҳолатга асосан Сиздан бир ой ичида таклиф этилган «ХХХ» ФХнинг мол-мулкини сотиб олиш ёки сотиб олишни рад этиш ҳақида ёзма жавоб беришингизни сўрайман.

Илова:

«ХХХ» ФХ мол-мулки қийматини баҳолаш тўғрисидаги ҳужжат ___ бетларда.

«ХХХ» ФХнинг
суд бошқарувчиси _____

(Ф.И.Ш.)

Қонуннинг 189-моддаси шарҳига иловалар*

Илова № 1

Тугатиш бошқарувчисининг кредиторларга ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги хабарномаси

«_____» МЧЖнинг раҳбарига
Ф.И.Ш.

Нусхаси: фуқаро Ф.И.Ш.
Нусхаси: «_____» МЧЖнинг
раҳбарига Ф.И.Ш.

Чиқ. №____
«_____»_____20___й.

ХАБАРНОМА

ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги тўғрисида

_____20___й. тугатилаётган юридик шахс – «ХХХ» МЧЖ ҚК раҳбарининг жойлашган жойи (яшаш жойи) маълум эмаслиги ва уни аниқлаш имкони йўқлиги туфайли банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза тақдим этилган.

Н. вилоят хўжалик судининг _____ 20___й. Қарори билан «ХХХ» МЧЖ. ҚК банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 189-моддасига мувофиқ Сиз тугатиш бошқарувчисига ўз талабларингизни билдиришга ҳақлисиз.

Ушбу ҳолатга асосан, Сиздан ушбу хабарномани олган кундан эътиборан бир ой ичида ўз талабларингиз тўлиқ кўрсатилган ва қарздорнинг Сизга қарзини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этган ҳолда ёзма жавоб йўллашингизни сўрайман.

Илова:

Хўжалик судининг ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги «_____»_____20___й. қарори

«ХХХ» МЧЖ ҚКнинг
тугатиш бошқарувчиси _____

(Ф.И.Ш.)

* Тугатиш бошқарувчисининг хўжалик судига банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ҳамда банкротликнинг умумий таомилларига ўтиш тўғрисида илтимосномасининг намунаси қўлланманинг 2-бўлимида Қонуннинг 189-моддаси шарҳига иловаларда келтирилганлиги сабабли мазкур моддага иловалар келтирилмайди.

4-бўлим. СУД ҲУЖЖАТЛАРИ НАМУНАЛАРИ

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Қонуннинг 13-моддаси шарҳига иловалар

Кредиторлар йиғилиши қарори устидан шикоят қилиш тўғрисидаги кредитор аризасини кўриб чиқиш натижасида суд томонидан чиқарилган ажрим

Илова № 1

Кредиторлар йиғилиши қарори устидан шикоят бериш тўғрисидаги кредитор аризасини қаноатлантириш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 2006 йил 11 октябрь 10/555-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди, судья _____ раислигида, _____ котиблигида «ХХХ» МЧЖ ҚК кредиторлар йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги «Х» корхонасининг аризаси (шикояти) ни, суд бошқарувчиси _____ ва кредиторлар йиғилиши вакили _____, «Ко» фирмаси вакили _____, «Х» корхонаси вакили иштирокида очиқ суд мажлисида кўриб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик судининг 2006 йил 26 январдаги ҳал қилув қарори билан «Ко» фирмасининг «ХХХ» МЧЖ ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилиб, қарздор банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган. Тугатишга доир иш юритиш жараё-

нида мол-мулк инвентаризацияси ва уни баҳолаш амалга оширилган. Баҳолаш ташкилоти томонидан тайёрланган қарздор мулкини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботга кўра, мол-мулкнинг бозор қиймати – 2928826607 сўмни, тугатиш қиймати эса – 2196621455 сўмни ташкил қилган. 2006 йил 21 июлда бўлиб ўтган кредиторлар умумий йиғилишида қарздор мулкини сотишнинг бошланғич нархи 2928828607 сўм миқдорида белгиланган ва ушбу нархда савдога қўйиш ҳақида қарор қабул қилинган. Кредиторлар йиғилиши қарори асосида «Халқ сўзи» газетасида (03.08.2006 й. 149-сон) 2006 йилнинг 5, 12, 19 ва 26 сентябрь кунлари аукцион кимошди савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон чоп этилган. Бироқ 2006 йил 5 ва 12 сентябрда бўлиб ўтган аукцион савдоларида қарздорнинг мулки сотилмаган ҳамда тугатиш бошқарувчиси томонидан савдо ташкилотчисига қарздор мулкини савдодан чиқариш тўғрисида хат берилган. Суд бошқарувчиси ташаббуси билан 2006 йил 18 сентябрда кредиторлар йиғилиши чақирилиб, унда қарздор мулкини тугатиш қиймати бўйича, яъни 2196621455 сўм миқдорида савдога қўйиш тўғрисидаги қарор кўпчилик овози билан қабул қилинган.

Кредитор ҳисобланган ва барча кредиторлар овозлари сонининг 7,8% овозига эга бўлиб, қарздор мулкини тугатиш қиймати бўйича сотувга қўйиш тўғрисидаги қарорга қарши овоз берган «Х» корхонаси кредиторлар йиғилиши томонидан мулкнинг қиймати асоссиз равишда 25% га камайтирилганлигини кўрсатган ҳолда қарорни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ариза (шикоят) билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида «Х» корхонаси вакили банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кўра кредиторлар йиғилиши қарори билан корхонанинг бошланғич сотув нархини 10% га тушириш мумкинлигини айтиб ўтди.

Кредиторлар йиғилиши вакили _____ у ҳам кредитор – «У» фирмаси вакили сингари бундай қарорнинг қабул қилинишига қарши овоз берганлигини, шунинг учун ҳам «Х» корхонаси важларига қўшилишини айтди.

«Ко» фирмаси вакили _____ «Х» корхонасининг шикоятда кўрсатилган важларига қарши эътироз билдириб, бундай ҳолатда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 110-моддаси 13-қисмида назарда тутилган такрорий савдо ўтказилмаганлигини, чунки такрорий савдо ўтказилиши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон чоп этиш кераклигини айтди. Шунингдек, у 2006 йил 18 сентябрда бўлиб ўтган кредиторлар йиғилишида Қонуннинг 110-моддаси 12-қисмига мувофиқ қарздор мулкини тугатиш қиймати бўйича киритган ҳолда такрорий савдо ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганлигини, буни эса «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 110-моддаси 13-қисмида белгиланган корхонанинг бошланғич сотув нархини камайтириш сифатида баҳоламаслик кераклигини айтиб ўтди.

Суд бошқарувчиси кредиторлар йиғилишида маслаҳат овози билан иштирок этганлигини ва низони ҳал қилиш масаласини суд ҳукмига ҳавола қилганлигини айтди.

Суд ишда иштирок этган шахсларни эшитиб, судга тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра «Х» корхонасининг аризаси (шикояти)ни қаноатлантиришни лозим деб топади:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 135-моддасига кўра қарздорнинг корхонасини (бизнесини) ёки мол-мулкининг бир қисмини сотиш ушбу Қонуннинг 110 ва 111-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ушбу Қонуннинг 110-моддасида белгиланишича, корхонани (бизнесни) сотиш, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, очиқ кимошди савдоси ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Кимошди савдосини ўтказиш шакли ва шартлари кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан белгиланади. Ташқи бошқарувчи корхона (бизнес) очиқ кимошди савдосида сотилиши тўғрисидаги эълонни расмий нашрда кимошди савдоси ўтказиладиган санадан камида ўттиз кун олдин эълон қилиши шарт. Ушбу модданинг 13-қисмига кўра агар такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб топилса ёки корхона (бизнес) сотилмаган бўлса, ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарорига мувофиқ ушбу Қонуннинг мазкур моддаси ва 53-моддасида назарда тутилган тартибда корхонани (бизнесни) сотиш тўғрисидаги янги хабарни йигирма кун ичида эълон қилади. Корхонани (бизнесни) сотиш нархи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарори билан пасайтирилиши мумкин, бироқ бунда пасайтириш аввалги кимошди савдосидаги нархнинг 10 фоизидан кўп бўлмаслиги керак.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, овозга қўйилган масалалар юзасидан кредиторлар йиғилиши қарори йиғилишда ҳозир бўлган кредиторларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахслар кредиторлар йиғилишининг қарори устидан хўжалик судига шикоят беришга ҳақли.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, 2006 йил 21 июлда бўлиб ўтган кредиторлар йиғилишида қарздор мулкини сотишнинг бошланғич нархи 2928828607 сўм миқдорида белгиланган ва ушбу нархда савдога қўйиш ҳақида қарор қабул қилинган. Кредиторлар йиғилиши қарори асосида «Халқ сўзи» газетаси (03.08.2006 йил 149-сони)да 2006 йилнинг 5, 12, 19 ва 26 сентябрь кунлари аукцион савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон чоп этилган. Бироқ 2006 йил 5 ва 12 сентябрда бўлиб ўтган аукцион савдоларида қарздорнинг мулки сотилмаган, суд бошқарувчиси томонидан 2006 йил 18 сентябрда кредиторлар йиғилиши чақирилиб, унда қарздор мулкини 2196621455 сўм миқдорида (тугатиш қиймати бўйича) савдога қўйиш тўғрисидаги қарор кўпчилик овози билан қабул қилинган, яъни бошланғич баҳо 25% га тушурилган.

Бундай ҳолатларда «Х» корхонасининг шикояти асосли ҳисобланиб, қаноатлантирилиши лозим.

«Ко» фирмаси вакили _____нинг *«2006 йил 18 сентябрда бўлиб ўтган кредиторлар йиғилишида Қонуннинг 110-моддаси 12-қисмига мувофиқ қарздор мулкини тугатиш қиймати бўйича киритган ҳолда такрорий савдо ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, буни эса «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 110-моддаси 13-қисмида белгиланган корхонанинг бошланғич сотув нархини камайтириш сифатида баҳоламаслик кераклиги»* тўғрисидаги важи эса суд томонидан қабул қилинмайди, чунки Қонуннинг 110-моддаси 12-қисми корхонанинг бошланғич сотув нархи кредиторлар йиғилиши томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкинлигини назарда тутмайди.

Шундай қилиб, «Х» корхонасининг шикояти қаноатлантирилиши, «ХХХ» МЧЖ ҚКнинг 18.09.2006 йилги кредиторлар йиғилишининг қарздор мулкини тугатиш қиймати бўйича, яъни 2196621455 сўм миқдорда такрорий савдога қўйишга доир қисми ҳақиқий эмас деб топилиши лозим. Кредиторлар йиғилиши қароринининг ушбу қисми ҳақиқий эмас деб топилганлиги муносабати билан суд бошқарувчиси мазкур масала юзасидан кредиторлар йиғилишини чақириб, уни такрорий ўтказиши керак бўлади.

Юқоридагиларга асосан ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 13, 59, 110, 135-моддалари, ХПКнинг 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

«Х» корхонасининг шикояти (аризаси) қаноатлантирилсин.

«ХХХ» МЧЖ ҚКнинг 18.09.2006 йилги кредиторлар йиғилишининг қарздор мулкини 2196621455 сўм нархда такрорий савдога қўйишга доир қисми ҳақиқий эмас деб топилсин.

Суд бошқарувчисига 10 кун ичида ХХХ» МЧЖ ҚКнинг мулкини сотиш бўйича такрорий савдо ўтказиш масаласида кредиторлар йиғилишини чақириш ва уни ўтказиш юклатилсин.

Мазкур ажрим устидан 10 кун ичида апелляция тартибида шикоят қилиш мумкин.

Судья _____

Илова № 2

Кредиторлар йиғилиши қарори устидан шикоят қилиш тўғрисидаги кредитор аризасини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 2006 йил 21 апрель_____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди, судья _____ раислигида, _____ котиблигида, «ХХХ» МЧЖ ҚК кредиторлар йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги «Х» корхонасининг аризаси (шикояти)ни очиқ суд мажлисида, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари, суд бошқарувчиси _____, «Х» корхонаси вакили, кредиторлар йиғилиши вакили _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик судининг 2005 йил 12 декабрдаги ҳал қилув қарори билан «ХХХ» МЧЖ ҚК банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Суднинг 22.12.2005 йилги ажрими билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилоят ҳудудий бошқармаси тавсиясига кўра тугатиш бошқарувчиси этиб _____ тайинланган. Тугатиш бошқарувчиси _____ ўз аризасига кўра вазифасидан озод этилган ва суднинг 23.01.2006 йилги ажрими билан тугатиш бошқарувчиси этиб _____ тайинланган.

2006 йил 12 апрелда кредиторлар йиғилиши ўтказилиб, кун тартибига суд бошқарувчисининг мукофот пули ва тугатиш бошқарувчиси харажатларини қоплаш миқдорини тасдиқлаш, инвертаризация комиссияси баённомасини ва тугатишга доир иш юритиш режасини тасдиқлаш, шунингдек, кредиторлик қарзлари миқдорини аниқлаш масалалари киритилган эди.

Кредиторлар йиғилишида «Х» корхонаси кредиторлари манфаатларини ифодалашга _____ нинг ваколатлилиги масаласи кўтарилиб, «Х» корхонаси манфаатларини ифодалашнинг қонунийлиги бўйича қўшимча далиллар тақдим этиш таклиф қилинган, шундан кейин _____

йиғилишдан чиқиб кетди ва кредиторлар томонидан унинг иштирокисиз кун тартибига киритилган масалалар бўйича қарор қабул қилинган.

«Х» корхонасининг вакили _____ уни кредитор – «Х» корхонасининг ваколатли вакили деб топишни ва 12.04.2006 йилдаги кредиторлар йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида «Х» корхонасининг вакили _____ ишончнома унга Schonebeck шаҳри (ГФР)да жойлашган «Х» корхонаси томонидан берилганлигини, шунинг учун ҳам ишончномада «Х» корхонаси жойлашган шаҳар кўрсатилганлигини, суд бошқарувчиси эса _____ нинг кредиторлар реестрига, ўтказилган тафтиш ва тугатишга доир иш юритиш режасига эътирозларини қабул қилмаслик мақсадида ишончномани тан олмайди.

Суд бошқарувчиси _____ ишончнома _____га Томас Гофманн томонидан берилганлигини, унинг ўзи эса«Ко & Partner» фирмаси томонидан берилган ишончнома асосида ҳаракат қилишини, ишончномага кўра _____ «ХХХ» МЧЖ ҚКдаги муассислик ҳуқуқлари юзасидангина «Х» корхонаси вакили бўлиши мумкинлигини айтиб ўтди.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилоят ҳудудий бошқармаси вакили _____нинг кўрсатишича, ишончнома Томас Гофманнга банкротлик ва танлов жараёнлари бошқарувчиси томонидан «Х» корхонасининг мулки билан шуғулланиш учун берилган, ушбу ишончномада қайта ишонч билдириш ва ишончноманинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган, бу эса Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зидлигини айтди. Кейин банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи вакили «Х» корхонасининг вакили _____га ҚК кредитори сифатида «Х» корхонасининг манфаатларини ифодалаш учун ишончномани тегишли тартибда расмийлаштиришни таклиф қилди.

Суд ишда иштирок этган шахсларни эшитиб, судга тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра _____нинг аризасини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топади:

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига кўра, банкротлик таомили қўлланилаётганда барча кредиторларнинг манфаатларини ушбу Қонунга мувофиқ ташкил этиладиган кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси ҳимоя қилади. Кредиторлар йиғилиши, агар унда қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари умумий суммасининг камида учдан икки қисми миқдорида талаблар билдираётган, овоз бериш ҳуқуқи бор кредиторлар ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Кредиторлар йиғилишда ўз вакиллари орқали иштирок этишлари ҳам мумкин.

Вакиллар ишончнома асосида ҳаракат қиладилар ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда ЎзР ФК)нинг 129-моддасига биноан ишончномага, қонунга, суд қарорига ёки вакил қилинган давлат органининг ҳужжатига асосланган ваколат билан бир шахс (вакил)

томонидан бошқа шахс (ваколат берувчи) номидан тузилган битим ваколат берувчига нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади. ЎзР ФК 134-моддасига кўра бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради.

Иш ҳужжатларида кўринишича, ишончнома _____га Томас Гофманн томонидан «ХХХ» МЧЖ ҚК (Ўзбекистон Республикаси)да муассислик ишларида «Х» корхонаси ҳуқуқларини ифодалаш учун берилган, яъни ишончнома акциядорлар йиғилишида, қўшма корхона бошқарув органларида уларга тегишли барча улушлар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан унинг манфаатларини ифодалаш, хусусан, қўшма корхонани қайта ташкил этиш, ўзгартириш ва тугатиш масалаларида иштирок этиш учун берилган.

Бундай ҳолатларда ушбу ишончномага кўра _____ ни кредитор – «Х» корхонасининг ваколатли вакили сифатида тан олиб бўлмайди. «ХХХ» МЧЖ ҚКнинг банкротлиги тўғрисидаги ишда _____ кўрсатилган ишончномага кўра қарздор таъсисчиларидан бири сифатида «Х» корхонаси манфаатларини ифода этиш ҳуқуқига эга.

_____нинг 12.04.2006 йилдаги кредиторлар йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаби қаноатлантирмасдан қолдирилиши лозим, чунки:

– қонуннинг 13-моддасига кўра банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахслар кредиторлар йиғилишининг қарори устидан хўжалик судига шикоят беришга ҳақли _____ бундай ҳолат тааллуқли эмас;

– кредиторлар йиғилишининг қарори, агар у йиғилиш ўтказиш тартиби бузилган ҳолда қабул қилинган бўлса ёки амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Мазкур ҳолатда кредитор йиғилиши Қонуннинг 10–13-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда ўтказилган ва кредиторлар йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор қонун ҳужжатларига зид ҳисобланмайди.

Шундай қилиб _____нинг аризаси (шикояти) қаноатлантирилмасдан қолдириши лозим.

Юқоридагиларга асосан ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 10–13, 59, 140-моддалари, ХПКнинг 151-моддасига асосланиб, суд

АЖРИМ ҚИЛДИ:

_____нинг аризаси (шикояти) қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Мазкур ажрим устидан 10 кун ичида апелляция тартибида Н. вилоят хўжалик судига шикоят қилиш мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 14-моддаси шарҳига иловалар

Кредиторлар талаблари реестрини тузишда вужудга келувчи келишмовчиликлар Қонуннинг 59-моддасида назарда тутилган тартибда хўжалик судида кўриб чиқилиши боис, мазкур моддага иловада берилмайди (Қонуннинг 59-моддасига илова сифатида келтирилган суд ҳужжатлари намуналарига қаранг).

Қонуннинг 18-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Тавсия қилинган суд бошқарувчиси номзодини тайинлашни рад этиш тўғрисида суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 2006 йил 20 сентябрь 10/555-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди, судья _____ раислигида, «ХХХ» МЧЖ суд бошқарувчиси этиб _____ни тайинлаш тўғрисидаги кредиторлар йиғилиши илтимосномасини ва аризага илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик судининг 2009 йил 5 сентябрдаги ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан 18 ой муддатга ташқи бошқарув таомили қўлланилган. Қарздорга нисбатан ташқи бошқарув таомилини қўллаш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилинган кредиторларнинг биринчи йиғилишида ташқи бошқарувчи номзоди бўйича қарор қабул қилинмаганлиги учун, суд ажрими билан муваққат бошқарувчига кредиторлар йиғилишини ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда ташқи бошқарувчи номзодини судга тақдим этиш вазифаси юклатилган.

Суднинг 2006 йил 18 сентябрдаги ажрими ижроси бўйича кредиторлар йиғилиши ўтказилиб, унда ташқи бошқарувчи сифатида _____ номзодини тайинлаш ва унга ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баравари

миқдорида мукофот пули белгилаш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Кредиторлар йиғилиши баённомаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга кўра кредиторлар йиғилиши томонидан номзоди тавсия қилинган суд бошқарувчисини тайинлашни рад этиш лозим деб топади:

Қонуннинг 18-моддаси биринчи қисмига биноан, олий маълумотга ҳамда камида икки йиллик иш стажига эга бўлган, шунингдек, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органида аттестациядан ўтган шахслар суд бошқарувчилари этиб тайинланиши мумкин.

«Суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Низомнинг (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 мартдаги 138-сонли қарори билан тасдиқланган) 3-бандига кўра, суд бошқарувчиси сифатида фаолиятни амалга ошириш учун Қўмита тўрт тоифали:

– юридик шахслар банкротлигининг соддалаштирилган тартиботларини амалга ошириш учун – тўртинчи тоифали аттестат;

– кузатиш ва тугатиш тартиботларини амалга ошириш учун – учинчи тоифали аттестат;

– кузатиш, суд санацияси ва тугатиш тартиботларини амалга ошириш учун – иккинчи тоифали аттестат;

– кузатиш, суд санацияси, ташқи бошқарув ва тугатиш тартиботларини амалга ошириш учун – биринчи тоифали аттестат беради.

Кредиторлар йиғилиши баённомасига илова қилинган ҳужжатлардан кўринишича, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан _____га иккинчи тоифали аттестат берилган, унга кўра _____ кузатиш, суд санацияси ва тугатиш тартиботларини амалга ошириш учунгина суд бошқарувчиси этиб тайинланиши мумкин. Мазкур ҳолатда эса суднинг ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан ташқи бошқарув таомили жорий этилган.

Бундай ҳолларда _____нинг номзоди «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси сифатида тайинланиши мумкин эмас, шунинг учун ҳам муваққат бошқарувчи кредиторлар йиғилишини қайтадан ташкил қилиши ва ўтказиши ҳамда унда ташқи бошқарувчи номзодини кўриб чиқиб, судга тақдим этиши лозим.

Юқоридагиларга асосан ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси, ХПКнинг 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

_____ни «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси этиб тайинлаш рад этилсин.

Муваққат бошқарувчига «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ кредиторлар йиғилишини ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда унда ташқи бошқарувчи номзодини кўриб чиқиб судга тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

Судья _____

Илова № 2

Суд бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 2006 йил 20 сентябрь 10/555-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди, судья _____ раислигида, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилоят ҳудудий бошқармасининг «ХХХ» МЧЖ суд бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик судининг 2009 йил 5 сентябрдаги ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан 18 ой муддатга ташқи бошқарув таомили қўлланилган ва кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарорига асосан суд бошқарувчиси этиб С. Қаршибоев тайинланган.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилоят ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда «банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи») «ХХХ» МЧЖ суд бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган. Аризадаги талабларнинг асоси сифатида банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи қуйидагиларни кўрсатган:

– суднинг 10.01.2006 йилдаги қарори билан «Х» корхонаси банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш очилган, тугатиш бошқарувчиси этиб эса С.Қаршибоев тайинланган;

– тугатишга доир иш юритиш таомили давомида суд бошқарувчиси ўз вазифаларини лозим даражада бажармаган, қарздорнинг барча мол-мулкларини аниқлаш ва дебиторлик қарзларини ундириш чораларини кўрмаган, қарздорнинг аниқланган мулкини ҳимоя қилиш чораларини кўрмаган, бунинг натижасида қарздор мол-мулкини етарли бўлмаганлиги туфайли талаблари қаноатлантирилмаган кредиторларга зарар етказган;

– натижада суд бошқарувчиси банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларга зарар етказилган ҳолатларда ўз жавобгарлигини

суғурталамаган, бунинг оқибатида кредиторларга етказилган зарар қопланмай қолган.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим деб топади:

Қонуннинг 18-моддаси иккинчи қисмига биноан, суд бошқарувчилари этиб қуйидагилар тайинланиши мумкин эмас:

– қарздор ёки кредиторларга нисбатан манфаатдор шахслар;

– судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар;

– якка тартибдаги тадбиркорлар, агар уларга нисбатан банкротлик таомили жорий этилган бўлса;

– илгари суд бошқарувчиси вазифасини бажараётган пайтда қарздорга, кредиторларга зарар етказган ва бу зарарнинг ўрнини қопламаган шахслар;

– бошқа шахсларнинг ишларини ва (ёки) мол-мулкини бошқариш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишига чеклов белгиланган шахслар (бундай фаолият билан шуғулланишдан маҳрум этилган ёки бундай фаолиятга нолойиқ деб топилган шахслар).

Ушбу модданинг учинчи қисмига кўра, хўжалик суди ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган асосларга биноан, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахслар тақдим этган далиллар бўлган тақдирда, суд бошқарувчилигига тавсия этилган номзодни бу вазифага тайинлашни рад этишга ёки суд бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод этишга ҳақли.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан тақдим этилган ҳужжатлардан кўринишича, суднинг 2009 йил 5 сентябрдаги ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан ташқи бошқарув таомили қўлланилган ва тугатиш бошқарувчиси этиб С.Қаршибоев тайинланган. Тугатиш иши таомили давомида суд бошқарувчиси ўз вазифаларини лозим даражада бажармаган, қарздорнинг барча мол-мулкларини аниқлаш ва дебиторлик қарзларини ундириш чораларини кўрмаган, қарздорнинг аниқланган мулкини ҳимоя қилиш чораларини кўрмаган, бунинг натижасида қарздор мол-мулки етарли бўлмаганлиги туфайли талаблари қаноатлантирилмаган кредиторларга зарар етказган. Шунингдек, тугатишга доир иш юритиш жараёнида «Х» корхонаси суд бошқарувчиси С.Қаршибоев банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларга зарар етказилган тақдирда ўз жавобгарлигини суғурталамаган, бунинг оқибатида кредиторларга етказилган зарар қопланмай қолган.

Бундай ҳолатларда банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи аризаси қаноатлантирилиши, С.Қаршибоев «ХХХ» МЧЖ суд бошқарувчиси вазифасини бажаришдан озод қилиниши лозим. Шундан келиб чиқиб банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи кредиторлар йиғилишини ташкил қилиши ва ўтказиши ҳамда унда ташқи бошқарувчи номзодини кўриб чиқиб, судга тақдим этиши лозим.

Юқоридагиларга асосан ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 18 ва 96-моддалари, ХПКнинг 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилоят ҳудудий бошқармасининг аризаси қаноатлантирилсин.

С. Қаршибоев «ХХХ» МЧЖ ташқи бошқарувчиси вазифасини бажаришдан озод этилсин.

Кредиторлар қўмитасига уч ҳафта ичида «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ кредиторлар йиғилишини ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда унда ташқи бошқарувчи номзодини кўриб чиқиб, судга тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

Кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувчи номзодини белгиланган муддатда кўрсатмаган тақдирда, судга ташқи бошқарувчи номзодини тақдим этиш Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилоят ҳудудий бошқармасига юклатилсин.

Мазкур ажрим юзасидан шикоят қилиниши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 22-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш миқдорини тасдиқлаш тўғрисида

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш миқдорини тасдиқлаш тўғрисида)

_____ ш. 2009 йил 30 сентябрь 10/555-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, «ХХХ» МЧЖ кредиторлар йиғилишининг суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш миқдорини тасдиқлаш тўғрисидаги баённомаси (қарори)ни ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик судининг 2009 йил 10 сентябрдаги ажрими билан «Х» корхонасининг «ХХХ» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилган, қарздор банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш таомили очилган, тугатиш бошқарувчиси этиб эса С. Қаршибоев тайинланган.

Суд бошқарувчисини тайинлаш жараёнида кредиторлар йиғилиши томонидан унга ҳақ тўлаш миқдори аниқланмаганлиги учун ҳам суд қарорида С.Қаршибоевга ҳақ тўлаш миқдорини тасдиқланмаган. 2009 йил 25 сентябрда «ХХХ» МЧЖ кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтиб, унда қарздор мулки ҳисобидан тугатиш бошқарувчисига ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш баравари миқдорида ҳақ тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, Суд бошқарувчисига вазифасини бажарганлиги учун ҳақ тўлашнинг миқдори ва тартиби кредиторлар йиғилиши томонидан белгиланади, хўжалик суди томонидан тасдиқланади ҳамда, агар кредиторлар билан тузилган битимда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан амалга оширилади.

Юқоридагиларга асосан ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 19 ва 22-моддалари, ХПКнинг 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

«ХХХ» МЧЖ тугатиш бошқарувчиси С. Қаршибоевга ҳақ тўлаш миқдори қарздор мол-мулки ҳисобидан ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш баравари қилиб тасдиқлансин.

Судья _____

III БОБ. БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ХЎЖАЛИК СУДИДА КЎРИШ

Қонуннинг 45-моддаси шарҳига иловалар

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритувга қабул қилиш ҳамда кузатув таомилини қўллаган ҳолда ва муваққат бошқарувчини тайинлаган ҳолда иш қўзғатиш тўғрисидаги суд ажрими

Илова № 1

Қарздорнинг аризасига кўра банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақида суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Аризани қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида)

_____ ш. 2009 йил 30 сентябрь_____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, «XXX–PLYUS» МЧЖнинг банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ариза судловлилик қоидаларига ва ЎзР ХПК 112-моддаси, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 7, 37, 38-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда тақдим этилган деб ҳисоблайди.

Аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш учун етарли асослар мавжудлигини эътиборга олиб, ишни тўғри ва ўз вақтида кўрилишини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни бажариш мақсадида, ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45, 47, 48, 49, 62, 65-моддалари ва ХПК 116, 122–124-моддаларига асосланиб.

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

1. Ариза иш юритувга қабул қилинсин ва «XXX–PLYUS» МЧЖга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилсин.

2. Ишнинг суд муҳокамаси хўжалик судининг 2009 йил 20 ноябрда соат 10-00даги мажлисига тайинлансин. Мажлис суд биноси жойлашган манзилда: _____ ш., С. Юсупова кўчаси, 6-уйда, 3-мажлислар залида бўлиб ўтади.

«XXX–PLYUS» МЧЖга нисбатан кузатув таомили қўлланилсин.

«XXX–PLYUS» МЧЖнинг муваққат бошқарувчиси этиб С. Қаршибоев тайинлансин. Муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби кредиторлар йиғилишининг мазкур масала бўйича қарори тақдим этилгандан кейин аниқлансин.

Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартибида:

– муваққат бошқарувчига:

а) «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 52, 53, 68-моддаларига мувофиқ қарздорга нисбатан кузатув таомили қўлланилганлиги ва кредиторлар йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги эълонни расмий нашрда чоп этиш, чоп этилганлик тўғрисидаги далилни судга тақдим этиш;

б) қарздор мол-мулкининг сақланашини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

в) қарздорнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш;

г) қарздорнинг кредиторларини аниқлаш, кредиторлар реестрини тузиш ҳамда уларни қарздорга нисбатан кузатув таомили қўлланганлиги ҳақида ва кредиторларнинг биринчи йиғилишини ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш;

д) кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақириш ва ўтказиш ҳамда судга йиғилиш баённомасини («Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида санаб ўтилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда) тақдим этиш, шунингдек, судга тугатиш (санация қилувчи, ташқи) бошқарувчи номзодини тақдим этиш;

е) ажримни Н. туман ҳокимияти, давлат солиқ инспекцияси ва суд ҳужжатларини ижро қилиш департаментига юбориш.

– қарздорга: унга нисбатан банкротлик иши қўзғатилганлиги тўғрисидаги ажрим нусхасини ваколатхона ва филиаллари жойлашган жойдаги (улар мавжуд бўлса) солиқ идораси ва суд ижрочисига юбориш;

– «XXX–PLYUS» МЧЖ раҳбарига қарздорнинг ходимлари ва муассислари (иштирокчилари)ни кузатув таомили қўлланилганлиги тўғрисида хабардор қилиш ва хабардор қилинганлик тўғрисида далилни судга тақдим этиш;

– иш муҳокамаси вақти ҳақида тарафлар ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилоят ҳудудий бошқармасини хабардор қилиш.

6. Тарафларга: ЎзР ХПК 55-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни

исботлаши кераклиги; агар ЎзР ХПКнинг 56-моддасига асосан суд томонидан талаб қилинган тақдим этиш мажбуриятини бажармаса, бу шахсга энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида жарима солиниши; суд мажлиси вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабадор қилинган даъвогарнинг мажлисга келмаган тақдирда даъво кўрмасдан қолдирилиши ҳақида тушунтирилсин.

Судья _____

Илова № 2

Кредиторнинг аризасига кўра банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақида суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Аризани қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида)

_____ ш. 2009 йил 30 сентябрь _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, «Х» корхонасининг «ХХХ–PLYUS» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, суд ариза судловлилик қоидаларига ва ЎзР ХПК 112-моддаси, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 39, 41-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда тақдим этилган деб ҳисоблайди.

Аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш учун етарли асослар мавжудлигини эътиборга олиб, ишни тўғри ва ўз вақтида кўрилишини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни бажариш мақсадида, ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 45, 47, 48, 49, 62, 65-моддалари ва ХПК 116, 122–124-моддаларига асосланиб

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

1. «Х» корхонасининг аризаси иш юритувга қабул қилинсин ва «ХХХ–PLYUS» МЧЖга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилсин.

2. Ишнинг суд муҳокамаси хўжалик судининг 2009 йил 20 ноябрда соат 10-00 даги мажлисига тайинлансин. Мажлис суд биноси жойлашган манзилда _____ ш., С. Юсупова кўчаси, 6-уйда, 3-мажлислар залида бўлиб ўтади.

3. «XXX–PLYUS» МЧЖга нисбатан кузатув таомили қўлланилсин.

4. «XXX–PLYUS» МЧЖнинг муваққат бошқарувчиси этиб С. Қаршибоев тайинлансин. Муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби кредиторлар йиғилишининг мазкур масала бўйича қарори тақдим этилгандан кейин аниқлансин.

5. Ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида:

– кредитор (аризачи)га: аризада кўрсатилган талабларни асослантирувчи ҳужжатларнинг асл нусхасини тақдим этиш;

– муваққат бошқарувчига:

а) «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 52, 53, 68-моддаларига мувофиқ қарздорга нисбатан кузатув таомили қўлланилганлиги ва кредиторлар йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги эълонни расмий нашрда чоп этиш, чоп этилганлик тўғрисидаги далилни судга тақдим этиш;

б) қарздор мол-мулкининг сақланашини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

в) қарздорнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш;

г) қарздорнинг кредиторларини аниқлаш, кредиторлар реестрини тузиш ҳамда уларни қарздорга нисбатан кузатув таомили қўлланганлиги ҳақида ва кредиторларнинг биринчи йиғилишини ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш;

д) кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақириш ва ўтказиш ҳамда судга йиғилиш баённомасини («Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида санаб ўтилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда) тақдим этиш, шунингдек, судга тугатиш (санация қилувчи, ташқи) бошқарувчи номзодини тақдим этиш;

– қарздорга: унга нисбатан банкротлик иши қўзғатилганлиги тўғрисидаги ажрим нусхасини ваколатхона ва филиаллари жойлашган жойдаги (улар мавжуд бўлса) солиқ идораси ва суд ижрочисига юбориш;

– «XXX–PLYUS» МЧЖ раҳбарига қарздорнинг ходимлари ва муассислари (иштирокчилари)ни кузатув таомили қўлланилганлиги тўғрисида хабардор қилиш ва хабардор қилинганлик тўғрисида далилни судга тақдим этиш;

– иш муҳокамаси вақти ҳақида тарафларни хабардор қилиш.

6. Тарафларга: ЎзР ХПК 55-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши кераклиги; агар ЎзР ХПКнинг 56-моддасига асосан суд томонидан талаб қилинган тақдим этиш мажбуриятини бажармаса, бу шахсга энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида жарима солиниши; суд мажлиси вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабадор қилинган даъвогарнинг мажлисга келмаган тақдирда даъво кўрмасдан қолдирилиши ҳақида тушунтирилсин.

Судья _____

Илова № 3

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризасига кўра банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатиш тўғрисидаги ажрим

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

А Ж Р И М

(Аризани қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида)

_____ ш. 2009 йил 30 сентябрь_____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилоят ҳудудий бошқармасининг «XXX–PLYUS» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, суд ариза судлов қоидаларига ва ЎзР ХПК 112-моддаси, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда тақдим этилган деб ҳисоблайди.

Аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш учун етарли асослар мавжудлигини эътиборга олиб, ишни тўғри ва ўз вақтида кўрилишини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни бажариш мақсадида, ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45, 47, 48, 49, 62, 65-моддалари ва ХПК 116, 122–124-моддаларига асосланиб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилоят ҳудудий бошқармасининг аризаси иш юритувга қабул қилинсин ва «XXX–PLYUS» МЧЖга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилсин.

Ишнинг суд муҳокамаси хўжалик судининг 2009 йил 20 ноябрда соат 10.00 даги мажлисига тайинлансин. Мажлис суд биноси жойлашган манзилда _____ ш., С.Юсупова кўчаси, 6-уйда, 3-мажлислар залида бўлиб ўтади.

«XXX–PLYUS» МЧЖга нисбатан кузатув таомили қўлланилсин.

«XXX–PLYUS» МЧЖнинг муваққат бошқарувчиси этиб С.Қаршибоев тайинлансин. Муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақ миқдори ва уни тўлаш

тартиби кредиторлар йиғилишининг мазкур масала бўйича қарори тақдим этилгандан кейин аниқлансин.

Ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида:

– Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига: аризада кўрсатилган талабларни асослантирувчи ҳужжатларнинг асл нусхасини тақдим этиш;

– муваққат бошқарувчига:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 52, 53, 68-моддаларига мувофиқ қарздорга нисбатан кузатув таомили қўлланилганлиги ва кредиторлар йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги эълонни расмий нашрда чоп этиш, чоп этилганлик тўғрисидаги далилни судга тақдим этиш;

– қарздор мол-мулкининг сақланашини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

– қарздорнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш;

– қарздорнинг кредиторларини аниқлаш, кредиторлар реестрини тузиш ҳамда уларни қарздорга нисбатан кузатув таомили қўлланганлиги ҳақида ва кредиторларнинг биринчи йиғилишини ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш;

– кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақириш ва ўтказиш ҳамда судга йиғилиш баённомасини («Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида санаб ўтилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда) тақдим этиш, шунингдек, судга тугатиш (санацияловчи, ташқи) бошқарувчи номзодини тақдим этиш;

– ажримни Н. туман ҳокимияти, давлат солиқ инспекцияси ва суд ҳужжатларини ижро қилиш департаментига юбориш;

– қарздорга: унга нисбатан банкротлик иши қўзғатилганлиги тўғрисидаги ажрим нусхасини ваколатхона ва филиаллари жойлашган жойдаги (улар мавжуд бўлса) солиқ идораси ва суд ижрочисига юбориш;

– «XXX–PLYUS» МЧЖ раҳбарига қарздорнинг ходимлари ва муассислари (иштирокчилари)ни кузатув таомили қўлланилганлиги тўғрисида хабардор қилиш ва хабардор қилинганлик тўғрисида далилни судга тақдим этиш;

– иш муҳокамаси вақти ҳақида тарафларни хабардор қилинсин.

6. Тарафларга: ЎзР ХПК 55-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши кераклиги; агар далилни сақлаётган шахс сўралаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини хўжалик суди узрсиз деб топган сабабларга кўра бажармаса, бу шахсга энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида жарима солиниши; суд мажлиси вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинган даъвогарнинг мажлисга келмаган тақдирда даъво кўрмасдан қолдирилиши ҳақида тушунтирилсин.

Судья _____

Илова № 4

Давлат солиқ хизмати органининг аризасига кўра банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатиш тўғрисидаги ажрим

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

А Ж Р И М

(Аризани қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида)

_____ ш. 2009 йил 30 сентябрь _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, Н. туман давлат солиқ инспекциясининг «XXX–PLYUS» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, суд ариза судлов қоидаларига ва ЎзР ХПК 112-моддаси, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда тақдим этилган деб ҳисоблайди.

Аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш учун етарли асослар мавжудлигини эътиборга олиб, ишни тўғри ва ўз вақтида кўрилишини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни бажариш мақсадида, ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45, 47, 48, 49, 62, 65-моддалари ва ХПК 116, 122–124-моддаларига асосланиб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Н. туман давлат солиқ инспекциясининг аризаси иш юритувга қабул қилинсин ва «XXX–PLYUS» МЧЖга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилсин.

Ишнинг суд муҳокамаси хўжалик судининг 2009 йил 20 ноябрда соат 10.00 даги мажлисига тайинлансин. Мажлис суд биноси жойлашган манзилда _____ ш., С. Юсупова кўчаси, 6-уйда, 3-мажлислар залида бўлиб ўтади.

«XXX–PLYUS» МЧЖга нисбатан кузатув таомили қўлланилсин.

«XXX–PLYUS» МЧЖнинг муваққат бошқарувчиси этиб С. Қаршибоев тайинлансин. Муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақ миқдори ва уни тўлаш

тартиби кредиторлар йиғилишининг мазкур масала бўйича қарори тақдим этилгандан кейин аниқлансин.

Ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида:

– Н. туман давлат солиқ инспекцияси (аризачи)га: аризада кўрсатилган талабларни асослантирувчи ҳужжатларнинг асл нусхасини тақдим этиш;

– муваққат бошқарувчига:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 52, 53, 68-моддаларига мувофиқ қарздорга нисбатан кузатув таомили қўлланилганлиги ва кредиторлар йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги эълонни расмий нашрда чоп этиш, чоп этилганлик тўғрисидаги далилни судга тақдим этиш;

– қарздор мол-мулкининг сақланашини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

– қарздорнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш;

– қарздорнинг кредиторларини аниқлаш, кредиторлар реестрини тузиш ҳамда уларни қарздорга нисбатан кузатув таомили қўлланганлиги ҳақида ва кредиторларнинг биринчи йиғилишини ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш;

– кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақириш ва ўтказиш ҳамда судга йиғилиш баённомасини («Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида санаб ўтилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда) тақдим этиш, шунингдек, судга тугатиш (санацияловчи, ташқи) бошқарувчи номзодини тақдим этиш;

– ажримни Н. туман ҳокимияти, давлат солиқ инспекцияси ва суд ҳужжатларини ижро қилиш департаментига юбориш;

– қарздорга: унга нисбатан банкротлик иши қўзғатилганлиги тўғрисидаги ажрим нусхасини ваколатхона ва филиаллари жойлашган жойдаги (улар мавжуд бўлса) солиқ идораси ва суд ижрочисига юбориш;

– «XXX–PLYUS» МЧЖ раҳбарига қарздорнинг ходимлари ва муассислари (иштирокчилари)ни кузатув таомили қўлланилганлиги тўғрисида хабардор қилиш ва хабардор қилинганлик тўғрисида далилни судга тақдим этиш;

– иш муҳокамаси вақти ҳақида тарафлар ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилоят ҳудудий бошқармаси хабардор қилинсин.

6. Тарафларга: ЎзР ХПК 55-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши кераклиги; агар далилни сақлаётган шахс сўралаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини хўжалик суди узрсиз деб топган сабабларга кўра бажармаса, бу шахсга энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида жарима солиниши; суд мажлиси вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабадор қилинган даъвогарнинг мажлисга келмаган тақдирда даъво кўрмасдан қолдирилиши ҳақида тушунтирилсин.

Судья _____

Илова № 5

Прокурорнинг аризасига кўра банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатиш тўғрисидаги ажрим

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

А Ж Р И М

(Аризани қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида)

_____ ш. 2009 йил 30 сентябрь_____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, Н. вилоят прокурорининг (Н. туман давлат солиқ инспекциясининг манфаатларини кўзлаб) «ХХХ–PLYUS» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, суд ариза судловлилик қоидаларига ва ЎзР ХПК 112-моддаси, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда тақдим этилган деб ҳисоблайди.

Аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш учун етарли асослар мавжудлигини эътиборга олиб, ишни тўғри ва ўз вақтида кўрилишини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни бажариш мақсадида, ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 45, 47, 48, 49, 62, 65-моддалари ва ХПК 116, 122–124-моддаларига асосланиб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Н. вилоят прокурорининг аризаси иш юритувга қабул қилинсин ва «ХХХ–PLYUS» МЧЖга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилсин.

Ишнинг суд муҳокамаси хўжалик судининг 2009 йил 20 ноябрда соат 10-00 даги мажлисига тайинлансин. Мажлис суд биноси жойлашган манзилда: _____ ш., С.Юсупова кўчаси, 6-уйда, 3-мажлислар залида бўлиб ўтади.

«ХХХ–PLYUS» МЧЖга нисбатан кузатув таомили қўлланилсин.

«ХХХ–PLYUS» МЧЖнинг муваққат бошқарувчиси этиб С. Қаршибоев тайинлансин. Муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби кредиторлар йиғилишининг мазкур масала бўйича қарори тақдим этилгандан кейин аниқлансин.

Ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида:

– Н. туман давлат солиқ инспекциясига: аризада кўрсатилган талабларни асослантирувчи ҳужжатларнинг асл нусхасини тақдим этиш;

– муваққат бошқарувчига:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 52, 53, 68-моддаларига мувофиқ қарздорга нисбатан кузатув таомили қўлланилганлиги ва кредиторлар йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги эълонни расмий нашрда чоп этиш, чоп этилганлик тўғрисидаги далилни судга тақдим этиш;

– қарздор мол-мулкининг сақланашини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

– қарздорнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш;

– қарздорнинг кредиторларини аниқлаш, кредиторлар реестрини тузиш ҳамда уларни қарздорга нисбатан кузатув таомили қўлланганлиги ҳақида ва кредиторларнинг биринчи йиғилишини ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш;

– кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақириш ва ўтказиш ҳамда судга йиғилиш баённомасини («Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида санаб ўтилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда) тақдим этиш, шунингдек, судга тугатиш (санацияловчи, ташқи) бошқарувчи номзодини тақдим этиш;

– ажримни Н. туман ҳокимияти, давлат солиқ инспекцияси ва суд ҳужжатларини ижро қилиш департаментига юбориш;

– қарздорга: унга нисбатан банкротлик иши қўзғатилганлиги тўғрисидаги ажрим нусхасини ваколатхона ва филиаллари жойлашган жойдаги (улар мавжуд бўлса) солиқ идораси ва суд ижрочисига юбориш;

– «XXX–PLYUS» МЧЖ раҳбарига қарздорнинг ходимлари ва муассислари (иштирокчилари)ни кузатув таомили қўлланилганлиги тўғрисида хабардор қилиш ва хабардор қилинганлик тўғрисида далилни судга тақдим этиш;

– иш муҳокамаси вақти ҳақида тарафлар ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилоят ҳудудий бошқармаси хабардор қилинсин.

6. Тарафларга: ЎзР ХПК 55-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши кераклиги; агар далилни сақлаётган шахс сўралаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини хўжалик суди узрсиз деб топган сабабларга кўра бажармаса, бу шахсга энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида жарима солиниши; суд мажлиси вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабадор қилинган даъвогарнинг мажлисга келмаган тақдирда даъво кўрмасдан қолдирилиши ҳақида тушунтирилсин.

Судья _____

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритувга қабул қилиш ва муваққат бошқарувчини тайинламаган ҳолда иш қўзғатиш тўғрисидаги суд ажрими

Илова № 6

Кредиторнинг аризасига кўра банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатиш тўғрисидаги ажрим

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

А Ж Р И М

(Аризани қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида)

_____ ш. 2009 йил 30 сентябрь _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____ «Х» корхонасининг «ХХХ–PLYUS» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, суд ариза судлов қоидаларига ва ЎзР ХПК 112-моддаси, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 39, 41-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда тақдим этилган деб ҳисоблайди.

Аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш учун етарли асослар мавжудлигини эътиборга олиб, ишни тўғри ва ўз вақтида кўрилишини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни бажариш мақсадида, ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 45, 47, 48, 49-моддалари ва ХПК 116, 122–124-моддаларига асосланиб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

«Х» корхонасининг аризаси иш юритувга қабул қилинсин ва «ХХХ–PLYUS» МЧЖга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилсин.

Иш муҳокамаси бўйича суд мажлиси хўжалик судининг 2009 йил 20 ноябрда соат 10-00 да тайинлансин. Мажлис суд биноси жойлашган манзилда _____ ш., С.Юсупова кўчаси, 6-уйда, 3-мажлислар залида бўлиб ўтади.

«Х» корхонаси ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилоят ҳудудий бошқармасига бир ҳафтада «ХХХ–PLYUS» МЧЖ муваққат бошқарувчиси номзодини тақдим этиш юклатилсин.

Ажрим тарафларга, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилоят ҳудудий бошқармасига, Н. туман ҳокимияти, давлат солиқ инспекцияси ва суд ҳужжатларини ижро қилиш департаментига юборилсин.

Қарздор унга нисбатан банкротлик иши қўзғатилганлиги тўғрисидаги ажрим нусхасини ваколатхона ва филиаллари жойлашган жойдаги (улар мавжуд бўлса) солиқ идораси ва суд ижрочисига юборсин;

«XXX–PLYUS» МЧЖ раҳбари қарздорнинг ходимлари ва муассислари (иштирокчилари)ни кузатув таомили қўлланилганлиги тўғрисида хабардор қилиб, хабардор қилинганлик тўғрисида далилни судга тақдим этсин.

Судья _____

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги суд ажрими*

Илова № 7

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисмида белгиланган шартларнинг бузилганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

А Ж Р И М

(Аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида)

_____ ш. 2009 йил 21 ноябрь _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, Н. вилоят давлат солиқ инспекциясининг «Х» хусусий корхонасини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

* ЎзР ХПК 117-моддасида назарда тутилган асосларга кўра даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим келтириб ўтилмайди.

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 7 ноябрь ҳолатига қарздорнинг солиқлар ва бюджет олдидаги мажбурий тўловлар бўйича 10565554 сўм миқдорида қарздорлиги мавжуд.

Қарздорнинг пул маблағлари мавжуд эмаслиги ва бошқа сабабларга кўра тўловга қобилиятсиз бўлганлиги учун солиқ органи қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни очиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилган.

Суд ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризани қабул қилишни рад этишни лозим деб ҳисоблайди:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддасига мувофиқ, агар ушбу Қонун 5-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган шарт бузилган бўлса, судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этади.

Қонуннинг 5-моддаси 2-қисмига кўра, банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар энг кам иш ҳақи миқдорининг камида беш юз каррасини ташкил этадиган бўлса, қарздор якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан эса энг кам иш ҳақи миқдорининг камида ўттиз каррасини ташкил этадиган бўлса, хўжалик суди томонидан қўзғатилиши мумкин, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2009 йил 1 августдан энг кам ойлик иш ҳақи 33645 сўм қилиб белгиланган ва шунга мувофиқ унинг 500 баравари миқдори 16822500 сўмни ташкил этади.

Давлат солиқ инспекциясининг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлардан кўринишича, қарздорнинг мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги 10565554 сўмни ташкил қилади, яъни солиқ органининг талаблари Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисмида белгиланган миқдордан кам бўлиб, фақат қонунда кўрсатилган миқдордаги қарздорлик мавжуд бўлгандагина банкротлик тўғрисидаги иш суд томонидан қўзғатилиши мумкин.

Бундай ҳолатларда аризани қабул қилиш рад этилиши лозим.

Юқоридагиларга асосан ва ЎзР ХПК 117-моддаси, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 5, 45-моддаларига асосланиб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Н. вилоят давлат солиқ инспекциясининг «Х» хусусий корхонасини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини қабул қилиш рад этилсин.

Мазкур ажрим устидан апелляция тартибида шикоят қилиш мумкин.

Судья _____

Илова № 8

ЎзР ФКнинг 57-моддасида белгиланган шартларнинг бузилганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

А Ж Р И М

(Аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида)

_____ ш. 2009 йил 21 ноябрь _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, Н. вилоят давлат солиқ инспекциясининг «ХХХ» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

2009 йил 30 октябрь ҳолатига қарздорнинг солиқлар ва бюджет олдидаги мажбурий тўловлар бўйича 3142139 сўм миқдорида қарздорлиги мавжуд.

Қарздорнинг пул маблағлари мавжуд эмаслиги ва бошқа сабабларга кўра тўловга қобилиятсиз бўлганлиги учун солиқ органи қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни очиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилган.

Суд ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризани қабул қилишни рад этишни лозим деб ҳисоблайди:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда ФК) нинг 57-моддасига мувофиқ тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс, давлат корхонасидан ташқари, шунингдек, матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахснинг кредиторлар талабларини қондиришга қурби етмаса, суднинг қарорига мувофиқ у ночор (банкрот) деб ҳисобланиши мумкин.

ЎзР «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, ширкат хусусий тураржойлар мулкдорларининг ташаббуси билан ташкил этилади, у нотижорат ташкилоти бўлиб, ўз уставига мувофиқ ўзини-ўзи бошқариш асосида фаолият кўрсатади.

Давлат солиқ инспекциясининг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлардан кўринишича, солиқ органи тижоратчи юридик шахс ҳисобланмайдиган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатини банкрот деб топиш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилган.

Бундай ҳолатларда ЎзР ХПК 117-моддаси 1-қисмига асосан суд давлат солиқ инспекциясининг аризасини қабул қилишни рад этиши лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан ва ЎзР ФК 57-моддаси, ХПК 117-моддасига асосланиб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Н. вилоят давлат солиқ инспекциясининг «ХХХ» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини қабул қилиш рад этилсин.

Мазкур ажрим устидан апелляция тартибида шикоят қилиш мумкин.

Судья _____

Илова № 9

Қонуннинг 185-моддасида белгиланган шартларнинг бузилганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

А Ж Р И М

(аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида)

_____ ш. 2009 йил 21 ноябрь _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, Н. вилоят давлат солиқ инспекциясининг «ХХ» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

2009 йил 24 октябрь ҳолатига қарздорнинг солиқлар ва бюджет олдидаги мажбурий тўловлар бўйича 3035893 сўм миқдорида қарздорлиги мавжуд.

Қарздорнинг пул маблағлари мавжуд эмаслиги ва бошқа сабабларга кўра тўловга қобилиятсиз бўлганлиги учун солиқ органи қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни очиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилган.

Суд ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризани қабул қилишни рад этишни лозим деб ҳисоблайди:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 185-моддасига кўра, агар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги ва (ёки) ўз устав фондини шакллантирмаганлиги муносабати билан тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилинган юридик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, бундай юридик шахс ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда тугатилади. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, тугатиш комиссияси (тугатувчи) тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли чораларни кўриши учун давлат солиқ хизмати органларига мурожаат этиши шарт.

ЎзР Олий хўжалик суди Пленумининг ««Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 142-сонли қарорининг 36-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарорига биноан хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан тугатилган корхонани тугатиш жараёнида фақат бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича қарзлари аниқланиб, давлат солиқ хизмати органи ёки тугатиш комиссияси ушбу корхонани банкрот деб топиш учун хўжалик судига ариза билан мурожаат қилганда, ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан бундай аризани қабул қилиш рад этилади.

Аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги Н. вилоят ҳокимиятининг аризасига кўра хўжалик судининг 29.08.2009 йилги ҳал қилув қарори билан «ХХ» МЧЖ тугатилган ва тугатишга доир иш юритиш жараёнида унинг фақат бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдидаги қарзи аниқланган.

Бундай ҳолатларда аризани қабул қилиш рад этилиши лозим.

Юқоридагиларга асосан ва ЎзР ХПК 117-моддаси, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 185-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Н. вилоят давлат солиқ инспекциясининг «ХХ» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини қабул қилиш рад этилсин.

Мазкур ажрим устидан апелляция тартибида шикоят қилиш мумкин.

Судья _____

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қайтариш тўғрисида суд ажрими*

Илова № 10

*«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддаси олтинчи қисми ва 37–38-моддалари талабларига мувофиқ бўлмаганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги кредиторнинг аризасини қайтариш тўғрисида суд ажрими***

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

А Ж Р И М

(Аризани қайтариш тўғрисида)

_____ ш. 2009 йил 21 ноябрь_____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, «ХХХ» шуъба хўжалик жамиятининг банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

«ХХХ» шуъба хўжалик жамияти бюджет, судларни ривожлантириш жамғармаси ва адлия органлари олдида 95490000 сўм миқдорида пул мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги сабабли ўзини банкрот деб топиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилган.

Суд ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиққан ҳолда қуйидаги асосларга кўра аризани қайтариш лозим деб ҳисоблайди:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддасига мувофиқ, агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза ушбу Қонуннинг 37–44-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, судья аризани қайтаради.

---

* ЎзР ХПК 118-моддасида назарда тутилган асослар бўйича даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги ажрим келтириб ўтилмайди.

**Ариза билан мурожаат қилиш қарздорнинг раҳбари учун мажбурий бўлган (Қонуннинг 8-моддаси) ва Қонуннинг 38-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар аризага илова қилинмаган ҳолатларда, бундай ариза хўжалик суди томонидан қабул қилинади, етарли бўлмаган ҳужжатлар эса банкротлик тўғрисидаги ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида талаб қилиб олинади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 38-моддасига мувофиқ, қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари қарз борлигини, шунингдек, кредиторларнинг талабини қарздор тўла ҳажмда қондиришга қодир эмаслигини, қарздорнинг аризасига асос бўлган бошқа ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига қуйидагилар ҳам илова қилинади:

– қарздор юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек, юридик шахснинг ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар;

– қарздорнинг кредиторлари ва дебиторлари рўйхати, унинг кредиторлик ва дебиторлик қарзини изоҳлаган ҳамда кредиторлари ва қарздорларининг почта манзилларини кўрсатган ҳолда;

– сўнгги ҳисобот кунидаги ҳолатга кўра бухгалтерия баланси ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатлар;

– қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулки таркиби ва қиймати тўғрисидаги ҳужжатлар;

– қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг қарздор ўзини банкрот деб топиш тўғрисида ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиши ҳақидаги қарори;

– агар қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги ариза берилгунга қадар қарздор ходимлари йиғилиши ўтказилиб, унда банкротлик тўғрисидаги ишни кўришда иштирок этиш учун қарздорнинг ходимлари вакили сайланган бўлса, ана шу йиғилиш баённомаси.

Қарздор «Z» компаниясининг шуъба хўжалик жамияти ҳисобланади ва қарздор ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиши мумкинлиги ҳақидаги мулкдорнинг қарори қарздор томонидан тақдим этилмаган.

Бундай ҳолатларда ариза қайтарилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра ва ЎзР ХПКнинг 118-моддаси, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 38, 45-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

«ХХХ» шуъба хўжалик жамиятининг 46 бетдан иборат аризаси қайтарилсин.

Мазкур ажрим устидан апелляция тартибда шикоят қилиш мумкин.

Судья _____

Илова № 11

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддаси олтинчи қисми ва 37–38-моддалари талабларига мувофиқ бўлмаганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги кредиторнинг аризасини қайтариш тўғрисида суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

А Ж Р И М

(Аризани қайтариш тўғрисида)

_____ ш. 2009 йил 21 ноябрь_____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, «ХХХ» хусусий корхонасининг банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

«ХХХ» хусусий корхонаси кредиторлар олдида 25490000 сўм миқдорида пул мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги сабабли ўзини банкрот деб топиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилган.

Суд ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиққан ҳолда қуйидаги асосларга кўра аризани қайтариш лозим деб ҳисоблайди:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддасига асосан, агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза ушбу Қонуннинг 37–44-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, судья аризани қайтаради.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддасига мувофиқ, қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасида зарур бўлган бошқа маълумотлар билан бирга пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларининг қарздор томонидан эътироз билдирилмаётган миқдордаги суммаси ҳам кўрсатилиши лозим.

Қонуннинг ушбу моддасининг 5-қисми кредиторларга ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга қарздор ўз аризасидан нусха юбориши шартлиги назарда тутилган.

Аризадан кўринишича, қарздорнинг 25490000 сўм миқдордаги қарзи мавжуд бўлиб, унинг кредиторлари «Х» корхонаси ва «Z» МЧЖ ҳисобланади.

Бироқ қарздор томонидан Қонуннинг 37-моддаси бешинчи қисми талаблари бузилган ҳолда кредиторларга ариза нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган.

Бундай ҳолатларда аризаси қайтарилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра ва ЎзР ХПКнинг 118-моддаси, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 37, 45-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

«ХХХ» хусусий корхонасининг 36 бетдан иборат аризаси қайтарилсин.

Мазкур ажрим устидан апелляция тартибда шикоят қилиш мумкин.

Судья _____

Илова № 12

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддаси олтинчи қисми ва 39–41-моддалари талабларига мувофиқ бўлмаганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги кредиторнинг аризасини қайтариш тўғрисида суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

А Ж Р И М

(Аризани қайтариш тўғрисида)

_____ ш. 2009 йил 21 ноябрь_____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, «Z» хусусий корхонасининг «ХХХ» корхонасини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра қарздорнинг кредиторлар олдида 23600000 сўм миқдорда қарзи мавжуд.

Қарздор 3 ой ёки ундан ортиқ муддат давомида кредиторлик қарздорлигини тўлай олмаганлиги ва бу ҳолат унинг тўловга қобилиятсизлигини

тасдиқлаганлигини ҳисобга олиб, кредитор қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга оид ишни бошлаш талаби билан судга мурожаат қилган.

Суд ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиққан ҳолда қуйидаги асосларга кўра аризани қайтариш лозим деб ҳисоблайди:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддасига асосан, агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза ушбу Қонуннинг 37–44-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, судья аризани қайтаради.

Қонуннинг 39-моддасига мувофиқ, кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасида қарздорнинг кредитор олдидаги талаб келиб чиқишига сабаб бўлган пул мажбурияти миқдори, шунингдек, уни бажариш муддати; кредитор талабларининг асослилигини тасдиқловчи далиллар, шу жумладан суднинг қонуний кучга кирган қарори, мазкур талаблар қарздор томонидан тан олинганлигини тасдиқловчи далиллар, нотариуснинг ижро хати кўрсатилиши керак.

Бироқ кредиторнинг аризасида қарздор томонидан пул мажбуриятларини бажариш муддати кўрсатилмаган, шунингдек, кредитор талабларининг асослилигини тасдиқловчи далиллар (суднинг қонуний кучга кирган қарори, мазкур талаблар қарздор томонидан тан олинганлигини тасдиқловчи далиллар, нотариуснинг ижро хати ва ҳ.к.) илова қилинмаган.

Бундай ҳолатларда аризаси қайтарилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра ва ЎзР ХПКнинг 118-моддаси, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 39, 45-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

«Z» хусусий корхонасининг 20 бетдан иборат аризаси қайтарилсин.

Мазкур ажрим устидан апелляция тартибда шикоят қилиш мумкин.

Судья _____

Илова № 13

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддаси олтинчи қисми ва 40-моддаси талабларига мувофиқ бўлмаганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги кредиторнинг аризасини қайтариш тўғрисида суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

А Ж Р И М

(Аризани қайтариш тўғрисида)

_____ ш. 2009 йил 22 ноябрь_____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, «Z» хусусий корхонаси ва «X» корхонасининг «XXX» масъулияти чекланган жамиятини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра қарздорнинг «Z» хусусий корхонаси ва «X» корхонаси олдида 19500000 сўм миқдорда қарзи мавжуд.

Қарздор 3 ой ёки ундан ортиқ муддат давомида кредиторлик қарзларини тўлай олмаганлиги ва бу ҳолат унинг тўловга қобилиятсизлигини тасдиқлаганлигини ҳисобга олиб, кредиторлар ўз талабларини бирлаштирган ҳолда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга оид ишни бошлаш талаби билан судга мурожаат қилган.

Суд ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиққан ҳолда қуйидаги асосларга кўра аризани қайтаришни лозим деб топди:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддасига асосан, агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза ушбу Қонуннинг 37–44-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, судья аризани қайтаради.

Қонуннинг 40-моддасига мувофиқ, кредиторлар қарздорга бўлган ўз талабларини бирлаштиришга ҳамда хўжалик судига битта ариза билан мурожаат этишга ҳақли. Бундай ариза ўз талабларини бирлаштирган кредиторлар томонидан имзоланади.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларга кўра, қарздорнинг «Z» хусусий корхонаси олдида 15000000 сўм миқдорда ва «X» корхонаси олдида 8000000 сўм миқдорда қарзи мавжуд бўлиб, улар биргаликда энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваридан ортиқ миқдорни ташкил қилади.

Мазкур қарздорлик қарздорнинг ўзи томонидан тан олинган ва ушбу пул мажбуриятлари улар келиб чиққан вақтдан бошлаб уч ойдан кўп муддат давомида қарздор томонидан бажарилмаган.

Шу ҳолатларни ҳисобга олиб, «Z» хусусий корхонаси ва «X» корхонаси ўз талабларини бирлаштирган ҳолда қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилганлар.

Бироқ қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза фақат «X» корхонасининг раҳбари томонидан имзоланган.

Бундай ҳолатларда аризаси қайтарилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра ва ЎзР ХПКнинг 118-моддаси, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 40, 45-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

«Z» хусусий корхонаси ва «X» корхонасининг 18 бетдан иборат аризаси қайтарилсин.

Мазкур ажрим устидан апелляция тартибда шикоят қилиш мумкин.

Судья _____

Илова № 14

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси Қонуннинг 45-моддаси олтинчи қисми ва 42-моддаси талабларига мувофиқ бўлмаганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини қайтариш тўғрисида суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

А Ж Р И М

(Аризани қайтариш тўғрисида)

_____ ш. 2009 йил 21 ноябрь_____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилоят бошқармасининг «ХХ» очиқ акциядорлик жамиятини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, қарздорнинг кредиторлар олдидаги қарзлари 43600600 сўмни ташкил қилади.

Қарздорнинг пул маблағлари ва мулки мавжуд эмаслиги, шу асосда тўловга қобилиятсиз эканлигини ҳисобга олиб, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга оид ишни бошлаш талаби билан судга мурожаат қилган.

Суд ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиққан ҳолда қуйидаги асосларга кўра аризани қайтаришни лозим деб топди:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддасига асосан, агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза ушбу Қонуннинг 37–44-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, судья аризани қайтаради.

Қонуннинг 42-моддасига мувофиқ, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бор корхонани банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси хўжалик судига ёзма шаклда, қарздорнинг иқтисодий ночорлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатлар илова

этилган ҳолда берилади. Мазкур модданинг иккинчи қисмига кўра, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси хўжалик судига ушбу Қонуннинг 39 ва 41-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда берилади.

Қонуннинг 26-моддасига биноан, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ҳудудий бошқармалари устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бор корхоналарнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг кўрсатмасига биноан хўжалик судига мурожаат этади.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризасига кўра, қарздорнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли очиқ акциядорлик жамияти ҳисобланади ва унинг кредиторлар олдидаги қарзи 43600600 сўмни ташкил қилади.

Бироқ аризанинг матни ва унга илова қилинган ҳужжатларда қарздорнинг устав фондида давлат улуши мавжудлиги ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи борлиги назарда тутилмаган.

Бундай ҳолатларда аризаси қайтарилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра ва ЎзР ХПКнинг 118-моддаси, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 42, 45-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилоят бошқармасининг 24 бетдан иборат аризаси қайтарилсин.

Мазкур ажрим устидан апелляция тартибда шикоят қилиш мумкин.

Судья _____

Илова № 15

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддаси олтинчи қисми ва 43-моддаси талабларига мувофиқ бўлмаганлиги туфайли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги кредиторнинг аризасини қайтариш тўғрисида суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Аризани қайтариш тўғрисида)

_____ ш. 2009 йил 21 ноябрь_____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, Н. туман давлат солиқ инспекциясининг «ХХХ» корхонасини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, қарздорнинг солиқ ва бюджет олдидаги бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи 13602600 сўмни ташкил қилади.

Қарздорнинг пул маблағлари ва мулки мавжуд эмаслиги, шу асосда тўловга қобилиятсиз эканлигини ҳисобга олиб, солиқ идораси қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга оид ишни бошлаш талаби билан судга мурожаат қилган.

Суд ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиққан ҳолда қуйидаги асосларга кўра аризани қайтаришни лозим деб топди:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддасига асосан, агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза ушбу Қонуннинг 37–44-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, судья аризани қайтаради.

Қонуннинг 41-моддасига мувофиқ, кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари қарздорнинг кредитор олдидаги пул мажбуриятларини, шунингдек, бу мажбуриятлар бўйича қарзи борлигини ва унинг миқдорини, кредиторнинг аризасига асос бўлган бошқа ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади. Қонуннинг 43-

моддасига биноан, Давлат солиқ хизмати органининг ва бошқа ваколатли органнинг қарздорни мажбурий тўловлар бўйича банкрот деб топиш тўғрисида хўжалик судига берадиган аризаси ушбу Қонуннинг 39 ва 41-моддаларида назарда тутилган талабларга жавоб бериши керак. Давлат солиқ хизмати органининг ва бошқа ваколатли органнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий тўловлар бўйича қарзни қайтариб олишга доир чора-тадбирлар кўрилганлиги далиллари илова қилиниши керак.

Бироқ аризачи томонидан юқорида назарда тутилган ҳужжатлар аризага илова қилинмаган.

Бундай ҳолатларда аризаси қайтарилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра ва ЎзР ХПКнинг 118-моддаси, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Н. туман давлат солиқ инспекциясининг 30 бетдан иборат аризаси қайтарилсин.

Мазкур ажрим устидан апелляция тартибда шикоят қилиш мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 46-моддасига шарҳ иловалари

Илова № 1

*Кредитор талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисида суд ажрими**

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Кредиторлар талабларини таъминлашга оид чора-тадбирлар кўриш тўғрисида)

_____ ш. 2009 йил 21 ноябрь_____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, кредиторлар талабларини таъминлашга оид чора-тадбирлар кўриш тўғрисида «ХХ» ОАЖ муваққат бошқарувчисининг аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик судининг 2009 йил 10 ноябрдаги ажрима билан «ХХ» ОАЖга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган ва кузатув таомили қўлланилган, суд бошқарувчиси сифатида эса С.Булгаков тайинланган.

Суд бошқарувчиси «ХХ» ОАЖга битимларни суд бошқарувчиси розилигисиз тузишни тақиқлаб қўйиш йўли билан кредиторлар талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилган. Ўз талабларининг асоси сифатида суд бошқарувчиси кузатув жараёнида асосий воситалар таркибига кирган ва баланс қиймати активлар баланс қийматининг 10 фоизидан юқори бўлган мулкнинг қарздор томонидан бегоналаштириш факти аниқланганлигини, бу ҳолат эса банкротлик тўғрисидаги қонунчилик бўйича суд бошқарувчисининг розилигисиз тақиқланганлигини кўрсатган.

Суд бошқарувчисининг аризасида кўрсатилган важларни кўриб чиқиб, суд қуйидаги асосларга кўра суб бошқарувчиси аризасини қаноатлантиришни лозим деб топди:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 46-моддасига мувофиқ, хўжалик

* ХПКда назарда тутилган даъвони таъминлаш чораларини кўриш тўғрисидаги суд ажрими келтириб ўтилмайди.

суди банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахснинг аризасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига мувофиқ кредиторлар талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар кўришга ҳақли. Кредиторларнинг талабларини таъминлашга доир, Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган чора-тадбирлардан ташқари хўжалик суди битимларни суд бошқарувчиси розилигисиз тузишни тақиқлаб қўйишга, қарздорга қимматли қоғозларни, валюта қимматликларини ва бошқа мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсларга топширишни юклашга ҳамда қарздорнинг мол-мулки сақланишини таъминлашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар кўришга ҳақли.

ХПКнинг 76-моддасига мувофиқ, хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра даъвони таъминлаш чораларини кўришга ҳақли. Даъвони таъминлашга, агар шундай чораларни кўрмаслик суд ҳужжатининг ижросини қийинлаштириши ёки бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлса, хўжалик судлов ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида йўл қўйилади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 64-моддаси иккинчи қисмига биноан, қарздорнинг бошқарув органлари баланс қиймати активлар баланс қийматининг 10 фоизидан юқори бўлган қарздор мулкини тасарруф қилиш билан боғлиқ бўлган битимларни муваққат бошқарувчининг фақат ёзма розилиги билангина амалга ошириши мумкин.

Судга тақдим этилган ҳужжатларга кўра қарздорга нисбатан банкортлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин «Х» МЧЖ билан олди-сотди шартномаси тузилган бўлиб, ушбу орқали қиймати 50 млн сўмдан юқори бўлган алкоголсиз ичимликларни қуйиб бериш бўйича технологик ускуна сотилган. Мазкур шартномани тузишда қарздорнинг бошқарув органи томонидан муваққат бошқарувчининг розилиги олинмаган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ва кредиторлар талабларини таъминлаш мақсадида, суд қарздорнинг бошқарув органига (раҳбарига) молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган битимларни суд бошқарувчисининг розилигисиз тузишни тақиқлаб қўйишни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 46-моддаси, ХПКнинг 76, 77, 151-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

«ХХ» ОАЖ суд бошқарувчининг аризаси қаноатлантирилсин.

«ХХ» ОАЖ бошқарув органига (раҳбарига) молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган битимларни суд бошқарувчисининг розилигисиз тузиш тақиқлаб қўйилсин.

Мазкур ажрим устидан шикоят қилиш мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 48-моддасига шарҳ иловалари

Илова № 1

*Банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида суд ажрими**

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида)

_____ ш. 2009 йил 5 октябрь_____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, «Х» корхонасининг «XXX–PLYUS» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги иш юзасидан «Х» корхонасининг муваққат бошқарувчисини тайинлаш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 30 сентябрдаги ажрими билан «Х» корхонасининг «XXX–PLYUS» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси иш юритувга қабул қилинган ва қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган.

Судга мурожааат қилинган вақтда кредитор томонидан муваққат бошқарувчи номзоди таклиф этилмаганлиги учун суднинг аризани иш юритувга қабул қилиш ва «Х» корхонасига нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш тўғрисидаги ажримида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилоят бошқармаси зиммасига бир ҳафта ичида «XXX–PLYUS» МЧЖ муваққат бошқарувчиси номзодини тақдим этиш мажбурияти юклатилган. Шунингдек, қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш билан бир вақтда муваққат бошқарувчи номзоди бўлмаганлиги туфайли кузатув таомили қўлланилмаган ва банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоралари кўрилмаган.

---

* Амалиётда банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ва суд муҳокамасига тайёрлаш бир ажримда ифодаланади. Агар мурожаат қилинган пайтда судга муваққат бошқарувчи номзоди тақдим этилмаган бўлса, банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида алоҳида ажрим чиқарилади (Қонуннинг 45-моддаси 6-иловага қаранг).

Ҳозирги вақтда кредитор томонидан муваққат бошқарувчи номзоди тақдим этилган ва ушбу номзод қонунда белгиланган суд бошқарувчисига қўйилган талабларга мувофиқ келишини ҳисобга олиб, суд «XXX–PLYUS» МЧЖ муваққат бошқарувчиси этиб С.Қаршибоевни тайинлашни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 48-моддаси, ХПКнинг 122–124-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

1. «Х» корхонасининг аризаси қаноатлантирилсин.

2. «XXX–PLYUS» МЧЖга кузатув таомили қўлланилсин.

3. «XXX–PLYUS» МЧЖ муваққат бошқарувчиси этиб С.Қаршибоев тайинлансин.

4. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартибида:

– аризачи «Х» корхонасига келтирилган талабларни асослантирувчи ҳужжатларнинг асл нусхасини тақдим этиш юклатилсин;

– муваққат бошқарувчига:

а) «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 52, 53 ва 68-моддаларига мувофиқ, қарздорга нисбатан кузатув таомили жорий этилганлиги ва кредиторлар йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги маълумотни расмий нашрда эълон қилиш, бу ҳақда нашр этилганлиги далилини судга тақдим қилиш;

б) қарздор мулки сақланишини таъминлаш чораларини кўриш;

в) қарздорнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш;

г) қарздорнинг кредиторларини аниқлаш, кредитор талаблари реестрини тузиш ҳамда уларни қарздорга нисбатан кузатув таомили қўлланилганлиги ва кредиторларнинг биринчи йиғилиши вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш;

д) кредиторлар биринчи йиғилишини чақириш ва ўтказиш ҳамда йиғилиш баённомасини судга тақдим қилиш («Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида санаб ўтилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда), шунингдек, тугатувчи (санацияловчи, ташқи) бошқарувчи номзодини тақдим қилиш юклатилсин.

5. Тарафларга тушунтирилсинки: ЎзР ХПКнинг 55-моддасига мувофиқ ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак; агар далилни сақлаётган шахс сўралаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини бажармаса, ЎзР ХПКнинг 56-моддасига мувофиқ бу шахсга энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида жарима солинади; суд муҳокамасининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинган даъвогар судга келмаган тақдирда, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади.

Судья _____

Илова № 2

Кредитор талаблари юзасидан қарздор эътирозлари асослилигини текшириш тўғрисида суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Талабларни кредиторлар талаблари реестрига киритиш тўғрисида)

_____ ш. 2009 йил 20 сентябрь_____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судья _____ раислигида, _____ котиблигида, муваққат бошқарувчи С.Қаршибоев, қарздорнинг вакили _____ ва кредитор – «Х» корхонасининг вакили _____ иштирокида, давлат солиқ инспекциясининг «ХХХ» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича кредитор талабларига қарздорнинг эътирозини очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик судининг 2009 йил 1 мартдаги ажрими билан давлат солиқ инспекциясининг аризаси асосида «ХХХ» МЧЖга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган ва кузатиш таомили қўлланилган.

Кузатиш жараёнида биринчи йиғилишда «Х» корхонаси уни 4-навбатдаги 3 млн сўм миқдордаги талаби билан кредитор талаблари реестрига киритишни сўраб мурожаат қилган.

Қарздор томонидан «Х» корхонасининг талабларига эътироз билдирилиб, бунинг асоси сифатида қарздор билан «Х» корхонаси ўртасида тузилган олди-сотди (етказиб бериш) шартномасига кўра, «Х» корхонаси томонидан қарздор манзилига умумий суммаси 10,4 млн сўм бўлган 52 минг дона пишиқ ғишт етказиб берилганлигини, товарни қабул қилиш ва тушириш вақтида эса 5,5 минг дона камомад чиққанлиги ва умумий суммаси 3 млн сўм бўлган 9,5 минг дона ғишт синганлиги аниқланганлиги туфайли, товарнинг кам миқдорда ва сифатсиз эканлиги ҳисобга олинган ҳолдаги қиймати тўланганлигини кўрсатган.

Суд мажлисида қарздор вакили эътирозда кўрсатилган важларни қўллаб-қувватлаб, етаказиб берилган товарнинг камомади ва сифатсизлигини тасдиқловчи далиллар белгиланган вақтда етказиб берувчига юборилганлигини, етказиб берувчи эса тақдим этилган далилларни асоссиз равишда ҳисобга олмаётганлигини таъкидлади.

«Х» корхонасининг вакили 3 млн сўм миқдордаги талабни реестрга киритиш талабини қўллаб-қувватлаб, товарни қабул қилиш далолатномаси қарздор томонидан бир томонлама тузилганлигини ва қарздор етказиб берилган товарнинг камомади ва сифатсизлиги факти тўғрисида етказиб берувчини ўз вақтида хабардор қилмаганлигини таъкидлаб ўтди.

Муваққат бошқарувчи мазкур масалани ҳал қилишни суднинг ихтиёрига ҳавола қилди. Суд, тарафлар вакилларини, ишда иштирок этувчиларни эшитиб, тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра қарздор эътирозларини асослантирилмаган, «Х» корхонасининг талабларини асосли деб ҳисоблайди:

ЎзР ФКнинг 234 ва 236-моддаларига мувофиқ, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади, шунингдек, мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Тарафлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлардан кўринишича, қарздор ва «Х» корхонаси ўртасида 2009 йил февралда олди-сотди шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра «Х» корхонаси томонидан қарздор манзилига умумий суммаси 10,4 млн сўм бўлган 52 минг дона қурилиш товарлари (пишиқ ғишт) етказиб берилган.

Қарздор томонидан 7,4 млн сўм миқдордаги тўлов амалга оширилиб, товарни қабул қилиш ва тушириш вақтида эса 5,5 минг дона камомад чиққанлиги ва 9,5 минг дона ғишт синганлиги аниқланганлиги туфайли тўловнинг 3 млн сўмлик қисми рад этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 1993 йил 3 июндаги «Маҳсулотлар, товарлар етказиб беришда камомад чиқиши билан боғлиқ низоларни ҳал этиш амалиёти тўғрисида»ги 17-сонли қарорининг 4-бандига мувофиқ, стандарт, техник шартлар ёки бошка мажбурий қоидалар билан махсулотлар, товарларни миқдори бўйича қабул қилиб олишнинг бошқа тартиби белгиланмаган бўлса, ишлаб чиқариш-техника мақсадидаги маҳсулотларни ва халқ истеъмоли молларини миқдори бўйича қабул қилиб олиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (П-6)да назарда тутилган қабул қилиш тартиби қўлланилади.

Мазкур йўриқноманинг 16 ва 17-бандларига кўра, агар маҳсулотни қабул қилиш вақтида камомад аниқланган бўлса, қабул қилиб олувчи қабул қилишни тўхтатиши, маҳсулотнинг сақланишини таъминлаши, шунингдек, унинг бир турдаги бошқа маҳсулот билан аралашишининг олдини олиш чораларини кўриши лозим. Маҳсулот камомади аниқланганлиги тўғрисида далолатнома маҳсулотни қабул қилишда иштирок этган шахсларнинг имзоси билан тасдиқланади ва қабул қилишни тўхтатиши биланоқ қабул қилувчи бир шаҳарда жойлашган жўнатувчини чақириши ва унинг вакили билан икки томонлама далолатнома тузиши лозим.

Бироқ қарздор Йўриқноманинг мазкур талабларига риоя қилмаган, қабул қилиш тўхтатилмаган ва сотувчининг вакили чақирилмаган, аниқланган камомад тўғрисида эса сотиб олувчи товар етказиб берилган кундан бошлаб 20 кун ўтганидан кейингина хабардор қилинган.

ЎзР Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 28 декабрдаги «Сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотлар (товарлар) етказиб бериш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида»ги 174-қарорининг 9-бандига мувофиқ, зарур сифатга эга бўлмаган ёки бут бўлмаган махсулотлар (товарлар) етказиб бериш билан боғлиқ даъво беришда даъвогар даъво аризасига Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 114-моддасида назарда тутилган хужжатлар билан бирга, етказиб берилган махсулотлар (товарлар)нинг сифати ва бутлиги (комплектлилиги) стандартлар, техник шартлар, намуналар (эталонлар), шунингдек, шартномада назарда тутилган талабларга номувофиқлигини белгиловчи далолатнома; ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотларни ва халқ истеъмоли молларини сифати бўйича қабул қилиб олиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага мувофиқ олувчи корхонанинг жамоат вакилининг ёки агар маҳсулотлар (товарлар)ни қабул қилиб олишда қатнашган бўлса корхона вакилининг гувоҳномаси; тайёрловчи (етказиб берувчи) ёки бошқа ташкилотларнинг вакилини махсулотлар (товарлар)нинг сифати ёки бутлигини текширишда қатнашиш ва далолатнома тузилиши учун чақириш тўғрисидаги хат, телеграмма ёки телефонограмманинг нусхаси илова қилиниши шарт.

Мазкур талаблар ҳам қарздор томонидан бажарилмаган, етказиб берилган товар сифатининг стандартларга мувофиқ келмаслиги тўғрисида сотувчи хабардор қилинмаган ва товарни қабул қилиб олиш бир томонлама амалга оширилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, кредиторларнинг талаблари ва уларни асослантирувчи ҳужжатлар илова қилиниб, суд бошқарувчисига юборилмоқда.

Судга тақдим қилинган ҳужжатларга кўра, «Х» корхонаси талабларни кредитор талаблари реестрига киритиш тўғрисидаги мурожаатига шартнома, маҳсулот етказиб берилганлигини тасдиқловчи юк ҳужжатлари, қисман тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва талаб қилинаётган сумма ҳисоб-китобини илова қилган.

Бундай ҳолатларда қарздорнинг эътирозлари асоссиз бўлиб, «Х» корхонасининг талаблари эса асослантирилган ҳисобланади ва қаноатлантирилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 48 ва 59-моддалари, ХПКнинг 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Қарздорнинг эътирозлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

«ХХХ» МЧЖ муваққат бошқарувчисига «Х» корхонасини кредиторлар талаблари реестрига 3 млн сўм миқдордаги талаб бўйича тўртинчи навбатдаги кредитор сифатида киритиш мажбурияти юклатилсин.

Мазкур ажрим устидан 10 кун муддат ичида апелляция тартибида шикоят қилиш мумкин.

Судья _____

Илова № 3

Кредитор талаблари бўйича қарздор эътирозларининг асослантирилганлигини текшириш тўғрисида суднинг ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Талабни кредиторлар талаблари реестрига қўшишни рад этиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____ -сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судья _____нинг раислигида, _____нинг котиблигида очиқ суд мажлисида, муваққат бошқарувчи С.Каршибаев, қарздор вакили _____ ва «Х» фирмаси вакили _____ларнинг иштирокида Н. туман давлат солиқ инспекциясининг «ХХХ» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича кўрилаётган ишга кредитор талабига нисбатан қарздорнинг эътирозини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик судининг 2009 йил 1 мартдаги ажрими билан Н. туман давлат солиқ инспекциясининг «ХХХ» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига асосан «ХХХ» МЧЖга нисбатан банкротлик иши қўзғатилиб, кузатув таомили жорий этилган.

Кузатув даврида «ХХ» ОАЖнинг биринчи йиғилишида иштирок этиш учун «ХХ» ОАЖни кредиторлар талабларининг реестрига 10 млн сўм тўртинчи навбатга киритиш тўғрисида талаб қўйилган.

Қарздор «ХХ» ОАЖнинг талабига нисбатан эътироз келтириб, «ХХ» ОАЖ билан ўрталарида тузилган олди-сотди шартномасига асосан қарздор томонидан олдиндан тўлов асосида «ХХ» ОАЖга 5 млн сўм пул ўтказиш йўли билан кўчирилган, шундан кейин «ХХ» ОАЖ умумий қиймати 15 млн сўм бўлган маҳсулот етказиб берган, ўртадаги 10 млн сўм фарқ эса «ХХ» ОАЖ ўз талаб қилиш ҳуқуқини «Х» фирмасига ўтказган талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномага асосан «Х» фирмасига пул ўтказиш йўли билан кўчирилганлигини маълум қилган.

Суд мажлисида қарздор вакили эътирозда кўрсатилган важларни қўллаб-қувватлаб, талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шарт-

нома ва «Х» фирмасига 10 млн сўм пул ўтказилганлигини тақдсловчи тўлов ҳужжатини тақдим қилди.

«ХХ» ОАЖ вакили кредиторлар талаблари реестрига 10 млн сўм талаб билан киритиш тўғрисидаги талабини қўллаб-қувватлаб, «Х» фирмаси билан талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома кейинчалик бекор қилинганлигини маълум қилиб, талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномани бекор қилиш тўғрсидаги келишувни тақдим этди.

Муваққат бошқарувчи қарздорнинг эътирозини қўллаб-қувватлаб, талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома «Х» фирмасига пул ўтказилгандан кейин бекор қилинганлиги сабабли «ХХ» ОАЖ «Х» фирмаси билан муносабатларини ўзи ҳал қилиши кераклигини таъкидлади.

Ишда иштирок этувчи тарафларнинг вакилларини эшитиб, тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суд қарздорнинг эътирозини қуйидагиларга кўра асосли деб ҳисоблайди:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 234 ва 236-моддаларига асосан мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади ва мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бажарилиши керак.

Тарафлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларга кўра қарздор ва «ХХ» ОАЖ ўртасида 2009 йил 2 мартда олди-сотди шартномаси тузилган бўлиб, унга асосан қарздор манзилига умумий қиймати 15 млн сўм бўлган халқ истеъмол моллари етказиб берилган.

Қарздор томонидан 5 млн сўм тўлаб берилган ва қарз миқдори 10 млн сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 313-моддасига асосан Мажбурият асосида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқ (талаб) унинг томонидан битим бўйича бошқа шахсга ўтказилиши (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) ёки қонун асосида бошқа шахсга ўтиши мумкин. Кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтиши учун, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг розилиги талаб қилинмайди.

Фуқаролик қонунчилигининг мазкур нормасига асосан 2009 йилнинг 10 апрелида «ХХ» ОАЖ ва «Х» фирмаси ўртасида талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома имзоланиб, унга кўра 2009 йил 2 мартда олди-сотди шартномасига асосан 10 млн сўм талаб қилиш ҳуқуқи «Х» фирмасига ўтказилган.

«ХХ» ОАЖ талаб қилиш ҳуқуқи ўтказилганлиги ҳақида қарздорни 2009 йил 12 апрелда 2/1-сонли хат билан хабардор қилган ва шунга асосан қарздор 2009 йил 15 апрелдаги 42-сонли тўлов топшириқномаси билан «Х» фирмасига 10 млн сўм ўтказган.

Бундай шароитда суд қарздорнинг эътирозини асосли деб топади.

«ХХ» ОАЖ нинг «*шартнома кейинчалик бекор қилинганлиги*» тўғрисидаги важлари суд томонидан қабул қилинмайди. Чунки, талаб қилиш ҳуқуқини

бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома «ХХ» ОАЖ ва «Х» фирмасининг 2009 йил 3 майдаги, яъни қарздор томонидан «Х» фирмасига пул кўчирилгандан кейин тузилган келишувига кўра бекор қилинган.

Бундай ҳолларда, қарздорнинг эътирози асосли, «ХХ» ОАЖ нинг талаби эса асоссиз бўлиб ҳисобланади.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 48 ва 59-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 151-моддаларига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Қарздорнинг эътирози қаноатлантирилсин.

«ХХ» ОАЖни кредиторлар талабларининг реестрига 10 млн сўм талаб билан тўртинчи навбатга киритиш рад этилсин.

Мазкур ажрим устидан 10 кун муддат ичида апелляция тартибида шикоят келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 50-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Суднинг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

_____ ш. 14 март 2009 йил _____ -сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судья _____нинг раислигида, _____нинг котиблигида очиқ суд мажлисида, муваққат бошқарувчи С.Каршибаев, кредитор _____ ва қарздор_____ иштирокида АТБ «Х–банк»нинг «D-LTD» ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси асосида қўзғатилган ишни кўриб чиқиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2005 йил 27 июлда тарафлар ўртасида 12/13-сонли кредит шартномаси тузилган ва унга асосан банк томонидан мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна сотиб олиш учун 2000000 АҚШ долл.кредит берилган. Кредитни тўлаш жадвали ва шартнома шартларига хилоф равишда навбатдаги тўлов ва кредит воситаларидан фойдаланганлик учун фоизлар тўланмаганлиги асосида 2008 йилнинг 1 сентябри ҳолатига кўра муддати ўтган қарздорлик 542168 АҚШ долларини ташкил қилган.

Кредитор томонидан ўтказилган қарздорнинг молия-хўжалик фаолияти мониторинги натижасида, унинг банкдан ташқари бюджет олдида 3498594 сўм, бошқа кредиторлар олдида эса 28528391 сўм қарзи борлиги аниқланган.

Қарздор уч ва ундан орттиқ ой муддатда қарзини тўлай олиш имкониятига эга эмаслигини инобатга олган ҳолда кредитор уни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ариза билан мурожаат этган.

Суднинг 2009 йил 2 январдаги ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув таомили жорий этилган, муваққат бошқарувчи сифатида С.Каршибаев тайинланган.

Суд мажлисида кредитор вакили арз қилинган талабларни қўллаб-қувватлаб, 2009 йилнинг 1 март ҳолатига кўра муддати ўтган қарздорлик 842168 АҚШ долларини ташкил этишини маълум қилди.

Муваққат бошқарувчи ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қарздорнинг кредитор ва дебиторлари аниқланганлиги, кредиторлар талабларининг реестри тузилганлиги, қарздорнинг молия-хзжалик фаолияти таҳлил қилинганлиги, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ташкил этилганлиги ва ўтказилганлиги, унда кредиторлар хўжалик судига қарздорни банкрот деб топиш ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ариза беришга қарор қилишганлиги, тугатувчи бошқарувчи сифатида А.Собировнинг номзодини таклиф этганликларини маълум қилди.

Қарздор вакили кредиторлик қарзини тан олишини таъкидлаб, 50647197-38 сўмлик (реализация нархи бўйича 333135 минг сўмлик) тайёр маҳсулот, 773908 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлган 160604619-35 сўмлик хомашё мавжудлиги, шунингдек 38049720-70 сўмлик дебиторлик қарзи борлиги ҳақида маълумот берди.

Суд муваққат бошқарувчи ва тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, иш материаллари билан танишиб, қуйидагиларга кўра банкнинг талабларини асосли ва қаноатлантиришга лойиқ деб ҳисоблайди:

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига асосан Қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар

мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади.

Юқоридаги Қонуннинг 5-моддасига асосан банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар энг кам иш ҳақи миқдорининг камида беш юз каррасини ташкил этадиган бўлса, қарздор якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан эса энг кам иш ҳақи миқдорининг камида ўттиз каррасини ташкил этадиган бўлса, хўжалик суди томонидан қўзғатилиши мумкин.

Иш материалларига кўра 2005 йил 27 июлда тарафлар ўртасида 12/13-сонли кредит шартномаси тузилган ва унга асосан банк томонидан мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна сотиб олиш учун 2000000 АҚШ долл. кредит берилган. Шартноманинг 3.07 бўлими «b» бандига асосан кредит 2006 йил 8 февралдан бошлаб ҳар олти ойда 400000 АҚШ долларидан сўндириб борилиши керак. 2006 йил 28 февралда тузилган 1-сонли Қўшимча келишувга асосан юқоридаги бандга ўзгартириш киритилган ва кредитнинг сўндирилиши 2006 йил 8 август ва 2007 йил 8 февралда 400000 АҚШ долларидан, кейинчалик эса 2007 йил 8 августдан 2009 йил 8 февралгача ҳар олти ойда 300000 АҚШ долларидан сўндириб борилиши керак бўлган. Лекин қарздор томонидан кредитни қайтариш билан боғлиқ мажбуриятлар бажарилмаган ва бунинг натижасида 2008 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра банк олдидаги қарздорлик 542168 АҚШ долларини ташкил қилган. Шундан:

– 444400 АҚШ доллари – муддати ўтган асосий қарз;

– 622 АҚШ доллари – мажбурият учун комиссия суммаси;

– 97146 АҚШ доллари – муддати ўтган фоизлар.

2009 йилнинг 8 февралида кредитни қайтариш бўйича навбатдаги 300000 АҚШ долларини тўлаш муддати тугади. Лекин бу ҳам қарздор томонидан тўланмаганлиги учун банк олдидаги қарздорлик 842168 АҚШ долларини ташкил этди.

Бундан ташқари, қарздор 2009 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра бошқа субъектлардан қуйидаги қарзларга эга:

– 3498594 сўм – солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар учун бюджетдан;

– 1298620 сўм – «Inter–X» ҚКдан;

– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖдан;

– 1274271 сўм – иш ҳақи бўйича ходимлардан.

Шундай қилиб, қарздорнинг банк олдидаги умумий қарзи миллий валютада 2009 йил 1 март ҳолатига кўра 1039266912 сўмни бошқа кредиторлар олдидаги қарзи эса 31608932 сўмни, жами 1070875844 сўмни ташкил этади.

2009 йил 27 февралда кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказилган бўлиб, унда кредиторлар хўжалик судига қарздорни банкрот деб топиш ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ариза беришга қарор қилишган. Тугатувчи бошқарувчи сифатида 2-тоифа суд

бошқарувчиси аттестатига эга бўлган А.Собировнинг номзодини таклиф этишиб, унга ҳар ой энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида ҳақ тўлаш белгиланган.

Юқоридагиларга асосан ва қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини, улар юзага келган вақтдан бошлаб уч ой давомида бажаришга қодир эмаслигини инобатга олиб, суд аризачининг талабини асосли ва суд харажатларини қарздор зиммасига юклаган ҳолда қаноатлантириш лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, номзоди таклиф этилган суд бошқарувчи банкротлик тўғрисидаги қонунчилик талабларига жавоб беришлигини инобатга олиб, суд тугатувчи бошқарувчи сифатида Сабиров Акбар Акрамжоновични тайинлаш ва унга ҳар ой энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ҳақ тўлаш лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4, 5, 54, 124, 126 -моддалари, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 95, 135, 138 -моддаларига асосан суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

АТБ «Х–банк»нинг «D–LTD» ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин.

«D–LTD» ҚК банкрот деб топилсин ва тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

Тугатувчи бошқарувчи этиб Сабиров Акбар Акрамжонович тайинлансин.

Тугатувчи бошқарувчига ҳар ой энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ҳақ тўлаш тасдиқлансин.

Тугатувчи бошқарувчи:

– ўн кун муддат ичида қарздор банкрот деб топилганлиги ва тугатишга доир иш юритишни бошланганлиги тўғрисида расмий нашрда эълон қилиш ва чоп этилганлиги тўғрисидаги далилни судга тақдим этиш;

– тугатишга доир иш юритишни Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун талабларига асосан ташкил этиш ва ўтказиш, 2009 йил 1 декабргача тугатишга доир иш юритиш натижалари тўғрисида судга ҳисобот тақдим этиш мажбурияти юклатилсин.

«D–LTD»ҚКдан АТБ «Х–банк» фойдасига 334700 сўм суд харажатлар ундирилсин.

Ижро варақаси берилсин.

Мазкур қарор устидан, у қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида Н. вилоят хўжалик судига апелляция шикояти берилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 2

Суднинг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

_____ ш. 14 март 2009 йил _____ -сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судья _____нинг раислигида, _____ нинг котиблигида очиқ суд мажлисида, муваққат бошқарувчи С.Каршибаев, кредитор _____ ва қарздор_____ иштирокида «X» МЧЖнинг «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси асосида қўзғатилган ишни кўриб чиқиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2008 йил 8 июлда кредитор ва қарздор ўртасида маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилган бўлиб, унга асосан кредитор томонидан пахта толаси етказиб берилган. Қарздор шартнома шартларини бузган ҳолда етказиб берилган маҳсулот ҳақини тўламаган ва бунинг натижасида 2008 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра унинг муддати ўтган қарз миқдори 29995500 сўмни ташкил этган, бу қарздор томонидан тан олинган ва тарафлар томонидан имзоланган ҳисоб-китобларни таққослаш далолатномаси тузилган.

Қарздор уч ва ундан орттиқ ой муддатда қарзини тўлай олиш имкониятига эга эмаслигини инобатга олган ҳолда кредитор уни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ариза билан мурожаат этган.

Суднинг 2009 йил 2 январдаги ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув таомили жорий этилган, муваққат бошқарувчи сифатида С.Каршибаев тайинланган.

Суд мажлисида кредитор вакили қарздор томонидан кредиторлик қарзи тўлиқ тўланганлигини маълум қилди.

Муваққат бошқарувчи ўзига юклатилган вазифаларга кўра 2009 йил 15 январда «Биржа» газетасининг 2-сонида қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилганлиги ва кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказилиши

санаси ва жойи тўғрисида эълон чоп этилганлиги, лекин кредиторлар томонидан кредиторлар талаблари реестрига киритиш тўғрисида мурожаатлар бўлмаганлиги ва тегишинча кредиторлар биринчи йиғилишга келишмаганлиги, корхонанинг ҳисоб рақамида 2833435-13 сўм маблағлар борлиги, 2-картотека йўқлиги, корхонанинг дебиторлик қарзи 16304100 сўмни ташкил этиши, корхонада 36 млн сўмлик тайёр маҳсулот ва хомашё мавжудлиги ҳақида маълумот берди. Муваққат бошқарувчи шунингдек, аризачининг талаби қарздор томонидан қондирилганлиги, бугунги кунда қарздорнинг кредиторлик қарзи қолмаганлиги ва молия-хўжалик фаолиятини давом эттириш учун имконият мавжудлигини таъкидлади.

Қарздор вакили аризачи олдидаги муддати ўтган кредиторлик қарзи тўланганлиги, корхонанинг бошқа кредиторлари қолмаганлиги, молия-хўжалик фаолияти барқарорлашганлиги, маҳсулот учун буюртмалар олишганлиги ва ҳамкорлар билан узоқ муддатга мўлжалланган шартномалар тузилганлиги, бу шартномаларнинг ижро этилиши натижасида корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти мустаҳкамланиши ҳақида тушунтириш берди.

Суд муваққат бошқарувчи ва тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, иш материаллари билан танишиб, қуйидагиларга асосан аризачининг талабини қаноатлантирмасдан қолдириш лозим деб ҳисоблайди:

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига асосан қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади. Иш материалларига кўра 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра қарздорнинг 29995500 сўм қарзи бўлиб, ягона кредитор аризачи бўлган.

Банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгандан кейин қарздор 2009 йил 3 февралдаги 24-сонли тўлов топшириқномаси билан 29995500 сўм кредиторга кўчирди ва шу билан мавжуд кредиторлик қарзини сўндирди.

АТБ «Х–банк»нинг 2009 йил 20 февралдаги маълумотномасига асосан корхонанинг ҳисоб р 2833435-13 сўм пул маблағлари мавжуд, 2-картотека эса йўқ..

Корхона 16304100 сўм дебиторлик қарз, 36 млн сўмлик тайёр маҳсулот ва хомашёга эга.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 54-моддасига асосан хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарори хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги иш бўйича қарор қабул қилгунга қадар кредиторларнинг билдирилган талаблари қондирилган ҳолда қабул қилинади

Бундай ҳолларда, кредиторларнинг талаблари қондирилганлиги муносабати билан суд аризачининг талабини қаноатлантирмасликни лозим топади. Қарздорлик банкрот деб топиш тўғрисида ариза судга тақдим этилгандан

кейин сўндирилганлиги учун суд харажатларини тўлаш қарздор зиммасига юклатилади.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4, 5, 50, 54 -моддалари, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 95, 135, 138-моддаларига асосан суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«X» МЧЖнинг«Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

«Z» фирмасидан «X»МЧЖ фойдасига 334700 сўм суд харажатлари ундирилсин.

Мазкур қарор устидан, у қабул қилинган кундан бошлаб 1 ой мобайнида Н. вилоят хўжалик судига апеллеяция шикояти берилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 3

Суд санациясини қўллаш тўғрисида суднинг ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 14 март 2009 йил _____ -сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судья _____нинг раислигида, _____нинг котиблигида очиқ суд мажлисида, муваққат бошқарувчи С.Каршибаев, кредитор _____ ва қарздор_____ иштирокида АТБ «X–банк»нинг «D–LTD» ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси асосида қўзғатилган ишни кўриб чиқиб қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

2005 йил 27 июлда тарафлар ўртасида 12/13-сонли кредит шартномаси тузилган ва унга асосан банк томонидан мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна сотиб олиш учун 2000000 АҚШ долл. кредит берилган. Кредитни тўлаш жадвали ва шартнома шартларига хилоф

равишда навбатдаги тўлов ва кредит воситаларидан фойдаланганлик учун фоизлар тўланмаганлиги асосида 2008 йилнинг 1 сентябри ҳолатига кўра муддати ўтган қарздорлик 542168 АҚШ долларини ташкил қилган.

Кредитор томонидан ўтказилган қарздорнинг молия-хўжалик фаолияти мониторинги натижасида, унинг банкдан ташқари бюджет олдида 3498594 сўм, бошқа кредиторлар олдида эса 28528391 сўм қарзи борлиги аниқланган.

Қарздор уч ва ундан ортиқ ой муддатда қарзини тўлай олиш имкониятига эга эмаслигини инобатга олган ҳолда кредитор уни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ариза билан мурожаат этган.

Суднинг 2009 йил 2 январдаги ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув таомили жорий этилган, муваққат бошқарувчи сифатида С. Каршибаев тайинланган.

Суд мажлисида кредитор вакили кузатув жараёнида қарздор билан олиб борилган музокаралар натижасида қарздорга банк олдидаги мажбуриятларини бажариш учун қўшимча муддат берилганлиги муносабати билан кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарорига кўра қарздорга нисбатан суд санациясини қўллаш тартибини жорий этиш тўғрисида судга илтимоснома киритишга қарор қилинганлигини маълум қилди.

Муваққат бошқарувчи ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қарздорнинг кредитор ва дебиторлари аниқланганлиги, кредиторлар талабларининг реестри тузилганлиги, қарздорнинг молия-хўжалик фаолияти таҳлил қилинганлиги, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ташкил этилганлиги ва ўтказилганлиги, унда қарздорга нисбатан 18 ой муддатга суд санацияси таомилини қўллаш тартибини жорий этиш тўғрисида судга илтимоснома киритишга қарор қилинганлигини, санация қилувчи бошқарувчи сифатида А.Собировнинг номзодини таклиф этганликларини маълум қилди. Шунингдек, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти барқарорлиги ва қарздор 12 ой ичида тўлов қобилиятини тиклай олиши ва шундан кейин кредиторлар олдидаги қарзини уза бошлашини маълум қилди.

Қарздорнинг вакили мавжуд кредиторлик қарзини тан олиб, аоссий кредитор бўлган банк билан бўлган музокаралар чоғида кредит бўйича тўловларни тўлашни кечиктиришга келишилганлиги, шу муддат давомида банк ва бошқа кредиторлар олдидаги кредиторлик қарзи тўланиши ҳақида тушунтириш берди.

Суд муваққат бошқарувчи ва тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, иш материаллари билан танишиб, қуйидагиларга асосан кредиторлар йиғилишининг илтимосномасини қаноатлантиришга лойиқ деб ҳисоблайди:

Иш материалларига кўра 2005 йил 27 июлда тарафлар ўртасида 12/13-сонли кредит шартномаси тузилган ва унга асосан банк томонидан мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна сотиб олиш учун 2000000 АҚШ долл. кредит берилган. Шартнома шартларига кўра кре-

дит 2006 йил 8 февралдан бошлаб ҳар олти ойда 400000 АҚШ долларидан сўндириб борилиши керак. Лекин қарздор томонидан кредитни қайтариш билан боғлиқ мажбуриятлар бажарилмаган ва бунинг натижасида 2008 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра банк олдидаги қарздорлик 542168 АҚШ долларини ташкил қилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4 ва 5-моддаларида назарда тутилган банкротлик белгилари мавжудлигини инобатга олиб, банк қарздорга нисбатан банкротлик ишини қўзғатиш ва уни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган.

Суднинг 2009 йил 2 январдаги ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув таомили жорий этилган, шу даврда муваққат бошқарувчи томонидан қарздорнинг кредитор ва дебиторлари аниқланган, кредиторлар талабларининг реестри тузилган, қарздорнинг молия-хўжалик фаолияти таҳлил қилинган ҳамда кредиторларнинг биринчи йиғилиши ташкил этилган ва ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 72-моддасига асосан кредиторларнинг биринчи йиғилиши ваколатига суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш киради.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 73-моддасига асосан кредиторлар биринчи йиғилишининг суд санациясини жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорида суд санациясининг таклиф қилинаётган муддати ва қарзни узишнинг маъқулланган жадвали бўлиши керак.

2009 йил 27 февралда кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказилган ва унда қарздорга нисбатан 18 ой муддатга суд санацияси таомилини қўллаш тартибини жорий этиш тўғрисида судга илтимоснома киритишга қарор қилинган, санация қилувчи бошқарувчи сифатида 2-тоифа суд бошқарувчи аттестатига эга бўлган А.Собировнинг номзодини таклиф этишиб, унга ҳар ой энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида ҳақ тўлаш белгиланган.

Юқоридагиларга асосан ва кредиторлар йиғилишининг қарорини инобатга олиб, суд кредиторлар йиғилишининг илтимосномасини қаноатлантириш ва қарздорга нисбатан 18 ой муддатга суд санацияси таомилини қўллаш тартибини жорий этиш, шунингдек, қарзни тўлаш жадвалини тасдиқлашни ва суд харажатларини қарздор зиммасига юклашни лозим топади.

Шунингдек, номзоди таклиф этилган суд бошқарувчи банкротлик тўғрисидаги қонунчилик талабларига жавоб беришини инобатга олиб, суд санация қилувчи бошқарувчи сифатида Сабиров Акбар Акрамжоновични тайинлаш ва унга ҳар ой энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ҳақ тўлаш лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4, 5, 50, 75, 78 ва 80-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 95, 151, 138 -моддаларига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«D–LTD» ҚК кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

«D–LTD» ҚК га нисбатан 18 ой муддатга суд санацияси жорий этилсин ва қарзни тўлаш жадвали тасдиқлансин.

Санация қилувчи бошқарувчи этиб Сабиров Акбар Акрамжонович тайинлансин.

Санация қилувчи бошқарувчига ҳар ой энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ҳақ тўлаш тасдиқлансин.

Санация қилувчи бошқарувчи:

– ўн кун муддат ичида қарздорга нисбатан 18 ой муддатга суд санацияси жорий этилганлиги тўғрисида расмий нашрда эълон қилиш ва чоп этилганлиги тўғрисидаги далилни судга тақдим этиш;

– суд санацияси режаси ва қарзни тўлаш жадвалида назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан назорат жорий этиш мажбурияти юклатилсин.

«D–LTD»ҚКдан АТБ «Х–банк» фойдасига 334700 сўм суд харажатлари ундирилсин. Ижро варақаси берилсин.

Мазкур қарор устидан, у қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида Н. вилоят хўжалик судига апелляция шикояти берилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 4

Суд санацияси муддатини узайтириш тўғрисида суднинг ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 14 сентябрь 2010 йил _____ -сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, АТБ «Х–банк»нинг «D–LTD» ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси асосида қўзғатилган иш бўйича «D–LTD» ҚК кредиторлар йиғилишининг суд санацияси муддатини узайтириш илтимосномасини кўриб чиқиб қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Суднинг 2009 йил 2 январдаги ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув таомили жорий этилган.

Кузатув даврида кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказилган ва унда қарздорга нисбатан 18 ой муддатга суд санацияси таомилини қўллаш тартибини жорий этиш тўғрисида судга илтимоснома киритишга қарор қилинган.

Суднинг 2009 йил 14 мартдаги ажримига асосан «D–LTD» ҚК га нисбатан 18 ой муддатга суд санацияси жорий этилган ва қарзни тўлаш жадвали тасдиқланган.

2010 йил 2 сентябрда кредиторлар йиғилиши ўтказилиб, унда суд бошқарувчисининг суд санацияси натижалари тўғрисидаги ҳисоботи тингланган ҳамда суд санацияси муддатини 6 ойга узайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган ва қарзни тўлаш жадвали тасдиқланган.

Суд кредиторлар йиғилиши баённомаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра кредиторлар йиғилиши илтимосномасини қаноатлантиришга лойиқ деб ҳисоблайди:

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 78-моддаси, 4-қисмига асосан суд санацияси кўпи билан йигирма тўрт ойга жорий этилади, бу муддат мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар кредиторларнинг талабларини қондириши учун хўжалик суди томонидан кўпи билан олти ойга узайтирилиши мумкин.

Иш материалларига кўра, суднинг 2009 йил 14 мартдаги ажримига асосан «D–LTD» ҚК га нисбатан 18 ой муддатга суд санацияси жорий этилган ва қарзни тўлаш жадвали тасдиқланган.

Суд санацияси даврида қарздор томонидан тўлов қобилиятини тиклашга қаратилган тадбирлар амалга оширилган ва қарзни тўлаш жадвалига асосан қарзлар қисман тўланган. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши (суд санациясини жорий этиш) вақтида тузилган кредиторлар талаблари реестрига асосан кредиторлар талабларининг умумий суммаси 851,2 млн сўм, шу жумладан АТБ «Х–банк» олдида 542168 АҚШ долларига тенг бўлган 702,6 млн сўмни ташкил этган. Суд санацияси даврида жами 749 млн сўм, шу жумладан, банк олдидаги қарз тўлиқ тўланган. Кредиторларнинг қаноатлантирилмаган талаблари суммаси 102,2 млн сўмни ташкил этади.

2010 йил 2 сентябрда кредиторлар йиғилиши ўтказилиб, унда суд бошқарувчисининг суд санацияси натижалари тўғрисидаги ҳисоботи тингланган ҳамда суд санацияси муддатини 6 ойга узайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган ва қарзни тўлаш жадвали тасдиқланган. Мазкур йиғилишда санация қилувчи бошқарувчи сифатида Сабиров Акбар Акрамжоновични қолдириш ва унинг ҳар ой энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида иш ҳақини сақлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Юқоридагиларга асосан ва кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарорини инобатга олиб, суд кредиторлар йиғилишининг илтимосномасини қаноатлантириш ва суд санацияси муддатини 6 ойга узайтиришни, қарзни тўлаш жадвалини тасдиқлашни ва санация қилувчи бошқарувчи Сабиров Акбар Акрамжоновичнинг ваколатларини узайтиришни ва унинг ҳар ой энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида иш ҳақини сақлаб қолишни лозим топади.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг78 ва 80 -моддалари, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 95, 151-моддаларига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«D–LTD» ҚК кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

«D–LTD» ҚК га нисбатан жорий этилган суд санацияси муддати 6 ойга узайтирилсин ва қарзни тўлаш жадвали тасдиқлансин.

Санация қилувчи бошқарувчи Сабиров Акбар Акрамжоновичнинг ваколатлари «D–LTD» ҚК га нисбатан жорий этилган суд санацияси муддатига узайтирилсин ва унга ҳар ой энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан тўланадиган ҳақ сақлаб қолдирилсин.

Санация қилувчи бошқарувчи:

– ўн кун муддат ичида қарздорга нисбатан жорий этилган суд санацияси муддати узайтирилганлиги тўғрисида расмий нашрда эълон қилиш ва чоп этилганлиги тўғрисидаги далилни судга тақдим этиш;

– суд санацияси режаси ва қарзни тўлаш жадвалида назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан назорат жорий этиш мажбурияти юклатилсин.

Мазкур қарор устидан, у қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида Н. вилоят хўжалик судига апелляция шикояти берилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 5

*Ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида суднинг ажрими**

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 14 март 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судья _____нинг раислигида, _____нинг котиблигида очиқ суд мажлисида, муваққат бошқарувчи С.Каршибаев, кредитор _____ ва қарздор_____ иштирокида АТБ «Х–банк»нинг «D–LTD» ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси асосида қўзғатилган ишни кўриб чиқиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2005 йил 27 июлда тарафлар ўртасида 12/13-сонли кредит шартномаси тузилган ва унга асосан банк томонидан мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна сотиб олиш учун 2000000 АҚШ долл.кредит берилган. Кредитни тўлаш жадвали ва шартнома шартларига хилоф равишда навбатдаги тўлов ва кредит воситаларидан фойдаланганлик учун фоизлар тўланмаганлиги асосида 2008 йилнинг 1 сентябри ҳолатига кўра муддати ўтган қарздорлик 542168 АҚШ долларини ташкил қилган.

Кредитор томонидан ўтказилган қарздорнинг молия-хўжалик фаолияти мониторинги натижасида, унинг банкдан ташқари бюджет олдида 3498594 сўм, бошқа кредиторлар олдида эса 28528391 сўм қарзи борлиги аниқланган.

Қарздор уч ва ундан орттиқ ой муддатда қарзини тўлай олиш имкониятига эга эмаслигини инобатга олган ҳолда кредитор уни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ариза билан мурожаат этган.

Суднинг 2009 йил 2 январдаги ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган

* Суднинг ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрими 91 ва 108-моддалар шарҳининг иловасида берилган.

ва кузатув таомили жорий этилган, муваққат бошқарувчи сифатида С. Каршибаев тайинланган.

Суд мажлисида кредитор вакили сўзга чиқиб, кузатув даврида қарздорнинг молия-хўжалик фаолияти таҳлили амалга оширилганлиги ва унинг натижасида қарздор тўлов ўз қобилиятини тиклаш имкониятига эгалигини инобатга олган ҳолда кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарорига кўра қарздорга нисбатан ташқи бошқарувни қўллаш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги қарор қабул қилинганлигини маълум қилди.

Муваққат бошқарувчи ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қарздорнинг кредитор ва дебиторлари аниқланганлиги, кредиторлар талабларининг реестри тузилганлиги, қарздорнинг молия-хўжалик фаолияти таҳлил қилинганлиги, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ташкил этилганлиги ва ўтказилганлиги, унда қарздорга нисбатан 18 ой муддатга ташқи бошқарув таомилини қўллаш тартибини жорий этиш тўғрисида судга илтимоснома киритишга қарор қилинганлигини, ташқи бошқарувчи сифатида А.Собировнинг номзодини таклиф этганликларини маълум қилди. Шунингдек, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти барқарорлиги ва қарздор 12 ой ичида тўлов қобилиятини тиклай олиши ва шундан кейин кредиторлар олдидаги қарзини уза бошлашини маълум қилди.

Қарздорнинг вакили мавжуд кредиторлик қарзини тан олиб, корхона халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариши ва унинг маҳсулотига талаб юқорилиги, ишлаб чиқариш фаолияти барқарорлиги ва мулкдор томонидан корхонанинг тўлов қобилиятини тиклаш чораси сифатида ташқи бошқарув режасига норентабел ишлаб чиқаришни ёпиш ҳамда уни кенг талабдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштириш таклиф этилиши ҳақида тушунтириш берди.

Суд муваққат бошқарувчи ва тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, иш материаллари билан танишиб, қуйидагиларга асосан кредиторлар йиғилишининг илтимосномасини қаноатлантиришга лойиқ деб ҳисоблайди:

Иш материалларига кўра 2005 йил 27 июлда тарафлар ўртасида 12/13-сонли кредит шартномаси тузилган ва унга асосан банк томонидан мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна сотиб олиш учун 2000000 АҚШ долл.кредит берилган. Шартнома шартларига кўра кредит 2006 йил 8 февралдан бошлаб ҳар олти ойда 400000 АҚШ долларидан сўндириб борилиши керак. Лекин қарздор томонидан кредитни қайтариш билан боғлиқ мажбуриятлар бажарилмаган ва бунинг натижасида 2008 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра банк олдидаги қарздорлик 542168 АҚШ долларини ташкил қилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4 ва 5-моддаларида назарда тутилган банкротлик белгилари мавжудлигини инобатга олиб, банк қарздорга нисбатан банкротлик ишини қўзғатиш ва уни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган.

Суднинг 2009 йил 2 январдаги ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув таомили жорий этилган, шу даврда муваққат бошқарувчи томонидан қарздорнинг кредитор ва дебиторлари аниқланган, кредиторлар талабларининг реестри тузилган, қарздорнинг молия-хўжалик фаолияти таҳлил қилинган ҳамда кредиторларнинг биринчи йиғилиши ташкил этилганлиги ва ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 72-моддасига асосан кредиторларнинг биринчи йиғилиши ваколатига суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ҳамда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш киради.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 73-моддасига асосан кредиторлар биринчи йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорида ташқи бошқарувнинг таклиф қилинаётган муддати ва ташқи бошқарувчиликка номзод, шунингдек, у ҳақдаги маълумотлар бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 91-моддаси, 1-қисмига асосан, агар қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг ҳақиқий имконияти аниқланган бўлса, ташқи бошқарув кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси, мол-мулкида давлат улуши бўлган корхоналар бўйича эса банкротлик тўғрисидаги ишлар давлат органининг аризаси асосида хўжалик суди томонидан жорий этилади.

2009 йил 27 февралда кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказилган ва унда қарздорга нисбатан 18 ой муддатга ташқи бошқарув таомилини қўллаш тартибини жорий этиш тўғрисида судга илтимоснома киритишга қарор қилинган, муваққат бошқарувчи сифатида 1-тоифа суд бошқарувчи аттестатига эга бўлган А.Собировнинг номзодини таклиф этишиб, унга ҳар ой энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдорида ҳақ тўлаш белгиланган.

Юқоридагиларга асосан ва кредиторлар йиғилишининг қарорини, шунингдек, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш учун имконияти борлигини инобатга олиб, суд кредиторлар йиғилишининг илтимосномасини қаноатлантириш ва қарздорга нисбатан 18 ой муддатга ташқи бошқарув таомилини қўллаш тартибини жорий этиш ва суд харажатларини қарздор зиммасига юклашни лозим топади.

Шунингдек, номзоди таклиф этилган суд бошқарувчи банкротлик тўғрисидаги қонунчилик талабларига жавоб беришлигини инобатга олиб, суд ташқи бошқарувчи сифатида Сабиров Акбар Акрамжоновични тайинлаш ва унга ҳар ой энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдорида қарздор ҳисобидан ҳақ тўлаш лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4, 5, 50, 75, 91 ва 95 -моддалари, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 95, 151-моддаларига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«D–LTD» ҚК кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

«D–LTD» ҚК га нисбатан 18 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилсин.

Ташқи бошқарувчи этиб Сабиров Акбар Акрамжонович тайинлансин.

Ташқи бошқарувчига ҳар ой энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдорида қарздор ҳисобидан ҳақ тўлаш тасдиқлансин.

Ташқи бошқарувчи:

– ўн кун муддат ичида қарздорга нисбатан ташқи бошқарув жорий этилганлиги тўғрисида расмий нашрда эълон қилиш ва чоп этилганлиги тўғрисидаги далилни судга тақдим этиш;

– бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ янги муддат учун ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиш ва кредиторлар йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этиш ҳамда тасдиқланган ташқи бошқарув режаси ва кредиторлар йиғилиши баённомасини 2009 йил 30 апрелдан кечиктирмай судга тақдим этиш;

– ташқи бошқарувчи зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш, шу жумладан, ташқи бошқарув режасини ижро этиш бўйича чоралар кўриш;

– ташқи бошқарув муддати тугатиши билан, 2010 йилнинг 25 сентябридан кечиктирмасдан, ташқи бошқарувни муддатидан олдин тугатиш асослари вужудга келган ҳолларда эса – бундай ҳол содир бўлган вақтдан бошлаб 1 ойдан кечиктирмаган муддатда судга кредиторлар йиғилиши томонидан кўриб чиқилган ташқи бошқарувчининг ҳисоботи ва кредиторлар йиғилиши баённомасини Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 118-моддасида назарда тутилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда судга тақдим этиш мажбурияти юклатилсин.

«D–LTD»ҚКдан АТБ «Х–банк» фойдасига 334700 сўм суд харажатлари ундирилсин.

Ижро варақаси берилсин.

Мазкур қарор устидан, у қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида Н. вилоят хўжалик судига апелляция шикояти берилиши мумкин.

Судья _____

Суднинг банкротлик иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрими Қонуннинг 56-моддаси шарҳининг иловасида берилган.

Қонуннинг 88-моддасида назарда тутилган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим келтирилмайди.

Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим Қонуннинг 150-моддаси шарҳининг иловасида берилган.

Қонуннинг 51-моддаси шарҳининг иловаси

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарор Қонуннинг 50-моддаси шарҳининг иловасида берилганлиги сабабли мазкур моддага илова берилмайди. (*Қонуннинг 50-моддаси иловасида берилган суд ҳужжатларига қаранг*).

Қонуннинг 54-моддаси шарҳининг иловаси*

Илова № 1

Банкротлик белгилари аниқланмаганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

_____ ш. 14 март 2009 йил _____ -сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судья _____нинг раислигида, _____ нинг котиблигида очиқ суд мажлисида, муваққат бошқарувчи С.Каршибаев, кредитор _____ ва қарздор_____ иштирокида «X» МЧЖнинг «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси асосида қўзғатилган ишни кўриб чиқиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2008 йил 8 июлда кредитор ва қарздор ўртасида маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилган бўлиб, унга асосан кредитор томонидан пахта толаси етказиб берилган. Қарздор шартнома шартларини бузган ҳолда етказиб берилган маҳсулот ҳақини тўламаган ва бунинг натижасида 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра унинг муддати ўтган қарз миқдори 29995500 сўмни ташкил этган, бу қарздор томонидан тан олинган ва тарафлар томонидан имзоланган ҳисоб-китобларни таққослаш далолатномаси тузилган.

---

* Кредиторнинг талаби қондирилганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори Қонуннинг 50-моддаси шарҳининг 2-иловасида берилганлиги сабабли келтирилмайди. (*Қонуннинг 50-моддаси иловасида берилган суд ҳужжатларига қаранг*).

Қарздор уч ва ундан орттиқ ой муддатда қарзини тўлай олиш имкониятига эга эмаслигини инобатга олган ҳолда кредитор уни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ариза билан мурожаат этган.

Суднинг 2009 йил 2 январдаги ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув таомили жорий этилган, муваққат бошқарувчи сифатида С.Каршибаев тайинланган.

Суд мажлисида кредитор вакили қарздор томонидан кредиторлик қарзи қисман тўланганлиги ва 5000100 сўмни ташкил этишини маълум қилган.

Муваққат бошқарувчи ўзига юклатилган вазифаларга кўра 2009 йил 15 январда «Биржа» газетасининг 2-сонида қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилганлиги ва кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказилиши санаси ва жойи тўғрисида эълон чоп этилганлиги, лекин кредиторлар томонидан кредиторлар талаблари реестрига киритиш тўғрисида мурожаатлар бўлмаганлиги ва тегишинча кредиторлар биринчи йиғилишга келишмагани, корхонанинг ҳисоб рақамида маблағлар борлиги, 2-картотека йўқлиги, корхонанинг дебиторлик қарзи 6300000 сўмни ташкил этиши, корхонада 16 млн сўмлик тайёр маҳсулот ва хом ашё мавжудлиги ҳақида маълумот берди. Муваққат бошқарувчи шунингдек, аризачининг талаби қарздор томонидан қондирилганлиги, бугунги кунда қарздорнинг кредиторлик қарзи қолмаганлиги ва молия-хўжалик фаолиятини давом эттириш учун имконият мавжудлигини таъкидлади.

Қарздор вакили аризачи кредитор олдидаги қарз қисман тўланганлиги, корхонанинг бошқа кредиторлари йўқлиги, кредиторлик қарзининг қолган қисми тайёр маҳсулотни сотиш натижасида тушган пул ҳисобидан 1 ой муддат ичида тўланишини маълум қилди.

Суд тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, иш материаллари билан танишиб, қуйидагиларга асосан аризачининг талабини қаноатлантирмасдан қолдириш лозим деб ҳисоблайди:

Иш материалларига кўра 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра қарздорнинг 29995500 сўм қарзи бўлиб, ягона кредитор аризачи бўлган.

Мазкур қарз 2008 йил 8 июлда кредитор ва қарздор ўртасида тузилган маҳсулот етказиб бериш шартномаси асосида вужудга келган. Унга асосан кредитор томонидан 50000000 сўмлик пахта толаси етказиб берилган. Қарздор томонидан қарз қисман тўланган ва қарз миқдори 29995500 сўмни ташкил этади. Шартнома шартларига кўра етказиб берилган маҳсулот нархи, у етказиб берилган кундан бошлаб 90 кун ичида тўланиши керак. Етказиб берувчи пахта толасини 2008 йилнинг 23–29 октябрь кунлари етказиб берган, маҳсулот учун ҳақ 2009 йилнинг 29 январига қадар тўлаб берилиши керак бўлган.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига асосан қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини

бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади. Мажбурият юзага келган вақтдан бошлаб, уч ой ўтмаганлиги сабабли суд бундай ҳолда Қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган белгилар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 54-моддаси, биринчи қисмига асосан қарздорни банкрот деб топишни рад қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори банкротлик белгилари мавжуд бўлмаган ҳолда қабул қилинади

Шундай қилиб, суд аризачининг талабини қаноатлантирмасдан қолдириш ва суд харажатларини тўлашни аризачи зиммасига юклашни лозим деб топади.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4, 5, 50, 54-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 95, 135, 138-моддаларига асосан суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«X» МЧЖнинг «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Мазкур қарор устидан, у қабул қилинган кундан бошлаб 1 ой мобайнида Н. вилоят хўжалик судига апеллеяция шикояти берилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 2

Сохта банкротлик аниқланганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

_____ ш. 14 март 2009 йил _____ -сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судья _____нинг раислигида, _____ нинг котиблигида очиқ суд мажлисида, муваққат бошқарувчи С.Каршибаев, кредитор _____ ва қарздор_____ иштирокида «Х» МЧЖнинг банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси асосида қўзғатилган ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2008 йил 8 июлда АТБ «Х–банк» ва қарздор ўртасида 12/13-сонли кредит шартномаси тузилган ва унга асосан банк томонидан мебел маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна сотиб олиш учун 2000000 АҚШ долл. кредит берилган. Кредитни тўлаш жадвали ва шартнома шартларига хилоф равишда навбатдаги тўлов ва кредит воситаларидан фойдаланганлик учун фоизлар тўланмаганлиги асосида 2008 йилнинг 1 сентябри ҳолатига кўра муддати ўтган қарздорлик 542168 АҚШ долларини ташкил қилган.

Корхона банкдан ташқари бошқа кредиторлар олдида ҳам 28528391 сўм қарзи борлигини ва иқтисодий ночорлиги туфайли уни тўлай олмаслигини инобатга олиб, қарздор ўзини банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ариза билан мурожаат этган.

Суднинг 2009 йил 2 январдаги ажрими билан қарздорнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув таомили жорий этилган, муваққат бошқарувчи сифатида С.Каршибаев тайинланган.

Суд мажлисида қарздор вакили аризада кўрсатилган талабларни қўллаб-қувватлаб, «Х» МЧЖни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор чиқаришни сўраган.

Муваққат бошқарувчи ўзига юклатилган вазифаларга кўра 2009 йил 15январда «Биржа» газетасининг 2-сонида қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилганлиги ва кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказилиши санаси ва жойи тўғрисида эълон чоп этилганлиги, кредиторлар талабларининг реестри тузилганлиги, унда умумий талаб миқдори 955 млн сўмни ташкил этган кредиторлар киритилганлиги, қарздорнинг 24 млн сўмлик дебитор қарзи мавжудлиги, қарздорнинг молия-хўжалик фаолияти таҳлил қилинганлиги, кредиторлар йиғилиши хўжалик судига банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор чиқариш ҳақида илтимоснома киритишга қарор қилганлиги, тугатувчи бошқарувчи сифатида А.Собировнинг номзоди тасдиқланганлигини маълум қилди. Муваққат бошқарувчи шунингдек, қарздор ўзини банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишдан бир ой олдин «Х–сервис» МЧЖ ва «Z» фирмасига текинга ва қайтарилмаслик шарти билан умумий суммаси 525 млн сўмни ташкил этган молиявий ёрдам кўрсатганлиги, бундан ташқари 5 та автомототранспорт воситалари ва кредит воситалари ҳисобидан олинган ускуналарнинг бир қисмини бегоналаштирганлигини таъкидлади. Муваққат бошқарувчи ўз сўзида давом этиб, қарздорнинг юқоридаги мол-мулкларни бегоналаштириш шартномаларининг таҳлили, мол-мулк ўзининг реал қийматига мос келмайдиган баҳода сотилганлиги аниқланганлиги муносабати билан кредиторлар йиғилишининг қарорига асосан муваққат бошқарувчи томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш ва олди-сотди шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво аризалари киритилганлиги ва улар суд томонидан қаноатлантирганлиги, бугунги кунда тарафларни шартнома тузишдан олдинги ҳолатга қайтариш ҳаракатлари амалга оширилаётганлигини таъкидлади.

Суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини тинглаб, иш материаллари билан танишиб, қуйидагиларга асосан қарздорнинг (аризачининг) талабини қаноатлантирмасдан қолдириш лозим деб ҳисоблайди:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексиниг 180-моддасига асосан сохта банкротлик, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши натижасида кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилиши тушунилади.

Иш материалларига кўра 2008 йил 8 июлда АТБ «Х–банк» ва қарздор ўртасида 12/13-сонли кредит шартномаси тузилган ва унга асосан банк томонидан мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна сотиб олиш учун 2000000 АҚШ долл.кредит берилган. Кредитни тўлаш жадвали ва шартнома шартларига хилоф равишда навбатдаги тўлов ва кредит воситаларидан фойдаланганлик учун фоизлар тўланмаганлиги асосида 2008 йилнинг 1 сентябри ҳолатига кўра муддати ўтган қарздорлик 542168 АҚШ долларини ташкил қилган.

Корхона банкдан ташқари бошқа кредиторлар олдида ҳам 28528391 сўм қарзи борлигини ва иқтисодий ночорлиги туфайли уни тўлай олмаслигини инобатга олиб, қарздор ўзини банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ариза билан мурожаат этган.

Лекин муваққат бошқарувчининг ҳисоботига кўра, 2008 йил декабрда қарздор томонидан «Х–сервис» МЧЖ ва «Z» фирмасига текинга ва қайтарилмаслик шарти билан умумий суммаси 525 млн сўмни ташкил этган молиявий ёрдам кўрсатилган, бундан ташқари 5 та автомототранспорт воситалари ва кредит воситалари ҳисобидан олинган ускуналарнинг бир қисмини бегоналаштирган. Мол-мулк қарздор томонидан реал қийматдан паст баҳода сотилганлиги муносабати билан мазкур мол-мулкнинг сотиб олувчилари ва молиявий ёрдам кўрсатилган шахслар аффилланган шахслар ҳисобланган. Ушбу битимлар муваққат бошқарувчининг даъвосига асосан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган ва суд қарори қонуний кучга кирганлиги муносабати билан бугунги кунда тарафлар шартнома тузишдан олдинги ҳолатга қайтарилган.

Бундай ҳолларда суд банкротлик тўғрисидаги ариза қарздор томонидан пул ва бошқа мажбуриятлардан озод бўлиш учун берилган деб топади ва бу ҳолни сохта банкротлик деб топади.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 54-моддаси, биринчи қисмига асосан қарздорни банкрот деб топишни рад қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори сохта банкротлик аниқланган ҳолда қабул қилинади

Шундай қилиб, суд қарздорнинг талабини қаноатлантиришни рад этиш ва суд харажатларини тўлашни аризачи зиммасига юклашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 4, 5, 50, 54 -моддалари, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 95, 135, 138-моддаларига асосан суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«Х» МЧЖнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Мазкур қарор устидан, у қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида Н. вилоят хўжалик судига апеллеяция шикояти берилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 3

Қарздорга кредиторлар талабларини сўндириш учун муддат берилганлиги муносабати билан ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисида ажрим

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 14 март 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судья _____нинг раислигида, _____ нинг котиблигида очиқ суд мажлисида, муваққат бошқарувчи С.Каршибаев, кредитор _____ ва қарздор_____ иштирокида АТБ «Х–банк»нинг «D–LTD» ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси асосида қўзғатилган ишни кўриб чиқиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2007 йил 1 августда тарафлар ўртасида 10/1-сонли Кредит шартномаси тузилган бўлиб, унга асосан банк томонидан 1 йил муддатга йиллик 16 фоиз тўлов шарти билан 200000000 АҚШ доллари миқдорида кредит берилган. Кредитни тўлаш жадвали ва шартнома шартларига хилоф равишда навбатдаги тўлов ва кредит воситаларидан фойдаланганлик учун фоизлар тўланмаганлиги асосида 2008 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра муддати ўтган қарздорлик 35420500 сўмни ташкил қилган.

Кредитор томонидан ўтказилган қарздорнинг молия-хўжалик фаолияти мониторинги натижасида, унинг банкдан ташқари бюджет олдида 3498594 сўм, бошқа кредиторлар олдида эса 8500300 сўм қарзи борлиги аниқланган.

Қарздор уч ой ва ундан орттиқ муддатда қарзини тўлай олиш имкониятига эга эмаслигини инобатга олган ҳолда кредитор уни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ариза билан мурожаат этган.

Суднинг 2009 йил 2 январдаги ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув таомили жорий этилган, муваққат бошқарувчи сифатида С.Каршибаев тайинланган.

Суд мажлисида кредитор вакили арз қилинган талабларни қўллаб-қувватлаб, қарздорни банкрот деб топишни сўради.

Муваққат бошқарувчи ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қарздорнинг кредитор ва дебиторлари аниқланганлиги, кредиторлар талабларининг реестри тузилганлиги ва талабларнинг умумий суммаси 30 млн сўмни ташкил этганлиги, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ташкил этилганлиги ва ўтказилганлиги, кредиторлар йиғилиши хўжалик судига банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор чиқариш ҳақида илтимоснома киритишга қарор қилинганлиги, тугатувчи бошқарувчи сифатида А.Собировнинг номзоди тасдиқланганлигини маълум қилди.

Қарздорнинг вакили қолган 19,6 млн сўмлик кредиторлик қарзини тан олиб, ҳозирда тайёр маҳсулот ва ликвидли мол-мулкка эгалиги, уни сотишдан тушган пул ҳисобидан қарзни тўлаш учун муддат беришни сўради.

Суд муваққат бошқарувчи ва тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, иш материаллари билан танишиб, қуйидагиларга асосан қарздорнинг илтимосномасини қаноатлантиришга лойиқ деб ҳисоблайди:

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 54-моддаси, 3-қисмига мувофиқ, қарздорда етарли миқдорда ликвид мол-мулк борлигидан шоҳидлик берувчи далиллар бўлган тақдирда хўжалик суди қарздорнинг илтимосномасига биноан банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни кейинга қолдиришга, қарздорга кредиторларнинг талабларини хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда қондиришни таклиф этишга ҳақли, бу муддат ўттиз кундан ошмаслиги керак.

Муваққат бошқарувчининг ҳисоботи ва қарздор томонидан тақдим этилган ҳужжатларга кўра қарздор суммаси 30 млн сўмдан кўпроқ бўлган тайёр маҳсулот ва ускуна, кўчмас мулк, автотранспорт воситалари ва механизмлари кабилардан ташкил топган 250 млн сўмдан ортиқ қийматдаги асосий воситалари мавжуд.

Юқоридагиларга асосан ва қарздор мавжуд ликвидли мол-мулкини сотиш ҳисобидан кредиторлик қарзини тўлаш имкониятига эга эканлигини инобатга олиб, суд қарздорнинг илтимосномасини қаноатлантириш ва унга қарзни узиш учун 30 кун муҳлат беришни лозим топиши муносабати билан ишни кўриш кейинга қолдирилади.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 54-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 129, 131 ва 151-моддаларига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Қарздорнинг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Қарздорга кредиторлар талабини қаноатлантириш учун 30 кун муҳлат берилсин. Ишни кўриш 2009 йил 14 апрел соат 10-00 га қолдирилсин.

Суд мажлиси Н. вилоят хўжалик судининг _____ манзилдаги биносида бўлиб ўтади.

Судья _____

Қонуннинг 56-моддаси шарҳига илова

Илова № 3

Барча кредиторлар аризада кўрсатилган талабларидан воз кечганликлари муносабати билан банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 14 март 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судья _____нинг раислигида, _____ нинг котиблигида очиқ суд мажлисида, муваққат бошқарувчи С.Каршибаев, кредитор _____ ва қарздор_____ иштирокида АТБ «Х–банк»нинг «D–LTD» ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси асосида қўзғатилган ишни кўриб чиқиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2005 йил 27 июлда тарафлар ўртасида 12/1-сонли кредит шартномаси тузилган ва унга асосан банк томонидан хом ашё сотиб олиш учун 200000000 АҚШ доллари кредит берилган. Шартнома шартларига мувофиқ кредит 2006 йил 8 февралдан бошлаб ҳар олти ойда 10000000 сўмдан сўндириб борилиши керак эди. Лекин қарздор томонидан кредитни қайтариш билан боғлиқ мажбуриятлар бажарилмаган ва бунинг натижасида 2008 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра банк олдидаги қарздорлик 50400000 сўмни ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4 ва 5-моддаларида назарда тутилган белгилар мавжудлигини инобатга олиб, банк қарздорга нисбатан банкротлик ишини қўзғатиш ва уни банкрот деб топиш тўғрисида ариза билан мурожаат этган

Суднинг 2009 йил 2 январдаги ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув таомили жорий этилган, муваққат бошқарувчи сифатида С.Каршибаев тайинланган.

Суд мажлисида банк вакили қарздор томонидан кредиторлик қарзи тўлиқ тўланганлиги ва қарздорга нисбатан банкнинг бошқа талаблари йўқлигини маълум қилди.

Муваққат бошқарувчи ўзига юклатилган вазифаларга кўра 2009 йил 12 январда «Биржа» газетасининг 2-сонида қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилганлиги ва кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказилиши санаси ва жойи тўғрисида эълон чоп этилганлиги, кузатув даврида жами талаблар миқдори 12.2 млн сўм бўлган 3 нафар кредитор кредиторлар талаблари реестрига киритиш тўғрисида талаб қўйилганлиги, қарздорнинг ҳисоб рақамидаги маблағлар АТБ «Х–банк» талабларини қондиришга йўналтирилганлиги, тўланмай қолган қарзларнинг умумий суммаси 12200000 сўмни, шу жумладан «Х» фирмасидан – 3100000 сўм, «АВС–сервис» МЧЖдан – 4800000 сўм ва «Z» ХКдан – 4300000 сўмни ташкил этишини маълум қилган. Муваққат бошқарувчи шунингдек 2009 йил 25 февралдаги кредиторлар йиғилишида барча кредиторлар қарздорга нисбатан талабларидан воз кечганликлари ва йиғилиш судга иш юритишни тугатиш тўғрисида илтимоснома киритишга қарор қилганлигини таъкидлади.

Қарздор вакили банк олдидаги кредиторлик қарзи тўлиқ тўланганлиги, бошқа кредиторлар эса узоқ йилларга асосланган мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларига асосланиб, қарздан воз кечганлигини инобатга олиб, банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатишни сўради.

Суд муваққат бошқарувчи ва тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, иш материаллари билан танишиб, қуйидагиларга кўра иш юритишни тугатиш лозим деб ҳисоблайди:

Муваққат бошқарувчи томонидан тақдим этилган ҳисобот ва унга илова этилган ҳужжатларга кўра, муваққат бошқарувчи томонидан кредиторлар талаблари реесрти тузилган бўлиб, унга асосан қарздорга билдирилган талабларнинг умумий суммаси 62.6 млн сўмни ташкил этади. Шу жумладан:

– 50,4 млн сўм –банкдан;

– 3,1 млн сўм – «Х» фирмасидан;

– 4,8 млн сўм – «АВС–сервис»МЧЖдан;

– 4,3 млн сўм – «Z» ХКдан.

Кузатув даврида қарздор ҳисобрақамига тушган пул маблағлари кредиторлар йиғилишининг қарорига кўра банкнинг талабаларини тўлиқ қондириш ва суд бошқарувчисига ҳақ тўлашга қаратилди. «Х» фирмасидан 3100000 сўм, «АВС–сервис» МЧЖдан 4800000 сўм ва «Z» ХКдан – 4300000 сўм талаблар қондирилмай қолган.

2009 йил 25 февралда кредиторлар йиғилиши ўтказилган бўлиб, унда талаблари тўлиқ қондирилган банкдан ташқари барча кредиторлар қарздорга нисбатан ўз талабларидан воз кечганлиги муносабати билан кредиторлар йиғилиши ишни кўришни тугатиш тўғрисида судга илтимоснома бериш тўғрисида қарор қабул қилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 56-моддасига асосан банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи барча кредиторлар билдирилган талабларидан воз кечганда хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатади.

Юқоридагиларга асосан ва барча кредиторлар қарздорга нисбатан ўз талабларидан воз кечганликлари, бундай воз кечиш қонунчиликка зид эмаслиги ва учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бузмаслигини инобатга олиб, суд кредиторларнинг воз кечишини қабул қилиш ва суд харажатларини қарздор зиммасига юклаган ҳолда иш юритишни тугатишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 56-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 86, 95 ва 151-моддаларига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Кредиторларнинг ўз талабларидан воз кечиши қабул қилинсин.

«D–LTD» ҚКнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритиш тугатилсин.

«D–LTD»ҚКдан АТБ «Х–банк» фойдасига 334700 сўм суд харажатлари ундирилсин.

Ижро варақаси берилсин.

Мазкур ажрим устидан, у қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида апелляция тартибида шикоят келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 2

Кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган кредиторларнинг барча талаблари тугатишга доир иш юритиш жараёнида қондирилганлиги муносабати билан банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 14 март 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судья _____нинг раислигида, _____ нинг котиблигида очиқ суд мажлисида, тугатувчи бошқарувчи У.Мухамедов ва «ХХХ» МЧЖ раҳбарининг иштирокида Н. туман давлат солиқ инспекциясининг «ХХХ» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича тугатувчи бошқарувчининг ҳисоботи ва «ХХХ» МЧЖ кредиторлари йиғилишининг иш юритишни тугатиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

«ХХХ» МЧЖ 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланган жисмоний шахслар томонидан таъсис этилган. Корхонанинг асосий фаолият тури нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўлиб ҳисобланади.

«ХХХ» МЧЖнинг молия-хўжалик фаолияти таҳлил қилинганда, 2007 йил 20 июл ҳолатига кўра унинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдидаги қарзи 54743000 сўмни ташкил қилганлиги, корхона 2008 йил январ ойидан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлиги аниқланди.

Қарздорнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларни бажара олмаслигини инобатга олиб, солиқ органи қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этган.

Навоий вилоят хўжалик судининг 2008 йил 15 сентябрдаги қарори билан «ХХХ» МЧЖ банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш очилган, тугатиш бошқарувчи сифатида У. Мухамедов тайинланган. Мазкур суд

ҳужжати асосида суд бошқарувчисига «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда тугатишга доир иш юритишни ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда 2009 йил 1 майига қадар тугатишга доир иш юритиш натижалари тўғрисида судга ҳисобот тақдим этиш мажбурияти юкланган.

2009 йил 20 февралда кредиторлар йиғилиши ўтказилиб, унда барча кредиторларнинг талаблари қондирилганлиги муносабати билан ишни кўришни тугатиш тўғрисида судга илтимоснома бериш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Суд мажлисида тугатувчи бошқарувчи қарздорнинг умумий кредиторлик қарзи 58283400 сўмни ташкил этганлиги, шунингдек, хусусий тадбиркорлар – Ж.Даминов ва И.Асрорхўжаевлар томонидан кўрсатилган беғараз молиявий ёрдам туфайли жорий тўловлар тўлиқ тўланганлиги, қарздор ўзининг нормал хўжалик фаолиятини таъминлайдиган қолдиқ қиймати 80 млн дан ортиқ бўлган бино, иншоот ва бошқа мол-мулкларга эгалигини маълум қилди.

Қарздорнинг раҳбари кредиторлар йиғилишининг илтимосномасини қўллаб-қувватлаб, молиявий ёрдам беғараз амалга оширилганлиги ва 2009 йил 28 феврал ҳолатига кўра корхона кредиторлик қарзига эга эмаслиги ва шу муносабат билан молия-хўжалик фаолиятини юритиш имкониятига эгалигини маълум қилди.

Суд тугатувчи бошқарувчи ва тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, иш материаллари билан танишиб, қуйидагиларга асосан иш юритишни тугатиш лозим деб ҳисоблайди:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 56-моддасига асосан кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган кредиторларнинг барча талаблари ҳар қандай банкротлик таомили жараёнида қондирилган тақдирда хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатади.

Иш материалларидан кўринишича, Н. вилоят хўжалик судининг 2008 йил 15 сентябрдаги қарори билан «ХХХ» МЧЖ банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш очилган. Тугатишга доир иш юритиш даврида тугатувчи бошқарувчи томонидан қарздорнинг мол-мулкини сақлаш ва кредиторларни қидириш чоралари кўрилган, кредиторлар талаблари реестри тузилганлиги ва унга асосан қарздорнинг ҳақиқий қарзи 58283400 сўмни ташкил этган.

Тугатишга доир иш юритиш даврида кўрсатилган беғараз молиявий ёрдам ҳисобидан қарздор ўзининг бутун кредиторлик қарзини тўлаган ва 2009 йил 20 феврал ҳолатига кўра корхона кредиторлик қарзига эга эмас. Шунингдек, молиявий ёрдам тўғрисидаги шартнома асосида тушган маблағлар ҳисобидан навбатдан ташқари тўловлар бўйича тўловлар амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида қарорининг 25-бандига асосан тугатишга доир иш юритиш жараёнида кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган барча талаблар қондирилганда

ва қарздорнинг ўз хўжалик фаолиятини давом эттиришга имконияти мавжуд бўлганда, тугатувчи бошқарувчи тақдим этган ҳисоботни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ҳақида ажрим чиқаради ва унда қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори ижро этилмаслиги кўрсатилади.

Тугатувчи бошқарувчининг ҳисоботидан кўринишича, қарздор ўзининг нормал хўжалик фаолиятини таъминлайдиган қолдиқ қиймати 80 млн дан ортиқ бўлган бино, иншоот ва бошқа мол-мулкларга эга.

Бундай ҳолда суд иш юритишни тугатишни лозим топади.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 56-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 151-моддасига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«ХХХ»МЧЖнинг банкротлиги бўйича иш юритиш тугатилсин.

Суднинг 2008 йил 15 сентябрдаги «ХХХ»МЧЖнинг банкрот деб топиш қарори ижро этилмаслиги белгилансин.

Тугатувчи бошқарувчи:

– қарздорнинг бошқарув органига бухгалтерлик ва бошқа ҳужжатлар ҳамда муҳр ва штамплар, моддий ва бошқа қимматликларни топширсин;

– ўн кун муддат ичида банкротлик тўғрисида иш юритиш тугатилганлиги ва суднинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарори ижро этилмаслиги тўғрисидаги хабарни расмий нашрда чоп эттирсин.

«ХХХ» МЧЖнинг бошқарув органи рўйхатдан ўтказувчи орган, Н. вилоят давлат солиқ инспекцияси, суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш департаментининг Н. туман бўлими ва бошқа манфаатдор шахсларни «ХХХ» МЧЖнинг банкротлиги бўйича иш юритиш тугатилганлиги тўғрисида хабардор қилсин.

Мазкур ажрим устидан, у қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида апелляция тартибида шикоят келтирилиши мумкин.

Судья _____

Суд санацияси даврида тўлов қобилиятининг тикланганлиги муносабати билан иш юритишни тугатиш тўғрисида суднинг ажрими Қонуннинг 85-моддаси шарҳининг иловасида келтирилган.

Ташқи бошқарув даврида тўлов қобилиятининг тикланганлиги муносабати билан иш юритишни тугатиш тўғрисида суднинг ажрими Қонуннинг 118-моддаси шарҳининг иловасида келтирилган.

Келишув битими тузилганлиги муносабати билан иш юритишни тугатиш тўғрисида суднинг ажрими Қонуннинг 150-моддаси шарҳининг иловасида келтирилган.

ХПКнинг 86-моддасида кўрсатилган асослар бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида суднинг ажрими келтирилмайди.

Қонуннинг 57-моддаси шарҳига илова

Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиш асослари ХПК да кўрсатилганлиги муносабати билан келтирилмайди.

Қонуннинг 58-моддаси шарҳига илова

Суд харажатларини тақсимлаш тартиби ва суд бошқарувчиларига тўланадиган ҳақ банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш натижаларига кўра хўжалик судининг ажрим ёки ҳал қилув қарорида кўрсатилиши муносабати билан мазкур модда иловасида келтирилмайди.

Қонуннинг 59-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Аризани (шикоятни) кўриб чиқишда иштирок этувчи шахсларга жўнатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаганлиги сабабли аризани (шикоятни) қайтариш тўғрисида суднинг ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси_____«Х» фирмасининг «ХХХ» ОАЖ суд бошқарувчиси билан тушунмовчиликлари тўғрисидаги ариза (шикояти)ни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик судининг 2009 йил 22 апрелдаги ҳал қилув қарори билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилоят бошқармасининг «ХХХ» ОАЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилган бўлиб, қарздор банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Тугатишга доир иш юритиш даврида «Х» фирмаси ўзини кредиторлар талаблари реестрига 1928126 сўм талаб билан киритишни сўраб, суд бошқарувчисига мурожаат этган. Суд бошқарувчиси томонидан «ХХХ» ОАЖ кредиторлари талаблари реестрига «Х» фирмасини киритиш рад этилганлиги сабабли «Х» фирмаси мазкур тушунмовчиликни ҳал қилишни сўраб, судга мурожаат қилган.

Суд «Х» фирмаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб, қуйидаги асосларга кўра ариза (шикоят)ни қайтариш лозим деб ҳисоблайди:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 59-моддасига асосан кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув ёки тугатишга доир иш юритиш жараёнида суд бошқарувчиси ушбу Қонунга мувофиқ берган аризалар, шу жумладан ўзи билан кредиторлар ва қарздор ўртасида келиб чиққан келишмовчиликлар тўғрисида берган аризалар, шунингдек, кредиторларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлиги хусусидаги шикоятлари бу ариза ва шикоятлар

олинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади. Суд бошқарувчисининг аризасига, кредиторнинг шикоятига мазкур аризани ёки шикоятни кўриб чиқишда иштирок этаётган бошқа шахсларга уларнинг нусхалари юборилганлигига оид далиллар илова қилинмоғи лозим. Мазкур аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан хўжалик суди ажрим чиқаради. Бу ажрим устидан қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин. Хўжалик судининг ажрими устидан шикоят бериш (протест келтириш) ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан берилган, шунингдек, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган тартибни бузган ҳолда ёки тегишли ариза ёхуд шикоятни тасдиқловчи далиллар илова қилинмасдан берилган ариза ва шикоятлар қайтарилиши керак.

«Х» фирмасининг аризасига илова қилинган ҳужжатлардан кўринишича, аризачи томонидан ариза нусхасини суд бошқарувчисига жўнатилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинмаган.

Бундай ҳолларда «Х» фирмасининг аризаси қайтарилиши лозим.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 59-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 151-моддасига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Х» фирмасининг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар (жами 9 варақ) қайтарилсин.

Судья _____

Илова № 2

Қонуннинг 59-моддасида назарда тутилмаган шахслар томонидан берилган ариза (шикоят)ни қайтариш тўғрисида суднинг ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси_____«ХХХ» ОАЖ акциядорлари С.А.Машенко, Ф.Э.Ҳакимова ва М.Ф.Мурашколарнинг суд бошқарувчиси билан тушунмовчиликлари тўғрисидаги ариза (шикояти)ни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик судининг 2008 йил 22 октябрдаги ҳал қилув қарори билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилоят бошқармасининг «ХХХ» ОАЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилган бўлиб, қарздор банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Тугатишга доир иш юритишда қарздорнинг мол-мулки ким ошди ва биржа савдоларига қўйилган, лекин сотилмаганлиги муносабати билан кредиторлар йиғилишининг қарорига асосан мол-мулк оммавий оферта орқали сотувга қўйилган. Лекин қарздорнинг мол-мулки оммавий оферта орқали ҳам сотилмаганлиги сабабли суд бошқарувчиси томонидан кредиторларга мол-мулкни олиш таклиф этилган.

Белгиланган муддатда суд бошқарувчисининг таклифига ҳамма кредиторлар ҳам жавоб бермаганлиги, суд бошқарувчиси эса қарздорнинг мол-мулкини таъсисчилар (мулкдор)га бериш чораларини кўрмаслигини инобатга олиб, акциядорлар суд бошқарувчисининг ҳаракатларига нисбатан шикоят ва суд бошқарувчисига қарздорнинг мол-мулкини акциядорларга бериш мажбуриятини юклаш талаби билан судга мурожаат этишган.

Суд акциядорларнинг ариза (шикоят)лари ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, ариза (шикоят)ни қуйидаги асосларга кўра қайтариш лозим деб ҳисоблайди:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 59-моддасига асосан кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув ёки тугатишга доир иш юритиш жараёнида суд бошқарувчиси ушбу Қонунга мувофиқ берган аризалар, шу жумладан ўзи билан кредиторлар ўртасида, ўзи билан қарздор ўртасида келиб чиққан келишмовчиликлар тўғрисида берган аризалар, шунингдек, кредиторларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлиги хусусидаги шикоятлари бу ариза ва шикоятлар олинган кундан эътиборан бир ойлик муддатдан кечиктирмай хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади. Суд бошқарувчисининг аризасига, кредиторнинг шикоятига мазкур аризани ёки шикоятни кўриб чиқишда иштирок этаётган бошқа шахсларга уларнинг нусхалари юборилганлигига оид далиллар илова қилинмоғи лозим. Мазкур аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан хўжалик суди ажрим чиқаради. Бу ажрим устидан қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин. Хўжалик судининг ажрими устидан шикоят бериш (протест келтириш) ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан берилган, шунингдек, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган тартибни бузган ҳолда ёки тегишли ариза ёхуд шикоятни тасдиқловчи далиллар илова қилинмасдан берилган ариза ва шикоятлар қайтарилиши керак.

Мазкур ҳолда шикоят қонунда белгиланган тартибда сайланган таъсисчилар (акциядорлар) вакиллари томонидан берилмаган.

Бундай ҳолларда акциядорларнинг аризаси (шикояти) қайтарилиши лозим.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 59-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 151-моддасига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

«ХХХ» ОАЖ фирмаси акциядорларининг аризаси (шикояти) ва унга илова қилинган ҳужжатлар (жами 9 варақ, шу жумладан почта харажатлари тўланганлиги тўғрисидаги квитанция) қайтарилсин.

Судья _____

Илова № 3

Аризани ёки шикоятни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинмаганлиги сабабли аризани (шикоятни) қайтариш тўғрисида суднинг ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____ -сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси_____«Х» фирмасининг «ХХХ» ОАЖ суд бошқарувчиси билан тушунмовчиликлари тўғрисидаги ариза (шикояти)ни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик судининг 2009 йил 22 апрелдаги ҳал қилув қарори билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилоят бошқармасининг «ХХХ» ОАЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилган бўлиб, қарздор банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Тугатишга доир иш юритиш даврида «Х» фирмаси ўзини кредиторлар талаблари реестрига 1928126 сўм талаб билан киритишни сўраб, суд бошқарувчисига мурожаат этган. Суд бошқарувчиси томонидан «ХХХ» ОАЖ кредиторлари талаблари реестрига «Х» фирмасини киритиш рад этилганлиги сабабли «Х» фирмаси мазкур тушунмовчиликни ҳал қилишни сўраб, судга мурожаат қилган.

Суд «Х» фирмаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб, қуйидаги асосларга кўра ариза (шикоят)ни қайтариш лозим деб ҳисоблайди:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 59-моддасига асосан ариза ёхуд шикоятни тасдиқловчи далиллар илова қилинмасдан берилган ариза ва шикоятлар қайтарилиши керак.

«Х» фирмаси аризасига илова қилинган ҳужжатларда аризачи томонидан кредиторлар талаблари реестрига киритиш суд бошқарувчи томонидан рад этилганлигини тасдиқловчи далиллар келтирилмаган. Тугатувчи бошқарувчи томонидан 2009 йил 25 августда «Х» фирмасига жўнатилган хатдан кўринишича, унинг кредиторлар талаблари реестрига киритиш тўғрисидаги талаби суд бошқарувчиси томонидан рад этилмаганлиги, арз қилинган талаб-

ларни кўриб чиқиш учун талабни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишни сўраганлиги кўринади.

«Х» фирмаси аризасига мазкур ҳужжатлар ҳам илова қилинмаган.

«Х» фирмаси ва суд бошқарувчиси ўртасида тушунмовчиликлар борлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинмаган, бундай ҳолда ариза қайтарилиши лозим.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 59-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 151-моддасига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Х» фирмасининг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар (жами 9 варақ) қайтарилсин.

Судья _____

Илова № 4

Ариза (шикоят)ни қаноатлантириш тўғрисида суднинг ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____ -сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судья_____нинг раислигида, _____нинг котиблигида очиқ суд мажлисида, суд бошқарувчи ва «Х» фирмаси вакили иштирокида «ХХХ» МЧЖ суд бошқарувчиси томонидан фирманинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисида» Х» фирмасининг шикоятини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик судининг 2009 йил 1 мартдаги ажрими билан Н. туман давлат солиқ инспекциясининг «ХХХ» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига асосан «ХХХ» МЧЖга нисбатан банкротлик иши қўзғатилиб, кузатув таомили жорий этилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 12 ва 71-моддалари талабларига биноан муваққат бошқарувчи томонидан кредиторлар аниқланди ва кредиторлар талаблари реестри тузилди. Кредиторлар талабларининг реестрига 10 млн сўм талаб билан «Х» фирмаси тўртинчи навбатга киритилди.

Суднинг 2009 йил 1 майдаги ҳал қилув қарори билан қарздор банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган ва «ХХХ» МЧЖнинг тугатувчи бошқарувчиси сифатида _____ тайинланган.

2009 йил 1 августда «Х» фирмаси тугатувчи бошқарувчига хат билан мурожаат қилиб, кредиторга тугатишга доир иш юритишнинг олиб борилиши тўғрисида маълумот беришни сўраган.

2009 йил 10 августдаги 10-сонли жавоб хати билан тугатувчи бошқарувчи «Х» фирмаси томонидан кредиторлар талаблари реестрига киритиш тўғрисида расмий мурожаат бўлмаганлиги сабабли «Х» фирмаси «ХХХ» МЧЖнинг кредитори эмаслигини маълум қилган.

Суд бошқарувчисининг важларига эътироз билдирган ҳолда «Х» фирмаси судга шикоят билан мурожаат этиб, суд бошқарувчисига «Х» фирмасини кредиторлар талабларининг реестрига 10 млн сўм талаб билан тўртинчи навбатга қайта тиклаш мажбуриятини юклашни сўраган.

Суд мажлисида «Х» фирмаси вакили шикоятда келтирилган талабларини қўллаб-қувватлади.

Суд бошқарувчиси «Х» фирмасининг талабларига эътироз билдириб, «Х» фирмасини қарздорнинг кредитори деб эълон қилгандан кейин кредиторлар талабаларининг реестрига киритиш тўғрисида талабни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда талаб киритилиши керак эди. «Х» фирмаси томонидан расмий мурожаат бўлмаганлиги сабабли кредиторлар талаблари реестрига киритилмаган.

Суд «Х» фирмаси вакили, суд бошқарувчисини тинглаб, тақдим этилган ҳужжатлар ва иш материалларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра шикоятни асосли ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисоблайди.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга асосан кредиторларнинг талаблари суд бошқарувчисига мазкур талабларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда жўнатилади.

Судга тақдим этилган ҳужжатлар, «Х» фирмаси ва «ХХХ» МЧЖ ўртасида тузилган таққослов далолатномаларидан кўринишича, 2009 йил 1 январ ҳолатига кўра «ХХХ» МЧЖнинг «Х» фирмаси билан тузган шартномалар бўйича 10 млн сўм қарзи қарздор томонидан тан олинган.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 1 мартдаги ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан банкротлик иши қўзғатилиб, кузатув таомили жорий этилган.

Кредиторларнинг дастлабки йиғилиши ўтказилгунга қадар муваққат бошқарувчи томонидан «ХХХ» МЧЖнинг «Х» фирмаси олдидаги қарзи аниқланган ва кредиторлар талабларининг реестрига 2009 йил 01 апрел ҳолатига кўра тўртинчи навбатга киритилган.

Кредиторларнинг дастлабки йиғилишида иштирок этиш мақсадида «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ муваққат бошқарувчи томонидан кредитор манзилига кредиторлар йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар жўнатилган (2009 йил 01.04. №1) ва 2009 йил 20 апрелда бўлиб ўтган кредиторларнинг дастлабки йиғилишида «Х» фирмаси вакили иштирок этган.

Кейинчалик суднинг 2009 йил 1 майдаги ҳал қилув қарори билан қарздор банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган.

2009 йил 1 августда «Х» фирмаси томонидан тугатувчи бошқарувчига хат жўнатилиб, унда тугатишга доир иш юритишнинг бориши тўғрисида маълумот бериш сўралган. 2009 йил 10 августдаги 10-сонли жавоб хати билан тугатувчи бошқарувчи «Х» фирмаси томонидан кредиторлар талаблари реестрига киритиш тўғрисида расмий мурожаат бўлмаганлиги сабабли «Х» фирмаси «ХХХ» МЧЖнинг кредитори эмаслигини маълум қилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 19 ва 128-моддаларига мувофиқ суд бошқарувчиси кредиторлар талаблари реестрини юритишга ва уларнинг талабларини кўриб чиқишга мажбур.

Юқоридагилардан кўринишича, «Х» фирмаси кузатув жараёнида белгиланган тартибда кредиторлар талаблари реестрига киритилган ва «Х» фирмасининг қарздорга нисбатан талаблари тан олинганлигилиги сабабли тугатувчи бошқарувчи «Х» фирмаси қарздорнинг кредитори деб эълон қилингандан кейин ўзини кредиторлар талаблари реестрига киритиш тўғрисида такроран талаб қўйиши кераклигини асос қилиб, «Х» фирмасини кредиторлар талаблари реестридан чиқаришга ҳақли эмас эди.

Бундай ҳолда «Х» фирмасининг шикояти асосли ва қаноатлантирилиши лозим.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 59-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 151-моддасига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

«Х» фирмасининг шикояти қаноатлантирилсин.

«ХХХ» МЧЖ суд бошқарувчисига «Х» фирмасини кредиторлар талабларининг реестрига 10 млн сўм талаб билан тўртинчи навбатга қайта тиклаш мажбурияти юклансин.

Мазкур ажрим устидан 10 кун муддат ичида апелляция тартибида шикоят келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 5

Ариза (шикоят)ни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида суднинг ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судья_____нинг раислигида, _____нинг котиблигида очиқ суд мажлисида, суд бошқарувчи ва «Х» фирмаси вакили иштирокида «Х» фирмасининг «MDZ» ЁАЖ суд бошқарувчиси билан тушунмовчиликлари тўғрисидаги ариза (шикояти)ни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик судининг 2006 йил 28 апрелдаги ҳал қилув қарори билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилоят бошқармасининг «MDZ» ЁАЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилган бўлиб, қарздор банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Н. вилоят хўжалик судининг 2006 йил 23 апрелдаги ҳал қилув қарори билан АТБ «Х–банк»нинг даъвоси бўйича «MDZ» ЁАЖнинг мажбуриятлари банк олдида кафил бўлган «Х» фирмасидан 702923 Евро ва 20635724 АҚШ доллари ундирилган. Мазкур ҳал қилув қарорининг кучга кириши билан «Х» фирмаси «MDZ» ЁАЖнинг суд бошқарувчисига мурожаат этиб, «Х» фирмасини 702923 Евро ва 20635724 АҚШ доллари миқдоридаги талаб билан «MDZ» ЁАЖ кредиторларининг талаблари реестрига киритишни сўраган. «MDZ» ЁАЖнинг суд бошқарувчиси 2006 йил 25 августдаги 01/912-сонли жавоб хати билан сўралаётган маблағлар банкка тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинмаганлиги сабабли, «Х» фирмасини 702923 Евро ва 20635724 АҚШ доллари миқдоридаги талаб билан «MDZ» ЁАЖ кредиторларининг талаблари реестрига киритишни рад этган.

Суд бошқарувчисининг важларига қўшилмаган ҳолда «Х» фирмаси мазкур тушунмовчиликни ҳал қилиш учун судга мурожаат этган.

Суд мажлисида «Х» фирмаси вакили арз қилган талабларини қўллаб-қувватлаб, суднинг 2006 йил 23 апрелдаги ҳал қилув қарори ўз кучида

қолдирилган кассация инстанциясининг қарорида «Х» фирмасидан солидар тарзда 702923 Евро ва 20635724 АҚШ доллари ундириш кўрсатилганлиги ва мазкур қарздорликни икки марта ундиришнинг олдини олиш мақсадида «Х» фирмаси кредиторлар талабларининг реестрига киритилиши ёки суднинг 2006 йил 23 апрелдаги ҳал қилув қарорига ўзгартириш киритилиши лозимлигини маълум қилди.

Суд бошқарувчиси «Х» фирмаси вакилининг важларига эътироз билдириб, «Х» фирмаси кредиторлар талабларининг реестрига фақатгина 702923 Евро ва 20635724 АҚШ доллари ундириш тўғрисидаги суд қарори ижро этилганлиги тўғрисидаги далиллар бўлган ҳолда киритилиши мумкинлигини маълум қилди.

Суд ишда иштирок этувчи шахслар вакилларини тинглаб, «Х» фирмасининг ариза (шикояти)да келтирилган важларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан аризани қаноатлантирмасдан қолдириш лозим деб ҳисоблайди:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга асосан суд бошқарувчисига йўлланадиган талабларда, уларнинг асослилигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилинган бўлиши керак.

«Х» фирмаси томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга кўра «Х» фирмасининг талаби АТБ «Х–банк»нинг даъвоси бўйича «MDZ» ЁАЖнинг мажбуриятлари банк олдида кафил бўлган «Х» фирмасидан 702923 Евро ва 20635724 АҚШ доллари ундирилган суднинг 2006 йил 23 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосланади.

ЎзР ФКнинг 295-моддасига асосан мажбуриятни бажарган кафилга кредиторнинг ушбу мажбурият бўйича ҳуқуқлари ҳамда гаровга олувчи сифатида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқлар кафил кредиторнинг талабини қанча ҳажмда қаноатлантирган бўлса, шунча ҳажмда ўтади. Кафил кредиторга тўланган суммага фоизлар тўлашни ва қарздор учун жавобгарлик муносабати билан кўрган бошқа зарарини тўлашни қарздордан талаб қилишга ҳақли. Кафил мажбуриятни бажарганидан кейин кредитор қарздорга бўлган талабни тасдиқловчи ҳужжатларни кафилга топшириши ва бу талабни таъминлайдиган ҳуқуқларни бериши шарт.

Мазкур ҳолатда «Х» фирмаси томонидан «MDZ» ЁАЖнинг мажбуриятлари банк олдидаги 702923 Евро ва 20635724 АҚШ доллари миқдоридаги мажбурияти ижро этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган.

Бундай ҳолда суд бошқарувчиси томонидан «Х» фирмасини 702923 Евро ва 20635724 АҚШ доллари миқдоридаги талаб билан «MDZ» ЁАЖ кредиторларининг талаблари реестрига киритишни рад этиш асосли бўлганлиги учун «Х» фирмасининг аризаси қаноатлантирилмасдан қолдирилиши лозим.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 59-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 151-моддасига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Х» фирмасининг аризаси (шикояти) қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Мазкур ажрим устидан 10 кун муддат ичида апелляция тартибида шикоят келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 60-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Апелляция шикоятини қаноатлантириш тўғрисида апелляция инстанцияси судининг ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____ -сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди ҳайъати раислик этувчи судья _____, судьялар_____ва _____, _____нинг котиблигида очиқ суд мажлисида, суд бошқарувчи ва «Х» фирмаси вакили _____ ларнинг иштирокида «Х» фирмасининг «ХХХ» МЧЖнинг суд бошқарувчиси билан бўлган тушунмовчиликлар натижалари бўйича 2009 йил 3 сентябрда қабул қилинган Ажримига берган апелляция шикоятини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик судининг 2009 йил 1 мартдаги ажрими билан Н. туман давлат солиқ инспекциясининг «ХХХ» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига асосан «ХХХ» МЧЖга нисбатан банкротлик иши қўзғатилиб, кузатув таомили жорий этилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 12 ва 71-моддалари талабларига биноан муваққат бошқарувчи томонидан кредиторлар аниқланди ва кредиторлар талаблари реестри тузилди. Кредиторлар талабларининг реестрига 10 млн сўм талаб билан «Х» фирмаси тўртинчи навбатга киритилди.

Суднинг 2009 йил 1 майдаги ҳал қилув қарори билан қарздор банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган ва «ХХХ» МЧЖнинг тугатувчи бошқарувчиси сифатида _____ тайинланган.

2009 йил 1 августда «Х» фирмаси тугатувчи бошқарувчига хат билан мурожаат қилиб, кредиторга тугатишга доир иш юритишнинг олиб борилиши тўғрисида маълумот беришни сўраган.

2009 йил 10 августдаги 10-сонли жавоб хати билан тугатувчи бошқарувчи «Х» фирмаси томонидан кредиторлар талаблари реестрига киритиш тўғрисида расмий мурожаат бўлмаганлиги сабабли «Х» фирмаси «ХХХ» МЧЖнинг кредитори эмаслигини маълум қилган.

Суд бошқарувчисининг важларига эътироз билдирган ҳолда «Х» фирмаси судга шикоят билан мурожаат этиб, суд бошқарувчисига «Х» фирмасини кредиторлар талабларининг реестрига 10 млн сўм талаб билан тўртинчи навбатга қайта тиклаш мажбуриятини юклашни сўраган.

2009 йил 3 сентябрдаги ажрим билан суд бошқарувчисининг ҳаракатлари асосли деб топилиб, «Х» фирмасининг шикоятини қаноатлантириш рад этилган.

Мазкур ажримга «Х» фирмаси томонидан апелляция шикояти келтирилиб, унда суднинг ажримини бекор қилиш ва «Х» фирмасини кредиторлар талабларининг реестрига 10 млн сўм талаб билан тўртинчи навбатга қайта тиклаш мажбуриятини юклашни сўраган.

Суд мажлисида «Х» фирмаси вакили апелляция шикоятида келтирилган талабларини қўллаб-қувватлади.

Суд бошқарувчиси «Х» фирмасининг талабларига эътироз билдириб, «Х» фирмасини қарздорнинг кредитори деб эълон қилгандан кейин кредиторлар талабаларининг реестрига киритиш тўғрисида талабни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда талаб киритилиши керак эди. «Х» фирмаси томонидан расмий мурожаат бўлмаганлиги сабабли кредиторлар талаблари реестрига киритилмаганлигини маълум қилди ва апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни сўради.

Суд «Х» фирмаси вакили, суд бошқарувчисини тинглаб, тақдим этилган ҳужжатлар ва иш материалларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра апелляция шикоятини асосли ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисоблайди:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга асосан кредиторларнинг талаблари суд бошқарувчисига мазкур талабларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда жўнатилади.

Судга тақдим этилган ҳужжатлар, «Х» фирмаси ва «ХХХ» МЧЖ ўртасида тузилган таққослов далолатномаларидан кўринишича, 2009 йил 1 январ ҳолатига кўра «ХХХ» МЧЖнинг «Х» фирмаси билан тузган шартномалар бўйича 10 млн сўм қарзи қарздор томонидан тан олинган.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 1 мартдаги ажрими билан «ХХХ» МЧЖга нисбатан банкротлик иши қўзғатилиб, кузатув таомили жорий этилган.

Кредиторларнинг дастлабки йиғилиши ўтказилгунга қадар муваққат бошқарувчи томонидан «ХХХ» МЧЖнинг «Х» фирмаси олдидаги қарзи аниқланган ва кредиторлар талабларининг реестрига 2009 йил 1 апрел ҳолатига кўра тўртинчи навбатга киритилган.

Кредиторларнинг дастлабки йиғилишида иштирок этиш мақсадида «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ муваққат бошқарувчи томонидан кредитор манзилига кредиторлар йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар жўнатилган (2009 йил 01.04. №1) ва 2009 йил 20 апрелда бўлиб ўтган кредиторларнинг дастлабки йиғилишида «ХХХ» МЧЖ вакили иштирок этган.

Кейинчалик суднинг 2009 йил 1 майдаги ҳал қилув қарори билан қарздор банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган.

2009 йил 1 августда «Х» фирмаси томонидан тугатувчи бошқарувчига хат жўнатилиб, унда тугатишга доир иш юритишнинг бориши тўғрисида маълумот бериш сўралган. 2009 йил 10 августдаги 10-сонли жавоб хати билан тугатувчи бошқарувчи «Х» фирмаси томонидан кредиторлар талаблари реестрига киритиш тўғрисида расмий мурожаат бўлмаганлиги сабабли «Х» фирмаси «ХХХ» МЧЖнинг кредитори эмаслигини маълум қилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 19 ва 128-моддаларига мувофиқ суд бошқарувчиси кредиторлар талаблари реестрини юритиши ва уларнинг талабларини кўриб чиқишга мажбур.

Юқоридагилардан кўринишича, «Х» фирмаси кузатув жараёнида белгиланган тартибда кредиторлар талаблари реестрига киритилган ва «Х» фирмасининг қарздорга нисбатан талаблари тан олинганлиги сабабли тугатувчи бошқарувчи «Х» фирмаси қарздорнинг кредитори деб эълон қилингандан кейин ўзини кредиторлар талаблари реестрига киритиш тўғрисида такроран талаб қўйиши кераклигини асос қилиб, «Х» фирмасини кредиторлар талаблари реестридан чиқаришга ҳақли эмас эди.

Бундай ҳолда биринчи инстанция суди «Х» фирмасининг шикоятини қаноатлантирши ва суд бошқарувчиси зиммасига «Х»фирмасини кредиторлар талаблари реестрига киритишни юклаши лозим эди.

ЎзР ХПКнинг 169-моддаси, 4-қисмига асосан моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Шунга кўра, апелляция шикояти қаноатлантирилиши ва суднинг ажрими бекор қилиниши лозим.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 60-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 168, 169, ва 171-моддаларига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Х» фирмасининг апелляция шикояти қаноатлантирилсин.

Суднинг 2009 йил 3 сентябрдаги ажрими бекор қилинсин.

«ХХХ» МЧЖ суд бошқарувчисига «Х» фирмасини кредиторлар талабларининг реестрига 10 млн сўм талаб билан тўртинчи навбатга қайта тиклаш мажбурияти юклансин.

Раислик этувчи: _____

Судьялар _____

Илова № 2

Апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида апелляция инстанцияси судининг ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____ -сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди ҳайъати раислик этувчи судья _____, судьялар_____ва _____, _____нинг котиблигида очиқ суд мажлисида, суд бошқарувчи ва «Х» фирмаси вакили _____ларнинг иштирокида «Х» фирмасининг «MDZ» ЁАЖ нинг суд бошқарувчиси билан бўлган тушунмовчиликлар натижалари бўйича 2009 йил 1 сентябрда қабул қилинган Ажримига берган апелляция шикоятини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик судининг 2006 йил 28 апрелдаги ҳал қилув қарори билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилоят бошқармасининг «MDZ» ЁАЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилган бўлиб, қарздор банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Н. вилоят хўжалик судининг 2006 йил 23 апрелдаги ҳал қилув қарори билан АТБ «Х–банк»нинг даъвоси бўйича «MDZ» ЁАЖнинг мажбуриятлари банк олдида бўйича кафил бўлган «Х» фирмасидан 702923 Евро ва 20635724 АҚШ доллари ундирилган. Мазкур ҳал қилув қарорининг кучга кириши би-

лан «Х» фирмаси «MDZ» ЁАЖнинг суд бошқарувчисига мурожаат этиб, «Х» фирмасини 702923 Евро ва 20635724 АҚШ доллари миқдоридаги талаб билан «MDZ» ЁАЖ кредиторларининг талаблари реестрига киритишни сўраган. «MDZ» ЁАЖнинг суд бошқарувчиси 2006 йил 25 августдаги 01/912-сонли жавоб хати билан сўралаётган маблағлар банкка тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинмаганлиги сабабли, «Х» фирмасини 702923 Евро ва 20635724 АҚШ доллари миқдоридаги талаб билан «MDZ» ЁАЖ кредиторларининг талаблари реестрига киритишни рад этган.

Суд бошқарувчисининг важларига қўшилмаган ҳолда «Х» фирмаси мазкур тушунмовчиликни ҳал қилиш учун судга мурожаат этган.

Суднинг 2009 йил 1 сентябрдаги ажрими билан ариза (шикоят)ни қаноатлантириш рад этилган.

Мазкур ажримга «Х» фирмаси томонидан апелляция шикояти келтирилиб, унда суднинг ажримини бекор қилиш ва суд бошқарувчисига Х» фирмасини 702923 Евро ва 20635724 АҚШ доллари миқдоридаги талаб билан «MDZ» ЁАЖ кредиторларининг талаблари реестрига тўртинчи навбатда киритиш мажбурияти юклатилиши сўралган.

Суд мажлисида «Х» фирмаси вакили арз қилган талабларини қўллаб-қувватлаб, суднинг 2006 йил 23 апрелдаги ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган кассация инстанциясининг қарорида «Х» фирмасидан солидар тарзда 702923 Евро ва 20635724 АҚШ доллари ундириш кўрсатилганлиги ва мазкур қарздорликни икки марта ундиришнинг олдини олиш мақсадида «Х» фирмаси кредиторлар талабларининг реестрига киритилиши ёки суднинг 2006 йил 23 апрелдаги ҳал қилув қарорига ўзгартириш киритилиши лозимлигини маълум қилди.

Суд бошқарувчиси «Х» фирмаси вакилининг важларига эътироз билдириб, «Х» фирмаси кредиторлар талабларининг реестрига фақатгина 702923 Евро ва 20635724 АҚШ доллари ундириш тўғрисидаги суд қарори ижро этилганлиги тўғрисидаги далиллар бўлган ҳолда киритилиши мумкинлигини маълум қилиб, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни сўради.

Суд ишда иштирок этувчи шахслар вакилларини тинглаб, «Х» фирмасининг ариза (шикояти)да келтирилган важларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш лозим деб ҳисоблайди:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга асосан суд бошқарувчисига йўлланадиган талабларда, уларнинг асослилигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган бўлиши керак.

«Х» фирмаси томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга кўра «Х» фирмасининг талаби АТБ «Х–банк»нинг даъвоси бўйича «MDZ» ЁАЖнинг мажбуриятлари банк олдида кафил бўлган «Х» фирмасидан 702923 Евро ва 20635724 АҚШ доллари ундирилган суднинг 2006 йил 23 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосланади.

ЎзР ФКнинг 295-моддасига асосан мажбуриятни бажарган кафилга кредиторнинг ушбу мажбурият бўйича ҳуқуқлари ҳамда гаровга олувчи сифатида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқлар кафил кредиторнинг талабини қанча ҳажмда қаноатлантирган бўлса, шунча ҳажмда ўтади. Кафил кредиторга тўланган суммага фоизлар тўлашни ва қарздор учун жавобгарлик муносабати билан кўрган бошқа зарарини тўлашни қарздордан талаб қилишга ҳақли. Кафил мажбуриятни бажарганидан кейин кредитор қарздорга бўлган талабни тасдиқловчи ҳужжатларни кафилга топшириши ва бу талабни таъминлайдиган ҳуқуқларни бериши шарт.

Мазкур ҳолатда «Х» фирмаси томонидан «MDZ» ЁАЖнинг мажбуриятлари банк олдидаги 702923 Евро ва 20635724 АҚШ доллари миқдоридаги мажбурияти ижро этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган.

Бундай ҳолда суд бошқарувчиси томонидан «Х» фирмасини 702923 Евро ва 20635724 АҚШ доллари миқдоридаги талаб билан «MDZ» ЁАЖ кредиторларининг талаблари реестрига киритишни рад этиш асосли бўлганлиги учун «Х» фирмасининг аризаси биринчи инстанция суди томонидан асосли равишда қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

Шунга кўра, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилиши ва суднинг ажрими ўз кучида қолиши лозим.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 60-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 168, 169, ва 171-моддаларига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Х» фирмасининг апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Суднинг 2009 йил 1 сентябрдаги ажрими ўз кучида қолдирилсин.

Раислик этувчи: _____

Судьялар _____

Қонуннинг 61-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Суд санациясини амалга оширишга кредиторларнинг розилиги олинганлиги муносабати билан банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисида суднинг ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____ -сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судья _____нинг раислигида, _____нинг котиблигида очиқ суд мажлисида, муваққат бошқарувчи С. Каршибаев, қарздор вакили _____ ва кредитор вакили _____ларнинг иштирокида Н. туман давлат солиқ инспекциясининг «ХХХ» ОАЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

«ХХХ» ОАЖ 2003 йилда «Иссиқ нон» нон комбинатининг негизида ташкил этилган бўлиб, устав фондида давлат улуши 25 фоизни ташкил этади. Корхонанинг асосий фаолият тури нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўлиб ҳисобланади.

«ХХХ» ОАЖнинг молия-хўжалик фаолияти таҳлил қилинганда, 2008 йил 20 октябрь ҳолатига кўра унинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдидаги қарзи 154743000 сўмни ташкил қилганлиги, корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми 2008 йилнинг 9 ойида 2007 йилнинг шу даврига нисбатан икки марта камайганлиги аниқланди.

Қарздорнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларни бажара олмаслигини инобатга олиб солиқ органи қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этган.

Суднинг 2009 йил 2 январдаги қарори билан кредитор аризаси иш юритувга қабул қилиниб, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув таомили жорий этилган, муваққат бошқарувчи этиб С. Каршибаев тайинланган.

Қарздорнинг устав фондида давлат улуши борлиги сабабли банкротлик ишини қўзғатиш тўғрисидаги ажрим Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилоят бошқармасининг манзилига ҳам жўнатилган.

Банкротлик ишлари бўйича давлат органи банкротлик ишини қўзғатиш тўғрисидаги ажримни олгандан кейин 2009 йил 20 январдаги 1/23-сонли хат билан хўжалик судига мурожаат қилиб, қарздорга мажбурий тўловларни тўлаш учун 12 ой суд санация бериш орқали муддат бериш мақсадга мувофиқлигини маълум қилган.

Суд мажлисида муваққат бошқарувчи ўзига юклатилган вазифаларга кўра 2009 йил 15 январда «Биржа» газетасининг 2-сонида қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилганлиги ва кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказилиши санаси ва жойи тўғрисида эълон чоп этилганлиги, 2009 йил 25 февралда ўтказилган кредиторларнинг биринчи йиғилишида кредиторлар банкротлик ишлари бўйича давлат органининг суд санацияси ўтказиш тўғрисидаги таклифига рози бўлганлиги ва кредиторлар хўжалик судига иш юритишни тугатиш тўғрисида илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилинганлигини маълум қилди.

Суд муваққат бошқарувчи ва тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, иш материаллари билан танишиб, қуйидагиларга асосан иш юритишни тугатиш лозим деб ҳисоблайди:

Қарздорнинг таъсис ҳужжатларидан кўринишича, ОАЖнинг устав фонди 230 млн сўмни ташкил этиб, унда давлат улуши 25 фоизни ташкил этади.

2008 йил 20 октябрь ҳолатига кўра қарздорнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдидаги қарзи 154743000 сўмни ташкил қилганлиги, корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми 2008 йилнинг 9 ойида 2007 йилнинг шу даврига нисбатан икки марта камайганлиги сабабли солиқ органи қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этган.

Суднинг 2009 йил 2 январдаги ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув таомили жорий этилган, муваққат бошқарувчи сифатида С.Каршибаев тайинланган.

Қарздорнинг устав фондида давлат улуши борлиги сабабли банкротлик ишини қўзғатиш тўғрисидаги ажрим Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилоят бошқармасининг манзилига ҳам жўнатилган.

Банкротлик ишлари бўйича давлат органи банкротлик ишини қўзғатиш тўғрисидаги ажримни олгандан кейин 2009 йил 20 январдаги 1/23-сонли хат билан хўжалик судига мурожаат қилиб, қарздорга мажбурий тўловларни тўлаш учун 12 ой суд санация бериш орқали муддат бериш мақсадга мувофиқлигини маълум қилган.

2009 йил 25 февралда ўтказилган кредиторларнинг биринчи йиғилишида кредиторлар банкротлик ишлари бўйича давлат органининг суд санацияси ўтказиш тўғрисидаги таклифига рози бўлганлиги ва кредиторлар хўжалик судига иш юритишни тугатиш тўғрисида илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилишган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 61-моддасига асосан агар корхонанинг устав фондида давлат улуши бўлса, хўжалик суди банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ҳақида банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органини хабардор қилади. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ҳақидаги хабарни олган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида хўжалик судига судгача санация қилиш ўтказилиши мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги хусусидаги ўз қарорини маълум қилади. Кредиторлар судгача санация қилиш ўтказилишига рози бўлган тақдирда банкротлик тўғрисидаги иш тугатилади.

Юқоридагиларга асосан ва барча кредиторлар банкротлик ишлари бўйича давлат органининг суд санацияси ўтказиш тўғрисидаги таклифига рози бўлганлигини инобатга олиб, суд харажатларини қарздор зиммасига юклаган ҳолда иш юритишни тугатишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 56, 61-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 86, 95, ва 151-моддаларига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«ХХХ» ОАЖ нинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритиш тугатилсин.

«ХХХ» ОАЖ дан республика бюджети ҳисобига 334700 сўм давлат божи ва Навоий туман давлат солиқ инспекцияси ҳисобига 5000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Ижро варақалари берилсин.

Мазкур ажрим устидан, у қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида апелляция тартибида шикоят келтирилиши мумкин.

Судья _____

IV БОБ. КУЗАТУВ

Қонуннинг 62-моддаси шарҳига илова

Кузатув таомили аризани иш юртишга қабул қилиш билан жорий этилиши ва мазкур ажримлар Қонуннинг 45-моддаси шарҳи иловасида келтирилганлиги сабабли ушбу моддага иловалар келтирилмайди.

Қонуннинг 65-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисида суднинг ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судья _____нинг раислигида, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилоят бошқармасининг «Х» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги иш бўйича муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик судининг 2009 йил 20 майдаги ажрими билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг аризаси иш юритувга қабул қилинган ва қарздорга нисбатан кузатув таомили жорий этилган. Судга мурожаат қилишда банкротлик ишлари бўйича давлат органи томонидан муваққат бошқарувчининг номзоди кўрсатилмаганлиги сабабли

суднинг ажрими билан аризачи зиммасига муваққат бошқарувчининг номзодини кўрсатиш мажбурияти юкланган.

Суднинг ажримини ижро этиш мақсадида 2-тоифали суд бошқарувчиси аттестатига эга бўлган Тошниёзов Сарвар Мансуровичнинг номзоди муваққат бошқарувчи сифатида тақдим этилган. Шунингдек, мазкур хатда банкротлик ишлари бўйича давлат органи муваққат бошқарувчига энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида ойлик иш ҳақи тайинлашни тасдиқлаб беришни сўраган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 65-моддаси, 1-қисмига асосан муваққат бошқарувчи кредиторлар ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи таклиф этган номзодлар орасидан хўжалик суди томонидан тайинланади.

Қонуннинг 18-моддаси 1-қисмига кўра эса суд бошқарувчилари этиб олий маълумотга ҳамда камида икки йиллик иш стажига эга бўлган, шунингдек, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органида аттестациядан ўтган шахслар тайинланиши мумкин.

Муваққат бошқарувчининг таклиф этилган номзоди Қонуннинг 18-моддаси талабларига жавоб беришини инобатга олган ҳолда суд Тошниёзов Сарвар Масуровични «Х» МЧЖнинг муваққат бошқарувчиси сифатида тайинлаш мумкин деб ҳисоблайди.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 65-моддаси, 2-қисмига асосан хўжалик судининг муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажримида унга тўланадиган ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби кўрсатилган бўлиши керак.

Қонуннинг 22-моддаси 1-қисмига кўра суд бошқарувчисига вазифасини бажарганлиги учун ҳақ тўлашнинг миқдори ва тартиби кредиторлар йиғилиши томонидан белгиланади, хўжалик суди томонидан тасдиқланади ҳамда, агар кредиторлар билан тузилган битимда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан амалга оширилади.

«Х» МЧЖ кредиторлари талаблари реестри ҳозирги босқичда тузилмаганлиги ва шу сабабли кредиторлар йиғилиши ўтказилмаганлиги туфайли Қонуннинг 65-моддаси талабларига риоя қилиш мақсадида суд муваққат бошқарувчига қарздор ҳисобидан тўланадиган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида ойлик иш ҳақи тайинлашни лозим топди.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 18, 22, 65, 67-моддалари ва ЎзР ХПКнинг 151-моддасига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Тошниёзов Сарвар Масуровични «Х» МЧЖнинг муваққат бошқарувчиси этиб тайинлансин.

Муваққат бошқарувчи зиммасига:

– Қонуннинг 52 ва 53-моддаларига асосан ўн кун муддат ичида қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилганлиги ва кредиторлар йиғилиши

ўтказилиши тўғрисида расмий нашрда эълон қилиш ва чоп этилганлиги тўғрисидаги далилни судга тақдим этиш;

– қарздорнинг мол-мулкининг сақланишини таъминлаш чораларини кўриш;

– қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиш;

– қарздорнинг кредиторларини аниқлаш, кредиторлар реестрини тузиш ва уларни қарздорга нисбатан кузатув таомли жорий этилганлиги ҳамда кредиторларнинг дастлабки йиғилиши ўтказилиш жойи ва вақти тўғрисида хабардор қилиш;

– кредиторларнинг дастлабки йиғилишини чақириш ва ўтказиш ва судга «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинган мажлис баённомасини ва тугатувчи (санация қилувчи, ташқи) бошқарувчи номзодини тақдим этиш вазифаси юклансин.

Муваққат бошқарувчи С.М. Тошниёзовга ҳар ой энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида қарздор ҳисобидан ҳақ тўлаш тасдиқлансин.

Судья _____

Илова № 2

Суднинг муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақ миқдорини ўзгартириш ҳақидаги ажримии

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақ миқдорини ўзгартириш ҳақида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____, Давлат монополиядан чиқариш қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасининг «Х» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига кўра қўзғатилган иш бўйича муваққат бошқарувчи томонидан берилган аризани кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И :

Хўжалик судининг 2009 йил 20 майдаги ажрими билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти ҳудудий бошқармаси аризаси иш юритувга қабул қилинган ва «ХХХ» МЧЖга нисбатан кузатув жорий этилган.

Судга мурожаат қилишда банкротлик ишлари бўйича давлат органи томонидан муваққат бошқарувчининг номзоди кўрсатилмаганлиги сабабли Н. вилоят хўжалик судининг 2009 йил 30 майдаги ажрими билан аризачи томонидан номзоди кўрсатилган С.А. Тошниёзов муваққат бошқарувчи этиб тайинланган. Шунингдек, мазкур ажрим билан муваққат бошқарувчига ҳар ой энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида ҳақ тўлаш тасдиқланди.

2009 йил 5 июндаги кредиторлар йиғилишида муваққат бошқарувчига 300000 сўм миқдорида қарздор ҳисобидан ҳақ тўлаш белгиланди.

Кредиторлар йиғилиши қарорига асосан, муваққат бошқарувчи судга мурожаат қилиб, унга тўланадиган ҳақ миқдорини ўзгартириш ва 300000 сўм қилиб белгилашни сўраган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 65-моддаси иккинчи қисмига асосан хўжалик судининг муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажримида унга тўланадиган ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби кўрсатилган бўлиши керак. Учинчи қисмида эса, Муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақ миқдори кредиторлар йиғилишининг қарори асосида хўжалик суди томонидан ўзгартирилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Баён этилганлар асосида суд муваққат бошқарувчининг аризасини қаноатлантириш ва унга ҳар ой 300000 сўм миқдорда қарздор мол-мулки ҳисобидан ҳақ тўлаш белгилашни лозим деб топади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 22, 65-моддалари ва ЎзР ХПКнинг 151-моддасига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Х» МЧЖ муваққат бошқарувчисининг аризаси қаноатлантирилсин.

Муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақ миқдори ўзгартирилсин ва ҳар ой 300000 сўм миқдорда қарздор мол-мулки ҳисобидан ҳақ тўлаш белгилансин.

Судья _____

Илова № 3

Муваққат бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Муваққат бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____, Давлат монополиядан чиқариш қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасининг «Х» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига кўра қўзғатилган иш бўйича муваққат бошқарувчининг уни ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И :

Хўжалик судининг 2009 йил 20 майдаги ажрими билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти ҳудудий бошқармаси аризаси иш юритувга қабул қилинган ва «ХХХ» МЧЖга нисбатан кузатув жорий этилган.

Хўжалик судининг 2009 йил 20 майдаги ажрими билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Н. вилояти ҳудудий бошқармаси аризаси иш юритувга қабул қилинган ва «ХХХ» МЧЖга нисбатан кузатув жорий этилган, муваққат бошқарувчи этиб эса мен, С.А. Тошниёзов тайинланганман.

Муваққат бошқарувчи соғлиги ёмонлашганлиги сабабли уни вазифасини бажаришдан озод қилишни сўраб мурожаат қилган.

Суд муваққат бошқарувчининг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра С.А.Тошниёзовни муваққат бошқарувчи вазифасини бажаришдан озод этиш мумкин деб топади:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 65-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, муваққат бошқарувчи уни ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли.

Ушбу модданинг бешинчи қисмига кўра муваққат бошқарувчининг уни ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилган тақдирда хўжалик суди кредиторлар таклиф этган номзодлар орасидан янги муваққат бошқарувчини тайинлайди**.**

Аризага илова қилинган ҳужжатлардан маълум бўладики, 2009 йил 14 июнда «Х» МЧЖ кредиторлари йиғилиши ўтказилган бўлиб, унда С.А. Тошниёзовнинг уни суд бошқарувчиси лавозимидан озод этиш ҳақидаги аризаси кўриб чиқилган ва С.А. Тошниёзовни «ХХХ» МЧЖ муваққат бошқарувчиси вазифасидан озод этиш тўғрисида илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ва Назарқулов С.А. ни янги муваққат бошқарувчи этиб тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бундай ҳолларда С.А. Тошниёзов «ХХХ» МЧЖ муваққат бошқарувчиси вазифасини бажаришдан озод этилиши лозим.

Судга кўрсатилган янги муваққат бошқарувчи номзоди «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг суд бошқарувчиларига қўйган талабларига жавоб беришини ҳисобга олиб, «ХХХ» МЧЖ муваққат бошқарувчиси этиб С.А. Назаркуловни тайинлашни мумкин деб топади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 18 ва 65-моддалари ва ЎзР ХПКнинг 151-моддасига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Х» МЧЖ муваққат бошқарувчиси С.А. Тошниёзовнинг аризаси қаноатлантирилсин.

С.А. Тошниёзов «ХХХ» МЧЖ муваққат бошқарувчиси вазифасини бажаришдан озод этилсин.

«ХХХ» МЧЖнинг янги муваққат бошқарувчиси этиб Назаркулов Сарвар Аҳрорович тайинлансин.

Муваққат бошқарувчи С.А. Назаркулов:

– қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш чораларини кўрсин;

– қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилсин;

– қарздорнинг кредиторларини аниқласин, кредиторларнинг талаблари реестрини юритсин, қарздорга нисбатан кузатув жорий этилгани ҳамда кредиторларнинг биринчи йиғилиши вақти ва жойи ҳақида кредиторларни хабардор қилсин;

– кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақирсин ва ўтказсин, шунингдек кредиторларнинг биринчи йиғилиши баённомасини (ушбу Қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда) ва тугатиш (санация ва ташқи) бошқарувчиси номзодини тақдим этсин.

Судья _____

Қонуннинг 66-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Қарздор мол-мулки бут сақланишини таъминланишга қаратилган қўшимча чоралар кўрилиши тўғрисидаги суднинг ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Қарздор мол-мулки бут сақланишини таъминланишга қаратилган қўшимча чоралар кўрилиши тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____, Давлат монополиядан чиқариш қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасининг «Х» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига кўра қўзғатилган иш бўйича муваққат бошқарувчининг қарздор мол-мулки бут сақланишини таъминланишга қаратилган қўшимча чоралар кўрилиши тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик судининг 2009 йил 20 майдаги ажрими билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг аризаси иш юритувга қабул қилинган ва қарздорга нисбатан кузатув таомили жорий этилган, муваққат бошқарувчи этиб эса С.А.Тошниёзов тайинланган.

Суд бошқарувчиси судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, «ХХХ» ОАЖ раҳбар органига суд бошқарувчисининг розилигисиз битим тузиш ва бошқа ҳаракатларни амалга оширилишини тақиқлаш йўли билан қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлашга қаратилган қўшимча чоралар кўрилишини сўраган. Суд бошқарувчиси асос сифатида шуни келтирдики, қарздорнинг асосий воситалари таркибига кирувчи жиҳозларнинг қиймати алоҳида олганда қарздор активлари қийматининг ўн фоизидан кўп бўлмаган қисмини ташкил этади ва агар улар қарздор бошқарув органлари томонидан реализация қилинадиган бўлса, кредиторлар талаблари таъминланмай қолади, натижада улар мол-мулк етишмаслиги сабабли қаноатлантирилмай қолади.

Суд бошқарувчисининг илтимосномасида баён қилинган важларни ўрганиб чиқиб, суд илтимосномани қуйидаги асосларга кўра қаноатлантириш лозим деб топади:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 46-моддасига асосан, хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахснинг аризасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига мувофиқ кредиторлар талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар кўришга ҳақли. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган кредиторлар талабларининг таъминланишига қаратилган чоралардан ташқари, хўжалик суди «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 66-моддаси талабларига мувофиқ равишда суд бошқарувчисининг розилигисиз битимлар тузишни тақиқлашга, қарздорни қимматли қоғозлар, валюта қимматликлари ва бошқа мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсларга беришга мажбур қилишга ҳамда қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлашга қаратилган бошқа чораларни кўришга ҳақли.

Қонуннинг 66-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, муваққат бошқарувчи қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш ҳақидаги, шу жумладан муваққат бошқарувчининг розилигисиз ушбу Қонуннинг 64-моддасида назарда тутилмаган битимлар тузишни тақиқлаш ҳақидаги, мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсларга бериш ҳақидаги, шунингдек, бундай чораларни бекор қилиш ҳақидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли.

Қонуннинг 64-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, қарздорнинг бошқарув органлари қарздорнинг баланс қиймати қарздор активлари баланс қийматининг ўн фоизидан кўпроғини ташкил этадиган мол-мулкини тасарруф этиш билан боғлиқ битимларни фақат муваққат бошқарувчининг ёзма розилигига биноан тузишлари мумкин.

ХПКнинг 76-моддасига мувофиқ, хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризаси билан даъвони таъминлаш чораларини кўриши мумкин. Хўжалик иш юритувининг ҳар қандай босқичида даъвони таъминлаш чоралари кўрилиши мумкин, башарти бундай чораларнинг кўрилмаслиги суд ҳужжатини ижро этишни қийинлаштирадиган ёки имконсиз қилиб қўядиган бўлса.

Баён қилинганларга асосланиб ва Қонуннинг 64-моддасига мувофиқ қарздорнинг бошқарув органлари қарздорнинг баланс қиймати қарздор активлари баланс қийматининг ўн фоизидан кўп бўлмаган мол-мулкини тасарруф этиш билан боғлиқ битимларни муваққат бошқарувчининг ёзма розилигисиз ҳам тузишлари мумкинлигини, мазкур ҳолатда эса қарздорнинг асосий воситалари таркибига кирувчи жиҳозларнинг қиймати алоҳида олганда қарздор активлари қийматининг ўн фоизидан кўп бўлмаган қисмини ташкил этиши ва агар улар қарздор бошқарув органи томонидан реализация қилинадиган бўлса, кредиторлар талаблари таъминланмай қолишини эътиборга олиб ва уларни таъминлаш мақсадида суд қарздорнинг бошқарув органига суд

бошқарувчисининг розилигисиз баланс қийматидан қатъи назар мол-мулкини тасарруф этиш билан боғлиқ битимлар тузишни тақиқлаш лозим деб топади.

Баён қилинганларга ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 46 ва 64-моддалари ва ЎзР ХПКнинг 76, 77, 151-моддасига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Х» МЧЖ муваққат бошқарувчисининг аризаси қаноатлантирилсин.

«Х» МЧЖ бошқарув органига суд бошқарувчисининг розилигисиз баланс қийматидан қатъи назар мол-мулкини тасарруф этиш билан боғлиқ битимлар тузиш тақиқлансин.

Мазкур ажрим устидан шикоят қилиш мумкин.

Судьялар _____

Илова № 2

Қарздор раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Қарздор раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____, Давлат монополиядан чиқариш қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасининг «Х» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига кўра қўзғатилган иш бўйича Муваққат бошқарувчининг қарздор раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан четлаштирилиши тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик судининг 2009 йил 20 майдаги ажрими билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг аризаси

иш юритувга қабул қилинган ва қарздорга нисбатан кузатув таомили жорий этилган, муваққат бошқарувчи этиб эса С.А.Тошниёзов тайинланган.

Суд бошқарувчиси судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, «ХХХ» ОАЖ раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан четлаштиришни сўраган. Суд бошқарувчиси асос сифатида шуни келтиради: қарздор раҳбарининг топшириғига кўра, суд бошқарувчисини қарздор ҳудудига киришга қўйишмаяпти, қарздор фаолияти тўғрисида ахборот ва бухгалтерия ҳужжатлари тақдим этилмаган, шу сабабли суд бошқарувчиси ўз вазифаларини бажаришга кириша олмаяпти ва ўз навбатида, қарздор фаолияти молиявий таҳлилини амалга ошира олмаяпти.

Суд бошқарувчисининг илтимосномасида баён қилинган важларни ўрганиб чиқиб, суд илтимосномани қуйидаги асосларга кўра қаноатлантириш лозим деб топади:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 67-моддасига асосан, муваққат бошқарувчи қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш чораларини кўриши, қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиши, қарздорнинг кредиторларини аниқлаши, кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши, қарздорга нисбатан кузатув жорий этилгани ҳақида кредиторларни хабардор қилиши, кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақириши ва ўтказиши, кузатув тугагандан кейин, лекин хўжалик суди мажлисининг белгиланган санасига камида беш кун қолганда хўжалик судига ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботни, қарздорнинг молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотларни ҳамда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги ҳақидаги таклифларни, кредиторларнинг биринчи йиғилиши баённомасини ушбу Қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этиши шарт.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 66-моддасига асосан, муваққат бошқарувчи қарздорнинг фаолиятига тааллуқли ҳар қандай ахборот ва ҳужжатларни олишга ҳақли. Қарздорнинг бошқарув органлари муваққат бошқарувчининг талабига биноан унга қарздорнинг фаолиятига тааллуқли ҳар қандай ахборотни тақдим этиши шарт.

Суд бошқарувчисининг илтимосномасига илова қилинган ҳужжатларга қараганда, муваққат бошқарувчи қарздорнинг раҳбарига хат билан мурожаат қилиб, ўзининг суд бошқарувчиси этиб тайинланганлиги ҳақида хабар берган ва ишчиларни қарздорга нисбатан кузатув жорий этилганини билдириш учун меҳнат жамоаси йиғилишини чақиришни, шунингдек, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этишни сўраган. Бироқ қарздорнинг раҳбари Б.К. Избосканов суд бошқарувчисининг талабларини бажаришни рад қилган ва бухгалтерияга бухгалтерия ҳужжатларини беришни тақиқлаб қўйган.

Қонуннинг 66-моддаси биринчи қисмига кўра, муваққат бошқарувчи қарздорнинг раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан четлаштиришни сўраб хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

Баён этилганлар асосида ҳамда қарздорнинг раҳбари ўз ҳаракатлари билан суд бошқарувчисининг қонунга мувофиқ зиммасига юклатилган вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилаётганлигини эътиборга олиб, кредиторлар талабларини таъминлаш мақсадида, суд муваққат бошқарувчининг аризасини қаноатлантириш ва қарздор раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан четлаштиришни лозим деб топади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 66-моддаси ва ЎзР ХПКнинг 151-моддасига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Х» МЧЖ суд бошқарувчиси аризасини қаноатлантирилсин.

«Х» МЧЖнинг раҳбари Избосканов Б.К. ўз вазифасини бажаришдан четлаштирилсин.

«Х» МЧЖнинг раҳбари вазифаларини бажариш муваққат бошқарувчининг зиммасига юклатилсин.

Судьялар _____

Қонуннинг 70-моддаси шарҳига илова

Кредитор талаблари юзасидан эътирозларни кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқариладиган суд ажримлари Қонуннинг 48-моддаси шарҳига иловаларда келтирилганлиги сабабли, ушбу моддага иловалар келтирилмайди (*қ а р а н г* : *Қонуннинг 48-моддаси шарҳига илова қилинган суд ҳужжатлари*).

Қонуннинг 75-моддаси шарҳига илова*

Илова № 1

Кредиторларнинг биринчи йиғилишида банкротлик таомилларидан бирини қўллаш ҳақида қарор қабул қилинмаганлиги боис қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги суднинг қарори

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди, раислик этувчи судя _____, суд мажлиси котиби _____, муваққат бошқарувчи С.Қаршибоев, ҳамда қарздорнинг вакили _____ ва кредиторнинг вакили _____ иштирокида, очиқ суд мажлисида, «Х» МЧЖнинг «Z» фирмасини банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризасини кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И :

2008 йил 8 июлда кредитор ва қарздор ўртасида маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилган бўлиб, унга асосан кредитор томонидан пахта толаси етказиб берилган. Қарздор шартнома шартларини бузган ҳолда етказиб берилган маҳсулот ҳақини тўламаган ва бунинг натижасида 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра унинг муддати ўтган қарз миқдори 29995500 сўмни ташкил этган, бу қарздор томонидан тан олинган ва тарафлар томонидан имзоланган ҳисоб-китобларни таққослаш далолатномаси тузилган.

Қарздор уч ой ёки ундан ортиқроқ муддатда қарзини тўлай олиш имкониятига эга эмаслигини инобатга олган ҳолда кредитор уни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ариза билан мурожаат этган.

---

* Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга оид иш юритишни бошлаш тўғрисидаги суднинг қарори, суд санацияси ва ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақидаги суд ажрими, келишув битимини тасдиқлаш ҳақидаги ажрим намуналари Қонуннинг 50 ва 56-моддалари шарҳига иловаларда келтирилганлиги сабабли, Қонуннинг 75-моддаси биринчи қисмида санаб ўтилган суд ҳужжатлари намуналари ушбу моддага илова сифатида келтирилмайди.

Суднинг 2009 йил 2 январдаги ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув таомили жорий этилган, муваққат бошқарувчи сифатида С.Каршибаев тайинланган.

Суд мажлисида кредитор вакили аризани қувватлади ва қарздорни банкрот деб топишни сўраган.

Муваққт бошқарувчи ўз зиммасига юклатилган вазифаларга асосан, қарздорнинг кредиторлари ва дебиторларини аниқлаганлигини, қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилганлигини, кредиторлар талаблари реестри тузилганлиги, кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақирилганлиги ва ўтказилганлигини ва унда кредиторлар банкротлик таомилларидан бирини қўллаш ҳақида қарор чиқариш тўғрисида ягона хулосага келмаганликларини тушунтирди.

Қарздорнинг вакили мавжуд кредиторлик қарзларини тан олди ва кредиторлар йиғилишига қарздор мол-мулки эгаси томонидан суд санацияси ёки ташқи бошқарув таомилларини жорий этиш ёки келишув битими тузиш ҳақида қарор чиқариш таклиф этганлиги, бироқ кредиторлар қарздорга нисбатан кейинги банкротлик таомилини қўллаш масаласида келишувга эриша олмаганлари ҳақида тушунтириш берди, шу боис такрорий кредиторлар йиғилишини ўтказиш учун муддат беришни сўради.

Суд муваққат бошқарувчи ва тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, иш материаллари билан танишиб, қуйидагиларга асосан аризачининг талабини асосли ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисоблайди:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига асосан, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, уни банкротлик аломатлари деб эътироф этилади.

Мазкур Қонуннинг 5-моддасига асосан, банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар энг кам иш ҳақи миқдорининг камида беш юз каррасини ташкил этадиган бўлса, хўжалик суди томонидан қўзғатилиши мумкин.

Иш материалларидан келиб чиқишича, 2008 йил 8 июлда кредитор ва қарздор ўртасида маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилган бўлиб, унга асосан кредитор томонидан умумий қиймати 130 млн сўм бўлган пахта толаси етказиб берилган. Қарздор шартнома шартларини бузган ҳолда етказиб берилган маҳсулот ҳақини тўламаган ва бунинг натижасида 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра унинг муддати ўтган қарз миқдори 29995500 сўмни ташкил этган, бу қарздор томонидан тан олинган ва тарафлар томонидан имзоланган ҳисоб-китобларни таққослаш далолатномаси тузилган.

Бундан ташқари, қарздор 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра бошқа субъектлардан қуйидаги қарзларга эга:

– 3498594 сўм – солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар учун бюджетдан;
– 1298620 сўм – «Inter–X» ҚКдан;
– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖдан;
– 1274271 сўм – иш ҳақи бўйича ходимлардан.

Шундай қилиб, қарздорнинг умумий кредиторлик қарзи 61604432 сўмни ташкил этади.

2009 йил 27 февралда кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказилган. Бироқ кредиторлар орасида қарздорга нисбатан банкротлик таомилларидан бирини қўллаш масаласида келишувга эришилмаган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 75-моддасига асосан, агар кредиторларнинг биринчи йиғилишида банкротлик таомилларидан бирини қўллаш ҳақида қарор қабул қилинмаган бўлса ёки хўжалик судига унинг қарорларидан ҳеч бири ушбу Қонуннинг 10-моддасида белгиланган муддатда тақдим этилмаган бўлса, хўжалик суди банкротлик аломатлари бўлган тақдирда, агар ушбу моддада бошқача қоида белгиланган бўлмаса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Баён қилинганларга асосан ва қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини улар юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қондиришга қодир эмаслигини, яъни банкротлик аломатлари мавжудлигини ҳисобга олиб, суд аризачининг талабини асосли ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисоблайди.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4, 5, 51, 75, 124, 126-моддалари ва ЎзР ХПКнинг 95, 135, 138-моддаларига асосан суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«X» МЧЖнинг «Z» Фирмасини банкрот деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилсин.

«Z» Фирмаси банкрот деб топилсин ва тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

Муваққат бошқарувчи:

– ўн кун муддат ичида қарздор банкрот деб топилганлиги ва тугатишга доир иш юритишни бошланганлиги тўғрисида расмий нашрда эълон қилсин ва чоп этилганлиги тўғрисидаги далилни судга тақдим этсин;

– уч ҳафталик муддат ичида кредиторлар йиғилиши чақирилиб, тугатувчи бошқарувчининг номзоди кўриб чиқилсин ва унга тўланадиган ҳақ миқдори белгиланиб, судга кредиторлар йиғилишининг қарори тақдим этилсин.

«Z» Фирмасидан «X»МЧЖ фойдасига 334700 сўм суд харажатлари ундирилсин.

Ижро варақаси берилсин.

Мазкур қарор устидан, у қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида Н. вилоят хўжалик судига апелляция шикояти берилиши мумкин.

Судьялар _____

Илова № 2

Қарздор мол-мулки эгасининг илтимосномаси бўйича қарздорга нисбатан суд санациясини жорий этиш ҳақида суднинг қарори

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди, раислик этувчи судя _____, суд мажлиси котиби _____, муваққат бошқарувчи С.Қаршибоев, ҳамда қарздорнинг вакили _____ ва кредиторнинг вакили _____ иштирокида, очиқ суд мажлисида, «Х» МЧЖнинг «Z» фирмасини банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризасини кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И :

2008 йил 8 июлда кредитор ва қарздор ўртасида маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилган бўлиб, унга асосан кредитор томонидан пахта толаси етказиб берилган. Қарздор шартнома шартларини бузган ҳолда етказиб берилган маҳсулот ҳақини тўламаган ва бунинг натижасида 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра унинг муддати ўтган қарз миқдори 29995500 сўмни ташкил этган, бу қарздор томонидан тан олинган ва тарафлар томонидан имзоланган ҳисоб-китобларни таққослаш далолатномаси тузилган.

Қарздор уч ой ёки ундан ортиқроқ муддатда қарзини тўлай олиш имкониятига эга эмаслигини инобатга олган ҳолда кредитор уни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ариза билан мурожаат этган.

Суднинг 2009 йил 2 январдаги ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув таомили жорий этилган, муваққат бошқарувчи сифатида С.Каршибаев тайинланган.

Суд мажлисида кредитор вакили аризани қувватлади ва қарздорни банкрот деб топишни сўраган.

Муваққат бошқарувчи ўз зиммасига юклатилган вазифаларга асосан, қарздорнинг кредиторлари ва дебиторларини аниқлаганлигини, қарздорнинг

молиявий аҳволини таҳлил қилганлигини, кредиторлар талаблари реестри тузилганлиги, кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақирилганлиги ва ўтказилганлигини ва унда кредиторлар қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга оид иш юритишни бошлаш тўғрисида илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ҳақида қарор чиқарилган, тугатиш бошқарувчилигига А.Сабиров номзоди таклиф этилди. Шу билан бирга, корхонада ишлаб чиқариш фаолияти барқарор бўлиб, қарздор 12 ой ичида тўлов қобилиятини тиклай олиши ва шундан кейин кредиторлар олдидаги қарзларини тўлай бошлаши мумкинлигини тушунтирди.

Қарздор мол-мулки эгаси Р.С. Мусаходжаев мавжуд кредиторлик қарзларини тан олди ва қарздор тўлов қобилиятини тиклай олиши имкониятига эгалигини тушунтирди, шунинг учун 12 ойлик муддатга суд санациясини жорий этишни сўради, шунингдек қарзларни узиш режасини тақдим этди. Шу билан бирга, фирманинг ягона таъсисчиси ва мулкдори эканлиги ҳақида тушунтириш бериб, кредиторлар талаблари бажарилишини таъминлаш учун мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан 154 млн сўмга баҳоланган ўзининг тураржойини гаровга қўйиши мумкинлигини билдирди.

Суд муваққат бошқарувчи ва тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, иш материаллари билан танишиб, қуйидагиларга асосан аризачининг талабини асосли ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисоблайди:

Иш материалларидан келиб чиқишича, 2008 йил 8 июлда кредитор ва қарздор ўртасида маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилган бўлиб, унга асосан кредитор томонидан умумий қиймати 130 млн сўм бўлган пахта толаси етказиб берилган. Қарздор шартнома шартларини бузган ҳолда етказиб берилган маҳсулот ҳақини тўламаган ва бунинг натижасида 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра унинг муддати ўтган қарз миқдори 29995500 сўмни ташкил этган, бу қарздор томонидан тан олинган ва тарафлар томонидан имзоланган ҳисоб-китобларни таққослаш далолатномаси тузилган.

Бундан ташқари, қарздор 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра бошқа субъектлардан қуйидаги қарзларга эга:

– 3498594 сўм – солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар учун бюджетдан;

– 1298620 сўм – «Inter–X» ҚКдан;

– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖдан;

– 1274271 сўм – иш ҳақи бўйича ходимлардан.

Шундай қилиб, қарздорнинг умумий кредиторлик қарзи 61604432 сўмни ташкил этади.

2009 йил 27 февралда кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказилган. Бироқ кредиторлар орасида қарздорга нисбатан банкротлик таомилларидан бирини қўллаш масаласида келишувга эришилмаган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 75-моддасига асосан, агар кредиторларнинг биринчи йиғилиши томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик

судига мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса ёхуд хўжалик судига унинг қарорларидан ҳеч бири тақдим этилмаган бўлса, хўжалик суди қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг, шунингдек, учинчи шахснинг (шахсларнинг) илтимосномасига биноан, аризачилар томонидан қарздорнинг мажбуриятлари ижросининг қарзни узиш жадвалига мувофиқ таъминоти тақдим этилган тақдирда суд санациясини жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли.

Қарздор мол-мулки эгаси томонидан хўжалик судига қарздорга нисбатан 12 ойлик муддатга суд санациясини жорий этиш ҳақида илтимоснома тақдим этилган бўлиб, унга суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвали илова қилинган ва кредиторлар мажбуриятини таъминлаш учун (ипотека) гаров тақдим этилган. Суд санацияси режаси қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш ва ундан тушган ҳамда айланма маблағларни тўлдириш учун йўналтиришни назарда тутиб, бунинг натижасида, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми кўпаяди ва уни реализация қилиш орқали қарзларни узиш жадвалига мувофиқ кредиторлар талаблари қондирилади. Қарзларни узиш жадвалига мувофиқ кредиторлар талабларини қондириш суд санацияси жорий қилинган пайтдан эътиборан 6 ой муддат ўтгандан кейин бошланади ва маҳсулот реализациясидан тушган ҳар ойлик 10 млн сўм миқдордаги тушум қарзларни узишга йўналтирилади ҳамда суд санацияси муддати тугаши билан кредиторларнинг барча талаблари қондирилади.

Бундай ҳолларда, ваҳоланки, муваққат бошқарувчи томонидан ўтказилган қарздор молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилига мувофиқ, қарздор тўлов қобилиятини тиклай олиши имкониятига эгалиги ва қарздор мол-мулки эгаси томонидан гаров тақдим этилган экан, суд қарздор мол-мулки эгасининг илтимосномасини қаноатлантириш ва қарздорга нисбатан 12 ойлик муддатга суд санациясини жорий этиш, шунингдек, суд харажатларини қарздорга юклаган ҳолда қарзларни узиш режасини тасдиқлаш лозим деб ҳисоблайди.

Суд санацияси қарздор мол-мулки эгасининг илтимосномасига асосан жорий этилаётганлиги сабабли, муваққат бошқарувчи суд санацияси режасини тасдиқлаш, санация қилувчи номзоди ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш масалаларини кўриб чиқиш учун кредиторлар йиғилишини чақириши ва ўтказиши лозим.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 75, 76, 77, 78,80-моддалари ва ЎзР ХПКнинг 95, 151-моддаларига асосан суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«Z» Фирмаси мол-мулки эгасининг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

«Z» Фирмасига нисбатан 12 ойлик муддатга суд санацияси жорий этилсин ва қарзни тўлаш режаси тасдиқлансин.

Муваққат бошқарувчи:

– ўн кун муддат ичида қарздорга нисбатан суд санацияси жорий этилганлиги тўғрисида расмий нашрда эълон қилиш ва чоп этилганлиги тўғрисидаги далилни судга тақдим этсин;

– уч хафталик муддат ичида кредиторлар йиғилиши чақирилиб, унда суд санацияси режасини тасдиқлаш, санация қилувчи номзоди ҳамда унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш масалалари кўриб чиқилсин ва судга кредиторлар йиғилишининг қарори тақдим этсин.

Муваққат бошқарувчи қарздор мол-мулки эгаси билан қарздор мол-мулки эгасига тегишли 154 млн сўмга баҳоланган хусусий тураржойни гаров (ипотека)га қўйиш шартномаси имзоласин.

«Z» фирмасидан «X» МЧЖ фойдасига 334700 сўм суд харажатлари ундирилсин.

Ижро варақаси берилсин.

Мазкур қарор устидан, у қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида Н. вилоят хўжалик судига апелляция шикояти берилиши мумкин.

Судьялар _____

V БОБ. СУД САНАЦИЯСИ

Қонуннинг 78-моддаси шарҳига иловалар

Суднинг суд санациясини жорий қилиш тўғрисидаги ажрими Қонуннинг 50 ва 75-моддалари шарҳига иловаларда келтириб ўтилганлиги боис, ушбу моддага иловалар келтирилмайди.

Қонуннинг 79-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисидаги ажрим

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасининг «Х» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси билан қўзғатилган иш бўйича қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш ҳақидаги кредиторлар йиғилиши илтимосномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 20 майдаги суд ажримига мувофиқ қарздорга нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув таомили жорий этилиб, ташқи бошқарувчи сифатида С.А.Тошниёзов тайинланган.

Кредиторлар йиғилиши судга қарздор раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилган. Баён қилинган талабнинг асоси сифатида 2009 й. 20 августда бўлиб ўтган кредиторлар йиғилишининг баённомасида қарздорнинг раҳбари бўлмиш Б.К. Избосканов суд санацияси режасини лозим даражада бажармаётганлиги, бунинг эса ўз навбатида қарзни узиш жадвалида белгиланган муддатларга амал қилинишига ўз таъсирини ўтказаётганлиги ва ўз-ўзидан кредиторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Кредиторлар йиғилишининг илтимосномасида баён қилинган асосларни ўрганиб чиққан ҳолда, суд қуйидаги асосли сабабларга кўра илтимосномани қаноатлантириш лозим деб топади:

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг (бундан кейин матнда «Қонун» деб юритилади) 79-моддасига мувофиқ, кредиторлар йиғилишининг, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларнинг ёки санация қилувчи бошқарувчининг қарздорнинг раҳбари суд санацияси режасини бажармаганлиги ёхуд лозим даражада бажармаганлиги ҳақидаги ёки қарздорнинг раҳбари қарздорнинг, кредиторларнинг, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган илтимосномасига биноан хўжалик суди қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштиришга ҳақли. Бундай ҳолларда хўжалик суди қарздорнинг раҳбари вазифасини ижро этишни санация қилувчи бошқарувчининг зиммасига юклашга ҳақли.

Кредиторлар йиғилишининг баённомасига мувофиқ, суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб қарздорнинг раҳбари суд санацияси режасини лозим даражада бажармаяпти, натижада қарзни узиш жадвали бузилмоқда.

Баён этилганлар асосида ҳамда қарздорнинг раҳбари суд санацияси режаси лозим даражада бажармаётганлиги қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши муддатларига ўз таъсирини ўтказаётганлиги, бунинг эса ўз навбатида қарзни узиш жадвали бузилишига сабаб бўлаётганлигини эътиборга олиб, кредиторлар талабларини таъминлаш мақсадида суд кредиторлар йиғилишининг илтимосномасини қаноатлантириш ва қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш лозим деб топади.

Баён этилганлар асосида ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 79-моддасига ҳамда ЎзР ХПКнинг 151-моддасига мувофиқ суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Х»МЧЖ кредиторлар йиғилишининг итимосномаси қаноатлантирилсин.

«Х» МЧЖ раҳбари Б.К. Избосканов ўз вазифасидан четлаштирилсин.

«Х» МЧЖ раҳбари вазифасини ижро этиш санация қилувчи бошқарувчининг зиммасига юклансин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 80-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Санация қилувчи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисидаги ажрим

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(санация қилувчи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг «Х» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига кўра қўзғатилган иш бўйича санация қилувчи бошқарувчини вазифасини бажаришдан четлаштириш ҳақидаги кредиторлар йиғилишининг илтимосномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 20 майдаги суд ажримига мувофиқ, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув таомили жорий этилиб, санация қилувчи бошқарувчи сифатида С.А.Тошниёзов тайинланган.

Кредиторлар йиғилиши судга санация қилувчи бошқарувчини вазифасини бажаришдан четлаштириш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилган. Баён қилинган талабнинг асоси сифатида 2009 й. 20 октябрда бўлиб ўтган кредиторлар йиғилишининг баённомасида кўрсатилишича, санация қилувчи бошқарувчи С.А. Тошниёзов ўз вазифасини лозим даражада бажармаяпти, бу эса ўз навбатида суд санацияси режасида назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилишининг бориши ҳақидаги ахборотнинг қарздор раҳбаридан талаб қилиб олинмаётганида, кредиторлар талаблари реестрига киритилган пул мажбуриятлари бўйича талаблар умумий суммасининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи кредиторларнинг талабларига биноан кредиторлар йиғилишининг чақирилмаётганлигида акс этмоқда.

Кредиторлар йиғилишининг илтимосномасида баён қилинган асосларни ўрганиб чиққан ҳолда, суд қуйидаги асосли сабабларга кўра илтимосномани қаноатлантириш лозим деб топади:

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда «Қонун» деб юритилади) 82-моддасига мувофиқ, санация қилувчи бошқарувчи кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши, ушбу Қонуннинг 12-моддасида назарда тутилган ҳолларда кредиторларнинг йиғилишини чақириши, қарздор томонидан тақдим этилаётган суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвали бажарилиши жараёни ҳақидаги ҳисоботларни кўриб чиқиши ҳамда кредиторларнинг йиғилишига тегишли хулосаларни тақдим этиши, суд санацияси режаси амалга оширилишининг бориши ҳақида кредиторлар йиғилишига ва кредиторлар қўмитасига, шунингдек, агар корхона устав фондида давлат улуши бўлса, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига ахборот тақдим этиши шарт.

Қонуннинг 82-моддаси учинчи қисмида хўжалик суди санация қилувчи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан унинг ўз аризасига биноан ёки кредиторлар йиғилишининг ёхуд мажбуриятлар ижросининг таъминотини тақдим қилган бошқа шахсларнинг илтимосномасига кўра, шунингдек, ушбу қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда озод этиши мумкинлиги белгиланган.

Кредиторлар йиғилишининг баённомасига мувофиқ, кредитор ҳисобланган ва пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблари миқдори кредиторлар талаблари реестрига киритилган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблар умумий суммасининг камида учдан бир қисмини ташкил этаётган «Бизнес Мадад» МЧЖ 2009 й. 1 сентябрда кредиторлар йиғилишини чақириш ҳамда суд санацияси режаси амалга оширилишининг бориши ҳақида кредиторлар йиғилишига санация қилувчи бошқарувчи томонидан ахборот тақдим этилиши масаласини кун тартибига киритиш талаби билан санация қилувчи бошқарувчига мурожаат қилган.

Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, кредиторлар йиғилиши суд бошқарувчисининг ташаббуси билан, кредиторлар қўмитасининг, пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблари кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблар умумий суммасининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи кредиторларнинг талабига биноан ёхуд кредиторлар умумий сонининг учдан бир қисми ташаббуси билан чақирилади.

Аммо кўрсатиб ўтилган муддатда санация қилувчи бошқарувчи бошқарувчи томонидан кредиторлар йиғилиши чақирилмаган, шу муносабат билан кредиторлар йиғилиши «Бизнес Мадад» МЧЖ томонидан чақирилган ва 2009 й. 20 октябрда ўтказилиб, унда санация қилувчи бошқарувчи С.А. Тошниёзовни вазифасини бажаришдан четлаштириш ҳақидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган, янги санация қилувчи бошқарувчи этиб тайинлаш учун эса С.А. Назаркулов номзоди тақдим этилган.

Бундай вазиятда, санация қилувчи бошқарувчи ўз вазифасини лозим даражада ижро қилмаётганлиги боис, кредиторлар талабларини таъминлаш мақсадида суд кредиторлар йиғилиши илтимосномасини қаноатлантириш ҳамда санация қилувчи бошқарувчи С.А. Тошниёзовни вазифасини бажаришдан четлаштиришни лозим деб топади.

Судга тақдим этилган янги санация қилувчи бошқарувчи номзоди ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда суд бошқарувчиси номзодига қўйилган талабларга мос келишини ҳисобга олиб, суд С.А. Назаркуловни «Х» МЧЖнинг янги санация қилувчи бошқарувчиси этиб тайинлаш мумкин деб топади.

Баён этилганлар асосида ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 80-моддасига ҳамда ЎзР ХПКнинг 151-моддасига мувофиқ суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Х» МЧЖ кредиторлар йиғилишнинг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

С.А. Тошниёзов «Х» МЧЖ санация қилувчи бошқарувчиси вазифасидан четлаштирилсин.

«Х» МЧЖнинг янги санация қилувчи бошқарувчиси этиб С.А. Назаркулов тайинлансин.

Санация қилувчи бошқарувчи С.А. Назаркулов томонидан уч кун ичида расмий нашр манзилига санация қилувчи бошқарувчининг алмашганлиги ҳақидаги хабар юборилсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 84-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарзни узиш жадвалига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги ажрим

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Қарзни узиш жадвалига ўзгартишлар киритиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____, «Х» МЧЖнинг аризасига кўра қўзғатилган «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги иш бўйича қарзни узиш жадвалига киритиладиган ўзгартиришларни тасдиқлаш тўғрисидаги кредиторлар йиғилишининг илтимосномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 28 февралдаги суд ажримига мувофиқ, «ХХХ» МЧЖ га нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек, қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан ҳар ойда реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағларнинг 10 млн сўми қарзни узишга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши кўзда тутилган.

2009 йил 10 ноябрда кредиторлар йиғилиши ўтказилган бўлиб, унда маъқулланган қарзни узиш жадвалига киритиладиган ўзгартиришларга асосан, кредиторлар талабларини қаноатлантириш суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 8 ой ўтиши билан бошланади ва маҳсулотлар реализациясидан тушадиган маблағлардан ҳар ойда 15 млн сўм миқдоридаги сумманинг қарзни узишга қаратилиб боради ҳамда суд санацияси муддати тугагунича кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилади. Шунингдек, ушбу йиғилишда кредиторлар томонидан судга қарзни узиш жадвалига киритиладиган ўзгартишларнинг тасдиқланиши ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган.

Кредиторлар йиғилиши баённомаси ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосли сабабларга кўра кредиторлар йиғилишининг илтимосномасини қаноатлантириш ва қарзни узиш жадвалига киритиладиган ўзгартишларни тасдиқлаш лозим деб топади:

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда «Қонун» деб юритилади) 84-моддаси биринчи қисмига асосан, қарздор қарзни узиш жадвалини бажармаган ҳолларда (қарзнинг белгиланган муддатларда ва (ёки) белгиланган ҳажмларда узилмаганлиги), қарздор талабларни бажариш санаси бошланган пайтдан эътиборан икки ҳафта муддат ичида қарзни узиш жадвалига киритиш мўлжалланаётган ўзгартишларни маъқуллаш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторларга мурожаат қилишга ҳақли. Илтимосноманинг нусхаси санация қилувчи бошқарувчига юборилади. Санация қилувчи бошқарувчи илтимоснома олинган пайтдан эътиборан икки ҳафтадан кечиктирмай шу илтимоснома асосида кредиторлар йиғилишини чақиради. Қарзни узиш жадвалига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда кредиторлар йиғилиши қарзни узиш жадвалига оид ўзгартишларни тасдиқлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

Кредиторлар йиғилиши баённомасига илова қилинган ҳужжатларда кўрсатилишича, суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажримига мувофиқ, қарздор 2009 й. сентябрь ва октябрда кредиторлар олдидаги 20 млн сўм миқдоридаги суммани қаноатлантириши шарт эди. Аммо қарздор томонидан ушбу маблағлар пул ўтказиш йўли билан тўланмаган ва қарздорнинг илтимосномасига асосан кредиторлар йиғилиши қарзни узиш жадвалига киритиладиган ўзгартириш маъқулланган бўлиб, унга кўра кредиторлар талабларини қаноатлантириш суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 8 ой ўтиши билан бошланади ва маҳсулотлар реализациясидан тушадиган маблағлардан ҳар ойда 15 млн сўм миқдоридаги сумма қарзни узишга қаратилиб борилади ҳамда суд санацияси муддати тугагунича кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилади.

Бундай вазиятда суд, кредиторлар йиғилишининг илтимосномасини қаноатлантириш ва қарзни узиш жадвалига киритиладиган ўзгартиришларни тасдиқлаш лозим деб топади.

Баён этилганлар асосида ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 84-моддасига ҳамда ЎзР ХПКнинг 151-моддасига мувофиқ суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Z» фирмаси кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Кредиторлар талабларини қаноатлантириш суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 8 ой ўтиши билан бошланиши ва маҳсулотлар реализациясидан тушадиган маблағлардан ҳар ойда 15 млн сўм миқдоридаги суммaнинг қарзни узишга қаратилишини акс эттирувчи ўзгартишларнинг қарзни узиш жадвалига киритилганлиги тасдиқлансин.

Судья _____

Қонуннинг 85-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Суднинг қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрими

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси_____раислигида, _____ нинг котиблигида, «X» МЧЖнинг аризасига биноан «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги иш бўйича қарздор раҳбарининг суд санациясини муддатидан илгари тамомлаш тўғрисидаги ҳисоботини санация қилувчи бошқарувчи С. Каршибаев ва кредиторларнинг вакили – _____; қарздорнинг вакили – _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 28 февралдаги суд ажримига мувофиқ, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек, қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарзни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши белгиланган.

Қарздор томонидан қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторларнинг барча талаблари суд санацияси муддати тугагунга қадар қаноатлантирилганлиги муносабати билан қарздорнинг раҳбари томонидан суд санациясини муддатидан илгари тамомлаш ҳақидаги ҳисоботи судга тақдим этилган.

Суд мажлисида кредиторлар вакили қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилганлигини тасдиқлади.

Шунингдек, санация қилувчи бошқарувчи ҳам кредиторлар талаблари қаноатлантирилганлиги фактини тасдиқлаб, суд санацияси режасининг олиб борилиши мобайнида кредиторнинг эришган молиявий натижалари, кредиторларнинг қарзни узиш жадвалида назарда тутилган барча талабларини муддатидан илгари қаноатлантириш имконини берганлигини таъкидлаб ўтди. Яна у, талаблари кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган барча кредиторлар қарздор раҳбарининг ҳисоботи кўриб чиқиладиган суд мажлиси ўтказиладиган вақт ва жой тўғрисида хабардор қилингани ҳамда улардан шикоят келиб тушмаганлигини ҳам айтиб ўтди.

Қарздор вакили кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилганлиги ва корхона ҳеч қандай жорий қарзга эга эмаслигини таъкидлаб, банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилишини сўради.

Санация қилувчи бошқарувчи ҳамда ишда иштирок этаётган тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаган ҳолда, иш материалларини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосли сабабларга кўра қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатишни лозим топади:

Иш материалларидан келиб чиқишича, 2009 йил 28 февралдаги суд ажримига мувофиқ, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек, қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарздорликни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши белгиланган.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда «Қонун» деб юритилади) 85-моддаси биринчи қисмига асосан, кредиторларнинг қарзни узиш жадвалида назарда тутилган барча талаблари суд санациясининг хўжалик суди томонидан белгиланган муддати ўтишидан олдин қарздор томонидан қаноатлантирилган тақдирда қарздорнинг раҳбари суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақида ушбу Қонуннинг 87-моддасида назарда тутилган тартибда хўжалик судига ҳисобот тақдим этиб, ушбу ҳисобот, шунингдек, кредиторларнинг шикоятлари хўжалик суди томонидан мажлисда кўриб чиқилади.

Қонуннинг 85-моддаси учинчи қисмида, қарздор раҳбарининг суд санациясини муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақидаги ҳисоботини, шунингдек, кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш натижалари асосида хўжалик суди, агар узилмаган қарз қолмаганлиги аниқланган, кредиторларнинг шикоятлари эса асоссиз деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг

ҳисоботини тасдиқлаши ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиши назарда тутилган.

Қарздорнинг раҳбари ҳисоботи ва унга илова қилинган ҳужжатларга биноан, қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторларнинг барча талаблари хўжалик суди томонидан белгиланган суд санацияси муддати тугагунга қадар қаноатлантирилган.

Қарздорнинг раҳбари томонидан суд санациясини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилганлиги тўғрисида суд бошқарувчиси барча кредиторларни хабардор қилган бўлса-да, кредиторлар томонидан суд бошқарувчисига шикоятлар билдирилмаган ҳамда хўжалик судига ҳам шикоятлар келиб тушмаган.

Бундай вазиятда, қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторларнинг барча талаблари суд санацияси муддати тугагунга қадар қаноатлантирилганлиги боис, суд қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатишни лозим топади.

Баён этилганлар асосида ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 56 ва 85-моддаларига ҳамда ЎзР ХПКнинг 86 ва 151-моддаларига мувофиқ суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Z» фирмаси раҳбарининг ҳисооти тасдиқлансин.

«Z» фирмасини банкрот деб топишга доир иш юритиш тугатилсин.

Санация қилувчи бошқарувчи уч кун ичида расмий нашр манзилига чоп этиш учун банкрот деб топишга доир иш юритиш тугатилгани тўғрисидаги хабар жўнатсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 2

Суднинг қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги ажрими

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси_____раислигида, _____ нинг котиблигида, , «Х» МЧЖнинг аризасига биноан «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги иш бўйича қарздор раҳбарининг суд санациясини муддатидан илгари тамомлаш тўғрисидаги ҳисоботини санация қилувчи бошқарувчи С.Каршибаев ва кредиторларнинг вакили – _____ қарздорнинг вакили _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 28 февралдаги суд ажримига мувофиқ, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек, қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарздорликни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши белгиланган. Қарздор томонидан қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторларнинг барча талаблари суд санацияси муддати тугагунга қадар қаноатлантирилганлиги муносабати билан қарздорнинг раҳбари томонидан суд санациясини муддатидан илгари тамомлаш ҳақидаги ҳисоботи судга тақдим этилган.

Суд мажлисида қарздорнинг вакили барча кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилганлигини таъкидлаб, банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилишини сўради.

Кредиторлар вакиллари қарзни узиш жадвалида кредиторларнинг 61604432 сўм миқдоридаги талаблари қаноатлантирилиши назарда тутилганлиги ҳамда бугунги кунга келиб уларнинг 54500000 сўм миқдори қаноатлантирилганлигини таъкидлади.

Санация қилувчи бошқарувчи суд санацияси режасининг олиб борилиши мобайнида кредиторнинг эришган молиявий натижалари маблағларни жадвалда назарда тутилган муддатни илгарилаб кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга қаратиб бориш имконини берганлиги, аммо «Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги қарз тўла ҳажмда қаноатлантирилмаганлигини таъкидлаб ўтди. Яна у, талаблари кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган барча кредиторлар қарздор раҳбарининг ҳисоботи кўриб чиқиладиган суд мажлиси ўтказиладиган вақт ва жой тўғрисида хабардор қилингани ҳамда «Бизнес Мадад» МЧЖдан шикоят келиб тушганлигини ҳам айтиб ўтди.

«Бизнес Мадад» МЧЖ вакили эса, қарздорнинг унинг олдида 25537447 сўм миқдоридаги қарзи бўлганлиги ҳамда бугунги кунда ушбу қарз суммаси 7104432 сўмни ташкил этаётганлигини баён қилиб, шу сабабдан ҳам қарздорнинг раҳбари ҳисоботини тасдиқламасликни сўради.

Санация қилувчи бошқарувчи ҳамда ишда иштирок этаётган тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаган ҳолда, иш материалларини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосли сабабларга кўра «Бизнес Мадад» МЧЖнинг шикоятини асосли деб топиб, шу сабабдан ҳам қарздорнинг раҳбари ҳисоботини тасдиқлаш мумкин эмас деб ҳисоблайди:

Иш материалларига биноан, кузатув давомида муваққат бошқарувчи томонидан кредиторлар талаблари реестри тузиб чиқилган бўлиб, унга асосан кредиторлик қарзининг умумий суммаси 61604432 сўмни ташкил қилган, шу жумладан:

– 29995500 сўм – «Х» МЧЖ олдида;
– 3498594 сўм – солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдида;
– 1298620 сўм – «Inter–Х» ҚК олдида;
– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖ олдида;
– 1274271 сўм – иш ҳақи юзасидан ишчи-ходимлар олдида.

Иш материалларидан келиб чиқишича, 2009 йил 28 февралдаги суд ажримига мувофиқ, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси жорий этилган, шунингдек, қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарздорликни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши режалаштирилган.

Қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторларнинг барча талаблари суд санацияси муддати тугагунга қадар қаноатлантирилганлиги муносабати билан қарздорнинг раҳбари томонидан суд санациясини муддатидан илгари тамомлаш ҳақидаги ҳисоботи судга тақдим этилган.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда «Қонун» деб юритилади) 85-моддаси биринчи қисмига асосан, кредиторларнинг қарзни узиш жадвалида назарда тутилган барча талаблари суд санациясининг хўжалик суди томонидан белгиланган муддати ўтишидан олдин қарздор томонидан қаноатлантирилган тақдирда қарздорнинг раҳбари суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақида ушбу Қонуннинг 87-моддасида назарда тутилган тартибда хўжалик судига ҳисобот тақдим этиб, ушбу ҳисобот, шунингдек, кредиторларнинг шикоятлари хўжалик суди томонидан мажлисда кўриб чиқилади.

Қонуннинг 85-моддаси учинчи қисмида, қарздор раҳбарининг суд санациясини муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақидаги ҳисоботини, шунингдек, кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш натижалари асосида хўжалик суди, агар узилмаган қарз борлиги аниқланган ва кредиторларнинг шикоятлари асосли деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этиши назарда тутилади.

Қарздорнинг раҳбари томонидан суд санациясини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилганлиги тўғрисида суд бошқарувчиси барча кредиторларни хабардор қилган ҳамда суд бошқарувчисига «Бизнес Мадад» МЧЖдан шикоят келиб тушган бўлиб, унда кредитор 7104432 сўм миқдоридаги қаноатлантирилмаган қарз мавжудлиги тўғрисида хабар қилади.

Қарздор томонидан тақдим қилинган кредиторлик қарзларининг қаноатлантирилишига доир ҳужжатларга кўра, қарздор «Бизнес Мадад» МЧЖ олдида 25537447 сўм миқдоридаги қарзга эга бўлиб, суд санацияси давомида қарздор томонидан 18433015 сўм пул ўтказиш йўли билан тўланган ва бугунги кунда тўланмаган қарз суммаси 7104432 сўмни ташкил қилади.

Бундай вазиятда, қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилмаганлиги боис, суд «Бизнес Мадад» МЧЖнинг шикоятини асосли деб топиб, шу сабабдан ҳам қарздорнинг раҳбари ҳисоботини тасдиқлаш мумкин эмас деб ҳисоблайди.

Баён этилганлар асосида ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 85-моддасига ҳамда ЎзР ХПКнинг 151-моддасига мувофиқ суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Z» фирмаси раҳбарининг ҳисобтини тасдиқлаш рад этилсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 86-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Суднинг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрими

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____ -сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида, «X» МЧЖнинг аризасига биноан «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги иш бўйича кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарув жорий этиш тўғрисидаги илтимосномасини санация қилувчи бошқарувчи С. Каршибаев ва кредиторларнинг вакили – _____ қарздорнинг вакили _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 28 февралдаги суд ажримига мувофиқ, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек, қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарздорликни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши кўзда тутилган.

Қарздор томонидан қарзни узиш жадвалига мувофиқ равишда кредиторлар талабларининг қаноатлантирилиши амалга оширилмаганлиги боис, санация қилувчи бошқарувчи ўз ташаббуси билан, хўжалик судига суд санациясини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиш масаласини кўриб чиқиши учун кредиторлар йиғилиши чақирилган.

2009 й. 10 ноябрда ўтказилган кредиторлар йиғилишида 12 ой муддатга ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинган.

Суд мажлисида санация қилувчи бошқарувчи қарздорнинг раҳбари томонидан суд санацияси режасида назарда тутилган чора-тадбирлар лозим даражада бажарилмаганлиги, оқибатда эса қарздор томонидан қарзни узиш жадвали бузилганлиги ва кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун пул маблағлари ўтказилмаганлигини таъкидлади. Шунингдек, унинг таъкидлашича, қарздор ўз тўлов қобилиятини тиклаш имконига эга эканлиги туфайли, кредиторлар йиғилиши томонидан 12 ой муддатга суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинган. Қарздорнинг вакили эса, ҳақиқатдан ҳам ҳамкорлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаганлиги боис, қарзни узиш жадвали бузилганлигини айтиб ўтди.

Санация қилувчи бошқарувчи ҳамда қарздор вакилининг тушунтиришларини тинглаган ҳолда, иш материалларини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосли сабабларга кўра қарздорга нисбатан ташқи бошқарув жорий этишни лозим топади:

Иш материалларидан келиб чиқишича, 2009 йил 28 февралдаги суд ажримига мувофиқ, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек, қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарзни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши белгиланган.

Демак, 2009 й. сентябридан бошлаб кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун қарздор томонидан ҳар ойда 10 млн сўмдан тўланиши ҳамда 2009 й. 1 ноябрга қадар 20 млн сўм пул ўтказиш йўли билан тўланиши лозим эди.

Аммо қарздор томонидан қарзни узиш жадвалига мувофиқ равишда кредиторлар талабларининг қаноатлантирилиши амалга оширилмаган ва кредиторлар олдидаги қарз суммаси ўзгаришсиз қолган бўлиб, 61604432 сўмни ташкил қилмоқда.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 86-моддаси биринчи қисмига асосан, кредиторлар талабларини қаноатлантиришнинг қарзни узиш жадвалида белгиланган муддатларнинг суд санацияси жараёнида қарздор томонидан бир неча марта ёки бир марта жиддий равишда (бир ойдан ортиқ муддатга) бузилганлиги суд санациясини муддатидан илгари тугатиш учун асос бўлади.

2009 й. 10 ноябрда санация қилувчи бошқарувчи ташаббуси билан ўтказилган кредиторлар йиғилишида 12 ой муддатга ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинган бўлиб, ташқи бошқарувчи этиб тайинлаш учун Сабиров Акбар Акрамжонович номзоди тақдим қилинган ва

унга 400000 сўм миқдоридаги ҳар ойлик иш ҳақи белгиланган. Қонуннинг 86-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, хўжалик суди кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси асосида ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаради ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 91-моддаси биринчи қисмида, агар қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг ҳақиқий имконияти аниқланган бўлса, ташқи бошқарув кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси, мол-мулкида давлат улуши бўлган корхоналар бўйича эса банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси асосида хўжалик суди томонидан жорий этилиши назарда тутилади.

Баён этилганлар асосида ва қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг ҳақиқий имконияти мавжуд эканлигини эътиборга олиб, суд кредиторлар йиғилишининг илтимосномасини қаноатлантириб, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этишни лозим топади.

Шунингдек, тақдим этилган ташқи бошқарувчи номзоди банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ифодаланган талабларга мос келишини ҳисобга олиб, суд ташқи бошқарувчи этиб Сабиров Акбар Акрамжоновични тайинлаш ва унга 400000 сўм миқдоридаги ойлик иш ҳақи белгилашни лозим деб топади.

Баён этилганлар асосида ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 86, 91 ва 95-моддаларига ҳамда ЎзР ХПКнинг 151-моддасига мувофиқ суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Z» фирмаси кредиторлар йиғилиши илтимосномаси қаноатлантирилсин.

«Z» фирмасида 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилсин.

Ташқи бошқарувчи этиб Сабиров Акбар Акрамжонович тайинлансин.

Ташқи бошқарувчига қарздор ҳисобидан тўланадиган ҳар ойлик 400000 миқдоридаги иш ҳақи тайинлансин.

Ташқи бошқарувчи:

– уч кун ичида расмий нашр манзилига чоп этиш учун қарздорга нисбатан ташқи бошқарув жорий этилганлиги тўғрисида хабар жўнатсин ҳамда судга нашр этилганликнинг исботини тақдим қилсин;

– бир ой муддат ичида ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг талабларига мувофиқ ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиб, уни кредиторлар йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этсин ҳамда кечи билан 2009 й. 30 декабрь кунигача тасдиқланган ташқи бошқарув режаси ва кредиторлар йиғилиши баённомасини судга тақдим қилсин; қонун ҳужжатлари билан ташқи бошқарувчи зиммасига юкланган, шу жумладан, ташқи бошқарув режасини амалга оширишга доир мажбуриятларининг ижросига қаратилган чораларни кўрсин;

– ташқи бошқарув муддатининг тугаши билан кечи билан 2009 й. 30 ноябрь кунигача, ташқи бошқарувни муддатидан илгари тугатишга доир асослар вужудга келган тақдирда эса, – бундай асослар юзага келган кундан бошлаб кечи билан бир ой ичида судга кредиторлар йиғилиши томонидан кўриб чиқилган ташқи бошқарувчининг ҳисоботи ҳамда ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 118-моддасида санаб ўтилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда кредиторлар йиғилиши баённомасини тақдим этсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 2

Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____ -сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида, «Х» МЧЖнинг аризасига биноан «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги иш бўйича кредиторлар йиғилишининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимосномасини санация қилувчи бошқарувчи С. Каршибаев ва кредиторларнинг вакили _____ қарздорнинг вакили _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 28 февралдаги суд ажримига мувофиқ, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек, қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талабла-

ри реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарздорликни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши кўзда тутилган.

Қарздор томонидан қарзни узиш жадвалига мувофиқ равишда кредиторлар талабларининг қаноатлантирилиши амалга оширилмаганлиги боис, санация қилувчи бошқарувчи ўз ташаббуси билан, хўжалик судига суд санациясини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиш масаласининг кўриб чиқилиши учун кредиторлар йиғилиши чақирилган.

2009 й. 10 ноябрда ўтказилган кредиторлар йиғилишида қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинган.

Суд мажлисида санация қилувчи бошқарувчи қарздорнинг раҳбари томонидан суд санацияси режасида назарда тутилган чора-тадбирлар лозим даражада бажарилмаганлиги, оқибатда эса қарздор томонидан қарзни узиш жадвали бузилганлиги ва кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун пул маблағлари ўтказилмаганлиги, шу муносабат билан кредиторлар йиғилишида қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинганлигини таъкидлади.

Қарздорнинг вакили эса, ҳақиқатдан ҳам ҳамкорлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаганлиги боис, қарзни узиш жадвали бузилганлигини айтиб ўтди.

Санация қилувчи бошқарувчи ҳамда қарздор вакилининг тушунтиришларини тинглаган ҳолда, иш материалларини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосли сабабларга кўра қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш лозим деб топади:

Иш материалларидан келиб чиқишича, 2009 йил 28 февралдаги суд ажримига мувофиқ, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек, қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарзни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши белгиланган.

Демак, 2009 й. сентябридан бошлаб кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун қарздор томонидан ҳар ойда 10 млн сўмдан тўланиши ҳамда 2009 й. 1 ноябрга қадар 20 млн сўм пул ўтказиш йўли билан тўланиши лозим эди.

Аммо, қарздор томонидан қарзни узиш жадвалига мувофиқ равишда кредиторлар талабларининг қаноатлантирилиши амалга оширилмаган ва кредиторлар олдидаги қарз суммаси ўзгаришсиз қолган бўлиб 61604432 сўмни ташкил қилмоқда.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 86-моддаси биринчи қисмига асосан, кредиторлар талабларини қаноатлантиришнинг қарзни узиш жадвалида белгиланган муддатларнинг суд санацияси жараёнида қарздор томонидан бир неча марта ёки бир марта жиддий равишда (бир ойдан ортиқ муддатга) бузилганлиги суд санациясини муддатидан илгари тугатиш учун асос бўлади.

Қонуннинг 86-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, хўжалик суди кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси асосида ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаради ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

2009 й. 10 ноябрда санация қилувчи бошқарувчи ташаббуси билан ўтказилган кредиторлар йиғилишида қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинган бўлиб, тугатувчи бошқарувчи этиб тайинлаш учун Сабиров Акбар Акрамжонович номзоди тақдим қилинган ва унга 400000 сўм миқдоридаги ҳар ойлик иш ҳақи белгиланган.

Баён этилганлар асосида ҳамда Қонуннинг 4 ва 5-моддаларида назарда тутилган банкротлик аломатларининг мавжудлигини эътиборга олиб, суд кредиторлар йиғилишининг илтимосномасини қаноатлантириш ҳамда қарздорни банкрот деб топиб, тугатишга доир иш юритишни бошлашни лозим деб топади.

Шунингдек, тақдим этилган тугатувчи бошқарувчи номзоди банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ифодаланган талабларга мос келишини ҳисобга олиб, суд тугатувчи бошқарувчи этиб Сабиров Акбар Акрамжоновични тайинлаш ва унга 400000 сўм миқдоридаги ҳар ойлик иш ҳақи белгилашни лозим деб топади.

Баён этилганлар асосида ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4, 5, 86, 124, 126-моддаларига ҳамда ЎзР ХПКнинг 135, 138-моддаларига мувофиқ суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«Z» фирмаси кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

«Z» фирмаси банкрот деб топилсин ва тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

Тугатувчи бошқарувчи этиб Сабиров Акбар Акрамжонович тайинлансин.

Тугатувчи бошқарувчига қарздор ҳисобидан тўланадиган ҳар ойлик 400000 миқдоридаги иш ҳақи тайинлансин.

Тугатувчи бошқарувчи:

– уч кун ичида расмий нашр манзилига чоп этиш учун қарздорнинг банкрот деб топилгани ва тугатишга доир иш юритиш бошлангани тўғрисида хабар жўнатсин ҳамда судга нашр этилганликнинг исботини тақдим қилсин;

– ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг талабларига мувофиқ равишда тугатишга доир иш юритишни ташкиллаштирсин ва ўтказсин ҳамда тугатишга доир иш юритишнинг натижалари ҳақида 01.08.2010 й. муддатига қадар судга ҳисобот тақдим қилсин.

Ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 87-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Суднинг қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрими

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида, «X» МЧЖнинг аризасига биноан «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги иш бўйича қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини санация қилувчи бошқарувчи С.Каршибаев ва кредиторларнинг вакили _____ қарздорнинг вакили _____ иштирокида, кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 28 февралдаги суд ажримига мувофиқ, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек, қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарздорликни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши кўзда тутилган.

Қарздор томонидан қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилганлиги муносабати билан қарздорнинг раҳбари томонидан ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботи судга тақдим этилган.

Суд мажлисида кредиторлар вакили қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилганлигини тасдиқлади.

Шунингдек, санация қилувчи бошқарувчи ҳам кредиторлар талаблари қаноатлантирилганлиги фактини тасдиқлаб, суд санацияси режасининг олиб борилиши мобайнида кредиторнинг эришган молиявий натижалари, кредиторларнинг қарзни узиш жадвалида назарда тутилган барча талабларини қаноатлантириш имконини берганлигини таъкидлаб ўтди. Яна у, талаблари кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган барча кредиторлар қарздор раҳбарининг ҳисоботи кўриб чиқиладиган суд мажлиси ўтказиладиган вақт ва жой тўғрисида хабардор қилингани ҳамда улардан шикоят келиб тушмаганлигини ҳам айтиб ўтди.

Қарздор вакили кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилганлиги ва корхона ҳеч қандай жорий қарзга эга эмаслигини таъкидлаб, банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилишини сўради.

Санация қилувчи бошқарувчи ҳамда ишда иштирок этаётган тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаган ҳолда, иш материалларини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосли сабабларга кўра қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатишни лозим топади:

Иш материалларидан келиб чиқишича, 2009 йил 28 февралдаги суд ажримига мувофиқ, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек, қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарздорликни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши белгиланган.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда «Қонун» деб юритилади) 87-моддаси биринчи қисмига асосан, суд санациясининг белгиланган муддати тугашига камида ўн беш кун қолганида қарздорнинг раҳбари ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисида хўжалик судига ҳисобот тақдим этиши шарт саналиб, ушбу ҳисобот, шунингдек, кредиторларнинг шикоятлари хўжалик судининг мажлисида кўриб чиқилади.

Қонуннинг 87-моддаси учинчи қисмида, қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини, шунингдек, кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш якунлари асосида хўжалик суди, агар узилмаган қарз қолмаганлиги аниқланган, кредиторларнинг шикоятлари эса асоссиз деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини тақдиқлаши ҳамда банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқариши назарда тутилади.

Қарздор раҳбарининг ҳисоботи ва унга илова қилинган ҳужжатларга биноан, қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторларнинг барча талаблари хўжалик суди томонидан белгиланган суд санацияси муддати давомида қаноатлантирилган.

Қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқувчи суд мажлисининг санаси, вақти ва жойи тўғрисида санация қилувчи бошқарувчи барча кредиторларни хабардор қилган бўлсада, кредиторлар томонидан суд бошқарувчисига шикоятлар билдирилмаган ҳамда хўжалик судига ҳам шикоятлар келиб тушмаган.

Бундай вазиятда, қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилганлиги боис, суд қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатишни лозим топади.

Баён этилганлар асосида ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 56 ва 87-моддаларига ҳамда ЎзР ХПКнинг 86 ва 151-моддаларига мувофиқ суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Z» фирмаси раҳбарининг ҳисоботи тасдиқлансин.

«Z» фирмасини банкрот деб топишга доир иш юритиш тугатилсин.

Санация қилувчи бошқарувчи уч кун ичида расмий нашр манзилига чоп этиш учун банкрот деб топишга доир иш юритиш тугатилганлиги тўғрисидаги хабар жўнатсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н.вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 2

Қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш ва ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрим

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш ва ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида, «X» МЧЖнинг аризасига биноан «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги иш бўйича қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини санация қилувчи бошқарувчи С. Каршибаев ва «Бизнес Мадад» МЧЖ вакили _____ қарздорнинг вакили _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 28 февралдаги суд ажримига мувофиқ, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек, қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарзни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши кўзда тутилган.

Қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги судга тақдим этилган ҳисоботига кўра, қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторлар талабларининг бир қисми қаноатлантирилган ҳамда «Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги 25537447 сўм миқдоридаги талаб қаноатлантирилмаганлиги сабабли, қарздор суд санацияси муддатини яна 6 ойга узайтиришни сўрамоқда.

Суд мажлисида қарздорнинг вакили қарзни узиш жадвалига киритилган кредиторлар талабларининг 50% дан ортиғи қаноатлантирилганлигини таъкидлаб, суд санацияси муддатини яна 6 ойга узайтиришни сўради.

«Бизнес Мадад» МЧЖнинг вакили суд санацияси муддатининг узайтирилишига эътироз билдирди ҳамда 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилишини сўради.

Санация қилувчи бошқарувчи шунингдек, суд санацияси режасининг олиб борилиши мобайнида кредиторнинг эришган молиявий натижалари маблағларни жадвалга мувофиқ равишда кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга қаратиб бориш имконини берганлиги, аммо «Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги қарз қаноатлантирилмаганлиги, шу муносабат билан ушбу кредитор томонидан шикоят тақдим қилинганлигини таъкидлаб ўтди. Яна у, қарздорнинг молиявий аҳволи барқарорлиги ва суд санацияси режасининг олиб борилиши мобайнида корхона томонидан унумдорликнинг оширилишига эришилганлиги, шу сабабдан ҳам қарздор тўлов қобилиятини тиклаш имконига эга эканлигини айтиб ўтди.

Санация қилувчи бошқарувчи ҳамда ишда иштирок этаётган тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаган ҳолда, иш материалларини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосли сабабларга кўра «Бизнес Мадад» МЧЖнинг шикоятини асосли деб топиб, шу сабабдан ҳам қарздорнинг раҳбари ҳисоботини тасдиқлаш мумкин эмас деб ҳисоблайди:

Иш материалларига биноан, кузатув давомида муваққат бошқарувчи томонидан кредиторлар талаблари реестри тузиб чиқилган бўлиб, унга асосан кредиторлик қарзининг умумий суммаси 61604432 сўмни ташкил қилган, шу жумладан:

– 29995500 сўм – «Х» МЧЖ олдида;

– 3498594 сўм – солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдида;

– 1298620 сўм – «Inter–Х» ҚК олдида;

– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖ олдида;

– 1274271 сўм – иш ҳақи юзасидан ишчи-ходимлар олдида.

2009 йил 28 февралдаги суд ажримига биноан, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек, қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарзни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши белгиланган.

Қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги судга тақдим этган ҳисоботига кўра, қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторлар талабларининг бир қисми қаноатлантирилган ҳамда «Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги 25537447 сўм миқдоридаги талаб қаноатлантирилмаганлиги сабабли, қарздор суд санацияси муддатини яна 6 ойга узайтиришни сўрамоқда.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда «Қонун» деб юритилади) 87-моддаси биринчи қисмига асосан, суд санациясининг белгиланган муддати тугашига камида ўн беш кун қолганида қарздорнинг раҳбари ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисида хўжалик судига ҳисобот тақдим этиши шарт саналиб, ушбу ҳисобот ҳамда кредиторларнинг шикоятлари хўжалик судининг мажлисида кўриб чиқилади.

Қонуннинг 87-моддаси учинчи қисмида, қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини, шунингдек, кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш якунлари асосида хўжалик суди, агар узилмаган қарз борлиги аниқланган ва кредиторларнинг шикоятлари асосли деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини тасдиқлашни рад этиши назарда тутилади.

Қарздорнинг раҳбари томонидан суд санациясини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилганлиги тўғрисида суд бошқарувчиси барча кредиторларни хабардор қилган ҳамда суд бошқарувчисига «Бизнес Мадад» МЧЖдан шикоят келиб тушган бўлиб, унда кредитор қарздор томонидан қаноатлантирилмаган қарз мавжудлиги тўғрисида хабар қилади.

Қарздор томонидан тақдим қилинган кредиторлик қарзларининг қаноатлантирилганлигига доир ҳужжатлардан келиб чиқишича, қарздор «Бизнес Мадад» МЧЖ олдида 25537447 сўм миқдоридаги қарзга эга бўлиб, ушбу қарз суммаси қаноатлантирилмаган.

Бундай вазиятда, қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилмаганлиги боис, суд «Бизнес Мадад» МЧЖнинг шикоятини асосли деб топиб, шу сабабдан ҳам қарздорнинг раҳбари ҳисоботини тасдиқлаш мумкин эмас деб ҳисоблайди.

Қонуннинг 87-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, хўжалик суди қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этган тақдирда ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор чиқаради.

Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг ҳақиқий имконияти мавжуд эканлигини эътиборга олиб, суд қарздорга нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этишни лозим топади.

Ташқи бошқарув ягона кредиторнинг ташаббуси билан жорий этилаётгани сабабли, санация қилувчи бошқарувчи ташқи бошқарувчи номзоди ва унга ҳақ тайинлаш масаласи кўриб чиқилиши учун кредиторлар йиғилишини чақириши ва ўтказиши зарур.

Баён этилганлар асосида ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 87 ва 91-моддаларига ҳамда ЎзР ХПКнинг 151-моддасига мувофиқ суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Z» фирмаси раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш рад этилсин.

«Z» фирмасида 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилсин.

Санация қилувчи бошқарувчи:

– уч кун ичида расмий нашр манзилига чоп этиш учун қарздорга нисбатан ташқи бошқарув жорий этилганлиги тўғрисида хабар жўнатсин ҳамда судга нашр этилганликнинг исботини тақдим қилсин;

– уч ҳафталик муддат ичида кредиторлар йиғилишини чақирсин ва ўтказсин, унда ташқи бошқарувчининг номзоди ва унга ҳақ тўлашнинг белгиланиши масаласи кўриб чиқилиб, бу ҳақда судга кредиторлар йиғилишининг қарорини тақдим қилсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 3

Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида, «X» МЧЖнинг аризасига биноан «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги иш бўйича қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини санация қилувчи бошқарувчи С.Каршибаев ва «Бизнес Мадад» МЧЖ вакили – _____; қарздорнинг вакили – _____ иштирокида, кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 28 февралдаги суд ажримига мувофиқ, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек, қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд сана-

цияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарзни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши кўзда тутилган.

Қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги судга тақдим этган ҳисоботига кўра, қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторлар талабларининг бир қисми қаноатлантирилган ҳамда «Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги 25537447 сўм миқдоридаги талаб қаноатлантирилмаганлиги сабабли, қарздор суд санацияси муддатини яна 6 ойга узайтиришни сўрамоқда.

Суд мажлисида қарздорнинг вакили қарзни узиш жадвалига киритилган кредиторлар талабларининг 50% дан ортиғи қаноатлантирилганлигини таъкидлаб, суд санацияси муддатини яна 6 ойга узайтиришни сўради.

«Бизнес Мадад» МЧЖнинг вакили суд санацияси муддатининг узайтирилишига эътироз билдирди ҳамда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш бошланишини сўради.

Санация қилувчи бошқарувчи шунингдек, суд санацияси режасининг олиб борилиши мобайнида кредиторнинг эришган молиявий натижалари маблағларни жадвалга мувофиқ равишда кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга қаратиб бориш имконини берганлиги, аммо «Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги қарз қаноантлантирилмаганлиги, шу муносабат билан ушбу кредитор томонидан шикоят тақдим қилинганлигини таъкидлаб ўтди. Яна у, қарздорнинг молиявий аҳволи мураккаблиги, суд санацияси режасининг олиб борилиши мобайнида корхона томонидан молиявий-хўжалик фаолиятининг яхшиланишига эришилмаганлиги, шу сабабдан ҳам қарздор тўлов қобилиятини тиклаш имконига эга эмаслигини айтиб ўтди.

Санация қилувчи бошқарувчи ҳамда ишда иштирок этаётган тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаган ҳолда, иш материалларини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосли сабабларга кўра «Бизнес Мадад» МЧЖнинг шикоятини асосли деб топиб, шу сабабдан ҳам қарздорнинг раҳбари ҳисоботини тасдиқлаш мумкин эмас деб ҳисоблайди:

Иш материалларига биноан, кузатув давомида муваққат бошқарувчи томонидан кредиторлар талаблари реестри тузиб чиқилган бўлиб, унга асосан кредиторлик қарзининг умумий суммаси 61604432 сўмни ташкил қилган, шу жумладан:

– 29995500 сўм – «Х» МЧЖ олдида;
– 3498594 сўм – солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдида;
– 1298620 сўм – «Inter–Х» ҚК олдида;
– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖ олдида;
– 1274271 сўм – иш ҳақи юзасидан ишчи-ходимлар олдида.

2009 йил 28 февралдаги суд ажримига биноан, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарзни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши белгиланган.

Қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги судга тақдим этган ҳисоботига кўра, қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторлар талабларининг бир қисми қаноатлантирилган ҳамда «Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги 25537447 сўм миқдоридаги талаб қаноатлантирилмаганлиги сабабли, қарздор суд санацияси муддатини яна 6 ойга узайтиришни сўрамоқда. ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг (бундан кейин матнда «Қонун» деб юритилади) 87-моддаси биринчи қисмига асосан, суд санациясининг белгиланган муддати тугашига камида ўн беш кун қолганида қарздорнинг раҳбари ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисида хўжалик судига ҳисобот тақдим этиши шарт саналиб, ушбу ҳисобот ҳамда кредиторларнинг шикоятлари хўжалик судининг мажлисида кўриб чиқилади.

Қонуннинг 87-моддаси учинчи қисмида, қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини, шунингдек кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш якунлари асосида хўжалик суди, агар узилмаган қарз борлиги аниқланган ва кредиторларнинг шикоятлари асосли деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини тасдиқлашни рад этиши назарда тутилади.

Қарздорнинг раҳбари томонидан суд санациясини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилганлиги тўғрисида суд бошқарувчиси барча кредиторларни хабардор қилган ҳамда суд бошқарувчисига «Бизнес Мадад» МЧЖдан шикоят келиб тушган бўлиб, унда кредитор қарздор томонидан қаноатлантирилмаган қарз мавжудлиги тўғрисида хабар қилади.

Қарздор томонидан тақдим қилинган кредиторлик қарзларининг қаноатлантирилганлигига доир ҳужжатлардан келиб чиқишича, қарздор «Бизнес Мадад» МЧЖ олдида 25537447 сўм миқдоридаги қарзга эга бўлиб, ушбу қарз суммаси қаноатлантирилмаган.

Бундай вазиятда, қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилмаганлиги боис, суд «Бизнес Мадад» МЧЖнинг шикоятини асосли деб топиб, шу сабабдан ҳам қарздорнинг раҳбари ҳисоботини тасдиқлаш мумкин эмас деб ҳисоблайди.

Қонуннинг 87-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, хўжалик суди қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этган тақдирда ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор чиқаради.

Қонуннинг 4 ва 5-моддаларида назарда тутилган банкротликнинг барча аломатлари мавжудлиги туфайли ва қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашининг ҳақиқий имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, суд қарздорни банкрот деб топиб, тугатишга доир иш юритишни бошлашни лозим деб топади.

Кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси асосида эмас, балки ягона кредиторнинг илтимосномаси асосида қарздор банкрот деб топилган ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошлангани боис, тугатувчи бошқарувчининг номзоди ва унга ҳақ тўлашнинг белгиланиши масаласи кўриб чиқилиши учун санация қилувчи бошқарувчи кредиторлар йиғилишини чақириши ва ўтказиши лозим.

Баён этилганлар асосида ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 4, 5, 87 ва 124-моддаларига ҳамда ЎзР ХПКнинг 135 ва 138-моддаларига мувофиқ суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«Z» фирмаси раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш рад этилсин.

«Z» фирмаси банкрот деб топилсин ва тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

Санация қилувчи бошқарувчи:

– уч кун ичида расмий нашр манзилига чоп этиш учун қарздорнинг банкрот деб топилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги тўғрисида хабар жўнатсин ҳамда судга нашр этилганликнинг исботини тақдим қилсин;

– уч ҳафталик муддат ичида кредиторлар йиғилишини чақирсин ва ўтказсин, унда тугатувчи бошқарувчининг номзоди ва унга ҳақ тўлашнинг белгиланиши масаласи кўриб чиқилиб, бу ҳақда судга кредиторлар йиғилишининг қарорини тақдим қилсин.

Ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 88-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Суд санациясини тамомлаш тўғрисидаги ажрим

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Суд санациясини тамомлаш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида, «Х» МЧЖнинг аризасига биноан «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги иш бўйича қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини санация қилувчи бошқарувчи С.Каршибаев ва «Бизнес Мадад» МЧЖ вакили – _____; қарздорнинг вакили – _____ иштирокида, кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 28 февралдаги суд ажримига мувофиқ, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарзни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши кўзда тутилган.

Қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги судга тақдим этган ҳисоботига кўра, қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторлар талабларининг бир қисми қаноатлантирилган ҳамда «Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги 25537447 сўм миқдоридаги талаб қаноатлантирилмаганлиги сабабли, қарздор суд санацияси муддатини яна 6 ойга узайтиришни сўрамоқда.

Суд мажлисида қарздорнинг вакили қарзни узиш жадвалига киритилган кредиторлар талабларининг 50% дан ортиғи қаноатлантирилганлигини таъкидлаб, суд санацияси муддатини яна 6 ойга узайтиришни сўради.

«Бизнес Мадад» МЧЖнинг вакили суд санацияси муддатининг узайтирилишига эътироз билдирди ҳамда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш бошланишини сўради.

Санация қилувчи бошқарувчи шунингдек, суд санацияси режасининг олиб борилиши мобайнида кредиторнинг эришган молиявий натижалари маблағларни жадвалга мувофиқ равишда кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга қаратиб бориш имконини берганлиги, аммо «Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги қарз қаноантлантирилмаганлиги, шу муносабат билан ушбу кредитор томонидан шикоят тақдим қилинганлигини таъкидлаб ўтди. Яна у, суд санацияси қарздорнинг муассиси бўлмиш «ХХХ» корхонасининг илтимосномаси асосида жорий этилган бўлиб, ушбу корхона томонидан 80 млн сўм миқдоридаги суммага кафиллик битимини тузиш йўли билан қарздор мажбуриятларининг таъминоти тақдим қилинганлиги, шу муносабат билан қарздорнинг муассисига «Бизнес Мадад» МЧЖнинг талабларини бажариши учун муддат белгиланишини сўраганлигини айтиб ўтди.

Санация қилувчи бошқарувчи ҳамда ишда иштирок этаётган тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаган ҳолда, иш материалларини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосли сабабларга кўра «Бизнес Мадад» МЧЖнинг шикоятини асосли деб топиб, шу сабабдан ҳам қарздорнинг раҳбари ҳисоботини тасдиқлаш мумкин эмас деб ҳисоблайди.

Иш материалларига биноан, кузатув давомида муваққат бошқарувчи томонидан кредиторлар талаблари реестри тузиб чиқилган бўлиб, унга асосан кредиторлик қарзининг умумий суммаси 61604432 сўмни ташкил қилган, шу жумладан:

– 29995500 сўм – «Х» МЧЖ олдида;

– 3498594 сўм – солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдида;

– 1298620 сўм – «Inter–Х» ҚК олдида;

– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖ олдида;

– 1274271 сўм – иш ҳақи юзасидан ишчи-ходимлар олдида.

2009 йил 28 февралдаги суд ажримига биноан, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек, қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарзни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши белгиланган.

Қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги судга тақдим этган ҳисоботига кўра, қарзни узиш жадвалида назарда тутил-

ган кредиторлар талабларининг бир қисми қаноатлантирилган ҳамда «Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги 25537447 сўм миқдоридаги талаб қаноатлантирилмаганлиги сабабли, қарздор суд санацияси муддатини яна 6 ойга узайтиришни сўрамоқда.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда «Қонун» деб юритилади) 87-моддаси биринчи қисмига асосан, суд санациясининг белгиланган муддати тугашига камида ўн беш кун қолганида қарздорнинг раҳбари ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисида хўжалик судига ҳисобот тақдим этиши шарт саналиб, ушбу ҳисобот ҳамда кредиторларнинг шикоятлари хўжалик судининг мажлисида кўриб чиқилади.

Қонуннинг 87-моддаси учинчи қисмида, қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини, шунингдек, кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш якунлари асосида хўжалик суди, агар узилмаган қарз борлиги аниқланган ва кредиторларнинг шикоятлари асосли деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини тасдиқлашни рад этиши назарда тутилади.

Қарздорнинг раҳбари томонидан суд санациясини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилганлиги тўғрисида суд бошқарувчиси барча кредиторларни хабардор қилган ҳамда суд бошқарувчисига «Бизнес Мадад» МЧЖдан шикоят келиб тушган бўлиб, унда кредитор қарздор томонидан қаноатлантирилмаган қарз мавжудлиги тўғрисида хабар қилади.

Қарздор томонидан тақдим қилинган кредиторлик қарзларининг қаноатлантирилганлигига доир ҳужжатлардан келиб чиқишича, қарздор «Бизнес Мадад» МЧЖ олдида 25537447 сўм миқдоридаги қарзга эга бўлиб, ушбу қарз суммаси қаноатлантирилмаган.

Бундай вазиятда, қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилмаганлиги боис, суд «Бизнес Мадад» МЧЖнинг шикоятини асосли деб топиб, шу сабабдан ҳам қарздорнинг раҳбари ҳисоботини тасдиқлаш мумкин эмас деб ҳисоблайди.

Қонуннинг 88-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, кредиторларнинг таъминот берган шахслардан мажбуриятлар бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқи хўжалик суди суд санациясини тугатиш ёки тамомлаш тўғрисида ажрим чиқарган пайтдан эътиборан юзага келади.

Қонуннинг 89 ва 90-моддалари мазмунидан келиб чиқишича, суд таъминот берган шахсга мажбуриятлар бажарилиши учун муддат белгилашга ҳақли.

Қарздорга нисбатан суд санацияси қарздорнинг муассиси бўлмиш «ХХХ» корхонасининг илтимосномаси асосида жорий этилган бўлиб, қарздорнинг мажбуриятлари ижросининг таъминотини тақдим қилган қарздорнинг ушбу муассиси ҳамда муваққат бошқарувчиси ўртасида тузилган кафиллик тўғрисидаги келишувга мувофиқ, кафилнинг мажбуриятлари 80 млн сўм миқдоридаги сумма билан чекланади. «Бизнес Мадад» МЧЖнинг қарздорга нисбатан талаблари миқдори кафил томонидан таъминланган мажбуриятлар

суммасидан ортиқ бўлмаганлиги туфайли, суд «ХХХ» корхонасига «Бизнес Мадад» МЧЖнинг талабларини қаноатлантириши учун икки ҳафталик муддат белгилашни лозим деб топади.

Баён этилганлар асосида ва ЎзР «Банкротлик тўғрсида»ги Қонуннинг 87 ва 88-моддаларига ҳамда ЎзР ХПКнин 151-моддасига мувофиқ суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Z» фирмаси раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш рад этилсин.

«Z» фирмасига нисбатан жорий этилган суд санацияси тамомлансин.

«ХХХ» корхонаси ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб икки ҳафталик муддат ичида «Бизнес Мадад» МЧЖ талабларини қаноатлантириш учун қарздор ҳисобварағига 25537447 сўм ўтказсин.

Санация қилувчи бошқарувчи белгиланган икки ҳафталик муддат тугаши билан таъминотни тақдим қилган «ХХХ» корхонаси томонидан қарздор мажбуриятларининг ижро этилиши натижалари ҳақидаги ҳисобот тақдим этсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 89-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Суднинг санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрими

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида, «X» МЧЖнинг аризасига биноан «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги иш бўйича санация қилувчи бошқарувчининг таъминотни тақдим этган шахслар томонидан қарздор мажбуриятларининг ижро этилиши натижалари ҳақидаги ҳисоботини санация қилувчи бошқарувчи С.Каршибаев ва «Бизнес Мадад» МЧЖ вакили – _____; қарздорнинг вакили – _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 28 февралдаги суд ажримига мувофиқ, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарзни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши кўзда тутилган.

Суд санацияси муддатининг тугаши билан, қарздор томонидан кредитор «Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги 25537447 сўм миқдоридаги талаблар қаноатлантирилмаганлиги туфайли, суднинг 2010 йил 1 мартдаги ажрими би-

лан «Z» фирмасига нисбатан жорий этилган суд санацияси таомили тамомланган ҳамда «XXX» корхонасига «Бизнес Мадад» МЧЖнинг талабларини қаноатлантириши учун икки ҳафталик муддат белгиланган.

Белгиланган икки ҳафталик муддат тугаши билан санация қилувчи бошқарувчи томонидан судга таъминотни тақдим этган «XXX» корхонаси томонидан қарздор мажбуриятларининг бажарилиши натижалари ҳақидаги ҳисобот тақдим қилинган бўлиб, унга биноан, кафил томонидан қарздорнинг ҳисобварағига 25537447 сўм ўтказилган бўлиб, ушбу маблағ тўла ҳажмда «Бизнес Мадад» МЧЖнинг талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган.

Суд мажлисида санация қилувчи бошқарувчи таъкидлашича, «XXX» корхонаси томонидан белгиланган муддат давомида қарздорнинг ҳисобварағига 25537447 сўм ўтказилган бўлиб, ушбу маблағ тўла ҳажмда «Бизнес Мадад» МЧЖнинг талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган. Шунингдек, у қарзни узиш жадвалига киритилган кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилганлигини ҳам таъкидлаб, шу муносабат билан иш юритишни тугатишни сўради.

«Бизнес Мадад» МЧЖнинг вакили қарздор томонидан кредиторлик қарзларининг қаноатлантирилганлиги фактини тасдиқлади.

Қарздорнинг вакили, барча кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилганлиги ва корхонанинг жорий қарзлари йўқ эканлигини таъкидлаб, банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатилишини сўради.

Санация қилувчи бошқарувчи ҳамда ишда иштирок этаётган тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаган ҳолда, иш материалларини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосли сабабларга кўра санация қилувчи бошқарувчи ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш лозим деб ҳисоблайди.

Иш материалларига кўра, 2009 йил 28 февралдаги суд ажримига мувофиқ, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарзни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши белгиланган.

Суд санацияси муддатининг тугаши билан, қарздор томонидан кредитор «Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги 25537447 сўм миқдоридаги талаблар қаноатлантирилмаганлиги туфайли, суднинг 2010 йил 1 мартдаги ажрими билан «Z» фирмасига нисбатан жорий этилган суд санацияси таомили тамомланган ҳамда «XXX» корхонасига «Бизнес Мадад» МЧЖнинг талабларини қаноатлантириш учун икки ҳафталик муддат белгиланган.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг (бундан кейин матнда «Қонун» деб юритилади) 89-моддаси биринчи қисмига асосан, кредиторлар

билан ҳисоб-китоблар тамомлангач ёки хўжалик суди томонидан кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун белгиланган муддат ўтгач, санация қилувчи бошқарувчи қарздорнинг мажбуриятларни шахслар томонидан таъминот берилган ҳолда бажариши якунлари тўғрисида хўжалик судига ҳисобот тақдим этиши шарт ҳисобланиб, ушбу ҳисобот ва кредиторларнинг шикоятлари хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида, санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини, кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш якунлари асосида хўжалик суди, агар узилмаган қарз қолмаганлиги аниқланган, кредиторларнинг шикоятлари эса асоссиз деб топилган бўлса, санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлайди ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқариши назарда тутилган.

Санация қилувчи бошқарувчи томонидан тақдим қилинган ҳисоботдан келиб чиқишича, белгиланган муддат давомида кафил ўз мажбуриятларини бажарган, натижада эса қарздор томонидан қарзни узиш жадвалига киритилган барча кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилган.

Бундай вазиятда, қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилганлиги боис, суд санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш лозим деб ҳисоблайди.

Баён этилганлар асосида ва ЎзР «Банкротлик тўғриида»ги Қонуннинг 56 ва 89-моддаларига ҳамда ЎзР ХПКнинг 86 ва 151-моддаларига мувофиқ суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

««Z» фирмаси санация қилувчи бошқарувчисининг ҳисоботи тасдиқлансин.

«Z» фирмасини банкрот деб топишга доир иш юритиш тугатилсин.

Санация қилувчи бошқарувчи уч кун ичида расмий нашр манзилига чоп этиш учун банкрот деб топишга доир иш юритиш тугатилганлиги тўғрисида хабар жўнатсин ҳамда судга нашр этилганликнинг исботини тақдим қилсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 2

Суднинг санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш ва ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрими

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш ва ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида, «X» МЧЖнинг аризасига биноан «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги иш бўйича санация қилувчи бошқарувчининг таъминотни тақдим этган шахслар томонидан қарздор мажбуриятларининг ижро этилиши натижалари ҳақидаги ҳисоботини санация қилувчи бошқарувчи С.Каршибаев ва «Бизнес Мадад» МЧЖ вакили – _____; қарздорнинг вакили – _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 28 февралдаги суд ажримига мувофиқ, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарзни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши кўзда тутилган.

Суд санацияси муддатининг тугаши билан, қарздор томонидан кредитор «Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги 25537447 сўм миқдоридаги талаблар қаноатлантирилмаганлиги туфайли, суднинг 2010 йил 1 мартдаги ажрими билан «Z» фирмасига нисбатан жорий этилган суд санацияси таомили тамомланган ҳамда «XXX» корхонасига «Бизнес Мадад» МЧЖнинг талабларини қаноатлантириш учун икки ҳафталик муддат белгиланган.

Белгиланган икки ҳафталик муддат тугаши билан санация қилувчи бошқарувчи томонидан судга таъминотни тақдим этган «ХХХ» корхонаси томонидан қарздор мажбуриятларининг бажарилиши натижалари ҳақидаги ҳисобот тақдим қилинган бўлиб, унга биноан, кафил ўз мажбуриятларини бажармаган, шу сабабдан «Бизнес Мадад» МЧЖнинг олдидаги 25537447 сўм миқдоридаги қарз қаноатлантирилмасдан турибди.

Суд мажлисида санация қилувчи бошқарувчининг таъкидлашича, «ХХХ» корхонаси томонидан белгиланган муддат давомида қарздорнинг ҳисобварағига 25537447 сўм ўтказилмаган, шу сабабдан «Бизнес Мадад» МЧЖнинг талаблари қаноатлантирилмасдан қолган ҳамда кредитор томонидан бу ҳақда шикоят киритилган. Яна у, қарздорнинг молиявий аҳволи барқарорлиги ва суд санацияси режасининг олиб борилиши мобайнида корхона томонидан унумдорликнинг оширилишига эришилганлиги, шу сабабдан ҳам қарздор тўлов қобилиятини тиклаш имконига эга эканлигини айтиб ўтди.

«Бизнес Мадад» МЧЖнинг вакили қарздор томонидан кредиторлик қарзларининг қаноатлантирилмаганлиги фактини тасдиқлади ҳамда 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилишини сўради.

Санация қилувчи бошқарувчи ҳамда кредитор вакилининг тушунтиришларини тинглаган ҳолда, иш материалларини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосли сабабларга кўра «Бизнес Мадад» МЧЖнинг шикоятини асосли деб топиб, шу сабабдан ҳам санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш мумкин эмас деб ҳисоблайди.

Иш материалларига биноан, кузатув давомида муваққат бошқарувчи томонидан кредиторлар талаблари реестри тузиб чиқилган бўлиб, унга асосан кредиторлик қарзининг умумий суммаси 61604432 сўмни ташкил қилган, шу жумладан:

– 29995500 сўм – «Х» МЧЖ олдида;

– 3498594 сўм – солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдида;

– 1298620 сўм – «Inter–Х» ҚК олдида;

– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖ олдида;

– 1274271 сўм – иш ҳақи юзасидан ишчи-ходимлар олдида.

2009 йил 28 февралдаги суд ажримига мувофиқ, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарзни қаноатлантиришга йўналтирилади ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилади.

Суд санацияси муддатининг тугаши билан, қарздор томонидан кредитор «Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги 25537447 сўм миқдоридаги талаблар қаноатлантирилмаганлиги туфайли, суднинг 2010 йил 1 мартдаги ажрими би-

лан «Z» фирмасига нисбатан жорий этилган суд санацияси таомили тамомланган ҳамда «XXX» корхонасига «Бизнес Мадад» МЧЖнинг талабларини қаноатлантириш учун икки ҳафталик муддат белгиланган.

Белгиланган икки ҳафталик муддат тугаши билан санация қилувчи бошқарувчи томонидан судга таъминотни тақдим этган «XXX» корхонаси томонидан қарздор мажбуриятларининг бажарилиши натижалари ҳақидаги ҳисобот тақдим қилинган бўлиб, унга биноан, кафил ўз мажбуриятларини бажармаган, шу сабабдан «Бизнес Мадад» МЧЖнинг олдидаги 25537447 сўм миқдоридаги қарз қаноатлантирилмасдан турибди.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 89-моддаси биринчи қисмига асосан, кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тамомлангач ёки хўжалик суди томонидан кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун белгиланган муддат ўтгач, санация қилувчи бошқарувчи қарздорнинг мажбуриятларни шахслар томонидан таъминот берилган ҳолда бажариши якунлари тўғрисида хўжалик судига ҳисобот тақдим этиши шарт ҳисобланиб, ушбу ҳисобот ва кредиторларнинг шикоятлари хўжалик суди томонидан мажлисда кўриб чиқилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида, санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини, кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш якунлари асосида хўжалик суди, агар узилмаган қарз борлиги аниқланган ва кредиторларнинг шикоятлари асосли деб топилган бўлса, санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этади ҳамда ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаради ёхуд қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиши назарда тутилган.

Бундай вазиятда, қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилмаганлиги боис, суд «Бизнес Мадад» МЧЖнинг шикоятини асосли деб топиб, шу сабабдан ҳам қарздорнинг раҳбари ҳисоботини тасдиқлаш мумкин эмас деб ҳисоблайди.

Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг ҳақиқий имконияти мавжуд эканлигини эътиборга олиб, суд қарздорга нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этишни лозим топади.

Ташқи бошқарув ягона кредиторнинг ташаббуси билан жорий этилаётганлиги сабабли, санация қилувчи бошқарувчи ташқи бошқарувчи номзоди ва унга ҳақ тайинлаш масаласи кўриб чиқилиши учун кредиторлар йиғилишини чақириши ва ўтказиши зарур.

Баён этилганлар асосида ва ЎзР Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 89 ва 91-моддаларига ҳамда ЎзР ХПКнинг 151-моддасига мувофиқ суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Z» фирмаси санация қилувчи бошқарувчисининг ҳисоботини тасдиқлаш рад этилсин.

«Z» фирмасида 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий қилинсин.

Санация қилувчи бошқарувчи:

– уч кун ичида расмий нашр манзилига чоп этиш учун қарздорга нисбатан ташқи бошқарув жорий этилганлиги тўғрисида хабар жўнатсин ҳамда судга нашр этилганликнинг исботини тақдим қилсин;

– уч ҳафталик муддат ичида кредиторлар йиғилишини чақирсин ва ўтказсин, унда ташқи бошқарувчининг номзоди ва унга ҳақ тўлашнинг белгиланиши масаласи кўриб чиқилиб, бу ҳақда судга кредиторлар йиғилишининг қарорини тақдим қилсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 3

Қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси_____раислигида, _____нинг котиблигида, «Х» МЧЖнинг аризасига биноан «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги иш бўйича санация қилувчи бошқарувчининг таъминотни тақдим этган шахслар томонидан қарздор мажбуриятларининг ижро этилиши натижалари ҳақидаги ҳисоботини, санация қилувчи бошқарувчи С.Каршибаев ва «Бизнес Мадад» МЧЖ вакили – _____; қарздорнинг вакили – _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 28 февралдаги суд ажримига мувофиқ, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек, қарзни узиш

жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарзни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши кўзда тутилган.

Суд санацияси муддатининг тугаши билан, қарздор томонидан кредитор «Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги 25537447 сўм миқдоридаги талаблар қаноатлантирилмаганлиги туфайли, суднинг 2010 йил 1 мартдаги ажрими билан «Z» фирмасига нисбатан жорий этилган суд санацияси таомили тамомланган ҳамда «ХХХ» корхонасига «Бизнес Мадад» МЧЖнинг талабларини қаноатлантириш учун икки ҳафталик муддат белгиланган.

Белгиланган икки ҳафталик муддат тугаши билан санация қилувчи бошқарувчи томонидан судга таъминотни тақдим этган «ХХХ» корхонаси томонидан қарздор мажбуриятларининг бажарилиши натижалари ҳақидаги ҳисобот тақдим қилинган бўлиб, унга биноан, кафил ўз мажбуриятларини бажармаган, шу сабабдан «Бизнес Мадад» МЧЖнинг олдидаги 25537447 сўм миқдоридаги қарз қаноатлантирилмасдан турибди.

Суд мажлисида санация қилувчи бошқарувчи таъкидлашича, «ХХХ» корхонаси томонидан белгиланган муддат давомида қарздорнинг ҳисобварағига 25537447 сўм ўтказилмаган, шу сабабдан «Бизнес Мадад» МЧЖнинг талабларини қаноатлантирилмасдан қолган ҳамда кредитор томонидан бу ҳақда шикоят киритилган. Яна у, қарздорнинг молиявий аҳволи барқарорлиги ва суд санацияси режасининг олиб борилиши мобайнида корхона томонидан унумдорликнинг оширилишига эришилганлиги, шу сабабдан ҳам қарздор тўлов қобилиятини тиклаш имконига эга эканлигини айтиб ўтди.

«Бизнес Мадад» МЧЖнинг вакили қарздор томонидан кредиторлик қарзларининг қаноатлантирилмаганлиги фактини тасдиқлади ҳамда 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилишини сўради.

Санация қилувчи бошқарувчи ҳамда кредитор вакилининг тушунтиришларини тинглаган ҳолда, иш материалларини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосли сабабларга кўра «Бизнес Мадад» МЧЖнинг шикоятини асосли деб топиб, шу сабабдан ҳам санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш мумкин эмас деб ҳисоблайди:

Иш материалларига биноан, кузатув давомида муваққат бошқарувчи томонидан кредиторлар талаблари реестри тузиб чиқилган бўлиб, унга асосан кредиторлик қарзининг умумий суммаси 61604432 сўмни ташкил қилган, шу жумладан:

– 29995500 сўм – «Х» МЧЖ олдида;
– 3498594 сўм – солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдида;
– 1298620 сўм – «Inter–Х» ҚК олдида;
– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖ олдида;

– 1274271 сўм – иш ҳақи юзасидан ишчи-ходимлар олдида.

2009 йил 28 февралдаги суд ажримига биноан, қарздорга нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган, шунингдек қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ кредиторлар талаблари реестрига киритилган 61604432 сўм миқдоридаги умумий кредиторлик қарзи суд санацияси жорий этилган пайтдан бошлаб 6 ой муддат ўтиши билан реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағлардан ҳар ойда 10 млн сўм қарзни қаноатлантиришга йўналтирилиши ва суд санацияси муддатининг тугаш пайтига келиб кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилиши белгиланган.

Суд санацияси муддатининг тугаши билан, қарздор томонидан кредитор «Бизнес Мадад» МЧЖ олдидаги 25537447 сўм миқдоридаги талаблар қаноатлантирилмаганлиги туфайли, суднинг 2010 йил 1 мартдаги ажрими билан «Z» фирмасига нисбатан жорий этилган суд санацияси таомили тамомланган ҳамда «ХХХ» корхонасига «Бизнес Мадад» МЧЖнинг талабларини қаноатлантириш учун икки ҳафталик муддат белгиланган.

Белгиланган икки ҳафталик муддат тугаши билан санация қилувчи бошқарувчи томонидан судга таъминотни тақдим этган «ХХХ» корхонаси томонидан қарздор мажбуриятларининг бажарилиши натижалари ҳақидаги ҳисобот тақдим қилинган бўлиб, унга биноан, кафил ўз мажбуриятларини бажармаган, шу сабабдан «Бизнес Мадад» МЧЖнинг олдидаги 25537447 сўм миқдоридаги қарз қаноатлантирилмасдан турибди.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 89-моддаси биринчи қисмига асосан, кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тамомлангач ёки хўжалик суди томонидан кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун белгиланган муддат ўтгач, санация қилувчи бошқарувчи қарздорнинг мажбуриятларни шахслар томонидан таъминот берилган ҳолда бажариши якунлари тўғрисида хўжалик судига ҳисобот тақдим этиши шарт ҳисобланиб, ушбу ҳисобот ва кредиторларнинг шикоятлари хўжалик суди томонидан мажлисда кўриб чиқилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида, санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини, кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш якунлари асосида хўжалик суди, агар узилмаган қарз борлиги аниқланган ва кредиторларнинг шикоятлари асосли деб топилган бўлса, санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этади ҳамда ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаради ёхуд қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиши назарда тутилган.

Бундай вазиятда, қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилмаганлиги боис, суд «Бизнес Мадад» МЧЖнинг шикоятини асосли деб топиб, шу сабабдан ҳам қарздорнинг раҳбари ҳисоботини тасдиқлаш мумкин эмас деб ҳисоблайди.

Қонуннинг 4 ва 5-моддаларида назарда тутилган банкротликнинг барча аломатлари мавжудлиги туфайли ва қарздорнинг тўлов қобилиятини тикла-

шининг ҳақиқий имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, суд қарздорни банкрот деб топиб, тугатишга доир иш юритишни бошлашни лозим деб топади.

Кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси асосида эмас, балки ягона кредиторнинг илтимосномаси асосида қарздор банкрот деб топилган ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошлангани боис, тугатувчи бошқарувчининг номзоди ва унга ҳақ тўлашнинг белгиланиши масаласи кўриб чиқилиши учун санация қилувчи бошқарувчи кредиторлар йиғилишини чақириши ва ўтказиши лозим.

Баён этилганлар асосида ва ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4, 5, 89 ва 124-моддаларига ҳамда ЎзР ХПКнинг 135 ва 138-моддаларига мувофиқ суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«Z» фирмаси санация қилувчи бошқарувчисининг ҳисоботини тасдиқлаш рад этлсин.

«Z» фирмаси банкрот деб топилсин ва тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

Санация қилувчи бошқарувчи:

– уч кун ичида расмий нашр манзилига чоп этиш учун қарздорнинг банкрот деб топилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги тўғрисида хабар жўнатсин ҳамда судга нашр этилганликнинг исботини тақдим қилсин;

– уч ҳафталик муддат ичида кредиторлар йиғилишини чақирсин ва ўтказсин, унда тугатувчи бошқарувчининг номзоди ва унга ҳақ тўлашнинг белгиланиши масаласи кўриб чиқилиб, бу ҳақда судга кредиторлар йиғилишининг қарорини тақдим қилсин.

Ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 90-моддаси шарҳига иловалар

Таъминотни тақдим этган шахсларнинг мажбуриятларини ижро қилмаслиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор Қонуннинг 89-моддаси шарҳига иловаларда келтириб ўтилганлиги боис, ушбу моддадага илова келтирилмайди.

VI БОБ. ТАШҚИ БОШҚАРУВ

Қонуннинг 91-моддаси шарҳига иловалар*

Илова № 1

Ташқи бошқарув муддатини қисқартириш тўғрисидаги ажрим

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Ташқи бошқарув муддатини қисқартириш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____нинг раислигида, _____ нинг котиблигида, аризачи АТБ «Х–банк»нинг қарздор «Д–ЛТД» ҚКсини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ қўзғатилган иш бўйича, кредиторлар йиғилишининг илтимосномасига кўра ташқи бошқарув муддатини қисқартириш масаласини ташқи бошқарувчи А.Собиров иштирокида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 2 январдаги қарорига кўра «Д–ЛТД» ҚКсини банкрот деб топиш тўғрисидаги АТБ «Х–банк» нинг аризаси иш юритувига қабул қилиниб, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув жорий қилинган. Муваққат бошқарувчи сифатида С.Қаршибоев тайинланган.

Жорий қилинган кузатув натижасида ҳамда кредиторлар йиғилишининг илтимосномасига кўра, суднинг 2009 йил 3 мартдаги қарори билан қарздорга нисбатан 18 ой муддатга ташқи бошқарув жорий қилиниб, А.Собиров ташқи

* Ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрим Қонуннинг 50-моддаси шарҳига илова сифатида берилганлиги сабабли, ушбу моддага ажрим намунаси илова қилинмади.

бошқарувчи сифатида тайинланган. Ташқи бошқарувчига ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиб кредиторлар йиғилиши тасдиғига тақдим қилиш мажбурияти юклатилган.

Суд қарори ижросини таъминлаш ва ўзига юклатилган қонуний мажбуриятни бажариш юзасидан ташқи бошқарувчи томонидан ташқи бошқарув режаси ишлаб чиқилиб, мазкур режага кўра қарздор 12 ой муддат давомида тўлов қобилиятини тиклаши кўзда тутилган.

2009 йил 1 апрелда ташкил этилган кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарув режаси кўриб чиқилиб тасдиқланган. Шунингдек, ташқи бошқарув муддатини 12 ой қилиб қисқартириш масаласида судга илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Суд мажлисида ташқи бошқарувчининг изоҳлашига кўра, кредиторларнинг биринчи йиғилишида судга ташқи бошқарув муддатини 18 ой қилиб белгилаш тўғрисида илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилиниб, мазкур муддат ичида қарздор тўлов қобилиятини тиклай олиши мумкин деб тахмин қилинган. Лекин ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиш жараёнида аниқ бўлишича, агар мазкур ташқи бошқарув режаси амалга оширилса қарздор 12 ойлик муддатда тўлов қобилиятини тиклай олиши маълум бўлган.

Суд бошқарувчиси фикрларини тинглаб ва кредиторлар йиғилиши тасдиқлаган ташқи бошқарув режасини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга кўра кредиторлар йиғлиши илтимосномасини қаноатлантиришга қарор қилади.

Иш хужжатларидан маълум бўлишича, кредиторлар йиғилишининг илтимосномасига кўра, суднинг 2009 йил 3 мартдаги қарори билан қарздорга нисбатан 18 ойлик муддатга ташқи бошқарув тайинланган.

2009 йилнинг 1 апрелида кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтиб, унда ташқи бошқарувчи томонидан ишлаб чиқилган ташқи бошқарув режаси кўриб чиқилган. Ушбу ташқи бошқарув режасигада 12 ой муддат ичида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашни амалга ошириш чора-тадбирлари кўрсатиб ўтилган. Кредиторлар йиғилишининг қарори билан ташқи бошқарув режаси тасдиқланган, шунингдек, судга ташқи бошқарув муддатини 12 ой қилиб қисқартириш ҳақида илтимоснома киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

«Банкротлик тўғрисида» қонуннинг 91-моддаси, 4-қисмига кўра, кредиторлар йиғилиши илтимосномаси, банкротлик ишлари бўйича давлат органи қарори ёки ташқи бошқарувчининг аризасига мувофиқ ташқи бошқарув муддати хўжалик суди томонидан, мазкур модданинг 4-қисмида белгиланган муддатларда, ташқи бошқарувни қисқартирилиши ёки узайтирилишига йўл қўйилади.

Бундай ҳолатларда, агар қарздор 12 ойлик муддат давомида тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга бўлса, суд кредиторлар йиғилиши илтимосномасини қаноатлантириш муҳим деб топади.

Юқорида келтирилганларга ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонуннинг 91-моддаси, ЎзР ҲПК 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Д–ЛТД» ҚК кредиторлар йиғилиши илтимономаси қаноатлантирилсин.

«Д–ЛТД» ҚК га нисбатан жорий қилинган ташқи бошқарув муддати 12 ой қилиб қисқартирилсин.

Ташқи бошқарувчи:

– ташқи бошқарув режасини амалга оширишда ташқи бошқарувчига нисбатан қонунларда белгиланган мажбуриятларни бажариш чора-тадбирлари белгиласин;

– ташқи бошқарув муддатини 2010 йилнинг 25 мартидан кечиктирмай якунласин, ташқи бошқарувни муддатидан олдин тўхтатиш асослари вужудга келган ҳолатда, бундай ҳолатлар вужудга келишидан олдин 1 ой муддатдан кечиктирмай кредиторлар йиғилишида кўриб чиқилган ташқи бошқарув хулосаси ва кредеторлар йиғилиши баённомаси билан бирга «Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонуннинг 118-моддасида белгиланган ҳужжатларни судга тақдим қилсин.

Судья _____

Илова № 2

Ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида, аризачи АТБ «Х–банк»нинг қарздор «Д–ЛТД» ҚКсини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ қўзғатилган иш бўйича, кредеторлар йиғилишининг илтимосномасига кўра ташқи бошқарув муддатини узайтириш масаласини, ташқи бошқарувчи А.Собиров иштирокида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 2 январдаги қарорига кўра, «Д–ЛТД» ҚК сини банкрот деб топиш тўғрисидаги АТБ «Х–банк» нинг аризаси иш юритувига қабул қилиниб, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув жорий қилинган. Муваққат бошқарувчи сифатида С.Қаршибоев тайинланган.

Жорий қилинган кузатув натижасида ҳамда кредиторлар йиғилишининг илтимосига кўра, суднинг 2009 йил 3 мартдаги қарори билан қарздорга нисбатан 18 ой муддатга ташқи бошқарув белгиланиб, А. Собиров ташқи бошқарувчи сифатида тайинланган. Ташқи бошқарувчига ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиб кредиторлар йиғилиши тасдиғига тақдим қилиш мажбурияти юклатилган.

Суд қарори ижросини таъминлаш ва ўзига юклатилган қонуний мажбуриятни бажариш юзасидан ташқи бошқарувчи томонидан ташқи бошқарув режаси ишлаб чиқилиб, мазкур режани амалда татбиқ қилиш натижасида қарздор 24 ой муддат давомида тўлов қобилиятини тиклаши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

2009 йил 1 апрелда ташкил этилган кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарув режаси кўриб чиқилиб тасдиқланган. Шунингдек, ташқи бошқарув муддатини 24 ой қилиб узайтириш масаласида судга илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Суд мажлисида ташқи бошқарувчининг изоҳлашига кўра, кредиторларнинг биринчи йиғилишида судга ташқи бошқарув муддатини 18 ой қилиб белгилаш тўғрисида илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилиниб, мазкур муддат ичида қарздор тўлов қобилиятини тиклай олиши мумкин деб тахмин қилинган. Лекин ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиш жараёнида аниқ бўлишича, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш учун бир қанча чора-тадбирларни амалга ошириш зарур ҳамда бундай чора-тадбирларни амалга ошириш учун 24 ойлик муддат керак бўлади.

Суд бошқарувчиси фикрларини тинглаб ва кредиторлар йиғилиши тасдиқлаган ташқи бошқарув режасини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга кўра кредиторлар йиғлиши илтимосномасини қаноатлантиришга қарор қилади:

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, кредиторлар йиғилишининг илтимосномасига кўра, суднинг 2009 йил 3 мартдаги қарори билан қарздорга нисбатан 18 ойлик муддатга ташқи бошқарув тайинланган.

2009 йилнинг 1 апрелида кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтиб, унда ташқи бошқарувчи томонидан ишлаб чиқилган ташқи бошқарув режаси кўриб чиқилган. Ушбу ташқи бошқарув режасида бир қанча чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, бундай чора-тадбирларни амалда татбиқ қилиш натижасида қарздор 24 ой муддат ичида тўлов қобилиятини тиклай олиши белгиланган. Кредиторлар йиғилишининг қарори билан ташқи бошқарув режаси тасдиқланган, шунингдек, судга ташқи бошқарув мудда-

тини 24 ой қилиб узайтириш ҳақида илтимоснома киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 91-моддаси, 4-қисмига кўра, кредиторлар йиғилиши илтимосномаси, банкротлик ишлари бўйича давлат органи қарори ёки ташқи бошқарувчининг аризасига мувофиқ ташқи бошқарув муддати хўжалик суди томонидан, мазкур модданинг 4-қисмида белгиланган муддатларда, ташқи бошқарувни қисқартирилиши ёки узайтирилишига йўл қўйилади.

Қонуннинг 108-моддаси талабларига кўра, агар кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиб, унга кўра ташқи бошқарув муддати дастлабки белгиланган муддатдан ошиб кетса, у ҳолда ташқи бошқарув муддатини узайтириш ёки тасдиқланган ташқи бошқарув режасини амалга оширилиши қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши мумкин деб тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлганда хўжалик суди ташқи бошқарув режасини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Бундай ҳолатларда, яъни агар қарздор 24 ойлик муддат давомида тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга бўлса, суд кредиторлар йиғилиши илтимосномасини қаноатлантириш лозим деб топади.

Юқорида келтирилганларга асосланиб ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 50, 91 ва 108-моддалари, ЎзР ХПК 151-моддаси талабларига кўра, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Д–ЛТД» ҚК кредиторлар йиғилиши илтимосномаси қаноатлантирилсин.

«Д–ЛТД» ҚК га нисбатан тайинланган ташқи бошқарув муддати 24 ой қилиб узайтирилсин.

Ташқи бошқарувчи:

– ташқи бошқарув муддатини 2011 йилнинг 25 мартидан кечиктирмай якунлаш, ташқи бошқарувни муддатидан олдин тўхтатиш асослари вужудга келган ҳолатда, бундай ҳолатлар вужудга келишидан олдин 1 ой муддатдан кечиктирмай кредиторлар йиғилишида кўриб чиқилган ташқи бошқарув хулосаси ва кредеторлар йиғилиши баённомаси билан бирга «Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 118-моддасида белгиланган ҳужжатларни судга тақдим қилсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 95-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисида қарор

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____ АТБ «Х–банк» нинг аризасига кўра «Д–ЛТД» ҚКсини банкрот деб топиш тўғрисидаги иш бўйича, ташқи бошқарувчини тайинлаш ҳақидаги кредиторлар йиғилишининг илтимосномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 2 январдаги қарорига кўра, «Д–ЛТД» ҚК сини банкрот деб топиш тўғрисидаги АТБ «Х–банк» нинг аризаси иш юритувига қабул қилиниб, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув жорий қилинган. Муваққат бошқарувчи сифатида С. Қаршибоев тайинланган.

Жорий қилинган кузатув натижасида ҳамда банкротлик ишлари бўйича давлат органининг аризасига кўра, суднинг 2009 йил 3 мартдаги қарори билан қарздорга нисбатан 18 ойлик муддатга ташқи бошқарув тайинланган.

Бироқ ташқи бошқарувни тайинлашда кредеторлар йиғилишининг ташқи бошқарувни тайинлаш тўғрисидаги хўжалик судига тақдим қилиниши лозим бўлган илтимосномаси мавжуд бўлмаганлиги сабабли, суднинг қарори билан муваққат ташқи бошқарувчига ташқи бошқарувчи номзодини кўриб чиқиб, тасдиқлаши ва судга тақдим қилиши учун кредиторлар йиғилишини чақириш ва ўтказиш мажбурияти юклатилган.

2009 йилнинг 25 мартида кредиторлар йиғлиши бўлиб ўтиб, унда А. Собиров номзодини ташқи бошқарувчи сифатида тайинлаш тўғрисида судга тақдим қилиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Кредиторлар йиғилиши баённомасини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга кўра А. Собировни ташқи бошқарувчи сифатида тайинлаш лозим деб топади:

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 94-моддаси 4-қисми талабларига кўра, агар хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувни тайинлашда кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувни тайинлаш тўғрисида хўжалик судига киритилган илтимосномаси мавжуд бўлмаса, бундай ҳолларда ташқи бошқарувни тайинлаш тўғрисидаги хўжалик судининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб 3 ҳафта муддат ичида кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувчи номзодини кўриб чиқиб, тасдиқлаши ва судга тақдим қилиши мумкин.

Шунга кўра, қарздорга нисбатан ташқи бошқарув кредиторлар йиғилиши қарорисиз, банкротлик ишлари бўйича давлат органининг аризасига кўра тайинланган. Суднинг 2009 йил 3 мартдаги қарори билан муваққат ташқи бошқарувчига ташқи бошқарувчи номзодини кўриб чиқиб, тасдиқлаши ҳамда судга тақдим қилиши учун кредиторлар йиғилишини ташкил қилиш ва ўтказиш мажбурияти юклатилган.

Муваққат ташқи бошқарувчи томонидан 2009 йил 25 мартда кредиторлар йиғилиши ташкил қилиниб, натижада ташқи бошқарувчи сифатида А. Собиров номзодини судга тақдим қилиниб, ташқи бошқарувчига ойига 400000 сўмлик маош белгиланиши ҳам кўзда тутилган.

Бундай ҳолатларда, яъни тақдим қилинган номзод банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб берса, суд Собиров Акбар Акрамжоновични ташқи бошқарувчи қилиб тайинлаш ҳамда ташқи бошқарувчига қарздор ҳисобидан тўланадиган 400000 сўмлик ойлик маош белгиланиши зарур деб топади.

Юқорида келтирилганларга асосланиб ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 18, 22, 94 ва 95-моддалари, ЎзР ХПК 151-моддаси талабларига кўра, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Д–ЛДТ» ҚК кредиторлар йиғилиши илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Собиров Акбар Акрамжонович «Д–ЛДТ» ҚК ташқи бошқарувчиси этиб тайинлансин.

Ташқи бошқарувчига қарздор ҳисобидан тўланадиган 400000 сўмлик ойлик маош белгилансин.

Ташқи бошқарувчига:

– «Банкротлик қонун ҳужжатлари талабига кўра, бир ойлик муддатда ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун кредиторлар йиғилишига топширсин ҳамда 2009 йилнинг 10 майидан кечиктирмай тасдиқланган ташқи бошқарув режаси ва кредиторлар йиғилиши баённомасини судга тақдим қилсин;

– ташқи бошқарув режасини амалга оширишда ташқи бошқарувчига нисбатан қонунларда белгиланган мажбуриятларни бажариш чора-тадбирларини кўрсин;

– ташқи бошқарув муддатини 2010 йилнинг 25 мартидан кечиктирмай

якунласин, ташқи бошқарувни муддатидан олдин тўхтатиш асослари вужудга келган ҳолатда, бундай ҳолатлар вужудга келишидан олдин 1 ой муддатдан кечиктирмай кредиторлар йиғилишида кўриб чиқилган ташқи бошқарув ҳулосаси ва кредеторлар йиғилиши баённомаси билан бирга «Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 118-моддасида белгиланган ҳужжатларни судга тақдим қилиш.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 96-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Ташқи бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисида ажрим

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Ташқи бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____ ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасининг аризасига кўра, МЧЖ «Х» ни банкрот деб топиш тўғрисидаги иш бўйича кредиторлар йиғилиши томонидан тадқим қилинган ташқи бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод этиш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 20 майдаги қарори билан қарздорга нисбатан 18 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий қилиниб, С.А.Тошниёзов ташқи бошқарувчи этиб тайинланган.

Кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод қилишни сўраб хўжалик судига илтимоснома тақдим қилган. Маз-

кур илтимоснома талаблари 2009 йил 20 октябрда бўлиб ўтган кредиторлар йиғилиши баённомасида қуйидагича асослантирилади; амалдаги ташқи бошқарувчи С.А.Тошниёзов вазифаларини лозим даражада бажармаяпти, бу ҳолат ташқи бошқарув режасида кўзда тутилган чора-тадбирларни етарлича амалга оширилмаганлиги, пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредиторларнинг талаблари реестрига пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблар умумий суммасининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи кредиторларнинг талаби мавжуд бўлишига қарамай, кредитор йиғилишини чақирмаганлигида акс этади.

Кредиторлар йиғилиши томонидан тақдим қилинган илтимосномада келтирилган ҳолатларни ўрганиб чиқиб, суд ушбу илтимосномани қуйидаги асосларга кўра қаноатлантириш лозим деб топади:

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 98-моддасига кўра, ташқи бошқарувчига қуйидаги вазифалар юклатилади: қарздор мол-мулкини ўз тасарруфига қабул қилиши ва инвентаризациядан ўтказиш; қарздорнинг учинчи шахсларда турган мол-мулкларини қидириш, аниқлаш ва қайтаришга қаратилган чора-тадбирлар кўриш; ташқи бошқарувни ўтказиш ҳамда кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилиш учун махсус ҳисобварақ очиш; ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиш ва кредиторлар йиғилиши тасдиқлаши учун тақдим этиш; бухгалтерия, статистика ҳисоби ва ҳисобдорлигини юритиш; кредиторларнинг қарздорга нисбатан талаблари юзасидан белгиланган тартибда эътирозлар билдириш; қарздор олдидаги қарзни ундириш чораларини кўриши; кредиторлар талаблари реестрини юритиш; кредиторлар йиғилишига ташқи бошқарув режаси бажарилишининг бориши ва якунлари ҳақида ҳисоботлар тақдим этиш. Ташқи бошқарувчи зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Қонуннинг 96-моддаси 1-қисмига кўра, хўжалик суди қуйидаги ҳолларда ташқи бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод этиши мумкин: ташқи бошқарувчи зиммасига юклатилган вазифаларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторлар йиғилиши қарори асосида. Бундай ҳолларда, кредиторлар йиғлишининг қарорида ташқи бошқарувчиликка тавсия этилаётган янги номзод тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак; банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи қарори асосида; унинг ўз аризасига кўра; ушбу Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ ташқи бошқарувчи этиб тайинланишига монелик қиладиган ҳолатлар аниқланган тақдирда; қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Кредиторлар йиғилиши баённомасидан маълум бўлишича, пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредиторларнинг талаблари реестрига пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблар умумий суммасининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи кредитор МЧЖ «Бизнес Мадад» 2009 йил 1 сентябрида ташқи бошқарувчига кредиторлар йиғилишини чақириш ва йиғилиш кун тартибига ташқи бошқарувчи

томонидан суд санация режасини амалга оширишнинг ҳолатлари ҳақида ахборот тақдим қилиш масаласини киритиш талабини билдирган.

Қонуннинг 12-моддасига кўра, кредиторлар йиғилиши кредиторлар қўмитасининг ёки пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредиторларнинг талаблари реестрига пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблар умумий суммасининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи кредиторларнинг талаби ёҳуд кредиторлар умумий сонининг учдан бир қисми ташаббуси билан тегишли ариза билан суд бошқарувчисига мурожаат этилган пайтдан эътиборан кечи билан 30 кунлик муддат ичида суд бошқарувчиси томонидан чақирилади.

Бироқ кўрсатилган муддат ичида ташқи бошқарувчи томонидан кредиторлар йиғилиши чақирилмаган, шунга кўра кредиторлар йиғилиши МЧЖ «Бизнес Мадад» томонидан 2009 йил 20 октябрда ташкил қилиниб, ўтказилган мазкур йиғилишда хўжалик судига ташқи бошқарувчи С.А Тошниёзовни вазифасини бажаришдан озод қилиш ҳамда янги ташқи бошқарувчи сифатида С.А Назарқулов номзодини киритиш тўғрисида илтимоснома тақдим қилиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Бундай ҳолларда, ваҳоланки ташқи бошқарувчи ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги маълум бўлса, кредиторлар талабларини таъминлаш мақсадида суд кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувчи С.А Тошниёзовни вазифасини бажаришдан озод қилиш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантириш лозим деб топади.

Эътироф этиш лозимки, судга ташқи бошқарувчиликка тақдим этилган янги номзод «Банкротлик тўғрисида»ги қонунда суд бошқарувчиси номзодига қўйилган талабларга жавоб бера олганлиги боис, С.А Назарқуловни МЧЖ «Х» нинг янги ташқи бошқарувчи этиб тайинлаш лозим деб топади.

Юқорида келтирилганларга асосланиб ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонуннинг 96-моддаси, ЎзР ХПК 151-моддаси талабларига кўра, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

МЧЖ «Х» кредиторлар йиғилиши илтимосномаси қаноатлантирилсин.

С.А Тошниёзовни МЧЖ «Х» ташқи бошқарувчиси вазифасини бажаришдан озод этилсин.

МЧЖ «Х» нинг янги ташқи бошқарувчиси этиб С.А Назарқулов тайинлансин.

Ташқи бошқарувчи С.А Назарқуловга уч кун ичида расмий нашр манзилига чоп этиш учун ташқи бошқарувчи алмашганлиги тўғрисида хабар жўнатсин ҳамда судга нашр этилганликнинг исботини тақдим қилсин;

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 100-моддаси шарҳига илова

Кредиторлар ҳамда қарздор ишчилари вакилининг эътирозларини ўрганиб чиқиш натижасида суднинг чиқарган ажрими мазкур Қонуннинг 59-моддасига берилган шарҳ иловасида келтириб ўтилганлиги сабабли, ушбу модда шарҳига илова тақдим қилинмайди.

Қонуннинг 107-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Ташқи бошқарув режаси тақдим қилинмаганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувини бошлаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида, аризачи «X» МЧЖнинг қарздор «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини, ташқи бошқарувчи С.Каршибаев ва кредиторлар вакили _____ қарздор мол-мулки эгаси _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2010 йил 2 январдаги қарори билан «X» МЧЖнинг «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси иш юритувига қабул қилиниб, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув жорий қилинган ҳамда муваққат бошқарувчи сифатида С.Каршибоев тайинланган.

Жорий қилинган кузатув натижаси ва кредиторлар йиғилиши илтимосномасига асосланиб суднинг 2010 йил 3 мартдаги қарори билан қарздорга нисбатан 18 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий қилинган. Ташқи бошқарувчи сифатида А.Собиров тайинланиб, унга ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиб кредиторлар йиғилиши тасдиғига тақдим қилиш мажбурияти

юклатилган, шунингдек, тасдиқланган ташқи бошқарув режаси ҳамда кредиторлар йиғилиши баённомаси 2010 йилнинг 20 апрелидан кечиктирилмай судга тақдим қилиниши кўрсатиб ўтилган.

Лекин судга тасдиқланган ташқи бошқарув режаси ва кредиторлар йиғилиши баённомаси тақдим қилинмаган.

Суд мажлисида ташқи бошқарувчининг изоҳлашига кўра, барча кредиторлар қонунда белгиланган тартиб бўйича кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақида хабардор қилинган ва йиғилиш ўтказилишидан олдин 2 ҳафтадан кам бўлмаган муддатда ташқи бошқарув режаси билан танишиб чиқиш имконияти таъминланган, бироқ кредиторлар йиғилишини ўтказиш учун кредиторлар сони етарли бўлмаганлиги сабабли кредиторлар йиғилиши ўтказилмаган, ҳудди шу сабаб бўйича ишлаб чиқилган ташқи бошқарув режаси ҳам тасдиқланмай қолган.

(МЧЖ «Х») кредиторлар йиғилиши вакилининг фикрларига кўра, ташқи бошқарув режасида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг иложи йўқ, шу сабабли у қарздорни банкрот деб топишни сўради.

Мол-мулк эгасининг вакили фикрига кўра, қарздор ўз тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга, шу сабабли ушбу вакил кредиторлар йиғилишини қайта ташкил қилишни сўради.

Ташқи бошқарувчи, кредитор вакили ва қарздорнинг мол-мулки эгасининг вакили билдирган фикрларни тинглаб ҳамда иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга кўра қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш бошлашни лозим деб топади:

«Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 107-моддасига кўра, ташқи бошқарув режаси кредиторлар йиғилиши томонидан кўриб чиқилади, йиғилиш ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан икки ойдан кечиктирмай ташқи бошқарувчи томонидан чақирилади ва кредиторлар йиғилиши томонидан тасдиқланган ташқи бошқарув режаси ҳамда кредиторлар йиғилиши баённомаси кредиторлар йиғилиши ўтказилган санадан эътиборан беш кундан кечиктирмай ташқи бошқарувчи томонидан хўжалик судига тақдим этилади.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, суднинг 2010 йил 3 мартдаги қарори билан қарздорга нисбатан 18 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий қилиниб, ташқи бошқарувчига ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун кредиторлар йиғилишига тақдим қилиш ҳамда тасдиқланган ташқи бошқарув режаси билан бирга кредиторлар йиғилиши баённомасини 2010 йилнинг 20 апрелидан кечиктирмай хўжалик судига тақдим қилиш мажбурияти юклатилган.

Бироқ суд томонидан белгиланган муддат ичида тасдиқланган тшқи бошқарув режаси ва кредиторлар йиғилиши баённомаси судга тақдим этилмаган.

Қонуннинг 107-моддаси 6-қисмига кўра, агар мазкур модданинг 1, 5-қисмида назарда тутилган муддат давомида хўжалик судига ташқи бошқарув режаси ва кредиторлар йиғилиши баённомаси тақдим этилмаса, хўжалик

суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Иш материалларига биноан, кузатув давомида муваққат бошқарувчи томонидан кредиторлар талаблари реестри тузиб чиқилган бўлиб, унга асосан кредиторлик қарзининг умумий суммаси 61604432 сўмни ташкил қилган, шу жумладан:

– 29995500 сўм – «Х» МЧЖ олдида;

– 3498594 сўм – солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдида;

– 1298620 сўм – «Inter–Х» ҚК олдида;

– 25537447 сўм – «Бизнес Мадад» МЧЖ олдида;

– 1274271 сўм – иш ҳақи юзасидан ишчи-ходимлар олдида.

Бундай ҳолатларда банкрот деб топишнинг Қонуннинг 4, 5-моддаларида ўрнатилган барча аломатлар мавжуд бўлганда суд қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни муҳим деб топади.

Шунга кўра, агар ташқи бошқарувчи томонидан тасдиқланган ташқи бошқарув режаси ва кредитор йиғилиши баённомаси судга тақдим этилмаганлиги сабабли суд қарздорни банкрот деб топган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган, ташқи бошқарувчи эса тугатишга доир ишларини бошқарадиган бошқарувчи номзодини кўриб чиқиш ва унга ойлик маош тайинлаш масаласини ҳал қилиш чиқиш учун кредиторлар йиғилишини ташкил қилиши зарур.

Юқорида келтирилганларга асосланиб ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонуннинг 5, 107 и 124 -моддалари, ЎзР ХПК 135, 138-моддалари талабларига кўра, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«Z» фирмаси банкрот деб топилсин ва тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

Ташқи бошқарувчига:

– уч кун ичида расмий нашриёт манзилига чоп этиш учун қарздор банкрот деб топилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги ҳақида жўнатсин ҳамда судга нашр этилганликнинг исботини тақдим қилсин;

– уч ҳафталик муддат ичида кредиторлар йиғилишини ташкил қилсин ва ўтказсин, ушбу йиғилишда тугатишга доир иш юритиш бошқарувчиси номзоди ва унга тўланадиган маош масаласи ҳал этилсин.

Ушбу ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 108-моддаси шарҳига илова

Ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги суднинг ажрими Қонуннинг 91-моддаси шарҳига берилган иловада келтириб ўтилганлиги боис, мазкур моддага илова тақдим қилинмайди.

Қонуннинг 109-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Қарздорнинг фаолият кўрсатмаётган объектларини консервация қилиш тўғрисида ажрим

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Қарздорнинг фаолият кўрсатмаётган объектларини консервация қилиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида аризачи АТБ «Х» банкнинг қарздор «Д–ЛДТ» ҚК га нисбатан банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ қўзғатилган иш бўйича очиқ суд мажлисида қарздорнинг фаолият кўрсатмаётган объектларини консервация қилиш тўғрисидаги банкротлик ишлари бўйича давлат органининг тақдимномасини ташқи бошқарувчи С.Қаршибоев, кредиторлар вакили _____ қарздорнинг вакили _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 2 январдаги қарорига кўра, «Д–ЛТД» ҚК сини банкрот деб топиш тўғрисидаги АТБ «Х–банк» нинг аризаси иш юритувига қабул қилиниб, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув белгиланган. Муваққат бошқарувчи сифатида С.Қаршибоев тайинланган.

Белгиланган кузатув натижасида ҳамда кредиторлар йиғилишининг илтимосига кўра, суднинг 2009 йил 3 мартдаги қарори билан қарздорга нисбатан 18 ой муддатда ташқи бошқарув белгиланиб, А.Собиров ташқи бошқарувчи

сифатида тайинланган. Ташқи бошқарувчига ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиб, кредиторлар йиғилиши тасдиғига тақдим қилиш мажбурияти юкланган.

Суд қарори ижросини таъминлаш ва ўзига юклатилган қонуний мажбуриятни бажариш юзасидан ташқи бошқарувчи томонидан ташқи бошқарув режаси ишлаб чиқилиб, мазкур режага кўра қарздор 12 ой муддат давомида тўлов қобилиятини тиклаши кўзда тутилган.

2009 йилнинг 1 апрелида бўлиб ўтган кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарув режаси кўриб чиқилиб, тасдиқланган ҳамда ушбу тасдиқланган режа билан бирга кредиторлар йиғилиши баённомаси судга тақдим этилган.

ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Н. вилоят ҳудудий бошқармаси судга қарздорнинг Н. вилояти Олмазор тумани Гулбаҳор шаҳарчасида жойлашган фаолият кўрсатмаётган филиалини консервация қилиш ҳақидаги тақдимнома билан мурожаат қилган.

Банкторлик ишлари бўйича давлат органининг тақдимномасини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга кўра мазкур тақдимномани қаноатлантириш лозим деб топади.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, кредиторлар йиғилишининг илтимосномасига кўра суднинг 2009 йил 3 мартдаги қарори билан қарздорга нисбатан 18 ойлик муддатга ташқи бошқарув тайинланган.

2009 йилнинг 1 апрелида кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтиб, унда ташқи бошқарувчи томонидан ишлаб чиқилган ташқи бошқарув режаси кўриб чиқилган. Мазкур режага кўра, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг чора-тадбирлари сифатида ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш, шунингдек, қарздорнинг мол-мулкининг бир қисмини сотиш йўли билан 18 ой ичида тўлов қобилиятини тиклаш кўзда тутилган.

Банкротлик ишлари бўйича давлат органи судга қарздорнинг Н. вилояти Олмазор тумани Гулбаҳор шаҳарчасида жойлашган фаолият кўрсатмаётган филиалини консервация қилиш ҳақидаги тақдимнома билан мурожаат қилган. Ушбу тақдимномани асослаш учун қуйидагилар келтирилган: қарздорнинг таъсисчиларидан бири давлат унитар корхонаси бўлиб, қарздорнинг юқорида келтирилган филиали ишлаб чиқарув объекти бўлган ва ҳозирги вақтда хомашёнинг ҳамда филиал ишлаб чиқараётган маҳсулотларга буюртмаларнинг мавжуд бўлмаганлиги сабабли ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширмаяпти. Шунга кўра, филиалнинг консервация қилиниши хомашёларнинг тежалишига ва бундай хомашёларни бошқа ишлаб чиқариш объектларини ислоҳ қилиш учун сарфланишига олиб келади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 109-моддаси 2-қисмига кўра, банкротлик ишлари бўйича давлат органининг тақдимномасига биноан суд устав фондида давлат улуши бўлган корхонанинг фаолият кўрсатмаётган объектларини консервация қилиш тўғрисида ажрим қабул қилиши мумкин.

Бундай ҳолатларда, қарздорнинг Н. вилояти Олмазор тумани Гулбаҳор шаҳарчасида жойлашган, ҳозирги вақтда фаолият кўрсатмаётган объектини

консервация қилиниши хомашёларнинг тежалишига олиб келса, суд банкротлик ишлари бўйича давлат органининг тақдимномасини қаноатлантириш лозим деб топади.

Юқорида келтирилганларга асосланиб ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонуннинг 109-моддаси, ЎзР ХПК 151-моддаси талабларига кўра, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Н. вилоят ҳудудий бошқармаси тақдимномаси қаноатлантирилсин.

«Д–ЛДТ» ҚК нинг Н. вилояти Олмазор тумани Гулбаҳор шаҳарчасида жойлашган фаолият кўрсатмаётган филиали ташқи бошқарув муддатига мувофиқ консервация қилинсин.

Ташқи бошқарувчи филиални консервация қилинишида ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 сентябрда тасдиқланган фаолият кўрсатмаётган асосий восита ва қурилиши тугатилмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисидаги 401-сонли Низомига мувофиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Судья _____

Қонуннинг 110-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Корхонани (бизнесни) сотишдан тушган сумма ҳисобидан кредиторларнинг талабларини тўла ҳажмда қондирилиши муносабати билан иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Иш юритишни тугатиш ҳақида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида аризачи МЧЖ «X» нинг қарздор «Z» фирмасига нисбатан банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ қўзғатилган иш бўйича ташқи бошқарувчининг иш юритишни тугатиш ҳақидаги аризасини ташқи бошқарувчи С.Қаршибоев, кредиторлар вакили _____, қарздорнинг вакили _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажрими билан қарздорга нисбатан 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий қилинган.

2009 йил 1 апрелда ташкил этилган кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарув режаси тасдиқланиб, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг чора-тадбирлари сифатида корхонани (бизнесни) мулкий коплекс тарзида сотиш, бунинг натижасида қарздорга кредиторлар олдидаги қарзини тўлаш ҳамда шу билан бирга тўлов қобилиятини тиклаб олиш имкониятини бериши назарда тутилган.

Ташқи бошқарув чоғида очиқ кимошди савдоси ўтказилиб, бунинг натижасида кимошди савдо ғолиби ва ташқи бошқарувчи ўртасида корхонанинг (бизнесни) олди-сотди шартномаси тузилган. Шунга кўра, корхонани (бизнесни) сотиш чора-тадбири натижасида қўлга киритилган маблағ кредитор талабларини тўла ҳажмда қоплаш учун етарли бўлганлиги сабабли, суд бошқарувчиси судга иш юритувини тугатиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган.

Суд мажлисида ташқи бошқарувчи корхонани (бизнесни) сотилганлик фактини тасдиқлаб, кредитор талабларининг умумий суммаси 147,8 млн сўмни ташкил этиб, айни вақтдаги қарзлар суммаси 12,5 млн сўмни ташкил этади, корхона (бизнес) эса 200 млн сўмга сотилиб, сотиб олувчи томонидан қарздорнинг ҳисобварағига ўтказилганлигини эътироф этди.

Қарздорнинг вакили суд бошқарувчисининг аризасини маъқуллаб, иш юритувни тугатишни сўради.

Ташқи бошқарувчи ва қарздор вакилининг важларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд ташқи бошқарувчи аризасини қаноатлантириб, банкротлик тўғрисидаги ишни қуйидаги асосларга кўра тугатишни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлдики, суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажрими билан қарздорга 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий қилинган. Ташқи бошқарув режасига кўра, кредитор талабларининг реестрига киритилган кредитор талабларининг умумий суммаси 147,8 млн сўмни ташкил этиб, бу талаблар корхонани (бизнесни) сотиш амалга оширилгандан кейин қаноатлантирилиши назарда тутилган.

Ташқи бошқарув жараёнида ташқи бошқарувчи талаби билан мол-мулкни баҳолаш ташкилоти томонидан корхонани (бизнесни) баҳолаш амалга оширилиб, унга кўра қарздор мол-мулки 180 млн сўм деб баҳоланган.

Ташкил қилинган кимошди савдосида «Х–Инвест» ОАЖ ғолиб деб топилган ва ташқи бошқарувчи билан корхонанинг (бизнесни) олди-сотди шартномаси имзоланиб, унга кўра мол-мулк 200 млн сўмга сотилган.

«Банкротлик тўғрисида» ги Қонуннинг 110-моддаси 16-қисмига кўра, агар корхонани (бизнесни) олди-сотдисидан тушган маблағ ҳисобидан қарздор кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондира олса, унда ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги иш юритувини тугатишга ҳақли.

Бундай ҳолларда, корхонанинг (бизнесни) олди-сотдисидан тушган маблағ кредитор талабларини тўла ҳажмда қондира олса, суд ташқи бошқарувчининг аризасини қаноатлантириб, банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш лозим деб топади.

Юқорида келтирилганларга асосланиб ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонуннинг 56, 110-моддалари, ЎзР ХПК 86, 151-моддалари талабларига кўра, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Ташқи бошқарувчи аризаси қаноатлантирилсин.

«Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги иш тугатилсин.

Ташқи бошқарувчи уч кунлик муддат ичида чоп этиш учун банкротлик иши тугатилганлиги тўғрисидаги хабарни расмий нашриёт манзилига юборсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 2

Корхонани (бизнесни) сотишдан тушган сумма ҳисобидан кредиторларнинг талабларини тўла ҳажмда қондириш имкони бўлмаганлиги сабабли қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувини бошлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида аризачи МЧЖ «X» нинг қарздор «Z» фирмасига нисбатан банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ қўзғатилган иш бўйича ташқи бошқарувчининг иш юритишни тугатиш ҳақидаги аризасини ташқи бошқарувчи С.Қаршибоев, кредиторлар вакили _____, қарздорнинг вакили _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажрими билан қарздорга нисбатан 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий қилинган.

2009 йил 1 апрелда ташкил этилган кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарув режаси тасдиқланиб, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг чора-тадбирлари сифатида корхонани (бизнесни) мулкий коплекс тарзида сотиш, бунинг натижасида қарздорга кредиторлар олдидаги қарзини тўлаш ҳамда шу билан бирга тўлов қобилиятини тиклаб олиш имкониятини бериши назарда тутилган.

Ташқи бошқарув чоғида очиқ кимошди савдоси ўтказилиб, бунинг натижасида кимошди савдо ғолиби ва ташқи бошқарувчи ўртасида корхонанинг (бизнесни) олди-сотди шартномаси тузилган. Бироқ корхонани (бизнесни) сотиш чора-тадбири натижасида қўлга киритилган маблағ кредитор талабларини тўла ҳажмда қоплаш учун етарли бўлмаган ва кредиторлар билан келишув битимига эришила олинмаганлиги сабабли, ташқи бошқарувчи суд-

га қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган.

Суд мажлисида ташқи бошқарувчи корхонани (бизнесни) сотилганлик фактини тасдиқлаб, кредитор талабларининг умумий суммаси 147,8 млн сўмни ташкил этиб, айни вақтдаги қарзлар суммаси 12,5 млн сўмни ташкил этади, корхона (бизнес) эса 150 млн сўмга сотилиб, сотиб олувчи томонидан қарздорнинг ҳисоб варағига ўтказилганлигини эътироф этди.

Кредиторлар вакили ҳам суд бошқарувчисининг аризасини маъқуллаб, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўради.

Ташқи бошқарувчи ва қарздор вакилининг важларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд ташқи бошқарувчи аризасини қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлдики, суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажрими билан қарздорга 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий қилинган. Ташқи бошқарув режасига кўра, кредитор талабларининг реестрига киритилган кредитор талабларининг умумий суммаси 147,8 млн сўмни ташкил этиб, бу талаблар корхонани(бизнесни) сотиш амалга оширилгандан кейин қаноатлантирилиши назарда тутилган.

Ташқи бошқарув жараёнида ташқи бошқарувчи талаби билан мол-мулкни баҳолаш ташкилоти томонидан корхонани (бизнесни) баҳолаш амалга оширилиб, унга кўра қарздор мол-мулки 140 млн сўм деб баҳоланган. Ташкил қилинган кимошди савдосида «Х–Инвест» ОАЖ ғолиб деб топилган ва ташқи бошқарувчи билан корхонани (бизнесни) олди-сотди шартномаси имзоланиб, унга кўра мол-мулк 150 млн сўмга сотилган.

«Банкротлик тўғрисида» ги Қонуннинг 110-моддаси 16-қисмига кўра, агар корхонани (бизнесни) олди-сотдисидан тушган маблағ ҳисобидан қарздор кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондира олмаса, унда ташқи бошқарувчи кредиторлар билан келишув битими тузишни таклиф этади. Келишув битимига эришилмаса, ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Ташқи бошқарувчининг маълум қилишича, корхонанинг (бизнесни) олди-сотдисидан тушган маблағ ҳисобидан қарздор кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондира олмаган ва суд бошқарувчиси томонидан кредиторлар билан келишув битими тузиш таклиф қилинган. Бироқ кредиторлар билан келишув битимига эришилмаган, шунга кўра ташқи бошқарувчи қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида судга ариза билан мурожжат қилган.

Бундай ҳолларда, агар корхонанинг (бизнесни) олди-сотдисидан тушган маблағ ҳисобидан кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондириш учун етарли бўлмаса ва Қонуннинг 4,5-моддасида белгиланган банкротликнинг барча аломатлари мавжуд бўлса, суд қарздорни банкрот деб топиш ва туга-

тишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиш лозим деб топади.

Шунга кўра, ташқи бошқарувчининг аризасига биноан қарздор банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритуви бошланса, ташқи бошқарувчи тугатишга доир иш юритувини бошқарувчи шахс номзодини ҳамда унга тўланадиган маош масаласини кўриб чиқиш учун кредиторлар йиғилишини ташкил қилиши ва ўтказиши лозим.

Юқорида келтирилганларга асосланиб ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонуннинг 4,5, 110 ва 124-моддалари, ЎзР ХПК 86, 135, 138-моддалари талабларига кўра, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ташқи бошқарувчи аризаси қаноатлантирилсин.

«Z» фирмаси банкрот деб топилсин ва тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

Ташқи бошқарувчига:

– уч кун ичида расмий нашриёт манзилига чоп этиш учун қарздорни банкрот деб топилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги ҳақида хабар жўнатсин ҳамда судга нашр этилганликнинг исботи тақдим қилсин;.

– уч ҳафталик муддат ичида кредиторлар йиғилишини ташкил қилсин ва ўтказсин, ушбу йиғилишда тугатишга доир иш юритувини бошқарувчи номзод ва унга тўланадиган маош масаласи ҳал этилсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 118-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик иши юритувини тугатиш тўғрисидаги ажрим

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик иши юритувини тугатиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида аризачи МЧЖ «X» нинг қарздор «Z» фирмасига нисбатан банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ қўзғатилган иш бўйича ташқи бошқарувчининг ҳисоботини ташқи бошқарувчи С.Қаршибоев, МЧЖ «Бизнес Мадад» вакили _____, қарздорнинг вакили _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажримига кўра, қарздорга нисбатан 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий этилган.

2009 йил 1 апрелда бўлиб ўтган кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарувчи томонидан ишлаб чиқилган ташқи бошқарув режаси кўриб чиқилган, мазкур режага кўра, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг чора-тадбири сифатида ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш белгиланиб, натижада 12 ой муддат ичида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш амалга оширилиши кўзда тутилган.

Ташқи бошқарувнинг якунланиши муносабати билан суд бошқарувчиси томонидан кредиторлар йиғилишига ҳисобот тақдим қилинган, бу ҳисобот 2010 йил 5 мартда ўтказилган кредиторлар йиғилишида кўриб чиқилган.

Шунга кўра, қарздор томонидан кредиторларнинг барча талаблари, кредитор талабларининг реестри билан бирга қаноатлантирилганлиги сабабли,

кредиторлар йиғилиши судга банкротлик бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилган.

Суд мажлисида ташқи бошқарувчининг изоҳларига кўра, ташқи бошқарув режасида белгиланганидек, ишлаб чиқариш ислоҳ қилинган ва рақобат талаб маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ҳамда фаолият кўрсатмай турган цехларнинг бир қисми сотилиб, натижада қарздорнинг тўлов қобилиятини тикланиши ва кредитор талаблари реестрига киритилган барча талаблар қаноатлантирилишига эришилган.

Кредиторлар вакили ҳам қарздор томонидан барча қарзлар тўланганлик фактини тасдиқлади.

Қарздорнинг вакили кўрсатмаларига кўра, кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилган ва корхонанинг айни вақтда ҳеч қандай қарзи қолмаган. Шунга кўра қарздор вакили банкротлик бўйича иш юритишни тугатишни сўради.

Ташқи бошқарувчи ва тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд ташқи бошқарувчи ҳисоботини тегишлича тасдиқлаш ва банкротлик бўйича иш юритишни қуйидаги асосларга кўра тугатиш лозим деб топади:

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажрими билан қарздорга нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий қилинган.Ташқи бошқарув режасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш чора-тадбирлари сифатида ишлаб чиқаришини ислоҳ қилиш, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш кўзда тутилган бўлиб, бунга кўра қарздор 12 ой муддат ичида тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга бўлади деб тахмин қилинган.

Кредиторларнинг талаблари реестрига кўра умумий қарз суммаси 61604432 сўмни ташкил қилган.

Ташқи бошқарувчи ҳисоботидан маълум бўлишича, ишлаб чиқариш ислоҳ қилинган ва рақобатталаб маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ҳамда фаолият кўрсатмай турган цехларнинг бир қисми сотилиб, натижада қарздорнинг тўлов қобилиятини тикланиши ва кредиторларнинг барча талаблари, жумладан кредитор талаблари реестрига киритилган барча талаблар қаноатлантирилишига эришилган.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 118-моддасига кўра, кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган талаблар билан бирга кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилган бўлса, ташқи бошқарувчи ҳисоботи тегишли равишда тасдиқланиши лозим.

Бундай ҳолларда, агар кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган талаблар билан бирга кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилган бўлса, суд ташқи бошқрувчи ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида қарор қабул қилиш лозим деб топади.

Юқоридагиларга ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 25, 118-моддалари, ЎзР ХПК 86 ва 151-моддаларига асосланиб суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Z» фирмаси ташқи бошқарувчиси ҳисоботи тасдиқлансин.

«Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги иш юритиш тугатилсин.

Ташқи бошқарувчи уч кун ичида банкротлик бўйича иш юритиш тугатилганлиги ҳақида хабарни чоп этиш учун расмий нашриёт манзилига юборсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 2

Хўжалик суди томонидан келишув битимининг тасдиқланиши муносабати билан банкротлик бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Келишув биримини тасдиқлаш ва иш юритувини тугатиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида аризачи МЧЖ «X» нинг қарздор «Z» фирмасига нисбатан банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ қўзғатилган иш бўйича ташқи бошқарувчининг ҳисоботини ташқи бошқарувчи С.Қаршибоев, МЧЖ «Бизнес Мадад» вакили _____, қарздорнинг вакили _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажримига кўра қарздорга нисбатан 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий этилган.

2009 йил 1 апрелда бўлиб ўтган кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарувчи томонидан ишлаб чиқилган ташқи бошқарув режаси кўриб чиқилган,

мазкур режага кўра, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг чора-тадбири сифатида ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш белгиланиб, натижада 12 ой муддат ичида қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши амалга оширилиши кўзда тутилган.

Ташқи бошқарувнинг якунланиши муносабати билан суд бошқарувчиси томонидан кредиторлар йиғилишига ҳисобот тақдим қилинган, бу ҳисобот 2010 йил 5 мартда ўтказилган кредиторлар йиғилишида кўриб чиқилган. Шунга кўра, қарздор кредиторларнинг талаблари, жумладан кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган талаблари билан бирга, ушбу талаблари тўла ҳажмда қаноатлантира олмаган ва тўланмай қолган 36 млн сўм бўйича қарздор билан кредиторлар ўртасида келишув битими тузилган. Мазкур келишув битимига кўра, қарздор 6 ой мабайнида қарзларни тўлаш жадвалида кўрсатилган муддатларда қолган қарзни тўлаши лозим. Кредиторлар йиғилиши судга келишув битимини тасдиқлаш ва қарздорга нисбатан банкротлик бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилган.

Суд мажлисида ташқи бошқарувчининг изоҳларига кўра, ташқи бошқарув режасида белгиланганидек, ишлаб чиқариш ислоҳ қилинган ва рақобатталаб маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ҳамда фаолият кўрсатмай турган цехларнинг бир қисми сотилган. Бироқ кўлга киритилган маблағ кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондириш учун етарли бўлмай, тўланмай қолган қарз суммаси 36 млн сўмни ташкил қилган ва шу бўйича кредиторлар билан қарздор ўртасида келишув битими имзоланган.

Кредиторлар вакили ҳам кредиторларнинг талаблари қисман қаноатлантирилганлик фактини тасдиқлаб, келишув битимини тасдиқлашни сўради.

Қарздор вакили кредиторлар билан келишув битимига эришилганлигини баён қилиб, ушбу битимни тасдиқлаш ҳамда банкротлик бўйича иш юритишни тугатишни сўради.

Ташқи бошқарувчи ва тарафлар вакилларининг фикрларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга кўра келишув битимини тасдиқлаш ҳамда банкротлик бўйича иш юритишни тугатиш лозим деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажрими билан қарздорга нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий қилинган. Ташқи бошқарув режасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш чора-тадбирлари сифатида ишлаб чиқаришини ислоҳ қилиш, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш кўзда тутилган бўлиб, бунга кўра қарздор 12 ой муддат ичида тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга бўлади деб тахмин қилинган.

Кредиторларнинг талаблари реестрига кўра умумий қарз суммаси 61604432 сўмни ташкил қилган.

Ташқи бошқарувчи ҳисоботидан маълум бўлишича, ишлаб чиқариш ислоҳ қилинган ва рақобатталаб маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ҳамда

фаолият кўрсатмай турган цехларнинг бир қисми сотилган. Натижада ташқи бошқарув режасини амалга оширилиши билан кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган талаблар билан бирга кредиторларнинг қолган талабларини қисман қаноатлантиришга эришилган, тўланмай қолган қарз суммаси эса 36 млн сўмни ташкил қилган.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади)нинг 118-моддаси талабларига кўра, агар кредиторлар ва қарздор ўртасида келишув битими имзоланса, ташқи бошқарувчи мазкур битимни хўжалик судида тасдиқлатиши лозим.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, ташқи бошқарувчи томонидан кредиторлар йиғилишига ташқи бошқарув ҳисоботи билан бирга келишув битимини тузиш таклифи ҳам киритилган, унга кўра қарздор 6 ой муддат давомида тўланмай қолган қарзни тўлаш мажбуриятини олиши кўрсатиб ўтилган.

Ташқи бошқарувчи ҳисоботига илова қилинган ҳужжатлардан маълум бўлишича, мазкур Қонуннинг 134-моддаси, 1-қисмида белгиланганидек, қарздор томонидан харажатлар қопланган ва талаблар қаноатлантирилган, шунингдек, қарздорда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича талаблар, гаров мажбуриятлари мавжуд эмас.

Бундай ҳолларда, яъни тасдиқлаш учун тақдим қилинган келишув битими қонунларга хилоф бўлмаса ҳамда учинчи шахс ҳуқуқларини бузмаса, суд ташқи бошқарувчи ҳисоботини ва келишув битимни тасдиқлаб, банкротлик бўйича иш юритишни тугатиш лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонуннинг 56, 118, 145, 149-моддалари, ЎзР ХПК 151-моддасига асосланиб суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ташқи бошқарувчи ҳисоботи ва «Z» фирмаси ва кредиторлар ўртасида 2010 йил 5 март куни имзоланган келишув битими қуйидаги шарт билан тасдиқлансин:

– кредиторлар қарздорга 6 ой давомида, яъни 2010 йилнинг 5 сентябригача пул мажбуриятларини тўлашни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имкониятини тақдим этадилар;

– қарздор кредиторларга тўланмай қолган 36 млн сўм қарзни 6 ой давомида бўлиб-бўлиб тўлайди ва тегишли сумма ҳар ойнинг 25 санасидан кечиктирилмай пуллик тўлов тарзида ўтказилади;

Иш юритиш тугатилсин.

Ташқи бошқарувчи уч кун ичида банкротлик бўйича иш юритиш тугатилганлиги ҳақидаги маълумотни чоп этиш учун расмий нашриёт манзилига юборсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 3

Қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан кредиторлар йиғилишининг илтимосномасига кўра ташқи бошқарувни бекор қилиниши туфайли кредиторлар билан ҳисоб-китобни бошлаш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Кредиторлар билан ҳисоб-китобга ўтиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида аризачи МЧЖ «X» нинг қарздор «Z» фирмасига нисбатан банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ қўзғатилган иш бўйича кредиторлар йиғилишининг қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни якунлаш ҳақидаги илтимосномасини ташқи бошқарувчи С.Қаршибоев, кредиторларнинг вакили _____, қарздорнинг вакили _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажримига кўра, қарздорга нисбатан 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий этилган.

2009 йил 1 апрелда бўлиб ўтган кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарувчи томонидан ишлаб чиқилган ташқи бошқарув режаси кўриб чиқилган, мазкур режага кўра, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг чора-тадбири сифатида ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш белгиланиб, натижада 12 ой муддат ичида қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши амалга оширилиши кўзда тутилган.

Ташқи бошқарув жараёнида, рақобатталаб маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, шунингдек очиқ кимошди савдоси ташкил қилиниб, қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилган. Тўпланган маблағлар эса кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторлар талабларини қондириш учун етарли бўлган, ташқи бошқарув муддати якунлангунига қадар суд

бошқарувчиси кредиторлар йиғилишига ҳисобот тақдим қилган. 2009 йил 20 ноябрда бўлиб ўтган кредиторлар йиғлишида ташқи бошқарувчининг ҳисоботи кўриб чиқилган, натижада кредиторлар йиғилиши қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни бекор қилиш тўғрисида судга илтимоснома тақдим қилиш ҳақида қарор қабул қилган.

Суд мажлисида ташқи бошқарувчи тўпланган маблағлар кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторлар талабларини қондириш учун етарли бўлганлик фактини тасдиқлаб, кредиторларнинг илтимосномасини қаноатлантиришни сўради.

Шунингдек, қарздор вакили ҳам кредиторлар йиғилиши илтимосномасини қўллаб-қувватлаб, иш юритишни тугатишни сўради.

Ташқи бошқарувчи ва қарздорнинг вакили изоҳларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд ташқи бошқарувчи ҳисоботини тегишли тартибда тасдиқлаб, қуйидаги асосларга кўра кредиторлар йиғилиши илтимосномасини қаноатлантириш лозим деб топади:

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажримига кўра қарздорга нисбатан 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий қилинган. Ташқи бошқарув режасига кўра, қарздорнинг кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган талаблар билан биргаликда барча талаблар суммаси 147,8 млн сўмни ташкил этиб, мазкур талаблар ташқи бошқарув режасида белгиланган чора-тадбирлар, яъни ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш ҳамда қарздорнинг мол-мулкини бир қисмини сотиш йўли билан қаноатлантириш кўзда тутилган.

Ташқи бошқарув жараёнида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, шунингдек ташкил этилган очиқ кимошди савдосида қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилган, натижада қўлга киритилган маблағ 167 млн сўмни ташкил этади.

Шунга кўра, йиғилган пул маблағлари кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлганлиги сабабли ташқи бошқарувчи томонидан кредиторлар йиғилишига ҳисобот тақдим қилган, 2009 йил 20 ноябрда бўлиб ўтган кредиторлар йиғилишида мазкур ҳисобот кўриб чиқилиб, тасдиқланган ҳамда қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни бекор қилиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китобга ўтиш тўғрисида судга мурожаат қилиш ҳақида қарор қабул қилинган.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 118-моддаси 4-қисмига кўра, агар кредиторлар йиғилиши қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни бекор қилиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китобга ўтиш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳақида қарор қабул қилган бўлса, у ҳолда ташқи бошқарувчи ҳисоботи хўжалик суди томонидан тасдиқланиши мумкин.

Қонуннинг мазкур моддаси 6-қисмига мувофиқ, кредиторлар йиғилишининг қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни якунлаш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилса, хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувчи ҳисоботи кўриб чиқилиши натижасида кредиторлар билан ҳисоб-китобга ўтиш тўғрисида ажрим қабул қилиниши лозим.

Бундай ҳолларда, тўпланган маблағлар кредитоларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторлар талабларини қондириш учун етарли бўлса, суд ташқи бошқарувчи ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда кредиторлар йиғилишининг қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни бекор қилишни сўраб тақдим қилган илтимосномасини қаноатлантириш лозим деб топади.

Юқорида келтирилганларга ҳамда Ўз.Р «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 118, 119-моддлари, Ўз.Р ХПК 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Ташқи бошқарувчи ҳисоботи тасдиқлансин.

Кредиторлар йиғилишининг қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни бекор қилиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китобга ўтиш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Кредиторлар билан ҳисоб-китобга ўтилсин.

Ташқи бошқарувчи мазкур ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида кредиторлар билан ҳисоб-китобни якунласин ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб якунлари бўйича ҳисобот тақдим қилсин.

Судья _____

Илова № 4

Ташқи бошқарувчининг муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобни бошлаш тўғрисидаги илтимосномасига кўра муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобни бошлаш ҳақида суд ажрими

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобни бошлаш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида аризачи МЧЖ «X» нинг қарздор «Z» фирмасига нисбатан банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ қўзғатилган иш бўйича ташқи бошқарувчининг муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобни бошлаш тўғрисидаги илтимосномасини ташқи бошқарувчи С.Қаршибоев, кредиторларнинг вакили _____, қарздорнинг вакили _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажримига кўра, қарздорга нисбатан 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий этилган.

2009 йил 1 апрелда бўлиб ўтган кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарувчи томонидан ишлаб чиқилган ташқи бошқарув режаси кўриб чиқилган, мазкур режага кўра, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг чоратадбири сифатида ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш белгиланиб, натижада 12 ой муддат ичида қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиш амалга оширилиши кўзда тутилган.

Ташқи бошқарув жараёнида, ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш чоратадбирлари кўрилган ва рақобатталаб маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, шунингдек очиқ кимошди савдоси ташкил қилиниб, қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилган. Шунга кўра, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотишдан тушган маблағ биринчи навбатдаги кредиторлар талабларини қондириш учун етарли бўлиб, суд бошқарувчиси судга ҳисобот ҳамда

биринчи навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобни бошлаш ҳақидаги илтимоснома тақдим қилган.

Суд мажлисида ташқи бошқарувчи тўпланган пул маблағлари биринчи навбатдаги кредиторлар талабини қондириш учун етарли эканлик фактини тасдиқлади ва илтимосномани қаноатлантиришни сўради.

Кредиторларнинг вакили ҳам қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотишдан тушган маблағ биринчи навбатдаги кредиторлар талабини қондириш учун етарли эканлигини тасдиқлади ва суд бошқарувчиси илтимосномасини қаноатлантиришни сўради.

Ташқи бошқарувчи ва кредиторларнинг вакили фикрларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд ташқи бошқарувчи ҳисоботини тегишли тартибда тасдиқлаш ҳамда илтимосномани қуйидаги асослар бўйича қаноатлантириш лозим деб топади:

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажримига кўра қарздорга нисбатан 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий қилинган. Ташқи бошқарув режасига кўра, қарздорнинг кредиторларнинг талаблари реестрига китирилган талаблар билан биргаликда барча талаблар суммаси 147,8 млн сўмни ташкил этиб, мазкур талаблар ташқи бошқарув режасида белгиланган чора-тадбирлар, яъни ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш ҳамда қарздорнинг мол-мулкини бир қисмини сотиш йўли билан қаноатлантириш кўзда тутилган.

Кредиторларнинг талаблари реестрига кўра, биринчи навбатадаги кредиторлар талабларининг умумий суммаси 84 млн сўм бўлиб, шундан:

– 53 млн сўм – мажбурий тўловларни назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича;

– 14 млн сўм –иш ҳақи тўлаш учун пул маблағларини берилишини назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича;

– 11 млн сўм – алиментларни ундириш тўғрисидаги талабларни қондириш учун ҳисобварақдан пул маблағларини ўтказишни (беришни) назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича;

– 4 млн сўм –муаллифлик шартномалари юзасидан талабларни қондириш учун ҳисобварақдан пул маблағларини ўтказишни (беришни) назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича.

Ташқи бошқарув чоғида ўтказилган очиқ кимошди савдосида қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилиб, шундан тушган маблағ 95 млн сўмни ташкил этади.

Йиғилган пул маблағлари биринчи навбатдаги кредиторлар талабини қондириш учун етарли бўлганлиги сабабли, суд бошқарувчиси томонидан судга ҳисобот ва биринчи навбатда талаблари қондирилиши лозим бўлган кредиторлар билан ҳисоб-китобни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома тақдим қилинган.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади)118-моддаси 4-қисмига кўра, агар ташқи бошқарувчи то-

монидан муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома тақдим қилинган бўлса, у ҳолда хўжалик суди ташқи бошқарувчи ҳисоботини тегишли тартибда тасдиқлашга ҳақли.

Қонуннинг мазкур моддаси 6-қисмига кўра, кредиторлар йиғилиши ёки ташқи бошқарувчининг муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилган ҳолларда, ташқи бошқарувчи ҳисоботини кўриб чиқиш натижасида хўжалик суди муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобни бошлаш тўғрисида ажрим қабул қилади.

Бундай ҳолларда, тўпланган пул маблағлари биринчи навбатдаги кердиторлар талабларини қондириш учун етарли бўлса, суд ташқи бошқарувчининг ҳисоботи ва илтимосномасини қаноатлантириш лозим деб топади.

Қонуннинг 120-моддасиси 2-қисмига кўра, хўжалик судининг муайян навбатдаги кредитолар билан ҳисоб-китобни бошлаш тўғрисидаги ажримида қуйидагилар белгилаб қўйилади :

– талаблари қондирилиши бошланадиган кредиторлар талабларини қондириш навбати;

– навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни тугаллаш навбатининг мазкур ажрим чиқарилган санадан эътиборан икки ойдан ошмаслиги шарт бўлган муддати;

– бундай навбатдаги кредиторлар талабларини қондириш нисбатлари .

Тўпланган пул маблағлари биринчи набватдаги барча кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлса, суд ажримга фақат ҳисоб-китобларни якунлаш муддатини белгилашни лозим топади.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 118, 120-моддалари ва, ЎзР ХПК 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Ташқи бошқарувчи ҳисоботи тасдиқлансин.

Ташқи бошқарувчининг биринчи навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобни бошлаш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Ҳисоб-китоб қилиш биринчи навбатдаги кредитолар билан бошлансин.

Ташқи бошқарувчи мазкур ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида биринчи навбатдаги барча кредиторлар билан ҳисоб-китобни якунласин.

Судья _____

Илова № 5

Ташқи бошқарувни узайтириш тўғрисида илтимосномани қаноатлантириш билан ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрим

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида аризачи МЧЖ «X» нинг қарздор «Z» фирмасига нисбатан банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ қўзғатилган иш бўйича кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарув муддатини узайтиришни сўраб берган илтимосномасини, ташқи бошқарувчи С.Қаршибоев, кредиторларнинг вакили _____, қарздорнинг вакили _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажримига кўра, қарздорга нисбатан 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий этилган.

2009 йил 1 апрелда бўлиб ўтган кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарувчи томонидан ишлаб чиқилган ташқи бошқарув режаси кўриб чиқилган, мазкур режага кўра, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг чоратадбири сифатида ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш белгиланиб, натижада 12 ой муддат ичида қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиш амалга оширилиши кўзда тутилган.

Суд мажлисида ташқи бошқарувчининг изоҳлашига кўра, ташқи бошқарув режасига мувофиқ ишлаб чиқариш ислоҳ қилиниб, қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилган. Лекин тўпланган пул маблағлари барча кредиторлар талабларини қондириш учун етарли бўлмай, тўланмай қолган 36 млн сўмни қарздор 6 ой ичида тўлаш имкониятига эга.

Қарздорнинг вакили сўзларига кўра, қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти қониқарли бўлиб, тўлов қобилияти деярли тикланган, шунга кўра вакил кредиторлар йиғилиши илтимосномасини қаноатлантиришни сўради.

Ташқи бошқарувчи ва тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд кредиторлар йиғилиши илтимосномасини қуйидаги асосларга кўра қаноатлантириш лозим деб топади.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажрими билан қарздорга 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий қиинган. Ташқи бошқарув режасига кўра, ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш чора-тадбирлари натижасида қарздор 12 ой ичида тўлов қобилиятини тиклаб олади.

Кредиторларнинг талаблари реестрига кўра, кредиторларга тўланиши лозим бўлган қазрнинг умумий суммаси 61604432 сўмни ташкил қилади.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботига кўра, ташқи бошқарув режасига мувофиқ ишлаб чиқариш ислоҳ қилиниб, қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилган. Лекин тўпланган пул маблағлари барча кредиторлар талабларини қондириш учун етарли бўлмай, тўланмай қолган қарз суммаси 36 млн сўмни ташил этган.

ЎзР «Банкторлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 118-моддаси 4-қисмига кўра, агар кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома тақдим қилиш ҳақида қарор қабул қилган бўлса, у ҳолда ташқи бошқарувчи ҳисоботи суд томонидан тасдиқланиши мумкин.

Ташқи бошқарув муддати тугаганлиги муносабати билан ташқи бошқарувчи 2010 йил 5 мартда бўлиб ўтган кредиторлар йиғилишига ҳисобот тақдим қилган. Қарздор томонидан кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган кредитор талабларини тўла ҳажмда қондира олмаганлиги, тўланмай қолган 36 млн сўм қарздор томонидан 6 ой ичида тўланиши мумкинлиги аниқ бўлгач, кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарув муддатини 6 ойга узайтиришни сўраб судга илтимоснома тақдим қилиш ҳақида қарор қабул қилган.

Қонуннинг 118-моддаси 6-қисмига кўра, ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома қаноатлантирилган ҳолларда ташқи бошқарув ҳисоботини кўриб чиқиб, хўжалик суди ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисида ажрим қабул қилишга ҳақли.

Бу каби ҳолатларда, суд кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги илимосномасини қаноатлантириш лозим деб топади.

ЎзР «Банкторлик тўғрисида» ги Қонуннинг 50,91 ва 118-моддалари ҳамда ЎзР ХПК 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Ташқи бошқарувчи ҳисоботи тасдиқлансин.

«Z» фирмаси кредиторлар йиғилиши илтимосномаси қаноатлантирилсин.

«Z» фирмасига нисбатан жорий қилинган ташқи бошқарув муддати 18 ой қилиб узайтирилсин.

Ташқи бошқарувчига:

– ташқи бошқарув режасини амалга оширишда ташқи бошқарувчига нисбатан қонунларда белгиланган мажбуриятларни бажариш чора-тадбиларини белгиласин;

– ташқи бошқарув муддатини 2010 йилнинг 15 сентябридан кечиктирмай якунласин, ташқи бошқарувни муддатидан олдин тўхтатиш асослари вужудга келган ҳолатда, бундай ҳолатлар вужудга келишидан олдин 1 ой муддатдан кечиктирмай кредиторлар йиғилишида кўриб чиқилган ташқи бошқарув ҳулосаси ва кридеторлар йиғилиши баённомаси билан бирга «Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонуннинг 118-моддасида белгиланган хужжатларни судга тақдим қилсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 6

Ташқи бошқарувчи ҳисоботини тасдиқлаш рад этилиши муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарори

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида аризачи МЧЖ «X» нинг қарздор «Z» фирмасига нисбатан банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ қўзғатилган иш бўйича ташқи бошқарувчининг ҳисоботини ташқи бошқарувчи С.Қаршибоев, кредиторларнинг вакили _____, қарздорнинг вакили _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажримига кўра, қарздорга нисбатан 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий этилган. 2009 йил 1 апрелда бўлиб ўтган кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарувчи томонидан ишлаб чиқилган ташқи бошқарув режаси кўриб чиқилган, мазкур режага кўра, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг чора-тадбири сифатида ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш, шунингдек, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш белгиланиб, натижада 12 ой муддат ичида қарздорнинг тўлов қобилиятининг тикланиши кўзда тутилган.

Ташқи бошқарув муддати тугаганлиги муносабати билан ташқи бошқарувчи 2010 йил 5 мартда бўлиб ўтган кредиторлар йиғилишига ҳисобот тақдим қилган. Қарздор кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган кредитор талабларини тўла ҳажмда қондира олмаган, тўланмай қолган қарз суммаси эса 36 млн сўмни ташкил қилган, шунга кўра кредиторлар йиғилиши қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилган.

Суд мажлисида ташқи бошқарувчининг изоҳлашига кўра, ташқи бошқарув режасига мувофиқ ишлаб чиқариш ислоҳ қилиниб, қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилган. Лекин тўпланган пул маблағлари барча кредиторлар талабларини қондириш учун етарли бўлмай, тўланмай қолган қарз суммаси 36 мнл сўмни ташкил этади.

Қарздор вакилининг сўзларига кўра, қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти қониқарли бўлиб, корхона тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга, шунга кўра вакил ташқи бошқарув муддатини 6 ойга узайтиришни сўради.

Ташқи бошқарувчи ва тарафлар вакиларининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга кўра ташқи бошқарувчининг хулосасини тасдиқлаш рад этилиши лозим деб топди:

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажрими билан қарздорга 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий қиинган. Ташқи бошқарув режасига кўра, ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш, қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш чора-тадбирлари натижасида қарздор 12 ой ичида тўлов қобилиятини тиклаб олади.

Кредиторларнинг талаблари реестрига кўра, кредиторларга тўланиши лозим бўлган қазрнинг умумий суммаси 61604432 сўмни ташкил қилади.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботига кўра, ташқи бошқарув режасига мувофиқ ишлаб чиқариш ислоҳ қилиниб, қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилган. Лекин тўпланган пул маблағлари барча кредиторлар талабларини қондириш учун етарли бўлмай, тўланмай қолган қарз суммаси 36 млн сўмни ташкил этган.

ЎзР «Банкторлик тўғрисида» ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 118-моддаси 4-қисмига кўра, агар кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган барча кредитор талаблари қондирилмаган бўлса, суд ташқи бошқарувчи ҳисоботини тасдиқлашни рад этишга ҳақли.

Қонуннинг мазкур моддаси 6-қисмига кўра, агар кредиторлар йиғилишининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимосномаси бўлса, шунингдек ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни хўжалик суди рад этган бўлса, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Бундай ҳолларда, яъни қарзни тўлаш жадвалига мувофиқ барча кредиторларнинг талаблари қондирилмаган бўлса, суд ташқи бошқарувчи ҳисоботини тасдиқлашни рад этишга ҳақли.

Қонуннинг 4 ва 5-моддаларида белгиланган банкротликнинг барча аломатлари мавжуд бўлиб, шунингдек, қарздор ўз тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга бўлмаса, суд қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиш лозим деб ҳисоблайди.

Кредиторлар йиғилиш томонидан тугатишга доир иш юритиш бошқарувчиси номзоди тақдим қилинмаганлиги сабабли, ташқи бошқарувчи тугатишга доир иш юритиш бошқарувчиси номзодини кўриб чиқиш ва унга маош тайинлаш масаласини ҳал қилиши учун кредиторлар йиғилишини ташкил қилиши лозим.

«Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонуннинг 4, 5, 118 ва 124-моддалари ҳамда ЎзР ХПК 135, 138-моддаларига асосланиб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«Z» фирмаси ташқи бошқарувчисининг ҳисоботини тасдиқлаш рад этилсин.

«Z» фирмаси банкрот деб топилсин ва тугатишга доир иш юритуви бошлансин.

Ташқи бошқарувчига:

– уч кун ичида расмий нашриёт манзилига чоп этиш учун қарздор банкрот деб топилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги ҳақида хабар юборсин ҳамда судга нашр этилганликнинг исботини тақдим қилсин;

– уч ҳафталик муддат ичида кредиторлар йиғилишини ташкил қилсин ва ўтказсин, ушбу йиғилишда тугатишга доир иш юритувини бошқарувчи номзоди ва унга тўланадиган маош масаласи ҳал этилсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 119-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Кредиторлар билан олиб борилган ҳисоб-китоблар якунлари бўйича хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувчининг ҳисоботи кўриб чиқилганлиги муносабати билан банкротлик бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Иш юритишни тугатиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида аризачи МЧЖ «X» нинг қарздор «Z» фирмасига нисбатан банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ кўзғатилган иш бўйича ташқи бошқарувчининг ҳисоботини ташқи бошқарувчи С.Қаршибоев, кредиторларнинг вакили _____, қарздорнинг вакили _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажрими билан қарздорга нисбатан 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий қилинган.

2009 йил 1 апрелда бўлиб ўтган кредиторлар йиғлишида ташқи бошқарув режаси тасдиқланиб, мазкур режага мувофиқ, ишлаб чиқариш ислоҳ қилиниб, ўтказилган очиқ кимошди савдосида қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилган. Шунга кўра қўлга киритилган пул маблағлари кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредитор талабларини қондириш учун етарли бўлган. 2009 йил 20 ноябрда ўтказилган кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарувчи ҳисоботи кўриб чиқилиб, қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни бекор қилиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китобга ўтиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Суднинг 2009 йил 1 декабрдаги ажримига кўра, ташқи бошқарувчи ҳисоботи тасдиқланиб, кредиторлар йиғлишининг қарздорнинг тўлов қоби-

лияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни бекор қилиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китобга ўтишни бошлаш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилган, ташқи бошқарувчига мазкур ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида кредиторлар билан ҳисоб-китобни якунлаш ва унинг якунлари бўйича судга ҳисобот топшириш мажбурияти юклатилган.

Суд ажрими ижросини таъминлаб, суд бошқарувчиси кредиторлар билан олиб борилган ҳисоб-китобларни якунлаб, ҳисоботни судга тақдим қилган.

Ташқи бошқрувчи суд мажлисида кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторлар талаблари қондирилганлигини таъкидлаб, иш юритишни тугатишни сўради.

Кредиторларнинг вакили ҳам кредиторлар талабларини қондирилганлик фактини тасдиқлаб, иш юритишни тугатишни сўради.

Ташқи бошқарувчи ва кредиторларнинг вакили фикрларини тинглаб, иш ҳужатларини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга кўра иш юритишни тугатиш лозим деб топади:

Иш ҳужжатларидан маълум бўлдики, суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажрими билан қарздорга 12 ойлик муддат билан ташқи бошқарув жорий қилинган.Ташқи бошқарув режасига кўра, кредитор талабларининг реестрига киритилган кредитор талабларининг умумий суммаси 147,8 млн сўмни ташкил этиб, бу талаблар ташқи бошқарув режасига кўра ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш ва қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш амалга оширилгандан кейин қаноатлантирилиши назарда тутилган.

Ташқи бошқарув жараёнида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, шунингдек ташкил этилган очиқ кимошди савдосида қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилган, натижада қўлга киритилган маблағ 167 млн сўмни ташкил этади. Шунга кўра, йиғилган пул маблағлари кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлганлиги сабабли ташқи бошқарувчи томонидан кредиторлар йиғилишига ҳисобот тақдим қилинган, 2009 йил 20 ноябрда бўлиб ўтган кредиторлар йиғилишида мазкур ҳисобот кўриб чиқиб тасдиқланган ҳамда қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни бекор қилиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китобга ўтиш тўғрисида судга мурожаат қилиш ҳақида қарор қабул қилинган.

2009 йил 1 декабрдаги суд ажримига кўра, ташқи бошқарувчи ҳисоботи тасдиқланиб, ташқи бошқарувчига мазкур ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида кредиторлар билан ҳисоб-китобни якунлаш ва унинг якунлари бўйича судга ҳисобот топшириш мажбурияти юклатилган.

Суд ажримини ижросини таъминлаш мақсадида ташқи бошқарувчи кредиторлар билан ҳисоб-китобларни якунлаб, бу ҳақидаги ҳисоботни судга тақдим қилган.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 119-моддаси, 3-қисмига кўра, кредиторлар билан ҳисоб-китоблар якунлангач ва ушбу ҳисоб-китоблар якунлари бўйича ташқи бошқарувчининг ҳисоботи хўжалик судида кўриб чиқилгандан сўнг банкротлик бўйича иш юритишни тугатишга йўл қўйилади.

Бундай ҳолларда, яъни кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ кредиторлар билан ҳисоб-китоблар якунланган бўлса, суд иш юритишни тугатишга ҳақли.

«Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонуннинг 56, 119-моддалари ҳамда ЎзР ХПК 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги иш юритиш тугатилсин.

Ташқи бошқарувчи уч кун ичида расмий нашр манзилига чоп этиш учун иш юритиш тугатилганлиги тўғрисида хабар юборсин, судга нашр этилганликнинг исботини тақдим қилсин;

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 2

Хўжалик суди белгилаган муддат давомида кредиторлар билан ҳисоб-китоб ўтказилмаганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида аризачи МЧЖ «X» нинг қарздор «Z» фирмасига нисбатан банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини ташқи бошқарувчи С.Қаршибоев, кредиторларнинг вакили _____, қарздорнинг вакили _____ иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажримига кўра, қарздорга нисбатан 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий қилинган.

2009 йил 1 апрелда бўлиб ўтган кредиторлар йиғлишида ташқи бошқарув режаси тасдиқланиб, мазкур режага мувофиқ, ишлаб чиқариш ислоҳ қилиниб, ўтказилган очиқ кимошди савдосида қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилган. Шунга кўра қўлга киритилган пул маблағлари кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредитор талабларини қондириш учун етарли бўлган. 2009 йил 20 ноябрда ўтказилган кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарувчи ҳисоботи кўриб чиқилиб, қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни бекор қилиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китобга ўтиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Суднинг 2009 йил 1 декабрдаги ажримига кўра, ташқи бошқарувчи ҳисоботи тасдиқланиб, кредиторлар йиғлишининг қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни бекор қилиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китобга ўтишни бошлаш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилган, ташқи бошқарувчига мазкур ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида кредиторлар билан ҳисоб-китобни

якунлаш ва унинг якунлари бўйича судга ҳисобот топшириш мажбурияти юклатилган.

Бироқ суд томонидан белгиланган муддат давомида суд бошқарувчиси томонидан ҳисобот тақдим қилинмаган.

Ташқи бошқарувчининг суд мажлисида берган кўрсатмасига кўра ишлаб чиқаришга доир кечиктириб бўлмайдиган харажатларнинг пайдо бўлиб қолганлиги туфайли, кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тўла ҳажмда амалга оширилмаган.

Кредиторларнинг вакили ҳам кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган кредитор талаблари қондирилмаганлиги фактини таъкидлади.

Ташқи бошқарувчи ва кредиторларнинг вакилининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қуйидаги асоларга кўра қаноатлантириш лозим деб топади:

Иш ҳужжатларидан маълум бўлдики, суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажрими билан қарздорга 12 ойлик муддат билан ташқи бошқарув жорий қилинган.Ташқи бошқарув режасига кўра, кредитор талабларининг реестрига киритилган кредитор талабларининг умумий суммаси 147,8 млн сўмни ташкил этиб, бу талаблар ташқи бошқарув режасига кўра ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш ва қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш амалга оширилгандан кейин қаноатлантирилиши назарда тутилган.

Тўпланган пул маблағлари кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторлар талабларини қондириш учун етарли бўлганлиги сабабли, кредиторлар йиғлишининг қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни бекор қилиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китобга ўтишни бошлаш тўғрисидаги қарорига кўра чиқарилган суднинг 2009 йил 1 декабрдаги ажримида ташқи бошқарувчи ҳисоботи тасдиқланиб, ташқи бошқарувчига мазкур ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида кредиторлар билан ҳисоб-китобни якунлаш ва унинг якунлари бўйича судга ҳисобот топшириш мажбурияти юклатилган.

Бироқ ташқи бошқарувчи томонидан кредиторлар билан ҳисоб-китоб олиб борилмаган ва унинг якунлари бўйича ҳисобот тақдим қилинмаган.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади)119-моддаси 4-қисмига кўра, агар суд томонидан белгиланган муддат давомида кредиторлар билан ҳисоб-китоб олиб борилмаган бўлса, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Бундай ҳолатларда, суд томонидан белгиланган муддат давомида кредиторлар билан ҳисоб-китоб олиб борилмаган ва суд бошқарувчиси томонидан ҳисобот тақдим этилмаган, шунингдек, Қонуннинг 4, 5-моддаларида ўрнатилган банкрот деб топишнинг барча аломатлари мавжуд бўлганда суд қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни лозим деб топади.

Кредиторлар йиғилиши томондан тугатишга доир иш юритувини бошқарувчи номзоди кўриб чиқилмаганлиги ва тасдиқлаш учун судга тақдим этилмаганлиги сабабли, ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилишини ташкил этиб, ушбу йиғилишда тугатишга доир иш юритувини бошқарувчи номзод ва унга тўланадиган маош масаласини кўриб чиқишлари керак.

«Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонуннинг 4, 5, 119 ва 124-моддалари ҳамда ЎзР ХПК 135, 138-моддаларига асосланиб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«Х» фирмаси банкрот деб топилсин ва тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

Ташқи бошқарувчига:

– уч кун ичида расмий нашриёт манзилига чоп этиш учун қарздор банкрот деб топилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги ҳақида хабар юборсин, судга нашр этилганлик ҳақидаги исботини тақдим қилсин.

– уч ҳафталик муддат ичида кредиторлар йиғилишини ташкил қилсин ва ўтказсин, ушбу йиғилишда тугатишга доир иш юритувини бошқарувчи номзод ва унга тўланадиган маош масаласи ҳал этилсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 120-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Кредитор талабларини қондириш навбатини ўзгартириш тўғрисида суд ажрими

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Кредитор талабларини қондириш навбатини ўзгартириш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида, аризачи МЧЖ «X» нинг қарздор «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига кўра қўзғатилган иш бўйича кредитор (С.Бахшиллоев) нинг кредитор талабларини қондириш навбатини ўзгартиришни сўраб берган аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 28 февралдаги ажримига кўра, қарздорга нисбатан 12 ойлик муддатга ташқи бошқарув жорий этилган.

Ташқи бошқарув режасига кўра, кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган талаблар билан бирга барча кредитор талаблари 147,8 млн сўмни ташкил қилиб (шундан 78 млн сўми талаблари биринчи навбатда қондирилиши лозим бўлган кредиторлар талаби), мазкур талаблар ташқи бошқарув режасида кўзда тутилган чора-тадбирлар, яъни ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш ва қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш натижасида қаноатлантирилиши кўзда тутилган.

Ташқи бошқарув жараёнида очиқ кимошди савдоси ташкил этилиб, қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилган ва натижада мазкур савдодан 80 млн сўм қўлга киритилган ҳамда шу асосга кўра ташқи бошқарувчининг 2009 йил 1 октябрдаги илтимосномасига биноан, умумий суммаси 78 млн сўмни ташкил этувчи талаблари биринчи навбатда қондирилиши лозим бўлган кредиторлар билан ҳисоб-китобни ўтказишни бошлаш тўғрисида суд ажрим чиқарган, шундан:

– 53 млн сўм – мажбурий тўловларни назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича;

– 14 млн сўм – иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича;

– 11 млн сўм – алиментларни ундириш тўғрисидаги талабларни қондириш учун ҳисобварақдан пул маблағларини ўтказишни (беришни) назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича.

Хўжалик суди томонидан мазкур ажрим қабул қилингач, судда С. Бахшиллоев ва суд бошқарувчиси ўртасида келишмовчилик юзага келганлиги тўғрисидаги С. Бахшиллоевнинг шикояти кўриб чиқилган. С. Бахшиллоевнинг талаби қарздорнинг муаллифлик шарномалари юзасидан ҳақ тўлашдан келиб чиққанлиги боис, суд қарори билан суд бошқарувчисига С. Бахшиллоевни кредиторларнинг талаблари реестрига 4,5 млн сўмлик талаблари биринчи навбатда қондирилиши лозим бўлган кредитор сифатида киритиб қўйиш мажбурияти юклатилган.

С. Бахшиллоев кредиторларнинг талаблари реестрига талаблари биринчи навбатда қондирилиши лозим бўлган кредитор сифатида киритилганлиги муносабати билан судга 2009 йил 1октябрдаги суд ажрими билан белгиланган кредиторлар талаблари навбатини ўзгартиришни сўраб ариза билан мурожаат қилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 120-моддаси 3-қисмига кўра, кредиторларнинг улар билан ҳисоб-китобни бошлаш ҳақида ажрим чиқарилган кредиторларга нисбатан навбат тартибида қондирилиши лозим бўлган талаблари хўжалик суди томонидан аниқланган тақдирда, хўжалик суди кредиторларнинг талабларини қондириш тартибини ўзгатиришга ҳақли.

Бундай ҳолларда, яъни С. Бахшиллоевнинг талаби талаблари биринчи навбатда қондирилиши лозим бўлган талабларга тегишли бўлганлиги сабабли, суд кредиторларнинг талабларини қондириш тартибини ўзгатириш лозим деб топади.

Шунга эътибор қаратилиши лозимки, С. Бахшиллоевнинг талаби талаблари биринчи навбатда қондирилиши лозим бўлган кредиторлар талабига киритилганлиги сабабли, талаблари биринчи навбатда қондирилиши лозим бўлган кредиторлар талаби 82,5 млн сўмни ташкил этади, лекин қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотишдан тушган маблағ 80 млн сўм бўлиб, шунга кўра суд талаблари биринчи навбатда қондирилиши лозим бўлган кредиторлар талаби миқдорига пропорционал равишда кредиторлар билан бўладиган ҳисоб-китоб тартибини белгилашни муҳим деб ҳисоблайди.

«Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонуннинг 120-моддаси ҳамда ЎзР ХПК 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 1 октябрдаги ажрими билан белгиланган кредиторларнинг талабини қондириш навбати ўзгартирилсин.

Талаби биринчи навбатда қондирилиши лозим бўлган кредиторлар билан ҳисоб-китобларни мазкур навбатда талаб қилинаётган умумий суммага пропорционал равишда бошлашсин.

Ташқи бошқарувчи мазкур ажрим қабул қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида талаблари биринчи навбатда қондирилиши лозим бўлган барча кредиторлар билан ҳисоб-китобни мазкур ажримда белгиланган тартибда якунласин.

Судья _____

VII БОБ. ТУГАТИШГА ДОИР ИШ ЮРИТИШ

Қонуннинг 124-моддаси шарҳига иловалар*

Илова № 1

Тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш тўғрисида ажрим

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида, аризачи МЧЖ «X» нинг қарздор «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига кўра қўзғатилган иш бўйича, тугатувчи бошқарувчи С.Қаршибоев ва кредиторлар вакиллари _____ нинг иштирокида, тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш тўғрисида суд бошқарувчисининг илтимосномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 28 февралдаги суд қарори билан, қарздор банкрот деб топилган ва 8 ой муддатга тугатишга доир иш юритиш очилган.

Суд томонидан белгиланган тугатишга доир иш юритиш муддати тугаганидан сўнг, суд бошқарувчиси томонидан кредиторлар йиғилишига ҳисобот тақдим қилинган ва 2010 йил 5 мартда ўтказилган кредиторлар йиғилишида мазкур ҳисобот кўриб чиқилган. Биринчи очиқ кимошди савдосида қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилмаган, шу сабабли такрорий очиқ кимошди савдоси эълон қилинган. Аммо ушбу кимошди савдоси ҳали

* Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни очиш тўғрисидаги қарор Қонуннинг 50-моддаси шарҳига илова сифатида берилганлиги сабабли, ушбу моддага илова қилинмади.

ўтказилмаган. Келтирилган ҳолатларни ҳисобга олиб, кредиторлар йиғилиши суд бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш тўғрисида ариза билан қилган мурожаатига асосан, тугатишга доир иш юритиш муддатини 4 ойга узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилган.

Суд мажлисида суд бошқарувчиси такрорий кимошди савдоси 2010 йил 20 мартда ўтказилишини ва шу сабабли тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтиришни сўради.

Кредиторлар вакилининг тушунтиришича, агар такрорий кимошди савдоси ўтказилиши натижасида ҳам мол-мулк сотилмаса, у ҳолатда қарздор мол-мулкини сотиш учун бошқа чора кўрилади. Ушбу чорани амалга ошириш учун вақт талаб қилинади ва шунга асосан, кредиторларнинг вакили тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтиришни сўраган.

Суд бошқарувчиси ва кредиторлар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, ишга доир ҳужжатларни ўрганиб, суд қуйидаги асосларга асосан, суд бошқарувчисининг илтимосномасини қаноатлантириш керак деб топади:

Иш ҳужжатларига асосан, 2009 йил 28 февралдаги суд қарори билан қарздор банкрот деб топилган ва 8 ой муддатга тугатишга доир иш юритиш очилган.

Аммо суд томонидан белгиланган муддатда қарздорнинг барча мол-мулки сотилмаган ва кредиторлар йиғилиши суд бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш тўғрисида ариза билан қилган мурожаатига асосан, тугатишга доир иш юритиш муддатини 4 ойга узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилган.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади)124-моддаси 2 ва 3-қисмларига асосан, тугатишга доир иш юритиш муддати бир йилдан ошиши мумкин эмас. Зарурат бўлганда бу муддат банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномаси ёки хўжалик судининг ташаббусига биноан хўжалик судининг ажрими билан узайтирилиши мумкин.

Юқорида келтирилган ҳолатларга биноан ҳамда қарздор мол-мулки сотилмаганлиги сабабли, тугатишга доир иш юритиш охирига етказилмаган. Шунга биноан, суд суд бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантириш лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 124-моддаси, ЎзР ХПКнинг 151-моддасига асосланиб, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

«Z» фирмаси суд бошқарувчисининг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Тугатишга доир иш юритиш муддати 12 ойгача узайтирилсин.

Тугатувчи бошқарувчи «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун талабларига асо-

сан тугатишга доир иш юритишни ўтказсин ва судга тугатишга доир иш юритиш натижалари тўғрисидаги ҳисоботни 2010 йил 28 февралгача топширсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 135-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарздор мол-мулкини сотиш тартиби ва муддатлари бўйича юзага келган келишмовчиликларни ҳал этиш тўғрисида тугатувчи бошқарувчи аризасини кўриб чиқиш натижалари юзасидан чиқарилган суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____раислигида, _____ нинг котиблигида, аризачи МЧЖ «X» нинг қарздор «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига кўра қўзғатилган иш бўйича, тугатувчи бошқарувчи С.Қаршибоев ва кредиторлар вакиллари _____ нинг иштирокида, қарздор мол-мулкини сотиш тартиби ва муддатлари юзасидан келиб чиққан келишмовчиликларни ҳал қилиш тўғрисидаги суд бошқарувчисининг аризасини очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 28 февралдаги суд қарори билан, қарздор банкрот деб топилган ва 8 ой муддатга тугатишга доир иш юритиш очилган.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида суд бошқарувчиси томонидан баҳоловчи ташкилот жалб қилинган ҳолда, қарздор мол-мулки инвентаризация қилинган ва баҳоланган. Шунингдек, тугатиш режасига асосан, суд бошқарувчиси томонидан 2009 йил 10 майда кредиторлар йиғилишига қарздор мол-мулкини сотиш тартиб ва жадвали маъқуллаш учун тақдим қилинган. Аммо 2009 йил 10 майда ўтказилган кредиторлар йиғилишида суд бошқарувчиси томонидан тақдим қилинган қарздор мол-мулкини сотиш тар-

тиб ва жадвали маъқулланмаган. Шу сабабли суд бошқарувчиси қарздор мол-мулкини сотиш тартиб ва муддатлари юзасидан келиб чиққан келишмовчиликларни ҳал қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида суд бошқарувчиси тугатиш режасида қарздорнинг мол-мулки очиқ кимошди савдосига ҳам бутунича, ҳам қисман қўйилиши белгиланган. Мол-мулкни сотиш тартиб ва жадвали ушбу қоидани инобатга олган ҳолда тузилганлигини, аммо ушбу тартиб ва жадвал кредиторлар томонидан маъқулланмаганлигини айтиб ўтди.

Кредиторларнинг вакили суд бошқарувчиси томонидан тақдим қилинган мол-мулкни сотиш тартибида, банкротлик тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган такрорий кимошди савдосига қарздор мол-мулкини қўйишда унинг дастлабки савдо қиймати пасайтирилиши назарда тутилмаган. Шу сабабли кредиторлар йиғилишига тақдим қилинган мол-мулкни сотиш тартиб ва жадвали маъқулланмаган.

Кредиторларнинг вакили ва суд бошқарувчисининг тушунтиришларини тинглаб, аризага илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб, суд суд бошқарувчисининг аризасини асосли деб ҳисоблайди ва уни қуйидаги асосларга биноан, қаноатлантириш лозим деб ҳисоблайди:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонун (қуйида Қонун) нинг 135-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига асосан, қарздорнинг мол-мулки инвентаризация қилинганидан ва баҳоланганидан кейин, суд бошқарувчиси кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан маъқулланган қарздор мол-мулкини сотиш тартиб ва жадвалига биноан, очиқ кимошди савдосида ушбу мол-мулкни сотишга киришади.

Судга тақдим қилинган ҳужжатлардан маълумки, қарздорнинг мол-мулки инвентаризация қилинганидан ва баҳоланганидан кейин, суд бошқарувчиси томонидан тугатиш режасига асосан қарздор мол-мулкини сотиш тартиб ва жадвали маъқуллаш учун кредиторлар йиғилишига тақдим қилинган. Ушбу тартиб ва жадвалга биноан, қарздорнинг мол-мулки Қонуннинг 110- ва 111-моддаларида назарда тутилган тартибда очиқ кимошди савдосида 5 ой ичида сотилиши керак. Яъни, суд бошқарувчиси сотиш тартиб ва жадвалини тузишда, агар кимошди савдоси амалга ошмаган деб топилса, такрорий ва сўнгги кимошди савдоларини ўтказиш мумкинлигини ҳам назарда тутган. Аммо кимошди савдосига қўйиладиган мол-мулкнинг кредиторлар йиғилиши томонидан тасдиқланган дастлабки сотиш баҳоси тузилган тартибда белгилаб қўйилган. Ушбу ҳолат кредиторлар йиғилиши томонидан қарздор мол-мулкини сотиш тартиб ва жадвалини маъқулламаслик учун асос бўлган.

Қонуннинг 135-моддаси еттинчи қисмига биноан, корхона (бизнес) ни ёки қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш Қонуннинг 110- ва 111-моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қонуннинг 110-моддаси ўн учинчи қисмига кўра, агар такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб топилса ёки корхона (бизнес) сотилмаган бўлса,

ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарорига мувофиқ ушбу Қонуннинг мазкур моддаси ва 53-моддасида назарда тутилган тартибда корхонани (бизнесни) сотиш тўғрисидаги янги хабарни йигирма кун ичида эълон қилади. Корхонани (бизнесни) сотиш нархи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарори билан пасайтирилиши мумкин, бироқ бунда пасайтириш аввалги кимошди савдосидаги нархнинг 10 фоизидан кўп бўлмаслиги керак.

Юқоридагилардан шундай хулоса келиб чиқадики, мол-мулкни сотиш нархини пасайтириш масаласи ва ушбу масала юзасидан қарор, кредиторлар йиғилиши томонидан Қонуннинг 110-моддасида назарда тутилган ҳолатлар юзага келгандан сўнг, қабул қилиниши мумкин. Ўз навбатида, ушбу масалани суд бошқарувчиси томонидан ишлаб чиқилган қарздор мол-мулкини сотиш тартиби ва жадвалида назарда тутилиши мажбурий эмас.

Қонуннинг 135-моддаси учинчи қисмига биноан, агар тугатувчи бошқарувчи қарздорнинг мол-мулкини сотиш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ўз таклифларини кредиторларга тақдим этган пайтдан эътиборан бир ой ичида қарздорнинг мол-мулкини сотиш тартиби ва муддатлари (жадвали) кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан маъқулланмаган бўлса, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси ёхуд тугатувчи бошқарувчи юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли. Мазкур келишмовчиликларни кўриб чиқиш якунларига қараб хўжалик суди ё мол-мулкни сотиш тартиби ва муддатларини (жадвалини) тасдиқлайди, ёки тугатувчи бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод қилади.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олган ҳолда, суд суд бошқарувчисининг аризасини асосли деб топади ҳамда у томонидан тузилган қарздор мол-мулкини сотиш тартиб ва жадвалини тасдиқлаш лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 135-моддаси, ЎзР ХПКнинг 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Суд бошқарувчисининг аризаси қаноатлантирилсин.

Суд бошқарувчиси томонидан тузилган «Z» фирмасининг мол-мулкини сотиш тартиб ва жадвали тасдиқлансин.

Судья _____

Қонуннинг 140-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Тугатувчи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисида ажрим

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Тугатувчи бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, аризачи ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасининг қарздор фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига кўра қўзғатилган иш бўйича, тугатувчи бошқарувчининг уни ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 20 майдаги Қарори билан қарздор банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш очилган. Ҳамда М.С. Тошниязов тугатувчи бошқарувчи этиб тайинланган.

Суд бошқарувчиси соғлиги ёмонлашгани сабабли ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисида кредиторлар йиғилишига мурожаат қилган.

2009 йил 20 октябрда ўтказилган кредиторлар йиғилишида суд бошқарувчисининг аризаси кўриб чиқилган ҳамда унинг аризасини қаноатлантириш ва Қаршибоев Собир Акмаловични янги тугатувчи бошқарувчи этиб тайинлашни сўраб илтимоснома билан судга мурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Суд бошқарувчисининг аризасида келтирилган асосларни ва кредиторлар йиғилишининг баённомасини ўрганиб, суд қуйидаги асосларга кўра, аризани қаноатлантириш лозим деб ҳисоблайди:

Қонуннинг 140-моддаси биринчи қисмига биноан, тугатувчи бошқарувчи ўз аризасига асосан хўжалик суди томонидан ўз вазифасини бажаришдан озод этилиши мумкин.

Қонуннинг ушбу моддаси иккинчи қисмига кўра, суд тугатувчи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш билан бир вақтда янги тугатувчи бошқарувчини ушбу Қонуннинг 126-моддасида назарда тутилган тартибда тайинлайди.

Суд бошқарувчиси М.С. Тошниязовнинг аризаси ва унга илова қилинган тиббий маълумотномадан шундай хулоса келиб чиқадики, у соғлиқ ҳолати сабабли тугатувчи бошқарувчи вазифасини бажара олмайди.

2009 йил 20 октябрда ўтказилган кредиторлар йиғилишида суд бошқарувчисининг аризаси кўриб чиқилган ва янги тугатувчи бошқарувчи этиб тайинлаш учун Қаршибоев Собир Акмалович номзод сифатида таклиф этилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, суд тугатувчи бошқарувчи М.С.Тошниязовнинг аризасини қаноатлантириш лозим деб топди.

Шунингдек, суд янги тугатувчи бошқарувчи сифатида тақдим қилинган номзод Қонунда суд бошқарувчиси номзодига қўйилган талабларга жавоб берганлигини инобатга олиб, С.А. Қаршибоевни «Х» МЧЖнинг янги тугатувчи бошқарувчи этиб тайинлаш мумкин деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 140-моддаси, ЎзР ХПКнинг 151-моддасига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Тугатувчи бошқарувчи М.С. Тошниязовнинг аризаси қаноатлантирилсин.

М.С Тошниязов «Х» МЧЖнинг тугатувчи бошқарувчиси вазифасини бажаришдан озод қилинсин.

Қаршибоев Собир Акмалович «Х» МЧЖнинг янги тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлансин.

Тугатиш бошқарувчиси С.А Қаршибоев уч кун ичида тугатиш бошқарувчиси алмашганлиги тўғрисидаги хабарни эълон қилиш учун расмий нашрларга юборсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 141-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувни жорий қилиш тўғрисида суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувни жорий қилиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида, аризачи «X» МЧЖ нинг қарздор «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига кўра қўзғатилган иш бўйича кредиторлар йиғилишининг тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш тўғрисидаги илтимосномасини, тугатиш бошқарувчиси С.Қаршибоев ва кредиторлар вакиллари-_____ нинг иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

2009 йил 28 февралдаги суд Қарори билан, қарздор банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш очилган.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида суд бошқарувчиси томонидан қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлил қилинган ҳамда умумий миқдори 61604432 сўмни ташкил қилган кредиторлик қарзларига асосан кредиторларнинг талаблари реестри тузилган. Шунингдек, суд бошқарувчиси томонидан баҳоловчи ташкилотни жалб этган ҳолда, мол-мулк инвентаризация қилинган ва баҳоланган. Баҳоловчи ташкилотнинг ҳисоботига кўра, қарздор мол-мулкининг қиймати 210 млн сўмни ташкил этади. Қарздорнинг активида 32 млн сўм миқдоридаги дебиторлик қарзлари ҳам мавжуд.

Қарздорнинг тўлов қобилияти тикланган бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, тугатиш бошқарувчиси томонидан тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига

мурожаат этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мақсадида қарздорнинг кредиторлари йиғилиши чақирилган.

2009 йил 10 майда ўтказилган кредиторлар йиғилишида суд бошқарувчисининг ҳисоботи кўриб чиқилган ҳамда тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Суд мажлисида тугатиш бошқарувчиси агар ташқи бошқарув жорий этилса, 12 ой ичида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлигини тушинтириб берган.

«ХХХ» Компаниясининг вакили суд томонидан белгиланган муддатда қарздорнинг ҳисобига 25537447 сўм ўтказилмаганлиги, шу сабабли «Бизнес Мадад» МЧЖнинг талаби қаноатлантирилмаганлиги ҳамда ушбу ҳолат юзасидан кредитор томонидан шикоят берилганлигини тушинтирган. Шунингдек, қарздорнинг молиявий ҳолати барқарорлигини ва суд санацияси режасини амалга ошириш жараёнида корхона томонидан ишлаб чиқаришни оширишга эришилган, шунга асосан, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш имконияти мавжудлигини изоҳлаб ўтган.

Кредиторларнинг вакили кредиторлар йиғилишининг қарорини қўллаб-қувватлади ҳамда 12 ой муддатга ташқи бошқарувни жорий этишни сўраган.

Тугатиш бошқарувчиси ва кредиторлар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб, суд қуйидаги асосларга биноан кредиторлар йиғилишининг илтимосномасини тасдиқлашни лозим топади:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 141-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, агар қарздорга нисбатан суд санацияси ва (ёки) ташқи бошқарув таомили жорий этилган бўлмаса, тугатишга доир иш юритиш мобайнида эса қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши мумкин деб ҳисоблаш учун етарли асослар, шу жумладан молиявий таҳлил маълумотлари билан тасдиқланган асослар пайдо бўлса, тугатиш бошқарувчиси мазкур ҳолатлар аниқланган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мақсадида қарздорнинг кредиторлари йиғилишини чақириши шарт.

Ишга доир ҳужжатлардан шундай хулоса келиб чиқадики, суд бошқарувчиси томонидан ўтказилган молиявий таҳлил, тугатишга доир иш юритиш давомида қарздорнинг активи баҳоловчи ташкилотнинг ҳисоботига кўра қиймати 210 млн сўм бўлган кўчар ва кўчмас мол- мулкдан, 32 млн сўм миқдордаги дебиторлик қарзидан иборатлиги аниқланган. Ўз навбатида, кредиторлар талаблари реестрига киритилган кредиторлар талабларининг умумий суммаси 61604432 сўмни ташкил этади. Шунингдек, суд бошқарувчиси томонидан шу нарса аниқландики, қарздор ишлаб чиқариш фаолиятини давом эттириш имкониятига эга ҳамда қарздор томонидан ишлаб чиқариладиган

маҳсулотга талаб кучли, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хом-ашё баъзаси мавжуд.

Қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши мумкинлигини ҳисобга олиб, тугатиш бошқарувчиси томонидан 2009 йил 10 майда кредиторлар йиғилиши чақирилган ҳамда унда тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Ушбу қарорда кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувни 12 ой муддатга жорий этиш, ташқи бошқарувчига 400000 сўм миқдорида ойлик маош белгилаган ҳолда ташқи бошқарувчи номзодлигига Қаршибоев Собир Акмалович тақдим қилиш таклифи берилган.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги ва аввал қарздорга нисбатан суд санацияси ёки ташқи бошқарув жорий этилмаганлиги сабабли, суд кредиторлар йиғилишининг илтимосномасини қаноатлантириш ва 12 ой муддатга ташқи бошқарувни жорий этиш керак деб ҳисоблайди.

Шунингдек, ташқи бошқарувчи сифатида тақдим қилинган номзод «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун билан суд бошқарувчисига белгиланган талабларга жавоб берганлигини инобатга олиб, суд С.А. Қаршибоевни «Z» фирмасининг ташқи бошқарувчиси этиб тайинлаш ҳамда унга қарздорнинг ҳисобидан тўланадиган 400000 сўм миқдоридаги ойлик маошини тасдиқлашни лозим топади.

Юқоридагиларга ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 18, 22, 91, 95, 140-моддалари, ЎзР ХПКнинг 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Кредиторлар йиғилишининг тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Тугатишга доир иш юритиш тугатилсин ҳамда «Z» фирмасига нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилсин.

Қаршибоев Собир Акмалович «Z» фирмасининг ташқи бошқарувчиси этиб тайинлансин.

Тугатиш бошқарувчисига қарздор ҳисобидан тўланадиган 400000 сўм миқдоридаги ойлик маош тасдиқлансин.

Ташқи бошқарувчи:

– уч кун ичида қарздорга нисбатан ташқи бошқарув жорий этилганлиги ҳақидаги хабарни эълон қилиш учун расмий нашрга юборсин ва бу ҳақда судга далил тақдим қилсин;

– «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг талабларига мувофиқ, бир ой муддатда ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқсин, уни тасдиқлаш учун кредиторлар йиғилишига тақдим қилсин ҳамда 2009 йил 10 июлдан кечиктирмасдан, судга тасдиқланган ташқи бошқарув режасини ва кредиторлар йиғилишининг режасини тақдим қилсин;

– қонунчилик билан ташқи бошқарувчининг зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш юзасидан, шунингдек, ташқи бошқарув режасини амалга ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрсин;

– ташқи бошқарув муддати тугаши билан дарҳол 2010 йил 5 июндан кечиктирмасдан, агар ташқи бошқарувни муддатидан олдин тугатиш учун асослар юзага келган ҳолда, шундай асослар юзага келган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан судга кредиторлар йиғилиши томонидан кўриб чиқилган ташқи бошқарувчининг ҳисоботини ва кредиторлар йиғилишининг баённомасини «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 118-моддасида белгиланган ҳужжатларни илова қилган ҳолда топширсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 143-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қарздор мол-мулкини балансга қабул қилишга маҳаллий давлат ҳокимиятларини ундаш тўғрисида суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Қарздор мол-мулкини балансга қабул қилишга маҳаллий давлат ҳокимиятларини ундаш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н вилоят хўжалик суди судьяси _____, аризачи «Х» МЧЖнинг қарздор «Z» фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси асосидаги иш бўйича мол-мулкни балансга қабул қилишга маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ундаш тўғрисидаги суд бошқарувчисининг аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Н. вилоят хўжалик судининг 2007 йил 22 майдаги қарори билан «X» МЧЖнинг аризаси қабул қилинган, «Z» фирмаси банкрот деб топилган ва 2008 йил 1 майгача тугатилиши лозим бўлган тугатишга доир иш юритиш очилган.

Суд бошқарувчисининг 2008 йил 3 майдаги аризасига биноан тугатишга доир иш юритиш муддати 2008 йилнинг 1 августига қадар узайтирилган. 2008 йил 3 августдаги навбатдаги суд қарорига асосан, тугатишга доир иш юритиш муддати 2008 йилнинг 20 октябрига қадар узайтирилган.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида кимошди савдосига қўйилган мол-мулк инвентаризация қилинган ва баҳоланган. Ўтказилган кимошди савдоларида қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилган, такрорий кимошди савдосига қўйилган мол-мулкнинг қолган қисми сотилмаган. Шу сабабли кредиторлар йиғилиши томонидан мол-мулкни оммавий оферта орқали кимошди савдосига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Аммо ушбу кимошди савдосида ҳам қарздорнинг мол-мулки сотилмаган.

Қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилмаганлиги учун, суд бошқарувчиси кредиторларга ушбу мол-мулкни ўз талабларини қаноатлантириш учун таклиф қилган. Аммо суд бошқарувчисининг таклифи кредиторлар томонидан қабул қилинмаган. Суд бошқарувчиси сотишга таклиф қилинган, лекин тугатишга доир иш юритиш мобайнида сотилмаган қарздор мол-мулки ҳақида қарздор мол-мулкининг эгасига хабар қилган. Аммо қарздор мол-мулкининг эгаси суд бошқарувчисининг хабарномасида белгиланган муддатда мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар тўғрисида ариза тақдим қилмаган. Шу сабабли тугатиш бошқарувчиси Н. туман ҳокимиятига сотишга таклиф этилган, лекин тугатишга доир иш юритиш мобайнида сотилмаган қарздор мол-мулкини балансга қабул қилишни сўраб хабарнома юборган. Аммо маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан мол-мулкни қабул қилиш учун чоралар кўрилмаган ҳамда Н. туман ҳокимияти 10092008 йилдаги 1/1-302-сонли хати билан ҳозирда қарздор мол-мулкини қабул қилиш имконияти йўқлигини маълум қилган. Шунинг учун суд бошқарувчиси юқорида кўрсатилган мол-мулкни қабул қилишга Н. туман ҳокимиятини ундаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонун (қуйида Қонун) нинг 143-моддаси биринчи қисмига асосан, сотишга таклиф этилган, лекин тугатишга доир иш юритиш мобайнида сотилмаган қарздор мол-мулкини кредиторлар ўз талабларини қаноатлантириш учун қабул қилишни рад этса, тугатиш бошқарувчиси бу ҳақда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига хабар қилади.

Қонуннинг ушбу моддаси иккинчи қисмига биноан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хабарнома олинган пайтдан бошлаб бир ойлик муддат ичида мол-мулкни балансга олади ва уни сақлаб туришга доир барча харажатларни қоплайди. Мол-мулкни қабул қилишдан бош тортилган ёки

қабул қилишдан бўйин товланган тақдирда тугатиш бошқарувчиси тегишли органни мазкур мол-мулк қабул қилишга ундаш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли.

Юқоридалар ва тугатишга доир иш юритишнинг қонунчиликда белгиланган йиллик муддати ўтганлигини, шунингдек, Н. туман ҳокимияти қарздор мол-мулкини қабул қилишдан бўйин товлаганини ҳисобга олган ҳолда, суд суд бошқарувчисининг аризасини қаноатлантириш лозим деб топади.

Юқоридагиларга ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 143-моддаси, ЎзР ХПКнинг 151-моддасига асосаланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Z» фирмаси суд бошқарувчисининг аризаси қаноатлантирилсин.

Н. туман ҳокимиятига 2008 йилнинг 10 октябрига қадар «Z» фирмасининг сотилмасдан қолган мол-мулкини балансга қабул қилиш мажбурияти юклатилсин.

Суд бошқарувчисига:

– қарздор мол-мулкини Н. туман ҳокимиятига ўтказишни амалга оширади ва ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим қилсин;

– 03.08.2008 йилдаги суд ажрими билан белгиланган муддатда тугатишга доир иш юритишни тугатсин ҳамда тугатишга доир иш юритиш натижалари тўғрисида судга ҳисобот тақдим қилсин.

Судья _____

Қонуннинг 144-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Тугатишга доир иш юритишни тугатиш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Тугатишга доир иш юритишни тугатиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____ -сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси_____, аризачи «Х–банк» АТБнинг қарздор «Z» ОАЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси асосидаги иш бўйича тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари тўғрисидаги тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик судининг 2007 йил 22 октябрдаги қарори билан Х–банк» АТБнинг «Z» ОАЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилган, қарздор банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш очилган.

Тугатишга доир иш юритиш мобайнида қарздор мол-мулки инвентаризация қилинган ва баҳоланган. Кредиторлар йиғилишининг қарорига асосан, қарздор мол-мулки кимошди савдосига қўйилган ва 1147,7 млн сўмга сотилган. Сотишдан келиб тушган пул маблағлари кредиторлар талабларини қондириш учун йўналтирилган ва қолган қисми 164 нафар акционерлар орасида тақсимланган.

Суд қарорига мувофиқ, тугатиш бошқарувчиси томонидан тугатишга доир иш юритиш ўтказилган, тугатишга доир иш юритиш тугатилганидан сўнг дарҳол, судга ўтказилган тугатишга доир иш юритиш натижалари тўғрисида ҳисобот тақдим қилинган. Шундан келиб чиқадики, оммавий ахборот воситаларида қарздор банкрот деб топилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш очилганлиги тўғрисида тегишли эълон берилган. Тугатишга доир иш юритиш мобайнида тугатиш бошқарувчиси томонидан инвентаризация

ўтказилган ва мол-мулк баҳоланган, дебиторлик қарзларини ундириш юзасидан тегишли чоралар кўрилган. Баҳолаш ҳисоботига кўра, мол-мулк мажмуасининг бозор қиймати 1432 млн сўмни ташкил қилган ҳамда тугатиш қиймати эса 1072,7 млн сўмни ташкил этган. Сотишдан келиб тушган пул маблағи кредиторлар талабларини қондириш учун йўналтирилган, 104,1 млн сўм миқдордаги қисми тугатишага доир иш юритиш харажатларини қоплаш учун йўналтирилган, 75 млн сўм Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни қайта қуриш Жамғармасига ўтказилган, акционерларга тўлов амалга оширилган, шунингдек, 6,3 млн сўм миқдордаги турар жойи аниқланмаган акционерларга тегишли пул маблағлари хўжалик судининг депозит ҳисобига ўтказилган, кредиторлар йиғилишининг қарорига мувофиқ, 3,5 млн сўм суд бошқарувчисига қўшимча мукофот сифатида тўланган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 144-моддасига асосан, тугатишга доир иш юритиш натижалари тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилганидан сўнг, хўжалик суди тугатишга доир иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради ва ушбу ажрим юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилиши учун асос бўлади.

Юқоридагиларга ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 144-моддаси, ЎзР ХПКнинг 151-моддасига асосаланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Z» ОАЖни тугатишга доир иш юритиш тугатилсин.

Тугатиш бошқарувчиси:

– уч кунлик муддатда ушбу ажримни рўйхатга олувчи органга «Z» ОАЖ тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиш учун тақдим қилсин ва ушбу ёзув реестрга киритилганлиги тўғрисидаги ҳужжатни судга тақдим қилсин;

– судга қарздорга тегишли ҳужжатлар архивга топширилганлиги тўғрисидаги ҳужжатни, тугатиш ҳисоби ёпилганлиги тўғрисидаги маълумотномани ва муҳр ва штамплар йўқ қилинганлиги тўғрисидаги маълумотномани тақдим қилсин.

Судья _____

VIII БОБ. КЕЛИШУВ БИТИМИ

Қонуннинг 145-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ва келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ва келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида, «D–LTD» ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги «Х–банк» АТБнинг аризаси асосидаги ишни муваққат бошқарувчи С. Қаршибоев, кредитор вакили _____, қарздор вакили _____ларнинг иштирокида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Қарздор ва банк ўртасида 2005 йил 27 июлда 12/13-сонли кредит шартномаси тузилган ва ушбу шартномага асосан, банк томонидан 2000000 АҚШ доллари миқдоридаги кредит мебел маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича асбоб-ускуна сотиб олиш учун берилган. Кредитни қайтариш жадвали ва фоиз тўловлари бўйича шартнома шартларини бузган ҳолда, кредит олувчи томонидан навбатдаги тўлов ва кредит маблағларидан фойдаланганлиги учун фоиз тўловларини амалга оширмаган. Шу сабабли 01.10.2008 йил ҳолати бўйича муддати ўтиб кетган қарздорлик 54168 АҚШ долларини ташкил қилган.

Кредитор томонидан ўтказилган қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти мониторинги натижасида, шу нарса аниқландики, банк олдидаги қарздорлигидан ташқари, қарздорнинг бюджет олдида 3498594 сўм ҳамда бошқа кредиторлар олдида 28528391 сўм миқдоридаги қарздорлиги мавжуд.

Қарздорнинг уч ой ва ундан ортиқ муддат ичида қарздорликни узиш имконияти йўқлигини инобатга олиб, кредитор қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни очиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилган.

2009 йил 2 январдаги суд ажрими билан, кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган ҳамда қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ва кузатув жорий этилиб, С. Қаршибоев муваққат бошқарувчи этиб тайинланган.

Суд мажлисида кредиторнинг вакили шуни айтиб ўтдики, кузатув мобайнида муваққат бошқарувчи томонидан қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлил қилинган ва ушбу таҳлил натижасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги аниқланган. Шунга асосан, кредитор ва қарздор ўртасида келишув битими тузилган ва биринчи кредиторлар йиғилиши томонидан иш юритишни тугатиш ва келишув битимини тасдиқлаш ҳақида судга илтимоснома билан мурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Муваққат бошқарувчининг изоҳлаб ўтишича, унга юкланган вазифаларга асосан, қарздорнинг кредиторлари ва дебиторлари аниқланган, кредиторлар талаблари реестри тузилган, қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилдан ўтказилган, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ташкил этилган ҳамда ўтказилган, ушбу йиғилишда кредитор ва қарздор ўртасида келишув битими тузишга эришилган. Шунингдек, муваққат бошқарувчи томонидан қарздорнинг меҳнатга ҳақ тўлаш ва жорий тўловлар бўйича қарздорлиги, суд бошқарувчисига тўланадиган ойлик иш ҳақи билан боғлиқ харажатлар юзасидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги айтиб ўтилди.

Қарздорнинг вакили келишув битими тузилганлиги ҳақидаги фактни тасдиқлаб, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни тугатишни сўраган.

Муваққат бошқарувчи ва томонлар вакилларининг тушунтиришларини эшитиб, ишга доир ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга асосан, иш юритишни тугатиш ва келишув битимини тасдиқлашни лозим деб топади:

Иш ҳужжатларидан маълумки, 2009 йил 2 январдаги суд ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ва кузатув жорий этилган, ушбу кузатув мобайнида муваққат бошқарувчи томонидан қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилдан ўтказилган, кредиторларнинг талаблари кўриб чиқилган ва кредиторларнинг талаблари реестри тузилган, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ташкил этилган ва ўтказилган.

2009 йил 27 февралда ўтказилган кредиторларнинг биринчи йиғилишида қарздор ва кредиторлар ўртасида қуйидаги шартлар асосида келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган:

а) кредиторлар қарздорга пул мажбуриятларини бажариш муддатини 6 ойга, яъни 01.09.2009 йилгача узайтириш имконини беради;

б) қарздор қарздорликни узиш мажбуриятини олади:

– келишув битими суд томонидан тасдиқланганидан кейин бир ой ичида 3498594 млн сўм миқдоридаги бюджет олдидаги қарздорликни;

– 2009 йил 25 мартдан бошлаб 6 ой ичида ҳар ойнинг 25 санасига қадар 9028 АҚШ долларидан ойма-ой ўтказиш йўли билан, банк олдидаги 54168 АҚШ доллари миқдоридаги қарздорликни (ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курс бўйича миллий валютада);

– 2009 йилнинг май-августи ичида ҳар ойнинг 10 санасига қадар ойига 7132098 сўм ўтказиш йўли билан бошқа кредиторлар олдидаги 28528391 сўм миқдоридаги қарздорликни.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 145-моддасига асосан қарздор ва кредиторлар хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида келишув битими тузишга ҳақли. Келишув битими тузиш тўғрисидаги қарорни кредиторлар номидан кредиторлар йиғилиши қабул қилади. Кредиторлар йиғилишининг келишув битими тузиш тўғрисидаги қарори кредиторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва қарор, башарти қарздорнинг гаров билан таъминланган мол-мулки мажбуриятлари бўйича барча кредиторлар уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади.

Судга тақдим қилинган кредиторлар йиғилишининг баённомасидан маълумки, 2009 йил 27 февралда ўтказилган кредиторлар йиғилишида кредиторлар умумий овозининг 85,44%га эгалик қилувчи кредиторлар қатнашган. Келишув битимини тузиш тўғрисидаги қарорни ёқлаб кредиторлар йиғилишида ҳозир бўлган кредиторларнинг барчаси, яъни кредиторлар умумий сонининг 85,44% овоз берган.

Қонуннинг 149-моддасига мувофиқ, келишув битими фақат харажатлар қопланганидан ва ушбу Қонун 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган талаблар ҳамда иш ҳақини тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича талаблар қондирилганидан кейин хўжалик суди томонидан тасдиқланиши мумкин.

Қонуннинг 134-моддаси биринчи қисмида белгиланганидек, суд харажатларини, суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни, коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатларига оид жорий тўловларни, қарздорнинг мол-мулкини суғурта қилиш харажатларини қоплаш, шунингдек, қарздорнинг банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин юзага келган мажбуриятларига доир талабларни ҳамда қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жа-

вобгар бўлса, ана шу фуқаронинг талабларини қондириш навбатдан ташқари тарзда амалга оширилади.

Судга тақдим қилинган ҳужжатлардан аниқландики, Қонуннинг 134-моддаси биринчи қисмида белгиланган барча тўловлар, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тўловлар амалга оширилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тасдиқлаш учун тақдим қилинган келишув битими қонунчиликка зид бўлмаганлиги ва учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузмаганлиги сабабли, суд иш бўйича иш юритишни тугатиш ва келишув битимини тасдиқлаш мумкин деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 56, 145, 149-моддалари, ЎзР ХПКнинг 86-,151-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«D–LTD» ҚК ва кредиторлар ўртасида 27.02.2009 йилда қуйидаги шартларда тузилган келишув битими тасдиқлансин:

а) кредиторлар қарздорга пул мажбуриятларини бажариш муддатини 6 ойга, яъни 01.09.2009 йилгача узайтириш имконини беради;

б) қарздор қарздорликни узиш мажбуриятини олади:

– келишув битими суд томонидан тасдиқланганидан кейин бир ой ичида 3498594 млн сўм миқдоридаги бюджет олдидаги қарздорликни;

– 2009 йил 25 мартдан бошлаб 6 ой ичида ҳар ойнинг 25 санасига қадар 9028 АҚШ долларидан ойма-ой ўтказиш йўли билан, банк олдидаги 54168 АҚШ доллари миқдоридаги қарздорликни (ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курс бўйича миллий валютада);

– 2009 йилнинг май-августи ичида ҳар ойнинг 10 санасига қадар ойига 7132098 сўм ўтказиш йўли билан, бошқа кредиторлар олдидаги 28528391 сўм миқдоридаги қарздорликни.

Банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тугатилсин.

«D–LTD» ҚКдан «Х–банк» АТБнинг фойдасига 334700 сўм миқдоридаги суд харажатлари ундирилсин.

Ижро қоғози берилсин.

Муваққат бошқарувчи банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тугатилганлиги тўғрисидаги хабарни эълон қилиш учун уч кун ичида расмий нашрларга юборсин ва судга бу ҳақда ҳужжат тақдим қилсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 2

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида тузилган келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ва келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида, «D–LTD» ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги «Х–банк» АТБ-нинг аризаси асосидаги ишни муваққат бошқарувчи С. Қаршибоев, кредитор қўмитасининг вакили _____ қарздор вакили _____ларнинг иштирокида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Қарздор ва банк ўртасида 2005 йил 27 июлда 12/13-сонли кредит шартномаси тузилган ва ушбу шартномага асосан, банк томонидан 200000000 сўм миқдоридаги кредит мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича асбоб-ускуналар сотиб олиш учун берилган. Кредитни қайтариш жадвали ва фоиз тўловлари бўйича шартнома шартларини бузган ҳолда, кредит олувчи томонидан навбатдаги тўлов ва кредит маблағларидан фойдаланганлиги учун фоиз тўловларини амалга оширмаган. Шу сабабли 01.09.2008 йил ҳолати бўйича муддати ўтиб кетган қарздорлик 54100000 сўмни ташкил қилган.

Кредитор томонидан ўтказилган қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти мониторинги натижасида, шу нарса аниқландики, банк олдидаги қарздорлигидан ташқари, қарздорнинг бюджет олдида 3498594 сўм ҳамда «Х» фирмаси олдида 28528391 сўм миқдоридаги қарздорлиги мавжуд.

Қарздорнинг уч ой ва ундан ортиқ муддат ичида қарздорликни узиш имконияти йўқлигини инобатга олиб, кредитор қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни очиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилган.

Н. вилоят хўжалик судининг 2008 йил 22 ноябрдаги қарори билан, «D–LTD» ҚК банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш очилган.

Тугатишга доир иш юритиш мобайнида 2009 йил 10 мартда ўтказилган кредиторлар йиғилишида қарздор ва кредиторлар ўртасида келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган ва тасдиқлаш учун судга тақдим қилинган. Ушбу келишув битимида томонлар қуйидагиларни белгилаб қўйишган:

– кредиторлар қарздорга пул мажбуриятларини бажариш муддатини бир йилга, яъни 10.03.2010 йилгача узайтириш имконини беради;

– қарздор бюджет олдидаги 3498594 сўм миқдоридаги қарздорликни келишув битими суд томонидан тасдиқланган кундан бошлаб бир ой ичида узади;

– 2009 йил 25 мартдан бошлаб 8 ой ичида ҳар ойнинг 25 санасига қадар ойига 10 млн сўмдан ўтказиш йўли билан «Х–банк» АТБ олдидаги 78600000 сўм миқдордаги кредит шартномаси бўйича қарзини тўлайди;

– қарздор «Х» фирмаси олдидаги 28528391 сўм миқдоридаги қарзини 2010 йил январда – 15 млн сўм ва 2010 йил февралда – 13528391 сўм ўтказиш йўли билан тўлайди.

Қарздор вакилининг изоҳлашича, келишув битимида кўрсатилган муддат охирги муддат бўлиб, корхона қарздорликни олдинроқ узишни хоҳлайди. Шунингдек, кредит шартномаси бўйича қарзларни тўлаш муддати ҳали келмаган ва келишув битимига илова қилинган банк олдидаги қарзларни тўлаш жадвали кредит шартномасининг шартларига мувофиқ тузилган.

Суд бошқарувчисининг айтиб ўтишича, юқорида кўрсатиб ўтилган шартларда келишув битимини тузиш тўғрисидаги қарор 85,44% овозга эгалик қилувчи кредиторлар қатнашган кредиторлар йиғилишида қабул қилинган.

Кредиторлар қўмитасининг вакили томонидан таъкидланганидек, келишув битимини тузиш тўғрисидаги қарор кредиторлар йиғилишида ҳозир бўлганларнинг барчаси томонидан бир овоздан қабул қилинган ва келишув битимини тузиш оқибатлари кредиторларга тушунтирилган.

Ишда иштирок этувчи шахсларни тинглаб, келишув битими ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга биноан келишув битимини тасдиқлаш лозим деб ҳисоблайди:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 145-моддасига кўра, қарздор ва кредиторлар хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида келишув битими тузишга ҳақли. Келишув битими тузиш тўғрисидаги қарорни кредиторлар номидан кредиторлар йиғилиши қабул қилади. Кредиторлар йиғилишининг келишув битими тузиш тўғрисидаги қарори кредиторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва қарор, башарти қарздорнинг гаров билан таъминланган мол-мулки мажбуриятлари бўйича барча кредиторлар уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади.

Судга тақдим қилинган ҳужжатлардан маълумки, 2009 йил 10 мартда «D–LTD» ҚКнинг кредиторлар йиғилиши ўтказилган ва ушбу йиғилишда кре-

диторлар умумий овозлари сонининг 85,44 % га эгалик қилувчи кредиторлар қатнашган. Келишув битимини тузиш тўғрисидаги қарорни ёқлаб кредиторлар йиғилишида ҳозир бўлган кредиторларнинг барчаси, яъни кредиторлар умумий сонининг 85,44% овоз берган.

Қарздорнинг унинг гаров билан таъминланган мол-мулки мажбуриятлари бўйича кредиторлари мавжуд эмас.

Қонуннинг 149-моддасига мувофиқ, келишув битими фақат харажатлар қопланганидан ва ушбу Қонун 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган талаблар ҳамда иш ҳақини тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича талаблар қондирилганидан кейин хўжалик суди томонидан тасдиқланиши мумкин.

Қонуннинг 134-моддаси биринчи қисмида белгиланганидек, суд харажатларини, суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни, коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатларига оид жорий тўловларни, қарздорнинг мол-мулкини суғурта қилиш харажатларини қоплаш, шунингдек, қарздорнинг банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин юзага келган мажбуриятларига доир талабларни ҳамда қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлса, ана шу фуқаронинг талабларини қондириш навбатдан ташқари тарзда амалга оширилади.

Судга тақдим қилинган ҳужжатлардан аниқландики, Қонуннинг 134-моддаси биринчи қисмида белгиланган барча тўловлар, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тўловлар амалга оширилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тасдиқлаш учун тақдим қилинган келишув битими қонунчиликка зид бўлмаганлиги ва учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузмаганлиги сабабли, суд иш бўйича иш юритишни тугатишни ва келишув битимини тасдиқлаш мумкин деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 56, 134, 145 ва 149-моддалари, ЎзР ХПКнинг 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«D–LTD» ҚК ва кредиторлар ўртасида 10.03.2009 йилда қуйидаги шартларда тузилган келишув битими тасдиқлансин:

– кредиторлар қарздорга пул мажбуриятларини бажариш муддатини бир йилга, яъни 10.03.2010 йилгача узайтириш имконини беради;

– қарздор бюджет олдидаги 3498594 сўм миқдоридаги қарздорликни келишув битими суд томонидан тасдиқланган кундан бошлаб бир ой ичида узади;

– 2009 йил 25 мартдан бошлаб 8 ой ичида ҳар ойнинг 25 санасига қадар ойига 10 млн сўмдан ўтказиш йўли билан «Х–банк» АТБ олдидаги 78600000 сўм миқдордаги кредит шартномаси бўйича қарзини тўлайди;

– қарздор «Х» фирмаси олдидаги 28528391 сўм миқдоридаги қарзини 2010 йил январда – 15 млн сўм ва 2010 йил февралда – 13528391 сўм ўтказиш йўли билан тўлайди.

Банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тугатилсин.

Келишув битими тасдиқланганлиги сабабли қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор ижро этилмасин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 151-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Қонуннинг 149-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган харажатларни қоплаш ва талабларни қондиришга доир мажбуриятлар бажарилмаганлиги сабабли келишув битимини тасдиқлашни рад қилиш тўғрисида суд ажрими

Н. ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Келишув битимини тасдиқлашни рад қилиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида, аризачи «Х» АТБнинг қарздор «D–LTD» ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини муваққат бошқарувчи С. Қаршибоев ва кредитор вакили _____ қарздор вакили _____ ларнинг иштирокида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Қарздор ва банк ўртасида 2005 йил 27 июлда 12/13-сонли кредит шартномаси тузилган ва ушбу шартномага асосан, банк томонидан 200000000 сўм миқдоридаги кредит мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича асбоб-

ускуналар сотиб олиш учун берилган. Кредитни қайтариш жадвали ва фоиз тўловлари бўйича шартнома шартларини бузган ҳолда, кредит олувчи томонидан навбатдаги тўлов ва кредит маблағларидан фойдаланганлиги учун фоиз тўловларини амалга оширмаган. Шу сабабли 01.10.2008 йил ҳолати бўйича муддати ўтиб кетган қарздорлик 54600000 сўмни ташкил қилган.

Кредитор томонидан ўтказилган қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти мониторинги натижасида, шу нарса аниқландики, банк олдидаги қарздорлигидан ташқари, қарздорнинг бюджет олдида 3498594 сўм ҳамда бошқа кредиторлар олдида 28528391 сўм миқдоридаги қарздорлиги мавжуд.

Қарздорнинг уч ой ва ундан ортиқ муддат ичида қарздорликни узиш имконияти йўқлигини инобатга олиб, кредитор қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни очиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилган.

2009 йил 2 январдаги суд ажрими билан, кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган ҳамда қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ва кузатув жорий этилиб, С. Қаршибоев вақтинчалик бошқарувчи этиб тайинланган.

Суд мажлисида кредиторнинг вакили шуни айтиб ўтдики, кузатув мобайнида вақтинчалик бошқарувчи томонидан қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлил қилинган ва ушбу таҳлил натижасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги аниқланган. Шунга асосан, кредитор ва қарздор ўртасида келишув битими тузилган ва биринчи кредиторлар йиғилиши томонидан иш юритишни тугатиш ва келишув битимини тасдиқлаш ҳақида судга илтимоснома билан мурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Вақтинчалик бошқарувчининг изоҳлаб ўтишича, унга юкланган вазифаларга асосан, қарздорнинг кредиторлари ва дебиторлари аниқланган, кредиторлар талаблари реестри тузилган, қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилдан ўтказилган, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ташкил этилган ҳамда ўтказилган, ушбу йиғилишда кредитор ва қарздор ўртасида келишув битими тузишга эришилган. Шунингдек, вақтинчалик бошқарувчи томонидан, қарздорнинг жорий тўловлар бўйича қарзлари мавжуд эмаслиги, лекин қарздорнинг банкдаги ҳисобида пул маблағларининг йўқлиги сабабли меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича 4750000 сўм миқдоридаги қарздорлик мавжудлиги ҳамда суд бошқарувчисига тўланадиган 800000 сўм миқдоридаги маош ҳали тўланмаганлиги таъкидлаб ўтилди.

Қарздорнинг вакили келишув битими тузилганлиги ҳақидаги фактни тасдиқлаб, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни тугатишни сўраган ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз ва суд бошқарувчисига тўланадиган маош ҳам бир ой ичида тўланишини айтиб ўтди.

Вақтинчалик бошқарувчи ва томонлар вакилларининг тушунтиришларини эшитиб, ишга доир ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суд қуйидагиларга асосан, келишув битимини тасдиқлашни рад қилиш лозим деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларидан маълумки, 2009 йил 2 январдаги суд ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ва кузатув жорий этилган, ушбу кузатув мобайнида вақтинчалик бошқарувчи томонидан қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилдан ўтказилган, кредиторларнинг талаблари кўриб чиқилган ва кредиторларнинг талаблари реестри тузилган, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ташкил этилган ва ўтказилган.

2009 йил 27 февралда ўтказилган кредиторларнинг биринчи йиғилишида қарздор ва кредиторлар ўртасида қуйидаги шартлар асосида келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган:

а) кредиторлар қарздорга пул мажбуриятларини бажариш муддатини 6 ойга, яъни 01.09.2009 йилгача узайтириш имконини беради;

б) қарздор қарздорликни узиш мажбуриятини олади:

– қарздор бюджет олдидаги 3498594 сўм миқдоридаги қарздорликни келишув битими суд томонидан тасдиқланган кундан бошлаб бир ой ичида узади;

– 2009 йил 25 мартдан бошлаб 6 ой ичида ҳар ойнинг 25 санасига қадар 9100000 сўм миқдорида ойма-ой ўтказиш йўли билан, банк олдидаги 54600000 сўм миқдоридаги қарздорликни;

– 2009 йилнинг май-августи ичида ҳар ойнинг 10 санасига қадар ойига 7132098 сўм ўтказиш йўли билан, бошқа кредиторлар олдидаги 28528391 сўм миқдоридаги қарздорликни.

Банкротлик тўғрисида»ги Қонун (қуйида Қонун) нинг 145-моддасига асосан, қарздор ва кредиторлар хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида келишув битими тузишга ҳақли.

Қонуннинг 149-моддасига мувофиқ, келишув битими фақат харажатлар қопланганидан ва ушбу Қонун 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган талаблар ҳамда иш ҳақини тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича талаблар қондирилганидан кейин хўжалик суди томонидан тасдиқланиши мумкин.

Қонуннинг 134-моддаси биринчи қисмида белгиланганидек, суд харажатларини, суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни, коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатларига оид жорий тўловларни, қарздорнинг мол-мулкини суғурта қилиш харажатларини қоплаш, шунингдек, қарздорнинг банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин юзага келган мажбуриятларига доир талабларни ҳамда қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлса, ана шу фуқаронинг талабларини қондириш навбатдан ташқари тарзда амалга оширилади.

Судга тақдим қилинган ҳужжатлардан аниқландики, Қонуннинг 134-моддаси биринчи қисмида белгиланган барча тўловлар амалга оширилган. Аммо меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича 4750000 сўм миқдоридаги қарз ҳамда суд бошқарувчисига тўланадиган 800000 сўм миқдоридаги маош ҳали тўланмаган.

Қонуннинг 151-моддаси биринчи қисмига асосан, ушбу Қонуннинг 149-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган харажатларни қоплаш ва талабларни қондиришга доир мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда хўжалик суди келишув битимини тасдиқлашни рад этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда қарздор томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича 4750000 сўм миқдоридаги қарз ва 800000 сўм миқдоридаги суд бошқарувчисига тўланадиган маош билан боғлиқ харажатлар қопланмаганлиги сабабли, келишув битимини тасдиқлаш лозим эмас.

Юқоридагиларга ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 145-, 149- ва 151-моддалари, ЎзР ХПКнинг 151-моддасига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«D–LTD» ҚК ва кредиторлар ўртасида 27.02.2009 йилда тузилган келишув битимини тасдиқлаш рад қилинсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 2

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда белгиланган келишув битимини тузиш тартибини бузганлик учун келишув битимини тасдиқлашни рад қилиш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Келишув битимини тасдиқлашни рад қилиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида, аризачи «Х» АТБнинг қарздор «D–LTD» ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини муваққат бошқарувчи С.Қаршибоев ва кредитор вакили _____ қарздор вакили _____ ларнинг иштирокида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Қарздор ва банк ўртасида 2005 йил 27 июлда 12/13-сонли кредит шартномаси тузилган ва ушбу шартномага асосан, банк томонидан 200000000 сўм миқдоридаги кредит мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича асбобускуналар сотиб олиш учун берилган. Кредитни қайтариш жадвали ва фоиз тўловлари бўйича шартнома шартларини бузган ҳолда, кредит олувчи томонидан навбатдаги тўлов ва кредит маблағларидан фойдаланганлиги учун фоиз тўловларини амалга оширмаган. Шу сабабли 01.10.2008 йил ҳолати бўйича муддати ўтиб кетган қарздорлик 54600000 сўмни ташкил қилган.

Кредитор томонидан ўтказилган қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти мониторинги натижасида, шу нарса аниқландики, банк олдидаги қарздорлигидан ташқари, қарздорнинг бюджет олдида 3498594 сўм ҳамда бошқа кредиторлар олдида 28528391 сўм миқдоридаги қарздорлиги мавжуд.

Қарздорнинг уч ой ва ундан ортиқ муддат ичида қарздорликни узиш имконияти йўқлигини инобатга олиб, кредитор қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни очиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилган.

2009 йил 2 январдаги суд ажрими билан, кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган ҳамда қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш

қўзғатилган ва кузатув жорий этилиб, С.Қаршибоев вақтинчалик бошқарувчи этиб тайинланган.

Суд мажлисида кредиторнинг вакили шуни айтиб ўтдики, кузатув мобайнида вақтинчалик бошқарувчи томонидан қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлил қилинган ва ушбу таҳлил натижасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги аниқланган. Шунга асосан, кредитор ва қарздор ўртасида келишув битими тузилган ва биринчи кредиторлар йиғилиши томонидан иш юритишни тугатиш ва келишув битимини тасдиқлаш ҳақида судга илтимоснома билан мурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Вақтинчалик бошқарувчининг изоҳлаб ўтишича, унга юкланган вазифаларга асосан, қарздорнинг кредиторлари ва дебиторлари аниқланган, кредиторлар талаблари реестри тузилган, қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилдан ўтказилган, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ташкил этилган ҳамда ўтказилган, ушбу йиғилишда кредитор ва қарздор ўртасида келишув битими тузишга эришилган. Шунингдек, вақтинчалик бошқарувчи томонидан қарздорнинг меҳнатга ҳақ тўлаш ва жорий тўловлар бўйича қарздорлиги, суд бошқарувчисига тўланадиган ойлик билан боғлиқ харажатлар юзасидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги айтиб ўтилди.

Қарздорнинг вакили келишув битими тузилганлиги ҳақидаги фактни тасдиқлаб, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни тугатишни сўради.

Вақтинчалик бошқарувчи ва томонлар вакилларининг тушунтиришларини эшитиб, ишга доир ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга асосан, келишув битимини тасдиқлашни рад этиш лозим деб ҳисоблайди:

Иш ҳужжатларидан маълумки, 2009 йил 2 январдаги суд ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ва кузатув жорий этилган, ушбу кузатув мобайнида вақтинчалик бошқарувчи томонидан қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилдан ўтказилган, кредиторларнинг талаблари кўриб чиқилган ва кредиторларнинг талаблари реестри тузилган, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ташкил этилган ва ўтказилган.

2009 йил 27 февралда ўтказилган кредиторларнинг биринчи йиғилишида қарздор ва кредиторлар ўртасида қуйидаги шартлар асосида келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган:

а) кредиторлар қарздорга пул мажбуриятларини бажариш муддатини 6 ойга, яъни 01.09.2009 йилгача узайтириш имконини беради;

б) қарздор қарздорликни узиш мажбуриятини олади:

– қарздор бюджет олдидаги 3498594 сўм миқдоридаги қарздорликни келишув битими суд томонидан тасдиқланган кундан бошлаб бир ой ичида узади;

– 2009 йил 25 мартдан бошлаб 6 ой ичида ҳар ойнинг 25 санасига қадар 9100000 сўм миқдорида ойма-ой ўтказиш йўли билан, банк олдидаги 54600000 сўм миқдоридаги қарздорликни;

– 2009 йилнинг май-августи ичида ҳар ойнинг 10 санасига қадар ойига 7132098 сўм ўтказиш йўли билан, бошқа кредиторлар олдидаги 28528391 сўм миқдоридаги қарздорликни.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 145-моддасига кўра, Қарздор ва кредиторлар хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида келишув битими тузишга ҳақли. Келишув битими тузиш тўғрисидаги қарорни кредиторлар номидан кредиторлар йиғилиши қабул қилади. Кредиторлар йиғилишининг келишув битими тузиш тўғрисидаги қарори кредиторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва қарор, башарти қарздорнинг гаров билан таъминланган мол-мулки мажбуриятлари бўйича барча кредиторлар уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади.

Қонуннинг 10-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига киради.

Қонуннинг 10-моддаси олтинчи қисмида, кредиторлар йиғилиши, агар унда қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари умумий суммасининг камида учдан икки қисми миқдорида талаблар билдираётган, овоз бериш ҳуқуқи бор кредиторлар ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади деб белгилаб қўйилган.

Судга тақдим қилинган кредиторлар йиғилишининг баённомасидан маълумки, 2009 йил 27 февралда кредиторлар йиғилиши ўтказилган ва ушбу йиғилишда кредиторлар умумий овозлари сонининг 65,4%га эгалик қилувчи кредиторлар қатнашган. Келишув битимини тузиш тўғрисидаги қарорни ёқлаб кредиторлар йиғилишида ҳозир бўлган кредиторларнинг 51%и овоз берган. Кредиторлар йиғилиши банкротлик тўғрисидаги қонунчилик билан белгиланган кворум бўлмаган ҳолда ўтказилганлиги сабабли, кредиторлар йиғилиши томонидан қабул қилинган келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор қонуний кучга эга эмас.

Қонуннинг 151-модда иккинчи қисмига асосан, ушбу Қонун билан белгиланган келишув битимини тузиш тартибини бузганлиги муносабати билан, хўжалик суди келишув битимини тасдиқлашни рад қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда кредиторлар йиғилиши томонидан келишув битими тузиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда келишув битимини тузиш тартибини бузиш ҳолатига йўл қўйилганлиги сабабли келишув битимини тасдиқлаш лозим эмас.

Юқоридагиларга ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 10-, 145- ва 151-моддалари, ЎзР ХПКнинг 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«D–LTD» ҚК ва кредиторлар ўртасида 27.02.2009 йилда тузилган келишув битимини тасдиқлаш рад қилинсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 3

Келишув битимининг шаклига риоя этилмаганлиги сабабли келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида, аризачи «Х» АТБнинг қарздор «D–LTD» ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини муваққат бошқарувчи С. Қаршибоев ва кредитор вакили _____ қарздор вакили _____ ларнинг иштирокида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Қарздор ва банк ўртасида 2005 йил 27 июлда 12/13-сонли кредит шартномаси тузилган ва ушбу шартномага асосан, банк томонидан 200000000 сўм миқдоридаги кредит мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича асбоб-ускуналар сотиб олиш учун берилган. Кредитни қайтариш жадвали ва фоиз тўловлари бўйича шартнома шартларини бузган ҳолда, кредит олувчи томонидан навбатдаги тўлов ва кредит маблағларидан фойдаланганлиги учун фоиз тўловларини амалга оширмаган. Шу сабабли 01.10.2008 йил ҳолати бўйича муддати ўтиб кетган қарздорлик 54600000 сўмни ташкил қилган.

Кредитор томонидан ўтказилган қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти мониторинги натижасида, шу нарса аниқландики, банк олдидаги қарздорлигидан ташқари, қарздорнинг бюджет олдида 3498594 сўм ҳамда бошқа кредиторлар олдида 28528391 сўм миқдоридаги қарздорлиги мавжуд.

Қарздорнинг уч ой ва ундан ортиқ муддат ичида қарздорликни узиш имконияти йўқлигини инобатга олиб, кредитор қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни очиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилган.

2009 йил 2 январдаги суд ажрими билан, кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган ҳамда қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш

қўзғатилган ва кузатув жорий этилиб, С.Қаршибоев муваққат бошқарувчи этиб тайинланган.

Суд мажлисида кредиторнинг вакили шуни айтиб ўтдики, кузатув мобайнида муваққат бошқарувчи томонидан қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлил қилинган ва ушбу таҳлил натижасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги аниқланган. Шунга асосан, кредитор ва қарздор ўртасида келишув битими тузилган ва биринчи кредиторлар йиғилиши томонидан иш юритишни тугатиш ва келишув битимини тасдиқлаш ҳақида судга илтимоснома билан мурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Муваққат бошқарувчининг изоҳлаб ўтишича, унга юкланган вазифаларга асосан, қарздорнинг кредиторлари ва дебиторлари аниқланган, кредиторлар талаблари реестри тузилган, қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилдан ўтказилган, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ташкил этилган ҳамда ўтказилган, ушбу йиғилишда кредитор ва қарздор ўртасида келишув битими тузишга эришилган. Шунингдек, муваққат бошқарувчи томонидан қарздорнинг меҳнатга ҳақ тўлаш ва жорий тўловлар бўйича қарздорлиги, суд бошқарувчисига тўланадиган ойлик билан боғлиқ харажатлар юзасидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги айтиб ўтилди.

Қарздорнинг вакили келишув битими тузилганлиги ҳақидаги фактни тасдиқлаб, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни тугатишни сўради.

Муваққат бошқарувчи ва томонлар вакилларининг тушунтиришларини эшитиб, ишга доир ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга асосан, келишув битимини тасдиқлашни рад этиш лозим деб ҳисоблайди:

Иш ҳужжатларидан маълумки, 2009 йил 2 январдаги суд ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ва кузатув жорий этилган, ушбу кузатув мобайнида муваққат бошқарувчи томонидан қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилдан ўтказилган, кредиторларнинг талаблари кўриб чиқилган ва кредиторларнинг талаблари реестри тузилган, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ташкил этилган ва ўтказилган.

2009 йил 27 февралда ўтказилган кредиторларнинг биринчи йиғилишида қарздор ва кредиторлар ўртасида қуйидаги шартлар асосида келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган:

а) кредиторлар қарздорга пул мажбуриятларини бажариш муддатини 6 ойга, яъни 01.09.2009 йилгача узайтириш имконини беради;

б) қарздор қарздорликни узиш мажбуриятини олади:

– қарздор бюджет олдидаги 3498594 сўм миқдоридаги қарздорликни келишув битими суд томонидан тасдиқланган кундан бошлаб бир ой ичида узади;

– 2009 йил 25 мартдан бошлаб 6 ой ичида ҳар ойнинг 25 санасига қадар 9100000 сўм миқдорида ойма-ой ўтказиш йўли билан, банк олдидаги 54600000 сўм миқдоридаги қарздорликни;

– 2009 йилнинг май-августи ичида ҳар ойнинг 10 санасига қадар ойига 7132098 сўм ўтказиш йўли билан, бошқа кредиторлар олдидаги 28528391 сўм миқдоридаги қарздорликни.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 145-моддасига кўра, Қарздор ва кредиторлар хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида келишув битими тузишга ҳақли.

Қонуннинг 147-моддасига асосан, келишув битими ёзма шаклда тузилади, қарздор номидан келишув битимини тегишинча қарздор якка тартибдаги тадбиркор, қарздорнинг раҳбари ёки суд бошқарувчиси имзолайди, кредиторлар номидан келишув битимини кредиторлар йиғилиши томонидан ваколат берилган шахснинг ўзи имзолайди.

Ушбу ҳолатда кредиторлар йиғилишининг қарори асосида қарздор ва ҳар бир кредитор ўртасида алоҳида келишув битими тузилган.

Қонуннинг 151-моддаси иккинчи қисмига асосан, хўжалик суди келишув битимининг шаклига риоя этилмаган ҳолатда, келишув битимини тасдиқлашни рад қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда келишув битимини тузишда келишув битимининг шакли тўғрисидаги Қонун талабларига риоя этилмаганлиги сабабли келишув битимини тасдиқлаш лозим эмас.

Юқоридагиларга ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 10-, 145- ва 151-моддалари, ЎзР ХПКнинг 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«D–LTD» ҚК ва кредиторлар ўртасида 27.02.2009 йилда тузилган келишув битимини тасдиқлаш рад қилинсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 4

Учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги сабабли келишув битимини тасдиқлашни рад қилиш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Келишув битимини тасдиқлашни рад қилиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида, аризачи «Х» АТБнинг қарздор «D–LTD» ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини муваққат бошқарувчи С. Қаршибоев ва кредитор вакили _____ қарздор вакили _____ ларнинг иштирокида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Қарздор ва банк ўртасида 2005 йил 27 июлда 12/13-сонли кредит шартномаси тузилган ва ушбу шартномага асосан, банк томонидан 200000000 сўм миқдоридаги кредит мебел маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича асбобускуналар сотиб олиш учун берилган. Кредитни қайтариш жадвали ва фоиз тўловлари бўйича шартнома шартларини бузган ҳолда, кредит олувчи томонидан навбатдаги тўлов ва кредит маблағларидан фойдаланганлиги учун фоиз тўловларини амалга оширмаган. Шу сабабли 01.10.2008 йил ҳолати бўйича муддати ўтиб кетган қарздорлик 54600000 сўмни ташкил қилган.

Кредитор томонидан ўтказилган қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти мониторинги натижасида, шу нарса аниқландики, банк олдидаги қарздорлигидан ташқари, қарздорнинг бюджет олдида 3498594 сўм ҳамда бошқа кредиторлар олдида 28528391 сўм миқдоридаги қарздорлиги мавжуд.

Қарздорнинг уч ой ва ундан ортиқ муддат ичида қарздорликни узиш имконияти йўқлигини инобатга олиб, кредитор қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни очиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилган.

2009 йил 2 январдаги суд ажрими билан, кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган ҳамда қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш

қўзғатилган ва кузатув жорий этилиб, С.Қаршибоев муваққат бошқарувчи этиб тайинланган.

Суд мажлисида кредиторнинг вакили шуни айтиб ўтдики, кузатув мобайнида муваққат бошқарувчи томонидан қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлил қилинган ва ушбу таҳлил натижасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги аниқланган. Шунга асосан, кредитор ва қарздор ўртасида келишув битими тузилган ва биринчи кредиторлар йиғилиши томонидан иш юритишни тугатиш ва келишув битимини тасдиқлаш ҳақида судга илтимоснома билан мурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Муваққат бошқарувчининг изоҳлаб ўтишича, унга юкланган вазифаларга асосан, қарздорнинг кредиторлари ва дебиторлари аниқланган, кредиторлар талаблари реестри тузилган, қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилдан ўтказилган, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ташкил этилган ҳамда ўтказилган, ушбу йиғилишда кредитор ва қарздор ўртасида келишув битими тузишга эришилган. Шунингдек, муваққат бошқарувчи томонидан қарздорнинг меҳнатга ҳақ тўлаш ва жорий тўловлар бўйича қарздорлиги, суд бошқарувчисига тўланадиган ойлик билан боғлиқ харажатлар юзасидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги айтиб ўтилди.

Қарздорнинг вакили келишув битими тузилганлиги ҳақидаги фактни тасдиқлаб, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни тугатишни сўради.

Муваққат бошқарувчи ва томонлар вакилларининг тушунтиришларини эшитиб, ишга доир ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга асосан, келишув битимини тасдиқлашни рад этиш лозим деб ҳисоблайди:

Иш ҳужжатларидан маълумки, 2009 йил 2 январдаги суд ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ва кузатув жорий этилган, ушбу кузатув мобайнида муваққат бошқарувчи томонидан қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилдан ўтказилган, кредиторларнинг талаблари кўриб чиқилган ва кредиторларнинг талаблари реестри тузилган, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ташкил этилган ва ўтказилган.

2009 йил 27 февралда ўтказилган кредиторларнинг биринчи йиғилишида қарздор ва кредиторлар ўртасида қуйидаги шартлар асосида келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган:

а) кредиторлар қарздорга пул мажбуриятларини бажариш муддатини 6 ойга, яъни 01.09.2009 йилгача узайтириш имконини беради;

б) қарздор қарздорликни узиш мажбуриятини олади:

– қарздор бюджет олдидаги 3498594 сўм миқдоридаги қарздорликни келишув битими суд томонидан тасдиқланган кундан бошлаб бир ой ичида узади;

– 2009 йил 25 мартдан бошлаб 6 ой ичида ҳар ойнинг 25 санасига қадар 9100000 сўм миқдорида ойма-ой ўтказиш йўли билан, банк олдидаги 54600000 сўм миқдоридаги қарздорликни;

в) бошқа кредиторлар олдидаги 28528391 сўм миқдоридаги қарздорлик қарздорнинг дебитори бўлган ва қарздор олдида 32 млн сўм миқдордаги қарзи мавжуд бўлган «Х» фирмаси томонидан 2009 йилнинг 1 майига қадар пул ўтказиш йўли билан қопланади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 145-моддасига кўра, Қарздор ва кредиторлар хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида келишув битими тузишга ҳақли.

Қонуннинг 147-моддасига асосан, келишув битими ёзма шаклда тузилади, қарздор номидан келишув битимини тегишинча қарздор якка тартибдаги тадбиркор, қарздорнинг раҳбари ёки суд бошқарувчиси имзолайди, кредиторлар номидан келишув битимини кредиторлар йиғилиши томонидан ваколат берилган шахснинг ўзи имзолайди.

Қонуннинг 147-моддаси учинчи қисмида, агар келишув битимида учинчи шахслар иштирок этаётган бўлса, улар номидан келишув битимини шу шахсларнинг ўзи ёки уларнинг вакиллари имзолаши назарда тутилган.

Ушбу ҳолатда келишув битими учинчи шахс – «Х» фирмаси учун маълум мажбуриятлар келтириб чиқаради, лекин келишув битими ушбу фирманинг раҳбари ёки вакили томонидан имзоланмаган.

Қонуннинг 151-моддаси иккинчи қисмига асосан, хўжалик суди учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, келишув битимини тасдиқлашни рад этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда келишув битимини тузишда «Х» фирмасининг ҳуқуқлари бузилганлиги сабабли келишув битимини тасдиқлаш лозим эмас.

Юқоридагиларга ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 10-, 145- ва 151-моддалари, ЎзР ХПКнинг 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«D–LTD» ҚК ва кредиторлар ўртасида 27.02.2009 йилда тузилган келишув битимини тасдиқлаш рад қилинсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 5

Келишув битимининг шартлари қонун ҳужжатларига зид бўлганлиги сабабли келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида, аризачи «Х» АТБнинг қарздор «D–LTD» ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини муваққат бошқарувчи С.Қаршибоев ва кредитор вакили _____ қарздор вакили _____ ларнинг иштирокида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Қарздор ва банк ўртасида 2005 йил 27 июлда 12/13-сонли кредит шартномаси тузилган ва ушбу шартномага асосан, банк томонидан 200000000 сўм миқдоридаги кредит мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича асбобускуналар сотиб олиш учун берилган. Кредитни қайтариш жадвали ва фоиз тўловлари бўйича шартнома шартларини бузган ҳолда, кредит олувчи томонидан навбатдаги тўлов ва кредит маблағларидан фойдаланганлиги учун фоиз тўловларини амалга оширмаган. Шу сабабли 01.10.2008 йил ҳолати бўйича муддати ўтиб кетган қарздорлик 54600000 сўмни ташкил қилган.

Кредитор томонидан ўтказилган қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти мониторинги натижасида, шу нарса аниқландики, банк олдидаги қарздорлигидан ташқари, қарздорнинг бюджет олдида 3498594 сўм ҳамда бошқа кредиторлар олдида 28528391 сўм миқдоридаги қарздорлиги мавжуд.

Қарздорнинг уч ой ва ундан ортиқ муддат ичида қарздорликни узиш имконияти йўқлигини инобатга олиб, кредитор қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни очиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилган.

2009 йил 2 январдаги суд ажрими билан, кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган ҳамда қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш

қўзғатилган ва кузатув жорий этилиб, С.Қаршибоев муваққат бошқарувчи этиб тайинланган.

Суд мажлисида кредиторнинг вакили шуни айтиб ўтдики, кузатув мобайнида муваққат бошқарувчи томонидан қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлил қилинган ва ушбу таҳлил натижасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги аниқланган. Шунга асосан, кредитор ва қарздор ўртасида келишув битими тузилган ва биринчи кредиторлар йиғилиши томонидан иш юритишни тугатиш ва келишув битимини тасдиқлаш ҳақида судга илтимоснома билан мурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Муваққат бошқарувчининг изоҳлаб ўтишича, унга юкланган вазифаларга асосан, қарздорнинг кредиторлари ва дебиторлари аниқланган, кредиторлар талаблари реестри тузилган, қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилдан ўтказилган, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ташкил этилган ҳамда ўтказилган, ушбу йиғилишда кредитор ва қарздор ўртасида келишув битими тузишга эришилган. Шунингдек, муваққат бошқарувчи томонидан қарздорнинг меҳнатга ҳақ тўлаш ва жорий тўловлар бўйича қарздорлиги, суд бошқарувчисига тўланадиган ойлик билан боғлиқ харажатлар юзасидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги айтиб ўтилди.

Қарздорнинг вакили келишув битими тузилганлиги ҳақидаги фактни тасдиқлаб, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни тугатишни сўради.

Муваққат бошқарувчи ва томонлар вакилларининг тушунтиришларини эшитиб, ишга доир ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга асосан, келишув битимини тасдиқлашни рад этиш лозим деб ҳисоблайди:

Иш ҳужжатларидан маълумки, 2009 йил 2 январдаги суд ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ва кузатув жорий этилган, ушбу кузатув мобайнида муваққат бошқарувчи томонидан қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилдан ўтказилган, кредиторларнинг талаблари кўриб чиқилган ва кредиторларнинг талаблари реестри тузилган, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ташкил этилган ва ўтказилган.

2009 йил 27 февралда ўтказилган кредиторларнинг биринчи йиғилишида қарздор ва кредиторлар ўртасида қуйидаги шартлар асосида келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган:

а) кредиторлар қарздорга пул мажбуриятларини бажариш муддатини 6 ойга, яъни 01.09.2009 йилгача узайтириш имконини беради;

б) қарздор қарздорликни узиш мажбуриятини олади:

– қарздор бюджет олдидаги 3498594 сўм миқдоридаги қарздорликни келишув битими суд томонидан тасдиқланган кундан бошлаб бир ой ичида узади;

– 2009 йил 25 мартдан бошлаб 6 ой ичида ҳар ойнинг 25 санасига қадар 9100000 сўм миқдорида ойма-ой ўтказиш йўли билан, банк олдидаги 54600000 сўм миқдоридаги қарздорликни;

– 2009 йилнинг май–августи ичида ҳар ойнинг 10 санасига қадар ойига 7132098 сўм ўтказиш йўли билан бошқа кредиторлар олдидаги 28528391 сўм миқдоридаги қарздорликни;

в) қарзларни тўлаш муддати бузилган тақдирда, кредиторлардан бирининг мурожаати асосида банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тикланиши мумкин.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 145-моддасига кўра, Қарздор ва кредиторлар хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида келишув битими тузишга ҳақли.

Қонуннинг 148-моддаси биринчи қисмига асосан, келишув битимида қарздор пул мажбуриятларининг миқдори, уларни бажариш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ва (ёки) воз кечиш ҳақини бериш, мажбуриятларни янгилаш, қарзни кечиш йўли билан ёхуд қарздорнинг пул мажбуриятларини қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга усуллар билан тугатиш тўғрисидаги қоидалар бўлиши керак.

Қонуннинг 148-моддаси иккинчи қисмида, Келишув битимида қуйидаги шартлар кўрсатилиши мумкин: пул мажбуриятларининг тўлови кечиктирилганлиги ёки бўлиб-бўлиб тўланиши тўғрисидаги шартлар; қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартлар; қарздорнинг пул мажбуриятларини учинчи шахслар томонидан бажариш тўғрисидаги шартлар; қарзлардан сийлов бериш тўғрисидаги шартлар; қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий тўловларни тўлаш муддатлари ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги шартлар; кредиторларнинг талабларини қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа усуллар билан қондириш тўғрисидаги шартлар.

Тасдиқлаш учун тақдим қилинган келишув битимида шундай қоида белгиланганки, агар Қонуннинг 148-моддаси талаблари бузилганда, яъни келишув битимининг шартлари қарздор томонидан лозим даражада бажарилмаганда, банкротлик тўғрисидаги иш юритиш қайта тикланиши мумкин. Бундай пайтда Қонуннинг 155-моддаси биринчи қисмига асосан, келишув битими қарздор томонидан бажарилмаган ҳолатда, кредиторлар келишув битимида назарда тутилган ҳажмда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талаблар тақдим этишга ҳақли.

Қонуннинг 151-моддаси иккинчи қисмига асосан, хўжалик суди келишув битимининг шартлари қонун ҳужжатларига зид бўлган тақдирда, келишув битимини тасдиқлашни рад қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда келишув битимининг шартлари қонун ҳужжатларига зид бўлганлиги сабабли келишув битимини тасдиқлаш лозим эмас.

Юқоридагиларга ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 10-, 145- ва 151-моддалари, ЎзР ХПКнинг 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«D–LTD» ҚК ва кредиторлар ўртасида 27.02.2009 йилда тузилган келишув битимини тасдиқлаш рад қилинсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 153-моддаси шарҳига иловалар

Келишув битимининг ҳақиқий эмаслиги масаласи суд томонидан банкротлик тўғрисидаги иш доирасидан ташқарида кўриб чиқилади ва шу сабабли Қоуннинг ушбу моддасига иловалар берилмади.

Қонуннинг 154-моддаси шарҳига иловалар

Илова № 1

Келишув битимининг ҳақиқий эмас деб топилиши муносабати билан банкротлик тўғрисидаги иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси_____ аризачи «Х–банк» АТБнинг қарздор «D–LTD» ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2009 йил 2 январдаги суд ажрими билан «D–LTD» ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги «Х–банк» АТБнинг аризаси иш юритишга қабул қилинган, қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган ва кузатув жорий этилган.

Кузатув мобайнида қарздор ва кредитор ўртасида келишув битими тузишга эришилган ва ушбу келишув битими 2009 йил 10 мартдаги суд ажрими билан тасдиқланган ҳамда иш юритиш тугатилган.

Н. вилоят хўжалик судининг кредитор – «Х» фирмасининг даъво аризаси асосидаги иш юзасидан 2009 йил 6 июнда чиқарган қарори билан банкротлик тўғрисидаги иш доирасида тузилган келишув битими ҳақиқий эмас деб топилган. Чунки келишув битимида айрим кредиторлар учун афзаллик берилишини ёки айрим кредиторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишини назарда тутувчи шартлар назарда тутилган.

Ушбу суд қарори 2009 йил 7 июнда кучга кирган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 145-модда биринчи қисмига асосан, келишув битимининг ҳақиқий эмас деб топилиши банкротлик тўғрисидаги иш юритишни қайта тиклаш учун асос ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда «D–LTD» ҚКни банкрот деб топиш тўғрисидаги иш бўйича қарздор ва кредитор ўртасида тузилган келишув битими ҳақиқий эмас деб топилганлиги сабабли суд банкротлик тўғрисидаги иш юритишни қайта тиклаш лозим деб ҳисоблайди.

Кузатув мобайнида келишув битими тузилганлиги ва ушбу битим тасдиқланганлиги муносабати билан муваққат бошқарувчининг ваколат муддати тугатилган, шу сабабли кузатув қайта тикланиши керак, кредитор муваққат бошқарувчи номзодини тақдим этиши лозим.

Юқоридагиларга ҳамда ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 154-моддаси, ЎзР ХПКнинг 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«D–LTD» ҚКнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритиш қайта тиклансин.

Ишни кўриш 2009 йил 10 август куни соат 12.00 га тайинлансин.

Суд муҳокамаси _____ да жойлашган Н. вилоят хўжалик суди биносида ўтказилади.

«Х–банк» АТБ 2009 йил 20 июнга қадар судга муваққат бошқарувчи номзодини тақдим қилсин.

Қарздор ҳисобидан «D–LTD» ҚКнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритиш қайта тикланганлиги тўғрисидаги хабар расмий нашрга юборилсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

IX БОБ. ҚАРЗДОР ЮРИДИК ШАХСЛАР АЙРИМ ТОИФАЛАРИ БАНКРОТЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Шаҳарни ташкил этувчи корхона ва унга тенглаштирилган корхона банкротлиги

Қонуннинг 156-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Шаҳарни ташкил этувчи корхонага нисбатан банкротлик ишини қўзғатиш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Аризани иш юритувида қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, ДАТБ «Х–банк» нинг «ХХХ–ПЛЮС» ОАЖ ни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси ва аризага илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, мазкур ариза судловга тегишлилиги бўйича тўғри тақдим қилинганлиги ва ЎзР ХПК 112-моддаси ҳамда «Банкротлик тўғрисида» ги ЎзР Қонуннинг 39,41, 156-моддалари талабига жавоб бера олганлиги боис аризани иш юритувига қабул қилади.

Аризани иш юритувига қабул қилиш ва банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш учун етарли асослар мавжудлигига эътибор қаратиб, ишни тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашга қаратилган барча ҳаракатларни амалга ошириб ҳамда «Банкротлик тўғрисида» ги ЎзР Қонуннинг 45, 47, 48, 49, 62, 65, 156-моддалари ва ЎзР ХПК 116, 122–124-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

1. ДАТБ «Х–банк» аризаси иш юритувига қабул қилинсин ва «ХХХ–ПЛЮС» ОАЖ га нисбатан банкротлик иши қўзғатилсин.

2. Иш бўйича хўжалик судининг суд муҳокамаси 2009 йил 25 ноябрь соат 10.00 қилиб тайинлансин. Суд мажлиси _____ ш, С.Юсупов кўчаси, 6-уйда жойлашган суд биносининг 3-суд залида бўлиб ўтади.

3. «ХХХ–ПЛЮС» ОАЖ га нисбатан кузатув жорий қилинсин.

4. «ХХХ–ПЛЮС» ОАЖ нинг муваққат бошқарувчиси этиб С.Қаршибоев тайинлансин. Муваққат бошқарувчига тўланиши лозим бўлган ҳақ миқдори ва тўланиш тартиби мазкур масала юзасидан ўтказиладиган кредиторлар йиғилишида кўриб чиқилгандан сўнг белгилансин.

5. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартиби:

– даъвогар ўз аризасида келтирган талабларини асослайдиган асл нусхадаги ҳужжатларни тақдим этсин;

– муваққат бошқарувчига:

а) «Банкротлик тўғрисида» ги ЎзР Қонуннинг 52, 53 ва 68-моддаларига кўра, қарздорга нисбатан кузатув жорий қилинганлиги ва кредиторлар йиғилиши ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни расмий нашрда чоп қилиш ҳамда далил сифатида судга тақдим қилсин;

б) қарздор мол-мулкини сақланишига доир чора-тадбирлар кўрсин;

в) қарздорнинг молиявий аҳволи ҳақида таҳлил ўтказсин;

г) қарздорнинг кредиторларини эътироф этсин, кредиторлар реестрини тузсин ва кредиторларга қарздорга нисбатан кузатув жорий қилинганлиги ҳамда кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказиладиган вақт жой ҳақида хабардор қилсин;

д) кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақирсин ва ўтказсин ҳамда мазкур йиғилиш баённомасини («Банкротлик тўғрисида» ги ЎзР Қонуннинг 10-моддасида келтириб ўтилган ҳужжатлар иловаси билан бирга) шунингдек, тугатишга доир иш юритувчи (ташқи бошқарувчи) номзодини судга тақдим қилсин;

– қарздорга: унга нисбатан банкротлик бўйича иш қўзғатилганлиги тўғрисидаги ажрим нусхасини ваколатли идора ёки филиал (ёки шу каби) жойлашган манзил бўйича солиқ органи ва суд ижрочисига юборсин;

– «ХХХ–ПЛЮС» ОАЖ бошлиғига: қарздорнинг ходимлари ва муассислари (иштирокчилари) ни кузатув жорий қилинганлиги ҳақида хабардор қилиш ва бу ҳақидаги маълумотни далил сифатида судга тақдим қилсин;

– мазкур ажрим нусхасини «Ўзбекмебелсаноат» ДАК га, ҳокимиятга, Н. вилоят давлат солиқ инспекциясига ва Суд қарорларини ижро қилиш Департаментининг Н. вилоят бўлимига юборсин;

– иш бўйича суд муҳокамасининг вақти тўғрисида тарафлар ва ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасини хабардор этсин.

6. Томонларга тушунтирилсинки: ЎзР ХПК 55-моддасига кўра ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак, агар далилни сақлаётган шахс сўралаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини хўжалик суди узрсиз деб топган сабабларга кўра бажармаса, бу шахсга ЎзР ХПК 56-моддасига кўра, энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорида жарима солинади; агар даъвогар суд муҳокамаси вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинишига қарамасдан хўжалик суди мажлисига келмаса, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади.

Судья _____

Қонуннинг 157-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Маҳаллий давлат ҳокимияти органи илтимосномасига кўра шаҳарни ташкил этувчи корхонага нисбатан ташқи бошқарув жорий қилиш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ
АЖРИМ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида, аризачи АТБ «Х–банк» нинг қарздор «Д–ЛДТ» ОАЖ ни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини ташқи бошқарувчи С.Қаршибоев ҳамда кредиторлар вакили _____; қарздор вакили _____; Н. вилоят хокимияти вакили _____ лар иштирокида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2005 йил 27 июлда тарафлар ўртасида 12/13-сонли кредит шартномаси имзоланиб, шунга кўра, банк томонидан қарздорга мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни амалга ошириш учун 2000000 АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилган. Бироқ қарздор томонидан кредитни тўлаш жадвалини ва шартнома шартига кўра кредиторга тўланиши керак бўлган навбатдаги фоиз тўлови амалга оширилмаган ва кредит воситаларидан фойда-

ланганлик учун фоиз тўлови тўланмаган. Шунга кўра, 2008 йил 1 октябрдаги қарздорнинг тўланиши лозим бўлган қарзлари миқдори 542168 АҚШ долларини ташкил этган.

Натижада қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган кредитор мониторингида маълум бўлишича, қарздорнинг банк олдидаги қарзидан ташқари бюджет олдида ҳам 3498594 сўм ва бошқа кредиторлар олдида 28528391 сўм қарзи мавжуд бўлган.

Қарздорнинг уч ой ичида қарзларини тўлаш имкони мавжуд бўлмаганлигини эътиборга олиб, кредиторлар судга қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган.

2009 йил 2 январдаги суд ажримига кўра кредитор даъво аризаси иш юритувига қабул қилиниб, қарздорга нисбатан банкротлик иш қўзғатилган ва кузатув жорий қилинган ҳамда муваққат бошқарувчи сифатида С.Қаршибоев тайинланган.

Суд мажлисида кредитор вакили даъво ариза талабларини маъқулаб, суддан қарздорни банкрот деб топишни сўради.

Муваққат бошқарувчи тушунтиришича, ташқи бошқарувчига юклатилган вазифаларга мувофиқ кредитор ва қарздорлар аниқланиб, кредиторларнинг талаблари реестри тузилган, қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлил қилинган, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ташкил қилиниб, ўтказилган ва мазкур йиғилишда қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилинган. Шунингдек, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти яхшиланган боис, корхона 12–18 ой ичида тўлов қобилиятини тиклаб олиш имкониятига эга бўлиши тушунтирилди.

Қарздор вакили кредиторлар эса кредиторнинг кредиторлар олдида қарзи мавжудлигини тан олди ва корхона истеъмолчилар учун маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлиги ва бу маҳсулотларга талаб юқори бўлиб, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти яхшиланганлиги ва айни вақтда корхонада 3120 ходим фаолият кўрсатаётганлигини, кузатув кенгаши навбатдан ташқари акционерлар йиғилиши чақириш ҳақида қарор қабул қилиб, унда корхонанинг тўлов қобилиятини тиклаш масаласи кўриб чиқилишини таъкидлаб ўтди.

Н. вилоят ҳокимияти қарздорга нисбатан 24 ой муддатга ташқи бошқарув жорий қилиш ҳақида илтимоснома тақдим қилиб, «Д–ЛТД» ОАЖ Н. шаҳаридаги энг йирик корхоналардан бири бўлиб, бу ерда 3000 дан ортиқ ходим меҳнат қилиши ва бу корхонани банкрот деб топиш маъқул деб кўрилмаганлиги боис Н. шаҳар ҳокимияти қарздорга нисбатан ташқи бошқарув жорий қилишни сўраб судга илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилганлигини таъкидлаб ўтди.

Ишда иштирок этувчи тарафлар тушунтиришларини тинглаб, иш бўйича тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суд маҳаллий ҳокимият органининг илтимосномасини қуйидаги асосаларга кўра қаноатлантириш лозим деб топади:

Иш ҳужжатларидан маълум бўлдики, суднинг 2009 йил 2 январдаги ажрими билан кредиторнинг даъво аризаси иш юритувига қабул қилинган ва қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилиб, кузатув жорий қилинган ҳамда мазкур кузатув жараёнида бошқарувчи томонидан қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлил қилинган. Шунингдек, кредиторлар талаблари ўрганиб чиқилиб, кредиторларнинг талаблари реестри тузилган ҳамда кредиторларнинг биринчи йиғилиши ташкил қилинган ва ўтказилган.

2009 йилнинг 27 февралида бўлиб ўтган кредиторлар йиғилишида қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўраб судга илтимоснома тақдим қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Муваққат бошқарувчи тақдим қилган ҳисобот ва унга илова қилинган ҳужжатлардан маълум бўладики, «Д–ЛТД» ОАЖ нинг ишчи-ходимлари сони 3120 кишидан иборат. Демак, ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) га мувофиқ «Д–ЛТД» ОАЖ шаҳарни ташкил этувчи корхона бўлиб ҳисобланади.

Қонуннинг 157-моддасига кўра, шаҳарни ташкил этувчи корхона ёки унга тенглаштирилган корхонага нисбатан ташқи бошқарув кредиторлар йиғилиши қарорига, бундай қарор мавжуда бўлмаган ҳолларда эса маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ёки вазирлик, давлат қўмитаси ва хўжалик бошқаруви органининг илтимосномасига биноан, улар қарздорнинг мажбуриятлари юзасидан таъминот берган тақдирда, жорий этилиши мумкин.

Бундай ҳолларда, яъни қарзодорнинг тўлов қобилиятини тиклаши учун етарли имконият борлигини инобатга олиб, суд Н. шаҳар ҳокимияти илтимосномасини қаноатлантириш ва суд харажатларини қарздорга ҳам тақсимлаган ҳолда, қарздорга нисбатан 24 ой муддатга ташқи бошқарув жорий қилиш лозим деб топади.

Ташқи бошқарув кредиторлар йиғилиши қарорисиз жорий этилаётганлиги боис, муваққат бошқарувчи кредиторлар йиғилишини ташкил қилиб, ўтказиши лозим, мазкур йиғилишда эса ташқи бошқарувчи номзоди ҳамда унга тўланадиган ҳақ масаласи кўриб чиқилиши керак.

Юқорида келтирилганлар ҳамда ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4, 5, 50, 75, 91, 95 ва 157-моддалари, ЎзР ХПК 95, 151-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Н. шаҳар ҳокимияти илтимосномаси қаноатлантирилсин.

«Д–ЛТД» ОАЖ га нисбатан 24 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилсин.

Муваққат бошқарувчи:

– ўн кунлик муддат ичида қарздорга нисбатан ташқи бошқарув жорий қилинганлиги тўғрисидаги маълумотни расмий нашрда чоп этиш юборсин ва судга далил сифатида тақдим қилсин;

– уч хафта ичида кредиторлар йиғилишини ташкил этсин ва ўтказсин ҳамда мазкур йиғилишда ташқи бошқарувчи номзоди ва унга тўланадиган ҳақ масаласини кўриб чиқилгач, кредиторлар йиғилиши қарорини судга тақдим қилсин.

«Д–ЛТД» ОАЖ дан АТБ «Х–банк» фойдасига 334700 сўм миқдорида суд харажатлари ундирилсин.

Ижро варақаси тақдим қилинсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 2

Қарздорнинг суд санациясига ўтиши тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида, аризачи «Х–банк» АТБ нинг қарздор «Д–ЛТД» ОАЖни банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризасига кўра қўзғатилган иш бўйича «Ўзбекмебелсаноат» ДАК нинг қарздорнинг суд санациясига ўтиши тўғрисидаги илтимосномасини ташқи бошқарувчи С.Қаршибоев, кредиторлар йиғилиши вакили _____, қарздор вакили _____, «Ўзбекмебелсаноат» ДАК вакили _____ лар иштирокида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагилар

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 2 январдаги ажрими билан кредиторнинг даъво аризаси иш юритувига қабул қилиниб, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув жорий қилинган.

«Д–ЛТД» ОАЖ 3000 дан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қиладиган Н. шаҳридаги энг йирик корхоналардан бири бўлганлиги боис, Н. шаҳар ҳокимияти илтимосномасига биноан суднинг 2009 йил 1 мартдаги ажрими билан, қарздорга нисбатан 24 ой муддатга ташқи бошқарув жорий қилинган.

«Ўзбекмебелсаноат» ДАК республикада мебель ишлаб чиқариш бўйича хўжалик бошқарув органи бўлиб, судга 18 ой муддатга суд санациясига ўтиш тўғрисидаги илтимоснома ва қарздорнинг кредиторлар олдидаги мажбуриятини бажаришини таъминлаш юзасидан қарздоринг мажбуриятларини бажариш кафиллиги таклиф этилганлиги тўғрисидаги кафолат хати билан мурожаат қилган.

Суд мажлисида «Ўзбекмебелсаноат» ДАК вакили илтимосномани маъқуллаб, суддан уни қаноатлантиришни сўради.

Кредиторлар қўмитаси мазкур илтимоснома юзасидан қарши ариза билан мурожаат қилишмади.

Ташқи бошқарувчининг изоҳлашига кўра, ташқи бошқарув режасига мувофиқ қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш чора-тадбирлари олиб борилмоқда, агар суд санациясига ўтилиб, молиявий соғломлаштириш режасини амалга ошириш чора-тадбирлари қўлланилса, қарздор тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга бўлади.

Ишда иштирок этаётган тарафларни тинглаб ва иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд «Ўзбекмебелсаноат» ДАК илтимосномасини қуйидаги асосларга кўра қаноатлантириш лозим деб топади:

ЎзР «Банкротлик тўғрисида» ги Қонуни (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 157-моддаси 3-қисми талабларига кўра, тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ҳамда вазирлик, давлат қўмитаси, идоранинг, хўжалик бошқаруви органининг илтимосномасига биноан улар томонидан қарздорнинг мажбуриятларини бажариши таъминоти таъминланган тақдирда, шу жумладан давлат кафолатларини бериш йўли билан таъминланганда, хўжалик суди қарздорнинг суд санациясига ўтиши тўғрисида, агар илгари бундай таомил қарздорга нисбатан қўлланилган бўлмаса, қарор қабул қилиши мумкин.

Иш ҳужжатларидан маълум бўладики, шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳисобланадиган қарздорга нисбатан олдин суд санацияси қўлланилмаган .

«Ўзбекмебелсаноат» компанияси томонидан суд санациясига ўтишни сўраб тақдим қилинган илтимосномаси суд санацияси режаси ва қарз мажбуриятларини узиш жадвали илова сифатида тақдим қилинган. Суд санацияси режасида қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш, бундан тушган маблағни эса ишлаб чиқариш воситаларини тўлдиришга сарфлаб, шу орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сонини кўпайтиришга эришиш кўзда тутилган бўлиб, мазкур тадбир орқали қарзни узиш жадвалига мувофиқ кредиторлар талабларини қондирилишига эришиш режалаштирилган. Қарзни узиш жадвалига кўра, кредиторлар талабларини қондириш 6 ойдан сўнг бошланади ва ҳар ойда ишлаб чиқарилган маҳсулот реализациясидан тушган маблағ

қарздорнинг қарзини узишга йўналтирилади ҳамда суд санацияси муддати давомида кредиторларнинг барча талаблари қондирилади.

Қарздорнинг кредиторлар олдидаги мажбуриятини бажарилишини таъминлаш мақсадида «Ўзбекмебелсаноат» компанияси кафиллик шартномасини тузишни таклиф қилган.

Юқорида келтирилганлар ҳамда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаши учун аниқ имкониятлар мавжудлигини ҳисобга олиб, суд «Ўзбекмебелсаноат» ДАК илтимосномасини қаноатлантириб, қарздорга нисбатан 18 ой муддатга суд санациясини жорий қилишни лозим топади.

Суд санациясига ўтиш кредиторлар йиғилиши қарорисиз амалга оширилаётганлиги боис, ташқи бошқарувчи «Ўзбекмебелсаноат» ДАК билан кафиллик шартномасини тузиши ва суд санацияси режасини тасдиқлаш ҳамда санация қилувчи бошқарувчи номзоди ва унга тўланадиган ҳақ масалаларини кўриб чиқиш учун кредиторлар йиғилишини ташкил қилиши лозим.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 75, 76, 77, 78, 157-моддалари ҳамда ЎзР ХПК 95, 151-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Ўзбекмебелсаноат» ДАК илтимосномаси қаноатлантирилсин.

«Д–ЛТД» ОАЖга нисбатан жорий қилинган ташқи бошқарув муддатидан олдин тугатилсин ва 18 ой муддатга суд санацияси жорий қилиниб, қарзларни узиш жадвали тасдиқлансин.

Ташқи бошқарувчи:

– ўн кунлик муддат ичида ташқи бошқарув муддатидан олдин тугатилганлиги ва суд санацияси жорий қилинганлиги тўғрисидаги маълумотни расмий нашрда чоп қилиш учун юборсин ва далил сифатида судга тақдим қилсин;

– уч ҳафталик муддатда кредиторлар йиғилишини ташкил қилиб, ўтказсин ва унда суд санацияси режасини тасдиқлаш ҳамда санация қилувчи бошқарувчи номзоди ва унга тўланадиган ҳақ масалаларини кўриб чиқилгач, натижасини далил сифатида судга тақдим қилсин.

Ташқи бошқарувчи «Ўзбекмебелсаноат» ДАК билан кафиллик шартномасини тузсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 158-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг илтимосномасига кўра шаҳарни ташкил этувчи корхонага нисбатан жорий қилинган ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, Н. вилоят ҳокимиятининг Монополияга қарши кураш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Н. вилоят ҳудудий бошқармасининг «Д–ЛТД» ОАЖ ни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб, қабул қилинган 2007 йил 17 ноябрдаги суд ажримига кўра «Д–ЛТД» ОАЖга нисбатан жорий қилинган ташқи бошқарув муддатини узайтиришни сўраб тақдим қилган илтимосномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Н. вилоят хўжалик суди судининг 2007 йил 17 ноябрдаги ажримига кўра, «Д–ЛТД» ОАЖга нисбатан 24 ой муддатга ташқи бошқарув жорий қилиниб, ташқи бошқарувчи этиб А.Собиров тайинланган.

Суднинг 2009 йил 17 ноябрдаги ажрими билан ташқи бошқарув муддати 12 ойга узайтирилган.

Ташқи бошқарув муддатининг тугаши муносабати билан 2010 йил 16 ноябрда ўтказилган кредиторларнинг навбатдаги йиғилишида Н. шаҳар ҳокимиятининг ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаси кўриб чиқилиб, ташқи бошқарувчи ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда ташқи бошқарув муддатини яна 24 ойга узайтириш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилинган. Кредиторлар йиғилишининг мазкур қарорига кўра, ташқи бошқарувчи томонидан судга ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома ҳамда илова сифатида кредиторлар йиғилиши баённомаси ва ташқи бошқарувчи ҳисоботи тақдим қилинган.

Н. шаҳар ҳокимияти илтимосномаси ҳамда ташқи бошқарувчи томонидан

тақдим қилинган иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд мазкур илтимосномани қуйидаги асосларга кўра қаноатлантириш лозим деб топади:

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 158-моддасига кўра, тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг, вазирлик, давлат қўмитаси, идоранинг ҳамда хўжалик бошқаруви органининг илтимосномасига биноан қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан кафиллик бериш шарти билан шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқарув муддати беш йилгача узайтирилиши мумкин.

Мазкур иш юзасидан, Н. шаҳар ҳокимияти «Д–ЛТД» ОАЖ га нисбатан жорий қилинган ташқи бошқарув муддатини 2 йилга узайтиришни сўраб мурожаат қилган ва қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари бажаришни таъминлаш юзасидан кафиллик шартномаси тузишни таклиф қилган, натижада 2010 йил 2 ноябрда кредиторлар йиғилиши иштирокида Х-инвест» Давлат унитар корхонаси билан қарздор ўртасида 19-3185-сонли кафиллик шартномаси тузилган.

Ташқи бошқарувчи ҳисоботи, Н. шаҳар ҳокимияти илтимосномаси, шунингдек қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан кафилликни ўрганиб чиқиб, суд ташқи бошқарув муддатини 24 ойга узайтиришни лозим топади.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида» ги Қонуннинг 91, 106, 107, 108, 117 ва 158-моддалари ҳамда ЎзР ХПК 95, 151-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Н. шаҳар ҳокимиятининг ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилсин.

«Д–ЛТД» ОАЖ га нисбатан жорий қилинган ташқи бошқарув муддати 24 ойга узайтирилсин.

Ташқи бошқарувчи А.Собиров:

– бир ой ичида ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси талабларига кўра, янги муддатдаги ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиб тасдиқлаш учун кредиторлар йиғилишига тақдим қилсин ва тасдиқланган ташқи бошқарув режаси ҳамда кредиторлар йиғилиши баённомасини 2011 йилнинг 10 январидан кечиктирмай судга тақдим қилсин;

– ўн кунлик муддат ичида ташқи бошқарув муддати узайтирилганлиги ҳақидаги маълумотни расмий нашрда эълон қилсин ва далил сифатида судга тақдим қилсин;

– ташқи бошқарувни 2012 йилининг 20 ноябридан кечиктирмай якунласин, агар ташқи бошқарувни муддатидан олдин якунлашга сабаб бўладиган ҳолат юзага келса, шундай ҳолат юзага келишидан бир ой олдин судга кредиторлар йиғилишида кўриб чиқилган ташқи бошқарувчи ҳисоботи ҳамда кре-

диторлар йиғилиши баённомаси билан бирга ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 118-моддасида белгилаб қўйилган ҳужжатларни тақдим қилсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

2-§. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банкротлиги

Қонуннинг 162-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Қишлоқ хўжалиги корхонасига жорий қилинган ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, аризачи «Х–банк» АТБ-нинг қарздор «ХХХ» фермер хўжалигини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ 2008 йил 17 ноябрдаги суд ажримига кўра «ХХХ» фермер хўжалигига нисбатан жорий қилинган ташқи бошқарувни муддатини узайтириш ҳақидаги Н. вилоят ҳокимияти илтимосномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик судининг 2007 йил 17 ноябрдаги ажримига кўра, «ХХХ» фермер хўжалигига нисбатан 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий қилиниб, ташқи бошқарувчи этиб А.Собиров тайинланган.

Ташқи бошарув муддатининг тугаши муносабати билан 2009 йил 16 ноябрда ўтказиган кредиторларнинг навбатдаги йиғилишида Н. вилоят ҳокимиятининг ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаси кўриб чиқилиб, ташқи бошқарувчи ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда ташқи

бошқарув муддатини яна 12 ойга узайтириш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилинган. Кредиторлар йиғилишининг мазкур қарорига кўра, ташқи бошқарувчи томонидан судга ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома ҳамда илова сифатида кредиторлар йиғилиши баённомаси ва ташқи бошқарувчи ҳисоботи тақдим қилинган.

Н. вилояти ҳокимияти илтимосномаси ҳамда тақдим қилинган иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд мазкур илтимосномани қуйидаги асосларга кўра қаноатлантириш лозим деб топади:

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 162-моддаси 2-қисмига кўра, суд санацияси ёки ташқи бошқарув муддати мобайнида табиий офатлар ва бошқа форс-мажор ҳолатлар туфайли қишлоқ хўжалиги корхонасининг ишлаб чиқаришида пасайиш ва молиявий аҳволида ёмонлашиш содир бўлган бўлса, суд санацияси ёки ташқи бошқарув муддати ўн икки ойга узайтирилиши мумкин.

Н. вилояти ҳокимиятининг «ХХХ» фермер хўжалигига нисбатан жорий қилинган ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномасида кўрсатилишича, қарздор фаолиятининг асосий тури сабзавот маҳсулотларини етиштириш бўлиб, 2009 йилнинг август ойида туманда бир неча кун кучли ёмғир ёғиши оқибатида фермер хўжалиги ерининг бир қисми ювилиб кетган ва нобуд бўлган сабзавотлар ўрнига полиз экинлари ўтказилган ва мазкур табиий офат натижасида фермер хўжалиги аҳволи ёмонлашган.

Ташқи бошқарувчи ҳисоботи, Н. вилоят ҳокимияти илтимосномаси ва унга келтирилган илова ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суд ташқи бошқарув муддатини 12 ойга узайтириш лозим деб топади.

Юқорида келтирилганлар ҳамда ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 91, 106, 107, 108, 117 ва 162-моддлари, ЎзР ХПК 151-моддасини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Н. вилоят ҳокимиятиниг ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Фермер хўжалиги «ХХХ»га нисбатан жорий қилинган ташқи бошқарув муддати 12 ойга узайтирилсин.

Ташқи бошқарувчи А.Собиров:

– бир ой ичида ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси талабларига кўра, янги муддатдаги ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиб тасдиқлаш учун кредиторлар йиғилишига тақдим қилсин ва тасдиқланган ташқи бошқарув режаси ҳамда кредиторлар йиғилиши баённомасини 2010 йилнинг 10 январидан кечиктирмай судга тақдим қилсин;

– ўн кунлик муддат ичида ташқи бошқарув муддати узайтирилганлиги ҳақидаги маълумотни расмий нашрда эълон қилсин ва далил сифатида судга тақдим қилсин;

– ташқи бошқарувни 2010 йилининг 20 ноябридан кечиктирмай якунласин, агар ташқи бошқарувни муддатидан олдин якунлашга сабаб бўладиган

ҳолат юзага келса, шундай ҳолат юзага келишидан бир ой олдин судга кредиторлар йиғилишида кўриб чиқилган ташқи бошқарувчи ҳисоботи ҳамда кредиторлар йиғилиши баённомаси билан бирга ЎзР«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 118-моддасида белгилаб қўйилган ҳужжатларни тақдим қилсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

3-§. Банкларнинг банкротлиги

Қонуннинг 164-моддаси шарҳига илова

Илова №1

Банкнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Даъво аризасини иш юритувига қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, аризачи ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасининг қарздор «Х–банк» ҲОАЖБ ни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси ва аризага илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, мазкур ариза судловга тегишлилиги бўйича тўғри тақдим қилинганлиги ва ЎзР ХПК 112-моддаси ҳамда «Банкротлик тўғрисида» ги ЎзР Қонунининг 42, 164-моддалари талабларига жавоб бера олганлиги боис аризани иш юритувига қабул қилади.

Аризани иш юритувига қабул қилиш ва банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш учун етарли асослар мавжудлигига эътибор қаратиб, ишни тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашга қаратилган барча ҳаракатларни амалга ошириб ҳамда «Банкротлик тўғрисида» ги ЎзР Қонуннинг 45, 47, 48, 49, 62, 65, 164-моддалари ва ЎзР ХПК 116, 122–124-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

1. ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасининг аризаси иш юритувига қабул қилинсин ва «Х–банк» ҲОАЖБ ни банкрот деб топиш тўғрисида иш қўзғатилсин.

2. Иш бўйича хўжалик судининг суд муҳокамаси 2009 йил 25 ноябрь соат 10.00 қилиб тайинлансин. Суд мажлиси _____ ш, С. Юсупов кўчаси, 6-уйда жойлашган суд биносининг 3-суд залида бўлиб ўтади.

3. «Х–банк» ҲОАЖБ га нисбатан кузатув жорий қилинсин.

4. С.Қаршибоев «Х–банк» ҲОАЖБ нинг муваққат бошқарувчиси этиб тайинлансин. Муваққат бошқарувчига тўланиши лозим бўлган ҳақ миқдори ва тўланиш тартиби мазкур масала юзасидан ўтказиладиган кредиторлар йиғилишида кўриб чиқилгандан сўнг белгилансин.

5. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартиби:

– даъвогар ўз аризасида келтирган талабларини асослайдиган асл нусхадаги ҳужжатларни тақдим этсин;

– муваққат бошқарувчи:

а) «Банкротлик тўғрисида» ги ЎзР Қонунининг 52, 53 ва 68-моддаларига кўра, қарздорга нисбатан кузатув жорий қилинганлиги ва кредиторлар йиғилиши ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни расмий нашрда чоп қилсин ҳамда далил сифатида судга тақдим қилсин;

б) қарздор мол-мулкини сақланишига доир чора-тадбирлар кўрсин;

в) қарздорнинг молиявий аҳволи ҳақида таҳлил ўтказсин;

г) қарздорнинг кредиторларини эътироф этсин, кредиторлар реестрини тузсин ва кредиторларга қарздорга нисбатан кузатув жорий қилинганлиги ҳамда кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказиладиган вақт жой ҳақида хабардор қилсин;

д) кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақирсин ва ўтказсин ҳамда мазкур йиғилиш баённомасини («Банкротлик тўғрисида» ги ЎзР Қонунининг 10-моддасида келтириб ўтилган ҳужжатлар иловаси билан бирга) шунингдек, тугатишга доир иш юритувчи номзодини судга тақдим қилсин;

– қарздор: унга нисбатан банкротлик бўйича иш қўзғатилганлиги тўғрисидаги ажрим нусхасини ваколатли идора ёки филиал (ёки шу каби) жойлашган манзил бўйича солиқ органи ва суд ижрочисига юборсин;

– «Х–банк» ҲОАЖБ бошлиғи: қарздорнинг ходимлари ва муассислари (иштирокчилари) ни кузатув жорий қилинганлиги ҳақида хабардор қилсин ва бу ҳақидаги маълумотни далил сифатида судга тақдим қилсин;

– мазкур ажрим нусхасини ЎзР Марказий банки, Фуқароларни банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди, Н. вилоят давлат солиқ инспекцияси ва Суд қарорларини ижро қилиш Департаментининг Н. вилоят бўлимига юборсин;

– иш бўйича суд муҳокамасида иштирок этувчи шахсларни аниқласин.

6. Томонларга тушунтирилсинки: ЎзР ХПК 55-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Агар далилни сақлаётган шахс сўралаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини хўжалик суди узрсиз деб топган сабабларга кўра бажармаса, бу шахсга ЎзР ХПК 56-моддасига кўра, энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорида жарима солинади; агар даъвогар суд муҳокамаси вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинишига қарамасдан хўжалик суди мажлисига келмаса, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади.

Судья _____

4-§. Суғурталовчининг банкротлиги

Қонуннинг 166-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Суғурталовчига нисбатан банкротлик ишини қўзғатиш тўғрисида суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Даъво аризасини иш юритувига қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасининг «Х-иншурансе» суғурта компаниясини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси ва аризага илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, мазкур ариза судловга тегишлилиги бўйича тўғри тақдим қилинганлиги ва ЎзР ХПК 112-моддаси ҳамда «Банкротлик тўғрисида» ги ЎзР Қонунининг 42, 166-моддалари талабига жавоб бера олганлиги боис аризани иш юритувига қабул қилади.

Аризани иш юритувига қабул қилиш ва банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш учун етарли асослар мавжудлига эътибор қаратиб, ишни тўғри ва

ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашга қаратилган барча ҳаракатларни амалга ошириб ҳамда «Банкротлик тўғрисида» ги ЎзР Қонунининг 45, 47, 48, 49, 62, 65, 166-моддалари ва ЎзР ХПК 116, 122–124-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

1. ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасининг аризаси иш юритувга қабул қилинсин ва «Х-иншурансе» суғурта компаниясини банкрот деб топиш тўғрисида иш қўзғатилсин.

2. Иш бўйича хўжалик судининг суд муҳокамаси 2009 йил 25 ноябрь соат 10.00 қилиб тайинлансин. Суд мажлиси _____ ш, С. Юсупов кўчаси, 6-уйда жойлашган суд биносининг 3-суд залида бўлиб ўтади.

3. «Х–иншурансе» суғурта компаниясига нисбатан кузатув жорий қилинсин.

4. С. Қаршибоев «Х–иншурансе» суғурта компаниясининг муваққат бошқарувчиси этиб тайинлансин. Муваққат бошқарувчига тўланиши лозим бўлган ҳақ миқдори ва тўланиш тартиби мазкур масала юзасидан ўтказиладиган кредиторлар йиғилишида кўриб чиқилгандан сўнг белгилансин.

5. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартиби:

– даъвогар ўз аризасида келтирган талабларини асослайдиган асл нусхадаги ҳужжатларни тақдим этсин;

– муваққат бошқарувчи:

а) «Банкротлик тўғрисида» ги ЎзР Қонунининг 52, 53 ва 68-моддаларига кўра, қарздорга нисбатан кузатув жорий қилинганлиги ва кредиторлар йиғилиши ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни расмий нашрда чоп қилиб, далил сифатида судга тақдим қилсин;

б) қарздор мол-мулкини сақланишига доир чора-тадбирлар кўрсин;

в) қарздорнинг молиявий аҳволи ҳақида таҳлил ўтказсин;

г) қарздорнинг кредиторларини эътироф этиб, кредиторлар реестрини тузсин ва кредиторларга қарздорга нисбатан кузатув жорий қилинганлиги ҳамда кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказиладиган вақт жой ҳақида хабардор қилсин;

д) кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақирсин ва ўтказсин ҳамда мазкур йиғилиш баённомасини («Банкротлик тўғрисида» ги ЎзР Қонунининг 10-моддасида келтириб ўтилган ҳужжатлар иловаси билан бирга) шунингдек, тугатишга доир иш юритувчи номзодини судга тақдим қилсин;

– қарздор: унга нисбатан банкротлик бўйича иш қўзғатилганлиги тўғрисидаги ажрим нусхасини ваколатли идора ёки филиал (ёки шу каби) жойлашган манзил бўйича солиқ органи ва суд ижрочисига юборсин;

– «Х–иншурансе» суғурта компанияси бошлиғи: қарздорнинг ходимлари ва муассислари (иштирокчилари) ни кузатув жорий қилинганлиги ҳақида хабардор қилиб ва бу ҳақидаги маълумотни далил сифатида судга тақдим қилсин;

– мазкур ажрим нусхасини ЎзР Молия Вазирлиги қошидаги Суғурта ишларини назорат қилиш бўйича Давлат Инспекциясига, Н. вилоят давлат солиқ

инспекциясига ва Суд қарорларини ижро қилиш Департаментининг Н. вилоят бўлимига юборсин;

– иш бўйича суд муҳокамасида иштирок этувчи шахсларни аниқласин.

6. Томонларга тушунтирилсинки: ЎзР ХПК 55-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Агар далилни сақлаётган шахс сўралаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини хўжалик суди узрсиз деб топган сабабларга кўра бажармаса, бу шахсга ЎзР ХПК 56-моддасига кўра, энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорида жарима солинади; агар даъвогар суд муҳокамаси вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинишига қарамасдан хўжалик суди мажлисига келмаса, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади.

Судья _____

5-§. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари

Қонуннинг 170-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларига нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Аризани қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, аризачи ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасининг қарздор МЧЖ ПИФ «ХХХ» ни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси ва аризага илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, мазкур ариза судловга тегишлилиги бўйича тўғри тақдим қилинганлиги ва

ЎзР ХПК 112-моддаси ҳамда «Банкротлик тўғрисида» ги ЎзР Қонунининг 42, 170-моддалари талабига жавоб бера олганлиги боис аризани иш юритувга қабул қилади.

Аризани иш юритувга қабул қилиш ва банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш учун етарли асослар мавжудлигига эътибор қаратиб, ишни тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашга қаратилган барча ҳаракатларни амалга ошириб ҳамда «Банкротлик тўғрисида» ги ЎзР Қонунининг 45, 47, 48, 49, 62, 65, 170, 171, 173-моддалари ва ЎзР ХПК 116, 122-124-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

1. ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасининг аризаси иш юритувига қабул қилинсин ва МЧЖ ПИФ «ХХХ» ни банкрот деб топиш тўғрисида иш қўзғатилсин.

2. Иш бўйича хўжалик судининг суд муҳокамаси 2009 йил 25 ноябрь соат 10.00 қилиб тайинлансин. Суд мажлиси _____ ш, С.Юсупов кўчаси, 6-уйда жойлашган суд биносининг 3-суд залида бўлиб ўтади.

3. МЧЖ ПИФ «ХХХ» га нисбатан кузатув жорий қилинсин.

4. С. Қаршибоев МЧЖ ПИФ «ХХХ» нинг муваққат бошқарувчиси этиб тайинлансин. Муваққат бошқарувчига тўланиши лозим бўлган ҳақ миқдори ва тўланиш тартиби мазкур масала юзасидан ўтказиладиган кредиторлар йиғилишида кўриб чиқилгандан сўнг белгилансин.

5. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартиби:

– даъвогар ўз аризасида келтирган талабларини асослайдиган асл нусхадаги ҳужжатларни тақдим этсин;

– муваққат бошқарувчи:

а) «Банкротлик тўғрисида» ги ЎзР Қонунининг 52, 53 ва 68-моддаларига кўра, қарздорга нисбатан кузатув жорий қилинганлиги ва кредиторлар йиғилиши ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни расмий нашрда чоп қилиб, далил сифатида судга тақдим қилсин;

б) қарздор мол-мулкини сақланишига доир чора-тадбирлар кўрсин;

в) қарздорнинг молиявий аҳволи ҳақида таҳлил ўтказсин;

г) қарздорнинг кредиторларини эътироф этиб, кредиторлар реестрини тузсин ва кредиторларни қарздорга нисбатан кузатув жорий қилинганлиги ҳамда кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказиладиган вақт жой ҳақида хабардор қилсин;

д) кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақирсин ҳамда мазкур йиғилиш баённомасини («Банкротлик тўғрисида» ги ЎзР Қонунининг 10-моддасида келтириб ўтилган ҳужжатлар иловаси билан бирга), шунингдек, ташқи бошқарувчи (тугатишга доир иш юритувчи) номзодини судга тақдим қилсин;

е) қимматли қоғозлар бозори инвесторига – ўзларига тегишли қимматли қоғозларни бошқарувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирок-

чиларига банкротлик бўйича иш қўзғатилганлиги ва муваққат бошқарувчи вазифасига киришиши ҳақида хабар юборсин.

– қарздор: унга нисбатан банкротлик бўйича иш қўзғатилганлиги тўғрисидаги ажрим нусхасини ваколатли идора ёки филиал (ёки шу каби) жойлашган манзил бўйича солиқ органи ва суд ижрочисига юборсин;

– МЧЖ ПИФ «ХХХ» бошлиғи: қарздорнинг ходимлари ва муассислари (иштирокчилари) ни кузатув жорий қилинганлиги ҳақида хабардор қилиб ва бу ҳақдаги маълумотни далил сифатида судга тақдим қилсин;

– мазкур ажрим нусхасини ЎзР Давлат Мулк Қўмитаси қошидаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказига, Н. вилоят давлат солиқ инспекциясига ва Суд қарорларини ижро қилиш Департаментининг Н. вилоят бўлимига юборсин;

– иш бўйича суд муҳокамасида иштирок этувчи шахсларни аниқласин.

6 Томонларга тушунтирилсинки: ЎзР ХПК 55-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Агар далилни сақлаётган шахс сўралаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини хўжалик суди узрсиз деб топган сабабларга кўра бажармаса, бу шахсга ЎзР ХПК 56-моддасига кўра, энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорида жарима солинади; агар даъвогар суд муҳокамаси вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинишига қарамасдан хўжалик суди мажлисига келмаса, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади.

Судья _____

X БОБ. ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРНИНГ БАНКРОТЛИГИ

Қонуннинг 176-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Қарзларни узиш режасини тасдиқлаш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Қарзларни узиш режасини тасдиқлаш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди, судья _____ раислигида, _____ нинг котиблигида, якка тартибдаги тадбиркор З. Ҳамидовнинг уни банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризасини қарздор ва кредиторларнинг вакили _____ иштирокида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Суднинг 2009 йил 12 октябрдаги ажрими билан якка тартибдаги тадбиркор З. Ҳамидовнинг уни банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризаси иш юритувига қабул қилиниб, банкротлик иши қўзғатилган.

Қарздор аризасига қарзларни узиш режаси илова қилинган бўлиб, у қуйидагича:

– кредиторлар талабларининг умумий суммаси 8,2 млн сўм;

– қарзларни узиш мазкур режа суд томонидан тасдиқланган кундан бошлаб 2 ой давомида амалга оширилади;

– қарздор ва унинг оила аъзолари истеъмоли учун ҳар ойда 1,1 млн сўм қолдирилади;

– 4,1 млн сўм ҳар ойда кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга йўналтирилади.

Қарзларни узиш режасининг нусхаси барча кредиторларга юборилган.

Суд мажлисида қарздорнинг тушунтиришига кўра, қарздор якка тартибдаги тадбиркор сифатида компьютер дастурларни ишлаб чиқиш ва компьютер технологиялари соҳасида хизмат кўрсатиш (таъмирлаш) билан шуғулланади. Ҳозирги вақтда қарздор йирик корхона билан шартнома имзолаган ва шартнома суммаси 20 млн сўмни ташкил этади. Шартнома 3 ой муддатга имзоланган бўлиб, мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш чоратадбирлари сифатида буюртмачи томонидан кўрсатилган хизматлар эвазига ҳақ ўтказилади ва мана шу ҳақ ҳисобига кредиторлар олдидаги қарз мажбурияти қаноатлантирилиши кўзда тутилган.

Кредитор ҳисобланган «Х» фирмаси вакили эса қарздор томонидан тақдим қилинган қарзларни узиш режаси ўрганиб чиқилганлиги ва мазкур режанинг суд томонидан тасдиқланишига ҳеч қандай эътирози йўқлигини билдирди.

Ишда иштирок этаётган шахслар фикрини тинглаб, қарздор томонидан тақдим қилинган қарзларни узиш режаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга кўра, қарзларни узиш режасини тасдиқлашни лозим топади:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 176-моддаси 1-қисмига кўра, қарздор – якка тартибдаги тадбиркорнинг банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига қарзларни узиш режаси илова қилиниши мумкин, режанинг нусхалари кредиторларга ва банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга юборилади.

Қонуннинг мазкур моддаси иккинчи қисмига кўра, кредиторларнинг эътирози бўлмаса, хўжалик суди қарзларни узиш режасини тасдиқлаши мумкин, бу эса банкротлик тўғрисидаги иш юритилишини узоғи билан икки ойгача муддатга тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, қарздор томонидан судга ариза билан мурожаат қилинганда аризага қарзларни узиш режаси ҳам илова қилинган ва мазкур режа нусхалари кредиторларга юборилган.

Кредиторлар томонидан қарзларни узиш режасига ҳеч қандай эътироз бўлмаган.

Бундай ҳолларда суд қарзларни узиш режаси тасдиқланиши ва иш юритишни тўхтатиш лозим деб топади.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 176-моддаси ҳамда ЎзР ХПК 82, 85 ва 151-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Қарздор томонидан тақдим қилинган қарзларни узиш режаси тасдиқлансин.

Иш юритув икки ой муддатга тўхтатилсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 2

Қарзларни узиш режасини ўзгартириш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Қарзларни узиш режасини ўзгартириш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида, якка тартибдаги тадбиркор З.Ҳамидовнинг уни банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризасига кўра қўзғатилган иш бўйича МЧЖ «ХХХ» нинг қарзларни узиш режасини ўзгартиришни сўраб тақдим қилган илтимосномасини қарздор ва кредиторларнинг вакили _____ иштирокида, очиқ суд мажлисида, кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 12 октябрдаги ажрими билан якка тартибдаги тадбиркор З.Ҳамидовнинг уни банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризаси иш юритувга қабул қилиниб, банкротлик иши қўзғатилган.

Қарздорнинг аризасига қарзларни узиш режаси илова қилинган бўлиб, унга кўра, кредиторлар талабларининг умумий суммаси 8,2 млн сўмни ташкил этиб, қарзларни узиш режаси тасдиқланган кундан бошлаб 2 ой давомида ҳар ойда 4,1 млн сўм миқдорида кредиторлар ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан қарзлар қаноатлантирилиши кўзда тутилган.

Кредиторлар томонидан қарзларни узиш режасини тасдиқланишига доир эътироз билдирилмаганлиги муносабати билан, суднинг 2009 йил 20 ноябрдаги ажримига биноан қарздор тамонидан тақдим қилинган қарзларни узиш режаси тасдиқланган.

МЧЖ «ХХХ» судга мазкур қарзларни узиш режасини ўзгартиришни сўраб илтимоснома билан мурожаат қилган. Ушбу илтимосномада кўрсатилишича, қарздорнинг МЧЖ «ХХХ» олдида 800000 сумлик қарзи бўлиб, лекин бу қарз қарзларни узиш режасига киритилмаган.

Суд мажлисида МЧЖ «ХХХ» вакилининг тушунтиришига кўра, қарздор

томонидан қарзларни узиш режасининг нусхаси МЧЖ «ХХХ» нинг манзилига юборилмаган ва натижада ўз вақтида эътироз билдирилмаган. Шунга кўра қазрдор томонидан тақдим қилинган қарзларни узиш режасига ўзгартириш киритилиб, қарздорнинг МЧЖ «ХХХ» дан 800000 сум қарзи мавжудлиги ҳақидаги маълумот киритилишини сўраган.

Қарздорнинг изоҳлашига кўра, судга мурожаат қилиш вақтида қарздорнинг МЧЖ «ХХХ» олдидаги мажбуриятини бажариш муддати етиб келмаган ва шу сабабдан МЧЖ «ХХХ» олдидаги мажбурият қарзларни узиш режасига киритилмаган. Лекин қазрдор томонидан кўрилган чора-тадбирлар суд томонидан белгиланган 2 ойлик муддат давомида МЧЖ «ХХХ» олдидаги қарзни тўлаш учун етарли эканлиги сабабли қарзларни узиш режасини ўзгартиришга розилик билдирган.

Ишда иштирок этаётган шахслар фикрини тинглаб, МЧЖ «ХХХ» нинг илтимосномасини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга кўра мазкур илтимосномани қаноатлантириш лозим деб топади:

«Банкротлик тўғрисида» ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 176-моддаси тўртинчи қисмига кўра, хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларнинг асослантирилган илтимосномасига биноан қарзларни узиш режасини ўзгартиришга, шу жумладан, уни амалга ошириш муддатини узайтиришга ёки қисқартиришга, қарздор ёки унинг оила аъзолари истеъмоли учун ҳар ойда қолдириладиган сумма миқдорини кўпайтиришга ёки камайтиришга ҳақли.

Иш ҳужжатларидан маълум бўладики, суднинг 2009 йил 20 ноябрдаги ажрими билан қарздор томонидан тақдим қилинган қарзларни узиш режаси тасдиқланган.

Бироқ қарздор томонидан қарзларни узиш режасига МЧЖ «ХХХ» олдидаги 800000 сумлик қарз киритилмаган ва шунга кўра қарзларни узиш режасини тасдиқлашда мазкур сумма ҳисобга олинмаган.

Бундай ҳолларда, яъни МЧЖ «ХХХ» олдидаги қарз мажбуриятларининг мавжудлиги илтимосномага илова қилинган ҳужжатлар билан тасдиқланганлиги, шунингдек, қарздор томондан мазкур суммадаги қарзи борлиги эътироф этилганлиги сабабли, суд МЧЖ «ХХХ» нинг қарзларни узиш режасини ўзгартиришни сўраб тақдим қилган илтимосномасини қаноатлантириш лозим деб топади.

ЎзР«Банкротлик тўғрисида» ги Қонуннинг 176-моддаси ҳамда ЎзР ХПК 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

МЧЖ «ХХХ» нинг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Суднинг 2009 йил 20 ноябрдаги ажрими билан тасдиқланган қарзларни узиш режасига ўзгартириш киритилсин.

Белгилансинки:

– кредиторлар талабларининг умумий суммаси 9,0 млн сўм;

– қарзларни узиш режаси суд томонидан тасдиқланган кундан бошлаб 2 ой муддат давомида амалга оширилади;

– қарзларни узиш режасини амалга ошириш давомида ҳар ойда 1,1 млн сўм қарздор ва унинг оила аъзолари истеъмоли учун қолдирилади;

– 4,5 млн сўм ҳар ойда кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун йўналтирилади.

Судья _____

Илова № 3

Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ҳақидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Иш юритишни тугатиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида, якка тартибдаги тадбиркор З. Ҳамидовнинг уни банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризасини қарздор ва кредиторларнинг вакили _____ иштирокида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 12 октябрдаги ажрими билан якка тартибдаги тадбиркор З. Ҳамидовнинг уни банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризаси иш юритувга қабул қилиниб, банкротлик иши қўзғатилган.

Қарздор томонидан аризага қарзларни узиш режаси илова қилинган бўлиб, кредиторлар томонидан ҳеч қандай эътироз билдирилмаганлиги муносабати билан, суднинг 2009 йил 20 ноябрдаги ажримига кўра қарзларни узиш режаси тасдиқланган.

Қарзларни узиш режасида қуйидагилар кўзда тутилган, яъни:

– кредиторлар талабларининг умумий суммаси 8,2 млн сўм;

– қарзларни узиш мазкур режа суд томонидан тасдиқланган кундан бошлаб 2 ой давомида узилади;

– қарздор ва унинг оила аъзолари истеъмоли учун ҳар ойда 1,1 млн сўм қолдирилади;

– 4,1 млн сўм ҳар ойда кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун йўналтирилади.

Суд томонидан белгилнаган 2 ойлик муддат тугагач, қарздор судга далил сифатида қарзларни узиш режаси бажарилганлиги ҳақидаги маълумотни тақдим қилган.

Суд мажлисида қарздорнинг тушунтиришига кўра, йирик компания билан тузилган шартномани амалга оширилиши қарздорга қарзларни узиш режасини бажариш ҳамда барча кредиторлар талабларини қаноатлантириш имкониятини берган.

Кредитор ҳисобланадиган «Х» фирмаси вакилининг изоҳларига кўра, тасдиқланган қарзларни узиш режасига мувофиқ қаздорнинг кредиторлар олдидаги қарзи узилган.

Ишда иштирок этувчи шахсларни тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга кўра иш юритишни тугатиш лозим деб топади:

«Банкротлик тўғрисида» ги Қонуннинг 176-моддаси, бешинчи қисми талабларига кўра, агар қарздор якка тартибдаги тадбиркор қарзларни узиш режасини бажарганлиги натижасида кредиторларнинг талаблари тўла ҳажмда қаноатлантирилган бўлса, банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилиши керак.

Иш ҳужжатларидан маълум бўладики, суднинг 2009 йил 20 ноябрдаги ажрими билан қарзларни узиш режаси тасдиқланиб, мазкур режага кўра қарздор 2 ойлик муддат давомида умумий суммаси 8,2 млн сўм бўлган кредиторларнинг талабларини қаноатлантириши керак бўлган.

Тасдиқланган қарзларни узиш режаси қарздор томонидан бажарилиб, кредиторларнинг талаблари тўла ҳажмда қаноатлантирилган, яъни 8,2 млн сўм пул маблағлари кредиторлар ҳисоб рақамига ўтказилганлиги тасдиқланган.

Бундай ҳолларда суд суд харажатларини қарздордан ундириш ҳисобига иш юритишни тугатиш лозим деб топади.

Юқорида келтирилганларга асосланиб ҳамда ЎзР«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 56,176-моддалари ва ЎзР ХПК 95, 151-моддалари талабларига кўра, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Якка тартибдаги тадбиркор З.Ҳамидовни банкрот деб топиш тўғрисидаги иш юритуви тугатилсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 177-моддаси шарҳига илова

Илова№ 1

Қарздорнинг мол-мулкини тугатиш массасидан чиқариш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Қарздорнинг мол-мулкини тугатиш массасидан чиқариш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида, якка тартибдаги тадбиркор З.Ҳамидовнинг уни банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризасига кўра қўзғатилган иш бўйича МЧЖ «ХХХ»нинг қарздорнинг мол-милкини тугатиш массасидан чиқариш ва чиқариладиган мол-мулк рўйхатни тасдиқлашни сўраб, тақдим қилган илтимосномасини қарздор ва МЧЖ «ХХХ»нинг вакили _____ иштирокида, очиқ суд мажлисида, кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 12 октябрдаги ажрими билан якка тартибдаги тадбиркор З.Ҳамидовнинг уни банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризаси иш юритувга қабул қилиниб, банкротлик иши қўзғатилган.

Банкротлик иши қўзғатилиши билан бир вақтда суд томонидан қарздорнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратилиши мумкин бўлган мол-мулкига нисбатан, мол-мулкни чиқариш йўли билан мазкур мол-мулкни хатлаб қўйиш тўғрисида ажрим қабул қилинган.

Мол-мулкини хатлаб қўйиш тўғрисидаги суд ажримини ижро қилиш юзасидан суд ижрочиси томонидан қарздор мол-мулки хатланиб, мол-мулк рўйхати тузилган ва мол-мулк сақланиши учун даъвогар «Z» фирмасига топширилган.

Кредиторлардан бири бўлган МЧЖ «ХХХ» судга блок системаси, монитор, клавиатура, дискетлардаги компьютер дастурларидан ташкил топган компьютер диагностикаси воситасини қарздорнинг тугатиш массасидан чиқаришни сўраб илтимоснома тақдим қилган. МЧЖ «ХХХ» ўз илтимосно-

масини қуйидагича асослайди, қарздор якка тартибдаги тадбиркор сифатида компьютер дастурларини ишлаб чиқиш ва компьютер технологияларини таъмирлашга доир хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади, агар қарздорнинг компьютер диагностикаси воситалари хатлаб қўйилса ва улардан маҳрум бўлса, у ҳолда қарздор шартномада белгиланган мажбуриятларини бажариш имкониятидан маҳрум бўлади, натижада кредиторлар олдидаги қарзни узиш имконияти ҳам йўқолади.

Суд мажлисида МЧЖ «ХХХ» вакилининг изоҳлашига кўра, тугатиш массасидан чиқариладиган мол-мулк баҳоси жуда кам миқдорни ташкил этиб, шунингдек, мазкур мулкни реализация қилинишидан келган даромад кредиторларнинг талабларини қондиришга таъсир этмайди.

Қарздорнинг тушунтиришига кўра, қарздор ростдан ҳам якка тартибдаги тадбиркор сифатида компьютер дастурларини ишлаб чиқиш ва компьютер технологияларини таъмирлашга доир хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади, айни вақтда қарздор билан йирик компания ўртасида компьютерларга сервис хизматлари кўрсатиш бўйича шартнома имзоланган, шунга кўра қарздорнинг компьютер диагностикаси воситалари хатлаб қўйилса ва улардан маҳрум бўлса, у ҳолда қарздор шартномада белгиланган мажбуриятларини бажариш имконидан маҳрум бўлади, шу муносабат билан қарздор кредиторлар илтимосномасини қаноатлантиришни сўради.

Ишда иштирок этаётган шахсларни тинглаб ва МЧЖ «ХХХ» томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суд илтимосномани қуйидаги асосларга кўра қаноатлантириш лозим деб топади:

«Банкротлик» тўғрисидаги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 177-моддаси иккинчи қисмига кўра, хўжалик суди қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг илтимосномасига биноан қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлган ноликвид мол-мулкини ёки реализация қилинишидан келган даромад кредиторларнинг талабларини қондиришга моҳиятан таъсир этмайдиган мол-мулкини тугатиш массасидан чиқаришга ҳақли.

Қонуннинг мазкур моддаси учинчи қисмига кўра, қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ушбу модда иккинчи қисмининг қоидаларига мувофиқ тугатиш массасидан чиқариладиган мол-мулкининг умумий қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик каррасидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Тақдим қилинган иш ҳужжатларидан маълум бўладики, кредиторлар талабларининг умумий суммаси 47,4 млн сўмни ташкил этади. Суднинг мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги ажрими ижроси юзасидан суд ижроси томонидан тузилган мол-мулкни рўйхатга олиш актига кўра, компьютер диагностикаси воситасининг нархи 1,7 млн сўмни ташкил этиб, энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик каррасидан ортиб кетмайди.

Бундай ҳолларда, яъни компьютер диагностикаси воситасини хатланиши оқибатида қарздор шартнома бўйича мажбуриятларини бажара олмаса бу

ҳолат қарздорнинг молиявий ҳолатини ёмонлашишига сабаб бўлса, шунингдек, компьютер диагностикаси воситасини реализация қилинишидан келган даромад кредиторларнинг талабларини қондиришга моҳиятан таъсир этмаслигини ҳисобга олиб, суд МЧЖ «ХХХ» нинг илтимосномасини қаноатлантириш лозим деб топади.

Юқорида келтирилганлар ҳамда ЎзР «Банкротлик тўғрисида» ги Қонуннинг 177-моддаси ва ЎзР ХПК 80, 151-моддаларига асосланиб, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

МЧЖ «ХХХ» илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Умумий нархи 1,7 млн сўм бўлган, блок системаси, монитор, клавиатура, дискетлардаги компьютер дастурларидан ташкил топган компьютер диагностикаси воситаси қарздорнинг тугатиш массасидан чиқарилсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 178-моддаси шарҳига илова

Битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар суд томонидан банкротлик ҳақидаги ишлар доирасида кўрилмаслиги муносабати билан Қонуннинг мазкур моддаси шарҳига илова тақдим этилмайди.

Қонуннинг 179-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Қарздор якка тартибдаги тадбиркор мол-мулкини хатлаш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Қарздор мол-мулкини хатлаш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, «Z» фирмасининг якка тартибдаги тадбиркор З.Ҳамидовни банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2008 йил 8 июлда «Z» фирмаси ва қарздор ўртасида олди-сотди шартномаси тузилиб, мазкур шартномага кўра, умумий суммаси 52 млн сўмни ташкил этадиган халқ истеъмоли моллари қарздорга етказиб берилган. Шартнома шартларига зид равишда қарздор кредитордан қабул қилиб олган товарларига ҳақ тўлашни мақсадга мувофиқ бажармаган, шунга кўра 2009 йилнинг 1 ноябрига келиб қарздорнинг тўланмаган қарз миқдори 29995500 сўмни ташкил этган, бу қарз қарздор томонидан тасдиқланиб, томонлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб акти тузилган.

Қарздор ўз қарз мажбуриятларини уч ойдан ортиқ муддат давомида узиш имкониятига эга бўлмаганлигини инобатда олиб, кредиторлар судга қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўраб ариза билан мурожаат қилишган.

Суднинг 2009 йил 10 ноябрдаги ажрими билан «Z» фирмасининг якка тартибдаги тадбиркор З. Ҳамидовни банкрот деб топишни сўраб, тақдим қилган аризаси иш юритувига қабул қилинган ва банкротлик иши қўзғатилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матн Қонун деб юритилади) 179-моддаси, биринчи қисмига кўра, хўжалик суди қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш билан бир пайтда унинг мол-мулкини хатлайди, қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно.

Бундай ҳолларда суд, кредиторлар талабларини қаноатлантириш мақсадида қарздор мол-мулкини хатлаш лозим деб топади, қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулклар бундан мустасно.

Юқорида келтирилганларга ҳамда Ўз.Р «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 179-моддаси ва ЎзР ХПК 76, 77, 151-моддаларига асосланиб, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

З. Ҳамидовнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулкидан ташқари мол-мулки хатлансин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 2

Қарздор мол-мулкини (мол-мулкининг бир қисмини) хатловдан чиқариш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Қарздор мол-мулкининг бир қисмини хатловдан чиқариш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида, «Z» фирмасининг якка тартибдаги тадбиркор З.Ҳамидовни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига кўра қўзғатилган иш бўйича қарздорнинг мол-мулкининг бир қисмини хатловдан чиқаришни сўраб, тадқим қилган илтимосномасини қарздор ва кредитор вакили _____ иштирокида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Суднинг 2009 йил 12 ноябрдаги ажрими билан «Z» фирмасининг якка тартибдаги тадбиркор З. Ҳамидовни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси иш юритувига қабул қилиниб, банкротлик иши қўзғатилган.

Суд томонидан банкротлик иши қўзғатилиши билан бир пайтда қарздорнинг мол-мулкини хатлаш тўғрисида, қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно, ажрим қабул қилинган.

Мазур суд ажрими ижроси юзасидан суд ижрочиси томонидан хатлаш амалга оширилиб қарздор мол-мулкининг рўйхати тузилган ҳамда хатланган мол-мулк сақлаш учун даъвогар «Z» фирмасига топширилган.

Қарздор судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, система блоки, монитор, клавиатуралар, дискетадаги компьютер дастурларидан иборат бўлган компьютер дианостикаси воситаларини хатловдан чиқаришни сўраган. Мазкур мол-мулкни хатловдан чиқариш лозимлигини қарздор қуйидагича изоҳлайди, қарздор якка тартибдаги тадбиркор сифатида компьютер дастурларини ишлаб чиқариш ва компьютер технологияларини таъмирлаш хизматини кўрсатиш билан шуғулланади, компьютер диагностика воситларининг хатланиши ва олиб қўйилиши қарздорнинг шартномадаги мажбуриятларини бажариш имкониятидан маҳрум этади ва натижада кредиторлар олдидаги қарзни узиш ҳам мумкин бўлмай қолади.

Суд мажлисида қарздорнинг изоҳлашига кўра, хатловдан чиқарилиши сўралаётган мол-мулк баҳоси 5,5 млн сўмни ташкил этади ва мазкур сумма МЧЖ «ХХХ» томонидан кафиллик сифатида тақдим қилинган.

Кредитор вакилининг тушунтиришига кўра, ростдан ҳам қарздор якка тартибдаги тадбиркор сифатида компьютер дастурларини ишлаб чиқиш ва компьютер технологияларини таъмирлаш хизматини кўрсатиш билан шуғулланади, компьютер диагностика воситларини хатланиши ва олиб қўйилиши қарздорнинг кредиторлар олдидаги қарзни узиш имкониятидан маҳрум этади, шунга кўра вакил қарздор илтимосномасини қаноатлантиришни сўради.

Ишда иштирок этаётган шахсларни тинглаб, илтимосномага илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суд мазкур илтимосномани қуйидаги асосларга кўра қаноатлантиришни лозим топади:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 179-моддаси биринчи қисмига кўра, қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг пул мажбуриятлари бажарилиши хусусида учинчи шахслар томонидан асосли кафиллик берилган ёки кафолатланган бошқа таъминот тақдим этилган тақдирда хўжалик суди мазкур тадбиркорнинг илтимосномасига биноан унинг мол-мулкини (мол-мулкининг бир қисмини) хатловдан чиқариши мумкин.

Иш ҳужжатларидан маълум бўладики, суд томонидан банкротлик иши қўзғатилиши билан бир пайтда қарздорнинг мол-мулкини хатлаш тўғрисида,

қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно, ажрим қабул қилинган.

Мазкур суд ажрими ижроси юзасидан суд ижрочиси томонидан хатлаш амалга оширилиб қарздор мол-мулкининг рўйхати тузилган ҳамда хатланган мол-мулк сақлаш учун даъвогар «Z» фирмасига топширилган.

Қарздор унинг мол-мулкининг бир қисмини хатловдан чиқаришни сўраб илтимоснома тақдим қилган ва қарздорнинг пул мажбуриятларини бажаришини таъминлаш мақсадида МЧЖ «ХХХ» томонидан хатловдан чиқарилиши сўралаётган мол-мулкнинг суммаси миқдорида кафиллик тақдим қилинган, натижада қарздор ва кафил ўртасида кафиллик шартномаси тузилган.

Бундай ҳолларда суд қарздор илтимосномасини қаноатлантиришни ва компьютер диагностикаси воситасини хатловдан чиқаришни лозим деб топади.

Юқорида келтирилганларга ҳамда Ўз.Р «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 179-моддаси ва ЎзР ХПК 80, 151-моддаларига асосланиб, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Қарздор илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Умумий нархи 5,5 млн сўм бўлган, блок системаси, монитор, клавиатура, дискетлардаги компьютер дастурларидан ташкил топган компьютер диагностикаси воситаси хатловдан чиқарилсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 3

Иш кўришни кейинга қолдириш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Иш кўришни кейинга қолдириш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида, аризачи «Z» фирмасининг қарздор якка тартибдаги тадбиркор З.Ҳамидовни банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризасини қарздор ва даъвогарнинг вакили _____ иштирокида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2008 йил 8 июлда «Z» фирмаси ва қарздор ўртасида олди-сотди шартномаси тузилиб, мазкур шартномага кўра, умумий суммаси 52 млн сўмни ташкил этадиган халқ истеъмоли моллари қарздорга етказиб берилган. Шартнома шартларига зид равишда қарздор кредитордан қабул қилиб олган товарларига ҳақ тўлашни мақсадга мувофиқ бажармаган, шунга кўра 2009 йилнинг 1 ноябрига келиб тўланмаган қарз миқдори 29995500 сўмни ташкил этган, бу қарз қарздор томонидан тасдиқланиб, томонлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб акти тузилган.

Қарздор ўз қарз мажбуриятларини уч ойдан ортиқ муддат давомида узиш имкониятига эга бўлмаганлигини инобатга олиб, кредиторлар судга қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувини бошлашни сўраб ариза билан мурожаат қилишган.

Суд мажлисида даъвогар вакили ариза талабларини тасдиқлаб, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўради.

Қарздор қарз мажбуриятларининг мавжудлиги фактини тан олиб, қуйидагича тушунтириш берди, яъни қарздорнинг фақат «Z» фирмаси олдида қарз мажбурияти мавжуд, якка тартибдаги тадбиркор сифатида компьютер дастурларини ишлаб чиқариш ва компьютер технологияларига сервис хизмати (таъмирлаш) кўрсатиш билан шуғулланиб, айни вақтда қарздор йирик компания билан имзолаган 30 млн сўмлик шартномада белгиланган

мажбуриятларини деярли бажарган, мазкур шартнома бўйича буюртмачи томонидан қарздорга ўтказилган пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондиришга йўналтирилади, шу сабабдан кредитролар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида иш кўришни бир ой муддатга кейинга қолдиришни сўради.

Ишда иштирок этувчи шахсларни тинглаб ва иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга кўра қарздорнинг илтимосномасини қаноатлантиришни лозим топади:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 179-моддаси иккинчи қисми талабларига кўра, хўжалик суди қарздор якка тартибдаги тадбиркор кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиши ёки келишув битимига эришилиши учун банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни мазкур тадбиркорнинг аризасига биноан узоғи билан бир ой муддатга кечиктириши мумкин.

Қарздор томонидан тақдим қилинган иш ҳужжатларидан маълум бўладики, қарздорнинг фақат «Z» фирмаси олдида 29995500 сўм миқдоридаги қарз мажбурияти мавжуд бўлиб, компьютер дастурларини ишлаб чиқиш ва компьютер технологияларига сервис хизмат (таъмирлаш) кўрсатиш бўйича қарздорнинг МЧЖ «X» билан имзолаган шартномасига кўра қарздор ҳисобига 32 млн сўм миқдоридаги маблағнинг келиб тушиши кутиляпти, мана шу маблағ ҳисобидан кредиторлар олдидаги қарз мажбуриятини узиш кўзда тутилган.

Бундай ҳолларда, суд қарздор аризасини қаноатлантириш ва иш юритишни бир ойлик муддатга кейинга қолдириш лозим деб топади.

Юқорида келтирилганларга ҳамда Ўз.Р «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 179-моддаси ва ЎзР ХПК 129, 131, 151-моддаларга асосланиб, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Қарздорнинг аризаси қаноатлантирилсин.

Иш кўриш 2009 йилнинг 10 декабригача қолдирилсин.

Суд мажлиси Н. шаҳар, С.Юсупов кўчаси, 6-уйда жойлашган суд биносининг 3- суд залида бўлиб ўтади.

Судья _____

Илова № 4

Мерос тақдири тўғрисидаги масала қонунда белгиланган тартибда ҳал қилингунга қадар якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида, аризачи «Z» фирмасининг қарздор якка тартибдаги тадбиркор З. Ҳамидовни банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризасини қарздор ва даъвогарнинг вакили _____ иштирокида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2008 йил 8 июлда «Z» фирмаси ва қарздор ўртасида олди-сотди шартномаси тузилиб, мазкур шартномага кўра, умумий суммаси 52 млн сўмни ташкил этадиган халқ истеъмоли моллари қарздорга етказиб берилган. Шартнома шартларига зид равишда қарздор кредитордан қабул қилиб олган товарларига ҳақ тўлашни мақсадга мувофиқ бажармаган, шунга кўра 2009 йилнинг 1 ноябрига келиб тўланмаган қарз миқдори 29995500 сўмни ташкил этган, бу қарз қарздор томонидан тасдиқланиб, томонлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб акти тузилган.

Қарздор ўз қарз мажбуриятларини уч ойдан ортиқ муддат давомида узиш имкониятига эга бўлмаганлигини инобатга олиб, кредиторлар судга қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувни бошлашни сўраб, ариза билан мурожаат қилишган.

Суд мажлисида даъвогар вакили ариза талабларини тасдиқлаб, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўради.

Қарздор қарз мажбуриятларининг мавжудлиги фактини тан олиб, қуйидагича тушунтириш берди, яъни 2009 йилнинг 20 октябрида қарздорнинг бувиси М.Ҳамидова оламдан ўтган ва М.Ҳамидова ўзининг барча мол-мулки,

шу жумладан, омонат кассасида сақланаётган пул маблағларини қарздорга мерос қилиб қолдирган ва айни вақтда меросни қабул қилиб олиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари олиб борилмоқда, шу муносабат билан қарздор меросни расмийлаштириш ишлари якунлангунига қадар иш юритишни тўхтатиб туришни сўраб судга илтимоснома тақдим қилган.

Ишда иштирок этувчи шахсларни тинглаб ва иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга кўра қарздорнинг илтимосномасини қаноатлантиришни лозим топади:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 179-моддаси учинчи қисми талабларига кўра, якка тартибдаги тадбиркор фуқарога нисбатан мерос очилганлиги тўғрисидаги маълумот бўлган тақдирда, хўжалик суди мазкур тадбиркорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритишни мерос тақдири тўғрисидаги масала қонунда белгиланган тартибда ҳал қилингунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

Қарздор томонидан тақдим қилинган иш ҳужжатларидан маълум бўладики, 2009 йил 20 октябрда қарздорнинг бувиси М. Ҳамидова оламдан ўтган. М. Ҳамидова томонидан қолдирилган васиятномага кўра, М. Ҳамидова ўзининг барча мол-мулки, шу жумладан, омонат кассасида сақланаётган пул маблағларини набираси З. Ҳамидовга васият қилган. Қарздор нотариат органига меросни расмийлаштиришни сўраб, ариза билан мурожаат қилган, айни пайтда қарздорнинг мазкур аризаси белгиланган тартибда кўриб чиқилмоқда.

ЎзР ХПК 82-моддаси биринчи қисмида белгиланган ҳолларда хўжалик суди иш юритишни тўхтатиб туриши шарт. Мазкур модданинг иккинчи қисмига кўра, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда хўжалик суди иш юритишни тўхтатиб туриши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Бундай ҳолларда, суд қарздорнинг илтимосномасини қаноатлантириш ва иш юритишни тўхтатиб туришни лозим деб топади.

Юқорида келтирилганларга ҳамда ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 179-моддаси ва ЎзР ХПК 82, 85, 151-моддаларига асосланиб, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Қарздорнинг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Иш юритиш мерос ҳақидаги масала қонунда белгиланган тартибда ҳал этилгунига қадар тўхтатиб турилсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 5

Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Келишув битимини тасдиқлаш ва иш юритишни тугатиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида, аризачи «Z» фирмасининг қарздор якка тартибдаги тадбиркор З. Ҳамидовни банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризасини қарздор ва даъвогарнинг вакили _____ иштирокида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2008 йил 8 июлда «Z» фирмаси ва қарздор ўртасида олди-сотди шартномаси тузилиб, мазкур шартномага кўра, умумий суммаси 52 млн сўмни ташкил этадиган халқ истеъмоли моллари қарздорга етказиб берилган. Шартнома шартларига зид равишда қарздор кредитордан қабул қилиб олган товарларига ҳақ тўлашни мақсадга мувофиқ бажармаган, шунга кўра 2009 йилнинг 1 ноябрига келиб тўланмаган қарз миқдори 29995500 сўмни ташкил этган, бу қарз қарздор томонидан тасдиқланиб, томонлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб акти тузилган.

Қарздор ўз қарз мажбуриятларини уч ойдан ортиқ муддат давомида узиш имкониятига эга бўлмаганлигини инобатга олиб, кредиторлар судга қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувни бошлашни сўраб, ариза билан мурожаат қилишган.

Суд мажлисида даъвогар вакили қарздор билан келишув битими имзоланганини билдириб, мазкур келишув битимини тасдиқлаш ва иш юритувни тугатишни сўради.

Қарздор эса фақат «Z» фирмаси олдида қарз мажбуриятлари мавжудлиги ва шунга кўра мазкур фирма билан келишув битими имзолаганлигини билдириб, ушбу келишув битимини тасдиқлашни сўради.

Ишда иштирок этаётган шахсларни тинглаб, келишув битими ва унга ило-

ва қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суд қуйидаги асосларга кўра келишув битимини тасдиқлашни лозим топади:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 145-моддасига кўра, қарздор ва кредиторлар хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида келишув битимини тузишга ҳақли. Келишув битимини тузиш тўғрисидаги қарорни кредиторлар номидан кредиторлар йиғилиши қабул қилади. Кредиторлар йиғилишининг келишув битими тузиш тўғрисидаги қарори кредиторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва қарор, башарти қарздорнинг гаров билан таъминланган мол-мулки мажбуриятлари бўйича барча кредиторлар уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади.

Судга тақдим қилинган иш ҳужжатларидан маълум бўладики, 2009 йил 1 ноябрда қарздор ва ягона кредитор «Z» фирмаси ўртасида келишув битими тузилиб, тарафлар томонидан қуйидагилар белгиланган:

– кредитор қарздорга пул мажбуриятларини 2010 йил 1 июлигача, яъни 8 ой давомида кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш имкониятини тақдим қилади;

– қарздор кредитор олдидаги 29995500 сўм миқдоридаги қарзини ҳар ойнинг 25 санасидан кечиктирмай 5 млн сўмдан 6 ой мобайнида, яъни 2010 йил 25 январгача, пул ўтказиш йўли билан узади.

Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 149-моддаси талабларига кўра, келишув битими фақат харажатлар қопланганидан ва ушбу Қонун 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган талаблар ҳамда иш ҳақини тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича талаблар қондирилганидан кейин хўжалик суди томонидан тасдиқланиши мумкин.

Қонуннинг 134-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатларини, суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни, коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатларига оид жорий тўловларни, қарздорнинг мол-мулкини суғурта қилиш харажатларини қоплаш, шунингдек, қарздорнинг банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин юзага келган мажбуриятларига доир талабларни ҳамда қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлигига зарар етказилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлса, ана шу фуқаронинг талабларини қондириш навбатдан ташқари тарзда амалга оширилади.

Судга тақдим қилинган ҳужжатларга кўра, қарздор томонидан даъвогарнинг суд харажатлари қопланган, Қонуннинг 134-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган бошқа тўлов мажбуриятлари қарздорда мавжуд эмас.

Бундай ҳолларда, яъни тасдиқлаш учун тақдим қилинган келишув битими қонун ҳужжатларига зид бўлмаса ва учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмаса, суд келишув битимини тасдиқлаш ва иш юритишни тугатиш лозим деб топади.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида» ги Қонуннинг 56, 134, 145 ва 149-моддалари ҳамда ЎзР ХПК 151-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

«Z» фирмаси ва қарздор ўртасида 2009 йил 1 ноябрда тузилган келишув битими кредитор қарздорга пул мажбуриятларини 2010 йил 1 июлигача, яъни 8 ой давомида кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш имкониятини тақдим қилиши ва қарздор кредитор олдидаги 29995500 сўм миқдоридаги қарзини ҳар ойнинг 25 санасидан кечиктирмай 5 млн сўмдан 6 ой мобайнида, яъни 2010 йил 25 январгача, пул ўтказиш йўли билан узиш шартига мувофиқ тасдиқлансин.

Иш юритиш тугатилсин.

Ушбу ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 6

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувчини тайинламасдан тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида, аризачи «Z» фирмасининг қарздор якка тартибдаги тадбиркор З.Ҳамидовни банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризасини қарздор ва даъвогарнинг вакили _____ иштирокида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2008 йил 8 июлда «Z» фирмаси ва қарздор ўртасида олди-сотди шартномаси тузилиб, мазкур шартномага кўра, умумий суммаси 52 млн сўмни ташкил этадиган халқ истеъмоли моллари қарздорга етказиб берилган. Шартнома шартларига зид равишда қарздор кредитордан қабул қилиб олган товарларига

ҳақ тўлашни мақсадга мувофиқ бажармаган, шунга кўра 2009 йилнинг 1 ноябрига келиб тўланмаган қарз миқдори 29995500 сўмни ташкил этган, бу қарз қарздор томонидан тасдиқланиб, томонлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб акти тузилган.

Қарздор ўз қарз мажбуриятларини уч ойдан ортиқ муддат давомида узиш имкониятига эга бўлмаганлигини инобатда олиб, кредиторлар судга қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувни бошлашни сўраб, ариза билан мурожаат қилишган.

Суд мажлисида даъвогар вакили ариза талабларини тасдиқлаб, қарздорни банкрот деб топишни сўради.

Қарздор қарз мажбуриятларининг мавжудлиги фактини тан олиб, қуйидагича тушунтириш берди, яъни қарздорнинг фақат «Z» фирмаси олдидагина қарз мажбурияти мавжуд бўлиб, қарздор кредиторга келишув битими тузишни таклиф қилган, лекин кредитор бу таклифни қабул қилмаган. Шунингдек, қарздор якка тартибдаги тадбиркор сифатида компьютер дастурларини ишлаб чиқариш ва компьютер технологияларига сервис хизмати (таъмирлаш) кўрсатиш билан шуғулланиб, айни вақтда қарздор йирик компания билан имзолаган 30 млн сўмлик шартномада белгиланган мажбуриятларини деярли бажарган, мазкур шартнома бўйича буюртмачи томонидан қарздорга ўтказилган пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондиришга йўналтирилишини баён қилди.

Ишда иштирок этаётган шахсларни тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд кредиторларнинг талабларини асосли деб топиб, қуйидаги асосга кўра ушбу талабларни қаноатлантиришни лозим топади:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси талабларига кўра, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади.

Макур Қонуннинг 5-моддасига кўра, банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, қарздор якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан энг кам иш ҳақи миқдорининг камида ўттиз каррасини ташкил этадиган бўлса, хўжалик суди томонидан қўзғатилиши мумкин.

Иш ҳужжатларидан маълум бўладики, 2008 йил 8 июлда «Z» фирмаси ва қарздор ўртасида олди-сотди шартномаси тузилиб, мазкур шартномага кўра, умумий суммаси 52 млн сўмни ташкил этадиган халқ истеъмоли моллари қарздорга етказиб берилган.

Шартнома шартларига зид равишда қарздор кредитордан қабул қилиб олган товарларига ҳақ тўлашни мақсадга мувофиқ бажармаган, шунга кўра 2009 йилнинг 1 ноябрига келиб тўланмаган қарз миқдори 29995500 сўмни ташкил этган, яъни бу сумма энг кам иш ҳақи миқдорининг ўттиз каррасидан ошиб кетади.

Мазкур қарз қарздор томонидан тасдиқланиб, томонлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб акти тузилган.

Юқорида келтирилганларга ҳамда қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга доир пул мажбуриятлари юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаганлигини инобатга олиб, суд даъвогар аризасини асосли деб топиб, суд харажатларини қарздордан ундириш ҳисобига даъвогар аризасини қаноатлантириш лозим деб топади.

Қонуннинг 181-моддаси биринчи қисмига кўра, хўжалик судининг қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ҳамда ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ижро варақаси қарздор мол-мулки сотилишини амалга ошириш учун суд ижрочисига юборилади. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг барча мол-мулки сотилиши керак, ушбу Қонунга мувофиқ тугатиш массасига кирмайдиган мол-мулк бундан мустасно.

Юқорида келтирилганларга мувофиқ, суд ижро варақасини қарздор мол-мулки сотилишини амалга ошириш учун суд ижрочисига юборишни лозим деб топади.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4, 5, 124, 179-181-моддалари ҳамда ЎзР ХПК 95, 135, 138-моддаларига асосланиб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Якка тартибдаги тадбиркор З. Ҳамидовни банкрот деб топиш тўғрисидаги «Z» фирмасининг аризаси қаноатлантирилсин.

Якка тартибдаги тадбиркор З. Ҳамидов банкрот деб топилсин ва тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

Ундирув қарздорниг мол-мулкига қаратилсин.

Қарздор ўн кунлик муддат ичида расмий нашрда ўзини банкрот деб топилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги тўғрисидаги маълумотни чоп эттирсин ва далил сифатида судга тақдим қилсин.

Якка тартибдаги тадбиркор З. Ҳамидовдан «Z» фирмаси ҳисобига 334700 сўмлик суд харажатлари ундирилсин.

Ижро варақаси тақдим этилсин.

З. Ҳамидовни якка тартибдаги тадбиркор сифатидаги давлат регистрацияси ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Якка тартибдаги тадбиркор З. Ҳамидов банкрот деб топилганлиги тўғрисидаги суд қарори нусхаси қарздорни якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олган органга юборилсин.

Ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 7

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувчини тайинлаш билан тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида, аризачи «Z» фирмасининг қарздор якка тартибдаги тадбиркор З.Ҳамидовни банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризасини қарздор ва даъвогарнинг вакили _____ иштирокида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

2008 йил 8 июлда «Z» фирмаси ва қарздор ўртасида олди-сотди шартномаси тузилиб, мазкур шартномага кўра, умумий суммаси 52 млн сўмни ташкил этадиган халқ истеъмоли моллари қарздорга етказиб берилган. Шартнома шартларига зид равишда қарздор кредитордан қабул қилиб олган товарларига ҳақ тўлашни мақсадга мувофиқ бажармаган, шунга кўра 2009 йилнинг 1 ноябрига келиб тўланмаган қарз миқдори 29995500 сўмни ташкил этган, бу қарз қарздор томонидан тасдиқланиб, томонлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб акти тузилган.

Қарздор ўз қарз мажбуриятларини уч ойдан ортиқ муддат давомида узиш имкониятига эга бўлмаганлигини инобатга олиб, кредиторлар судга қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувни бошлашни сўраб, ариза билан мурожаат қилишган.

Суд мажлисида кредитор вакили аризадаги талабларни тасдиқлаб, қарздорни банкрот деб топишни сўради. Шунингдек, кредитор вакилининг тушунтиришига кўра, қарздор кўчмас мулк ва чет элда ишлаб чиқарилган қимматбаҳо автомашинага эга эканлиги, шунга кўра тугатиш бошқарувчисини тайинлаш, унга ойига энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида ҳақ тўланишини тасдиқлашни сўради, ҳамда тугатиш бошқарувчиси сифатида А.Собиров номзодини тақдим қилди.

Қарздор қарз мажбуриятларининг мавжудлиги фактини тан олиб, қуйидагича тушунтириш берди, яъни қарздорнинг фақат «Z» фирмаси олдидаги қарз мажбурияти мавжуд бўлиб қарздор кредиторга келишув битими тузишни таклиф қилган, лекин кредитор бу таклифни қабул қилмаган. Шунингдек, қарздор якка тартибдаги тадбиркор сифатида компьютер дастурларини ишлаб чиқариш ва компьютер технологияларига сервис хизмати (таъмирлаш) кўрсатиш билан шуғулланиб, айни вақтда қарздор йирик компания билан имзолаган 30 млн сўмлик шартномада белгиланган мажбуриятларини деярли бажарган, мазкур шартнома бўйича буюртмачи томонидан қарздорга ўтказилган пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондиришга йўналтирилишини баён қилди.

Ишда иштирок этаётган шахсларни тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд кредиторларнинг талабларини асосли деб топиб, қуйидаги асосга кўра ушбу талабларни қаноатлантиришни лозим топади:

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси талабларига кўра, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади.

Мазкур Қонуннинг 5-моддасига кўра, банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, қарздор якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан энг кам иш ҳақи миқдорининг камида ўттиз каррасини ташкил этадиган бўлса, хўжалик суди томонидан қўзғатилиши мумкин.

Иш ҳужжатларидан маълум бўладики, 2008 йил 8 июлда «Z» фирмаси ва қарздор ўртасида олди-сотди шартномаси тузилиб, мазкур шартномага кўра, умумий суммаси 52 млн сўмни ташкил этадиган халқ истеъмоли моллари қарздорга етказиб берилган.

Шартнома шартларига зид равишда қарздор кредитордан қабул қилиб олган товарларига ҳақ тўлашни мақсадга мувофиқ бажармаган, шунга кўра 2009 йилнинг 1 ноябрига келиб тўланмаган қарз миқдори 29995500 сўмни ташкил этган, яъни бу сумма энг кам иш ҳақи миқдорининг ўттиз каррасидан ошиб кетади.

Мазкур қарз қарздор томонидан тасдиқланиб, томонлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб акти тузилган.

Юқорида келтирилганларга ҳамда қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга доир пул мажбуриятлари юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаганлигини инобатга олиб, суд даъвогар аризасини асосли деб топиб, суд харажатларини қарздордан ундириш ҳисобига даъвогар аризасини қаноатлантириш лозим деб топади.

Қонуннинг 181-моддаси биринчи қисмига кўра, хўжалик судининг қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш

юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ҳамда ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ижро варақаси қарздор мол-мулки сотилишини амалга ошириш учун суд ижрочисига юборилади. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг барча мол-мулки сотилиши керак, ушбу Қонунга мувофиқ тугатиш массасига кирмайдиган мол-мулк бундан мустасно.

Қонуннинг мазкур моддаси иккинчи қисмига кўра, қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг кўчмас мол-мулкини ёки қимматли кўчар мол-мулкини доимий бошқарув зарур бўлганда хўжалик суди мазкур мақсадлар учун тугатиш бошқарувчисини тайинлайди ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилайди. Бундай ҳолларда якка тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулки тугатиш бошқарувчиси томонидан сотилади.

Шунга кўра, яъни қарздор кўчмас мулк ва чет элда ишлаб чиқарилган қимматбаҳо автомашинага эга эканлиги ва ушбу мол-мулкларга нисбатан доимий бошқарув зарур бўлганлиги сабабли суд тугатиш бошқарувчисини тайинлашни муҳим деб топади. Тақдим қилинган тугатиш бошқарувчиси номзоди қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беришини инобатга олиб Собиров Акбар Акрамжоновични тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлаб, унга қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида иш ҳақи белгилайди.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида» ги Қонуннинг 4, 5, 51 124, 179–181-моддалари ҳамда ЎзР ХПК 95, 135, 138-моддаларига асосланиб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Якка тартибдаги тадбиркор З. Ҳамидовни банкрот деб топиш тўғрисидаги «Z» фирмасининг аризаси қаноатлантирилсин.

Якка тартибдаги тадбиркор З. Ҳамидов банкрот деб топилсин ва тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

Собиров Акбар Акрамжонович тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлансин.

Тугатиш бошқарувчисига қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида иш ҳақи белгилансин.

Тугатиш бошқарувчиси:

– ўн кунлик муддат ичида расмий нашрда ўзини банкрот деб топилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги тўғрисидаги маълумотни чоп эттирсин ва далил сифатида судга тақдим қилсин;

– «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида тугатишга доир иш юритувни олиб борсин ва иш натижалари тўғрисида 2010 йил 1 майига қадар судга ҳисобот тақдим қилсин.

Якка тартибдаги тадбиркор З. Ҳамидовдан «Z» фирмаси ҳисобига 334700 сўмлик суд харажатлари ундирилсин.

Ижро варақаси тақдим этилсин.

З. Ҳамидовни якка тартибдаги тадбиркор сифатидаги давлат регистрацияси ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Якка тартибдаги тадбиркор З.Ҳамидов банкрот деб топилганлиги тўғрисидаги суд қарори нусхаси қарздорни якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олган органга юборилсин.

Ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Қонуннинг 182-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Кредиторларнинг талабларини қондириш тартиби ва миқдори тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(кредиторларнинг талабларини қондириш тартиби ва миқдори тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____нинг котиблигида, аризачи «Z» фирмасининг қарздор якка тартибдаги тадбиркор З. Ҳамидовни банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризасини қарздор ва даъвогарнинг вакили _____ иштирокида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2008 йил 8 июлда «Z» фирмаси ва қарздор ўртасида олди-сотди шартномаси тузилиб, мазкур шартномага кўра, умумий суммаси 52 млн сўмни ташкил этадиган халқ истеъмоли моллари қарздорга етказиб берилган. Шартнома шартларига зид равишда қарздор кредитордан қабул қилиб олган товарларига ҳақ тўлашни мақсадга мувофиқ бажармаган, шунга кўра 2009 йилнинг 1 ноябрига келиб тўланмаган қарз миқдори 29995500 сўмни ташкил этган, бу қарз қарздор томонидан тасдиқланиб, томонлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб акти тузилган.

Қарздор ўз қарз мажбуриятларини уч ойдан ортиқ муддат давомида узиш имкониятига эга бўлмаганлигини инобатга олиб, кредитор судга қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувини бошлашни сўраб, ариза билан мурожаат қилган.

Суднинг 2009 йил 15 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан «Z» фирмасининг якка тартибдаги тадбиркор З.Ҳамидовни банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризаси қаноатлантирилиб, қарздор банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 180-моддаси иккинчи қисмига кўра, қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорни хўжалик суди барча маълум кредиторларга улар ўз талабларини тақдим этадиган муддатни кўрсатган ҳолда юборади, бу муддат икки ойдан ошмаслиги керак.

Суднинг ҳал қилув қарори тақдим этилиб расмий нашрда қарздор банкрот деб топилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги ҳақидаги маълумот чоп этилгандан сўнг судга кредиторларнинг талаблари реестрига қуйидаги талабларни киритиб қўйиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилинган:

– «Z» фирмасидан – 29995500 сўм, қарздор билан олди-сотди шартномасини имзолаш натижасида юзага келган қарз;

– «X» МЧЖ дан – 854000 сўм, қарздор билан яшаш учун мўлжалланмаган жой ижара шартномасини имзолашдан келиб чиққан қарз;

– Ш. Ҳамидовадан –1030000 сўм, алимент тўлови бўйича.

Қонуннинг 182-моддаси биринчи қисмига кўра, хўжалик суди Қонуннинг 180-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган муддатда кредиторлар томонидан билдирилган талабларни кўриб чиқади. Кўриб чиқиш натижалари асосида хўжалик суди кредиторларнинг талабларини қондириш тартиби ва миқдори тўғрисида ажрим чиқаради.

«Z» фирмаси, МЧЖ «X» ва Ш. Ҳамидованинг талаблари тақдим қилинган ҳужжатлар билан асослантирилганлиги ва қарздор томонидан ушбу талабларга нисбатан эътироз билдирилмаганлигини инобатга олиб, суд ушбу кредиторларнинг талабларини қондиришни лозим топади.

Қонуннинг 183-моддаси иккинчи қисмига кўра, кредиторларнинг талаблари қуйидаги навбат бўйича қондирилади:

Биринчи навбатда – мажбурий тўловлар хусусидаги талаблар, алимент ундириш тўғрисидаги талаблар, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш ва муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўлашга оид ҳисоб-китоблар назарда тутилган талаблар.

Иккинчи навбатда – кредиторларнинг пул мажбуриятлари бўйича қарздорнинг мол-мулки гарови билан таъминланган талаблари.

Учинчи навбатда бошқа кредиторлар билан ҳисоб-китоблар.

Бундай ҳолларда, юқорида келтириб ўтилган кредиторларнинг талабини қондириш навбати бўйича суд Ш.Ҳамидованинг талабини навбатда қондириладиган талабларга, «Z» фирмаси ҳамда МЧЖ «Х» талаблари иккинчи навбатда қондириладиган талабларга киритишни лозим деб топади.

Юқорида келтирилганларга ҳамда ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 182,183 ва ЎзР ХПК 151-моддасига асосланиб суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Талабларни қондириш тартиби қуйидагича белгилансин:

– Ш. Ҳамидовага 1030000 сўм биринчи навбатда қондирилсин;

– «Z» фирмасига 29995500 сўм ва МЧЖ «Х»га 854000 сўм миқдоридаги талаблар иккинчи навбатда қондирилсин.

Судья _____

XI БОБ. БАНКРОТЛИКНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАОМИЛЛАРИ

1-§ . Тугатилаётган юридик шахс банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари

Қонуннинг 185-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Тугатилаётган юридик шахсга нисбатан банкротлик ишини қўзғатиш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Аризасини иш юритувига қабул қилиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судяси _____, МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС» тугатиш комиссиясининг тугатилаётган қарздорни банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, мазкур ариза судловлилик бўйича ва ЎзР ХПК 112-моддаси, ҳамда ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни 8, 37, 38 ва 185-моддалари талабларига мувофиқ тақдим этилган деб топади.

Аризани иш юритувига қабул қилиш ва банкротлик ишини қўзғатиш учун етарли асослар мавжудлигига эътибор қаратиб, ишни тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашга қаратилган барча ҳаракатларни амалга ошириб, ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 45, 47, 48, 185-моддалари ва ЎзР ХПК 116, 122–124-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

1. Тугатиш комиссияси аризаси иш юритувига қабул қилинсин ва МЧЖ «ХХХ-ПЛЮС»га нисбатан соддалаштирилган таомил бўйича банкротлик иши қўзғатилсин.

2. Иш бўйича хўжалик судининг суд муҳокамаси 2010 йил 3 январь соат 10-00 қилиб тайинлансин. Суд мажлиси _____ ш., С.Юсупов кўчаси, 6-уйда жойлашган суд биносининг 3-суд залида бўлиб ўтади.

3. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартиби:

– тугатиш комиссияси: келтирган талабларини асослайдиган асл нусхадаги ҳужжатларни тақдим этсин;

– ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасига бир ҳафта ичида тугатиш бошқарувчиси номзодини тақдим этсин;

– мазкур ажрим нусхасини тугатиш комиссиясига, ҳокимиятга ва Н. вилоят давлат солиқ инспекциясига, суд ҳужжатларини ижро қилиш Департаменти Н. вилоят бўлимига ва ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасига юборсин;

– иш бўйича суд муҳокамасида иштирок этувчи шахсларни аниқласин.

4 Томонларга тушунтирилсинки: ЎзР ХПК 55-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Агар далилни сақлаётган шахс сўралаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини хўжалик суди узрсиз деб топган сабабларга кўра бажармаса, бу шахсга ЎзР ХПК 56-моддасига кўра, энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорида жарима солинади; агар даво-гар суд муҳокамаси вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинишига қарамасдан хўжалик суди мажлисига келмаса, даво аризаси кўрмасдан қолдирилади.

Судья _____

Қонуннинг 186-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарори

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида, тугатиш комиссиясининг МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС»ни банкрот деб топиш (соддалаштирилган таомилга кўра) ни сўраб тақдим қилган аризасини тугатиш комиссиясининг вакили _____ ва кредиторнинг вакили _____ иштирокида, очиқ суд мажлисида, кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС» 2004 йилда ташкил этилган бўлиб, Н. вилояти ҳокимиятининг 2004 йил 19 майдаги қарори билан мазкур МЧЖ нинг таъсис ҳужжатлари 2408 сон билан рўйхатга олинган. МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС»нинг таъсисчиси ҳамда директори Н.Е. Машрапова бўлиб, корхонанинг асосий фаолияти қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришдан иборат.

МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС» 6 ойдан ортиқ муддат давомида молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги сабабли Н. вилояти ҳокимиятининг 2009 йил 10 сентябрда тақдим этган аризасига биноан хўжалик суди МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС»ни тугатиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган ва тугатишга доир иш юритишни ташкил қилиш Н. вилояти ҳокимияти қошидаги доимий комиссияга топширилган.

Тугатишга доир иш юритишни ташкил қилиш жараёнида тугатиш комиссияси томонидан қарздор мол-мулки кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли эмаслиги аниқланган, шунга кўра тугатиш комиссияси судга қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўраб ариза билан мурожаат қилган.

Тугатиш комиссиясининг суддаги вакили аризада билдирилган талабларни тасдиқлаб, тугатишга доир иш жараёнида қарздор мол-мулки инвентаризация қилиниб баҳоланганлиги, шунингдек, кредиторларнинг талаблари реестри тузилганлиги, натижада қарздор мол-мулки кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун етарли эмаслиги аниқланганлигини баён қилди.

«Х» фирмасининг вакили ҳам тугатиш комиссиясининг аризасини маъқуллаб, баҳоловчи ташкилот томонидан қарздор мол-мулки 27550000 сўм миқдорини ташкил этиши белгиланганлиги, кредиторларнинг талаблари умумий суммаси эса 40 млн сўмдан ортиқ эканлигини баён қилди.

Тугатиш комиссияси ва кредитор вакилининг фикрларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд даъвогар талаблари қуйидаги асосларга қаноатлантирилиши лозим деб топади:

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 4-моддаси талабларига кўра, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлиги аломатлари деб эътироф этилади.

Иш ҳужжарларидан маълум бўладики, МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС» 6 ойдан ортиқ муддат давомида молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги сабабли Н. вилояти ҳокимиятининг 2009 йил 10 сентябрда тақдим этган аризасига биноан хўжалик суди МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС» ни тугатиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган ва тугатишга доир иш юритишни ташкил қилиш Н. вилояти ҳокимияти қошидаги доимий комиссияга топширилган.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида тугатиш комиссияси томонидан оммавий ахборот воситалари («Тунги Н» газетаси 2009 йил 20 сентябрь сони) да қарздорни тугатилганлиги ҳақидаги эълон ва кредитор талабларини тақдим қилиш муддати чоп қилиниб, мол-мулк инвентаризация қилинган ва баҳоланган.

Баҳолаш компаниясининг ҳисоботига кўра, қарздор мол-мулкининг баҳоси 27550000 сўмни ташкил этади, бироқ тугатиш комиссияси томонидан тузилган кредиторларнинг талаблари реестрига кўра қарздорнинг кредиторлар олдидаги умумий қарз суммаси 41850000 сўмни ташкил этади.

Қонуннинг 185-моддасига кўра, агар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги ва (ёки) ўз устав фондини шакллантирмаганлиги муносабати билан тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилинган юридик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, бундай юридик шахс ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда тугатилади.

Шунингдек, Қонуннинг 8-моддаси талабларига кўра, тугатиш комиссияси (тугатувчи), агар юридик шахс тугатилаётганда кредиторларнинг талабла-

рини тўлиқ ҳажмда қондириш имконсизлиги аниқланган бўлса, қарздорнинг аризаси билан хўжалик судига мурожаат этиши шарт.

Қарздорнинг мол-мулк баҳоси кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаганлиги сабабли тугатиш комиссияси судга қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўраб ариза билан мурожаат қилган ва тугатиш бошқарувчиси сифатида 3-даражали суд бошқарувчси аттестатига эга бўлган А.Собиров номзодини тақдим қилган.

Бундай ҳолларда, яъни қарздорнинг мол-мулк баҳоси кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаганлигини инобатга олиб, суд тугатиш комиссияси талабларини асосли деб топиб, суд харажатларини қарздордан ундириш шарти билан бу талабларни қаноатлантириш лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд бошқарувчилигига тақдим қилинган номзод банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабига жавоб бера олганлиги боис, А.Собировни тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлашни лозим топади.

Юқорида баён қилинганларга ҳамда ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4, 5, 8, 51, 124, 126, 185 ва 186-моддалари ва ЎзР ХПК 95, 135, 138-моддаларига асосланиб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС»нинг тугатиш комиссияси аризаси қаноатлантирилсин .

МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС» банкрот деб топилсин ва тугатишга доир иш юритиш бошлансин .

Собиров Акбар Акрамжонович тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлансин.

Тугатиш бошқарувчиси:

– ўн кунлик муддат ичида расмий нашрда қарздор банкрот деб топилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги ҳақидаги маълумотни чоп эттирсин ва судга далил сифатида тақдим қилсин;

– «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун талабларига кўра тугатишга доир иш юритишни ташкил қилсин ва 2010 йил 1 июнидан кечиктирмай судга тугатишга доир иш юритиш натижалари ҳақида ҳисобот тақдим қилсин.

Кредиторлар йиғилишида миқдори тасдиқлангандан сўнг тугатиш бошқарувчисига ойлик иш ҳақи белгилансин.

Ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

2-§. Ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги

Қонуннинг 188-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Ҳозир бўлмаган қарздорга нисбатан банкротлик ишини қўзғатиш

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Аризани иш юритувига қабул қилиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилоят хўжалик суди судьяси _____, Н. вилоят давлат солиқ инспекциясининг МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС» ни банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, мазкур ариза судлов бўйича ва ЎзР ХПК 112-моддаси, ҳамда ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни 43 ва 188-моддалари талабларига мувофиқ тақдим этилган деб топади.

Аризани иш юритувига қабул қилиш ва банкротлик ишини қўзғатиш учун етарли асослар мавжудлигига эътибор қаратиб, ишни тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашга қаратилган барча ҳаракатларни амалга ошириб ҳамда «Банкротлик тўғрисида» ги ЎзР Қонунининг 45, 47, 48, 185-моддалари ва ЎзР ХПК 116, 122–124-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

1. Н. вилоят давлат солиқ инспекциясининг аризаси иш юритувига қабул қилинсин ва МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС»га нисбатан соддалаштирилган таомил бўйича банкротлик иши қўзғатилсин.

2. Иш бўйича хўжалик судининг суд муҳокамаси 2010 йил 3 январь соат 10.00 қилиб тайинлансин. Суд мажлиси _____ ш., С.Юсупов кўчаси, 6-уйда жойлашган суд биносининг 3-суд залида бўлиб ўтади.

3. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартиби:

– Н. вилоят давлат солиқ инспекцияси: келтирган талабларини асослайдиган асл нусхадаги ҳужжатларни тақдим этсин;

– Н. вилоят давлат солиқ инспекцияси ва ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасига бир ҳафта ичида тугатиш бошқарувчиси номзодини тақдим этсин;

– мазкур ажрим нусхасини томонларга, ҳокимиятга ва суд ҳужжатларини ижро қилиш Департаменти Н. вилоят бўлимига ва ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Н. вилояти ҳудудий бошқармасига юборсин;

– иш бўйича суд муҳокамасида иштирок этувчи шахсларни аниқласин.

4. Томонларга тушунтирилсинки: ЎзР ХПК 55-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Агар далилни сақлаётган шахс сўралаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини хўжалик суди узрсиз деб топган сабабларга кўра бажармаса, бу шахсга ЎзР ХПК 56-моддасига кўра, энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорида жарима солинади; агар давогар суд муҳокамаси вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинишига қарамасдан хўжалик суди мажлисига келмаса, даъво аризаси кўрилмасдан қолдирилади.

Судья _____

Қонуннинг 189-моддаси шарҳига илова

Илова № 1

Ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги суд қарори

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди судьяси _____ раислигида, _____ нинг котиблигида, Н. вилоят давлат солиқ инспекциясининг МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС»ни банкрот деб топиш (соддалаштирилган таомилга кўра) ни сўраб тақдим қилган аризасини даъвогар вакили _____ иштирокида, очиқ суд мажлисида, кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС» 2004 йилда ташкил этилган бўлиб, Н. вилояти ҳокимиятининг 2004 йил 19 майдаги қарори билан мазкур МЧЖ нинг таъсис ҳужжатлари 2408 сон билан рўйхатга олинган. МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС»нинг таъсисчиси ҳамда директори Н.Е. Машрапова бўлиб, корхонанинг асосий фаолияти қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришдан иборат.

МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС» нинг молиявий-хўжалик фаолиятининг таҳлил қилиниши натижасида, 2009 йилнинг 17 ноябрь ҳолатида корхона солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича давлат бюжети олдида умумий қиймати 1864612 сўмни ташкил этадиган қарзи мавжудлиги ва 2009 йилнинг февраль ойидан бошлаб корхона молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги аниқланган. Қарздор юридик манзилида мавжуд эмас ҳамда мол-мулкларга ҳам эга эмас. Маҳалла фуқаролар йиғинининг 2009 йил 24 ноябрдаги 1156-сонли маълумотномасига кўра МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС» раҳбари Н.Е. Машрапова 2009 йилнинг май ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетганлиги муносабати билан рўйхатга олинган манзилда истиқомат қилмайди.

Қарздорнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар олдидаги мажбуриятини асоссиз бажармаганлиги сабабли, солиқ органи мазкур қарздорни банкрот

деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўраб судга мурожаат қилган.

Даъвогарнинг суддаги вакили ариза талабларини маъқуллаб, қуйидагиларни баён қилди: қарздор томонидан тўланмаган солиқ ва мажбурий тўловларни ундириш мақсадида Давлат солиқ инспекцияси хўжалик судига мурожжат қилган ва суднинг 2009 йил 28 августдаги қарори билан даъво қаноатлантирилиб, тўланмаган 1650000 сўм миқдоридаги қарз қарздорнинг мол-мулкига қаратилган. Бироқ қарздор ҳозир бўлмаганлиги сабабли суднинг мазкур қарори ижро қилинмай, суд ижрочиси томонидан ижро варақаси қайтарилган.

Қарздор томонидан вакил судда ҳозир бўлмади. Қарздорнинг манзилига ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида суд томонидан юборилган хабар қазрдор кўрсатилган манзилда ҳозир бўлмаганлиги сабабли почта алоқалари органи томонидан қайтарилган.

Давлат солиқ инспекцияси вакилининг фикрларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд даъвогар талабларини асосли деб топиб, қуйидаги асосга кўра аризани маъқуллашни лозим топади:

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 4-моддасига кўра, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлиги аломатлари деб эътироф этилади.

Иш ҳужжатларидан маълум бўладики, қарздор 2009 йилнинг февралидан буён молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширмайди, 2009 йил 17 ноябрь ҳолатида корхонанинг солиқ ва мажбурий тўловлар учун давлат бюжети олдида 1864612 сўмлик қарзи мавжуд бўлиб, мол-мулкка эга эмас, шунга кўра қарздор солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мабуриятларни бажаришга қодир эмас.

Қарздорнинг Н. вилояти давлат солиқ инспекциясидан бошқа кредиторлари мавжуд эмас.

АТБ «Х» Н. вилояти филиалининг 2009 йил 25 ноябрдаги №ОС/02/1856-сонли маълумотномасига кўра, қарздорнинг ҳисоб рақамида пул маблағлари мавжуд эмас ва 172428028 сўмлик 2- картотека мавжуд.

Н. вилояти хўжалик суди томонидан 2009 йил 29 сентябрда қарздорнинг тўламаган 1650000 сўм қарзини ундириш унинг мол-мулкига қаратилиши тўғрисида тақдим қилган ижро варақаси (иш №_____) қарздорнинг мол-мулки мавжуд бўлмаганлиги сабабли суд ижочиси томонидан ижросиз қайтарилган.

Қонуннинг 188-моддасига кўра, ўз фаолиятини тугатган қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки тугатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг тураржойини (яшаш жойини) аниқлашнинг им-

кони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан қатъий назар, кредитор, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли орган, шунингдек, прокурор томонидан берилиши мумкин.

Олий хўжалик судининг 2006 йил 27 январдаги «Айрим масалалар юзасидан хўжалик судлари томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Пленум қарори 35-бандига кўра, қарздорнинг ҳозир бўлмаганлиги деганда нафақат раҳбарнинг ҳозир бўлмаганлик факти, шуниндек, хўжалик юритувчи субъект мол-мулкининг ҳозир бўлмаслиги ҳам тушунилади. Мазкур ҳолат қарздорнинг тураржой (почта манзили) манзили бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, тураржой эгаларининг бирлашмалари, тураржой ёки нотураржой эгалари ва (ёки) суд бошқарувчиси томонидан тузилган актга кўра ёхуд қарздорнинг мол-мулки ҳозир бўлмаганлиги муносабати билан ижро варақасини ижросиз қайтариш тўғрисидаги суд ижрочисининг қарори билан тасдиқланиши мумкин.

Маҳалла фуқаролар йиғинининг 2009 йил 24 ноябрдаги 1156-сонли маълумотномасига кўра МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС» раҳбари Н.Е. Машрапова 2009 йилнинг май ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетганлиги муносабати билан рўйхатга олинган манзилда яшамайди.

Давлат солиқ инспекцияси ходимининг қарздорнинг юридик манзили жойлашган бинонинг баланс юритувчиси билан биргаликда тузган актига кўра, қарздор юридик манзили бўйича ҳозир эмас ва мол-мулки ҳам мавжуд эмас.

Бундай ҳолатларда, мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, мазкур тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаганлигини инобатга олиб, суд даъвогар талабларини асосли деб топиб, суд харажатларини қарздордан ундириш шарти билан ариза талабларини қаноатлантиришни лозим топди.

Юқорида баён қилинганларга ҳамда ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4, 5, 50, 124, 188 ва 189-моддалари ва ЎзР ХПК.95, 135, 138-моддаларига асосланиб суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Н. вилоят давлат солиқ инспекциясининг МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС»ни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин.

МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС» банкрот деб топилсин ва тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

МЧЖ «ХХХ–ПЛЮС»дан:

– _____ сўм миқдоридаги давлат божи республика бюджети фойдаси (судларни ва адлия органларини ривожлантириш Фонди)га;

– Н. вилоят давлат солиқ инспекцияси фойдасига _____ сўм почта харажатлари учун ундирилсин.

Ижро варақаси тақдим этилсин.

Н. вилоят давлат солиқ инспекцияси бир ҳафталик муддат ичида тугатиш бошқарувчиси номзодини тақдим этсин.

Ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Н. вилояти хўжалик судига апелляция шикояти келтирилиши мумкин.

Судья _____

Илова № 2

Банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ва умумий таомилга ўтиш тўғрисидаги суд ажрими

Н. ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИ

АЖРИМ

(Банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ва умумий таомилга ўтиш тўғрисида)

_____ ш. 20 сентябрь 2009 йил _____-сонли иш

Н. вилояти хўжалик суди, раислик этувчи судья _____, суд мажлиси котиби _____, суд бошқарувчиси С.А.Тошниёзов ҳамда давлат солиқ инспекцияси вакили _____ иштирокида, очиқ суд мажлисида тугатиш комиссияси Н. вилоят давлат солиқ испекциясининг МЧЖ «ХХХ»ни банкрот деб (соддалаштирилган таомилга кўра) топишни сўраб тақдим қилган аризасига кўра қўзғатилган иш бўйича банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиб, умумий таомилга ўтиш тўғрисидаги илтимосномасини ўрганиб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И :

Н. вилоят хўжалик суди 2010 йил 3 январда Н. вилоят давлат солиқ инспекциясининг ҳозир бўлмаган қарздор МЧЖ «ХХХ» ни банкрот деб топишни сўраб тақдим қилган аризасини кўриб чиққан. Ишни судда кўриш жараёнида аниқланишича, қарздор ҳеч қандай мол-мулкка эга эмас, унинг раҳбари эса 2009 йилнинг май ойидан буён Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб

кетганлиги сабабли рўйхатга олинган тураржойида яшамайди. Шунга кўра, хўжалик судининг қарори билан МЧЖ «ХХХ» банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритуви бошланган.

Суднинг 2010 йил 10 январдаги ажрими билан банкротлик ишлари бўйича давлат органи тақдим қилган номзод, 3-даражали суд бошқарувчиси С.А. Тошниёзов тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

Тугатишга доир иш жараёнида суд бошқарувчиси томонидан қарздорнинг МЧЖ «Х–консалтинг» устав фондида 51 фоизли мол-мулк ҳиссаси борлиги аниқланган, шунга кўра судга қарздорга нисбатан банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиб, умумий таомилга ўтиш ҳақида илтимоснома тақдим қилган.

Суд мажлисида суд бошқарувчисининг баён қилишига кўра, бухгалтерия ишларига оид ҳужжатлар ўрганилганда МЧЖ «Х–консалтинг» устав фондига 12 млн сўм миқдоридаги маблағ ўтказилганлиги аниқланган ва МЧЖ «Х–консалтинг» бошқарув органига мурожаат қилинганда қарздоринг мазкур корхонада 51 фоиз улуши борлиги аниқланган.

Давлат солиқ инспекцияси суд бошқарувчисининг илтимосномасини маъқуллаб, қаноатлантиришни сўради.

Суд бошқарувчиси ва Давлат солиқ инспекцияси вакилининг фикрларини тинглаб, суд мазкур илтимосномани қуйидаги асосларга кўра қаноатлантиришни лозим топади:

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) 189-моддаси бешинчи қисми талабларига кўра, тугатиш бошқарувчиси ҳозир бўлмаган қарздорнинг мол-мулкини аниқлаган тақдирда хўжалик суди мазкур бошқарувчининг илтимосномасига биноан банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ҳамда банкротликнинг ушбу Қонунда назарда тутилган умумий таомилларига ўтиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Иш ҳужжатларидан маълум бўладики, Н. вилояти хўжалик судининг 2010 йил 3 январидаги қарорида қарздор ҳеч қандай мол-мулкка эга эмаслиги, унинг раҳбари эса 2009 йилнинг май ойидан буён Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетганлиги сабабли рўйхатга олинган тураржойида яшамаслигини инобатга олиб «ХХХ–ПЛЮС» банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида суд бошқарувчиси томонидан қарздорнинг МЧЖ «Х–консалтинг» устав фондида 51 фоизли мол-мулк ҳиссаси борлиги аниқланган, шунга кўра судга қарздорга нисбатан банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиб, умумий таомилга ўтиш ҳақида илтимоснома тақдим қилган.

Бундай ҳолатларда, агар қарздорнинг бошқа хўжалик юритувчи субъект устав фондида ҳиссаси борлиги аниқланса ва банкротлик жараёнида кўриладиган чора-тадбирларни амалга оширишга имкон берса, суд илтимосномани қаноатлантиришни маъқул топади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонун 189-моддаси ва ЎзР ХПК 151-моддасига асосланиб суд,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Тугатиш бошқарувчиси илтимосномаси қаноатлантирилсин.

«ХХХ-–ПЛЮС» МЧЖ га нисбатан банкротликнинг соддалаштирилган таомили бекор қилинсин ва умумий таомилга ўтилсин.

Тугатиш бошқарувчиси тугатишга доир иш юритувни «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун талабларига кўра олиб борсин ва 2010 йил 1 июнига қадар судга тугатишга доир иш юритув олиб борилганлиги ҳақидаги ҳисоботни тақдим этсин.

Судья _____

СХЕМАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИГА

КУЗАТУВ



Кузатув муддати – кўпи билан 2 ой (49 м.)

(Мазкур муддат суднинг ажрими билан 2 ойгача узайтирилиши мумкин.)


СУД САНАЦИЯСИ
Суд санацияси муддати – кўпи билан 24 ой (78 м. 4 қ.)
Суд санацияси муддатини 6 ойгача узайтириш (78 м. 4 қ.)
Суд санацияси жорий этиш ва санация қилувчи бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажрими (78 м. 1-2 қ.)
Суд санацияси режасини бажариш (83 м. 1-2 қ.)
Қарзни узиш жадвалига мувофиқ кредиторлар талабларини қондириш (83 м. 3-4 қ.)
Суд санациясининг муддатидан олдин тамомланиши (85 м. 1 қ.)
Хисоботни тасдиқлашни рад этиш (85 м. 2 қ. 3 хат.)
Хисоботнинг тасдиқланиши (85 м. 2 қ. 3 хат.)
Иш юритишни тугатиш (85 м. 4 қ.) (87 м. 3 қ. 2 хат.)
Суд санациясининг тамомланиши (85 м. 1 қ.)
Хисоботни тасдиқлашни рад этиш (87 м. 3 қ. 3 хат.)
Ташқи бошқарувни жорий этиш (87 м. 4 қ., 86 м. 5 қ.)
Суд санациясини муддатидан олдин тугатиш (85 м. 1 қ.)
Кредиторлар йиғилиши томонидан хисоботнинг кўриб чиқилиши (86 м. 3 қ.)
Суд томонидан кредиторлар йиғилиши илтимосномасининг кўриб чиқилиши (ч.4 ст.86)
Банкрот деб топиш (87 м. 4 қ., 86 м. 5 қ.)
Суд томонидан қарздор мажбуриятларини бажариш ҳақидаги ажрим чиқарилиши ва муддат белгиланиши (88 м. 1 қ.)
Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган шахслар томонидан мажбуриятларнинг бажарилиши (88 м. 2 қ.)
Суд томонидан хисоботнинг кўриб чиқилиши (89 м. 2 қ.)
Хисоботнинг тасдиқланши (89 м. 2 қ. 2 хат.)
Иш юритишни тугатиш (89 м. 2 қ.)
Хисоботни тасдиқлашни рад этиш (89 м. 2 қ.)
Ташқи бошқарувни жорий этиш (89 м. 2 қ.)
Банкрот деб топиш ва тугатишга оид иш бритишни бошлаш
Келишув битимини тасдиқлаш натижасида иш юритишни тугатиш (150 м. 1 қ.)
Қарздор мажбуриятлари таъминотини тақдим этган шахслар мавжуд бўлган ҳолларда қўлланиладиган тамойиллар

ТАШҚИ БОШҚАРУВ



ТУГАТИШГА ДОИР ИШ ЮРИТИШ

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРНИНГ БАНКРОТЛИГИ



БАНКРОТЛИКНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАОМИЛЛАРИ (ТУГАТИЛАЁТГАН ЮРИДИК ШАХСЛАР)



ҲОЗИР БЎЛМАГАН ҚАРЗДОРНИ БАНКРОТ ДЕБ ТОПИШНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАОМИЛЛАРИ



МАВЗУЛИ КЎРСАТКИЧ

Ажрим

қарздор мол-мулкини хатлаш тўғрисида 876

қарздорнинг аризасига кўра банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақида суд ажрими 614

қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисида 137, 160, 719

қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида 729

қарзларни узиш режасини тасдиқлаш тўғрисидаги суд ажрими 867

қарзни узиш жадвалига ўзгартишлар киритиш тўғрисида 169, 724

аризани қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ажрим 107, 614, 616, 618, 620, 622, 624, 864

иш юритишни тугатиш ҳақида 235, 238, 680, 778, 784

келишув биримини тасдиқлаш ва иш юритувини тугатиш тўғрисида 785

кредиторлар йиғилиши қарори устидан шикоят бериш тўғрисидаги кредитор аризасини қаноатлантириш тўғрисидаги суд ажрими 601

муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисида 97, 131, 137, 701

суд бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисидаги суд ажрими 610

суднинг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрими 732

суд санациясини тамомлаш тўғрисида 748

тавсия қилинган суд бошқарувчиси номзодини тайинлашни рад этиш тўғрисида суд ажрими 608

ташқи бошқарув муддатини қисқартириш тўғрисидаги ажрим 762

ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисида 764

тугатилаётган юридик шахсга нисбатан банкротлик ишини қўзғатиш тўғрисидаги суд ажрими 895

шаҳарни ташкил этувчи корхонага нисбатан банкротлик ишини қўзғатиш тўғрисидаги суд ажрими 848

Апелляция шикояти 536

Ариза

қарздорнинг аризаси 43, 87, 881

қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси 45

банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси 93, 94, 102, 638

давлат солиқ хизмати органининг ва бошқа ваколатли органнинг аризаси 94

кредиторнинг аризаси 90, 91

прокурорнинг аризаси 96

Ахборот

санация қилувчи бошқарувчининг суд санацияси режасининг татбиқ этилиш жараёни ҳақида кредиторлар йиғилишига ахбороти 518

Баённома

кредиторлар йиғилишининг қарздор мол-мулкини сотиш учун кимошди савдосини ўтказиш шакли (очиқ, ёпиқ), бошланғич нархи ва шартлари ҳақидаги қарори 551

кредиторлар йиғилишининг келишув битими тузиш тўғрисидаги баённомаси 475

кредиторлар йиғилишининг кредиторлар қўмитаси аъзоларини сайлаш тўғрисидаги баённомаси 478, 491

кредиторлар йиғилишининг суд санациясини тасдиқлаш ва қарзларни қоплаш жадвалини маъқуллаш ҳақидаги баённомаси 482

кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарув муддатини қисқартириш ҳақидаги қарори 525

кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги баённомаси 480

кредиторларнинг биринчи йиғилиши баённомаси 514

Банкротлик

банкларнинг банкротлиги 860

банкротлик таомиллари 73

банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи 70

банкротлик аломатлари 39, 73, 392

банкротлик (иқтисодий ночорлик) 37

банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар 84

банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари 35

суғурталовчининг банкротлиги 862

қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банкротлиги 858

ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги 900

Бухгалтерия баланси 89, 171, 173, 175, 232, 632

Вакил

муассислар вакили 525, 527

қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили 39, 46, 60, 86, 88, 146, 147, 207, 209

қарздор ходимларининг вакили 39, 46, 60, 87, 126, 128, 147, 209

Ишлаб чиқаришни рақобатбардош маҳсулот чиқаришга мослаб қайта ихтисослаштириш 79

Келишув битими 37, 46, 50, 54, 73, 74, 75, 102, 103, 121, 151, 165, 192, 215, 218, 232, 234, 235, 241, 273, 274, 275, 276, 277, 279, 280, 281, 283, 284, 285, 286, 287, 288, 308, 312, 319, 321, 432, 449, 450, 475, 476, 477, 596, 597, 713, 781, 786, 787, 824, 825, 826, 828, 829, 831, 832, 835, 836, 838, 839, 841, 842, 844, 845, 847, 884, 885, 886, 887, 890

келишув битимининг мазмуни 278

келишув битимининг шакли 277

келишув битимини тузиш тартиби 273

Кредиторлар 37

кредиторлар билан ҳисоб-китоблар 260

кредиторлар йиғилиши 47, 48, 50, 52, 53, 54, 63, 66, 117, 130, 148, 173, 174, 175, 183, 189, 191, 206, 207, 208, 209, 210, 221, 226, 227, 234, 264, 416, 434, 476, 478, 484, 485, 486, 514, 516, 549, 559, 561, 568, 601, 602, 603, 604, 605, 606, 609, 612, 704, 725, 767, 769, 770, 786, 804, 836

кредиторлар йиғилишининг қарори 54

кредиторлар қўмитаси 37, 59

кредиторларнинг талабларини қондириш навбати 254

кредиторларнинг талаблари реестри 56, 484, 509, 510, 516

кредиторлар қўмитаси 478, 489, 491, 516

Кузатув

кузатув 37, 61, 64, 73, 74, 98, 99, 107, 108, 110, 119, 120, 121, 126, 131, 132, 133, 134, 135, 136, 137, 138, 139, 140, 141, 142, 143, 144, 146, 151, 169, 170, 183, 186, 187, 201, 203, 269, 274, 276, 277, 281, 286, 300, 301, 308, 310, 313, 384, 385, 386, 388, 392, 412, 449, 482, 487, 499, 500, 501, 505, 506, 507, 508, 509, 510, 513, 525, 527, 545, 584, 614, 615, 617, 618, 619, 620, 621, 622, 623, 625, 642, 644, 645, 649, 652, 655, 658, 659, 661, 664, 665, 668, 670, 673, 675, 676, 687, 688, 689, 692, 693,

694, 698, 699, 701, 703, 704, 705, 706, 707, 710, 713, 715, 730, 742, 745, 749, 756, 759, 762, 765, 767, 772, 774, 775, 824, 831, 832, 835, 838, 841, 844, 846, 847, 849, 851, 852, 853, 861, 863, 865, 866

кузатувни жорий этиш 131

кузатувни тугатиш 150

Мажбурий тўловлар 37, 38, 39, 40, 42, 43, 45, 52, 53, 56, 69, 78, 80, 87, 94, 95, 105, 159, 161, 168, 186, 187, 188, 206, 229, 232, 240, 245, 255, 260, 261, 267, 268, 270, 271, 273, 274, 275, 279, 289, 312, 388, 391, 392, 416, 449, 480, 490, 512, 518, 521, 539, 541, 564, 626, 627, 629, 630, 640, 641, 652, 653, 654, 656, 668, 678, 698, 699, 713, 714, 716, 722, 730, 742, 745, 749, 756, 759, 770, 771, 774, 887, 890, 893, 898, 902, 903, 904

Манфаатдор шахслар 61

Мораторий 38, 186, 187, 188

Муваққат бошқарувчи 135, 137

Овоз бериш бюллетени 486

Пул мажбурияти 38, 90, 161, 635

Санация қилувчи бошқарувчи 163, 727, 739

Суд бошқарувчилари

суд бошқарувчилари 62

суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари 65, 66

суд бошқарувчисининг жавобгарлиги 66

Суд санацияси

суд санацияси 38, 46, 59, 60, 61, 64, 70, 73, 74, 76, 99, 103, 111, 112, 113, 117, 120, 121, 122, 125, 126, 149, 151, 152, 153, 154, 155, 156, 157, 158, 159, 160, 161, 162, 163, 164, 166, 167, 168, 169, 170, 171, 172, 173, 174, 175, 176, 177, 178, 179, 181, 186, 187, 188, 201, 211, 265, 266, 274, 275, 276, 281, 286, 292, 293, 299, 300, 301, 308, 313, 386, 389, 395, 480, 481, 482, 483, 489, 509, 518, 520, 521, 522, 523, 524, 609, 658, 659, 660, 661, 662, 682, 685, 699, 700, 712, 713, 717, 718, 720, 721, 722, 724, 725, 726, 727, 728, 729, 730, 731, 732, 733, 735, 736, 737, 738, 739, 740, 741, 742, 743, 744, 745, 746, 748, 749, 750, 751, 752, 753, 755, 756, 757, 758, 759, 760, 816, 817, 854, 855, 859, 925

суд санациясини жорий этиш 157

суд санацияси режаси 167, 168, 387, 389, 482, 483, 519, 717

Судгача санация қилиш 38, 70, 72, 76, 77, 79, 80, 81, 82, 130, 300, 700

судгача санация қилишнинг асосий чора-тадбирлари 79

Суддан ташқари бажариладиган таомиллар 76

Ташқи бошқарув 38, 46, 59, 60, 61, 64, 71, 73, 74, 76, 99, 103, 111, 117, 121, 122, 125, 126, 142, 151, 158, 164, 168, 175, 181, 183, 208, 475, 481, 663

ташқи бошқарувга ўтиш имконияти 265

ташқи бошқарув режаси 205, 207, 209, 230, 291, 424, 425, 426, 427, 428, 434, 436, 476, 526, 528, 529, 547, 772

Тугатилаётган юридик шахс банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари 895

Тугатиш бошқарувчиси 246

Тугатишга доир иш юритиш 243, 244, 245, 246, 249, 252, 256, 257, 259, 260, 261, 262, 263, 265, 267, 268, 269, 270, 271, 272, 273, 274, 275, 276, 281, 299, 305, 308, 310, 311, 312, 447, 448, 474, 481, 516, 570, 579, 580, 581, 585, 586, 590, 594, 595, 596, 598, 600, 601, 605, 654, 678, 679, 682, 684, 685, 686, 688, 689, 690, 693, 694, 695, 698, 699, 714, 737, 738, 745, 747, 749, 761, 773, 774, 782, 798, 804, 808, 809, 810, 813, 816, 819, 820, 821, 822, 828, 888, 891, 893, 899, 904, 906

Тугатиш массаси 250

Тўлов муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўла ёки қисман сотиб олиш 79

Устав фондида давлат улуши бўлган корхонанинг банкротлиги 129

Хабарнома 487, 600

Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш 79, 80

Четдан юқори малакали мутахассисларни жалб этиш 79, 80

Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона 38, 41, 291, 297

Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона банкротлиги 289

Шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқаруви 291, 293

Қарздор 38

Қарздор мол-мулкининг инвентаризацияси 166

Қарздорнинг мол-мулкини баҳолаш 251

Қарздорнинг мол-мулкини сотиш 256, 257

Қарздор юридик шахсни қайта ташкил этиш 79, 80

Қарзни узиш жадвали 86, 152, 153, 154, 155, 156, 157, 166, 167, 168, 169, 170, 173, 174, 175, 386, 387, 389, 394, 717, 720, 722, 724, 726, 727, 729, 730, 732, 733, 735, 736, 739, 741, 742, 744, 746, 748, 749, 752, 753, 755, 756, 759, 760

Қишлоқ хўжалиги корхонаси 39

Ҳал қилув қарори

қарздор мол-мулки эгасининг илтимосномаси бўйича қарздорга нисбатан суд санациясини жорий этиш ҳақида суднинг қарори 715

қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор 735, 744

кредиторларнинг биринчи йиғилишида банкротлик таомилларидан бирини қўллаш ҳақида қарор қабул қилинмаганлиги боис қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги суднинг қарори 712

ташқи бошқарув режаси тақдим қилинмаганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувини бошлаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори 772

БАНКРОТЛИККА ОИД НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ:

а) Қонунлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сон, 1-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда; 1998 й., 5–6-сон, 102-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 9-сон, 229-модда; 2001 й., 1–2-сон, 23-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 37-сон, 408-модда; 2006 й., 14-сон, 110-модда; 39-сон, 385-модда; 2007 й., 1-2-сон, 3-модда; 3-сон, 21-модда; 14-сон, 132-модда; 15-сон, 154-модда; 31-32-сон, 315-модда; 50–51-сон, 506-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2009 й., 39-сон, 423-модда; 2010 й., 37-сон, 313, 315-моддалар; 38-сон, 328-модда.*

2. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси. Мазкур Кодекс Ўзбекистон Республикасининг 30.08.1997 йил 478-I-сон Қонуни билан тасдиқланган. 01.01.1998 йилдан эътиборан амалга киритилган. // *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 234-модда; 1998 й., 5–6-сон, 102-модда; 2001 й., 1–2-сон, 11-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 9–10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28–29-сон, 261-модда; 2007 й., 31–32-сон, 315-модда; 2008 й., 40–41-сон, 406-модда; 52-сон, 513-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда; 2010 й., 22-сон, 174-модда; 2011 й., 16-сон, 162-модда.*

3. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги «Банкротлик тўғрисида»ги 474-II сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 5-сон, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 51-сон, 375-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 15-сон, 176-модда, 37-сон, 403-модда; 2010 й., 37-сон, 315-модда; 2011 й., 40-сон, 411-модда.

б) Президент фармон ва қарорлари:

1. ЎзР Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4053-сон Фармони // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 47-сон, 461-модда; 2010 й., 17-сон, 130-модда.*

2. ЎзР Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ф-4010-сон Фармо-

йиши // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 49-сон, 479-модда; 2009 й., 41-сон, 441-модда; 2010 й., 17-сон, 130-модда.*

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 26 февралдаги ПФ-4191-сон Фармони // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 9-сон, 66-модда.*

4. ЎзР Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2010 йил 2 мартдаги ПҚ-1293-сон Қарори // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 9-сон, 67-модда.*

с) Вазирлар Маҳкамаси қарорлари:

1. ЎзР ВМнинг 1999 йил 26 июлдаги «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги 362-сон қарори// *Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 42-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 7-сон, 36-модда; 2003 й., 7–8-сон, 62-модда; 12-сон, 99-модда; 2004 й., 3-сон, 32-модда, 7-сон, 82-модда; 2005 й., 30–31-сон, 235-модда, 32–33-сон, 251-модда; 2006 й., 1-сон, 2-модда; 2010 й., 17-сон, 130-модда*

2. ЎзР ВМнинг 2003 йил 18 апрелдаги «Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 188-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 7–8-сон, 62-модда; 17-18-сон, 148-модда; 2004 й., 3-сон, 32-модда; 7-сон, 82-модда; 2005 й., 30-31-сон, 235-модда; 32–33-сон, 251-модда; 34–36-сон, 263-модда; 2006 й., 1-сон, 2-модда; 2008 й., 52-сон, 522-модда; 2010 й., 17-сон, 130-модда; 44-45-сон, 385-модда.

3. «Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 23 мартдаги 138-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 12-сон, 142-модда, 2005 й., 32–33-сон, 251-модда; 2010 й., 17-сон, 130-модда; 44–45-сон, 385-модда.

4. 2009 йил 11 июндаги ЎзР ВМнинг ««Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотларни эълон қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 160-сон Қарори // *Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 24-сон, 274-модда; 2010 й., 37-сон, 322-модда.*

д) Банкротлик ишлари бўйича давлат органи қарорлари:

1. ЎзР Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2006 йил 9 октябрдаги «Ташкиллаштирилган биржадан ташқари

савдоларда кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги № 01/23–18/04, 14, 4 қарори // *Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46–47-сон, 466-модда.*

2. Банкрот корхоналарнинг арзонбаҳо, тез ишдан чиқадиган мол-мулкини, хом ашё ва тайёр маҳсулот қолдиқларини сотиш бўйича Низом. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар қўмитасининг раиси томонидан 1999 йил 12 октябрда тасдиқланган // *ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 26 ноябрда 842-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.*

3. ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг 2005 йил 16 мартдаги «Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ГС-05/0271/1-сон қарори // *(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 15–16-сон, 119-модда).*

4. ЎзР Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2006 йил 15 майдаги «Суд бошқарувчиларининг аттестация комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1-сон қарори // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 24-сон, 220-модда.*

5. ЎзР Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва ЎзР МБ бошқарувининг 2006 йил 7 июлдаги «Санация қилинаётган корхона махсус санация ҳисобварағининг ишлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори // *Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 43–44-сон, 437-модда; 2010 й., 35–36-сон, 306-модда.*

6. ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2011 йил 16 мартдаги «Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 3-сон қарори // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 18-сон, 185-модда.*

е) ЎзР Олий хўжалик суди Пленумининг қарорлари

1. ЎзР ОХСПнинг «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги *қарори //* (ОХСПнинг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори, 2008 йил 30 октябрдаги 189-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан)

...бўйича мажбуриятини бажаришдан қочиш мақсадида қасддан ўзини-ўзи тугатиши, дейилганда қарздорга ёки кредиторларга зарар етказган мансабдор шахсларнинг ёки қарздор мол-мулки эгасининг ёхуд кредиторлар ёки бошқа

шахсларнинг қасддан қилган ҳаракатлари билан боғлиқ қоидабузарликлар тушунилади.

...суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари қўлланилмайди.

...суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари қўлланилмайди.

...хусусидаги талаблар, алимент ундириш тўғрисидаги талаблар, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлашга ва муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўлашга оид ҳисоб-китоблар назарда тутилган талаблар.

...жорий этилган пайтдан эътиборан мижозларнинг қолган қимматли қоғозлари, агар ташқи бошқарувчининг ёки тугатиш бошқарувчисининг мижозлар билан келишувида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, мижозларга қайтарилиши лозим.

...таомилларининг ушбу Қонун билан тартибга солинмаган ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари қонунда белгилаб қўйилиши мумкин.

...азарда тутилган шахслардан ташқари, суғурта фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи ҳам иштирок этувчи шахс деб ҳисобланади.

...тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш.

ЭСЛАТМА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ-4483-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига* асосан тугатилаётган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил қилинди.

Мазкур фармоннинг 3 бандига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан, мазкур қўлланмада Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Антимонопол қўмита, Банкротлик ишлари бўйича давлат органи тушунчалари қўлланганда, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси назарда тутилади.

---

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 46–47-сон, 521-модда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ:

Шарҳ ва ҳужжатлар намуналари

Амалий қўлланма

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2013

Муҳаррир *Г. Хаитова*
Бадиий муҳаррир *Т. Қаноатов*
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*
Саҳифаловчи *Л. Цой*
Мусаҳҳиҳлар: *М. Зиямуҳамедова, Ш. Хуррамова*

Нашр лицензияси AI № 201, 28.08.2011 йил

Теришга берилди 04.12.2012. Босишга 11.02.2013 рухсат этилди.
Бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. «Times New Roman» гарнитураси. Офсет босма.
Шартли босма табоғи 74,8. Нашриёт-ҳисоб табоғи 61,5.
Иккинчи завод 4000 нусха. Буюртма № 2818.
Баҳоси шартнома асосида.

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.